


ШАРАФУДДИН АЛИ ЙАЗДИЙ

Зафарнома



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1997

Ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган нашрда — «Зафарнома»дек табарруқ ва буюқ асарнинг 1516 йилдаги таржимасида солиноманинг форсча матнига ишланмиш турли мактабларга мансуб миниатюралар зарвараги илова этилди.

Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари:

*АШРАФ АҲМАД
ҲАЙДАРБЕК БОБОБЕКОВ*

Масъул муҳаррир: *БАРНОБЕК ЭШПЎЛАТОВ*

НОШИРЛАР ВА МАТБААЧИЛАР ГУРУҲИ:

*Ислом ШОҒУЛОМОВ — (раҳбар)
Тухтасин БОБОЖОНОВ,
Одилжон РАҲИМОВ,
Журакул АЗИЗОВ,
Бобур А.ТИМОВ,
Ахрор АҲМЕДОВ,
Ибодулла ШОЙМАРДОНОВ,
Оттабек ҒУЛОМОВ,
Ғуломжон ҲАКИМОВ,
Муҳаббат АСЛОНОВ,
Роза БЛЯЗИТОВА,
Абдулла ЗОКИРОВ,
Аваз БОБОХОНОВ,
Шорустам ШОТУРСУНОВ,
Маҳмуд МУНАВВАРОВ,
Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,*

*Ҳаловат СУЛТОНОВА,
Гулиора ЗОКИРОВА,
Галина ЖУКОВА,
Татьяна БУХАРИЦЕВА,
Максим БАЦЕВ,
Рая ЕРЖОКОВА,
Вадим РЕЗНИЧЕНКО,
Абдукарим НИШОНОВ,
Зайнутдин ЗИЯМОВ,
Ҳикмат АҲМЕДОВ,
Марат КАЛИМУЛИН,
Татьяна ОҒАЙ,
Вера БАЛОВА,
Борис ЦОЙ,
Раҳим РАЖАБОВ,
Айта НУРДАВЛАТОВА.*

СУЗ БОШИ

Азиз ватандошлар! Биз ажиб бир замонда яшаяпмиз. Яқин йилларгача буюк бобомиз Амир Темур ҳақида китоб ёзиш у ёқда турсин, ҳатто номини айтишдаёқ қўрқа-писа олазarak бўлинарди. Мустақилликка эришишимиз шарофати билан аҳвол бутунлай ўзгарди. Бугун пойтахтимизнинг марказий хиебонини бобомизнинг ҳайкали безаб турибди. Бултур 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш ҳақида Президентимизнинг Фармони эълон қилинди. Унда «Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улут давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси соҳибқирон Амир Темур» деган виқорли иборалар бор. Бу сўзлар, биз, кўп йиллардан бери орау қилган кунлар келганидан далолат беради. Уша Фармоннинг бандларида Ўзбекистон нашриётлари Амир Темур ва унинг даври фани, маданияти ва санъатига оид қўлёзма ва янги асарларни, шу жумладан, чет элларда нашр этилган адабиётлардан намуналарни нашр этишни ўз режасига киритиши ҳавола этилган бўлиб, бу бизга катта масъулият юклайди. Тангри таолога минг қатла шукурки, шу буюк воқеа туфайли кучимизга куч қўшилиб, ушбу китобни нашрга тайёрладик.

Амир соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти Марказий Осиё халқларининг тарихида том маънода инқилобий ўзгариш ясади. Бу ўзгаришлар шу қадар улкан тарихий аҳамиятга молик бўлдики, мана бир неча асрдирки, дунё олимлари томонидан Темур ва Темурийлар даври турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганиляпти. Темур ва Темурийлар даври тарихи, энг аввало, уларнинг ўзига замондош бўлган муаррихлар асарларида акс эттирилди. Булар эса ўз галида Темурнинг ҳарбий юришларида иштирок этган кишилар бўлган ёки улар шундай шохидларнинг кундалик ёзувларидан ва эсдаликларидан фойдаланганлар. Ана шундай кишилардан энг биринчиси Гиёсиддин Али ибн Жамол Йаздий «Ҳиндустоннинг газавоти рузнома»сини 1399 ва 1403 йиллар орасида ёзиб, Темурга тақдим этган. Лекин асар воқеаларнинг тавсифи нуқтаи назаридан ҳаққоний бўлса ҳам, ҳаддан ташқари хушомадгўйлик руҳида ёзилган бўлиб, Амирга ёқмаган. Бироқ, бу асар кейинроқ Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Йаздий асарларига асос вазифасини бажарган. Бу асарнинг матни нашр этилган¹ ва русча таржимаси ҳам чоп этилган².

Гиёсиддиннинг асари ёқмагани сабабли Амир Темур ҳижрий 804 /мелодий 1401-02 йили ўзи билан 1392 йилдан бери ҳарбий юришларида иштирок этган Низомиддин Шомийга содда тил билан ва сарой солномаларига асосланиб, унинг тарихини ёзишни буюради. Низомиддин 1404 йил ёзида асарини ёзиб тугатиб, Амир соҳибқиронга тақдим этади ва ватанига қайтишга руҳсат олади.

Биринчи бўлиб Низомиддин ўз асарини «Зафарнома» деб атади. Унда ҳижрий 806 йил охиригача, яъни мелодий 1404 йилнинг июлигача бўлган воқеалар акс эттирилган. Амир Темур ҳаётининг қолган қарийб саккиз ойига тааллуқли воқеалар ва вафотидан кейинги ойлардаги ҳодисалар унга кирмаган. Демак, шу нуқтаи назардан асарни мукамал деб бўлмайди.

Ана шундай энг мукамал асарни Шарафуддин Али Йаздий яратди. Шарафуддин ҳам Гиёсиддин Али каби Эронзаминдаги Форс вилоятининг шимолидаги Йазд шаҳрида туғилган. У обдон зукколиги ва донолиги билан Темурийларнинг диққатини ўзига жалб қилади. Шарафуддин бир неча йил Ҳиротда Шохрух мирзонинг ҳамда Форсда унинг кичик ўгли Иброҳим Султоннинг саройида хизмат қилади. У шеърят, фалсафа ва илми нўжумдан обдон хабардор олим эди. «Шараф» тахаллуси билан шеърлар битар эди. Шарафуддин ўз ҳаётида бажарган икки шарафли ишининг бири шу эдики, Улутбек ҳарбий юришларининг бирида ҳижрий 832/мелодий 1428-29 йили ёш мўғул хони Юнусхонни асир қилганида Шохрухнинг буйруғи билан Шарафуддин асир хоннинг устози этиб тайинланади. Шарафуддин бир муддат Юнусхон билан Йазда яшаб, унинг тарбияси билан шугулланади ва

¹ Дневник похода Тимура в Индию Гийас-ад-дина Али. С приложением соответствующих отрывков из «Зафарнама» Низам-ад-дина Шами. Издание Л. А. Зиминой, под ред. В. В. Бартольда, Петроград, 1915.

² Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Перевод с персидского, предисловия и примечания *А. А. Семенова. Москва, 1958.

афтидан, ўз билимларидан унга анча сингдира олган. Ана шу ёш хон кейинчалик Ҳиндистонда уч асрдан кўпроқ ҳукм сурган Темурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она тарафидан бўлажак бобоси эди.

Шарафуддин Али Йаздийнинг иккинчи ва асосий шарафли иши — унинг ўз «Зафарнома»сини яратishiдир. Шарафуддин асарининг дебочасида кўрсатишича, уни ҳижрий 828 йили/мелодий 1424-25 ёзиб тутатган. Шу тарих Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ҳам кўрсатилган¹. Асар Амирнинг муфассал ва шаҳзода Халил Султоннинг қисқача тарихидан иборат бўлиб, замондошларига ўта манзур бўлган. Бу асарга асос бўлган илк нусхани Темурнинг сарой кундаликлари ва бошқа манбалар асосида ва сарой котибларининг ёрдамида Иброҳим Султон ёзган. Бу нусхани қайта ишлаб ва яна бошқа манбалардан фойдаланиб Шарафуддин ўз «Зафарнома»сини яратган. Муаллиф ўз асарини биринчи мақола деб атайди ва Шоҳрухга аталган иккинчи мақола ҳамда Иброҳим Султонга аталган учинчи мақолани ёзишни ҳам режалаштириб қўяди. Бу ҳол матнда ҳам ўз аксини топган ва ўқувчи қўйида бунинг гувоҳи бўлади.

Асар турк хонларнинг шажараси ва Чингизхон тарихига бағишланган улкан (82 парақ) Муқаддима билан бошланган. Асар кўпдан-кўп шеърлар билан зийнатланган бўлиб, улар Шарафуддиннинг шахсий ижоди эканлиги шубҳасиз. Шуниси диққатга сазоворки, Шарафуддиннинг «ёрдами» билан Темур ҳам, унинг фарзандлари ва лашкарбошилари ҳам кўпинча баъзи воқеалар муносабати билан форсий шеърлар айтадилар. Шарафуддин баъзи руҳий кечинмаларини ҳам лирик чекиниш сифатида узундан-узун шеърлар билан ифодалайди. Шундай жойларда муаллиф ўқувчининг диққати ва вақтини суниестемол қилватгани сезилади. Чунки бундай саҳифаларда ҳарбий, сиёсий воқеаларнинг ривожланиши суғлашиб кетади. Ёки умуман тўхтайдди. Лекин талқин услуби қандайлигидан қатъи назар Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома»си Амир Темур тарихига бағишланган асарларнинг энг ҳақиқатга яқини ва энг мукаммали ҳисобланади. Шунинг учун ҳам асар ёзилганидан бери ўтган беш ярим асрдан ортиқ вақт ичида у қайта-қайта кўчирилган, турли Шарқ ва Ғарб тилларига ҳам тўла, ҳам қисман таржима қилинган ва бир неча марта нашр этилган. Шундай нашрларнинг энг мукаммали 1972 йили А. Уринбоев томонидан чоп этилган нусхавий танқидий матн ҳисобланади².

Эслатиш керакки, таржималар орасида Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан Шайбонийлар сулоласидан хон Кўчкунчиҳон (1510—1529) фармонида кўра 1519 йилда бажаришга ўзбекча таржима муҳим ўрин тутди. Асар эски ўзбекчага яна икки марта таржима этилган бўлиб, буларнинг биринчиси номаълум таржимон томонидан Йароқбий Қунғирот деган шахснинг буйруғига кўра 1550 йили бажаришга. Охириги ўзбекча таржимани 1826 йили Шермуҳаммад Муниснинг тавсияси билан Хевада Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Суфи Хевақий бажарган бўлиб, бу анча қисқартирилган таржимадир.

Муҳаммад Алининг ўзбекча таржимасига келсак, бу, бизнингча, том маънода ўзбек мумтоз насрининг илк буюк обидаларидан биридир. Биз қўйида кўрамикчи, бу асарнинг нафақат таржимаси, балки Шарафуддин шеърлигига тааллуқли айрим ерларда қайта ишланиши ҳам дейилмоғи керак.

Муҳаммад Али таржимаси ягона нодир нусхада мавжуд бўлиб, у Истанбулда, Нури Усмония кутубхонасида 3268 рақам билан сақланади. Бу ерга у турк султони Мустафо Учинчи томонидан ҳижрий 1171/мелодий 1757 йили вақф қилинган. Демак, қўлёзма у ерга олдинроқ бориб қолган. Қўлёзма ҳали теран ўрганилмаган. У ҳақда фақат венгер шарқшуноси Янош Экман 1964 йили қисқачагина маълумот келтирган³ ва ватандошимиз Миён Бузрук 1927 йили «Маориф ва ўқитувчи» журналида хабар берган⁴. Бироқ, қўлёзма саҳифаларида бир турк ўқувчисининг лотин ҳарфи билан ҳозирги турк тилида ёзган айрим сўзлари ва қатор белгилари ҳам бор. Шунга кўра бу қўлёзма ҳақида туркча бирор тадқиқот бўлса керак деб тахмин қилиш мумкин. Лекин уша «турк ўқувчиси» аслида Янош Экман бўлганлиги эҳтимол ҳам туғилди. ♪

Қўлёзма асл матни саҳифалари рақамланмаган. Лекин уша номаълум турк, асар билан қисқа фурсатда танишибди шекилли, уни рақамлаганига кўра қўлёзма 319 парақ бўлган.

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Таржимон ва нашрга тайёрловчи А. Уринбоев. Тошкент, «Фан», 1969, 337-саҳифа.

² Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Уринбоевники. Тошкент, «Фан», 1972. Шу нашрнинг IX-XX саҳифаларида ношир сўз бошида асарнинг қўлёзмалари ва сазлиш тарихи ҳақида муфассал маълумотлар келтирилган.

³ Eckmann J. Die tschagataische Literatur Philologia turcae fundamenta, t. 11, Leiden, 1964. 366-саҳифа.

⁴ Миён Бузрук. Ўзбек тарихига оид тўрт муҳим китоб. «Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1927, №№9—10, 56—60 бетлар.

«Қисқа фурсатда танишиш» дейишимизга сабаб шуки, асарни чевириб нашрга тайёрлаш жараёнида аниқтадикки, унинг кўплаб варақларини жилдланиш пайтида ўрни алмашган экан. Бу варақларни тартиби билан ўрнига қўйишда уларнинг ҳаммасини «Зафарнома»нинг форсча матни билан солиштиришга тўғри келди. Қўлёманнинг 46-варақгача «турк» ўқувчи қўйган рақамлар мазмун баёни билан мос келади. Сўнг асар жилдидаги «турк»нинг варақ рақамларида номослик келиб чиқади, 47-варақдан то 65-варақгача, яъни 19 варақдаги ҳодисалар асарнинг анча кейинги қисмига тегишли. Шунинг учун орқадаги варақларни олдинга олиб, варақларни бошқатдан қирқиб, ямаш ва рақамлашга тўғри келди. Худди шунингдек 119, 120, 134, 157, 164-варақларни таржима жараёнида «топиб, жойинга қўйилди». Бундай варақ «силжишлари» асарнинг кейинги қисмида ҳам кўпи. Умуман олганда, ҳаммаси бўлиб 35 варақнинг ўрни алмашган бўлиб, уларни форсча мати билан солиштириб, ўз жойига қўйдик.

Энди асарнинг таркиби ва мазмунига келсак, Муҳаммад Али «Зафарнома»нинг форсча матнидаги турк-мўғул халқларининг келиб чиқиши ҳақидаги 82 варақ Муқаддимиани тушириб қолдирган. Бундан ташқари бу муаллиф Шарафуддиннинг узундан-узун мулоҳаза ва шеърларини ҳам атайин тушириб қолдиради.

Муҳаммад Али асар бошида ўзининг қисқа кириш сўзини келтиради ва асардаги энг биринчи сарлавҳасини «Темурбеkning мўтаваллуд бўлгани ва олами ўз жамолни билла йаруқ қилгани сўзлари» деб атайдн. Бу эса форсча матнининг 86-варағидаги сарлавҳага мос келади. Асар давомида Темурнинг ўзи ҳақида кўпдан-кўп биографик маълумотлар келтирилганлиги учун уни фақат Амирнинг галабалари тавсифи эмас, балки ҳаётномаси деб аташ мумкин. Асарда Амирнинг барча оила аъзолари ва қариндош-уруғлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилади.

«Зафарнома» фақат соҳибқироннинг ҳарбий юришларини мақтаб, кўкларга қўтаришдан иборат, десак хато бўлурди. Унда инсон характерлари ҳам жуда яхши тавсифланган. Хусусан, Темурнинг шахсий характери Шарафуддин Али томонидан зўр маҳорат билан кўрсатилган. Муҳаммад Али эса ўзбек тилига ана шундай саҳифаларни юксак маҳорат билан акслантирган. Баъзи саҳифаларда Темур қаҳрининг қаттиқлиги тавсифланиб, унинг бу борадаги фаолияти ҳаққоний баён қилинган ва уни асослашга ўринишлар сезилади ва унинг мислсиз оламгирлиги кўрсатилган бўлса, бошқа саҳифаларда, чунончи, қизи Тагайшоҳнинг ва ўғли Жаҳонгир мирзонинг вафотлариға тааллуқли саҳифаларда соҳибқирон инсоний заифликларга эга бўлган киши эканлиги ҳам кўрсатилган. Лекин иккала муаллиф Шарафуддин, Муҳаммад Али ҳам Амир соҳибқироннинг буюк шерқалблиги, мислсиз қаҳрамонлиги, довираклиги ва баҳодурлигини катта ҳаққоният ва маҳорат билан кўрсатган. Бу саҳифалар ўқувчида заррача шубҳа тугдирмайди. Ва Темур сиймоси кўз олдимизда чекинмас, енгилмас ва забардаст жангчи сифатида гавдаланади.

Асарда нафақат Темур сиймоси, балки унинг атрофидаги баъзи бошқа шахсларнинг сиймолари ҳам юксак маҳорат билан тасвирланган. Масалан, соҳибқироннинг эгачиси (опаси) Қутлуг Туркон ого ҳақида қисқагина маълумотлар келтирилган бўлса ҳам, шу маълумотларнинг ўзигина уни муштинар ва гамхўр опа, нафис дидли, идрокли ва доно ҳамда жасур ва ватанпарвар аёл сифатида гавдалантиради. Бу аёл тили билан айтилган бир неча оғиз сўзларнинг ўзигина унинг бутун Эрон ва Туронда катта қудратга эга бўлган ҳамда халқаро сиёсатга кучли таъсир кўрсата оладиган юксак иродали ҳокима аёл бўлганлигини кўрсатади. Унинг оти Туркон ого бўлганлиги ҳам бежиз эмасдек туюлади кишига.

Амир Ҳожн Сайфуддин ва амир Ҳусайн сиймолари ҳам юксак маҳорат билан тасвирланган. Буларнинг биринчиси соҳибқироннинг энг ишончли дўсти ва сафдошларидан бири эди. Амир энг масъулияти ва оғир вазифаларни фарзандларидан ҳам унга кўпроқ ишонарди ва юкларди. У умрининг охиригача соҳибқиронга содиқлигича қолади.

Амир Ҳусайн аввалига Темурнинг қайноғаси ва бошланғич пайтлар сафдоши эди. Лекин у ўз табиатидаги тубанликлар туфайли юксак инсонийлик хусусиятларига эришолмайди ва ниҳоят, Темурга нисбатан хойинликка оғиб, ҳалокатга юз тутати. Бу шахс Темурга нисбатан қандай разилликлар қилган бўлишига қарамай, Амир соҳибқирон унга доимо олижаноблик билан ва инсонийлик билан жавоб қайтаради.

Амир Ҳусайн вақти-соати тугаб, ҳаёти билан мамоти оралтиги қилча қолган дақиқаларда муаллифлар соҳибқироннинг юксак инсоний кечинмаларини моҳирлик билан тавсифлаганлар.

Лекин қандай бўлишидан қатъи назар, асарнинг марказида Амир Темур туради. Муаллифлар уни бир дақиқа ҳам унутмайдилар, хоҳ узоқ ва машаққатли юришларми, хоҳ зафарли жангларми, хоҳ сиёсий, маданий ёки маърифий ишларми — барчасида Амир

шахсан иштирок этиб, албатта масаланинг энг тўғри ва доно ечимини топади, ва ҳар қандай огир шароитдан ҳам лашкарини усталлик билан олиб чиқиб кетади ва аскарларининг ҳаётини сақлаб қолади. Масалан, 1391 йили Тўхтамишга қарши қилинган юришда 200 минг кишилик лашкар огир озуқа танқислигига учрайди: бир аскарга кунига фақат бир товоқ ата-та бериларди. Бошқа егулик нарса йўқ эди. Бундай огир аҳвол яна неча кун давом этиши ҳам номасълум эди. Шунда Амир соҳибқирон оригинал йўл билан бу овқат танқислиги муаммосини ечади: у бутун аскарлари билан чўлнн ҳалқа қилиб ўрашни буюради. Аввалига диаметри бир неча ўнлаб километрга етадиган улкан ҳалқа ҳосил бўлади. Сўнгра ҳалқа торайиб, кичрайиши натижасида «ортган» аскарлар иккинчи ҳалқани ҳосил қилади. Ҳалқа ичида қолган тирик жониворларни сони шу қадар кўп эдики, муаллифларнинг айтишича, аскарлар уларни саралаб, фақат семизларини қолдириб, озагинларини қўйиб юбордилар. Бундан отиб олинган ов натижасида бир неча ойлик овқат жамғарилади. 9 ой давом этган бу юришда лашкар ўзини-ўзи овқат билан таъминлайди.

Шундан ҳарбий тактика масалаларида XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошида Амир соҳибқирондан ўтадиган бошқа бир шахс йўқ эди дейиш мумкин. Бу борада огир бўлиб кўринган ҳарбий масалани ҳазрат Амир оз сонлик аскар билан ва содда усул билан ҳал қилганидан муаллифларимиз ҳам ҳайрон қолишади. 1364 йили Илёс Хожани Кешдан ҳайдаб чиқаришда бор-йўғи 300 кишидан иборат отлиқ а.жари отларининг икки тарафига шох-шаббаларни бойлаб, чанг-тўзон кўтариб, йирик лашкар келатгандек душман кўнглига ваҳима солишн; ёки яна бир гал урду бўлиб турган ва зони Темурникидан бир неча бор ортнқ бўлган душманининг атрофига қоронги тунда гу.лханлар ёқиб яна душманларни кўрқитиши бунга мисол бўла олади. Кавказда Кура дарёсидан кўприксиз жойда қамишдан кўприк ясаб, осонлик билан сувдан ўтиши ҳам шундай ҳарбий эҳди ва фаросатнинг намоёиш қилинишидир.

Асарда XIV асрга хос бўлган бой географик маълумотлар келтирилган. Шуниси диққатга сазоворки, Ироқ ва Шарқий Анатўлиядан то ҳозирги Хитой марказигача ва Форс кўрфазидан то Кама дарёси ҳавзасигача бўлган жой, сув, кент, шаҳар, тоғ ва доvonларнинг ўзбекча (қарлўқча) номлари келтирилади. Бу эса учала мўғул улусида ҳам XIV асрда чингаой туркнй тили тарқалганлигидан далолат беради.

Энди бир нозик масала устида тўхталмай иложимиз йўқ. Темурнинг «уч йиллик», «беш йиллик» ва «етти йиллик» юриш жангларида ва бошқа бу атамаларга кирмаган урушларидан олдига қўйган мақсади нима эди? деган савол тугилади. Одатда рус ва совет муаллифлари бу саволга, мақсади фақат бойлик орттириш учун олиб борилган босқинчилик ва қиргинбарот урушлари эди, деб жавоб бериб келганлар. Масалага юзаки ёндашганда шундай туюлиши мумкин. Лекин 1385 йилгача Темурнинг мамлакатларни босиб олиш нияти бўлмаганлиги аниқ. Ўша йил бошида Тўхтамишхоннинг Табризга бостириб келиб, шаҳарни вайрон қилиши унинг режаларига қатъий ўзгартириш киритади. Бундан бир неча йил аввалроқ у «Худо битта бўлганидек бутун дунёда подшо ҳам битта бўлиши керак» деган бўлса-да, бу фикрини у ҳеч қачон тўла амалга оширишга ҳаракат қилмаган эди. Маъқур йилгача олиб борган урушлари асосан 5 турли вақтларда орттирган душманларидан ўч олиш, ёки аҳолига зулм ўтказаетган ҳокимларнинг танбиҳини бериш, ёхуд шаръий фарз деб ҳисобланган диний душманлар билан олиб борилган газавот урушлари эди. Газавот урушларини ҳам у фақат мусулмонларга нисбатан зулм ўтказаетган гайридинларга қарши олиб борарди. Бу ҳол асарда ўз аксини топган. Лекин Тўхтамишнинг маъқур юришларидан сўнг у бутун Эронни босиб, Олтин Ўрдага қўшиб олиши хавфи тугилади. Шунинг учун Амир Темур Тўхтамишдан аввал Эронни ўз мулкига қўшиб олишга қарор қилади. Эронни забт этганидан сўнг умуман Ҳулоғу мулкани тамоман забт этиш гоёси тугилади. Ҳақиқатан ҳам Ҳулоғу мулкнинг асосий қисми бўлмиш Эрон ва у мулкнинг иккала пойтахти Табриз ва Султония забт этилганидан сўнг бу мулкнинг парчалари бўлмиш Ироқ, Сурия ва Шарқий Анатўлияни қўшиб олмай иложи йўқ эди. Чунки бу ерларнинг ҳокимлари Темурнинг душманларига паноҳ бериб, ерлари Амирга нисбатан итво ва ҳужум плацдарми-базасига айланган эди.

Темур ҳарбий юришларининг яна бир сабаби бор эди. Бу ҳам бўлса, Буюк Ипак йўлини бир мамлакатга бирлаштириб, ундаги хавфсизликни таъминлаш эди. Шарафуддин бир неча марта Мўғулистон, Эрон ва Ироқда маҳаллий ҳокимларнинг зуравонлиги ёки қароқчилар кўпайганлиги сабабли карвонлар ва ҳатто элчилар юролмай қолганликлари ва ҳажга ҳам бориш хавфи бўлиб қолганлигини айтади.

Тўхтамиш ва Боязид билан олиб борилган жангларда эса ҳақиқат тўла равишда Темур тарафида эди. Бунга ўқувчининг ўзи мутулаа чоғида гувоҳ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ўз даврининг фарзанди ва энг йирик лашкарбо-

иши эди. Унинг даври эса ниҳоятда мураккаб эди. XIV аср ўртасига келиб мўғулларнинг учала гарбий улуслари — Олтин Ўрда, Чингаой улуси, Хулоғу улуси ҳарбий ва сиёсий ишқирозга учраган эди. Агар Темур бўлмаса, Тўхтамыш ёки бошқа кучли шахс бу парчаланиб кучсизланган мулкларни албатта бирлаштиришга, ўзига қўшиб олишга уринарди.

Ундан ташқари 1368 йили Хитойда мўғул ҳукмига барҳам берилиб, ҳокимият тенасига хитойларнинг Мин сулоласи келиши гарбий мўғул улусларига ҳам хавф туғдирган эди. Чунки хитойлар дарҳол Мўғулистонни ўзларига тобёв эттириб, ўзларини Чингизхоннинг вориси деб эълон қилдилар, ва бундан кейин Хитой императорлари гарбий улуслар ҳам уларга бўйсунганини талаб қилишлари табиий эди. Шунинг учун ҳам гарбда Темур ва Тўхтаминхон каби икки йирик шахснинг саҳнага чиқиши тасодифий эмас эди.

Амир Темур юришларига баҳо беришда шу ҳолатларни ҳам эътиборга олиш керак.

Энди бир печа оғиз сўз асаринг тили ҳақида. Мухаммад Алининг тили эски ўзбек тилининг ажойиб бир намунасидир. Уни бирор-бир ҳозирги лаҳжа билан бугунлаёй боғлаб бўлмайди. Бир тарафдан бу тил биз кўнникашимиз Заҳрирдин Мухаммад Бобурнинг тилига ўхшаса, иккинчи тарафдан шимолий Бухоро билан Хоразмнинг шарқи ва Сирдарё бўйларидаги тилни эслатади. Умуман олганда, бу тил қарлуқ, қишлоқ ва ўғуз элементларини ўз ичига олган бўлса ҳам, қарлуқ элементи унда устун келади. Ва шу жиҳатдан ҳақли равишда уни ўзбек тили деймиз.

Бу тил XIV—XVI асрларда нафақат Моваруннаҳрда, балки Волганинг қуйи оқимидаги Царицидан (Волгоград) то Сид дарёси ҳавзасигача оралиқда тарқалган эди¹.

Мухаммад Алининг баён услуби шу қадар мафтункорки, биз бу услубни сақлаш учун асарнинг тилини ҳозирги адабий тилга кўчирмай ўзича қолдиришга қарор қилдик. Чунки бу асар XVI аср биринчи чорагидаги ўзбек прозасининг йирик ва жонли намунасидир. Шу билан бирга бу асар тили ҳозирги замон тилшуносларида ҳам қизиқиш уйғотар деган ниҳатдамиз.

Мухаммад Али ўзи таржимасини бажараётганида айтарлик ёш бўлмаган кўринади. Чунки унда катта ёшдагиларга хос бўлган нуқтиш аломатлари сезилади. Масалан, баъзи бетларда айрим гаплар тугамай қолиши ҳамда гапнинг ўртасида айрим жумлалар тушиб қолиши ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳолларда биз у гапларни форсча матнга кўра тикладик ва тушиб қолган жумлаларини шартли қавсда келтирдик. Таржимон баъзи сўзларни ёзишда аниқ қолидага риоя қилмайди. Масалан, шоҳ, ва шоҳзода сўзларини «ини»дан сўнг «алиф» билан ҳам, «алиф»сиз ҳам ёзади. Бундай ҳолларда биз матн орфографиясини сақлаш учун биринчи ҳолда шоҳ, шоҳзода ва иккинчи ҳолда шах, шахзода шаклида келтирдик; кўприк ва фил деган сўзларни у бир бетнинг ўзига кўфрук ва пил шаклларида келтиради. Бундай ҳолларда ҳам бу сўзларни тузатиб ўтirmай, матндагидек келтирдик. Кўп ҳолларда ҳозир «я» билан бошланадиган сўзлар икки ҳарф билан келтирилганлиги учун биз орфографияни сақлаш учун бу ўрнида дифтонг «йа» билан ёздик (масалан: Йазд, йанги, йамғур ва ҳ.к.). Қирилча «я» «ю» ёки «ё» сақлангани эса ўқувчи эҳтиёжига боғланди. Буни хато ўрнида кўрмагайлар.

Икки оғиз сўз асардаги шеърят ҳақида. Аввало, шунини айтиш керакки, форсча матида Шарафуддин классик араб ва форс шеърятдаги анъанани давом эттириб, асарнинг ҳар бир бетига қатор шеърларни киритган. Лекин кўпинча бу шеърятда у айтарлик юксак маҳоратга эришолмаган ва шунинг учун келтирилган шеърларнинг баъзилари анча саёз бўлиб қолган. Табиий, Мухаммад Али бу шеърларнинг ҳаммасини ўзбекчага чеуравермаган. Фақат у баъзи шеърларнигина қолдирган ва уларни анча усталик билан ўзбекчага аударган.

Бундай шеърлар Мухаммад Алининг шеърят бобида анча маҳорати бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Қўлимиздаги ксерокопия нусхасига кўра, Истамбул қўлёзмасининг яна бир камчилиги бўлган: унда асарнинг турли ерларида ўн тўрт варағи тушиб қолган. Уларни Мухаммад Алининг услубига солиб, форсчадан таржима қилинди.

Азиз китобхон! Халқимиз қадимги қаҳрамонлар ҳақида достонларни севиб ўқиганликларини яхши биламиз. 40-чи ва 50-чи йиллар охириларигача ҳам эски араб ёзувида совет давридан илгари чоп этилган «Або Муслим», «Искандарнома», «Шоҳнома» каби китобларни гап-гаштаклар ва шунга ўхшаш йилларда эски ёзувни билган бир одам ўқирди, қолган иштирок этувчилар диққат билан эшитардилар. Шунда китобдаги воқеа ривожланишига қараб тингловчиларда кулги ҳам, кўз ёши ҳам бўларди. Лекин у китоблар, айниқса

¹ Хождение за три моря Афанасия Никитина. М.: — Л.: 1948. 205-бет, 368-паҳ.

«Шоҳнома», афсонавий ёки ярим афсонавий Эрон шоҳлари ҳақидаги уйдирмаларнинг моҳирона шеърятга солингани эди. «Зафарнома» эса реал қаҳрамон ва паҳлавон, аждодимиз соҳибқирон Амир Темур Гурагоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳаққоний хабарларнинг тавсифидир. Уйлаймизки, қаҳрамон бобомизнинг ҳаётномаси сиёга манзур бўлмай.

Ушбу нашрда ҳошиядаги рақамлар ва сатр ичидаги оғма /чизиқ саҳифа рақами ва унинг бошланиш жойини билдиради. Ҳижрий тарихлардан кейин қавс ичида уларнинг мелодийга ўтказилганларини келтирдик. Шартли қавс ичида келтирилган сўз ва иборалар форсча матнга қўра тикланган. Китобнинг охирида баъзи жуғрофий иборалар ва тушунчалар изоҳланган. Қуръони карим оятлари тажвид асосида эмас, транскрипция қоидалари асосида ўқилди ва изоҳларда уларнинг тегишли суралардаги ўрни кўрсатилди.

Тагин: раъия, тобъ, воқеъ, воқеъа, тааллуқ каби бир қатор калималар таржимон-муаллиф ёган ҳолда қолдирилди, жузъий ўзгаришлар билан табилаштирилди. Қўлёзмадаги баъзи сийрак учрайдиган, жумладан, арабчаси дол, коф, лом ва ёо ҳарфларидан таркиб топган, бир қарашда «даклай» деб ўқиш мумкин бўлган сўзни шартли равишда «диккалай» — деб ўқилди. Бу, дарвоқеъ, душман бошига тик, тиккалай борди деган Бухоро ва Хоразмда сақланган иборага ҳам мос келади. Бу нарса айрим бошқа ҳолларда ҳам учрайди. Дунёдаги ягона ўзбекча қўлёзмаси асосида тайёрлангани учун ҳам китобда бундай сақталликлар бўлиши табиий. Кўрсаткичлардаги рақамлар қўлёзма матнининг варақ саҳифаларини билдиради. Мундарижада эса ушбу нашр бетлари кўрсатилди.

Китоб кенг ўқувчилар оmmasининг ўқиши қулай бўлиши учун сўзбошида ҳам, изоҳларда ҳам ҳадеб фойдаланилган адабиёт саҳифаларига ҳавола қилавермадик ва кўп ҳолларда уларни эслатмадик.

Ўтган 1996 йилнинг энг улуг ва тарихан зийнатли умуммиллий маъракаси — Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарағай Баҳодурхоннинг 660 йиллиги шукӯҳида кечган санамиз ноширчилигининг энг кўркем намунасини Ўзбекистонга ва ўзбек халқига тақдим этгани учун заковатли матбаачи, тарихчи олим Истом Шоғуломов етакчилиги қилаётган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни меҳнат жамоасига алоҳида миннатдорчилик изҳор этамиз.

Ашраф АҲМАД,
Ҳайдарбек БОБОБЕК.

Зафарнома

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ!

МУҚАДДИМА

16 /Ҳамду сипос ул Ҳолиқиғақим, араб ва ажам фусаҳо ва булағолари анипг васфидин ожиз турурлар.

Ва ҳаддсиз сано ул Қодиригақим, ҳидоят арбоби ва дирият асҳоби анипг баъзи сифатида қосир бўлдилар. Уламо ва фузалоларга уз карами бирла кўнгуллари Иелом нури била ораста қилди.

Ва сано ул Подшоҳигақим, барча подшоҳ анипг даргоҳида ниёз юзини туфроққа қўйиб, тилак тиларлар. Назм:

Анипг васфида ақл ҳайрон эрур,
Ки ақл анда бир тифли нодон эрур.
Агар киши юз йил деса васфини,
Дейолмас анипг васфидин бирини.
Қамолида йўқ ҳадду гоят анипг,
Сифотида ҳам йўқ ниҳоят анипг.

Юз шукур ул Султониғақим, ер устида кўкдин боргоҳни устунсиз йасадиқим: *Аллоҳул-лази рафа 'ас-самавати биғайри 'амадин таравнаҳи'*. Ва алтоғ хизонасидин ҳар бандага бир турлук иноят ва шафқат бирла хосс қилиб, баъзи бандаларига нубувват мартабасини каромат қилиб, халқ учун йибарди. Ва барчадин афзал ва акмал, ул Хожа турурким, анипг дин ва миллати барча динларнинг носихи бўлди. Салот ва саловоти зокиёт ва туҳафи таҳийётнисор раззаи муаттари Пайгамбарийким, ҳидоятлари била/иллатларни йўқ этти: *Ва ҳува'*...

2а

Ва латиф раҳматлари ва ризвони шарифлари ул шароиф кўкининг ойига ҳардамда юз қатла нисор ўлеун: *салл Аллоҳу 'алайҳи ва 'ала алиҳи ва асҳобиҳи ва саллам таслиман касиран, касиран.*

Аммо баъд, билғилким, бу даврони шарифда ва авони латифдақим, назм:

Жаҳон эрди хуррам чу боғи биҳишт,
Ба даври шаҳаншоҳи нукусиришт.
Шаҳаншоҳи динпарвари додгар,
Давридин адли берди хабар.
Ишидур аҳодис ва Қуръон била,
Кеча-кундуз ул ёди Субҳон била.
Замони эмас холи аз ёди Ҳаққ,
Жаҳон ичра шаҳлардин элтти сабақ.
Шижоъатда Рустам⁴ киби номдор,
Саховатда Ҳотам⁵ киби номдор.
Жаҳоне эрур адлидин шодмон,
Эрур дунёда шоҳи соҳибқирон.
Шаҳаншоҳи диндор Кучкунчихон⁶,
Ки олам эрур жисм ва ул ҳам чу жон.
Илоҳо, ки то бўлғай арзу само,
Бу шоҳи жаҳондор тобқай бақо⁷.

Муборак кўнгулларида ва саодатманд хотирларига кечтиқим, «Зафарнома»қим, мавлоно Шарафуддин Йаздий⁸ — *равваҳаҳу Аллоҳ ал-азиз* — форсий тили билан Темурбекнинг⁹ воқийотини айтиб турур, тожиқлар андин баҳра топиб, турк элига файз тегмай турур, эрса керакқим, бу китоб туркий билан бўлғай, то андин эл-улус фойда топқайлар. Чунким бу андиша латиф кўзгу киби муборак кўнгулларида кечти, баъзи доноларқим, бу

ҳазратнинг мулозиматиға ҳозир эрдилар, бу андишадин шод бўлуб, пора дуо қилиб айтгилар, шеър:

Йахши табъинг йахши қилгай фикрни.

26 Бас, андин сўнг бу банди камина /беиститоъати туроб, итмомул-фуқаро Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорийға¹⁰ ишорат бўлдим, туркий тили била «Зафарнома»ни буюрулгай. Бас, агарчи бу банди ҳақири хоксорға ул иститоъат йўқ эрдиким, бу ишга духули қилгай. Аммо бу оятнинг мазмуни билаким: «*Атиъ-л-Лаҳа ва ати'у бир-Расула ва улу-л-амри минкум*»¹¹ воқъи бўлуб турур, йўқ дейолмай анбиё ва авлиё руҳидин мададу ҳиммат тилаб, бу амрға машғул бўлдим. Умид ул турурким, мақбули таъби хони олиймиқдор ва умарои бузруквор ва вузарои пикушиёор ва зурафои номдор бўлгай, иншоаллоҳ таоло.

Бас, умид ул турурким, агар саҳви ва хатои бу китоб ичинда муборак назарлариға келса, марҳамат қалами бирла ислоҳ қилиб, анинг саҳв ва хатосиға боқмағайлар. *Ва ҳува ал-Азиз ил-Вадуд*¹².

Темурбекнинг мутаваллид бўлғони ва оламини уз жамоли била йаруқ қилғони сўзлари¹³

Заволсиз подшоҳ каломидин мундоқ маълум булурким, фаёз алалитлоқ хизонасидин: *Аъта кулла шайъини халқаху сумма ҳуда*¹⁴ салоҳ ва муҳаббат хилъатини йахшилиқ тариқасини бандасига иноят қилур бўлса, бу иноятни бу банданинг фарзандларидин кўрсатур. Нечукким, Пайғамбар *салли Аллоҳи алайҳи васаллам* айтиб турурлар: «*Ва инна салоҳар-ражули...*» ҳадисининг маънисини ҳазрат соҳибқироннинг атоси шаънида турурким, амир Тарагай дейур¹⁵. Тарагайбек уламо ва сулаҳо ва муттақийларға мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисида борур эрди. Ложурма, бу жиҳатдинким, ҳазрат Ҳаққнинг севар бандаларини севар эрди ва буларнинг дўстлуқ донасини сидқи гаштиға парвариш бергон учун «*Анбатаҳа Аллоҳ набатан ҳасан*»¹⁶ чиқиб, давлат ва саодат саҳроси/каромат ва афзолдин тўлди. Байт:

Чу тобти бу иқболу бахтдин нишон,
Анга берди Ҳаққ пури соҳибқирон.

Қазон султон¹⁷ замонида давлатнинг қуни ва саодат кўкининг ойи зоҳир бўлди ва олам сақлагучи юлдузи инояти Раббонийнинг авжидин йаруқ бўлди. Шаъон ойининг йигирми бешида, торих етти юз ўттуз олтида, сичқон йиликим (8.04.1336), мўғулларнинг йили била мувофиқ турур, Каши¹⁸ дилкаш вилоятида, Такина Хотунким¹⁹, шаръи мутаҳҳара йўсуни била ул амири динпарварнинг никоҳида эрди, андин ҳазрат соҳибқирон кун киби зоҳир бўлди. Ва оламафруз моҳи буржи саодатдин чиқти. Байт:

Йанги бошдин бўлди бир ой ошкор,
Бўлди зоҳир дунёда бир номдор.
Инсон суратида ҳар жони жаҳон ичра келди,
Ва оламини ҳумоюн мақдами била музайян қилди.

Токим анинг зоти шарифи йамон кўздин саломат қолгай: *Ва ин йукаду*²⁰ тиловати била спехрнинг тасбиҳ айтқучилар машғул бўлдилар: «*Вал малои-кату йусаббихуна би-ҳамди Раббихим ва йастағфируна ли-ман фил-арди*²¹.

Бас, то анинг улуғ қадри камол тариқиға етса, дуо вазоифи била мадад қилдилар. Байт:

Сарсабз бўлсун бу зебо ниҳол,
Паноҳида тутсун ани Зул-жалол.
Жувонбахту фируз бўлсун мудом,
Анинг амрида олам улсун тамом.

Анинг адлидин тоза ўлсун фалак,
Мутиъи анинг барча мулку малак.

36

Ва ул саодат кунининг партавидин ҳақиқат сирри зоҳир бўлуб, иқбол буржидин кўрунуб, Қачули Баҳодурнинг²² тушининг таъбириким, Туманайхон²³ айтиб эрди, муҳаққақ бўлди. Саккизинчи кавкабким, таъбир тили билан соҳибдавлатидин нишона бўлғай, Қачули Баҳодурнинг саккизинчи наслидин /зоҳир бўлуб, салтанат оламни нуроний қилди ва андин сўнг адл овозаси ва инсоф тариқаси машриқ оламдин магрибқача тулуб, фатҳ ва фирузлуқ осори ҳазрат Субҳон июнотидин анга муяссар бўлуб, бари олам мусаххар бўлди. Байт:

На хуш тушким, анга таъбир сенсин,
На хуш оятки, анга тафсир сенсин.

Ва бу сўзунг таҳқиқи бу турурким, салтанат қавоъидида ва хилофат тўрида анинг муборак вужуди ва саодатманд бунёди жаҳон ичра охируззамоннинг соҳибқирони бўлғай ва мундин йахшироқ далили бўлмағай. Анинг учунким, бу соҳибдавлатнинг толиъи Жадий буржида тушти. Ва бу буржинг хосийати ул турурким, ҳар ким бу бурждаги толиъида мутавваллуд бўлса, камоли салтанат авжида етқай ва барча салотинларга сарвар бўлуб, ҳар наким кўнглига кечқай, анга муйассар бўлғай.

Ва наййири аъзам, яъни Офтобким, жалолатнинг юлдузи турур, тўртинчи ватадаким²⁴, қарор ва сабот эви турур ва ўз ерида шараф била Уторидқа нечукким, Офтоб даври бўлғай, йигирми иккинчи даража Ҳамалда фатҳ ва фирузлуқ аламини кўтариб, иқбол маншурининг саодат тавқиъи била йасаб турурким, зуҳури маҳаллида ўз мақоми аслида зоҳир бўлғай ва анда подшоҳлиқ қилғай. Ва ул мамлакатни зебу зийнат бобида барча мамлакатлардин йахшироқ тарбият қилғай.

Ва Мушгарийким, саодатнинг кавкаби турур, ва Миррихким, қувват ва шавкат йулдузи турур, бешинчи толиъким, фарзанд эви турур, бу кавкаблар билан йирик бу хосият бердиким, бу саодатманд фарзандқа Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло давлатманд ўғуллар каромат қилғай ва давлат аларнинг ичида мустадом бўлғай.

4а

Сўнг, ложурма, бу қобилият жиҳатидин ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло истиқомат бешигидин чиқориб ва лутф дояси /сути билан парвариш берди. Сўнг ҳадди тамйиз ва ақлда етконда ҳаракот ва қилиғидин салтанат иши андин зоҳир бўлур эрди ва анинг эш-кучидин ва айтмоқ ва эшитмоқларидин подшоҳлиқ ва шаҳриёрлиқ тариқаси кун киби йаруқ кўринур эрди. Назм:

Чу ёшлар била ўйнар эрди мудом,
Дер эрди аларга: «Келинлар тамом.
Ки мен шоҳ булғайман ва барчангиз
Мани шоҳ атаб, ўзга сўз демангиз».

Келур эрдилар ёшлар қошига,
Ани шоҳ атаб, кўтариб бошига.
Булур эрди бир гўдак анга амир,
Яна бири анга чу доно вазир.

Яғоч ва қамиш бирла инсон этиб,
Ҳар иш буюриб анга, фармон этиб.
Дер эрдиким, ул ёрлиқ эшитмади,
Ёзуғлуқ қилиб ани буюрмади.

Дер эрди: «Кесинглар бошини равон,
Ки мундин нари ҳеч киши дар жаҳон
Шаҳаншоҳ ҳукмидин ул чиқмағай,
На ким шаҳ дегай, ўзга иш қилмағай».²⁵

Ва бас, девони *наҳну қасамна* парвонаи июнат *Йарфаъу даражотин ман йашаъу*²⁶ ва маншури давлат замоноро тугроси биланким, *Атахуллохул мулк*²⁷ мувашшаҳ бўлиб эрди, муборак хотири отламоқ ва чоппоқ ва ўқ

отмоқ ва уруш асбоби билан майл қилур эрди. Ва ҳар кунда овға борур эрди. Байт:

Кеча-кундуз иши эди чун шикор,
Бу иш бирла ўткарур эди рўзгор.

Ва анинг давлатманд эотиким, маъзари лутфи Илоҳий эрди, шафқат ва хайрдин ўзга иш муборак кўнглига кечмас эрди. Ва ул ҳолда, агарчи қаҳр ва сиёсат қилур эрди, нечукким ул сўзлар келгуси турур, ул қаҳр ва газаб подшоҳлик жиҳатидин ва мамлакат забти учун эрди. Шеър:

Мулкни гар қарор бергайсен,
Тигни беқарор қилгайсен.

46

Ва далили бу /сўздаким, такаллуфдин йироқ ва риёдин бегона турур, бу турурким, ҳазрат *Рисолат*, *салла Аллоҳу алайҳи ва саллам*, айтиб турурларким: *Ал-валаду сирра абиҳи*. Бу ҳазрат соҳибқирондин тахт узра додлиқ хусравий ўлтуруб турурким, ҳаргиз ул ҳазратдин муваддажа озурда бўлмагон турур. Йироқ-яқиндин тамом оламни бу сўзда иттифоқлари бор турур ва жувонбахти турурким, бовужуди улким, ҳазрат *Ҳаққ субҳонаҳу* ва таолодин анга кулли асбоби давлат муяссар бўлуб эрди, ҳаргиз бу шуруъ ишгаким, муноҳи турур, майл қилмади ва ичмак сори майл қилмади ва бу подшоҳи комкор оғзини жоғир сори элтмади ва бир дами тоату ибодат фикридин ўзга иш кўнглида кечмади. Ва муттасил иши Қуръон уқумоқ ва фақиру мискиннинг ғамини емак эди.

Ва хилофатпаноҳиким, Фаридун ҳашамати ва Исфандиёр шижоати ва Зуннун ибодати анга жамъ бўлиб эрди²⁸, ҳар ердаким бир гўшанишинни эшитур эрди, жон дилига камари мулозимат боғлаб аларнинг мулозиматларига борур эрди.

*Ва ҳува ас-султон ал-аъзам вал-хоқон ал-аъдалул-акмал муъаййин ал-Ҳаққ ас-салтанат вал-дунё вал-дин Абу-Наср Шоҳрух Баҳодурхон*²⁹, халлада *Аллоҳ таоло ва мулкуҳу ва султонуху*.

Бас, мундин сўнг қалами мушкинрақам иккинчи мақолада бу шоҳнинг воқияъотини зикр қилгуси турур, анинг учун тил торттук. Ва яна бир анинг ўғлонларидирким, кўз анинг жамолидин йаруқ бўлур. Салтанат паноҳи эрурким, бовужуд улким, ҳусну сийрат ва сурат ва айни давлат ва салтанатда йахши маъош қилиб, даййон қилиқни хотирига кечурмай кам озорлиқ тариқасини зоҳир қилди ва анинг малаксифот эотиким, барча фазоил ва камолотнинг жомиъи эрди ва йахши зеҳни дақоиқи ҳақоиқда йуруб мушкил сўзларни ҳал қилур эрди. Байт:

Малак сурати эрди туфроқдин,
Ки равшан эди анга илм ал-йақин.

5а

/Муъжиз баён тиликим, маъно илҳом тавфиқ турурким, *Инна мин ал-байани ла-сиҳран* равшан қилур эрди. Бас, гавҳар сочқон тилидинким, фазлу маҳз калиди турур, баён вақтида ҳар ким мушоҳида қилгай. Байт:

Ақл анга далли ва кўнгул ҳайрон,
Сўзлари ҳар бири кўнгулда чу жон.

Ва хатти латификим, бадоиъ осори шариф қасри турур би-китобиҳи: *Нун вал-қалами ва ма йастурун*³⁰ музаййан турур, рўзгор номаларида йахши сурат билан битиб, ҳожат баён қилмоқ йўқтурур. Шеър:

На доим анинг васфин, эй сарфароз,
Эрур кун сифат бобдин бе ниёз.

Бас, чун қалами хужастарақам васфинда ҳаёт суйидин шама битди, мундин нари, агар ҳумоюн алқомга юз қўйса, йахшироқ бўлгай. Байт:

Анинг сифотини чунким қалам баён қилгай,
Ажиб эмас, агар андин томизса оби ҳаёт.

Анинг муборак юзидинким, дониш аҳли зайн ва бинеш хайлининг кўзла-
ри йаруқ эрди, сурати раҳмат ва лутфи арҳама-р-роҳимийн турур. Шейр:

Чу бўлди жаҳон ичра ул подшоҳ,
Юрур эрди фармонида муру моҳ.
Худо қилди ани шаҳаншоҳи дин,
Сари тождорони рўйи замин.

Вориси мулки Сулаймон ал-муъаййад мин ас-само ал-музаффар алал-
аъдо пайрави шаръи саййидул-мурсалин муийси ал-Ҳаққ вас-салтана вад-дин
Абул Фатҳ Иброҳим Султон³¹, халлада Аллоҳ таоло *фи маосир мулкуҳу ва*
султонуху ва афода алал-олабийн фазлуҳу ва аҳсонуху. Назм:

Чу ул соатки бахш қилди Йаздон³²,
Ики Иброҳим³³ анда бўлди аъён.

Бири миллат саро обод қилди,
Бири дунёда адл ва дод қилди.

Биридин бўлди оташ чун гулшан,
Биридин бўлди дуди зулм пинҳон.

/Биридин бўлди Макка эви пурнур,
Биридин бўлди олам бари маъмур.

Бири синдурди Озар бутларини,
Бири берди ривож Аҳмад³⁴ динини.

Худовандо, бу шоҳи додгустар,
Ҳамиша дар жаҳон бўлгай музаффар.

Бас, ул ерким, жавҳар сифотидин ва муфоҳар ва маосари онҳазрат
мурассаъ бўлгай, учунчи мақола ахбор ва осори соҳибқирони гитиситонда
келгуси турур. *Ва мин Аллоҳи-л-авн ва-т-таъйид, иннаҳу Ҳамидун ва Ма-
жид.*

Қазағанбекнинг³⁵ хуруж қилғони сўзи

Қазон султонхон, Йасур Уғлоннинг³⁶ ўғли товуқ йилда, торих етти юз
уттуз учда (1332—1333) Чигатойхоннинг³⁷ улусида хон бўлуб зулм ва
бедодлик қила бошлади ва адл ва шаръ тўридин аёгин ташқари қўйди: «*Ал-
мулку йабқа маъа-л-куфри ва ла йабқа маъа-з-зулми*». Халойиқ анинг
йамон қилиғидин фарёдқа келдилар ва анинг қўрқунчидин ҳар қачонким,
бекларини суҳбатда ё кенгашда чорлар эрди, ул бек ўғлон-ушоқи била
васиятлар қилиб, андин сўнг анинг қошига борур эрмишлар. Байт:

Йамон зулмидин жумла халқи жаҳон,
Қилурлар эди жавридин юз фиғон.

Қазағанбекким, барча беклардин улуг эди, ул вилоятни олмоқни эли
билан ва Чигатойхоннинг улусидан бўлгон беклар билан иттифоқ қилиб,
йаағи бўлдилар ва Соли Саройда³⁸ ййгин қилиб, черик ййгиштуруб, анинг
урушига юзландилар. Қазон султонхон бу хабарни эшитиб, ул тақи черики-
ни ййгиштуруб Дори Занги³⁹ саҳросида торих етти юз қирқ олтида (1346)
уруштилар ва ул урушда Қазағанбекнинг бир кўзига Қазон султонхоннинг
ўқи тегиб, зойи бўлди. /Икки черик бир-биридин айрилиб, Қазон султонхон
Қаршига⁴⁰ келиб, ул қиш анда турди. Бас, асру совуқ бўлуб, бўлгон от-
улоғи ул совуқда талаф бўлди. Бас, бу хабарни амир Қазаған эшитиб, яна
черик ййгиштуруб, торих етти юз қирқ еттида (1346—1347) келиб урушди.
Эрса Қазонхонни босиб, хонни тутуб ултурди ва Қазонхоннинг подшоҳлиги
Мовароуннаҳр⁴¹ ва Туркистонда⁴² ун тўрт йил эрди⁴³, андин сўнг анинг
вилоятида Қазағанбек ҳоким бўлуб, Донишмандча Уғлонки, Уқдайхоннинг
ўғлонларидин⁴⁴ эрди, ани хон кўтарди. Икки йилдан сўнг ани тақи шунқор

қилди. Баёнқули Ўғлонким, Суйургатмишхоннинг ўғли эрди⁴⁵, ани хон кўтарди. Шер:

Хониким, анга жуду сахо эрди тариқ,
Бўлди зафару нусрат анга ёру рафиқ.
Даврида эмас эди жаҳонда ҳеч гам,
Эл эрди бари бир-бирига ёру шафиқ.

66

Бас, бу хоннинг хонлиги ўн йилгача борди ва Қазаганбек анга тааллуқ вилоятларни андоқ забт қилдиким, андин йахшироқ бўлмағай. Ва анинг йахшилиги олам ичра ёдгор қолди ва шарият йўсуни била амал қилур эрди. Аҳли фаал ва маййиз анинг инъомида баҳраманд бўлиб, барча хушҳол эрдилар. Ва анинг замонида бир ажойиб ишким, воқия бўлиб турур, бу эрдиким, Арҳанг⁴⁶ ва Саройдин⁴⁷ черик тортиб Хуросон⁴⁸ вилояти сори борди. Ва мунунг латифати бу турурким, султон Абу Саъидхонким, Чингиз наслидин эрди ва Эрон вилоятида подшоҳлик қилур эрди, ул ўлғач, мундин сўнг ўзга Чингизхон ўғлонларидин ул вилоятда подшоҳлик қилмади⁴⁹. Қазон султон хон бўлгонда анинг жавру зулмидин эл анга бош йандурмай, Муъизуддин Хусайнким, Малик Гиёсуддиннинг ўғли эрди, Хирот вилоятида подшоҳ бўлди⁵⁰. /Шайх Хасан Жувайний ва амир Важихуддин Масъуд Сарбадор Сабзавор вилоятидин черик тортиб Малик Муъизуддин Хусайн бошига келдилар⁵¹. Бас, Малик Хусайн тақи черик йиғиштуруб, шаҳардин чиқиб сафар ойининг ўн учида, торих етти юз қирқ учда (18,07.1342) икки черик бир-бирига йиқиб уруштилар. Асру қаттиқ уруш бўлуб, Муъизуддин Хусайнни бостилар ва сарбадорларнинг черики ўлжага мол олмоққа машғул бўлдилар. Бу маҳалда Муъизуддин Хусайн бир тепа устида чиқиб, уч юз киши анга йиғилди. Муъизуддин Хусайн аларга айттиким: «Бу черик ўлжа олмоққа машғул турурлар. Келинг, ўзумизни буларга урала». Бу сўзда эрдиким, Масъуд Сарбадорнинг кўзи Муъизуддин Хусайнга тушуб, анинг сори йурув берди. Амир Шайх Хасан тақи анинг кейнида юрур эди. Эrsa ул ҳолда давлат мундоқ иш қилдиким, бир киши ҳам алардин қилич бирла Шайх Хасаннинг ёнида санчтиким, яна бир ёнидин чиқиб, у шул соатда ўлди. Амир Масъуд Сарбадор бу воқияни билиб, ва тақи Шайх Хасан анга айтиб эрдиким, «Агар ман бу черикда ўлсам, сен зинҳор қайтқайсен», амир Масъуд анинг васияти била амал қилиб қочти. Маликнинг қочқон черики бу хабарни эшитиб, севунуб қайттилар ва сарбадорларнинг черикидин кўб киши ўлтуруб, мол бисёр олдилар.

Бу фатҳ бўлгондин сўнг Малик Муъизуддин бошига бу ҳавас туштиким, Чингизхон наслидин қолгон шаҳзодаларнинг вилоятларини олғай. Бовужуд улким, аларнинг ҳимматидин ул мартабага етиб эрди, тарбият ҳаққини унутуб, алар билан йамонлиқ хаёлин кўнглига кечуруб, Андхуд ва Шибиргон вилоятини чобти⁵². Байт:

Чу бўлғай холи гавҳардин хазина,
Дегайким, «Ман гуҳарман, обгина».

7a

Мовароуннаҳр мамлакати Қазаган маликнинг адлидин қарор топиб эрди. Жом вилоятининг машойихлариким, Малик Хусайнга уруғ/ бўлурлар эрдилар ва анинг йамон ҳаракотидин кўнгуллари нохуш бўлиб, Қазаганнинг хизматиға келиб, Малик Хусайндин шикоят қилдилар. Арлот беклари ва апардий беклариким, Малик Хусайндин қочиб Қазаганбекнинг хизматиға келиб эрдилар, алар тақи айттиларким, байт:

Ки Чингиз насли магар қолмади,
Ки ёд этмас алардин киши эмди.
Ки ул Гурий андоқ бўлубтур гурур,
Ки мен-мен дебон шоҳу айлар сурур.

Қазаганбек бу сўзларни эшитиб дедиким, «Тожиқка не ҳадд бўлғай, подшоҳлик даъво қилғай ва подшоҳларнинг фармонидин бош тортқай. Гурур елини қиличим зарби била бурнидин чиқарайим ва черик отларининг

туйноқи била анинг қалъау ҳисорини туфроқ билан тенг қилайм ва черикидин Жайхун киби қон оқтурайм». Бас, тожиклар ҳар сори чобтуруб, Аму суйидин утуб, Балх вилоятида йигилдилар ва Қазаганбек Баёнқулихон била Ҳирот сори йузданди ва улусларнинг беклари Баён Сулдуз ва Муҳаммад Ҳожа Апардий ва Сатилмиш ва Улжайту Апардий ва Абдуллоҳким, Тайгунунг ўгли эрди ва Бадахшон шоҳлари барча йигилиб, Қазаганбекка қушулуб, Ҳирот сори юридилар. Ва бу хабарни Малик Ҳусайн эшитти, эрса мирохурини уч юз киши бирла қаровуллуққа йибардиким, «Борғил ва хабар таҳқиқ қилғилким, чигатой черики сувдин кечиб турурлар. Агар кечқон бўлсалар, бот ёнгил». Бас, мирохур Мурғоб суйидин кечиб, хабар таҳқиқ тобтиким, Турон вилоятининг черики сувдин кечиб турурлар. Бас, ёниб Малик Ҳусайн қошига келиб арз қилди. Байт:

Ки келур Қазаган сипоҳи билан,
Ким эрур бари гурди лашкаршикан.
Ки бошдин айоқ темур ичинда фарқ,
Қаронгу алар гардидин гарбу шарқ.

76 Малик Ҳусайн бекларини йиғиштуруб, бу хабарни аларга деди. Андин сўнг беклари била кенгашти. Эрса алар дедиларким, «Турон вилоятининг / черики асру қуб турур ва бизнинг черикимиз тўрт минг отлиқ ва беш минг йайоқ турур. Бу черик била аларнинг ўтривсиға борса бўлмас». Маслаҳат мундоқ кўрдиларким, ҳар қачон шаҳарга йақин келсалар, анда урушқайлар. Малик Ҳусайн бу кенгашни қабул қилди. Андин сўнг Ҳирот шаҳрида кунчиқар соридин, Пойи Мурғон деган ердин Кўҳдистонғача бир томи урдилар ва хандақи чуқур қаздилар⁵³. Уруш асбобини шаҳардин чиқориб, анда йигдилар ва Малик ҳар лаҳза уруш ҳавасин қилиб айтур эрди, байт:

Келинг, қилалинг баримиз корзор,
На ғам душманар бўлсалар бешумор.
Кўнгул бирла куч иккини ёр этай,
Адув⁵⁴ кўзига даҳрни тор этай.

Бас, Қазаганбек черики била Боштон дарасидин⁵⁵ кечиб, Кўҳдистонға тушти. Тонгласи хон била ва Улжайту ва Сатилмиш ва узга беклар билан отланиб, Козиргоҳ тоғига чиқиб, Малик Ҳусайннинг черикини кўруб, Қазаганбек дедиким: «Тожик уруш тариқасини билмас эрмиш. Бу ерда ки ул туруб турур, ани бот хароб қилурбиз. Икки жиҳатдин бири улким, аларнинг черики бизнинг сори келса, йўқори чиқмоқ керак ва бизнинг черикимиз қуйи сори борур. Йана бири улким, чун кун чиқа аларнинг ўтривсида чиқар ва аларнинг кўзлари кун сори бўлур ва бизнинг сори боқолмағайлар ва ўтривларида бўлгон кишини кўролмағайлар». Муни деб қайтиб тушти. Тонгласи отланиб алар сори йуриди ва икки черик бир-бирига етконда Қазаганбек бир тепа устида чиқиб, уз черикини урушқа фармонлади. Ва Турон вилоятининг баҳодурлари Ҳирот черики сори чобтилар ва Ҳирот йигиллари алар сори йуридилар ва асру қаттиқ уруш бўлди. Байт:

8а /Диловарлар қонидин сероб бўлди олам,
Шафақдек қип-қизил ер юзи ул дам.
Урушуб бир-бири бирла сипоҳи,
Фигонларин эшитиб мурғу моҳи.

Малик Ҳусайннинг черики уруш қилгондин сўнг тура олмай шаҳар сори йузданди. Ҳар ерда чуқур қозиб, сув қуйуб эрдиларким, андин киши утолмағай (деб), узлари ўқ ушул чуқурларда тушуб ўлдилар. Ва Қазаганбекнинг баҳодурлари Малик Ҳусайн черикининг кейнида тушуб шаҳарғача қавладилар⁵⁶. Малик Ҳусайн шаҳарга кирди ва шаҳарнинг куча, боғларини беркитди. Қазаганбек музаффар ва мансур черики билан ёнди. Тонгласи кучуб шаҳарнинг йақиниға келиб тушти. Ҳар кунда намози шомғача урушур эрдилар. Шейр:

Урушур эди черики қирқ кун,
Ки ер йузи ҳар кун эди ғарқи хун.

Малик Ҳусайн қамални тоқат қила олмай, шаҳар ақобирини ва шайх ва донишмандларини орада солди, йарашқали учун. Бу шарт билаким, «Қазағанбек давлат била қайтиб, вилояти сори борсун. Келдур йилда мен бекнинг хизматига борайим». Ақобирлар пешкаш билан шаҳардин чиқиб, Қазағанбек қошига келиб, Малик сўзини арз қилдилар. Бу бек одил ва раъиятпарвар эрди. Билдиким, шаҳар раъиятлари хароб бўлдилар ва вилоят тақи хароб бўлғуси турур. Ризо бериб, яраштилар. Шеър:

Раъйойи мискин хароб бўлдилар,
Бу меҳнатда барча кақоб бўлдилар.
Муруват эмае мулк қилмақ хароб,
Раъйойи мискинни қилмақ азоб.

86 Қазағанбек Малик Ҳусайн била йарашиб, қайтиб вилоятига тушти ва воқъта етти юз эллик иккида (1351) воқъи бўлди. Андин сўнг Малик Ҳусайннинг нодшоҳлиғидин ҳеч киши ҳисоб тутмай ва сийёсати кўнгуллариға қолмади ва беклар анинг сўзини эшитмай, барчаси иттифоқ/ қилдиларким, Малик Ҳусайнни тутуб, иниси Малик Боқирни³⁷ подшоҳ кўтаргайлар. Малик Ҳусайн бу андишадин хабардор бўлуб, аммо ҳеч иш қила олмас эди ва ўзини сақлар эрди.

Ғурийлар³⁸ бир-бири билан иттифоқ қилиб эдиларким, ҳар қачон Малик отланса, тутуб беркиткайлар. Бир кун Малик Бўстон Саройдин³⁹ отланиб ташқари чиқти, эрса Ғурийларни кўрдиким, ўзлари била кенгашлари бор турур. Билдиким, анинг қасдида турурлар. Бодғисдин⁶⁰ бир бўлак киши от келтуруб сотарлар эди ва қалин эл йиғилиб савдо қилурлар эдилар⁶¹. Малик аларни кўруб Ғурийларға буюрдиким, бу элни таланглар. Ғурийлар талон била машғул бўлуб, Малик фурсат топиб, ўзини бир кўчада солиб, Ашқалча қалъаси⁶² сори юзланди, Ҳирот жилгасида, жануб ва ғарб ўртасида ясаб эдилар, ул вақт маъмур эрди ва анда молу неъмат бисёр эрди. Етти юз эллик уч (1352) тарихида Малик Ҳусайн ваъдаға вафо қилиб, қалъадин Мовароуннаҳр сори юзланди. Қазағанбек анинг хабарин эшитиб, анга утрув чиқиб, иззат ва ҳурмат тутуб йахши сўруб ваъда бердиким, «Ҳирот мулкниким, Ғурийлар Малик Боқирға бериб турурлар, алардин олиб сенга берайим».

9a Аммо улус беклари Малик билан йамон эрдилар, ҳар маҳалда Қазағанбекка айтурлар эдиларким, «Маликни ўлтурмак керак». Қазағанбек алар сўзини қулоққа олмай, ҳеч нима демас эрди. Беклар кўрдиларким, Қазағанбек алар сўзи билан амал қилмас. Бир-бири бирла иттифоқ қилдиларким, «Маликни ўлтуралди, ул ўлгондин сўнг ҳеч киши бизга нима дея олмас». Қазағанбек бу ҳолдин хабар топиб, Маликни чорлади ва бекларнинг андешаларидин анга хабар бердиким, «Маслаҳат бу турурким, ушбу кеча ўз вилоятинг сори борғайсенким, сенга зарар еткуролмагайлар». Малик бекка дуо қилиб, ушул замон ўз вилояти сори юзланди./ Ҳиротқа етконда андеша қилмай ҳисорға кириб, ҳуқумат қўшки устида ўлтурди ва киши йибардиким, Малик Боқирни беркиткайлар. Малик Боқирни беркитти⁶³. Ва яна бир воқъта ул маҳалдаким, воқъи бўлиб турур, бу эрдиким, Қазағанбекнинг ўғли Абдуллоҳ мирзо Самарқанддин черик тартиб этиб Хоразм сори борди ва ул вилоятни олди. Қазағанбек қишда Соли Саройда қишлар эрди ва ул ёз Қаронур⁶⁴ гулзорида ёзлар эрди ва ёзу куз Мунк шаҳрида⁶⁵ турар эрди ва ов била бисёр майли бор эрди. Бир кун замона ишидин гофил ўн беш киши билан бариси йарағисиз Соли Саройдин отланиб, Жайхундин утиб, Арҳанг сори қуш сола борди. Ва қуш солиб юрур эрдиким, *Айнама тақуну йудриккуму-л-мивт*⁶⁶ камин этиб, Бурулдай ўғли Қутлуғ Темур отлиқким, умоғи уйрот эди ва Қазағанбекка куёв эди ва кечтин бери каминда эрдиким⁶⁷, фурсат топиб ул одил бекнинг ишини охир қилгай. Мундоқ амални топиб, бир неча бадбахт киши била гофил бошиға тўқулуб ул азиз бекни шаҳид қилдилар ва андин қочиб Қундуз⁶⁸ сори кеттилар. Шаҳид бўлгон бекнинг бир неча хосса кишилари бу ҳолдин хабардор бўлуб, Қутлуғ Темурнунг кейнида тушуб, Қундузнунг яқиниға анга етиштилар ва ани

тутуб сон-сон қилдилар. Қазағанбекни Соли Саройда кўмдилар ва анинг гури нур бўлсин мудом.

96

Бу воқиға етти юз эллик туққузда (1358) воқиё бўлди. Қазағанбекнинг ўгли Абдуллоҳ мирзобек ҳукумат қилгон эрди. Атоси ўлгонидин сўнг Самарқанддин келиб, атоси ерида ўлтурди ва беклар барча анга мутиё бўлдилар. Давлатқа ул ўлтурғонда Баёнқулихонни атосидек хон билиб, анга фармонбардорлиқ қилур эрди. Атоси тирикида ул доим Самарқандда ўлтурур эрди. /Ул ернинг обу ҳавоси анга хуш келур эрди. Кўнглида кечтиким, Самарқандда бориб ўлтурғай ва Баёнқулихонни ўзи билан элтқай. Ва нечаким Қаратғубек ва ўзга бекларким, атосининг беклари эдилар, давлатхоҳлиқдин насиҳат қилдиларким, «Атонгдин қолгон юртдин ўзга ерга бормоқ йахши эрмас». Аларнинг сўзини эшитмади. Байт:

Улки, насиҳат сўзин эшитмасә, билгил,
Куб чайнагусидир қуйина бармоқи надомат.

Ушул ерда ва ушул йил Баёнқулихоннинг ҳарамиға тамаъ қилиб хонни ўлтурди ва Темуршоҳ Уғлон, Йасун Темурхоннинг⁶⁹ ўгли эрди, ани хон кўгарди ва Баёнқулихонни Бухоро вилоятида шайхулолам шайх Сайфуддин Бохарзий⁷⁰ ёнида кўмдилар. Гури жаннат шамъидин пурнур бўлғай доимо.

Баён Сулдузбек⁷¹ Абдуллоҳ мирзонинг бошиға черик тортиб келгони

Абдуллоҳ мирзоға Баёнқулихонни шаҳид қилгондин сўнг анга йахши келмай, Баён Сулдуз Ҳисордин черик йиғиштуруб, Самарқанд сори юзланди. Кеш вилоятида амир Ҳожи Барлос ибн Нуралқи ибн Намула ибн Йасу Мунка ибн Қарочор Нўён⁷² черики билан анга қушулди. Ва иттифоқ била мирзо Абдуллоҳ бошиға бордилар ва анинг билан урушиб, Абдуллоҳни қочурдилар ва инилари Темуршоҳниким, хон қилиб эдилар, ани ародин кўтардилар. Байт:

Чу қилдинг сен йамонлиқ, булма гофил,
Ки вожибтур йамонлиққа мукофот.

10a

Ва Абдуллоҳ мирзо қочиб, Аму суйидин кечиб, Бақлон⁷³ устида Андаробқа⁷⁴ борди ва ушул ерда авқот кечирур эрди ул вақт қанчаким, ҳаёт нақдини қабзи арвоҳға тобшурди. Ва Қазағанбекнинг уруғ-қийёши ва киши-қароси ва анга тааллуқ мулозимлари саргашта бўлуб, ҳар бири бир сори кетти. Ва Баён Сулдузбек ва Ҳожи Барлосбекким, нўёнлардин эрдилар ва ул замонда алардин иззатлиқ киши йўқ эрди, ул мамлакатларни нуерат ила қабз қилдилар. Ва Баён/Сулдузбек ҳалим ва озорсиз киши эрди. Аммо доим ичар эрди ва гунча ва лала киби суроҳи ва пиёласиздами йўқ эрди. Йилда бир ҳафта хушёр эмас эрди. Ул жиҳатдин олам ичра ҳар тарафда гавғолар пайдо бўлди.

Ва нўёнлардин ҳар кишидаким, оз-чуқ кучи бор эрди, салтанат даъво қилур эрди.

Ва Кеш вилояти тавобиғи биланким, қадимдин бери ҳазрат соҳибқирон ато-атоларида эрди, Ҳожи Барлосбекка тааллуқ эрди, ўз қарорида эрди.

Ва Хўжанд вилояти Боязид Жалойирда⁷⁵ эрди ва баъзи вилоят Ҳусайн ибн Мусалло ибн Қазағанбекда⁷⁶ эрди. Ва ул ўз киши-қароси билан атосининг юртини тилар эрди.

Ўлжай Буга Сулдуз⁷⁷ Балхда эрди ва анда салтанат даъвоси қилур эрди.

Ва Шибурғонда⁷⁸ Муҳаммад Хожа Апардийким, наймондин эрди, ул тақи даъвои салтанат қилур эрди⁷⁹.

Бадахшон шоҳлари бир-бирига бош эндурмай, бир-бирининг бошида бир даъвои бор эрди⁸⁰. Ва Кайхусрав ва Ўлжайту Апардий Хутталон вилоятида эрдилар⁸¹. Ва Хизр Йасурийким, анинг қадим юрти Сарипул ва Тотқантким, Самарқандда тааллуқ вилоятлар эрди, барча йасурийларни жамъ қилиб ҳеч кишини кўзига илмас эрди⁸². Ва кўрсатилган бекларнинг орасида яна муқотила урушлар бўлуб, кўп киши талаф бўлди. Ва Сатилмишким, Қўҳистоннинг ҳокими эрди, Малик Муъизуддин Ҳусайндин қочиб Мовароуннаҳрға келиб эрди, яна андин қайтиб, Муҳаммад Хожа Апардий билан

бирикиб, дўстлуқ орада булди. Ва бир-бири билан аҳд қилдиларким, Малик Хусайннинг бошига боргайлар. Бу ният била черик йиғиштуруб Хирот сори мутаважжих бўлдилар. Малик тақи бу хабарни эшитиб Хуросон черикини йиғиштуруб, алар ўтрусида⁸⁴ келди. Ва Муҳаммад Хожа ва Сатилмиш бир-бири била иттифоқ қилиб эрдиларким, ҳар қачон аларнинг кўзи Маликка тушса, иккаласи чоғиб Маликни ултурмағунча ёнмайлар. Малик Мурғоб суйидин кечиб, Йабғу саҳросида⁸⁵ икки черик бир-бирига еттилар. Муҳаммад Хожа ва Сатилмиш қилич тортиб /барчадин бурун чобтилар. Қазодин Малик черикидин икки ўқ келиб ул икки номдорга тегиб, ўшул замон жонларини топшурдилар. Ўзга ҳеч кишига зарар тегмай чериклари бир-бир бўлуб, ҳар сори кеттилар. Чигатой улусидинким, ҳар бири бир бош бўлуб эрдилар, алар жиҳатидин вилоят паришон ва раъиятлар бехонумон бўлуб эрдилар.

Туғлуқ Темурхон⁸⁶ черик йиғиб, Мовароуннаҳр сори келгони

Мовароуннаҳр вилояти айтилгон қиссадин наришон бўлиб эрди. Туғлуқ Темурхонким, Эмил Хожа ўғли эрди ва Эмил Хожа Дувахоннинг ўғли эрди ва бу Дувахон⁸⁷ Чигатой наслидин эрди, Жста вилоятида⁸⁸ подшоҳ эрди. Эл-улусини йиғиштуруб, рабиъ ас-соний ойида, торих етти юз олтмиш бирда, сичқон йилида (январ, 1360) Мовароуннаҳр вилоятининг паришонлигини эшитиб, черик тортиб Мовароуннаҳр сори юзланди. Тармаширин хондин бери ўтгуз уч йил кечкон эрди ва бу ўтгуз уч йилда саккиз хон Чигатой улусида подшоҳлик қилдилар⁸⁹.

Туғлуқ Темур Чаноқ Булоқким, Хўжанд суйиға⁹⁰ яқин турур, Тошканд саҳросидин⁹¹ чиқиб анди тушти. Анда беклари била кенгашти. Маслаҳат бу кўрдиларким, Улуғ Темурким, ўмоғи кераит эрди, ва Ҳожибекким, ўмоғи арканут эрди, ва Беккичикким, ўмоғи қанқли эрди, илғари юругайлар⁹². Бу уч бек хон ёрлиғи била юридилар. Хўжанд суйидин кечиб эрдиларким, Боязид Жалойир эл-улуси билан аларга қўшулди ва иттифоқ билан Кеш вилояти сори юридилар. Амир Ҳожи Барлос Кеш ва Қарши черикини йиғиштуруб, урушур хаёлини қилди. Аммо ўзи билан ҳар нечаким фикр эттиким, бу келгон йаагини нечук дафъ қила олғай, билмади. Оқибат маслаҳат мундоқ кўрдиким, алар еткондин бурун эл-улуси билан Хуросон сори боргай. Эл-улусини ва киши-қаросини ва уруғ-қийшини барчани кўчуруб Хуросон сори борди.

Ҳазрат соҳибқирон Ҳожи Барлос билан кенгашиб, ва яна/ йўлдин айрилиб, Аму суйидин кечиб, Кеш вилояти сори келиб, Туғлуқ Темурхоннинг беклари билан мулоқот қилгони

Ҳазрат Қодир нечун дунёда на ишким, ўз қудрати била амр қилгон турур, ҳар ишда бирор нимани сабаб қилгон турур. Ва ҳар мақсадким, ҳосил бўлса, биров жиҳатидин ҳосил турур. Ва подшоҳлик ишиким, барча ишлардин куллийроқ турур, икки жиҳатдин бандасига иноят қилур. Бири улким, бу ишда ақл ва фаросати бўлса андоқким, агар қаронгулуқ куни воқиб бўлса, ақл ва фаросат била ул қаронғу кунни йаруқ кун била мубаддал қилғай. Яна бири шижоат ва баҳодурлуқ турурким, ганимдин ҳеч андиша қилмағай, ўз ишини мардона бўлуб, ганим ўтрусидида турғай. Шейър:

На ердаки бўлғай анга кор танг,
Кўнгул қўйуб, ул ерда қилғай даранг.

Аммо тадбир ва ақл ва раъй шижоатдин йахшироқ турурким, қилич ҳар неча этанг бўлса, ояти фатҳ тадбирдин ўгранғай ва сўнгу нечаким шамъ киби майдон ичида йаруқ кўрунур, зафар шамъини тадбир нуридин йаруқ қилғай. Ва қиличнинг ҳукми агар тадбир била бирикса, душманнинг

бўйнига етмай ва ўқнунг хабари тадбир сўзи била бирикса, душманнинг кўнглига ер қилгай. Байт:

Чу тадбир эрур ҳам дам ва раъйи нек,
Эрур юз черикдин билинг йахшироқ.

Ва бу сўздин арз ул турурким, Ҳожи Барлосбек Жета черикидин қўрқуб, қадимдаки юртини қўйуб, Хуросон сори борди. Чун чулдин утуб Аму суйиға етти, ҳазрат соҳибқирон, наам:

Жаҳон билгучи Темури номдор,
Ки булгай анга раҳмати кирдикор,

яқин билдиким, агар ул Ҳожи Барлосбек билан борса, Кешда қолгон уруғ-қийёши ва эл-улуси зоё булғуси турур. Анинг учунким, атоси Тарағай ўшул йилда раҳмати Ҳаққа бориб эрди⁹³. Шеър:

Атоси ўлуб ғами ҳам ул замон,
Адув ваҳмидин қўрқуб ўлди равон.
/Мухолифдин эрди жаҳоне хароб,
Бу ўттин улус кўнгли эрди кабоб.

116

Бу маҳалдаким, Темур соҳибқироннинг ёши йигирми бешдин утмай эрди, кўз кавкаби кўнглида кечтиким, Ҳожи Барлосбек била кенгаш қилгайким, ҳадисда «*Ва шовирҳум фил-амри*» воқия турур. Темурбек кенгашиб Ҳожибекка айттиким, «Мамлакат агар ҳокимсиз қолса, ул мамлакатда юз паршонлиқ воқия булб, ва булгон эл-улус мухолифлардин хароб булгайлар. Маслаҳат ул турурким, сиз Хуросон сори борсангиз, мен Кеш вилояти сори ёнгаймен, ва эл-улусқа кўнгул бериб, келган беклар билан йарашиб, хон хизматиға боргайменким, вилоят хароб булмагай ва раъиятларким, ҳазрат Парвардигорнинг бандалари турурлар, заҳмат ва ташвишда тушмагайлар»⁹⁴.

Ҳожибек бу сўздинким, илҳомоти Раббонийдин натижа эрди, саодат ва иқбол иси бурниға тегиб, бу сўзни йахшилаб ижозат берди. Ҳазрат соҳибқирон андин айрилиб вилоятиға борди ва Хузорга етконда Ҳожи Муҳаммадшоҳ Йасурийни кўрдиким, Жета черикини бошлаб келиб эдиким, ул вилоятни талағай. Ҳазрат соҳибқирон ани кўруб деди: «Анча таҳаммул қилким, мен бориб бекларни кўрайим, наким алар маслаҳат кўрсалар, андоқ қилгайсен». Чун ул ҳазратнинг сўзи давлат илҳомидин эрди, ҳеч нима дея олмай ўшул ерда турди. Ва ҳазрат соҳибқирон саодат ва давлат била Кеш вилоятиға бориб ва Жета беклари ҳам ул ерда етиб эдилар. Бас, бориб ул уч бек билан кўрушти. Беклар давлат ва саодат нишонасин анинг муборак юзига кўрдилар, ани азиз тутуб, йахши сўрдилар. Андин сўнг айттиларким, «Хонга мутиъ булмоқ керак». Ҳазрат соҳибқирон деди: «Мен қуллуққа келибман, ҳар на буюрсангиз туруб /мен». Беклар Кеш вилоятининг даругалигини ва Қарочорбекнинг⁹⁶ вилоятини тавобиълари била анга бердилар ва анинг сабабидин қаҳр бало ўтиким, ул вилоятларға юзланиб эрди, анинг марҳамат булутидин ул ўт ўчти. Рубоъий:

12a

Ғам булди анинг давлатидин йўқ ул дам,
Булди қараму лутфида олам Ҳарам.
Эл ичида онча шодмонлик булди,
Ким, топмади нечаким, киши истади ғам.

Элга таҳқиқ булдиким, бу ишким, анинг сабабидин воқия булди, улуг давлат турурким, кўрунди. Аммо қазо минг тил била айтур эрдиким, байт:

Эпикни сабо жаҳонда фош этмайдур,
Турғилки, жаҳон ичинда булгайсен фош.

Ҳазрат соҳибқирон Жета беклари била мулоқот қилиб, алардин ижозат тилаб вилоятлари сори қайтти. Ва ул вилоятларни забт қилгондин сўнг

черик йигиштуруб, Кешдин Жайхунгача оз фурсатда наким сипохий бор эрди барча йигилдилар. Ва андин қайтиб Ҳизр Йасурий билан бирикти. Ва бу маҳалда Жета беклари ичинда мухолифат пайдо бўлиб, ул ердин қучуб қайтиб, Туглуқ Темурхоннинг урдусига бордилар. Ва Боязид Жалойир ўз киши-қароси⁹⁷ (била) ҳазрат соҳибқирон қошига келдилар.

Хусайнбекким, Қазаганбекнинг набираси эрди, Баён Сулдузбек бошига черик тортиб келгони ва ҳазрат соҳибқирон била беклардин мадад тилагони

126

Хусайнбек, Қазаганбекнинг набираси, бу маҳалда Кобулдин черик тортиб, Баён Сулдузнинг бошига келурига ҳавас қилди. Ва элчи йибариб, ҳазрат соҳибқирондин ва амир Боязид Жалойирдин ва амир Ҳизр Йасурийдин кўмак тилади⁹⁸. Эrsa алар кенгашдин сўнг маслаҳат ул кўрдиларким, ҳазрат соҳибқирон била амир Ҳизр Йасурийни йибаргайлар ва Боязид Туглуқ Темурхон /қошига боргайларким, Жета беклари алардин шикоят қилмагайлар. Амир Боязид бу кенгаш била амал қилиб, Хужанд вилоятига етконда эшиттирдиким, Туглуқ Темурхон черики била қайтиб турур, уруги била ўшул ерда турди. Ва бу шарафдин ҳазрат соҳибқирон ва Хиэрбек чериклари биланким, байт:

Ки ҳар бири Рустам киби номдор,
Уруш бобида ҳар бири Исфандиёр⁹⁹,

амир Хусайн кўмакига таважжуҳ айлаб Қаҳлағаким, ани Дарбанди Оҳанинг дерлар¹⁰⁰, андин ўтуб амир Хусайнбекка еттилар. Ва иттифоқ била Ҳисори Шодмон¹⁰¹ сори бордилар. Баён Сулдузбек анда эрди ва анга ул миқдор қувват йўқ эрдиким, булар билан урушқай. Зарураттин андин чиқиб Бадахшон сори кетти. Ва булар анинг кейнига тушуб, Шоҳ Баҳоуддинким, Бадахшоннинг ҳокими эрди, вилоятини қўйиб қочди. Амир Хусайн ул вилоятда кириб забт қилгондин сўнг, Кайқубодким, Кайхусрав Хутталонийнинг иниси эрди, ани ўлтурди. Ва Хусайннинг давлат саҳифасида ҳазрат соҳибқирон мадади билан ва амир Ҳизр Йасурий кўмакидин давлат нуқуши зоҳир бўлди. Хусайнбек буларни йахши сийлаб ва иззат ва ҳурматлар қилиб ва тўй тортиб, отлар миндуруб ижозат берди. Алар тақи ўз вилоятлари сори қайттилар ва саодат ва иқбол билан вилоятларига еттилар. Байт:

Зафар чоқару бахт аларга гулом,
Ватанлари сори қайттилар шодком.

13а

Хиэрбекнинг борур йули ҳазрат соҳибқироннинг вилоятидин эрди. Ҳазратнинг қунглида кечтиким, Хиэрбекка меҳмондорлиқ қилгай. Кашм¹⁰² Бадахшон мавзеидин илгари бўлуб, ўн беш кунлуқ йўлни тўрт кунда келиб, чоптгоҳ бўлгонда Улуғ Майдонким¹⁰³, Кешнинг йайлоқларидин турур, тушти ва тўй тартибига машғул бўлди. Хиэрбек яқин етконда ҳазрат соҳибқирон Расул алайҳиссаломнинг /ҳадиси ишорати билаким *Акриму ад-дайфа*¹⁰⁴ амал қилиб, меҳмонга ўтрав бериб, иззат ва ҳурматтин наким керак эрди, қилди. Меҳмонни юртига келтуруб тушурти ва ўшул замон мажлис ораста қилиб ултурдилар. Байт:

Ўшул дам этиб мажлиси аржуманд,
Муҳайё эди ҳар на бўлса писанд,
Емак едилар, жом бўлди равон,
Муғанний кўтарди хурушу фиғон.

Тўйдин сўнг Хиэрбек вилояти сори юзланди. Ва ҳазрат соҳибқирон ўз вилоятида ўлтурди ва марҳамат ва эҳсондин барча улуг кичикка файз еткуруб, давлат маснади узра ултурди. Байт:

Йаруқ бўлди аллидин андоқ жаҳон,
Ки бермай турур ҳеч ким андоқ нишон.

Хусайнбек яна ҳазрат соҳибқиронга киши йибариб мадад тилагани

Бу маҳалда Туглуқ Сулдуз Хусайнбек билан муҳолифат қилди. Ва Хусайнбекка чун давлат орқаси ҳазрат соҳибқирон лутфидин иссиқ эрди, бир муътаמיד кишисини йибарди ва воқията бўлгон кайфиятни хабар берди. Ва Боязидбекка ва Ҳизрбекка тақи хабар йибарди. Ва ҳазрат соҳибқиронга-ким, мурувват ва лутф тариқаси эрди, ўшул замон фармонладиким, черик йиғилеунлар. Кўрдиким, раэм базми ва қилич дамани хубларнинг дудагитек билурлар эдилар. Ва каманднинг нечу тобини Хутан хубларининг зулфитек кўрур эдилар. Наэм:

Бари баҳодур ва уқ атқучи ва мард афкан,
Бариси найзадору тигрон ва шершикор.
Йиғлади бариси дарё киби ҳама пуржўш,
Булут киби юридилар адув сори жаррор.

136 Ҳазрат соҳибқирон черики билан Хусайнбекнинг мададига юриди. Қаҳ-лаға мавзеида Ҳизрбек ҳазрат соҳибқиронга қўшулб иттифоқ била йуридилар. Ва Ҳисор вилоятида Хусайнбекка қўшулдилар. Ва душманлар чибин кибиким, элдин қочқай ё битовсиз томиким, сел анга тегмай бузулғай, қочтилар. /Хусайнбек аларнинг мақдамани азиз тутуб, тўйлар қилиб азизлади. Андин сўнг аларга ижозат бериб, ўз вилоятларига йибарди.

Ҳазрат соҳибқирон Дарбанди Оҳаниндин ўтконда эшиттиким, амир Ҳожи Барлоским, Жета бекларидин қўрқуб Хуросонга бориб эрди, қайтиб Боязидбек билан мулоқот қилиб турурлар. Ва иттифоқ қилибтуларким, черик йиғиштуруб Ҳизр Йасурий бошига борғайлар. Ва Ҳожибек тегиш қайтадин келгони турурким, ул ернинг черикининг йиғиштурғай. Ва чун бу хабарни эшитти черик билаким анинг қотида бор эрди саодат ва иқбол билан Кеш ағидин ўтуб Ҳизрбек билан бирикти ва иттифоқ била Кеш сори юзландилар.

Ҳазрат соҳибқирон ва Ҳизрбек Ҳожи Барлос билан урушқонлари ва Ҳожи Барлоснинг қочқони сўзи

Ҳожи Барлосбек эшиттиким, ҳазрат соҳибқирон ва Ҳизр Йасурий черик йиғиштуруб булар сори юриди. Ва Оқйор мавзеида икки черик бир-бирига етишгилар. Байт:

Тула булди кавс унидин мағзи миғ,
Йиғитлар жони сори юзланди тиг.
Урушгилар андоқ ул икки гуруҳ,
Кўрунмас эди гарддин дашту кўҳ.
Қилич зарбидин анча тўкулди қон,
Ки дарё киби булди ҳар су равон.

14a Икки черикнинг баҳодурлари анча ишладиларким, замона Рустам ва Исфандиёр сўзидин уётлиқ бўлди. Ва беклардин Ардавон Бахши талаф бўлди ва оқибатуламр зафар субҳи матлаъ анвори ҳазрат соҳибқирондин кўрунди. Ва Ҳожибек андин қочиб Самарқанд сори бориб Бойазидбекка қўшулди. Ҳазрат соҳибқирон Кеш черики билан ва Ҳизрбек Йасурийлар билан Самарқанд сори юзландилар. Ва бу маҳалдаким, йўлда кириб борурлар эдилар, черики саодат ва иқбол мартабани эликдин бериб, муҳолифат тариқасини тутуб, қочиб Ҳожибекка /қўшилдилар.

Ҳакубек ибн Муборак ибн Тўгон ибн Қодон ибн Шаръа ибн Қарочор нуёндин узга ҳеч киши ҳазрат соҳибқирон қошида қолмади. Ва Ҳизрбек бу маънони ўзгача тавр фаҳм қилиб қўрқунчлуғи тушуб, дўстлуқ ва муҳаббатким ҳазрат соҳибқирон била бор эрди бад гумон бўлиб, йамон элтур эрди ва сўзидин ва ишидин фаҳм булур эрди. Соҳибқирон ҳазратига яқин булдиким, Йасурий анинг била йамон бўлур турур. Нечаким, оти Ҳизр била машхур турур, аммо савоб йўлини қўйуб турур, андин айрилиб саллои раҳми

мулоҳиза қилиб, Жақубек билан бориб Ҳожи Барлосқа қушулдилар. Ва иттифоқ била Боязидбек қотиға бордилар. Ва Боязидбек алар келгонидин хушҳол бўлуб, фахр раъятиқа куторди. Нақим таъзим ва тақрим вазоиф ва лавозими эрди, аларға еткурди. Байт:

На хуш давлат ул кишигаки, бўлгай сенга гулом,
Хуррам вилоятики, сен этсанг ани мақом.

Ҳазрат соҳибқирон Ҳизр Йасурий билан урушқони

Ҳазрат соҳибқирон муддати эрдиким, Ҳизрбек билан мусоҳиблик қилур эрди ва анинг хотирини сақлар эрди. Бас, ул ҳазрат соҳибқирондин бад гумон бўлуб эрдиким, бу бад гумонлиқ ҳаргиз анинг муборак кўнглига кечмайду эрди. Ҳазрат соҳиб қироннинг кўнгли андин қолиб, хотири асру озурда булди. Ва Бойазидбек ва Ҳожибек анинг била йамон эрдилар ва бу фикрда эрдиларким, анинг бошига черик тортиб боргайлар. Бу маҳалда иттифоқ қилиб черик йиғиштуруб Ҳизрбек сори мутаважжиқ булдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон, қитъа:

Улки, сўнгусидин жаводат чиқса,
Куйдирур бир замонда барча жаҳон.
Фатҳнинг авжидин эрур зоҳир,
Нуерат эрур анга мутиъ бажон,

146 илгари юриди. Кеш уқбасидин¹⁰⁵ ўтуб, Суруш мавзеъида икки черик бир-бирига /еттилар. Ва амир Ҳизр билур эрдиким, давлат саррбштасини хато била эликдин бериб турур. Ва қайтқон рўзгори жонининг қулоғи айтур эрди, байт:

Умрлар жоми Жам эликда эди,
Билмадинг қадрини на қилса киши.

Аммо ҳеч фойда билмай, баҳодурлуқ изҳор қилиб, черик тартибини қилиб, утрув чиқиб турди. Икки тарафдин наққора ва нафир ва кавс чолиб, баҳодурлар бир-бирига чоптилар. Қитъа:

Чарх узра элитги ҳаво туфроқни,
Куйди сўнгу ўтидин бисёр жон.
Ўқ башоғи кўнгул ичра ишқдек,
Кирди ва хуш келди анга ул макон.
Маърака кушталари учун эди
Даҳр кўзи нола бирла хунфишон.

Марака ҳавоси синоҳ юзидин қоронгу бўлиб, уруш пири баҳодурларнинг қонидин латыдек булди. Ҳизрбекка чун уруш тоқати йўқ эрди ва давлатидек орқасини бериб ва қайтқон бахтидек қочарга юзланди. Байт:

Паланг ар-чи бордур урушда далер,
Вале андин ортуқ эрур нарра шер.

Ва Боязидбек ҳазрат соҳибқирон давлатидин ҳукумат маснадида ултурди ва амир Ҳожи тақи ўз элига ҳоким булди. Байт:

Зафар гар истасанг муқбил сори бор,
Ки муқбиллардин улгайму киши мард.

Аммо йашура латоифким, тақдироти Илоҳийда турур ва ҳар кишининг ақли анга етмай турурким, на бўлгай. Бу маҳалда Боязидбек савоб кўзини юмуб ва ямон андиша кўнглида кечтуруб, хаёли маҳол қилиб, хотирига кечтиким, ҳазрат соҳибқиронга макр қилгай. Чун ҳазрат соҳибқироннинг кўнгли илҳомоти Раббонийдин йаруқ эрди суҳбатда ул макрин фаҳм қилиб

15a

бир баҳона билан суҳбатдин чиқиб отланди ва от устида белига тиркаш боғлаб, ҳазрат Ҳаққнинг иноятига таваккал қилиб, саҳро сори юзланди. Ва аввал хавфлуқ ердин узини чиқориб юриди. Ул кишигаким, инояти Илоҳий муҳофизат қилса, ҳеч душмандин анга хатар текмагай. Ва давлат қушиким/ иноят куйидин учса, макр ва ҳийла қилгон сайёднинг домига тушмагай. Байт:

Агар бўлса олам тўла тигу тир,
Чу тақдир эмас андин айирмас гами.

Ва чун Ҳожи Барлосбек ҳазрат соҳибқироннинг кетганидин хабардор бўлди, кейнида киши чобтуруб, хабар йибардиким, «Абдуллоҳ Тайғу ва Зинда Чашм Муҳаммад Хожа Апардий ўгли черик йиғиштуруб, мухалифат ҳавасларидеа тушиб турурлар, сувдин ўтмасунлар ва чўлдаки черикни йиғиштурсун. Бу тарафдин тақи Чўғомни бир неча киши била кейинингда йиборғум турурким, аларнинг дафъини қилгайлар. Ва бу фитнанинг ўти юқори бўлмагай ва анинг иложини бурун қилмоқ керак». Ва Чўғомким, Элод ўгли эрди ва ул Учар ўгли эрди ва бу тақи Лола ўгли ва бу Лола Қарочор нуеннинг ўгли эрди, ҳазрат соҳибқирон сори мадад учун борди. Аммо ҳазрат соҳибқирон чун кайфият ҳолдин воқиф бўлди Чўғом келгонидин бурун чўл черики билан саодат юзини ул ишнинг дафъи учун қўйди. Ва Боязидбек Кеш бўлғасидин ёниб Хўжанд сори кетти.

Ҳазрат соҳибқирон Термизқа етти, шайх Али Жаржарий¹⁰⁶ аёғини ўз ҳаддидин ташқари босиб, черики билан илғари келди ва Ангор мавзеъида¹⁰⁷ икки черик бир-бирига етти. Ва мухалиф черики ҳазрат соҳибқирон черикни қаросин кўруб, турмай қочтилар. Ва зафарнаоҳ баҳодурлар аларнинг кейнида тушуб, Эски Термизқача¹⁰⁸ аларни қавладилар. Ва душманларни бир-бир қилиб, Эски Термизда туштилар.

Туглуқ Темурхон Мовароуннаҳр сори иккинчи қатла черик тортиб келгони

Туглуқ Темурхонга яна Мовароуннаҳрнинг салтанати ҳавоси бошига тушуб, ҳадсиз черик йиғиштуруб, жумоди аввал ойида, тарих етти юз олтмиш иккида, уд (сигир) йилида (1361 март) Мовароуннаҳр вилоятига юзланди. Хўжандқа етконда Боязидбек Жалойир хои хизматиға борди.

15b

Баён Сулдузбек ҳам хизматиға кетти ва Ҳожибек Барлос тақи хизматқа юзланди. Бовужуд улким, аввал хон келгонда мухалифат қилиб эрди, таваккал қилиб хизматиға келди. Бу маҳалда хон буордиким, Боязидбекни/ ясоққа еткургайлар¹⁰⁹. Ҳожи Барлос бу ваҳимдин кўрқуб, хон мулозматидин қочиб, Кеш вилоятига келди ва андағи эл-улусини кўчуруб Аму суйидин кечти. Ва Жета черики Ҳожибекнинг кейнида тушуб, бир-бирига етконда уруш бўлди. Ва Чўғом Барлос ул урушда шаҳид бўлди. Ва Ҳожибек Хуросон сори борди. Хурошақим, Сабзавор кентларидин бир кент эрди, Жувайн булукида бир жамоат фитналиқ кишилар амир Ҳожи (Барлос) ва иниси (Идику Барлос) икавунунг бошида хабарсиз тўкиб, икаласини ўлдурдилар¹¹⁰.

Ҳазрат соҳибқирон Хуросонни олгонда ул кентдағи кишилардин кўп ўлдурди ва ул кентни Ҳожибекнинг ворислариға берди. Бу чоққача ул кент аларға тааллуқ турур¹¹¹.

Жета бекларидин Ҳамидбекким, ўмоғи кирликут эрди ва асру оқил ва доно киши эрди ва Туглуқ Темурхон қошида йахши эрди ва ҳар сўзким давлатхоҳлигидин айтур эрди, хон ул сўзи қабул қилур эрди. Бу маҳалда ҳазрат соҳибқиронни хонга таъриф қилиб, вилоятиким, атоларидин мерос эрди, барини тавобий ва лавоҳиқлари била ҳазрат соҳибқиронға берди. Хон соҳибқиронға киши йибариб тилади. Ва Ҳамидбек тақи хатлар битиб, хоннинг шафқатини айтиб йибарди. Ул ҳазрат хон хизматиға келиб, асру қўб иноят ва шафқат кўрди. Ул қиш хон Ҳусайнбек урушиға мутаважжих бўлди. Ва Ҳусайнбек тақи черик йиғиштуруб, Вахш суйиғача келди. Хон Дарбанди Оҳаниндин ўтуб Ҳусайнбекка таъйин етти ва икки черик бир-бирининг қароларининг кўруб, жирга тортиб турдилар. Кайхусрав Хутталоий киши-қаролари билан Ҳусайнбекдин йамонлаб, хон хизматиға келди.

Хусайнбек бу жиҳатдин тура олмади, қочди ва хон нусрат била анинг кейнида юруб, Қундузгача борди. Ва черики андаги эл ва улусни Ҳиндукуш уқбасигача таладилар. Ва ул баҳор ва ёз ул вилоятда турди¹¹².

Туглуқ Темур ўз вилоятига қайтиб боргани

16а

Куз булгонда хон Самарқанд /сори мутаважжих булди ва йўлда ёрлиқ қилиб, Баён Сулдузбекни ясоққа етқуздилар. Самарқандда етконда Мовароуннаҳр мамлакати томми хон тасарруфига кирди. Беклариким нуёниёндин эрдилар, иззаттин хон фармониға кирдилар. Хон ҳар кимдинким, кўнглида тарадудди бор эрди, ясоққа етқурди. Ва баъзиларгаким, ибтамиди бор эрди, иноят ва тарбият қилиб, ўз ўгли Илёс Хожа Ўғлонни Мовароуннаҳр вилоятида подшоҳ этиб, Жета бекларидин кўп киши анга тобшурди. Ва барчадин улуг бек Беккичикни қилиб, ўглига тобшурди. Ва ҳазрат соҳиб қиронни иноят ва шафқат этиб, ўглига тобшурди. Ва ул ҳазратдин давлат ва саодат зоҳир эрди, мамлакат забтини анга берди¹¹³. Ва ўзи азимат ва шавкат билан ўз вилоятига қайтти.

Ҳазрат соҳибқирон Хусайнбекнинг кейнида боргани сўз

Қола Аллоҳ таборак ва таоло: *Суннатуллоҳи ил-лати қад халат мии қабли ва лантажда ли-суннати-Лаҳи табдилан*¹¹⁴. Ҳазрат Малик алломнинг суннати турурким, кўнгулни йаруқ қилгон лутф гулзори бағир куйгучи очиг етконидин холи бўлмас ва анинг файзу инъоми йаруқлуги меҳнат қаронгулугидин йироқ эрмас. Ва танаъумининг бийиклигим, *Тувти-л-мулка*¹¹⁵ турур, қуйи тушмақданким, *Ва танзаъу-л-мулка*¹¹⁶ утрусиди турур.

Ҳар давлатқа бир фалокот кейнида бор ва ҳар меҳнатқа бир роҳати кейнида булур, бу сабабдинким суннати Аллоҳ булур турур. Ҳазрат Изад таоло ва тақаддус ҳар бандасигаким, давлат ва саодат берур, ул ани бало ва машаққат била синаб, ранж ва ташвиш била парвариш берур. Нечунким Юсуф алайҳиссалом қудуқнунг бало ва меҳнатини кўрмагунча давлат ва шаҳриёрлиққа етмади¹¹⁷. Ва, Одам алайҳиссаломким, барчанинг атоси турур, йаланғочлиқким, тортмагунча лутф хилъатиғаким, *фа-жтабаҳу Раббу-ҳу*¹¹⁸ мушарраф бўлмади. Ва ҳазрат *Хотим ал-анбиё афзалу-с-саловат ва акмалу-т-тахиййот* ким, барча анбиёдин йахшироқ ул турур, гурбат машаққатини ва ҳижрат заҳматини тортмагунча минг мартаба *Инна фаттахна лака фатҳан мубийн*¹¹⁹ га мушарраф/ бўлмади. *Ва йансурука-л-Лаҳу насран азиз*¹²⁰ давлатиға етмади. Байт:

16б

Висол агар тиласанг, эй кўнгул, жафо чеккил,

Ки гул тикансиз эмастур жаҳон ичинда бил.

Жаҳон ичинда агар сен мурод истарсанг,

Жафо ва жавринаким, келса сен, таҳаммул қил.

Ва мақсуд бу сўздин ҳазрат соҳибқироннинг воқифоти турурким, чун Туглуқ Темурхон Мовароуннаҳр мамлакатидин ўз вилоятига қайтти ва Беккичикни барча беклардин улуг этиб, мамлакат забтини ҳазрат соҳибқирон уҳдасида қилди ва Беккичик хон буйруғи била амал этмай, зулм ва жавр қила бошлади ва элу улус билан ўзга тариқа маош қилди¹²¹. Ҳазрат соҳибқирон бу тариқа ишларни андин кўруб, кўнгли йамон бўлди ва тақи хонга тааллуқ йасоқ қарори билан қолмади ва мамлакат бузилмоққа юзланди ва элу улус қолмади. Ҳазрат соҳибқирон анда турмоққа маслаҳат кўрмай, Хусайнбекни тиламакка жозим булур, йўлга кирди. Ва чун билмас эрдиким, Хусайнбек қандадур чулларда ва биебонларда юрур эрди, чун Хивақ¹²² чулида Соғиж қудугининг бошида анга етти. Ва бир-бирини кўруб, кўрушуб севиндилар. Андин Хивақ даруғасигаким, оти Тўкал эрди, қошига бордилар. Ва ул йамонфёшлиқ бадбахтнинг кўнглида кечтиким, буларни тутуб беркитгай. Байт:

Сен йамондин йахшилиқ тутма умид,
Ақл озгина ҳам бор, қоч андин равон.

17a

Ҳазрат соҳибқирон ва Ҳусайнбек анинг йамон ҳаёлидин воқиф бўлуб, ул ердин отланиб, олтмиш киши билан таваккал қилиб Пойоб сори юридилар¹²³. Тукал минг киши билан барча яроқлиқ аларнинг кейнида тушти. Аввали сабоҳ эрдиким, аларга етиб уруштилари, ва қиличнинг тили *Куллу ман 'алайҳа фан'*¹²⁴ жон қулогига ўқур эрди ва ўқунунг уни *Куллу нафсин зайиқату-л-мавти'*¹²⁵ яқин йироқдин еткурур эрди. Ва ҳазрат соҳибқироннинг кишиси Тағай Буға Барлос ва Сайфуддинбек¹²⁶ асру қуб уруш /қилгон жиҳатидан отлари ишдин қолди. Ва иккаласи ул қумлоқда йайоқ қолдилар. Ва Элчи Буға Баҳодурнинг тақи оти ҳориб қолди. Аммо ул ғайратидин қайтмай туруб, урушур эрди. Учаласи йармоғ туруб, шер киби жўшу хурўшлар қилурлар эрдилар. Байт:

Учаласи ул ерда ҳам чун наҳанг,
Уруш қилдилар ҳам чун паланг.

Ҳазрат соҳибқиронғаким, муборак хотирларида заифларнинг гами доим бор эрди, ул ҳолатни кўрди, деди: «Бу баҳодур йигитлар бу бадбахтларнинг эликларида зойиғ бўлмағайлар». Ва икки тарафдин анча уруштиларким, Тукалнинг минг кишисидин эллик киши қолди. Ва бу тарафдинким, олтмиш киши эрди, етти киши қолди. Ҳусайнбек баҳодурлуқ эликини чиқоруб, Тукал бошига чопиб, ўзини туғига еткуруб, туғини чопиб тушурди. Байт:

Тукал туғини икки қилди равон
Қилич бирла ул номвар паҳлавон.

Ва Тукалнинг кишилари Ҳусайнбекнинг бошига туктилар. Ва ҳазрат соҳибқирон ул ҳолатни кўруб, нусрат ва зафар тигини тортиб, аларга чобти ва барчани бир-бир этиб, Ҳусайнбекни чиқорди ва йўлга кирдилар. Аммо ул будбахтлар яна жамъ бўлуб, аларнинг кейнида тушуб, урушурлар эрдилар ва Ҳусайнбекнинг отини ўқладилар¹²⁷. Ҳусайнбек йайоқ қолди, хотуни Дилшод ого¹²⁸ отидин тушуб, Ҳусайнбекни миндурди. Ва ҳазрат соҳибқирон душманлар била урушур эрди. Охирида ҳазрат соҳибқирон ўқ-ёйи эликида олди. Шеър:

Чу ўқ отти ул хусрави номдор,
Адув жонидин қилди ул ўқгузор.
Чу убти башоқ шоҳ бармағини,¹²⁹
Йўқ этти ўшул дам ўқи йаағини.¹³⁰
Чиқарди адув жонидин шоҳ гард,
Фалак деди: «Аҳсанта, эй шер мард».

Ул ўқким отти, Тукал бадбахтқа тегиб, от орқасидин тиқилди. Ва узгаларни ўқ саҳми билан бир-бир этиб, Ҳусайнбекни отландуруб чўлга кирдилар.

17b

Фалак юлдузининг ададитек етти киши қолди¹³¹. Ва ул етти кишидин уч киши наҳси акбардин нахсроқ ва хуросонляқ, /балки инсон суратида ғули биёбоний эрдилар. Ул ҳолда аларнинг отларини олиб қочтилар. Ва ҳазрат соҳибқирон ҳеч парво қилмай, ёронларга кўнгул берди ва Ўлжай Туркон огоким, Ҳусайнбекнинг сингиси эрди ва ҳазрат соҳибқироннинг ҳарамии эрди¹³², алар била чўлга кирдилар ва чўлдин чиқиб Жўйиқийға еттилар ва анда бир булак турклар ултурур эрдилар¹³³. Чун буларни кўруб, бир-бирини чорлаб йўлларини туттилар. Ва ҳазрат соҳибқирон ғайрат ва ҳимматидин ўз ҳарамини бир ашлиқ қудуғига солиб яшурди ва ҳазрат Жабборға тобшуруб, турклар сори бордилар. Ва қиличини белидин чиқориб юриди. Ул жамоатдин бир киши, Ҳожи Муҳаммад отлиқ, ҳазрат соҳибқиронни таниб, туркларни урушдин манъ қилиб, келиб ҳазрат соҳибқиронни кўруб, бир йахши от торгити¹³⁴. Ва ул кеча аларни эвиге тушуруб меҳмондорлиқ қилди. Ва турклар тақи йахши хизматлар қилдилар. Тонгласи ҳазрат соҳибқиронким, ҳимматда беназири олам эрди, байт:

Берур эрди ул шаҳриёри карим,
Агар бўлса эрди жаҳон пур зи сим,

ҳиммат эликини очиб ул туркмонларга маҳтоб бир лаъким, анинг қиймати хирожи олам эрди, аларга берди. Ва Ҳожи Муҳаммад яна уч от ва озуқ тартиб этиб, бир ғажирчи, Саруқ Қулончи отлиқ мулозиматига тобшурди¹³⁵. Ва ҳазрат соҳибқирон Ҳусайнбек қошига бориб, ани отлантуруб, Маҳмудийга¹³⁶ бордилар. Ва ул ерда бир қудуқ қаздилар ва ул ерда ўн икки кун турдилар.

Алибек Жониқурбонининг йамон ҳаракотлариким, Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқиронга қилуб туруп

18a Ул вақтдаким, Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон Маҳмудий мавзёда эрдилар, Алибек Аргуншоҳ Жониқурбони ўгли алардин хабар топиб, бас, тақдир қаламиким, *Жаффул-қалами би-ма ҳува кинун* ул бадкирдорнинг ҳолига юруб эрдиким, ул ният бўлғай. Ва анинг йамонлиғи аҳлу авлодига етқай ва барча хору зор талаф бўлғайлар. Ул жиҳатдин анинг хотирига туштиким, ҳазрат соҳибқиронни тутқай. Олтмиш /кишини йароғлаб, аларнинг бошига йибарди. Ва алар беҳабар эрдиларким, бошларига ткуб, аларни тутуб Мохонга¹³⁷ элттиллар. Ва бир қаронгу эвдаким, тўла бурга эди, солдилар ва ул даркаронамоя неча кун ул эвда ғирифтор эрди. Муҳаммадбек, Алибекнинг иниси эрди, чун ул йамон ҳаракотидин хабар тобти яқин билдиким, бу ишдин аларга оқибат зарар етқуси туруп. Байт:

Сўрсангиз ғар тоғдин кони жавоб,
Бермағай шохи хато мейваи савоб.

Тус жилгасидин¹³⁸ Ҳусайнбек учун ва ҳазрат соҳибқиронга туҳфалар йибариб, инисига маломат қилиб ва кўб муболиға қилдиким, «Менинг кишим сенга етқач аларни қўябергил ва узрхоҳлик қилгил ва аларнинг кўнгуллларин олиб йахши сийлагил». Аммо Алибекка шақоват пардаси кўрар кўзини ёпиб эрди, ағоси насиҳат қилган сўзни эшитмади. Қитъа:

Насиҳат қилмағил нодон кишига,
Ки нодондур жаҳонда зишту бадху.
Чу турмас ел қафас ичинда ҳаргиз,
Ки ғарбол¹³⁹ ичинда турмайдуруп сув.

Ва бадбахтлиғидин ул нималарким, ағоси йибариб эрди, ўзи олди ва олтмиш икки кундин сўнг аларни чиқориб, оруқ отлар ва тева бериб йибарди. Ул маҳалда Муборакшоҳ Санжарийга давлат мадад қилиб ва саодат рафиқ бўлуб, ўғлонлари билан ул ҳазрат қошига келди ва узрлар қилуб, йахши отлар тортиб, хизматлар қилди¹⁴⁰. Ул жиҳатдин минг мартабага улуг мансабларга тегди. Ва ҳазрат соҳибқирон ул отларни Ҳусайнбекка торгитти.

Ҳазрат соҳибқироннинг Ҳусайнбекдин айрилиб, Кеш вилоятига борғони

186 Андин сўнг Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон бир-бири бирла кенгашиб, муборак кўнгуллариға андоқ туштиким, Ҳусайнбек Гармсири Ҳирманд¹⁴¹ сори борғай ва ҳазрат соҳибқирон ўз вилоятиға мурожият қилғай ва ҳар қачонки бир-бирини тилағайлар, Гармсири Ҳирмандда тобқайлар ва Туман қошигаким, /ҳазора ва никударийнинг¹⁴² улуг беги эрди, борғайлар.

Ҳусайнбек Гармсири Ҳирманд сори борди ва ҳазрат соҳибқирон Кеш сори юзлаиди. Сувдин кечиб, Бухорзиндонким, Бухоро вилоятининг кентларидин эрди, етти. Маҳди исматпаноҳ Ўлжай Турконни ушул кентда қуйди.

Ул жаҳатдинким, давлат ойи спехр салтанатида ҳануз ҳилол эрди, йашура-борур эрди. Бас, андин йуруб вилоятнинг уртасида эл ичинда кирди. Тамука Қавчин ул ҳазраттин хабардор бўлуб, ун беш жаррор киши билан хизматқа етти. Ва ҳазрат соҳибқирон алар била Хузор¹⁴³ сори бориб, субҳ бўлгонда бир илқи отни суруб, намози дигарда Оқуйға еттилар. Ва сувдин утуб, чулу қумлоққа ҳаво иссигидин боролмай, қайтиб, жангал ичида кириб, бир ойгача турдилар. Ва ул ерда маҳди улё Ўлжай Туркон Бухорзиндондин¹⁴⁴ келиб ҳазратга қушулди. Ва бир ойдин сунг йироқдин қаро куруб, сувдин бари уттилар. Назм:

Кириб от била сувга ул шаҳриёр
Саодат била қилди андин гузор.
Анинг кейнида маҳди исматпаноҳ,
Таваккал қилиб кирди ул ҳам чу моҳ.
Навкарлар тақи от солиб кечтилар,
Саодат майин анда худ ичтилар.
Бари қилдилар сувдин андоқ гузар,
Ки бир кишига тегмади бир зарар.
Янги бошдин берди мужда жаҳон,
Ким эрур бу шаҳаншоҳ соҳибқирон.
Чи ғам гар худо бўлса ёройи наку,
Агар бўлса олам тўла уту сув.

Ва сувдин ўтуб, қўлларга кириб, неча кун турдиларким, эл-улус йайлоқдин қайтти ва ул ерлар холи қолди. Ҳазрат соҳибқирон йайлоқ сори бориб, бир ойгача анда турди. Ва андин Самарқанд сори таважжух этиб, анда етконда Қутлуқ Туркон оғоким¹⁴⁵, ҳазрат соҳибқироннинг эгачиси эрди, эвида тушти ва қирқ саккиз кун анда турди. Баъзи кишилар анинг келгонидин хабардор бўлуб, ҳар ерда айта бошладилар. /Чун ҳазрат билдиким, анинг келгонидий баъзи кишилар воқиф бўлубтурур, андин отланиб Кешнинг жилгасида кирди ва Ачиги отлиқ кентда қутбдек турди¹⁴⁶. Ва анда тақи қирқ саккиз кун турди. Андин тақи отланиб, ора кунуб, сув йақосига етти¹⁴⁷ ва ул ерда Темур Хожа Ўғлон ва Баҳром Жалойир келиб ҳазратнинг мулозиматиға мушарраф бўлуб, иттифоқ била Қандаҳор сори бордилар. Ва тақдир мувофиқ келиб, Ҳирманда, Туман қошигаким, ваъда бериб эрдилар, Хусайнбекка қушулдилар. Ва Баҳром Жалойир қочиб Ҳиндустон сори кетти¹⁴⁸.

19a

Хусайнбек била ҳазрат соҳибқирон Сейистон сори борғонлари

Бу маҳалда Сейистон¹⁴⁹ даругасида бир йамон ғаними бор эрдиким, анинг била уруша олмас эрди. Бу жиҳатдин Хусайнбекка ва ҳазрат соҳибқиронга киши йибариб тазарруъ ва ниёз била аҳволини арзадошт қилиб йибарди. Деб эрдиким, «Умид ул турурким, менинг фарёдимға етгайсиз». Чун буларға ҳимматлари доим заифлар сори эрди, бас, вожиб кўрдиларким, бориб анга мададкорлиқ қилгайлар. Минг киши биланким, ҳар бири уруш кунда шертек ё наҳангтек эрдилар, Сейистон сори бордилар. Ва Сейистон ҳокими ўтрув чиқиб, хизматкорлиқлар қилди ва шарт қилдиким, «Ҳар қачон анинг душмани бир тараф бўлгай жавоҳир ва қумошдин нечаким керак бўлса, шукрона учун берайин ва то тирик бўлсам, хизматкорлиқ қилгаймен». Алар ул душман сори йуруб, рўзгорини қилич зарби билан қаро ердек қилдилар. Сейистон даругасига ул миқдор журъат йўқ эрдиким, аҳдига вафо қилгай ва ул нимаким, қабул қилиб эрди, беролгай. Бас, Хусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон анинг нимасига илтифот қилмай, андин ёндилар.

19b

Қалин киши¹⁵⁰ Мекрондин¹⁵¹ келиб, йул бошида туруб бедаблиқ /қилад бошладилар, уруш бўлди. Алар барча ҳазрат соҳибқирон бошига тушуб, ўқ ота бошладилар. Ва ул ҳазратнинг муборак эликигаким, шоҳларнинг ўпар ери эрди, ўқ тегиб мажруҳ бўлди ва асру қаттиқ уруштилар. Мекрон сипоҳи таҳаммул қилад олмай бир-бир бўлдилар. Хусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон

Гармсир сори бордилар ва ул ҳазрат элики жиҳатидинким, муъолижа қилгай, Туманнинг чодирисида тушуб турди¹⁵². Ва Хусайнбек туқсон киши била Бақлон сори борди. Ул ерда етконда Ажунимким, Беккичикнинг иниси эрди, қалин черик билан йулини тутти ва уруш бўлуб. ва Хусайнбекнинг кишиси оз эрди ва душман асру қуб, таҳаммул қила олмай қочтилар. Ва Хусайнбек ўн икки киши билаким, тўрт отлиқ ва саккиз йайоқ эрди, Шабарту сори мутаважжих бўлди.

Ҳазрат соҳибқироннинг элиги йахши бўлгондин сўнг Арсаф¹⁵³ сори борғони

Чашми захмким, ҳазрат соҳибқироннинг эликига тегиб эрди, роҳатқа мубаддал бўлуб, ул ҳазрат Темур Хожа Уғлон била йигирми тўрт кишиким, мулозиматида бор эрди, Арсаф сори борди. Қўҳимардқа¹⁵⁴ етконда Хусайнбекнинг хабарин эшитиб, Севинч отлиқ навкарини анга йибарди, то сиҳхат-саломатлиқ хабарин анга еткургай. Ва муқаррар қилгайким, Арсафда бир-бирини кўргайлар. Ва Арсаф сори борурда Арсаф ва Қўҳимарднинг урталигида Сиддиқ Барлоским, Қарочор нўннинг уғлонларидин эрди¹⁵⁵, ўн бир киши била ҳазрат соҳибқирон қуллуғига келди. Ва ул ҳазрат Сиддиқни Хусайнбекка йибардиким, ботроқ келсун ва ўзи анинг кейнида юриди. Бу маҳалда Арсаф соридин юзча отлиқнинг қароси кўрунди ва ҳазрат соҳибқирон Баржаст Йаноқни алар сори йибардиким, бориб аҳволларини маълум қилгай. /Ул Йаноқ бориб маълум қилдиким, Хусайн уғли Қарончи эрурким, Хусайнбекнинг хабарин эшитиб эрдиким, Бағлонга келиб турур, анга истай келиб турур. Ул боргон Йаноқ кайфияттин маълум қилиб, бир тена устида чиқиб, баро бурулди. Ҳазрат соҳибқирон камоли ақлидин фаҳм қилдиким, бу келур киши дўст эрур, душман эрмас. Бас, таъжил билан юриди. Қарончи ул тарафдин келиб ҳазрат соҳибқиронни кўруб, мулозиматига юриди. Арсафга етконда бир неча кишини қаровуллуққа йибарди. Субҳ бўлгонда хабар келтурдиларким, йироқдин қаро кўрунур. Ҳазрат соҳибқирон отланиб, аларнинг кейнидин кириб сурдиким, «Сизлар на кишиларсиз?» Ҷавоб бердиларким, «Биз фалон кишининг навкарларидин турурмиз», яъни ҳазрат соҳибқироннинг. Ул ҳазрат илгари бориб Тўглуқ Хожа Барлос ва Сайфуддинбек ва Отша ва Тутак ва яна бир неча кишиким барча ул ҳазратнинг мулозимлари эрдилар, ҳазратни кўруб, севиниб, ўз мақсудларига етиб, отларидан тушуб, юзларини аёғига сурттилар. Ва ушул ерда туруб, кеча анда туруб, тонгласи отланадургонда йироқдин қаро кўрунди. Тафаҳхус қилгондин сўнг Шер Баҳром эрдиким, ҳазрат соҳибқирон Туманнинг чодиридин чиққонда ул анда қолиб эрди, ҳазрат боргонидин сўнг пушаймон бўлуб, отланиб, ҳазратнинг кейнида тушуб, бу ерда ҳазратқа етти.

20а

Сиддиқ ва Севинч ҳазрат соҳибқироннинг сиҳхат ва саломатлиқ башоратини Хусайнбекка етқурдилар. Хусайнбекнинг давлат ниҳолидин саодат мева гунчаси очилди ва амонлиқ чаманидин шодмонлиқ насими еткура бошлади. Ҳеч таваққуф қилмай отланиб юрубурди. Ва анинг хизматида Улам уғли юз ўтгуз киши била ва Маҳмуд Гули юз элик киши била йайоқ ва отлиқ Арсафда/ ул ҳазратқа қўшулдилар. Ва бир-бири била кўрушуб, меҳру муҳаббат бисотида ўлтурдилар ва ҳар кимгаким, бу муддатда рўзгордин не нимаким тегиб эрди, ҳикоят қилдилар. Хабар топтиларким, Мангли Буға Сулдуз Алачу қалъасида ўлтуруб, кўнглини адоватқа боғлаб турур. Ул ҳисор сори юридилар. Шер Баҳромни Мангли Буға била дўстлуғи бор жиҳатидин қабул қилдиким, «Бориб ани насиҳат қилиб, олиб келайин». Ҳазрат соҳибқирон Шер Баҳром сўзини эшитиб Мангли Буға сори йибарди. Ул анинг келгонидин хабар топиб, қалъадин чиқиб қочти. Ва яна бу маҳалда уч юз киши дўлон жовун қавмидинким, Хулм¹⁵⁶ ҳазорасидин эрдилар, қадимдин бери ҳазрат соҳибқироннинг давлатхоҳларидин эрдилар, келиб қўшулдилар. Ва ҳазрат соҳибқиронга шавкат ва азимат ва давлати кунда ортурур эрди.

20б

Ул ердин отланиб, Суф дарасида¹⁵⁷ туштилар. Ва Туман уғли Амлос икки юз киши била келиб эрдиким, Балх теграсидаги отларни чобқай. Ҳазрат соҳибқирондин ва Хусайнбекдин хабар топти, келиб аларга қўшулди.

Ул ҳазрат Тамукани уч юз киши била Қаҳлаға сори йибардиким, хабар билиб келгай. Ул Термиз гузоридин ўтуб, Қаҳлағаға етти.Кўрдиким Жета черики вилоятни талаб қайтиб турурлар.Ва Тамука қазодин уз уруқи қошига учраб, алар билан кўрушуб, ўғлонларидин хабар сўрди. Алар дедиларким, «Ўғлон-ушогинг барча саломат турурлар ва Ушмунда яқин ерда тушуб турурлар. Бориб аларни кўрса бўлур».Ва кўб муболаға қилдиларким, «Бир соат бориб ўғлонларингни кўргил». Ул муҳибби содиқ қабул қилмай дедиким, «Чун бизнинг валийнёъматимиз эвидин йироқ турур, бизга раво йўқ турурким, эвимизга боргайбиз». Байт:

21a

Мундоқ керак муҳаббат ва хизмати тариқат,
/Раҳмат ангаки, хизматини қилса ушбу тавр.

Хусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон Суф дарасидин кўчуб, Дараигизда¹⁵⁸ кирдилар ва Элчи Буга майдонида туштиллар. Ва ул ерда эшиттилларким Сулаймон Барлос ва Мусабек ва Жаку Барлос ва Ҷалолиддин Барлос ва Ҳиндука Барлос¹⁵⁹ бир жамоат киши билан ҳазрат соҳибқироннинг хабарин эшитиб, Жета черики била мухолифат қилиб, аларнинг ўртасидин чиқиб, Термизқа келиб, тушуб турурлар. Ҳазрат бу хабарни эшитиб, Тулон Бугани чобтурдиким, сувдин ўтуб, аларни кўруб, кент ҳолидин хабардор қилгай. Ва андин кўчуб Балх жилгасида кирдилар. Таянгу ўғли Абу Саъид ва Мангли Буга Сулдуз ва Ҳайдар Андхудий учаласи¹⁶⁰ бирикиб, олти минг киши билан адоват камарини беллариға боглаб, субҳ эрдиким, ҳазрат соҳибқиронга етиб, Қаросувгаким¹⁶¹ ўртада эрди, тушти ва икки тарафдин ўтар йўлларини тутуб, бир-бирига камин қилиб ўлтурдилар.

Ҳазрат соҳибқирон ўзи отланиб келди ва алар била сўзлашиб,кўб насиҳатлар қилди. Ва алар насиҳат сўзларини эшитиб, ул жўшу хурушдин бир нима таскин тобдилар. Байт:

Оқил ишини сўз ила андоқ қиладур туз,
Ким юз черик ила киши андоқ қилаолмас.

Душман черики Дараигиз сўйини ёқалаб борур эрди. Ва нусратшиёр черики қувват ариғининг йақосида юрур эрдилар. Икки тарафдин ўтар йўли тобмай борур эрдилар, то Балх ўтрусида етиштиллар.

Хусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон Абу Саъид била ва Мангли Буга ва Ҳайдар била уруш қилғони

21b

Икки тарафдин черик Балх муқобиласида етишиб, Абдуллоҳ ариғини¹⁶² ўртада олиб, йасол туздилар ва урушқа юзландилар. Бу маҳалда бекларким, Термизда/ келиб эрдилар, ҳазрат соҳибқиронга етдилар, ва Тамука илгари келиб алардин на сўзким эшитиб эрди, арзға еткурди. Ул кун намози пешиндин оқшомғача уруштиллар. Икки тарифдин бир-бирига ўқ отиб шайба тўқдилар.

Чу ёйдин чиқор эрди ўқ ул замон,
Жудо жон бўлур эрди тандин равон.

Ва Тамука ул кун ўқ еб захмдор бўлди. Назм:

Кириб тоғ пардасида офтоб,
Йаруқ кун бошин қўйди ул дам ба хоб.
Тушуб икки ёндин ул икки сипоҳ,
Алар ваҳмидин кўрқубон меҳру моҳ.

Тонгласиким, шоҳи фирузаи спехр уфқдин тулуь этиб, сайёра сипоҳини қочуруб, оламни жамолидин йаруқ қилди, икки тарафдаги черик яна жўшу хуруш қилиб, кавс ва наққора ва нафир унидин фалак ичра зилзила тушти. Ул кун ҳазрат соҳибқирон худони иноятиға сигиниб, таваккал этиб душман

сори юриди. Кўпрукдин ўтуб, қаҳругина юзини ул черик сори қилди. Ҳар нечаким, алар юлдуз киби ҳисобсиз эрдилар ва урушда ҳар бири арислон ва пилдек эрдилар, аммо ҳазратнинг ҳамласига тоқат қила олмай, қочмоқдин ўзга чора кўрмадилар. Байт:

Юлдуз агар-чи бордур сонсиз дар замона,
Кун чиқса кўрмас андин киши дигар нишона.

Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон бу фатҳ бўлгонидин сўнг ўз кишисини сонини кўриб, минг отлиқ йиғилгон эрди, ҳазрат соҳиб қирон бир пора киши билан илғари тушуб юриди. Жайҳунга етконда Термиз гузоридин ўттилар ва Қаҳлаға сори қаровул йибардиларким, хабар билиб ёнғай. Ва булар сувдин ўтуб, йақода туштилар ва боргон қаровуллар ҳоргон учун йўлда тушуб йўқладилар. Ажунни черикиким, Беккичикнинг иниси эрди, еттилар ва қаровулдин ўтуб, ҳазрат соҳибқирон сори бордилар.

22a /Ва ҳазрат соҳибқирон қаровулларга иътамид қилиб, фароғат била ўлтурур эрди. Ва ҳар киши ўз хаймасида гофил ётиб эрдиларким, душман черики қаровул билан бийла етти. Назм:

Шаҳаншоҳ чу қилғай қаровул равон,
Тиласун жаҳондиду кордон.
Ки бўлғай ўз ишида бусту далер,
Адув хайлидин қўрқмағай ҳамчу шер.
Сўзи чин, иши туз, ўзи бовафо,
Иши бобида қилмағай ул хато.

Черикка фурсат бўлмадиким, иш қила олғайлар. Зарураттин кемаларига кириб, чодирларини қўйуб, сувдин нари ўттилар. Ва ҳазрат соҳибқирон неча киши билан бир жазира ичида кириб, аларнинг дафъига машғул бўлуб, анча турдиким, черик барчаси сувдин ўттилар. Андин сўнг ўзи тақи ўтуб, бир ойғача сув йақосида ўлтурди. Ва душмаи черики тақи бери ўлтурур эрди, бир ойдни сўнг ҳазрат соҳибқирон кемаларни кўйдуруб, андин кўчуб, Хулм сори мутаважжих бўлдиким, Балхқа тааллуқ турур. Анда Ҳусайнбек қолгон черики билан етти.

Ҳусайнбек била ҳазрат соҳибқирон Тайхон¹⁶³ ва Бадахшон¹⁶⁴ сори боргонлари

Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон иттифоқ била Қундуз сори мутаважжих бўдилар ва ул ерда Бурулдай элини йиғиштуруб, Бадахшон сори юридилар. Ва Тайхонга етконда Бадахшон шоҳлари сулҳ эшикидин кириб, ваҳшат ва мухолифат аччиқини сулҳ тўнг шарбати билан чучук қилдилар. Ва мундин Арҳанг сори қайттилар. Ва сувдин ўтуб, Соли Сарой сори юзланиб, Хутталон сори бордилар. Чўлга кириб, Дашти Куланқда¹⁶⁵ кеча билан туштилар ва ҳар киши ўз ерида роҳат сори майл этиб ётти. Ҳазрат соҳибқирон тақи тўн ва этик чиқориб, ётурға майл қилур эрдиким, Ҳусайнбекдин киши келиб, ул ҳазратни чорлади. Ҳазрат соҳибқирон Ҳусайнбек сори /бориб, мажлисида кириб ўлтурди. Ҳозирлардин Пулод Буға ва Шер Баҳром эрди, Ҳусайнбек Шер Баҳромдин шикоят қила бошлади. Дедиким: «Бу маҳалдаким, душманга яқин етиб биз, ул айтадурким, «Ўз уйим ва элим сори борурмен». Мурувват ва вафо аёғи била мувофиқат тариқида юрмайдур». Соҳибқирон тақи ани кўб насиҳат қилди. Аммо ул эшитмай айтур эрди. Шер:

226

«Насиҳат сўзунг менга йўқтур қабул».

Ҳусайнбекнинг аччиги келур эрди. Аммо замона иқтизоси учун таҳаммулни йахшироқ кўрди. Байт:

Эр кишига нечаким қувват ва қудрат бўлғай,
Йўқ турур анга таҳаммул ишидин йахшироқ.

Охируламр, Шер Баҳром Балжувон¹⁶⁶ сори кетти. Бу маҳалда хабар келдиким, Туглуқ Сулдуз ва Кайхусрав Жета черикини бошлаб беклари билан илгари келиб турурлар. Ва Йумкон угли Темур ва Сарик ва Шингум ва Туглуқ Хожа — Ҳожибекнинг иниси ва Беккичик угли Темур ва узга ҳазора беклари ва қушун беклари йигирми минг киши билан Чала Бошидин Тошкўфруккача ўлтуруб турурлар. Ва ҳазрат соҳибқирон ва Ҳусайнбек кишиси олти минг киши эрди. Аммо ҳазрат соҳибқирони пок эътиқодқа бу оятнинг мазмунидинким: *Кам мин фиъатин қалилатин галабат фиъатан касиратан би-изни-Ллаҳи*¹⁶⁷ сидқ ва ихлос қулоғи билла ҳотиф тавфиқидин нусрат хабарини эшитур эрди. Ва давлати рўзафаун кўзгусида фатҳ ва зафар йаруғлуғин куруб яқин билур эрдиким, байт:

Ки гар олам улғай бариси наҳанг,
Ва гар кўху саҳро эрур пур наланг,
Кишигаки, ёр улса бахти баланд,
Ки тегмас анинг бир тукига газанд.

23а Соҳибқирон икки минг киши билан таваккал юзини душман сори қилиб, илгари юрив берди ва Тошкўпрукнунг бошида икки черик бир-бирига етиб чоштдин бериким раъият салтанат донгини кўтариб /эрди, то ул вақтқача-ким: *Вал-лайли иза сажо*¹⁶⁸ парчамини тарақ урдилар. Урушнунг қуввати забону нору ҳошиядин ҳикоят қилур эрди ва ер йайақ ва отлиқдин *Иза зулзилат-л-арду зилзалаҳа*¹⁶⁹ тафсириин айтур эрди ва ўқнунг уни *фата ва таммат ат-тақата*¹⁷⁰ жон қулоғига солур эрди. Ва сўнгунунг бору галваси *Йукаду-л-барқу йахтафу абгараҳум*¹⁷¹ бурҳону қотиғидин баён қилур эрди.

Алқисса, ул кун оқшомғача баҳодурлар икки тарафдин кўпрук бошида анча уруштиларким, узга ҳеч диловарнинг бағрида тоқат қолмади. Кеча бўлгондин сўнг қайтиб туштилар. Мухолиф черики кўб эркон жиҳатидин ҳазрат соҳибқирон давлат илҳомидин яқин билдиким, бу черикка раъй ва тадбирини илгари солиб иш ишламак керак. Шижоат ва баҳодурлуқ бу ерда фойда қилмас. Шижоат қиличини раъй ва тадбир сайқали бирла йаруқ қилмагунча зафар юзини анда кўрса бўлмас. Ва жалодат ўқи тадбир шастидин чиқмагунча нусрат унини эшитса бўлмас. Хотирини бу ишнинг дафъига қўйуб, тадбир қалами бирла лавҳ замирида мундоқ нақш чекти.

Ҳазрат соҳибқирон Тошкўпрукдин ўтуб, Жета черикини қочургони

236 Ҳазрат соҳибқирон Мусабек билан Муъаййид Арлот ва Уч Қаро Баҳодурни¹⁷² беш юз киши биланким, ҳар бири минг кишидин қайтмас эрди, Тушкўфрукда душман муқобиласида қўйди ва ўзи минг беш юз отлиқ биланким, разм майдоннинг гардини кўзларига оруз сурмасидек тортарлар эди, иқбол замонида саодат юзларини сувнунг юқори сори қўйуб, Асин майдони сориға еттилар. Ва андин йарим кеча сувдин /ўтуб, тоғ сори бордилар. Тонгласи йаағининг қаровуллари от изидин маълум қилдиларким, черик сувдин ўтуб турур. Ул жиҳатдин аларнинг кўнгулларига ваҳм тушуб қўрқтилар. Байт:

Чў кийди қаро тўн яна бу спехр,
Юзини йашурди фалак ичра меҳр.

Кешвар очқучи соҳибқирони комкор фармон бердиким, «Бийик тоғлар устида чиқиб, кўб ўт ёндурунлар!» Бас, фармони била амал қилиб, ҳар бир киши ўн ерда ўт ёндурди. Мухолиф черики кечада ул ўтни кўруб, кўнгулларига ваҳм тушуб, туролмай, бузулуб кеттилар. Ва Тенгрининг иноятини кўрунгим андоқ черикким, ҳар бир киши муқобиласида ўн йароқлиқ киши бор эди, уруш қилмай бузулдилар: *Вал-Тоҳу йуғаййиду би-настриҳи ман йашаъу*¹⁷³. Ажаб нику тадбириким, ўтнунг йаруғлуғиниким, йироқтин кўрсатти, мухолифларнинг такаббур ва гурур хирманини куйдурди. Ва на ажаб бўлғай мундоқ ишлар ангаким, Ҳаққ таборак ва таоло

лутфи мадад қилгай. Худонинг лутфи мадад бўлгондин сўнг муқаррар турурким, душман зору хор бўлгуси турур. Байт:

Бу шоҳга завол ҳар ки қилгай ҳаёл,
Анга уқ тегар, бил, жаҳонда завол.

Душманлар қўрқуб, қочурга юз қўйдилар. Ҳазрат соҳибқирон пилтек тоғ устиди жўшу хуруш этиб тушти ва душман кейнида шертек чошиб, Гужарот майдониғача аларни қовлаб, кўб кишини тушуруб ўлдурдилар¹⁷⁴. Байт:

Ушул ерда анча адув ўлдиму,
Ўлуқлардин пушталар бўлдиму?

Ва адув тушкон юртида юз шодмонлиқлар билан туштилар. Ва Ҳусайнбек тақи қолгон черик билан еттилар. Ва бу фатҳнинг насимидин иқбол шохи тик бўлуб, давлат ва саодатлари кучланди ва шоҳу черикнинг шавкату журъатларин бири миинг бўлди.

24а

Ҳазрат соҳибқиронга бу фатҳ ва нусрат муяссар бўлгон жиҳатидин икки миинг киши билан илгари юрберди. Қаҳлағача етконда Кеш вилоятининг йигитлари/ бўлак-бўлак қочиб келурлар эди ва саодатманд мулозимларига қўшулур эдилар.

Ул ҳазратнинг икки миинг кишидиким бор эрди, аидин уч юз киши олиб саодат ва иқбол юзини Кеш сори қўйуб, ўзгаларни ўшул ерда турғузди. Ва ул уч юз кишидин юз киши Сулаймон Барлос билан Жаку Барлос ва Баҳром Жалоийр ва Жалолиддин Барлос ва Сайфуддинбек ва Йул Темурга қўшулуб, Кеш сори йибарди ва буюрдиким, «Тўрт бўлак бўлунгуз. Ва ҳар бир отлиқ икки улуг бөг шох олиб, отнинг икки ёнида боғласунким, ул шох жиҳатидин гарду-ғубор бўлғай ва андаги даруғалар ул гардни кўруб, туролмай қочқайлар». Алар наким, ҳазрат буюриб эрди амал қилиб, бу тадбир тақдирга мувофиқ тушуб, Кеш жилгасида кирдилар. Ва андаги даруғалар ул гардни кўруб, қўрқуб қочтилар. Ва булар Кешга кириб, забтқа машғул бўлдилар. Тенгрининг иноятини кўрунгим, бу шоҳи соҳибқиронга на турлук мададлар қилурким, тадбир юзидин бир ўтиким ёндурди, неча миинг черик қочти. Ва яна гурдидинким, ул ҳам тадбирдин эрди, мулки мусаххар бўлди. Шеър:

Бандага ҳазрат Ҳаққини бу турур лутфу карам.

Ва ул маҳалда Илёс Хожахон Тош ариғида¹⁷⁵ ким, Кешдин тўрт йағач йироқ турур, ўлтурур эрди авжи азимат била. Ва Туғлуқ Темурхон вафот бўлуб, Ҳамидбек келиб эрдиким, Илёс Хожахонни элтиб, андаги эл-улусқа хон қилгай ва юртида ўлтургай. Ҳазрат соҳибқирон юз отлиқ била тун қайтиб, Хузорга тушти ва андаги эл-улус анинг келгонидин хабар топиб, мулозиматга келдилар. Бас, ёрлиқ эттиким, «Хузор ва Кеш черики йиғилсун!» Ул черик Хожа Салбариди йиғилдилар. Ҳазрат соҳибқирон яна Чекдалик¹⁷⁶ сори қайтти. Анда етконда Баён Сулдуз ўгли Шайх Муҳаммад етти қўшун черик билан келиб ул ҳазратқа қўшулди¹⁷⁷./ Ва ул ерда етти кун таваққуф қилдиким, Ҳусайнбек черики билан етти. Ва Шер Баҳромким, Данги Куландин айрилиб, эли сори бориб эрди, қирқ уч кундин сўнг Хутгалон черики била келди.

24б

Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон бўлгон черик билан кўчуб, Хузорга келдилар ва ул ерда мазори мутабаррук Хожа Шамс¹⁷⁸ таба сирруҳуга кириб, тавоф қилиб ва анинг руҳидин ҳиммат ва мадад тилаб, яна икки бошдин аҳд қилдилар ва дўстлуқ ва ихлос тариқасини бирикитиб, иттифоқ қилдилар. Шеър:

Жаҳонни олса бўлур, орс, иттифақ била.

Ҳазрат соҳибқирон туш кўргони ва ул тушдин севунуб, Илёс Хожахон сори черик тортқони

*Қола ан-набиййу, алайҳис-салом: Ар-руъйа ас-солиҳа жузъун мин ситта-тин ва арбаъина жузъан мина-н-нубуввати*¹⁷⁹. Қадимдин эр ўтиким, Ҳакимул Алим бир соҳибдавлат бандасига иноят қилса, анинг саодат ва иқбол бўйинни ўз хизонасиндиким: *Инна жаъалиака халифатан фил-арди*¹⁸⁰ лутф хилъати била ораста қилур ва анинг кўз кавкабини замирини тавфиқ сайқалидин таҳқиқ нури билан мунаввар қилур, то ғайбдин келур нима анда юзини кўрсаткай. Ва на нимаким, воқиб бўлгуси турур, воқиб бўлмоқдин бурун анга маълум бўлғай. Нечукким Юсуф алайҳиссаломга кўрунди-лар: *Ва рафаа абавайҳи ала-ларши ва харру- лаху сужжадан*¹⁸¹ андин хабар берурким, неча йилдин бурун анга келган ҳолатларни кўрсатдилар. Ва яна расул алайҳиссаломгаким, Макка фатҳини кўрсатдиларким: *Лақал садақа Аллоҳу расулаҳу ар-руъйа бил-ҳаққи*¹⁸² анинг баёнида турур. Ва ул Пайгамбарларнинг Султони, *алайҳи афзалус-салавот ва акмалут-таҳиййот-гаким*, салотинлар банда ва фармонбардор бўлди.

25а Ҳазрат соҳибқиронга тақи бу давлат кўрундилар ва ул ҳолдаким мушкул иш анга воқиб бўлур эрди, анинг учунким, кишиси оз ва душман асру кўп эрди ва алар билан уруш қилмагунча муяссар бўлмас эрди. Бир кун камарда¹⁸³ эрдиким, на /қилғай ва на чора бўлғай. Чошт эрди. Бу андишада анга уйқу тутуб, йуқлади. Ул уйқуда бировнинг унини эшиттиким, биров айттиким, «Ғам сма ва кўнглунгни хуш тутким, нусрат ва физици худойи таоло сенга берди». Ул уйқудин уйғониб, теградаги киши-қарони чорлаб, сўрдиким, «Сиз ҳеч сўз дедингизларму?» Алар дедилар: «Йуқ».

Бас, анга яқин бўлдиким, бу ун ҳотифи ғайбдин эрдиким, анинг қулогига ситти. Ва ул башорат оли лутфи илоҳий гулшанидин эрур. Бас, эътимодини ҳазрат Ҳаққа биркитиб, шодлиқ билан Ҳусайнбек қошига борди ва сурати воқибани анга айтти. Ҳар ким бу сўзни эшитти, севунуб, барча хушхол бўлдилар.

Ҳусайнбек била ҳазрат соҳибқирон Жета черики билан урушуб, музаффар ва мансур бўлгонлари

Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон ҳазрат Ҳаққнинг шукр ва сипосидин сўнг саодат ва давлат билан отланиб, икки қўл тартиб этдилар: Ҳусайнбек ўнг қўл сори бўлди ва ҳазрат соҳибқирон сўл қўл бўлуб юридилар. Ва душман черикиким, Тош аригида эрди, ул тақи икки қўл бўлуб, ўнг қўлда Илёс Хожахон ва Ҳамидбек турдилар. Ва сўл қўлда Туг Темур ва Беккичик турди. Ва икки тарафдин йасол бағлаб, бир-бири сори юридилар. Назм:

Чу тебранди ул икки черик равои,
Дедингим, йиқилгусидур бу жаҳон.
Чу чиқти фалак узра гарди сипоҳ,
Кўрунмади ул гарддин меҳру моҳ.
Ул икки черик андоқ этти фиғон,
Ки бўлди қиёмат жаҳонда аён.

Кўббаи метин¹⁸⁴ мавзеъида икки сипоҳ бир-бирига етиб, кавсу каврга ва наққораю нафира униндин, диловарлар фиғонидинким фалак узра чиқиб эрди, хаёл қилур эрдингики, фалак йиқилгуси турур.

256 Ул ҳазрат соҳибқирон ўтрисида муолифларнинг ҳировуликим, ўзларининг кўбраки /жиҳатидин гурур бошларида бор эрди, от солдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон еридин тебранмай ўз давлатининг асоситек берк бўлуб турди. Ва нусрат элигини уқ-ёй сори элтиб, сўл қўлини алифтек ва ўнг қўлини долтек қилиб, ўқ ота бошладилар¹⁸⁵. [Ҳозир] бўлгон йигитлар ва баҳодурлар ҳазрат била мувофиқат қилиб, душман сори ўқ ота бошладилар. Ва андоқ ўқ тўктиларким, душман черикининг баҳодурлариким, ол киби келурлар эди, йамғур киби туфроққа туштилар ва ҳаёт сувини туфроққа бериб, аёқдин

туштилар. Ва ул урушда икки улуг бекким, бахрин қавмидин эрдилар, ва алартек баҳодур йўқ эрди, бири Туг Темур ва бири Беккичикнинг иниси Давлатшаҳ ва икки шаҳзодаким, ҳар бири бир черикнинг боши эрдилар, талаф бўдилар. Назм:

Кишиларда йўқ эрди анда қарор,
Магар хаста ё улубон зору хор.

Икки тарафдин икки черик бариси бир-бирига чобишиб андоқ уруштиларким, ул уруш жиҳатидин замона муҳолифлар ғами учун зарра киби минг кўздин қон тукар эрди. Назм:

Чу бир-бирига тегди икки гуруҳ,
Дединг, урди бир-бирига икки куҳ.
Ёзи қиб-қизил бўлди қон жушидин,
Чиқиб лола тутти бари ер юзин.

Баҳодурлар бир-бирини қовлаб урушур эрдилар ва бало баҳри мавж уруб эрдиким, мубашшири айний ваъда бергон учун ҳазрат соҳибқиронга ва авлиёларнинг руҳи мадад қилиб, *ал-ҳамду ли-Ллоҳи-л-лази садақано ваъда-ҳу*¹⁸⁶ ҳазрат соҳибқирон рўзгорига шомил бўлуб, душманларким, асру азамати бор эрди, «валлава *‘ала адбарихим*» мудаббирин¹⁸⁷ аларнинг сурат ҳолларига келиб, андоқ черикким, йамгур қатратидин ва йағоч йафроқидин кўбрак эдилар, мутафарриқ бўлуб қочтилар: *Ва ма ан-насу илла мин ‘инди-Ллоҳи*¹⁸⁸.

26а

Илёс Хожахон ва Беккичикбек ва Искандар /Ўғлон ва Ҳамидбек ва Юсуф Хожабек эликка туштилар. Аммо хонни бир жамоат ҳаводорлари ва кишиларким, ани тушуруб эдилар, таниб, беклардин хабар бўлгондин бурун Беккичик билан хонни отландуруб йибара бердилар. Ва ўзгаларни боглаб беркиттилар. Ва ушул кеча ҳазрат соҳибқирон тун қайтиб Йом суйиғача¹⁸⁹ юриди ва анда душманлардин кўб кишини ўлтурди. Жақубек ва Сайфуддинбек Самарқанд сори кеттилар. Ва бу фатҳ ториhi етти юз олтмиш бешда, Лу йилнинг мувофиқида (1364) бўлди¹⁹⁰.

Ҳазрат соҳибқироннинг бийик ҳиммати — ҳар ишнинг охиригача ет-курмагунча ўлтурмас эрди. Хусайнбек кенгаши билан Шер Баҳром била илғор қилиб душман кейнида юридилар ва Хўжанд суйидин кечиб, Тошкандда туштилар. Ва ул ерда ҳазрат соҳибқиронга андак марази воқия бўлди. Ва Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло шифохонасиндиким: *Ва нуназзилу минал-Қуръони ма ҳува шифаъун ва раҳматун лил-муъминин*¹⁹¹ турур, сикҳат тобтилар.

Ва маҳди улё Ўлжай Туркон ого саодат ва комронлиқ била Гармсир тарафидин келди. Шеър:

Билқис келди, кўр, бу Сулаймон сори яна¹⁹².

Ва ҳазрат соҳибқирон андин ёниб, Хўжанд суйидин бери кечиб, овға машгул булди. Ва Хусайнбек тақи Дизақда¹⁹³ келиб ов солиб, ишрат била туруб, неча кун ўзини ғанимат билиб, айш ва танаъум била ўткордилар. Ва андин отланиб, Самарқанд сори қайттилар ва ул мамлакатни ойин боглаб, шаҳардаги раъиятнинг умид кўзлари губор давлатидин йаруқ бўлди ва заҳматиким, Жета элидин кўруб эдилар, анинг шарвати истимолатидин тавиялиқ аччиғи чучукдук била мубаддал бўлди. *Ал-ҳамду ли-Ллоҳи ‘ала ин‘омиҳи. Қад ража ‘а ал-Ҳаққу ила мақомиҳи.*

26б

/Ҳазрат соҳибқирон Хусайнбек била қурултой қилгонлари
ва Кобулшоҳ Ўғлонни хон кўтаргонлари

Мовароуннаҳр мамлақати Жета қавмининг эликидин чиқиб, давлат ва саодат яна бурунги ерига келди. Хусайнбек била ҳазрат соҳибқирон кенгашиб, дедилар: «Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло бизга фатҳ ва нуерат каромат

қилди ва вилоят бизга таиллуқ бўлди. Аммо бизга бир бош керак турур. Аромизда бош бўлмаса, ишимизда саранжом бўлмағуси турур». Байт:

Жаҳонда жаҳонбои агар бўлмағай,
Эрур жисмиким, анда жон бўлмағай.

Бу жиҳаттин кенгашлаб, бўлган нўёнлар жамъ бўлуб, қурултой қилиб, хонлиқ Кобулшоҳ Уғлонким, Дуржи ибн Элчикдай ибн Дувахон уғлонларидин эрди, хон кўтардилар. Ва бу Кобулшоҳ замона жиҳатидин дарвешларнинг либосига кириб юрур эрди. Иқбол ва саодат анга юз қўйуб, вилоятда хон бўлди. Назм:

Яки суҳбати қилдилар барча соз,
Ки бордур анинг васфи асру дароз.
Бари ер юзи бўлди андоқ латиф,
Ки қолмади даҳр ичра ўзга касиф.
Чу ўзларига қилдилар ани хон,
Юкунди тўқуз қатла хурду калон.

Ҳайдар Андхудийким, бандда эрди, Зида Чашмға¹⁹¹ тобшурдилар ва ўшул кеча анинг ишини охир қилди.

Бу вилоят қадимдин бери ҳазрат соҳибқироннинг ато-атоларига тааллуқ эрди ва мерос юзидин ҳазратқа тегар эрди. Ул жиҳатдин ҳазрат тўй қилиб, Хусайнбека тўқузлар тортиб, вилоятни тилаб олди.

27а Ҳамидбекнинг атоси ҳазрат соҳибқироннинг атоси била дўстлуқ бор эркан эрмиш. Ул тўйда Ўлжайту Апардий билан ҳазрат соҳиб қирон Ҳамидбек билан Искандар Уғлоннинг гуноҳини тиладилар. Аларнинг хотирлари жиҳатидин гуноҳидин кечиб аларга бағишлади. Аммо аларга *Ва даҳу ли-қулли ажалин китобун*¹⁹⁵ яқин етиб эрди, бекларнинг дархост қилгонлари фойда қилмади. Чун Хусайнбек қадимдаги юрти сориким, / Соли Сарой эрди, мутаважжих бўлди, ҳазрат соҳибқирон Довудбек билан Сайфуддинбекни йибардиким, бориб Ҳамидбекни банддин чиқориб, иззат ва ҳурмат билан келтургайлар. Боязид билан Эминким, Ҳамидбек аларга тутқун эрди, келгон бекларни йироқдин кўруб, хаёл қилдиларким, булар Ҳамидбекни ўлдурғали келурлар. Булар югуруб, бири кистон била ва бири қилич била уруб, Ҳамидбекни ўлдурдилар. Байт:

Ҳаёт аригидин чунки сувни боғладилар,
Хизр жомида яна кўрмағай магар хумори мамот.

Ва Хусайнбек бу ҳолдин воқиф бўлиб дедиким: «Навкарнинг иши бекидин йахшироқ воқиф бўлди». Киши чобтуруб, Искандар Уғлонни келтуруб, йасоққа еткурди. Ва ул қишда Хусайнбек ўз юртида ва ҳазрат соҳибқирон ўз вилоятида айшу ишрат била ўлтурдилар. *Вал-ҳамду ли-Ллоҳи-л-мунъим ал-муфзал*.

Лой урушининг шарҳи

Ҳазрат Малики алломдин бандасига давлат берса, ул аввал бандани жафо ва нақбат¹⁹⁶ била азоб қилур. Ва агар ҳамбият ва хузур берса, яна ани паришонлиқ ва номуродлиқ ичида солур. Басе, давлатким, анда бор меҳнат, хорлуқким анда бор — иззат. Ва бу сўз ҳазрат соҳибқироннинг шаънида турурким, чун ул қиш ўтуб, баҳор мавсумиким, оламни яна жаннатдек қилди, назм:

Тортти сабо черик қилибон ази корзор,
Тузди курунг йасоланай бар атрофи жўйбор.
Пайкони эрди гунчадину қалқони з-гул,
Сувдин зарра қилиб ўзига сўнгу қилди хор.

Бу мавсумда хабар келдиким, Йўета черики яна бу сори азимат қилиб турур¹⁹⁷. Ҳазрат соҳибқирон черик йиғиштурмакка машғул бўлуб, Хусайн-

бекка киши йибарди ва кайфияти аҳволдин хабар йибарди. Хусайнбек бу хабарни эшиткондин сўнг Пулод Буга ва Зинда Чашм ва Малик /Баҳодурни дедиким, «Черикингизни жамъ этиб, ўзунгузни ҳазрат соҳибқиронга бот еткурунг». Алар черикларини йиғиштируб, илғор солиб, ҳазрат соҳибқиронга келиб қўшулдилар. Иттифоқ била таважжуқ юзларини душман сори қўйуб, Ақар мавзеида¹⁹⁸ етконда неча кун анда турдиларким, гала-қаро жол топқай¹⁹⁹. Ва андип кўчуб, Хўжанд суйидин кечиб туштилар. Ва Хусайнбек тақи қалин киши йиғиштируб келур эрди.

Мухолиф черики яқин етиб эрди ва ҳазрат соҳибқирон душман сори кўчуб, Чинос ва Тошканднинг уртасида, сув йақосида туштилар. Ва черикка фармонладиким, ўз аҳволларидин гофил бўлмагайлар ва ўз ишларини эҳтиёт қилсулар. Ва Хусайнбек черики билан сувдин ўтуб, буржалига²⁰⁰ тушти. Ва ул тарафдин мухолиф тақи Кандибодом суйининг²⁰¹ йақосида етиб туштилар. Хусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон ул ердин кўчуб юрбердилар. Икки тарафдаги қаровуллар бир-бирини кўруб, черик тартибига машғул бўлуб, йасол боғладилар. Унг қўлда Хусайнбек азимат била турди. Ҳировулида Улжайту Апардий ва Шер Баҳром ва Пулод Буга ва Фарҳод ва Малик Баҳодур ва ўзга баҳодурлар бўлуб эрдилар.

Ва ҳазрат соҳибқирон сўл қўлда бўлуб, ҳировули Темур Хожа Ўғлон бўлди. Ва Жакубек ва Сайфуддинбек ва Мурод Барлос ва Аббос Баҳодур ва ўзга баҳодурни қапбулда турғузди. Ва бу тартиб билан юруб, душман била уруштилар. Ва Ҳста черики кўрдиларким, бу черик била уруша олмаслар, йада тоши била хийла ва макр қилдилар. Назм:

Йўқ эрди Ҳста элига тоби жанг,
Йада тош била қилдилар реву ранг.
Йада тоши била солдилар ул гуруҳ,
Жаҳон ичра ел бирла йамғур сутуҳ.
Булут булди пайдо ва қубги афғон,
Тула булди раъд униндин бу жаҳон.

28a Бовужуд улким, жавзо мавсеми эрди²⁰², анча йамғур тўқдиким, олам тула сув булди ва андоқ балчиқ булдиким,/ от еридин тебрана олмай ва отлиқу йаёққа мажоли ҳаракат йўқ эрди. Ва ўз ерларига ҳайрон бўлуб, йамғур жиҳатидин бошлариға капанак тортиб туруб эдиларким, мухолиф черики аларга етти, капанакларини бошларидин ташлаб, уруш қилдилар. Шъър:

Ул икки черикдин яна қўпди жўш,
Жаҳон ичра тўлди фиғону хурўш.

Ҳазрат соҳибқирон худойнинг инояти билан майсарадин чопиб, мухолифларниким, аларнинг улуғи Шингум нўйон, Ҳамидбекнинг иниси эрди, қочти ва Илёс Хожохон бу ҳолни кўруб, ул тақи қочти. Аммо мухолиф соридин сўл қўлда турғон Шировул била Ҳожибек эди, ўнг қўл сори чопиб, Тилончи ва Зинда Чашмини қочуруб, Хусайнбекка еткурдилар. Ва қўл бир-бир бўлуб, мутафарриқ булдилар. Шер Баҳром ва Пулод Буга мардона туруб, йахши ишлар қилдилар. Ва Ҳожибекким, бу тарафдаги майманани суруб юрур эрдилар, ул ҳолни кўруб, мутаҳаййир турдилар. Ва душман соридин Шамсуддинбек кўб киши билан мардонатиқ кўрсатур эрди. Ва ҳазрат соҳибқирон бу ҳолни кўруб, гайрат ўти бошиға букуруб, қиличини белидин чиқориб юрберди. Назм:

Чиқартти қилич белидин ҳамчу об,
Ки булди хира аксидин офтоб.
Равон чобги душман сори ҳамчу шер,
Жаҳон ичра ул аждаҳойи далер.

Ўн етти қўшун киши билан алар сори чобти ва ул ҳамла елидин қўрқунч ўти аларнинг кўнгулларига тушуб, Шамсуддинбек тура олмай қочти. Ва

Хусайбек бу зафарни кўруб шод бўлди, қайтқон черикини йигиштуруб, бир ерга турди. Байт:

Чу ул фатҳ қилди шери комрон,
Спехрга яна кирди тан ичра жон.

286 Ҳазрат соҳибқирон Тобон Баҳодурким, уз навқари эрди, Хусайибек қошига йибардиким: «Маслаҳат мундоқ кўринурким, бек, илғари /келиб, иттифоқ била душманга юругайби». Ва бис, ҳазрат соҳибқироннинг саҳоват ва иқбол голиядин Хусайибекнинг иқбол кавқабиди қайтиб, давлат куни накбат шомига яқин етиб эрди, бу маҳалда табъи ўзгача бўлуб эрди ва йамон ҳаракот андин зоҳир бўлуб эрди. Тобон Баҳодур анга етконда ани сўкуб андоқ урдиким, ул йиқилди. Яна ҳазрат соҳибқирон (Хусайибекнинг) уз кишилариким, Малик ва Ҳамди эрди, йибариб айттиким: «Албатта бек илғари келеуларким, фурсат фавт бўлмағай». Аларни тақи уруб, сўкуб йибардиким: «Мен багар қочибменким, мени илғари чорлайдур. Агар сизлар душманга голиб бўлангиз, гумон элтмағайсизким, меинг иитиқомимдин жон илинғайси».

Малик ва Ҳамди бу сўзни эшитиб, озурда хотир бўлуб қайттилар, ва ҳазрат соҳибқирон қошига келиб жиловиға ёпиниб дедиларким: «Бу ишга саъйи қилмангиз ва мундин ортуқ эҳтимом қилмангиз». Ул ҳазрат аларнинг сўзидип чиқмай, эҳтимом элигини тортти. Ва икки черик бир-бирини айрилиб, уз юртларига бориб туштилар. Назм:

Жаҳонжўй тушти чу от устидин,
Черики тақи туштилар бир-бирин.
Черикнинг чу осойиш ўлди иши,
Тонг отқунча тебраиғади бир киши.

Ва ул кеча Хусайибек неча қатла киши йибардиким, ҳазрат соҳиб қирон келгай. Аммо ҳазрат соҳибқироннинг кўнгли анинг бу ҳаракотидин қолиб эрди, бормади. Шэър:

Яна кунга чиқти фалак узра Хур,
Мунаввар этиб даҳрни сарбасар.
Равон бўлди икки черик тоғдек,
Аламлари ранго-ранг гули боғдек.
Жаҳон ичра қўбти фиғону хуруш,
Кишига жаҳон ичра қолмади ҳуш.

29a Баҳодурлар икки тарафдин бир-бирига чопишиб уруштилар, Икета черики туролмай қочтилар. Ва ҳазрат соҳибқироннинг баҳодурлари ва Хусайибекнинг йигитлари душманнинг кейнида тушуб, чопиб юрур /эрдилар. Бу маҳалда Шамеуддинбек черикдин айрилиб, туғи била бориб бир сори турди. Қочқон черик ул туғни кўруб йиғилдилар ва яна андин от солиб уруштилар. Назм:

Яна чобти ул душмани пур экин,
Қилич, уқ била тўктилар қонларин.
Башоқдин бари худ бўлди зарра,
Синон кўзу кунгулда бўлди карра.

Замонанинг бевафалигидин раъиятиким, давлат кўториб эрди, накбат елидин тушуб, душман голиб бўлуб, булар қочтилар. Байт:

Спехри зиштқа мундоқ эрур киш,
Ки роҳати кўрсатур, берур яна ниш.

Бисёр киши балчиқда қолди ва забун бўлгон душманлар кучланиб, муродлари била қилич уруб, ун минг киши анда талаф бўлди. Ва бу воқеъа рамазоннинг аввалида, торих етти юз олтимиш олтида, йилон йида воқеъ бўлди (1365, 22 май).

Беклар урушдин қайтиб Кешка туштилар ва беклар эл-улусни сувдин ўткармакка жозим бўдилар. Хусайнбек ҳазрат соҳибқироиға айтти: «Эвларимиз била эл-улусни сувдин ўткармакка, йахши бўлмай турур». Ул ҳазрат жавоб бердиким: «Ҳар ким борса борсун. Менга ҳиммат қўймаским, қўйгайменким ётлар вилоятқа кириб, элга жафо қилгай. Яна бир қатла черик йиғиштируб, мухалифлар билан урушурмен».

Хусайнбек Соли Сарой сори мутаважжих бўлди ва анда етконда ўзига тааллуқли кишиларни кўчуруб, пушта ва ўқоблардин ўтқариб, Шабарту мавзеида тушди ва кишилар қўйдиким, Ўста черикидин хабардор бўлсунлар. Агар Ўста черики бу сори майл қилса, ул Ҳиндустон сори кеткай.

296

Ҳазрат соҳибқирон Хусайнбек боргондин сўнг черик йиғиштируб, ун беш қўшун қилди ва Темур Хожа Ўғлон ва Жовурчи ва Аббос Баҳодурни етти қўшун била илгари Самарқанд сори йибарди. Ва ул йўлда Жовурчи ва Аббос ғайрда кайфият пайдо қилиб, Довудшоҳ ва Ҳинду Хожани қўрқуттиким, «Ҳазрат соҳибқироннинг кўнглида борким, сизларни тутуб Хусайнбекка /йибаргай, ва Хусайнбек сизларни тирик қўймас». Алар қўрқуб душман сори қочтилар. Қўнмак мавзеида²⁰³ етконда Ўста черикидин Қўнмак Темур Улуғ Туғ Темур ўғли ва Широул, Ўнгаржоқ Ҳожибек ўғли илгари келиб эрдилар, бу боргон кишилар аларга ғажирчи бўлуб, Темур Хожа Ўғлон ва Жовурчи ва Аббос бошига келтурдилар. Ва алар тура олмай қочтилар. Ҳазрат соҳибқирон бу ҳолдин воқиф бўлди, билдиким, давлат ишида ҳануз таълили бор, ва саъй ва жаҳд фойда қилмас.

Аму суйидин ўтуб, Балхқа борди ва эл-улусиким, мутафарриқ бўлиб эдилар, Қўнмакхоннинг туманини ва Элчи Бугай Сулдуз туманини жамъ этиб, сув йақосига йибардиким, анда туруб душманди хабардор бўлғайлар. Ва Темур Хожа Ўғлонким, урушда тақсир этиб эрди, сиёсат қилтурди ва андин сўн фароғатқа машғул бўлуб, айни била кун кечирур эрди²⁰⁴.

Ўста черики Самарқанд шаҳрини қамал қилгонлари

Ўста черики Самарқандга еттилар. Ва ул маҳалда Самарқанднинг қатъаси йўқ эрди. Мавлонозода Самарқандий ва Хўрдак Бухорий ва Абу Бакр Калавий Паддоф²⁰⁵ шаҳар элига дедиларким, кўчабанд ва муҳофизатқа машғул бўдилар. Ва муддати ул шаҳарнинг раъиятлари бовужуд улким, алар ичида ҳокими йўқ эрди, андоғ уруштиларким, малак фалақда аларга махтади. Ва Ўста черикини қўймадиларким, шаҳарнинг яқинида келгайлар. Қамал асру узун бўлгон жиҳатидин ожиз бўлуб, худойга ёлбордилар. Аларнинг дуолари мустажоб бўлуб, ҳазрат Ҳаққнинг лутфи фарёдларига етиб, насими руҳбахш *Фа-инна маъна-л-ъусри йусран инна маъна-л-ъусри йусро*²⁰⁶ раҳмати Илоҳийдин келиб, Ўста черикининг отлари ичида вабо тушуб, анча от ўлдиким, тўрт киши орасида бир от қолмади. Ва бу жиҳатдин барча паришон бўлуб қайттилар. Қўни эгарларини орқаларига солиб, тиркашларини қўлтуқларига тутуб кеттилар. Бу фатҳ ва нусрат шаҳарнинг элига муяссар бўлди. Раъиятлар /бир-бирига зулм қила бошладилар. Ҳар кимдаким куч-қувват бор эрди, гурур ели бошида пайдо бўлуб, аёғини ўз ҳадидин юқори қўяр эрди, жавр элигини узотиб, фасод қилур эрди. Қитъа:

30а

Ё Рабб, андоқ этмаким, бўлғай гадога эътибор.

Ул вақтдаким, Ўста черики қайтурга юз қўйуб эрди, ҳазрат соҳибқирон Аббос Баҳодурни Қаҳлаға сори йибариб эрдиким, Самарқанддин хабар олғай. Аббос Қаҳлағага етконда хабарларни таҳқиқ қилиб, ҳазрат соҳибқирон қошига келиб, иа-нимаким эшитиб эрди, арз қилди. Ҳазрат соҳибқирон бу хабарлардин суюнуб, Хусайнбекка киши чобтуруб, хабарларни анга айтиб йибарди. Ва дедиким: «Бу хабар етгач бери мутаважжих бўлунгуз, анда турмоқ маслаҳат йўқ турур». Хусайнбек тақи бу хабарлардин суюнуб, Шабартудин кўчуб, Соли Саройга келдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон элини кўчуруб, сувдин ўтқориб, қадимдаги юртларига йибарди. Ва Хусайнбекка ўтрув бормоқ учун отланди ва Бағлон жилғасида бир-бири била

мулоқот қилдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон Ҳусайнбекдин ижозат тилаб қайтти ва Аму суйидин ўтуб, Қаршига тушти. Ва Қарши анинг учун дерларким, Қўпакхон Насафдин икки йағоч йул йироқ бир қасри ясаб эрди ва мўғул тилида «қаср»ни «қарши» дерлар. Ул жиҳатдин «Қарши» билан машҳур бўлди.

Ҳазрат соҳибқирон ул қиш анда қишлади ва Қаршининг қалъа иморатиға машғул эрди. Ушул қишда қалъа иморатини тугатдилар.

Ҳусайнбек била ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори боргонлари

Ул баҳордаким, Жамшид гардунсарир Хуршид шараф буржидин чиқиб, оламда давлат кўланкасини солиб ва захҳок фирузалиқ тахт, яъни гул сабза ва раёҳиндин боғ ичида давлат бисотини солдуруб мақом қилди. Назм:

Чаман ичинда тушуб лашкари баҳор яна,
/Чаманда қилди йана жилва юз нигор яна,
Сабо очилди, ниқобики гул юзида эрди,
Булут кўзларини қилди, насим борди.

306

Ҳусайнбек келиб ҳазрат соҳибқирон била Самарқанд сори юридилар, давлат ва шавкат била шаҳарнинг яқинига келиб тушдилар. Аввал ул кишиларким, алардин йамон ҳаракатлар воқия бўлуб эрди, аларни тутқали фармон бўлди. Ва ҳазрат соҳибқирон Мавлонозодапинг гуноҳини Ҳусайнбекдин тилаб, ўзгаларни Кониғилда сиёсат қилдилар.

Қазодин мундоқ муқаррар бўлгон турурким, Ҳусайнбек маъдум бўлмагунча ҳазрат соҳибқироннинг давлат кунни тулуь қилмағай. Бу маҳалда накбат асбоби Ҳусайнбекка ҳар кун артуқ бўлуб, бир ҳаракат қилур эрдиким, давлатиға муносиб йўқ эрди. Ул ҳаракатлардин бири бу турурким, хасис бўлуб, мол йиғиштурмоққа ҳире пайдо қилиб эрдиким, бу тариқ салотинларға муносиб йўқ турур. Ва тамъаи анча бўлуб эрдиким, ҳазрат соҳибқиронға тааллуқ мулозимларининг моллариға кўз қаратиб тамаъ қилди. Жакубек ва Сайфулдин ва Оқ Буға ва Элчи Баҳодур ва Давлатшоҳ Бахшиға буларға ҳар бириға маблағ рақам қилди ва муҳассал қўйдиким, рақам бўлгон молни тушурғай. Ул яқинда бу баҳодурлар мол ва яроқларини лой урушида олдуруб эдилар, рақам бўлгон молнинг уҳдасидин чиқа олмадилар, келиб ҳазрат соҳибқиронға арз қилдилар. Ҳазратнинг ҳиммати андоқ буюрдиким, алар учун не-нимасиким бор турур, берғай. Ул жумладин икки исиргаким, маҳди улё Ўлжай Турконнинг эрди, Ҳусайнбекка йибарди. Ва Ҳусайнбек ани кўруб билдиким, синглининг турур. Аммо ҳирси андоқ бўлуб эрдиким, синглининг ҳаққини кўрмай, аларни олди. Байт:

Рост келмасму бу ҳиммат бирла сарварлиқ иши,
Мундоқ ар бўлса, жаҳонда ҳиммати бўлмас киши.

31а

Ва ул рақам бўлгон яроқдин уч минг олтун /эксук бўлди. Ҳазрат соҳибқирон ул важҳ учун хосса отларини йибарди. Ҳусайнбек билдиким, ҳазратнинг хосса отлари турур, қабул қилмади ва узрхоҳлуқ қилиб деди: «Мен Соли Саройға борурмен ва ниятим бу турурким, бу яроқдин маблағи Ҳусайн Суфийға йибаргайманким, қизини ўғлумға бергай. Агар дўстлуқ этиб мен боргондин сўнг бу яроқни менинг кейнимда йибарсангиз, асру вужуб бўлгуси турур». Етиб, отланиб Соли Саройға борди ва ҳазрат соҳибқирон Кеш вилояткиким, анинг юрт мақоми эрди, анда бориб ултурди. Ул яроқни нақд этиб Ҳусайнбекка йибариб, ўзи овға чиқиб юриди.

Ҳусайнбек билан ҳазрат соҳибқирон аросида муҳолифат пайдо бўлгонининг сўзи

Ул найрангдин сўнг рўзгор ўзга тарҳиники бошдин солди ва макр маҳрасини тазвир арзасида солди. Анинг учунким, элнинг кўнгуллари

Хусайнбекнинг йамон ҳаракотидин мутанаффир бўлуб, барча анинг била кийна тутуб, йамон булдилар ва билурлар эрдиларким, то ҳазрат соҳибқирон анинг била муттафиқ бор, ҳеч ким анга иш қила олмас. Ул жиҳаттин фасод бунёд эттилар. Мусабекким, Бойазид Жалойир угли эрди ва Али Дарвешким, қайин ағоси эрди, иккаласи иттифоқ қилиб, макр ҳуққасин бошин очтуруб, Ўрда Хотун билан машварат қилиб, йалгон хати битиб, Хусайнбекка йибардилар. Ва бу Ўрда Хотун Тармаширинхоннинг хотуни эрди ва анинг қизиким, Хусайнбекнинг никоҳида эрди, хатни анга йибардилар. Мазмуни улким, «Фалон киши, яъни ҳазрат соҳибқирон, хон била ва сенинг била муҳолифат андишаси бор ва сенинг ишингдин ва сўзингдин асеру кул хогири озурда бўлуб турур. Азм этибтурким, сенинг била разм қилгай ва уруш тартиби била машгул турур».

316 Ул хотун хатни Хусайнбекка кўрсатти. Хусайнбек ул воқеани хонга айтти ва хон ёрлиги булдиким, ҳазрат соҳибқирон била ул жамъиким, бу сўзни/ айтиб йибариб турурлар, Самарқандда бориб Ўрда Хотун қошига йиғилсулар ва бу сўзни йахши тафиххус қилсулар. Ҳазрат соҳибқироннинг кўнглида ҳеч йамонлиқ йўқ эрди, андиша қилмай бетаваққуф Самарқанд сори юриди. Мусабек ва Али Дарвеш эшиттиларким, ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори таважжух этиб турур, қўрқунчдинким расво бўлмагайлар, Хужанд сори кеттилар. Байт:

На ердаки, юланса чин сўзлари,
Эмас ҳеч йалгончига эътибор.

Бу сўзим, Хусайнбек эшитиб эрди, таҳқиқ бўлмай қолди. Ҳазрат соҳибқиронким, давлат илҳоми махфий сирлардин анга хабар берур эрди, анинг учунким, ҳар кишигаким, бировдин кўнглига малолати бордур, агарчи ани зоҳир этмас. Аммо ҳаракотидин зоҳир булур. Ҳазрат соҳибқирон билдиким, Хусайнбекнинг хотирида губори пайдо бўлуб турур ва бурунгидек маош қилмайдур. Ҳазрат соҳибқирон ани узгача кўруб билдиким, анга узга эътамид қилса бўлмас. Ва бу андишада доим ўзи била фикр этар эди. Шер Баҳром ва Баҳром Жалойирким, ашр Хусайнбек билан йамон эрдилар ва доим бу фикрда эрдиларким, нечук иш қилгайларким Хусайнбек билан соҳибқирон орасида муҳолифат воқия бўлгай, билмаслар эрди. Бир кул ҳазрат соҳибқирон аларни чорлаб бу сўзни айтти. Аларким, бу сўзни эшиттилар муродлариға этиб дедиларким: «Хусайнбек ҳеч қайсимиз билан йахши эрмас. Савоб улдурким, ҳар неча анинг ишини ботроқ қилсақ йахши ўқ бўлгуси турур, андиш бурунким ул фикрини қилгон бўлгай. Ва ул ишни қилгондин сўнг пушаймонлиқ фойда қилмас». Байт:

Ризо қулоғи била ҳар ким ул эшитти панд,
Адув соридин анга тегмагай зарар ҳаргиз.

32a Алар беҳад бўлуб, муболага қилдилар. Ва дағдагаким, ҳазрат соҳибқироннинг муборак кўнглида тушуб эрди, кўбрак бўлуб, алар билан Хусайнбекнинг муҳолифатиға иттифоқ қилиб аҳд қилдилар. Қарор мундоқ булдиким, Шер Баҳром Хутталон сори боргайким, анинг асл юрти ул эрди, анда бариб черик жамъ қилгай ва/ ҳазрат соҳибқирон бу тарафдин черик йиғиштуртурмоққа машгул бўлди. Ва Шер Баҳром борурда ҳазрат соҳибқирон навкарларидин Одил отлиқ кишини ўзи билан элтти. Ва ўз навкаридин Той Хожа отлиқ бировни ҳазрат қошида қўйдиким, ҳар қачон Одил келмаса Той Хожа боргай, бу икки черикнинг аҳволидин хабар билгайлар. Шер Баҳром Хутталонга этиб, черикини жамъ этиб йайлоқ Бастарк²⁰⁶ устида тушти ва анда Хусайнбек билан изҳор муҳолифат қилди. Хусайнбек анинг муҳолифатини билиб, макр тариқасини ўтрув тутуб, ани аҳд билаким давлат асосидин сустроқ эрди, Шер Баҳромни тушуруб, ўзига мутиъ қилди.

Ҳазрат соҳибқирон ул маънидин хабар тониб, Шер Баҳромга хат битиб йибардиким: «Муҳолифат бунёдини сен қилдинг ва эмди анинг билан бирикиб, ўзингни анга йахши кўрсатурсен. Бот бўлгайким, сенинг жазонгни ўшул ўқ бергай ва пушаймонлиқ фойда қилмагай», ва ўшандоқ булди. Бу тарифдин ҳазрат соҳибқирон Баҳром Жалойир била Жақубекка ва Аббос

Баҳодурга черик бериб Хўжанд сори йибарди, то жалоийр элини забт қилгайлар. Ва Мусабек ва Боязид ўғли Али Дарвешким, бу муҳолифатқа алар сабаб бўлуб эрди, аларни тутқайлар. Ва алшр бу маънидин хабар билиб қочтилар. Баҳром Жалоийр улусини йиғиштуруб, вилоятига ҳоким бўлди ва бу қўрқуичдинким, хон ва Хусайнбекнинг муҳолифати уҳдасидин чиқмоқ мушкил турур, ҳазрат соҳибқирондин вуқуфчиз бир жамоат билаким, анинг била якжиҳат эрдилар, отланиб Али Дарवेशга тааллуқ элини қатл қилди ва ўз эли билан Жета сори борди.

Ҳазрат соҳибқирон черик йиғиштурмак учун Самарқандка борғони

326

Ҳазрат соҳибқирони зафарқарин Самарқанд сори мугаважжиҳ бўлдим, андаги черикни жамъ қилгай. Бу маҳалда Сулаймонбек ва Жовурчим, Хусайнбекнинг муҳолифатига /алшр тақи сабаб эрдилар, қочиб Хусайнбек қошига бордилар.

Хизр Йасурий вафот бўлуб эрди, иниси Али ва Илҳ ва Ҳожи Маҳмудшоҳ Йасурийлар била итоат камарини жон белларига боғлаб, ҳазрат соҳибқирон хизматида келдилар. Ва ҳазрат Қаро Ҳиндука Барлюсни Самарқанд ичида даруга қўйиб қайтти. Ва Ҳиндука йамон бахтидин қочар хайлин қилиб, Хусайнбек қошига борди ва қаро забт ва иасақдин ожиз эрди, узини телбалиққа солди.

Ҳазрат соҳибқирон черик йиғиштурмак учун давлатхонасидин азм қилиб борур хайлин қилиб эрдиким, маҳди улё Ўлжай Туркон отога марази воқиф бўлди. Ҳазрат отланур эрдиким, анинг позшини жони мувофиқат қилиб, позанин танидин чиқиб, Нарвардигор ҳамиятига борди²⁰⁷. Ва замона анинг васфи ҳолидин юз тил била айтур эрди, байт:

Жой улдурки, жаҳон ичра биҳишт хурларин,
Бошида барча тукулгай қаро бодомларин.

Чунки тобут ичида ани кўргайлар зор,
Сунбул зулф кесиб, барча бўлулар гамгин.

Ҳазрат соҳибқироннинг бузруквор хотири андуҳкин бўлуб, бағоят наришон бўлди ва кузалари дарё киби бўлуб, эликидек гавҳар соча бошлади. Байт:

Кўз ёшидин бу воқеъа салб учун кўрунг,
Ҳар сори бўлди сел чу дарё яна равон.

Ва чун бу воқеъадин тадбир элиги қисқа турур ва ҳеч чораси бўлмас. Сабр элигин хайли матин, *Инно ли-Алоҳи ва иншо илайҳи рожиъуни*²⁰⁸ га бирикти. Байт:

Ҳар ишда эрур чоран худ бидид,
Магар маргким, йуқ гурур чораси.

Ва ҳазрат соҳибқироннинг Султонбахт бегим отлиқ қизи андин эрди²⁰⁹. Байт:

Ки бўлеун мақоми биҳиштбарин,
Биҳишт ичра хурлар анга ҳамнишини.

Хусайнбек бу хабарни эшитиб, меҳру муҳаббатким, жиҳатидинким қардошларда бўлур, гамгин бўлуб, мотамда ўлтурди. Яна улким, ҳазрат соҳибқирон била қардошлиги бор эрди, бартараф бўлди ва паришон аҳноли /ҳазрат тили била айтур эрди, қитъа:

33а

Туфроққа борди синглим ва ёр ўлди ўзга тавр,
Бу гуссадин кўнгул яна асру фигурдур.
Ул кишиким, қариндош ва ёр эрди менга кўр,
Бегона бўлди мандин ва жон хору зордур.

Ҳазрат соҳибқирон Ҳусайнбекнинг устига черик тортиб борғони

Торих етти юз олтмиш еттида, от йилининг мувофиқида (1366) ҳазрат соҳибқирон қалин черик йиғиштуруб, Ҳусайнбек урушига отланди ва Сайфуддинбекни кўп киши билан илгари йибарди. Ҳусайнбек Шер Баҳромни макру ҳийла била домига мутиъ қилиб эрди, ҳаёл эттиким ҳазрат соҳибқирон билан ушандоқ ҳийла қила олғай. Ҳайҳот, ҳайҳот раво бўлғайким, андоқ шоҳ душман макрини билмагай. Байт:

Шаҳашшоҳи дин, хусрави некном,
Уйин бирла худ кирмагай ул ба дом.

Бу маҳалда Ибодуллоҳ Баҳодур била Малик Баҳодурни аҳдономалар билан ҳазрат соҳибқирон қошига йибарди. Ва анда фиребомиз сўзлар сўзлаб эдиким: «Бу чоққача бир-биримиз билан иттифоқ бор эрди ва иттифоқ билан иш ишладук ва давлатқа етгук. Эмди ҳам йўлимиз таваққуъл ултурурким, бурунги дастурни ўзга қилмай ва ушул дастур билан бир-биримизга йарлиқ қилиб, йамон ниятни кўнглимиздин чиқарғаймиз. Ва бу аҳдономага эътамид қилғайсен ва ҳеч тарафдин дағдаға хотирингда йўл бермагайсен».

Мансур черики Қаҳлагадин ўтуб, Бойсунда тушуб эрдиким, Малик ва Ибодуллоҳ етиштилар. Ва Ҳусайнбек сўзини ва аҳдономасини арзадошт қилдилар ва муболага қилиб дедиларким, «Албатта керакким, йараш қилғайсен». Соҳибқирон ғайб илҳомидин билдиким, анинг аҳдига эътимод қилса бўлмас, қабул қилмади. Аммо Йасурийлар ул қўрқунчинким шояд булар сулҳ қилғайлар, қўрқуб мухталиф бўдилар.

336 Ул маҳалда Жакубек ва Аббос Баҳодурким Баҳром, Жалойир билан Хужанд сори бориб эдилар, еттилар. Ва иттифоқ билан маслаҳат мундоқ/кўрдиларким, Йасурийларнинг улуглариниким, мухалифат андишаси кўнгулларида бор турур, тутуб беркитгайлар. Аммо ҳазрат соҳибқирон бу маънига рози бўлмай манъ қилди ва давлат тилини очиб дедиким, «Агар мундоқ иш қилсак мундин пори аларга бир нек соридин эътимодлари бўлмагай ва бизга зарар теккай. Давлат эвимиз йахшилиқ била бино бўлса анга ҳеч киши зарар еткура олмагай. Ва ул йағочким адл ва эҳсондин сув ича комронлиқ мевасин бергай».

Бу сўздин сўнг Йасурийларни йахши сийлаб ижозат бериб, ўз юртларига қайтурди. Ва ўзга черикни тақи ижозат бериб, ўзи қайтиб Қаршига тушти. Ва Ҳусайнбек қалин черик йиғиштуруб Шер Баҳром била ҳазрат соҳибқирон сори мутаважжих бўлди. Муборақшоҳ ва Шайх Муҳаммад Баён Сулдузнунг ўгликим, ҳазрат соҳибқирон сори кўб майллари бор эрди, аммо Ҳусайнбек бор жиҳатидин зарурат бўлуб анга қўшудилар.

Ҳусайнбекнинг макру ҳийла қилгонлари ва Хизр Ҳазиначини сулҳ учун соҳибқиронга йибарғони

Ҳусайнбекнинг макру ҳийла қилиб, Хизр Ҳазиначини, бир Мусҳаф билаким анинг била онт ичиб эрди, ҳазрат соҳибқирон қошига йибардиким», «Бир-биримиз била агар мухалифат қилсақ, вилоят бузулур ва раъият хароб бўлур ва яқин билурменким, сен муеулмонларнинг некхоҳисен ва марҳамат ва лутф сенинг ишинг турур. Мундоқ ишга дахл қилмасанг, йахшироқ бўлғай. Эмди андоқ салоҳ кўрдумким, менинг чериким Чағониён-да²¹⁰ туруб, сенинг черикинг Хузорда туруб, мен юз киши билан ва сен тақи юз киши билан Чақчакка²¹¹ келгил, анда бир-биримизни кўруб, янги бошдин шарт ва аҳд қилайликким ҳеч, арз айтқучига сўз деяолмагай. Бир-биримизни кўрмагунча қарор топмас».

Соҳибқирон яқин билдиким, мунда макр ва тадбири бор, кўнгли ризолиқ бермади. Байт:

Йилон тил чиқарур, агарчи аён,
Вале тишида оғу бордур ниҳон.

34а Аммо беклари барча сулҳқа рози бўлуб, дедиларким, «Маслаҳат /бу турурким, яраш қилгайсиз». Аларнинг хотиридин чиқа олмай, черикини Хузорга қуйуб, уч юз йахши киши билан бари йароқлиқ ва отлари қўшлук ўзи била олиб бордиким, икки юз кишини Янгикентда²¹² қуйуб, юз киши билан боргай. Бу ният қилиб, отланур хаёлида эрдиким, хабар келдиким, Хусайнбек Нуидакда²¹³ Шер Баҳромни ўлтурди. Наким ҳазрат соҳибқирон айтиб эрди, ўшандоқ бўлди. Байт:

Аҳли давлатқа наким келса алар тилларида,
Бўлмагай ўзга алар сўзи, ўшандоқ бўлгай.

Хусайнбек уч минг кишини ҳазрат соҳибқирон сори йибарди. Ул ҳазратнинг қўлларидин бир тожик қул алар ичида бор эрди, алардин қочиб, кеча-кундуз тинмай юрур эрдиким, ул хабарни ҳазратқа еткургай. Ул ҳазрат Янгикентда тушуб эрдиким, ул қул намозшомга таъйин ҳазратнинг эшикига етти. Ул кеча Баҳром отлиқ бир навқариким ақл ва фаросати анча йўқ эрди, келиб ул хабарни анга айтти. Ул ақлсиз хаёл қилдиким, агар бу сўзни арзқа еткургай, яна муҳолифат бўлгай ва бекларни кўрар эрдиким, барчанинг ярашқа майллари бор. Ул жиҳаттин ул сўзни арзга еткурмай, келгон кишини уруб қовлади. Хусайнбекнинг кишиси саҳар эрдиким, селдек еттилар. Аммо ҳазрат соҳибқирон ваъда қилгон ерда алардин бурун отланиб бориб эрди, чун маълум қилдиким, Хусайнбекнинг кишиси етти, илгари боруб тор ердин ул кишисини ўтқориб, душманининг йўлини туттилар ва уруш бўлди. Назм:

Фалак узра чиқти хуруши нафир,
Ки йамғур киби тўкти зубин ва тир.
Қизил бўлди қон жушидин тиғи шоҳ,
Бўлуб лоладек қиб-қизил хоки роҳ.

Ва қилич зарби била адувни тургузуб, уруша-уруша Қатлашким²¹⁴, Чекдаликнинг икки суви анда бир-бирига етарди, етти. Ва муҳолифларга ул тоқат қолмадиким, илгари келгай. Ва бу хабар Хузорга етканда черикким, анда бор эрди, барчаси мутафарриқ бўлуб кеттилар. Байт:

34б

Бу чарх ситамғарга билмам недур,
/Ки ҳар лаҳза бир ўзгача эврулур?
Бировга гоҳи кўрсатур юз жафо,
Яна қилур анга ўшул дам жафо.

Ҳазрат соҳибқирон оз киши биланким аининг қошига туруб эрдилар, Хузордин ўтуб, Қаршига туштилар, ва беклар била кенгашиб, маслаҳат андоқ кўрдиларким, номус ва ҳамият учун кўчларини Мохон²¹⁵ сори Санжарийларга йибаргайларким, алар ҳазрат соҳибқироннинг давлатхоҳлари эрдилар ва алар била эътимодлари бор эрди. Кўч боргондин сўнг фароғат юзидин душманининг фикрига машғул бўлгайлар. Бу кенгаш билан барча муттафиқ бўлуб, Исҳақ қудуғида²¹⁶ жамъ бўлурга ваъда бериб, ҳар киши ўз эли сори бориб, кўчларини келтуриб, ўшул кеча юрбердилар. Тонгласи Хусайнбекнинг чериги Қаршига етиб, Мусабек ва Ҳиндушоҳбек ҳисорга кириб ўлтирдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Исҳақ қудуғида келиб анча таваққуф қилдиким, навқарлари кўчларини олиб келдилар. Барча жамъ бўлгондин сўнг андин кўчуб Мохон сори бордилар на Аму суйидин кечиб чўлга кирдилар. Ҳазрат-соҳибқирон Ҳирот бекларига ва Муҳаммадбек Жониқурбонига элчи йибардиким, алардин хабар билгайким, на ишда турурлар. Элчи бориб келгунча икки ой ярим²¹⁷ Шўроб қудуғида²¹⁸ турдилар. Ва бу муддатда ҳар карвоиким, Хуросон соридин келиб, Мовароуннаҳр сори борурга хаёли бор эрди, аларни манъ этиб, сақлар эрди. Элчи келгонда овоза солдиким, Ҳирот маликлари бизни чорлаб турур. Карвонийларга ижозат берди ва ўзи Хуросон йулига кирди. Бозургонлар Қаршига етконда хабар бердиларким, ҳазрат соҳибқирон Хуросонга кетти. Малик ва Мусабек бу хабарни эшитиб, эътимод қилди, Қарши қалъасидин чиқиб, черик йиғиштуруб, етти минг

отлик била Баймароғ мавзъида²¹⁹ тушти. Ва ҳаёли бор эрдиким, Ўзганд²²⁰ сори борғай. Ва Малик Баҳодур тақи қўшун беклари била беш минг отликким, қароунос элидин эрдилар, Хусайибек қошидин келиб эрдилар, Хузордин утуб, Қўроғшун тўба Валвалий /кендида ултурди²²¹.

Ҳазрат соҳибқирон Қаршиға келгони

Аллоҳ таборак ва таоло айтган: *Ва ман йатаваккалу ала-л-Лаҳи фа-ҳува ҳасбуҳу, инна-л-Лаҳа балиғу амриҳи, қад жа'ала-л-Лаҳу ли-қулли шайъин қадирин*²²². Олам ичида наким воқъъ булур йахши-йамондин ул нима ҳазрат Ҳаққ таборак ва таолонинг тақдиридин турур. Шейр:

Агар кучда елсену ва гар заъфда мўр,
Худодин эрур барчага заъфу зўр.
Чу тақдир қилса худованди нок,
Қилур мўрча шери парши ҳалок.

Ҳар муроднинг гули гулзор, аммо педа инояти раббоний насимидин очилса, ўзга асбоб ўртада баҳона. Ва нуерат ва зафар қилмай ҳар бандаси рақам урсаким: *Йансуру ман йашаъу ва ҳува-л-азизур-р-роҳийм*²²³, черикнинг азмати ва шавкати бу даргоҳда фасод турур. Ҳар кимгаким басират кўзи тавфиқ сирасидин йааруқ бўлса, ҳар ишдаким юз қўйса ва ҳар муҳимиким анга воқъъ бўлғай, ул муҳимнинг кифоят анга юз кўрсатур. Ва жабали матинга элик уруб, таваккалда барака бўлғай. Мисраъ:

Худо бирла бўлғай умиди анинг.

Ҳар мурод эшикини орзу ҳалқасин тебрата. таваққуфсиз очилғай ва умид юзини ҳар сориким қилса, мақсуди анга утру келғай. Байт:

Таваккал отиким, бўлди сувор,
Анга бўлди бас сайди давлат шикор.

Бу сўздин гараз ул турурким, ҳазрат соҳибқиронга воқъъ бўлбутурким, чўлда қорволийларни сақлаб яна ижозат берди ва алар қошига Хуросон сори отланди. Ва қарвон боргондин сўнг яна қайтиб ўшул ерда анча таваққуф қилдиким, қарвон Қаршиға борди, андин сўнг душман сори юз қўйуб борурға ният қилди. Ул маҳалда мулозимлардин икки юз қирқ уч кишидин артуқ кишиси йуқ эрди. Бу ишорат билаким: *фа-наъ азимта фатаваккал 'ала-л-Лаҳ*²²⁴ камоли ихлосидин худойига таваккал қилиб, ул оз киши билан Қарши сори борди. Ва Қаршида ўн икки минг киши отлик ва йароғлик неча бек билан ўлтурур эдилар. Туш қайтиб Аму суйиға етиб, кечада қирқ киши /била ўзини сувға солиб, от билан кечтилар. Ва Хусор кентини²²⁵ ўртада олдиким, киши андин чиқа олмағай. Ва андин кемалар олиб пари юзга йибардиким, қолгон кишилар кема билан утуб келдилар. Ва хосе кишиларким, ул юрушда мулозиматда эрди: Суюрғатмиш Ўғлон ва Довудбекким, ўмоғи дуғлат эрди ва ҳазрат соҳибқироннинг синглиси Қутлуқ Туркон ого²²⁶ анинг никоҳида эрди, ва Жаку Барло ва Муаййид Арлотким, мунда тақи ҳазратнинг яна синглиси Ширинбек ого²²⁷ анинг никоҳида эрди, Сари Бўга Яқалойир ва Ҳусайн Баҳодур ва Сайфутдинбекким, Нукуздин²²⁸ эрди ва Аббос Баҳодур Қипчоқ ва Оқ Бўга Баҳодур Наймон ва Маҳмудшоҳ Бухорий эрди.

Андин юруб, кеча Бурдалиққа еттилар. Мусабекнинг элчилари анда эрди, аларни туттилар ва ул кеча анда туруб, тонгласи отланиб йўлга кириб, кеча Фарди Кўҳна мавзъида туштилар. Тонгласи йўлларини забт этиб, ҳар кимки сувға келур эрди ани тутуб қўймадилар. Кеча анда отланиб, саодат била Шаҳрикаштга туштилар²³⁰. Жақубек анда айттиким: «Маслаҳат бу турурким, таваккал этиб, Мусабек бошига шабихун²³¹ элтқайбиаким, агар у эликка тушса муродимизга етарбиз». Ҳазрат соҳибқирон дедиким: «Бизнинг кишимиз оз турур. Наузу биллоҳ, агар чашм раҳми воқъъ бўлса, ўзга жамъ бўлмоқ мушкил турур. Сизлар мунда турунг, мен Қаршиға

бориб кирар ва чиқар йўлларини эҳтиёт қилиб келайим». Филҳол саодат ва иқбол билан отланиб Қаршига борди. Ва қалъанинг хандақиға етиб тушти ва хандаққа сув солиб эрдилар отларни Мубаширға тобшуруб, тарнов йўлидинким, андин шаҳар ичинда сув кирар эрди, ул ердин тизигача сувга кириб хокрезга чиқти. Ва Абдуллоҳ анинг кейнида эрди. Чун дарвозага етдиларким, Хузор сори эрди, соҳибқирон дарвозага элик уруб маълум қилдиким, дарвоза кейнида туфроқ солиб турурлар. Андин ёниб, барча ерини эҳтиёт қилиб, бир наст ерини кўруб деди: «Бу ерда шоту қўйса бўлур». Ва Абдуллоҳга кўрсатти ва андин /отга миниб, черики сори йуриди. Ва алар билан ўшул кечанда Қаршига келди, қирқ уч кишини от сақламоққа қўйди ва юз кишини шотулар биланким, Бурдалидан келтуруб эдилар, ўшул ердинким ўтуб эрдилар, аларни ўтқориб йибарди. Ва юз киши билан дарвозада турди.

Ул диловарлар хокрезга чиқиб, ул еринким, Абдуллоҳга кўрсотиб эрди, етиб шотулар қўйиб, қалъанинг устида чиқиб, дарвозага келдилар ва ҳар кимниким, дарвоза ичинда тобтилар, ўлтурдилар. Ва Дарвенибўкка билан дарвозани болту билан синадурди. Ва ҳазрат соҳибқирон фармонладиким, нафир тортилар. Байт:

Буюрдиким, тортқайлар алар нафир,
Аларга деб «Аҳсанга»²³² бу чархи нир.

Таваққуф қилмай қалъа ичида чоғиб кирдилар ва Қаршининг эли нафир унини эшитиб, уйқудин уйғониб, ҳайрон қолдилар. Ҳазрат соҳибқироннинг тадбир уқи зафар нишонисиға туз келиб, қалъани олдилар. Забтига машғул бўлуб, Мусабекнинг хотуни, ўғлон-ушоқи эликка тушти, эрларни зиндонга солдилар. Ва Мусабекнинг ўғли Муҳаммадбекким, кичик эрди, эликка тушуб эрди, ҳазрат буюрдиким ани қўйсунларким, атосига боргай, ани кўрсалар черики бузулур. Муҳаммадбек ўшул кеча атосига етиб воқеъани деди. Аммо аларга ҳеч тараддуд бўлмади. Ва Мусабек ўшул замон Малик Баҳодур қошига киши йибариб, бу ҳолдин огоҳ қилди ва ул келиб, бири билан бирикиб, черикларини йигиштуруб, иттифоқ билан юруб, туш эрдиким, келиб қалъани ўртада олдилар, ўн икки минг киши билан. Мусабекким, умоғи тайжиют эрди, шаҳар дарвозасига ўтирув келиб туштилар ва Малик Баҳодур қароунос черики билан Хузор дарвозасига туштилар.

Ҳазрат соҳибқирон ўз муборак нафаси билан шаҳар дарвозасига ўлтурди ва Сари Буғабек мулозиматида эрди. Ва Довудбек ва Муъаййидбек ва Сайфуддинбекни Хузор дарвозасига /йибардиким, ул дарвозани забт қилгайлар. Суйурғатмиш ўғлон ва Аббосбек ва Ҳусайн Баҳодур ва Оқ Буға ва ўзга бекларни мўлжарларга йибарди ва буржларни аларга тобшурди. Ва Муъаййидбек ўттуз киши билан дарвозадин чиқиб, ўзини аларга уруб, инлар қилдиким, Рустам ва Исфандиёр қилмай турур ва олғмиш от тутуб, ҳисор ичида кийурди. Байт:

Шаҳаншоҳ давлатидин чиқти Муъаййидбек даҳр ичра,
Тушурди қўб киши ва отлар кийурди шаҳр ичра.

Бу маҳалда Дуррака Баҳодур давлаттек муҳолифлардин юз эвуруб, шаҳарга кирди ва бисёр иноят ва нафқат кўрди. Соҳибқирон азм қилдиким, ўшул кун чиқиб душман билан урунқай. Аммо Сайфуддинбекким, нужум илмидин хабардор эрди, арзодонт қилдиким, «Бўқун таҳаммул қилсангиз йахши турур. Тоғида чоғида соат бағоят йахши булғуси турур». Бас, ул сўзни эшитиб, таҳаммул қилди.

Душман соридин Тезакчи Баҳодур икки юз киши билан барча қалқонлари бошларига тортиб, дарвозанинг яқиниға келиб, ул кеча анда турди. Сўбх эрдиким, Оқ Буға Баҳодур ва Оқ Темур Баҳодур дарвозанинг кўфрукини солиб, элик киши билан шаҳардин чиқиб, хабарсиз аларнинг бошларидан тўктилар ва қўб киши ўлтуруб, қон дарё киби юриди. Байт:

Етти фалакка ханжар уни етти ул замон,
Қон бўлди Қаршидин яна Жайхун сори равон.

Ҳазрат соҳибқирон фармони билан Алишоҳ ва Дарвеник Бургучи йигирми отлик киши билан йайоқларнинг кўмакига қалъадин чиқиб чобтилар.

Тағай Буға Баҳадур қилич тортиб келди. Оқ Темур Баҳодур йўлини тутуб, бир зарб била ани аёғиди тушурти.

Ва Мусабекнинг черикида бир ўзбек йигит бор эрдиким, баҳодурлуқда машҳур эрди, илгари келиб, асру йамои урушти. Қазон Буға илгари бориб, (анинг) икки элигини тутуб, андоқ бирик туттиким, у тебрана олмади, биров келиб бир қилич уруб ани ўлтурди. Байт:

37а

/Кишиким, ўз-ўзига мағрур эрур,
Хирад ул кишидин, бәсе, дур эрур.

Сари Буға ва Элчи Баҳодур ёйларини эликларига олиб, дарвоза устидин ўқ отарлар эдилар ва аларнинг ўқи юқоридин келиб қўйи тургон мухалифларнинг жонин олиб, юқори оламига элтурур эрди. Душманлар кўрқунчдин тирларини ташлаб, қўйнакларни бошларига чирмаб хандақ сориким, ўзлари учун қазиб эдилар, кириб турдилар. Мансур черики аларни ул ердин қовлаб хаймаларидин чиқориб, шаҳар кўчаларида бир-бир эттилар. Ва яна душман соридин Тўқал юз киши билан келиб урушиб, юзларини қайтарди. Соҳибқирон комкор ун беш отлиқ билан қалъадин чиқиб чобти. Баҳодурларким ани кўрдилар, аларға куч-қувват пайдо бўлуб, Элчи Буға ва Баҳром Тўқал сори юрдилар. Ул бир томии ўзига пана қилиб ўлтुरुб эрди, Элчи Буға томдин анга қилич била ҳамла қилиб, ул мундин қочиб борурда бир хуросоний йигит қилич била ани уруб ўлтурди. Мусабекким, етти минг киши билан туруб урушур эрди, ҳазрат соҳибқироннинг урушиға тоқат қила олмай, тек ва номусни қўйиб қочти. Малик Баҳодур беш минг киши билан қароунос элидинким, Хузор дарвозасиға туруб урушур эрди, ҳазрат соҳибқирон олтмиш киши билан шижоат юзини ул сори қилди. Малик чуи билдиким, ул ҳазрат анинг сори мутаважжиҳ бўлди, тура олмай юрти сори қочти. Ва ҳазрат соҳибқирон кейнида тушуб, Малик ҳазратнинг қаросини кўруб, юртида тура олмай андин тақи бир-бир бўлуб қочтилар.

37б

Иноят илоҳийни кўрунгим, бир кишигаким иноятидин ани хосс қилса, анга андоқ журъат берурким, икки юз қирқ уч киши билан ун икки минг киши билан урушуб босқай ва икки кунда аларнинг шаҳар ва ҳисорини олғай ва аҳл /аёлларин асир қилиб, молларини олғай. Ва бу сўз йалғон эрмас, аниг учунким, ул маъракада бўлгон кишилардин эшитиб ва кўрғонлардин таҳқиқ қилиб битдук. Душманларининг азимат ва шавкатлари бир тараф бўлуб, ҳар бири бир сори қочтилар. Ва ҳазрат соҳибқирон кун кибиким, йалғуз ўзини йулдуз черикига уруб, аларни йўтқ эткай, ё шериким, печаси билан авайлаб шикори кейнида тункай, ганим кейнида тушуб ва Довуьбек зафар киби илгари юруб, адувни қовлаб юрур эрди. Душман тарафидин юз кишиким, черик кейнида черик сақлагали туруб эрдилар, икки қўшун бўлуб, бири ўзини Элчи Буға Баҳодурга урди ва бири ҳазрат соҳибқирон сори чонтилар. Ҳазрат соҳибқирон қилич тортиб, алар сори чошиб, ел кибиким, хашакни сурғай, аларни ушандоқ суруб бир-бир этти. Ўғаларким, ул ҳамлаини кўрдилар, алар тақи турмай қочтилар ва аларнинг кўтал отларини олдилар. Байт:

На ердаки юз қўйди ул шаҳриёр,
Зафар чокари эрдиву бахт ёр.

Ва Орузу Малик оғоким, Бойазид Йкалойирнинг қизи эрди ва Мусабекнинг хотуни эрди, Малик Баҳодурнинг черики билан қўшулуб қочиб юрур эрди, ҳазрат соҳибқирон алар кейнида тушуб, Маликни чорлаб дедиким: «Сенин қайинингдин кечтим. Хотулар аросидин чиққил». Малик бу муждаини эшитиб хотулардин айрилиб, елтес кетти. Ва хотулар тақи чошиб борурлар эрдилар ва ҳазрат соҳибқирон хуршидтек йалғуз аларнинг кейнида тушуб борур эрди. Ва алар била Ошиқ отлиқ бир навкар бор эрди ва ўқ-ёй эликида олиб, чошиб борур эрди. Агарчи ул ишда анинг сўзи йўқ эрди, аммо ул ҳазрат андинна этар эрдиким, бу киши йахши отқучи бўлмағай деб, аларға гаиирмас эрди. Бу киши ўқ отиб бир захмати воқий бўлғай ва эл дегайким, хотун /тамаъига бўлуб ўқ еди.

38а

Бу маҳалда қазодин ҳазрат соҳибқироннинг отиға арпа тутуб, ерида турди, Давлатноҳ Бахши етиб, қалқон боннида тортиб хотуларнинг кейни-

да чошти ва ул кишидаким, эликида ўқ-ёй эрди, зарураттии бир ўқ отти, на ямби маълум бўлуб, хотунлар била қочти. Ва Давлатшоҳ ҳар нечаким, аларнинг кейнида чобти, аларга етмади. Ва ул маҳалда Орзу Малик ого ҳомила эрди ва тўққуз ойлиқ Туман ого бўйнида эрди, фарзанди саодатманднинг саодати эрдиким, таарруз элиги аларга етмади, чи азалда ул давлатманд қизнинг ақдини ҳазрат соҳибқирон била боғлаб эрдилар. Нечуким анинг шарҳи келгуси турур.

Ул ҳазрат Ақубдинким, Қизилқоққа²³¹ яқин турур, қайтиб черикига қушулди. Ва Жақубек ва Сайфуддинбек Чекдаликғача душманининг кейнида чобтилар ва жалойир ҳазорасиниким, қочиб эрдилар, қайтардилар. Байт:

Ҳар сори кўз солса, эрур жилваи зафар,
Ҳар ёнга боқса, давлат анга берадур хабар.

Ҳазрат соҳибқирон ул киш саодат ва иқбол билан Қаршида турди ва лутфу эҳсон била андаги улуг, кичик, фақир, мискин раъиятларга шифқат кўзи била боқиб, зиротқа ва иморатқа саъйи қилди. Ва Маҳмудшоҳни Бухорога йибарди, то ул вилоятти забт қилгай ва мол хирожидин наким тушса, хазина қилиб йибаргай. Ва Бекишоҳким, Хуросонда хароб аҳвол юрур эрди, нишон йибариб чорлади ва Амуйани тавобиъи билан анга берди ва ҳазратнинг давлатидин ўз юрт ва мақомига ҳоким бўлди. Ва Али Йасурийким, Йасурийлар билан саргардон юрур эрди, Маҳмудшоҳким анинг кўёви эрди, келиб қушулди. Ва ҳазрат неча қатла аларга киши йибариб, лутфлар қилиб чорлади, алар бу саодатқа мушарраф бўлмадилар. Ва Муаййидбек ўз ҳараминиким, Ширинбек ого турур, Мохон сори йибарди. /Гармачи Бахши тақи ўз кўчини алар билан йибарди ва булар йўлни йитуруб, қўб от-улоғлари талаф бўлди. Бир кишиким йўлни билур эрди, аларни бошлаб Мохонда ҳазрат соҳибқирон ўғруқида еткурди.

386

Хусайнбек ҳазрат соҳибқирон сори черик тортқони

Мусабек ҳазрат соҳибқирондин қочиб Хусайнбекка борди ва бўлгон воқийотни арз қилди. Хусайнбек ул воқеъадин ҳайрон қолиб қўрқти ва андин сўнг черик йиғиштируб, Соли Саройдин ҳазрат соҳибқирон сори мутаважжих бўлди. Амир Ўлжайту Анардий ва Тайғу ўгли Жаҳоншоҳ ва Пўлод Буға ва ўн минг киши қароносдин Мусабек билан илғари юридилар. Ва алар Қаҳлағадин ўтуб, Чакчакнинг торлиғида туштилар, ва уруш тартибига манғул бўлуб турдилар. Ҳазрат соҳибқиронга хабар бўлди, шабихун урмоқ учун алар сори мутаважжих бўлди ва Йалғузбоғ йўлидин юриди. Ва неча кишини юқори йўлдин тил олмоқ учун йибардиким, аҳволдин хабар келтургайлар. Алар йигирми киши йағидин олиб келтурдилар. Алардин хабар таҳқиқ қилғондин сўнг маълум бўлдиким, алар кечада Чакчакнинг торлиғидин кечиб турурлар. Яна ҳазрат соҳибқирон хабар учун киши йибарди. Боргон киши хабар келтурдиким, Мусабек ва Ўлжайту Анардий ва ўзга беклар ўн минг отлиқ била мукамал Оққиб устида туруб турурлар. Ҳазрат соҳибқиронда икки юз кишидин артуқ киши йўқ эрди. Бовужуд улким, кишиси оз эрди, таваккал қилиб йасол тортиб, душман сори юриди. Бир-бирига етконда сурон солиб турдилар. Аммо ҳазрат соҳибқирон ғайб илҳомидин андиша қилиб дедиким: «Мундоқ фатҳиким, ҳазрат Жаббор сенга бердиким, олам бўлғунча бу сўз бўлғуси турур. Ул фатҳга шукур қилиб, бу урушда далиллиқ қилмамак керак». /Ҳазрат кўрдиким, душман ўз ишига берк турур ва шабихун урса бўлмас. Қайтғонин йаҳшироқ кўруб, Кўрданг йўлидин юриди. Муҳолиф черики ул азимат ва шавкат била муояна кўрдиларким, бу келган киши оз турур. Аммо ҳеч кишига мажол бўлмадиким, алар кейнида тушуб бир иш қила олгай, ерларидин тебрана олмай турдилар. Ҳазрат соҳибқирон Қарши сори борди ва андин Бухорога кетти, Али Йасурий ва Маҳмудшоҳ ўтрав чиқиб, хизматкорлиқ қилдилар ва Бухорода туштилар. Аммо Жаку Барлосқа тарадуд бўлуб, Маҳмудшоҳдин йамон элгти. Анинг учунким, мундин бурун Маҳмудшоҳни от қуйруғига боғлаб югуртуб эди ва йамон тайоғлаб эди. Анга эътиمود етмай давлатхоҳ-

39a

лиқ юзидин ҳазрат соҳибқиронга дедиким: «Маслаҳат йўқ турурким, мунда турғайбиз ва Хуросон сори борсақ йахшироқ турур». Аммо ҳазрат анинг сўзига қулоқ солмас эди.

Жақуббек ва Сайфуддин ва Аббос Баҳодур иттифоқ қилиб, ижозатсиз Хуросон сори Мохонга бордилар. Неча кундин сўнг хабар келдиким, Хусайнбек кишиси ва Ўлжайту қалин киши билан яқин еттилар. Ҳазрат соҳибқирон Али Йасурий ва Маҳмудшоҳга дедиким: «Давлатнинг маслаҳати учун маслаҳат бу турурким, чиқиб, аларга шабихун урғайбиз». Байт:

Ки шаҳрдин черик бирла чиқсақ равон,
Уролинг шабихун аларга ниҳон.

396 Чунким аларга бу қувват йўқ эрдиким, шаҳардин чиқа олғайлар. Қабул қилмай дедиларким: «Бизларга маслаҳат бу турурким, шаҳримизни сақлағайбиз. Қачон душман яқин келса дафъии қила олғайбиз». Соҳибқирон аларнинг тузини ўзга кўрди, билдиким, буларга эътиمود қилса бўлмас. Андин чиқиб, Хуросон сори борди. Аму сўйиға етконда кема учун маҳтал бўлуб туруб эрдиким, кўрди неча кема сув юқорисидин кела турур. Буюрдиким, ул кемаларни бери келтурдилар. Ҳазрат/ кема била сувдин ўтуб, чўлга кириб Марвга борди. Ва андин Мохонга етиб, саодат била ўғруққа қотилди.

Хусайнбек Бухорога бориб қамал қилғони

Хусайнбек черики била Бухорога етти. Али ва Муҳаммадшоҳ Бухоронинг арбоблари била иттифоқ қилиб, шаҳарни беркиттилар. Хусайнбек черики шаҳарга яқин келиб уруи солдилар. Ва шаҳар аҳли Калобод дарвозасидин²³¹ чиқиб уруштилар. Хусайнбек мақр қилиб, шайхул олам шайх Сайфуддин Бохарзий мазоригача қайтиб кетти. Тожик эли тасаввур қилдиларким, магар, булар қочтилар, аларнинг кейнида тушуб ўқ-ёй ва қилич ва фалохуи била уруштилар. Черик қайтиб от солиб, чиққон элни дарвозагача сурдилар ва кўб киши от аёғига қолиб шаҳарга кирдилар. Шерь:

Ҳар кишиким, ўз ҳадини билмағай,
Даҳрдин етқай анга юз дарду ғам.

Андин сўнг ҳар неча жаҳд қилдиларким, элни йиғиштуруб шаҳарни сақлағайлар. Ҳеч киши аларнинг сўзини эшитмади, зарураттин шаҳардин чиқиб, Мохон йўлини туттилар. Хусайнбек аларнинг (кейинидин) киши йибариб, сув йақосигача чошиб, кўброки навкарларини тушуруб, молу жиҳотларини олдириди. Али била Маҳмудшоҳ бир неча киши билан йайоғ қолиб, юз машаққат била жон элттилар. Ва сувдин ўтуб, чўлга кириб, Марвга етиб ва андин Мохонга бориб, ҳазрат соҳибқирон хизматиға етиштилар ва тафсириларидин шарманда эрдилар. Аммо ҳазрат соҳибқирон ўз лўтфи била аларни йахши сўруб, умидвор қилди ва от, тўн бериб сийлади. Ва андин ов сори чиқиб, давлат билан ов солиб юрур эрди.

Аммо Хусайнбекка чун Бухоро мусаххар бўлди, неча (кун) анда турди. Андин Халилбек билан неча бекни вилоятнинг муҳофизати учун қўйиб, ўзи Соли Саройга /қайтиб борди.

40a Ҳазрат соҳибқирон Мохонда фармонладиким, бўлгон нишлиқларни ўт уруб куйдурди. Чун янги бошдин яна кўкарди отларни ани билан семирттилар.

Ҳазрат соҳибқирон Аму суйидин ўтуб, Қарши черикининг
устига келғони баёни

Ҳазрат соҳибқирон Мохонда хабар тобтиким, Бекиноҳким, ҳазратнинг бадаларидин эрди, Хусайнбекка тобсь бўлуб Аму йақосидаки кентларга ва элларга даруга бўлуб келиб, сув йақосида ҳукумат тушакида ўлтуруб турур

ва аёғини итоат тариқасидин ташқари қўйуб, исён ва туғён йўлида кириб туруп. Даҳр кишиниким билурким, бу тараф ҳазратқа бандалик учун борадур, ани туруб беркитур. Соҳибқирон бу сўзни эшитиб ғзаб ўти бошида югуруб, Тўрткўл йўлидин олти юз киши билан бир кечада сув йақосида келиб тушти. Ва ул маҳалда сувнинг туғени эрди ва бағоят ва тапд тез эрди. Ул ҳазрат ўз муборак нафаси билан ўтар йўлини истаб, ҳар сори юруб боқти. Бурдалиғнинг аёғидин ўтар ерни топиб, беклариға буюрдиким: «Тўрт юз киши билан сизлар қўйи боринглар» ва ўзи икки юз киши билан чоштгоҳ эрдиким, ўзини сувға солиб, намози пешин эрдиким, ул сори ўтти. Андин тун қайтиб, саҳар эрдиким, Бекишоҳнинг бошиға етиб, тўрт ёниши туттилар. Ул паҳлавон киши эрди ва йахши отқучи: ўқ-ёйини олиб чиқти, аммо Ҳаққ неъматни сақлатгон учун ул ўқ отарда ёйининг чала узди ва ўқи Хитойи Баҳодурнинг қалқониға тегди. Дуррака билан Хитойи Баҳодур етиб ани тутуб беркиттилар.

406 Ҳазрат соҳибқирон фармонладиким: «Кемаларни нари юзига элтсунларким, анда қолгон беклар бери ўтқайлар!». Беклар бери ўтуб хизматқа / келдилар. Ҳазрат соҳибқирон эшиттиким, қароунас черики Бухоро тегарасида ўлтуруб турурлар. Ҳазратнинг олий ҳиммати анга мундоқ буюрдиким, бориб ул черикниким жамъ ўлтуруб турурлар, тафарруқа сли била бир-бир этқай. Андин тун қайтиб Бермас²³⁵ мавзеёида аларға етиб, икки черик бир-бири билан андоқ уруштиларким, андин қаттиқроқ олам ичра бўлмағай. Назм:

Ул икки черик андоқ айлади жўш,
Ки етти фалак узра етти хурўш.
Зи бас, қонки тўқди дар он корзор,
Жаҳон бўлди қон рангидин лозазор.

Нусрат насими ва фатҳ сли инояти илоҳийдин ҳазрат соҳибқирон сори бўлуб, Халилбекким, барчадин улғу эрди, қочти ва черики бир-бир бўлди. Байт:

Давлати кўб мундоқ ишлар, ишлади ва ишлағай,
Ким бу ишлар давлати бир памудори эрур.

Ул ҳазрат зафар ва нусрат тобқондин сўнг саодат билан қайтиб Аму суйидин ўтуб, бир ойғача қаровулнинг қудуғлари бошида ўлтурдилар ва андин Мохон сори бориб, Бекишоҳни ўзга оламға йибардилар.

Ҳазрат соҳибқирон Жақубекни Ҳирот вилоятиға, Малик Хусайн Курт²³⁶ қошиға йибарғони

41a Ҳазрат соҳибқирон Мохонда ўлтурғонда Жақубекни элчиликка Малик Хусайнгаким, Ҳирот вилоятиға подшоҳ эрди, йибарди. Дўстлуқ ва муҳаббатни изҳор этиб деди: «Мен Сарахсеқа келурмен. Агар ҳазрат Малик ул тарафдин келсаларким бир-биримизни кўруб, аҳду шарт аромизда бўлғай, асру хуб бўлғай туруп». Малик Жақубекни йахши кўруб, қайтариб йибарди. Ва Жақубек ҳазрат қошиға келиб, Маликдин сўзлариниким, эшитиб эрди, арз қилди. Ва ҳазрат мундин бурун Ҳожи Барлоғ маслаҳатида Ҳиротқа бориб эрди ва анинг ҳаракотиди билиб эрдиким, ул печук киши туруп. Билур эрдиким, анинг сўзига эътимод йўқ туруп, кўнгли қабул/қилмади. Аммо зарураттин фарзанди аржуманди мирзо Жаҳонгир била Муборакшоҳ Санжарийни қўшулуб йибарди. Дедиким: «Бизға маълум турурким, ҳазрат Маликнинг муборак кўнгуллариға йахшиликди ўзга нима йироқ туруп: анинг учун ўғлумни мулозиматқа йибардим. Биз бу вилоятда туролмасбиз. Ниятимиз борким, юрт ва манзилимизға (қайта) биз. Аммо биз борғонда бир неча кун эв-элимизни бу вилоятта қўйрбиз. Сиздин умидимиз ул турурким, қолгон кишиларимиздин хабардор бўлуб, иноят ва шафқатингизни кам қилмағайсиз, вассалом».

Ҳазрат соҳибқирон Мовароуннаҳр сори бориб, Ҳусайнбек черикини сиққони

Ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таолодин ҳазрат соҳибқиронга азалда шоҳи ва шахриёрлик қаромат бўлгон турурким: *Ва жа'алнокум халонфа филарди га*²³⁷ мушарраф бўлгай. Ул ҳазратнинг ҳиммати қўймас эрдиким, бир ерда қаноат қилиб ўлтургай. Бовужуд улким, барча нима муяссар бўлур эрди. Бу маҳалдаким, Мовароуннаҳр вилояти мухолифлар эликида эрди ва ҳар ерда душмандин бўлак-бўлак ўлтуруб эрди ва ўз еридин хабардор эрди, соҳибқирони комкор Мовароуннаҳр сори азм этиб, Тенгри иноятига сифийиб, олти юз киши билан тун қайтиб, саҳар эрдиким, Аму суйидин ўтуб, бир қишлоқда еттилар. Ва анда бир эски чаҳор боғи бор эрди, анда кириб туштилар ва отлар осойиш топқондин сўнг отланиб, Жўйбари мавзёидин²³⁸ ўтуб, Хузордин кечиб, Қаршини уртада туттилар. Ва Мусабекнинг бир пора кишиси анда эрди, ани тутуб беркиттилар. Атончук ва Кўдаҳ ва Довудшоҳ ўз эли билан қочтилар. Ва Дуррака ва Шайх Али Баҳодур бозургонлар била урушуб, аларни босиб, икки тева юки камхо ҳазрат соҳибқирон қошига келтирди²³⁹. Ҳазрат билдиким, бозургон моли турур, буюрдиким эйалариға берсунлар, ва ҳеч бир андин тасарруф қилмади. Ва қароунас элидин /беш минг киши Қўзи Мундоқда ўлтуруб эрдилар. Ва Сулаймонбек Йасурий аларға қотилиб ва Барот Хожа ва Ҳиндушоҳ тақи чериклари билан аларға қўшулдилар. Атоичук ва Кўдаҳ Хузордин ўтиб бориб аларға қўшулдилар.

41б

Ҳазрат соҳибқиронга бу ҳолдин хабар йўқ эрди. Кун ўлтургон маҳалда Қаршидин саодат била, йарим кеча Навқатқа²⁴⁰ етти ва анда эшиттиким қароунас черики йиғилиб, жамъиятлари бор турур. Ўшул замон кент ичидин ташқари чиқиб, йозиди тушти²⁴¹. Байт:

Йна кунга бу гумбази ложувард,
Жаҳон ичра кўрсатти ёқути зард.

Ҳазрат соҳибқирон саодат била юриди. Бу маҳалда Жақубек отдин тушуб, йамон хаста бўлди. Ҳазрат соҳибқирон ўтгуз киши анга қўшулуб, Мохон сори йибарди ва ҳиммат юзини ғаним сори қилди. Беклар ва баҳодурларнинг, барчанинг кўнгли бир эрди. Аммо Али Йасурий бу урушқа маслаҳат кўрмас эрди. Баъзи уруғлари бу маъини ҳазрат соҳибқиронга арз қилдилар ва соҳибқирон ани кўч била отландурди. Ва Шайх Али Баҳодур ва Оқ Буға Баҳодур олтмиш киши билан илгари бордилар. Ва душман соридини Ҳиндушоҳ уч юз отлиқ билан илгари келиб эрди, икки тарафдаки баҳодурлар бир-бирига етиб чобтилар ва қилич зарби била маърака туфроғини қон била бўйадилар. Назм:

Булут ва ҳаво киби қотилдилар,
Чу йамғур киби қонларин тўктилар.
Черик гардидин бўлди олам қаро,
Жаҳон ичра тўлди ғиреву садо.

Ҳазрат Ҳаққ таолодин фатҳ ва фирузлуқ қаромат бўлуб, Ёвмурд, улким ҳазрат соҳибқироннинг кишиси эрди ва душман кўб, ҳазратнинг баҳодурлари душманини суруб қўлига еткурди ва андин қайтиб келдилар. Ҳазрат отгин тушуб, бир дам осойиш қилди. Ва ҳазрат билур эрдиким, душман асру кўп турур ва булар оз. Аммо лутфу қарам сўзлари билан барчага кўнгул бериб, ваъда /билан умидвор қилиб дедиким: «Бугун эрларнинг куни турур, мардона бўлмақ керак».

42а

Эр кишининг базм ери арсаи майдон эрур,
Бодаси душман қони ва жоми зар қалқон эрур.

Довудбек ва Сари Бугабек ва Ҳусайн Барлос ва Сайфуддинбек ва Аббос Баҳодур ва Оқ Буға Баҳодур ва Ҳинду ва Элчи Дуррака ва Шайх Али Баҳодур ва Али Йасурий ва Маҳмудшоҳни буларни қўл этиб тургузди. Ўзи муборак нафаси билан қаровул бўлуб, илгари бориб турди. Ва йаағи таъйин

етконда баҳодурларга буюрди: «Уч тўп бўлуб урушунглар!». Икки тарафдин сипоҳ бир-бирига етконда Мавлоно Бадриддин угли била қочти ва Али Йасурий икки навқари билан ул тақи қочти. Аммо ҳазрат соҳибқирон худойи таборак ва таолога таваккал қилиб, ҳамла қилди. Назм:

Юриди адув сори ул комкор,
Чу шерика, қилгай жаҳонда шикор.
Қиличи йаруқ бўлди хуришидтек,
Адув сори юзланди Жамшидтек.
Ушандоқ черикни чу бахт эрди ер,
Жаҳон ичра қилди паришону хор.
Кишигаки, Ҳаққ бўлди дамсоз анга,
На ғам чериқи эрур оз анга.

Ушандоқ азимат черик бир дам тура олмай, соҳибқироннинг бир ҳамла-сини тоқат келтура олмай қочтилар. Зафарпаноҳ черики аларнинг кейнида тушуб, Чекдаликкача чобтилар, ва аларнинг улугини тутуб, кўб мол ва от ва тева ва қумош²⁴² аларга тушуб, олиб ёндилар. Байт:

Чу қочти яна ул гуруҳи дани,
Басе, элдин бўлди барча гани.

426 Ул черикдин Ўлжайту Тайанхони ва Пўлодким, ҳазрат соҳибқирон била бурун дўстлугу бор эрди, эмди муҳолифлар бийлан бирла эрдилар. Ҳазрат соҳибқироннинг баҳодурлари аларни тутуб, бошларини кесиб, ҳазрат соҳибқирон қошига келтурдилар. Бу ҳолатдин ҳазрат соҳибқироннинг кўнгли озурда бўлди, бовужуд улким, алар душман била бир — як эрдилар. Аммо қадимдаки мусоҳабат ҳаққини ёд айлади /ва бу фатҳ бўлгондин сўнг ул ҳазратнинг ҳиммати мундоқ азм қилдиким, душманни Ҳисорғача қовла-гай ва анда черик жамъ этиб, Ҳусайнбекнинг урушига боргай. Беклар бу кенгашга рози бўлмай, иттифоқ била дедиларким: «Бу бандалар маслаҳати мундоқ кўруб турурларким, Ҳисорга бормағайсен, Самарқанд сори борсақ, йахшироқ турур».

Ҳазрат соҳибқирон алар сўзи била амал қилиб ризо берди²⁴³.

Ҳазрат соҳибқирон саодат ва иқбол била Самарқанд сори борғони

43a Соҳибқирони комкор Кеш черикини жамъ этиб, Самарқанд сори мута-важжих бўлдилар. Тармочуқ Уйғур ва Тагайшоҳни Кеш вилоятида даруга қуйуб, ўзи давлат билан Самарқанд сори юзланди. Самарқандқа яқин етконда Уч Қаро Баҳодур Мусабекнинг черики билан шаҳардин чиқиб, Раҳматобининг²⁴⁴ йақосида йасол тортиб турди. Ҳазрат соҳибқирон алар сори юруб, бир ҳамла била барчани бир-бир этти. Ва Оқ Темур Баҳодур Уч Қаро Баҳодурнинг кейнида чошиб, анга етиб бир қилич солдиким, садақи-га²⁴⁵ тегиб, тамом ўқларини икки кесилди. Ва Уч Қаро эгар устида ўзини тўлгаб бир қилич солди. Ул қилич Оқ Темур Баҳодурнинг оти бошига тегиб, отга йиқилди ва ул йаёқ қолди. Уч Қаро қочиб шаҳарга кирди. Соҳибқирон саодатқарин Ревтан мавзъида²⁴⁶ тушти. Ва Уч Қаро яна минг беш юз киши отландуруб урушқа чиқди. Ва сипоҳ нусратпаноҳ шер кибиким ов сори юз қуйса, алар сори чоптилар. Ва алар қўрқунчдин туролмай урушдин бурун, қочтилар. Қочқон черик шаҳар маҳалласида киргонда кўчаларни тор қилиб эдилар. Отларни эгарини олмай тор кўчаларга кирганда барчанинг эгарлари синди ва юз нақбат билан шаҳарга кирдилар. Андин ҳазрат соҳибқирон саодат ва иқбол била саъд сори /Фаринкент ва Соғарж мавзъида²⁴⁷ бориб, неча кун ўлтурди. Бу маҳалда хабар келдиким, Ўлжайту ва Пўлот Буга қароунас черикин жамъ этиб бери келатурурлар. Бу хабардин сўнг Тагайшоҳ Кешдин қочиб келди ва дедиким: «Бир пора киши хабарсиз Тармочуқ бошига келиб, ани тутуб ўлтуруб турурлар». Ва ҳазрат соҳибқирон бу хабарни эшитиб отланиб, Йомға тушти²⁴⁸ ва Аргуншоҳ Будағийким,

хабар билгали бориб эрди, келиб бир киши ўзи била олиб келтурди. Ул кишидин хабар сўрдилар, йукунуб жавоб бердиким, «Ўлжайту ва Пулод Буга Тум суйига²⁴⁹ етиб турурлар ва Хусайнбек черик билан Қаршига тушти. Ҳазрат соҳибқироннинг савоб раъйиким тафриқ сайқалидин йаруқ бўлгон эрди, маслаҳатни андоқ кўрдиким, *ал-умур марҳунатун би авқоти-ҳа*²⁵⁰ неча кун рўзгор била чиқишмоқ керак, то маҳал етқайким душманларни ўз муроди била эликка кийургай. *Ва мо залика ала-Длоҳил-азизин*²⁵¹. Байт:

Ёқут бўлди сабр ила тошдин бурун,
Сабр қилгонидин ўлди анинг қиймати фузун.

436 Бу сабабдин ҳар черикким, Кеш вилоятининг жамъ этиб эрди, ижозат берди ва олти юз киши биланким, Хуросон вилоятининг анинг била келиб эрди, Самарқанднинг сув қуйи сори борди. Ва Хусайнбек Мусабекка айтиб йибариб эрдиким, ҳазрат соҳибқироннинг йулини тутуб кетқали қўймағай. Мусабек ва Уч Қаро Баҳодур чериклари билан Қўқалдара Очиғида тушуб эрдилар ва урушқа тайёр туруб эрдилар, ул ҳазрат аларга етқонда ҳамла қилиб, пашшадекким елдин қочқай, тура олмай қочиб Самарқандга кеттилар. Ва ҳазрат соҳиб қирон андин тун қайтиб, Соғаржда тушти ва отларни қўйдиким осойиш қилгай. Саҳарда отланиб намоз /шомга яқин Қўрчуққа тушти²⁵² ва анда бир соат ором топиб, андин тақи кучуб, субҳ эрдиким, Тева Бўйнида тушти²⁵³. Ва андин чаштгоҳ бўлгонда отланиб кеча Қўқнак²⁵⁴ ичида еттилар ва Хўжанд сўйидин ўтуб, анда тушти. Ва Қайхусрав ва Баҳром Жалойирким, жеталарнинг хони сори бориб эрдилар, ул хондин кўмак учун Темур ва Шировулни бошлаб етти. Минг киши Жета черикидин келтуруб, Тошқандда ултуруб эрдилар. Яна хондин ҳўкм келтуруб эрдиким, ул вилоятдаги черик билан эл-улус Баҳром қошига йигилсулар. Ул ҳўкм жиҳатининг ул вилоятқа ҳўкумат қилур эрди. Ҳазрат соҳибқирон аларни эшитиб, Тошқанд сори борди. Ва Баҳром ҳазрат била бурун дўстлуғи бор эрди ва аҳд қилиб эрдиким: «Сенинг била Хусайнбекнинг муҳиммини бир сори қилгайбиз». Бу жиҳатдин ҳазрат соҳибқирон анинг қошига борди. Аммо ул аҳд қилгонидин ҳеч ёд этмади ва ул ҳазратқа тақи хизматиким лойиқ бўлғай, қилмади. Ва ҳар ерким, ҳазрат соҳибқиронга тааллуқ эрди, дедиким: «Молини хонга забт қилурмен» ва ул ерларни тасарруф қилди. Байт:

Умидим бор эди сендинки, бўлғайсен ҳаводорим,
Сен ўқ бўлдунг жаҳон ичра адуви жонафкорим.

Ложурма²⁵⁵, ҳазрат соҳибқирон гайраттин анга деди:

«Мен сени ёр мувофиқ деб, хон била ва Хусайнбек била муҳолифат қилдим ва бу жиҳаттин мамлакатда, баса, ташвиш етти. Ва сени дўст деб ул ҳолдин бу давлатқа етқурдим ва сени муҳолифларга мусаллут қилдурдим. Ва букунким сенга андақ қуввати бор, муруватда бирлик бу турурким, менинг била мундоқ маош қилгайсен. Умидим худойи Жаббордин бу турурким, сени яна бир қатла ўз эшигимда муҳтож кутгаймен». Ва бот ўқ ушандоқ бўлди.

44a Қайхусрав ҳазрат соҳибқирон келгонидин сўйунуб, ул ҳазрат /эвиға элтиб тўйлар торти. Ва анчаким ҳавоҳоҳлуқдин ва хизматтин керак эрди, қилди.

Қайхусравбек ул вақтдаким, Туғлуқ Темурхон қошига бориб эрди ва Йасун Темурхоннинг қизини анга бериб эрди. Ва ул хотундин Қайхусравбекка бир йахши чиройлик қизи бор эрди ва оти Руқия Хоника эрди, ҳазрат соҳибқирон ул қизини шаҳзодаи аржуманд Жаҳонгир мирзоким, ҳазрат соҳибқироннинг саодатманд фарзанди эрди, анинг учун тилади. Ул тақи қабул қилди ва бир ойғача айшу ишрат била ўтқардилар.

Ҳазрат соҳибқирон сори Хусайнбек черик йибаргани ва черики бузулуб қочқони

Хусайнбек хон била қароунас черики била Шаҳрисабдин²⁵⁶ ўтуб, Солор Булоққа тушти ва улўг беклардин Мусабек ва Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз, Ўлжайту Апардий ва ўзга баҳодурларни йигирми минг киши билан

ҳазрат соҳибқирон сори уруш учун илгари йибарди. Алар Самарқанддин ўтуб, Булунгур суйининг²⁵⁷ канорида туштилар. Мусабек ва ўзга баҳодурлар неча қатла ҳазрат соҳибқирон била урушуб, анинг баҳодурлугин билур эрдилар, ва ҳазратнинг сийсати аларнинг кунглида бор эрди. Уч булак черик илгари йибариб, дедиларким: «Бориб йўлларни тутуб ўлтургайлар». Бири Малик Баҳодур эрдиким, уч минг киши билан Сўзангарон мавзёида бориб ўлтурди ва ул йўлни сақлаб эрди. Ва Жаҳоншоҳбек бир минг беш юз киши билан Работи Маликда²⁵⁸ келиб ўлтурди. Ва Хирман минг киши билан Дизақда ўлтуруб эрди ва Етти қудуқ²⁵⁹ йўлини сақлаб эрди.

Соҳибқирони комкор инояти Жабборга таваккал қилиб, душман черики ҳар неча қўб бўлса эрди, анга ҳеч тарадуд бўлмас эди. Назм:

Кишигаки, ёр улса Яздони пок,
Агар бўлса душман қўб, анга на бок.

446 /Ул ҳазрат бу хабарни эшитиб, Кайхусравбек иттифоқ қилиб, икки минг киши Жетадин олиб, муҳолифлар сори юридилар²⁶⁰. Ва ул ҳазрат беш юз киши билан илгари юриди ва Ховос мавзёидин чиқиб, Хужанд суйидин ўтуб, тун қайтиб, Жаҳоншоҳ сипоҳини шабиҳун элтиб, ани бир-бир қилди. Ва ўшул кун Дизаққа бориб Хирманни қочуруб, тамом молини олиб, ул ерда бир дам таваққуф эттиким, отлари тинди. Олгон молларини Жета черикига тобшуруб, ўшул ерда аларни қўйуб, таваккал этиб, икки юз киши билан Малик сори борди. Ва ўттуз йахши киши илгари йибарди²⁶¹ ва икки киши ўнг қўлга ва икки кишини сўл қўлга қаровуллуққа йибарди. Ўзи эрса муборак нафаси билан юз олтмиш олти киши билан отланиб, аларнинг кейнида юриди. Муҳолифлар ул ўттуз кишини кўрдиларким, андешасиз келадурлар, аларга ваҳм бўлдиким, мўгул черики келди ва аларнинг кейнида қалин киши бор. Маликнинг черики тура олмай, бир-бир бўлуб қочтилар. Ва ҳазрат соҳибқироннинг кишиси аларнинг кейнида тушуб, қўб кишини тушурдилар. Қочқонлар Мусабек ва Шайх Муҳаммад ва Ўлжайтуга етиб, қиссани шарҳ қилдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон ваҳми аларнинг кунглида бор эрди, эмди куброқ бўлди. Бовужуд улким, йигирми минг киши барча яроқлиқ эрдилар, хавф аларга ғолиб бўлуб, ўшул кеча таваққуф қилмай отландилар: *Йавма йафирру ал-маръу мин ахиҳи*²⁶² ҳолати аларнинг шаънида бўлуб, бир-бирига боқмай Хусайнбек сори бордилар.

Бу маҳалда Кайхусравбек ҳазрат соҳибқироннинг кейнида киши йибариб, хабар қилдиким: «Жета черики мусулмонларни асир этиб ва талаб Дизақдин қайттилар. Мен юз киши билан Работи Маликда сизга мунгазир ўлтурубмен». Бу хабар келгон жиҳатидин ҳазрат соҳибқироннинг муборак хотири малул бўлуб, / филҳол қайтуб Кайхусравбекка қўшулди ва дедиким: «Мусулмонларни кофирлар эликида қўйса бўлмас. Аларни қутқармоқ фикрин қилмоқ керак»²⁶³ деб кунглида туттиким, олтмиш кишини тоғ соридин йибаргайким, тоғдин ўзларини Жета черикига кўрсаттайлар. Булгайким, алар қўрқуб қочқайлар ва асир бўлгон мусулмонлар халос булгайлар. Бу тадбир мувофиқи тақдир тушуб, ул кишилар тоғ сори бориб, ўзларини Жета черикига кўрсаттилар. Жета черики аларни кўруб, асирлар била молни қўйуб қочтилар. Мансур черики асирларни моли билан заҳматсиз эликка тушуруб қайттилар ва ул йахши тадбир билан мусулмонлар кофирлардин халос бўлдилар. Байт:

Ҳар кишигаки, эрур давлат анга ёру рафиқ,
Ҳарна тадбир қилур барча мувофиқ булгай.

Ҳазрат соҳибқирон андин қайтиб, Сайхун суйидин ўтиб, Хумрак мавзёида²⁶⁴ тушти. Хусайнбекнинг черики қочиб ва отлари ҳориб ва молларини олдуруб, юз расволиқ билан еттилар. Хусайнбекнинг аччиги келиб, келгон кишиларни гуноҳкор қилиб, қўб изза қилдурди ва ўзи қаҳру ғазабдин хон билан отланиб юруберди. Оқ Кўталга етконда ўн минг кишиким, ҳар бири ўзини Рустам ва Исфандиёрдин артуқ кўрар эрди, аларни сийлаб, қўб ваъдалар қилиб дедиким: «Хужанд суйиға етконда турмай бот ўтунглар». Назм:

Дедиким: «Қилинг барча мардоналиқ,
Туруб қилмангиз анда девоналиқ.
Уруш куни барча кўнгул бир қилинг,
Ганимни йўқ этмакка тадбир қилинг».

Хусайнбекнинг черики ҳазрат соҳибқирон қўрқунчидин қочқони ва Хусайнбек қайтқони

456 Ҳазрат соҳибқирон эшиттиким, Хусайнбекнинг черики келадур. Ва кечадаким, олам кун қаросида саҳоб нарда тортқон учун андоқ қаронгу эрдиким, фалак моҳу шамс била йўлни кўрмас эрди/ ва булут саховатлук кишининг эликидек кумиш сочар эрди. Байт:

Ҳавода булут эрди ва ерда қор,
Қаронгу эрди олам андоқки ғор.
Ушул ҳолда ул хусрави комкор
Тилаб от ва бўлди ҳамул дам сувор.

Кайхусравбек давлат киби анга мададкор бўлуб, иттифоқ била беш юз киши билан таваккал юзини душман сори қилиб, йарим кечада Барсин гузарига²⁶⁵ етиб, ўзга гузарларни тутуб, буюрдиким, нафир тортгилар. Ҳаққ таоло соҳибқироннинг салобатини кўнгуллар ичида солиб эрди, андоқ черик ул азимат ва шавкат била ваҳший Рамадек²⁶⁶ нафир унини эшитиб, бир-бир бўлуб, ушул кечада сув йақосидин тун қайтиб қайтгилар ва Хусайнбек қошига бордилар. Байт:

Синаҳ бўлди барча ишидин хижил,
Синаҳдор ўз бахтидин мунфаъил.

Ва бу маҳалда Баҳром Жалойир ҳазрат соҳибқирондин ижозатсиз (Тошкентдин) Жета черики била қайтиб, Сайрам сори кетти. Ҳазрат соҳибқироннинг уғруқи ва Кайхусравбекнинг уғруқи Баҳром била эрди, уғруқлари жиҳатидин қайтиб, Сайрам²⁶⁷ сори бориб, Чаманкентда²⁶⁸ уғруққа етиштилар ва Баҳром ҳазрат соҳибқирондин бурун ул ердин кетиб эрди. Ул ҳазрат Сари Буға ва Оқ Буға Баҳодурни Жета сори Шамсуддинбек ва Ҳожибекка кўмак учун йибарди. Ўзи қишлоқ учун Кайхусрав билан кенгаш этиб, Кайхусрав Утрорга²⁶⁹ борди. Ҳазрат соҳибқирон олти юз хосса киши билан Тошкандда қишлай борди; ва Тошкандни Фирдавсий «Шоҳнома»да Ҳаштканд деб турур ва Чоч ва Шош тақи айтурлар²⁷⁰.

Тақи Хусайнбек ва хон ҳар неча саъйи қилдиларким, муродқа етиб ҳазрат соҳибқиронни ародин кўтаргайлар, муяссар бўлмади. Қиш келгонда зарураттин қайтгилар. Ва йўлда Пулод Бугани бир неча бек била Самарқандда қўйуб, ўзлари Арҳангу Сарой сори қайтгилар²⁷¹.

Хусайнбек ҳазрат соҳибқирон била яраш қилгонлари

46a /Қиш мавсуми кетиб, сабо ва шамол расуллари баҳор черикин етишконидин олам ичра хабар соддилар. Ва насиҳат этгучилар Қумрий ва (Ҳазор) сулҳ сўзиниким айткон била умуман йарашқайлар, сулҳ сўзини айтгилар.

Сари Буға ва Оқ Буға Баҳодурким, ҳазрат соҳибқирон аларни Жета сори йибариб эрди, келдилар. Ва хабар келтурдиларким, Жетадин сонсиз черик кўмак учун келадур. Ва чун ул ҳазрат ҳақиқат билан соҳибқирон эрди ва *муаййадун мин инди Аллоҳ*²⁷² ҳар вақтда андак киши билан қалин черикни босар эрди ва улуг ишларни оз киши билан қилур эрди. Ва давлатидин гаройиб ишлар олам ичра зоҳир булур эрди. Хусайнбек бу жиҳаттин доим тарадуд қилур эрди ва ҳар нечаким фикр этар эрди, йарашдин ўзга ҳеч ишни йахши кўрмас. Ва тақи эшиттиким, қалин черик Жетадин ҳазрат соҳибқиронга кўмак учун келадур ва ул ҳазрат буён келгуси турур. Хусайнбек ўзи билан фикр этиб дедиким: «Агар Жета черики келиб анга қўшулса, олам агар тўла черик бўлса, анинг уҳдасидин чиқа олмагайлар. Андаким киши оз эрди на ишларким қилмади, киши кўб бўлгондин сўнг ҳеч ким тирик қолгусидур». Сипоҳ андоқ кўрдиким, уламо ва машойихки, Хўжанд ва Тошкандда эрди, ҳар бирига хатлар битиб

йибардиким, «Керак аларга саъйи қилиб, андоқ қилсунларким, мусулмонларнинг маслаҳати учун аромизда кина ва адоватиким бор, барт тараф бўлмай. Ва мундин нори бурунгидек бир-биримизга ағо-ини бўлуб, Ислом қиличин чобқайбиз. Ва ҳар ердин Ислом душмани бўлса ани йўқ этгайбиз ва кинаким аромизда бор, меҳру муҳаббат била мубаддал бўлмай. Ва илло насиҳат зилоли била кинанинг ўтиким, аромизда туруп, ўлтурмай».

466 Андағи уламо ва машойих, зуҳду тасаввуф арбоби ояти Қуръон иқтизоси биланким: /*Ва ин тоифатони минал муъминин ақта-талу фааслиҳу байнаҳумо*²⁷³ мувофиқат тўнини кийиб, йенгдин сулҳ элигини чиқориб ва ихлос аёғи билан ҳазрат соҳибқирон қошига бордилар. Ҳазратни кўриб, дуодин сўнг арзадошт қилдиларким, «Чун ҳазрат соҳибқироннинг ҳиммати доим ултурурким, мусулмонлар рафоҳиятда бўлмайлар, бизлар бу умид билан келибизким, бу тариқа сиздин зоҳир бўлмай ва сиз Ҳусайнбек билан йарашқайсиз. Ва сизларнинг мухалиф бўлганингиздин мусулмонларнинг паришонлигидин ўзга нима ҳосил бўлмас. Умидимиз ул турурким, бу дарвешларнинг сўзин эшитиб, сулҳ қилгайсизким: *Ас-сулҳу хайрун*²⁷⁴ туруп. Ва аронгизда губор кудуратиким воқий туруп, сулҳ сайқали билан йааруқ бўлмай».

Ҳазрат соҳибқирон бу сўзларни эшитиб, қазодин ул яқинда бир кеча ҳазрат соҳибқирон тушида кўрдиким, Хўжанд суйида ҳар соридин сел кирор эрди. Ва ул бир йиғоч устида ўлтуруб, ҳазрат Ҳаққ таолога сажда қилур эрди. Ва ул сувдин нажот тилаб, ўзидин кеткон эрмиш. Кўзин очса, ўзин сув йақосида кўрар эрди. Ва Хўжанд суйи ўшандоқ қайнаб юрур. Яна ўзини Самарқандда кўрар эрди, ул сувлардин халос бўлубтурур.

Ҳазрат соҳибқирон ул уйқудин уйғониб, давлат илҳомидин мундоқ таъбир қилдиким, ул сув ва сел черик туруп ва билдиким, анга агар давлати ва фатҳи етса, Самарқанддин бўлғуси туруп. Ҳета черикидин умидин кести.

47a Бу маҳалда уламо ва зуҳҳод келиб, сулҳ сўзин арода солдилар. Ҳазрат яқин билдиким, бу йараш маслаҳати туруп. Аларга деддиким: «Агар Ҳусайнбек соридин киши келгунча ўлтурсак, узун-узоқ бўлмай. Ўзум Ҳусайнбек қошига бориб ҳарна сўзим бор, айтиб эшиткай». Бу андиша қилиб, Панжшанба отлиқ навқарини Ҳусайнбек қошига йибарди ва ўзи муборак нафаси билан /сафо Қабъаси сори юз қўйиб, ҳеч даҳшат қилмай Сайхун суйидин кечиб, Самарқанд борди. Ва офтоб жамолидин Самарқандни мунаввар қилди. Кун чиққонда келдиким, шаҳарга киргай. Бир киши шаҳардин чиқиб ўтурур²⁷⁵ хабар деддиким: «Ҳусайнбек вафот бўлуб туруп». Ҳазрат ул хабарни эшитқондин сўнг шаҳарга кирмакка маслаҳат кўрмай, Шодмон (қабъаси) сори кетти. Ва Шодмонга етқонда неча қўшун черикким, Ҳусайнбекка тааллуқ эрди, келур эрдилар. Чун ҳазратнинг хабарин эшитгач, қасд қилдиларким, ҳазратни олғайлар. Соҳибқирон аларга бир ҳамла этиб қочурди. Андин Йомға бориб тушти ва анда бир замон осойиш этиб, кўч қилиб, Ниёзий мавзеъида²⁷⁶ бориб тушти. Мусабек ҳазораи ганчиким, анга тааллуқ эрди, ҳазратнинг хабарин эшитиб, черик йиғиштуруб, ҳазрат сори юриди. Соҳибқироннинг баҳодурлари Мусабекка киши йибардиларким, ҳазрат йараш учун келиб турурким, Ҳусайнбек билан йарашқай. Ва ҳарнаким бурун кечкан туруп узр қилгай. Аммо Мусабек бу сўзини эшитмай ўз кишисига гурра бўлуб, йўлини тутуб турди, бовужуд улким, неча қатла ҳазратдин таёқ еб эрди, ани унутуб, яна уруш ҳавасин қилди. Ҳазрат соҳибқирон Сайфуддин ва Хитой Баҳодурни эллик киши билан йибардиким: «Аларнинг кейнидин кириб, ҳамла қилинлар!» Ва ўзи етмиш киши билан аларга ўтруп туруб турди. Бас, алар кўрдиларким, илгаридин ва кейинларидин черик кирди ва булардин неча қатла кўтак (*чамаси, калтак ёхуд зарба маъносид* — Масъ. муҳ.) еб эдилар, филҳол қочтилар. Мансур черики аларнинг кейнида тушуб, қўб кишини тушурдилар.

476 Андин сўнг ҳазрат соҳибқирон Аргуншоҳ Бурдалиғийни булак билан Мохонга йибарди. Ва бу маҳалда хабар келдиким, Ҳусайнбекнинг черики етти. Ҳазрат отланиб, олти /юз кишиси билан бир тепа устида чиқиб турди. Ва қароунас черики ўттуз қўшун киши келиб йасол тортиб турдилар ва икки тарафдин йасол тортиб сурон солдилар. Байт:

Икки соридин чиқти андоқ хуруш,
Фалак ичра борди малойик э-хуш.

Ҳазрат бир замони турдиким, келгон кишилардин келиб уруш қилгайлар. Ҳеч киши майдон сори аёқ босмади. Ул ҳазрат Кўҳак сори юриди ва Кўҳак

суйидин²⁷⁷ утуб Қинор Шақшорда²⁷⁸ тушти. Ва Панжшанба отлиқ навкарим, Хусайнбек сори йараш учун бориб эрдиким, Хусайнбекни кўриб келгай. Панжшанба бориб Хусайнбекни кўруб, йараш сўзин айтиб, Хусайнбек бу сўздип севунуб, онтлар ичиб, Туроншоҳ отлиқ навкарини Панжшанбага қайтиб йибарди. Туроншоҳ ва Панжшанба келиб, Хусайнбекнинг сўзларини айттилар. Ҳазрат соҳибқирон Аббос Баҳодурни Туроншоҳ била Хусайнбекка йибарди, ва Хусайнбек Аббос Баҳодурни йахши кўруб, яна бошдин онтлар ичиб ва аҳдлар қилиб, Мусабек билан Ўлжайтубекни ўн минг киши била йибарди. Ва аларга муболига қилдиким: «Албатта фалон кишининг хотирин, яъни ҳазрат соҳибқироннинг, кўнглин олиб, йарашинглар ва саъйи этиб, андоқ қилинларким, бир-биримизни кўргайбиз». Алар Қаҳлага ва Кешдин ўтуб, Самарқанднинг қуйи сори Кумишкент кентидаким, мазори мутабаррук Али ота, қаддаса сирруху, анда турур, туштилар ва ҳазрат соҳибқирон Алиободга²⁷⁹ тушти. Алар ҳазрат соҳибқиронга йараш учун киши йибардилар. Ул киши ҳазрат қошига келиб, бекларнинг сўзини арзадошт қилди. Ҳазрат мундоқ қарор бердиким: «Беклар юз киши билан ва мен юз киши билан келиб, бир-биримизни кўруб йараш қилали».

48a Бу сўз бекларга етиб, ушул замон юз киши билан отландилар, ва ҳазрат соҳибқирон икки юз киши /билан отланиб келиб, бир-бирига яқин келдилар. Ҳазратнинг мулозимлари дедиларким, «Хусайнбекнинг йахши беклари булар турур, ўз аёқлари билан келиб турурлар. Агар буларни тутсак, Хусайнбекка ўзга куч-қувват қолмагай, фурсат ганимат турур. Ва фалак ажойиб иш қилиб турур. Агар бу ишни қилсақ давлатқа лойиқ иш турур». Ҳазрат дедиким: «Эрлик ишида аҳдни синдурмоқ раво йўқтур ва аҳдни синдургон кишини эр деса бўлмас». Байт:

Ҳар ки қилмас аҳдиға билгил вафо,
Эр деса бўлмас ани бу дахр аро.

Ўлжайтубек ва Мусабек ҳазрат соҳибқиронга етиб, отларидин тушуб, кўруштилар ва дўстлуқ тариқасини йанги бошдин қилиб, меҳру муҳаббат ирод бўлди. Ва черикларин ижозат бериб, неча кун тўйлар қилиб, суҳбатлар туттилар. Ҳазрат соҳибқирон Мусабекнинг эвига тушуб, бурунгидин йахшироқ бўлдилар ва андин сўнг беклар эвларига қайттилар. Ва ҳазрат соҳибқирон Кешга бориб, бурунги юртига тушуб, андаги эл-улусунг улуг-кичиклари ва вилоятнинг содот ва қози ва уламо ва машойихлари, барча келиб, ҳазратни кўруб, севунуб, дуо қилди. Ҳазрат тақи аларни йахши сўруб, сарафроз қилди. Байт:

Яна ерига келди соҳибқирон,
Анинг келгонидин жаҳон шодмон.

Хусайнбекнинг Бадахшонга черик тортиб борғони

48b Аввал вақтда Бадахшон шоҳлари хон ва Хусайнбек билан йаағи бўлуб эрдилар. Хусайнбек черик тортиб аларнинг бошига борди ва Бадахшон шоҳлари черик жамъ этиб, ўтрав келдилар. Ва икки тарафдаги черик бир-бирига яқин ўлтурдилар. Малик Хусайнким, Ҳирот подшоҳи эрди, шоҳларнинг мухолифатидин хабар топиб, эшиттиким, Хусайнбек алар сори борғон турур. Қалин кишисини Балхқа йибардиким, андаги /эл-улусни чобқайлар. Ҳазрат соҳибқирон бу ҳолдин хабардор бўлуб, Кешдин черики била отланиб, Термиздин ўтиб, Балх сори кетти. Хуросонийлар эшитгач ёндилар²⁸⁰. Ҳазрат соҳибқирои билдиким, хуросонийлар қайтиб бориб турурлар, хон ва Хусайнбек сори юриди. Хусайнбек эшиттиким, ҳазрат соҳибқирон келаду, Бадахшон шоҳлари била йарашуб, Қундузга келиб, анда бир-бирини кўрдилар. Ҳар кудуратиким арода бор эрди, барча бартараф бўлди ва неча кун тўйлар бериб, айшү-ишрат қилдилар. Андин Ишкамиш²⁸¹ йайлоқи сори бордилар. Ҳазрат соҳибқирон Мохонга киши йибардиким, шаҳзода Жаҳонгир билан угруқ Кешга келгайлар.

Ҳазрат соҳибқирон била Хусайнбек Кобулистонга²⁸²
черик тортиб боргонлари

Ул маҳалда Пулод билан Оқ Буга Йасурий мухолифат орқаларини Кобул ҳисорига қуйуб, аёғларини инқиёд тариқасидин ташқари қуйуб турур

эрдилар. Ҳазрат соҳибқирон ва Ҳусайнбек черик жамъ этиб, Кобул сори таважжух қилдилар. Ҳиндукуш уқбасидин утуб²⁸³, Кобулга еттилар. Пулод билан Оқ Буга черикларини йиғиштуруб, қалъани беркиттилар²⁸⁴. Ҳазрат соҳибқирон ва Ҳусайнбек шаҳарга йақин келиб, уруш солдилар. Наам:

Ҳисор устидин қилдилар азми жанг,
Чу йамғур киби тўкти тири хадаиғ.
Дедингким, булуттур магар ул ҳисор,
Ки қилди хуруш андарон корзор.

Ҳазрат соҳибқирон қалъага йақин келиб, баҳодурлариким, Хитой Баҳодур ва Шайх Али Баҳодур ва ўзга баҳодур бор эрди, ул кун баҳодурлуқ кўрсатиб, кўкраги ўқ еб, заҳмлиқ бўлдилар. Мухолифлар кўрдиларким, соҳибқирон ўзи илгари тушуб урушадур. Ул ваҳмдин кўрқуб, ҳар сори қоча бошладилар. Нусратшиёор черики урушуб, қалъани бир бетини тушуруб, ҳисорга кириб, Пулод билан Оқ Бугани туттилар. Шейр:

49a

/Чу соҳибқирони — шоҳи нусратшиёор,
Ўзи қилди Рустам киби корзор.
Чу ҳиммат била боғлади ул камар,
Худо берди ул шоҳга фатҳу зафар.

Ҳисор олгондин сўнг Ҳусайнбек соҳибқиронга дедиким: «Ҳаёлим борким, ултурур ерим Балх бўлгай ва Ҳиндувон қалъасинким, бузулуб турур, иморат қилайм». Ҳазрат соҳибқирон дедиким: «Абдуллоҳким, сизнинг амак бўлур эрди ва Қазағанбекнинг воқиясидин сўнг ният қилдиким, «Самарқандда бориб ултурурмен». Беклариким давлатхоҳлари эрдилар, дедиларким: «Ўз ерингизни қўйиб, ёт ерга бормоқ маслаҳат йўқтурур. Анинг учунким, агар воқеъа бўлгай, бегона киши ҳаргиз кишига йарамағуси турур». Абдуллоҳ аларнинг насиҳат сўзларини эшитмай, оқибат етти ангамким, кўрди. Ва бу фикрким сиз қилибсиз, анга ўшар».

Ҳусайнбек анинг сўзини йахшиладиким: «Бу сўзларким, сен дединг, шафқат юзидин турур». Аммо тавфиқ рафиқи бўлмай, Балхга келиб, ул ишга машғул бўлди. Анга нақбат ва машаққатким тегди, жиҳати бу бўлди.

Кобулдин қайтқанда муқаррар андоқ эрдиким, ҳазрат соҳибқирон вилояти сори қайтқай. Аммо соҳибқирон вилоятига бормай, анинг била ҳамроҳ бўлиб, Балхқа келди ва Ҳиндувон ҳисорига соҳибқирон тақи ўз кишисини солиб ишлади ва оз фурсатда ул қалъа туганиб, Балхнинг рийоят ва арбоб ва улўғларини кўчуруб анда келтурдилар ва [эски] Балх қалъаси хароб бўлди. Бу воқеъанинг тарихи етти юз олтимиш тўққузда эрди, сичен йилида (1368).

Бу маҳалда Самарқанд соридии хабар келдиким, Жета черики яна ул сори мутаважжик бўлгон турур. Ҳусайнбек билдиким, маслаҳат турурким, ҳазрат соҳибқиронга ижозат бериб, Самарқандқа йибаргай, зарураттин соҳибқиронга ижозат бериб йибарди.

Ҳазрат соҳибқирон Жета сори борғони

496

/Жета черикининг (уруши) таҳқиқ бўлди. Ҳазрат соҳибқирон Мусабек билан Жайхундин утуб, Мовароуннаҳр сори душман дафъи учун бордилар, Жета черики Тошкентга етиб эрди. Қиш жиҳатидин ушул ерда турдилар. Ҳазрат соҳибқирон Мусабек билан Самарқанддин утуб, Қарода қишлоқ қилдилар. Ҳусайнбек тақи черики билан келиб, Кешда тушти. Ул маҳалда давлат мадад қилиб, Жета беклари ичида ихтилоф воқия бўлиб, Қамариддинким, ўмоғи дуглат эрди ва Кўппак Темур Широул баъзи черики билан Ҳожибек Арканутка қасд қилдилар. Ва Ҳожибек мундин хабар тониб, аларнинг урушига отланди ва алар тақи отланиб, чун бир-бирига яқин етиб, сўзлашиб қайттилар, Қамариддин ва Кўппак Темур макр этиб, ўз кишиси била қочти. Ва Ҳожибек Широул ўғли бориб, аларни тутуб, ултурди. Ва бу жиҳаттин Жета черики бузулуб, бир-бир бўлуб қайттилар. Ва ҳазрат

соҳибқирон давлатидин андоқ қаттиқ йааги заҳматсиз, уруш бўлмай кифоят бўлди. Байт:

Чу душман черикида тушгай хилоф,
Чиқарма қиличингни сен аз ғилоф.

Андин сўнг ҳазрат соҳибқирон ва Мусабек хон ва Ҳусайнбекка киши йибардиларким, «Ҳета черики бузулуб кеттилар. Маслаҳат ул турурким, аларнинг кейнида юругайбиз».

Аммо Бадахшон шоҳлари ул киш вилоятни чопиб эдилар ва Қундузни талаб эдилар. Ҳусайнбек Бадахшонга боргонин йахшироқ кўруб, ҳазратқа моний бўлиб айтиб йибардиким, байт:

Чу ўз кешваримизда бордур аду,
Недин борали ётга, эй некхў.

«Маслаҳат бу турурким, келиб Бадахшонга иттифоқ қилиб боргайбиз».

Ҳазрат соҳибқирон Бадахшонга черик тортиб, Ҳусайнбек била борғони

50a Давлат юзидин /Ҳета черикидин фароғат бўлди. Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон йанги бошдин (черик) йигиштуруб, Бадахшонга мутаважжиҳ бўлдилар. Жайхундин ўтуб, Таллиқондин Кашмким²⁸⁵, Бадахшонга тааллуқ турур, туштилар. Ҳазрат соҳибқирон илгари бўлуб юриди, Ҳусайнбекнинг угли Жаҳонмалик анга қўшулди, ва ўзи хон била Кашмда ўлтурди. Ва ул тарафдин бадахшонийлар Карнас уқбасин тутуб йайоғ бўлуб турдиларким, ҳеч киши андин ўта олмағай. Аммо ҳазрат соҳибқироннинг қаросини кўруб, қочтилар. Шезър:

Анинг гардини ҳар ким кўрса,
Турулмас ул агарчи бўлса фағфур.

Андин қочиб Жарм уқбасида²⁸⁶ турдилар. Ҳазрат соҳибқироннинг раъйати анда ҳам тура олмай қочтилар ва Жарм суйидин²⁸⁷ ўтуб, гузарларини тутуб турдилар. Ҳазрат соҳибқирон ўзга ердин гузар топиб, ўз кишисини ёндира, ўтқариб йибарди. Ва аларга черик ўтаридин хабар бўлғач андин қочиб, Бадахшоннинг юқориси сори қочтилар. Ва Дараи Артинчким²⁸⁸, бағоят тор ер турур ва икки улуг сув анда бир-бирига қўшулур, Бадахшон шоҳлари барча анда турдилар.

50a Ҳазрат соҳибқирон нуератшиёор черики билан анда еттилар. Андин тақи қочиб, Қўнғуз аланг²⁸⁹ сори кеттилар. Жайхун суйининг бошидин ўтиб, ўтар йўлларини тутуб турдилар. Нуератқарин черики аларнинг кейнида юруб, анда урушуб, ул саргашталарни чопиб, Шайх Али Бадахшоний эликка тушти ва отлар ва қўйларини тутуб, муфассал ҳазрат соҳибқиронга арз қилдилар. Бир жамоат бадахшонийлар қочиб, дарага кириб эдилар, ул ҳазрат Жаҳонмаликни қалин киши билан йибарди. Алар бориб ул элни талаб қайтиб келур эдиларким, бадахшонийлар/ бир тор йўлин тутуб, алар била уруштилар. Ва ул урушда Жаҳонмалик қочти ва мухолифлар ҳар нимаким черик олиб эди, барчани олиб баъзи кишини ўлтурдилар ва олти юз ўттуз отлиқни тушуруб, от ва жайбаларини²⁹⁰ олдилар. Қочқон киши келиб бу воқеани ҳазрат соҳибқиронга арз қилди. Соҳибқиронга ғайрат ути бошига йугуриб, филҳол отланиб, тоғ устида чиқди. Ва бу хабар жиҳатидин аксари черик бузулуб қочтилар. Соҳибқирони комкор ўн уч киши билан аларнинг ўтар йўлини тутуб, шижоат элиқини чиқориб, андоқ иш ишладиларким, фалакда Миррих таажжуб бармоғини оғзига тутуб турди. Ва соҳибқирон айтур эрдиким: «Мунча урушларким қилдуқ, мундоқ қаттиқ уруш йуқ эрди». Яна душман соридин эллик йайоқ қалқонлар бошларига тортиб, ул ҳазрат сори юридилар ва икки юз киши аларга кўмак келди. Ул маҳалда Элчи Буга оддин тушуб, йайоқ аларнинг ичинда кириб, бир-иккини таскин

уруб, чучук тил билан аларга дедиким: «Ул кишиким турур, ҳазрат соҳибқирон турур ва сизларнинг асирларингизни черик эликидин қутқориб келиб-турким, сизларга топшургай, сизларни учун урушур. Сиз агар ўлсангиз ё асир бўлсангиз, гуноҳ сизнинг бўйинунгузга бўлгуси турур». Иайоглар чун ҳазрат соҳибқироннинг отини эшитдилар, урушдин элик тортиб, бошларини ерга қўйиб дуо қилдилар. Икки киши алардин илгари келиб, тазарруъ ва зори билан амон тиладилар.

Соҳибқирон дедиким: «Жайба ва отларким, бизнинг кишимиздин олиб-сиз, барчани жамъ этиб келтурунгуз, то сизларнинг асирларингизни бергайбиз». Қабул қилиб қайтилар. Байт:

Ки биз бандабиз сенга, фармон сенинг,
Бошимиз сенингдур, балки жон сенинг.

51a

Ҳазрат соҳибқирон /зафар ва нусрат била черикига тушти. Байт:

Фатҳ анга чун мулозим ва бахт анга ҳамчу ёр,
Борди ва тушти ерига ул шоҳи комкор.

Бадахшонийлар ҳар нимаким, черикдин олиб эдилар, барчани ўз нуфузлари билан келиб ҳазратқа қайтардилар. Ҳазрат тақи лутф этиб асирларни қайтариб берди: олти юз ўтгуз киши барча йароғлиқ сипоҳий йигитлар аларга асир бўлиб эрдилар. Соҳибқирон ўн уч киши билан аларга музаффар бўлди. Назм:

Қилолмам анинг ишларини баён,
Ки ҳадин бурундур иши дар жаҳон.
Саодат анга ҳамдам ва бахт ёр,
Рафиқи анинг лутфи Парвардигор.
Черикидин эмас мунча фатҳу зафар,
Ки бор ўзга ердин анга бу назар.

Андин сўнг фатҳ ва ферузлуқ била қайтиб, Бадахшон шаҳрига тушти. Ва Туркчи Жалойир ва ўзга кишиларким, қочиб эдилар, анда етконда аларга утоб хитоб қилди. Умаро дедиларким: «Аларнинг йаргуси мавқуф бўлеун. Қайтқондин сўнг сўрғайсиз». Аммо ул соҳибқиронга ғайрат қўймай буюрдиким, аларни ҳозир қилдилар. Барчани йасоқ-таёқ урди.

Соҳибқирон Бадахшонда эрдиким, Ҳусайнбек киши йибардиким: «Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ва Кайхусрав черикларини йиғиштуруб, мухолифат қилурга хаёллари бор турур²⁹¹. Алар келмасдин бурун жаҳд қилиб, аларга ўзунгни еткурғил». Ҳусайнбек ўзи хон била Соли Саройга кетти.

Ҳазрат соҳибқирон Бадахшон вилоятининг қайтқони

Ҳазрат соҳибқиронга чун хабар келдиким, Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ва Кайхусрав мутобиъат йўлидин чиқиб, ўзга тариқ билан сулук этарлар, давлат билан қайтти. Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ва Кайхусрав эшитдиларким, соҳибқирон Бадахшондин чиқиб келиб турур, алар тақи умид эликларини ҳазрат соҳибқироннинг этагини уруб, арзадоштлар қилиб (хат) йибардилар. Мазмуни улким, «Тавқий ишидин ул турурким, бизнинг сори бўлиб, бизга мадад қилгайсен ва Минкамари вилоятни бергайсен. Сўнг ҳарнаким сенинг хотиринг тиласа, андоқ қилгумиз турур²⁹². Ул хат Ҳусайнбекнинг эликига тушти. /Ҳазрат соҳибқиронга ул хатдин хабардор қилдилар. Ва Арҳангда еттилар ва бир-бирини кўрдилар. Ҳусайнбек шодмонлиқ изҳор этиб, ҳазратни кўб таъзим этти. Аммо ҳазрат соҳибқиронга муборак кўнглига кечар эдиким: «Чун аромизда Ҳусайнбек била мунча дўстлугумиз бор турур, керакким ул хатни кўрсаткай ва йашурмагай ва дўстлук нишонаси ул турурким, агар ҳар нима йамон ва йахшидин бўлса бир-бирини йашурмагайлар». Байт:

51b

Дуст улдурким, йашурмагай гамини дустдин,
Ҳарнаким кўнглида булгай, ул баён қилгай анга.

Ҳусайнбек ул хатдин мутлақ сўзламади. Соҳибқиронга бу жиҳатдин кўнглига йамон (фикр) келди. Ва тун қайтиб Муборак манзилига тушти, уч киши кириб иттифоқ била айтгиларким, «Ҳусайнбек сизнинг била араз қилгали хаёл қилиб турур ва сизни тутуб беркитгай ҳоҳиши бор». Ҳазратнинг кўнгли бу хабардин асру йамон бўлди. Аммо таҳаммул этиб, ўзига келтурмади ва андин сўнг бир киши келиб бир хат келтурдиким, Одил Султонким, ул маҳалда хон эрди, ҳазратқа айтиб йибардиким: «Ҳусайнбек бу хаёл қилиб турурким, фурсат сақлаб сизни тутқайлар». Ул сўзни эшитиб, анда ҳам ҳазрат таҳаммул этиб, ҳеч нима демай, деди, байт:

«Тулки нечук қилур бу жаҳон ичра шери нар шикор,
Йалғон эрур бу сўз, билинг, эй аҳли рўзгор».

Ҳазрат отланиб Ҳусайнбек қошига бордиким, анинг йўсунидин маълум қилгай ва ҳижобсиз андин сўраб, бу дағдагадин кўнглини жамъ қилгай.

52a Ҳусайнбекка етканда Ҳусайнбек ҳам отланиб, сув йақосида туруб эди. Ҳазрат еткон замонда бир кема сувнинг нариги юзидин келиб, бир киши андин чиқиб, Ҳусайнбек қошига югуриб бордиким: «На турубсизким, йааги мунга етти». Ҳусайнбек бу сўзни эшитгач билдиким, ҳазрат соҳибқиронни йибармакдин ўзга чора йўқ турур. Ва ул ҳазратқа деди ва айттиким: «Турмамак керак, бот кишингни йиғиштуруб, сувдин ўтуб, /душман дафъига машгул булгил ва Зинда Чашм ва ўзга бекларким, бориб турурлар, аларнинг уҳдасидин чиқа олмаслар».

Соҳибқирон сувдин ўтиб Зинда Чашмга етти. Алар билан бирикиб, душман сори юридилар. Келган йаагилар ҳазрат соҳибқирондин хабар эшитиб, турмай қочтилар. Кайхусрав Қора Текин ва Олой сори борди ва Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз Хужанд сори қочти. Ва ҳазрат соҳибқирон анинг кейнида тушуб, Хужандқача сурди ва Сайхундин ўтуб, Тошканд ва Утрор сори кетти. Ҳазрат соҳибқирон фатҳ ва нусрат била қайтиб, Кешда тушти ва давлат била ўз ерига ўлтурди. Шеър:

Умиди йанги ва давлати қавий ва бахти жавон,
Муроди ҳосил ва душмани жаҳонда саргардон.

Ҳусайнбек ҳазрат соҳибқирон давлатидин душмандин халос бўлуб, Архангдин Балхда келиб, Ҳисори Ҳиндувонда²⁹³ ўлтурди.

Ҳазрат соҳибқирон ва Ҳусайнбек иккинчи қатла бир-бирига муҳолифат қилгонлари

Ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло бандасигаким, давлат ва нусрат бергуси турур, анга бир нимани сабаб қилурким, то ул сабабдин ул давлатқа етқай. Мақсуд бу сўздин бу турурким, чун ҳазрат соҳибқиронга Ҳаққ таборак ва таоло азалда мундоқ тақдир еткон турурким, ер юзининг подшоҳи булгай. Ва подшоҳлиқ асбоби ҳар навъ била анга юз кўрсатур эрдиким, ақл анга ҳайрон ва саргардон эрди.

Ас-султон зилл Аллоҳ фил-арди воқий бўлуб турур, яъни подшоҳлар Ҳаққнинг кўланкаси турурлар. *Ва ло илоҳа илло Аллоҳу, ваҳдуҳу, ло шарика лаҳу* турур. Ва муёнунг маъниси андоқтур: салтанат амрида шарик бўлмоқ маҳол турур, нечукким айтиб турурлар. Назм:

Бир шаҳар икки шоҳ мақоми эмас,
Икки қилич ери қиёми эмас.

Танг эрур мамлакате бар ду шоҳ,
Кўрдиму киши фалак ичра ду моҳ?

Суннатуллоҳ воқий бўлуб турурким, чун ҳазрат Файз жалла ва ала, вақти буюраским: *Инна маканно лаҳу фил-арди* ким, соҳиб давлати илмини

526 шоҳлиқ авжида бош чиқарса /ва ер юзидаги майдони анинг жавлонгоҳи бўлмай. Анинг замонида ҳар бошдаким савдои маҳол бўлмай, фано қиличи билан ани кўтаргайлар. Ва ҳар кимгаким, ширкат хаёли хотирида киргай, тирик қолмағай.

Ҳазрат соҳибқирон замонида даъвойи салтанат қилгувчи ва азимат ва шавкатлиқ киши Хусайнбек эрди. Ложурма, анга завод келур асбоби афъолидин ва ахлоқидин кўрунабошлади. Бири аввал улким, ҳирси мол бағоят камоли анинг мизожига ғолиб бўлуб эрди. Ва яна феъли йамон бўлуб эрдиким, кишига қаттиг сўзлар эди. Ва бу жиҳаттин элнинг хотири ва кўнгли озурда бўлуб эрди. Байт:

Кишиким, анинг феъли бўлди йамон,
Ани ўзга севмас киши дар жаҳон.

Ҳазрат соҳибқирон анинг била мувофиқ эканда эл ҳам зарураттин анга фармонбардорлиқ қилур эрдилар. Ва агар кишига мухалифат даъвоеси бўлса эрди, ҳазратнинг қўрқунчидин иш қила олмай тек ўлтурур эрдилар. Ва ҳазрат анинг мулозиматида ва мувофиқат тариқасида бор эрди. Ул ғоятқаким, Одил Султонхон Хусайнбекдин мутаваҳҳим бўлуб қочиб борур эрди, Кеш вилоятининг ўтарда ҳазрат соҳибқирон анинг кейнида бориб, анинг била урушуб ани тутуб, Хусайнбекка йибарди. Ва ҳазрат соҳибқирон Хусайнбекни ато-аго ўрнида кўрар эрди, анинг учунким, бир-бирига қариндош эрдилар. Аммо Хусайнбекнинг кўнглида доим йамонлиқ фикри бор эрди ва хотирида бу андиша бор эрдиким, ҳазратқа на қилгайким, йўқ бўлмай. Бовужуд улким, ҳазрат била бир қатла мухалифат қилиб, юз меҳнат ва танвиш анга еткарди ва бисер саъйи эттиким, яна арода дўстлук пайдо бўлди. Яна ўз йамонлигига бас кела олмай, Пўлод Буғаким, анга қариндош эрди, анинг жиҳатининг ва Халилбек саъйидин яна адоват ва мухалифат қилабошлади. Кеш вилоятига киши йибардиким, андаги элулуени кўчуруб, Балхқа келтургай. Муъаййидбек жогир ичарда Йовурчибекнинг ўглини ўлтурур эрди ва андин /қочиб бориб эрди, Хусайнбек киши йибариб эрдиким, анинг ҳарамини келтургайлар. Ва анинг ҳарамини ҳазрат соҳибқироннинг сингисини эрди. Ва амирзода Йаҳонгирким, ул ҳазратнинг ўгли эрди ва Хусайнбек қошида турар эрди, ҳазратқа йибардиким, «Мусабекни кўчи билан бизнинг сори йибаргил».

53a Ҳазрат соҳибқироннинг муборак хотирида Хусайнбекнинг қасд қилгонини ва Кайхуреравнинг хатини йашургон жиҳатининг озурда эрди.

Бу ишлар бўлгонда ҳазрат соҳибқироига таҳқиқ бўлдиким, Хусайнбекнинг хаёли ўзга турур ва анинг ишини саҳл тутмамақ керак ва гофил бўлмамақ керак. Назм:

Бу даҳр ичра сен ётмагил бечиз,
Ки қилгай сени сел зеру забар.
Чу тобсанг бориб ерга ётқил далер,
Ки анда бора олмағай нари шер.

Суннат сиййами била амал этиб, Мусабек билан ва хосс маҳрамлари била машварат қилиб дедиким: «Хусайнбек мухалифат қила бошлабтур. Ва андоқ маълум бўлурким, ўзга тавр хаёллари бор. Андин гофил бўлмоқ ақлдин эрмас». Ҳозирлар бу сўзни эшитиб, Мусабек ва ўзга беклар, мисли Довудбек ва Сари Буғабек ва Жақубек ва Муъаййидбек ва Сайфуддинбек ва Аббос Баҳодур ва Оқ Буга Баҳодур ва Элчи Буга Баҳодур ва Шайх Али Баҳодур ва Давлатшоҳ Бахшийким, уйгурдин эрди, барча иттифоқ била дедиларким, «Хусайнбекнинг аҳдига эътимоди йўқтурур ва доим сизнинг қасдингизда турур. Андоқ қилмангизким, фурсат фавт бўлмай ва анинг тадоруки мушқил бўлмай ва пушаймонлиқ фойда қилмағай. Анинг мухалифатига якжиҳат бўлмоқ керак. Ва жаҳд қилмоқ керакким, анинг иши бир сори бўлмай». Шеръ:

Бари беклари очтилар тилларин.
Дедиларки: «Эй шоҳи руйи замин,
Чу душман бўлубтур сенга кийнаҳок.
Равон, эй шаҳаншоҳ, қил ани табоҳ.

Раъийат анинг зулмидин дар фиғон,
Булбтур жаҳон ичра халқи жаҳон.
Чиқорғил анга зуд шамшири кин,
Жаҳонни халос эт анинг шаридин».

536 Ва Жакубек ва Давлатшоҳ асру қуб муболага қилдилар. /Ҳазрат соҳибқирон аларнинг сўзини қабул этиб, Мусабек ул ҳазрат билан йанги бошидин яна аҳд этиб, барча беклар якжиҳат бўлуб, Ҳусайнбекнинг муҳолифатиға қўнгул қўйдилар. Хизр Йасурийнинг ўгли Али отлиқни йасоққа етқурдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Ҳусайнбек била урушуб, зафар тобқонлари

Ҳусайнбекнинг иши ва феълидин таҳқиқ бўлдим, аҳд ва онтни синдуруб, ҳазрат соҳибқиронға қасд қилгон турур. Ҳазратқа вожиб бўлдим, анинг дафъини қилгай. Ҳазрат Ҳаққға таваккал қилиб, дафъиға жозим бўлуб, Ҳусайнбек сори юриди ва муҳолифатни зоҳир қилди. Ва черик йиғиштурмоққа машғул бўлиб, Шайх Муҳаммад Баён Сулдузим, қочиб Сайхундин ўтуб Ўтрорға бориб эрди, Ҳинду Қарқара Қипчоқни анга йибарди. Ҳазрат соҳибқироннинг черики йиғилгондин сўнг Мусабекни қўли-гўл этиб, муборак нафаси билан фархунда соатда Кешдин чиқиб, баҳодурлар билан илгари юриди. Қитъа:

Зафар рафиқи, фалак чокари, малак йўлдоши,
Умиди йанги, давлати қавий ва бахти жавон.
Кейнида юриди фатҳ ва савд бўлди бисёр,
Спехр бўлди жиловиди ҳамчу пайки равон.

Хузорға етконда Мусабек ваҳм этиб, аҳду паймонни синдуруб, Самарқанд сори қочти. Ҳазрат соҳибқирон анинг боргонидин ҳеч андиша қилмай, «Боргонидип қайтмасун» деб, Суюргатмиш Ўғлон била Муъаййидбек ва Ҳусайн Барлосни бир неча баҳодурлар билан илгари йибарди. Ва гўлда ўзи туруб юридилар.

54a Илгари боргон баҳодурлар Қаҳлағадин ўтуб, Термизқа еттилар. Ҳусайнбекнинг тақи бери келгон кишилари Ҳиндушоҳ ва Халил Апардий ҳазрат соҳибқироннинг кишисини йироқдин қароларин кўруб қочтилар ва Аму суйидин ўтуб, Балхқа кеттилар. Ҳазрат соҳибқирон Бева мавзъидаким, Термиздин уч йағоч бери эрди, тушти²⁹⁴. Ул ерда ҳазрат олийжаноб, нақобаттоб, муртазон аъзам, акрам, Саййид Баракаким²⁹⁵, Макканинг шарифларидин эрди, ва ул маҳалда ери юзининг содотларига акрам ва ашрафи эрди, ул ерда ҳазрат соҳибқирон қошиға табла ва аламким, салтанатнинг аломати турур, ўзи била келтуруб, пешкаш қилди ва муборак тилини очиб шаҳаншоҳлик муждасин берди. Назм:

Ки шоҳо, сенга Ҳаққ нигоҳбон эрур,
Жаҳон сенга чун бандафармон эрур.
Мусаллам сенга бўлди шаҳаншаҳи,
Жаҳон ичра берди сенга Ҳаққ маҳи.

Ва бу башорат бергондин сўнг арода ҳеч нохайр бўлмай ушандоқ бўлди.
Шеър:

Чу хайма уруб шоҳи дин дар по,
Қазо давлатиға дедиким, биё.
Келиб давлатда нидо урди рақам,
Кутармагай ул остондин қадам.
Муборак юзин кўрди давлат равон,
Севинди ва бўлди йақдаёт ул замон.
На давлатдин ул шаҳ эди аржуманд,
Ки давлат оти андин ўлди баланд.

Ҳазрат соҳибқиронга ул воқеъаи гароибдин давлати рӯзафзун фотиҳаси юз кӯрсатиб, наво элининг давлат аъломининг этакида урдиким: *Иннама юриду-л-Лаху ли-йуъзиба анкум ур-рижа аҳла-л-байти ва йутаҳҳи-ракум татҳиран*²⁹⁶. Муқаддам шариф саййидни бағоят азиз тутуб, анчаким шарт таъзим турур, сидқ ва ихлосдин бажой келдурди. Ул ҳазрат соҳибқирон била дӯстлуқ қилиб андоқ бўлдиким, муддати ҳаётида давлат белгиси андин айрилмади ва вафот бўлгондин сўнг иккаласи бир ерда ёттилар. Ҳазрат соҳибқиронга анча эътиқодиким, аҳли байтда эрмиш, Шаме киби жаҳон ичра равшан турур, муҳтожи шарҳ эмас ва ул йахши хислатнинг осори эрдиким, зулматдин чиқиб давлат нурига етти.

Ҳазрат соҳибқирон Бевадин отланиб Чағониён сори юриди ва Чағониён-да етконда Ҳакубекни черик йиғиштурмакка фармонлади. Ул бу амрга машғул бўлуб, мутаваҷжих бўлди ва ул ердаги черикни жамъ этиб, урду сори йибарди. Ва узи Хутталон сори бордиким, ул ердаги черикни ҳам сарапжом қилгай.

546 Раъийати нусратшиёр Авзач гузарида²⁹⁷ етти, Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз /Ҳиндуй Қарқара билан келиб ҳазрат соҳибқиронни кӯруб сарафроз бўлди. Ва Ҳайхун суйидин утуб Хулм мавзеъда туштилар. Ул ернинг ҳазораси келиб соҳибқирон черикига қушулди. Ва Ўлжайтубекким, Ҳусайнбек ани Қундузда қўйиб эрди ва Шоҳ Муҳаммадким, Бадахшоннинг ҳокими эрди, ҳазрат аларга киши йибариб эрди, чериклари билан еттилар. Аларни йахши сийлади. Барчанинг Ҳусайнбекдин кўнгуллари қолиб эрди, эшиттиларким, ҳазрат соҳибқирон анинг била муҳолифат қилиб турур, барча севунуб, дуо била дедилар, Байт:

Адувунгдин бўлубтур бари халқ сер,
Аёқ қўй адув сори, эй шаҳи далер.

Ва Кайхусравким, анинг вилояти Хутталон эрди, Ҳусайнбек ваҳмидин вилоятни қўйиб, Олойга қочиб эрди, соҳибқирондин хабар топиб, севунуб, хизматга келди. Ва Ҳакубек тақи Хутталон черики билан етти.

Нуёниёндин ҳар ердаким, бир бек бор эрди, барча ҳазрат соҳибқирон хизматида келиб, бандалик камарини жон белларига боғладилар ва иттифоқ била Ҳусайнбек сори юридилар.

Ҳазрат соҳибқирон бир неча баҳодурни илгари йибарди ва Ҳусайнбекдин тақи бир жамоати келиб эрди, Шайх Али Баҳодурким, аларни кўрди, қилич тортиб алар сори чобти. Шёър:

Анингдек адув сори чобти равон,
Ки дунманда қолмади тобу тавон.

55a Ва Хитойи Баҳодур Арҳанг соридин чобиб, муҳолифларни бир-бир қилиб сурдилар. Ва Шайх Али Баҳодур Чўпон Сарбадорни тутуб келтурди. Нусратшиёр раъяти кўчуб, черики бўлак-бўлак (қилиб) Шоидён тоғининг²⁹⁸ этагидин шодмон келур эрдилар. Келиб Дараигиз суйининг йақосида туштилар. Ва ҳазрат соҳибқирон Суюратмиш Ўғлонни хон кўтариб, черик тартиб этиб, саодат ва ферузлуқ билаи Балх сори юриди. Ва Зинда Чашмким, Муҳаммад Хожа Анардийнинг ўғли эрди, /анардий черики билан Шибиргондин келиб, ҳазрат соҳибқиронга қушулди. Ҳазрат соҳибқирон шаҳарнинг тўрт (тарифдин) қалъасига кириб туштилар. Ва бу қалъа Ҳиндувон била машҳур турур. Байт:

Шаҳаншоҳи дин, шоҳи соҳибқирои,
Қабал этти чун қалъаи Ҳиндувон.
Черик эрди сонсиз, бари номвар.
Бариси мусаллаҳ бо тиғу табар.

Анингдек сурон солдилар ул гуруҳ,
Ки тебранди ул ваҳмдин дашту кўҳ.

Ва қалъадин тақи отлиқ ва йайоқ кўп киши чиқиб, уруш бўлди. Назм:

Урушуб эл икки сипоҳи далер,
Қилиб ҳамла бир-бирига чун нарра шер.

Алар гардидин бўлди олам сиёҳ,
Уруш ваҳмидин титради меҳру моҳ.
Мунаққаш этиб қон била ер юзин,
Қилиб ҳар ки жон олмоқ учун камин.

Ушул кунда шаҳзода Умаршайхким, ёши ўн олтида эрди, майдон ичра кириб, шинжоат ва паҳлавонлиқ кўрсатдилар. Аммо қазодин бир ўқ келиб аёғига тегдиким, ул юзидин бу юзига ўтти. Бир жарроҳ келиб шишни қизартиб, ушул ўқ теккан ерни доғлади. Ва ул шамс монанд андоғ доғлади-ким, аёғидин бир юзидин яна бир юзига ўтти. Ул шаҳзодаи олиймиқдор, бовужуд улким, кичик ёшлиқ эрди, таҳаммул этиб, ўзга асло кетурмади ва яна тонгласи икки тарафдин уруш бўлуб, Хусайнбекнинг баҳодурлари шаҳардин чиқиб уруштилар.

Аммо нусратшиёвор черикидин баҳодурлари алар сори чошиб, бир ҳамла билан аларни қочуруб, қўб кишини олиб ўлтурдилар. Хусайнбек қалъа устидин бу ҳолатни кўруб, бисёр малул бўлди. Ҳазрат соҳибқирон Хусайнбекка киши йибариб айттиким: «Ўз жонингга раҳм қил ва шаҳардин чиқиб келиб бизга мутиъ бўлгил. Ҳар нечукким кўнглунг тиласа, андоқ қилурмен». Хусайнбек кўрдиким, иш ўзгача турур ва шаҳарни қабул қилиб ўлтурмоқ била муяссар бўлмас. Улуғ ўғликим, ани хон кўтариб эрди, шаҳардин чиқартиб, ҳазрат соҳибқирон қошига йибарди ва дедиким: «Итоат /камарини белимизга боғларбиз. Илтимос ултурурким, қонимиздин кечкайсен. Давлат мендин қайтиб сенга мусаллам турур. Эмди сендин шафқат ва ҳурмат бизларга тегса йамон бўлмағуси турур.

556

Сенга бўлди мусаллам давлату бахт,
Ишимга тутмагил муңдин нари сахт.

Мулк ва молдин кўнгул кўтардим. Сендин умидим ултурурким, менга йўл бергайсенким, Каъбага борсам ва анда туруб ибодат била қолгон умрумни кечурсам».

Ҳазрат соҳибқирон (анинг) сўзини эшитиб қабул қилди. Ҳукм эттиким, «Ҳеч киши анга музоҳим бўлмасун, ҳар ердаким хотири тиласун, борсун». Ва мундоқ муқаррар қилиб аҳд қилдилар ва муқаррар бўлдиким, тонгла чиқиб кетгай.

Хусайнбекнинг хотирида доим эгрилик бор эрди ва сўзи сўз эмас эрди, ўзгаларни ҳам ўзидек хаёл қилиб, ҳазрат соҳибқироннинг сўзига эътиمود қилмай, кўркунчдин ушул кеча қалъадин чиқиб, ваҳмдин билмадиким, қайси сори бормоқ керак, субҳгача борди. Кўрдиким, тонг яқин бўлди ва кул чиқиб, кўркунчдинким, киши ани кўруб танимағай деб, эски шаҳарга кириб манориким, масжиди жомиъида эрди, анда чиқиб йашунди. Итти-фюқо, бировнинг оти йўқ бўлуб, ҳар неча истади топмади. Ўзи билан дедиким: «Манора устида чиқайим ва ҳар сори кўз солайим. Бўлгайким, отимни кўргаймен». Бу ният билан манора устида чиқди. Хусайнбекни кўруб, таниди. Хусайнбекким, ҳаргиз кишига бир қаро пул бермас эрди, кўркунчдин бир авуч инжу анга берди. Ва қабул қилдиким: «Агар бу балодин қутулсам, сени йахши тарбият қилайим». Ва зори қилиб анга онт бердиким, «Кишига айтмагайсен». Ул киши аҳд қилиб, манорадин тушуб, югуруб ҳазрат соҳибқирон қошига бориб, сурати воқеани айтти ва дедиким: «Менга қўб зори қилди ва онт берди. Аммо менга ул қувват йўқ/ эрдиким, мундоқ ишни йашургаймен». Ҳазрат била беклар бу сўзни эшитиб, чериктин йайоқ ва отлиқ манора сори юридилар. Хусайнбек манора устидин кўрдиким, қалин эл бери келадур, манорадин тушуб, масжид ичида бир тешикка кириб йашунди ва йамон бахтидин ул тешукка киргонда тўнидин бир бурчи ташқари қолди. Ани истагон кишилар истамакка жаҳд этиб тобдилар, ва эликларини боғлаб, ҳазрат соҳибқирон қошига кетурдилар. Давлати сано тили билан айтур, байт:

56а

Кишики, тортар эди сендин ул бўйун, кўргил,
Ки даҳр ани нечук зору хор қилди сенга.

Соҳибқироннинг кўнгли бўлмадиким, анга зарар еткургай. Бекларга айттиким: «Мен анинг қонидин кечибмен». Аммо Кайхусрав Хутгалоний

тазаллум тилини очиб дедиким: «Ул менинг ағомни ўлтуруб турур. Эмди керакким, ани менга тошбурғайсизким, шаръ йусуни билан амал қилайим». Ҳазрат соҳибқирон анга таскин бериб дедиким: «Сен анинг қонидин кечгилким, ағонгнинг қони ани қўймағуси турур». Бу маҳалда Ҳазрат соҳибқиронга Ҳусайнбекнинг бурунги дўстлуқ ва мусоҳибатлиқ қилгонлари кўнглига тушуб андоқ малул бўлдиким, йиғлади. Ўлжайтубек мундин ҳолни кўруб ўзи билан дедиким: «Андоқ бўлмағайким, Ҳусайнбек мундин халос бўлғай ва яна олам ўзга тавр бўлуб, пушаймонлиқ фойда қилмағай». Йашура Қайхусравбек билан Муъаййидбекка ишорат қилди. Алар мажлисдин чиқиб, Ҳазратдин ижозатсиз отланиб бориб, Ҳусайнбек ишини ясадилар. Анинг жонини танидин ва ўз жонларини анинг андишасидин халос қилдилар. Ул қасос шаръ ҳукми билан анга раво эрди. Ҳазрат соҳибқироннинг химояти анга фойда қилмади ва ул қиссани эшитиб деди, шерь:

566

«Менга йўқ эди анга майли жафо,
Хаёлим эди қилсам анга вафо.

Ва лекин қилди кўнгул ўзга тавр,
Фалак сткурур анга даҳр ичра жавр».

Ва Ҳусайнбекни Хожа Ақоша кендида²⁹⁹ кўмдилар. Ва мансур черики Хундувон қалъасида кириб, ани забт қилдилар ва Ҳусайнбекнинг икки ўгли Хон Саъид ва Турур Султонни атоси қошига йибардилар³⁰⁰. Ва яна икки ўгли Жаҳонмалик ва Халил Султон қочиб, Ҳиндустонга бориб, ушул ерда йўқ бўдилар. Ва хониким, Ҳусайнбек ани хон қилиб эрди, ани тақи ўлтурдилар. Ҳусайнбекнинг хотунлари била моллариниким, жамъ этиб эрди, Ҳазрат соҳибқирон қошига келтурдилар. Ҳазрат Ҳусайнбекнинг хотунларидин Сарой Мулк хонимни, Қазон султонхоннинг қизи эрди ва Улус оғоким, Баён Сулдузнинг қизи эрди, ва Исломоғоким, Хизр Йасурийнинг қизи эрди, ва Тағай Туркон хотун — буларни хосс ҳарамига йибарди; ва Севинч Қутлуқ оғоким, Тармаширинхоннинг қизи эрди ва Ҳусайнбекнинг улуг хотуни эрди, Баҳром Жалойирга берди, ва Дилшод оғони Зинда Чашмга берди ва Одил Маликким, Қайқубод Хутталонийнинг қизи эрди, Жақубекка берди. Ва ўзга хотунларини ҳар бирини бир кишига берди. Ҳусайнбекнинг қизини Элчи Бугаким, Тобон Баҳодурнинг иниси эрди, (анга) берди. Ва фармон бўлди шаҳр элигаким, яна эски шаҳарга борсунлар ва иморат ва зироатга машғул бўлсунлар. Ва қалъани туб-туб қилиб, Ҳусайнбек солгон иморатлари буздилар.

Бу фатҳ бўлгондин сўнг барча бекларким, Чигатой улусидин эрдилар, анда жамъ бўдилар, мисли Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ва Қайхусрав Хутталоний ва Ўлжайту Апардий ва Муъаййид Арлот ва Довуд Дуғлат ва Сари Буга Жалойир ва Жақу Барлос ва Зинда Чашм Апардий ва Шоҳ Муҳаммад Бадахшон шаҳи ва Ҳусайн Баҳодур ва ўзга беклар рўзгор содотлари била мисли Саййид Барака ва Термизнинг хонзодалари, мисли хонзода Абулмаолий ва ағоси хонзода Али Акбар барча яқдил иттифоқ қилиб, Ҳазратни шоҳлиққа муносиб /кўриб, барча анга тобиъ бўлуб, ул Ҳазрат била байъат қилиб, дуо ва сано била тилларин очиб дедилар: назм,

57a

Ки эй шоҳи диндори никушиъор,
Сени доимо сақлағай кирдикор.

Сенгадур мусаллам қулоҳу камар,
Сенга бахтдур чоқару қул зафар.

Кунун шод ўлтурғил, эй шаҳриёр,
Ки тобти жаҳон давлатингдин қарор.

Қиш ўтуб жаҳон яна биҳиштдек гул ва лоладин тўлуб, чаманлар хуб рухсоралартек юзлари зебо бўлди. Мундоқ мавсимда беклар барча йиғилиб, нечукким дастурлари бор эрди, келиб юкунуб, шоҳлиқ учун муборакбод дедилар.

Ва ул маҳалда Ҳазрат соҳибқироннинг ёши ўтгуз тўртда эрди ва бу иттифоқ чаҳоршанба кунда, рамазон ойининг ўн иккисида, торих етти юз етмиш бирда, ит йилда (9.04.1370) бўлди. Шерь:

Етти юз етмиш бир эрдик, даҳр
 Жаҳон ичра тобти Темурбек баҳр.
 Жаҳонким бор эрди жафодин хароб,
 Йаруқ этти оламни ул офтоб.
 Ойиким курунур эди Кешдин,
 Бўлуб кун тутти бари ер юзин.
 Темур Тарағай шаҳи шермард
 Киби қилди даҳр ичра разму набард.
 Фалак ичра бисёр кўрди азоб,
 Ки бўлди жаҳон ичра чун офтоб.

Давлат билан салтанат тахтида ўлтурғонда адлу дод қилиб, халойиқ барча хурраму шод бўлуб, даҳр ичра ғам оти йўқ бўлди ва айшу ишратдин ўзга эл ичида иш йўқ эрди.

Ҳазрат соҳибқирон салтанат тахтида ўлтирғонда буюрдиким, хазойинларни очиб, ганж ва молдин ҳар нимаким бор эрди, чиқориб, ҳазрат қошида келтурдилар. Ул кун улуг тўй этиб, барча беклар жамъ бўлуб ўлтурдилар. Ул ганж ва молни бекларга улаштуруб, ҳар кимга анинг жойига яраша берди. Андин сўнг бекларига навозишлар қилиб, ҳар кимга ҳар ердин келиб эрди, ўз вилоятларига ижозат бериб йибарди. Беклар хуррам ва хушҳол ўз вилоятларига чошиб бордилар³⁰¹.

Ҳазрат соҳибқирон Балхдин Самарқандқа келгонин баёни

576 /Ҳазрат соҳибқирон Чўғом Барлос ўғли Муродни Балхқа қўйди ва ўзи давлат, саодат била Кеш сори юриди. Жайхун суйига кўприк боғлаб ўтуб³⁰², Кеш жилгасида Хушмиш мургзориде тушти. Ул вилоятдаги элинг улуг-кичиги барчасин севунуб, кўзлари муборак жамолидин йаруқ бўлди. Ва икки ой анда ўлтурди. Ва анда ўлтурганда беклариким, юқориде мазкур бўлуб эрди, барчасин сийлаб ҳар қайсиға бир вилоят ва мансаб берди: Довудбекка Самарқандни берди ва девон мансабини ҳам берди. Жакубек ва Сайфуддинбек ва Аббосбек ва Искандар ва Олий Шайх ва Алқа Қавчин ва Ардашер Қавчин ва Қиморий Иноқ, Тамука Қавчин иниси, буларни черикнинг беклари қилди. Ва Сари Бугабек ва Ҳусайн Барлос ва Оқ Бугабек ва Ҳожи Маҳмудшоҳ ва Элчи Буга Баҳодур ва Давлатшоҳ Бахшиға — буларнинг девон беклари қилди. Ва Хитойи Баҳодур ва Шайх Али Баҳодур ва Оқ Темур Баҳодур ва Тобон Баҳодур ва Дакна Қавчин ва Бахтишоҳ ва Қаро Ҳинду ва Тагнак ва Апачи Калта (ва Қирон Буга Арислон), бас, буларни хировул қилиб, ҳар бириға бир саф берди. Ва Хитойи (Баҳодур) билан Шайх Али Баҳодурни барча баҳодурларинг улуғи қилди. Ва бу тариқ билан ҳар кишиға бир мансаби муқаррар қилдурди. Андин сўнг саодат ва хайрулуқ билан Самарқанд сори мутаважжих бўлуб, ул шаҳрим, биҳиштбариннинг рашки эрди, пойтахт қилиб ўлтурди. Ва ҳисору қалға бино қилдурди ва кўшқлару қасрлар солдурди. Ва ҳар бир бекни бир саркор устида муҳассил қўйди. Мундин бурун ул шаҳарға кўб жафо тегиб эрди ва хароб бўлуб эрди. Ҳазрат соҳибқироннинг давлатиди андоқ бўлдиким, ер юзидаги шаҳарларнинг рашки бўлди ва оламда анинг овозаси тўлди.

58a Мусабекким, Балхға боргонда ҳазрат соҳибқирондин қочиб эрди, чун ҳазратнинг фатҳ хабарини эшитти, қочиб Туркистонға кетиб эрди, /ҳазрат анга Жанги Қавчинни йибарди. Анга етконда Мусабек анинг била урушти. Жанги Қавчин ани босиб, ул қочиб Танги Балоға борди ва ул тоғлар ичида сарғашта ва ҳайрон юрур эрди. Яна ҳазрат соҳибқирон Қаралғочбек — Ҳусайнбекнинг инисини йибарди. Ул отланиб, Мусабекка яқин келди. Мусабек буларнинг қаросин кўруб, қочти. Амир Қаралғоч анинг кейнида тушти. Ҳар неча суруб жаҳд қилди, анга етишолмади. Мусабек икки хотуни билан Жайхундин ўтуб, Шибирғонға, Зинда Чашм қошиға борди ва анда огози фитна ва фасод қилди, ва анинг асаридин Зинда Чашм тирик қолмай, чашми ўзгаларға бўлди³⁰³.

Ҳазрат соҳибқирон давлат ва саодат ва иқбол била қурултой қилғони

Ушбу йилнинг кузида³⁰⁴ ҳазрат соҳибқирон фармонладиким, анга тааллуқ вилоятлардин ва туманлардин ва ҳазоралардин, ҳар кимки бор — даруға ва арбоб ва мингбеги ва юзбеги, барча даргоҳи олийда йиғилсунлар³⁰⁵. Ҳар ердаким бу хабар борди, ул ердаги даруға билан эл улуғлари йиғилиб келдилар ва анинг олий даргоҳида жамъ бўлдилар. Шер:

На ердаки бор эрди бир шаҳриёр,
Равон бўлди жон бирла ул номдор.
Бари жон била келдилар, ул замон,
Ба даргоҳи султони соҳибқирон.

Муҳаммад Хожа Апардий ўгликим, оти Зинда Чашм эрди, ул келмади, Андин ўзга барча келдилар. Ул бедавлатдин саодат қочиб ва накбат юзланиб эрди, келмади. Ҳазрат анга киши йибардиким, «Мундоқ қилмагил. Исёндин қўрқуб, йамон феълдин тавба қилгил ва бизнинг сори келгил». Элчи анга бориб дедиким: «Албатта сенга бормоқ керак. Агар бормасанг, ҳазратнинг кўнгли сендин қолур, ва сени йаағи булди деб сенга черик йибаргуси турур». Ул дедиким, «Мен ҳазратнинг камина бандасимен, менга не ҳаддиким йаағи бўлмайман».

586 /Ва элчини сийлаб йибарди ва дедиким: «Сен боргил, мен келурмен». Аммо ул сўзи билан амал қилмади. Ва андин биров келиб дедиким: «Зинда Чашм, таҳқиқ, сизнинг била йаағи турур».

Ушул маҳалда Бек Пиримшоҳ Арлот ва ўғли Тилончиким, Ҳусайнбек билан йаағи эрдилар, ҳазрат соҳибқироннинг фатҳ хабарин эшитиб, шодмон бўлуб, Хуросон соридин итоат учун ҳазратқа боруб эрдилар. Зинда Чашм алардин хабар билиб макр қилиб, соврин ва пешкаклар ва жоғир ва ҳар не ишратқа керактур, ўзи билан шаҳардин олиб чиқти. Ва аларға ўтрув бориб, Далба Йайлоқ мавзеида аларға учраб, анда тушуруб тўй берди. Алар маст бўлгонда ато ўғулни тутуб беркитиб инисиға тобшурди ва эл ичида дедиким: «Буларни соҳибқирон қошиға элтгил» ва яшура инисиғаким, оти Пир Муҳаммад эрди, дедиким: «Буларни ўлтургил». Пир Муҳаммад йарим кунчилик йул борди ва кечада аларнинг ишини қилиб қайтти, ағоси қошиға келди. Ҳазрат соҳибқирон бу ҳолдин хабар билиб, Ўлжайтубекка буюрдиким: «Боргил, қардошингни насиҳат қилиб келтургилким, ниҳоли ҳаёти сар-сар қаҳримиздин пинжидин чиқмағай». Ва бу иш билгучи бир жаҳондида узр тили била дедиким: «Мундин қўрқарамким, менинг насиҳатимни эшитмағай, ва мен ўртада уятлиқ бўлмаймен. Агар ҳазрат қабул қилса, ўғлум Хожа Юсуфни йибарайим». Ҳазрат анинг узрин эшитиб, Тобон Баҳодур билан Хожа Юсуфни йибардиким, Зинда Чашмни насиҳат қилиб келтургайлар. Ул худрай беоқибат аларни тутуб банд қилди.

Ҳазрат соҳибқирон Шибурғонға черик тортиб борғони

59a Ҳазрати соҳибйамин амир Темур Гурагон Зинда Чашмнинг йамои ҳаракатидин хабар топиб, қаҳр ўти ичида тушуб, бўлгон черики билан анга мутаважжиҳ бўлди. Аму суйидин ўтуб Шибурғонға етти. Зинда Чашм андин қочиб Анжо қалъасигаки, «Шоҳнома»да /Сафиддиз айтиб турур, анда бориб кирди. Нусратшиёр черики қалъаға етиб, кавс ва наққора чалдилар. Ва Зинда Чашм ул черикни кўруб кўнглида ваҳм тушуб, чора мундин ўзга кўрмадиким, йамон феълдин қайтиб гуноҳидин тавба қилгай. Ўлжайтубекка киши йибариб дедиким: «Менинг гуноҳимни ҳазрат соҳибқирондин тилагил». Ўлжайтубек ҳазрат қошиға келиб анинг арзадоштини ҳазратқа арз қилди ва йиглаб дедиким: «Анинг гуноҳини ўз караминг била бу қари қулунга башғишлағил ва ул додонлигини ва йамои феълдин тавба қилди». Ҳазрат соҳибқирон Ўлжайтубекнинг хотири учун гуноҳидин кечиб бағишладди. Ва Зинда Чашм Мусабекниким, бу фасодқа ул сабаб эрди, қалъадин чиқариб иниси билан ҳазрат қошиға йибарди. Ва ҳазрат соҳибқирон черикни ижозат бериб, ўзи қайтиб Кеш вилоятиға тушти ва Мусабекнинг

гуноҳидин кечиб, лутфу қарам била сийлаб туйлар қилиб, отлар ва қатор теваалар ва хачирлар ва ола боргоҳлар бериб, ул элким анга бурун тааллуқ эрди, яна анга берди. Байт:

Токи бордур олам ва оламда бордур подшоҳ,
Шоҳлардин афв хушдур, банда гар қилса гуноҳ.

Ҳазрат соҳибқирон Балх ва Термиз сори черик йибарғони

Қазодин Зинда Чашмнинг давлат саҳифасида накбат рақами тортиб эрдилар, бовужуд улким, ҳазрат соҳибқирон андоқ лутф ва марҳамат анинг ҳаққида қилди. Яна анинг кунглида васваса солиб ва гурур деви ани мувофиқат йулидин чиқориб мутобиъат тариқидин бадбахтлик аёғини ташқари қўйуб, йамон ҳаваслар кунглига тушти. Ва ажиб бу турурким, хонзода Абулмаоли анинг била мувофиқ булди ва фалак юз тил билан айтур эрди. Байт:

Йуқ турур бу ишдин охир ғайри нодонлик сенга,
Оқибат бўлғай бу ишлардин пушаймонлик сенга.

596

/Иккаласи иттифоқ қилиб, Балх ва Термизда ултургон улусларни таладилар. Ва бу ишдин ҳазрат соҳибқирон хабар билиб, Хитойи Баҳодур билан Аргуншоҳким, Бурдалиғдин эрди, черик билан алар сори йибардим, аларнинг шарр ва фасодларини дафъ қилгайлар. Нуератпаноҳ черики Термизқа еттилар. Андаги эл сувға кўпрук боғлаб, мухалиф элидин бир неча киши кечада қочиб, кўпрукдин ўтуб, бир бошини бузулуб эдилар. Қолгон мухалифлар нуератшиъор черикнинг қаросин кўруб, қўрқунчдин қочиб, кўпрукнунг бузулғонидин ғофил келиб, кўфрукка кирдилар. Ул бошига стканда кўрдуларким, кема бузулгон эрмиш, ҳайрон қолиб турдилар. Мансур черикининг баҳодурлари аларнинг кейнидин чопиб аларни уқга туттилар. Қитъа:

Кейнида уқ ва олдида булди сув,
Бари турдилар анда ҳайрону зор.
Агар қайтсалар, уқ турур бедариг,
Ва гар қочсалар, йуқтур андин канор.

Куб киши анда уқ билан талаф булди ва баъзилар ўзларини сувға солиб, ўзга канорға чиқмадилар. Келган мухалифдин ўн кишидин бир киши юз меҳнат ва машаққат билан жон элти. Ва Зинда Чашм қочиб Шибурғонга кириб, ул қалъани беркитиб ултурди.

Ҳазрат соҳибқирон Жакубекни Шибурғонга йибарғони

60а

Ҳазрат соҳибқирон эшиттиким, Зинда Чашм Шибурғон қалъасини беркитиб, ултуруб турур, Жакубекни йибарди. Жакубек черики билан сувдин ўтуб, Шибурғонга келиб, қалъани ўртада олиб тушти, ва ул қиш анда қишлади. Ва Зинда Чашм ўлук кишитек тешукда қолиб, бош чиқара олмас эрди, ул дўстлуққа умид қилиб, қалъадин чиқиб, анинг қошига келиб тавба ва тазарруъ билан дедиким: «Сендин умидим ул турурким, менинг / гуноҳимни ҳазрат соҳибқирондин тилагайсен». Жакубек ҳазрат соҳибқироннинг марҳамат ва лутфидин умидвор қилдуруб, ўзи билан олиб юриди. Беклар бу хабардин вуқуф топиб, ҳазрат аълоға арз қилдилар. Зинда Чашм яқин етконда барча беклар анга ўтрув бериб, иззат ва ҳурмат қилдилар. Жакубек беклар била иттифоқ қилиб, Зинда Чашмни ҳазрат аъло қошига келтурдилар ва ҳазратдин гуноҳин тиладилар. Ва ҳазрат гуноҳидин кечиб, кўп насиҳатлар қилди ва дедиким: «Мундоқ ҳавасларни бошингдин чиқарғил. Давлат, салтанат ҳар кишига лойиқ эрмас. Давлат бир тўни турурким, *Йахтассу би-раҳматиҳи ман йашаъ*³⁰⁰ турур. Ҳар кимгаки лойиқ кўргайлар, ул тўни анга кийдургайлар. Ҳар кишига саъйи кушеш билан элиги бутуннунг этаги етмас». Шейр:

Гар азалдин булмағандур давлат анга ҳамнишин,
Чун кушеш бирла кирмастур эликига, бил, яқин.

Насихат қилгондин сўнг риъоят зийиат айлаб олтун камар ва табучоқ от, эгар ва югани била ва қатор тевалар ва хачирлар ва сонсиз қуй анга инъом қилди. Ул тақи хизматкорлиқ камарин белига боғлаб, бандалиққа машғул бўлди.

Ҳазрат соҳибқирон (Жета) сори борғони

Тўнғуз йилда, тарих етти юз етмиш иккида (1371) ҳазрат соҳибқирон Жета сори черик тортиб борди. Шеър:

Бир сипоҳики, тўлди жумла жаҳон,
Ки юз сипоҳ этди сөз Яздон.
Чун саодат юзи қўйди ба роҳ,
Анга йўлдош бўлди фаъли Илоҳ.

606

Сайхундин утуб тушти, Кумаз ва Ўрнак Темур эл бўлуб, бандалиқ ҳалқасини жон қулогига солдилар ва итоат камарини белларига боғладилар. Ул эл улус ҳазрат тасарруфида бўлди. Ҳазрат Қўппак Темурни аларнинг забтига қўйди ва андин кўчуб, узга ерга бориб тушти. Хабар келдиким, Қўппак Темур итоат йўлидин чиқиб, узга хайл бошида /тушкан турур. Соҳибқирон бу хабарни эшитиб, Баҳром Жалойир билан Аббосбек ва Хитойи Баҳодур ва Шайх Али Баҳодурни Қўппак Темур бошига йибардиким, ул кофирнеъматнинг ишини бир сори қилеунлар. Алар ҳукм билан амал этиб, Қўппак Темур бошига юридилар. Йаағига етиб муқобиласинда йасол тортиб турдилар. Баҳром Жалойир эли юзбеги биланким, оти Тезгичи эрди, ва Баҳром билан ҳусумати бор эрди, иттифоқ қилдиларким, Баҳромни тутқайлар. Баҳром бу ҳолдин хабар билиб, бекларга айтти ва ўз ишига эҳтиёт қилди. Аларнинг хайли фосид бўлуб, ҳеч иш қила олмадилар ва икки черик бир-бирининг муқобиласида тургонда Хитойи Баҳодур Шайх Али Баҳодур била уруш маслаҳати учун сузладилар. Шайх Али Баҳодур ани эшитмади. Хитойи Баҳодур дедиким: «Магар Шайх Али Баҳодур хайл қилдиким, мен душмандин қўрқубмси». Ҳазаб ўти бошига чиқиб, Ойша хотун³⁰⁷ суйидин кечиб, йалғуз ўзини душманларга урушти ва неча кишини алардин тушурди. Алар қўб эрди, Шайх Али Баҳодур анинг кейинидин бориб, ул тақи душманларга ўзини уруб урушти ва Хитойи Баҳодурни қўб тақаллуф қилиб қайтарди ва иккаласи саломат чиқиб, чериклариға қўшулдилар.

Мундоқ ишларким ажойиб турур, барча соҳибқироннинг давлатидин турур. Андин сўнг беклар сулҳ қилиб, йаршиб ёндилар. Ва борурда жалойир элиниким, Баҳром била йамон андиша қилиб эдилар, барчани йасоққа еткурдилар ва соҳибқирон қошига бордилар. Ҳазрат бекларга сулҳ қилгон учун ачиқланди.

Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Жета сори черик тортиб борғони

61a

Ҳазрат соҳибқироннинг ҳиммати ҳар ишгаким юз қўйса эрди, ул ишни тамом қилмағунча кўнгли тинмас эрди. Бекларким, адув била ярашиб қайтиб келиб эдилар /ҳазратқа ул иш ёқмай, ложурма, муборак нафаси билан яна душман сори озим бўлди. Ҳукм қилдиким, черик жамъ бўлеун. Ҳар ердаким, черик бор эрди, ул соҳибқирони комкор эшигида йиғилдилар. Назм:

Чу шох эшикида йиғилди сипоҳ,
Бари паҳлавон ва бари кийнахоҳ.
Биёбондаги қумдин афзун эди,
Тамур ичра гўёки Жайхун эди.

Ул ҳазрат нусратшиёр черики била Сайрам ва Янгидин³⁰⁸ ўтти. Мухолифлар эшитиб, бир-бир бўлди ва ҳар бири бир сори кетдилар. Ва ҳазрат саккиз йағочғача борди ва черикка мол ва асир қўб тушти. Давлат ва саодат

била қайттилар³⁰⁹ ва Одун қузи мавзёида Мусабек ва Зида Чашм бовужуд мунча алтоф ва карамким, ҳазрат соҳибқирон аларга қилди, яна ул бадбахтларнинг қушилларида муҳолифат тушуб, Мусабек Хизр Йасурий угли Исхақ била бу иш учун кенгаштилар. Онтлар ичиб аҳд қилдиларки, Қаро Самои мавзёида³¹⁰ етконда ҳазрат соҳибқирон овға чиққанда анга иш қилгайлар. Биров ул ҳолдин соҳибвуқуф бўлуб, келиб ҳазратқа арз қилди. Ҳазрат бу ҳолдин хабардор бўлуб, ҳукм қилдиким, булар ҳозир бўлеунлар. Ва барча ҳозир бўлуб алардин бу сўзни сурди ва сургондин сунг маълум бўлдиким, бу сўз чин эрмиш³¹¹.

Маҳди улё Сарой Мулк хоним, Мусабекнинг эгачисининг қизи эрди ва маҳзараи тишиқисмат Ака Бегини³¹² анинг ўғлига помзод қилиб эдилар. Ҳазрат соҳибқирон Мусабекка дедиким: «Ҳар неча улуг ўзук чиндин зоҳир бўлуб турур. Аммо аромизда қариндошлиқ бўлгон учун бу ўзукни афв қилдим, ва тақи сақолини оқи ҳурматидин кечтим». Ва хонзодага дедиким: «Мен аҳли байтга муҳибби давлатхоҳ турурмен. Бас, бу жиҳатдинким сен сиййидсен, гуноҳингдин кечтим. Аммо бу вилоятга турмағайсен». Ва Шайх Абуллайсини Каъба сори йибарди ва Хизр Йасурий Сайфуддинбекнинг/қайини иниси бўлур эрди, Сайфуддинбек гуноҳини тилади. Ҳукм бўлдиким, Зида Чашмини банд қилиб, Самарқандда элтсеунлар. Ани ул ерға элттиларким, андин ўзга чиқмоқ мушқил турур.

Ҳазрат соҳибқирон Самарқандда бориб саодат ва иқбол била тушти. Ва Шибургон вилоятиким, Зида Чашмда эрди, Оқ Буганинг ўғли Баён Темурга берди.

Ҳазрат соҳибқирон Хоразм валийсига элчи йибаргони

Ҳазрат соҳибқирон Мовароуннаҳр вилоятини муҳолифларнинг эликларидин чиқарди ва Чигатой дастури билан забт қилди. Аммо беш-олти йил эрдиким, (Кот ва) Хевақ вилоятининг закотини Хусайн Сўфийким, Тўнгдай ўғли эрди ва умоги қўнғирот эрди ва Хоразм вилоятда ҳоким эрди, закотдин ҳосил бўлгон йармоқни олур эрди. Ҳазратнинг олий ҳиммати ул ҳолдин воқиф бўлуб, Алфа Тавочини бир жамоат киши билан элчиликка Хусайн Сўфийга йибарди ва дедиким: «Хевақ (ва Кот) закоти Чигатой улусига тааллуқ турур ва эйаси йўқ жиҳатидин сен олур эрдинг. Дахл қилмағайсен ва бизга тааллуқ киннига тобшургайсенким, дўстлуқ аромизда бўлгай»³¹³.

Алфа Тавочи Хоразмга бориб, ҳазрат соҳибқирон айтқон сўзларни анга айтти ва анга кўб муболага қилдиким: «Албатта бу ишда дахл қилмағайсен». Аммо Хусайн Сўфий неча маҳал эрмишким, ўз муроди била ҳукумат суруб, ҳар на хогири тилагандур, андоқ қилиб турур ва ҳеч киши анга монир бўлмай турур. Бу жиҳаттин йахши жавоб бермади ва дедиким: «Мен бу вилоятни қилич била олибмен, яна қилич била мендин олгайлар»³¹⁴. Боргон Тавочи қайтиб анинг айтқон сўзини арзга еткурди. Ҳазратга ғайрат бўлуб, Хоразмга мутаважжих бўлди.

Аммо мавлоно Жалолидин Кешийким, асру солиҳ ва обид киши эрди ва доим ҳазрат соҳибқироннинг мулозиматида /эрди, ул дедиким: «Сиз агар борсангиз, мусулмонлар ташвинда бўлурлар. Мен бориб анга насиҳат қилайим ва андоқ қилайимким, сизга мутеъ бўлгай». Ҳазрат ул дегон сўзни қабул қилиб, ижозат берди ва мавлоно Жалолидин мусулмонларнинг нескхоҳлуғи учун Хоразмга борди. Ва Хусайн Сўфийни кўруб, насиҳатлар ва пандлар анга деди ва ойоти Қуръондин ва ҳадисдин анга йахши сўзлар деди. Аммо ул бу давлатқа лойиқ бўлмагон жиҳатидин қабул қилмади ва буюрдиким, ул азизни беркитиб қалъада солди. Ҳазрат соҳибқирон бу хабарни эшитгач черик йигилмоққа фармонлади. Мисраъ:

Буюрдиким, то жамъ бўлгай синоҳ.

Ҳазрат соҳибқирон Хоразмга боргони

Баҳордаким, торих етги юз етмиш уч эрди, сичқон йилда (1372, баҳор) ҳазратнинг черики йигилиб, черикка улдуфа³¹⁵ улаштирди. Назм:

Очилди дурру ганж ва қилди нидо,
Черик ичра ҳар кимки, бор бенаво.
Равон манга келсунким, зар берайим,
На зарким, барига гуҳар берайим.
Келиб олур эрди черик симу зар,
Бири зар олиб, бири лаълу гуҳар.

Ва Самарқанддин отланиб, Қарни ʻзида³¹⁶ ов солиб, Қуббаи Метин мавзеъида тушти. Анда Малик Гийсуддинким, Муъизуддиннинг уғли эрди ва атоси ўлгондин сўнг Ҳирот мамлақатида подшоҳ бўлуб эрди ва Ғуру Қўҳистон анга тааллуқ эрди, Ҳожи Вазир отлиқ навкарини қуб булақлар³¹⁷ билан ва отлар ва қатор хачирлару тевалар ва қумошдин беҳадд ҳазратқа йибарди. Ва ул йибаргон пешкашларнинг ичида бир буз от бор эрди, оти Ханг Ағлақ, олтун эгари билан. Шейр:

Қавий филдек ҳайбати чун ҳизабр,
Юрунда чу ел ва бийик ҳамчу абр.
Хайлдин эди тезроқ юриши,
Анинг киби от кўрмайдур киши.

626 Бу пешкашлар билан Ҳожи Вазир келиб соҳибқирон дийдорига мушарраф бўлди, ва келтурган булақларни торгити. Ва Малик тилидин давлат-хоҳлуқ ва ҳавохоҳлуқ сўзларини арз қилди. Ул соҳибқирон давлатманд/келгон Вазирга қуб нима инъом, Маликка хатлар битиб, пешкашлар билан бир муътамид кишисини³¹⁸ келгон киши била қўшулуб, Ҳиротқа Малик қошига йибарди. Андин сўн ҳазрат соҳибқирон Жаку Барлосни Қундуз ва Бағлон ва Кобулга ул тарафдаги вилоятларга ҳоким бўлгай (деб йибарди). Ва қуб киши черикидин анга қўшулуб йибарди. Ва «буралди» элиниким, аларнинг юрти анда эрди, ани тақи берди³¹⁹. Ва Сайфуддин-бекни Самарқандда қўйди ва ўзи давлат билан Хоразм сори мутаважжих бўлди. Шейр:

Юрур эрди ул йўлда елдек равон,
Шаҳаншоҳи дин, шоҳи соҳибқирон.
Зафар чоқару бахт анга ҳамнишини,
Ғажирчи анга эрди фатҳи мубин.

Бухородин ўтуб, Жайҳуннинг йақосида Сеноя мавзеъида³²⁰ етти, душманнинг қаровули илгари келиб эрди, мансур черикининг қаровули аларга учраб, урушуб, душманнинг қаровулига зафар тобтилар ва аларни тутуб келтурдилар. «Шу кунга йахши» деб, барчани ўлтурдилар ва андин ўтуб, Кот³²¹ қалъасига етконда Пирим йасовул ва Шайх Муҳаммад Муъаййидким, Ҳусайн Сўфийнинг беклари эрдилар ва бири даруга ва бири қози эрди, иттифоқ билан ҳисор дарвозасини беркиттилар ва забт ва муҳофизатқа машғул бўлдилар.

Ҳазрат мансур черики билан Котга келиб, қалъани ўртада олиб туштилар. Назм:

Чу икки тарафдин уруш бўлди тапғ,
Йараш эшигин боғладилар чу санғ.
Равон эттилар ўқ ва тош қалъадин,
Ўқ ва тош била тўлди рўйи замин.
Ва лекин бироқ қилмади ҳеч кор,
Буён эрди чун лутфи Парвардигор.

63a Ҳазрат гайратидин дедиким: «Раво бўлғайким, Ҳусайн Сўфийнинг қўлининг кундузи кечага етқай ва ул эликига тушмағай». Буюрдиким, барча хас ва хашак келтуруб, хандақни тўлдурсунлар, ва муборак нафаси билан хандаққа яқин бориб, /тўлдургондин сўнг ишорат қилдиким, Куча Малик хандаққа кириб борсун. Куча Малик кирмай, ваҳмдин илгари бора олмади, Хумори ясовулга ишорат қилди. Ул югуруб хандаққа кирди. Байт:

Диловар киши қилур ул корзор,
Кўнгулсиз киши қилмас ул ҳеч кор.

Ва Мубашшир ва Той Хожа тақи сунгида кириб бордилар. Черик эли бу сурашни куруб, барча хандаққа кириб, қалъа томига³²² ёпуштилар. Барчадин бурун Шайх Али Баҳодур томга ёпуштиким, чиққай. Мубашшир аёғини туттиким, ул тақи чиққай: биров юқоридин найза билан эликига урди. Жаҳон Наҳлавон анинг найзасин тутиб синдурди ва анинг бошига қилич урди. Черик ҳар соридин ёпушуб, ҳар соридин йўл қилдилар ва шаҳарга кириб, улугларин тутуб ўлтурдилар ва кўб кишини (йарадор) қилдилар.

Тонгласи ҳазрат соҳибқирон асирларни куймакка фармонлади, ва андин кучуб, Хоразм сори мутаважжих бўлди. Ва Куча Маликниким, — хандақ ичинда кирмайдур эди, йасоқ таёқи уруб, эшак қуйруғига боғлаб, Самарқандга йибарди. Ва Ғиёсиддин Тархонким, Қишлиқ наслидин эрди ва Чингизхон атоларини тархон қилиб эрди ва Улжайту угли Хожа Юсуф Улжайту иккаласини баҳодурлар билан илгари йибардилар ва алар Керай ариғига аёғи соридин, Дақалак отлиқ, бир бўлак киши билан ўтуруб эрдилар. Ҳумла этиб, от солдилар. Аммо ҳазрат соҳибқироннинг баҳодурлари аларга голиб бўлуб, қочурдилар ва андин юруб, Хоразмнинг теграсидаги вилоятларни таладилар.

636 Ҳусайн Сўфийнинг ул миқдор қуввати ва журъати йўқ эрдиким, туруб урушқай. Ҳисор ичида кириб, шаҳарни беркитти ва киши чиқариб зори ва тазарруъ билан амон тилади. Аммо ҳазрат соҳибқирон /анинг гуноҳидин лутф карам била кечарига ҳаёл эттилар, вале Кайхусрав Хутталонийким, ҳазрат соҳибқирон адовати кўнглида бор эрди ва заруратдин ул ҳазратқа мулозимат қилур эрди, йашура бир кишини Ҳусайн Сўфийга йибардиким, «Зинҳор Темурбекнинг сўзига эътамид қилмағайсен ва черикингни тайёр этиб, шаҳардин чиқиб тургил. Мен ўз элим била келиб сенга қўшулурмен»³²³. Ҳусайн Сўфий анинг сўзига кириб, шаҳардин сипоҳий ва рабият билан чиқиб, наққора ва нафир чалдуруб, сурон солдуруб. Ва Қовун аригиким, шаҳардин икки йағоч йироқ эрди, анда келиб, йасол тузуб турди. Ва ул маҳалда черикнинг кўбраки ҳар сори чоққунга бориб эрди, ҳазрат соҳибқирон қолгон кишилари била Ҳусайн Сўфий сори юриди. Байт:

Чу бир-бирига икки черик торти саф,
Дудоғлариға келтуруб барча каф.

Чу қилдилар ораста майсара,
Бари сув сори торти бору бара.

Апачи Қалта била Нашойи ва Шунқор Жирғату сув ичида от билан кириб, кемадек ул отлар сув ичида юруб, ул сори чиқтилар.

Ва йаағи черикка ҳамла этиб уруштилар. Ва Шайх Али Баҳодур беш киши билан сувдин ўтуб, Хожа Шайхзодага ҳамла қилдилар ва ани қочурдилар. Муъаййидбек ва Хитойи Баҳодур ва Оқ Темур Баҳодур сувдин ўттилар ва Элчи Баҳодур ўтарда умри тугангани учун сувга кетти.

Ҳазрат тақи майл эттиким, сувдин ўткай, Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз қўймади ва деди: Байт:

Ки мундин нари йўқ раво сенга разм,
Сенга тахт эрур лойиқ ва мулк ва базм.

64a Ва ўзи отини сувга солиб, ул сори саломат утти. Термиз хонзодаларидин Абулмаоли анинг кейинидин кечти. Сувдин кечкон диловарлар душманга юруб урушуб, бостилар ва дарвозағача сурдилар. Ва алар ҳисор ичида кириб дарвозаларни беркиттилар. Ва /нусратқарин черики фатҳ ва ферузулқ билан шаҳарнинг йақиниға туштилар.

Ва чоққунга боргон черик моли олам билан келдилар ва шаҳарни қамал этиб ўлтурдилар. Ҳусайн Сўфий қалъа ичида ўз ишидин пушаймон ўлуб андоқ ғам едиким, вафот бўлди. Назм:

Ўшул ғамда андоқ забун бўлди ул,
Ки ул ғусса ва дарддин ўлди ул.

Хусайн Сүфий ўлуб, Юсуф Сүфий анинг ерига
ўлтурғони ва ул ҳазрат билан йараш қилғони ва ҳазрат
Хонзодани шаҳзода Жаҳонгир учун тилагонининг сўзи

Хусайн Сүфий ўлгонидин (сўнг) иниси Юсуф Сүфий анинг ерига ўлтурди ва арода киши солиб йараш сўзин айтурди. Юсуф Сүфийдин соҳибқиронга ҳеч навъ йамонлиқ келмайду эрди. Ҳазрат анинг бирла йарашти. Ва анинг иниси Оқ Сүфий хон қизи Шакарбекани олиб эрди ва ул хотундин бир қиз бор эрди, оти Севинбека, аммо «Хонзода» билан машҳур бўлуб эрди. Назм:

Малоҳатда бир бустони эди,
Жаҳон ичра бир дилситони эди.
Паридек юзи, хуйи-феъли малак,
Лаби шакар ва ўзи кони намак.

Ҳазратнинг муборак кўнглида туштиким, ул пари пайкарии шаҳзода Жаҳонгир учун олгай³²¹. Келгон кишилар била йахши сўзлашиб, бу сўзни аларга деди ва бу кишилар хушҳол бўлуб ёниб, Юсуф Сүфийга дедилар. Ул тақи миннат тутуб қабул этти ва дедиким: «Бу моҳпайкарнинг йароғи³²² тайёр йўқтурур. Алар давлат билан қайтсунлар, мен йарогини қилиб, саранжомким маслаҳат кўрсалар йибарайим». Ва қазийа мунунг била қарор тапиб, соҳибқирон қайтти ва Хос³²³ жилгасида тушконда буюрдиким, Кайхуерав Хутталонийни келтуруб, беклар анинг йаргусини сўрсунлар. Кайхуерав ҳозир бўлгонидин сўнг беклар сўруб билдиларким, Хусайн / Сүфийга киши йибариб, муҳолифат ҳавасин қилгон эмиш. Бу сўз таҳқиқ бўлгондин сўнг ани беркитиб, Самарқанд сори йибардилар ва Хусайнбекнинг навкарларига тобшурдилар. Ул Хусайнбекни ўлтурғони учун Хусайнбекнинг навкарлари Кайхуеравни ўлтурдилар. Ва Хутталонни ҳазрат соҳибқирон Шер Баҳром ўгли Муҳаммад Миракким, Кайхуеравга ҳам уруғ булур эрди, берди. Ва соҳибқирон ул қишни давлат ва саодат билан уткарди.

646

Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Хоразмга борғони

Ул маҳалдаким, Кайхуерав Хутталонийни туттилар, Муҳаммадбек анинг ўгли эрди ва Хизр Йасурийнинг ўгли Исҳақ ва Маҳмудшоҳ Бухорий учаласи қочиб, Хоразмга бордилар. Юсуф Сүфийга анда боргонда дедиларким: «Темурбекнинг сўзига эътиمود қилмағайсен» ва анча сўзладиларким, анинг кўнглини ҳазрат соҳибқирон дўстлуғидин чиқардилар. Ва аларнинг сўзига кириб, муҳолифат қилабошлади ва аҳду шартни бузуб, келиб Котни хароб қилди ва андаги кишиларни бир-бир қилди. Аммо рўзгор таажжуб тили била қулогига айтур эрди: «Мундоқ қилмаким, бу ишдин пушаймон бўлгунгдур».

Чун қишнинг золим черики ўтуб, муаддалатшиёро султон — баҳор изҳори шавкат қилди, ҳазрат соҳибқирон рамазон ойида торих етти юз етмиш тўртда, ут йилда (1373, январ) Қаршига бориб тушти. Ва ҳар ердаги черик, барча жамъ бўлди. Назм:

Йигилди черик анда ҳаддин берун,
Биббондаги қумлардин фузун.
Бариси баҳодур, бари комрон.
Саодат била барчаси шодмон.

Черик йигилгондин сўнг ҳазрат соҳибқирон саодат юзини Хоразм сори қилиб, қумлоқдин Хоразмга етти. Юсуф Сүфий ўз ишидин пушаймон бўлуб, тазарруъ ва нийоз билан³²⁶ амон тилади ва қабул қилдиким, / Хонзодани йароғи билан нечукким, муносиб бўлса, йибарайим. Ҳазрат ўз карами ва лутфа била гуноҳидин кечиб, қайтти. Ва Самарқандким, анинг дорусеалтанати эрди, давлат ва иқбол била бориб ва тўй йарогини қилиб, асбобиға машғул бўлди.

65а

Ҳазрат соҳибқирон бекларини Хоразмга Хонзода хоним учун йибаргони

Шаввол ойида, торих етти юз етмиш бешда, барс йилида (1374, март) аввал баҳорда соҳибқирони комкор фармонладиким, Ёдгор Барлос бинни Лолаким, Қарочор нуённинг ўғлонларидин эрди ва Довудбек ва Ўлжайтубекни подшоҳона бўлақлар билан Хоразмга йибардиким, маҳди улё Хонзодани келтургайлар. Беклар Хоразмга бориб, Юсуф Сўфий аларни азиз тутуб, тўйлар берди. Ва алар таки ўзлари била келтургон бўлақларни анга торгитлар. Назм:

Ким эрди бари лаъл ва мушқу абир,
Қумошлари зарбофт ва хаззу ҳарир.
Хитойи қумошлар, хачирлар қатор,
Тубучоқ отлар бари раҳвор.
Додаларки, ҳар бири эрди қамар,
Яна қул баччалар мурассаъ камар.

656 Бўлақларни олгондин сўнг Юсуф йахши тўй тортиб, Хонзодани йибарди, йахши йароқ биланким, подшоҳларга муносиб бўлмай. Беклар бировни Самарқандга чобтурдилар ва келгонлардин хабар йибардилар. Бекларниинг келгонидин ҳазрат соҳибқирон хабар топиб, Қўртуқа хотунким, Қайдухоннинг³²⁷ углининг хотуни эрди, бўлгон бекларнинг хотунлари ўтрав йибарди. Алардин сўнг шаҳарнинг содот ва қазот ва уламо ва машойиху арбоблари Котқача ўтрав бордилар. Ва юз тумон таъзим ва тақрим билан Хонзодани Самарқандда кетурдилар. Андин сўнг тўй тартибига машғул бўдилар ва шаҳарни ойин боғлаб, анвоъ такаллуф била ораста қилдилар. Ва эл ичида/ андоқ айшу ҳузур ва шодмонлиқ пайдо бўлдиким, ғам оти жаҳондин йўқ бўлди. Назм:

Бари шаҳр эрди тўла айшу сур,
Раъиятлар ичинда завқу ҳузур.
Йўқ эрди жаҳон ичра андуҳу ғам,
Кўнгулларда бир зарра дарду алам.

Ақд бўлгонда анча олтув ва кумуш ва лаълу жавоҳир сочтиларким, қўб киши остида қолди³²⁸.

Шаҳзода Жаҳонгир Хонзода хоним билан зифоф³²⁹ қилғони

Беклар тўй тартибига машғул бўлуб, анча чодир ва шомийона ва оқ уй тикдиларким, фалакнинг юлдузларидин қўбрак. Ва хосса учун бир оқ уй кўк киби тикдиларким, ичи-да таши лаълу жавҳар билан мурассаъ эрди.

Висоқи шаҳаншоҳ учун тиктилар,
Ким эрди мурассаъ ба лаълу гуҳар.
Ичинда қўйуб тахти гавҳарнигор,
Анинг устида ултуруб шаҳриёр.
Ёнин ётиб ул хурави комёб,
Фалак устидадур магар офтоб,
Йиғилиб эшикда маҳону қаҳон,
Бариға кўнгул хурраму шодмон.
Бари ер юзи тўлди шаҳду шакар,
Жаҳон то жаҳон тўла бўлди самар.

Моҳ юзлук соқийларнинг карашмалари аччиқ жоғирнинг нашъаси билан бир бўлуб, ошиқларнинг ақлу ҳушларини талаб элтур эрдилар. Ва мутрибларнинг нағмалари наво оҳанги билан ошиқларни беҳуш этар эрдилар. Уламоу фузало соатда ул ҳазратнинг мажлисида шаръи мутаҳҳара

йўсуни билан ул ойни шаҳзода билан ақд боғладилар. Ва ҳар соридин «Муборакбод» деб, дуою сано унини кўкка етқуздилар. Бас, анжумани хусравий хилват эвиға кирди ва олам қаро бурунчак бошиға борди. Назм:

Дема кечаким, ул шаби қадр эди,
Бари юлдузу ҳар бири бадр эди.
Саодатнарвар эрди ул дам спехр
Юрур эрди маҳ хизматида ба мехр.

66а Зифоф хилватхонасимим, файзи Илоҳийдин ораста эрди, маҳалли ижтимоъи спехр салтанати ва буржи муқарина саъддин бўлди ва бу тўй етти юз етмиш бешда бўлди³³⁰. *Вил-ҳамду ли-л Лоҳи Раббил-оламинин, вас-салом/ вас-салот ала саййидил-мурсалин ва хотами-н-набийинин.*

Ҳазрат соҳибқирон учунчи қатла Жета сори черик тортиб борғони

Панжшанба куни шаъбон ойи аввалида, торих етти юз етмиш олтида (1375,5-январ) ҳазрат соҳибқирон черик жамъ этиб³³¹, Жета сори мутаважжих бўлди, Қатагон работида³³² тушти. Ҳаво булут бўлуб, қор билан йамғур тўкабошлади ва андоқ совуқ бўлдиким, ҳеч ким элик чиқараолмас эрди. Ва от-улоғлариға самон қаламоқ учун оғиз бўлдилар. Ва бу совуқ жиҳатидин кўб киши талаф бўлди. Ҳазрат соҳибқиронға раҳм келиб, дедиким: «Қайтиб Самарқандда бориб икки ой анда турали, совуқ бир сори бўлгунча». Қайтиб Самарқандда тушгилар ва анча таҳаммул қилдиларким, совуқ бир тараф бўлуб, ҳаво йахши бўлди. Ва яна душанбаи шавволда (20.03.1375) Жета сори мутаважжих бўлдилар.

Шаҳзода Жаҳонгир илгари бўлди ва Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ва Одишоҳ Баҳром Ҳалойир ўгликим, атоси ўлганда жалоийр элини соҳибқирон анга бериб эрди, шаҳзодаға қўшудди.

Сайрамдин ўтқонда Чорун мавзеъида³³³ еттилар, Жетадин бир киши тутуб келтурдилар. Ҳазрат ул кишидин аҳвол сурди. (Ул) дедиким: «Қамариддинким, ўмоги дуглат турур ва Жета эли анга тааллуқ турур, сиздин хабари йўқ турур³³⁴. Аммо черикини йиғиштириб, Ҳожибекка муъаттал ўлтуруб турур». Соҳибқирон бу хабарни эшиткач фармонладиким, «Илгари бўлгон киши таваққуф қилмай юрсунлар». Ва ўзи тақи таъжил билан юриди. Қамариддин (тарафидин) хабар топтиким, нусратшиъор черики етти, (ул ерида) тура олмай Барака Ғурийн³³⁵ дегон ерга бориб кирди. Ва ул ерда уч дара бор эрди, асру чуқур ва уч улўғ сувдин чиқиб борур эрди. Қамариддин черики билан икки сувдин ўтуб, у черики дараға тушти ва йўллари беркитиб, киши қўйдуруб ўлтурди.

66б Шаҳзода Жаҳонгир анинг бошиға юруб, наққора ва нафир унини фалак ичида солдуруб, баҳодурлар/ илгари юридилар ва душманга етиб, бир-бировга ўқ оттилар. Андин сўнг алар муқобиласида тушгилар. Кеча бўлгонда Қамариддин Жета черики билан қочти. Баҳодурлар алардин хабар топиб, кейинларида тушуб, кўб кишини ул кофирлардин олиб ўлтурдилар.

Тонг отқонда соҳибқирон авжи азамат билан етти ва Жета аҳволин билиб, Довудбек ва Ҳусайнбек ва Уч Қаро Баҳодурни Жета (черики) кейнида йибарди. Алар ҳукм йўсини била амал қилиб, Ила суйининг³³⁶ қўйиси сори юридилар. Ва Ҳусайнбек сувға тушуб вафот бўлди ва узга беклар йаагига етиб, таладилар. Сонсиз от ва тева тушти. Ва баъзи ҳазоралар буларға кириб, эл бўлди³³⁷. Аларнинг кўчуруб, куран³³⁸ қилдуруб, Самарқанд сори йибардилар. Ва соҳибқирон душман кейнида Пойтоғ мавзеъига³³⁹ бунордиким, «Борсунлар!» Ва шаҳзода Жаҳонгирни баҳодурлар билан қўшуб дедиким: «Жаҳд қилингким, Қамариддин эликка тушкай». Шаҳзода баҳодурлар билан ва ҳазораларким, Жетаға тааллуқ эрди ва Учқармон мавзеъида³⁴⁰ ўлтурур эрдилар, таладилар. Ва Қамариддиннинг хабарин эшитгиларким, тоғ ичида турур, тоғ сори юрилиб, эл-улусидин чиқиб, қочти. Баҳодурлар анга таллуқ эл-улусни қобтилар. Шамсуддинбекнинг хотуни Буен ого ва қизи Дилшод ого эликка тушти. Ва шаҳзода

соҳибқирон қошига киши чобтуруб, бўлгон аҳволни арзадошт қилдилар. Соҳибқирон хабарларни эшитиб, кучуб, Қаро Қисмоқ устида чиқиб тушти. Ва шаҳзода Жаҳонгир саодат билан қайтиб, ҳазрат қошига келиб, сонсиз мол тортиб, Дилшод оғони тортти. Кичик ёшидин мундоқ улуг иш эликидин келди.

67a Соҳибқирон андин қайтиб, Отбошига келиб, андин Арпа ёзида³⁴¹ тушти ва неча кун айшу ишрат билан ўлтурди. Буюрдиким, Муборақшоҳ Макритким, ҳазора бекларидин эрди ва соҳибқироннинг эртаги /давлатхоҳи эрди, «Тўй йароғини қилсун!» Тўй этиб, йахши тўққузлар тортиб, хизмат қилди. Ва соҳибқирон ани махтаб, тарбият ва иноят кўзи билан боқти. Ва Ҳусайнбек бу сафарда охират сори сафар килиб эрди, анинг мансабини уғлигаким, оти Худойдод эрди, берди.

Ҳазрат соҳибқирон Дилшод оғо билан зифоф қилғони

Қола Аллоҳу таборақ ва таоло: *Фа-анкиҳу мо таба лакум минан-нисоъи масна ва судоса ва рубоъа*³⁴². Ҳазрат Аллоҳ файзи мундоғ воқийъ бўлуб турурким, тўрт хотун олинглар, соҳибқирони жувонбахтқа ул саҳройи дилкушода майл бўлдиким, Дилшод оғони олғай, тўй асбобиға ҳукм қилди. Байт:

Буюрди ушул ерда ул шаҳриёр,
Ки қилғайлар асбоби тўй ошкор.

Ҳазрат давлатидин хоссу омм барча шодком ва айшу ишрат била машғул бўдилар. Ва ишрат асбобидин наким хаёлда кечар эрди, барчаси муҳайё ва тайёр эрди.

Ва ҳар сориким, кўрар эрдинг бир гули тоза баҳордек, эликида олтун пилла тўла шароби аргувонидин олиб тутар эрди. Ва ҳар тарафким, қулоқ солур эрдинг, бир тарафи ўлтуруб, суруд садосин олам ичра солиб, йахши уни билан айтур ашула. Байт:

Ки соҳибқирон шод бўлеун мудом,
Мамолики хушгу давлати мустадом.

67b Тўйдин сўнг кучуб, Йасси Дабондин^{342a} ўтуб, Ўзгандда туштилар. Ва маҳди улё Қутлуқ Туркон бекларнинг хотунлари била Самарқанддин келиб, барча соҳибқиронга муборақбод дедилар. Ўзганддин ўтуб, Хўжандда еттилар³⁴³, Баҳром Жалойир ўғли Одилшоҳ хизмат камарини белига боғлаб, ҳазратқа тўй тортиб, отлар пешкаш қилди. Аммо кўнглида бу хаёл эрдиким, соҳибқиронга ул тўйда макр қилғай. Аммо соҳибқиронга ҳазрат Ҳаққнинг инояти сақлар эрди, давлат илҳомидин қулоғи еткурдиким, «Мунда турмагил» ва Одилшоҳнинг ишидин/ соҳибқироннинг муборақ кўнглида кечтиким, мунда ўлтурмоқ маслаҳат йўқтурур: филҳол, ул мажлисдин қўпуб отланди ва ўрдуға бориб тушти. Ва ул вақтдаким, соҳибқирон Қамаридин сори борур эрди, Шайх Муҳаммад Сулдуз ва Одилшоҳ Жалойир ва Туркон Арлот учаласи аҳд қилиб эрдиларким, агар фурсат топсалар, ҳазратни тутқайлар ва мунда тушканда хаёллар қилдилар. Аммо ул ҳазратни инояти Раббоний сақлар эрди, ҳеч иш қила олмадилар.

Соҳибқирон андин кўп черикни ижозат берди, ўзи давлат билан Занжир Саройгаким³⁴⁴, Қаршидин икки манзил йироқ турур, бориб қишлоқ солди.

Ва ушбу қишда Одилшоҳ хизматда келиб, соҳибқиронга кўрунуш қилиб, ул андишаи фосидким, қилиб эрдилар, ўз тили билан ҳазратқа деди. Соҳибқирон ул сўзни эшитиб, ўзига келтурмай ҳеч нима демади ва Одилшоҳни йахши сийлади.

Қиш ўтуб ёз бўлгонда йарлиғ бўлдиким, «Черик йиғилсунким, Хоразм сори борурмен!» Ҳар тарафдин черик йиғилиб келди. Ҳазрат соҳибқирон Шайх Муҳаммад Баён Сулдузни туттурди. Бас, таҳқиқ қилгондин гуноҳи зоҳир бўлди. Мири Маликким, инисини бу Шайх Муҳаммад ўлтуруб эрди, анга тобшурди, то андин инисининг қонини тилагай. Мири Малик ани

ўлтурди ва Боязид Жалойирнинг икки ўглипи: Али Дарвеш ва Муҳаммад Дарвешни ўлтурди. Ва сулдуз туманини Оқ Темур Баҳодурга берди.

Ҳазрат соҳибқирон учунчи қатла Хоразмга боргани зикри ва Сари Буга билан Одилшоҳ йаағи бўлгон учун йўлдин қайтқони

68a Аввал баҳорда, торих етти юз етмиш еттида (1376, март) табиъат султонининг фармонидин сабза черики ҳар соридин тебраиди. Шикүфанин сардори шаҳар ва ҳисор боғларини муҳофизат қилмоқ учун муқаррар бўлди. Ва сабза черики ферузлуқ билан /саҳрога юзин қўйди. Байт:

Сабза черикига ҳукм этти чу султони баҳор,
Борди саҳро сори хушҳол ҳумоюносор.

Соҳибқирон давлат ва иқбол билан Хоразм сори юз қўйиб, борурга жозим бўлди. Оқ Бугани Самарқандда қўйди ва Сари Буга билан Одилшоҳ Жалойирни ва Хитойи Баҳодур ва Элчи Баҳодурни ўзга беклар била ўттуз минг киши қўшиб, Жета сори йибарди ва фармон қилдиким, Қамариддин бошига бориб жаҳд қилсунарким, ул адм бўлғай³⁴⁵. Байт:

Ўттуз минг киши, барчаси номдор,
Йибарди Жета сори ул шахриёр.

Ва ўзи нусрат ва саодат била Хоразм сори мутаважжиқ бўлди. Ва сув йақосида Сепоя мавзеъида давлат била тушти. Туркон Арлот сувнинг ул юзидин мутаважжиқ ўлуб эрдиким, ҳазрат қошига келгай. Яна йамон андиша хотирига кечиб андин бориб, Гурузовон³⁴⁶ сориким, анинг қадимий юрти эрди, борди. Ҳазрат соҳибқирон Пўлодни бир жамоат киши билан анинг кейнида йибардилар ва алар кеча-кундуз суруб, Андхуд суйидин ўтуб, Форёб суйинини³⁴⁷ йақосида анга еттилар. Туркон билан иниси ўз чериклари билан сув йақосини тутуб уруштилар: бир ҳамлага тоқат қилаолмай бариси наришон бўлуб қочтилар. Зафарқарин черики аларнинг кейнида тушуб, Пўлод йағуз Турконга етти ва Турконнинг оти ҳориб эрди, филҳол оттин тушуб Пўлоднинг отини ўқлади ва Пўлод анинг била йиқилди ва қўпарди. Туркон анга бир уқ отти, ул ўқ дубулғасига тегиб, анга ҳеч зарар етмади. Ва Пўлод анинг сори югуруб, анга ёнушти ва Турконни кўтариб ерга уруб, бошини кесди. Байт:

Адув бошини ул ели номдор
Танидин жудо айлади хору зор.

Ва Амон Сарбадол Турконнинг инисини тушуруб ўлтурди ва икки бошни соҳибқирон қошига келтурдилар.

68b Бекларким, ҳазрат соҳибқирон аларни Жета сори йибариб эрди, Сари Буга билан Одилшоҳ вилоятни холи кўруб, бир-бири била йамон андиша этиб, Хитойи Баҳодур билан /Элчи Буга Баҳодурни туттилар. Ва Ҳамдиким, ҳазрат ани Андижон вилоятининг даругаси қилиб эрди, алар билан иттифоқ қилди. Ва алар эллари билаким, жалойир ва қипчоқ эрди, барчани йиғиштуруб, Самарқанд устида юридилар. Ва келиб шаҳарни қабоп этиб туштилар. Ва шаҳар эли ўқ захми била қўймадиларким, шаҳарнинг йақинида келгайлар. Ва Оқ Бугаким, шаҳарда ҳоким эрди, сурат соқеъани арзадошт этиб, ҳазратқа йибарди. Ҳазрат олий Котдин ўтуб Хосга³⁴⁸ этиб эрдиким, бу хабар етти. Андин қайтиб, амирзода Жаҳонгирни узидин илари йибарди ва ўзи кейнида юриди. Ва Бухорога етканда андин ўтуб, Работ Маликка туштилар. Шаҳзода Кармина мавзеъида³⁴⁹ душманларга этиб, икки тарафдин сафлар тузатиб, уруш эттилар. Амирзода Жаҳонгир Тенгри июнотидин мухолифларга нусрат топиб, душманлар қочтилар ва Дашти Қипчоққа бориб, Ўрусхонга сифиндилар. Ва ҳазрат соҳибқирон музаффар ва мансур келиб Самарқандда тушти. Жалойир улусини бекларга

улаштиким, мутафарриқ бўдилар. Ва амирзода Умаршайхни Андижонга йибарди ва Одишноҳ ва Сари Буға Уруехоннинг мулозиматиға турдилар. Анда тақи аларнинг йамон феъли зоҳир бўлуб, Уруехон йайлоқ борғанда андин қочиб, Жета улусиға Қамариддин қошиға бордилар ва ани фитна ва фасодға далолат эттилар.

Тўртинчи қатла ҳазрат соҳибқирон Жета сори борғони

69a Сари Буға билан Одишноҳ Қамариддин қошиға келдилар. Ҳар лаҳза ани шарру фасодға далолат қилур эрдилар. Ва Қамариддин аларнинг сўзи билан амал этиб, Андижон вилоятиға кирдилар. Қазоқ ҳазораси³⁵⁰ амирзода Умаршайхдин қочиб Қамариддинға кирдилар ва шаҳзода тоғқа кириб мутаҳассин бўлди, донишманд ақлли бир кишини ҳазрат соҳибқирон қошиға йибарди ва воқеъани арзадошт қилдиким. «Йаағи осурд кўб келиб, Андижон вилоятини хароб /қилди». Ул ҳазрат бу хабарни эшиткач филҳол отланиб, таъжил билан Самарқанддин чиқиб, Андижонга юриди.

Қамариддин ул ҳазратдин хабар тоғач, туrolмай қайтти ва Отбоши мавзёдин эл ва уйини қочтуруб, ўзи тўрт минг киши билан бир камин ерни тутуб ўлтурди. Ҳазрат соҳибқирон ул мавзёда етконда Қамариддиндин гофил эрди ва бекларни тамом черики билан душман кейнида йибарди. Ва номдорлардин беш минг киши Муъаййидбек, ва Хитойи Баҳодур, ва Шайх Али Баҳодур қолиб эдилар, аларни тақи черики билан душман кейнида йибарди. Ва ҳазрат қошида икки юз кишидин ортиқ киши қолмади. Бу маҳалда тўрт минг киши билан Қамариддин камин қилгон еридин чиқиб, соҳибқирон устида тўкти. Ва ул ҳазратнинг кўнглида ҳеч ваҳм ва тараддуд бўлмай, ўз кишиларига кўнгул бериб, зафар қиличин белидин чиқориб, душманлар сори чобти. Ва муборак нафаси билан андоқ кушеш эттиким, ақл ва фаҳм ани ишида ҳайрон эрди. Ва муқаррар турурким, бу кўнгул ва ҳиммат ҳазрат Ҳаққнинг лутфидин эрди. Йўқ эрса, кимга мажол турурким, мундоқ маҳалда туруб душман била туриб уруш қилгай? Анинг била бўлгон йигитлар андоқ уруштиларким, таъриф қилса бўлмас. Ва икки юз киши билан тўрт минг кишини қочурдилар.

696 Ул фатҳ бўлгондин сўнг бир кеча шайх Бурҳониддин Қилични³⁵¹, раҳматуллоҳ, тушида кўруб, шайхдин илтимос қилдиким, «Ўғлум Жаҳонгир Самарқанд ичида хаста эрди. Анга дуо қилғил». Шайх дедиларким, «Худойи била бўлғил», ва ўзга сўз демади. Тушдин уйғониб билдиким, шаҳзоданинг иши мушқил турур. Кўнгли наришон бўлгон учун Йўл Қўтлуқким, хосе кишиси эрди, Самарқанд сори йибардиким, шаҳзодадин хабар таҳқиқ келтургай. Ул борғонда яна наришон туш кўруб, хотири бисер мулул бўлди. Бекларға дедиким, «Гумон элтурменким, фарзандимдин айрилурмен». Ва бекларға (яна) дедиким, /«Ҳарнаким воқий бўлубтур мендин йашурманглар». Юкунуб онт ичтиларким, «Бизларға бу маънидин асло хабар йўқ турур». Андин кўчуб, саккиз йағочда яна Қамариддинға еттилар ва уруш бўлди ва яна Қамариддин қочиб, Уч Қаробек анинг кейнида тушуб, бир неча сурди. Қамариддин саккиз киши билан қайтиб урушти ва кўб захмлар еб, чиқиб қочти. Пулод Баҳодурнинг эликида йамон уқ тегиб эрди, қайтиб бир ерда тушканда анда ўт тушти. Ўзи қунуб савийи эттиким, ўтни учургай. Ул жиҳатдан жароҳати тоза бўлуб, вафот бўлди.

Амирзода Жаҳонгирнинг вафот бўлғони зикри

Ҳазрат соҳибқирон Отақумдин қайтиб³⁵², Сайхундин ўтуб, Самарқандда йақин еттилар. Самарқанддаки бузурғлар ва донишмандлар барча ўтирув чиқиб, қаро тўнлар кийиб, ҳазрат қошиға келиб, байт:

Бариси қаро тўн кийиб келдилар,
Дуо тилларин барча очилдилар,

ҳазратни кўргонда барча дедилар, байт:

Дариого, ул шаҳаншоҳи бо дину дод,
Ки булди йигитликда гулдек ба бод,

ва хурущу фиғон била келдилар. Ҳазратким аларни андоқ курди,
билдики туши чин бўлбтурур ва ўз ишини фалак қилиб турур. Назм:

Чу ул ҳолдин бўлди огоҳ амир,
Чиқиб жонидин нола ҳамчун нафир.
Икки кўзидин бўлди ёш ошкор,
Чу селики келгай ба вақти баҳор.
Бас, ултурди мотамда бари синоҳ,
Кийиб тўнлар ул дам кабуду сийҳ.
Бари анжуман зору гирён бўлуб,
Ул ўт сўзидин барча бирён бўлуб.

Ҳазрат соҳибқирон бу воқсадин бағоят андуҳнок бўлди. Аммо ул шоҳни-
нг кўнгли дар ҳадик эрди ва йақин билур эрдиким, ҳар нимаким жаҳонда
бақоси бор, фано офати анинг кейнида турур. Ва ҳар тандаким ҳаёт бор,
мамонт анга еткуси турур: *Ас-собиринна ал-лазинна иза асобатҳум мусибату,
қолу инно ли-Ллоҳи ва инно илайҳи рожиъуна*²²¹.

70а Ул жароҳатқа марҳам қилди ва шоҳзоданинг руҳига ҳайрот қилиб ва
садақот берди /ва таъомлар фуқаро ва масокинга ва мустаҳаққларга берди
ва анинг муборак жисмини Кешға элтиб кўмдилар ва иморати бағоят зебо
солдурди.

Шаҳзоданинг ёши йигирмада эрди ва андин икки ўтул қолди, амирзода
Муҳаммад Султон, Хонзодадин туғуб эрди ва амирзода Пир Муҳаммад,
Бахт Малик огоким, Илёс Йасурийнинг қизи эрди, андин туғуб эрди.
Шаҳзода ўлгандин сўнг қирқ кун ўтуб эрдиким, мутаваллуд бўлди. Шаҳзо-
данинг вафот бўлгон торихи етти юз етмиш еттида лу йилда эрди (1376).

Ва Сайфуддинбек бу жиҳатдин барча ишдин эликини ювуб, дунё билан
ҳеч эътиқоди қолмай, ижозат тилаб, Каъбага борди.

Ҳазрат соҳибқирон Қамариддин бошига яна черик йибарғони

Ҳазрат соҳиб қирон фарзанди жиҳатидин дунёдин беъътиқод бўлуб,
мамлакат забтидин ҳеч парво қилмади ва айтар эрди, байт:

Гирйа қилмас эрмиш бу дунёи дун,
Ки бўлгай киши анинг учун забун.
Чу биздин жаҳон қолгусидур недин,
Егайбиз жаҳон ичра мардум ғамин?

бу жиҳатдин беклар барча йиғилиб соҳиб қирон қошига келиб, юкунуб, дуо
билан тилларини очиб дедилар: «Ҳазрат Ҳаққ, таборак ва таоло, оламнинг
тузуклугуни подшоҳларнинг вуҷуди билан қилиб турур. Домин ва амонлиқ-
ким, Одам ичида турурким офаринашдин мақсуд бу эрмиш, подшоҳларнинг
адолат ва сийёсати билан турур. Байт:

Эрур подшоҳ сояи Зул-жалол,
Ки андин тонар барча олам камол.

70б Агар ҳазрат соҳибқироннинг хотирида парвардигорнинг ризоси турур,
мунга ҳеч ғам емамак керак ва доду адлга машғул бўлмоқ керак, ва раъият
ва фақир мискиннинг аҳволларидин воқиф бўлмақ керакким, *Ҳазрат
Саййиди олам, салл-Аллоҳу алайҳи ва саллам, айтиб турурким: «шоҳлар-
нинг умридин бир соатким, адл ва дод билан кечгай, олтмиш ё етмиш
йиллик/ибодаттин йахшироқ турур».*

Ҳазрат соҳибқирон бекларнинг насиҳат йузидин деган сўзлари таъсир
этиб, ҳиммат юзини яна мамлакат маслаҳатиға қўйди ва черик жамъ
қилмоққа машғул бўлди.

Бу маҳалда хабар келдиким, Одишох Жалойир неча киши билан Қорачуқ тоғида³⁵⁴ саргашта юридур. Соҳибқирон Барот Хожа Қўкалтош ва Элчи Бугани ўн беш киши билан анга йибарди. Ва алар Самарқанддин тун қайтиб, Утторға етконда, андин киши олиб тоғ ичида кирдилар. Ва анда истаб юрур эрдиларким, Оқсув мавзесида³⁵⁵ топиб йасоққа еткурдилар. Ва Оқсув бир ҳисор турурким, тоғнинг бурнида йасаб турурларким, анда қаровул ултургай. Дашти Қипчоқ соридин ҳар ким пайдо бўлса, алар хабардор булгайлар.

Ва Сари Бугаким, йаағи бўлуб қочиб эрди, икки йилдин сўнг яна ул ҳазрат қошига келди. Соҳибқирон ўз лутфу карамидин гуноҳидин кечиб, анга тааллуқ улусни берди. Андин сўнг оламоро раъйи билан амирзода Умаршайх ва Оқ Буга ва Хитойи Баҳодур ва ўзга бекларга фармонладиким, «Қамариддин бошига боргайлар. Ва жаҳд қилсунларким, ани эликка тушургайлар!» Алар ҳукм йўсуни билан юруб, Қора Туба мавзесида³⁵⁶ Қамариддинга еттилар. Ва соҳибқирон давлатидин анинг билан урушуб, Қамариддинни бостилар ва эл-улусини талаб қайттилар.

Ҳазрат соҳибқирон бешинчи қатла Жета сори борғони

Нусратшиъор черики ўлжа ва асир билан Жетадин қайтиб, соҳибқирон мулозиматида келдилар. Ҳазрат яна ўшул йилда Жета сори азимат этиб, Муҳаммадбекким, Мусабекнинг ўғли эрди ва соҳибқирон хизматида эрди, Аббос ва Оқ Темур Баҳодур билан илгари йибарди. Ва алар ҳукм йўсуни билан кеча-кундуз турмай Бугом Ойкулда³⁵⁷ Қамариддинга еттилар ва урушуб, ани қочурдилар ва элини талаб ва асир еттилар.

71a

Ҳазрат соҳибқирон муборак нафаси билан /Қўчқор мвзесиғача³⁵⁸ борди ва ул ерда эшиттиким, Тўқтамиш Ўғлон Ўрусхондин қўрқуб, қочиб хизматқа келгуси турур³⁵⁹. Ҳазрат соҳибқирон Туманбек (Темурким), ўзбек бекларидин эрди, ўтрав йибарди ва буюрдиким, ани иззат ва ҳурмат билан келтургайлар. Ўзи саодат билан Йабағу³⁶⁰ йўлидин қайтиб, Ўзгандда³⁶¹ тушти. Ва андин кўчуб Самарқанд сори бориб тушти.

Туманбек (Темур) Тўқтамиш Ўғлонни келтурди ва беклар барча анга ўтрав бориб, соҳибқирон қошига келтурдилар. Ул ҳазрат анинг мақдамини азиз тутуб, таъаззум ва иноятлар қилди ва тўй бериб, хайма-ҳиргоҳ ва наққора ва нафир ва қатор тевалар ва отлар ва яна нимаким, подшоҳлиғда керак турур, барчани йасаб берди ва ани ўғул ўқуди³⁶².

Ҳазрат соҳибқирон Тўқтамиш Ўғлонни Уттор ва Сабронга йибарғони

Соҳибқирони олийҳиммат Саброн ва Сигнақ³⁶³ вилоятини Тўқтамиш Ўғлонга берди. Тўқтамиш анда бориб ултурди. Қутлуғ Буга Ўрусхоннинг ўғли қалин черик билан анинг бошига келди. Аларнинг аросида уруш воқия бўлуб, бовужуд улким, Қутлуғ Буга ул урушда ўқ еб ўлди; Тўқтамиш туролмай қочти ва андаги элини таладилар. Тўқтамиш қочиб, соҳибқирон қошига келди. Ҳазрат ани аввал келгонидин йахшироқ иззат тутуб, яна йароғини қилиб, вилоятига ендурди. У Сабронга етконда Ўрусхоннинг улғи Тўхта Қия, неча султонзодаларким, Жўчихон наслидин эрдилар ва Алибек ва ўзга беклар қалин черик билан Тўқтамиш бошида юридилар. Байт:

Черикдин тўла бўлди саҳни жаҳон,
Бари Тўқтамиш сори бўлди равон.

Тўқтамиш ҳам черикини йигиб, аларнинг ўтравсида борди; уруш булгонда яна Тўқтамишхон туролмай, қочти. Ва Сайхун суйига етконда қўрқунчдин тўнин чиқариб, ўзини сувга солди. Қазончи Баҳодур анинг кейнида келиб, ани сув ичида кўруб, ўқ отиб, эликини захмлиқ қилди. Тўқтамиш юз ташвиш била /сувдин кечиб, жангал ичида кириб, хас ва хашак устида йиқилиб ётти.

716

Ва гаройиби рӯзгордин бу турурким, ҳазрат соҳибқирон Идиқу Барлосни анга йибариб эрдиким, анга насиҳат қилгай ва эш-кучига мардона бўлгай. Қазодин Идиқу Барлоснинг йули ул жангал ичида тушти. Жангал ичида кириб боргонда қулогига бировнинг уни келдиким, ингранадур. Тафоххус қилғонидин сўнг Тўқтамишонни кўрди: йаланғоч ва ўзидин кетиб, хас ва хашак устида йиқилиб етиб турур. Ул отдин тушуб, ани ул ердин кўториб, чодир уруб, чодирга кийурди; шарбат ва таом бериб, жароҳатиға марҳам қўйди ва бош-аёқ кийдурди ва андин кўчуб, соҳибқирон сори ёнди.

Ул маҳалда соҳибқирон Бухорода ўлтуруб эрди, Тўқтамишнинг ҳолатидин хабар билиб, яна анга шафқат қилиб, барча йарогини қилди.

Идиқуқим, ўмоғи манғқит эрди³⁶⁴ ва Ўрусхоннинг бекларидин эрди, андин қочиб соҳибқирон мулозаматиға келди. Ва дедиким: «Ўрусхон черик жамъ этиб, бу сори мутаважжиҳ бўлди».

Ўшул замонда Ўрусхондин икки элчи келди; бири Қўппак Манғқит ва бири Тўлуҷон. Келиб, Ўрусхондин ҳазрат қошида сўзлар дедилар: «Мақсуд буким, Тўқтамиш менинг ўғлумни ўлтуруб, сенга қочуб боргон турур. Ани менга йибаргил ва агар бермасанг, уруш ерини айтиб йибаргил».

Ҳазрат соҳибқирон ҳиммат тилини очиб, жавоб бердиким: «Ул бизга сигиниб келиб турур. Мен ани ҳеч кимга бермасмен. Аммо уруш десангиз тайёр турубтурбиз». Байт:

Дедиким: «Боргил, ва мендин баён қил,

Ўрусхон қошиға мундоқ аён қил.

Ким мен сўқушай менга не парво,

Агар бўлгай йаари ер юзи дарё.

Сипоҳимнинг ишидур кинаю жанг,

Ҳунарсиз кишидин буларга юрт танг».

Ҳазрат соҳибқирон Ўрусхон урушиға черик тортиб борғони

72a

Соҳибқирон Ўрусхоннинг элчиларини йибаргондин сўнг ҳукм қилдиким: «Черик йиғилсун!» ва /Жақу Барлосни Самарқандда қўйди ва Чигатой улусини йиғиштуруб, лу йилда (1376) черик тортиб, Ўрусхонга мутаважжиҳ бўлди. Назм:

Чу жамъ ўлди ул лашкари бекарон,

Ки ер кўк киби тебради у замон.

Черик тузи чун чиқти олам аро,

Ки кун бўлди тундек яна қаш-қаро.

Сайхундин ўтуб Ўтрор саҳросида туштилар. Ул тарафдин Ўрусхон Жўчихонга тааллуқ улусни йиғиштуруб, Сигнақда келиб тушти. Ва Ўтрордин Сигнаққача йигирми тўрт йағоч турур³⁶⁵.

Ул маҳалда анча йамғур ва қор ёғдиким, таъриф қилса бўлмас ва андоқ совуқ бўлдиким, ҳеч киши элик чиқара олмади. Ва уч ой ўшандоқ совуқ эрди ва қор ёғар эрди. Ва бу икки черик ерларида ўлтуруб эрдилар, ҳазрат соҳибқирон Йаруқ Темур ва Хитойи Баҳодур ва Муҳаммад Султоншоҳким, Ҳирот маликидин қочиб келиб эрди, буюрдиким, «Таъжил этиб, душманға шабихун элтинглар!» Бас, булар беш юз киши билан юридилар ва кечада Ўрусхоннинг ўғли Темур Малик Ўғлонга учрадилар. Ва алар уч минг киши бор эрди. Ушул кечада тонгга йақин уруштилар ва мансур черики ғолиб бўлуб, душманлар қочти. Элчи Буга ва Темур Маликка уқ тегиб, захмлиқ бўлдилар. Ва ул урушда Йаруқ Темур билан Хитойи Баҳодур иккаласи шаҳид бўлдилар. Мансур черики фатҳ ва нусрат билан қайттилар. Яна соҳибқирондин ҳукм бўлдиким, «Муҳаммад Султоншоҳ душман сори тил олмоққа бореун!» Ва ул ҳукм йўсуни била амал қилиб, бориб бировни келтурдилар. Андин маълум қилдиларким, душман черикидин икки баҳодурким, бирини Улуғ Сотқин, яна бирини Кичик Сотқин дер эрдилар, юз киши билан тил олмоққа келиб турур. Ва бу маҳалда Оқ Темур Баҳодур ва

Аллоҳод Утрор шаҳрида бориб черикка озуқ берур эрдилар. Алар шаҳардин чиқиб, урду сори келур эрдиларким; йаағига учрадилар. Ва бу йаағи ул киши эрмишким, тил олмоққа келгон эрмишлар ва Оқ Темур билан ўн беш киши эрмиш.

726 /Соҳибқироннинг давлатига сигиниб, мухолифлар билан уруштилар ва мухолифларни фириб бермак учун қочтилар. Ва йаағи аларнинг кейнида тушконда қайтиб қиличларин чиқариб, икки кишини тушурдилар. Душман чериклари қочти ва ўзларини жарларда ва ариқларда солдилар. Ва Қўппакчи Юртчиким, Оқ Темурнинг иниси эрди, Кичик Сотқунни ўлтурди. Улуғ Сотқунни Ҳиндушоҳ тутти; ҳазрат соҳибқирон қошига келтурдилар ва маълум бўлдиким, Ўрусхон қайтқон эрмиш ва Қаро Қўппакни ўз урнида қўйиб турур.

Ҳазрат соҳибқирон Ҳиндушоҳга кўп иноятлар қилди ва соҳибқирон муборак нафаси билан душман сори юриди. Қаро Қўппак тақи турмай кетган эрмиш ва мухолифлардин киши қолмагон жиҳатидин давлат ва иқбол билан қайтиб, Кеш жилгасига бориб, ҳумойун ўрдусида тушти ва саккиз кун анда турди.

Ҳазрат соҳибқирон Ўрусхоннинг улусини чобқони

Саккиз кундин сўнг яна соҳибқирон Ўрусхон сори мутаважжиҳ бўлуб юриди ва Тўқтамишхон гажирчи³⁰⁶ бўлуб юриди. Кеча-кундуз суруб, ўн беш кундин сўнг душанба кечасининг субҳи эрдиким, Жайрон Қамишқа еттилар. Душман эли чизсиз ўлтуруб эрдиким, ҳазратнинг черики аларни таладилар: қўйу от ва тева сонсиз тушти. Ҳазратнинг давлатидин Ўрусхон ўшул яқинда ўлуб, улуғ ўғли Тўхта Қия хон ўлуб, ато ерида ўлтуруб эрди. Ва ул тақи атосининг кейнида борди ва ҳазрат Тўқтамишни Дашти Қипчоқда хон қилди. Ул ерни бўлгон эл-улуси биланким, Жучихоннинг улуси эрди, (анга) берди. Ва бир отким, оти Ханг Ўғлақ эрди ва оламда андоқ от йўқ эрди, берди. Шесър:

Бир отким, эди барқдин тезтар,
Қила олмас эди ел андин гузар.
Юрурда фалакдин эди тезроқ,
Анинг гардиға етмас эрди Буроқ.

73a Дедиким: «Бу отни йахши сақлағайсен». Андин қайтиб, /Самарқандда келиб тушти. Йилон йилнинг аввалида, торих етти юз етмиш секкизда (1377, март) келиб, давлат ва саодат билан манзилига қарор топти.

Ҳазрат соҳибқирон Дашти Қипчоқдин ёнгондин сўнг Ўрусхон ўғли Темур Малик Ўғлон³⁰⁷ хон бўлди ва черик тортиб, Тўқтамиш бошига келди ва уруш қилгондин сўнг Тўқтамиш черики бузулди. Ва Тўқтамиш ул (от)никим, ҳазрат соҳибқирон бериб эрди, миниб қочти ва кўб машаққат кўргондин сўнг ҳазратқа етти. Соҳибқироннинг ҳиммати анинг аҳволига тушуб, анинг йарогини қилиб, улуғ беклардин Туман Темур Ўзбек ва Бахти Хожа ва Гийсиддин Тархон ва Йанғи Қавчин, буларни Тўқтамиш билан Сигноққа йибардиким, ани ул вилоятда хон қилгайлар³⁰⁸. Беклар анинг билан Сигноққа бориб, Тўқтамишни хонлиқ тахтига ўлтургуздилар ва наким расм турур эрди, қилдилар.

Ҳазрат соҳибқиронга саодатманд ўғул бўлғони зикри

Йилон йилнинг аввалида, рабиъ ал-охир ойининг ўн тўртида, торих етти юз етмиш тўққузда (20.08.1377) ҳазрат соҳибқироннинг давлат кўзи файзу фазли Раббонийдин йаруқ бўлуб, Самарқанд шаҳрида давлат ва иқболдин бир муборак юзлук фарзанд гайб пардасидин юз кўрсатти. Наам:

Чу бўлди ано қорнидин ул жудо,
Хабар топти ул ойдин подишо.

Кетурди ва қўйнида олди равон,
Анинг юзидин бўлди бас шодмон.
Буюрди анга доялар шахрийор,
Ки қилгай ани парвариш дар канор.
Кишиким, тутуб эрди ани йар,
Тула эрди бошдин аёги ба зар.

Давлат ва саодат юзидин кун киби зоҳир эрдиким, ер юзининг подшоҳи бўлгуси турур ва оламдаки подшоҳлар анга божу хирож бергайлар. Ва бу шахриёрнинг ҳолати иккинчи мақолада келгуси турур. Ва мунда мақсуд мутаваллуд бўлгон зикриким, маълум бўлгайким, қачон таваллуд бўлуб эрди ва йили ва тарихи маълум бўлгай³⁶⁹.

736

/Ҳазрат соҳибқирон Тўқтамишхонни
йана йароғини қилиб, Темур Малик бошига йибарғони ва
Темур Малик билла урушуб зафар тобқони³⁷⁰

Аввалдаким, Тўқтамиш Ўғлон Ўрусхондин қочиб, ҳазрат қошида келиб эрди, Ўрунг Темур анинг билла келиб эрди. Ва ҳазрат ани йахши сийлаб эрди, ва йанаким, Тўқтамиш Темур Маликдин қочиб келди, Ўрунг Темур эликка тушуб эрди ва ани Темур Малик қошига элттилар. Темур Малик қонини бағишлаб қўябердиким, аларнинг ичида фалокат билла юругай. Бир кун Темур Маликка юкунуб дедиким, «Менга тааллуқ элимни иноят қилгил». Темур Малик анинг сўзини эшитмай дедиким, «Кўнглунг тиласа тургил. Агар тура олмасанг, ҳар қаёнким хотиринг тиласа, боргил». Ва Ўрунг Темур ушул қишда қочиб, ҳазрат соҳибқирон қошига борди. Ва ҳазрат анга кўп иноятлар қилди ва Темур Маликхоннинг аҳволини сўрди. Ул дедиким, «Кеча ва кундуз ичадур ва чоштгача юқлайдур. Ва агар юз муҳим бўлса, ҳеч кишига ул мажол йўқ турурким, ани уйғотгай. Ва бу жиҳатдин эл андин ноумид бўлуб турурлар. Ва Жўчихоннинг улуси Тўқтамишни тиларлар».

Соҳибқирон буюрдиким, Тўқтамиш Темур Малик бошига юрусун. Ва Темур Малик ул қишда Қаро Толда қишлоқ қилиб эрди. Тўқтамишхон черик йиғиштуруб, Темур Малик бошига борди ва анда етконда асру қаттиқ уруш бўлди. Ва соҳибқирон давлатидин Тўқтамишқа зафар ҳамдам бўлуб, Темур Маликни бости ва Қипчоқ Даштида атолари ўрнида шоҳлиқ тахтида ўлтурди. Ўрус Хожани чобтуруб, ҳазрат аъло қошига йибарди ва фатҳ муждасин еткурди.

Ҳазрат ул хабардин севунуб, неча кун айшу ишрат билла ўлтурди ва бу жиҳатдин зиндондаги бандиларни озод қилди ва Ўрус Хожани кўб иноят ва шафқат қилди. Байт:

Йибаргон кишига бериб тожу зар,
Эгар бирла от ва мурассаъ камар.

74a

/Ани ижозат бериб қайтарди. Ва Тўқтамишхон Сигноқда келиб қишлади. Баҳор бўлгонда Тўқтамишхон қалин киши йиғиштуруб Сарой мамлакатига бориб, Мамоқ элини мусаххар қилди ва анинг азимати ҳар кунда соҳибқирон давлатидин ортар эрди. Ва Жўчихон улуси барча анга мутиъ бўлдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Хоразмға элчи йибарғони

Ул йилдаким, ҳазрат соҳибқирон қишда Ўрусхон муқобаласида ўлтуруб эрди, Юсуф Сўфий ҳеч андиша этмай фурсат топиб киши йибардиким, Бухорони чобгилар ва ҳар нимаким тобгилар, элттилар. Ҳазрат соҳибқирон Жаловатийни элчиликқа Юсуф Сўфий қошига йибарди ва дедиким, «Қариндош бўлгондин мухолифат қилмоқ яна не жиҳаттин турур?» Юсуф Сўфий элчини тутуб беркитти³⁷¹. Ҳазрат соҳибқирон ул йамон ҳаракатидин воқиф бўлуб, назм:

Ва парҳезпарвари некном,
 Тилади шаҳаншоҳи боэҳтиром.
 Буюрдики, сочқил гуҳар хомадин,
 Баён қил чу дур сўзларим номадин.
 Сари нома қилгил номи худой,
 Ки гумроҳларга эрур раҳнамой.
 Кишиники, ул қилди ферузбахт,
 Анга қолгусидур жаҳон ичра тахт.
 Кишиники, ул қилди хору нажанд,
 Анга тегмагай офтоби баланд.

Йахши хат битди. Хатнинг мазмуни бу эрдиким: «Подшоҳлардин раво эрмаским, элчини банд қилгай, анинг учунким, аларда гуноҳ булмас. Агар сенинг сўзунг булса сенинг била турур, элчи била не ишинг? Боргон элчини йибаргил ва мундоқ ишлар қилмағилким, пушаймон булгунг турур» битиб, хатни муҳрлаб Юсуф Сўфийга йибарди. Ул нодон беоқибат, ноандиша бу борган кишини ҳам банд қилдурди ва шарру фасод эликини очиб, Туй Буға ўғрини йибардиким, Бухоро вилоятини теграсидаги ўлтургон туркларнинг теваларини суруб, элттилар.

746

Бу маҳалда Ҳожи Сайфуддинбек Ҳижоз сафаридин қайтиб, ҳазрат соҳибқирон қошида келди ва Эрон мамлакатига булгон подшоҳларнинг/ аҳволларини арзадошт қилди. Ва ўшул йилда ҳазрат соҳибқирон маҳди аъло Туман оғоким, Мусабекнинг қизи эрди, шарият тариқаси билан никоҳида кийурди³⁷². Ва ҳазратнинг хотири шарифида кечтиким, бу хотун учун бир ери солгай. Ҳукм эттиким, Самарқанднинг кун ботар сорисида фалак буружининг ададича ўн икки боғ солдилар ва барчани бир қилдилар. Ва бир боғ ичида бир кўшкки солди ва бу боғнинг оти «Боғи давоздах бурж» бўлди. Ва ҳазрат ул қишни Занжир Саройда қишлади.

Ҳазрат соҳибқирон тўртинчи қатла Хоразмга бориб, фатҳ қилғони

Юсуф Сўфий жаррот аёгин тариқатдин ташқари қўйди ва гурурдин элик чиқариб, вилоятларга узатти ва мусулмонларнинг молларига тамаъ қилди. Шаввол ойида, торих етти юз саксонда, қўй йилдаким, кун Ҳут буржида борди (19-20.02.1379); ҳазрат нусратшиёр черикини йиғиштуб, Хоразм сори мутаважжих бўлди. Эски Укуздин³⁷³ утуб, Хоразм қалъасини³⁷¹ ўртада олди ва эҳтиёт учун буюрдиким, яна ҳисори солгайлар. Ва барча йўлларни маҳкам қилдурди ва ҳар кеча-кундуз сурон солиб, олам ичида зилзила тушар эрди.

Ҳазрат соҳибқирон зафарпаноҳ черикини ҳар сори йибирдиким, алар чопиб мол келтурдилар. Бу маҳалда Юсуф Сўфий бир хат ҳазрат қошига йибардиким, «Неча эл азобда бўлгай биз, икки киши жиҳатидин? Вазифа улким, иккаламиз майдонга чиқиб урушқайбиз». Назм:

Таваккал қилиб икимиз Ҳаққ била,
 Худованди сабуру мутлақ била,
 Курвалики, будур гардуни спехр,
 Кима жавр кўрсаткай ва кимга меҳр.
 Ки майдон ичинда бўлур сарбаланд,
 Ки бўлур жаҳон ичра хору нажанд.

75a

Ҳазрат соҳибқиронга бу сўз хуш келиб дедиким, «Мен худойдин ушбуни тилар эрдим» ва таваққуф қилмай, уруш асбобини кийиб, ўзини мукаммал қилиб, ҳисори сори юриди. Беклар илгари келиб дедиларким, «Бу бормоқ маслаҳат /йўқ турур». Аммо соҳибқирон аларнинг сўзларига илтифот қилмай, юриди. Ҳожи Сайфуддинбек беихтиёр бўлуб, жиловини тугуб, давлатхоҳлуқ тили билан арзадошт қилди ва дедиким, «Бандалар тирик туруб раво эрмаским, сиз урушқали борғайсиз». Соҳибқироннинг аччиғи келиб, ани

сўқуб, йалғуз қалъа сори юриди. Хандаққа етконда чорлаб дедиким, «Юсуф Сўфийга айтингизким, биз сенинг сўзунг била келдук. Сен ҳам керакким, ваъдага вафо қилгайсен, шаҳардин чиқиб келгайсенким, кўрали, Худой кимга нуерат берур». Юсуф Сўфий кўрқуб, сўзидин пушаймон бўлуб, жавоб бермади. Ҳазрат яна чорлаб деди ким, «Ҳар кимки қавлига вафо қилмас, улмак анинг тириклигидин йахшироқ турур». Ҳар нечаким мундоқ сўзлар деди, ул ҳеч унамади ва соҳибқирон кўб туруб кўрдиким, ҳеч киинци чиқмади, ёниб борди. Барча эл анинг журъятидди таажжубқа қолдилар. Байт:

Бари дедилар анга «Юз офарин,
Ки сенсиз дами бўлмагай ер юзин».

756 Бу маҳалла Термиздин йанги қовун³⁷⁵ ҳазратқа келтурдилар. Ҳазрат дедиким, «Юсуф Сўфий бизга уғрув ултуруб турур. Бу янги мевадин олтун табақ ичра солиб йибарали». Беклар дедиларким, «Олтун табақ не ҳожат турур, йағоч табақ етар». Ҳазрат деди: «Бизнинг ҳимматимизда қусур турур». Олтун табақ ичра қовунни қўюб, хандаққа йақин элтиб дедиларким, «Йанги қовун турурким, соҳибқирон Юсуф Сўфий учун йибариб турур». Қовунни анда қўюб қайттилар. Алар қалъадин тушуб, қовунни олиб Юсуф Сўфийга элттилар. Ул бадбахт йамонлиғидин буюрдиким, қовунни хандақ ичида ташладилар ва табақни дарбошига берди³⁷⁶. Андин сўнг қалъа ичидин бир бек, Ҳожи отлиқ, куп киши билан урушқали чиқти. Амираода Умаршайх баҳодурлари қиличлар тортиб анга чобтилар, уруштилар /ва икки тарафдин кўб киши захмлиқ бўлуб, Хоразмдин чиққан кишилар қочтилар. Ул ишда Элчи Буға билан Навширвон йахши ишлар қилдилар ва иккаласи захмдор бўлдилар. Аларни ўрдуга келтуруб, муолажа қилиб, Элчи Буға йахши бўлуб, Навширвон вафот бўлди. Андин сўнг асокири нусратшиъор фармон йўсуни била манжаниқ тартиб этиб, тош зарби билан Юсуф Сўфийнинг қасрини буздилар. Ва Юсуф Сўфий бу ҳолатни кўруб, кўрқуб ўзга ерга бориб ўлтурди. Уч ойу ўн олти кунгача шаҳар қамал эрди. Аммо ҳар кунда фатҳ осори ва аломати мансур черикида зоҳир эрди ва Юсуф Сўфийнинг жойинда гам ва андуҳ кўбрак бўлур эрди, токим бу гаму андуҳда ўлди.

Ҳазратнинг давлатидин мундоқ воқеъ бўлдиким, ул кунким хазрат йалғуз қалъага йақин бориб эрдиким, Юсуф Сўфий билан урушқай ва Юсуф Сўфий чиқмади, муборак тилига бордиким, «Ҳар кимки ўз сўзига вафо қилмагай, марг андоқ кишига йахшироқ турур». Ва неча кундин сўнг Юсуф Сўфийнинг ҳаёт кунни мамот шомига мубаддал бўлди.

Ва мансур черикининг баҳодурлари чаҳоршанба куниди шижоат юзларини ҳисорга қўйуб, ҳар соридин рахналар қилиб, урушуб шаҳарга кирдилар. Ва ул шаҳарни тоб-тоз қилиб, анда бўлгон донишмандлар ва ҳафғоз ва ҳунармандлар барчасини кўчуруб, Кешга элттилар. Ва бу фатҳ қўй йилида, торих етти юз сексан бирда бўлди³⁷⁷.

Соҳибқирон фатҳ ва давлат билан қайтиб ул қиш Занжир Саройда қишлади. Байт:

Давлатдин ўлди ҳосил анвоъи комрони,
Бўлди анга муҳайё асбоби шодмони.

Соҳибқирони саодатманд Кеш қалъасини солиб, Оқсарой иморатини буюргони

76a Баъзи китобда манқул турурким, Кеш шаҳри бурун уламои Ислоннинг ери эрмиш ва бузругвор муҳаддислардин уч имом анда ватан қилгон турурлар: бири Абу Муҳаммад (Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн) Наср (ибн Ҳумайд) ал-Кашший³⁷⁸ /ва яна бири (Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Дорамий ас-Самарқандий³⁷⁹ ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий³⁸⁰, разийаллоҳи анҳум. Ул маҳалда олам аҳли масъала ва масоили диний учун атроф оламдин Кеш вилоятига келур эрмишлар. Ва

ул жумладин Абу-л-Хусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Нишопурий³⁸¹ келиб Абдурахмон ибн Хумайд ал-Каший қошига истифода қилгон турур ва кўб аймма ва афозил анда бўлгон эрмишлар ва барчанинг дарслари бор эрмиш. Бу жиҳатдин Кешни «Қуббатул илм вал адаб» лақаби бўлуб турур. Баҳор вақти ул шаҳарнинг тому тоши кўм-кўк бўлур ва кўк кўрунгон жиҳатидин анга Шаҳрисаба от бўлуб турур. Сичен³⁸² йилда, торих етти юз сексан бирда (1380, март) ул шаҳарга қалъа солдурди ва жаҳдлаб тамом қилдурди. Ва андоқ шаҳри бўлдим, гардун Муҳандиси мунча ёши билан оламни кезиб, ҳеч бир ерда мундоқ шаҳар ва кўшк кўрмаган турур.

Соҳибқирони зафарқарин Ҳожи Сайфуддинбекни Малик Гийёсуддинга, Ҳирот вилоятига йибарғони

Ҳазрат соҳибқирон қишлоқдин Ҳирот вилоятига Малик Гийёсуддинга элчи йибардим, «Аввал баҳорда бекларким, нўёниёдин турурлар, барча жамъ бўлуб қурултой қилгумиз турур. Малик керакким, бу қурултойда ҳозир бўлғай». Боргон элчи Малик қошида бориб сўзни дегонда Малик элчини йахши сийлаб қайтариб йибарди. Ва жавоб мундоқ дедиким, «Агар Ҳожи Сайфуддинбек бу сори келса, мен анинг била хизматқа борғум турур». Зоҳири била мундоқ, аммо ботинида қўрқар эрди.

766 Ҳазрат соҳибқирон бу сўзни эшитгач, Ҳожи Сайфуддинбекни йибарди. Бек Ҳиротқа етконда Малик анинг мақдамини азиз тутуб, муддати бекни сақлади, бу баҳона биланким, «Пешкашларим тайёр бўлмагон турур», вале ҳисорга устлиқ кийирур эрди. Ва мундин бурун бир қалъа солиб эрдиким, анинг давраси икки йағоч эрди; ул қалъани жаҳд қилур эрди, /тамом бўлғай. Ва маҳаллот ва боготким, шаҳардин ташқари эрди, кўброки шаҳар ичида кириб эрди. Бу умид билаким, агар ғаним пайдо бўлса, анда кира олмағай. Ҳожи Сайфуддинбек Маликнинг афъолидин фаҳм қилдиким, ўзга хаёли бор. Андин ижозат тиламай, шаҳардин чиқиб, Самарқанд йулига кириб, мулозиматқа етти ва Маликнинг афъоли ва кирдорини шарҳ қилди.

Бу маҳалда Алибек ибн Арғуншоҳ Жониқурбони соҳибқирон мулозиматиға келди: бовужуд улким, андин гуноҳлар зоҳир бўлуб эрди, ҳазрат ул ҳаракотларни хотириға келтурмай, июнат в шафқат анинг ҳаққида қилди. Ва анинг қизини амирзода Муҳаммад Султон учун қалинлиқ қилди ва неча кун тўйлар тортиб, аиға отлар миндуруб, хилъатлар кийдурди. Хуросон бормоқ учун анинг била кенгашти ва муқаррар мундоқ бўлдим, аввал баҳорда ҳозир бўлғай, то иттифоқ била Хуросонга борғайлар. Алибек бу маънини қабул этиб, ҳазрат яна анга июнатлар қилиб ижозат берди. Байт:

Чу бўлди сарафроз шах лутфидин,
Ёниб, қўйди ўз юрти сори юзин.

Ҳазрат соҳибқирон шаҳзода Мироншоҳни Хуросонга йибарғони

Ҳазрат соҳибқироннинг ҳиммати раво кўрмас эрдиким, олам ичинда андин ўзга киши мамолик амрида даҳл қилғай, ё «Вилоят менга тегар» деб даъво қилғай. Доим муборак тилида кечар эрдиким, «Дунё андоқ ер йўқ турурким, икки киши анда даҳл қилғай ва дунёни йасагон Парвардигор бир турур. Дунёда ҳам подшоҳ бир керак».

77a Ул маҳалда Эрон вилоятида ҳар мамлакатда бир жамоат бош чиқариб, подшоҳлиқ қилур эрдилар. Ҳазрат соҳибқирон Турон вилоятини мусаххар қилгондин сўнг муборак хотириға туштиким, Эрон вилоятини забт қилғай. Эрон сори мутаважжих бўлуб, сичен йилда фарзанди аржуманди мирзо Мироншоҳким, ун тўрт ёшида эрди, Хуросон вилоятининг /ҳукуматиға муқаррар бўлди. Ҳожи Барлосбек билан Ҳожи Сайфуддинбек ва Оқ Буғабек ва Усмонбек ва Муҳаммад Султон ва Хумори, Тамуканунг иниси ва Тобон Баҳодур ва Урус Буға, Сари Буганинг иниси ва Пир Хусайн Барлос, Мусабек ўгли Ҳамза ва Муҳаммад (Қузагон) ва Сариқ Атка, Уч Қаронинг

ўгли Музаффар ва ўзга беклар элик қушун черики била отланиб, ҳазрат шаҳзоданинг мулозиматида барчани Хуросон вилоятига йибарди³⁸³. Шаҳзода ҳукм йўсуни била амал қилиб, қалин черик билан ҳазрат Изад таоло паноҳида сигиниб, Эрон сори мутаважжих бўлдилар. Шеър:

Чу Турондин Эрон сори шаҳриёр,
Йибарди ўғлини шаҳи номдор.
Амунунг йақосида қилди мақарр,
Буюрдики, жамъ ўлеун аҳли хунар.
Йасасунлар анда кемадин равон,
Сув устида кўфрукким, ўтсам аён,
Хунарвар равон қилди бино ва кор,
Мураттаб қилиб, кўфрук устувор.
Ки ўттилар андин черики равон,
На қўркунч эди анда, на ваҳми жон.

Сувдин ўтуб ул қиш Балхда ўлтурди. Қишнинг охирида Бадғисда³⁸⁴ черик йибариб, чобтилар ва бисёр мол олиб ёндилар. Хутнинг ўн бешида Алибек Жониқурбони ҳазрат қошида элчи йибардиким, «Агар ҳазрат ўзи мутаважжих бўлуб, бери келурлар (эрс) банда хизматда бел боғлаб, гажирчи бўлурмен».

Ҳазрат соҳибқирон Эрон вилоятига черик тортиб борғони

Товуқ йилда, тарих етти юз сексон иккида аввал фасли баҳордаким, (1381, феврал) олам маҳбулларнинг юзидек гуллардин ороста бўлуб эрди, ҳазрат соҳибқирон Эрон вилоятига таважжуҳ этиб, фармон қилдиким, «Черик жамъ бўлсун!» Атроф ва жавонибдин анча киши йиғилдиким, тамом сахро чодир ва оқ уй ва шомиенадин тўлди. Ҳазрат соҳибқирон авжи азимат ва давлат билан сувдин ўтуб, Андхудқа етти³⁸⁶. Ва гоят сидқ ва ихлодин Бобо Сангуким, авлиёлардин эрди, тавофиға борди. Ва Бобо Сангу, жазаба ва ҳолатиким, анда бор эрди, бир қўйунг тўшини ҳазрат қошиға ташлади. 776 Ул ҳазрат /шу куп тутуб, тўшни олиб дедиким, «Хуросонким, ер юзининг тўши турур, бизга Тангри бергуси турур». Ва ўшандоқ бўлди ва андин саодат ва иқбол билан юриди.

Малик Муҳаммадким, Малик Гиёсуддиннинг иниси эрди ва Сараҳс қалъасида эрди, ҳазратнинг келгониди хабар билиб, мулозиматқа келди, ва ҳазратнинг иноят ва шафқати сарафроз бўлди.

Марварудинким, машҳури Мурғоб³⁸⁷ била турур, анди ўтуб, Чекдаликим, Ҳиротнинг ўн бир йағочида турур, туштилар. Ва Алибекка киши йибардиким, «Черикингни жамъ этиб, бизга бот етишакўргил!» Алибек аҳд юзини бевафолиқ тирноғи билан бузуб, келурға тааллул қилди ва аёқини гурурдин ташқари қўйуб, боргон кишини ҳам йибармади.

Малик Гиёсуддин ул йақинда Нишопурни сарбадоллардин олиб, черикининг кўпи анда эрди. Ҳазрат соҳибқирон Кусуй ва Жом сори равон бўлдиким, андаги черик Маликка қўшулмағай. Кусуйға етконда Паҳлавон Маҳдийким, ул ернинг улуғи эрди, ўтрув чиқиб, саврин била келиб ҳазратни кўрди. Ва ҳазрат ани йахши кўруб, андаги элга ҳеч зарар тегмади.

Ҳазрат соҳибқирони покъятиқод мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тайободийға³⁸⁸ бориб, ул яғонаи даҳрнинг суҳбатиға мушарраф бўлди. Ва ул олим диннарвар йахши насихатлар деб, бир-бирини дуо қилиб, Ҳирот сори мутаважжих бўлди.

Ҳазрат соҳибқирон Фушанж қалъасини мусаххар қилғони

Ҳазратнинг фотиҳ раъияти Фушанж қалъасиға³⁸⁹ етти. Нусратшиёр черики ул қалъани ўрғада олиб туштилар, хандақида суви кўп жиҳатидин уч кун таваққуф бўлди, ва уч кун қалъанинг олмоқиға ва уруш асбобиға машғул эрдилар. Туртинчи кунда отланиб келиб уруш солди. Назм:

Чу тўртинчи кундаки, султони меҳр,
 Ки тожи эрур нур ва тахти спехр.
 Юриди шаҳаншоҳи олийтабор,
 /Ким ул қалъани олғай ул шахриёр.

Йарлиқ бўлдим, «Ҳар киши тўш-тўшидин уруш солеун!» Ҳар тарафдин ҳисорга юз қўйиб урушладилар. Баҳодурлар синочлар билан ва йағочлар билан ел киби ул сувдин утуб, ҳисорнинг хокризига чиқтилар. Ва ҳазрат соҳибқирон жайбасиз бир диккалай била қалъа тегарасида юруб, баҳодурларга кўнгул берур эрди. Баҳодурлар ани кўруб, аларга куч-қувват бўлуб, урушқа юридилар. Ҳисор устидин тош ва ўқ йамғур киби келур эрди, андоқким, икки ўқ ҳазратнинг қалқониға тегди. Амирзода Аликим, Муъаййидбекнинг ўгли эрди ва ҳазратнинг синглисидин тугуб, ҳазрат анга тағоси бўлур эрди ва Ийгу Темур Билгут ва Умар Аббос ўгли ва Мубашширлар ва ўзга баҳодурлар илгари бориб, фасилға еттилар. Ва элик уруб, фасилдин юқори чиқтилар. Ҳар нечаким душманлар ўқ ва тош оттилар, қайтмадилар ва шижоат пешасининг шери Шайх Али Баҳодур ва кичик иниси Султон ва Элчи Буганинг ўгли Мирак қиличларин чиқариб, баҳодурлуқ била ҳамла қилиб, дарвозаға юридилар ва хандақдин ўтуб, дарвозаға бориб, душманлар била урушуб, аларни қочуруб, дарвозани олиб очтилар. Ва мансур черики ҳар тарафдин қалъаға ёпушиди, рахналар қилиб, қалъаға кирдилар ва ичидаги душманларни барчани ўлтурдилар ва горат ва торож эликани чиқариб, ҳар нимаким топтилар, таладилар.

Бу фатҳ оқил ва зийракларнинг қошида ишорати азим эрди; Эрон нилоятида аввал ериким фатҳ бўлди, бу эрди. Ва бу қалъа бағоят берк қалъа эрди ва Хуросон вилоятида андоқ мазбур қалъа йўқ эрди. Хандақи асру чуқур ва тўла сув ва ичида эли қуб. Мундоқ қалъани мусаххар қилмоқ асру улғу иш турур ва мундин маълум бўлдим, Эрон мамлақати тамом фатҳ бўлғуси турур. Ва бу урушда йамон кўзнинг дафъи учун Илёс билан баъзи кишилар хандақнинг суви ичида талаф бўлдилар.

/Ҳазрат соҳибқирон, яъни Темур Гурагон
 Ҳирот сори бориб, ани тақи фатҳ қилғони

Ҳазратнинг муборак хотири Фўшанж қалъасидин жамъ бўлуб, азимат ишонини Ҳирот сори қилди. Малик Гийёсуддинга гурури ва ҳисорининг берклигига ва кишисининг қўплигига мағрур бўлуб, уруш асбобини тайёр этиб, қалъани беркитти. Чаҳоршанба куни соҳибқирон мансур черики била анда етиб, ташқаридаги боғларни бузуб, томларини йиқиб, хагдақ қазиб туштилар. Ва ҳазрат ўзи муборак нафаси билан шаҳарии (атрофини) бир эврулуб, тушар ва кирар йўлларини кўзлади. Мухолифлар кийна камарларини беллариға боғлаб, дарвозаларни очиб, гўрийлардин бир жамоат киши чиқиб, уруштилар. Номдор беклардин ва баҳодурлардин, алалхусус, Қиморшоҳ Барлос ул кун йахши ишлар қилдилар ва душманларни дарвозағача суруб, шаҳарға кийурдилар ва андип ёниб, ҳар киши ўз ерига тушуб, фароғат қилдилар. Тонгласи нуератпаноҳ черики отланиб, йасол тортиб, қалъанинг ўтрисида келиб турдилар. Охшомғача ул кун уруш солмадилар. Тонгласиким, жумъа куни эрди, чоштгоҳ бўлғонда зафар черики оҳанги уруш қилиб, қалъа сори юридилар. Ўрус Буға билан Мубашшир бир пора баҳодурлар билан ҳисор тубида келиб турдилар ва саъйи қилур эрдиларким, юқори чиққайлар. Душманлар ҳисор устидин мардоналиқ кўрсатиб, ҳисорни сақлар эрдилар.

Саодат ва иқбол билаи ҳазрат соҳибқирон ҳар сори юруб кўрар эрдиким, баҳодурлар нечук иш қилурлар, ва ҳар ердаким стар эрди, турғон баҳодурларға кўнгул бериб ўтар эрди. Аларға бир кўнгул минг бўлуб, ишларига жади ва жаҳд қилур эрдилар.

Фармон бўлдим, «Бари соридин султоний уруш солиб юрусунлар!» Ийгу Темур ва Мубашшир ва Севинчак илгари бориб, ҳисор тубиға кирдилар. Ва ҳар нечаким ўқ /ва тош ҳисор устидин отар эрдилар, қалқонлари билан олиб илгари бордилар ва шотулар қалъаға қўйиб, юқори чиқтилар. Ва яна диловар Мамарри Ганий кўшкидин, андинким Ижал суйи шаҳарға

кирар эрди, кирдилар. Шаҳар улут эркан жиҳатидин эл бир-биридип хабардор эмас эрдилар. Ва ул кун Малик Гиёсуддин ул дарвозадаким, Ижал суйининг кўфруки устида эрди, туруб уруш қилур эрди. Аммо ул иш ҳеч фойда қилмади ва мансур черикидин аввал кишиким қалъага чиқти, Халил Ясовул эрди. Ҳар соридин беклар ва баҳодурлар юруб, қалъага чиқтилар ва баҳодурлар дарвозаларни душманларнинг кўнглидек синдуруб, ичкари кирдилар. Ва хазон елидекким, йағоч устидин йафроқни тўкулгай, мухолифларни тепадин ушандоқ ташладилар.

Малик Гиёсуддин қочиб ичкари қалъага кирди. Мансур черик Малик кишиларидин икки минг киши тутуб ҳазрат қошига келтурдилар. Ҳазрат соҳибқирон аларнинг гуноҳларидин кечиб буюрдиким, «Хатлар битиб, булар билан шаҳар ичида йибаринг!» Хатнинг мазмуни бу эрдиким, «Ҳар кишиким ўз ерида ўлтуруб фасил устида чиқмағай, амонда бўлгай турур. Ва ҳар ким чиқиб урушса гуноҳи ўз бўйнида». Ва мундоқ хат битиб, бу олгон кишиларга бериб, шаҳар ичида йибардилар ва дедиким, «Элга кўрсатгайсиз!» Шаҳар эли бу хатларни кўруб, ҳар киши ўз уйига кириб ўлтурди. Малик ичкари ҳисорга кириб ҳаёл эттиким, қалъани беркитиб сақлағай. Ҳар нечаким элни чорлади, ҳеч киши эвидин чиқмади ва сўзини ҳеч киши эшитмади. Билдиким, қалъани сақласа бўлмас, ҳазрат соҳибқиронга бўйун қўйиб, таслим бўлмоқ керак. Аносиниким, оти Султон Хотун эрди ва Тағай Темурхоннинг қизи эрди ва улут ўғли Пир Муҳаммадни, Искандар Шайхийким, Бижан наслидин эрди, аносига қўшулуб, ҳазрат соҳибқирон қошига йибарди.

796

/Ҳазрат соҳибқироннинг хулқ ва қарами қўймай, келгон кишиларни йахши кўруб, иноят ва шафқат қилди ва маликзодага хилъат ва олтун камар била сарафроз қилди. Ва аларни яна қайтариб йибарди ва дедиким, «Маликка айтингиз: шаҳардин чиқиб келиб, бизни кўрсун ва агар на уруш билан шаҳарни олсак, қўб киши талаф бўлур ва мусулмонларнинг моли ва аҳл-аёли талаф бўлур. Ва аларнинг ёзуқи анинг бўйнида бўлгуси турур». Ва Искандар Шайхийни сақлаб, йибармади ва шаҳарнинг аҳвол ва авзъини сўруб, барчасидин соҳибвуқуф бўлди. Ва Боғи Зогон қўшида келиб тушти. Малик Гиёсуддин чиқмоқ йароғига машғул бўлуб, якшанба куни ҳисордин чиқиб келиб, соҳибқирон дийдориға мушарраф бўлди. Ва юкунуб ҳазрат била кўрушти ва тақсир бўлгон ишларидин уэр қилди. Шейр:

Йамон кишига иши чун бўлса сахт,
Қочар ул йамон кишидин фатҳу бахт.
Чу кўргайки бўлмас муяссар зафар,
Ки кун-кундин аҳволи бўлур баттар.
Тилин очса анга тазарруъ била,
Дегай ишидин уэру зори қила.

Ҳазрат анга амон бериб, хосса хилъатлар билан ва олтун камар билан сарафроз қилиб, шаҳарга йибарди. Тонгласи шаҳарнинг содот ва қазот ва машойих ва донишманд ва акобирлари чиқиб, ҳазратнинг мулозиматиға келдилар. Ва ҳазратни кўруб, қўб навозишлар топиб хушвақт бўлуб, сенидилар.

Бу фатҳ муҳаррам ойида, товуқ йилда, торих етти юз сексон учда бўлди (1381, апрел).

Раъият нуератшиёор андин кўчуб, Ҳиротнинг кун чиқари сори Кўҳдистонда тушти ва неча кун туруб, Гур маликларининг жамъ қилгон молларини бу чоққачаким, йиғиштуруб хазоин қилиб эрдилар, барчани келтурмакка фармон бўлди. Шейр:

Буюрди шаҳаншоҳи никушиёор,
Хазина ичинда на-нимаки бор:
Агар бўлса тож ва агар рахт,
Ва ҳам олтун камар била рахт,
Қаторлаб барини менга келтурунг,
Равон келтурунг менга, тезроқ юрунг³⁹⁰.

Хазинадип бўлгон молни чиқариб келтургондин сўнг фармон бўлдиким,
«Ташқи қалъани бузулсунлар!» Шейр:

80a

/Чу олди хазоин молини тамом,
Буюрди ҳамул дам шаҳи нескном.

Ҳисор томини ер била тенг қилинг.
Бу ишга равон, барча оҳанг қилинг.

Ва моли амон шаҳарга солиб, тўрт кунда олдилар. Мавлоно Низомуддин ўгли мавлоно Қутбуддин аъламу уламо эрди, икки юз йахши қадхудолар била муқаррар бўлдиким, Шаҳрисабзга боргайлар. Термиз даругаси, Темуртош Оқ Буганинг иниси эрди, буларга муҳассил қўйдиким, буларни кўчуруб, Шаҳрисабзга элткай. Шаҳардаги дарвозаларким, темурдин эрди ва барчаси наққошлиқ аларни тақи ҳукм бўлдиким, «Кешга элтсунлар!» Ва Маликка тааллуқ бир ҳисор бор эрдиким, ани Ишқалча дер эдилар ва Амонкўх тақи айтурлар, кичик ўликим, оти Амир Ғурий эрди ва бисёр диловар ва паҳлавон эрди, ул қалъада эрди. Соҳибқирон Маликка деди: «Ўғлунгга киши йибаргилким, келиб бизни кўргай ва агар келмаса сен тақи ўғлунг қошига боргил!» Малик ҳукм била амал қилиб, Ишқалча қалъасига бориб, ўглини юз айтмоқ ва эшитмоқ била тушуруб, ҳазрат қошига келтурди. Ва ҳазрат ани тақи йахши кўруб, хилъат ва камар била сарафроз қилди.

Ҳазрат соҳибқирон Тус ва Калот сори таважжух қилиб борғони

Соҳибқирон Ҳирот забтидин кўнгул жамъ қилиб, амир Жаҳоншоҳ Жақуни черик билан Нишопур сори йибарди ва Алибек жиҳатидин ўзи Калот³⁹¹ ва Тус³⁹² сори таважжух қилди. Ва йўлда Абу Муслим³⁹³ алайҳирраҳмат мазорига етти, камоли сидқи ва ихлосидин тушуб зиёрат қилди ва анинг руҳидин ҳиммат ва мадад тилаб, тиланди.

Алибек (Жониқурбони) эшиттиким, ул ҳазрат фатҳ ва нусрат билан келадур, қўрқунч ва изтироб кутқалида тушуб, заруратдин ҳеч чора топмай, ҳазрат қошига келди. Ҳазрат ўз лутф ва карамидин анга ҳеч нима демай, йахши сўрди.

80б Хожа Али Муъаййид Сарбадол Сабзаворда ҳабар билиб, ул тақи хизмат ва мулозиматда келиб, лутф ва инъом /била сарафроз бўлди. Шейр:

Икковини карам бирла қилди карам,
Аларни қилиб лутфидин мухташам.
Камар берди ва тўн ва шамшири хос,
Яна топдилар иккиси ихтисос.

Ва андин отланиб саодат била Исфароинга³⁹⁴ юриди: Валибекнинг кишилари анда эрди. Ва Исфароинга етканда черик ҳануз тушмайдур эрдиким, ҳукм бўлдиким, «Қалъа ишига машғул бўлсунлар!» Черик тушмай, қалқонлар олиб, ҳисор сори юридилар. Ва ҳисорга етконда филҳол ёпушуб, томини тушуруб кирдилар ва кўб кишини ўлтуруб, бўлгон иморатини ер била тенг қилдилар.

Андин сўнг ҳазрат соҳибқирон Мозандаронга Валибекка элчи йибардиким, «Агар келиб бизни кўрарсенмиким, мақсудунг бўлса ўшандоқ бўлгуси турур. Ва агар тааллул қилиб келмасанг, бало ва меҳнат эшикини узунгга узунг ачқунг турур». Элчи Валибек қошига борди. Элчини йахши кўруб, иззат қилди ва ҳазратнинг йибаргон хатини кўруб, ўпуб, бошига қўйиб дедиким, «Мен ҳазратқа дўст ва давлатхоҳмен. Ҳазратнинг хизматида борғумдур». Яна элчиға дедиким, «Мендин ҳазратқа дегин, назм:

Ўпуб ер ва мендин дегасен шоҳға,
Шаҳаншоҳи диндору огоҳға.
Ки жон бирла бандамсн эй шаҳриёр,
Сенга эй шаҳаншоҳи олийтабор».

Ҳазрат Исфароиндин отланиб Ўғулчату йайлоқида чиқиб неча кун анда ултурдиким, хоригон отлар ўзига келгунча.

Бу маҳалда аҳолийи Хурошаким, мундин бурун мазкур бўлуб эрдиким³⁹⁵, амир Ҳожи Барлос била Идику Барлосни ўлдуруб эрдилар, ул элни тутуб ўлдурдилар. Ва ул мавзъни Идику Барлоснинг ўгли Муҳаммад Дарвешқа ва Ҳожи Барлоснинг набираси Али Дарвешга берди ва бу чоққача аларга тааллуқ кишиларда турур.

Ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори қайтқони

81a /Ҳазрат соҳибқирон андин қайтиб, Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Ва Хуросон вилоятиким, мусаххар бўлуб эрди, вилоятнинг заботи учун Ҳирот маликини ва ўзга вилоятларнинг даруғаларини ҳар бирини ўз вилоятларига йибарди. Ва амир Шайх Сабзаворийким, Хуросон фатҳидин бурун қочиб ҳазрат қошига келиб эрди, ани Сабзаворда пешво қилди. Ва Тобон Баҳодурни даруға қўйди ва таважжух юзини салтанат тахти сори қўйди. Ва спехр юз тил била айтур эрди, назм:

Етишти хусрави соҳибқирони жамъкирдор,
Зафарқарин ва саодатанис ва давлатйор.

Жамолидин яна Турон бўлуб бихиштгарин,
Ва висолидин яна тобти ҳаёт аҳли диёр.

Юз азимат ва шодкомлиқ (била) Самарқандда кириб, ул диёрнинг улук-кичикининг кўзлари жамолидин йаруқ бўлди. Ҳазрат тақи ул элга иноятлар қилиб, ҳеч киши қолмадиким, андин ул кишига файз тегмаган бўлғай. Ва қиш бўлгонда Бухорога бориб, ул қиш анда қишлоқ солиб, давлат била ўлтурди. Ва Мироншоҳ мирзо ҳукм билаким Сарахсқа бориб эрди, Малик Гиесуддиннинг инисини Самарқандқа йибариб, ўзи анда қишлади.

Ака Бегининг вафот бўлғони зикри

Замонаи бадмеҳру бадкирдор, давлат гулшанини тароват била ораста кўруб, ҳасаддин узга бўлди ва дунёнинг иши мундоқ турурким, агар бировни кўнгулни шод кўрса, ул шодлиқ кейнида юз гам келтурур. Ва агар суруре кўрсатса, яна анинг кейнида моний туруб турур. Мақсуд улким, хотири фархундафол ҳазрат соҳибқиронийким, аини шодмонлиқ ва комронийда эрди, меҳнат ва гам бирла озурда қилди.

81b Ҳазратнинг исмат пардасининг кейнида бир кизи бор эрди. Тагайшоҳ отлиқким, ани севгон жиҳатидин Ака Беги дер эдилар ва Мусабекнинг ўгли Муҳаммадбекка бериб эдилар³⁹⁶. Ул бонуйи нукужамолким, анингдек замонада яна бири йуқ эрди ва ҳазрат ани куб севар эрди, ул гул боги салтанатқа малолати пайдо бўлуб, марази анга ориз бўлди. Ҳар нечук табиблар савъи эттилар, ҳеч фойда қилмади ва жони шарифини топшурди: *Инно ли-Ллоҳи ва инно илайҳи рожиъуна*³⁹⁷. Андин бир ўгул қолди, Султон Хусайн отлиқ.

Ҳазрат бу воқеадин андоқ мутааллам бўлдиким, дунёнинг иши ва кучидин тамом эликини ювди ва оламни бу аламдин барча багирлари чок ва бошларига нола ва зори била доду фарёд қилур эрдилар. Марсия:

Қон тўкти фалак кўзлари бу мотам учун,
Кийди қаро даҳр кечада бу гам учун,
Ой юзини йиртти, Зухра кести сочин,
Кўк кийди бу даҳр ул шаҳи олам учун.

Ва шаръи мутаҳҳара йусуни била кафанини тартиб этиб, тобутқа қўйуб, Кешга элтиб қўйдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон анинг руҳи учун таъзият очиб, фуқаро ва масокинларга таомлар бериб, тасаддуқ ва хайру эҳсон қилди.

82a

Бу маҳалда хабар келдиким, Алибек амир Вали билан мутгафиқ бўлуб, Валибекни андоқ этиб турурким, черик тортиб Сабзаворға келиб, Али Муъаййидни муҳосара қилиб турур. Ҳазрат фарзанд воқиъасидин андоқ бўлуб эрдиким, олам кўзига кўрунмас эди. Ул хабарларни эшитиб ҳеч парво қилмади. Аммо ҳазратнинг эгачиси Қутлуқ Туркон ого³⁹⁸ кириб ҳазратқа шафқат юзидин деди: «Агар мундоқ бепарволик қилсанг, олам бир-бир бўлуб бузулмай. Худойнинг хостиға ҳеч чора йўқ турур. То олам бор эрмиш, ушбу тариқ эмиш. Ғам емак фойда қилмас. Агар мундоқ бўлсанг раъият ва мамолик паришон бўлуб, худойнинг бандалари бехонумон бўлмай. Нечук бир жамоат бебоқлар Мозандарондин чиқиб, бисёр мусулмонларни бехонумон қилиб турурлар? Тариқа /бу турурким, алар дафъи учун отланиб, андоқ гушмол бергайсенким, ўзга ҳеч кишига мундоқ ҳаво ва ҳавас бўлмамай». Бу калимотким, айни некхоҳлуқдин эрди, ҳазрат соҳибқироннинг кўнглига асари Хуросон сори азимат қилди.

Ҳазрат соҳибқирони зафарқарин Хуросон сори таважжух қилғони

Соҳибқирон қишнинг уртасида фармон қилдиким, «Черик йиғилсун!» Черик жамъ бўлгондин сунг саодат юзини Хуросон сори қилиб, Бухородин отланди ва фатҳ ва зафарининг овозаси олам ичра тўлди. Байт:

Яна чиқти Турон соридин хуруш,
Яна булди бу олам ичинда жуш.

82b

Мохон йўлидан ўтуб, Калотқа яқин тушти. Амирзода Мироншоҳким, Сарахсда эрди, келиб ҳазратқа қўшулди. Ва Малик Ғиёсуддин черики била Ҳиротдин келди ва Алибек³⁹⁹ ҳазратнинг келгонидин бурун аҳли ва аёлини ва гала-қаросини Калот ҳисорига кийуруб эрди. Соҳибқирон қариндошлиқ ҳаққини сақлаб андоқ этмадиким, анинг вилояти хароб бўлмай. Анга киши йибардиким, «Мендин қўрқуб қалъага кириб турур. Эмди тараддуд қилмай бизнинг сори келгил. Ва агар келмасанг, ҳар наким бўлмай, гуноҳи ўз буйнунгга бўлгуси турур». Алибекка азалдин анга нақбат насиб бўлгон эрди. Ул насихат анга иссиқ қилмади ва Калотнинг берклигига мағрур бўлуб, ҳазрат қошида келмади. Соҳибқирон Гаранким, Абивардга⁴⁰⁰ тааллуқ турур, бориб анда тушти. Ва черикка жар еткурдиким, «Валибекнинг бошига борурсиз!» ва овоза солиб хабарсиз Калот сори юриди. Алибек ва анга тобеъ бўлгон кишилар хотирларини жамъ этиб, дедиларким: «Соҳибқирон Мозандаронга кетти» ва бўлгон қуй ва от ва теваларни ҳисордин чиқариб, ўтлоққа қўйдиларким, нусратшиъор черики келиб барча молни суруб элтти. /Ва ҳазрат келиб Калот дарвозасигаким, Чаҳордаҳ жиҳати билан машҳур турур, тушти. Хайма ва ҳиргоҳ уруб ўлтурди. Амирзода Мироншоҳ дарвоза Даҳчага тушти ва амирзода Аликим, Муъаййидбекнинг ўгли эрди, Баҳра гузарида тушти ва амирзода Ҳожи Сайфуддин Дарбанди Аргуншоҳда⁴⁰¹ тушти ва амирзода Умаршайх яна бир дарвозада тушти. Алибек бу черикни кўруб, қўрқуб узру ниёз ва тазарруъ билан арзадошт қилиб, йибардиким, «Йамон ҳаракатдин тавба қилдим ва ишимдин уётлик бўлубтурмен. Ҳазрат лутф қилиб, дарвозага яқин келиб турсунлар, то мен чиқиб аларнинг аёгин упуб, кўзумга суртайим». Ҳазрат соҳибқирон камоли марҳаматидин сўзини қабул қилиб, беш киши била ҳисор эшикида борди. Ва ул ҳисорнинг бир йўли бор эрди, асру тор ва иничка. Алибек маълум қилдиким, соҳибқирон оз киши билан келиб турур, яна бадбахтлиги ва шайтоннинг васвасаси кўнглига тушуб, хотириға кечтиким, мақри қилмай. Бир жамоат бадқирдорни каминларда қўйдиким, маҳал тобқанда ишлағайлар ва ўзи аҳдига вафо қилмай ҳисордин чиқмади. Ва бу маънидин ғофилким, байт:

Ангаким, эрур ҳифзи Илоҳий йовар,
Йўқтур ғам, агар жумла жаҳон бўлса адув.

Ҳазрат соҳибқирон бу адувгоҳда келиб, қўб туруб кўрдиким, Алибек сўзига вафо қилмади, ёнди. Ва ҳазрат Ҳаққ июнатидинким: *Ва жаъално*

83a

мин байни айдиҳим саддав ва мин халфиҳим саддан фа-ағшайнаҳум фаҳум ла йубсирун¹⁰²: барча бадандишатар кўр ва қар бўлуб, ҳеч кимга ул мажол булмадиким борурда ва келурда элик чиқора олғай. Ложурма, ул ҳазрат саломат ва саодат андин чиқиб ерига келди. Ва Алибекнинг макр қилгонин маълум қилиб, ғазаб ўти бошига тугашиб, буюрдиким, «Уруш солсулар!» Ҳар киши ўз турғон жойидин илгари бориб уруш солдилар. Бир жамоат макритдин ва бадахшонийлардин, алар тоғ /ичида ўсган кишилар эрдилар ва ҳар бири юурда какликдин ўзар эрдилар, аларга ҳукм бўлдиким, «Тоғ устида чиқсулар!» Ул гуруҳ тоғ сори юруб, кечада чиқтилар ва наққора уруб ва нафир чалдуруб, сурон солдилар. Яна ҳазрат бир жамоат баҳодурлардин аларнинг кейнида йибарди, мисли Оқ Темур ва Ййгу Темур, Баҳра йулидин тоғ камаридин чиқтилар. Ва Оқ Темур анда турғон душманлари суруб қалъага чиқтиким, мухолифларга мушарраф эрди. Ва Ййгу Темур анда сунгу еткурди¹⁰³ ва ўзга баҳодурлар ҳар киши ҳар соридин чиқиб душманларни қовлаб, тоғ устида чиқтилар. Ва Умар Аббос ва Мубашшир неча киши билан илгари бориб, тоғ камарида чиқиб турдилар ва душманлар бу ҳолни кўруб кўрқуб амон тиладилар. Алибек яна зори ва тазарруъ қилиб, ҳазрат қошига киши йибариб дедиким, «Лутф қилиб тоғқа чиққан кишиларни қайтарсулар. Мен тонгласи бандалиққа келайим». Онтлар ичиб бекларидин Некрўзбек ва Муҳаммадшайх Ҳожини йибарди ва ўз қизиниким, амирзода Султон Муҳаммаднинг¹⁰¹ қалинлиги эрди, йибарди. Алар келиб, адаб била юкунуб, Алибекнинг сўзини арзадошт қилдилар. Яна ҳазратнинг лутфу карами қўймай буюрдиким, «Черик қайтеун!» Барча беклар ва баҳодурлар қайтиб хизматда келдилар. Тонгласиким, байт:

Чу чиқти яна шоҳи зарринкулоҳ,
Қаро тўнини ташлади яна моҳ,

836

ҳазрат соҳибқирон давлат ва саодат била отланиб, Калот дарвозасига борди. Алибек заруратдан чиқиб келди ва ҳазратнинг аёғини уруб, гуноҳидин узр қилди. Ҳазрат гуноҳидин кечиб, узрини қабул этти. Ул узр билан дедиким, «Бугун мулозиматдин мени муъаф тугеунлар. Тонгла мулозиматда келайим». Соҳибқирон анинг сўзини қабул этиб, ани ижозат бериб, ўзи қайтиб юртида /хуршидтек келиб тушти.

Алибекнинг завол куни ахшомиға етиб эрди ва бахт андин қайтиб эрди, ани қўймадиким, туз йулида борғай¹⁰⁵: яна йамон андиша кўнглига тушуб, ул ерлардинким, черик чиқиб эрди, барчани беркитти ва аҳдни синдуруб йаағи бўлди.

Ҳазрат соҳибқирон ун тўрт кундин сўнг Қаҳқа ҳисориға, Бовард ва Калот ўртасида турур ва хароб эрди, иморат қилмоққа фармон бўлди¹⁰⁶. Ва зафарпаноҳ сипоҳийни икки кунда маъмур эттилар. Ва Ҳожи Хожани бир жамоат баҳодурлар билан анда қўйдурди. Суюрғатмишхон ва амирзода Али ва Шайх Али Баҳодурни ўзга йўлдин Калот муҳофазасига таъйин қилдурдиким, қалъага киши қиролмағай ва чиқолмағайлар¹⁰⁷. Йўлларни беркитиб андоқ эттиларким, ҳеч киши анда боролмас эрди.

Ҳазрат соҳибқирон Туршиз сори бориб, қалъасини фатҳ қилғони

Ҳазрат соҳибқирон чун Калот қалъасини мазбут қилиб, ўзи давлат ва саодат била Туршиз сори юриди¹⁰⁸. Ва Ясеи Дабондин ўтуб, Хабушонға кирди¹⁰⁹. Ва Маҳди улё Дилшод огоға марази пайдо бўлуб, Самарқанд сори йибардилар ва ўзи нусрат ва саодат била юруб, Туршиз вилоятиға кирди ва қалъага яқин келиб тушти. Ул қалъа асру берк эрди ва ичида Амир Али Садидий садидийлар била ўлтуруб эрди: садидийлар Ғур вилоятидин эрдилар ва алардек қалъа сақламоқда ва баҳодурлуқда ул замон киши йўқ эрди ва Малик Ғиёсуддин аларга эътимод қилиб, тобшуруб эрди. Ҳазрат Малик Ғиёсуддинға айттиким, «Булар сенинг навкарларинг турур ва бу қалъани сен буларга берибсен. Сен бизга мутиб бўлубсен. Не учун булар ҳисорни

сақлайлар?» Малик деди: «Ақлсизлиқдин». Малик ҳисор тубига бориб ҳар нечаким насиҳат қилди, анинг сўзини эшитмадилар. Соҳибқирон буюрдиким, қалъани/ ўртада олиб, урушқа машғул бўлдилар. Ҳазрат соҳибқирон отланиб, қалъа тегарасида юруб, чиқар тушар ерини кўзлади ва манжаниқ буюрди. Ва хандаққа нақаб¹¹⁰ солиб сувини чиқардилар ва ҳисорнинг тубида нагамлар солдилар¹¹¹. Қалъа эли юқоридин ўқ ва тош отар эрдилар. Шейр:

Гард эгар эрди анда кўзни кўр,
Кавс уни ҳам қулогларни кар.
Тир саҳмидин эрди халқи зор,
Қиб-қизил юзлари эрди нилуфар.

Манжаниқ тоши била бурж ва борани йиқиттилар. Садидийлар паришонҳол бўлуб, кўрдиларким қалъапи сақласа бўлмас, тазарруъ ва зори била амон тиладилар. Ҳазрат аларга амон бериб, қалъадин чиқтилар, келиб ҳазратнинг дийдориға мушарраф бўлдилар ва аларга лутфидин йахши кўруб, инъомлар килди ва Туркистон сори йибариб, андаги қалъаларни аларга топшурдиким, анда бориб, ул қалъаларни муҳофизат қилгайлар.

Форс вилоятининг подшоҳидинким, Шоҳ Шужоъ эрди, элчи келгони

Шоҳ Шужоъким, Шероз вилоятининг подшоҳи эрди ва Оли Музаффар эрди¹¹². Ул замонда анингдек улўғ подшоҳ йўқ эрди ва асру оқил ва фозил ва доно киши эрди. Соҳибқирондин хабарлар эшитти, яқин билдиким, соҳибқирон баҳр ва бир олам бўлғуси турур. Умаршоҳким, анинг бекларидин эрди, ҳазратқа элчиликқа йибариб, дўстлўғ ва давлатхоҳлўгини изҳор қилдуруб, арзадошт йибарди. Арзадоштнинг мазмуни улким, «Муҳаббат йўлидин сенга киши йибариб, бизнинг вилоятдин йахши нималарким ҳосил бўлур, пешкаш учун борган киши била йибардим. Ва отларким, эгар, юганлари олтуиндин турур ва бардаъий хачирлар ва ракиб хачири била ва қатор тевалар юклари барча қумош саропарда, сикарлот ва оқ уй ва ола боргоҳлар ва шомийопалар йибардим. Ва барчадин ғараз дўстлўқдин узга гараз йўқтурур».

846 Умаршоҳ айтқон нешкашлар била даргоҳи олийға келиб, кўрунуш килиб, келтурган нималарни тортти. Ҳазрат тақи Умаршоҳни /йахши кўруб, отлар миндуруб, тўнлар кийдуруб, сонсиз йармоқ берди. Ва келтургон хатнинг жавобини битиб, ўз кишисини қўшуб, йахши туҳфалар била йибарди ва қизини Жаҳонгир мирзонинг ўгли мирзо Пир Муҳаммад учун тиладиким, «Чун аромизда дўстлўғ бўлгон турур, эмди керакким, қариндошлиқ воқий бўлғайким, бир-биримизга меҳру муҳаббат артуқ бўлғай» деб, элчини ижозат бериб, ўз кишисини қўшуб Шерозга йибарди.

Соҳибқирон Мозандаронга борғони

Туршиз ҳисорини олгондин сўнг Мозандарон¹¹³ сори мутаважжих бўлди ва Руд йўлидин Кабуджома ва Шосмон¹¹⁴ мавзесида тушти. Мозандароннинг ҳокими Валибек чун эшиттиким, ҳазрат соҳибқирон етти, қўрқуб Ҳожибек билан ўзга бекларни йахши пешкашлар била ҳазратнинг мулозиматиға йибарди ва тазарруъ тили била айтиб эрдиким, «Ҳазрат давлат била қайтесулар. Мен фароғат нуридин йахши туҳфалар тартиб этиб, хизмат камарини белимга боғлаб келгаймен». Мозандарон беклари пешкашлар била ҳазратнинг даргоҳи олийда келиб, дийдориға мушарраф бўлуб, Валибекнинг арзадоштини арз қилдилар. Ҳазрат буларни йахши кўруб, ижозат бериб, Мозандаронга йибарди.

Ушул маҳалда хабар келдиким, Шайх Али Баҳодур тоғ йўлларини йахши таҳқиқ қилиб, бир кеча ўз навкарлари била Калот ҳисориға чиқиб турур. Ул кеча қаронғулўқ жиҳатидин йўлни ғажат қилиб, бир бек камарга чиқиб тургон эрмиш. Душманлар воқиф бўлуб, йўлларни тутуб урушуб

85a

турурлар. Ва анда урушуб турурларким, баҳодурнунг кишиларига тиркашларида уқ қолмаган турур ва йигитлардин кўб киши талаф бўлуб турур. Аммо узга баҳодурлар хабар билиб келиб, ул ердин қолғои йигитларни чиқариб турурлар. Аммо Алибек била Шайх Али Баҳодур бир-бирини кўруб, аҳд қилиб, йарашиб турурлар. Ва Алибек Шайх Али Баҳодурни / тушуруб йахши хизмат қилган турур ва ҳоло кеча-кундуз бир-бирига мусоҳиб турур. Ва Алибекнинг умиди ултурурким, ҳазрат гуноҳидин кечкай.

Ҳазрат бу хабарни билиб, Мозандарон ҳокими била йарашиб, ёнди. Шумулкон ва Жармиқон йўлидин ўтуб, Радкон¹¹⁵ мургзориди тушти. Ул ерда Шайх Али Баҳодур Алибекни қилич ва қафп била келтуруб, қонини тилади¹¹⁶. Ҳазрат яна марҳамат ва лутф қилиб, гуноҳидин кечти, ва лутфу иноят анинг ҳаққида қилди ва Радконни аңга суюрғал берди ва Сабзаворни Али Муъаййид Сарбадоғга берди ва фармон бўлдимки, «Малик Гиёсуддинни ўғлон-ушоғи била ва Алибек тақи ўғлон-ушоғи била Самарқанд сори борсунлар» ва Жониқурбон элини бекларига улаштурди ва барчани хона-кўч (била) Самарқандга йибарди¹¹⁷.

Ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори борғони

Хуросон мамолики муҳолифларнинг дағдағасидин қутулди. Амирзода Мироншоҳнинг кишиларини ул вилоятларда даруга ва ҳоким қўйдилар. Ва ҳазрат давлат ва иқбол била Самарқанд сори таважжух этиб фатҳ ва нусрат била бориб, ул биҳишттек вилоятқа тушти. Ва андағи эл-улуснунг умид кўзлари жамолидин йаруқ бўлди. Ва тахтда ўлтуруб Алибек била Гўрийбекким, Малик Гиёсуддиннинг ўғли эрди, ва агоси Муҳаммадни банд қилиб Андижонга йибарди, Умаршайх мирзо қошида. Ва Жониқурбониларни Тошкандга йибарди ва Малик Гиёсуддинни ўғли Пир Муҳаммад била Самарқандда сақлади.

85b

Ул қишда тақдири Илоҳийдин Ҳирот вилоятида ажойиб иш воқеъ бўлди ва баёни андоқ турурким, Малик Фахруддиннинг ўғлонлари Пир Муҳаммад била агоси Ҳиротда эрдилар. Ва Малик Гиёсуддин аларни эътибор қилмайдур эрди ва гоят фалокат кун кечуруб юрур эрдилар. Чун ҳазрат соҳибқирон Хуросонни олғонидин сўнг алар ҳазрат қошида арз қилдиларким, «Бизлар Малик Гиёсуддин била агосини ўғлонлари бўлурбиз ва / бизнинг атоларимиздин қолғон ер-сувимишни олиб, бу бечораларни зору-хор қилибтур». Ҳазрат аларга шафқат қилиб, Гўрнунг ҳукуматини улғуғимки, оти Пир Муҳаммад эрди, иноят қилди. Ва ушул маҳалда Абу Саъид Испаҳбадким, Гўрий бача эрди ва Малик Гиёсуддин ани банд қилиб, ўн йил мундин кечиб эрди. Ҳазрат лутфидин ул банддин халос бўлуб эрди. Ва амирзода Мироншоҳ беклари Мурғобда Пандех¹¹⁸ мавзёсида қишлоқ этиб эрди, Малик Пир Муҳаммад Абу Саъид Испаҳбад бир неча нодон гўрийлар била муҳолифат қилиб, Ҳирот сори мутаважжих бўлдилар. Ва Ҳиротқа яқин етиб шаҳардаки авбош етимлар алар била муттафиқ бўлуб, даруга билан муҳассилларким, ҳар бири бир муҳим (иш) учун беклар йибаргон эрдилар, бу ҳолдин хабардор бўлуб, Ихтиёридин қалъасига кирдилар. Ул бадбахтлар шаҳарга кириб, зулм эликларини узаттилар ва мусулмонларнинг жафоларига машғул бўлдилар ва қалъа эшикига келиб, дарвозага ўт қўйдилар. Ичидаки турклар қўрқуб, ўзларини қалъадин ташладиларким, жонлари саломат қолғай. Аммо ул золимлар аларни тирик қўймас эрдилар. Ва хабар амирзода Мироншоҳга етти. Амир Ҳожжи Сайфуддин ва Оқ Буғабек таъжил билан Ҳиротқа юридилар ва амирзода Мироншоҳ тақи аларнинг кейнида черики билан юриди. Беклар Ҳиротқа етканда гўрийлар шаҳардин чиқиб, Хиёбон кўчасида уруштилар ва муҳолифларни босиб, кўб киши алардин ўлтурдилар ва қолғони шаҳар ичида қочиб кирдилар. Ва бўлгонда ҳар бири бир сори қочти. Амирзода Мироншоҳ этиб, нусратпаноҳ черики қилич чиқариб, ул бадбахтлардин кўб кишини ўлтуруб, бошларидин миноралар қўпордилар. Ва бу хабар Самарқандда этиб, ҳазрат соҳибқирон бу ҳолдин огоҳ бўлуб, Малик Гиёсуддинким арк ичида маҳбус эрди ва иниси Малик Муҳаммад ва кичик /ўғли Амир Гўрий ва Алибек Жониқурбониким, Андижонда эрди — буларни барчасини узга оламга йибарди.

86a

Дилшод ого ва Қутлуг Туркон оғонинг вафот бўлғони зикри

Тунгқуз йилида, етти юз сексон бешда (1383, ёзи) ҳазрат соҳибқироннинг ҳарам муҳтарами Дилшод ого вафот бўлди. Ва неча кундин сўнг ул ҳазратнинг эгачиси Қутлуг Туркон оғоким, анвоъи хайр андин воқеъ бўлуб эрди ва мадрасалар ва хонақоҳлар йасаб, мискину фақирлар анинг хайротидин кеча-кундуз файз топар эрдилар, ул тақи жаннати аъло сори борди ва анинг қабрини шаҳзода Қусам ибн ал-Аббоснинг¹¹⁹ мазорига яқин қаздилар ва қўйдилар. Ва ҳазрат соҳибқиронга бу икки ҳодисадин муборак кўнгли бисёр малул бўлди ва таъзият тутуб, анча ош ва садақа бердиким, ҳисобини Тангридин ўзга билмас эрди.

Ҳазратнинг муборак кўнгли дунёдин совуқ бўлуб, дунё муҳиммотига ҳеч парвоси қолмадиким, подшоҳлиқ ва салтанат оламда борму ё йўқ, Уламо ва машойих ва содот ва сулаҳо, мисли Саййид Баракадек ва Хожа Абдулмалик ва Шайхзода Соғаржи иттифоқ қилиб ҳазрат қошига кириб ўлтурдилар ва давлатхоҳлиқ юзидин ваъз ва насихат била тилларин очиб, оёт ва аҳодис била хотирини тасалли бериб, дедиларким, «Фақир ва мискин ва раъёе ғамини сангиз афзал турур, барча нимадин ва адл ва дод била машғул бўлунгким, ғам смак била ҳеч ҳосил булмас». Анча сўзлар ва ҳикоятлар дедиларким, ул ҳазратнинг муборак кўнгли яна фақиру мискин ва раъёе ва черикка майл қилиб, мамлакат забтига машғул бўлди.

Соҳибқирон Жета сори черик йибарғони

866 Ҳазрат соҳибқирон ўшул йилда (1383) амирзода Алини черик билан Жета сориким, кўбраки иймонсиз ва кофир эрдилар, йибарди¹²⁰. Ва Қамариддин аларнинг улуги эрди ва баҳрин қавмидин эрди ва фитна дарёсининг наҳанги эрди, камин этиб Алибекнинг ўғруқини талади. Ул ёниб келди. Ул ҳазрат Шайх Али Баҳодур ва Ҳожи Сайфуддин ўгли /Сайфулмулк ва Аталмиш ва Арғуншоҳ Ахтачини черик била Жета сори йибарди. Булар кеч қолган жиҳатидин амир Жаҳоншоҳ Жаку ва Элчи Бугани ва Шамсуддин Уч Қаро ва Сайин Темур Баҳодурни ўн минг киши билан аларнинг кейнида йибарди. Отақумга етконда бекларким, илгари бориб эрдилар, баҳрин элини топиб, кўб киши алардин ўлтурдилар ва углон-ушоқларини асир этиб ёндилар. Аммо амир Жаҳоншоҳга ҳукм бўлуб эрдиким, Қамариддин бошига бориб, жаҳд қилиб, ани эликка кийургай. Ёнгон беклар барча иттифоқ била Қамариддин бошига бориб, Исси Кўлдин ўтуб, Кўктубағача бордилар¹²¹ ва ҳар неча Қамариддинни тиладилар, топмадилар. Андин ёниб, Самарқандда тушуб, ҳазрат хизматида келдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Мозандарон сори мутаважжих бўлуб, йўлдин Сейистонга борғони

Соҳибқирон ўшул йилда (1383) Мозандарон сори мутаважжих бўлди ва ҳиммат юзиши ул вилоятнинг тасхирига қўйуб, сонсиз черик жамъ этиб юриди. Ва Самарқанддин отланиб, Термиз гузарида кўнрук боғлаб ўтти ва андин Мурғоб йақосида давлат била тушти. Жақубекким, Кобулистон вилоятининг ҳокими бўлуб эрди, келиб ҳазратни кўруб, муборак дийдорига мушарраф бўлди ва баъзи муҳиммотеким мамлақати учун эрди, арз қилиб, барчани саранжом қилиб, Кобулга қайтти.

Бу маҳалда хабар келтурдиларким, Никударийлар йаағи бўлуб, вилоятга ташвиш берурлар ва тақи Шайх Довуд Сабзаворийким, ҳазратнинг иноятининг Сабзаворнинг пешвоси бўлуб эрди, муҳолифат қилиб, Тобон Баҳодурким, ул ернинг даруғаси эрди, ўлтуруб турурлар. Ва мирзо Мироншоҳ бу ҳолдин хабар билиб, Оқ Бугабекни Ҳиротдин йибариб турур ва Ҳожи Сайфуддин тақи бориб, Сабзаворни қамал этиб, урушуб турурлар ва Сабзаворни уруш била олиб кўб кишини ўлдургон турурлар. Ва Шайх Довуд андин қочиб, Бадробод қалъасига /етиб, ул қалъани беркитиб турур.

Ва ул қалъа бир тоғ устида турур, асру берк ер турур. Ҳожи Сайфуддинбек ва Оқ Бугабек ул қалъа сори бориб, қалъаани ўртада олиб, ўлтуруб турурлар. Бу хабарларни ҳазрат соҳибқирон эшиткондин сўнг ва Сеистон эли тақи муҳолиф эрдилар, Шайх Али Баҳодур ва Уч Қаро Баҳодурни куб киши била Валибек сори йибардиким, анда бориб сарҳадда ўлтуруб вилоятдин хабардор бўлсунлар. Ва ўзи давлат билан Сеистон сори мутаважжих бўлди. Ва ҳазрат аввали рамазонда (1383, 29-30 октябрь) Ҳиротда бориб тушти ва шаҳардаги кишиларни ғурийлар била иттифоқ қилгон жиҳатидин аларга моли амон солиб олди. Ва андин отланиб, Сабзаворға бориб тушти ва ҳукм бўлдиким, «Ул қалъаға нағам солсунлар!» Ва Шайх Йаҳё Хуросонийни нағамчилар бошиға муҳассил қўйдурди ва ул қалъани занбурхонадек тамоми таҳини ковак қилдилар. Ул қалъа йиқилди, ҳар ким анда эрди, ҳалок бўлди. Ва Шайх Йаҳё бир том остида қолди ва Сабзавор элидин икки минг кишини тирик бир-бири устида қўйуб, гириҳ ва балчиқ билан бирки-тиб, миноралар қўпордилар, то олам эли бу қаҳрдин воқиф бўлуб, мундоқ ишлар қилмағайлар⁴²². Ва андии сўнг (Сеистон) сори борди. Шер:

Кучуб чалди ул шоҳдин табул кўс,
Жаҳон гардидин бўлди чун обунус.
Борур эрди ул черики номдор,
Ким отлиқ ичинда эди юз ҳазор.

Шоҳ Жалолиддинким, Фароҳнинг¹²³ ҳокими эрди, бандалиқ камарин белига боғлаб, қалъадин чиқиб, пешкашлар била келиб ҳазратни кўрди. Ул ҳазрат тақи ани йахши кўруб, андин Оқ Темур Баҳодур билан бир жамоат қўшун йигитларни йибардиким, Сейистонни чобқайлар. Ҳукм бўлгондин сўнг Сейистоннинг дарвозасиға чобтилар ва куб мол олдилар. Нусратшиғор черики Риза⁴²¹ қалъасиға еттилар. Ўшул замон уруш солиб қалъани олдилар. Азим жанг бўлди ва қалъадин чиққон беш минг киши, алардин кўпраги/галаф бўлди. Ва улган кишиларнинг бошларидин миноралар қўпордилар⁴²⁵.

876

Сейистон қалъасини қамал қилгонлари

Ҳазрат соҳибқирон Риза қалъасидин черики билан йасол тортиб юриди ва бир жамоат хосса кишилар била илгари юруб, шаҳарга яқин етконда бир қавм устида чиқиб турди. Шоҳшоҳон Тожуддин Сейистоний Шоҳ Қутбуддин қошидин келиб, ул ерда ҳазратни кўрди ва зори ва тазарруъ била хирожу мол қабул қилди. Ва ҳазрат аларнинг сўзига қулоқ солмай туруб эрдиким, шаҳардин душманлар йароглари била мукамал чиқиб уруш солдилар. Ҳазрат соҳибқирон икки минг кишини бир камин ерда қўйди ва Муҳаммад Султоншоҳға буюрдиким, «Оз киши билан илгари юрусун ва душманлар била урушуб, ўнг қўл сори қочсун!» Ва Муҳаммад Султоншоҳ ҳукм йўсуни била амал қилиб, оз киши била юруб душманға ўтрав келдилар. Душманлар буларни кўруб от солдилар. Булар қочиб, ўнг қўл сори кеттилар. Душманлар аларнинг кейнида тушуб, чопар эрдиларким, каминда тургон баҳодурлар чиқиб, аларни қилич остида тутуб, асру азим уруш бўлди. Муҳолифлар кўпраги йайоғ эрдилар, ханжар захми била куб кишини мажруҳ қилдилар ва аларнинг кўпраги қилич зарби билан кеттилар ва дарвозагача суруб, муҳолифлардин ўлтурдилар. Байт:

Чу туфроқ бўяди қизил қон била,
Зафар топтилар тиғи буррон била.
Кўрунмади қон жушидин майдона,
Ичида бош эрди бари бетана.
Жаҳон бўлди қондин чу дарёи Об⁴²⁸,
Ки бошлар ичинда эди чун беҳисоб.

Кеч бўлгон жиҳатидин қайттилар ва ул қалъани ўртада олиб туштилар. Ва ул кеча ун минг киши билан шаҳардин¹²⁷ чиқиб шабихун солдилар. Ва булар Шамсуддин Аббос ва Барот Хожаға учрадилар. Алар анча таҳаммул

қилдиларким, хандақдин ўтуб, чодирларға яқин еттилар ва бир неча от ва тевани ханжар била талаф қилдилар. Андин сўнг ҳар ердин ўқ отиб, кўб киши алардин /ўлди ва қолгонлари қалъага қочиб кирдилар. Яна тонгласиким спехрнинг Жамшиди¹²⁸ оламни сеҳр қилгон учун забаржад ҳисорига нурдин олам кўтарди ва жаҳонни юлдуз черикидин қутқорди. Шеър:

Чиқарди каминдин яна тиғи меҳр.
Халос этти зи анжум паёмин спехр.
Буюрди шаҳаншоҳи соҳибқирон,
Ки бўлсун черикдин жаҳон то жаҳон.

Черикдин бўлғои йигитлар ва баҳодурлар отланиб, юзларини шаҳар сори қилдилар ва шаҳарға етиб бир тарафдин уруш солдилар. Амирзода Али¹²⁹ беш юз отлиқ била уруш солиб, ул дарвозаким аларнинг ўтруссида эрди, чопиб дарвозага еттилар ва ҳар бир йигит Рустами Достондек ишлади ва дарвозага кирдилар. Муҳолифлар урушуб, дарвозани тутуб, алар дарвоза ичида қолдилар.

Ушул маҳалда Оқ Темур Баҳодур минг киши биланким, ҳар бири Рустам ва Исфандиёрдин ўзларини ортуқ кўрар эрдилар, чопиб қилич зарби билан дарвозани олгон душманларни қочуруб кирдилар. Ул жамоат йигитларким, дарвоза ичида қолиб эрдилар, амирзода Али билан саломат чиқиб, музаффар ва мансур ҳумоюн черикка қўшулдилар. Шоҳ Қутбуддин билдиким, бу соҳибқирон била урушса бўлмас, ниёз ва тазарруъ элидин кирди ва қалъадин чиқиб, ҳазрат қошига кирди. Келиб юзини аёғига суртти. Ҳазрат гуноҳидин кечиб, лутф ва марҳамат кўзи била анга назар солдилар. Ҳазрат диккалай келиб жайбасиз ўн беш киши билан чериктек тафаххус қилгали учун бориб эрдиким, Сеистон жоҳилларидин йигирми минг киши, бовужуд улким, аларнинг подшоҳи мулозиматқа келгон турур, ўқ-ёйлари била қалъа устидин тушуб, пуератшиёр черики сори юридилар. Соҳибқирон аларни кўруб, гўл сори чопиб ҳирнинг¹³⁰ забтига машғул бўлди. Жоҳиллар ўқ отиб, ҳазратнинг отига ўқ тегиб, мажруҳ бўлди. Аммо соҳибқирон гўлга /етконда буюрдиким, Қутбуддинни беркиттилар ва черикни мураттаб қилиб, муборак нафаси била урушқали юриди. Беклар юкунуб дедиларким, «Йиллар турурким, сенинг давлатингда айшу ишрат ва фароғат асбоби бизга муҳайё турур. Ва юз шодмонлиқ ва танаъум била умр кечирурбиз. Эмди бизлардин бир киши тирик бўлгунча раво кўрмасбизким, сен урушқа киргайсен. Байт:

«Гар бўлса бизга минг жон, эй шаҳриёри олам,
Барча эрур туфайлинг, эй фаҳри жумла одам».

Ҳазрат бекларнинг сўзин қабул этиб, ерига турди. Беклар ҳар соридин юруб, ўқ ва қилич била ул бадбахтлардин димор чиқортилар¹³¹ ва кўбраги от остида қолиб ўлди ва қолгонлари юз машаққат била қочиб, ҳисорга кирдилар ва дарвозани беркиттилар. Ва сипоҳи зафарпаноҳ яна ҳамла этиб, хандақдин ўтуб қалъа томига ёпушуб, раҳналар қилиб чиқитилар ва шаҳарни олиб қалъани бузулдилар. Шаҳар ичида сипоҳийлардин ҳар ким қолиб эрди, ултурдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон буюрдиким, «Шоҳларнинг молини шаҳардин чиқарсунлар!» Шеър:

Чу достони Сом еридин шаҳриёр,
Буюрди чиқоринг яна нимаки бор.
Кумиш бирла олтун, мурассаъ камар,
Яна тахти зар била ҳам тожи зар.
Зи мисрий қилич, жайбалар бешумор,
Қизил била оқ тангалар бешумор.
Тубучоқ отлар, хачирлар қатор,
Теванинг қатори эди бешумор.

Молни чиқариб ҳазрат қошида келтурдилар ва ҳар наким шаҳар ичида бор эрди, талонга кетти. Ва талон ўти ул шаҳарнинг ичида тушуб, ҳўлуқуруқ барча қўйди: на синоҳий ва на раъиягдин анда киши қолмади. Бу фатҳ шаввол ойида, торих етти юз сексон бешда, тўнғуз йилда воқий бўлди ва Офтоб жадий буржида эрди (1383, 22-25 декабри).

Шоҳ Қутбуддин била ул ернинг улугларини Самарқандда йибардилар, уламо ва сулаҳони кучуруб, Фароҳ ҳисорига йибарди. Ва баҳодурлар тиглари чашмасидин ва фатҳ фирузидин сероб бўлуб, /соҳибқирон иноятдин сарафроз бўдилар. Шеър:

Талади чу Сеистонни ул шаҳриёр,
Бериб нусрат ва фатҳ анга кирдикор.
Кишиларким, анда қилиб эрди кор,
Қилиб барига лутф ул номдор.

Ва Сеистон ҳукуматини Шоҳшоҳонга берди⁴³².

Ҳазрат соҳибқирон Бўст сори борғони

Ҳазрат соҳибқирон Сеистон фатҳидин сўнг Бўст⁴³³ сори мутаважжих бўлди ва йўлда борувда нусратшиёр черики Қалъаи Тоқни⁴³⁴ мусаххар қилиб буздилар ва Ҳирманд суйининг⁴³⁵ йақосида туштилар. Ва андин Бўст қалъасига бориб, ани ҳам олдилар ва ани бузуб андоқ қилдиларким, андин ҳеч асар қолмади. Ва андин Кўка Қалъа⁴³⁶ йўлидин юридилар ва анда хабар топдиларким, Туман Никударий Кач ва Мекрон⁴³⁷ йўлини тутуб, ҳеч карвонни қўймаским, бери келгай. Соҳибқирон мирзо Мироншоҳниким, ун етти ёшида эрди, Туман Никударий устида йибарди⁴³⁸. Ва Шер Баҳром ўгли амир Муҳаммадким, соҳибқироннинг била қўб назари бор эрди ва Шайх Али Арғун Барлос ва Севинчак Баҳодур ва ўзга бекларни шаҳзодага қўшулуб йибарди. Булар илғор қилиб, кеча-кундуз суруб, чўлдин ўтуб, Қарн жилгасида кирдилар. Туман Никударий ҳашаами била ул саҳрода ўлтуруб эрдилар. Черикдин хабар топиб, урушқали отландилар. Амир Сайфуддин Ҳожини анинг била бурун дўстлуғи бор жиҳатидин ва яна улким улуг ёшлиқ эрди, дўстлуқ ҳаққини мулоҳаза қилиб, киши йибариб, ани ҳурмат била сурди ва неххоҳлик юзидин айттиким, «Ҳеч даҳшат қилмай ва муҳолифат қилманг. Мен сени соҳибқирон қошида элгиб, наким муродинг бўлса, андоқ қилайим». Аммо Туманнинг умри йамондин тўлуб эрди, ул насиҳатни қабул қилмай, уруш солди. Булар тақи урушуб, ани бостилар ва Туманни тушуруб, бошини кесиб, ҳазратқа йибардилар.

896 Ва соҳибқирон мансур черики билан Ҳирманд суйининг юқорисидин юриди. Ва Парвардигори олам иноятдин бири ул эрдиким, ҳар ким бир кун /йамонлиқ қилиб эрди, ул киши зору хор бўлуб, даргоҳида келур эрди. Мамақтувким,⁴³⁹ Ҳусайнбек ва соҳибқирон Сеистондин қайтиб келур эрдилар йўлни тутуб, урушуб, соҳибқирон эликига ўқ уруб эрди, бу маҳалда пешкашлар била ҳазрат қошида келди. Ва соҳибқироннинг муборак кўзи анга тушуб, таниди ва мажлисдин чиққанда ҳазратнинг ишорати била ани ўқлатиб ўлтурдилар. Мамақтувга тааллуқ қалъалар мусаххар бўлди.

Ҳазорбаро қалъасида тўқайи садасидин туман элидин уч минг киши жамъ бўлуб, йўлларни тутуб эрдилар ва барча иймонсиз ва кофир эрдилар, ва фасод эликларини чиқариб, мусулмонларга зарар ва захмат берур эрдилар. Нусратшиёр черики анда етканда ул қалъани ўртада олиб, уруш солдилар ва баҳодурлар мардлик кўрсатиб андоқ берк қалъани бир замонда олдилар. Ва кофирларким анда эрди, баъзисини тоғ устидин ташлаб, баъзини қилич била ўлтурдилар ва бошлардин миноралар қўпордилар.

Андин Даҳна қалъасига бориб, тағочи эли анда эрди, ул қалъага етиб, уруш солиб олдилар. Ичидаги элни қатл қилиб, бошларидин миноралар қўпордиларким, анда иқбол муқарриси чиқиб, фатҳ ва ферузлуқ овозасини олам ичида солгай.

Авғонийлар била уруш қилғонлари

Мундин бурун авғонийлар Сулаймон тоғидин киши йибариб, даруға тилаб эрдилар⁴⁴⁰. Аммо бу маҳалда хабар келдиким, авғонийлар йаағи бўлуб, тобиъат йўлидин чиқиб турурлар ва йаағи бўлуб турурлар. Нусрат-

шиёр туғи алар сори юзланиб юриди. Ва ўшул кунким, мансур черики анда етти, уруш солдилар, асру қаттиқ уруш бўлди. Амирзода Али ва Ийгу Темур ва жамоати черикдин захмлиқ бўлдилар. Муборакшоҳ ўғли Йангишоҳ шаҳид бўлди. Оқ Темур Баҳодур бу ҳолатни кўруб гайрат ўти бошига йугурди ва ҳазрат қошида келиб юкунуб, ижозат тиладиким, «Бу йўлда/ҳазрат учун жонимни фидо қилурмен». Ҳазрат анинг гайратини билур эрди, қўймади ва деди: «Хайф бўлгайким, сендек киши зосъ бўлгай». Ва қўшун бекларидин қўб киши ерларини бўш қўйиб қайттилар, магар Рамазон Хожаким ерида туруб эрди.

Ҳазрат соҳибқирон Бахт Хожа Ўзбек билан Шамсуддин Аббосқа ишорат қилдиким, ҳамла қилсунлар. Ва Ийд Хожа бир тош кейнида камин этиб туруб эрди, душманлар анинг қошидин ўтарда (алардин) бировни сочидин тутуб, ерга урди ва бошини кесиб ҳазрат қошида йибарди. Кичик ёшида мундоқ иш қилди. Ва баҳодурлар яна ҳар соридин уруш келтуруб, ҳазратнинг давлатидин қалъага ёнушуб олдилар ва ичидаги бўлгон ўғлонларни тутуб, қалъадин тушурдилар. Ва ҳазорижот ва қўшунотқа улаштурдиларким, барчани ўлтурдилар. Шеър:

Ўшул ўғрилардин шаҳи комрон
Бировни тирик қўймади дар жаҳон.

Андин отланиб, ҳазрат Жаббор наноҳида Қандаҳор⁴¹ сори юриди ва Жаҳоншоҳ Баҳодур ва Мубашшир ва Искандар Шайхийни сийлаб, киши билан илгари йибарди. Ва алар анда етконда қалъани ўртада олиб туштилар. Уруш солиб ҳазрат давлатидин Қандаҳорни олдилар ва анинг даругасини тутуб ҳазратқа йибардилар. Ҳазрат ишорати била ани дорға осиб ўлтурдилар ва ҳазрат соҳибқирон Қандаҳорға бориб тушти.

Жаҳоншоҳ Жақуни қўб мақтаб, лутқлар қилди ва ани черик била Калот⁴² ҳисорига йибарди. Ва Жаҳоншоҳ ул қалъага бориб уруш солиб, ани тақи мусаххар қилди ва музаффар ва мансур қайтиб, ҳазрат қошида келди.

Бу маҳалда амирзода Мироншоҳ Хустор йўлидин Султон Маҳмуд Работидин⁴³ ўтуб, ҳазрат қошида келди. Шеър:

Ва боргон черик ёнди аз ҳар диёр,
Зафар бирла ҳамдам, саодатқа ёр.
/Тегиб бахту давлатдин онларға баҳр,
Мусаххар бўлубтур чи қалъа, чи шаҳр.

Ҳазрат соҳибқирони саодатманд Самарқанд сори мутаважжих бўлғони зикри

Систон ва Зобулистон вилояти мусаххар бўлғонидин сўнг муҳолифлардин ҳеч киши ул вилоятларда қолмади. Кўнгли жамъ бўлуб, Қандаҳор вилоятини Сайфал Барлосқа берди ва Туманинг элини Сайфал Никударийга берди. Ул киши Жақубек раҳмати Ҳаққа бориб эрди, анинг ерини Жаҳоншоҳким, Жақубекнинг ўғли эрди, (анга берди). Ва черикни ижозат бериб, ўзи саодат ва иқбол била кечаю-кундуз суруб, ўн тўрт кунда Самарқандда тушти. Самарқанднинг акобиру ашрофлари ўтрав чиқиб, пешкашлар била ҳазрат дийдорига мушарраф бўлуб, шукроналар бердилар. Бу маҳалда ҳазрат Жаббор иноятинин соҳибқиронга ўғул бўлуб, севинди ва ул ўғулни Султон Иброҳим от қўйдилар ва улў тўйлар қилиб, айшу ишрат қилдилар. Ва уч ой Самарқандда ўлтуруб, фароғат ва комронлиқ била ўткурди. Уч ойдин сўнг соҳибқироннинг муборак кўнглида Мозандарон вилоятининг фатҳи тушуб, черик йигилмакка фармон қилди.

Ҳазрат соҳибқирон Мозандаронга мутаважжих бўлғонининг сўзи

Сичқон йилида, торих етти юз сексон олтида (1384, баҳор) ҳазрат соҳибқирон Мозандарон сори черик тортиб, мутаважжих бўлди. Назм:

На ергаки борди шаҳи некном,
Ўшул ер анга бўлди жондин гулом.
Юрур эрди коми била бу фалак,
Ҳавохоҳи эрди жаҳонда малак.
Чу Термизқа етти шаҳи муътабар,
Тилади ушул ерда аҳли ҳунар.
Йасагай суви устида куфруки равон,
Ким уткайлар андин черики аён.

Шаҳриёри соҳибқирон черик била кўфрукдин ўтуб, Балхда тушти. Неча кун анда таваққуф қилдиким, черик йиғилгай.

91a

/Бурун мазкур бўлуб эрдиким, Форс подшоҳи Жалолиддин Шужоёдин қизини амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир учун тилаб эрди ва кишилар йибариб эрди. Торих етти юз сексон бешда (1383) боргон кишиларким, — Узун Улжайту ва Ҳожи Хожа эрди, бу йилда алар ул қизни юз тажаммул билан даргоҳи олийда келтурдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон бу келгонларнинг аёгини шавкун тутуб, бисёр хушхол бўлди. Маҳди улё (Сарой Мулк) хоним ва Тумон ого ва ўзга оғолар келгон қизга ўтрав бериб, мақдамини азиз тутуб, иззатлар била ани кўруб, сочиқлар бошига сочтилар. Ва анинг била келиб, урдуға тушти ва тўй ангизи бўлуб, тўй яроғига машгул бўлдилар. Назм:

Йасадилар анда саропардалар,
Ки бўлди жаҳон богдек сар басар.
Сароҳи йамин ва заррин қадах,
Тилади шаҳаншоҳ ва қилди фараҳ.
Чиқарди муганний суруду наво,
Фалак ичра солди хуруши садо.
Йуқ эрди гам ул дамда билгил аён,
Танаъзум била била эрди пиру жавон.

Ҳожи Хожа ул сафарда аёгини ўз ҳаддидин ташқари қўйуб, йахши маош қилмас эрди, ҳазратқа арз қилдилар. Ҳазрат анинг афъолини сўруб, тафаҳхус қилгондин сўнг гуноҳи зоҳир бўлуб, ани ўлдурдилар¹⁴⁵.

916

Черик атроф ва жавонибдин жамъ бўлгондин сўнг ҳазрат саодат ва иқбол билан юриди. Мурғоб суйиға етконда мирзо Мироншоҳнинг ҳарамиким, оти Хонзода эрди, Ҳиротдин чиқиб ўтрав келди ва амирзода Халил Султон икки ойлик эрди¹⁴⁶. Маҳди улё Сарой Мулк хоним Хонзодага тўйлар бериб, амирзода Халил Султонни сақлагали тилади. Соҳибқирон маҳди ифбатмоб Туман оғони урдуда қўйуб, Сарой Мулк хоним ва ўзга хотунларини Самарқанд сори йибарди. Ва ул йўлдин кўчуб, /Баракатош йўлидин Сарахсқа борди ва Сарахсдин ўтуб, Абивардқа етиб, андин ўтуб, Насойға¹⁴⁷ етти. Маълум қилдиким, Валибекнинг кутвали Дурун қалъасини беркитиб турур. Шайх Али Баҳодур ва Севинчак Баҳодур ва Мубашширким, черикдин илгари юрур эрдилар, Гов Куш мавзеъида Валибекнинг қаровулиға етти ва саф тортиб уруштилар. Мубашшир баҳодурлуқ кўрсатиб, душманларға чопти ва оғзиға ўқ тегиб, икки тиши бутзига борди. Ул баҳодур андоқ захм билан қайтмай, яна душманға чопти ва ўқ отқон кишини бир қилич била чопиб солди ва ўзга душманлар қочиб кеттилар. Соҳибқирон анинг баҳодурлуғидин ва ишидин хабар билиб Гов Куш мавзеъини анга ҳудбур суюрғал берди.

Андин юруб Дурун қалъасиға еттилар ва ани ўртада олиб, уруш солдилар. Ва филҳол мусаххар қилиб, кутвали билан андағи черикни ўлдурдилар. ва ҳазрат андин юруб, Деҳистон¹⁴⁸ Жиловунидин ўтуб, Жўржон суйидин¹⁵⁰ ўтуб, Шоҳонға туштилар, байт:

Чу Мозандарон даштиға еттилар,
Шаҳаншаҳ саропардасин тиктилар.

Ва фармон бўлдиким, «Ҳазора ва қўшун беклари черикларидин айрилмасунлар ва ижозатсиз ҳеч қаён бормағайлар ва ҳар ким ижозатсиз черикидин чиқса, боши — улумлук, моли — девоний!» деб жарладилар. Ва

яна фармон бўлдиким, «Ариғларда ва сувларда кўфрук йиғласунлар!» Ва ҳар кунда йари йағоч йўл кўчар эрди ва жангалнинг йағочларини кесиб, йўл йасаб юрур эрди. Назм:

Черикнинг йўли эрди чун бешавор,
Бари эрдилар йўлдин андешавор.
Буюрди черикни соҳибқирон,
Ки йўл очмоққа боғласунлар мийон.
Чу ул бешада шердек кирдилар,
/Йағочлар кесиб йўллар очидилар.

92a

Қаровуллар бир-бирига етиб, нусратшиёор черикининг қаровули душман қаровули била урушуб, кўп кишини тушуруб, ўлтурдилар. Ва ул урушда Ҳожи Маҳмудшоҳ Йасурий йахши ишлар қилди ва ҳар қачонким от солса эрди, киши тушурмағунча ёнмас эрди. Йигирми кунгача ўшмундоқ ҳар кун уруш эрди. Йигирми биринчи кунда ҳазрат соҳибқирон Дарвеш кўпрукидин ўтуб, туштиллар. Аммо Валибек ғайрат этиб, илгари келиб эрди, урушуб йахши турди. Аммо кўрдиким, турса бўлмас, шаҳар сори ёнди ва мансур черики анинг кейнида чошиб, баҳодурлардин кўп кишини тушуруб ўлдурдилар.

Валибек шабихун келтурғони

Нусратпаноҳ сипоҳи Валибекнинг урушидин қайтиб туштиллар. Соҳибқирондин ҳукм бўлдиким, «Туман беклари ва қўшун беклари хабардор бўлуб гофил бўлмасунлар. Ва ихтиёт қилиб, хандақ қазиб, хандақнинг нари юзида йағочдин ва хасу хашакдин томдек нима йасасунлар ва ул томда шишлар беркитесунлар!» Беклар ёрлиқ била наким ҳукм бўлуб эрди, қилдилар. Ахшом бўлгонда яна соҳибқирон (ҳукм) қилдиким, «Черикдин ўттуз қўшун киши бир каминда йароғлари била ўлтурсунлар!» Ўттуз қўшун киши йароғлари била бир камин ерда бориб ўлтуруб эдилар, кеча бўлгонда Валибек Мозандарондин кўп киши била шабихун урғали чиқиб, нусратшиёор черики сори юриди. Черикка етконда ўнг қўл сориким, мирзо Мироншоҳ анда эрди, етиб сурон солдилар ва хандаққа етконда шишларким, ул томда беркитиб эрдилар, қилич ва сунгу била бузуб, андин ўтуб, хандақ ичида туштиллар. Амирзода Мироншоҳ ўз нафаси била ҳамла қилиб буюрдиким, шайба туксунлар. Черик баҳодурлари шайбани қўйуб кўб кишини ўқ била тушуртиллар. Бу маҳалда ўттуз қўшун кишиким, каминда ўлтуруб эрди, каминдин чиқиб, душман бошига чоптиллар. /Валибек буюруб эрдиким, йўлда қудуқлар қазиб ичида шишлар қуваляб, оғзини ёпсунларким, соҳибқирон черики андин ўтконда ул қудуқларга тушкайлар. Камин қилгон беклар каминдин чиқиб, бошига чоптиллар. Валибек туролмай, шаҳар сори қайтиб қочти ва ул қазигон қудуқларига ўзлари тушуб, кўп киши анда талаф бўлди.

926

Ҳазрат Ийгу Темурбекни тилади, дедиларким, йўқтур. Сўруб тафаххус қилиб билдиларким, душман кейнида боргон эрмиш. Тонгласиким, шеър:

Шаҳаншоҳи ховар чу чекти алам,
Жаҳон ичидин кетти зангу зулам.
Очилди қанотин чу товус меҳр,
Фалак узра чиқти шаҳи ин спехр.

Нусратшиёор черики отланиб, Астробод⁴⁵¹ шаҳрига етиб туштиллар. Валибек бу черикни кўруб кўрқуб, кеча бўлгонда хотунлари била ўғлон-ушогини олиб, ўзга йўл била Домғонга⁴⁵² борди. Хотун ва ўғлон-ушогини Гардкўҳ қалъасида⁴⁵³ қўйуб, ўзи Райга⁴⁵⁴ борди.

Ҳазрат соҳибқирон Худодод Ҳусайний ва Шайх Али Баҳодур ва Умар Аббос ва Қиморий Иноқ ва ўзга баҳодурларни анинг кейнида йибарди. Ва алар тазжил била суруб, Райда анга етиштиллар. Ва ул жон кўркунчидин ўзини Рустамдор вилоятида⁴⁵⁵ солдиким, жангал жихатидин ел андин ута олмас эрди ва қалъалари тоғ устида эрди. Валибек ўзини анда солиб,

93a

мансур черикидин қутулди ва бу Валибек Шайх Али Бесуднунг угли эрди ва Тагай Темурхоннинг бекларидин эрди. Ул маҳалдаким, сарбадоллар Тагай Темурхонни ўлдурдилар, Вали анда ўлтуруб эрди, қочиб Насога борди ва атосини ўшул ерда ўлдурдилар. Ва Вали Насода боргонда куч-қувват пайдо қилиб, Астрободда келиб олди ва Луқмон подшоҳким, Тагай Темурхоннинг ўгли эрди, Валибек қўркунчидин саргашта юрур эрди ҳазрат соҳибқиронни эшитиб, мулозиматқа келди ва ҳазрат анга кўп иноят / ва шафқат қилди. Бу маҳалдаким Астробод шаҳри мусаххар бўлди, бу шаҳарнинг ҳокимлигини анга берди.

Ҳазрат соҳибқирон Темур Гурагон Ироқ сори таважжух қилгонининг зикри

Андин сўнг ҳазрат соҳибқирон Оқ Бугабек билан Уч Қаробекни ўғруқ устида қўйиб муқаррар қилдиким, Астрободни қишлоқ қилгайлар ва черикдин ҳар ўн кишидин уч йахши кишини муқаррар қилдиким, ўзи бирла олиб боргай. Саодат ва иқбол била отланиб, Рай сори мутаважжиҳ бўлди. Рай жилгасида етконда Султон Шайх Аҳмад Увайс Жалойир⁴⁵⁸ Султонияда⁴⁵⁷ эрди. Соҳибқироннинг келганин эшитиб, қалъани бир жамоат муътаמיד кишилари била ўғлига топшуруб, ўзи қочиб Табризга борди. Ва Умар Аббос олтмиш отлиқ била, бовужуд улким, қор ёғиб ва совуқ эрди, Султонияга етдилар. Аларни кўруб билдиларким, қалъани сақламоқ била иш муяссар бўлмас. Оқ Бугани олиб Табризга⁴⁵⁸ кетдилар. Хануз алар қалъадин йахши чиқмайдур эрдиларким, Умар Аббос олтмиш киши билан етиб қалъага кирди ва забт ва муҳофизасига машғул бўлди. Ва Бармоқчи отлиқ навқарини Рай сори йибардиким, фатҳ хабарини соҳибқиронга арз қилди. Ҳазрат бу хабарни эшитиб ул қиш фароғат била Райда ўлтурди.

Ҳазрат соҳибқирон Султонияга борғони

936

Ҳазрат соҳибқирон ёз бўлгонда Султония сори юриди. Ул маҳалда Сариқ Одилким, Шайх Увайсининг улуғ бекларидин эрди ва мундин бурун Шоҳ Шужоъ ани Султониядин ўзи қошида элтиб эрди, ул ўлгондин сўнг Султон Зайналобидинга мулозим эрди. Ҳазрат соҳибқирон анга киши йибардиким, «Келиб бизни кўргил. Наким хотиринг тиласа, ўшандоқ бўлгуси турур». Сариқ Одилга киши борғонидин сўнг мулозимат камарини белига боғлаб, Шероздин /чиқиб, хизматқа мутаважжиҳ бўлуб, ҳазрат қошида келиб, дийдорига мушарраф бўлди. Ва ҳазрат анга кўп иноят ва шафқатлар қилиб, Султония била андағи вилоятларни анга берди ва Султоншоҳ ўгли Муҳаммадни черик билан анда қўйдиким, боқмагон вилоятларни юруб боқтуруб, забтга машғул бўлгай. Ҳазрат Султониядин саодат ва иқбол била етги юз сексон еттида (1385) музаффар ва мансур қайтиб, Рустамдор тоғлари ичида кирди.

Ул вилоятларнинг мулуқлари кўрдиларким, уруш қила олмаслар ва эътимодлари ҳам йўқ эрдиким, ҳазрат аларга шафқат қилгай ё қилмагай, зарураттин қочиб кетдилар. Ул вилоятлар ташвишсиз фатҳ бўлди ва андағи элни таладилар ва қўб мол олдилар. Валибек андин тақи қочти.

Соҳибқирон Омул⁴⁵⁹ ва Сорига⁴⁶⁰ мутаважжиҳ бўлди ва тоғ соридин ул вилоятларга кирди. Ул вилоятларнинг ҳокимлари Саййид Камолиддин ва Саййид Разиуддинким, анда ҳоким эрдилар, йараш эшикидин кириб, нойбларини пешкашлар била ҳазрат қошида йибардилар ва сикка ва хутба отиға ўқудилар. Ҳазрат аларга буюрдиким, «Луқмон подшоҳаким, Астрободқа ҳоким эрди, анга тобиъ бўлсунлар ва анинг сўзидин чиқмасунлар.

Ҳазрат соҳибқирон Темурбек яна Самарқанд сори қайтғони

Мазондарон вилояти ва Рай ва Рустамдор ва Султония мусаххар бўлгондин сўнг соҳибқирон давлат ва нусрат била қайтиб, Жайхундин ўтуб, доруссалтана Самарқандда тушти. Ва ул шаҳарнинг ақобиру ашрофларини-

нг қўзлари муборак жамоли била йаруқ бўлуб, пешкашлар била ул ҳазратни кутуб севиндилар. Ва ул ёз соҳибқирон айшу ишрат била анда ултурди. Қиш бўлгонда Занжир Саройда бориб, ул қиш анда қишлади.

94а /Ул қишда Туғтамишхон туғқуз туман черик била ўн икки ўғлонким, бари Жўчихоннинг наслидин эрдилар ва аларнинг боши Бек Пулод ва беклардин Исабек ва Йағлибой ва Қарончи ва ўзга нуёниёндиким, кубраги иймонсиз ва кофир эрдилар, Дарбанд йўлидин ўтуб, Табризга келиб туштилар ва Ширвондин ўтуб, Озарбайжонга келиб туштилар. Ва шаҳарнинг эли, аҳли, раъияти учун Валибекким, ҳазраттин қочиб эрди, иттифоқ қилиб, Маҳмуд Халхолий билан шаҳарни беркитиб, кейин дафъига машгул бўлдилар. Ва бир ҳафтагача урушуб шаҳарни сақладилар. Маҳмуд билан Валибек қочиб, Халхол⁴⁶¹ вилоятига борди. Ул кофирлар шаҳарга кириб, бедодлиқ элигини чиқориб, зулм ва фасод ва ҳар бадбахтликким, эликларидин чиқар эрди, қилдилар. Ва ҳар молким, шаҳар ичида раъият ва сипоҳийда эрди, барчани олиб, икки кеча-кундуз талаб, шаҳардин чиқиб, келгон йўллариға кириб қайтиб кетдилар.

Бу хабар ҳазрат соҳибқиронга етти, мусулмонлар учун кўнгли асру малул бўлди ва бу жиҳатдин Эрон вилоятининг забтига хотирин қўйуб вожиб қўрдиким, ул вилоятларни забт қилгайким, мундин нари анда йаағи кирмагай. Анинг учунким, Эрон вилоятида андоқ подшоҳким, Эрон вилоятини забт қилгай, йўқ. Ва бир неча подшоҳиким бор эрди, барчаси бирибирига йаағи эрдилар, бир-биридин қўрқуб, вилоятларидин чиқа олмас эдилар. Анинг учун мундоқ балолар раъият ва фақиру мискинга тегар эрди⁴⁶². Шерь:

Бўлса чун шоҳга адув бисёр,
Мулкида бўлмагай тинчлик ҳеч.
Бир-бири бирла гар урушса чўнон,
Емагил, қўй гамин, андин кеч.

Ҳазрат соҳибқирон уч йиллик йароғи билан Эрон сори борғони

946 /Барс йилда, тарих етти юз сексон секкизда (1386) соҳибқирони гитиситон Турондин Эрон сори мутаважжиҳ бўлди. Ва ҳукм бўлдиким, «Тавочилар вилоятларга бориб черикка жар еткурсун!». Бу ҳукм бўлгондин сўнг тавочилар юруб, черикни жамъ этиб, даргоҳи олийда келтурдилар. Ул ҳазрат черик жамъ бўлгондин сўнг Сулаймоншоҳбекким, Довудбекнинг ўгли эрди ва Аббосбекни Мовароуннаҳр вилоятларини забти учун қўйдиким, вилоятдин хабардор бўлгайлар. Ва ўзи давлат била саодат юзини Эрон сори қилиб отланди. Назм:

Йна ул шаҳаншоҳи олийтабор,
Черик тортиб бўлди отқа еувор.
Турондин Эрон сори бўлди равон,
Шаҳаншоҳи дин, шоҳи соҳибқирон.

Жайхундин ўтуб, манзилдин манзилга юруб, саодат ва ферузлуқ била Ферузқўхга етти⁴⁶³. Саййид Камолуддинким, Сорининг ҳокими эрди, ўгли Саййид Гийёсуддинни черик билан ҳазратнинг мулозиматиға йибарди. Ва ҳазрат вилоятлардин сўруб, ҳар ернинг ҳокимини сўруб, андин йахши йамон ишларини билур эрди. Ва бу ҳикояталр ичида биров Малик Иззуддиннинг йамон ҳаракатидин ҳикоят қилди. Ва бу Малик Иззуддин Лури Кучекнинг⁴⁶⁴ ҳокими эрди ва мундин бурун Махозга⁴⁶⁵ боргон карвонни уруб, молларини олиб эрди. Бу сўзларниким, ҳазрат соҳибқирон эшитти, човук хотирида кечтиким, ул бадбахтлардин ҳажжожларнинг интиқомини тортқай. Ҳукм бўлдиким, «Черикдин ҳар ўн киши йароғи била даргоҳда ҳозир бўлгай!» Черик жамъ бўлгондин сўнг ўғруқни қўйуб, ҳиммат юзини аларнинг дафъига қўйуб, Луристон сори мутаважжиҳ бўлди. Ва анда етконда буюрдиким, теграсилаги кентларни талалдилар. Ва Хуррамоболким.

95a ул ўғрилларнинг ўлтурур ери эрди, бузулдилар. Ва ул ўғриллардин кошол / олиб, тоғ устидин ташладилар. Ва бу маҳалда Оқ Темур Баҳодур ва Умар Аббос (ва Муҳаммад Султоншоҳ ўғли) бу дунёи фонийдин кечиб, бақо дунёсига бордилар. Ва Хожа Али Муъаййидқа бу юрушда ўқ тегиб эрди, ул тақи умрини ҳазрат соҳибқиронга бағишлаб, кетти. Ва ҳазрат соҳибқирон Лури Кучекни тасхир қилгандин сўнг хотирини ул ўғриллардин жамъ қилиб, аидин кучуб, Неҳованд¹⁶⁰ жилгасида ўғруқдаким кейинда ақарин келур эрди, давлатгек қушулди.

Ҳазрат соҳибқирон Озарбайжон сори мутаважжих бўлғони

Ул маҳалда ҳазратқа арз қилдиларким, Султон Аҳмад Жалойир черик йигиштуруб Бағдодин Табризга келиб турур. Ҳазрат соҳибқирон ўғруқни черик била Шайх Али Баҳодурга тобшуруб, саодат била отланиб, баҳодур йигитлари била илғор солиб, Табризга мутаважжих бўлди. Султон Аҳмад ҳазрат соҳибқирондин хабар тошиб, нашла кибиким, ел қатида туролмағай, Табриздин қочиб, Бағдоқа борди. Соҳибқирон анинг қочқонин билиб, Ҳожи Сайфуддинбек била бир жамоат йигитларни қушуб, кейинида йибарди ва алар Султон Аҳмад кейиниға суруб еттилар. Султон Аҳмад кўрдиким, ганим кейнида етти, бўлғон партолини от ва тева ва хачирлариға солиб, оту қамчин била ўз бошин олиб кетти. Зафарпаноҳ черики ул мол ва партолини олгондин сўнг яна кейнида тушуб юридилар. Шайх Али Баҳодурнинг ўғли Илёс Хожа оз киши била Нахчивондин ўтуб, Намакзор мавзёида Султон Аҳмадқа етти. Ва анинг била кўб киши эрди қайтиб, Илёс Хожа била урушти ва асру қаттиқ урушуб, кўб киши анда захмлик бўлдилар. Ва Илёс Хожаға захми тегдиким, қулоғи эшитмас бўлди. Бу сабабдин Султон Аҳмад қутулуб, ул маъракадин жонин олиб чиқди. Ва Илёс Хожа ул захмдин кўб жафо тортиб, охируламр сиҳхат топти. Байт:

Мараз қаний ва хатарикок эди, вале охир,
Зи юмни давлати соҳибқирон шифо топти.

95b Ва ул воқиёда /Нахчивонда¹⁶⁷ кўб кишини ўлдурдилар. Қиморий Иноқ Зиёулмулк¹⁶⁸ кандида беш юз кишини тутун била ўлдурди. Ва ҳазрат соҳибқирон Озарбайжон мамлакатини мусаххар қилиб, Шанби Ғазонда¹⁶⁹ бориб тушти. Табриз вилоятининг ақобиру ашрофлари, мисли Саййид Ризоуддин ва Хожа Ҳожи Муҳаммад Бандгири Хаттот ва Қози Ғиёсуддин ва Қози Абдуллатиф ва гайруҳу барча бандалиқ камарин беллариға боғлаб, мулозиматда келдилар. Ва моли амонни Табризга солиб, муҳассиллар қуйуб олдилар.

Ҳазрат ул ёзда Табризда эрди, фармон бўлдиким, «Сариқ Одилни ўлдургайлар!» ани бир том устида қуйуб ўлдурдилар. Ва Табриз шаҳрида ҳунармандлардин ҳар кимки машҳур эрди, хона-куч била Самарқандқа йибарди.

Ул маҳалда Валибек жонидин қўрқуб, саросима ва саргашта юрур эрди, Халхол вилоятида бориб, Маҳмуд Халхолий ани тутуб, Қиморий Иноққа тобшурди ва Қиморий ани ўлдуруб, бошини даргоҳи олампаноҳға йибарди. Куз бўлғонда Табриз вилоятининг забтини Муҳаммад Султоншоҳға берди. Ва соҳибқирон Нахчивон сори юриди, Маранд ва Дараизардин ўтуб, Арас суйидин¹⁷⁰ Гаффорулмулк кўфрукидин¹⁷¹ ўтуб тушти. Ва ул кўфрукни андоқ йасаб турурларким, олам ичида ҳеч киши андоқни кўрмай турур, ва барчани тош била қўпориб турурлар. Кўфрукнинг икки бошида икки дарвоза йасаб турурлар ва бу кўфрукда икки тоқ боғлаб турурлар: ҳар бирининг кенглиги олтимиш қари турур¹⁷². Ҳазрат ул кўфрукни тафарруж этиб, Гарни ҳисориға еттилар ва уруш қилиб ул ҳисорни олдилар. Ва Шайх Ҳасанким, ҳисорнинг ҳокими эрди, ани тутуб, буйнини боғлаб, ҳазрат қошида келтурдилар. Ва андин ўтуб, Сармолука ҳисоригаким, Арас суйининг йақосида воқиъ бўлуб турур, еттилар ва тўрт ёнини тутуб, уруш солдилар. Ва ул қалъани тақи олиб бузулдилар. Ва Туман Туркманким, ул ернинг даругаси эрди, тутуб ҳазрат қошида /келтурдилар. Ва андин кучуб Қарс қалъасига¹⁷³ еттилар ва ул қалъа асру берк эрди ва томи тошдин

96a

эрди⁴⁷⁴ ва Фирузбахт отлиқ киши анда ҳоким эрди, қалъанинг берклигига мағрур бўлуб, қалъани беркитти. Фармон бўлдимки, «Черик уруш асбобин тайёр қилсунлар!» Турт ёнидин кириб, наққора ва нафир чалдуруб, сурон солдилар. Фирузбахтнинг кўнглида ваҳм тушуб кўрдиким, қалъани олурлар, Ажзу Маскант йулидин кириб хизматда келди. Ул ҳисорни олиб таладилар ва томларини ер била тенг қилдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Гуржистон сори борғони

Хитоби мустатоб ҳазрат Зулжалол воқиф бўлуб турурким: *Йа аййуха-н-набийю, ҳарриз ал-муъминин, алал-қитали*⁴⁷⁵. Ва бу далил турур урушнунг фазилатигаким, дин душманлари била урушқайлар⁴⁷⁶. Бу маъни жиҳатидин доим ҳазрати муборак кўнглида бор эрдиким, кофирлар била газо қилгай. Бу маҳалдаким, гуржи кофирларга йақин етиб эрди, ҳиммат юзини ул сори қилиб, Қарс қалъасидин кўчуб, Оқ Буғра мавзёида тушти. Ва ул маҳалда асру совуқ қаттиқ эрди ва кеча-кундуз қор ёғар эрди. Андоқ маҳалда нусратшиёр черики Кегу — Тифлис⁴⁷⁷ йулидин бориб, гуржи кофирларига егдилар. Гуржилар қалъага кириб, беркитиб ўлтуруб, уруш асбобин тайёр қилдилар. Ва ул қалъа [Тифлис] асру берк эрди. Ҳазрат соҳибқироннинг қулоғига илҳом егтиким: *Қотилухум йуаззиббухуму Ллах би айдикум ва йухзиҳум ва йансуркум алайҳим*⁴⁷⁸ урушқа фармон қилди. Беклар ва баҳодурлар ҳукм била уруш асбобин муҳайё қилиб, ҳисорни ўртада олиб, такбир ва салавот деб ҳисорга ёпушти ва наққора ва нафир чалиб, сурон солиб, қалқонлар ва туралар бошларига олиб, уруш солдилар. Назм:

Хусрави диндор ва шаҳи номвар
Боғлади чун белига ул дам камар,
Тортти зафар тигини ул шаҳриёр.
Чиқди адув жонидин ул дам димор.

966

Ислом черикининг диловарлари жадду жаҳд этиб, /мардоналиқ кўрсатиб, куффор қалъасини фатҳ қилдилар. Ва соҳибқироннинг ишорати била: *Фа-қтулуҳум хайсу саҳифтумухум*⁴⁷⁹ андаги кофирлигин хокисорни қилич зарби била ўт ичидаким: *Маъвоҳум жаҳаннаму ва биъсал миҳад*⁴⁸⁰ йибардилар ва аларнинг улуғи малик Буқротни асир этиб, ҳазрат қошида келтурдилар. Ҳукм қилдиким, «Ани беркитиб, сақласунлар!» Бу фатҳ бўлгондин сўнг соҳибқирон кўчуб, Тифлиседин ўтуб, кўнглида туштиким, бир ов солгай. Ёрлиқ қилдиким: «Беклар овга чиқсунлар!» Беклар овга чиқиб, икки ёндин жирга солиб, ул дашт ва тоғни тутуб, неча кундин сўнг жирга бир-бирига егди. Анча кийик ва сўғун ва қулон ва товушқон ва шер ва паланг ва тулки ва бўри, ҳар жонивордин ёгилдиким, ҳисобини ҳазрат парвардигордин ўзга киши билмас эрди: *Ва иза-л-вуҳушу ҳушират*⁴⁸² анда зоҳир бўлуб кўрдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон била шахзодалар жирга ичида кириб, неча сайдни отқондин сўнг ўзга ҳар кимки бор эрди, сайд олур эрди. Ул кун сайд олмагон киши қолмади. Ва черикнинг кўплигидин андоқ бўлдиким, саъо-йайоқлар эликлари била олиб, оруғини қўйуб, семизини ўлдурур эрдилар. Ва азбаским, сайд кўп тушти, юклагали ер топмас эдилар⁴⁸³.

Ҳазрат соҳибқирон Қаробог⁴⁸⁴ сори ёниб борғони

Ҳазрат андин кўчуб, саодат ва давлат била йулга кириб, ҳар ердаким, кофирларга тааллуқ қалъаларким бор эрди, нусратшиёр черики қилич зарби била мусаххар қилдилар; қалъаларини бузуб, молларини олиб, ҳазратқа қўшулдилар ва келиб Шеки вилоятида⁴⁸⁵ тушдилар. Ҳазрат соҳибқирон куффордин хотирин жамъ этиб, нусратшиёр черикини жамоат-жамоат ҳар сори йибарди. Амир Жаҳоншоҳ баъзи беклар била лакзаларни⁴⁸⁶ чошиб, талади ва куб киши алардин ўлтурдилар. Ва амир /Муҳаммад Дарвеш Барлос бир жамоат била Шеки тоғига кириб, куб киши ўлдуруб, молларини

97а

таладилар. Аргуншоҳ Ахтачи ва Рамазон Ҳожа бир жамоат била Тангут вилоятига⁴⁸⁷ етиб, қўб кишини улдуруб, асир қилиб таладилар.

Ҳазрат соҳибқирон муборак нафаси била Албурз кўҳи⁴⁸⁸ этакида юриди ва бекларким, куффор устига ҳар сори кетиб эдилар, куффорларни олиб улдуруб, молларини улжа қилиб, нусрат ва ферузлуқ била келиб, Қабала⁴⁸⁹ мавзееида ҳумоюн ўрдуга қўшулдилар. Ҳазрат соҳибқирон чериклар ёнғондин сўнг асокири нусратшиёр кўчуб, таважжух юзини Қаробог сори қилиб, келиб, Кур суйининг⁴⁹⁰ йақосида тушти. Ва фармон қилдиким, «Қамиш ва хокдин наводалар йасаб, сув ичида солиб, кўфрук боғласунлар!» Соҳибқирони гозий мансур черики билан сувдин ўтуб, Бардаъ⁴⁹¹ сори мутаважжих бўлди ва ул вилоятнинг эли тамом тобиъ бўлдилар. Шеър:

На ергаки борди шаҳи комрон,
Анга бўлди ул ер мусаххар равон.
Худо анинг учун анга берди руҳ,
Ки булғай бари олам анга футуҳ.

Қаробогда, Буқрот Тифлисийким ҳазрат ани ҳукм этиб эдиким, ани беркитиб сақласунлар, бас, [эмди] буюрдиким Буқротни ҳозир қилдилар: *Уд'у ила сабили Раббика бил-ҳикмати-л-мав'иззати-л-ҳасанати*⁴⁹² ояти била амал қилиб, муборак тилин очиб, ваъз ва насихат деб, ани Исломга далолат қилдилар. Ҳазратнинг сўзлари кўнглига асар қилиб Буқрот мусулмон бўлди, куфр ва зулмат йўлидин чиқиб, аҳли дини Илом жиргасига кирди ва ҳазрат ани беклар жиргасига кийуруб, қўб иноят ва шафқат қилди ва ҳисориким, анга тааллуқ эрди, яна анга ўқ берди. Ва ижозат бериб, вилоятига йибарди. Анда ани эли барча Илом саодати била мушарраф бўлуб, иймон келтурдилар.

976 Ул маҳалда Ширвон вилоятининг⁴⁹³ ҳокими амир Шайх Иброҳим келиб, бандалик камарини белига боғлаб, /мулозим бўлди ва пешкашлар тортиб, ҳазрат дийдорига мушарраф бўлди. Ва ҳазрат тақи ани йахши кўруб, шафқатлар қилиб, Ширвон вилоятини тавобитлари била анга берди. Ва Гилонот⁴⁹⁴ мулукиким, ҳисорлари берклиги жиҳатидин ва жангалларининг мустаҳкамлиги учун ҳеч подшоҳга тобиъ эмас эрдилар, чун ҳазрат соҳибқироннинг овозасин эшитиб, итоат йўлидин кириб, пешкашлар йибардилар ва моли хирож қабул қилдилар.

Бу маҳалда Шайх Али Баҳодурким, ҳазрат уғруқни анга тобшуруб эрди, ўрду ва уғруқ била Ардабил⁴⁹⁵ йўлидин Қаробогқа етти. Ҳазрат давлат ва иқбол била Арас суйининг йақосида қишлоқ солдурди.

Ҳазрат соҳибқирон Бардаъа сори бориб,
Дашти Қипчоқдин Туқтамишхоннинг черики келгонин зикри

Чун қиш ўтуб баҳор етти,
Фасли гул ва лолазор етти.

Товушқон йилида, тарих етти юз сексон туққузда (1387) нусратшиёр раъияти Бардаъ сори юриди. Бу маҳалда хабар келдиким, Туқтамишхон итоат йўлидин чиқиб, мухолифат йўлига кириб турур ва Дарбанд йўлидин⁴⁹⁶ черик йибариб турур.

Мунунг қиссаси мундоқ турурким, Алибек Қўнғирот, Ўрунг Темур ва Оқ Буга Баҳринким, Жўчихон авлодининг улуг беклари эрдилар ва булардин улугроқ ва оқил ва дони киши ул улусда йўқ эрди ва Туқтамишнинг йахши йўлга тутуб насихат қилур эрдиларким, «Зинҳор ҳазрат била мухолифат қилмағайсен ва анинг ҳукмидин чиқмағайсенким, бу давлатким сенга тегди, анинг ҳимматидин ва давлатидин эрди. Ва бу йахшилиқким, сенга ҳазрат Темурбек қилди, бил, агар анга бандалиқ қилсанг ҳануз оздур. Доим керакким, йахши пешкашлар йибаргайсен ва анинг ҳаққини унутмағайсен. Ва агар, наъзу биллоҳ, агар сенга йана воқиъа тушса, ул ҳазратнинг ҳиммати сенга бўлса ҳеч ғам йўқтурур»⁴⁹⁷.

98a Бу йахши беклар жиҳатидин ҳар кунда Туқтамишхоннинг /давлати ортар эрди. Бу маҳалда Ўрунг Темур ва Оқ Буга вафот булдилар ва бир

жамоат номаъкул ва ақлсиз кишилар Туқтамишхон қошида нойиб бўдилар. Ва Қарончиким, уз атосини улдуруб эрди, Туқтамишхоннинг улуғ беги бўлди ва Алибекка ихтиёр қолмади ва Туқтамишхон ёт кишиларнинг сўзларига кириб, мутобиъат йўлидин чиқиб, мухолифат тариқасига кирди. Ва ҳазрат била йааги бўлуб, қалин киши йигиштуруб, Озарбайжон вилоятига йибарди.

Ҳазрат аларнинг келганин эшитиб, маълум қилдиким, йааги кишиси сувнунг нари юзига келгон турур. Ҳазрат Шайх Али Баҳодур ва Ийгу Темур ва Усмон Аббос ва ўзга бекларини қўб киши била йибариб дедиким, «Кур суйидин ўтуб таҳқиқ қилинглар. Агар ул келгон киши Туқтамишнинг кишиси бўлса урушмангиз». Алар ҳукм булгондин сўнг йўлга кириб юридилар. Яна ҳазрат илҳомдин фаҳм бўлуб, мирзо Мироншоҳ ва амир Ҳожи Сайфуддинни бир жамоат киши била боргон бекларнинг кейнида йибарди. Бурун боргон беклар Кур суйидин ўтуб, йаагига еттилар. Яқин билдиларким, Туқтамишнинг черики турур, алар била урушмай қайттилар, чун ҳазратнинг ёрлиги мундоқ эрдиким, урушмағайлар. Ул бадбахтлар хаёл эттиларким, булар қўрқуб қайттилар, хайра бўлуб, беклар сори чопиб, ўқ ота бошладилар. Булар ҳам қайтиб, уруш бўлди. Шеър:

Чу ҳар соридин чиқди ул дам сипоҳ,
Булуттек, ки кўк узра чиқса сиёҳ,
Анинг йамғури эрди шамширу тир,
Қаро бўлди олам чу дарёйи қир.

986

Бекларнинг урушмоқ ҳукми булмагон жиҳатидин жангал ва сув ичида кириб эрди ва от чопмоққа ер йўқ эрди, ул жиҳатдин қирқ киши алардин талаф бўлди. Ва баҳодурларким, ҳаргиз қочмоқ аларга одати йўқ эрди, ул ердин қочиб қайттилар /ва қочқонда мирзо Мироншоҳга учраб севиндилар. Ва амирзода била қайтиб, душманга етиб, ҳар тарафдин кириб, душманларни қилич остида олиб, қўб киши тушуруб, ўлдурдилар. Йаагилар қочиб, мансур черики аларнинг кейнида тушуб, Дарбанднинг тор еригача қовладилар ва қўб киши алардин тутуб, ҳазрат қошига йибардилар. Ва Мубашширнинг агоси ул урушда вафот бўлди.

Мирзо Мироншоҳ музаффар ва мансур қайтиб, ҳазрат қошида келди. Тушкон бандиларни келтурдилар. Соҳибқирон марҳамат қилиб, гуноҳларидин кечиб, йахши сўрди. Ва Туқтамишхоннинг аҳволин сўруб дедиким: «Анинг ва бизнинг аромизда ато — ўғул ҳаққи турур. Не жиҳатидин мундоқ йамон ҳаракат андин воқиё бўлди? Ва бу жиҳатдин неча минг мусулмон талаф бўлди. Эмди мундин сўнг мундоқ ишлар қилмасун ва бурунгу аҳд ва мувофиқат тариқасини ўзга қилмасун», деб буларга айтти. Ва дедиким: «Сизларни қўярбиз. Бориб анга бу сўзларни дегайсиз». У тутқунлар барчаси бошларини ерга қўйуб, дедиларким, «Миннат тутурарбиз!». Аларга от ва тўн ва озук бериб йибарди. Байт:

Дўстларни қачон қилур маҳрум,
Улки душманларига айлар лутф?

Андин сўнг ўрду андин чиқиб, Кўкча тенгиз⁴⁹⁸ сори мутаважжих бўлди.

Сарой Мулк хоним шоҳзодалар била Самарқанддин келгони

99a

Ҳумоюн мавкиби Кўкча тенгизга етконда хабар келдиким, маҳди аъло Сарой Мулк хоним амирзода Шоҳрух⁴⁹⁹ ва амирзода Халил⁵⁰⁰ била Самарқанддин кела турурлар. Ул ҳазрат бу хабардин хушҳол бўлуб, черикни Кўкча тенгизда қўйуб, ўзи саодат ва иқбол била келгон шаҳзодаларга ўтрув берди ва Шамоҳа Маранд⁵⁰¹ мавзеида бир-бирининг висолларига мушарраф бўлдилар ва анча пешкашлар тортиб ва сочиқлар /сочтиларким, спехрнинг кўзи хайра бўлди.

Ва ҳазрат андин қайтиб, кўчуб, Аланчўк⁵⁰² қалъасига яқин туштилар. Султон Аҳмаднинг навкарлари анинг ичида эрди, уч кун анда ўлтуруб,

тўртинчи кунда ҳукм қилдиким, «Баҳодурлар кеча билан тоғ устига чиқсунлар!» Баҳодурлар кеча билан тоғқа чиқиб, тонгласи уруш солиб, қуйидаги қалъани олдилар ва ер била тенг қилдилар. Андаги синоҳийлар қочиб, юқори қалъага чиқтилар ва қалъанинг эли сувсиалиқ жиҳатидин зори ва тазарруьқа кириб, аҳд ва шарт қилиб, «Қалъадин тушарбиз» деб киши йибардилар. Қалъадин тушар хаёлида эрдиларким, булут пайдо бўлуб, анча йамғур ёғдиким, қалъадаги ҳавзлар тўла сув бўлди. Сув бўлгондин сўнг яна аҳдни синдуруб, аҳд қилгон сўзларига амал қилмадилар.

Ҳазрат соҳибқирон Муҳаммад Миракким, Шер Баҳромнинг ўгли эрди, ва Уч Қаро Баҳодурни таъйин этиб буюрдиким, «Қамал этиб, қалъа тегарасида ултурунглари!» ва ўзи давлат билан қайтиб, ўрдуга бориб тушти. Ва андин бурун Шайх Али Баҳодурни Боязид⁵⁰³ қалъасига йибариб эрди. Андин сўнг амир Ҳожи Сайфуддин ва Ййгу Темурбекни черик била Шайх Али Баҳодурнинг мадади учун йибарди. Ва алар келиб, иттифоқ била қалъани ўртада олиб туштилар ва қалъага нақбатлар солиб, сувини ўгурлаб, тўрт ёндин уруш солиб, оз фурсатда мусаххар қилдилар ва қалъа даругасини тутуб, ҳазрат қошига келтурдилар.

Ҳазрат соҳибқирон туркманларнинг дафъи учун черик тортиб борғони

996 Бу маҳалда арз қилдиларким, туркманлар зулм ва фасод эликларини узатиб, мусулмонларга ташвиш берурлар ва Ҳижоз⁵⁰⁴ қарвонига мутаарриз бўлурлар ва ҳеч кишини ул йўлдин ўтгали қўймаслар. Ҳазрат аларнинг қиссасин эшитиб, дафъ қилмоқ учун Нахчивон /жилгасидин отланиб, алар сори мутаважжих бўлди ва ҳукм қилдиким, «Муҳаммад Миракким, Аланчўқ қалъасини муҳосара қилиб ўлтуруб турур, андин қайтиб, ўрдуга келсун!» Ва ўзи муборак нафаси била таважжўх этиб, ҳукм қилдиким, «Ўрду Олатоққа⁵⁰⁵ борсунлар ва биз келгунча таваққўф қилсунлар!» деб юриди. Ва Боязид қалъасиким, ани Қалъаи Ойдин ҳам айтурлар ва андин улусидин ҳаркимки анда қолиб эрди, барчани таладилар. Андин ўтуб, Авник қалъасига⁵⁰⁶ еттиким, Қаро Муҳаммад ўгли Миср отлиқ киши анда ҳоким эрди. Ва андаги туркманларким, ёзида ва тоғда эрди, барчани таладилар. Ва андин ўтуб Арзирумға⁵⁰⁷ етти ва анинг қалъасини ўшул кунда олдилар, ва Чиечур суйи⁵⁰⁸нинг йақосида тушти ва Арзинжонға⁵⁰⁹ элчи йибарди. Тахуртанким,⁵¹⁰ ул ернинг ҳокими эрди, ҳазратнинг элчисини йахши кўруб, сийлаб кўп нима берди ва итоат йўлидин кириб, божу хирож қабул этиб, элчи била кўп пешкашлар ҳазратқа йибарди. Ҳазрат мансур черикидин уч булак кишини сайлаб, фармон қилдиким, «Қаро Муҳаммадким, Қаро Юсуф Туркманнинг атоси эрди⁵¹¹, истагали борсунлар!» Ҳукм била аввал амирзода Мироншоҳ черики билаким, бариси баҳодур ва диловар эрдилар, мутаважжих бўлуб, ул бадкирдорнинг эли ва хашамига кириб, бўлгон мол ва таворини таладилар ва анча от ва тева ва қўй ва бурда олдиларким, ниҳояти йўқ эрди ва кўб қиз ва хотун ўлжа олиб қайттилар ва ҳумоюн ўрдуга қўшулдилар. Ва Муҳаммад Мирак яна бир жамоат баҳодурлар била юриди. Анинг йўли бир тоғ ичида воқиф бўлуб эрдиким, даралар ва тор йўллар эрди ва душманлар воқиф бўлуб, йўлларни туттилар ва урушлар воқиф бўлуб, охирида соҳибқирон давлатидин ул тор йўллардин саломат чиқиб ўрдуга қўшулди. Ва яна Шайх Али Баҳодур Аргуи Барлоснинг ўгли ва Оқёлшоҳ /Бургучи ўгли ва Тилак Қурчи бир жамоат номдорлар била Қаро Муҳаммад устига юридиларким, ани топқайлар. Тоғ ичида анга еттилар ва кўб уруштилар ва Лола Хожа ул урушда ўлди ва душманлар тоғ устида чиқиб эдилар ва урушмоқ ҳеч фойда қилмас эди, қайтиб мансур черикига қўшулдилар.

100a

Соҳибқирони комкор яна Жаҳоншоҳ Баҳодурни қалин киши билан туркманларга йибарди. Ва ул бориб туркманларга етиб, талаб, молларини олдилар ва қайтиб келдилар. Шеър:

Зи баским черик эликига тушти мол,
Қилаолмас эди мол ҳисобин хаёл.

Ва Шоҳ Малик Барлос, Гиёсуддин Барлоснинг ўгли эрди, ҳазратдин ижозатсиз бир сори кетиб эрди, анинг ўлукини бир ёзида топиб келтурдилар.

Ва ҳазрат соҳибқирон андин Муш саҳроси⁵¹² сори мутаважжих бўлди ва андаги эл-улусни талаб, Ахлот⁵¹³ шаҳрига етти ва ул вилоятдаги улуг-кичикни мутиъ қилдуруб, забт қилди. Андин ўтуб, Одилжавоз шаҳрига⁵¹⁴ етти ва ул вилоятдаги улуг-кичикни мутиъ қилдуруб забт қилди ва даругаси келиб ҳазратни кўрди ва пешкашлар тортти. Ва ҳазрат шафқат ва иноятлар қилиб, ул вилоятни эл-улуси ва тавобийлари била анга ўқ берди. Ва андин ўтуб, кулни йақолаб, тамом черики била Дарбанд моҳидин ўтуб, Абақа Сарой мурғзорида ўғруққа қушулди⁵¹⁵.

Ҳазрат соҳибқирон Ван ва Вастон сори мутаважжих бўлғони

1006 Нусратшиёр черики андин кўчуб, Ван ва Вастон⁵¹⁶ сори мутаважжих бўлди. Малик Иззуддин Шерозий хабар эшитиб, Ван қалъасига кирди. Ван ҳисори асру берк бир тоғ устида бўлуб эрди ва бир ёнида сув эрди. Мансур черики анда етконда ул қалъани олмоқ учун ул сори юридилар ва қуруқ ёнида келиб туштилар ва уруш асбобига машғул бўлдилар. Малик Иззуддин икки кундин сўнг /ҳисордин чиқиб ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлуб, мулозиматда турди. Аммо қалъанинг эли гоят бадбахтлигинин қалъанинг берклигига гурра бўлуб⁵¹⁷, йааги бўлуб, ҳисор йулини беркиттилар ва урушмоққа машғул бўлдилар. Байт:

Зи васвоси шайтон ва жаҳлу гурур,

Саодат йўлидин тушуб барча дур.

Кишиким, қаро бўлди анинг куни,

Булур ул киши зешту зор ва дани.

Мансур черики ҳукм била санчиқлар солиб уруш солдилар ва ҳазратнинг давлатидин ул қалъаники, ҳаргиз ҳеч подшоҳ ва салотин анга мусаххар қилмагон турур, йигирми кунда ани мусаххар қилдилар. Ва ул бадкирдорлардин бирини тирик қўймай, қўбрагини қалъа устидин ташладилар. Бу маҳалда Таҳуртандинким, Озарбайжонда эрди, элчи келиб, қўб пешкашлар ва туҳфалар келтурдилар, ва мазмуни ул эрдиким, «Банда ва хизматкор ва давлатхоҳи ҳазрат соҳибқирондурмен». Назм:

Ки соҳибқиронга камина, бандамен,

Қулунгмен жаҳон ичра то зиндамен,

Ки хизматдин ўзга ишим йўқ турур,

Сузум чин ва Ҳаққ мунга тануқ турур.

Ҳазрат соҳибқирон қўб махтаб, раҳматлар деди ва ул вилоятнинг ҳокимлигини бурунги дастури била анга мусаллам тутти ва келгон элчи била анга хосса хилъат ва ҳукумат нишонини йибарди. Назм:

Ҳар ким анга бўлди жаҳонда мутиъ,

Қадри улуг бўлди, бўлди рафиъ.

Кимки, йибарди анга тожу хирож,

Бўлди мусаллам анга тахту тож.

Кимки, ани ўзига билмади шоҳ,

Кетди қаламдек боши, юзи сиёҳ.

101a Фармон бўлдиким, «Ван қалъасини бузулсунлар!» Ва ул қалъани бино қилгон Шаддоди Од⁵¹⁸ эрдиким, тоғ устида тош ва ганч била қўпориб эрдилар. Ва ҳар бир тоши бир тоғдек ва андоғ берк эрдиким, Ёдгор Андхудийким, туман бекларидин эрди ва ўзга беклар навкарлари била /ҳар неча қилдиларким, бир тош андин қўпора олгайлар, ул қалъадин бир тошни қўпора олмадилар.

Ҳазрат андин саодат била қайтиб, Салмосга⁵¹⁹ етти ва Малик Иззуддинга

инояти била сарафроз қилиб, Курдистон вилоятини анга мусаллам тутти. Ва андин юруб, йўлда Урмия туркининг ҳоқими⁵²⁰ келиб, ҳазратнинг мулозиматида мушарраф бўлуб, мулозим бўлди ва ҳазрат лутф этиб, Урмия вилоятини анга мусаллам гутуб берди ва бир йахши соҳибжамол канизак инъом қилди. Шеър:

Юзи рашкидин эрди хуршид зард,
Субҳунг бўлди дами меҳрида сард.
Зулфи остида юзи чун офтоб,
Бу жиҳатгин бўлди анга печу тоб.
Лаълида зоҳир эди оби наввот,
Топар эрди мурда ул сувдин ҳаёт.

Соҳибқирон Мароғадин кучуб, Гилонга⁵²¹ тушти. Неча кун анда таваққуф қилди ва мундин бурун ўз карам ва лутфи била Шероз вилоятининг шоҳигақим, Зайналобидин эрдиким, Шоҳ Шужоънинг⁵²² угли эрди ва анга киши йибариб эрди: «Эмди бизнинг ҳимматимиз ул турурким, асари андин зоҳир бўлғайким, барча олам йироқ ва йақиндин эшитгай ва билгайларким, дўстлуқни нечук қилмоқ керак ва сенга йақин келиб, тушуб туриббиз. Таваққуф қилмай бот келгил, то иноят ва шафқатларимизни кўруб қайтқайсенким, дўстлар шод бўлуб, душманлар гамгин бўлгайлар».

Ва Шоҳ Шужоънинг сипориш хатиким, соҳибқиронга йибариб эрди, мазмуни бу турур:

«Олий ҳазрат, гардунбастанат, мамлакатнаноҳ, маъадалатшиъор, макра-
мат, осор, навин, бузурги комкор, иътизоди салотини гардун, иқтидори
1016 аъдали ақобири замину замон, ал-манзур би анзори иноят, /ал-маликудда-
йён, қутбул Ҳаққ вад-Дунё вад-Дин, амир Теймур Гурагон, халлада Аллоҳ мулкуну ва султонуҳу, Ҳаққу жалла ва ғало. Ул ягона замонга дину дунё мақосидидин би-аълю мадориж ва муродот ва ақсо маротиби мароматга еткургай, би-миннатил қадим ва тулуҳум амин.

Таблиғ иддаъийадин сўнг василаи мухлисони ҳақиқий турурким, изҳор этарлар.

Раъий арбоби албобда равшан турурким, дори дунё маҳалли ҳаводис ва макони савориф турур ва оқиллар анга илтифот қилмай турурлар. Ва неъмат боқийни бу жаҳони фонийдин рожиҳ тутуб турурлар ва ҳақиқат била билиб турурларким, ҳар нимақим дунё ичида мавжуд турур, анга фоний бўлмоқ вожиб турур. Ва ҳар махлуққақим, ҳазрат Парвардигор неча кун бақо бериб, анга ўз карами била аршона ва азми султона маншур берур: *Ти'иззу ва ман ташаъ*⁵²³ мавқиъи ба тавқиъ *Тути-л-мулка ман ташаъ*⁵²⁴ иноят қилиб, бир жамоат бандаларнинг ихтиёрини ҳазрат иззат бу бандаи заифга бериб эрди. Ва анчақим куч ва қувват бор эрди, дин илмига ва шаръ йўли била саъийи ва жаҳд қилдуқ ва раъоё ва зуъафо аҳволидин ҳазрат Ҳаққ иноятидин хабардор бўлуб, эл била йахши маош қилдуқ, шоядким ишларимиз муборак самъларига еткон бўлғай. Ул ҳазратнинг ади ва инсофини ва лутфу карамини эшитиб, жон била муътақад ва давлатхоҳи бўлуб ва доимо кўнглумизда бу турурким, шеър:

Элтайим тонгла қиёматда сенинг аҳдингни,
То кун, ул кун демагайсенким, вафоинг йўқ эди.

Ва тақи ул ҳазратдин шафқатлар маълум қилиб, бу маънини мавжиб мубоҳот билиб, кибириё боргоҳидин даъват *Ва-Ллоҳу йад'у ила дорус-салами*⁵²⁵ жон мушомига етиб ва мутақози, *Ва ла тажиду ли-суннатино таҳвилан*⁵²⁶ талаб халқасини кўнгул эшикига уруб дерлар, байт:

Йеринг эрур аршда, деълмассанким,
Келгайсен ва туфроққа ватан қилгайсен.

102a *Вал ҳамду ли-Ллоҳи таолоким, ҳеч армоним қолмай турур ва бовужуд анвоъи зиллат ва тақсир ва ажроми ҳар орзуқим /хиёлимда кечар эрди, ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло эҳсонидин муяссар бўлдимки: Фа ло та аламу нафсун ма ухфия лаҳум мин қуррати а'йунин*⁵²⁷ бу эллик уч

йилдаким туфроқ ичида манзил қилиб эрдук, ҳар муродким тиладук, берди.
Аммо нидойи: *Иржӣ'й ила Раббикӣ разийатан марзӣятан*²⁸ муждаси тегиб, шеър:

Бу муждага жон бермак осон эрур,
Ки бу мужда осойиши жон эрур.

Ҳазрат даргоҳига юз қўйдук. Ва ҳар наким ҳазрат Ҳаққдин тегса, агарчи заҳмат булса, ани марҳамат билурбиз.

Ҳазрат соҳибқироннинг умрига бақо булсун. Эмди ул ҳазрат била сидқу муҳаббат бор жиҳатидин вожиб кўруб, фарзанди дилбандни — Зайналобидинни, *Таввал Аллоҳу 'умруҳу фи зилли иноятикум*²⁹, сенга тобшурдум. Ва ўзга ўғлонлар ёш турурлар ва ағо-инимни сипориш қилмоқ ҳожат йўқ турур, чи ҳақиқат била ул ҳазратнинг лутф ва карамини сийлабмен. Ул ҳазратнинг лутфидин нечук лойиқ турур, қилгучи турур ва аҳволларидин хабардор бўлғайлар ва мазмун *инна ҳуснул — 'аҳду минал-иймани*³⁰ бажой келтурур, буларни барчани ўзига махсус қилиб, шафқат ва марҳамат кўланкаларини булар устида солиб андоқ қилеунларким, улуг-кичик рўзгор ичида бу маънини билиб, қарилардин сўнг этқайлар ва ҳосилларким йиллар бу куннинг орзусида эрдилар, мажол топмағайларким, элик чиқаролғайлар ва бу ишни мавжиби зикр жамилда чизи жазил билғайлар. Ва бу дўети махсуским, дўстлуқ ва аҳд тавфиқин тониб турур, фотиҳа ва дуо била ёд қилеунлар, то ул соҳибдавлатнинг ҳимматидинким, мазмуни оят—*Йа лайта қавмй йа'ламуна би ма гафара ля Раббй ва жа'аланй минал-муқраимийн*³¹дин маҳрум қилмағай: «*Ҳаза ма ва'адона илайҳи вал-'аҳдати фил-дарайни 'алайҳи*³² доим муродот ва мақсудоти боргоҳ ва умбил — *'атиййотдин муяссар бўлғай ва қолгон умрига баракот бергай /бин-набий ва Илоҳил-амжод*».

Ҳазрат соҳибқирон Ироқ⁵³³ ва Форс сори таважжуҳ қилғони

Зайналобидиннинг давлат кунни завол шомига етиб эрди, ҳазрат қошига келмакка таъаллул қилиб келмади ва боргон элчини сақлаб йибармади ва хотирида йамон андишалар қилди. Ҳазрат анинг афъолидин воқиф бўлуб, аччиги келиб, Форс сори мутаважжиҳ бўлди. Товушқон йилида, торих етти юз сексон тўққизда (1387 кузида) ҳазрат соҳибқирон Форс тасхирига юриди. Фармон бердиким, «*Ўғруқ Рай сори Сарикқамишда*⁵³⁴ қишлоқ қилеунлар!» Амирзода Мироншоҳ ва Амир Ҳожи Сайфуддин ва Шайх Али Баҳодурни ўғруқнунг муҳофизоти учун қўйди ва қолгон черики била Форс сори азм этти. Шеър:

Равон бўлди ул шоҳи нусратқарин,
Черики била барчаси покдин.
Хужаста саманди эди зери рон,
Анга фатҳ ҳамдам зафар ҳаминон.
Рикобида Турон диловарлари,
Бири қул анга, бириси чокари.
Жаҳон ул сипоҳ гардиндин қиргун.
Ким эрди сипоҳи чу аз ҳадд бурун.
Юрур эрди бу навъ соҳибқирон,
Нигаҳбони эрди худойи жаҳон.

Ҳамадон вилоятидин ўтуб, Жарбодиқонга⁵³⁵ етти. Лашкарнинг тартибига фармонлади ва Исафшон шаҳрида йақин етиб тушти. Саййид Музаффар Кошийким, Зайналобидинга тағойи бўлур эрди ва анинг соридин Исафшоннинг даругаси эрди, Хожа Рукниддин Соъид ва ўзга содотлар ва ақобиру ашроф шаҳардин чиқиб, ҳазратнинг хизматида келдилар ва ҳазратнинг лутфу карамидин ҳушвақт бўлуб, подшоҳона инъомлар била сарафроз бўлдилар. Ашроф келгонидин сўнг ҳазрат алар била шаҳар сори тафарруж қилмоқ учун борди ва Табарак қалъасини⁵³⁶ эҳтиёт қилиб, Ййгу Темурбек-

ни забт учун қалъага йибарди ва ўзи давлат била қайтиб, манзилида тушуб
 103а фармонладиким, «Ҳар дарвозада бир-бир /жамоат кишини қўйдурсунлар ва
 шаҳар ичида от ва тева ва аслаҳадин ҳар на бўлса келтуруб, девонга
 тобшурсунлар!» Шаҳарнинг арбоблари ҳазратқа «Тақа баҳоси» деб моли
 амон қабул қилдилар ва бу йармоқ учун муҳассил тиладилар. Фармон
 бўлдики, «Маҳаллотни бекларга улаштурсунлар ва ҳар бек ўз тарафидин
 киши йибарсун!» Ва мол забти учун Нур Мулк Барлос ва Муҳаммад
 Султоншоҳ ва Баён Темур, Оқ Буганинг ўғли муқаррар бўлдилар ва
 Исфаҳон ақобирини ўрду ичида сақладилар ва муҳассиллар шаҳар ичида
 кириб, мол еткармакка машғул бўлдилар. Ҳазрат Ҳабборнинг тақдири
 бўлгон эрмишким, ул вилоят хароб бўлғай: *Иза арада Плаху шайъан
 ҳаййаъа асбабаху*⁵³⁷. Ул маҳалда бир неча жоҳиллардин бир кишиким, оти
 Али Кўчапо дер эдилар⁵³⁸, дахл уруб, бир жамоат фитналиқ киши жамъ
 бўлуб, бебоклик эликларини чиқориб, маҳаллотдаги муҳассилларни ўлтур-
 дилар, магар неча муҳассилким аларга, филжумла ақли бор эрди, ўзларини
 сақлаб қочтилар. Ва кўб киши шаҳарга баъзи муҳими учун ўрдудин келиб
 эрди, талаф бўлдилар. Ва амир Баён Темур ва Муҳаммад Хитойи Баҳодур-
 нунг ўглини анда ўлтурдилар. Ул кеча уч минг киши черикдин зойиъ бўлди.
 Ул ақлсиз қавм қатл қилгондин сўнг дарвозаларга бориб, сақлагон киши-
 ларни қовлаб, мазбут қилдилар. Ул кеча дахл уни ўрдуга бориб эрди ва
 тонгласи воқеа бўлгон ҳолатни ҳазрат соҳибқиронга арз қилдилар. Ҳазрат-
 нинг газаб ути туташиб, черикка фармон бўлдики, «Шаҳарнинг тасхирига
 юрусунлар!» Черик барча аччиғлари била юзларини шаҳар сори қўйдилар ва
 шаҳарнинг ичидаги кишилар бу қисса воқиъ бўлгони учун зарураттин жон
 кўрқунчидин уруштилар ва Баён Темур Оқ Буга ул урушда ўлди. Черик
 103б уруш /солиб, бир замонда шаҳарни олдилар ва шаҳар мусаххар бўлгондин
 сўнг ҳазрат соҳибқирон бир жамоат кишини йибардиларким, «Кўча Маволи
 Тарка ва Хожа Имомиддин Воизнинг эвини сақласунлар!», агарчи бир йил
 бор эрдиким, ул вафот бўлуб эрди. Булардин ўзга қатли омм ҳукм бўлди.
 Шейр:

Чу ҳукм этти ул шоҳи олиймақом,
 Ки қилсун черик шаҳрни қатли омм.
 Мўгуллар чу шаҳар ичида кирдилар,
 Басе элни қаҳр ила қирдилар.

Ва баъзи оқил элким, черик элидин ё муҳассилларидин киши сақлагон
 эрдилар, аларнинг эви саломат қолди ва кўб киши йахшилиқ қилгон
 жиҳатидин ул балодин қутулдилар.

Ёрлиғ бўлдики, «Тумонотларга ва элларга бориб қатл қилсунлар!» Ва
 андоқ қатл бўлдики, айтурлар баъзи кишилар йасоқийлардин одам боши-
 ни сотқун олиб келтуруб, девонга кўрсатур эдилар. Ва аввал ҳолда бир бош
 йигирми олтин кўппаки эрмиш ва охирда ҳар кимки, ўз ҳиссасини келтур-
 ди, бир бош йарим динор бўлди ва ҳеч киши олмас эрди.

Ва ҳазрат иззат таоло ва тақаддус тақдирининг улким, бир жамоат киши
 ул кун қиличдин қутулиб, бир ерда йашунгон эрмишлар, кеча бўлгонда ул
 ердин чиқиб, қочарга хаёл қилибтурлар ва қочиб боргонда қор ёғибтур ва
 аларнинг изи қорда қолгон турур. Тонгласи черикдин бир жамоат киши ул
 ерни кўруб бориб аларни топиб, ўлдургон эрмишлар: *Ли йақзийя Аллоху
 амран кона маф'улағ*³⁹. Ва қатл бўлгон кишини санаб етмиш минг бош
 Исфаҳонда жамъ бўлди. Ва ул бошлардин маноралар қўпордилар.

Ҳақиқат бу турурким, ул жоҳиллар беоқибат, подшоҳ амрига буйун
 қўймай, уч минг мусулмон кишини ноҳақ ўлтурдилар. Ул жиҳатдин бу
 ҳолат аларга тегди ва мундоқ воқеъа Исфаҳонда ҳаргиз воқиъ бўлмагон
 турур⁵⁴⁰. Ва бу воқеъа душанба куни, зулқайда ойининг олтисиди бўлуб
 турур (15.11.1387).

Ҳазрат соҳибқирон Исфаҳондин Шерозга боргони

104а

Соҳибқирони комёбнинг /хотири Исфаҳон вилоятидин жамъ бўлуб,
 Амир Ҳожибекким, Сари Буганинг ўғли эрди ва Туманшоҳни Исфаҳонда

қўйди ва ули давлат ва саодат билан Шероз сори юриди. Шероз подшоҳиким, ани Зайналобидин дер эрдилар, хабар эшиттиким, ҳазрат соҳибқирон келадур, Шероздин чиқиб қочти ва анинг аммакисининг ўгли Шоҳ Мансурким, Тустар вилоятида ҳоким ва Зайналобидин била йамон эрди, анга борди. Ва ғофил андинким, ҳар ким душманга иътамид қилса ва андин андиша қилмагай, саодат эликидан чиққай ва маломат эшикини ўзига очқай. Дуданга суйининг йақосига етконда Шоҳ Мансур анинг бекларини сўз бериб ўзига тортти ва Зайналобидиннинг кишиси бевафолиқ қилиб, андин айрилиб, Шоҳ Мансурга бордилар ва Зайналобидин оз киши била қолди. Шоҳ Мансур киши йибариб, Зайналобидини тутуб, шаҳарга кийурди ва банд қилди. Ва ул кишиларким, Зайналобидинга бевафолиқ қилиб эрди, барчани тутуб беркитти.

Ҳазрат соҳибқироннинг давлат алами⁵⁴¹ зулҳижжа ойининг аввалида, торих етти юз сексан тўққузда (13.12.1387) фатҳ ва ферузлуқ била шаҳарнинг йақинида Тахти Қарочада⁵⁴² тушти. Шаҳарнинг барча улуглари ва калавиён мулозиматқа келиб ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлдилар ва андин сўнг минг туман кўппаки қабул қилдиларким, хизонага тушургайлар ва бу молга Аббос ўгли Усмонбек шаҳарга кирди ва қабул қилгон йармоқни олиб, хазинага тобшурди ва ийд куни ҳазрат ийдгоҳ сори отланиб, ул ҳазратнинг отига хутба ўқудилар ва ийд намозини ўқуб, юртига тушти. Йаздшоҳ Йаҳеким, Шоҳ Шужоънинг агосининг ўгли эрди ва куёв ҳам бўлур эрди, улуг ўгли Султон Муҳаммад била келиб, ҳазратни подшоҳона пешкашлар била кўрди. Кермон⁵⁴³ ҳокими Султон Аҳмадким, Шоҳ Шужоънинг иниси бўлур эрди ва Абу Исоҳқим, Шоҳ Шужоънинг набираси эрди, Сиржондин⁵⁴⁴ келди ва барча атроф /ва жавонбиндин вилоятларнинг ҳоким ва отабеклариким, Гургин Милоднинг наслидин эрдилар, бандалик камарин белларига боғлаб, барча келиб ҳазрат дийдорига мушарраф бўлдилар ва подшоҳона пешкашлар тортиб, иноят ва шафқат била сарафроз бўлдилар. Ҳазратнинг черики ҳукм била баъзи вилоятларки, боқмайдур эди, бориб чобтилар.

1046

Форе вилояти тавобиглари била мусаххар бўлди. Муншийларга ва бахшиларга ҳукм бўлдиким, «Фатҳномалар битсунлар!» Фатҳномалар битиб, Хуросон вилоятига ва Самарқанд мамлакатига ва ҳазратқа тааллуқ барча вилоятларга йибардилар. Назм:

Битилди равон муншийи пурҳунар,
 Чу бўлди муяссар бу фатҳу зафар.
 Рақам урди бу достони шариф,
 Хати ва сўзи бир-биридин зариф.
 Чу бўлди бари хатлар ул дам тамом,
 Барисига муҳр урди ул неқном.
 Чу етти хабарлар ба ҳар кешваре,
 Чиқиб ўқудилар ба ҳар минбаре.
 Жаҳон тулди барча карон то карон,
 Бо овозайи фатҳи соҳибқирон.

Ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори қайтиб борғони

Бу фатҳ бўлгондин сўнг Мовароуннаҳр соридин чопар элчи ўн етти кунда етиб, хабар бердиким, Тўқтамишхон яна аҳдини синдуруб, қалин кишини Мовароуннаҳр сори йибариб турур. Ва мунунг кайфияти бу турурким, дашт черикиким, улуги Бек Ёруқ ва Илиғмиш Ўғлон ва Алибек ва Сотқин ва ўзга беклар Сигнақдин ўтуб, Сабронга етиб, қамал қилдилар. Оқ Буға ўгли Темур Хожаким, Саброннинг ҳокими эрди, аларнинг дафъига машгул бўлиб, йахши ишлар қилди ва ташқари ултургон йаағилар ҳар неча саъий қилдиларким қалъани олгайлар, ололмадилар. Ожиз бўлуб, андин кўчуб, ўзга ерларни чобтилар. Шаҳзода Умаршайхким, Андигонда⁵⁴⁵ эрди, андаги черикни йиғиштуруб, аларнинг дафъига юриди ва Сулаймонбек ва Аббосбек тақи Самарқанд черикини жамъ этиб, Лаълбекким, Тағай Буға Барлоснинг иниси эрди ва Шайх Темурким, Оқ Темурнунг ўгли эрди,

- 105а Самарқандда қўйуб, ўзи мутаважжих бўлди. Ва келиб амирзода Умаршайхқа қўшулдилар ва иттифоқ билан Сайхундин утуб, Чукалаккаким, Утрорнинг беш йағочиди турур, кун чиқар сориди эрди, икки черик бир-бирига еттилар ва йасоллар тортиб, унғ қўл ва сўл қўл тузулгондин (сўнғ) бир-бирига чопиштилар ва кечағача ўлдирушти. Амирзода Умаршайх баҳодурлигининг ўзини душманларнинг гўлида уруб, нари ўга чиқти ва черикдин айрилди⁵⁴⁶. Черик эли чун ани кўрмадилар, мутаваҳҳим бўлуб, бузулдилар ва Аббосбекка ўқ тегиб, захмлиқ бўлди. Шаҳзода Умаршайх давлат билан душманларнинг ичидин саломат чиқиб, Андижонга кетти ва яна черик жамъ этиб, душманлар сори борур эдиким, хабар келди: Жета соридин Анка Тўраким, Ҳожибек Арканутнунг агосининг ўгли эрди, ҳазрат соҳибқироннинг шафқатларини унутуб, аҳдни синдуруб, қалин черик билан Мугулистондин Сайрам ва Тошканд устига келиб, мусулмонларнинг молларини талади. Амирзода Умаршайх бу ҳолатдин хабар билиб, Ўзганд черикини йиғиштируб, Хўжандда келиб, анда маълум қилдиким, душманлар Сағмиш⁵⁴⁷ йўлидин Андижонга мутаважжих бўлуб турурлар. Ушул замон отландиким, аларнинг йўлларини тутқай. Ахсикат⁵⁴⁸ сувиким, ани Сайхун дерлар, ани йақолаб борур эдиким, душманлар сувнунг нари юзидин кўрунди. Амирзода Умаршайх сувнунг бери юзиди ва алар нари юзиди, сувни йақолаб юридилар, гузар топиб бир-бирига иш қилгайлар. Бир кеча Анка Тўра макр этиб, тушканда минг кишини анда тушуруб, буюрдиким, «Ҳар ерда-ҳар ерда кўб ўт ёндурун» ва ўзи черики билан сув юқорисиди бориб, гузар топиб ўтти ва тонгласи черикини тартиб этиб, амирзода
- 105б Умаршайх устида келди. Амирзода андин хабардор бўлуб, / отланди ва душманга етиб уруш солдилар ва амирзода Умаршайх йахши ишлар қилди. Аммо душман черики асру кўб эрди, Андижон сори бориб, қалъага кирди. Ва Анка Тўра черики билан шаҳзоданинғ кейнида тушуб, шаҳарга йақин келиб тушти ва тонгласи хаёл эттиким, келиб шаҳарни қабаб ўлтургай. Аммо шаҳзода Умаршайхнинг ғайрати қўймай шаҳардин чиқиб, душманлар била урушти. Байт:

Черик элидин чиқти андоқ хуруш,
Ки кетти фалак жопидин тобу хуш.

Жета черики кўп эрди ва шаҳзоданинғ кишиси оз эрди, аммо гоят шижоат ва баҳодурлигининг душман ичиди кириб қилич чопар эрди. Тўкал Баҳодур ўзини шаҳзодага еткуруб, жиловини тутуб, душманларнинг ичидин чиқарди. Андин сўнғ Анка Тўра туролмай ёниб, Кофуристон⁵⁴⁹ сори кетти. Амирзода Умаршайхнинг черики анинғ сўнғидин тушуб, уч йағочғача бориб, кўб киши Жета черикидин тушуруб ўлдурдилар.

- Сулаймоншоҳбек ва Аббосбек ва қўшун бекларидин Темуртош ва Барот Хожа ва Севинч Темур Дашт черикининг урушидинким, Чукалак мавзеъида⁵⁵⁰ воқия бўлуб эрди, андин бузулуб келиб, Самарқанд шаҳрида келиб, шаҳарнинг муҳофазатиға машғул бўлдилар. Ва ташқари ўлтургон элни қалъага кийурдилар ва Темуртошни Термизга йибардиларким, ул ерни беркитиб сақлағай. Аммо муҳолифлар вилоятга кириб, кентларни таладилар ва элни ўлтурдилар. Ва бир пора киши муҳолифдин айрилиб, Бухороға мутаважжих бўлдилар. Аммо Тўқтамишнинг қалин кишиси Хоразм йулидин Бухороға келиб эдилар ва анда етконда аларға бу ҳавас бўлдиким, Бухорони олгайлар; шаҳарга йақин келиб ўлтурдилар. Аталмиш Қавчин ва Дурбой Қавчин қалъани беркитиб, урушқа машғул бўлдилар. Муҳолифлар
- 106а неча кун /урушуб, кўрдиларким, шаҳарни олса бўлмас, зарураттин кучуб, Мовароуннаҳр вилоятини бузулмоққа машғул бўлдилар ва Занжир Саройни ўт уруб куйдурдилар. Ва аларнинг ғажирчиси Султон Маҳмудким, Кайхусрав Хутталонийнинг ўгли эрди, аларға қўшулиб, ғажирчи бўлуб эрди. Душманлар Қарши ва Хузордин утуб, Қўйитан⁵⁵¹ ва Аму суйиғача чобтилар. Ва ушул маҳалда Аббосбек Чукалак урушида ўқ еб, ул захмдин вафот бўлди.

Ҳазрат соҳибқирон Ироқ ва Форс вилоятини мусаххар қилиб,
ҳукуматини Оли Музаффарга бериб, ўзи давлат ва саодат
била қайтиб, Самарқанд вилоятига келгони

Бу мазкур бўлгон қиссаларнинг хабари Шероз вилоятида ҳазрат соҳибқиронга етишти. Амир Усмон¹ Аббосни ўттуз киши биланким, барчаси баҳодур ва диловар эрди, таъжил била Йазд йулидин Самарқандга йибарди ва Шерознинг ҳукуматини Шоҳ Йаҳёким, Шоҳ Шужоънинг ағосининг ўгли эрди, иноят қилди ва Исфаҳонни Султон Муҳаммадким, улуг ўгли эрди, берди ва Кермонни Султон Аҳмадким, Шоҳ Шужоънинг иниси эрди, берди ва Сиржонни қалъаси билаким, анинг сўзи келгуси турур, Султон Абу Исҳоқким, Шоҳ Шужоънинг набираси эрди, шафқат қилди. Ва барчага ҳукумат нишони бериб, Ол тамғаси била муҳр этиб берди. Ва ҳукм бўлдиким, «Йаноби ифодатмаоб, қудватул муҳаққиқин ва афзалул мутааҳҳирин Саййид Шариф Журжоний⁵⁵², қаддаса сирруҳу, Самарқанд вилоятига бореунлар!» Ва Шоҳ Шужоъ бекларидин амир Аловуддин Иноқни кучи била ва киши-қароси билан Самарқандга йибарди. Ва ҳунармандлардин бир жамоат кишини кучлари била Самарқандга йибарди. Ва ҳазрат соҳибқирон муҳаррам ойининг охирида, етти юз тўқсонда (9.02.1388) Ироқ вилоятининг Самарқанд сори юриди. Банди Амирга⁵⁵³ етконда Паҳлавон Муҳаззаб Хуросонийким, Абарқўхун⁵⁵⁴ ҳокими эрди, киши йибариб арзадошт қилдиким, «Шаҳарни даругасиз қўйиб /борғали маслаҳат кўрмайдурмен. Агар бир киши келса, мен хизматда борғум турур». Ҳазрат соҳибқирон Тўқал Бавурчини йибарди ва Паҳлавон Муҳаззаб ҳазратнинг хизматига келиб, пешкашлар тортиб, дийдорига мушарраф бўлди. Ҳазрат ани йахши кўруб, Абарқўхунни анга берди. Ва андин таъжил билан Исфаҳон йўлига кириб юриди. Шеър:

Ворур эрди ул шоҳи соҳибқирон,
Саодат рафиқ ва зафар ҳаминон.

Синаҳ гардидин даҳр эди мушкранг,
Кеча-кундуз ул гарддин тепа-танг.

Ҳазрат соҳибқирон кеча-кундуз суруб Йайхун суйига йақин етиб тушти. Низомиддин Қонғарийким, ҳазрат Эрон сори мутаважжих бўлгонда ани Табғурхонким, Хитой подшоҳи эрди, элчиликка йибариб эрди, келди ва қўб тансуқ нималар пешкаш қилди ва Хитой аҳволини арз қилди⁵⁵⁵.

Ҳазратнинг келурининг овозаси Мовароуннаҳр вилоятига тушти, душманлар ҳар бири бир сори кетти; баъзиси Хоразм сори борди ва баъзи Дашти Қипчоқ сори кетдилар. Соҳибқирон Йайхундин ўтуб, Самарқанд вилоятида тушти. Худододи Ҳусайний ва Шайх Али Баҳодур ва Умар Тобон ва ўзга бекларни муҳолифларнинг кейнида йибарди ва алар кеча-кундуз суруб, Йилон мавзёйига сурдилар, қўб киши муҳолифлардин олиб ўлдурдилар ва музаффару мансур қайтиб келдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Самарқандда қўйгон бекларини ғазаб қилгони

Соҳибқироннинг черикига ҳеч маҳал андоқ воқиф бўлмагон эрмишким, душмандин қочқайлар. Соҳибқирон давлатидин ҳар ергаким, бориб турурлар, душманга зафар топиб, мансур қайтиб турурлар. Чуқалак қиссасини ҳазрат эшитиб, муборак қўнглига асру қаттиқ келиб, бекларким, ул урушда бўлгон эрмиш, барчани чорлаб, қошида турғузди ва урушнунг кайфиятини сурди. Ҳар кимки ул кун номардлик қилиб қочқондур, бир турлук изза қилди. Барот Хожга Қуқалтошким, анинг /баҳодурлуғи машҳур эрди, аммо ул маърақада иш қилмай ихмол қилгон эрмиш, бу жиҳатдин соҳибқирон буюрдиким, сақолини қирқиб, юзига упу ва йанглик суртуб, шаҳарни кездурди. Ва Қўча Малик ул кун йахши иш ишлаб баҳодурлуқ кўрсатиб эрди ва ун уч киши била Нахчол мавзёйдаким, Хужандқа йақиндур, уч юз кофирнинг бошига шабихун айлаб аларни бости ва Хужанд вилоят

тидин тушкан асирларни қутқариб эрди. Бу жиҳатдин ҳазрат соҳибқирон ани йахши сийлаб, суюрғаллар бериб, тархон қилди. Ва шаҳзода Умаршайх ул кун баҳодурлуқ қилгон учун ани кўб иноятлар била сарафроз қилди.

Ҳазрат соҳибқирон бешинчи қатла Хоразмга борғони

Лу йилда, торих етти юз тўқсонда (1388, март-апрел) ҳазрат соҳибқирон Хоразм сори мутаважжих бўлуб, Эгри ёр мавзеида тушти. Ва Кунча Ўғлон ва Темур Қутлуқ Уғлонким, Тўқтамишдин йамонлаб ҳазратнинг хизматиға келиб эдилар, Шайх Али Баҳодур ва Шайх Темур Баҳодур била буларни қушуб, манглай тарзида илгари йибарди. Булар Бағдодак ариғидин ўтуб, Ийд Хожани қаровуллуққа йибардилар. Ийд Хожа юруб, Илиғмиш Ўғлоннинг илқичиларидин бировни тутуб келтурди ва мухолифларнинг аҳволин сўруб, ани соҳибқиронга йибарди. Ҳазрат душманнинг хабарин андин билиб, юруберди. Жадрис ариғида етиб ва андин ўтуб эрдиким, душман соридин биров қочиб келдиким, Илиғмиш Ўғлон ва Сулаймон Сўфий Хоразмдин чиқиб қочтилар, Ҳазрат соҳибқирон мирзо Мироншоҳ ва Муҳаммад Султоншоҳ ва Шамсуддин Аббос ва Уч Қаро Баҳодур ва Ийгу Темур ва Севинчак Баҳодурни аларнинг кейиинда йибардиким, «Қумкент ва Қира йулидин юруб, жаҳд қилсунларким, мухолифга етқайлар». Булар елдин чустроқ ва раъддин тезрак суруб, мухолифга еттилар ва кўб киши алардин тутуб ўлдурдилар ва моли бениҳоят эликларига тушуб, музаффар ва мансур қайтиб, мансур черикка қушудилар.

1076 Соҳибқирон неча кун Хоразмда /туруб ҳукм эттиким, «Хоразм элини кучуруб⁵⁵⁶, Самарқандга йибаринг!» Шаҳарда бўлгон барча элини кучуруб, Самарқанд сори йибардилар ва Хоразмни бузуб, ичида арпа эктилар. Байт:

Чу Хоразмга келди соҳибқирон,
Туролмай адув қочти андин равон.
Мусаххар этиб шаҳарни шаҳриёр,
Буюрдики, «Бу шаҳарда ҳар ки бор,
Самарқандга элтинг барини тамом,
Ки қилсунлар эмди ушанда мақом».

Соҳибқирон Хоразмни олгондин сўнг Самарқанд сори мутаважжих бўлди ва саодату иқбол била келиб, манзилига тушти. Ва соҳибқиронким, баъзи вилоятларни олиб бузар эрди ва баъзини тузуб, иморат қилур эрди, ул подшоҳлиқ маслаҳати учун эрдиким, подшоҳ сиёсат қилмаганча вилоят тузалмас. Уч йил Хоразмнинг бузулғонидин кечти, яна ҳазратнинг иноят ва марҳамату лутфи ул шаҳарнинг аҳволига тушуб, Дашти Қипчоқ юрушидин қайтқонда Мусикаким, Ханки Қавчиннинг ўгли эрди, Хоразмга йибардиким, бориб иморат қилгай. Ул бориб қалъанинг йасади ва ҳозир ушул иморат турурким, соҳибқирон давлатидин бўлгон туруп.

Зикри баъзи қиссаларким, соҳибқирон Хоразм борғонда воқия бўлиб туруп

Ҳазрат соҳибқирон Хоразм сори мутаважжих бўлгонда Абулфатҳким, Муҳаммад Миракнинг иниси эрди, ҳазратнинг черикидин қочиб, ўзини чўлга солди. Баҳодур Қавчин андин хабарда бўлуб, кейнида тушуб, Ҳисорак мавзеида анга етти. Ва ул бир йағочнинг куланкасида етиб эрдиким, Баҳодур Қавчин анга етти ва андин сўрдиким, «Не жиҳатдин мундоқ ҳаракат қилдинг?» Ул дедиким: «Ағом Мирак йаағи бўлуб, менга киши йибариб эрди. Бу жиҳатдин анга борур эрдим». Лолам Баҳодур ани боглаб, отиға миндуруб Бухорогаким, Умаршайх мирзо анда тушуб эрди, келдилар ва сурати воқеани шаҳзодаға арз қилдилар. Буларни соҳибқирон қошига йибариб, ўзи таъжил этиб, Самарқандга борди. Ва анда

108a етконда бу сўз таҳқиқ бўлдиким, / Муҳаммад Мирак соҳибқироннинг куй-

ва эрди ва маҳду улё Султонбахт бегим анинг никоҳида эрди ва ҳазрат соҳибқирон анга тарбият ва иноят қилиб, Хутталон вилоятини дуруст анга бериб эрди. Аммо ул ба ҳукми: *Инна-л-инсана ла-йатго ан роъаҳу истагна*⁵⁵⁷ гурури шавкат ва ҳашамат ани йўлдин чиқориб, маҳол савдоси бошида тушуб, муҳолифат қилмаққа хаёл қилди. Аммо рўзгор минг тил била айтур эрди, байт:

Сен, эй ақлсиз, қилма мундоқ хаёл,
Хаёлинг эрур даҳр аро чун маҳол.

Аммо шақоват ва бадбахтлик этагини тутуб эрди, муҳолифатқа юз қўйди ва черики биланким Самарқанд йақинига етиб, йааги бўлуб қайтти ва Қаҳлагадин ўтуб Термизқа етиб, Хутталон черики эликларин узатиб, андаги элни таладилар. Ва Термиз даруғасиким, оти Темуртош эрди ва Апачи Суфийнинг ўгли эрди ва Оқ Буганинг иниси эрди, Термиз шаҳрини беркитти ва кучабандлар солиб, қўймадиким, муҳолифлардин бир киши йақин келгай, ва алар шарридин мусулмонларни сақлади. Аммо амирзода Умаршайхқа кайфияти аҳвол равшан бўлгондин сўнг Самарқанддин отланиб, Йалғуз Йағочда тушти ва черикини жамъ этиб, Миракнинг кейнида тушти. Ва Мирак Ҳисорға келиб, Малик Барлос ва Оқ Темур Баҳодурким, Ҳисор аларға тааллуқ эрди, аларға етиб, Ҳисорға кирди ва андаги элни талаб, Ҳисордаги жайбахонани очиб, етим-есир ва бозорчопонийларға жайба улаштирди ва оту тўн бериб, черик йиғиштуруб урушмоққа жозим бўлди. Амирзода Умаршайх йақин етконда соҳиб давлатидин Муҳаммад Миракнинг черики туролмай, бир-бир бўлуб қочтилар. Мирак қочиб, Вахш суйидин ўтуб, Хутталонға борди. Шаҳзода Умаршайх анинг кейнида суруб борур эрди. Аммо Мирак давлатдин юз қайтариб, Жалололидинким, Дара⁵⁵⁸ ва Дарвозининг⁵⁵⁹ ҳокими эрди, анга паноҳ элтти.

1086 Ҳазрат соҳибқиронга Ҳаққ таборак ва таоло азиз ва муҳтарам қилиб эрди, ҳар кимки йамон хаёл қилиб, анга муҳолифат қилса эрди, албатта хору зор бўлуб, несту нисор бўлур эрди./ Муҳаммад Мирак ишидин пушаймон бўлуб, юз турлук фалокат билан Жалололидинға борди. Шоҳ Жалололидин ани вилоятига йўл бермади, балким киши йибариб, вилоятдин ани қовладилар. Мирак чун кўрдиким, Шоҳ Жалололидин анга ҳимоят бўлмади, ноумид андин қайтти ва анинг била боргон навкарлари ҳар бири бир сори қочти. Шаҳзода Умаршайх киши йибардиким, Миракни топиб келтурсунлар. Бир неча ўғлонлар кезиб юридилар ва андин хабар топмай ёндилар. Шаҳзода Умаршайх Хутталонға келиб, Қифчоқ Дароқ Саройдаким⁵⁶⁰, Миракнинг кўшки эрди, тушти ва фароғат била машғул бўлуб, кўз тутар эрдиким, соҳибқироннинг давлати бир иш қилғуси турур. Қазодин, Усмонким, Оруғ Умарнинг ўгли эрди, неча навқари била Самарқанд борур эрди. Уқбаи Бугадин⁵⁶¹ ўтуб, бир булоққа етконда отнинг изини кўрди. Анинг кўнглида кечтиким, бу отларнинг изи холи аз маъни бўлмағуси турур. Бас, отнинг изини тутуб борди. Бир неча пушталардин ўтуб эрди, Муҳаммад Миракни кўрдиким, тўрт киши била ўлтуруб турур ва отларини утқа қўйуб турур. Филҳол, чопиб аларнинг тўрт ёнини туттилар ва ул отларни олдилар. Андин сўнг аларни тутуб, беркиттилар ва шаҳзода Умаршайх мирзоға хабар йибарди ва буларни отлариға солиб Умаршайх мирзоға бордилар. Душанба куни шаҳзодадин хабар билиб, йўлда аларни йасоққа еткурди. Ва Самарқандда Абулфатҳким, Муҳаммад Миракнинг иниси эрди, ўлтурдилар. Ва барча оламға панд бўлдиким, ҳеч киши валинеъмат била муҳолифат қилмағай ва неъмат ҳаққини сақлағай. Шаҳзода Умаршайх бу дағдагадин фароғат топиб, фатҳ ва нусрат била Самарқанд сори мутаважжих бўлди ва анда ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлди.

109a Ушул маҳалдаким, Муҳаммад Мирак йааги бўлуб эрди, амир Жаҳоншоҳ ҳукм билан буролдай ва талиқон ва апардий черики билан Қундуздин ҳазрати нусратшиғор сори мутаважжих бўлдилар. Балхда етканда амир Ёдгор Барлос Балх черики била келиб /аларға қўшулди. Йўлда борурда буролдай эли йааги бўлуб, қайттилар. Жаҳоншоҳбек бу воқеъадин арзадошт қилиб йибарди ва Хожа Йусуф Улжайту ва Жунайдиким, Буролдаининг ағосининг ўгли эрди, буларға қайтиб буролдай элининг кейнида тушуб бордилар ва Бағлонда аларға еттилар ва аларнинг элини таладилар. Бу

маҳалда Жаҳоншоҳбек хабар билдиким, Муҳаммад Мирак йааги бўлуб турур ва черик йиғиштуруб Хисорда ўлтуруб турур. Жаҳоншоҳбек черик йиғиштуруб анинг сори мутаважжих бўлди. Ва Хожа Йусуф ўз черики учун Арханг сори кетти. Ва Али Тоз Балҳа бордиким, андаги черикни келтургай ва муқаррар қилдиларким, Аму суйининг йақосида бир-бирига қўшул-гайлар. Неча кундин сўнг барча йигилиб, сув йақосига келиб, сол боғлаб ўттилар ва сувнунг бери юзида тушуб ўлтурдилар. Кеча бўлгонда Буролдай ва иниси Боязид йааги бўлуб, Жаҳоншоҳ бошига шабихун келтурдилар. Буролдай ва Боязиднинг черики уч минг киши эрди ва Жаҳоншоҳбек қошида олтмиш киши эрди. Соҳибқирон давлатиға сиғиниб, тараддуд қилмай, худойға таваккал қилиб, орқаларини сув сори қилиб ва қалқонларни бошларига тортиб уруштилар. Бу маҳалда Хожа Йусуф бир навкарини сувдин синож била кечтуруб, Жаҳоншоҳбек қошиға йибардиким, «Мардона бўлунгларким, Мунк черики билан етайим». Жаҳоншоҳбек ва анга тааллуқ йигитларким, душман ўтрисида туруб урушур эрдилар, бу хабарни эшитиб, қувватлари бир юз бўлуб, урушабошладилар. Хожа Йусуф ва Пир Али Тоз юз йароқли киши билан сувдин ўтуб еттилар ва иттифоқ била ҳамла этиб, йахши ишлар қилдилар. Тонг отқонда ҳазрат соҳибқирон давлатидин душман черикиним, бовужуд улким, қалин киши эрди ва ҳар бир кишининг муқобиласида йигирми киши бор эрди, туролмай қочтилар, ва сувдин ўтуб Бағлонга еттилар: *Фа ин йакун минкум миатун собиратун йағлибу мийатини*⁶² зоҳир бўлуб нусратшиёр черики аларнинг кейнида тушуб, қўб киши алардин тушуруб ўлтурдилар. Ва Жаҳоншоҳбек черик билан Қундузда ўлтурди, Буролдай эли Хиндукуш тоғидин ўтуб, Кобулға бордилар. Абу Саъид Бисуд буларнинг йааги бўлгонларини эшитиб, йамон табиъати ва ноқис ақли анга мундоқ йўл кўрсаттиларким, «Сен ҳам булар билан иттифоқ қилгил»; бовужуд улким, ҳазратдин юз турлук шафқат ва иноят кўруб эди. Ва бу маҳалда Оқ Буға Бисудки, Абу Саъиднинг душмани эрди ва ҳазрат соҳибқирон ани тутуб Мўғулистон ва Олтой сори йибариб эрди, ул маҳалда Мўғулистондин қочиб келур эрди. Ани йўлда тутуб ҳазрат соҳибқирон қошиға Хоразмға элттилар.

1096

Бу маҳалда ҳазрат эшиттиким, Абу Саъид йааги бўлуб, Буролдай эли била бирикиб турур. Ҳазрат Оқ Буғани чорлаб, банддин чиқариб, Бисуд элини анга иноят қилди ва Жаҳоншоҳбек қошиға йибарди. Ва ҳазрат Хоразмдин қайтиб, давлат билан манзилиға тушти. Рамазон Хожани ўзга беклар била қўшулуб, неча қўшун черик била амир Жаҳоншоҳға кўмак йибарди ва фармон бердиким, «Ҳар ердаким, душман борса, сизлар ҳам боргайсиз!» Ҳукм йўсуни била Жаҳоншоҳбек ва Хожа Йусуф Қундуз ва Бағлондин отланиб, душман кейнида туштилар. Ва Хиндукуш ва Кобулдин ўтуб, Лағмон мавзеида Жунайд ва Абу Саъидға етиб, эл-улусини таладилар ва бўлгон элни олиб ёнди. Абу Саъид билан Жунайд юз машаққат била бошларини олиб, Синдға қочиб кеттилар. Оқ Буғабек бу қиссадин хабар топиб, Хирот вилоятидин отланиб, алар сори қасд этти. Ва Сайфалбек Қандаҳорда бу хабардин воқиф бўлуб, черик жамъ этиб, йўлда Оқ Буғабекка келиб қўшудди ва иттифоқ била жангаллардин ва тоғлардин ўтуб, аларга /еттилар ва йўлларини туттилар. Зарураттин жон қўрқунчида уруштилар ва қўб кишилари талаф бўлуб, оз киши билан Жунайд ва Боязид ва Абу Саъид бошларини олиб Хиндустон сори Деҳли мамлакатиға кеттилар. Ва мансур черики саломат қайтиб, ўз вилоятлариға туштилар.

110a

Ул маҳалдаким, ҳазрат соҳибқирон Хоразм сори борур эрди, Суйурғатмишхон Бухоро вилоятида хаста бўлди. Неча кундин сўнг вафот бўлди ва анинг сўнгакини Кеш вилоятида Қўпқан Йағоч мавзеида бир гунбаз ичида кўмдиларким, ул гунбаз анинг иморати эрди. Ва Султон Маҳмудким, Суйурғатмишхоннинг ўғли эрди, атосининг ерини анга иноят қилди.

Андин сўнг соҳибқироннинг муборак кўнглиға кечтидиким, шаҳзодаларким, бўйи етилиб турурлар, аларни эвландургай. Туй асбобиға машғул бўлуб, шаҳарни ойин боғладилар. Амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Пир Муҳаммадким, иккаласи аго-ини эрдилар ва амирзода Шоҳрухни ҳар бириға бир ҳури нажод қизни шаръи мутаҳҳара йўсуни била берди ва Боғи бихиштда туй қилди⁶⁴. Ва бу туй бир сори бўлгондин сўнг ҳазрат соҳибқирон черикни ижозат бердиким, «Ҳар киши ўз вилоятлариға бориб бир неча кун фароғат бўлсунлар».

Мирзо Мироншоҳ Хуросонга борди ва амирзода Умаршайх Андижонга борди ва ҳазрат ўзи давлат ва саодат била ул қиш Самарқандда қишлади.

Ҳазрат соҳибқирон Тўқтамиш сори черик тортиб борғони ва музаффар ва мансур қайтқони

1106 Тўқтамишхонга ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу азалда накбат ва фалокат ёзгон эрмиш. Ул сабабдин ҳазрат соҳибқироннинг ҳаққ неъматини унутуб, Жўчи-хоннинг улусини йиғиштуруб йаағилиқ анғиз этти. Торих етти юз тўқсонда соҳибқирон сори мутаважжих бўлди⁵⁶⁵. Ҳазрат анинг келгонидин хабар билиб, Самарқанд ва Кеш черики била шаҳардин чиқиб Соғарчада⁵⁶⁶ /тушти ва тавачиларни ҳар сори чобтуруб, черик йиғиштурмакка машғул бўлди. Қазодин ул қиш андоқ совуқ бўлдиким, ҳаргиз ҳеч киши андоқ совуқ кўрмайдур эрди. Ва ҳаво муттасил булут ва қор ёғар эрди. Бу маҳалдин хабар келдиким, Тўқтамишхоннинг черикидин Илиғмиш Ўғлон бир пора киши била илгари келиб, Хўжанд сўйидин ўтуб, Ачук Зарнуқда⁵⁶⁷ келиб ўлтуруб турур. Ҳазрат филҳол от тиладиким, отланғай. Беклар юкунуб дедилар: «Анча таҳаммул қилинғким, черик йиғилғай, ўзга давлат била отланғайсиз». Аммо бу сўз ҳазратқа ёқмади, анинг учунким: «*Ат-таъхиру фил-афат*» воқий турур⁵⁶⁸. Черик йиғилғунча турмади. Ва бовужуд улким, йўлда андоқ қор эрдиким, отнинг қорнига тегар эрди, таваккал қилиб, бир неча хосса кишилари билаи душман сори мутаважжих бўлуб, тун қайтиб, юриди. Назм:

Равон бўлди ул хусрави номвар,

Саодат анга йўлда чун роҳбар.

Зафар йўлдоши, нусрати ҳам аён,

Малойиклар анга бари харзхон.

111a Умаршайх мирзо Андижондин черики била Хўжанд сўйининг йақосида ҳазратнинг мулозиматида етти. Соҳибқирон Кунча Ўғлон ва Темур Қутлуг Ўғлон ва Шайх Али Баҳодурни бир пора киши била йибардиким, душманларнинг қочар ерларини тутқайлар. Кейинги кун бурнида Анбор тепа устида чиқиб, йаағига еттилар ва сурон тортиб уруш солдилар. Душман билдиким, ҳазрат соҳибқирон ўзи турур, туролмай қочтилар. Кўп киши алардин от остида қолиб ўлдилар ва баъзилари ўзини Хўжанд сўйига солиб, сувга кеттилар ва баъзилари қочиб юрүр эрдиларким, бурун боргон нусратшўр черики йўлларини тутуб туруб эдиларким, йаағи аларга етти. Булар ўтрүвдин чиқиб, ўт ва қилич зарбидин қўб кишини ўлдурдилар. Ва Иди Берди Бахшийни тушүрдилар, бошини кесарда отини айтти⁵⁶⁹. Ани тониб ўлдурмай сақладилар /ва соҳибқирон қошига ўлттилар. Ҳазрат Тўқтамишнинг аҳволидин сўруб, гуноҳидин кечиб, марҳамат ва шафқат қилиб, ўзи қошида сақлади. Андин кўчуб, сафар ойида етти юз тўқсон бирда (1389, феврал) Ақарда бориб тушти ва анда анча таҳаммул қилдиким, ёз бўлуб йана олам гулистондек бўлди. Атроф ва жавонибдин черик йиғилди ва амирзода Мироншоҳ Хуросон черики била келди ва Балх ва Қундуз ва Бадахшон ва Ҳисор ва ўзга вилоятларнинг черики барча йиғилди. Байт:

Сипоҳ гардидин бўлди олам сиёҳ,

На хуршид кўрунди ўзга, на моҳ.

Ҳазрат соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Амирзода Умаршайх ва амир Ҳожи Сайфуддин ва Ййгу Темур бориб Хўжанд сўйига кўфрук боғласунлар!» Алар ҳукм била келиб, неча ерда кўфрук боғладилар ва хабар йибардиларким, «Кўфрук тайёр бўлди!» Ҳазрат соҳибқирон рабиъ ал аввал ойида, торих етти юз тўқсон бирда, йилон йилда (1389 март) андин кўчуб юрубдилар. Ва кўфрукдин ўтуб Темур Қутлуг Ўғлон ва Севинч Баҳодур ва Усмон Баҳодурни илгари йибарди. Ва алар бориб душманнинг қаровулини кўруб ёндилар ва бекларга хабар қилдилар. Беклар каминда туруб, ўзларини душманга курсатмадилар ва муҳолифлар чун кишини кўрмади-

111б

лар, бир ерда тушуб, қаро бахтларидек уйқуда бордилар. Нуератниҳор черики отланиб, алар бошига шабихун элтдилар ва аларнинг устига тўкуб, қуб кишини ўлдурдилар ва оз киши алардин юз меҳнат била қутулуб қочтилар ва Арж суйидин⁵⁷⁰ ўтуб Тўқтамишхонга еттилар. Тўқтамишнинг черики Сабронни қамал қилиб ўлтуруб эрди. Саброн ичида Жангирча ва Лоду Қўшчи шаҳарни беркитиб, ҳар кунда чиқиб муҳолифлар била урушур эрдилар. Тўқтамиш ожиз бўлуб, Саброндин кўчуб Йассига⁵⁷¹ бориб, ул ерни талаб, езида ўлтуруб эрдиким, хабар келдиким, ҳазрат соҳибқирон кела турур, /қўрқунчдин туролмай, андоқ қалин черик билан даштқа чиқиб қочти. Байт:

Адув чун эшиттиким, соҳибқирон
Келадур, туролмади аз бими жон,
Қаросини кўрмай қочиб ҳамчу бод,
Равон кетти ул мудбири бадниҳод.

Соҳибқирон билдиким, душманлар қочиб кетиб турурлар, амир Ҳожи Сайфуддинни угруқ билан Самарқандқа йибарди ва ўзи муборак нафаси билан илғор этиб душман кейнида юриди. Хожа Шайх Қавчин ва Тўплақ Қавчин ва Қароқон Баҳодур ва Омоншоҳ Баҳодур ва Давлатшоҳ Жайбачини қирқ киши билан, барчаси кўш, душманининг кейнида тил олмоқ учун йибарди. Алар Сариқ Ўзан⁵⁷² мавзёида етиб, душман қаровулига етти. Урушуб музаффар бўдилар ва душман қаровули қочиб кетти. Булар қайтиб, ўшул саҳрода Қибта Дархон юз эвлук киши қароси билан ўлтуруб эрди, булар анга учраб, Қибта Дархон урушти. Бас, баҳодурлар ани босиб олдилар ва Қибта Дархонни элини моли билан кўчуруб, Оқсув⁵⁷³ мавзёида ҳазратқа еттилар. Ва ҳазрат андин кўчуб, Ўранг Чақал йулидин юруб, чўлдин ўтуб, Билан мавзёида еттилар. Ва андин тақи ўзуб, Сариқ Ўзан ва Кўрчундин ўтуб, Ол Қўшунга туштилар⁵⁷⁴.

Ҳазрат соҳибқирон амирзода Мироншоҳни Хуросонга йибаргани

112а

Ол Қўшун мавзёида хабар келдиким, сарбадоллар ва Ҳожибек Жониқурбони Калот ва Тус черикларини йигиштуруб йааги бўлуб турурлар. Соҳибқирон амирзода Мироншоҳни Хуросон сори йибардиким, андаги пайдо бўлгон фитналарни ўлтургузгай. Амирзода ижозатдин сўнг отланиб, кеча-кундуз суруб, Самарқандда тушти ва Хуросон маликларидин Малик Гийёсуддин ўгли ва Пир Муҳаммаднинг икки ўглини — Зайналобидин ва Муҳаммадким, Самарқандда эрдилар, барчани ўлдурдилар ва мулуки Қурт наслидин киши қолмади. Андин сўнг шаҳзода жувонбахт /мирзо Мироншоҳ Самарқанддин отланиб, таъжил била Хуросон сори юриди ва Баҳробод саҳросида⁵⁷⁵ етконда сарбадол мулуки фидойилартек жонларидин кечиб, илғари келиб уруштилар. Ҳазрат шаҳзода аларни ўртада олиб, ўқ билан кўбрақини тушуруб, ўлдурдилар. Маликлар юз машаққат билан ўзларини андин чиқориб, бир жамоат кишилар биланким, кўбраки захмлик эрдилар, Ироқ сори қочиб кеттилар. Ва Оқ Буғабек Ҳиротдин чиқиб, ул фитнанинг дафъи учун юруб, Тусни қабаб⁵⁷⁶ ўлтурди ва неча кундин сўнг Тусни олди. Ҳожибек Жониқурбониким, Алибекнинг иниси эрди, қалъадин қочиб Ироққа кетти ва Семнонга⁵⁷⁷ етконда Ҳазорагириининг саййидлари ани тутуб йибардилар. Бас, ани сийёсат қиличи била ўлтурдилар. Шаҳзода Мироншоҳ муҳолифлар шарридин вилоятни қутқариб, давлат ва нуерат била қайтиб, Ҳирот мулкида тушти ва айшу ишрат била машғул бўлди.

Аммо ҳазрат соҳибқироннинг хаёли бор эрдиким, Тўқтамишхоннинг кейнида боргай. Аммо беклар барча иттифоқ қилиб, юқунуб дедиларким: «Давлатқа лойиқ бу турурким, аввал Хизр Хожа Ўғлонким, Тўғлуқ Темурхоннинг ўгли турур ва мўгул қавмининг хони турур ва бир улуг душманмиз ул турур, анинг бошига борали ва андин кўнгул жамъ этиб, фароғат билан ўзга душман Тўқтамишхон устига борали». Бу сўзни ва бу кенгашии ҳазрат соҳибқирон қабул қилди ва андин қайтти.

Ҳазрат соҳибқирон бешинчи қатла Мўғулистонга, Хизр Хожа
Ўғлон ва Анка Тўра бошига борғони

1126 Ушул йилдаким, етти юз тўқсон бир эрди (1389), ҳазрат соҳибқирон Мўғулистон сори мутаважжиҳ бўлди ва Ол Қушун мавзъидин кучуб, қайтиб, Бўрибош йўлидин черики билан юриди. Қирқ Тубаликдин утуб, Ўртоқ уқбаеида чиқтилар: черикнинг отлари асру ороқ /ва хароб эрди. Бу жиҳатдин ҳар ўн кишидин уч кишини Самарқанд сори қайтарди. Аларнинг отларини бу етти кишига улаштурди ва черикни қўшот қилиб, саодат ва иқбол билан мўғул сори юрубери; Айқан Сури (суйи)га еттилар, анда сув йўқ эрди. Черик сувсаб асру заҳматда бўлдилар ва ҳар ерда қудуқлар қазиб, сув пайдо этиб юрур эрдилар. Инояти Ҳаққдин, ёз чилласида бир ўтлоқ ерга етиб, анда қор ва муз тобтилар, андоқким, барча черик от улоғлари била сув ичиб тўйдилар. Ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таолоға шукрлар деб юруб, Тўра Ўтлағ мавзъида туштилар, ва ул ерда ов солиб, Айғир ёли саҳросидин юруб анча қулан ва кийик ва тавушқон ва ўзга нималар олдиларким, сони йўқ эрди, ва андоқ бўлдиким, оруғини қўйиб, семизини олур эрдилар. Ва Ўлан Йарлиғ мавзъида Чинор Айғирда етиб туштилар. Анка Тўра черикидин, Ўлан Буга ва Иккачак кишиларидин минг киши келиб ул ёзида баҳрин элини тилаб юрур эрдиларким, Мирак Элчи ва Мир Али Тоз мансур черикининг ўнг қўлунунг қаровули эрдилар, аларга учраб уруштилар. Мухолифлар туролмай қочтилар. Алар бир киши тутуб, соҳибқирон қошига келтурдилар ва ул кишидин аҳвол сўруб маълум қилдиким, Анка Тўра Ўрунғ мавзъида ўлтуруб турур. Ҳазрат филҳол Шайх Али Баҳодур билан Ийгу Темурни бир жамоат черик билан анинг бошига йибарди ва буюрдиким, «Турмай, тез сурунғлар ва жаҳд қилинғким, ўзунгузни анга еткуролгайсиз ва йўлда «ўт ёндурма» қилмагайсиз!»⁵⁷⁸ Бу баҳодурлар илгор этиб юридилар ва ҳазрат тақи аларнинг кейнида тун қайтиб юриди. Ва кун чиққанда маълум бўлдиким, ғажирчи йўлни галат қилиб, ўзга йўлга тушкан турур. Ул кунни Қуён Қори йўлидин юруб, ақшомда Соли Қўлида туштилар.

113а Тонгласи йўлни тониб, Ой Уқурга еттилар ва анда етконда соҳибқирон/шаҳзодалар била ва беклар била кенгашиб дедиким, «Биз уч кун йўлни галат этиб, ўзга йўлга туштук ва душманлар биздин хабар тобқон бўлгайлар. Маслаҳат бу турурким, икки соридин аларга юругайбиз». Бу кенгашдин сўнғ черикни икки бўлди: бирини Умаршайх мирзога қўшуллуб, Ҳамидбекнинг ўғли Жалолиддинни аларга ғажирчи қилди; ва ўзи муборак нафаси билан қолгон черики била Шаровушиё ва Тув Қуйи Мароғ ва Қароған Бўйурлағудин ўтуб, Қароғучур мавзъидин чиқти. Ва амирзода Умаршайх нуератшиёвор черики билан тоғларда ва ёзиларда юруб, бир ердаки душманларга еттилар, алар била урушуб, ўлдуруб, талар эрдилар, то Қубоқ мавзъида Анка Тўрага еттилар. Ва икки тарафдин сурон солиб уруштилар. Шеър:

Баҳодурлари била ул шаҳриёр
Чиқариб элик, қилдилар коризор.

Ул кофирлардин кўб кишини ўлдуруб, Анка Тўрани қочурдилар ва ани қавлаб, Қоқма⁵⁷⁹ мавзъидин утқориб ёндилар ва мол бисёр ва йахши юзлук қизлар ўлжа олдилар. Қайтиб Ахтадек тур мавзъида ҳазрат соҳибқиронга еттилар. Ва муддати кечиб эрдиким Шайх Али Баҳодур ва Ийгу Темур илғорга бориб эрдилар ва алардин ҳеч хабар келмайдур эрди. Ҳукм бўлдиким, «Амирзода Умаршайх бекларнинг кейнида бориб, алардин хабар билсун!» Шаҳзода ҳукм билан отланиб юриди ва печа кундин сўнғ беклар ўзга йўл билан келиб, ҳазратқа қўшулдилар. Амирзода Умаршайх Ит Ичмас ёзида Олакўлда⁵⁸⁰ етти. Ногоҳ душманлардин саккиз юз кишиким, аларнинг улуғи Баён Темур эрди, еттилар. Ва ул маҳалда шаҳзода билан элик киши эрди: Оқ Буга ва Ҳожи Муҳаммадшоҳ Йасурий ва Пир Ҳожки Арлот ва мундоқ кишилар душманни куруб, таваккал этиб, соҳибқироннинг давлатига сигиниб, ҳеч андиша этмай аларга чоптилар. Шаҳзода ул кун андоқ иш қилдиким, кўк ва ер анга офарин ўқудилар. Тиланчи /ўғли Пир Ҳожиким, номдор баҳодурлардин эрди, ул кун анда йахши ишлар қилди. Қазодин анга ўқ тегиб, ўлди: *Ва қатилу ва қатилу ла- куфранна айҳум сайъатиҳум*⁵⁸¹

давлатидин баҳраманд бўлди. Охирда саодат ваъдасидинким: *Ва инна жундано лаҳуму-л-ғалибуна*⁵⁸² нусрат кавкаби фатҳ кўкидин зоҳир бўлуб, душманларга зафар тоبتилар ва қуб киши алардин ўлдуруб, молларини олдилар ва ёниб ҳазрат қошига келдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Қарогучур⁵⁸³ мавзёида етиб тушти ва ҳар моликим, ўлжа тушуб эрди, барчани черикка улаштурди. Ва ул ерда неча кун ўлтурдиким, ороқ отлар семиз бўлдилар. Йарлуқ бўлдиким, «амир Жаҳоншоҳ ва Уч Қаро Баҳодур ва ўзга беклар ўттуз минг киши билан отланиб Иртишқа⁵⁸⁴ душманларни истагали борсунлар!» Алар ҳукм била отланиб юридилар, кеча-кундуз суруб, Иртиш суйига еттилар ва черикнинг йарми сувдин нари ўтуб, муҳолифларни истаб, сув йақосида юридилар. Ва ҳар ердаким, душмандин киши топар эрдилар, ўлдуруб, талар эрдилар⁵⁸⁵. Ва бу тариқ Мўғулистоннинг элларини бир-бир этиб, моли бисёр ва ўлжаи бешумор ва қизлар асир этиб, музаффар ва мансур қайтиб келиб, ҳазратқа қўшулдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Мўғулистондаки эл-улусиким, эликига тушуб эрди, барчани бир ерда йиғиштуруб, куран қилиб, Лаълбекким, Тағай Буга Барлоснинг иниси эрди, ва Темур Буга ва ўзга бекларга куран бўлгонларни тобшуруб, Самарқандқа йибарди. Ва ҳазрат соҳибқирон Чурка⁵⁸⁶ мавзёидин ўтуб, кеча-кундуз суруб Эмил Ғучур⁵⁸⁷ мавзёиға етиб, Урдум Саройда тушди.

Ҳазрат соҳибқирон қурултой қилиб, яна баҳодур ва бекларни Мўғулистонга йибаргониким, ҳар ерда мўғул қолгон бўлса, мусаххар қилиб келсунлар

114а Ҳазрат соҳибқирон ҳар ишгаким юз қўяр эрди, ул ишни камолиға еткурмагунча ул ишдин элик тортмас эрди. Бу юрушда бовужуд улким, черики ҳар ердаки борди, нусрат ва саодат /била қайттилар. Яна муборак кўнглида туштиким, ишни мундин мазбутроқ қилмоқ керак. Шаҳзодалар ва беклар била кенгаш қилиб ҳукм эттиким, «Беклар бўлак-булак ёзида кириб юрусунлар. Ҳар ердаким, билгайларким мўғулдин киши бор, анда бориб мўғулдин бир кишини тирик қўймасунлар ва қайтиб Йулдузда⁵⁸⁸ жамъ бўлсунлар!» Ҳукм йўсуни била шаҳзодалар ва беклар ғажирчи олиб, аввал шаҳзода Умаршайх Андижон черики билан ғажирчиси Бурҳон Уғлон ва Баён Темур Беккичикким, Жетадин эрдилар, ҳозир бўлдилар ва ул сорики муқаррар эрди, бордилар. Ва атроф ва жавонибни кезиб ҳар ердаки, мўғул эли учради, ўлдурдилар. Дубшин Йулдуз ўқбасидин⁵⁸⁹ ўтуб, Қаро Хожа қасабасида⁵⁹⁰ етиб, таладилар. Яна бир жамоат Усмонбек ва Аббосбек йиғирми минг киши билан амир Жалол Ҳамидни ғажирчи қилиб Сағизгон йўлидин Суғулгонлиғ ва Кўкёрга⁵⁹¹ бориб, ҳар кимки душманлардин учради, ўлдуруб таладилар⁵⁹². Ва яна бир жамоат Худойдоди Хусайний ва Мубашшир Баҳодур йиғирми минг киши билан Қимор Тақувни ғажирчи қилиб, Аружиқур йўлидин йуруб, Ёбқут мавзёида еттилар, булғачи элига етиб уруш қилдилар. Бир кеча-кундуз урушуб, охируламр, нусрат топиб, муҳолифларни ўлдурдилар ва молларини таладилар ва музаффар ва мансур қайтиб ҳазратқа қўшулдилар. Ва соҳибқирон муборак нафаси била қўл черики билан Калан Дучинни ғажирчи қилиб, Улуғ Қўл йўлида юруб, Сичқон Дабондин чиқиб, булғачиким, беклардин қочиб эрдилар, ҳазратқа учрадилар, барчани олиб ўлдурдилар ва молларини олдилар.

114б Ҳазрат соҳибқирон Туқтамишқа мутаважжих бўлғонида Едгор Барлос ва Сулаймоншоҳ ва Шамсуддин Аббос ва Ғиёсуддин тархонни Туркистонда қўйуб эрди. Туқтамишхонни босқанда, Мўғулистонга мутаважжих бўлғонда бу бекларга киши йибариб эрдиким, «Сизлар тақи Мўғулистонга кириңлар. Ҳар ердаким, мўғул учраса ўлдурун ва молларини таланглар!» Алар ҳукмдин сўнг Мўғулистонга кириб, Тўй Буга/ Шайхни ул сарҳадда қўйдиларким, зироат била машғул бўлғай. Бу беклар Мўғулистонга кириб, Урдиёндин ўтуб, Ила суйидин кечиб, Сутқўл⁵⁹³ ва Чечакликка еттилар. Андағи эл-улусни талаб, қуб мол олдилар ва андин Қоз устида бориб, ҳар ердаким муҳолифлардин топар эрдилар, ўлдуруб, молларини олиб юрур эрдилар. Ва булғачи ва салучи

элини ул ёзида истар эрдилар, Мулзуддин ўтуб Хизр Хожа Ўғлонким, Мўғулистоннинг хони эрди, аларга учради ва алар била черик куб эрди, анинг била урушмоқни маслаҳат кўрмадилар, ва қайтмоқни ҳам маслаҳат кўрмадилар. Заруратдин отлардин тушуб, жиловни белларига биркитиб, душман утрусидида утуруб, ўқ отабошладилар. Ва икки кеча-кундуз урушуб аларни қўймадиларким, илгари кела олғайлар. Ҳар нечаким кўплик эрдилар ва ўзга бекларким, Жета беклари эрди, бу баҳодурларга ҳамла қилиб уруштилари, ҳеч иш қилаолмадилар. Беклар Хизр Хожа Ўғлон билан онг ичиб йараштилари. Ва Йулдуз мавзёи сориким, ҳазрат соҳибқироннинг муқаррар қилгон булжар ери ул эрди, бордилар. Шоҳ Малик Тархон ул урушдин қочиб, ўзини биебонга солиб Кайтув мавзёида⁵⁹⁴ ҳазратқа етти ва бекларнинг қиссасини ва Хизр Хожа Ўғлонга учрагонларини арз қилди. Ҳазрат бу сўзни эшитиб, елдек ул сори мутаважжих бўлди ва Султон Маҳмудхоннинг тумониға етиб, Кўнгуздин ўтуб, Йулдуз мавзёида етти. Амир Ёдгор Барлос ва Сулаймоншоҳ ва Шамсуддин Аббос ва Гийёсуддин Тархонки, Хизр Хожа Ўғлон (била) йаршиб, қайтиб, қочиб келур эрдилар, ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлдилар. Ҳазрат андаги черикдин йахши ободон йигитларни олиб, қолгон черик билан ўгруқни анда қўйиб, илғор қилиб юриди. Ало Қиё кечукидин сувдин ўтуб, Хизр Хожа кейнида тушти. Ва ул ёзидаким, на боши бор эрди ва на аёғи, юрур эрди, Қаро Булоқ мавзёида етти ва андин ўтуб Тертошға етиб, Қўшун Қояда душманнинг қаросини кўрди./ Кеча ушул ерда қўнақ тушти. Мухолифлар ҳазратнинг келганин билиб, қўрқуб, ушул кечада ҳар бири бир сори бошларини олиб кетдилар. Қўрқунчдин бир жамоат мўғул қочиб, билмадиларким қаён борғайлар, ул соридинким ҳазрат келур эрди, юридилар. Амирзода Умаршайхқа учраб, шаҳзоданинг черики аларни ўлдуруб, молларини таладилар. Шейр:

115a

Кишидинки қайтти жаҳон ичра бахт,
Ўзи зор бўлур, иши барча сахт.
Агар қочса ҳар сори елдек, қазо
Анга еткурур жанру дарду бало.

Ҳазрат соҳибқирон Нойри Қўталидин ўтуб Қаротошғача⁵⁹⁶ душманнинг кейнида сурди. Хизр Хожа мулк ва молдин кўнгул узуб, жонин олиб кетти. Назм:

Хизр Хожаким, Жетада эрди хон,
Қочиб кетти аз бими соҳибқирон.
Бўлуб зор ва ўз еридин кетти пок,
Қўзи тўла қон, кўнгли андуҳнок.
На лашкар, на мулк анда эрди, на мол,
Жони ичра бу гуссадин юз малол.
Черики бўлуб барчаси дастгир,
Ўғил-қизлари бари бўлди асир.
Улус бўлди бир йўли зеру забар,
Жаҳон ичра қолмай алардин асар.

Соҳибқироннинг черики мухолифлардин ул саҳро ва тоғларда ҳар ким бор эрди, Қўлон қўталиғача бориб талади. Ва сонсиз мол отдин, тевадин, қўйдин ва соҳибжамол қизлар ва хотун ўлжа эттилари, музаффар ва мансур қайтиб жайшқа келди ва ул молниким, сонини ҳеч киши билмас эрди, барчани черикига улаштурди. Ва андин саодат ва иқбол билан Қажиртудин ва Баложардин ўтуб, Йулдуз мавзёида тушти. Ва бекларким, ҳар сори бориб эрдилар, сонсиз мол ва ўлжа билан келиб, ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва ул ери асру латиф ва ҳавоси хуш ва йахши булоқлар ва ўтлоқлар ва турлук гуллар анда бор эрди. Назм:

Булоқлари кўп эрди, бари босафо,
Ани Йулдуз от қўйди аҳли вафо.
Ки йулдуз маъниси ахтар эрур,
Булоқлари асру мунаввар эрур.
Ўтининг кучини на қилсам баён,
Ким андоқ этибтур худойи жаҳон.

Оруқ от агар анда ўтни кун мудом
Йуруб еса ул ўтдин субҳу шом,
/Бўлур тоғдек оруқ от бегазанд,
Семизу тавоно, ва ҳам зўрманд.

Ва андин Самарқандқача карвоннинг икки ойлиқ йўли эрди. Ҳазрат соҳибқирон Умаршайх мирзога киши йибардиким, «Қаҳлаға йўлидин юруб, муҳолифдин ҳарким учраса тирик қўймасун!» Шаҳзода ҳукм билан Қаҳлагдин ўтуб, йўлда Қўплакбекким, Жета бекларидин эрди, учради ва асру қаттиқ уруш бўлди⁵⁹⁷. Охируламр, шаҳзодаи аржуманд нусрат тоғиб, Қўплакни тутуб ўлгурдилар ва анга тааллуқ улусни таладилар. Сонсиз от ва қўй тушти. Ва ул мол билан Куран мавзеъидин ва Учқармондин ўтуб, Кошғарга кирди⁵⁹⁸. Ва андин кўчуб, саъд толиъи билан Андижон бориб, ўз манзил ва юртига тушти.

Ҳазрат соҳибқирон Жета юрушидин нусрат ва фатҳ билан қайтиб, Самарқандда келгони

Темурбекнинг қўнгли Жета элидин фароғат тоғти. Шейр:

Чу аъдоға бўлди музаффар амир,
Черик элига тушти молу асир.
Бадандиш мулкени ул номвар
Бориб тиг била қилди зеру забар.

Самарқанд сори мутаважжиҳ бўлуб, Кичик Йўлдуздин отланиб Улур Йўлдузга⁵⁹⁹ келди ва анда тушуб йахши тўй этти ва барча бекларга тўнлар била олгун камар ханжарлар инъом қилди. Шейр:

Ўшул дашту саҳрода парда сарой,
Бари эрди зарбафт қилди ба пой.
Хайма ичида қўйдилар тахти зар,
Мурассаъ қилибон ба лаълу гуҳар.
Анинг устида шоҳи Турону сипоҳ
Саодат била ултуруб ҳамчу моҳ.

Тўйдин сўнг амир Жаҳоншоҳни ўғруқда қўйуб, шаъбон ойининг ўн бешида, йақшанба кунда, тарих етти юз тўқсон бирда (9.08.1389) Самарқанд сори давлат ва саодат билан келиб тушти⁶⁰⁰. Олам бари анинг фатҳидин хурраму шод бўлуб, йахши пешкашлар келтуруб торгтиллар. Ул куз Самарқандда туруб, айшу ишрат қилди. Қиш бўлгонда Бухорога бориб, Фаркати Қўлида⁶⁰¹ қишлоқ солди. Ул қўл ичида ҳар турлук қушдин кўб эрди, барчадин кув қуши кўбрак эрдиким, тожиклар⁶⁰² ул қушни урж дерлар ва қуш / солмоқ учун бисёр йахши ер эрди. Ул жиҳатдин анда қишлоқ солдурди. Ва кунда отланиб ул қўлларда қушни солиб, фароғат қилур эрди. «Жаҳонгушои тарих»да⁶⁰³ айтиб турурким, худойнинг инояти била ул кўлда андоқ қуш келдиким, Чигатой ва Укдай шаҳзодалари ҳар ҳафта эллик тева қуш олдуруб ҳазратқа ширилға келтурур эрдилар⁶⁰⁴.

116a

Ул қишдин чиққунча⁶⁰⁵ Сулаймонбекка Султонбахт бегимни бердилар⁶⁰⁶ ва амирзода Мироншоҳ Хуросон вилоятини забт қилиб, муҳолифлардин қўнглини жамъ этиб, соҳибқироннинг мулозиматиға Бухоро вилоятида келди. Назм:

Келиб кўрди шаҳзодаи мўътабар
Атосини, бўлди баса мўътабар.
Шаҳаншоҳи дин, шоҳи соҳибқирон,
Ўғулни кўруб бўлди бас шодмон.
Суруб қиссасини шоҳи комрон,
Деди: «Эй, таним ичра сен ҳамчу жон!
На бўлди, на қилдинг бу даврон аро?
Фалак гардишидин на кўрдунг жафо?»

Тилин очти шаҳзодаи номдор,
 Дуо бирла дедиким: «Эй шаҳриёр!
 Худодин дурур сенга бу тожу тахт,
 Азалдин қилибтур сени нежбахт.
 Сенинг ҳимматинг кимгаким бўлса ёр,
 Ушул киши бўлмас жаҳон ичра хор».

Ул қиш амирзода Або Бакрким, мирзо Мироншоҳнинг ўгли эрди, амир Ҳожи Сайфуддин қизини бу шаҳзодага қалинлиқ қилдилар. Маҳди улё Хонзода бегим тўй қилиб, сочиқлар сочтилар. Аммо рўзгорнинг одати бу турурким, ҳар шодлиқ кейни бир гами берур ва ҳар сурнунг сўнгида бир мотами еткурур. Маҳди аъло Қадоқ Хотунким, соҳибқирон отаси Тарагайбекнинг ҳарам муҳтарам эрди, бу жаҳон фонийдин саройи боқий сори кетти⁶⁰⁷. Бу аламдин ҳазратнинг муборак хотири асру мутааллам бўлди. Ани Кешга элтиб дафн этти. Бас, ош-сув бериб, фақир-мискинларга куб нима анинг руҳи учун берди. Қиш чиққанда ҳазрат Бухородин отланиб Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Йўлда ов солиб юруб, Қаршидин ўтуб Кеш вилоятига етиб, Хашка суйига⁶⁰⁸ таъйин Оқёр мавзеъида тушти.

Ҳазрат соҳибқирон қурултой қилғони

1166 Ҳазрат соҳибқирон давлатидин турк элининг азимат ва шавкатлари / аъло мартабага етиб эрди, алаҳхусус, Чигатой улусиким, аларнинг давлати мағриб оламдин машриққа тўлуб эрди ва аларнинг мол жиҳатларини ҳеч ким санаолмас эрди. Ва йасоқиларига анча мол ва азимат бўлуб эрдиким, ўзга ернинг бекларидин эрдилар. Ҳазратнинг муборак хотирига кечтиким, черикни керак бурунғидин кубрак қилгай. Бас, қурултой қилмоқ фармон қилди⁶⁰⁹ ва «Ҳар вилоятдин ва тумонот ва ҳазорижотнинг беклари ва вилоятларнинг даруғалари ҳозир бўлесун!», деб ҳукм қилди. Вилоят даруғалари ва тумонот ва ҳазорижот беклари андоқ азимат ва шавкат билан ва асос била келдиларким, Фаридун ва Афросиёб андоқ асос кўрмагандурлар. Ишорати олий бўлди: «Ҳар бекка не миқдор киши тааллуқ турур ва черик куни неча киши отландурур, барчани эҳтиёт қилиб, муфассал қилинлар!» Бахшилар ва тавачилар юруб беклардин муфассаллар олиб, тавачиларга тобшурдиларким, тонгласи черик ҳар кимки қабул қилгон кишисини отландурмагай, гуноҳкор булгай. Мундоқ муқаррар қилиб забт қилдилар. Андин сўнг Ҳожи Сайфуддинбек ва амир Жаҳоншоҳ Жаку ва амир Шамсуддин Аббос ул кун подшоҳона пешкашлар торгтиллар ва тўйлар бердилар. Ҳазратнинг кўнглида туштиким, бекларнинг ҳарамларини тафарруж қилгай. Ҳар бекнингким, эвиға кирдиким, хотунлари тахтларда ултуруб, бошларида олтун буқтоқ лаъы ва гавҳар била мурассаъ ва зарбофт тўнлар кийиб, анвоъи тажаммул била ултуруб турурлар, ҳазрат кўруб шоду хуррам бўлуб андин чиқар эрди.

Ҳазрат ўз қизиниким, оти Султонбахт бегим эрди, Сулаймоншоҳбекка берди. Тўйлар бир сори бўлгондин сўнг мирзо Мироншоҳ Хуросон вилоятига борди. Ва ҳазрат неча кундин сўнг Самарқанд сори кетти ва Йалғуз Йағочда келиб тушти.

Ҳазрат соҳибқирон Жета сори яна черик йибарғони

117a Ҳазрат соҳибқирон /ушул йилда (1390) Сулаймоншоҳбек била Худойоди Хусайний ва Шамсуддин Аббос ва (унинг) иниси амир Усмон ва қўшун бекларидин Сиддиқ Тобон ва Султон Санжар — Ҳожи Сайфуддинбек ўгли ва Ҳасан Жондор ва Тилак Қавчин ва Ийд Хожа ва Нусрат Қиморий ва Тукал Бавурчини⁶¹⁰ йигирми минг киши билан Жета сори йибарди. Алар Сайхун суйидин кечиб, Тошканддин ўтуб, Исси Кулга еттилар. Ва амирзода Умаршайх тақи амир Малаш Апардий ва бунинг ўгли Такаш ва отаси Садр Туркмонни беш минг киши билан йибарди. Алар Андигондин келиб, бу бекларга қушуддилар ва Куктубага⁶¹¹ етиб, неча кун анда таваққуф қилдилар. Ва аъдоларнинг аҳволини суруштуруб, отларининг изин топиб, Ар-

чатав тоғининг йўлидин юруб, ҳарким душмандин учради, улдурдилар ва бу тариқ била ёзида юруб эрдилар. Бас Алмалигдин⁶¹² ўтуб, Ила суйидин кечиб, Қаро Толға⁶¹³ еттилар, Ҳожибек Жета ва Анка Тўранинг юрти эрди. Анда хабар топтиларким, Элчи Буға Мажалкачи тўрт юз киши билан илгари бориб эрдиким, душманлардин хабар тобқайлар, йўлда ов солиб, овға машғул эрмишларким, Қамариддин Жетаға⁶¹⁴ учраб турурлар. Қаттиг уруш этиб, икки тарафди қўб киши талаф бўлуб турур. Ва хабарнинг таҳқиқи учун Ҳасан Жондор ва Малаш ва Такашни йибардилар. Булар юруб, ул ердаким, уруш воқия бўлуб эрди, еттилар ва ўлгонларни кўруб, тафакхус этиб, ўлуқларнинг ичида бир захмлиқ кишини тобтиларким, ҳануз тирик эрди. Ва қирқ кун эрмишким, ўт билан кун кечургон эрмиш. Ани таом ва ош-сув бериб, беклар қошиға келтурдилар. Ва андин аҳвол сўруб, дедиким: «Қамариддинға учраб уруштук ва қўб киши ҳам биздин ва ҳам алардин ўлди ва бизнинг киши қочти. Қамариддин Ичин Йувсин саҳроға⁶¹⁵ кириб борди». Беклар бу сўзни эшитиб, таваққуф қилмай Қамариддиннинг кейнида тушуб, Ичин Йувсиндин ўтуб, Уғар Кечтиға⁶¹⁶ еттилар. Уғруқни анда қўйуб, илғор солиб, Иртиш /суйиға еттилар. Ва Қамариддин сувдин кечиб, Туласқаким⁶¹⁷, саммур ва қоқум⁶¹⁸ анда бўлуб, борди. Беклар сувға етиб, соллар ва амдларким, Қамариддин кишиси сувдин ўткан турур, (кўрдилар). Пек йахши баҳодур йигитларини сувдин нари ўтқариб, андаги (санавбари олий) йағочларда тамғаларини торттилар. Шеър:

1176

Токи душман юртида қолгай бу бекларди нишон,
Қилдилар тамғоларини ул йағочларида аён.
Бир қариш ер қолмади душман еридаким, булар,
Бормамиш бўлгай сипоҳи ҳазрат соҳибқирон.

Бу беклар юриши олти ойғача тортти ва озуқлари қолмади. Ва ул ерда кийик эти билан неча кунлар авқот кечурдилар ва қиш йақин етиб ҳаво совуқ бўлуб эрди, бу жиҳатлардин фатҳ ва нуерат билан қайтиб, Олтун Кўрка йўлидин юруб, кеча-кундуз суруб, Самарқандда етиб, ҳазрат соҳибқирон хизматида келиб, муборак дийдорига мушарраф бўлдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Дашти Қипчоқ сори мутаважжих бўлғони сўзи

Етти юз тўқсон иккида⁶¹⁹ соҳибқирони гитиситон Дашти Қипчоқ сори мутаважжих бўлуб, черик йиғилмоққа фармон этти. Шеър:

Буюрди шаҳаншоҳи гитиситон,
Ким илқидаги отларини равон
Барини суруб менга бот келтурунг,
Равонроқ бориб мунда турмай юрунг.
Кетурди чу отларини илқибон,
Кўруб отларини шаҳи комрон,
Кишиким сипоҳийдин эрди йайоқ,
Анга берди ул шоҳ оу йароқ.

Самарқанддин хужаста толиғи ва саодат куниди отланиб, Хўжанд суйиға етти, Порсин⁶²⁰ ва Чинос (орасида Тошканд)да қишлоқ буюрди. Ва ўшул маҳалда кечтиким, Хўжандда бориб, Шайх Маслаҳат Хўжандий қаддаса сиррухунунг мазорини тавоф қилгай. Давлат билан отланиб, ул бузургвор мазорини зиёрат қилиб, ўн минг олтун кўпнакий андаги фақир мискинға садақа қилди. Ва андин қайтиб қишлоқ қилгон юртида тушти. Ва ул ерда ҳазратқа андак марази пайда бўлуб, қирқ кунғача беҳузур бўлуб

118а

ётти. Бекларнинг /кўнгуллари бу жиҳатдин бисёр паришон бўлди. Шеър:
Ҳазрат гамидин барча жаҳон титрар эди.
Танларда кўнгуллар била жои титрар эди.
Ул жону жаҳон эрди анинг ваҳмидин,
Айтмоққа оғизларда забон титрар эди.

Аммо барча ҳалойиқ дуо била тилларини очиб, ҳазрат Жаббордин анинг сиҳҳатини тилаб айтур эрдилар. Рубоъий:

Тиги агар ўртади дам кам бўлгай,
Бир лаҳзадин узга барча олам бўлгай.
Тунак маразика душманинг ериду,
Вадҳоҳларинга ул дамо-дам бўлгай.

Элнинг дуолари мустажоб бўлуб, *ма ҳува шифаун ва раҳматуи лил-муъминин*⁶²¹ доруҳонасидин шифойи куллий каромат бўлуб, сиҳҳат тобти ва барча олам шодмон бўлуб, ҳар киши ўз ҳолига йараша шукрона ва садақа бердилар. Кун Хут буржида боргонда⁶²² амирзода Мироншоҳ Хуросондин чериги била келди ва ҳазратнинг муборак дийдорига мушарраф бўлди. Ул ҳазратқа қувват киргондин сўнг ҳукм бўлдиким, «Черикка озуқ ва йароқ берсулар!» Черикка озуқ бергондин сўнг ҳар бекка бир ғажирчи муқаррар қилдурди. Ва ҳазратнинг ғажирчиси Қутлуқ Темур Ўғлон — Темур Маликхоннинг ўғли ва Кунча Ўғлон ва Идику Ўзбек бўлди.

Панжшанба кунда сафар ойининг ўн иккисиде, торих етти юз тўқсон учда (19.01.1391), офтоб Даливнинг олти даражасида бўлғонида давлат ва саодат билан Тўқтамишхон устига юриди. Амирзода (Пир Муҳаммад) Жаҳонгир ва амирзода Шоҳрухни мамлакат забти учун вилоятда қўйди ва Латылбек ва Малакатбекни шаҳзодалар хизматида қўйди ва бегимлар ва оғоларни⁶²³ барчасини қайтарди. Ҳожибек Жета қизиниким⁶²¹, мўгул юришида ҳазратқа тушуб эрди, ани ўзи била олиб юриди. Вилоят беклари ва туман беклари ва қўшун беклари ҳар бири ўз жирғасида туруб, йўлга кириб юридилар. Қаро Самон мавзеида⁶²⁵ келиб туштилари; анда тушканда Тўқтамишхоннинг элчилари келдилар. Беклар элчиларни йахши ерда тушуруб, / меҳмондорлиқ қилдилар ва йамғур жиҳатидин неча кун анда турдилар.

1186 Тўқтамишхон элчи йибаргонини ҳазрат эшитти, фармон қилдиким, «Келгон элчиларни келтурунг!» Беклар элчиларни келтурдилар ва Тўқтамишхон йибаргон тўққуз от ва бир шунқорни торттилари. Ҳазрат ул шунқорни эликига олиб бировга берди ва элчилар юкунуб, Тўқтамишхоннинг сўзини уэр тиллари била арзадошт қилдилар ва дедиларким, «Тўқтамишхон айтадурким, «Ул ҳазрат менинг била ато-ўғулдек эрди ва валинеъмат турур. Ва бу шафқатларким, менинг ҳаққимда алар қилиб турурлар, ҳеч ато ўғулга қилмас. Агар йиллар шукур десам ҳануз айтмамиш бўлгаймен, мендин хабарсиз бир неча йамон бадбахтлар беадаблиқ қилгон турур ва ул воқиялардин хабарим йўқ турур. Эмди умид ултурурким, ул ҳазрат лутфу карам била бу ёзуқлардин кечиби, афв қилгайлар».

Ҳазрат дедиким: «Ул андаким захм еб, бизга келиб эрди, барча оламга маълум турурким, ани фарзанд деб риъоят қилиб, йароғлар бериб, черик тортиб, ул қишда ани миқдори от ва тева зойиъким, бериб, Урухондин элини олиб, анга бериб подшоҳлиқ тахтида ани ултурузуб, Жўчихон услусида хон қилдурдум. Агарчи Худойи таоло анга берди, аммо мен сабаб бўлдум. Ва ул менга ўғулдек эрди ва мен анга атодек. Эмдиким, давлатқа етти ва азимат ва шавкат найдо қилди, ул ҳақларни унутуб, биз Эрон вилоятига борганда келиб бизнинг вилоятимизни чопиб, мусулмонларни ташвиш бериб турур. Бу қилиғини ўзумга келтурмадим ва дедим, «Бу иш подонлиқдин қилмиш бўлгай, ёниб тавба қилгай». Аммо ул давлатқа андоқ мағрур бўлгон эрмишким, бу ишдин анга ҳеч нарво қилмай, вилоятимизга қасд қилгон эрмиш. Ва киши йибариб эрдиким, биз Эрондин вилоятимизга келдук, келгон кишиси бизнинг хабаримизни тоғғач қоттилари. Эмдиким билиб /турурким, биз анинг сори борурбиз, ажзу ниёз йўлидин кириб, узрхоҳлуқ қиладур. Бас, андин неча қатла йамон ийплас воқия бўлди. Эмди анинг сўзига иносса бўлмас ва бу юрушдин қайтмасбиз ва анинг сори борурбиз. Қўргайбизким: Тангри таборак ва таоло кимга нусрат берур. Ва агар сўзи чиндур ва ярашғали кунгли бор бўлса, Алибекни бизга йибарсун, то ул келиб, беклар била кенгашиб, ҳар на маслаҳат кўрсалар, андоқ қилгайбиз».

119a Бу сўзлардин сўнг ош тортиб, элчиларга зарбофт тўнлар кийдурди ва аларга турғали ер таъйин қилиб, буюрдиким: «Элчиларни йахши сийласунлар!»

Чаҳоршанба кунда, рабиъ ал-аввал ойининг ўн олтисиди (21.02.1391) қурултойда шаҳзодалар ва беклар барча йиғилиб, кенгашиб, Тўқтамишхондин келгон элчилари билан ва тамоми черик билан отланиб йўлга кириб, Тўқтамиш сори юридилар. Қарочуқ ва Саброндин ўтуб, уч ҳафта чўлга кириб юридилар ва сув йўқлуғи жиҳатидин, баса, заҳмат кўрдилар ва қўб от ҳориб қолди.

1196 Панжшанба рабиъ ал-охир бошида (14.03.1391) Сариқ Ўзан мавзеъида⁶²⁶ етиб от-улоғларини сугордилар ва анда сел келиб сув асру улуг эрди; неча кун андин кўчмай турдилар. Кўч наққорасин чалиб кўчтилар ва ул сувдин ўтуб юридилар. Ул кеча Идику Ўзбекнинг⁶²⁷ икки кишиси қочиб, чўлга кириб, Тўқтамишхон сори кеттилар. Аларнинг кейнида киши чониб ета олмадилар. Нусратшиёр черики чуқурларда сув топиб ичиб юрур эрдилар, чоршанба кунда ойнинг йиғирми бирида (28.03.1391) бир тоғқа еттиларким, ани Кичик Тоғ дер эдилар. Анда тушуб бир кун қўнуб, тонглаи кўчуб Улуг Тоғқа еттилар. Ва соҳибқирон Улуг Тоға устига чиқиб, саҳроға кўз солиб, барча оламни кўм-кўк кўрди. /Анда туруб ҳукм қилдиким, «Черик мунда тош келтурсулар, то мунда бир нишона қилаликим, биздин едгор қолгай!» Черик тош келтуруб, устакорлар ул тошлар билан анда бир минора қўпордилар⁶²⁸. Андин сўнг кўчуб ов солиб юриди, то Йиланчуқ суйиға⁶²⁹ етти ва у сувдин ўтуб саккиз кундин сўнг Атоқабригуй⁶³⁰ мавзеъида етти. Ва тўрт ой эрдиким, черик ёзида⁶³¹ юрур эрди, черик элида завқ қолмай қаттиқлиқ бўлди ва андоқ қаҳат бўлдиким, бир қўйнинг боши юз олтун кўшпакий бўлди ва бир ботмон улуг тош биланким, ҳар ботмони ўн олти ботмон шаръий бўлгай, йуз олтун кўшпакий бўлди ва топмас эрдилар. Ҳазрат соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Туман беклари ва қўшун беклари кумоч ва буғра йашурмасулар. Барча бўлмоқ била қаноат қилсулар!» Беклар эҳтиёт қилдилар, бир ботмон улуг тош билан олтмиш аёқ балмоқ бўлди ва муқаррар қилдилар: черик кишиси ҳар кун бир аёғ била қаноат қилсулар ва қўб киши бор эрдиким, ани Батм тош дер эрдилар. Ва саҳроларда юруб товуқ юмуртқасини ва улларким еса бўлур эрди, пайдо қилиб, ер эдилар. Шанба кун жумада ал-охир ойи аввалида⁶³² соҳибқирон ҳукм қилдиким: «Черикка жар еткурусуларким, ов солурбиз!» Тавачилар юруб жар етқурди. Беклар барчаси отланиб ов солғали юридилар. Ҳар ердаким жоювор эрди, суруб икки кундин сўнг черикка биририга етти. Ҳазрат соҳибқирон давлатидин анча қулон ва кийик ва товушқон ва ўзга жонуворлардин анча йиғилдиким, анинг сонини Тангридин ўзга киши билмас эрди. Эл андин анча олдиларким, бовужуд улким, эл ичида андоқ қаҳат воқия эрди, эл ул сайдлардин семизини олиб, оругини 120а қўяберур эрдилар. Ва ул саҳрода кийиклар тобтиларким, /говмешдин улдугроқ эрдиким, ҳаргиз ҳеч киши андоқ кийик кўрмагон эрди. Мўғуллар ани қундгай дерлар ва дашт эли бəлан дер эдилар ва қўб кунлар черикнинг озуғи андин эрди.

Соҳибқирон черикнинг йароғини кўргони

Ов қилгондин сўнг ҳазрат соҳибқироннинг муборак кўнглида туштиким, черикнинг йароғини кўргай ва тафаххус қилгайким, черикнинг йароғи нечук турур. Ҳукм қилдиким, «Черик йароғ кўрсаткай!» Ҳукм булгондин сўнг шаҳзодалар ва беклар, барча йароғлари била отландилар. Ва ул тузда бўлак-бўлак барча йароғлари туздилар, андоқким, ул дашт юзи тўла черик бўлди. Шерь:

Чу сонсиз эди черики шаҳриёр,
Бариси баҳодур, бари номдор.
Уруш кунда барча чун пили маст,
Бариси тутуб тигу тир ба даст.

Баҳодурлар ва беклар ҳар ким ўз жиргасида ва ўз мурчилида бориб турдилар. Наам:

Бу дастур бирла чу турди сишоҳ,
Йуруб, отганиб шоҳи гитинаноҳ,
Қуиуб бошида ул шоҳи иомвар,
Мурассаъи ёқут ила тожи зар.

Черик барча ҳар ким ўз ерида тургондин сўнг соҳибқирон қўшун
беклари сори юриди. Худойдоди Хусайний тумонига етиб кўрдиким, асру
орапта ва йароғлиг йигитлар отганиб турурлар. Шеър:

Йигитлар бари сафдару размжўй,
Бариси баҳодур, бари нескхўй.

Худойдод кўрдиким, ҳазрат анинг сори мутаважжих бўлуб келадур, ўтрув
келиб, отгин тушуб, йукунуб от торгти ва дуо тилини очиб деди, шеър:

Ким, эй шоҳи диндор, гитинаноҳ,
Ҳамиша сенинг ёринг ўлсун Илоҳ.
Фалак чокару бахт ёвар сенга,
Камина қулунг ўлсун охир сенга.

Шаҳаишоҳ ани тақи куб махтади, ани йахшилаб, офаринлар деди.
1206 Андин сўнг Оқ Темур ўгли Шайх Темур ҳазорасига борди./ Ул сулдўз
ҳазоралари била йасол тортиб туруб эрди, кўрдиким, ҳазрат анинг сори
мутаважжих бўлуб келадур, отдин тушуб, ўтрув йутурди ва йукунуб от
тортиб, дуо қилиб деди, шеър:

Илоҳо, ки то булғай арзу само,
Жаҳонда сенга бўлсун, эй шаҳлиқо.
Сенга бўлсун, эй шаҳ, заминун замон.
Сенинг ҳукмунг остинда бўлсун жаҳон.
Басе, шаҳ ани ҳам кўруб, бўлди шод,
Деди анга: раҳмат, шаҳи некзод!

Ул жамоатни кўруб, шаҳзода Умаршайх сори юриди. Ул шаҳзода
йасоллар тортиб, туг-аламлар кўтартиб бир таъжил била туруб эрдиким,
сифат қилса бўлма⁶³³. Шаҳзода кўрдиким, ҳазрат соҳибқирон анинг сори
келадур, йақин етконда шаҳзода илгари бориб, отгин тушуб пешкашлар
тортиб, дуо била деди, назм:

Ки эй мулки жаҳон феруз сендин,
Жаҳонда толиғу баҳравар сендин.
Демаким, бахтдиндур аржуманди,
Ки бахт сендин тоибтур сар баланди.

Ҳазрат соҳибқирон анинг йароғини кўруб, ҳушвақт бўлуб, қилди байт:

Тилин очиб дуо қилди шаҳи дин,
Ани махтадийу куб қилди таҳсин.

Андин сўнг Султон Маҳмудхон сори юриди ва Сулаймоншоҳ туманиким,
анга тааллуқ эрди, тамоми саҳрони тутуб туруб эрдилар. Анда етконда
хон⁶³⁴ тақи ўтрув келиб, беклари йайоғ бўлуб, пешкашлар торгтиллар ва дуо
тилларини очиб дедилар, шеър:

Дедиларки, эй шоҳи рўйи замин,
Ки сенсиз дами бўлмагай мулку дин.
Худо ёринг бўлсун жаҳонда мудом.
Сихҳат била бўлғай танинг мустадом.
Аларни тақи мақтади шаҳриёр,
Шаҳаншоҳи дин, мири некушиёор.

Андин сўнг шаҳзодаи жувонбахт мирзо Муҳаммад Султон Баҳодур⁶³³
сори юриди ва ул шаҳзода юз азимат ва тажаммул била йасолларини йасаб

121a туруб эрдилар. Чун ҳазрат анга йақин етконда /шаҳзода оттин тушуб, ўтрав келиб, йуқунуб пешкашлар торгити ва дуо била тилини очиб деди, шеър:

Ким, эй султон, барча офариниш,
Дуочинг жон биладур аҳли биниш.
Ўтубтур зи ахтару анжум каломинг,
Бўлубтур машриқу мағриб синохинг.
Сенга бўлсун ҳаёти жовидона,
Ки сенсиз бўлмасун бар дам замона.

Ҳазрат анинг йароғини тафарруж қилиб дуо деди:

Ки бархўрдор бўлгайсен жаҳонда,
Йамонлиқ кўрмагайсен сен замонда.

Ва андин ҳазрат мирзо Мироншоҳ сори юриди. Шаҳзодаи аржуманд саодат ва давлат ва юз азимат ва тажаммул била туруб эрдиким, ҳазрат пайдо бўлди. Шаҳзода илгари бориб оттин тушти ва пешкашлар тортиб, дуо тилин очиб деди, шеър:

Аё Хусрави дин, шаҳи ноқрой,
Сенга йовар ўлсун ҳаминна худой.
Худойи жаҳон то йасади жаҳон,
Сенингдек шаҳи келмаминшдур айн.
Сенга берди оламии Йаздон пок,
Ки амрингда бўлди бари руйи хок.
Адувсуз бўлсун қиличинг мудом,
Жаҳон ичра шаҳлар сенга чун гулом.

Соҳибқирон анинг йароғини кўруб, дуоларипи эшитуб, шодмон бўлди.
назм:

Шаҳаншоҳи диндори соҳибқирон,
Йароғин кўруб бўлди, бас, шодмон.
Черики била анга юз офарин,
Деди ул шаҳаншоҳи бо доду дин.

Ушбу дастур била соҳибқирон ўнг қул ва сул қулда юриди ва бекларнинг йароғини тафарруж қилиб, улуг беклар сориким: Муҳаммад Султоншоҳ ва амир Ҳожи Сайфуддин ва Жаҳоншоҳ Жаку ва ўзга бекларининг йароғларини тафарруж қилиб ҳушвақт бўлур эрди. Агар барчани бир-бир баён қилсак, узун-узоқ бўлур.

1216 Икки кунгача ҳазрат сабоҳ эрта отланур эрди ва ақшом тушар эрди ва ҳар бир бек ва шаҳзодага етар эрди. Алар ўтрав келиб, пешкашлар тортиб, дуо қилур эрдилар. Йароғи кўрдиким, ҳаргиз ҳеч подшоҳ кўрмагон турур. Беклар нечукким Кеш вилоятида /Оқёр мавзеида муқаррар қилгондин ортуқ эрди. Андин сўнг наққоралар ва нафирларни чалдуруб, сурон солиб тушти.

Ҳазрат соҳибқирон Мирзо Муҳаммад Султонни ҳировул этиб илгари йибарғони

Ҳазрат бекларнинг йароғин кўруб, ҳар бирига бир турлук лутф этиб, инъомлар қилди. Бу маҳалла амирзода Муҳаммад Султон Баҳодур юқунуб илтимос қилдиким, «Бу юрушда, керак, манглай мен бўлгаймен». Ҳазратқа бу сўз асру хуш келиб, анга дуо қилиб мақтади ва илтимосин қабул этиб, жумъа куни, жумада ал-охир ойининг еттисида (12.05.1391) шаҳзода манглай бўлуб юриди. Беклардин кўб киши анга қушудди ва бу чоққача душмандин хабар тонмайдур эрдилар. Шаҳзода ва беклар икки кун юруб,

бир ерга еттилар, кўрдиларким, тўрт, беш ерда ўт ёндуруб эрдилар ва ўт хануз ўчмайдура эрди. Бу хабарни ҳазратқа йибардилар. Ҳазрат аларга айтиб йибардиким, «Ғофил бўлмасунлар ва ғажирчиларга буюрсунларким, эҳтиёт қилсун, бу кишилар қайн боргон бўлгайлар ва ўзларидин хабардор бўлсунлар!» Шеър:

Ўз ўглига ҳукм этти ул подшоҳ,
Ки булсун хабардори ҳоли сипоҳ.

Ғофил бўлмагай йаағидин ҳар нафас,
Ки қолмасун анда фароғат ҳавас.

122a Ҳазратнинг ёрлиги шаҳзода ва беқларга етти, ишларига эҳтиёт қилиб, кеча-кундуз юруб, Тубал суйига⁶³⁶ етиб, ўттилар. Қаровуллар хабар келтурдиларким, «Етмиш ерда ўт кўрдук, аммо ҳар неча эҳтиёт қилдук, ҳеч кишидин хабар топмадук». Бу хабарни тақи ҳазратқа йибардилар. Ҳазрат бу хабарни эшитиб, кўчуб юриди. Тубал суйига етконда ҳукм бўлдимким, «Черик хас ва хашак келтуруб, кечук йасасунлар!» Черик хас ва хашак келтуруб гузар йасадилар. Ҳазрат била барча черик ул сувдин /ўтуб, манглай тарзида юридилар. Ул дашти бепоенда ҳар тарафка кўз ташлар эрдилар, аммо душмандин асар йўқ эрди; ҳеч киши хабар топмай ёниб келдилар.

Соҳибқирон Шайх Довуд Туркмонни неча баҳодурлар била қўшулуб, хабар олмақ учун йибарди. Бу Шайх Довуд асру доно ва оқил киши эрди ва ёзиларда ва қумлоқларда ўскан киши эрди. Чўлга кириб юриди, икки кеча-кундуз юруб, учунчи кунда йироқдин бир неча алачуқ кўрдилар. Йақин келиб бир тепа кейнида йашундилар⁶³⁷. Ногоҳ ул алачуқлардин бир киши чиқиб, муҳимми учун борур эрди. Булар неча сабр қилдиларким, бу киши алардин ўтти. Булар анинг кейнида тушуб, ани тутуб ҳазрат қошида элттилар. Ҳазрат Шайх Довудни куб нима инъом қилди, олтуни камар ва хосса тўн берди ва келтурган кишидан хабар сўрдилар. Ул киши дедиким: «Бир ой борким, биз андин чиқиб мунда келиббиз, Тўқтамишхондин хабаримиз йўқ турур. Аммо неча кун борким, ўн жайбалиқ киши бизга таъйин бир жангалда турурлар. Билмасбизким, не кишилар турурлар». Ҳазрат соҳибқирон Ийд Хожани ўттуз киши била йибардиким, «Ул алачуқдаги кишиларни кўчуруб келтургил!» Ва Ийд Хожа бориб ул элни кўчтуруб келтурди. Ва Қиморий Йасовулга ҳукм бўлдимким, «Йигирми киши билан бориб ул ўн кишиким, ул жангалда эрмишлар, аларни жаҳд килиб эликка тушургай!» Қиморий ҳукм била юруб аларга етиб урушти, баъзини ўлдуруб, баъзини тирик тутуб келтурдилар. Тўқтамишнинг хабарини алардин таҳқиқ билиб кўчтилар. Душанба куни, жумада ал-охир оининг йигирми тўртида Йайиқ суйига еттилар⁶³⁸. Ғажирчи арз қилдиким, «Бу сувнунг уч срида кечуки бор. Бирини Айгир ёли дерлар ва иккинчини Бўри кечик ва учинчиким, баридин кичик турур, Чапма кечик дерлар». Соҳибқирон дедиким, «Бу кечукларидин маслаҳат йўқ турурким, кечкайбиз, шоядким, душман камин қилиб тургон бўлгай. Маслаҳат ул турурким, сувнунг юқори сори бориб, таваккал қилиб барчамиз бир йули бир йули сувдин кечкайбиз» деб, кўчуб, сув юқори сори борди. Йайоқ ва отлиғ ўзини сувга солиб ўттилар⁶³⁹. Икки кунда барча черик саломат ул сувдин кечдилар. Ва андин кўчуб, олти кун юридилар. Мансур черикининг қаровули илгари бориб эрди, душманларнинг унин эшитиб, бу хабарни ҳазратқа йибардилар.

Бу маҳалда амирзода Муҳаммад Султон муҳолиф черикидин бировни тутуб келтурдилар. Андин хабар сўрдилар. Дедиким, «Мунда қалин киши бор эрди. Сиздин хабар билиб, бари кўчуб кеттилар». Ҳазрат душмандин таҳқиқ хабар билгандин сўнг ҳукм эттиким: «Ҳеч киши ҳазорасидин ва қўшунидин айрилмасун ва кечада ўт ёндирмасунлар!» деб эҳтиёт била юридилар. Шеър:

Адувдин чу билди хабар подшоҳ,
Равон булди машғули забти сипоҳ.

Йасади черикни ойн билла,
Юриди адув сори юз кийн билла.

Ийик суйига⁶¹⁰ етиб, туштилар. Ҳазрат соҳибқирон ражаб ойининг аввалида, душанба кунда (5.06.1391) саодат ва иқбол билла отланиб, кўфрук бошига келиб турди ва фармон бердиким, «Черик кўфрукдин ўтеун!» Ва анча турдиким, қўл тамом ўтти. Андин сўнг ўзи давлат билан кўфрукдин ўтуб юрубери.

123а

Бу маҳалда қаровуллар уч киши душмандин тутуб келтурдилар. Соҳибқирон алардин хабар сўрди. Алар дедиларким, «Тўқтамишхонга сизнинг келганингиздин хабари йўқ эрди, Идикунунг навкарлари сиздин қочиб, хабар келтурдилар. Тўқтамиш бу хабарни эшитиб, черикига киши йибариб турур». Ҳазрат бу хабарларни эшитиб, буюрдиким, «Туралар/ тайёр қилиб турсунлар!» ва буюрдиким, «Черик теграсида хандақ қазиб ултурсунлар ва ўларидин хабардор бўлуб, гофил бўлмасунлар!» деб, тушуб қўнди. Байт:

Йна кунга бу хусрави ховари,
Ёруқ этти бу кохи нилуфари.

Андин кўчуб барча бекларига жайба улаштурди ва тўнлар кийдуруб, кўнгул бериб, ваъдалар қилди. Шейр:

Чу баҳри иноят йана эгги жўш,
Синоҳ қилдилар жоми ииъом нўш.
Барига бериб хилъати хоце шоҳ,
Шаҳаншоҳдин бўлди хушдил синоҳ.

Ҳазрат соҳибқирон уруш асбобини тартиб этиб юриди, йўлда бир йамон балчиққа учраб, кўб заҳмат билла андин ўтиб, туштилар. Ва ул кун қаровуллар киши йибардиларким, «Душмандин уч кўшун киши кўрунди». Ва йна хабар йибардиларким, «Йна кўб киши кўрунди». Ҳазрат ўзи отланиб, илгари борди ва черикка буюрдиким, «Йасолларни тузуб турсунлар!»

123б

Бу маҳалда қаровуллар бировни тутуб келтурдилар. Андин хабар сўруб, ўлдурдилар ва Севинч Баҳодур ва Арғуншоҳни йибардиким, «Хабар келтурсунлар!» Алар ҳукм билла бориб кўрдиларким, ул кишиларким, илгари барча келиб эрдилар, барча қайтиб, бир киши алардин қолмай турур. Ҳар нечаким юруб саъйи эттилар, мухалифдин хабар билмадилар, қайтиб Ҳазрат қошида келдилар. Ҳазрат Мубашширни йибарди, «Душмандин хабар билмагунча ёнмасунлар!» Мубашшир неча киши билан отланиб юриди, бир жангалга етиб, кўрдиларким, бу жангал ичидин тутун чиқаду. Йахши эҳтиёт қилдилар, киши унин эшиттилар. Бировни йибардиларким, «Бориб эҳтиёт қилгилким, не миқдор киши турур». Бориб кўрдиким, оз киши турур. Келиб урушиб туттилар, Ҳазрат қошига келтурдилар. Ҳазрат Мубашширни кўб иноят қилди. Анинг билла боргон кишиларга ҳам иноят қилди. Келтургон кишилардин /Тўқтамишхондин хабар сўрдилар. Дедиларким, «Черикка ҳукм бўлуб эрдиким, Қирқ Қўлда йигилгайлар. Бизлар анда бориб, Тўқтамишхонни тонмадук. Ул жиҳатдин биёбонларда ва жангалларда юруб эрдукким, баҳодурларга учрадук». Аларнинг сўзин билиб, буюрдиким, «Ўлдурсунлар!»

Бу маҳалла Мамоқнинг⁶¹¹ ўғлини захмлиқ келтурдилар. Ҳазрат андин хабар сўрди. У деди: «Саройдин хон қошига борур эрдим. Ул ердаким, бўлжар қилиб эрдилар, бориб тонмадук». Ҳазрат соҳибқирон Ҳамидбекнинг ўғли Жалални ва Ангила Тархон ва Мавло ва Сайин Темурни бир неча баҳодурлар билан қаровулликқа муқаррар этти ва дедиким, «Агар душманга етсангиз ва кўрсангизким, кўб киши турур, ўзунгизни кўрсатиб, қочиб келгайсиз ва ҳар нимаким воқия бўлса бизга хабар йибаргайсиз!». Ва беклар ва баҳодурлар ҳукмдин сўнг юридилар. Сувлардин ва балчиқлардин ўтуб ва душманнинг қаросини кўрдилар. Ва алардин ўн беш киши илгари келдилар. Ва бу тарафдин Сайин Темур илгари бориб, алар билан сузлашиб, қайтти ва Мавлони Ҳазратқа йибардилар, то воқияни арзга еткургай. Ул елдин тезроқ келиб қиссани арз қилди.

Қаровуллар урушуб, Ийгу Темурбек шаҳид бўлғони зикри

Соҳибқирон на сўз бўлгон хабарни эшитиб ҳукм бўлдимки, «Ийгу Темурбек илгари бориб душманни таҳқиқ қилиб билсунким, не миқдор киши турур ва ўзидин гофил бўлмасун!» Ул бек ҳукмдин сўнг ошуқуб отланди ва сувлардин ва балчиқлардин ўтуб, қаровулга боргон бекларга қўшулди. Ва алардин ўтуб, илгари бориб, душман черикидин бир нора кишини кўруб, йигитларидин бир неча ободон кишини алар сори йибарди. Бу йигитлар алар сори мутаважжих бўлуб, алар қайтиб кетти. Булар бир тена устида чиқиб кўрдиларким, /ўтгуз қўшун киши, барча жайбалик ва отлиқ бир чуқурлукда йасол тортиб турубтурлар. Буларни кўруб Ийгу Темурга хабар йибардилар. У бу хабарни эшитиб келиб, тена устида чиқти ва душманнинг кишисини эҳтиёт қилиб кўрдиким, кўб киши турур, урушмоқни маслаҳат кўрмай, қайтти ва дедиким, «Сувлардин ва балчиқлардин ўтмак керак». Кишисини йибариб, ўзи оз кишиси билан черикнинг кейнида турди. Душман билдиким, келгон киши қайтти ва аларнинг кўмаки йироқ турур, Ийгу Темур сори юридилар. Ва ул камоли шижоат ва баҳодурлуғидин ёнмай, ўқ зарби билан неча қўшун кишини тургузди. Анча уруштиким, черик барча балчиқдин ва сувдин ўттилар. Бу маҳалда отига ўқ тегиб йиқилди ва узига тақи ўқ тегиб, захмлиқ бўлди. Бовужуд улким, захмлиқ бўлди сувлардин ўтуб оти йиқилди, яна от тортиларким, мингай, қазо шангидин бир ўқ отқа тегиб, ул от ҳам ўлди. Басе, фурсат бўлмадиким, яна отқа мингай. Ва душманлар бошига тўқуб, урушуб мардоналиклар қилди. Мухолифлар ани таниб шаҳид қилдилар. *Инно ли-Ллаҳи ва инно илайҳи рожи 'уна*⁶¹². Марсия:

Жаҳон маргидинким, қутулмади жон.

Ки бордур бу иш олам ичра аён.

Жаҳон қилмади дўстлуқ бо каси,

Эмас анда худ меҳрбонийси.

Ушул маҳалда Ҳарай Маликким, Ёдгор Барлоснинг ўғли эрди, ва Рамазон Қорача Арлотни шаҳид қилдиларким, ҳазрат соҳибқирон оз киши билан етиб, сувларга еттилар. Ва амир Ҳожи Сайфуддин ва Жаҳоншоҳбек мулозиматда эрдилар, ишорат бўлдиким, «Йайоқ бўлуб сувдин ўтсунлар!» Беклар сувдин ўтуб, ўқ ва қилич зарби билан йаагини сурдилар. Байт:

Йигитлар камонларидин ёғди тир,

Адув жонидин чиқти ул дам нафир.

Ва ул урушда Жалол Ҳамид йахши ишлар қилиб, ўтгуз киши билан уч қўшун киши билан урушуб, баҳодурлук /кўрсатти. Боязид Олтибармоқлиқ ҳам йахши ишлар берди.

Ва ҳазрат андин қайтиб черики сори борди. Ва ул жамоатким, ул ерда бориб йахши ишлар қилиб эрдилар, барчани сийлаб, от, тўн берди ва тархонлиқ нишонлари берди ва ҳукм эттиким, «Ҳар маҳалдаким, булар кўрунушга кирсалар, йасовуллар моний бўлмағай. Ва тўққуз ёзуқ булардин ва ўғлон-ушоқларидин бўлмағунча киши сурмағай!» Ва Ийгу Темурнунг уруғларини иноятлар қилди. Ва ул маҳалдин Шох Маликким, Қилич-қайнинг ўғли эрди, ани бек қилди ва Ийгу Темурнунг ерини анга берди ва улуг муҳр била кичик муҳрни анга берди.

Олти ой эрдиким, черик ул даштда кириб юрур эрдилар ва (бир) ерга еттиларким, намозином бўлмай шафақ туруб эрдиким, кун чиқар эрди ва намози хуфтан ул ерда шаръ фатвоси билан вожиб йўқ эди⁶⁴³.

Ҳазрат соҳибқирон андин юруб келиб, кеча бир тена устида етти ва андин кўчуб юриди. Аммо Тўқтамин бир ерда тўқтамас эрди ва ҳар кун қаровуллари уларини кўрсатиб, яна кетар эрдилар. Ҳазрат соҳибқирон беклари била кенгашиб, амирзода Умаршайхни йигирми минг киши билан отландуруб дедиким, «Тез суруб ўаунгни Тўқтамишқа еткурғил, то анга зарурат бўлуб, тургай». Беклардин Севинчакбек ва Султои Санжар ва Усмон ва Ҳасан Жондор — бу бекларни ҳам шаҳзодага қўшулди. Булар

отланиб, шаҳзода билан душман кейнида юриди. Тонгласи Тўқтамишга етиб, соҳибқиронга хабар йибардилар. Соҳибқирон бу хабарни эшитиб, саъд толиғи, йахши соатда отланиб, душман сори юрубериди. Назм:

Равон бўлди душман сори подшоҳ,
Анинг йўлдоши — лутфу фазли Илоҳ.
Ҳаво тийра эрди, булут ашкрез,
Қазо айлабон ханжари фитнатез.

Ҳазрат соҳибқирон Тўқтамишхон била урушқони

125a Ражаб ойининг ўн бешиди, душманба куни, торих етти юз тўқсон учди, қўй йилиди (18.06.1391) / Қундузча⁶⁴¹ мавзасида Тўқтамишхонга етиб, черикини ораста қилиб, душман сори мугаважжиқ бўлди. Аммо ҳазрат ўзи юруб, черикни етти қўл тартиб эттиким, ҳеч подшоҳ андоқ қилмайдур эрди ва эшитмайдур эрди. Ва бу етти ададида хосият қўб турур ва қўб сир анди бор эрдиким, андин саб'ул-масанининг⁶⁴⁵ воқиғлари андин хабардор эрдилар.

Бир қўл Султон Маҳмудхон бўлди. Барча баҳодурлар билаким: бари жангжўй ва бари номдор. Ва амир Сулаймоншоҳни бошламиш этти. Ва улуг қўл тартиб этиб, шаҳзода Муҳаммад Султонга тоншурди ва икки ёнида баҳодурларни турғузди. Шейр:

Урушқа бари боғлаб эрди миёи,
Тутубон эликларда турзу синон,
Бари қон била сув бериб тигни,
Синон учи билан тикиб мигни.

Ва йигирми қўшун баҳодурларни улуг қўлнинг кейнида турғуздиким, уруш кўйинди агар кўмак керак бўлса, булар кўмак булғайлар. Ва яна ўнг қўлда бир йасол турғуздиким, шейр:

Бариси эрди шермарду далер,
Уруш кўйида ҳар бири нарра шер.
Бари наҳлавон, барча корозмой,
Бариси адувбану кешваргушой.
Адув кўзига ҳар бири сафдари,
Алардин нурдўз адув лашкари.

Ва амирзода Мироншоҳ бош бўлуб турди. Ва Муҳаммад Султоншоҳ, анинг олдида туралар тутуб турди. Ва яна бир йасол амир Ҳожи Сайфуддин черики била жанонгорда турди. Ва бир йасол баронгорда шаҳзода Умаршайхни қилиб, Бердибек Сари Буга ва Худойдоди Хусайнийни бирбулар муборизлар била турғузди. Ва ўнг қўл ва сўл қўл беклари ва туман беклари ва қўшун беклари, ҳар бирини ўз ерида турғузуб, йасоллар туздилар. Ва йайоқлар туралар тутуб турдилар. Назм:

Йасади чу ул черики беҳисоб,
Ки ёбтурди чанги рухи офтоб.
Урушда эди ҳар бири Рустаме,
Алардин нурдўз оламе.

1256 Синоҳки, бўлди қаро меҳру моҳ.
/Зи баским, эди тигу худу кўлоҳ.

Ул тарафдин душман қаровули найдо бўлуб, Тўқтамишхон Жўчихон наслидин бўлгон шаҳзодаларни илгари, йасол туз этиб келдилар, мисли Тош Темур Ўғлон ва Бек Ёруқ Ўғлон ва Йилгамиш Ўғлон ва Бек Пўлод Ўғлон ва Али Ўғлон ва беклардин Алибек ва Ҳасанбек ва Сулаймонбек ва Суфи Қунғирот ва Оқбута ва Ўрус Ҳақ Қиёт ва Исабек ва Сарой ва Кўк Буга ва Қийғурбек ва ўзга беклар ва сардорларким, Жўчихоннинг улусидин эрдилар, йасоллар тартиб эттилар. Шейр:

Синоҳ етди ул ерда чун фавж-фавж,
Чун дарҷки урғай жаҳон ичра мавж.

Даштдаги муҳолифлардин анча черик еттиким, оқиллар анинг ҳисоби-дин ожиз эрдилар.

Ҳазрат соҳибқироим, ҳиммат ва шижоат анинг тариқаси эрди, шижоат ва диловарлиқ анинг тариқаси эрди, буюрдиким, барча черик тушуб, чодирлар тикиб туштилар. Туқтамиш бу ҳолдин таажжубқа қолиб, дедиким: «Мундоқ маҳалда ул биздин ҳеч андиша қилмай тушги». Аммо ҳазрат бир замон тушуб, яна отланди ва яна ўшул дастур билан йасоллар била тартиб этиб отланди. Душман черики неча қўшун била ҳазрат черикидин ортуқ эрди. Ҳазрат ҳаргиз черик билан эътимод қилиб кўнгул қўймас эрди, анинг умиди ҳазрат Ҷаббордин эрди ва одати бу эрдиким, ҳар урушдаким ганим била муқобила бўлуб эрди, тушуб икки рақат намоз ихлос била ўқуб, тазарруъ ва зори била ҳазрат Ҳаққдин нуерат тилар эрди. Ҳазрат соҳибқирон ўшул одат била намоз ўқуб, Ҳаққ субҳонаҳудин фатҳ ва нуерат тилаб отланди. Ва салавот ва такбир деб, гулгула бу чарх ичра аламларини кўтартиб, наққора ва нафирни чалдуруб, сурон солдилар. Шэър:

Жаҳон ичра чиқти хуруши нафир,

Уруш сори борди сагиру кабир.

/Ул ики хашм бўлди чун рўбару.

Бари наҳлавону бари жангжу.

На кун эрди пайдо, на тун ваҳмдин,

Ниҳон бўлди хуршид ул ваҳмдин.

126а

Бу маҳалда ашрафи дудмони ҳазрат нубувват *салл Аллоҳу алайҳи ва саллам* ганий Саййид Барака, қаддаса сирруҳу ки, доим давлат киби ҳазрат соҳибқирон била ҳамдам эрди эликини дуо била чиқариб, ҳазрат иззатдин фатҳ ва нуерат тилади ва ҳазрат соҳибқиронга деди: *Таважжаҳ ҳайсу шийта фа-иннака мансурун*¹⁶. Бас, сипоҳнинг кўнгуллуқ йигитлари уруш сори йуруб, икки черик бир-бирига чопишиб, урушмоққа машғул бўдилар. Амир Ҳожи Сайфуддин ҳазратнинг давлатидин барчадин бурун қилич тортиб, душманга чобти ва душманнинг сўл қўлдаги кишиларини кўтариб, бир-бир қилди. Ул неча қўшун кишиким, душман черикида ортуқ эди, юридиларким, Ҳожи Сайфуддинбекнинг кейнидин киргайлар. Жаҳоншоҳ бу ҳолни кўруб, черики билан аларнинг отини тутуб, қилич зарби била аларни қайтарди. Ва Қўлинчоқ Баҳодур тақи ҳамла этиб, муҳолифлардин бир қўшун кишисини қайтарди. Ва амирзода Мироншоҳ тақи ўтрусиди тургон муҳолифларга чопиб урушуб, кўп мардоналиклар кўрсатиб, душманни суруб қайтдилар. Ва Усмон Баҳодур қишчоқ қўшуни била илгари суруб, душманнинг уч қўшун кишиси билан урушуб, баҳодурлуқ кўрсатур эрдиким, отдин йиқилиб айрилди ва яна ҳазрат соҳибқирон давлатидини филҳол отга минди ва душман сори чопиб, бир-бир этти. Ва Шайх Али Баҳодурким, баҳодурларнинг сурури эрди, йахши ишлар қилди. Ва амирзода Султон гўлдин илгари душман гўлига чопиб, йахши ишлар қилди. Ва амирзода Умаршайх тақи ул кун ишлар қилдиким, Рустам қилмайдур эрди. У ўтрусидида душманларни қочурди. Ва Бердибек ва Худойдод иккаласи иттифоқ била душманга чопиб душманнинг ўнг қўлдаги тургон черикини сурдилар /ва маърака туфроғини қон била бўядилар.

126б

Туқтамишхон кўрдиким, черикида қувват ва куч қолмади ва турмоқ, урушмоққа маслаҳат кўрмади. Соҳибқирон муқобаласидин Умаршайх мирзо сори юриди ва анда этиб, ул черикни мазбут кўрди, юзини Шайх Темур Сулдуз ҳазорасига чобти. Алар урушуб, ҳар нечаким аларни ўқладилар, алар фидойилартек жонларидин кечиб, қайтмадилар ва сулдуз ҳазорасидин кўб кишини талаф қилдилар ва аларнинг ичидин ўтуб, мансур черикининг кейнида йасол тортиб турдилар. Амирзода Умаршайх бу ҳолни кўруб, Туқтамишнинг ўтрусига бориб, қалқонлар ва туралар бошларига тортиб, урушга машғул бўдилар.

Ул маҳалда ҳазрат соҳибқирон Туқтамишнинг қочқон кишисининг кейнида борур эрдиким, Жаку Тавачи келиб ҳазратқа хабар бердиким, Туқтамишхон неча қўшун черики билан мансур черикидин ўтуб, черикнинг кейнида йасоли била турубтур. Ул ҳазрат бул сўзни эшитиб, таҳаммулда эрдиким, шаҳзода Умаршайхдин киши келиб ушбу хабарни деди. Ҳазрат соҳибқирони зафарқарин баҳодурлари била қайтиб Туқтамиш сори юриди. Туқтамиш

ҳазратнинг асабасини кўруб, тўқта олмай қочти ва тожу-тахтди эликин ювуб ва мамлакатдин кўнгул кўтариб, жон қўрқунчидин саросима ва паришон бўлуб, огининг жиловини қўйуб қочти ва ҳазратнинг неъмат ҳаққи ани тутти, шеър:

Валинеъмат била ҳар кимки қилди
Йамонлиқ, топмади ул умридин баҳра,
Чучук кўрди агарчи анга ул иш,
Вале жонига бўлди оқибат заҳра.

Бу оятнинг мазмуниким: *Ва ланн кафартум инна 'азоби ла шадиду*⁶⁴⁷ зоҳир бўлуб, шеър:

Жучи улуси тамом бир-бир бўлди.

Тўқтамишхонга ва анга тааллуқ қишиларига бу оятнинг мазмуниким: *Фа-зақат вабала амриҳа ва кана ақибату амриҳа хусран*⁶⁴⁸, аларнинг холига воқиъ бўлди.

127a Ҳазрат соҳибқирон фатҳ ва фирузлуқ била тушуб, /ҳазрат Молик ал-мулк таоло ва тақаддусга шукрлар деди. Назм:

Худойики қудратдин этти фалак,
Ануқ ваҳдатиға жаҳон якба-як.
Бировға берур лутф ила тожу тахт,
Бировни қилур мудаббир ва тийрабахт.

Беклар ва шаҳзодалар барча жамъ бўлуб келиб йукунуб, бу фатҳ учун муборакбод дедилар. Ва ҳазрат бир-бирини чорлаб кўрушур эрди ва махтаб дуо қилур эрди ва барчани иноятлар била сарафроз қилди. Ва черикдин ҳар ўн кишидин етти кишини душман кейнида йибарди. Баҳодурлар отланиб, душман кейнида тушуб, ул бадкирдорларға еттилар. Ва аларнинг ўтрувлариға Атил сўйи⁶⁴⁹ эрди ва кейнида этик қилич, на қочар ерлари бор эрди ва на турғали ер топар эрдилар. Шеър:

На ул кучки қилгайлар анда ситез,
На турмоққа тоқат, на роҳи гурез.
На ул ерки тобқайлар анда амон,
На ёроки боргайлар андин равон.

Ўтрувлариға Атил сўйи эрди, асру чуқур ва кенг дарё турурким, анда кирса бўлмас эрди. Ва кейнида соҳибқироннинг черики этик қиличлар била, ложурма, икки бало ичида қолиб, кўпраги фано баҳриға гарқ бўлдилар ва оз киши андин қутулди. Ўғлон-ушоқлари ва хотун ва қизлари, барча эликка тушти ва молларини олдилар. Ва Жучихон наслидин икки шаҳзодаким, Тўқтамишхон била йамон эрдилар, қочиб ҳазрат қошида келдилар. Соҳибқирон аларға қўб иноят ва шафқат қилди, олтун камар ва хосса тўн кийдурди ва йахши отлар миндурди.

Бу маҳалдаким, Тўқтамишхон юз меҳнат била жонин олиб кетти ва улуси тамом бир-бир бўлди, бу икки келгон шаҳзодалар ҳазрат қошида келиб, юкунуб дедиларким, «Агар ҳазратнинг ёрлиги бўлса, бизлар бориб эл-улусға истимолат бериб келтурали». Ҳазрат аларнинг сўзини қабул қилиб нишонлар бердиким, ҳеч офарида буларға мазоҳим бўлмағай ва алар билан келган кишиға ташвиш бермағай. Алар нишон олиб, хушҳол улуслариға бордилар.

1276 Ҳазратнинг черикиким, душманнинг сўнгида бориб эрдилар, аларнинг кейнида йўлга кириб юриди ва Атил сўйиға етиб, сув йақосида саҳройи бор эрди, асру зебо ва ўтлоқ ер Ўр Туба⁶⁵⁰ отлиқ, ул ерда туштилар ва саронардалар ва чодирлар ва шомиёналар тикиб, айш била машгул бўлдилар. Ва Темури Қутлуқ Ўғлонким, элини истагали бориб эрди, элини топиб йиғиштурди, бошиға хонлиқ ҳаваси тушуб, ҳазратнинг рийоят ва шафқат ҳаққини унутуб, аҳдиға вафа қилмай, эли била саҳроға чиқиб кетти. Ва Идику тақи элиға етиб, кўп киши анга йиғилди. Ул тақи аҳдиға вафо қилмай, бир сори кетти. Шеър:

Адув булмагай ҳеч гаҳ дўстдор,
Тиканда киши кўрмагандур анор.
Адувдии нафю истамас хушманд,
Ки бермас гулу лола тухми сипанд.
Чу бўлмас найи буриёда шакар,
Ки толнинг йағочида бўлмас самар.

Кунча Ёғлон бориб баъзи элини топиб йиғиштуруб, ваъдага вафю (қилиб), ҳазратнинг хизматида келди.

Черикларким, ҳукм била ҳар сори бориб эдилар, барча музаффар ва мансур моллар билан келдилар: от ва тева ва қуй анча тушуб эрдиким, сони йўқ эрди. Мухолифлардин ҳар ким ҳар ерда бориб йашунуб эрди, барчани топиб асир этиб, баъзини ўлдуруб, баъзини тирик келтурдилар. Ул фатҳда анча мол туштиким, анинг сонини худойдин ўзга билмас эрди. Ва анча қуй ва тева ва от туштиким, қайтқанда баъзи кишилар ожиз бўлиб, молни ташладилар.

Зурафодин бировким, анда ҳозир эрмиш, назмда мундоқ айтиб турур.
Байт:

Қолса гар ҳаётимиз боқи,
Бизга ҳам тегса турк тўқмоқи⁶⁵¹.

Анча ҳурдек мўғул қизлари тушуб эрдиким, ҳазратқа йиғилғони беш мингдин ортуқча эрди. Қизлари барча ойтек ва ўғлонлари офтобтек, шеър:

128а

Наридек ориқ барчаси чун гуҳар,
Юзи ҳамчу моҳ, лаблари чун шакар.
/Хиромон бари сарву шамшодтек,
Алар буйлари сарви арродтек.

Ул юртким, беҳишттек ер эрди, айш билан машгул бўлуб суҳбат ангиз қилди. Шеър:

Ушул ерда бир мажлиси этти шоҳ,
Ки боғи эрам бўлди ул базмгоҳ.
Шаҳаншоҳи дин давлатидин томм,
Ушул ерда барча черик шодком.

Ҳазрат соҳибқирон давлат ва комронлиқ била Жўчи тахтгоҳида тахт устида ўлтуруб айш қилди ва ғаму андуҳ черики қочиб, душман соридин ҳеч ғам қолмай, мутриблар наволар чекиб, фараҳ ва шодлиқ овозасин олам ичида солиб айтур эдилар. Шеър:

Ки жовид бўлсун бу соҳибқирон,
Анинг ҳукмида бари мулки жаҳон.
Жаҳон «фариндин анга «фарин,
Саодат анга ёр ва давлат қарин.
Чу гулшан бўлубтур жаҳон тахтидин,
Йаруқ бўлди олам яна бахтидин.
Фалак банда ва йулдуз ёр анга,
Худованди гити ниғаҳдор анга.

Йигирми олти кун ул ерда ўлтуруб, айшу ишрат қилди. *Валил-Лоҳул-хамду вал-минна.*

Ҳазрат соҳибқирони саодатманд Қипчоқ даштидин фатҳ ва ферузлуқ билан ёниб, Самарқанд борғони

Ҳазрат Ҳаққ таборақ ва таоло фаал ва карамидин андоқ фатҳ муяссар бўлди ва ул ерда мухолифлардин ҳеч киши қолмади; саодат ва иқбол билан Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Тамом саҳрони нусратшиёбор черики

туғуб, саодат билан юридилар, айш ва комронлиқ била манзил баманзил борур эрдилар. Ва сохибжамол махбублар билан моллари била (айш) қилур эрди. Ул элнинг ҳиргоҳи андоқ булурким, бир-биридин ажилмас⁶⁵². Ҳар қачонким кўчар булсалар ани кўтариб, ароба устида солур эрдилар ва ҳар қачонким тушса эдилар, ани кўтариб ерда қўйар эрдилар. Ва андоқ ҳиргоҳлар черикда бисёр тушуб эрди. Андоқ ҳиргоҳлар ичида парирухлар била фароғат қилур эрдилар. Ва андоқ қалин черик буллуб эрдиким, агар киши утағини йитурурса эрди, бир ойда, икки ойда топмас эрди⁶⁵³.

1286 /Йайиқ суйига етконда Кунча Ўғлон даштдин кўнгул узолмай, ҳазратдин қочти. Йайиқ суйидин кечиб, неча манзил боргондин сўнг Ҳожи Сайфуддин ва ўзга бекларни ўғруқда қўйиб, ўзи таъжил билан юриди. Ва ҳазрат Ҳаққнинг паноҳида йўлда кириб, ул хатарлиқ чўлларда кириб зулқаъда ойида торих етти юз тўқсон учда (1391 октябри) Саброндин ўтуб, Ўтрорға еттилар. Ва андин саодат ва давлат билан кўчуб, Сайхун суйидин кечиб, Самарқанд вилоятида тушти. Ва андағи шаҳзодалар ва оғолар, барча ўтрув чиқиб, пешкашлар ва садақалар келтуруб, соҳибқирон дийдорига мушарраф буллуб, пешкашларини тортиб, садақаларини фуқароларга улаштурдилар ва тўйлар тортиб, фароғат била машғул булдилар. Шеър:

Яна ул шаҳаншоҳи соҳибқирон,
Ясаб базми анда чу боғи жинон.
Муҳайё бари анда асбоби айш,
Саодат ариғида равон оби айш.
Равон этти соқий симин узор,
Ким олтун қадаҳда майи хушквор.
Муганилар анда чалиб созини,
Чиқариб дуо бирла овозини.
Ки бордур сенинг давлатинг баркамол,
Бу давлатқа, ё Рабб, еткурма завол.

Неча кун шодмонлиқ била айш ва фароғат қилдилар. Амирзода Мироншоҳ ижозат тилаб Хуросон сори юриди. Соҳибқирон Тошкандда бордиким, анда қишлоқ қилғай ва муҳаррам ойида етти юз тўқсон тўртда (1391, декабр) амир Ҳожи Сайфуддин ўғруқни Тошкандда келтурди. Бу юруш ўн бир ойғача тортти.

Андин сўнг соҳибқирон карам элигини очиб, шаҳзодалар била оғоларга ва шаҳар ақобирларига моҳ юзлук канизақлар ва оғтобдек қуллар ва қўйдин ва оддин ва тевадин ҳар кишига миқдоригача берди. Ва ул қишни анда ўткариб, аввали ёзким, оғтоб Ҳамал буржида келди (1392, 21 март), ҳазрат соҳибқирон андин кўчуб, Самарқанд сори борди. Ва Хужанд суйидин ўтконда муборак кўнгида туштиким ов солғай, беклар била ов солиб куб сайд олдилар.

/Ҳазрат соҳибқирон Зобулистон ва Кобулистон вилоятини амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга бергони

129a

Ақар саҳросида тушканда ҳазрат соҳибқирон Султон Маҳмуд Ғозий, анора Аллоҳ бурҳонаҳунунг вилоятини Ғазнин ва Кобул ва Зобулистонни то Ҳинд ҳаддигача ва Қандаҳор ва ул вилояту авоҳийларни то Синд суйигача амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга помзод қилиб берди ва беклардин амир Сулаймоншоҳ Қутбуддин ва Али Ғончи — амир Муса ўғли ва Баҳдул Муҳаммад — Дарвеш Барлос ўғли ва Ислом — Элчи Хожа ўғли ва Темур Хожа — Оқ Буға ўғли ва Барот Хожа Қўқалтош ва Ҳубби Хожа — Аббосбекнинг қариндоши ва Иқболшоҳ Барғужа ва Шамсуддин Уч Қаро ва Севинч Темур Телба — бу жамоатким бек ўғлонлари эрдилар, барчани шаҳзодага бериб тобшурди⁶⁵⁵. Ва буларни кўчлари била ул вилоят сори йибарди.

Ҳазрат соҳибқирон етти юз тўқсон тўртда, сичен йилида (1392) Самарқандда тушти ва неча кундин сўнг муборак хотирига кечтиким, набиралариким, ҳар бири сарви боғи жинонтек буйун тортиб эдилар ва булуг ҳаддига етиб эдилар, бу фарзандларини эвлантирғай. Шаҳардин чиқиб, Кониғилда

бориб ултурди ва фармонладиким, «Туй тартибига машгул бўлгайлар!» Ул латиф ерда ранго-ранг чодирлар ва оқ уйлар ва шомийналар тикиб, биҳишт-тек ораста бўлди. Ва шаҳардаги устодлар ҳар жамоат бир турлук ҳунар кўрсатиб, таъбиялар йасадиларким, ақл ҳайрон эди. Шеър:

Яна бир базмгоҳи саз этти,
Ки фирдавс эшикани боз этти.
Шаҳаншоҳ ултуруб бар маснади ноз,
Фароғат бирла бўлди ганжшардоз.
Йўқ эрди давлатидин даҳр аро гам,
Жаҳони эрди ул кун шоду хуррам.
Туруб ҳар беги — бир афросиёби,
Азимат кўкида чун офтоби.
Барида эрди айшу комрони,
Ба даври давлати соҳибқирони.
Замона айшу ишрат саз этиб,
Фалак давлат эшигин боз этиб.
Чекиб мутриблари чун Зухра оҳанг,
Эликларида даф бирла най ва чанг.
Наво эткучилар барча навосоз,
Чиқариб нагма бирла барча овоз.
Соқийлар ҳар бири хуршиди анвар,
/Тутуб эликларида соғари зар.
Зи баским, айш эди ва шодимони,
Жаҳон тутти яна расми жавони.

1296

Ҳазрат соҳибқирон айшу шод коми била амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх ва амирзода Рустамким, иниси эрди, Гийёсуддин Тархоннинг икки қизини буларга берди. Ва амирзода Або Бакрким, мирзо Мироншоҳнинг ўғли эрди, амир Сайфуддиннинг қизини шаръи мутаҳҳара йўсуни билан бердилар. Бари еру кўк муборақбод деб, шодлиқ қилдилар.

Ҳазрат соҳибқирон беш йиллиқ йароғи билан Эрон сори мутаважжих бўлғони

Жалолат курсиси тахтинда ултургон подшоҳидинким: *Ва ма арсалнака илла каффатан лии-нас*⁶⁵⁶ ва Рисолатпаноҳ боргоҳида фармон бергучи суруриким: *Фа-ттаби уни йўхбибқуму-Глаҳу*⁶⁵⁷ шоҳсувори мизмор *Ана-ан-набийус сайфу, алайҳи мин-ас-саловоти мин-аш таҳиййоти*⁶⁵⁸ айтиб турурким, «биҳишт қиличнинг кўланкаси остида турур». Ва бу маънида мундоқ маълум бўлурким, иқбол ва давлат равзаси қилич суйидин равнақ топар эрмиш. Ва ниҳоли омон ва омони қилич суйи бўлмагунча пирузлуқ меваси бермас эрмиш. Амин ва омони биҳишти подшоҳларнинг қиличларидин зеб ва равнақ топар эрмиш. Бу маънода фирдавсбарин адл қилгучи подшоҳларнинг қиличи эрмиш. Қилич бўлмагунча ҳашамат ва комкорлиқ маснадида қарор топмас эрмишлар. Ва ул подшоҳ ҳашамат ва давлат тахтида қарор топарким, меҳнат ва ранж ва балодин андиша қилмағай. Жаҳондорлик ва подшоҳи ул кишига лойиқ турурким, бийик ҳиммати уруш машаққатидин ҳеч андишаси бўлмағай. Ва ул хусравга умид кўзи, мурод жамолидин ёруқ бўлгайким, давлат кўзига маърака гўборини кўзига сурмадек билгай. Ва ул комкор мамлакат арусининг бўйнига орау элигини солурким, сарвдек сўнгу билан ишқбозлиқ қилғай. Байт:

130а

/Киши солур эликини мурод бўйнигаким,
Ўзини тутса било ўқиға чу қалқон ул.

Тахтнинг бийиклиги ва пойдор бўлғони сўнгунинг бўйнидин эрмиш.
Шеър:

Ниҳоли эрур ул зафар богида,
Ки фатҳ аригидин эрур анга сув.
Уруш мавсумида ангадур баҳор,
Анинг меваси бўлди жони адув.

Давлат — юзи очуқ ей, эгрилигидин бўлур кериш, тили уқ, огизга кириб, бу маънони баён қилур. Байт:

Арқомки, эрур хизмати Ислому учун эгри,
Бу эгрилик учун зафар орқаси бўлур туз.

Чаҳорбош давлатқа маҳаллий қарор топқайким, бир ерда ултурмай, душманлар сори йуруғай. Ва азимат учуда анда етқайким, қаттиқ ишларга юруб, кунгул қуйғай ва давлат кунни азимат кукидин анда кўрунғайким, кеча-кундуз демай юруғай. Рубоый:

Хуррам кишидурки, ғам ила ёр улди,
Ком тобти кишики, даҳр аро кор этти,
Ой кеча била йарашти, бўлди анга нур,
Ис тобти гул чу ҳамдами хор улди.

Мақсуд бу сўзлардин ғараз ул турурким, ҳазрат соҳибқирон Дашти Қипчоқ юришидин қайтиб, дорулмулкида қарор тобти. Аммо олий ҳиммати иқтисо қилдиким, Эрон мамлакатиким, мусаххар бўлуб эрди, яна ул сори бориб, баъзи ерлардаким, йамон кишилар бор эрур, бориб аларнинг фикрини қилғай. Ва баъзи бадбахтлар бош кўтариб, кўб ерларни хароб этиб эдилар ва ишларига мағрур бўлуб эдилар. Байт:

Кўрунғай ёруқ ой ул дамки, кун
Юзини йашурғай, дами бўлса тун.

1306 Тавачиларга фармон бўлдиким, «Атроф ва жавонибга бориб черикка жар еткурғайким, беш йиллик йарогларини (тайёр) ҳозир бўлғайлар!» Ражаб ойининг ўн бешида, торих етти юз туқсон тўртда, сичен йилда (7.06.1392) ҳазрат соҳибқирон ёз палласида /Бухоро сори мутаважжиҳ бўлди. Ва анда етиб, йақшанба кунда аввали шаъбонда (23.06.1392) ҳазратнинг муборак мизожи тағаййур топиб, марази воқий бўлди. Ва анга илтифот қилмай кўчуб, Жўйи Зарким⁶⁵⁹, Бухоро вилоятидин турур, анда бориб, давлат била тушти. Ва марази кўбрак бўлуб, хотунларини ва ўғлон-ушогиким, Самарқандда эрди, чорлагали киши йибарди. Маҳди улё Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва Султон Бахт бегим фарзандлари била Самарқанддин чиқиб келдилар. Фармон бўлдиким, «Амирзода Муҳаммад Султонким, Жайхун суйидин ўтуб, ҳировул бўлуб борур эрди, ҳар ерда еткон бўлса, черикни анда қўйуб, ўзи тўрт-беш киши билан келсун!»

Ажаб ҳолати саломатиким, олам анинг саломатида саломат турур, сиҳҳат тўнидин чиқиб, маразга гирифтор бўлди. Ва вужудиким, низоми силсилаи вужуд анинг адл вужудидин низом топти, эътидолидин чиқиб, зор бўлди. Атиббоъи ҳозиқ турк ва тожикдин жамъ бўлуб, амир Ҳожи Сайфулдин аларнинг бошига туруб, дору-дармонга машғул бўлдилар. Аммо хотунлари била фарзандлари билур эрдиларким, ҳазрат соҳибқироннинг эътиқоди ҳазрат Жабборда турур ва анбиё ва авлиёдин узга ҳеч нимага эътиқоди йўқ турур. Ихлос ва сидқ билан мазороти шарифга ва мавозиъи мутабарруқларга кўп ҳадиялар йибардилар. Ва фуқаро ва сулаҳо ва масокинларга кўб йармоқ бердилар, ва отлар ва қўйлар садақа этиб, фақир-мискинга улаштирдилар. Аларнинг дуои баракотидин йақшанба куниким, шаъбон ойининг ўн беши эрди (7.07.1392) ва ул кечани барот дерлар, ул ҳазратқа бароти сиҳҳат ва мазиди ҳаёт ҳазрат Жаббордин каромат бўлди. Халойиқ бу хабарни билиб, барча севунуб, Халлоқи безаволга шукрлар қилдилар. Байт:

Шукрим, тобти сиҳҳат ул хусрави гитипаноҳ,
Йанги бошдин кийди сиҳҳат тўни аз фазли Илоҳ.

131a /Муборак мизожи ўз ҳолига келиб, ишорати алайҳи бўлдим, «Амирзода Муҳаммад Султон черик забти учун борсун!» Ойнинг йигирми бешиди, чаҳоршанба куни (17.07.1392) давлат била отланди ва рўзгорнинг кўзи анинг саломатлигини кўруб, йаруқ бўлди. Ва улуг-кичикнинг кўнгли анинг сиҳҳатидин шод бўлди. *Вал-ҳамду лилЛаҳи Раббил-оламин.*

Ҳазрат соҳибқирон сиҳҳат тобқондин сўнг Жўйи Зардин отланиб Эрон сори борғони

Рамазон ойининг аввалида, душанба кунида (22.07.1392) сафар асбобиға машғул бўлуб, ойнинг олтисиди сешанба куни (27.07.1392) отланур нақорасини чалдуруб, саъд толиъиди кўчуб, Эрон сори мутаважжих бўлди. Амир Ҳожи Сайфуддинни Самарқандқа йибарди ва чаҳоршанба куни (30.07.1392) Аму суйиға йақин етиб, ҳарамларини — Сарой Мулк хоним ва Туман оғони ўзга оғолар била Самарқандда йибарди ва ўзи саодат била Жайхундин ўтуб тушти. Ва шаҳзодаи жувонбахт Шохрух мирзони ҳам Самарқандда йибарди. Шъър:

Йана чорлади шоҳи соҳибқирон,
Кироми ўгулни чу бўлди равон.
Ўпуб қучти ани шаҳи некзод.
Деди лутф ила шаҳ ани: «Хайр бод!»
Чу лутфи била қилди хушнуд ани,
Ижозат бериб қилди падруд ани.

131b Жумъа кунида (1.08.1392) шаҳзода Самарқанд сори кетти. Ҳазрат чўлга кириб юруб, Мохондин ўтуб, Абивардқа борди ва андин кўчуб, Йасси Дабондин ўтуб, чаҳоршанба кунидаким, ийд куни⁶⁶⁰ эрди, ул ерда намози ийд ўқуб, ниёз юзини туфроққа суртуб, анда ийд қилди. Ва андин кўчуб, душанба куни Йалғуз Йағочда Хабушон⁶⁶¹ мавзеъиди амирзода Муҳаммад Султонким, анда бориб тушуб туруб эрди, келиб ҳазратқа қўшулди. Ва амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир ва амир Жаҳоншоҳ Қундуз ва Бағлондин келиб, ҳазратқа қўшулдилар. Ва ҳазрат андин кўчуб, душанба куни, / шаввол ойининг йигирмисиди (19.09.1392) Астрободқа етиб, Жўржон суйининг йақосиди тушти. Ушул кун жаноби сиёдатмаоб Саййид Барака Саййид Гиёсуддинким, Саййид Камолуддиннинг ўгли эрди, пешкашлар била келтурди ва ҳазратқа кўрсатиб, сўзини арз қилди. Байт:

Деди сўзини ул шаҳаншоҳга,
Шаҳоншоҳи дин, шоҳи оғоҳга.

Ва сўзи буким, Саййид Камолуддин итоат ва хизматкорлиқ устида туруб ва молу хирож қабул қилур. Ҳазрат Саййид Гиёсуддинни йахши кўруб, кўп иноятлар қилди. Астрободқа етканда Пир Пошшоқим, Луқмон Пошшонинг ўгли эрди, Астрободдин чиқиб, йахши пешкашлар била ўтрув келиб, соҳибқиронни кўрди.

Ҳазрат соҳибқирон Омул ва Сори ва Қалъаи Моҳонани мусаххар қилғони

Ҳазрат соҳибқирон Астрободдин уч кўч илгари бориб, бир улуг жангал учради ва андоқ қалин йағочи бор эрдиким, уткали ер йўқ эрди. Ҳазрат ҳўкм қилдиким, «Черик жангалга кириб, йағочларни кесиб, йўл қилеунлар!» Ёрлиқ булгондин сўнг уч йўл очтилар. Ҳар бир йўлнинг кенглиги бир ўқ отқунча борур эрди⁶⁶³. Ва ушбу дастур билан йўл очиб борур эрдилар токим, Сориға еттилар. Саййид Камолуддин ақлсизлигини қочиб, Саййид Ризоуддинким, Моҳонада эрди, анда борди. Ва Моҳона Сер кенти

турур, Омулнунг түрт йағочида дарё йақосида эрди⁶⁶⁴. Ва бир қалъа анда йасаб эдиларким, бир ёни дарё била туташ эрди ва яна бир ёнини хандақ қазиб, дарёдин анда сув кирар эрди. Ва бу хандақнинг кенглиги бир мил бор эрди. Ва бу қалъанинг тегарасида йағочлар тикиб эрдилар, бир-бирининг ёнида. Ва йағочлар улуг буллуб, бир-бирига ёпушуб, томдек буллуб эрди, ва йана бир қалъа бу йағочлар буллуб эрди. Ул вақтда Сорининг ҳокими ва Омулнунг барча уруг-қийёш ва мулозимлари /ва чериклари била анда эрдилар. Соҳибқирон алардин хабар билиб ул сори юриди. Уч кунда йақин келиб тушти ва ҳукм бўлдики, «Саййид Гийёсуддин бориб атосини насиҳат қилгай!» Аммо аларнинг йамон феъллари ҳаддин ўтуб эрди. Ҳазрат Ҳаққнинг тақдири буллуб эрдиким, аларга завол бўлгай. Саййидзоданинг тилига кечтиким, буларнинг мазҳаби йамон турур ва суннат била амал қилмаслар, балким фарзни ҳам. Ва бонги намоз анда йўқ турур. Агар киши бонги намоз деса изза қилурлар, балким ултурурлар⁶⁶⁵. Ва анда жумъа намози ва жамоат йўқтурур. Саййидзода бу сўзни дегонидин сўнг ҳазрат ҳукм эттиким, «Черик жангалдин йағоч кесиб, ҳар ердаким балчиқ бўлса, анда солсунлар!» Черик йағоч кесиб балчиқларга солиб, йўл қилур эрди. Ҳар кунда бир йағоч йўлгача мундоқ йасаб кўчар эрдилар. Душанба куни, зул-қаъда ойининг олтисида (24.09.1392) қаровуллар бир-бирига етиб уруштилар. Шайх Али Баҳодурнунг ўғли Ҳуббий Хожа анда йахши ишлар қилди, ва ул урушда захм еб вафот бўлди. Уч кундин сўнг Саййид Камолуддин Дароз ва Мавлоно Имоуддин қўргондин чиқиб ҳазрат қошига келиб, узрхоҳ-луқ била ва ниёз била тилларини очиб, амон тиладилар. Соҳибқирон дедиким: «Сизнинг сўзунгузни қабул қилурмен, бу шарт биланким, бу ердаги саййидлар ўғлонларини моллари била бизга йибарсунларким, бизнинг қошимизда тургайлар, то алар билан эътимодимиз бўлгай ва алар фароғат била ерларига ултургайлар!» Бул сўзни ул ақлсизлар эшитиб, қабул қилмадилар ва ўзга ботил хаёллар қилдилар ва наққора чалиб мухолифат эттилар. Ҳазрат соҳибқирондин «Пир Пошшо била Аргуншоҳ Бурдалигийни ва Нодиршоҳ Қароқулий ва Шайх Али Мусани Жайхундаги кемачилар билан ва раъд отқучилар⁶⁶⁶ била Қулзум сори йўлидин юруб, мухолифларнинг кемаларини олиб, /Моҳона қалъасининг тасхирига жаҳд қилсунлар!»⁶⁶⁷ Ерлик бўлгондин сўнг бу баҳодурларниким, дедук, Қулзум дарёсига⁶⁶⁸ кириб, соҳибқирон давлатидин мухолифларга тааллуқ кемаларни олдилар ва турмай, кемаларга кириб, наққора ва нафир била қалъа сори юридилар. Ва қалъага етиб, андоқ уруш бўлдики, ҳеч офарида андоғ уруш кўрмагон турур. Соҳибқирон давлатидин баҳодурлар душманларни суруб, ташқи қалъани олдилар ва мухолифлар жон қўрқунчидин ичкаридаги қўргонга кирдилар. Шанба куни, зул-ҳижжа ойининг аввалида (19.10.1392) ҳазрат Парвардигор иноятидин соҳибқирони гитиситон қалъа сори мутаважжих бўлди. Душманлар соҳибқирон салобатидин қўрқуб, заруратдин булак-булак қўргондин чиқиб, ҳазрат қошида тазарруъ ва зори билан келдилар. Соҳибқирон аввалда аларга қаҳр ва газаб билан боқти. Аммо охир саййидлиглари жиҳатидин йана лутф ва марҳамат кўзи билан аларга боқиб, шафқат ва инъомлар қилди ва аларга дедиким: «Йамон мазҳаблар негизидин қайтинглар!» Алар бурунги мазҳабларидин қайтиб, суннат ва жамоат мазҳабига кирдилар. Буларни Сориға йибарди ва Омул қалъасидин соҳибқирон черикига сонсиз мол тушти. Ва анча мол туштиким, ҳазрат соҳибқирон ул молни кема билан бекларига улаштурди. Ва андин сўнг қалъани бузулдилар. Ва ҳазрат қулоғига еткурдиларким, бу вилоятда бадмазҳаб кишилар кўч турур ва андоқ бадбахтлар борким, агар бировнунг қўлига бир парча қоғоз кўрсалар ани фақиҳ ва толиб илм деб ултурурлар. Ҳазрат муни эшитиб ҳукм қилдиким, «Ҳар кимки саййид бўлгай, сипоҳий ва раъийат ичида ани элдин чиқарсунлар ва саййидлардин бошқа ўзга сипоҳий ва раъийатни ўлдурсунлар!». Ҳукм бўлгондин ул элдин кўб кишини ўлдурдилар. Хоссеп, Шайх/ Али Баҳодурким, ўғли Ҳуббий Хожани алар ўлдуриб эдилар, анча киши ўлдурдиким, сони йўқ эрди.

Андин сўнг ҳукм бўлдики, «Саййид Камолуддинни ўғлон-ушоқи ва хотунлари била кемага ултургузуб, Хоразмга элтсунлар⁶⁶⁹. Ва Саййид Муртазо ва Саййид Абдуллоҳни ўғлонлари била Самарқанддин ўтқариб, Тошкандка йибарсунлар!»

Ҳазрат соҳибқирон фатҳномалар
Самарқандга йибариб, ҳарамларини ва саодатманд
ўғлонларини тилағони

Мазондарон вилояти барча мусаххар бўлгондин сўнг соҳибқирон фатҳномалар биттуруб, йахши булак билан ўғлонларига йибарди. Ва ўгли амирзода Шохрух билан набиралариким, амирзода Халил ва амирзода Рустам⁸⁷⁰ ва Султон Хусайнким, ҳазратнинг қизидин эрди, ва мирзо Мироншоҳнинг қизини ва маҳди аъло Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва ўзга оғоларни келтурғали киши йибарди. Ва муҳаррам ойида, торих етти юз тўқсон бешда (1392, ноябр-декабр) Журжон вилоятида Шосмон мавзеъида⁸⁷¹ бир иморати олий солдури. Ва Сорининг даруғалигини Жамшид Қорунга бердиким, Қайини Қўҳистонидин⁸⁷² эрди. Андағи саййидлар Искандар Шайхийнинг атоси билон агосининг ўлдуруб эрдилар ва Омўлни алардин олиб, Искандар қочиб ҳазрат хизматида келиб юрур эрди, бу маҳалда ҳазратнинг иноят ва шафқат кўзи анга тушуб, Омўлни анга берди. Узи саодат ва иқбол билан юруб, Шосмон мавзеъида солгон иморатида тушти. Ва тавачилар йибардиким, «Черик ҳарён боргон бўлса, қайтиб барча бир ерда йигилсунлар!» Байт:

Чу ҳар сори боргон черик бўлди жамъ,
Йигилди чу парвонадек назди шамъ.

1336 Фатҳнома ва булакларким, хотунлари била ўғлонларига ҳазрат соҳибқирон йибариб эрди (торих етти юз тўқсон тўртда), зулҳижжа ойининг ўн саккизида сешанба кунида (5.11.1392) Самарқанд вилоятида /етти. Ул хабардин барча суйунуб, боргон элчига анча нима бердилар, ниҳояти йўқ эрди. Ва анча садақа фақиру мискинларга бердиларким, хожаларил тенг бўдилар.

Маҳди аъло Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва ўзга оғолар шаҳзодалар билан душанба куни, зулҳижжа ойининг йигирми тўртида (9.11.1392) доруссалтана Самарқанддин отланиб, Тутак мавзеъида⁸⁷³ туштилар. Шанба куни (14.11.1392) қор тушуб, кўб ёғди ва совуқ бўлуб, ул кун оғолар ва шаҳзодалар Шодмон⁸⁷⁴ мавзеъида келиб том уйларга туштилар. Ва чаҳоршанба куни (18.11.1392) кўчуб, Дамашқ мавзеъида хонақоҳиким, ҳазрат соҳибқирон солиб эрди, анда туштилар. Уч кун анда туруб, ҳаво очилгандин сўнг отланиб, Қаршига еттилар (21.11.1392). Анда етконда соҳибқирон қошидин киши келиб, нишон келтурдиким, «Оғолар ўғруқни қўйуб, шаҳзодалар билан илгари тез келсунлар!»

Ул маҳалда шаҳзода Шохрухким, барчанин кўрар кўзи эрди, муборак кўзларига огриқ пайдо бўлди, таъжил қила олмадилар. Ақарин-ақарин йўлга кириб борур эрдилар, муҳаррам ойининг ўн олтисида, шанба (2.12.1392) кунида Аму суйига еттилар ва сувдин нари ўтуб туштилар. Ва андин сўнг кеча-кундуз суруб, Марвдин ўтуб, Мохонда еттилар, ва шаҳзодаи жувонбахтнинг кўзи йахши бўлди. Маҳди аъло Сарой Мулк хоним арзадошти соҳибқиронга йибарди, мазмуни улким; «Фарзандлар барча саломат ва саодат турурлар. Ва ёрлиғиким, ул ҳазраттин келиб эрди, ўпуб кўзларимизга суртуб, бошларимизга қўйдик. Ва ушул замон отланиб, Қаршига етконда яна муборак ёрлигиниз келдиким, «Ўғруқни қўйуб, бот келинлар!» Аммо қудратулайн шаҳзода Шохрухнунг муборак кўзига андак марази пайдо бўлди. Ул жиҳатдин тез юролмадук. Эмди *би-ҳамдил-Лоҳ* ул заҳмат бикўлли дафъ бўлди ва таъжил билан келурбиз» /деб арзадошт йибарилди. Ва 134a Мохондин кўчуб, уч кеча-кундуз суруб, Жилувун мавзеъида⁸⁷⁵ етиб туштилар. Ва ҳазрат соҳибқирон гояти муҳаббатидин аларга ўтрув келиб, бир-бирига етиб кўруштилар ва ўғлон-ушоқларининг кўзлари муборак жамолидин ёруқ бўлди. Оғолар ва шаҳзодалар садақалар бошидин эврўлуб, фақиру мискинга бердилар ва келтургон пешкашларини торгтилар. Ва андин кўчуб Шосмонга бордилар ва айшу-ишрат асбоби барча муҳайё эрди, фароғат била ўлтурдилар.

Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла
Ироқ ва Форс сори таважжуҳ қилиб борғони

Соҳибқироннинг ҳиммати қўймас эрдиким, авқоти айшу-ишрат била кечгай. Қишининг охиридаким, офтоб Жадий буржи охирида эрди⁶⁷⁶, Ироқ ва Форс сори азимат қилди ва амирзода Муҳаммад Султон ва иниси Пир Муҳаммад мирзони илгари черик билан йибарди. Ва Шайх Али Баҳодур ва Севинч Баҳодур ва Темур Хожа Оқ Буға ва Мубашшир ва узга бекларни шаҳзодаларга қўшулди. Ва черикдин ҳар ўн кишидин уч киши сайлаб отландурди.

Сафар ойининг йигирми тўртида, ианжшанба куни, торих етти юз тўқсон бешда (9.01.1393) Мозардарондин юридилар. Байт:

Магарким, черики эди осмон,
Ки типмас эди даҳр аро бир замон.

1346 Едгор Барлос ва Жаҳоншоҳ Баҳодур ва Шамеуддин Аббос ва Ҳожи Маҳмудшоҳ ва Уч Қаро бекларни ўғруқ забти учун қўйдиким, кейнида ақарин⁶⁷⁷ келгайлар. Ва ҳарамлардин Сарой Мулк хоним ва Туман оғони ўғруқда қўйди. (Чўлпон) Мулк оғо ва Дур Султон оғо ва Нигор оғони⁶⁷⁸ ўзи билан олиб юриди ва шаҳзода Шоҳрухни илгари йибарди. Вали йайлогидин утуб, Домгон ва Семнон ва Рай ва Шаҳриёрдин⁶⁷⁹ черикка озуқ бериб юрур эрди. Ва /амирзода Муҳаммад Султон ва мирзо Пир Муҳаммадким, илгари бориб эдилар, Қазвинда⁶⁸⁰ еттилар. Шайх Шахсуворким, ул ернинг даруғаси эрди, урушти. Шаҳзодаларининг мулозимлари ани босиб, тушуруб, шаҳзодалар қошида келтурдилар. Ва шаҳзодалар андин Султония сори мутаважжих бўлдилар. Вали Оқчакийким, Султониянинг ҳокими эрди, вафот бўлгон эрди. Ва Нақашоҳким, анинг навқари эрди, анинг ерида ўлтуруб, даруғалиқ қилур эрди.

Мансур черики анда етконда, қалъадин чиқиб қочти. Шаҳзодалар бир ҳафта анда турдилар ва черикка озуқ бериб, қалъани забт қилиб, Бағдод сори мутаважжих бўлдилар. Курдистонга етканда ҳазрат соҳибқирондин элчи келдиким, «Алар ба иттифоқ Жимжимол⁶⁸¹ йўлидин юрсунлар!» Ҳукм йўсуни билан Бағдод йўлидин қайтиб, Сонгур⁶⁸² қалъасига еттилар ва ошлигини едуруб, молларини таладилар. Назм:

Чу эли эди барча бедодгар,
Худо қаҳридин бўлди зеру забар.
Экинларини еди гала-қаро,
Ушул ерда қолмай боғу саро.

135a Ва субҳдаким, кўч маҳали эрди, яна ҳазратдин киши келди: «Курт эли била андаги даруғаларини ўзларига мутиъ қилеунлар ва ҳар ким муҳолифат қилса, ани ўлдуруб, молини таласунлар. Ва андаги тоғдаги ва ёзидаги муфсидларини чошиб, алардин йўлларини эмин қилеунлар!» Ҳукм йўсуни билан юруб, Жимжимол ва Бисутун⁶⁸³ тоғида етиб, Севинчак Баҳодур ва Темур Хожа Оқ Буға ва Мубашшир Баҳодур илгор қилиб Курдистонга кириб бордилар. Ва шаҳзодалар Боши Хотун дарбандига бордилар ва анда етконда андаги сардорлардин биров бу тамъ биланким, вилоятни эликка кийургайлар, қочиб шаҳзодаларга келди ва арзадошт қилдиким, «Бу йўлларни мендин киши йахшироқ билмас. /Агар ҳукм бўлса, ғажирчи бўлуб, йўлларни кўрсата борайим». Амирзода Муҳаммад Султон ани махтаб, хосса тўн ва олтун камар берди ва бир қилич бердиким, барча банду бори олтун эрди ва Шайх Али Баҳодурни бу ғажирчи билан қўшулуб илгари йибарди. Иброҳимшоҳким, Курдистоннинг улуг бекларининг эрди ва Курдистонда ҳоким эрди, мутубиъат йўлидин кириб, Султоншоҳ отлик ўғлини пешкашлар билан шаҳзодаларга йибарди. Келиб шаҳзодаларни кўруб пешкашларини торти. Ва Шайх Али Баҳодур учун йахши туҳфалар келтуруб эрди, шаҳзода киши йибариб, баҳодурни қайтарди.

Жаҳон Паҳлавон мурожаат этиб, йўлда келурда бир ерда туштиким, нима егай. Ул ғажирчи бадбахтким, йўлош бўлуб эди, умидидин ноумид бўлгон жиҳатидин ул паҳлавони диловарга бечиз келиб, пичоқ урди. Ул

доим қилич ва ўқ ичида кириб, мардоналиқ кўрсатиб, саломат чиқар эди. Чун *ваъдан ла йастаъхируна са 'атан ва ла йастақдамуна*⁶⁸⁴ етти, бир захми пичоқ билан кетти. Байт:

Ўшандоқ эрур бу жаҳони ҳавас,
Ки жовид турмас анга ҳеч кас.

Ушул замон гажирчини тутуб, парча-парча ва сон-сон қилдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Луристон ва Хузистонга⁶⁸⁵ илғор йибарғони

Соҳибқирони комкор Шаҳриёр мавзеъидин черикдин йахши кишисини сайлаб, амирзода Мироншоҳни ўрдуга қўюб, дедиким: «Анча таваққуф қилингларким, уғруқ Астрободдин келгай!» ва ўзи сайлаган кишилари билан Буружирд⁶⁸⁶ сори мутаважжих бўлди, таъжил билан суруб борди. Ва амирзода Умаршайх сўл қўлнунг кишилари билан Ава⁶⁸⁷ йулига кириб юриди ва Қўшки Чўпон мавзеидин⁶⁸⁸ ўтуб, Авага еттилар. Ва андин ўтуб, Кив қалъасига етиб, уруш солиб, бир замонда олдилар. Ва Муҳаммад Қуммийким, қалъанинг кутвали эрди, ани туттилар. Байт:

1356

/Черик бирла шаҳзодаи номдор
Етиб олдилар ўртада ул ҳисор.
Наққора уруб, чалди кавсу нафир,
Олиб шаҳр ва кутвали бўлди асир.

Ул кеча анда туруб, Марун мавзеъига борди. Музаффар Фароҳонийким, Муҳаммад Қуммий соридин ул қалъада даруга эрди, шаҳзодадин хабар билиб, қалъадин пешкашлар билан чиқиб келиб, шаҳзода дийдорига мушарраф бўлди. Ва андин кўчуб Гармрудқа еттилар. Исфандиёр ажзу ниёз билан келиб шаҳзодани кўрди. Шаҳзода Муҳаммад Қуммий билан Исфандиёрни ҳазрат соҳибқиронга йибарди. Ва ҳазрат жумъа куни рабиъ ал-охир муборак ойи бошида саъд толиъида давлату саодат билан Буружирдда тушуб эрди. Амирзода Умаршайх Тарундин ўтуб, ул ерда келиб, ҳазратқа қўшулди. Соҳибқирон Сайфуддин Қўлдошни Буружирд қалъасида кутвол қўйди ва Шайх Микойилни Наҳованд қалъасида кутвол қўйди. Ва андин кучуб, уч кун юруб Хуррамободқа⁶⁸⁹ етти. Ул ернинг даругаси Иззуддин туролмай қочиб кетти. Ҳазрат анда бир кеча туруб, тонгласи бир жамоат кишини қалъа сори йибарди ва амирзода Умаршайхни Иззуддиннинг кейнида йибарди. Ўзга ҳар ердаким душманлардин хабар тобти, алар сори черик йибарди ва муборак нафаси билан Хуррамободдин кўчуб, Тустар⁶⁹⁰ сори мутаважжих бўлди. Ва ҳар ердаким, тушар эрди, йахши кишиларни ва баҳодурларни каминларда қўйиб, кўчар эрдиким, агар кейнидин ўғри, ҳароми келса, аларни тутуб ўлдургайлар. Ўн бир кўчда Зол суйининг⁶⁹¹ кўфрукида еттилар. Ва амирзода Умаршайхким, Иззуддиннинг кейнида бориб эрди, Манкара ҳисоригача борди ва тоғларда юруб қўб истадилар, андин ҳеч хабар топмади. Андин қайтиб, Зол суйида келиб, мансур черикка қўшулди.

136a

Амирзода Мироншоҳким, ўғруқда эрди, бир жамоат киши билан илғор этиб Қошонга борди. Ва Қошонда сарбадол машқларидинким, соҳибқирондин қочиб, /Ироққа Шоҳ Мансурга бориб эрди, Шоҳ Мансур Қошонни аларга бериб эди ва алар анда даруга бўлуб ўлтуруб эдилар, эшиттиларким. шоҳзода черики билан келди, ажзу ниёз билан киши йибариб омон тиладилар. Шаҳзода аларга омон берди. Алар пешкашлар билан қалъадин чиқиб келиб, мулозим бўлдилар. Шаҳзода саодат ва иқбол билан қайтиб, ўғруқда келиб тушти.

Тақи ҳазрат соҳибқирон амирзода Умаршайхни черики билан ўнг қўл сори йибардиким, «Ҳар ерда душмандин киши учраса қилич зарби била аларни йўқ эткай!»

Хувайзага⁶⁹² етиб, даругаси Ислом отлиқким, Шоҳ Мансурнинг навқари

эрди, жонидин қўрқуб қочти ва амирзода Умаршайх Хувайзани забт қилди.

Ҳазрат соҳибқирон шанба кечаси, ойнинг ун олтисида (1.03.1393) давлат билан отланиб, чошт бўлгонда кўфрукдин ўтуб, Дизфулнунг ичида тушди⁶⁹³. Ва оламда машҳур турурким, ул кўфрукни Шопур Зул Актоф иморат қилгон турур ва анда йигирми секкиз тоқ боғлагон турурлар⁶⁹¹.

Алқисса, чун соҳибқирон Дизфулни муборак қадами била масарри жомиги саодат ва иқбол қилди, Шамсуддин Дехдор йигирми харвор кумиш пешкаш қилди. Ва ҳазратнинг мулозимлари ҳар от ва хачирким, анда бор эрди, барчани олдилар. Ва намози пешинда кўчуб, Тустар сори мутаважжиҳ бўлди. Бориб бир тепа устида тушуб, отларни ўтқа қўйдилар. Андин тун қайтиб, саҳар вақтида Тустарга етиллар ва Чаҳор Донга суйининг⁶⁹⁵ йақосида туштиллар. Али кутвал ва Исфандиёрким, Шоҳ Мансур соридан ул ерда даруға эрдилар, хабар эшитиб, қочиб Шерозга кетиб эдилар. Тустарнинг ақобиру ашрофлари бандалиқ йўлидин кириб, инқиёд ва итоат қилиб, шаҳардин чиқтиллар ва сувдин ўтуб, даргоҳи олампаҳоғга /келдилар. Беклар ва мансур черики тамоми атроф ва акнофни горат қилиб, қуб от ва тевалар келтурдилар. Соҳибқирони дарёнавол ул моллар мажмуъини черика улашти.

1366

Чаҳоршанба куни, ойнинг йигирмасинда (5.03.1393) Чаҳор Донга суйидин кечиб, шаҳар йақинида келдилар. Амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода (Пир) Муҳаммаднинг Боши Хотун йўлидин кўчуб, Мурчил сори кеттиллар ва сувлар ва кечиклардин ўтуб, Қурдистон ва Луристон вилоятларининг тамоми дашт ва тоғларини бир-бир мусаххар қилдилар. Ва ул тарафдаги душманлар ишини қилиб, яна саодат ва иқбол била нуерат ва зафарпаҳоғ ҳузурига келдилар.

Форс ва Ироқ ҳокимлари ҳаққиндаги баъзи хабарлар зикри

Ҳазрат соҳибқирони гитиситоннинг уч йиллик йурушдин мурожиат эттони хусусида айтилгон эрдиким, ул ҳазрат доруссалтана Самарқандқа Шероздин муовидат этмакка жазм қилғонида Оли Музаффарийнинг аксарияти ул ҳазратқа ҳамроҳ бўлуб, даргоҳи олампаҳоғга келгон ва камарбанд бўлуб, саодат била мулозиматда бўлгон эрдилар. Подшоҳона отифат ила Шероз ҳукумати Шох Йаҳёга бергон эрди, чунки ўшул вақтда ул ҳазрат ани қуб сийлар эрди. Йазд ҳам анга берилгон эрди. Ва Исфаҳон Султон Муҳаммадким, анинг улуг ўғли эрди, анга мусаллам этилиб эди. Ва Кермон⁶⁹⁶ Султон Аҳмадким, Шоҳ Шужоънинг акаси эрди, анга мусаллам бўлуб эрди. Ва Султон Абу Исҳоқ ибн Увайс ибн Шоҳ Шужоъни Сиржон қалъаси ва тобиъларида сарафроз этиб эрди. Ва Паҳлавон Муҳаззаб Хуросонийким, Шоҳ Шужоънинг бекларидин эди ва андин бир муддат бурун ва анинг вафотидин сунг ўғли Султон Зайналобидин томонидан Абарқўхнунг ҳокими бўлуб турур эрди, анинг ҳокимлиги йахши бўлгонидин уз ўрнида забти муқаррар бўлуб эрди. Ул маҳалда Шоҳ Мансурким, Шоҳ Йаҳёнинг иниси эрди, Тустарнинг ҳокими эрди.

137a

Султон Зайналобидин, Шоҳ Шужоънинг ўғли, /мансур черикининг таважжуҳидин қўрқуб, Шероздин қочиб, Тустарга келди ва Шоҳ Мансур ани тутуб, банд қилди.

Чун ҳазрат соҳибқирон Йаздоннинг ҳифзи ва таъйиди остида Туронга қайтқонида, ҳижрий етти юз тўқсон йилданким (1388), ул қисса торихи эрди, то етти юз тўқсон беш йилиғачаким (1392), соҳибқирони комкор Мозандарондин Форс ва Ироққа яна мутаважжиҳ бўлуб эрди, ул вилоятлар Оли Музаффар қўлида эрди, ва баъзи воқеалар воқиб бўлуб эрди. Ул жумладин Султон Зайналобидин Шоҳ Мансур бандини халос бўлуб, Исфаҳонга боргон эрди. Исфаҳон сардорлари анинг тарафига майл билдургонларида Султон Муҳаммад тура олмай, Шерозга атоси олдиға борди. Султон Зайналобидин Исфаҳон вилоятини тасарруфига олиб, тасхир айлади. Ва бу аҳвол асносида Шоҳ Мансур Тустардин черик тортиб, Шероз дарвозасига келди. Шаҳар ичидаги Шероз содотларидин бир жамоат анга иттифоқ

булуб, тобълик ва тарафдорлик изхор эттилар ва Салим дарвозасин очиб, ани шаҳарга кийурдилар. Шоҳ Йаҳё Шоҳ Шужоънунг айвонига ултуруб эрди, ул йақин келгониде отланиб, Саодат дарвозасидин ташқари чиқиб, Иаздқа кетти ва Шоҳ Мансур келиб, ул айвонда тушти ва акасига асло эътироз билдирмади.

Чун Шероз салтанатини Шоҳ Мансур уз эликига олди, черики била ушул вилоятдаги қалъаларга Марвиет⁶⁹⁷ хисорини ва узга қалъаларни фатҳ қилди ва Абаркўҳқа келди. Ул маҳалда анинг валийси Паҳлавон Муҳаззаб эрди. Шоҳ Мансур ани қамал қилмади ва Шерозқа қайтти.

1376 Султон Зайналобидин Исфаҳонда черик йиғиштуруб, Шоҳ Мансурнунг амирлариким, анинг атоси Шоҳ Шужоънунг тарбиятида булуб эрдилар, хуқуқи вожибқа ривоят қилиб, анга мойил булгайлар, хаёли бирла Шерозга мугаважжих бўлди. Ва Шоҳ Мансур Шероздин алар била мудофая ва муқобила урушига чиқти ва Истаҳр қалъаси⁶⁹⁸ остиде Талоқи Фатин лнги кўфрукида учраштилар. Ва Султон Зайналобидин калака бўлиб, уз хаёли сурати била дуохоҳлуқда қараб тура берди. Шоҳ / Мансур черики узларини сувга солиб, нари ўтуб уруштилар ва Зайналобидинни бостилар. Зайналобидин қочиб, Исфаҳонга кетти. Ва Паҳлавон Муҳаззаб Шоҳ Мансурдин кўрқуб, Шоҳ Йаҳё била дўстлуқ қилди. Ул маҳалдаким, Шоҳ Йаҳё Иазд тоғларидин Абаркўҳга бориб эрди, Паҳлавон Муҳаззаб қалъадин чиқиб, Шоҳ Йаҳёни кўруб, аҳд ва шарт қилиб, ани қалъага кийурди ва ўзи қасрига тушти. Ва Шоҳ Йаҳё қалъага киргондин сўнг бир жамоат фитналик кишиларнинг сўзларига кириб, Паҳлавон Муҳаззабни тутуб беркиттилар, Малус қалъасигаким, Иазд қалъаларидин эрди, анда йибарди. Ва анда Шоҳ Йаҳё ишорати билан Паҳлавонни улдурдилар. Ва Шоҳ Йаҳё Абаркўҳни забт қилиб, Муҳаммад Қурчиким, бекларидин эрди, қалъани анга тобшурди ва ўзи Иазд сори қайтиб борди. Ва Шоҳ Мансур Шероздин черик тортиб, Абаркўҳга келди ва ташқаридаги шаҳрини олди. Шоҳ Йаҳёнинг навқари ичкари қалъага қочиб кирди. Ва Шоҳ Мансур бир жамоат кишини анда кўйуб, ўзи Иазд сори борди. Шоҳ Йаҳё бу ҳолдин хабар билиб, Муҳаммад Қурчиға киши йибардиким, «Қалъани тобшурсун! Бу шарт биланким, алар Иазд сори келмагайлар». Шоҳ Мансур йўлдин қайтиб, қалъани анга бердилар, ва забт қилгондин сўнг Исфаҳон сори мугаважжих бўлди ва ошлигини едуруб, Шерозга ёниб борди. Ва йана йил черик тортиб Исфаҳонга борди, ва бултургидек хароблик қилиб, ёнди. Ва Султон Зайналобидин анинг ҳаракотидин бажон келиб, уруг-қийёшига киши йибариб, алардин кўмак тилади. Султон Аҳмад (ва иниси) Султон Боязид Кермондин ва Султон Абу Исҳоқ Сиржондин⁶⁹⁹ чериклари билан кўмакка келдилар. Шоҳ Йаҳё тақи ваъда бериб, Иазддин чиқти, аммо аларга қўшумлади. Ва узга Музаффарийлар барча йигилиб, иттифоқ билан қишда / Шероз сори мугаважжих бўлдилар, ва вилоятларни хароб эттилар, хоссатан Гирболни. Ва Шоҳ Мансур черикини йиғиштуруб, шаҳардин чиқти. Алар Гирболдин Гармсир сори бордилар. Шоҳ Мансур бу хабарни эшитиб, алар сори борди. Алар ҳам андин хабар билиб, Фасо⁷⁰⁰ жилгасида Ҳарур мавзёида уруштилар. Шоҳ Мансур аларга музаффар бўлуб, алар қочтилар ва ҳар бири бир сори кетти. Баҳор улгонда Шоҳ Мансур йана Исфаҳон сори черик тортти ва шаҳарга таъйин етконда Хожя Азудидин Саидийким, Луристоннинг ҳокими эрди, анча киши йибариб, чорлади. Ул келиб Шоҳ Мансурга қўшқди. Исфаҳонийлар муни эшитиб, шаҳарни тобшурдилар, ва Зайналобидин қочиб, Рай ва Варомин⁷⁰¹ сори борди. Ва Шаҳриёрда етконда Муса Чавқар ани тутуб, Шоҳ Мансур қошида йибарди. Ва Шоҳ Мансур анинг кўзига мил торттуруб, кўзларини зоеъ қилдурди: *Ман ла йарҳам, ла йурҳамдин* андиша қилмади⁷⁰². Андин сўнг икки қатла черик Иазд эшикига элтти ва иккинчи қатлада Шоҳ Йаҳёнинг аноси анга ҳам ано бўлур эрди, икки ўғли билан чиқиб, Шоҳ Мансур қошига келди. Ва анга насиҳат қилди, дедиким: «Шоҳ Йаҳёким, сеинди ёши улуг турур, икки ўғли билан бу вилоят била қониъ, Ироқ ва Форсени сенга мусаллам тутуб турур. Сен агар бу вилоят учун анга таъарруз қилсанг, камоли бемурувватлик турур ва эл сенга не дегайлар». Шоҳ Мансур бу сўзни эшитиб, жавоб беролмай Иазд эшикидин кўчуб, Шерозга кетти. Ва бу тўрт-беш йилда Музаффарийлар ичида дойим уруш ва талаш бор эрди. Шеръ:

Адув эрдилар бир-бирига мудом,
Хароб ўлди ул мамлакатлар тамом.
Алардин танг эрди худи салтанат,
Ким ун подшоҳ эрди бар мамлакат.

1386 Чун аларнинг тарихида воқиялари мазкур турур/ мундин ортуқ баён қилмадук.

Ул маҳалдаким, соҳибқирони комкор Тустарнинг йақинида хайма ва баргоҳ уруб тушти, Шероз, Исфаҳон ва Абарқўх Шоҳ Мансурда эрди ва ўзи Шерозда ултурур эрди. Ва Йазд вилоятида Шоҳ Йаҳё эрди икки ўғли била. Ва Кермонда Султон Аҳмад эрди ва Сиржонда — Султон Абу Исҳоқ.

Соҳибқирон Шероз сори таважжуҳ қилғони

Амирзода Муҳаммад Султон ва иниси мирзо Пир Муҳаммад Боши Хўтун дарбандидин музаффар ва мансур қайтиб, ҳазрат соҳибқирон ўрду-сига келиб қўшулдилар. Соҳибқирон Севинчак Баҳодурни Хувайзага йи-бардиким, Умаршайх мирзони келтургай, ва Хожа Масъуд Сабзаворийким, Али Муъаййиднинг хоҳарзодаси эрди, Тустарга ҳукм қилди ва Сабзавор черикини анга тобшурди ва ўзи черик билан илғор қилиб, рабиъ ал-охирнинг йигирми бешиди, душанба куни таҳақу йилда, тарих етти юз тўқсон бешда (10.03.1393) давлат ва саодат билан Шероз сори мутаваж-жих бўлди⁷⁰³.

Амирзода Умаршайх Хувайзани олиб, ул вилоятларни забт қилиб, пешкашлар билан келур эрдиким, ҳазратдин анга киши бориб, анга хабар бердиким, соҳибқирон Шероз сори кетти ва «Сенга ҳукме бўлдиким, уғ-руқни бошлаб кейиндин келгайсен!» Соҳибқирон ойнинг йигирми еттисиди, чаҳоршанба куни (12.03.1393) Дудонга суйидин кечиб, жумъа куни йи-гирма тўққузиди (14.03.1393) Шўрхон қанда суйига етиб тушти. Ва шанба куни, жумада ал-аввал ойининг бошида (15.03.1393) Ром Хурмуз-да⁷⁰⁴ тушти. Отабек Пир Аҳмадким, Лури Бузургнунг ҳоқими эрди, пеш-кашлар билан олампаҳо даргоҳида келиб, бекларни кўруб, беклар ани пешкашлари била соҳибқиронга кўрсатдилар ва ҳазратга мулозим бўлди.

139a Соҳибқирон ўшул куннунг намози пешинида отланиб, йакшанба куни (16.03.1393) Ром Хурмуз суйига⁷⁰⁵ етиб тушти. Ва душанба куни (17.03.1393) андин /кўчуб, Заҳра саҳросида тушти ва сешанба куни (18.03.1393) Курдистонда Аргун суйидин ўтуб, Меҳонда тушти. Ва чаҳор-шанба куни (20.03.1393) Ширин суйидин ўтуб, Тустар саҳросида туш-ти⁷⁰⁶. Панжшанба куни (21.03.1393) Кач Хусдин ўтуб, Саробхон Бидакда тушти ва одина куни (22.03.1393) Чулаҳа кенгида тушти, йакшанба куни (24.03.1393) Жовидон суйидин ўтуб, Қалъаи Сафид ҳақида сўраб, Нав-бинжон⁷⁰⁷ саҳросида тушти. Душанба куни (25.03.1393) черикини йасаб, Навбинжондин юруб, қалъага етдилар. Саодат отлиқ бесаодат анда Шоҳ Мансур соридин ҳоқим эрди. Наазм:

Йаки қалъаким, оти эрди Сафид,
Эрон шоҳлариға ул эрди умид.
Бутон зулфидек печ-печу дароз,
Йўли асру тору ўзи сарафроз.
Анинг кенглиги бир йиғоч бор эди,
Ичи тўла сув бирла ашжор эди.
Йағочлари пурмеваи киштзор,
Булоғи ичида суйи хушквор.
Ушул қалъа бўлгон бери ҳеч шоҳ
Ани олмагондур ба амри Илоҳ.
Уруш бирла олғони маҳол эрди ул,
Ичи ва таши тўла мол эрди ул.

Ул қалъанинг таърифини ва берклигини шарҳ қилса бўлмас эрди ва бир тўғ устида эрди. Андаги тоғлардин баландроқ эрди ва манжаниқ ва раъд

анга ҳеч иш қила олмас эрди ва йули андог тор эрдиким, агар уч киши анда турса эрди, ҳама олам тўла душман бўлса эрди, ул йўлдин чиқа олмас эдилар. Ва андоқ берк ерни эҳтиёт учун баъзи ерларини тош ва ганч билан биркитиб эдилар. Ва анинг ичида неча қўш зироат бўлур эрдиким, андаги элга фарогат била озуқ бўлур ва аларга озуқ эҳтиёжи йўқ эрди; ва қўйлари ва галалари анинг ичида юрур эрди. Ва кийик ва сўгун ва ҳар жонувордин анда асру куб эрдиким, алар доим ов солиб, жонуворлардин олур эдилар. Алқисса, ҳеч нимага эҳтиёжлари йўқ эрди. Мундоқ ерни агар саодатманд икки кунда /олса, таажжуб ери турур. Ва оқиллар билгайким, бу кишида ўзга ҳолати бор ва худойи таолонинг лутфи ва карами бу кишида йўлдош турур, баҳодурлуқдин ва черикнинг ишидин эрмас.

1396

Алқисса, ҳазрат соҳибқирон Сафид қалъасига еттиб, неча киши бир неча киши билан қалъа сори бориб, дарвозасига еттилар. Ва черик ҳар соридин келиб сурон солдилар ва соҳибқироннинг чодирини ва шомийнасини тоғ устида чиқориб, тиктилар. Ва ҳазрат чодирига тушуб, ҳукм эттиким, «Черик тавакқуф қилмай, қалъанинг тасхирига машғул бўлсунлар!» Черикка ҳукм бўлгондин сўнг мўру малахдек йайоғ ва отлиқ ҳисорга мугаважжиҳ бўлдилар. Амирзода Муҳаммад Султон ўнг қўлдин уруш солдурди. Ва амирзода Пир Муҳаммад ва амирзода Шоҳрух қалъа сори юруб, уруш солдилар. Ва сипохийлар йайоғ бўлуб, андог урушгиларким, Баҳром бешинчи кунда⁷⁰⁸ таажжуб бармоғини тишида қўюб, ҳайрон бўлуб, назора қилур эрди. Шеръ:

Зи баским, уруш этти ул дам сипоҳ,
Қочиб кетти кун, ниҳон бўлди моҳ.

Кеча бўлгон жиҳатидин диловарлар қайтиб, манзилларига келиб туштилар. Тонгласи яна ҳукм билан шаҳзодалар ва беклар ва баҳодурлар қалъага уруш солдилар. Ва мухалифлар қалъа устидин йамғурдек ўқ ва тош ёғдурур эдилар. Ва мансур черикининг баҳодурлари жонларини хашар айлаб Фарҳодтек тоғ устида чиқтилар. Шайх Муҳаммад, Ийгу Темурнунг навқари Оқ Буға отлиқ, ҳазрат соҳибқирон давлатидин бир ердин чиқтиким, ҳеч кишининг гумонида йўқ эрди, салавот йибариб, алар сори ҳамла қилди. Қалъа эликим, бу ҳолатни кўрдилар, кўнгуллари бузулуб, эликлари сус-тайиб, уруш қила олмай ҳайрон қолдилар.

140a

/Амирзода Пир Муҳаммаднинг кишиси дарвоза йўлидин йўқори чиқтилар, душманларни қовлаб, қалъани олдилар. Ва сипохий элидин ҳар кимки, анда бор эрди, барчани тоғдин ташладилар. Ва Муҳаммад Озод Меҳтар Саодат кутволни олиб, соҳибқирон қошига элтиб ўлдурди. Ва Зайналобидинким, Шоҳ Мансур анинг кўзига мил тортиб зоеъ қилиб эрди, бу қалъа ичида бандда эрди. Ани қалъадин чиқариб, соҳибқирон хизматида келтурдилар. Соҳибқирон ани йахши сўруб, куб иноят ва шафқатлар қилди ва дедиким, «Мен сенинг додингни худой инояти била Шоҳ Мансурдин олайим». Ва хотунларким, ул қалъадин асир этиб эдилар, барчани озод эттилар. Ва Малик Муҳаммад Авбахийни ул қалъада кутвол қўйдурди ва саодат ва иқбол билан қайтиб, ойнинг ўн бирида, сешанба куни (25.03.1393) Навбинжонда тушти. Ва Оқ Буғаким, барчадин бурун қалъа устида чиқиб эрди, анга иноят ва шафқат қилиб, анга хайма ва ҳиргоҳ ва бовурчи хона ва қатор тевалар ва хачирлар ва йахши от ва қумошлар ва олгун камар ва йахши қиз берди. Ва анча нима анга инъом эттиким, сони йўқ эрди. Ул кун анга бир от бор эрди, сўнгги кун анча йароғи бўлдиким, ўз-ўзи била дер эрдиким, «Бу давлатким кўрурмен, ё Рабб! уйқудаму турур ё бедорлуқда?» ҳайрон қолиб эрди.

Чаҳоршанба куни (26.03.1393) ҳазрат соҳибқирон саъд толиъи билан юруб, Бавон дарасидин ўтуб, Пири Мардонга тушти ва панжшанба куни (27.03.1393) андин кўчуб, Жаржанда тушти⁷⁰⁹ ва жумъа кунида Жавимга етти. Ва анда ҳар неча Шоҳ Мансурдин хабар сўра эрди, айтурлар эдиларким, «Аёғини накбад қилиб, сиздин йана бир хабар эшитгач қочар».

Маъқули ҳам бу эрди, қатрани на мажолким дарё билан тенглик талаш қилгай ва ё сағу қарчигай билан урушқай?

/Ҳазрат соҳибқирон Шоҳ Мансур
билан урушуб, Шоҳ Мансур ўлғони ҳикояти

Соҳибқирон Шоҳ Мансурдин ҳеч ҳисоб тутмас эрди, ўшул кунда андоқ азамат черикидин икки қўл киши айрилди. Бир қўл кишини ўзига муқаррар қилди ва йана бир қўл амирзода Муҳаммад Султонга муқаррар бўлди ва ўнг қўлда амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирни турғузди. Ва Темур Хожа ва Оқ Бугани ҳировул қилди ва Муҳаммад Султон мирзони сўлда қўйдурди. Амирзода Шоҳрухни зафардек ўзи қошида турғузди ва Усмон Аббосни қаровул қилдурди.

Бу тариқа билан черикини йасаб, Шероз сори юрубурди. Усмонбек душман қаровулини боғлар ичида кўруб, бир чуқурда йашунуб турди, то алар ўттилар. Ва Сайин Темур ва Тамука ва Мавло ва Қаро Муҳаммад ва Баҳром Йасурий каминдин чиқиб, душман қаровулининг кейнида тушуб, Баҳром Баҳодур қилич тортиб, аларга етти ва бировни чошиб тушурди, ва ҳазрат соҳибқирон қошига еткурдилар. Ҳазрат андин Шоҳ Мансурдин хабар сўрди ва таҳқиқ билгондин сўнг юрубурди. Ва бир йағоч йўл бориб душман соридин боғот ичидин уч-тўрт минг киши барча жайбалик ва отларини кечим куйдуруб⁷¹⁰ чиқтилар. Шоҳ Мансур аларнинг ичида муҳолифат қиличини тортиб келур эрди ва Потила ерида⁷¹¹ жумъа кунни намози вақтида ҳазрат соҳибқироннинг ўттуз минг кишисига ўзини урди ва черик ўртасидин ўтуб, кўтал отларким, черикнинг кейнида туруб эрди, анда етиб, йана қайтиб, соҳибқирон черикига ҳамла қилди. Соҳибқирон анинг баҳодурлуғига тафарруж қилиб туруб эрдиким, Шоҳ Мансур ҳазрат соҳибқиронга

141а мутаважжих бўлуб, от солди ва анда /тургон баҳодур йигитларни бир-бир этти. Соҳибқирон сўнгесини тиладиким, Шоҳ Мансурнинг ишини йасағай. Аммо ул жуҳраким сўнгу анга тааллуқ эрди, қочиб эрди. Ва соҳибқирон бовужуд улким, қошида ўн беш кишидан ортуқ киши қолмайдур эди, таваккал қилиб, аёғини биркитиб, еридин тебранмади. Ва Шоҳ Мансур икки қатла соҳибқиронга қилич еткурди ва ҳазрат Илоҳ июнотидин ҳеч навъ зарар етмади. Ва Одил офтобачи⁷¹² ул ҳазратнинг боши узра қалқонини тутуб турди ва Қиморий Йасовул анда йахши ишлар қилди ва эликига қилич тегиб, мажруҳ бўлди. Ва Маҳмудшоҳ ва Тукал Бовурчи ва Амоншоҳ ва Муҳаммад Озод душманлар ичида кириб, йахши ишлар қилдилар. Ва Шоҳ Мансур андин қайтиб, гўлга чобти. Ва амирзода Муҳаммад Султон душманининг ўнг қўлдаги кишисини қочурди. Байт:

Бари маймана бўлди тўб-тўла қон,
Адувнинг аламлари бўлди ниҳон.

Мубашшир Баҳодур ва ўзга беклар амирзода билан душманининг кейнида сурдилар. Ва амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир йаағининг сўл қўлдаги тургон кишисини кўтариб қовлаб йуриди. Ва шаҳзода Шоҳрух туруб урушуб эрди. Ҳазратнинг қочқон черики йана қайтиб жамъ бўдилар. Жалол Ҳамид ва Пирим Сўфий, Юсуф Сўфийнинг ўғли ва Ғиёсуддин Тархоннинг ўғлонлари ҳазрат қошида баҳодурлуқ кўрсатур эрдилар ва йаағи черикини ўқ зарби билан қайтарур эрдилар. Ва Аллоҳдод⁷¹³ қўшуним, вафо била машхур эдилар ва Шайх Нуриддин қўшуни ва қўшун бўйи ҳазораи хоссаким, аларни қавчин дер эдилар ва алар гўл эдилар; йана жамъ бўлуб, гўлни йасаб/ турдилар⁷¹⁴. Ва Баҳромнинг қўшуни эрлик кўрсатиб ерлардин тебранмадилар. Ва амирзода Шоҳрух ўн етти ешида эрдиким, ул уруш воқиъ бўлди ва шаҳзода кичик ёши била Шоҳ Мансур билан урушуб, ани суруб, Шоҳ Мансурни тушурдилар ва бошини кесиб, шаҳзода Шоҳрух ҳазрат соҳибқиронга келтуруб юкунуб, бошни ташлади ва фатҳ бўлгон учун муборакбод деди. Ва муборак тилини дуо билан очиб деди, қитъа:

Душманингнинг бошидур, эй сарфароз,
Ким адувга бўлмасун дунёда бош.
Кимки, тортса қуллугунгдин бошини,
Доимо ёғсун ўшул бош узра тош.

Шоҳ Мансурни ўлдургондин сўнг анга тааллуқ кишилардин ному нишон қолмади. Соҳибқирон музаффар ва мансур бир тена устида чиқиб, шоҳзода-

ларни бир-бир чорлаб, ўпуб қучти ва ҳазрат Ҳаққ субҳонаху ва таолога шукур қилдилар. Ва беклар барча йукунуб, муборакбод дедилар ва мугул дастури билан чирладилар ва юкунуб аёғ туттилар⁷¹⁵.

Бу маҳалда душманлардин йана бир жамоат пайдо бўлди, барчаси мукамал ва ораста. Соҳибқирон кишиси ўт ва сувдек алар сори чоптилар. Ва ҳазрат соҳибқирон ва шоҳзода Шоҳрух тақи алар сори юридилар ва сурон солиб чобтилар. Душманлар салобатидин қўрқуб, туролмай, қочтилар ва ўзларини Қалот Сурх тоғи ичида солдилар. Соҳибқирон бекларидин неча кишини аларнинг кейнида йибарди, алар барча йўқ бўлуб кеттилар.

142a Соҳибқирони комрон давлат ва нусрат билан тушуб, тонгласиким, кун чиқиб оламни ўз холидин ёруқ этти, /Шерозга мутаважжиҳ бўлди ва келиб Салим дарвозасига тушти. Ва черик шаҳарнинг тўрт ёнида туштилар. Фармон бўлдиким, «Салим дарвозадин бошқа ўзга саккиз дарвозаким, шаҳарда турур, боғлаб очмасунлар!» Ва беклардин неча кишини йибариб, шаҳардин ва маҳаллотдаги улуғлардин, калавиёнлардин мажалка олдиким, Шоҳ Мансурга тааллуқ хазоин ва қумош ва от ва хачир ва тева ва гайруху, ҳар неким бор эрди, шаҳардин чиқариб, ўрдуга келтурдилар. Соҳибқирон бўлгон молни бекларга ва баҳодурларга улаштурди. Ва амирзода Муҳаммад Султонни Исфаҳонга йибардиким, ул мамлакатни забт қилгай. Андин сўнг мунишийларни чорлаб, фатҳномалар биттириб, Самарқандқа йибарди. Ва амирзода Умаршайхким, кейин қолиб, ўғруқни бошлаб келур эрди ва ҳар ердаким, мухалифлардин хабар эшитса эрди, ул сори бориб кўнгли тилаган-тек мухалифнинг ишини йасар эрди. Навбинжондин ўтуб, Козерунга⁷¹⁶ етиб эрдиким, ҳазратдин киши келдиким, «Ўшанда туруб андаги эл-улусни, давлатларни забт қилсун!»

Ҳукм келгондин сўнг шоҳзодаи комкор ул ернинг забтига машғул бўлди ва хогири тилагандек ишни йасади. Йана неча кундин сўнг йана ҳукм келдиким, «Бизнинг сори мутаважжиҳ бўлуб келгил!» Шоҳзода соҳибқирон сори мутаважжиҳ бўлуб, Шероз шаҳрига мулозиматиға мушарраф бўлди.

Оли Музаффар Шоҳ Мансур қиссасини эшитиб, барча ҳайрон бўлуб, ҳеч сори боролмай, заруратдин соҳибқирон мулозиматиға юз қўйуб келдилар. Шоҳ Йаҳё ўғлонлари била Йазддин келди ва Султон Аҳмад Кермондин пешкашлар била келдилар. Ва Шоҳ Шужоъ ўғли /Султон Маҳдий ва Шоҳ

142b Мансур ўғли Султон Ғазанфар Шероз ичида эрдилар.

Соҳибқирон шоҳзодалар била ва беклар била Боғи Майдонда⁷¹⁷ тушуб, бир ой айшу ишрат била машғул бўлди. Шеър:

Фигони арғанун ва иолаи чанг

Солиб эрди жаҳон ичра оҳанг.

Соқийлар ҳар бири моҳи мунаввар,

Тутуб эликларида соғари зар.

Ва Султон Абу Исҳоқким, Шоҳ Шужоънинг ўғлининг ўғли эрди, Сиржондин келди ва пешкашлар тортиб, ҳазратни кўрди. Соҳибқирони одил мамлакат аҳволиға лутф ва марҳамат назарини солиб, адл ва дод эшигини очиб, раъйой ва фақиру бечораларни сўрайбошлади ва Форс мамлакатини шаҳзода Умаршайхқа берди. Ва шоҳзода тўй тартибиға машғул бўлуб, соҳибқиронга йахши тўй бериб, юкунуб, туққузалар тортти.

Соҳибқирон Оли Музаффарни тушуруб, вилоятларни ўз бекларига бергони

Муҳаммад Музаффарнинг авлоди муддати эрдиким, бу вилоятларда подшоҳлиқ қилур эрдилар ва ҳар бири бир шаҳарда ҳоким эрдилар. Ва хутба ва сиккани ўз отларига ўқур эрдилар. Ва ҳар бириға даъвои ул эрдиким, «Вилоятлар барча менга тааллуқ бўлгай». Ва бовужуд улким, бир-бириға қариндош эрдилар, доим бир-бириға қасд этиб, душман эрдилар. Ва агар бириким, бировнинг эликига тушса эрди, ани ё ўлдуруб, ё кўр қилур

эрдилар; ато ўгул ва ўгул ато билан ўшул тариқ эдилар ва аларнинг жиҳатидин раъоят заҳматда эрди.

143а Бу маҳалдаким, вилоят соҳибқирон тасарруфида бўлди, барча вилоятларнинг содот ва қазот /ва арбоблари келиб, бу воқеаларни арз қилди ва дедиларким, «Умидимиз сиздин ултурурким, бу вилоятларда йана Оли Музаффарни қўймагайсиз. Ва агар йана буларга бу вилоятларда даҳл берсангиз, вилоят бузулур ва фақиру мискин хароб булур». Бу жиҳатдин соҳибқирони динпарвардин душанба куни, жумада ал-охир ойининг йигирми учиди (6.03.1393) ҳукм бўлдиким, «Оли Музаффарни тутуб, беркитесунлар!» Аларни тутуб молларини таладилар. Ва Усмонбек киши йибардиким, Султон Аҳмаднинг хазиначисиким, Кермонда эрди, келтурдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон Форс вилоятини шаҳзода Умаршайх мирзога берди. Ва амир Бердибек Сари Буга ва амир Зийрак Жаку ва Севинчак Баҳодурни шаҳзода Умаршайх қошида қўйдиким, бир йилгача шаҳзода қошида тургайлар. Ва шаҳзоданинг хосс беклари Беккичик Жетанинг ўгли Баён Темур ва Тукал Хинду Қарқара ва Малаш Апардий ва Давлат Хожа ва узгалар мулозиматда эрдилар. Ва Гиёсуддин Барлоснинг ўгли Идикуни Кермон вилоятида даруға қўйди. Гиёсуддинким, Жақубекнинг иниси эрди⁷⁸, Йаъзни анга берди ва Лолам Қурчини Абарқўҳда ҳоким қилурди ва бир неча кишини Сиржонга йибарди. Ва ул қалъада Султон Абу Исҳоққа тааллуқ Гударз отлиқ бир киши қутвал эрди. Бу қиссани эшитиб, қалъанинг берклигига эътимод қилиб, қалъани беркитти.

143б Соҳибқирон Шоҳ Шужоъ ўғлонлариким, кўзларини зоеъ қилиб эдилар, бири Султон Шибли ва бири Зайналобидин эрди, аларни Самарқандда йибарди. Булар Самарқандда бориб, фарогат била ўлтурдилар. Ва Форс вилоятидин йахши ҳунармандларни эв-эли билан кўчуруб, Самарқандда йибарди. Отабек Пир Аҳмадни /иноят кўзи билан боқиб, Луристонни анга берди. Ва Пир Аҳмад ҳазрат соҳибқирон иноятини икки минг эвлук киши биланким, Шоҳ Мансур аларни талаб кўчуруб, Шерозга келтуруб эрди, йана уз юртларига ёниб бордилар.

Соҳибқирон Ироқ сори мутаважжих бўлғони

Жумада ал-охир ойининг йигирми еттисида, жумъа куни (10.05.1393) соҳибқирон Шероздин кўчуб, саодат ва иқбол билан Исфаҳон сори юриди ва ишрат ва шодмонлиқ билан йўлда ов солиб борур эрди. Ва ўн икки кўч била Қумишада⁷⁹ ражаб ойининг саккизида (20.05.1393) давлат билан тушти ва ҳукм бўлдиким, «Оли Музаффарни тирик қўймасунлар!» Улуғкичикни ўлдурдилар. Ва ҳар вилоятдаким, алардин киши бор эрди, анда боргон даругалар аларни ўлдурдилар. Байт:

Кўнгул қўйма дунёгаким, бу жаҳон
Эрур бевафо, балки номехрибон.

144а Соҳибқирон андин кўчуб, панжшанба куни, ойининг унида (22.05.1393) Исфаҳонга етти. Амирзода Муҳаммад Султон ўтрув чиқиб келди ва ҳазратни кўруб, тўйлар тортти. Соҳибқирон беш кун Исфаҳон шаҳрида, нақши жаҳонда ўлтурди. Сешанба куни, ражаб ойининг ўн бешида (27.05.1393) кўчуб, амирзода Шоҳрухни илгари йибарди, ва Дехи Улвий йўлидин маҳди аъло Сарой Мулк хоним сори мутаважжих бўлди. Ва соҳибқирон тақи Исфаҳондин кўчуб, икки кунда (29.05.1393) Жарбодиконда етти ва андин аро қунуб Ангувон қарйасида туштилари. Ва анда бир жамоат малҳазлар бор эрдиким йааги бўлуб, нагамлар ичида кириб эдилар. Ҳукм бўлди, «Бийик ердин ариқ қазиб, ул нагамларга сувни келтурсунлар!»

144а Ҳукм билан черик ариқ қазиб, сувни ул нагамларда /келтуруб қўйабардилар. Ул бадбахтлар сув йўлидин дўзах ўтига бордилар. Ва соҳибқирон кеча анда туруб, тонгласи йакшанба куни (2.06.1393) кўчуб, Бурҳон саҳросида тушти. Ва андин кўчуб, ул саҳрода ов солиб, кўп нима ҳар турлук жониворлардин олдилар. Ҳазрати исматмаоб Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва шаҳзодаларнинг ҳарамлари ўгруқдин илгари бўлуб, бу ерда етиб, соҳибқирон дийдорига мушарраф бўлдилар ва пешкашлар ва сочиқлар ва

144a

садақалар торгдилар. Ҳазрат соҳибқирон чаҳоршанба куни (6.06.1393) андин кучуб, Фулхур Дара мургзорида тушти. Уч кун анда туруб, тўртинчи (10.06.1393) кун андин кучуб, Ҳамадонга таъйин тушти. Ва анда чодирлар ва оқ уйлар тикиб ултурди. Панжшанба куни (12.06.1393) ул юртда шаъбон ойини кўрдилар. Ва амирзода Мироншоҳ уғруқдин илгари бўлуб, соҳибқирон хизматида етиб келди. Ва амир Шамсуддин Аббос ва Ҳожи Маҳмудшоҳ ва Уч Қаро Баҳодурким, уғруқда қолиб эдилар, Султония йўлидин чериклари била соҳибқирон хизматида етдилар ва соҳибқироннинг муборак дийдорига мушарраф бўдилар. Ва амирзода Муҳаммад Султонким, Исфаҳонда туруб эрди, ул вилоятнинг элини забт этиб, ҳазрат қошида келди. Ва келгон хонимлар ва оғолар Сарой Мулк хоним ва Туман оғо бошлиқ соҳибқиронга тўй бердилар.

Соҳибқирони саодатнишон Ҳулогухон тахтини амирзода Мироншоҳга бергони

144b

Соҳибқирон Озарбайжон мамоликни (ва Рай) ва Дарбанди Боку⁷²⁰ ва Ширвонот ва Гилонотни тавобий ва лавоҳиқлари била Румгача амирзода Мироншоҳга иноят қилди⁷²¹. Ва шаҳзодаи жувонбахт /Табриз ва Султония ва ўзга вилоятлардин нешқашлар келтуруб, соҳибқиронни Ҳамадон вилоятида тўй бериб, пешкашларини торгти ва неча кун анда айшу ишрат қилдилар. Ва сешанба куни, ойнинг ун учиди (24.06.1393) андин кучуб, амирзода Мироншоҳни Қулоғи сори йибарди ва узи ов солиб Илма Куруқ мургзорида тушти. Тонгласи нусроатшиъор черики тамоми саҳро кзини тутуб, Тумон Тур мавзеида етдилар ва беш кун анда ултуруб олтинчи кун андин кучуб, йана ов солиб, унғ қўл ва сўл қўл бекларини жирга била юруб, Беш Бармоқ саҳросида етиб, жиргалар бир-бирига қўшулуб, қўб жониворлардин олиб, Қулбуча ўтлоғига келиб туштилари. Ва андин кучуб, Ганбузак жилгасида етиб туштилари ва анда шакки қилиб, тўйлар қилдилар. Ва душанба куни (30.06.1393) андин кучуб, тўрт йағоч йўл бориб туштилари.

Амирзода Мироншоҳки, м илгари бориб эди, Қулоғи саҳросидин киши йибардиким, Сариқ Муҳаммад Туркмон тоғлар ичида кириб ултуруб турур ва кучини тоғда берк ерларда қўюб, қалин черик йиғиштуруб, муҳолифатдин дам урар эрмиш.

Соҳибқирон Сариқ Туркмоннинг элини чобқонлари

145a

Соҳибқирон бу хабарларни эшитиб, Сафосун қалъасининг йўлидин юруб, уқбадин кечиб, икки кеча-кундуз юруб, Қулоғи мавзеида етти ва Дашти Ҳаҳода ҳукм эттиким, «Душманларнинг йўлларини ва коризларини сақласунлар!». Ва душманларга бир қалъа бор эрдиким, ани Ҳабаший дер эдилар ва ўзга даралар ва берк ерлари тоғ ичида бор эрдиким, йўллари асру қаттиқ эрди. Ул қалъада ва дараларда кириб, йўлларни беркитдилар. Мансур черикининг баҳодурлари ул тоғлар устида чиқиб, қўйлар ва отлар тушурдилар. Ва Барот Хожа Қуқалтош анда йаҳши ишлар қилди. Аммо қазо ўқи тегиб, вафот бўлди. Ва Шайх Ҳожиким, Қиморийнинг ўғли эрди, ул тақи тоғ устида чиқиб, шеру мардлик кўрсатти. Анга тақи ўқ тегиб, бақо оламига кетти.

Туркмап мансур черикининг баҳодурлуғларини кўруб, аввали Рамазонда (11.07.1393) кечасида ҳар нималариким, бор эди, қўйиб қочтилари. Ва Армон тоғининг уқбаларидин ўтуб кетдилар. Ва мансур черики аларнинг кейнида от ва тева ва хачирлар олдилар. Ва Шайх Темур Баҳодур туркманлар кейнида суруб, қўб киши олиб ўлдурди ва ўзга қолгонлари захмдор бўлуб, юз меҳнат била қочтилари ва Гармсирдин ўтуб кетдилар. Анда бир қалъа бор эрдиким, кофирлар ва габрлар анда турар эдилар. Соҳибқирон алардин хабар билиб ҳукм қилдиким, «Ул қалъанинг тасхирига машгул бўлсунлар!» Ҳаққ Черик ул қалъани ўртада олиб, ҳар соридин уруш солдилар ва ҳазрат ҳаққидин нусрат бўлуб, қалъани олдилар ва қалъадаги элни қириб, ер била тенг қилдилар. Ва

соҳибқирон шоҳзодалар ва беклар била қайтиб, Қулоғи даштида тушти. Рамазон ойининг унида, йакшанба куни (21.07.1393) андин кучуб, аро қунуб, Оқсойда⁷²² келиб, урдуга қушулдилар. Андин кучуб, ҳар ердаким мухолифлардин хабар эшитур эрдилар, ул сори бориб, душманларнинг ишини бир сори қилмагунча андин кучмас эрдилар.

1456 Мирзо Мироншоҳни Сарик Қурғонига ва Уч Қаро Баҳодурни Курдтуга йибарди. /Алар бориб ул қалъаларни фатҳ қилиб қайтгилар. Ва ул ерда Хонзода хоним туй йароғи қилиб, соҳибқиронни туй берур хаёли бор эрди. Соҳибқирон амирзода Муҳаммад Султонни Курдистон дарбандига йибардиким, андағи ўғри ва йул ургучиларни тутуб улдургай, то йуллар эмин бўлуб, мусулмонлар фароғат била бориб келгайлар. Шаҳзода туйга турмай алар сори юриди ва Хонзода ул юртда улуг туй қилиб, соҳибқиронга туй берди. Андин кучуб, Оқ Булоққа⁷²³ тушди ва рамазон ойини анда ўтқариб, йакшанба куниким, ийд куни эрди (10.08.1393), ийд намозини ўқуб, ийд қилди. Ушул кун шайхулислом Нуруддин Абдураҳмон Исфароиний, *алайҳирраҳмат вар-ризвонким*, рўзгори машойихларининг ақобири эрди, Бағдодин Султон Аҳмад Жалойир қошидин элчиликка соҳибқирон хизматиға келди. Соҳибқирон ул азизни қуб иззат тутуб, йахши сурди. Ва шайхулислом Султон Аҳмадининг сўзини арз қилди. Сўзининг мазмуни буким, «Соҳибқиронга тобиъ ва хизматкоримен. Аммо ҳазратдин қўриқиб, мулозиматиға бора олмам!» Ва тўққуз-тўққузлару пешкашларким, йибариб эрди, барчани торти. Ҳазрат аларга боқмади ва Шайх Нуруддинга илми жиҳатидин иззат, хосса тун ва от ва йармоқ бериб, куп шафқатлар қилиб, ижозат берди.

Соҳибқирони гитиситон Бағдод сори мутаважжих бўлғони

Соҳибқирон Султон Аҳмад Жалойирнинг элчисини ёндургондин сунг Бағдод сори мутаважжих бўлди. Ва ҳукм қилдиким, «Амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир ўғруқни бошлаб Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва узга оғолар била Султонияға бориб ўлтурсунлар!»/ Бекларга ҳукм бўлдиким, «Черикка жар еткурсунларким, киши бошиға икки саноч ўзи билан олиб туругайким, тонгла сувдин утарда керак бўлгай турур». Одина куни, шаввол ойининг ўн учида, торих етти юз тўқсон бешда, товуқ йилида (220.08.1393) саодат ва иқбол била отланиб, Бағдод сори мутаважжих бўлуб, Ён Булоқ мавзеъида тушти. Ва андин кучуб, кеча-кундуз суруб, тоғлардин ўтуб тушти ва андин кучуб, соҳибқирон ўзи қаровул бўлуб илгари юриди ва Қура Қурғонга⁷²⁴ етиб, Муҳаммад Туркмонни қочурди ва ҳукм қилдиким, «Чериким кейиндин келур Шахризурдақи туркманларга⁷²⁵ тааллуқ эл-улусларини таласунлар!» Ва анда туруб черикидин бир неча киши олиб, илғор қилиб йўлга кирди. Ва ул йул асру қаттиқ йул, тоғлар ва ўқбалар эрди ва тор йўллар эрдиким, қуб ташвиш билан киши андин ўтар эрди. Соҳибқирон кечада муҳаффада кириб ўтқонда машғал била ўтар эрди. Ва черики бўлак-бўлак сунгидин келур эдилар, токим ҳазрат Иброҳим Йаҳё, *қаддаса Аллоҳ сирруҳу*, мазориға етгилар ва ани Қуббаи Иброҳим Молик дерлар. Андағи элдин соҳибқирон сурдиким, «Бағдодқа кўкарчин⁷²⁶ йибардингиз?» Алар дедилар: «Бале, йибардук!». Ҳазрат буюрдиким, «Йана кўкарчин йибаринг! Ва хат битингларким, ул курдиким кўрдук, черик эрмас эрмиш, туркманлар эмишларким, эв ва эли била қочиб, буён келадулар». Мундоқ хат битиб, кўкарчиннинг аеғиға боғлаб йибардилар. Ул кўкарчин Бағдодқа бориб, Султон Аҳмад хатни ўқуб, хотири жамъ бўлди. Аммо эътимод қилмай, аввал боргон кўкарчиннинг хабаридин молини сувдин ўтқарди. Соҳибқирон /андағи мазорни тавоф қилиб, руҳи покидин ҳиммат тилаб, ҳазрат Ҳаққдин нусрат тилади ва мазорининг шовурлариға қуб йармоқ берди.

1466 Андин отланиб, Усмон Баҳодурни қаровул қилиб, илгари йибарди. Ва андин Бағдодқача йигирми етти йағоч шаръий йул турур. Соҳибқирон йулга кириб, шанба куни, ойнинг йигирми бирида (12.09.1393) Бағдодқа етти. Султон Аҳмад Жалойир Дажла суйидин ўтуб, кўфрукни бузуб, йасол тортиб туруб эрди. Черикнинг қаросини кўруб, нафир унини эшитиб, таваққуф қилмай қочти, Хилла⁷²⁷ сори борди. Черик Бағдодининг икки тарафидин икки йағоч йўлгача ўзларини сувға наҳангдек солиб, қушдек ўтгилар. Ва Муҳаммад Озод сувдин кечиб, Султон Аҳмадининг хосса

- кемасиким, анга Шамс от қўйуб эрдилар, топиб, бери келтурди. Соҳибқирон ул кема била сувдин ўтти ва шоҳзода Мироншоҳ черики билан Бағдоднинг қуйи ёнидин Қариятул Уқоб⁷²⁸ мавзёидин сувдин ўтти. Ва Бағдод эли черикнинг ўтарини кўруб, ҳайрон қолиб эдилар. Соҳибқирон шоҳзодалар била Султон Аҳмаднинг кейнида елдек сурдилар ва Канбатуда еттилар. Анда Ийбож Ўғлон била беклар юкунуб, соҳибқиронга дедилар: «Сиз давлат била қайтиб Бағдодқа боринг, бизлар Султон Аҳмад кейнида борали». Ҳазрат билдиким, бу сўз давлатхоҳлуқдин эрур, қабул қилиб, қайтиб Бағдод шаҳрида келиб тушти ва ҳар нимаким, Султон Аҳмаддин қолиб эрди, тасарруф қилди. Султон Аҳмад кейнига боргон беклар ул кун юруб, кеча тун қайтиб субҳ эрдиким, Фирот суйиға еттилар. Ва Султон
- 147а Аҳмад йарим кечада сувдин ўтуб, кўфрукни бузуб кетиб эрди, /Карбало⁷²⁹ йўлидин Дамашқ сори кетиб юриди. Усмон Баҳодур мудин хабар билиб, бекларга дедиким, «Ўзумизни сувга солиб ўтали ва жаҳд қилиб, душманга етқай». Аммо беклар дедилар: «Сувни йақолаб борали. Ҳар ердинким, гузар тобсақ, андин ўтқай». Беклар иттифоқ қилиб юридилар, тўрт кема тобтилар, ул кемалар билан ўтуб, душман кейинларида сурдилар. Душманлар йўлда борурда чодирларини баъзи ортуқ огир юкларини ташлаб юрур эрдилар. Беклар ул ташлаган чодирларга ва сандуқларга етиб олдилар ва амирзода Мироншоҳ Ҳиллага бориб, анда турди ва Султон Аҳмад кейнида черик йибарди. Ийбож Ўғлон⁷³⁰ ва Жалол Ҳамид ва Усмон Баҳодур ва Шайх Арислон ва Саййид Хожа ва Шайх Али Баҳодур ва ўзга тумон беклари ва баҳодурлари юруб қирқ беш киши йакшанба кун, ойнинг йигирми иккисиди (13.09.1393) Карбало даштида⁷³¹ Султон Аҳмадқа еттилар ва ул қирқ беш киши барча бек ва баҳодур эрдилар ва отлари ҳориб эрди. Султон Аҳмад била икки минг киши эрди, алардин икки юз киши қайтиб, булар била урушти. Беклар отларидин тушуб, ўқ-ёйи эликларига олиб, ўқ зарби била душманларни ёндуруб, отланиб, алар кейнида сурдилар. Йана алар тақи қайтиб чобтилар. Йана беклар отдин тушуб, ўқ зарбн билан қочуруб, отландилар. Учунчи қатла ёниб, андоқ илдам чобтиларким, бекларга фурсат бўлмадиким, отлардин тушқайлар. От устидин бир-бирига жапишиб андоқ-андоқ уруштиларким, ҳаргиз мундоқ уруш киши кўрмагон
- 147б эрди. Усмон Аббос анда йахши қишлар илди. /Аммо эликига қилич тегиб захмлиқ бўлди. Аммо соҳибқирон давлатидин баҳодурлар душманларни босиб, қочурдилар ва қуб мол алардин олдилар. Ва ул кун ҳаво асру иссиқ эрди ва сув йироқ. Барча баҳодурлар сувсадилар. Ийбож Ўғлон ва Жалол Ҳамид неча кишиларини сувга йибардилар, алар боруб қуб жаҳд қилиб, озгина сув топиб келтурдилар. Ийбож Ўғлон ул сувдин йаримини ичти, ҳеч сувсагани таскин топмади. Жалол Ҳамидқа дедиким, «Бу сув била ҳеч нима бўлмадим, ва ҳалок бўлурмен, агар эй Ҳамид, ул сувким, сенга тааллуқ турур, агар менга берсанг ажаб карам қилурсен ва мудин йахши иш бўлмас». Жалол жавобиди дедиким: «Соҳибқирондин эшитибманким, айтиб деди: «Бир кун бир араб ва бир ажам бир йўлда кириб, йўлдош бўлуб турурлар ва бир ёзида кириб, борурлар эрмишлар. Арабда сув бор эрмиш ва ажам сувини ичиб тутанган эрмиш. Ажам сувсаб арабга этиб турур: «Араб эли жувонмардлик била ва карам била машҳур турурлар. На бўлғай, агар менга бир дам сув карам қилсанг?» Араб деди: «Агар мен сенга бу сувни берсам, таҳқиқ билурманким, улармен. Аммо агар мен улсам йахшироқким, арабнинг карам ва муруввати ҳеч кам бўлмағай ва араб элини номовозаси кам бўлмағай». Араб сувини ажамга берди. Андин бу сўз ёдгор қолди». Жалолбек бу сўзни деб, дедиким, «Мен ул арабдек букун иш қилурмен, то чигатой элининг карами оламда ёд қолғай ва билгайларким, чигатой элида не миқдор карам бор эрмиш. Аммо бу шарт биланким, су қошида боргонда арз қилгайсанким, тарих ичида етқайлар». Ийбож Ўғлон қабул қилди. Жалолбек сувини анга берди. Ийбож Ўғлон сувни ичиб юриди. Ва Жалолбекни ҳам ҳазрат Ҳаққ карами жиҳатидин халос қилди ва кун қайтиб, /саломат ва саодат билан ул чўлдин чиқиб амир ал-муъминин Ҳусайн ибн Али мазори машаҳадига еттилар, ва ул мутабаррук мазорни тавоф қилиб, музаффар ва мансур қайттилар. Ва Султон Аҳмаднинг ўгли Алоуддавла ва хотунлари барча эликка тушти. Султон Аҳмад ўғлон-ушоғидин кўнгул узуб, бир неча киши била бошини олиб кетти. Беклар асирлар била ва моллар била қайтиб, ҳазратнинг хизматида келдилар. Ва Ийбож
- 148а

Ўғлон Жалолбекнинг қиссасини ҳазрат қошида арз қилди. Соҳибқирон Жалолбекни қуб махтаб дедиким: «Сенинг йахшилигинг бизга қуб тегиб турур. Аммо бу йахшилиққи Ийбож Ўғлонга қилгонсен, барчадин йахшироқ турур», деб Жалолбекга қуб иноятлар қилди.

Ва бу ҳикоятни анинг учун бу китобда баён қилдуқким, оқил кишилар билгайларким, мурувват ва карам ҳам Холиқ қошида ва ҳам халойиқ қошида йахши иш турур. *Валлоҳул муваффақ ва илайҳи туржаъул умур*⁷³².

Амирзода Муҳаммад Султон йул урғувчиларнинг ишини бир сори қилиб қайтқони

1486 Амирзода Муҳаммад Султон Бағдод юришидин илгари Курдистонга бориб эрди, то андағи ўғри, ҳаромиларнинг ишларини бир сори қилгай. Анда бориб, аларга тааллуқ тоғларга кириб, ул муфсидлардин қуб кишилар улдурдилар ва баъзини мутиъ қолдурди. Ва алардин етти юз кишиким, Шомихдағи тоғ ичидағи қалъасида бориб туруб, ул қалъани беркитиб ўлтуруб эрдилар, алар сори бориб, ул қалъага егиб, урушуб, фатҳ эттилар ва андағи кишиларни тоғ устидин ташладилар. Ва ул йўллардинким, юз, уч юз киши йароқлиқ ўта олмас эрди, андоқ бўлдиким, икки киши, /уч киши фароғат билан юрур эрди. Ва шаҳзодаи жувонбахт аларнинг ишларидин фароғат топиб, Боши Хотун дарбандидин ўтуб, Бағдод сори мутаважжих бўлуб, Бағдодда соҳибқирон хизматиға келиб, анинг дийдорига мушарраф бўлди. Ва неча кундин сўнг соҳибқирон шаҳзодани Восит⁷³³ шаҳриға забт қилгали йибарди. Ва амирзода Мироншоҳға киши йибардимки, «Ҳилладин Басраға бориб, ул ерларни забт қилсун!» Соҳибқирон фармонладиким, «Султон Аҳмаднинг ўғлонларини ва хотинларини ва Бағдод шаҳридин йахши ҳунарманд кишиларни кўчлари била Самарқандда элтиб борсунлар!»

Ва Хожа Абдулқодирким, мусиқий илмида оламда машҳур ва нодир-ул аср эрди, ани тақи Самарқанд йибарди. Ва фатҳномалар Самарқанд ва Хоразм ва Озарбайжон ва Форс ва Ироқ ва Хуросон ва Зобулистон ва Мозандарон ва Табаристон ва ўзга вилоятларга битиб туруб йибардилар. Ва соҳибқирон икки ой Бағдодда айшу ишрат қилди. Эшиттиким, Бағдод вилоятида асру жоғир қуб турур, ҳукм бўлдиким, «Ҳар ердаким, жоғир тобсалар барчани Шатт суйиға⁷³⁴ тўксунлар!» Сувчилар юруб, ҳар ердаким жоғир тобтилар, дарёға тўктилар. Ва Бағдод аҳли моли омон қабул этиб, муҳассиллар ул молни тушурдилар.

Соҳибқирон Миср вилоятининг подшоҳиғаким, оти Барқуқ эрди, элчи йибарғони

149а Соҳибқироннинг ҳиммати ул эрдиким, йўллар анинг айёми давлатида эмин бўлгай ва худой бандалари ҳар сориким борсалар, аларга ташвиш ва тараддуд бўлмагай, фароғат била бориб келгайлар. Мунга қуб саъий қилур эрди. Бу жиҳатдин Шайх Содаким, машҳури рўзгор эрди, соҳибқирон ани элчиликка Миср вилоятиға Барқуқ⁷³⁵ шаҳриёр қошида/ тухфалар била йибарди. Ва сўзи бу эрдиким, «Мундин бурун подшоҳларким, Чингизхон наслидин эрди, алар била мухалифат қилур эрмишлар. Бу жиҳатдин Шом элиға ва андағи вилоятларға ташвиш тегар эрмиш. Охирда аларнинг ароларида йараш бўлуб, вилоятлар амон бўлгон эрмиш. Ва подшоҳ Саъид Абу Саъидхон, *анара Аллоҳ бурҳонуху*, раҳмати Ҳаққа кетиб, Чингизхон наслидин Эрон вилоятида подшоҳи қолмади. Ва ҳар мамлакатда бир киши бош чиқариб, элулус ва вилоятлар хароб бўлуб эрди. Бу маҳалда ҳазрат Ҳаққ иноятидин Турон ва Эрон мамлақати Ироқи Арабғача бизга мусаххар бўлди.

Эмди мусулмонларнинг неххоҳилиғи бу турурким, ҳамсойалиқ ҳаққини ритьоят, аромизда бориш-келиш бўлгай ва икки тарафдин доим элчи бориш-келиш қилгай. Ва бир-биримиздин хабардор бўлгайбиз, то йўллар омон бўлуб, мусулмонлар фароғат билан бориб келгайлар ва эл ичида осойиш ва фароғат бўлгай. *Вассалому аъло ман-ит таба'ал ҳудо. Вал ҳамду ли-Ллаҳи Раббил 'аламин*».

Ҳазрат соҳибқирон Тикрит⁷³⁶
қалъасига бориб, фатҳ қилгони сўзи

Андин сунгким, Бағдод шаҳрини олдилар, бозургонлар ва мусофирлар ҳазрат қошида келиб, арз қилдиларким, «Бу йақинда қалъа турурким, ани Тикрит дерлар, асру берк ер турур. Ва бир жамоат ўғрилар анда йиғилиб, мусулмонларнинг йўлларини боғлаб турурлар ва ҳеч киши андин саломат ўта олмас. Ва доим Миср ва Шомдин келгон ва боргон карвонларга музоҳим бўлурлар ва неча йиллар турурким, алар ул ерни мақом қилиб турурлар ва ҳеч подшоҳ бориб ул қалъани олмайду. Бу жиҳатдин қуб мусулмонлар ташвишда турурлар».

1496 Ҳазрат соҳибқирон бу сўзини эшитиб дедиким, «Бизнинг ҳимматимиз ва мақсудимиз бу юрмоқдин/ бу турурким, мундоқ нималарни мусулмонларнинг бошидан кетарсак⁷³⁷. Эмди бизга фарз булдиким, бу ишнинг фикрини қилгайбиз». Ҳукм эттиким, «Бурҳон Уғлон ва Йатиқ Сўфий ва амир Жалол Ҳамид ва Шоҳ Малик ва Саййид Хожа ва Шайх Али Баҳодур отланиб қалъа сори юруб, қамалга машғул булсунлар!» Алар ҳукм била отланиб, турмай, кеча-кундуз суруб, етиб қамал қилиб ўлтурдилар. Соҳибқирон Бағдоддин тушкон молни бекларга улаштурди. Ва амир Усмон Аббоским, Карбалода захм еб эрди, ани ўғруқ била Бағдодда қўйди. Ва анга «марҳам баҳо» деб, ҳар кунда минг олтун кўпнакий муқаррар қилдурдиким, шаҳардин бергайлар.

Андин сунг давлат била отланиб, шанба кунда, зулҳижжа ойининг йигирми тўртида (31.10.1393) кўчуб, Шайх Баҳлул мазорига тушти. Ул мазорни тавоф қилиб, руҳи покидин ҳиммат тилаб, амирзода Шоҳрухни манглай этиб отландурди ва йакшанба куни (2.11.1393) Дажла суйининг юқорисидин таважжух этиб отланиб, бир ерда тушди⁷³⁸. Ва душанба куни (3.11.1393) бир улуг кўл йақосида тушти⁷³⁹ ва андин кўчуб, Онага тушти ва чаҳоршанба куни (5.11.1393) Баҳрияда тушди ва панжшанба куни (6.11.1393), етти юз тўқсон олтинчи йил муҳаррам бошида Ҳарбия қишлоғида тушти ва жумъа куни (7.11.1393) кўчуб, Банди Асорга келди. Кеча анда туруб, тонгласи (8.11.1393) бир юлғунлуқ ерда қўнди. Ул ерда бир киши шер кўруб, соҳибқиронга хабар келтурди. Соҳибқирон шерни олмоқ учун отланди. Ул ердин беш шер чиқти, баҳодурлар ҳар беш шерни ўқ била ўлдурдилар. Ва андин ўтуб, йакшанба куни (9.11.1393) Тикрит қалъасига етдилар, ва наққора ва кавс ва бургу чалиб, сурон солиб, ҳазрат учун қалъа ўтрусидида оқ уй ва чодирлар тикдилар.

150a /Соҳибқирон давлат билан келиб тушти. Бу маҳалда Мосул⁷⁴¹ ҳокими Ер Али ва Ирбилнинг даругаси Шайх Али Уйрот тўққузлар ва пешкашлар била келиб, ҳазратни кўрдилар. Ҳазрат аларни йахши кўруб сийлади. Андин сунг буордиким, «Черик қалъа урушига машғул бўлсун!» Бу қалъа бир тоғ устида воқиф бўлуб, бир ёнидин Дажла суйи борур эрди ва бу қалъа бино бўлгонидин бери ҳеч подшоҳ ани мусаххар қилмагон эрмиш. Ва ичида Ҳасан отлиқ киши ҳоким эрди. Ва бу кишининг иши бу эрдиким, доим йўлларни тутуб, карвоиларни уруб, молларини олиб, қалъага кийуруб ўлтурур эрди. Ва ҳеч подшоҳга бош индурмас эрди, ва мол ва хирож бермас эрди, ўзи уруб, ўзи сураб эрди.

Алқисса, соҳибқироннинг хабарини эшитиб, кўнглида ваҳм тушуб инисини пешкашлар била ва ниёз ва тазарруъ била соҳибқирон хизматида йибарди. Ҳазрат ани йахши кўруб, от ва тўн бериб, агосига йибардиким, «Бориб Ҳасанга мандин дегилким, ҳеч тараддуд қилмасун ва қўрқмасун ва бот бизга кўра келсун!» Иниси қайтиб, ҳазратнинг шафқатдин дегон сўзларини анга деди. Аммо ул бедавлат қўрқунчдин қалъадин чиқмади ва муҳолифатда кўнгул қўйуб, урушга машғул булдилар. Ва мансур черики этакларини белларига уруб, ҳисорга мутаважжих бўлуб юридилар. Ва манжаниқлар йасаб, тош захми била аларнинг эвларини бузулдилар. Сешанба куни (11.11.1393) Ҳасан аносини қалъадин чиқориб, соҳибқиронга йибарди, неча от ва пешкашлар била ва ажзу зори била арзадошт қилдиким, «Бизга ул

150b ҳадд йўқ турурким, чиқиб аларнинг дийдорига мушарраф булгайбиз. Агар соҳибқирон гуноҳимдин кечиб, шафқат қилсалар ўғлум била инимни мулозиматларига қуллуқ қилмоқ учун йибарайим». Соҳибқирон аносини йахши кўруб,

дедиким, «Гуноҳини сенга бағишладим. Бориб ўғлунгни йибаргил. Гар кел-маса неча мусулмоннинг қони анинг бўйнида бўлгуси турур». Бу хотун ул сўзлардин андишанок бўлуб, қайтиб қалъага кириб, ўғлига соҳибқирон дегон сўзларни деди. Ул қалъадин чиқмай, заруратдин уруш қилмоққа машғул бўлди. Ва соҳибқирон черики қалъага нағам солмоқ била машғул бўлди. Ва Шайх Али Баҳодур (ўғли Саййид Хожа бошқа баҳодурлар била) нағам солиб, бир буржга етиб, ул буржнунг тубини бўшади ва кечада ул буржни бунадилар ва буржни тушуруб, қилич зарби била душманларни қовлаб, ташқи қалъани олдилар. Алар жон қўрқунчидин ички ҳисорга қочиб кирдилар, ва амир Ҳасанга қўрқунчулғи ортиб, беркка кўнгул қўйиб, қалъани беркитти. Ҳукм бўлдики, «Бу қалъага тақи нағамлар солсунлар!» Ва ҳар кишига беклардин бир ер муқаррар қилдурди ва баҳодурлар ишларига машғул бўлдилар. Ва нағам солиб, ўзга қалъа таъйин битиб, тошга етгилар⁷⁴³. Ҳазрат давлатидин ўттуз беш қари тошга етиб, ул тошда нағамлар солиб, гори пилдек тешуклар қаздилар. Ҳасан бу ҳолатни кўруб ҳайрон қолди, киши йибардиким, гуноҳини тилаб, амон тилагай. Соҳибқирон дедиким, «Ул чиқмағунча амон йўқ турур». Тонгласи йана зори ва тазарруъ қилиб, шоҳзода Шохрух қошида киши йибарди. Ва айтиб йибардиким, «Шаҳзодадин умидим ул турурким, гуноҳимни / соҳибқирондин тилагайсиз!» Шаҳзода жувонбахт лутф ва карамидин келиб соҳибқиронга Ҳасанбекнинг сузини арз қилди⁷⁴⁴. Соҳибқирон деди: «Ўзи чиқиб келмағунча ва ўғрилиқ ва қарчиликдин тавба қилмағунча узри қабул бўлмас. Ва агар чиқиб келса, ҳар аврлукким, анинг хотири тиласа, ўшандоқ бўлгуси турур». Ва инисини шоҳзодага йибариб эрди, ҳазрат инисига этти: «Бориб бу сўзларни анга дегил: агар чиқиб келмаса сен ҳам анинг қошида ўтургил». Иниси анга бориб соҳибқирон деган сўзларни деди. Ул дедиким: «Биз бу ерда муддати турурким, ато-атоларимиз бу ерда ҳукумат қилгон турурлар. Ҳаргиз ҳеч подшоҳга мутӣ бўлмағондурлар ва ўз боши билан ҳар неким, кўнгуллари тилагон турур, қилибтурлар. Ва ҳоло, агар биз чиқсак, ул кишиларким аларнинг молларини олиб, бизда тилагуси турурлар. Соҳибқирондин ҳукм бўлгусидурким, ҳар нимаким олиббиз, ёндурабержайбиз ва анинг уҳдасидинким чиқа олгай ва бизларни қўб азоблар қилгуси дурурлар. Ҳеч нима мундин йахшироқ йўқ турурким, то бизда жонимиз бўлгунча урушқайбиз». Ўғрилар барча йакжиҳат бўлуб, уруш наққорасини чалдилар.

151a

Соҳибқирон аларнинг наққора унини эшитиб, ғазаб ўти бошига тутатиб, фармон бўлдики, наққора ва нафирларни чалдилар, андоқким олам ичра зилзила тушиб, тоғлар ваҳмдин титраб, *ал-қори'ату ма ал-қори'а*⁷⁴⁵ йақин эрдиким, *ихнил-манфуш* дек⁷⁴⁶ фано елига боргай. Шейр:

Чу солди сурон анда отлиғ, йайоғ,
Алар ваҳмидин титради дашту тоғ.

151b

Ва соҳибқирон бир баланд ерга чиқиб, тафарруж қилур эрди. Қалъага еткургон нағамлар ичида йағочлар қўйиб эрдилар ва ўтун била тўлдуруб / эрдилар андин бурунким, ўт қўйсалар қалъанинг бир ёни йиқилди. Қалъадаги эл фидоийлартек, раҳна бўлгон ерда туруб урушур эрдилар. Ҳукм бўлдики, «Черик барча урушқа мутаважжих бўлсунлар ва нағамлар ичидаки йағоч ва ўтунга ўт қўйсунлар!» Баҳодурлар қалъага мутаважжих бўлуб, нағамларга ўт қўйдилар. Нағамдаги йағоч қўйиб, қалъанинг томи йиқилди ва ул бурждаким, Йатиқ Сўфий нағам солиб эрди, ул бурж йиқилди. Йигирми беш киши душмандин қўйи тушти, қалъа эли бу ҳолатни кўруб зори ва тазарруъ била бекларга киши йибардилар, то аларнинг гуноҳларини соҳибқирондин тилагайлар. Беклар келиб ҳазратқа арз қилдилар. Соҳибқирон эшитмай, черик қалъага ёпушуб, олди ва Ҳасанбек била ҳар кимки, ул қалъада эрди, барчани тутуб бўйинларини боғлаб, ҳазрат қошида келтурдилар. Фармон бўлдики, «Раъийатни сипоҳийдин ажратиб, раъийатқа нима демасунлар ва сипоҳийларни ўлдурсунлар!» Ҳукм била ул ўғриларни барчани ўлдурдилар ва тавачилар бошларидин миноралар қўпордилар. Ва бу муборак фатҳи душанба куни, ойнинг йигирми олгисиди (1.12.1393) муяссар бўлди. Ва ул қалъадин бир томни қўйдиларким, эл кўруб билгайким, бу қалъа печук йаралмиш ва печук муни мусаххар қилиб турурлар. Ўзга бўлгон томни ер била тенг қилдилар.

Соҳибқирон қайтиб борғонда кейнида боргон шаҳзодалар келиб қўшулгонлари сўзи

152a Шаиба куни, сафар ойининг аввалида (6.12.1393) қайтиб борурда йўлда ушалди ва шаҳзодаларким, душман кейнида бориб эрдилар, Ироқи Араб вилоятида ҳар тарафдин ёндилар. Ва амирзода Муҳаммад Султонким, Воситқа бориб эрди ва амирзода Мироншоҳким, Ҳилладин Басрага бориб эрди ва беклар барча юруб, дарёлардин кечиб, саҳроларда юруб бениҳоят мол олиб ёндилар. Ва йўлдаги /арабларким, йўлларни тутуб, қароқчилик қилур эрдилар ва Басра ва Восит шаҳрини забт қилиб мол ва хирож буйунларига қўйдилар. Ва ҳар кимки, мутиъ бўлмай муҳолифат қилди, бошини кесдилар. Амирзода Мироншоҳ сарбадол мулуқларидин бировни Басрада қўйуб, Шатт ал-Арабдин ўтуб, амирзода Муҳаммад Султонга қўшудди, ва бирча беклар ва баҳодурлар келиб қўшуддилар. Ва андин юруб, Ҳарбия мавзеида етиб, соҳибқиронга келиб, муборак дийдорига мушарраф бўлдилар.

Бағдод мамлақати ва Ироқи Араб мусаххар бўлгонидин сўнг бу вилоятларни Қаро Қўйлуқ ва Оқ Қўйлуқ туркманларининг улуғларига берди. Бу шарт билаким: «Бу чоққача вилоят эйясиз эрди; ҳар кимнинг қўнгли не тилар эрди, қилур эрдилар. Эмди итоат аёғларини хизмат йўлига қўймак керак ва мусулмонларга мазоҳим бўлмамак керак; ва корвонларга зарарзаҳмат бермамак керак, то худой бандалари йўлларда фароғат била бориб келгайлар. Бу тариқ била амал қилсангиз, наким хотирингиз тиласа, ўшандоқ бўлгуеи турур. Йўқ эрса ҳар не кўрсангиз ўзунгуздин кўргунгуз турур». Бундоқ насиҳатлар қилиб ҳар бирига бир вилоятқа йибарди.

Бу маҳалда амир Усмон Аббос ўғруқ била Бағдоддин келиб, соҳибқирон ўрдусига қўшудди. *Вал ҳамду ли-Ллоҳи Раббил оламин.*

Соҳибқирон Диёрбакр⁷⁴⁷ сори борғони

152b Соҳибқирони никушиёро Ироқи Араб тасхиридин сўнг Диёрбакр сори мутаваясжих бўлди. Хожа Масъуд Сабзаворийни Бағдоднинг муҳофизатиға йибарди ва буюрдиким, «Раёйю ва фақиру мискин аҳволларидин хабардор бўлгайсен ва содот ва уламони йахши иззат тутқайсен!»⁷⁴⁸ деб, ани Бағдод сори йибарди. Ўзи Диёрбакр сори мутаваясжих бўлди ва амирзода Мироншоҳни беклар билан Бағдод суйининг юқориси сори йибарди ва сувга кўфрук боғлаб, / овоза солдиким, «Қайтарбиз!», то ҳар ердаким, муҳолиф бўлса, муни эшитиб, хотири жамъ бўлгай⁷⁴⁹. Ва черикидин ўн кишидин бир киши олиб, ўзгаларни ўғруқда қўйуб, амирзода Муҳаммад Султон ва Гўсуддин Тархон ва Уч Қаро Баҳодурни ўрду муҳофизати учун ўрдуда қўйдурдиким, ақарин келгайлар. Ва нусратшиёро черики таъжил била сув юқорисида юруб, Тавқдин⁷⁵⁰ ўтуб, Киркўк⁷⁵¹ қалъасига етдилар. Қалъа эли итоат йўлидин илгари келиб, соврин тортиб, соҳибқироннинг муборак дийдорига мушарраф бўлдилар. Соҳибқирон ул қалъани амир Али Мосулийга суюрғал берди. Бу маҳалда Қизил Мир Али Уйрот ва Пир Али ва Жаҳонгир олампаҳо дарғоҳида келиб, давлат мулозиматқа мушарраф бўлдилар. Ва ҳар ердаким, даруга ва кутвол бор эрди, барча келиб бандалиқ камарини белларига боғладилар. Ҳазрат соҳибқирон ҳар бирини бир навъ иноят ва шафқат қилиб сўрди. Барчага зарбофт тўнлар била олтун камарлар берди ва аларнинг ўғлонлари била хотунларига қумошлар ва олтун ва жавоҳир иноят қилди, то ўғлонларига қаралгайлар ва қизларига жаҳиз йасагайлар. Ва андин давлат ва иқбол била юруб, (чаҳоршанба куни) Ирбил мавзеиға етишти. Ул ернинг ҳокими (Шайх Али) йахши пешкашлар тортиб, тўй берди. Соҳибқирон анда бир кун туруб, тонгласи Катта Зоб суйиға⁷⁵² келиб тушти. Жумъа куни сувдин ўтуб, Мосул суйиға етиб тушти, Жиржис пайғамбар ва Юнус алайҳиссаломнинг мазорига бориб тавоф қилди ва ҳар мазорға ўн минг олтун кўнпакий бердиким, қабрлари устида гунбаалар йасагайлар. Ва фақиру мискинға куб садақалар берди. Ва амирзода Мироншоҳ ҳукм била андағи эллар устида бориб мусаххар қилмоқ учун элларни боқтуруб, ёниб келиб, соҳибқиронга қўшудди.

Ҳазрат соҳибқирон, Ёр Аликим, Мосул даругаси эрди, ани гажирчи қилиб, тун қайтиб, Руҳа сори мутаважжих бўлди, ва туман беклари черик тартибини қилиб, булак-булак юридилар.

Борурда Султон Аликим, Мардиннинг⁷⁵⁴ ҳокими эрди, мутобият йулидин кириб, утрав кишисини изҳори муҳаббат ва ихлос қилди. Соҳибқирон сафар ойнаинг охирида (3.01.1394) Мардинга етиб, киши йибардиким, «Биз Миср ва Шом сори мутаважжих бўлдук. Сен бизнинг сунгимизда бот келгайсен!» Ва андин утуб Раъсалъайнға⁷⁵⁵ тушти ва барча черикини юртовул йибарди. Черик бориб Хусайн⁷⁵⁶ вилоятини ва Қаро Қуйлуқни талаб, от ва тева ва қуй сонсиз олдилар ва қайтиб урдуға қушулдилар. Андин кучуб Руҳаға еттилар: Кузак отлиқ биров ул қалъанинг даругаси эрди. Баъзи раъийатлар била қалъадин чиқиб, бир бийик тоғда бордилар. Соҳибқирон бир неча бек черик билан аларга йибарди. Беклар бориб барчани талаб, асир қилдилар.

Ҳазрат шаҳзодалар била ва беклар била шаҳарга кирдилар. Ва шаҳардаги иморат барча тошдин эрди. Ва айтурлар ул шаҳарни Нимруд⁷⁵⁷ йасагон турур, ва Иброҳим Халилни, алайҳиссалот вассаломки, анда ўтқа солгондур ва ул ўт нишонаси зоҳир бор турур.

Соҳибқирон ул ерда бориб, тафарруж қилиб, чашмада ғусул қилди. Ўн тўққуз кун анда турдилар. Ва суҳбатлар тутуб, баъзи кишиларга иноят ва шафқатлар қилди ва туркманлардин қуб киши келиб мулозим бўлди. Ва Ҳисн Кайф⁷⁵⁸ даругаси анда келиб, йахши хизматкорлиқ қилди. Ҳазрат тақи ани йахши кўруб, иноятлар қилди.

153b

Мардин ҳокими аҳду шартига вафо қилмай, муҳолифат тариқаси андин зоҳир бўлди. Ҳазрат деди: «Раво /бўлмас буким, йаағини вилоят ичида қўйуб, ўзга сори боргайбиз». Бу жиҳатдин панжшанба куни, рабиъ ал-аввал ойнаинг йигирми олтисида (29.01.1394) давлат ва саодат била отланиб Мардинга мутаважжих бўлди. Бу маҳалда Арзин⁷⁵⁹ ҳокими Султон Али келиб, пешкашлар тортиб, соҳибқиронни кўрди. Ва Ботмон⁷⁶⁰ даругаси ҳам келиб хизмат давлатига мушарраф бўлди.

Маҳди аъло Чўлпон Мулк оғо ва Дилишод оғо ўттуз беш кун эрдиким, соҳибқирондин айрилиб, ўғруқда қолиб эдилар, илгари келиб бир тепа устида ҳазрат соҳибқирон дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва ўғруқ тақи Мардиндин ўтуб келиб, ҳазратқа қушулдилар. Ва соҳибқирон черикни тартиб этиб Мардинга юриди, етти йағочға етканда Чимликда тушти. Малик Иззуддинким, Жазира ҳокими эрди, ҳазрат қошида мулозимат учун келди. Пешкашлар тортиб, моли хирож қабул қилиб, ижозат тилаб қайтти. Иса ҳазратнинг келуридин хабар топиб, хизматқа келди ва қуб пешкашлар тортти, йахши отлар ва хачирлар ва тевалар тортиб, ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлди. Ҳазрат сўрдиким, «Не жиҳатдин кеч келдинг?» Узрлар била ниёз ва тазарруъ қилиб, деди: «Баъзи нималар воқиъ бўлгон жиҳатидин келурга тақир бўлди». Ҳазрат лутф ва карамидин ўзга ҳеч нима демай, тун кийдуруб, от миндурди ва андин кучуб, Мардинга йақин бир тоғ этагида бориб тушти.

Амирзода Умаршайх шаҳид бўлғони сўзи

Шаҳзода Умаршайхким, асру оқил ва доно ва баҳодур эрди, соҳибқирон ани Форс вилоятида қўйуб эрди. Бир йилғача Форс вилоятида муҳолифлардаги қалъаларни фатҳ қилди. Чун Истаҳр қалъасини ва Фадак қалъаси ва Гармисирда Шаҳриёр қалъасини, буларни барчасини олди ва Сиржон қалъасиниким, баъзи беклар ани қамал қилиб, ҳануз олмайду эдилар, шаҳзода / анда бориб эрди. Соҳибқирон ул вақтда Миср ва Шом сори мутаважжих эрди ва Дийрбакр сори борғонда шаҳзодаи мушори илайҳига киши йибариб эрдиким ва ул киши ул маҳалда еттиким, шаҳзода ул қалъани қамал қилиб ўлтуруб эрди. Шаҳзода соҳибқирондин хабар билиб, Идику Барлос ва Шоҳшоҳонким, Сейистон даругаси эрди ва Пир Али Сулдузни ул қалъага қўйуб, ўзи Шероз сори мутаважжих бўлуб, анда бориб, йароғини қилди. Ва

154a

Севинчакбекни Форс мамлакатининг забти учун қўйуб, узи ҳазрат соҳибқирон сори мутаважжих бўлди. Ва Севинчак Қўҳандиз қалъасиниким, Шоҳ Шужоъ бузуб эрди, иморатига машғул бўлди. Ва шаҳзода черики билан Шулистон йўлидин юруб, Курдистондин ўтуб, йўлда бир қалъада еттиким, ани Хурматур дер эдилар ва оз киши анда бор эрди. Шаҳзода тафарруж қилмоқ учун ул қалъага йақин келди ва бир нодон бадбахте қалъадин ўқ отиб, қазодин ул ўқ шаҳзоданинг шуркига тегиб шаҳид бўлди. Фарзанди аржуманди шаҳзода Пир Муҳаммад ва беклари ҳайрон қолиб, ҳеч чора тонмадилар. Ва бу воқеъа киш ўртасида, рабиъ ал-аввал ойида, етти юз тўқсон олтида, товуқ йилда (январ, 1394) воқеъ бўлди. Ва шаҳзода қирқ йил йашаб эрди. Черик йигламоқ ва ун торгмоқ ва фарёд била машғул бўлуб, ул қалъани ер била тенг қилдилар ва ҳеч кишини анда тирик қўймадилар.

1546 Бу хабар ўрдуга етти, беклар ҳайрон қолиб, на ул қувватким, ҳазрат соҳибқиронга арз қилгайлар ва на тоқат улким, йашургайлар. Барча иттифоқ қилиб, бир хилватда арз қилдилар. Соҳибқирон бу сўзни эшитиб, *ва ма сабрака илло би-Ллоҳи*⁷⁶² /йўсуни била таҳаммул қилиб, қазоға ризо бериб, муборак тилини бу оят билаким: *Инна ли-Ллоҳи ва инна илайҳи ражиъуна*⁷⁶³ очиб, йигламай ва аруж қилмай тик турди. Ва Форс вилоятини тавобиялари била шаҳзода аржуманд Пир Муҳаммадқа бердиким, Умаршайх мирзонинг ўгли эрди, ва амирзода ўн ёшида эрди. Нишон битиб, Уч Қаро Баҳодурга ҳукм бўлдиким, «Нишонни олиб бот юруб, шаҳзодани олиб қайтиб Форс вилоятига бореун!» Уч Қаро Баҳодур таъжил била юруб Жирбатуға аларға етти, нишонни кўрсатиб амир Бердибек ва амир Зийрак Жаку бир неча киши билан ўрдуга бордилар. Ва шаҳзода Пир Муҳаммад атосининг беклари била ва Уч Қаро била Шероз сори етиб борди. Ва шаҳзоданинг сўнгагини Шерозга элтиб амонат қўйдилар ва неча кундин сўнг хотунлари Севинч Кутлуқ ого ва Бек ого ва Малик ого ва ўгли амирзода Искандарким, кичик ва ҳануз суг эмар эрди, тобутни Шероздин Кешга элттилар. Анда соҳибқирон йасагон бақъада қўйдилар. Ва ҳазрат соҳибқиронгаким, ҳазрат Ҳаққ таборак ва таоло давлат каромат қилиб эрди, ул ҳазрат айёми давлатида Кешда бир олий иморат солди, Шайх Шамсуддин Кулорнинг (ва падари бузруквори амир Тарагай) йақинида. Ва ул ҳазратқа муваффиқат қилиб, алар тақи анда иморатлар солдиларким, агар ажал етса, аларни анда қўйгайлар.

155a Алқисса, Султон Исаким, Мардиннинг ҳокими эрди, келиб ҳазратни кўрди. Ҳазрат черики сотиқ-савдо учун шаҳарга кирдилар. Шаҳардаки бир жамоат жоҳиллар бедин гағво қилдилар. Соҳибқирон андин хабар билиб, ўшул замон Султон Исани чорлаб андин сўрдиким, «Не жиҳатдин сенинг элинг бизнинг кишимизни қўймайдурларким, шаҳарга киргайлар?» Ва ҳазрат /соҳибқирон анинг сўзидин андоқ маълум қилдиким, ул чиққанда иниларига айтқон турурким, «Зинҳор черикни шаҳарга қўймагайсизким, киргайлар. Ва агар ман минг хат йибарсам, зинҳор хатга инонмагайсизким, мен жонимни сизлар учун фидо қилурмен». Бу маъно жиҳатидин ҳукм бўлдиким, ани тутуб банд қилдилар. Черикнинг қўблиги жиҳатидин ва қишининг охири эрди ва анда ўт йўқ эрдиким, гала-қаро егай. Бу жиҳатлардин маслаҳат кўрмадиларким, кўрғонни қамал қилиб ўлтургайлар, андин кўчуб, тоғлар сори юридилар ва даралардин ўтуб туштилар. Ва андин кўчуб, Асих сори мутаважжих бўлдилар. Рабиъ ал-охир ойининг ўн бирида, жумъа кунида (13.02.1394) ҳаво булут бўлуб, йамғур ва қор ёгабошлади ва ҳаво асру совуқ бўлди. Ва ул ерда балчиқ бўлуб, асру кўб ташвиш торгтиллар ва от, тева кўб зоъ бўлди. Чодирлар тикиб ўлтурдилар. Ва йамғур ёғар эрди андоқким, баъзи эл чодирларини қўйиб йайоғ йулга кирдилар. Ва соҳибқирон гўл черики била балчиқдин чиқиб, бир ўтлогда тушти, ва шаҳзодалар учун киши қайтарди. Шоҳзодалар ва беклар чодирларини ва қизилжа такйа, намадларини балчиқ устига солиб уттилар. Ва андин кўчуб Эски Мосул⁷⁶⁴ сори юридилар. Ва ҳазрат соҳибқирон бировни кўб пешкашлар била фарзандларига Султонияга йибариб эрди, ва Шайх отлиқ, Чимлик мавзъида Малик Иззуддин била келиб, ҳазратни кўруб эрди. Ва ҳазрат ани йахши кўруб, сийлаб йибариб эди. Бу бедавлат эшиттиким, мунча мол йўлдин ўтуб борадур, тамъаи ҳаракатда келиб, отланиб, /ул молни олиб, Жазираға кирди. Ва Малик Иззуддин тақи анинг

била мувофиқат қилиб, соҳибқирон била йаағи бўлдилар. Ҳазрат соҳибқирон бу воқеъадин хабар билиб, икки қатла анга киши йибариб, насихатлар қилди ва дедиким: «Шайхни бизга йибаргил, то сенинг гуноҳингдин кечкайбиз. Йўқ эрса сенинг Ҳазира ва ерингни бир-бир қилғумиз турур». Малик Иззуддинга накбат босиб эрди, эшитмади, қалъасига ва Шатт суйиға иътамид қилиб, ўз ерини беркитиб ўлтурди.

Соҳибқирон Ҳазира сори борғони

Чунким, Малик Иззуддин соҳибқирон сўзини қабул қилмади, душанба куни, жумада ал-аввал ойининг аввалида (4.03.1394) ўғруқни қўйиб, черики била отланиб, Дажла суйидин ўтуб, тун қайтиб, саҳар вақтидаким, ул бедавлатлар уйқуда эрдиларким, аларнинг бошлариға тўқтилар. Ва андағи элни талаб, икки-уч қалъани олдилар ва асру беҳад мол тушти. Ва Малик Иззуддин бировнинг қўлиға тушуб, ани танимай, қийнаб қўб мол олиб, қўйабарди. Йарим жони била қочиб, юз меҳнат ва машаққат била кетти. Ва ҳазрат соҳибқирон андин қайтиб ҳукм қилдиким, «Ўлжа тушкан қўйларни Мосулға элтсунлар!» Қирқ кема ўн кеча ва кундуз молни кечтуб, ўрдуға элттилар.

Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Мардинға борғони

Соҳибқирони гитиситон аввали ёздаким⁷⁶⁵, олам гул ва лоладин йана биҳиштгек хуррам бўлди, Мардинға йана мутаважжих бўлди. Жумада ал-охир ойида, жумъа кунида (3.04.1394) фармон бўлдиким, «Черик йароғ қилиб отлансунлар!» Амирзода Мироншоҳ ҳукм била илғари бўлуб юриди ва андағи эл-улуским, /тоғларида ва ёзиларида ўлтуруб эрдилар, барчани чопиб, таладилар ва йана шаанба куни, жумада ал-охир ойининг ўн-иккисида (16.04.1394) Мардинға етиб, шаҳарни ўртада олиб ўлтурдилар. Тонгласиким, кун оламини нуру жамолидин йаруқ қилди, соҳибқирон била шахзодалар ва беклар отланиб, наққора ва нафир чалдуруб, қалъаға мутаважжих бўлдилар. Уруш солиб барчадин бурун гўлнунг кишиси қалқонлар бошлариға тортиб юридилар. Ва черик тўрт ёнидин сурон солиб, бари бир йўла ҳамла қилиб, қалъаға етишиб, шотулар қўйиб, қалъа устиға чиқиб, анда тургон мухолифларни сурдилар, шаҳарға кириб шаҳарни олдилар. Ва мухолифлар қочиб, жон қўрқунчидин ўзларини тоғдаки қўрғонға солдилар. Черик аларнинг кейинлариға тушуб, қўрғоннинг дарвозасигача чобтилар, қўб кишини тушуруб ўлдурдилар ва ўғлон-ушоқлари от аёғи остида қолди ва бениҳоят мол олдилар. Ва андин сўнг қалъаға йақин келиб, урушқа машғул бўлдилар. Ва ул қалъа асру берк ер эрди, бир ларча тоғ устида тушуб, йўли бир соридин, ўзга ҳеч соридин йўли йўқ эрди. Ва бир тегирмон сув ичидин чиқар эрди ва анинг отини Шуҳабо дер эрдилар.

Алқисса, черик ул ахшомғача уруштилар ва кеча бўлгонда черик қалъанинг тубида туштилар. Тонгласиким, олам йана нуруний бўлди, баҳодурлар қалъа сори юридилар. Ва баъзи элким, қалъаға кирмай, тоғнинг камарлариға кириб ўлтуруб эрдилар, баҳодурлар ул тоғ устиға чиқиб ул кишиларни тушурдилар. Қалъа эли мундоқ ишни кўруб қўрқтилар, барча тазарруу ва зори қилиб, ниёз йўлидин кириб, пешкашлар чиқариб, мол ва хирож қабул этиб, тобиъ бўлдилар.

1566 Бу маҳалда Султониядин хабар келдиким, ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу /ва таоло Шоҳрух мирзоға фарзанд каромат қилди. Соҳибқирон шодмон бўлуб, қалъадаки элининг гуноҳларини бағишлади ва аларға ҳеч зарар-заҳмат бермадилар, лутф ва марҳамат қилиб қайтти.

Улғубек мирзо мутаваллуд бўлгонининг зикри

Жумада ал-аввал ойи ўн тўққузиди, йакшаиба кунида тарих етти юз тўқсон олтида, ит йилида (22.03.1394), Султония қалъасида Шоҳрух

мирзониинг хотунидин кун киби бир ўгул туғди. Мунажжимлар ва донолар йиғилиб, толиъ мавлудини эҳтиёт қилиб кўрдилар. Шейър:

Асад толиъи ва ўзи чун офтоб,
Бўлур салтанат амрида комёб.

Топубтур шараф офтоб аз Ҳамал,
Анға илм булғай насиб ва амал⁷⁶⁶.

157a Бу хабарниким, ҳазрат соҳибқирон эшитти, асру кун севунуб, қаҳр ва газабидин таскин топти. Шукрона учун Мардин қалъасидаки элни бағишлаб гуноҳларидин кечти. Ва ул вилоятни Султон Исанинги иниси Султон Солиҳқа берди; нишон битиб, ол тамға босиб берди. Шанба кунда (28.03.1394) кўч наққорасини чалдурб, саъд толиъи била кўчуб, Басари сори мутаважжих бўлди. Ва ҳукм қилдиким, «Ҳар бир жамоат бир йўлга кириб боргайлар!» Амирзода Муҳаммад Султон черики била Майдон⁷⁶⁷ йўлига кириб борди ва соҳибқирон Савур йўлидин ва Шоҳрух мирзо била эрди ва амирзода Мироншоҳ черики билан Ҳасуқ йўлидин ва тумон беклари ҳар бири бир йўлга кириб бордилар. Соҳибқирон Савур йўлидин Шатт суйиға етти ва амирзода Мироншоҳни ул навоҳининг забти учун/юқори сори илғор йибарди ва ўзи муборак нафаси била сувдин ўтуб, бир ўтлоқ ерда тушти. Ул кун анда таваққуф қилиб, муборак хотириға андоқ кечтиким, Ола Тоғ сори боргайким, амирзода Мироншоҳ ва Муҳаммад Султон мирзодин хабар келди: Қарача Қаро ҳисорки, Оmid шаҳри турур ва Ҳомид⁷⁶⁸ била машхур бўлбтур, эли қалъанинги мустаҳкамлиғиға мағрур бўлб, итоат қилмай, йаағи бўлдилар.

Соҳибқирони комқор Ҳомид қалъасиға бориб, фатҳ қилгонининг зикри

Соҳибқирон Ҳомид қалъасининг элидин муҳолифат қилгонларидин хабар тоииб, Жаҳоншоҳбекни илғор йибарди. Душанба кун, жумада ал-охир ойининг йиғирми учиди (25.04.1394) барча черики билан Ҳомид сори мутаважжих бўлдилар. Аро қўнуб, ҳисорға етиллар. Дажла суйидин ўтуб, наққора ва нафир чалиб, сурон солиб, ҳисорни ўртада олдилар. Ва ул ҳисор андоқ берк эрдиким, оламда ҳеч киши андоқ мустаҳкам ер кўрмайдур. Ва қалъа томини тош ва ганч оҳак била қўпориб эрдилар. Ва қалинлиғи андоғ эрдиким, икки отлиғ ёндоша анинг устида юрур эрди. Ва ҳисор ичиди икки улғу булог бор эрдиким, анинг суйидин шаҳар ичиди боғлар ва бўстонлар йасаб эдилар. Айтурлар эдиким тўрт минг йил ва уч юз йил эрмишким, ул қалъаи йасаб турурлар. Ва бу чоққача ҳеч подшоҳ ани мусаххар қилмагон турур, мағар улким, Ислоннинг аввалида Халид ибн Валид, *рази Аллоҳ анҳу*, Ислон черики била қамал қилиб, неча маҳалдин сўнг сув кирар йўлидин йашура кириб, шаҳарни фатҳ қилгон турур.

1576 Алқисса, ҳазрат соҳибқирон Ҳомид ҳисориға етиб тушти. Тонгласи отланиб, черикни фармонладиким, уруш солгайлар. Баҳодурлар қалқонлар /ва туралар бошлариға тортиб, ҳар соридин қалъаға юридилар. Ва қалъа устидин ҳар нечаким ўқ ва тош аларнинг бошиға тўктилар, ёнмай Қаро Усмон Баҳодур илгари бориб, бир буржқа нағам солди. Ва Аргуншоҳ йана бир буржқа нағам солиб, барчадин бурун бурж устига чиқиб йахши ишлар қилди. Андин сўнг баҳодурлар бир-бир ҳар соридин ҳисор устига чиқиб, андоқ ҳисориким, уч тўрт минг йилдин бери ҳеч киши ани олмагон эрди, давлат ва саодат била икки-уч кунда фатҳ бўлди. Ва черик ҳисор ичиди кириб, шаҳарни таладилар ва уйларға ўт қўйдилар ва андағи сипоҳийлар барча нағамлар ичига кириб йашундиларким, ҳеч киши аларни топмади. Ва йасоқийлар болтулар ва мегинлар била ҳисорға чиқиб, бузмоққа машғул бўлдилар. Аммо ул қалъа андоқ берк эрдиким, куб заҳмат чекмак керак эрдиким, бор барча тошни еридин қўпара олгайлар. Батъи юфқа ерларини йиқиб туштилар ва соҳибқирон фатҳдин сўни кўчуб юриди. Жумада ал-охир ойида, жумъа кунда (29.04.1394) ўзбек элидин биров келиб, ҳазратқа дедиким, «Йатиқ Суфий⁷⁶⁹ йаағи бўлб, қочарға хайли бор». Ушшу замон

ҳукм булдиким, то ани тутқайлар. Ани тутуб, ҳазрат қошида келтурдилар. Андин суруди, ҳеч тонмай деди: «Чиндур. Мундақ ҳаёлим бор эрди», ва ул жамоатким, анинг била иттифоқ қилиб эрдилар, барчани деди. Соҳибқирон неча қатла андин бу ҳаракат кўруб, гуноҳидин кечиб эрди ва анга тумон бериб, шафқат қилиб эрди ва хонлар наслидин андин улугроқ киши йўқ эрди. Аммо бу қатла соҳибқирон буюрдиким, ани угли била банд қилдилар. Ва ул кишиларким, анинг била иттифоқ қилиб эрдилар, барчани йасоққа еткурдилар.

158а

Ҳазрат соҳибқирон /Ола Тоқ сори қайтиб борғони

Соҳибқирони нусратшиёро Ола Тоқ сори мутаважжих бўлуб, Меҳрва-рон навоҳийсига етканда андағи қалъаларнинг ва вилоятларнинг даругала-ри барча келиб ҳазратнинг мулозиматига мушарраф булдилар. Ва соҳибқи-рон Миёфориқин⁷⁷⁰ ва Ботмандин утуб, шаҳзодаларга ва бекларга, ҳар қайсисига бир йўл муқаррар қилди. Амирзода Муҳаммад Султон беклар билан Чиёчур (суви) йўлидин юридилар. Ва соҳибқирон ўзи Сивасур йўлидин мутаважжих булди ва Шоҳрух мирзо соҳибқирон била эрди. Ва ул йўлда бийик тоғлар ва баланд уқбалар бор эрди, бовужуд улким, баҳор эрди. Қор жиҳатидин қуб от-улоғ йўлда қолди. Шанба куни, ражаб ойининг ун бешида (16.05.1394) ул уқбалардин ўтуб, Саҳройи Мушда⁷⁷¹ тушти. Ва амирзода Мироншоҳ ун қўлнунг беклари била келиб, ўрдуға қўшулди. Ва андағи вилоятларнинг даругалари барча келиб, пешкашлар келтуруб, ҳаз-ратни кўрдилар. Ва ул пешкашлар ичида бир юз от бор эрдиким, андағи даругаларнинг отлари била Саҳройи Мушда чобтуруб, барча отлардин ўзуб эрди, ҳазратқа торгтиллар. Ва соҳибқирон аларни йахши кўруб, ул мамла-катларни аларга ўқ берди ва хосса тўнлар ва камарлар, барча олтун била мурассаъ берди. Ва Йатиқ Суфийни анда тобшурдиким, бар қалъада ани беркитиб сақлағайлар.

Соҳибқирон черикини боқмағон қалъаларга ва тобиъ бўлмағон элларга йибарғони

158б Соҳибқирон ул вилоятқа киргонда боқмағон қалъаларга ва элларга черик йибарди. Муҳаммад Дарвеш Барлосни Аланчуқ қалъасига⁷⁷² қалин хабар эшитиб, қочиб бориб эдилар, ҳазрат тақи аларнинг келгонидин хабар билиб, шаҳзодалар ва беклар била кенгашиб, мунга қарор бердиларким, туркманларнинг кейнида киши йибарғайлар. Бурҳон Ўғлонни қалин киши била ва Ийбож Ўғлон ва Жаҳоншоҳ Баҳодур ва ўзга бекларни анга қўшуб Муш саҳросидан илғор йибарди. Ва ҳукм қилдиким, «Душманлар ҳар ерда бўлса, бориб аларнинг дафъига саъйи қилишлар!» Ва ўзи давлат била неча кун анда ўлтурди. Ва тобиъ бўлмағон элларга мирзо Мироншоҳни йибарди, дедиким: «Ҳар кимки тобиъ бўлса, амон беринглар, тобиъ бўлмағонларни ўлдуруб, молларини таланглар ва андин Аланчуқ қалъасига бориб қамал қилеунлар!» Ва тавочиларга фармон бердиким, «Озарбайжондин ва Курдис-тондин черик йиғиштурсунлар!» Ва ўзи давлат ва саодат била Ола Тоққа борди. Ва маҳди улё Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва ўзга оғоларким, Султонияда қишлаб эдилар, аввал баҳорда андин кўчуб, соҳибқирон сори мутаважжих булдилар. Табриздин ўтуб келур эрдилар, ҳазрат соҳибқирон шоҳзода Шоҳрухни сешанба куни, ражаб ойининг йигирми бешида (26.05.1394) хонимларга ва оғоларга утрув йибарди. Шоҳзода тўрт кеча-кундуз юруб, Маранд ва Хўйнинг⁷⁷³ уртасида аларга етти.

Соҳибқирон Ахлотда тушконда, Хоқон ҳокими Одил Жузким, ҳазрат-нинг давлатхоҳларидин эрди, мулозиматқа келди. Ва ҳазратни кўрунуш қилиб, йахши пешкашлар тортиб, муборак дийдорига мушарраф булди. Соҳибқирон тақи ани йахши кўруб, иноят ва шафқат қилди ва андағи элни анга суйурғол берди. Сешанба куни шаъбон ойининг иккисида (02.06.1394) ов солдурди. Қуб сайд олдуруб, қайтиб тушти.

159a /Аммо ўн бир ой эрдиким, шаҳзодалар ўғруқда Султонияда соҳибқирондин айрилиб, қолиб эдилар. Соҳибқироннинг муборак кунглида фарзандларининг муҳаббати пайдо бўлуб, черикни анда қўйуб, оз киши билан илғор қилиб, ўғлонларига ўтрав бордилар. Жумъа куни (08.06.1394) аввал сабоҳда бир-бирига етиб, барчанинг кўзлари муборак дийдоридин йаруқ бўлди. Амирзода Муҳаммад Султон Жаҳонгир ва оғолар сочиқлар сочдилар. Ул ерда шоҳзода Умаршайхдин сўз чиқиб, эски жароҳат тоза бўлди⁷⁷⁴ ва оғолар таъзият очиб ош-сув бердилар. Соҳибқирон муборак тилини сабр сўзи била очиб, барчага насиҳатлар қилди. Андин сўнг Темур Хожай Оқ Буга черик билан Муҳаммад Дарвеш Барлосқаким, Аланчуқ қалъасига бориб эрди, аларга мадад учун йибарди. Душанба куни (11.06.1394) соҳибқирони динпарвар кўчуб, Ойдин қалъасига⁷⁷⁵ борди. Анда етконда қалъадаки улуғлари барча тобиъ бўлдилар ва пешкашлар, отлар ва тевалар ва қўй ва қумошлар йибариб, тазарруъ ва зори била амон тиладилар. Соҳибқирон лутф ва карамидин аларга амон бериб, андин кўчуб, аро қўнуб, Уч Килисада⁷⁷⁶ тушти.

Бу маҳалда Арзинжон⁷⁷⁷ шаҳридинким, Рум вилоятининг сарҳади турур, Тахуртан мулозиматқа келди ва йахши пешкашлар тортиб, кўрунуш қилди. Соҳибқирон тақи ани йахши кўруб, июнатлар қилди.

Авник⁷⁷⁸ қалъасининг фатҳ қилғони сўзи

Мисерким, Қаро Муҳаммаднинг ўғли эрди, ва Авник қалъасининг ҳокими эрди ва соҳибқиронга тобиъ бўлмайдур эди. Соҳибқироннинг кунглида туштиким, анда бориб, ул қалъани мусаххар қилгай. Амирзода Муҳаммад Султонни қалин киши била Авник сори йибарди. Ўзи тақи сешанба куни, шабон ойининг ўн олтисида (16.06.1394) кўчуб, Алиш жилгасининг/ўтлогига тушти. Андин кўчуб Қўсатогдин⁷⁷⁹ ўтуб, панжшанба куни, ойнинг ўн саккизида (18.06.1394) шоҳзодадин илгари Авникга етти ва наққора ва нафир унидин ва баҳодурларнинг суронидин олам ичра зилзила тушти. Хукм қилдиким, «Қалъага уруш солесунлар!» Қалъанинг тўрт ёнидин кириб, уруш солдилар ва бир замонда қалъани олиб, ер била тенг қилдилар. Ва Мисер киши қароси билан қочиб, тоғ устида воқит бўлуб эрди. Ва ҳар еридаким, эҳтимол бор эрдиким, йайог андин чиқа олгай, ул ерни тош ва ганч била беркитиб эрдилар, то андин йайог киши бора олмагай. Ва ҳар ёнида том қўпориб, дарвоза ўлтургузуб эдилар. Туркманлар андин урушқа машғул бўлдилар. Ва соҳибқироннинг баҳодурлари ва тумон беклари йайог бўлуб, тоққа чиқиб, дарвозага йақин бордилар, уруш солиб йахши ишлар қилдилар. Ойнинг ўн тўққизида (19.06.1394) Миср ўглини пешкашлар била қалъадин чиқариб, соҳибқиронга йибарди ва арзадошт қилдиким, «Бандага ул тоқат йўқ турурким, ҳазратнинг йигитлари била муқобила бўлгай. Ва ул миқдор қувватим йўқ турурким, хизматқа кела олгаймен. Бу қатла бандага амон бериб, давлат била қайтесунлар, то хотири жамъ била бандаликка боргаймен». Соҳибқирон Мисернинг ўглини йахши сийлаб, олгун камар ва хосса тўн берди ва гуноҳидин кечиб дедиким, «Атонг қўрқмасун, келиб бизни кўрсун!» Миср ўғли қайтиб, ҳазрат дегон сўзларни деди. Аммо анга бахт-саодат мадад қилмади ва ул сўзни қабул қилмай қалъадин чиқмади ва урушмоққа машғул бўлди. Тонғласи Тахуртанбек илгари бориб насиҳат қилди: «Мундоқ қилма ва қалъага ибтаמיד қилмағилким, бу соҳибқироннинг, ўзгача турур. /Келиб соҳибқиронни кўргил, агар давлат истареен. Йўқ эрса қўб ташвиш ва заҳмат кўргунгдур ва бу подшоҳ ўзгаларга ухшамас». Шеър:

Шоҳсдурки, шоҳони рўйи замин,

Анга бердилар барча тожу нигин.

Анга юз чу Рустам бўлубтур гулом,

Анинг эшигида қилибтур мақом.

Фаридун ва Жамшид, хоҳони Чин,

Анга барчаси бандаи гузин.

Сенга бу турур маслаҳатким равон,

Бу тоғдин чиқиб, тилагайсен амон.

Миср бу сўзларни эшитиб, қўрқунчилиги ортиб, йана ўглини Сатилмиш биланким, анга йақин уруғ бўлур эрди, йибарди. Йахши отлар ва пешкашлар била ва тазарруу зори қилиб, сўзи ўшул бурунги сўз эрди. Ҳазрат билдиким, ул қалъадин чиқмағусидур. Хукм қилдиким, «Келгон кишиларни беркитсунлар!» Йақшанба куни, ойнинг йигирми бирида (21.06.1394) амирзода Муҳаммад Султон черики била келиб, ҳазратқа қўшулди ва кечада мансур черики тоғга чиқиб, урушқа машғул бўдилар. Тонг откунча уруштиллар ва тонг отқонда қалъа ичидин бир ўқким, анда хат битиб эрди, оттиллар. Ул ўқни соҳибқирон қошига келтурдилар. Мазмуни бу эрдиким, «Сатилмишким, аларга бориб турур, Мисрнинг ҳосили боқийси ул турур ва андин баҳодурроқ кишиси йўқтурур. Агар ани банд қилсалар, Мисрнинг кўнгли бузулгуси турур». Ҳазрат худ илгари бу ишни қилиб эрди. Мисрнинг ўглини келтурдилар. Ул олти ёшда эрди. Ҳазрат қошига келгач ниёз юзини ерга қўйуб, ҳазратнинг муборак аёғини ўпуб, атосининг гуноҳини тилади ва деди: «Агар ҳазрат анинг қонини бағишласа, мен бориб ани келтурайим». Ҳазрат дедиким, «Атонининг қонини сенга бағишладим. Бу шарт билаким, келиб бизни кўргай». Анга олтун ҳамойил бўйнига осиб, истимолатнома

1606

1606 била атосига / йибарди. Ани ул тажаммул била шаҳарга кийурдилар. Қалъа эли барча соҳибқиронга дуо қилдилар ва ҳазратнинг мулозимлариким, ул ўғлон била ичкари кириб эрдилар, барчани азиз ва мукаррам тугуб, тўнлар кийдуруб ёндурдилар. Аммо Миср қўрқунчдин ҳайрон қолиб эрди, ҳар неча хаёл қилдиким, чиқиб соҳибқироннинг мулозиматига келгай. Аммо қўрқунчдин чиқа олмади. Ҳазрат билдиким, ул чиқмағусидур. Буюрдиким, «Беклар ҳар киши ўз бўлжаридин⁷⁸⁰ уруш солсунлар!» Наққора ва нафирларни чалиб, сурон солиб, қалъага мутаважжиҳ бўдилар. Ва манжаниқ тоши билан кўб ерларни буздилар.

Бу маҳалда Мисрнинг аноси қалъадин тушти ва соҳибқирон қошида келиб, ниёз ва тазарруу билан ўглининг гуноҳини тилади ва дедиким, «Анга не ҳадким, сизга муқобила бўлуб тура олгай. Агар шер бўлса, анинг захраси ёрилур. Агар ул қўрқунчдин чиқа олмагай, ҳеч ажаб эрмас». Соҳибқирон ул хотунни йахши кўруб, дедиким: «Агар ўғлунг тиларким жони амонда бўлгай, қалъадин чиқиб келмак керак». Соҳибқироннинг ҳарамлари Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва ўзга оғолар барча ул хотунга бош-аёғлар кийдурдилар. Тонгласи анга ижозат бериб, қалъага бориб, ўглига сурати воқеъани деди. Ул бедавлат қабул қилмай, мухолифат тариқасидин чиқмади. Йана соҳибқирон фармонладиким, «Черик барча бориб ҳар ердаким йағоч бўлса, кестуруб келтурсунлар!» Йағочлар келтуруб, бир-бири устида қўйуб, тош ва балчиқ била биркитур эрди. Андоқ баланд қилдиларким, қалъадин бийикроқ бўлди. Анинг устида манжаниқларни чиқариб, анга тош тўка бошладиларким, хаёл қилур /эрдингим кўкдин тош ёғадур. Рамазон ойидин ўн беш кун кечди (14.07.1394), душманларнинг аҳволи асеру хароб бўлди ва сувлари туганди. Бу жиҳатдин раъийятни қалъадин чиқордилар ва Миср ўзига тааллуқ кишилари била қолди ва жон қўрқунчидин элик-аёғ урар эрдилар. Мансур черики манжаниқ тоши била аларнинг эвларини буздилар. Миср асеру ожиз бўлуб йана бир йахши кишисини йибардиким, шаҳзода Муҳаммад Султон анинг гуноҳини соҳибқирондин тилагай. Мисрнинг кишиси келиб, амирзодага сўзини арз қилди. Шоҳзода ул кишини соҳибқирон қошига келтурди ва сўзини арзадошт қилди. Ҳазрат деди: «Ул қалъадин чиқиб келиб бизни кўрмагунча амон йўқ турур!» Ва келгон кишига тўн кийдуруб, Миср олдига йибардилар. Боргон киши Мисрға бориб, соҳибқироннинг сўзини деди. Аммо Мисрнинг қўрқунчилиги андин артуқ эрдиким, бу сўзлар била таскин топқай. Ўшул дастур била урушур эрди. Бир жамоъат баҳодурлар тоғнинг камарига чиқиб эрдилар, кеча бўлгонда Хожа Шоҳин етти киши била тоғ устига чиқиб, бир бийик камарга туруб ўт ёқтиким, черик ани кўргай. Аргуншоҳ Ахтачи ва Амоншоҳ Хазиначи ул ўтни кўруб, неча баҳодурлар била юқори чиқти ва бир тор ерга етиб эдиларким, мухолифлар воқиф бўлуб уруштиллар. Ул урушда Амоншоҳ захм еб қайтти. Ва Аргуншоҳ ва ўзга баҳодурлар бир камарга чиқтиларким, уч юз қаридин бийикроқ эрди ва томга етиб, болту ва мстинлар била тештиллар. Қалъа тубиға келиб, нағам соддилар. Миср кишиси бир-бир ўзини қалъадин ташлаб келдилар ва қалъадаки, кишилари барча уруш асбобини ташлаб қалъадин чиқабош-

161a

1616 ладилар./ Миср бу жиҳатдин асру ожиз бўлуб, одина куниким, ийд куни эрди (31.07.1394), йана аносини ўгли била қалъадин чиқориб, ҳазрат қошига йибарди. Алар соҳибқирон қошига келиб, юзларини туфроққа қуйуб, Мисрнинг гуноҳини соҳибқирондин тиладилар. Ҳазрат деди: «Биз анинг гуноҳидин кечарбиз, агар ушбу замон келиб бизни кўрар бўлса. Ва агар келмаса, гуноҳи ўз бўйнига. Биз худ худойнинг инояти била қалъани олурбиз ва неча элнинг қони анинг бўйнида бўлгуси турур».

Мисрнинг аноси ҳайрон ва саргашта бўлуб, йана қайтиб ўглига борди ва ҳар нимаким, соҳибқирондин эшитиб эрди, анга деди. Миср аввал чиқмади ва қолгон навқарлари ўзларини қалъадин ташладилар. Миср кўрдиким, қониди киши қолмади ва қолгонлар ҳам кетгуси турурлар, заруратдин бўйнига кафан ва қиличини олиб, шанба куни, ийднинг иккинчисиди (1.08.1394) тушуб, амирзода Муҳаммад Султон мирзога келди. Юзини ерга сургуб, зори била дедиким, «Менинг қонимни ҳазратдин тилаб, гуноҳимни дархост қилинг. Мундин нари то тирик бўлсам, хизматдин ўзга иш қилма-гаймен». Шоҳзода анга қўнгул бериб дедиким: «Ғам ема ва қўрқмағилким, соҳибқирон сенга шафқат қилгуси турур».

Шоҳзода Мисрни ўзи била соҳибқирон қошида келтуруб, сўзини арз қилди. Андин сўнг шоҳзода юкунуб, қонини тилади. Ҳазрат соҳибқирон лутф ва карамидин гуноҳини амирзодага бағишлади ва қалъада бўлгон от ва аслаҳаларни тушурдилар. Соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Миср била Султон Исаким, Мардин қалъасининг ҳокими эрди, Султонияга элтсунлар ва Мисрни андин Самарқанда элтсунлар!» Ҳукм йўсуни била амал қилиб, аларни Султонияга элттилар./ Андин сўнг баҳодурларким, бу қалъа урушида йахши ишлар қилиб эдилар, барчани соҳибқирон сийлаб иноятлар қилди.

Ҳазрат соҳибқирон Авник қалъасидин қайтқони

Ҳазрат соҳибқирон Авник қалъасини Аталмишбекка берди ва бир жамоат кишини анга тобшурдиким, қалъа забтига машғул бўлғайлар. Соҳибқирон беш кун анда туруб, панжшанба куни, шаввол ойининг етгисиди (5.08.1394) саодат ва давлат била кўчуб юрубери ва одина куниди (6.08.1394) Ҳожи Сайфуддинбек Самарқанддин келиб, нешқашлар била соҳибқиронни кўруб, ҳазрат бекни кўруб, севунуб йахши сўруб, вилоятлардин хабарлар сурди. Сайфуддинбек дедиким, «Давлатгирда ҳеч кишига ҳақд йўқ турурким, вилоятларга тик боқа олғай. Барча эл, турку тожик ва раъиййат, сипоҳий рафоҳийат ва ҳузурда турурлар ва кеча-кундуз дуодин ўзга ишлари йўқ турур». Соҳибқирон Ҳожи Сайфуддинбек била ҳикоят қилиб юрур эрдиким, бир йахши ўтлог ерга етиб тушти. Неча кун анда ўлтуруб, фароғат қилиб, улуг тўй ангиэ қилди. Шейр:

Бу ердаким, эрди чу хулд барин,
Буюрди шаҳаншоҳи рўйи замин:
Ки шоҳона тўй қилинлар асос,
Ки булғай сифоти берун аз қиёс.

Бу маҳалда соҳибқирон Таҳуртанбекни чорлаб, вилоят маслаҳати учун насиҳатлар қилди ва Арзинжон вилоятини анга шафқат қилиб, нишон иноят қилиб, ол тамға бостурди ва подшоҳона тўнлар кийдуруб, ижозат бериб, вилоятга йибарди.

Амир Зийрак Жаку бир жамоат киши била кундин бурун соҳибқирон ҳукми била Ойдин қалъасига бориб эрдилар ва ул қалъани қамал қилиб, 1626 кўб йахши ишлар қилиб эрдилар. Ва амир /Бойзидким, қалъанинг даруғаси эрди, йақин билдиким, бу баҳодурлар қалъани олгусидурлар, амон тилаб аҳд қилдиким, «Сизлар ҳисордин кўчуб, нари тушунлар. Мен қалъадин чиқиб сизни кўрайим». Амир Зийрак анинг сўзи била амал қилиб, кўчуб нари бориб туштилари. Боязид кечада қалъадин чиқиб, Зийрак бекни кўрмай, ҳазрат соҳибқиронга бориб, нешқашлар тортиб, кўрунуш қилди. Соҳибқирон ани йахши кўруб, иноятлар қилди ва йана вилоятини анга бағишлади.

Ҳазрат соҳибқирон ғазо нияти била Гуржистон вилоятига борғони

Ғозийларнинг мартабалари ва аълаа шонлари ойоти Қуръоший ва ҳадиси ҳабиби ҳазрат Субҳона била муқаррар ва муаййан бўлуб турур: Байон қилмоққа ҳожат эрмас: *Инна Аллоҳу йухиббу-л-лазина йуқотилуна фи сабилиҳи сафҳа каъаннаҳум бунйанун марсуул*⁷⁸¹. Ложурма, соҳибқирони гитиситон дойим ҳиммати ул эрдиким, бу давлатдин маҳрум қилмағай ва бу саодатқа мушарраф бўлғай. Бу жиҳатдин муборак кунлига туштиким, бориб кофирлар била ғазо қилғай ۋ черик йибарғай.

Алқисса, бу маҳалда ғазо нияти учун Бурҳон Уғлон ва Ҳожи Сайфуддин-бекни ва Жаҳоншоҳбекни ва Усмон Баҳодурни қашин киши била Гуржистонга йибарди. Ва узи муборак нафаси билан Ола Тоқ жангаликтон йўлидин Гуржистон сори Ақусқага⁷⁸² мутаважжих бўлди. Байт:

Ранон бўлди ул шоҳи нуератшиъор,
Анинг йўлдонни лутфи Парвардигор.

163a Хукм булдиким, «Ҳар кимки, бу йўлда бизга йаағи бўлғай, бирчани таласунлар!» Ва соҳибқирон ул саҳрода ов солиб, кўб сайд олдилар ва овдин сўнг манзилба-манзил юрур эрди. Ва нуератшиъор черикига ҳар ердаким кофирлардин киши учрар эрди./ аларни ўлдуруб, молларини талар эрдилар. Бу юруш ҳазратнинг мақсуди ғазо эрди. Ва дини Исломнинг равнақи ул жиҳатдин ҳар ердаким етар эрди, ул ерни фитҳ қилур эрдилар. Ҳазрат Ҳаққ таборак ва таоло инояти била мансур бўлур эрди, то Қарс шаҳрига йақин бир ўтлоғ ерда давлат ва саодат била тушти.

Шаҳзода Иброҳим Султон мутаваллуд бўлғони зикри

Шаввол ойининг йигирми олтисида, торих етти юз тўқсон олтида (14.08.1394) амирзода Шоҳрух мирзога ҳазрат Парвардигор бир саодатман-д уғул берди⁷⁸³. Маҳди аъло Сарой Мулк хоним соҳибқирон қошига киши йибариб, севинчи тилади. Темурбек бу хабарни эшитиб севунуб, кўб нима севинчи берди ва буюрдиким, «Сухбат асбобини муҳайё қилсунлар!» Барча тайёр бўлгондин сўнг бир суҳбати туттиларким, ҳаргиз ҳеч кўз кўрмайдур эрди. Хазина эшигини ачтуруб, кўб йармоғ элга берди. Ва бу жиҳаттин барча вилоятларким, анга тааллуқ эрди, бир йиллиқ молин ва хирожини бағишлади. Ва буюрдиким, мунажжимлар толиъ мавлудини кўрсунлар. Мавлоно Абдуллоҳ Лисонким, нужум илмида бемисли рўзгор, узага дониш-мандлар била толиъи мавлудини кўруб дедиларким, «Бу шаҳзодаи олийтабор, оламда подшоҳ ва комкор бўлғуси ва хат бобида беназири олам бўлғай. Ва ҳукумат бобида Луқмони вақт бўлғай».

Ҳазрат соҳибқирон бу сўзларни эшитиб шодмон бўлуб, донишмандларга кўб иноятлар ва шавқат қилди.

Ҳазрат соҳибқирон йанги шаҳзода учун тўй қилғони

1636 Соҳибқирон айшу ишрат ва комрони била Қарс мурғзоридин отланиб Мингкул даштида⁷⁸⁴ тушди. Ва бекларким, ғазо учун Гуржистонга бориб эрдилар, қалъалар очиб ва вилоятлар мусаххар қилиб, кўб мол /била музаффар ва мансур ёниб келдилар, ва ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлуб, пешкашлар торгтиллар. Ва шаҳзоданинг мутаваллуд бўлгонини эшитиб, сочиқлар сочтилар. Шеър:

Сочиқ сочтилар чун барча беклар,
Бари олгун эди ва лаълу гавҳар.

Нисор айлаб дуолар қилдилар соз,

Дедилар: к-эй шаҳаншоҳи сарафроз.

Бу йанги шаҳ муборак бўлсун, эй шоҳ.

Анинг амрига бўлсун меҳр ила моҳ.

Соҳибқирон беклар муборакбод деганлариндин сўнг тўй тартибига ҳукм қилдиким, «Ҳар неким керак бўлса, муҳайё қилеунлар!» Саропардалар била боргоҳлар тиктуруб, тўйга машғул бўдилар. Шеър:

Уруб шоҳ учун хайма ва соябон,
Жаҳон ичра бўлди фароғат аён.
Тикиб ҳар сори хайма чун фалак,
Ичида гуруҳи чу ҳуру малак.
Аларнииг ичинда йақ боргоҳ —
Ким эрди қуббалари меҳр ила моҳ.
Ичинда йки тахти заррин қўйуб,
Анинг устида шоҳи дин ўлтуруб.
Санамлар туруб ҳар сории нозанин,
Лагофатда ҳар бири чун ҳури зийн.

Комкор шаҳзодалар ва олиймиқдор беклар ва улуг-кичик мулозимлар барча хуррам ва шодмон айшу ишрат била машғул эдилар. Ва вилоятлардин келгон содот ва уламо ва машойихларга лутф ва инъом била сарафроз бўдилар. Дуо била тилларини очиб, ҳазрат соҳибқиронга сано дедилар. Шаҳзодани маҳди аъло Туман оғоким, Билқиси замон эрди, анга тобшурдиларким, андин хабардор бўлуб, муҳофизат қилгай. Ул маликаи олам хушвақт бўлуб, тўйлар бериб, шаҳзоданинг муҳофизатиға машғул бўлди. Ва амир Усмон Аббосни отабек қилдилар ва хотуни Сотқин оғоким, соҳибқиронга уруғ бўлур эрди, энагалиққа муқаррар бўлди. Алар тақи бу давлат жиҳатидин тўйлар торттилар.

Тўйлар бир сории бўлгондин сўнг соҳибқирон сешанба куни, зулқатда ойининг ўн саккизида (14.09.1394) Мингқўлдин кўчуб, бир уқба устига чиқиб, давлат била тушти.

164a

/Ҳазрат соҳибқирон Шоҳрух мирзони Самарқанднинг забти учун йибарғони

Зулқатда ойининг йигирми бирида (17.09.1394) соҳибқирони комкор шаҳзода Шоҳрух мирзони Самарқандда йибардиким, анда бориб забтиға машғул бўлгай ва дод адли била машғул бўлуб, раъйой, фуқаро ва масокин аҳволларидин гофил бўлмагай деб, шаҳзодаға қуб панд сўзлар ва насиҳатлар қилди. Ва аввал насиҳат сўзи бу эрдиким, «Анда борсанг, ўзунгдин гофил бўлмагил ва раъийат аҳволидин хабардор бўлгил. Иккинчи улким, тоат ва ибодатда комиллиқ қилгайсен. Ҳар вилоятдаким, девон ва зобит ва даруга қўйсанг, мўмин ва мусулмон кишини қўйгил ва андоқ кишини қўймагилким, мусулмонларга зулм қилгай. Агар билсанг зулм қилиб турур, ул золимни тирик қўйма». Шаҳзода бу насиҳатларни қабул қилиб, Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Ва ҳукм қилдиким, «Сарой Мулк хоним ва Туман оғо ва узга оғолар ва хотунлар ўғруқ била шаҳзодаға йўлдош бўлуб, Султониягача шаҳзода била борсунар!» Оғолар ва хонимлар шаҳзода Шоҳрух била Султонияға бориб туштилар. Ва шаҳзодаи жувонбахт алардин айрилиб, манозил ва мароҳилни қатъ этиб юрур эрди, токим Жайхун суйидин ўтуб тушди. Мовароуннаҳр вилоятининг содот ва қазот ва даругалари барча ўтрув келиб, шаҳзодаға кўрунуш этиб, пешкашлар тортиб, сочиқлар сочтилар. Шаҳзода юруб Кеш вилоятиға тушди. Сулаймоншоҳбек Самарқанддин пешкашлар билан ўтрув чиқиб, шаҳарни ойна боғладилар. Ва ҳунарманлар ажойиб ва гаройиб нималар йасаб, юз таъжил била шаҳзода шаҳарға кириб, салтанат тахтида ўлтурди ва доди адл била машғул бўлуб, Самарқанд шаҳрини фирдавс бариндек ораста қилди.

164b

Шаҳзода ҳукм қилдиким, шаҳарда муноди⁷⁸⁵ қилеунларким, ҳар ердиким додхоҳ бўлгай, барча эшикига келсун, то додини тобқай. Ҳар кимгаким, зулм ва жафо тегиб эрди, бориб додини топиб, хотири тилагандек иши кифоят бўлур эрди. Ва олам эли бу жиҳатдин хушҳол бўдилар ва андоқ шодмон ва хуш бўдиларким, сифат қилса бўлмас.

Ҳазрат соҳибқирон Гуржистон кофирлари била газо қилғони

Соҳибқирони гитиситонга йана ҳавас бўлдиким, Гуржистон кофирлари била газо қилғай ва бу давлатқа мушарраф бўлғайким: *Ва-л-йужоҳидуна фи сабили-Ллаҳи би-амваликум ва инфусикум заликум хайрун лакум*⁷⁶. Ҳиммат этагини тутуб куффор сори мутаважжих бўлди. Ул ултиргон ютидин кучуб, ов солди. Овлаб юруб Гуржистонга кирди ва андаги гуржиларни ўлдуруб, молларини талаб, ўзга гуржилар сориким, аларни «қаро қалқонлиқ» дер эдилар, юриди. Алар мансур черикидин хабар билиб, қалъалар ва утоғларда ўзларини беркиттилар. Бу ваъда биланким, *Ва инна жундано лаҳуму-л-ғолибуна*⁷⁷ барча кофирларга мусулмонлар голиб бўлуб, қатл ва торож қилдилар. Ва музаффар, мансур Ислоом черики тоғлардин қайтиб, жилгаларда юруб, ов солдилар. Ва овлаб юруб, Тифлис шаҳрига-ким, гуржиларнинг пойтахти турур, бордилар ва ул шаҳарни чопиб, Шеки жилгасида кириб туштилар. Ва неча кун анда туруб фароғат қилдиларким, гала-қора жол олди.

165a Соҳибқирон Базтоз вилоятининг тасхири учун амир Ҳожи Сайфулдин ва Жаҳоншоҳ Баҳодурни бир жамоат беклар билаким, барча баҳодур ва номдор эрди, илғор йибарди. Алар ҳукм била бориб, Базтоз вилоятини тоғ ва даштини талаб, эл-улусини куран қилиб суруб, оламианоҳ /даргоҳида келтурдилар.

Соҳибқирон Шайх Нуриддин Сари Бугани қалин киши била Қўҳистон сори йибарди. Ул Қўҳистонга киргонда Саййид Али Шеки Арлот жонидин қўрқуб, мулк ва молидин кечиб, қочти. Шайх Нуриддин анинг эвларини бузуб, ўт солиб куйдурди. Молини талаб, музаффар ва мансур қайтиб, ҳазрат қошига келди.

165b Бу маҳалда хабар келдиким, Тўқтамишхоннинг черикиким, аларнинг улуғи Али Уғлон ва Илёс Уғлон ва Исабек ва Йағлибий ва ўзга беклар турур, Дарбанддин утуб, Ширвонга тааллуқ вилоятларни чобтилар. Соҳибқирон бу хабарни эшитиб, нусратшиёр черики била аларга таважжуҳ қилиб юруберди. Шоҳзода ва беклар барчаси фатҳ ва зафар киби соҳибқироннинг мулозиматида бўлак-бўлак равон бўлдилар. Тўқтамишхоннинг черики Темурбекдин хабар билиб, тураолмай қочтилар. Соҳибқирон аларнинг қочқонидин хабар билиб, Кур суйиға етти ва сувни йақолаб юриди. Ҳукм бўлдиким, «Юртчилар юруб қишлоқ учун юрт хушласунлар!» Юртчилар юруб, Маҳмудобод утлоғини қишлоқ учун муносиб кўрдилар. Келиб арз қилгондин сунг ҳазарт отланиб, Фаҳробод кентига йақин қалин кандлар бор эрди, анда тушти. Ва барча шаҳзодалар ва бекларга юрт муқаррар қилдурди. Бориб ҳар киши ўз юртлариға туштилар. Аммо ҳазратнинг кўнгли ўғлонлари сори ва ҳарамлари сори бўлди. Султонияға киши йибариб, аларни ўғруқ билан келтурдилар. Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва Чўлпон Мулк ва ўзга хотунлар фарзандлари била ва ўғруқ била келиб қўшулдилар. Ва амирзода Мироншоҳ /Аланчўқдин келиб ўғруқға қўшулди. Ва анга худойи таоло бир ўғул каромат қилди. Соҳибқирон бу хабарни эшитиб асру шодмон ва хуррам бўлди. Ул ўғулни Ййжал от қўйди. Ва амирзода Пир Муҳаммад ҳукм билан Севинчақбекни ва Ҳасан Чағдовулни ва Алибек ва Исобекни Шерозда қўйуб, ўзи черики била келиб, соҳибқирон мулозиматиға мушарраф бўлди. Ва ул қишни айшу ишрат била ўтқардилар.

Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Тўқтамишхон устига черик тортиб борғони

Қишнинг охиридаким, офтоб Хут буржига бориб эрди ва олам йана хазартек йашил тўн кийиб эрди, соҳибқирони гитиситоннинг муборак кўнглида туштиким, Тўқтамишхон сори бориб, анга йана бир гўшмоли бергайким, ўзга муҳолифат ҳавасини қилмағай. Бас, буюрдиким, «Черик йароғиға машғул бўлеунлар!» ва ҳукм эттиким, «Ўғруқ Султонияға бориб, анда ўлтурсайлар. Ва Сарой Мулк хоним ва Туман ого шаҳзодалар била Самарқандқа бореунлар. Ва Чўлпон Мулк ого ва баъзи хотунлар ўғруқ била

Султонияга бориб турсунлар!» Ва Мусабек ва Камолбекни оголарнинг мулозиматиға қўйди. Ва Ахишоқким, Султониянинг кутволи эрди, анинг иттифоқи била Султониядин хабардор бўлуб, забтиға машғул бўлғайлар. Оғолар била беклар ва ўғруқ бари Султонияға бордилар. Ҳазрат соҳибқирон жумада ал-аввал ойининг еттисида, йақшанба куни, торих етти юз тўқсон еттида (28.02.1395) саодат ва иқбол била андин отланиб, Дашт сори мутаважжих бўлди. Ва нусратшиёр черики йароғлари била тумон-тумон ва қўшун-қўшун шимол сори мутаважжих бўлуб, / андаги вилоятларни барчани мусаххар қилғай ва ҳар ердаким, эл-улус бўлса, аларни мутӣ қилғай. Бу ният била Жўчихонға тааллуқ эл-улуслариға мутаважжих бўлуб юридилар. Ва ўнг қўл ва сўл қўлнунг кишисини нечукким, дастурлари бор эрди, тартиб била юридилар. Соҳибқирон қишлоқда ўлтурғонда Тўқтамишхонға мактуби битиб йибарди. Наъм:

166а

Ким, эрди бари сўзлари дилфиреб,
Эшитганға йўқ эрди сабру шикеб.
Ки ҳам заҳр эди анда ва ҳам шакар,
Урушу йарашдин дер эрди хабар.
Сўзида икки маъно эрди аён,
Бири сулҳ ва бири эрди бими жон.

Шамсуддин Алмолиғийни ул хат била элчиликка Тўқтамишхонға йибарди. Бас, бу Шамсуддин доно ва иш билғучи ва оқил ва зийрак киши эрди. Ва турани йахши билур эрди, оғзи юмшоқ ва сўзи чучук киши эрди. Соҳибқирон биткон мактубни олиб, Дарбанд йўлидин ўтуб, Дашти Қипчоққа бориб, Тўқтамишхонға борди. Бас, анда етконда Тўқтамишни кўруб, ҳазрат соҳибқироннинг мактубини бериб, ҳазрат дегон сўзларни чучук тили била анга деди. Тўқтамишнинг кўнглида ул сўзлар таъсир қилиб, хушвақт бўлуб, йарашмоққа майл қилди ва хаёл қилдиким, уэр била тилини очиб, зътикод била мутӣ булғай. Ва андоқ қилғайким, ародин мухолифат қулуб, дўстлуқ булғай. Аммо беклари жаҳл ва нодонлигиларидин ани қўймадиларким, мутӣ булғай, ани йўлдин чиқордилар. Тўқтамишхон ул бедаватларнинг сўзларига кириб, савоб йўлидин хато йўлиға кириб, соҳибқирон хатиға «йўқ» жавоб битиб, Шамсуддинға берди. Байт:

Шаҳаншоҳ хатиға битти жавоб,
Ким эрди бари муҳмал ва посавоб.

166б /Бас, Шамсуддин (Алмолиғийға) тўн кийдуруб, қайтарди. Мушори илайҳи Тўқтамишхон қошидин кеча-қундуз суруб, Самур суйининг⁷⁸⁸ йақосида соҳибқиронға етиб, мулозимат қилди. Тўқтамишхон биткан жавобни кўрсатти. Ҳазрат асру онифта бўлуб, черик йароғиға машғул бўлди.

Соҳибқирон черикнинг йароғини кўргони

Соҳибқирон фармон қилди: «Черик отланиб, йароқ кўрсатсунлар!» Ва Самур суйи Элбурзкўҳнинг этагида⁷⁸⁹ воқӣ бўлиб турур ва андин (Дарёйи) Қулзумғача беш йағоч йўл турур. Ҳукм била барча черик йароғлари била отланиб, йасол торгилар; андоқким, йасолнинг бир боши Элбурзкўҳ этагида эрди ва бир боши Дарёйи Қулзумда⁷⁹⁰. Ва андог черик Чингизхондин бери ҳеч киши кўрмагон эрди ва анингдек ороста ва мукамал черик қисасда Ажам мамлакатади⁷⁹¹ подшоҳ бўлгон шоҳларға ҳам зикр қилмагон турурлар. Байт:

Черикики, йўқ эрди анга ҳисоб,
Бари паҳлавон ва бири комёб.

Бас, соҳибқирон черикнинг йароғини кўргали учун отланиб, ўзи юруб, ҳар кишининг йароғини мулоҳаза қилур эрди. Аввал ўнг қўл сори юруб, ҳар бек қошиғаким етар эрди, ул бек баҳодурлари один тушуб, юкунуб дуо қилур эрдилар. Байт:

167a Бас, от тортар эрдилар. Ҳазрат соҳибқирон аларни мақтаб, ваъдалар қилиб, кўнгулларини шод қилур эрди. Ушбу тариқа била черикнинг йароғини куруб, қайтиб гулга келиб турди. Булгон наққоралар ва кавслар ва иафирларни чалдурдилар. Ва қиличларини йаланғоч қилиб, душман сори ҳамла /қилиб сурон солдилар. Андин сунг шаҳзодалар ва беклар ҳар бири ўз кишилари била бўлук-бўлук йўлга кириб, Дабанддин ўтуб, Элбурзқўхтагида⁷⁹² бир жамоат кишиким, Тўқтамишхоннинг ҳаводорлари эрдилар ва аларни қайтоғ⁷⁹³ дер эдилар, тобтилар. Бас, ҳазрат шу кун тугуб буюрдиким, «Алар сори борсунлар!» Мансур черики хабарсиз бошларига тўкуб, турт ёни тугуб, бир киши алардин қутула олмади ва барчани талаб уйларига ўт солиб куйдурдилар.

Тўқтамишхон Ўртоқ отлиқ бировни элчиликка соҳибқиронга йибариб эрди. Бу маҳалда ҳазратнинг черикига етиб, черикнинг ғалабалиғини кўруб ва азимат ва шавкатларидин соҳибвуқуф бўлуб, қўрқуб, соҳибқиронни кўрмай қайтти ва кеча-кундуз суруб Тўқтамишхонга етти ва дедиким, «Темурбек андоқ қалин черик била Дарбанддин ўтуб келадурким, таъриф қилса бўлмас». Тўқтамишхон бу сўзни эшитиб, ҳайрон қолиб, Қазончини ҳировул қилиб, қуб киши била соҳибқирон сори йибарди. Бас, соҳибқирон черики билан Тарқи⁷⁹⁴ мавзеида етиб тушуб эрдиким, хабар келдиким, «Қазончи бошлиқ қуб киши била Тўқтамишхон черикидин илгори келиб, Хўй сўйининг⁷⁹⁵ йақосида тушуб турур». Ҳазрат соҳибқирон муборак нафаси била йахши ободон йигитлар ва баҳодурларни сайлаб, тун қайтиб юриди. Субҳ вақтида елдек сувдин ўтуб аларнинг бошларига келиб чобтилар ва қилич зарба била алардин тутун чиқардилар. Ва ул саҳро ва дашт душман қонидин лозазордек бўлди.

167b Соҳибқирон андин юруб Севинч сўйининг⁷⁹⁶ /йақосида тушти. Ва Тўқтамишхон Тарак сўйининг⁷⁹⁷ йақосида йиғиштуруб ўлтурди ва ўлтургон ерида хандақ қазиб, туралар била беркитиб, урушмоққа тайёр бўлуб туруб эрди. Бас, соҳибқирон ороста черики йақин етиб тушти. Тўқтамишхоннинг черики ул азимат ва шавкатни кўруб, туролмай, қайтиб Қурай сўйиға⁷⁹⁸ борди ва йана черик йиғиштурмакка машғул бўлди. Ва ҳар ерда келмагон кишиларга киши чобтурди. Аммо соҳибқирон Тарак сўйидин кечук топиб, кечти ва булгон черики барча сувдин кечиб туштилар. Аммо соҳибқироннинг черикида озук туганиб қаҳат бўлди. Соҳибқирон бундин хабардор бўлуб, сув йақолаб, Чўлот вилоятиға⁷⁹⁹ мутаважжих бўлдиким, анда бориб черикка озук топиб фароғат билан ўзга душман сори боргай. Бир кўчуб бориб эрдиким, хабар келдиким, Тўқтамишхон қалин киши йиғиштуруб келадур. Бас, соҳибқирон ўнг қўл ва сул қўлни тартиб этиб ёнди ва бир-бирига йақин етконда сешанба куни, жумада ал-охир ойнинг йигирми иккисида, торих етти юз тўқсон еттида, тўнғуз йилида (14.04.1395) икки черик бир-бирига йақин туштилар. Ва тавачиларга ҳукм бўлдиким, «Йар еткурсунларким, черик хандақ қазмоққа машғул бўлсунлар!» Черик хандақ қазмоққа машғул бўлуб, хандақ қаздилар ва туралар била хандақнинг теграсида томдек беркиттилар. Фармон бўлдиким, «Кеча булгонда ҳеч киши ўз еридин тебранмагай ва ундашмасунлар ва шабихундин воқиф бўлсунлар (ўт ёқмасунлар!)» Ҳукм йўсуни била барча черик ҳозир воқиф манзилларига туштилар.

168a Кечада бир пас ўтуб эрдиким, Тўқтамишхон шабихун /келтурди. Соҳибқирон черики йақин етиб, наққора ва нафирларини чалдуруб, сурон солди. Нусратшиёро черики ҳукм билан дам урмай тек турдилар. Тўқтамишхоннинг келгон кишиси кўрдиларким, Темурбекнинг кишиси еридин тебранмай, дам урмадилар. Черикка киролмай, қўрқуб, ёниб манзилига борди.

Соҳибқирони гитиситон Темур Гурагон Тўқтамишхон била уруш қилғони

Тонгласиким, фалакнинг шаҳаншоҳи тахти узра чиқиб, оламни жамоли била йаруқ қилди, чаҳоршанба кунида (15.04.1395) икки черик жушухурушқа келиб отландилар. Наққора ва нафир ва кавс ва кўрагаларини

чалиб, бир-бирига юридилар. Соҳибқирони саодатманд давлат ва иқбол била отланиб, черик тартибига машғул бўлуб, етти қўл кишисини тартиб этти. Ва баҳодирлару диловарларни илгари тургузди. Ва черикнинг йаёғи туралар тутуб, илгари юруб турдилар. Ва амирзода Муҳаммад Султонни улуг гўлда тургузди ва икки ёнида баҳодурларни қўйдурди.

1686 Ва мухалифларнинг черики ҳам сафлар тортиб аламлар кутариб турдилар. Бас, бу маҳалда хабар келдиким, мухалифлар тарафидин Кунча Ўғлон ва Бек Еруқ Ўғлон ва Довуд Сўфийким, Тўқтамишнинг кибори турурлар, қўб киши билан сўл қўл сори келдилар. Соҳибқирон алар сори мутаважжих бўлуб, қўшун беклари ва баҳодурлари била аларга от солдилар. Мухалифлар мансур черикининг салобатини кўруб қочтилар. Ва йигирми етти қўшунким, соҳибқирон била юруб иш қилур эрдилар, бир қўшун киши мухалифларни гўлларигача суруб қайттилар. Аммо мухалифлар гўлга етиб, йана қайтиб, соҳибқироннинг /кишиларига чобтилар ва аларни суруб, ҳазратқа еткурдилар ва қўб кишини тушуриб ўлдурдилар ва баъзилари ҳар сори қочти. Бу жиҳатдин қўшунлар бир-бир бўлди ва мухалиф далер бўлуб, илгари келиб, соҳибқиронга йақин етиштилар. Шайх Нуриддинбек жонини фидо қилиб, ҳазрат Ҳаққ жалла ва аълога таваккал қилиб, оттин тушти. Ва анинг била эллик киши мувофиқат қилиб отларидин тушуб, уқ-ёйларини эликларига олиб, уқ зарби била аларни тургуздилар. Ва Муҳаммад Озод ва Алишоҳ (унинг иниси), ва Тўкал Бовурчи ҳар бириси мухалифлардин бир ароба тутуб келтурдилар. Соҳибқирон аробаларнинг кейнида турди. Бу маҳалда Аллоҳод Вафодор⁸⁰⁰ қўшуни била кўмакка етти. Ва ул тақи Шайх Нуриддинбек қошида бориб, йайоғ бўлуб турди. Ва Ҳусайн Малик Қавчин тағмалар била еттилар, йайоғ бўлуб алар тақи урушқа машғул бўлдилар. Ва амир Зийрак Жаку тақи қўшуни била келиб қўшулди. Ҳар нечаким душманлар ҳамла қилиб от солдилар, йайоғ бўлгон баҳодурлар аларни қўймадиларким, илгари келгайлар. Ва Худойоди Ҳусайний сўл қўлда, қанбулда эрди мухалифларнинг кейнидин кириб (соҳибқирон муқобилида аларни) шабихун этти. Бу маҳалда амирзода Муҳаммад Султон ҳосса қўшулари била ораста ва мукамал етиб, соҳибқироннинг сўл қўлидин кириб, душманлар била урушқа машғул бўлди. Баҳодурлар барча иттифоқ қилиб, барча бир йўли ўзларини мухалифларга уруб, қилич зарби била душманнинг ўнг қўлдаги кишилари кутариб сурдилар.

169a Ва Ҳожи Сайфуддинбекким, аввал гўлда илгари туруб эрди, мухалиф черикидин Исабий ва Бахти Хожа қўб киши била юруб, Ҳожи Сайфуддинбек жонидин кўнгул /уауб, тумони била отларидин тушуб, қалқонларини эликларига олиб, тоғдек аёғларини ерга биркитиб уруштилар. Ҳар нечаким, мухалиф черики аларга ҳамла қилиб, от солур эрдилар, алар уқ зарби била аларни қайтариб, илгари келгани қўймадилар. Ва Жаҳоншоҳ Баҳодур тумони била бир ёндин келиб душманларга ҳамла қилди ва асру азим қаттиқ уруш бўлди. Бу икки соҳибдавлат бек бир-бири била иттифоқ қилиб, мухалифнинг сўл қўлини қочурдилар. Ва Темур Хожа Оқ Буга тақи анда йахши ишлар қилди. Ва амирзода Рустам Умаршайх мулозимлари била барқдек душманларга чобти ва йахши ишлар қилиб, муқобилида тургон аъдони қочурди. Бовужуд улким, кичик ёшлиқ эди, атосининг отини еткурди⁸⁰¹. Ва Йағлибийким, баҳриндин эрди ва Тўқтамишхоннинг (йақинларидин ва ўзбек лашкарининг) баҳодурларидин эрди, черики билан илгари юруб деди, назм:

Ўзин махтабон дедиким: «Эй сипоҳ!

Ки мен Йағлибиймен, бил, кийнахоҳ.

Паланг йиртарам куч била тоғ аро,

Чопармен агар бўлса шер бог аро».

Бас, ун кутариб, фарёд қилиб Усмон Баҳодурни тилаб дедиким, «Қайдур Усмонким, бу кун эранларнинг куч-қувватин кўргай»⁸⁰². Усмон Баҳодур анинг унин эшитиб, гайрат ўти бошига югурур, таваққуф қилмай, анга мутаважжих бўлди. Шеър:

Чу тоғдек равон бўлди ул пурнар,
Адув сори ул пурдили номвар,
Чиқариб қиличнию қилди хуруш,
Ким элдин анипг саҳмидин кетти хуш.

1696

Усмон Баҳодур қўшуни била душман сори мутаважжиҳ бўлуб, бир-бирига чопишиб, уқ ва қилич зарби била андоқ уруштиларким, таъриф қилса бўлмас. Охируламр, соҳибқирон давлатидин Усмон Баҳодур мухолифларни қочурди. Ва ўзга беклар ҳам ул кун йахши ишлар /қилиб, мухолифларни қочурдилар ва аъдодин куб киши тушуруб, (аларни мутафарриқ ва паришон қилдилар. Тўқтамишхон Жўчи наслидин подшоҳзодалар кўксини гурезларга қаратиб қочтилар. Алардин куб кишини) ўлдурдилар. Шъър:

Худо берди нусрат шаҳаншоҳни,
Ки бости йана қавми бадхоҳни.
Адувдин, баса, қавмни ўлдуруб,
Алар кейнида борди ул кун суруб.
Чу тобти зафар Хусрави комкор,
Ки душманлари бўлдилар зору хор.
Равон тушти отдин шаҳи неком,
Чу ул дам муродини кўрди ҳамком.
Деди: Шукрлар холиқи покга
Ким, андин эрур фатҳ бу хокга.
Чу деди сано довари хешга,
Баса, симу зар берди дарвешга.

Шаҳзодалар ва беклар ва баҳодурлар барча келиб юкунуб, бу фатҳ учун муборакбод дедилар ва сочиқлар сочиб, садақалар бердилар. Соҳибқирон тақи бир эрни чорлаб кўрушуб, лутф била махтаб, дуолар қилур эрди. Ва андин фатҳ ва нусрат била Қурай суйиға келиб тушти. Ва ҳазратнинг ҳиммати андоқ тақозо қилдиким, (жангда жонини фидо қилгон Шайх Нуриддинга ва) ҳар кимки, бу урушда мардоналиқ кўрсатиб иш қилиб эрди, барчага инойатлар қилгай. Иш кўрсатган шаҳзодалар ва беклар ва баҳодурларини йахши сийлаб, зарбофт тўн ва мурассаъ камар ва от-эгарким, олтундин бўлгай, берди. Ва нақд хирмонидин ҳар бирига юз минг олтун (динор) кўппакий инъом қилди. Ва баъзилариға вилоятлар ва тумонларди ва ўлкалар берди.

Тўқтамишхоннинг кейнида Темурбек илғор этиб борғони

170a

Соҳибқирон Тўқтамишхонни қочтуруб, сонсиз мол олди ва ул молни ўтрукда қўйдурди. Амирзода Мироншоҳким, урушдин бурун отдин йиқилиб, элиги чиққон эрди, соҳибқирон амирзода билан Ёдгор Барлос ва Ҳожи Сайфуддинбекни ўрду била ўтрукда қўйиб, ўзи муборак нафаси билан йахши йигитларни черикидин сайлаб, Тўқтамишхоннинг кейнида тушиб, кеча-кундуз демай юрур эрди, то Атил суйиға етиб, бир гузариға еттиким, ани Туратур /гузари дерлар.

Соҳибқирон Ўрусхоннинг ўғликим, оти Қўйричақ Ўғул эрди ва ҳазратнинг мулозиматида эрди ва ўзбек йигитлариким, алар тақи мулозим эрдилар, анга қўшулуб, подшоҳона йарог бериб, олтун била тиккон жарқон ва олтун камар бериб, Жўчихоннинг улусини ашга берди ва ани хон қилиб Атил суйидин кечуруб, улус сори йибарди. Бу шаҳзадаи Жўчинажод ҳукм билан юруб, паришон бўлгон эл-улусни йиғиштурмаққа машғул бўлди. Ва соҳибқирон давлат ва нусрат била Тўқтамишнинг кейнида суруб юрур эрди, Ўкак мавзесида душманларга етиб, куб кишини тушуриб ўлдурдилар.⁸⁰³ Ул бедавлатларға бир тарафларида Атил суйи ва бир соридин соҳибқироннинг мансур черики: икки балонинг ичида ҳайрон ва саргардон қолиб, куб киши алардин талаф бўлди. Баъзилари ўзларини Атил суйиға солиб, нари ўттилар. Тўқтамишхон бўлгон хотунлари била ўғлон-ушогини ва молини ташлаб, Булар жангалиға⁸⁰⁴ кириб қочти. Ва ул ер зулматқа йақин туруб.

Бас, нусратпаноҳ черики бу навбат Дашти Қипчоқда бўлгон эл-улусни таладилар⁸⁰⁵. Ва амирзода Мироншоҳким, Қурай суйининг йақосида уғруқ била қолиб эрди ва ақарин келур эрди, Йулқулқуқ Азуқлуқ⁸⁰⁶ мавзеъида келиб, соҳибқиронга қушудди. Ул сафарда аксари шаҳзодалар мулозиматда эрдилар, муборак хотирига кечтиким, ҳарамлар сори киши қайтарғай. Бас, ҳукм эттиким, амирзода (Пир) Муҳаммад Умаршайх олти минг кейни киши била Шерозга қайтиб борғай. Ва амир Шамсуддин Аббос уч минг киши билан ва Ғиёсуддин Тархонким, (анинг тумонида эрди), Самарқандқа борсунлар.

1706

Ҳукм булгондин/сўнг ушул замон отланиб, йўлга кирдилар. Кеча-кундуз суруб Дарбанддин ўтуб, Ардабилга еттилар. Табриздин хабар келдиким, Қаро Юсуф Туркмон қалин туркмонларни йиғиштуруб, Ола Тоғда келиб, Хўй сори таважжўх қилиб турур. Шамсуддин Аббос ва Ғиёсуддин Тархон шаҳзодадин айрилиб, Самарқанд сори кеттилар. Ва шаҳзода Пир Муҳаммад беклари билаким, Абу Саъид Барлос (ва Бекиш) ва Давлат Хожа ва Таваккал Баҳодур Табризга келдилар ва андаги черикни йиғиштуруб, муҳолифлар сори юридилар. Хўйга етконда хабар келдиким, Қаро Юсуфнинг қаровули Қародарада⁸⁰⁷ турур. Шаҳзодаи жувонбахт илгор солиб Қародарага етконда Қаро Юсуфнинг қаровули қочти. Қаро Юсуфга бориб шаҳзодадин хабар дедилар. Қаро Юсуф бу хабарни эшитгач туролмай қочти. Ва амирзода Пир Муҳаммад анинг кейнида суруб, Банди Моҳиғача⁸⁰⁸ сурди. Ва Малик Иззуддин Курт шаҳзодадин хабар эшитгач келиб шаҳзодага қушудди. Ва шаҳзода ўз черикини Қаро Юсуфнинг кейнида йибариб, ўзи тақи уч кўч бориб тушти. Шаҳзодадин беклари ва баҳодурлари Қаро Юсуфнинг кейнида Авниқгача бориб, ани топмай қайттилар. Шаҳзода Пир Муҳаммад андин қайтиб, Табриздин ўтуб, Султонияга келди. Андаги хонимлар ва оғолар анга тўй бериб, тўнлар кийдуруб отлар миндуруб, Шероз сори йибардилар.

Соҳибқирон Жучихоннинг улусини мусаххар қилиб, Рус вилоятига борғони

171a

Ҳазрат соҳибқирон ҳар ишгаким юз қўйса эрди, ул ишни камолига еткурмагунча қўймас эрди. Бас, Туқгамишхон қочқондин сўнг муборак кўнглида кечтиким, /андаги мамолик ва вилоятларни барчани мусаххар қилғай ва ҳар ердаким, эл-улус бўлса, аларни мутиб қилғай. Бу ният била Жучихонга тааллуқ эл-улусларига мутаважжўх бўлди. Дашт ва саҳроларга кириб юрур эди, Усмонбекни қаровул қилди. Ва Усмонбек ғажирчи олиб, йўлга кириб юриди. Бас, Ўзи сўйиға⁸⁰⁹ етконда, Минкерман мавзеъидаким⁸¹⁰, Бек Ёруқ Уғлон ва баъзи ўзбекларнинг уйи-эли анда эрди, аларни чониб, кўбраки тобиъ бўлдилар⁸¹¹.

Тош Темур Уғлон ва Оқғов қочиб, Ўзи сўйидин ўтуб, Сарамдай ўмоғига⁸¹² бордилар: ул улус буларга душман эрдилар. Бас, буларнинг ҳоли таламоқ ва асир бўлмоқдин йамонроқ бўлди ва андин қочиб, Румга бориб Иерайқа саҳросида⁸¹³ турдилар ва бу чоққача анда турурлар.

Ва ҳазрат соҳибқирон Ўзи сўйидин қайтиб, Рус сори мутаважжўх бўлди. Ва мансур черики Бек Ёруққа Тана сўйида⁸¹⁴ учраб, чирмашиб, йана бир бор кишисини тушуруб олдилар. Ва Қаросувки⁸¹⁵, Рус шаҳарларидин турур, етиб, ичи ва ташини таладилар. Бек Ёруқ Уғлон асру ожиз ва бечора бўлуб, зарураттин уғлон ва ушоғини ва хотунларини Абла жангалида қўйуб, бир уғли била қочиб кетти. Ва зафарпаноҳ баҳодурлари анинг ўғлонлари била хотунларини тутуб, соҳибқирон қошига келтурдилар. Ва соҳибқирон алар учун хайма ва ҳиргоҳ тиктуруб, кўб марҳамат ва шафқат қилди ва отлару тевалар ва рахту қумош бериб, Бек Ёруқ Уғлоннинг кейнида йибарди. Ва мирзо Мироншоҳ ва Жаҳоншоҳ Баҳодур ва ўзга беклар қайтиб, йана Жучихоннинг сул қўлдаги улусига⁸¹⁶ чобқали бордилар. Ва анда етиб, Бек Хожа Хожабек ва ўзга бекларни булгон /эл-улуслари била олиб, баъзиларни ўлдуруб, баъзиларни асир қилиб, Сарой шахрини (ва Ўрус) ва Ўрусжуқни таладилар ва андаги булгон эл-улусларини мусаххар қилдилар⁸¹⁷. Ва сонсиз от ва тева ва қўй ва ўзга нималарни ва соҳибжамол қизлар ва хотунлар улжа олиб қайттилар. Назм:

1716

Шаҳаншоҳи замон, султони офоқ,
Мусаххар чун ки қилди Дашти Қибчоқ,
Наридек қизлар олди барча раъно.
Бариси дилрабо ва саруболо.

Соҳибқирон Маскавга сориким, Русунг шаҳарларидин эрди, таваж-
жух қилди. Анда етконда нуератшиъор черики ул вилоятни (шаҳар ва
атрофили) чобтилар ва андағи ҳокимларни тобеть қилди⁸¹⁸. Ва черикнинг
эликларига сонсиз мол тушти: олтуну кумиш ва қумошу қабш ва ҳатану
қоқам ва каттону қаро самур ва қиличлар, йахши отлар тушти. Ва тақи
амирзода Муҳаммад Султон кўб элларни талади, мисли қавми кўр буқа ва
парлон ва йуркун ва калжиким, соҳибқирон черикидин қочиб ёзиларда
сарғаншта ва ҳайрон юрур эрдилар, бас, сўнг амирзода Муҳаммад Султонга
учраб, (ул) барчани талади ва хотунларини ва углонларини асир қилиб,
қайтиб соҳибқиронга қўшулди. Соҳибқирон андағи элдин ғажирчи олиб
Болчимкин⁸¹⁹ сори мутаважжих айлади. Азоқ ҳисориға⁸²⁰ етконда амирзода
Мироншоҳ черики била Тана суйиға етиб, ҳазратнинг ҳумоюн ўрдусиға
келиб қўшулди. Бас, ҳукм булди, «Мусулмонларни қўйбериб, кофирларни
ўлдурсунлар!» Бас, мусулмонларни қўйуб, кофирларни ўлдуруб, эвларига
ўт солдилар.

Соҳибқирони динпарвар Черкас сори борғони

172a Соҳибқирони саодатёр, нуератшиъор андин кўчуб, Қубон сори мута-
важжих булди ва черкасларнинг /юртлариким, Азоқ ва Қубон ўртасида
эрди черкаслар ани кўйдуруб эрдилар⁸²¹. Бу жиҳатдин от-улоғ ўт тонмай
кўб зойиъ булди. Ва етти-саккиз кун бориб, ҳеч ерда ўт топмадилар, ва
балчиқлардин ва сувлардин ўтуб, Қубонга еттилар. Неча кун анда туруб
турдилар. Соҳибқирон амирзода Муҳаммад Султон⁸²² ва амирзода Мирон-
шоҳ ва Жаҳоншоҳбек ва ўзга бекларни Черкас сори йибариб муболага
қилдиким, «Жаҳд қилиб тез юрунглар. Ҳар нечаким, ботроқ бориб ул
ерни мусаххар қилсангиз, йахшироқ бўлгуси турур».

Шаҳзодалар ҳукм йўсуни била илғор қилиб, черкасларнинг эл-улдуслари-
ға еттилар ва бўлгон элни талаб, сонсиз мол олиб, андин саломат ва
саодат била қайтиб, соҳибқироннинг мулозиматиға келдилар.

Соҳибқирон Элбурзкўх сори борғони

Соҳибқироннинг муборак хотири Рус ва Черкасдин фарогат тобқондин
сўнг Элбурзкўх сори қайтти. Ва бу маҳалда ғаразгўй сўзи била амир
Усмон Аббос ҳаққида тухмат воқиъ бўлуб, ҳукм қилдиким, «Ли илдурусун-
лар!» Бас, андоқ баҳодур бек ғаразгўй сўзи била талаф булди.

Соҳибқирони саодатманд ғазо нияти била Буриберди ва Бароқан сори
мутаважжих булдиким, ос қавмиға⁸²³ ҳоким эрдилар. Бас, ул йўлда жаи-
галлар бор эрди, йағочларни кестуруб, йўл этиб борур эрдилар. Ҳожи
Сайфуддинбекни ўғруқда қўйуб, Элбурзкўх сори юриди. Ва андағи қалъа-
ларким, тоғда эрди ва берк дараларда кириб аъдолар била урушти. Ва
барча урушда соҳибқироннинг черики мансур бўлуб, кофирлардин кўб
киши ўлдурдилар ва қалъаларини бузуб, сонсиз мол олиб қайтиб ўрдуға
келиб туштилар.

172b / Бас, ўрдуға тушкондин сўнг (амир Ҳожи Сайфуддинким, ўғруқда
қолиб эрди), тўй тартибиға машғул булди. Соҳибқирон учун бир чодире
тиктиларким, сўруғи олтун эрди, лаъл ва жавоҳир била мурассаъ қилиб
эрдилар; таноблари ишак ва қозуқлари кумиш эрди. Ва бу чодир ичида
олтундин сартахти қўйуб, жавоҳирлар била мурассаъ (қилдилар). Соҳиб-
қирон тахт устиға чиқиб ўлтурди. Беклар ва шаҳзодалар барча хизматда
турдилар. Бир ҳафта анда туруб, айш ва ишрат қилди. Иккинчи ҳафтада
ҳукм булдиким, «Кўч қилеунлар!»

Соҳибқирони саодатшиёр Темурбек Кула ва Товус
қалъалари сори борғони

- Соҳибқирон йана уғруқни қўйиб, Кула ва Товус қалъаларига мутаважжих бўлди. Ва бу қалъалар Элбурзқўҳда эрди ва анда бир қалъа бор эрди тоғ устида, асру мақнам ва йўли қаттиқ эрди ва баланд ва берк эрди. Анда на ўқ ва па раъд тоши⁸²⁴ етар эрди. Ақл анинг тасхирига ҳайрон эрди. Соҳибқирон мекрит элидинким, мансур черики била бирга юрур эрдилар ва тоғда андоқ юрур эрдиларким, ел аларнинг юрумақларидин ҳасад элтур эрди, бас, аларни чорлаб буюрдиким, «Бориб тоғ устида чиқиб, йўлларни таффаҳхус қилинглар: кўрунгим, ҳеч андоқ ер бормуким, киши анда боролгай». Алар ҳукм била тоғда чиқиб, ҳар нечаким, кириб юридилар, андоқ йўлким, ул қалъага борса бўлгай, топмадилар. Бас, ёниб келиб соҳибқиронга арз қилдилар. Соҳибқироннинг муборак хотирига бир йахши хаёл тушуб, буюрдиким, узун шотулар йасаб, бир-бири била бағлаб, тоғнинг аввал камарига қўйдилар. Бир жамоат баҳодурлар юқори чиқиб, аввал камарда турдилар ва йана / шотуни тортиб иккинчи камарда қўйдилар. Ва юқори чиқиб, шотуни тортиб, учунчи камарда қўйдиларким, қалъа анда эрди. Ва ул шери мардлар жонларидин кўнгул узуб, бир-бирининг кейнидин шотуга чиқтилар. Ва йана бир жамоат тақи жонларидин кечиб, иплар солиб, юқори чиқтилар ва қалъанинг муқобиласида келиб турдилар. Ва икки жамоат иттифоқ қилиб, бири қўйидин ва бири юқоридин ҳамла қилдилар. Ҳар нечаким қалъадин ўқ ва тош оттилар, баҳодурлар қайтмади, соҳибқирон давлатига сиғиниб қалъа сори юрубердилар. Ва қўб киши анда баҳодурлардин шаҳид бўлди, аммо қайтмай қалъага еттилар. Қалъа эли бу ҳолни кўруб, саросима бўлуб, элик-аёғлари сустайиб, қочабошладилар. Бас, баҳодурлар қалъага кириб, мусаххар қилдилар ва аркудан элидин қўб кишини ўлдурдилар. Ва Кула ва Товуским, қалъа элининг сардори эрдилар, тутуб ўлдурдилар. Ва соҳибқирон андин қайтиб, Булод қалъасига мутаважжих бўлди. Утургуким, Жўчи улусининг улуг бекларидин эрди, соҳибқирондин қочиб анда бориб эрди. Бас, соҳибқирон йўлда борурда Йалғон мавзёида келиб тушти. Бу мавзёида неча бол (бор) эрди, черик эли ҳар нечаким кўнгуллари тилар юруди, бол кўтардилар. Бир кун туруб, тоғласи кўчуб, саодат ва иқбол била юруди. Ва Булодга хат битиб йибардиким ва хатнинг мазмуни буким, «Утиргу сенга бориб турур. Ани бизга йибаргил. Йўқ эрса черик билан борғумдур». Бас, бу хат Булодга етиб, ўқуб мазмунидин соҳибвуқуф бўлди.
- 1736 Қалъасига эътимоқ қилиб дедиким: «Менинг / қалъам берк турур ва уруш асбоби барча муҳайё турур. Утургу менга эътимоқ қилиб келиб турур. Ани нечук душман эликига берайим? То таним ичра жоним бор, ани кишига бермагумдур». Бас, бу жавоб соҳибқиронга етти, соҳибқироннинг аччиғи келиб, анинг сори мутаважжих бўлди. Ва ул йўлда қалин жангал эрди. Ҳукм қилдиким, «Черик эли йағоч кесиб йўл очсунлар!» Уч йағоч йўлни йағочларини кесиб, йўл йасадилар. Ва жангалдин чиқиб қалъага еттилар. Ва ул қалъанинг йўли бир дара ичида эрди, асру қаттиқ йўл эрди. Ва қалъанинг эли йўлни тутуб туруб эрдилар. Бас, нусратнаоҳ черики алар била урушуб, зафар топтилар. Қалъани мусаххар қилиб, қўб киши ул кофирлардин ўлдурдилар.

Утургу андин қочиб Элбурзқўҳнинг дараларига борди. Ва мансур черики аларнинг эвларини талаб, ўт солдилар ва сонсиз мол олдилар. Бу маҳалда биров хабар келтурдиким, «Уч булак киши барча кофирлар қочиб, бир тоғнинг камарига чиқиб туруб турурлар». Соҳибқирон алар сори мутаважжих бўлуб, етиб уруштилар, аларни тутуб ўлдурдилар. Йана бу маҳалда амирзода Мироншоҳдин биров хабар келтурдиким, «Утургуни қавлаббиз, ул биздин қочиб Элбурзқўҳ тоғига кириб, Абаса мавзёида кириб турур».

Соҳибқирон отланиб, уқбалардин ва даралардин ўтуб, Абасада тушти. Ушул замон Утургуни тутуб, боғлаб соҳибқирон қошида келтурдилар. Фармон бўлдиким, «Ани банд қилиб сақласунлар!» Ва андағи элни талаб, нусрат ва саодат била қайтиб, ўрду сори қайтти. Бас, неча кун Беш Тоқда ўлтуруб, айш ва ишрат қилди.

Ҳазрат соҳибқирон давлат ва нусрат била илғор қилиб, Симсим сори мутаважжих булди. Саодат ва иқбол била анда етиб, андаги эл-улусни мусаххар қилди. Ва Ғайрухоннинг ўғли Муҳаммад мутӣ булуб, эли била мулозиматда келди. Ва йана бир жамоат эли қочиб, тоғлар ичида кириб эрдилар. Ва андоқ маҳкам ерларда кириб эрдиларким, йайоғ киши анда ташвиш била борур эрди. Соҳибқирон ўзи муборак нафаси била алар сори мутаважжих булди ва ул тоғларга чиқиб уруштилар ва анда қочқон элни мусаххар қилдилар. Ва ҳар ердаким қалъалар бор эрди, олдилар ва андоғ баланд ерларга чиқиб элларни тушурдиларким, ақл ҳайрон эрди. Баъзи ерлардин тушаолмай, ўзларини андин қуйи қуйабердиларким, юмаланиб-юмаланиб қуйи тушар эрдилар. Андоқ ерларга бориб, давлат била қалъаларни мусаххар қилди ва икки кун анда туруб, аччигидин қуб киши ўлдурдилар. Ва андаги бутхоналарни буздуруб, бутларни куйдурди. Ул тоғлардин қуйи тушуб, Аҳрор тоғи сори мутаважжих булуб, андаги эл-улусни чоғиб, қуб мол олдилар. Ва андин қайтиб Бешкентда борди ва андаги вилоятларни мусаххар қилиб, ади ва дод била ораста этти. Аҳли мавзъеки, мундин олдин келиб эдилар, суюниб ҳазрат соҳибқироннинг иноятларидин тиладилар. Бас, соҳибқирон элнинг улугларини иноятлар ва шафқатлар қилиб, ҳукм қилдиким, черик аларга мазоҳим булмасун, зарар-заҳмат бермасунлар. Бас, мундин маълум булдиким, ҳар кишигаким, йахши, йамон тегар — ўз феълидин тегар. Нечукким, мундин маълум булдиким: *Май 'амала солихан фа-ли нафсиҳи, на май асая-фа'алайҳи*⁸²⁶ воқиб булуб турур.

1746 Соҳибқирон андин ўтуб, Чутур Қазоқ⁸²⁷ вилоятини чобғи. Ва зафаршиёғ черики андаги гумраҳларким, қочиб баланд / тоғларга чиқиб, камарларга бориб эрдилар, барчани ул ерлардин тушуруб ўлдурдилар ва Чутур Қазоқ элини талаб, қуб мол олдилар. Ва андин кучуб Бугоққум мавзъега⁸²⁸ етдилар ва анда қишлоқ солиб ўлтурдилар. Мамақту ва Қози Қумуқ⁸²⁹ вилоятининг улуг-кичик эли тобиъ булуб, ҳазратнинг мулозиматиға келдилар. Соҳибқирон аларни йахши кўруб, иноятлар қилди, тўнлар кийдуруб, отлар миндурди. Ва жазираларда куй ерлар бор эрдиким, андаги эл сувға иътамид қилиб, анда бориб туриб эрдилар⁸³⁰. Ва мутобият йўлидин чиқиб, муҳолифат эрдилар ва аларни балиғчи эли дер эдилар. Бас, соҳибқирон аларга киши йибариб насиҳат қилди, эшитмадилар. Оқибат бир жамоат баҳодур йигитларни йибарди. Алар илғор солиб, алар сори мутаважжих булдилар. Қиш мавсуми эрди ва дарё музлаб эрди. Борғон баҳодурлар муз устидин юруб, ул жазираларини чобтиллар, молларини талаб, ўзларини асир қилиб қайттиллар.

Соҳибқирон Ҳожи Тархон ва Саройни чопқонлари⁸³¹

175а Умар Тобонким, ҳазратнинг бандаларидин эрди ва ҳукм била Ҳожи Тархоннинг забтиға бориб машғул эрди, Муҳаммадийким, андаги элнинг улуги эрди, анинг тарафидин муҳолифат иши фаҳм қилиб, сурати воқибани арзадошт қилиб йибарди. Соҳибқирон андин хабар билиб, ул сори мутаважжих булди. Амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Мироншоҳ ва Ҳожи Сайфуддинбекни ўғруқда қуйуб, ўзи давлат ва саодат била илғор этиб, қиш мавсумидаким, муттасил қор ёғар эрди ва ҳаво асру совуқ эрди, совуқ ва қордин ҳеч андиша қилмай юриди. Ва Ҳожи Тархон Атил суйининг йақосида / эрур ва ул шаҳарнинг бир ёни сув турурким, томи йўқ эрмиш. Ва совуқ андоқ қаттиқ булурким, дарё ва ер тешна-тенг булур. Бас, ул маҳалдаким, дарё муз боғлар эрмиш, шаҳарнинг ул ёниким, сув соритур, муздин том қўнар эрмишлар. Ва муз устиға сув сепар эрмишларким, барча музлар бир булур эрмиш. Сунг анга буржлар ва кунгуралар йасаб, дарвоза қуйар эрмиш. Қиш чиққунча ул шаҳарнинг бир ёнида мундоғ том қилур эрмиш. Ажойиб жиҳатидин муни зикр қилдик.

Алқисса, ҳазрат соҳибқирон Ҳожи Тархонга мутаважжих булуб, субҳ эрдиким, йақин стиниб туштиллар. Муҳаммадийким, ҳокими эрди, соҳибқирондин хабар билиб, заруратдин чиқиб келиб, пешкашлар тортиб соҳибқи-

ронни кўрди. Бас, соҳибқирон ани амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир ила (амир Жаҳоншоҳ) ва Шайх Нуриддин ва Темур Хожя Оқ Буга билан Сарой сори йибарди. Ва соҳибқирон Хожя Тархонга кириб, элга моли амон солиб олди. Моли амондин сўн шаҳарни таладилар ва шахзода беклар била Атил суйидин муз устидин ўтуб, Муҳаммадийни музунг остида йибардилар⁸³². Ва зафарианоҳ черики Саройга етиб, Саройни олдилар, шаҳарга ўт солиб куйдурдилар ва эл-улусини таладилар ва асир етиб келтурдилар. Бу элга бу жазо андин булдиким, соҳибқирон Ироқ ва Форсқа борғонида алар келиб, Мовароуннаҳр вилоятини буш тониб, чобтилар. Ва Қазон Султонхон йасагон саройким, Запжир Сарой била маншур турур, ул ерни хароб қилиб эдилар. Анинг учун бу шаҳри Сарой ҳам хароб булди. Бас, Хожя Тархоннинг шаҳрида булгон элни кўчтуруб, шаҳарга ўт солдилар. Ва андин қайтиб, ўрду сори мутаважжих булдилар. / Аммо совуқ ва қор жиҳатидин от-улоқ қуб зойиғ булди, гала-қаро ўт тонмай бисёр талаф булди ва галла эл ичида қолмай қаҳат пайдо булди. Бир ботмон тариқ етмин олтун кўншакий булди ва ани ҳам киши тонмас эрди.

1756

Соҳибқирон Хожя Тархон шаҳридин келтургон молни черикка улаштурди. Ва ҳар кимки йайоғ эрди, анга от бердилар ва черикда йайоғ киши қолмади. Барча соҳибқирон давлатидин от миндилар.

Ҳазрат соҳибқирони нусратшибор Дашти Қипчоқ ва шимолдаги вилоятлардин қайтқони

Соҳибқирони саодатнишон Дашти Қипчоқдаги вилоятларни (ва Дашти Хазар мамоликни) ва Жўчихонга тааллуқ ўнг қул ва сўл қулдаги эл-улусини ва шимолдаги вилоятларни мусаххар қилди (ва тасарруфига олди). Нусратшибор черики ул улкалар ва мавзаслардаги қутр ва навоҳийлардин) Ўқак ва Пан ва Можар ва Рус ва Черкас ва Бонқирд ва Макас (ва Болчимкин) ва Қрим ва Азоқ ва Қубон ва Аллон — бу вилоятларни тавобитлари била чошиб, баъзини мусаххар қилиб, иноят ва шафқат қилди⁸³³. Ва баъзи ерниким, али муҳолифат қилди, ул ерни бузуб, хароб қилди. Ва тирик қолгон, қочқон душманлари ёзиларда сарғаншта ва аломон ва бехонумон булуб юрур эдилар.

176a

Соҳибқирон аввал баҳорда, горих етти юз туқсон саккизда, сичқон йилда (март, 1396) Бўғоққум қишлоғидин саодат ва иқбол билан қайтиб, Дарбанд сори ва Озарбайжон⁸³¹ сори мутаважжих булди. Тарак суйидин муз устидин ўтуб, Тарқи мавзасига еттилар. Соҳибқирон ўгруқни анда қўйуб, ғазо нияти қилиб, (черикни тартиб қилиб), Анқужа⁸³⁵ сори мутаважжих булди. Анда етиб, Анқужани ўртада олиб туштилар, черик ҳар сори бориб талонга маншул булдилар. Бу маҳалда Шанқал Қози қумуқдин уч минг киши била Анқужа элининг қумакига келур эрди. Ўнг/қўнунг қаровули алардин хабар билиб, соҳибқиронга кетти, чобтуруб хабардор қилдилар. Соҳибқирон муни эшитиб, беш юз йароқлиқ киши билан отлашиб, аларга ўгрув борди. Ва алар бир тена кейинда тушуб эдилар ва отларини ўтқа қўйуб эдилар. Соҳибқирон йақин етконда Узи йалғуз илгари юруб, бир тена устига чиқиб, аларни аҳтиёт қилиб, тенадин тушуб, беш юз киши била аларга от солиб човтилар. Ва алар бир-бир булуб, қуб киши алардин олиб ўлдурдилар. Мубаншир Баҳодур Шавқалга етиб, ул жон қўрқунчидин йайоғ булуб, тоғқа чиқти. Ул шаҳлавон ани бир ўқ уруб ишини кифоят қилди, бошини кесиб, соҳибқирон қошига келтурди.

Соҳибқирон тирик қолгон кишилардин сўрдиким, «Сизлар мундин бурун доим кофирлар била урушур эрдингиз. Энди не булдиким, аларга қумак учун келур эрдингиз?» Алар ҳеч жавоб беролмай, гиналарини бўйунларига олиб, узр ва истигфор била тилларини очтилар. Ҳазрат аларнинг ёзуқларидин келиб, лутф ва марҳамат қилиб, барчага тўн кийдуруб, ижозат берди ва деди: «Бориб андаги эл улугларига хабар қилинғим, соҳибқирон айтадур: «Агар дини Исломга мувофиқсиз, таваққуф қилмай келинғлар ва йамон феълнингиздин тавба қилинғлар, то барчангиз иноят ва шафқат била сарафроз булғай ва вилоятни сизлар мусаллам тутқайсиз». Аларни йибариб, соҳибқирон қайтиб, черикига қайтиб тушти. Ва мансур черики Анқужани мусаххар қилдилар ва андаги кофирларни ўлдурдилар.

1766 Бу маҳалда Қози Қумуқнинг ва Авҳарнунг⁸³⁶ қози ва акобирлари ва улуглари соҳибқироннинг мулозиматиға/кеддилар. Бас, ҳазрат аларни йахши кўруб, барчаға тунлар кийдуруб, олтун камарлар ва зарбофт тунлар ва (зарбанд қиличлар) ва арабий отлар шафқат қилди. Андин сўнг насиҳатлар қилдиким, «Бурунгидек кофирлар била ғазо қилинлар ва дини Ислому учун қилич урунлар». Насиҳатлар қилгондин сўнг вилоятларини аларға мусаллам тутуб, нишонлар бериб, вилоятлариға йибарди. Ва андин суодат ва иқбол била қайтиб, Нарғис қалъаси сори таважжух этти ва анда етиб, ани тақи уруш била олдилар ва андағи кофирларни ўлдурдилар. Қалъани талиб, ер била тенг қилдилар. Ва кофирлардин қуб киши қочиб, тоғларнинг камарларига бориб, горлар ва тешиқларға кириб, йашундилар. Бас, соҳибқирон аларға сори юруб, тоғларға чиқтилар ва баҳодурларни сандуқлар ичида кийуруб, сандуқларни занжирлар била боғлаб, юқоридин йибарабердилар. Баҳодурларнинг сандуқлари камарларға етиб, горларға ва тешуқларға ўқ зарби билан ва сўнгу саҳми била барчани ўлдурди ва молларини олиб туштилар. Андин сўнг Мика қалъасини ва Болу ва Дараклу қалъасини олиб ер била тенг қилдилар. Ва андин фатҳ ва нуерат билан қайтиб ўрдуға келиб тушти.

Элабурқўхнинг орқасидағи вилоятларким, шимол сори эрди, ҳазрат Ҳаққ иноятдин мусаххар бўлди ва кофирлардин ул ерларни аритиб, фатҳ ва нуерат била йўлга кириб, Эрон сори мутаважжих бўлди. Назм:

Миниб отиға шоҳи гитинавард,
Ки ердин йана кукка еткурди гард.
Теванинг дароз уни етти ба моҳ.
Черик кирди ул лаҳза бари ба роҳ.
Аламлар кўтариб бариси зангор,
Алардин бўлуб ер юзи чун баҳор.

177а Бас, черик барча хуррам ва шодмон: ҳар бириға йигирми, ўттуз⁸³⁷ соҳибқирон (жамол) қизлар тушуб, /сонсиз мол ва аробалар била борур эрдилар. Йўлда зириҳгирларнинг⁸³⁸ улут-кичиклари барча ўтрув келиб, кўҳалар ва жаншанлар келтуруб, соҳибқиронға пешкаш торттилар. Ҳазрат тақи аларни йахши кўруб, иноятлар қилди. Ва қайтоғ эли ҳам амон тилаб, тобиҳ бўлдилар.

Соҳибқирони гитиситон ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло иноятдин Дарбанди Бокудин ўтуб, анда бир қалъа солдурди. Неча кун анда туруб, қалъа тамом бўлгондин сўнг юруберибди. Ва ҳазратнинг хайриким, саломат ва саодат қайтиб келадуруб, оламда тушти. Ва Ширвонотнинг ҳокими Шайх Иброҳимки, ҳазрат соҳибқирон била бу юрушда бирға эрди, ижозат тилади, деди: «Агар фармон бўлса, мен илгари бориб, соврин йароғиға машғул бўлайим». Ижозат била келиб, соврин йароғиға машғул бўлуб эрди. Соҳибқирон Ширвонотға кирди; Шайх Иброҳим ўтрув келиб, қуб пешкашлар ва совринлар тортти. Соҳибқирон андин кўчуб, Шамохидин ўтуб, Кур суйининг йақосида тушти. Ва ул ерда Шайх Иброҳим соҳибқиронға тўй бериб, йахши пешкашлар тортти. Соҳибқирон анга хосса тўни зарбофт кийдуруб, олтун камар, ханжар бериб, Ширвонотни булгон тавобити билан анга иноят қилди. Дедиким: «Дарбандни йахши сақлаб, андин хабардор бўлғил».

Соҳибқирон анда неча кун айш ва фароғат қилиб, андин кўчуб, Кур суйидин кечиб, Оқтом мавзъида тушти.

Соҳибқирони саодатнишон шаҳзода Мироншоҳни Озарбайжон забтиға ва қалъаи Аланчуқни қамал қилмоқ учун йибарғони

177б Темурбек Озарбайжон тахтини ва ул мамлакатнинг ҳукуматини Дарбанди Бокудин Бағдоқча ва Ҳамадондин Румғача амирзода Мироншоҳға берди ва андин/бурун ҳукм қилиб эрдиким, «Шаҳзодаға тааллуқ мулозимлариким, Хуросонда эрдилар, кўчлари била Озарбайжонға келсунлар!» Бас, шаҳзодаи жувинобахт ҳукм бўлгондин сўнг мутаважжих бўлди. Келиб соҳиб-

қирондин ижозат тилади. Ҳазрат шаҳзода билан кӯрушуб, юзига упуб, ижозат берди ва амирзода Рустам⁸³⁹ ва Жаҳоншоҳ Баҳодурни (лашкар била) анга қўшулди. Буюрдиким, «Аланчуқ қалъасини мусаххар қилгайлар!» Неча кундин сўнг шаҳзоданинг ҳарамлари ва бекларнинг хотунлари барча келиб қўшулдилар. Ва унғ қўлдаги кишиси ва черики Қаробог ва Наҳчивон ва Авникгача юртлар тутуб ўлтурдилар. Ва сул қўлдаги черики Совуқ Булоқ ва Даргизиндин то Ҳамадонгача ов олиб туштилар.

Сиржон фатҳининг қиссаси ва Йазд воқитъаси ва Баҳлул Неҳовандда муҳолифат қилгонининг сўзи

Ул маҳалдаким, соҳибқирони гитиситон Дашти Қипчоқда эрди, Сиржон қалъасиниким, уч йил эрдиким, соҳибқироннинг мулозимлари ани қамал қилиб олаолмайду эрдилар. Хоссатан Шоҳшоҳонким, Сеистон черики била қамал қилиб ўлтуруб эрди ва ичидаки муҳолифларнинг аҳволи андоқ хароб бўлдиким, Гударз кутволда олти кишидин узга тирик киши қолмади; заруратдин қалъани тобшурдилар ва Гударзни ўлдурдилар.

Ул юрушда Тамука Қавчинким, соҳибқирон Йазднинг даруғалигини анга бериб эрди, ўзи мулозиматда эрди, навкарларидин бировни ўз ўрнида даруға қўйиб эрди. Соҳибқироннинг /бу юруши узун-узоқ бўлгон жиҳатидин Султон Муҳаммадким, Абу Саъид Табасийнинг угли эрди, бир жамоат хуросонийлар биллаким, Музаффарийларнинг черикларидин Йазда қолиб эдилар, хаёли фосид ва савдойи маҳол бошлариға тушуб, шайтон васвасасиндин ва нодонлигларидин иттифоқ этиб, йаағи бўлдилар. Ва Тамуканинг қўйгон навкарини ўлдурдилар. Ва ул маҳалда вилоятнинг икки йиллик моли нақд бўлуб, (амволи девоний) қобиз эвида эрди. Ва (маҳди аъло) Сарой Мулк хоним учун неча харвор қумош сотқун олиб қўйиб эрдилар. Ул жоғиллар ул нақд бўлгон молни қумошлар била олиб шаҳардаги дўзиларни йиғиштуруб, тўнлар тиктурдилар ва андак фурсатда куб киши арозил ва авбошдин ва ўғри ҳаромзодалардин йиғилдилар ва амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх бу хабарни эшитиб, черик йиғиштуруб, Шероздин ул фитна дафъи учун Йазд сори мутаважжих бўлди. Бас, даруғалар Исфаҳондин ва Кермондин ва Қўхистондин ва узга ерлардин барча чериклари била Йаздга мутаважжих бўлдилар. Ва Йазд вилоятига куб киши келиб, шаҳарни қамал қилиб ўлтурдилар. Бу хабар соҳибқиронга етиб ҳукм бўлдиким, «Амирзодаи Пир Муҳаммад Жаҳонгир Темур Хожа билан ва узга беклар черики била Йазд сори боргайлар!» Бас, анда етконда Йазд теграсида андоқ ўт йўқ эрдиким, гала-қаронинг куни кечгай. Бу жиҳатдин черик эли от-улоғларини Қўшкизар йайлогиди ва Исфаҳон вилоятига йибариб, узлари йайғо қолиб, Йазд эшигига бориб шаҳарни ўртада олиб, ҳар кунда икки навбат уруш қилур эрдилар. Ва ўшул маҳалдаким, /соҳибқирони саодатманд Дашти Қипчоқда эрди, амир Мазид Барлоским, асл ва насабда назири йўқ эрди ва ўзи оқил ва доно киши эрди ва Неҳовандни соҳибқирон анга бериб эрди, ва бу Мазидбекнинг бир навкари бор эрди, Баҳлул оглиқ, йамон ва ҳароми ва бадбахт киши эрди, макр ва ҳийла била бекни тутуб ўлдурди ва Неҳовандни олиб, муҳолифат бунёд қилди. Ҳазрат соҳибқирон давлат иқболи била Ардабилга етти, Шайх Нуридинбекни Форс вилоятига мол забти учун Шерозга йибарди. Ул Шерозга етконда Севинчакбек Шероздин ҳазрат аъло сори мутаважжих бўлди ва ҳумоюн черики Ардабилдин кўчуб, Султонияга тушти. Ва ҳазратнинг иноят ва шафқат кўзи Султон Исаким, Мардиннинг ҳокими эрди, анга тушти. Уч йил эрдиким, бу Султон Иса бандда эрди. Ани банддин чиқариб, иноятлар қилиб, Мардинни йана анга берди ва нишон бериб, ол тамга била муҳр қилди. Ва Султон Иса беклар била аҳду шарт қилдиким, «То тирик бўлсам ҳаргиз мутобиъат ва инқиёд йўлидин чиқма-гаймен ва ҳар сориким, ҳазрат юрур бўлса, мулозиматдин айрилмагаймен». Бу бобда онт ичти. Ва, басе, Мардин сори ижозат била мутаважжих бўлуб кетти. Ул кетгондин сўнг ҳукм бўлдиким, «Амирзода Султон Ҳусайн ва Худододи Ҳусайнийн узга беклар била илгор этиб, Неҳованд сори борсунлар ва ул ерни муҳосира қилиб, Баҳлул бадбахтни жазосини берсунлар!» Ҳукмдин сўнг амирзода Султон Ҳусайн беклар била илгор солиб бордилар. Ва соҳибқирон Султониядин Ҳамадон сори мутаважжих бўлди. Амирзода

Султон Хусайн ва Худододи Хусайний ва ўзга беклар Неҳовандга еттилар; 179a наққора чалиб ва нафир уруб, келиб, /қалъани ўртада олиб, уруш солдилар. Қўб урушқондин сўнг қалъани олиб, мухолифларни ўлдурдилар ва Баҳлул кофирни тутуб, утқа куйдурдилар. Бу фатҳ хабари соҳибқиронга етти, соҳибқирондин ҳукм бўлдиким, «Неҳованддаги беклар Тустар сори мутаважжих бўлсунлар ва Курдистондаги йўл ургучиларни истаб, тутуб, ўлдурсунлар. Ва андин сув йақолаб Хурмузгача⁸⁴⁰ бориб, забт қилсунлар!» Алар ҳукм йўсуни била амал қилиб, Неҳованддин юридилар. Аммо ҳазрат соҳибқирон ҳазрат Субҳон иноятидин Ҳамадонга етти ва анда тушуб, рамазон ойини тоат ва ибодат била ўтқариб, ийдни анда қилди.

Соҳибқирони саодатманд фарзанди аржуманди амирзода Муҳаммад Султонни Хурмуз вилоятининг забти учун йибарғони

Ийд кунин соҳибқирони динпарвар намози ийд ўқуб, фақиру мискинларга садақалар бериб, тўйлар қилди ва амирзода Муҳаммад Султонни Шероз сори йибарди. Амир Ҳожи Сайфуддин ва амир Жалол Ҳамид ва амир Шоҳ Малик ва Арғуншоҳ Ахтачи ва ўзга бекларни анга қўшуб йибарди, то андаги вилоятларни забт қилиб Хурмузга боргайлар ва Хурмуздаги вилоятларни ҳам забт қилгайлар.

Барча ҳукм билан отланиб юридилар. Бу маҳалла хабар келдиким, «Йазд шаҳри фатҳ бўлди». Ва анинг воқиъаси андоқ эрмишким, Йазда боргон черик қўб ўлтуруб, қамал қилиб турурлар. Ва шаҳар ичида озук қолмай, шаҳар эли асру хароб бўлуб, ит, пишакни ебтурлар ва очлиқ жиҳатидин ўттуз минг киши ўлган эрмиш. Ва ул бадбахтлардаким, мухолифат қилиб эдилар, аларда куч ва қувват қолмагон эрмиш. Бас, шаҳар ичидин нағамлар уруб, /чиқиб қочтилар. Нусратшиёор черики алардин хабар билиб, аларнинг кейинларига тушуб юридилар. Абу Саъид Табасийнинг ўгликим, мухолифларнинг улуғи эрди, мансур черики Маҳрижирд мавзёида анга етиб, тутуб ўлдурдилар ва анинг била бўлгон кишиларни ҳам ўлдурдилар. Ва ҳазрат соҳибқиронга маълум эрдик, шаҳар элига гуноҳ йўқ турур ва раъиятда не гуноҳ бўлғай? Ҳукм бўлдиким, «Шаҳар мусаххар бўлгондин сўнг ҳеч киши раъиятқа нима демагай ва таламагай ва моли амон тиламасунлар!»

1796 Ҳукм келгондин сўнг шаҳар фатҳ бўлгонда беклар дарвозаларга туруб ҳеч кишини қўймадиларким, фақиру мискинларга зарар-заҳмат еткургайлар. Тамука Қавчинким, Йазднинг даругаси эрди, навкарлари била шаҳарга кирди ва ўзга черик элидин ҳеч одамни киргали қўймадилар.

Соҳибқирони динпарвар шафқатидин ҳеч киши ул шаҳар элига музоҳим бўлмади ва фақиру мискинга заҳмат тегмади. Аммо ул бадбахтлар зулмидин шаҳар асру хароб бўлуб эрдиким, ҳеч (бир) дўконда эшик қолмайдур эрди. Аммо фатҳ бўлгондин сўнг оз фурсатда йана андоқ бўлдиким, бурунгидин йахшироқ ва маъмур, обод бўлди.

Бу фатҳ хабари соҳибқиронга еткондин сўнг ҳукм бўлдиким, «Шаҳзодалар вилоятларига борсунлар ва черик эли эвларига ёниб борсунлар!» Ҳукм бўлгондин сўнг амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир Хуросон йўлидин Кундуз ва Бағлон сори мутаважжих бўлди. Ўзга ҳар киши ўз эвлари сори бориб тушуб, айшу фароғат била машғул бўлдилар.

Соҳибқирони комкор беш йиллиқ юришдин қайтиб, Самарқанд бориб тушқони

180a Соҳибқирони гитиситон ёз маҳалида, сичқон йилда, шаввол ойининг ун бирида, /горих етти юз туқсон саккизда⁸⁴¹ (18.07.1396) саодат ва иқбол била Ҳамадон вилоятидин Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Ва бир йахшии ўтлоқ ерда тушуб киши йибардиким, «Жаҳоншоҳбек Аланчуқ қалъасининг ишини Султон Санжар ва Ҳожи Сайфуддинбекка ва мирзо Мироншоҳнинг мулозимларига тобшуруб, ўзи амирзода Муҳаммад Султоннинг

кейшида Форс вилоятига борсун!», соҳибқирон ўшул кун ов солиб, андаги саҳрода жирга солиб, тамом саҳрони туттилар. Тонгласи жирга бир-бирига етиб, соҳибқирон отланиб, жирга ичига кириб, ҳар турлук жонворлардин кўб отқулаб, йиқиб олди. Ов қилгондин сўнг Абдулмалик Қарохонким, Аланчуқ қальасидин келиб эрди, ани йибардиким, мирзо Рустамни келтургай. Султонияга етконда амирзодаи мушори илайҳи Аланчуқ қальасидин қайтиб анда тушуб эрдиким, Абдулмалик етти. Чун шаҳзода билдиким, соҳибқирон ани тилабтур, таваққуф қилмай юруберди. Бас, ҳазрат соҳибқирон черикка ижозат бериб, ўғруқдин илгари бўлуб, саодат била йулга кириб уч манзил ва тўрт манзилни бир қилиб тез юрур эрди, токим Варомин мавзёида етиб тушти. Амирзода Рустам анда етиб, ҳазратнинг муборак дийдорига мушарраф бўлди. Ва андин ижозат бердиким, «Шерозга бориб амирзода Муҳаммад Султон била турсун!»

180б

Соҳибқирон ул маҳалдаким, Дашти Қипчоқдин ёниб келур эрди, Сакизак Тавочини Самарқандга Шоҳрух мирзога йибариб эрдиким, «Амирзода Або Бакрким, анда эрди ва анда қолгон беклар била бизга йибарсун!» Соҳибқирон Бистомга етконда амирзода Або Бакр келиб ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлди. Соҳибқирон/шаҳзодани йахши кўруб, юз минг олтун куншакий инъом қилди. Ва Тахуртан тортқон кумайт отишиким, андоқ от оламда йўқ эрди, анга берди ва анинг била келгон навкарларига инъомлар қилиб, Табриз вилоятига атоси мирзо Мироншоҳ қошига йибарди. Ва ўзи давлат била юруб ҳар ердаким, стар эрди, андаги беклар ва арбоблар ўтрув чиқиб, ҳазратнинг муборак дийдорига мушарраф бўлуб, пешкашлар ва совринлар тортар эрдилар. Ва соҳибқирон тақи ҳар вилоятгаким, етиб тушар эрди, ўзи девонда ўлтуруб, рийоят ва фақиру мискинларнинг аҳволин сўруб ўтар эрди. Аллоҳдодбекни Хуросон вилоятида қўйуб, ўзи Мовароуннаҳр сори юриди. Аму суйига етиб, кема била ўтуб, Хузор вилоятида келиб тушди. Ҳарамлари Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва ўзга оголар, оли! Султонбахт бегим ва шаҳзода Шоҳрух била ўтрув чиқиб келиб, давлати дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва барчанинг умид кўзлари муборак дийдоридин йааруқ бўлуб, ғамгин кунгуллари шод бўлуб, хуррам бўлдилар. Ва андин ҳазрат соҳибқирон кўчуб, Кеш вилоятига келиб, ўзи соғон кўшқда тушти. Ва тонгласи отланиб, мутабаррук мазорларнинг тавофига борди. Аввал Шайх Шамсуддин Кулор мазорига бориб тавоф қилди ва андин сўнг ўзга азизларининг мазорларига бориб тавоф қилди ва андаги мужовирлари била фақиру мискинларга кўб садақалар берди. Андин атоси Тарағайбекнинг мазорига ва ўғли мирзо Йаҳонгир ва қариндошларининг мазорларига бориб тавоф қилди. Ҳофизлар Қуръон ўқуб, дуо ва такбир дедилар. Ҳофизларга кўб нималар шафқат қилди. Ва ҳар ердинким, уламолар ва фузалолар келиб эрди, барчани лутфу инъом била хушвақт қилди. Подшоҳзодалар ва беклар барча Оқсаройда тўй этиб, айшу ишратқа машғул бўлдилар. Ва андин саодат ва иқбол била кўчуб, Кеш уқбасидин ўтуб, Самарқанд шаҳрига бориб тушти. Шаҳар эли ойин боғлаб, ҳар ажойиб ва ғаройибким, шаҳарда ва оламда бор эрди, анда зоҳир бўлуб эрди. Ва йахши созандалар ва хонандалар ҳар ерда туруб, саз чалиб, нағма ўқуб, соҳибқироннинг келгонидин шодмонлиқ қилур эрдилар.

181а

Соҳибқирон аввал авлиёларнинг мазорларига тавоф қилди ва фуқаро ва масокинларга кўб садақалар берди. Тавофдин сўнг келиб давлат тахтида ўлтурди ва тўй тартибига машғул бўлуб, айшу ишрат қилабошлади. Ва мурассаъ оқ уйлар тикиб ва шомиёна чодирлар уруб ўлтурди. Соҳибжамол соқийлар олтун иёлалар эликларига олиб, «нушбод» ва «хушбод» уни кўкка чиқти. Ва муғаннийлар арғанун ва уд ва қонун ва (қўбуз ва) ҳар турлук саз чалмакка машғул бўлдилар⁸⁴².

181б

Неча кун айш-ишрат қилгондин сўнг ўзга вилоятнинг тафаҳхусига ва раъёио аҳволига машғул бўлуб, йахши-йамондин сўрай бошлади. Ва содот ва уламо ва машойих ва сулаҳоним, мамлакатларда бор эрдилар, барчани чорлаб, инъом ва лутф қилди. Ва алардин фақиру мискиннинг аҳволларини суруб, йахши тафаҳхус қилди. Ва ҳар кишига золимлардин зулм тегиб эрди, ул мазлумнунг додини золимлардин олди. Зулмдорлар ва мутағаллибларни банд қилиб, айғларига кунда солиб, бўюнларига душоха солиб, йахши иззалар қилди. Ва баъзини ўлдуруб, хонумонини талон қилдурди ва уч йиллик молу харжини раъёиога бағишлади. Ва ҳар вилоятда бир йахши

кишини йибардиким, «Раъёйи аҳволидиди хабардор булғай ва ҳар вилоятда-
ким, фақиру мискин ва дарвешу мустаҳаққ бўлса йиғиштируб, йиллиқ озуқ
ва тун ва кунгалак танабон ва кафин ва этук ва фуға ва дастор берсунлар ва
қишлиқ ва ёзлиқ тунлар берсунлар!»⁸⁴³ Бас, барча вилоятларнинг ақобиру
ашрофлари ва раойо ва фақиру мискинлари анинг давлатидин хуррам ва
хушҳол бўлуб, дуо била айтур эдилар, шеър:

Ки, ё Рабб! Бу султони соҳибқирон,
Ки тобти жаҳон мулки андин амон.
Анинг умрига бергил анча бақо,
Ки булғай жаҳон ичра арау само.
Муродиға еткурсин, эй Бирубор,
Фалак ичра, ё Рабб, ани қилма зор.

Бас, соҳибқирон ул қиш Самарқанднинг арки ичинда Қўқсаройда давлат
била ўлтуруб, адлу дод била машғул бўлди. Ва амирзода Пир Муҳаммад
Умаршайхким, Форс вилоятидин кўрунушға келиб эрди, ижозат бериб,
йана Шерозға йибарди. Ва бу маҳалда амирзода Муҳаммад Султонға Ҳаққ
субҳонаҳу ва таоло бир ўгул каромат қилди. Отини Муҳаммад Жаҳонгир
қўйдилар ва тўйлар қилиб, неча кун йана айшқа машғул бўлдилар. Ва бу
хабарни Тўра Малик Қавчин шаҳзодагаким, Форс вилоятида эрди, элтти.

Боғи Шимол тилло қасрини соҳибқирои иморат солғони

182a Бас, аввал баҳордаким, офтоби оламтоб Ҳамал буржида келди, устакор-
лар йахши соатда Боғи Шимол тарҳини солдилар. Ва шаҳарнинг шимоли
сорида эрди. Ул жиҳатдин ани Боғи Шимол от қўйдилар. Анинг ичида бир
кўшк солдурди, бағоят/такаллуфлуқ ва зебо ва ҳар ердаким, устакорларни
соҳибқирон вилоятлардин — Ироқ ва Форс ва Бағдод ва Шероздин йибариб
эрди, барча мунда жамъ бўлуб, ишға машғул бўлдилар. Жумада ал-охир
ойида, тарих етти юз тўқсон тўққузда, уг (сигир) йилда (март 1397)
фархунда соатда иморат ишига машғул бўлдилар. Ва тўрт ҳисса қилиб, ҳар
бир ҳисса устига бир жамомат устакорларни маингул қилдурди ва алар
устига бир бекни муҳассил қўйди. Беклар ихтимом қилиб, кеча-кундуз
ишлатур эрдилар. Соҳибқирон бир ой йарим ўзи туруб жаҳд этар эрдилар.
Андоқ иморати олий солдурдиларким, бийиклик жиҳатидин кўк била ҳам-
роз бўлуб эрди. Ва ҳар буржида мрамар тошидинким, Табриздин келтуруб
эрдилар, сутунлар қўйдурдилар ва томларини олтул ва ложувард била нақш
қилдилар, ва фарши (саҳни) тамом мрамар тошидин солдурди. Алқисса,
йари бўлдиким, жаннатбарин ва журайтъайн андин рашик элтур эрди. Ва
тамом булгондин сўнг йахши тўй бериб, беклар ва шаҳзодалар била неча
кун кўшкда суҳбатлар тутуб, фароғатлар қилди.

Соҳибқирони динпарвар Хуросон вилоятини Шоҳрух мирзоға берғони

182b Соҳибқирони мамоликситонға бовужуд улким, ўғлон-ушоқлари кўб эрди
ва ҳар бири бир вилоятда подшоҳ эрди. Аммо ҳазрат соҳибқирон давлат
нишонасини шаҳзода Шоҳрухдин зоҳир кўрар эрди. Ложурма, бу жиҳатдин
раъйи мамлакаторойи андоқ иқтизо қилдиким, Хуросон вилоятиким, тўр-
тинчи иқлим турур ва маъмура оламнинг ўртаси ул турур ва ҳолоким тирик
турур, бу вилоятни шаҳзодаға/бергай. Ул маҳалдаким, Боғи Шимолда
тўйлар қилиб, фароғат била ўлтуруб эрди, Хуросон ва Сеистон ва Мозанд-
рон ва Рай Ферузқўғача шаҳзодаи некбахт шаҳзода Шоҳрухқа берди. Ва
улғ беклардин Сулаймоншоҳбек ва амир Мизроб Жаку ва Саййид Хожа
Шайх Али Баҳодур ва Абдуссамад Ҳожид Сайфуддин ва (Ҳасан Жондор ва
Малакат ва бунинг ўғли Жаҳонмалик ва Пир Муҳаммад Фулод ва
Ғиёсулдин Тархоннинг ўғулларидин Али Тархон ва) Ҳасан Сўфий ва
қавчинлардин Тўплоқ ва Кепакчи (Юртчи) ва Тағай Мерган ва Ўлжа

Буғай Мажалкачи на Шайх Али на Мирак ва ғайруҳум. Бу бекларни хона кучлари била шаҳзодага тобшурди. Ва узга беклардин ҳар бирининг ўғлини, ғ инисини шаҳзоданинг мулозиматиға тобшурди. (Ҳазрат соҳибқирон ёрлиғ била) Хуросон вилоятининг пишонини (анга) иноят қилиб, ижозат берди. Назм:

Агарчи ижозат анга сахт эди,
Вале лойиқи шоҳий ва тахт эди.
Ани чорлатиб қучти ул шаҳриёр,
Ўнуб юзига деди ул комкор:
«Ки Тенгрига тобшурдим, эй жон, сени,
Мудом асрағай лутфи Йаздон сени».
Чу шаҳзода тобти ижозат равон,
Равон бўлди ул хусрави комрон.
Синоҳий анинг бирла эрди қарин,
Ки ҳар бири эрди чу шер барин.

183a Бас, саодат ва иқбол била йўлга кириб Аму суйиға етти. Шаъбон ойида, етти юз тўқсон тўққузда (май, 1397) барча черик била сувдин утуб Андхудга етти. Ва андин кўчуб, кеча-кундуз суруб, Чечактуға етиб тушти. Оқ Буғабек билан содат ва уламо ва фузало Ҳирот шаҳридин чиқиб, шаҳзодага утрав келиб, пешкашлар тортиб, кўрунуш қилдилар. Бас, шаҳзода била Ҳирот сори мутаважжих бўлдилар. Шаъбон ойининг аёғида (28.06.1397) Саъд толийи била ва йахши соатда/Қўҳдистон (мурғзорида) тушти ва ул мамлакатни адл ва ихсон била музаййан ва ораста қилди. Рамазон ойи анда туруб, фароиз ва суннат қиём қилиб, Рамазон ойини кечурди ва Қўҳдистондин шаҳарга кириб, Боғи зогонда ўлтурди. Бас, Хуросон вилоятининг даруғалари ва ҳокимлари ва Мозандарон ва Сеистон вилоятининг даруғалари барча пешкашлар била келиб, шаҳзодани кўрдилар. Ва ҳар вилоятдаким, шаҳзодалар бор эрди, барча муборакбод учун кишиларини пешкаш била йибардилар. Ушбу йилнинг охирида, зулҳижжа ойининг йигирми бирида, (жумъа кечаси) тарих етти юз тўқсон тўққузда, ут йилда (15.09.1397) шаҳзодага худойи таборак ва таоло бир ўғул каромат қилди. Ва бу хабарни соҳибқиронга йибарди. Ҳазрат ани Бойсунғур от қуйди.

Соҳибқирони динпарвар Кеш вилоятиға борғони ва амирзода Муҳаммад Султон Форс (юришидин) келғони

1836 Шаъбон ойида, мазкур булғон йилда отланиб, Йом работининг йулидин юруб, Кеш жилғасиға тушуб, оқ уй ва чодирлар тиктуруб ўлтурди ва айшу ишрат била неча кун фароғат қилди. Ва андин кўчуб шаҳарға бориб, (Оқсаройда тушти ва муборак Рамазонни анда ўткарди. Ва саодат билан андин кўчуб), Султон Аргуч йайлоғида тушти. Бу маҳалда беш йиллик юрушдинким, айтиб эрдук ва амирзода Муҳаммад Султон ҳукм била Хурмузга бориб эрди, аларнинг қиссаси мундоқ турур. Чун шаҳзода Шероздин отланур хаёли қилғонда беклар била кенгашти ва ҳар бириға бир йўл муқаррар қилдурди. Ўзи Доробширд⁸¹⁴ йулидин ва Торимдин⁸¹⁵ юриди. Ва Жаҳоншоҳбек ва узга беклар шаҳзоданинг мулозиматида эрдилар. Ва Ҳожи Сайфуддинбекка марази воқий бўлуб эрди, бу жиҳатдин Гирболда ўғруқда қуйдурди./Ва амирзода Рустам Умаршайхким, баронғорда эрди, Шоҳ Маликбек билан Козерун йулидин дарёни йақолаб юридилар. Ва амир Ҳалол Ҳамид ва Аргуншоҳ Ахтачи ва Баён Темур Беккичик Жета Жаҳрум ва Лор⁸¹⁶ йулидин мутаважжих бўлдилар. Ва сўл қўлдин Идику Барлос Кермондин юруб, Кач, Мекронни чошиб, кўн мол олдилар. Ва бу тартиб била ҳар бек бир йўлда юруб, ҳар вилоятқаким еттилар ва ул вилоятнинг даруғаси мутий бўлуб, ниёз йулидин кирар эрди, ул вилоят амон қолур эрди. Ва тобий бўлмағонларни мулк ва молларини бир-бир этар эдилар, токим Эски Хурмузга⁸¹⁷ еттилар. Ва анда етти қалъани мусаххар қилдилар. Аввал қалъаи Таг Зиндонни олдилар ва ани бузуб, Қўнқакка бордилар.

Ани тақи бузуб, Шомил қалъасига бордилар. Ва ани тақи бузуб, Эски Хурмузга бориб, Мина қалъасини олдилар. Ва ул қалъага ут солиб, куйдурдилар. Ва Манужон ва Тазрак ва Тозиён қалъаларини тақи олдилар⁸⁴⁸. Ва Хурмуз даругаси Муҳаммад Шоҳ Малик дарега балигдек кириб, Жарун жазирасида борди ва андин киши йибариб, амон тилади ва қуб туҳфалар йибариб, молу хирож қабул қилди. Ва ул ернинг хирожки уч юз минг олтун кўппакий эрди. Ва тўрт йил эрдиким, ул киши нима бермайдур эрди. Бас, ул тўрт йиллик молни ҳам қабул қилди ва бирор нима инжудин ва рахт ва қумош йибарди. Ва қолгонини қабул қилдиким, «Йибаргаймен!»

184a Бас, амирзода Муҳаммад Султон андин кўчуб, давлат ва иқбол била қайтти. Ва Нурмалик Барлоским, Идику Барлоснинг қардоши эрди, йибардиким, ул қишда Жируфтда туруб, муҳолифлардин ҳар ким бош чиқарса ани тутуб ўлдурсун. Ва ул баҳорда Шерозга ёниб/келсун. Узи давлат ва саодат била Шероз сори қайтти ва таваққуф қилмай Хузистон сори юриди. Ва амир Ҳожи Сайфуддин Йааз йўлидин соҳибқирон мулозиматиға озим бўлди. Ва шаҳзода Хузистон (ва Луристон ва аларға) таъаллуқ барча ерларни мусаххар қилди. Ва анда юругонда бир кун шаҳзода отланиб туруб эрди Жамолиддин Ферузқўхий йайоғ шаҳзоданинг жиловида туруб эрди. Ул бадбахтқа ажал етиб, «*ла йастаъхируна са'атан ва ла йастақдимуна*»⁸⁴⁹ мундин хабар берурким, ул бадбахтнинг кўнглида кечтиким, гофилда шаҳзодага пичоқ урғай. Шаҳзода гофил туруб эрдиким, пичоқ солди. Ва ул пичоқдин андак жароҳати шаҳзоданинг муборак вужудиға тегди. Ва узи қўрқунчдин тоғ сори қочти, тоғдин бош тубан йиқилиб ўлди. Ва шаҳзоданинг баъзи мулозимлари анинг кейнида югурдилар. Ани бир дара ичида тобтиларким, ўлуб ётиб эрди. Бас, бошини кесиб келтурдилар. Шаҳзода андин музаффар ва мансур қайтиб, Буружирд ва Ҳамадон йулидин Самарқанд сори таважжух айлади. Ва Султон Артуҷ йайлоғида келиб соҳибқироннинг дийдориға мушарраф бўлди ва пешкашлар тортиб, ҳар неким воқеъ бўлуб эрди, арз қилди. Ҳазрат соҳибқирон шаҳзоданинг дийдоридин суйунуб, оғоз айшу ишрат қилиб, суҳбатлар тутуб, фароғатлар қилди. Бас, ул йайлоқдин кўчуб, йана Самарқанд борди.

184b Ва маҳди аъло Хонзода Табриздин соҳибқирон мулозиматиға келди, Бас, Самарқандқа йақин етконда фарзанди аржуманди Муҳаммад Султон мирзо ўтрав чиқиб, аносини кўрди. Ва у хотуннунг кўзи фарзанд жамолидин йааруқ бўлди. Ва соҳибқирон дийдоридин ҳам йааруқ бўлуб, «*нуран ала нуран*» анга муйассар бўлди ва қуб пешкашлар, зардўзлуқ тўнлар/ва эгар-югани олтун отлар соҳибқиронға тортти. Ва бўлгон шаҳзодаларға ҳам ушбу тариқ отлар миндуруб, тўнлар кийдурди.

Соҳибқирон Хизр Хожахоннинг⁸⁵⁰ қизини ўзига тилағони ва шаҳзода Искандар⁸⁵¹ учун Бекиси Султонни⁸⁵² олғони

Ҳазрат соҳибқиронға кадхудолик била қуб майли бор эрди ва йана шаҳзодаларға ҳам майли бу эрдиким, аларни мужаррад қўймағай. Бас, Шамъи Жаҳонким, Хизр Хожахоннинг ўғли эрди, подшоҳона хилъатлар кийдуруб Самарқанддин атоси қошиғаким, Мўғулистонда эрди, йибарди, то ҳазрат соҳибқирон учун синглини атосидин тилаб йибаргай. Ва Гийсуддин Тархонни ҳам бу муҳим (иш) учун қуб пешкашлар била рахт ва қумош ва отлар подшоҳона йароғ била Шамъи Жаҳонға қўшуб йибарди ва ўзи Кониғил мурғзорида ўлтурди. Ва ул маҳалда маҳди аъло Маликат ого⁸⁵³ Хиротдин келди ва қуб пешкашлар келтуруб тортти.

Ва ҳазрати олий туй тартибиға ишорат (қилди). Шаҳзодалар ва беклар барча йароғларини шаҳардин чиқариб, хайма ва хиргоҳ ва саропардалар тикти. Чодирлари ва оқ уйлари барча зарбофт қумошлардин эрди. Бас, шодмонлик дастурхонини тортиб, комронлик ширасини торттилар. Уд ва анбар куйдуруб, димоғлар муаттар бўлур эрди. Ва лаялдек бодалар ва олтун, кумиш сароҳийлар териб, муганнийлар нағмалар татиб, созандалар соз чалиб, «Хушбод ва нушбод!» уни фалак узра чиқти. Комкор шаҳзодалар била номдор салотинлар ва олиймиқдор бузруғлар, ақобиру ашрофким, ҳар

185a

соридин келиб эдилар, ҳар киши ўз ерига ўлтурди. Ва йасовулар эгар-югани олтун отларга миниб, эликларига олтуңдин гурзилар олиб, йасавул-луқ қилур эрдилар. Ва соҳибқироннинг/ҳарамлариким, ҳар бири бир Билқиси замон эрди, бошларига мурассаъ тағтоқлар ва олтун била тиккон тунлар кийиб, хуршидтек тахтлари устида ўлтурур эрдилар. Ва ойдек қизлар ва хизматкорлар хизматда туруб эрдилар. Ва жонпарвар сувчилар ва дилнавоз соқийлар барча карашма ва ноз била туруб, созандалар ва хонандалар барча ишларига машғул бўдилар. Ва аларнинг ичида Хожа Абдулқодирким, нодирул-аср ва йағонаи замона эрди, уд оҳангини тузуб, Довудтек нағма эгиб, бу дуони дер эди. Назм:

Жавод давлати шоҳи соҳибқирон,
 Жаҳони эрур хурраму шодумон.
 Ҳамиша жаҳонда эрур хуррами,
 Бари халқ ичадур майи бегами.
 Хуш ул шоҳеки, адл этти ва дод ҳам,
 Жаҳондин кетардир тариқи ситам.
 Гулу лолага токи бўлгайму ранг,
 Жаҳонга саботу заминда даранг.
 Ҳамини анинг юзи чун офтоб,
 Йааруқ бўлгай ва даҳрда комёб.

Бу тариқ била уч ойгача айшу ишрат қилди ва Бекиси Султон бегимни шаръи мутаҳҳара йусуни била Искандар Мирзога берди. Ва андин сўнг Хонзода бегим ижозат тилаб, Бухоро йўлидин Табризга борди.

Ҳазрат соҳибқирон Дилкушойи боғини ва кўшқларини иморат солғони

185b

Егги юз тўқсон тўққузда (1397) (куз бошида) соҳибқирон фармонлади-ким, «Кониғилнинг бир ёнида боғи тарҳ солсулар!» Бас, ҳунармандлар ва муҳандислар соат ихтиёр қилиб, йахши соатда ҳукм йўсуни била боғнинг тарҳига машғул бўдилар. Мураббаъ тарҳи солдиларким, ҳар ёни минг беш юз қари эрди⁸⁵⁴ ва ҳар бир томида бир дарвоза қўйдилар ва олий тоқилар боғладилар ва кошин/била зебу зийнат бердилар. Ва ҳар буржида бир кабутархона кошинкорлиқ йасадилар. Ва боғ ичида ҳар турлук мевалиқ йағочлар тикдилар. Ва майдонлар ва гулистонлар тарҳ қилиб, майдонларнинг теграларида терак йағочлар тарҳ била тикдилар. Ғоят такаллуфидин ани Дилкушойи от қўйдилар. Ва анинг ичида бир кўшқи солди, уч тоқ била. Ул тамом бўлгондин сўнг ул боғни Тўкал Хонимким, Хиэр Хожахоннинг қизи эрди ва соҳибқирон анииг учун киши йибариб эрди, боғни анга номзод қилдиким, ҳар қачон келса, бу боғни анга бергай.

Бас, Дилкушойи боғининг иморати тугангандин сўнг соҳибқирони дин-парвар Тошканд сори мутаважжих бўлди ва Сайхун суйидин утуб, Оҳангаронда, Чинос қарйаси йақинида тушти ва анда қишлоқ солдурди. Ва соҳибқирон Йассаифа бориб, Шайх Аҳмад Йассавий мазорига бориб тавоф қилди. Деди: «Бу азиз Муҳаммад Ҳанифа ўғлонларидин турур», алайҳи ва ала олиҳи вассалом. Буюрдиким, ул мазорига устига иморати олий солдилар ва бир улуг тоқ боғладиларким, кўк била сўзлашур эрди. Ва бир гунбади мураббаъ, бир ёни ўттуз қари боғладилар, ва ўзга ҳужралар солдилар. Ва фармон бўддиким, томларини рангин кошин била музаййан қилсулар. Ва Хожанинг қабрини оқ тош била йасадилар. Ва Мавлоно Убайдуллоҳ садрни ул иморат устига қўйдурдиким, ихтимом қилгай. Икки йилдин сўнг ул иморат туганди. Ул иморат туганганидин сўнг андаги фақиру мискинларга куб садақалар бердилар. Ва андин қайтиб, ўрду сори кетти⁸⁵⁵.

186b

Анда хабар келдиким, Тўкал Хонимни келтурурлар. Бас, барча оғолар ва бегимлар ҳукм била ўтрув бориб, ўн беш кунчилик йўл ўтрув/бориб, аларга етиштилар. Қумошлар ва йахши отлар пешкаш тортилар. Ва қайтиб келурда ҳар ердаким, тушар эрдилар, тўйлар берур эрдилар. Панжшанба куни, рабъ аввал ойининг гуррасида, тарих саккиз юзда (22.11.1397)

юз оийн ва такалуф била ул хонзодани ҳазрат соҳибқироннинг боргоҳига келтурдилар. Бас, фармон бўлди: «Улуғ тўй тартиб этсулар!» Шайхулисом ва қуззот ва уламоларни ҳозир қилиб, ул хонлиқ гавҳариини (шаръи мутаҳҳара интизоми била) соҳибқирон ақдига киюрдилар. Ва оғолар ва шоҳзодалар барча «Муборакбод!» деб, сочиқлар сочтилар. Ва анча сочиқ сочиб эрдиларким, ер юзи кўринмас эрди ва қуб андағи мулозимларким, ул сочиқдин олиб эрдилар, айшлар ва фароғатлар қилдилар. Ва бекларнинг хотунларига қуб инъомлар қилди. Ва элчиларким, Хитой мамлакатининг (тўнғиз) хонидин келиб пешкашлар келтуруб эрдилар, беклар элчиларни соҳибқиронга кўрсаттилар ва сўзларини арз қилдилар.

Офтоб Хут буржида етконда (19 феврал) соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Амирзода Муҳаммад Султон Муғулистон сарҳадига бориб, забтга машғул бўлсулар!» ва Ашшарада қалъа солиб, зироат қилтурғай. Ва Бердибек Сари Буға ва амир Ҳожи Сайфулдин ва Худододи Ҳусайний ва амир Шамсуддин Аббос ва ўзга бекларни қирқ мишг киши била шаҳзоданинг мулозиматида қўйди. Бас, алар юруб, Қулон уқбасидин ўтуб, Аншарага етиб, анда туштилар ва иморат ва зироатқа машғул бўлдилар.

1866 Кун Ҳамал буржида етконда (21 март, 1398) соҳибқирони динпарвар қишлоқдин Самарқанд сори мутаважжих бўлдилар ва Хўжанд суйидин ўтуб, Самарқандда келиб тушти. /Амирзода Шоҳрух Ҳиротдин келиб, ҳазрат соҳибқироннинг дийдорига мушарраф бўлди. Соҳибқирон шаҳзода била кўрушуб, қуб сўрди ва шаҳзода тақи келтургон пешкашларини тортиб, дуолар деди⁸⁵⁷.

Неча кундин сўнг кўчуб, Кеш сори мутаважжих бўлди. Ва йўлда бир тоғи воқий турурким, ул тоғдин Самарқандгача етти йағоч йўл турур ва ул тоғнинг оғзида оқар сув чиқиб борур эрди. Соҳибқирон ул тоғқа чиқиб кўрдиким, иморатқа лойиқ ер турур. Ва ҳар ердаким, ўшандоқ (иморатқа) қобил ер кўрса эрди, ул ерда албатта бир иморат солур эрди. Мунда етконда ҳукм қилдиким, «Боғи солсуларким, бу сув анда борғай, ва ул боғнинг ичида қасри солсулар!» Бас, ҳукм била анда боғи солиб, тутангандин сўнг ани Тахти Қароча от қўйдилар. Ва ҳазрат икки кун анда туруб кўчуб, тоғ этагидин Йом работга бориб тушти ва андин кўчуб, Кешда етиб, турмай Элчи Балиғқа бориб туштилар. Ва неча кун анда туруб, айшу фароғат била ўткарди.

Соҳибқирони олиймакон Ҳиндустонга таважжух қилгонининг сабаби

187a Соҳибқирон Қундуз ва Бағлон ва Кобул ва Ғазнин ва Қандаҳорни тавоибъ ва лавоҳиқлари била Ҳиндгача шаҳзода Пир Муҳаммад йҚахонгирга бериб эрди. Бас, ул мамлакатларни шаҳзода забт қилиб, доду адл била ораста қилди ва андин юруб, ўзга вилоятлар сори мутаважжих бўлди. Ва беклари Сайфул Қандаҳорий ва амир Қутбуддин, (амир Сулаймоншоҳ амакисининг ўғли) ва Бадахшон шоҳлари (Шоҳ Лашкаршоҳ) ва Шоҳ Баҳовуддин ва Баҳлул ва Муҳаммад Дарвеш Барлос ва Қиморий Иноқ ва Темур Хожай Оқ Буға ва Сайфул Никударий ва Ҳасан Жондор ва Маҳмуд Барот Хожа ва Синд суйидин ўтуб, Кўҳи Сулаймондағи⁸⁵⁸ авғонийларни чобтилар ва Синд суйидин ўтуб, Уч⁸⁵⁹ шаҳрини уруш била олдилар. Ва андин юруб Мўлтонга⁸⁶⁰ еттилар ва Мўлтон шаҳрини қамал қилдилар. Ва Мўлтоннинг ҳокими Саранғким, Маллунинг улуг ағоси эрди ва Султон Ферузшоҳ улгондин сўнг бу икки ағо-ини мамоликни олиб эрдилар ва Султон Маҳмудким, Ферузшоҳнинг набираси эрди, ани подшоҳ кўтариб, Ҳиндустон ҳукуматини бу икки ағо-ини қилур эрдилар. Ва Маллу Султон Маҳмуд била Деҳлида эрди ва Саранг — Мўлтонда. Бас, мансур черики келиб Мўлтонни қамал қилиб, кунда икки қатла уруш солур эрдилар. Ва Темур Хожа Оқ Буға қуб савъий қилур эрди. Ва бу хабар ҳазрат соҳибқиронга етти ва соҳибқирон ул маҳалда азимат қилиб эрдиким, Хитой кофирларига юругай. Ва беклар барча йигилиб, соҳибқиронга арздошт қилдиларким, Ҳиндустон мамлакатида, бовужуд улким, баъзи вилоятида аъломи дини Муҳаммадий алайҳиссалом, анда кўтариб эрдилар, мисли Деҳли

вилоятда ва гайруҳу. аммо баъзи вилоятларким, йақинида турур, кофир ва бутпараст турурлар. Соҳибқироннинг нияти доим ул эрдиким, кофирлар била газот қилғай. Бас, бу жиҳатдин черик йиғиштуруб, Ҳиндустон вилоятига бормоқ учун озим бўлди⁸⁶¹.

Соҳибқирони гитиситон Ҳиндустон сори мутаважжих бўлғони⁸⁶²

1876 Ражаб ойида, тарих саккиз юзда, барс йилда (март-апрел, 1398) соҳибқирони саодатмаид газо нияти қилиб, Ҳиндустон сори мутаважжих бўлди. Ва бу йахши ният учун *Насрун мин Аллоҳи ва фатҳуни қарибу*⁸⁶³ анга ҳазрат Иззатдин зоҳир бўлди: *Лақади насарақуму-Илоҳ би-Бадмин*⁸⁶⁴ анга рафиқ бўлуб, мадад қилди. Ва сонсиз черик била аввал баҳорда/ул вилоятлар сори мутаважжих бўлди. Ва шаҳзода Умарким, мирзо Мироншоҳнинг ўғли эрди, Самарқанднинг забтига ани Самарқандда қўйди. Соҳибқирони комкор Термиз вилоятига етиб, Хулмдин ўтуб, Ғазни ва Самангон йўлидин юриди, Бағлон уқбаларидин ўтуб, Андаробда тушти.

Соҳибқирон Катур⁸⁶⁶ сори мутаважжих бўлғони

Соҳибқирон Андаробга тушти. Ул ернинг улуг-кичиклари келиб, ҳазратни кўруб, Катур (ва сиёҳпўш) кофирларининг зулмидин дод тиладилар ва дедилар: «Биз бир жамоат мусулмонлар, бизким бу ерда ватан қилибиз, Катур кофирлари ҳар йил биздин куб мол олурлар. Ва агар бермасак, эранларимизни⁸⁶⁵ ўлдуруб, хотунлар ва ўғлонларимизни асир қилурлар». Соҳибқирон бу сўзни эшиткондин сўнг ғайрати келиб, деди: «Бизга вожиб бўлдим, аввал бу кофирларни йўқ этиб, ўзга сори борғайбиз». Бас, таважжух юзини Катур кофирлари сори қилиб, черикидин ҳар ўн кишидин уч йахши йигитни олиб, давлат ва саодат била отланди. Ва амирзода Шохрухни қолгон черики била Ғунон ва Йактур йайлоғида (ўғруқда) қўйуб юруберди⁸⁶⁷. Қунда икки қатла кўчуб юрур эрди, Парийон мавзеида етиб тушти. Амирзода Рустам ва Бурҳон Уғлонни (ўзга амирлар била Катурси Бузург ва сиёҳпўшлар тарафига), ўн минг кишини сўл қўлдаги кофирлар сори йибарди. Ва ўзи муборак нафаси била отланиб юрур эрди, токим Ховакка етти⁸⁶⁸. Анда бир бузуқ қўрғон бор эрди, буюрдиким, ани иморат қилғайлар. Ва беклар ва черик эли кўнроғи анда отларини қўйуб, йайоғ бўлуб, тоғларга чиқтилар. Ва анда бир тоғ (бор) эрди, асру баланд ва ани Кабугархона дер эрдилар. Ва бовужуд улким, арпа пишар маҳали эрди ва ҳаво иссиқ. Аммо ул тоғда қор анча эрдиким, от юролмас эрди.

188а /Бас, кечадаким, қор музлар эрди, анинг устидин юрур эрдилар. Ва кундузким, йана муз очилур эрди, кийизларини ва зилжаларини ва гиламларини қорнинг юзида солиб, отларини бу тариқ била уткарур эрдилар, токим йана бир баланд тоққа еттилар. Баъзи бекларким от келтуруб эдилар, отларини ендуруб, йайоғ бўлдилар. Ва ул тоғнинг йўли асру тор эрди ва қор тутуб эрди, қорда нағам уруб ўттилар, ва кофирлар даралар ичиди ултуруб эрдилар. Бас, черикнинг унғ қўл ва сўл қўлдаги беклар ва баҳодурлар тоғ устидин иплар била туштилар. Ва баъзилар қор устида ўзларини қўйаберур эрдилар, юқоридин юмаланиб, фурсатдин сўнг қўйи ерга етар эрдилар.

Ва соҳибқирон учун йағочдин нима йасаб, ҳалқалар анда биркигтилар ва узун иплар билан, ҳар ип юз эллик қари эрди⁸⁶⁹, ул ҳалқаларда боғлаб, соҳибқирон пок эътиқоди била анда ўлтуруб, неча киши ул ипларни тутуб, юқоридин қўйи йибарур эрдилар. Ва ҳар ердаким, ип етар эрди, икки киши бел ва каланд била анда ер йасар эрдилар, токим, соҳибқирон анда тураолур эрди. Соҳибқирон анда туруб, юқоридаги кишилар андин тушуб, соҳибқирон қошига келур эрдилар. Ва андин йана соҳибқиронни қўйи иплар била йибараберур эрдилар. Бу тариқа билан уч-тўрт қатлағача соҳибқирон қўйи етти. Бас, ҳазрат соҳибқиронким, сарафрозлиғида айогини афлок устига қўйар эрди, анда йайоғ бўлуб, бир йағоч йўл юриди. Нияти

хайр қилғони жиҳатидин ҳазрат Ҳаққ таоло ўз лутфу карами била ҳар неча қаттиқ иш бўлса эрди, анга осон қилур эрди. Хосса отларидин /бир неча отга буйунларига ва аёғларига ишлар боғлаб, тоғдин қуйи солди. Ва баъзи отни сақлолмайд тоғдин учуб улди, икки от саломат тушуб, ҳазратқа еткурдилар. Соҳибқирон давлат била отланиб, беклар ва баҳодурлар ва черик эли барча йайоғ жиловидида туштилар. Ва ул ерларнинг кофирлари барча оддий ва қавий ҳайкал (киши) турурлар ва куброки йаланғоч эрдилар. Ва аларнинг улуғини «ғудо» ва «ғудошув» дер эрдилар. Ва аларнинг ўзга тили бор эрди, туркий ва форсийдин (ва ҳиндийдин) бошқа. Ва аларнинг кўбраки ўз тилидин ўзга тилни билмас эрдилар ва ҳеч киши ҳам аларнинг тилини билмас эрди, магар ул кишиким, ўзга ердин келиб, алар ичида тургон бўлғай ва аларнинг тилини билгон бўлғай. Ва аларга бир қалъа бор эрди ва улуг сув анинг этакидин ўтар эрди ва сувнунг нари йузида бир улуг, асру балаид тоғ бор эрди. Ва ул кофирлар бир кеча-кундуз бурун соҳибқирон черикидин хабар тошиб ерларидин кўчуб, моллари била ул тоғ устида чиқиб эрдилар, бу умид билаким, ҳеч киши анда чиқаолмас.

Бас, Ислом черики еттилар, ҳеч кишини топмадилар; андак куй тошиб олдилар ва ул кофирларнинг уйлариға ўт уруб, куйдурдилар ва ул сувдин елдек ўттилар. Бас, ҳукм бўлдиким, «Черик ҳар тарафдин ул тоғ устига чиқсун!» Баҳодурлар такбир ва таҳлил деб, тоғ устига чиқабошладилар. Шайх Арислон Қупнакхон тумани била (жавонғорнинг қанбулида) чиқиб, барчадин бурун кофирни суруб, тоғ устига чиқти. Али Султон Тавачи йана бир соридин (чиқиб, кофирларни жойидин сурди). Ва Шер Малик (жангу жадал вақтида кўб саъилар қилиб), тоғдин тушуб шаҳид бўлди. Ва Мубашшир Баҳодур йахши уруш қилди ва мардоналиқлар кўрсатти. (Ва Менгли Хожа ўз қўшунининг барча баҳодурлари била илгари юруб, тоғ устига чиқти). Ва Севинчак Баҳодур тақи ўз эли била борди ва йахши мардоналиқлар кўрсатти. Ва Шайх Али/Солбар кишисидин бурун (тоғ устида чиқиб), кофирларнинг тургон ерини олди. Ва Мула ва Камол ва Ҳусайн Малик Қавчин ва амир Ҳусайн Қўрчи йахши ишлар қилдилар (ва мардоналик ва баҳодурлуқ кўрсатдилар).

Бас, черик беклари ва қўшин ва ҳазоралар барча ҳамла қилиб, кўб киши кофирлардин ўлдурдилар. Ва ғозийлардин ўн тўрт киши тоғдин учуб, шаҳид бўлдилар. Уч кеча-кундуз уруш эрди, кофирлар ожиз бўлуб, амон тиладилар. Соҳибқирон Оқ Султон деғон кишини⁸⁷⁰ аларга йибарди. Дедиким: «Бориб аларга дегин: агар алар тобей бўлуб мусулмон бўлурлар, мен бу вилоятларни аларга бериб, қайтиб вилоятимга борурмен. Йўқ эрса, бир кишини алардин тирик қўймағумдур!» Оқ Султон бориб бу сўзларни аларга деди. Алар ожиз бўлуб, чоралари йўқ эрди, изҳор қилдиарким, «Мусулмон бўлурбиз». Бас, Оқ Султон била бир неча улуг кишилари соҳибқирон қошига келдилар ва аларнинг сўзларини арз қилдилар. Соҳибқирон лутфу карамидин аларга тўнлар кийдуруб, ёндурди. Кеча бўлгонда ул бадбахтлар Шоҳ Маликбек устига шабихун келтурдилар. Шоҳ Маликбек алар била урушуб, кўб кишини дўзахқа йибарди ва юз элик кишини тирик туттилар, ва барчани боғлаб сувга ташладилар. Ва Ислом черики тоғ устига чиқиб, қолғон кофирларни ўлдурдилар ва хотунларини ва қизларини ва ўғлонларини асир эттилар ва кофирларнинг бошларидин миноралар қўпордилар. Ва бу фатҳ муборак рамазон ойида торих саккиз юзда (май-июн, 1398) бўлди. Ва бу торихни анда тошларда нақш била ёздилар, то рўзгори халойиқи ани ўқуб билгайларким, ҳеч замонда ҳеч подшоҳга мундоқ фатҳ муяссар бўлмагон турур, ҳатто Искандар Зулқарнайн ҳам бу ишни қилаолмағондур.

Ҳазрат соҳибқирони динпарвар Муҳаммад Озодни Рустам Мирзога ва Бурҳон Ўғлонга йибарғони ва ўзи Катурдин қайтқони

Амирзода Рустам ва Бурҳон Ўғлонким, қаротўнлуқ⁸⁷¹ кофирларга бориб эрдилар ва алардин ҳеч хабар келмайдур эрди, соҳибқирон катурийлардин бировни гажирчи қилиб, Муҳаммад Озод ва Давлатшоҳ ва Шайх Али ва

Идику Жақра Уйғур ва Шайх Муҳаммад ва Алини тўрт юз киши билаким, юз киши турк ва уч юз киши тожик эдилар, Муҳаммад Озодқа тобшуруб, алар сори йибардиким, хабар билгайлар. Ва Муҳаммад Озод ҳукм била тўрт юз кишини бошлаб юриди. Тор йўллардин заҳмат била ўтуб, баянд тоғлар устига чиқиб юрур эрдилар. Ва йигирми ерда қор жиҳатидин юролмамай, ўзларини юқоридин қуябериб, қуйи етгунча юмаланиб борур эрдилар. Бас, бу тариқа билан юруб, қаротўнлуқ кофирлар қалъаларига етиштилар. Ҳар неча кездилар, киши топмадилар (ва сасини эшитмадилар). Аммо қуб из кўрдиларким, бир дарага кириб борибтурлар. Ва ул сиёҳпўшларнинг изи эрмишким, мансур черикидин хабар билиб, ўтув бориб, бир тор йўлни тутуб эрдилар. Бас, Бурҳон Ўғлон ва амирзода Рустам ва қўшун бекларидин Исмоил ва Аллоҳод ва Севинч Темур ва Йаҳё ва Одина ва Шайх Ҳусайн Сувчи ва Сайин Темур ва Шамсуддин ва Қуртуқа ва Ўрдушоҳ ва Давлатшоҳ Жабачи ва Сарой Малик Тавачи чериклари била ул тор ерда етиб, баъзи ўтуб, баъзи ўтмай гофил ўлтуруб, отларини ўтқа қўйабериб эрдиларким, сиёҳпўшлар каминдин чиқиб, аларнинг бошларига тўктилар. Бурҳон Ўғлон жайбаларини ташлаб қочиб эрди, бу жиҳатдип черик бир-бир бўлуб эрди. /Ва сиёҳпўшлар кўрдиларким, Ислому черики қочти, алар далер бўлуб, черикнинг кейнида суруб, қуб кишини болталари била ва матин била шаҳид қилдилар. Ва беклардин Шайх Ҳусайн Сувчи ва Давлатшоҳ Жабачи ва Одина туруб қуб уруштилар. Аммо сиёҳпўшлар қўмак этиб, ул икки баҳодурни шаҳид қилдилар.

Алқисса, Муҳаммад Озод аларнинг изларини тутуб юрур эрди. Бас, ул дарага еттиким, урушуб эрдилар, сиёҳпўшларга учраб уруштилар ва кофирлардин қуб кишини ўлдурдилар, жайбалар ва отларким, мансур черикидин олиб эдилар, барчани олдилар. Музаффар ва мансур Бурҳон Ўғлон ва қочқон черикка етиб қўшулдилар ва черик элидин ҳар кимки отини ва жайбасини таниди, олди.

Бас, Бурҳон Ўғлонга дедилар: «Бу кеча мунда турмоқ керак». Ул турмай, бир уқба устига чиқиб кетти. Ва черик тақи турмай, анинг кейнида уқбага чиқтилар. Ва бу беномуслуқким Бурҳон Ўғлонга бу юрушда воқия бўлди, Чингизхондин бери қиёт қавмида ҳеч кишига воқия бўлмайдур эрди ва ўзбек урушида ҳам мундақ иш қилиб эрди. Бас, ҳазрат соҳибқирон (подшоҳона аҳлоқ кароматидин ани афв этиб), бу юрушда ани анинг учун йибариб эрдиким, шояд мунда бир иш қилиб обрўй пайдо қилгай. Аммо ул ҳеч нима қилаолмай қубрак беномус бўлди.

Ҳазрат соҳибқирони динларвар Катур фатҳидин қайтиб, Али Сеистоний ва Жалол ал-Исломи бир жамоат киши била йибардиким, чиқар йўлларини ихтиёт қилеунлар. Ва ҳукм эттиким, кофирларнинг зироатлариким, ҳануз кўк эрди, тубидин қазиб буздилар. Жалол ал-Ислому ва Али ҳукм била илгари юруб, чиқар ерларини пайдо қилиб, баъзи ерларни қор тутуб эрди, 1906 қорларда /нағамлар солиб йўл эттилар ва уқбалардин ва тоғлардин ўтуб, Ховакка туштилар. Ва анда қўйғон отларига етиб, ўн саккиз кун йайоғ юругон беклар ва сипоҳийлар отландилар. Ва андин кучуб, фатҳ ва ферузлуқ билан ўғруққа келиб қўшулдилар.

Бурҳон Ўғлон ва Муҳаммад Озод чериклари била еттилар. Ҳазрат соҳибқирон алардин хабар билиб, Бурҳон Ўғлонгаким, (жанг асносида кофирлар олдидин қочиб эрди), анга кўруниш бермади ва иноят кўзидин солди (ва ани ҳумоюн мажлисга йўл бермадилар). Ва Муҳаммад Озодким, тўрт юз кишиси била урушуб, кофирлардин қуб кишини ўлдуруб эрди, ани иноят ва шафқат била сарафроз қилди. Ва ул кишиларким, анинг била йакжиҳатлиқ қилиб урушуб эдилар, барчани инъомлар қилди.

Соҳибқирон шоҳзода Шоҳрухни Ҳиротқа йибарғони

Ҳазрат соҳибқирони саодатманд фарзанди аржуманди шоҳзода Шоҳрухниким, (ул маҳалда салтанат ва подшоҳлиқ кўзининг қорачиги эрди), ижозат бердиким, Хуросонга боргай. Бас, алвидо маҳалида шоҳзодага қуб насиҳат қилди ва саодат қулогини насиҳат жавҳари била ораста қилиб, қучуб, юзига ўпуб ижозат берди.

Шоҳзода боргондин сўнг соҳибқирон тақи андин кўчуб, Кобул сори мутаважжих бўлди. Ва Роҳи Талдин Ҳиндукуш тоғига чиқиб, Панжқирдин⁸⁷² ўғуб, Борон жилгасига тушти; ва андин Кобулгача беш йағоч йул турур. Бас, соҳибқирон анда етконда муборак хотирида кечтиким, бу сувким мунда бор турур, андин ариқ чиқарса бўлур. Бас, черикка фармон қилдиким, бир улуг ариқ қазурди, узунлуғи беш йағоч йул ва ани Жўйи Моҳигир от қўйдилар. Ва (ул сувди) неча маъмур кент анда пайдо бўлди. Ариқ тугангандин сўнг юруб, Кобулга етиб, Дурин мурғзорида тушти.

Қалмоқ хонидинким, Тайзи Ўғлон эрди, элчи келгони ва Шайх Нуриддин Форсдин келгони

191a /Соҳибқирон Кобул шаҳрида Дурин мурғзорида давлат била тушуб ўлтуруб эрдиким, Дашт соридин Темур Қутлуқ Ўғлон ва Идиқунунг кишиси келдилар. Ва Жетадин Хизр Хожа Ўғлоннинг элчиси келди. Беклар келгон элчиларни ҳазрат қошида келтурдилар. Соҳибқиронни кўруб дуодин сўнг сўзларини арз қилдилар. Ва барчанинг сўзи бу эрдиким: «Биз банда ва хизматкор турурбиз. Мундин бурун агарчи биздин беадаблиқ воқеъ бўлди, эмди барчадин ёниб, хизматдин ўзга андишаларимиз йўқтурур. Эмди умидимиз ул соҳибқирондин ултурурким, ҳар неким биздин воқеъ бўлди, муборак хотиридин чиқартиб, шафқат ва иноят била соғингайлар».

Ва Тайзи Ўғлон Улуг Юртда⁸⁷³ қаон била муҳолифат қилиб, қалмоқдин қочиб, соҳибқироннинг мулозиматиға келди. Соҳибқирон анинг била кўрушуб, кўб иззат тутуб, йахши суруштурди, зардўзлуқ тўн ва олтун камар, оқ уй ва ала боргоҳ ва отлар ва хачирлар ва қатор тевадар ва ҳар неким подшоҳларга керак турур, берди. Ва Тайзи Ўғлон соҳибқиронға мулозим бўлуб турди.

Ушбу маҳалда Шайх Нуриддин Сари Буганинг ўғли эрди ва беш йиллиқ юрушдин ҳукм била Форс вилоятиға бориб эрдиким, андағи молни забт қилгай. Бас, молни забт қилиб, Шероздин хизматға етишти. Тўхфалар келтуруб, отлар ва вуҳушлар ва тевадар ва хачирлар ва рахту қумош ва олтун тикишлик тўнлар ва жарқонлар ва мурассаъ камарлар ва жайбалар ва саропардалар ва хайма ва хиргоҳлар ва сиқарлоту мухаммал чодирлар ва шомийоналар анча нима келтурдиким, ақл ҳайрон бўлуб эрди. Ва ул келтургон молни девонлар/уч кеча-кундуз ўлтуруб, муфассал қилдилар ва муфассални беклар соҳибқиронға кўрсатиб, арз қилдилар. Ва Шайх Нуриддинбек келиб, юкунуб турди. Ул сабоҳдаким, кун эмди зоҳир бўлуб эрди, молни келтуруб арз қилур эрдилар ва қатор-қатор юклук тевадар ва хачирларни ўтқарур эрдилар, наҳори дигаргача ўтти. Тайзи Ўғлон ва Даштдин келгон элчилар ани кўруб, ҳайрон қолиб эдилар. Ва ҳаргиз алар андоқ ғаройиб ва ажойиб ва латиф нималар кўрмагон эдилар ва ҳам эшитмайдур эдилар. Соҳибқирон лутфидин аларға ул молдин кўб нима инъом қилди. Ва Шайх Нуриддиннинг хидмати мақбул бўлди.

Андин сўнг соҳибқирон комкор Жетадин келгон ва Ўзбекдин⁸⁷¹ келгон элчиларға олтун камарлар ва зардўзлуқ тўнлар кийдуруб, кўб нешқашлар била барчани қайтариб хонлариға йибарди. Шайх Нуриддин юкунуб, Бурҳон Ўғлон ва ул кишиларким, анинг била эрдилар, гуноҳларини тилади. Соҳибқирон барчани бағишлади. Ва ул маҳалда Султон Маҳмудхон сўл қўлнунг черики била ва амиразода Султон Ҳусайн ва амиразода Рустам ва Жаҳоншоҳбек ва Ғиёсуддин Тархон ва Ҳамза Тағай Буга Барлос ва амир Шайх Арислон ва Севинчак Баҳодур ва Мубашшир ва ўзга беклар ҳукм била Ҳиндустон сори мутаважжих бўлдилар. Ва мундин бурун Малик Муҳаммад Авғоний бир жамоат била келиб дод тилаб эдиким, «Малик Муса Авғонийким, қаркан қабилисининг улуги турур, оғомким, ҳазратнинг бандалариди эрди, ўлдуруб, Эрёб қалъасини бузуб, бизнинг ҳазорани талаб, амлок ва асбобларимизни олиб турур. Ва ўғрилиқ ва йул урмоққа машғул турур. Ҳеч киши ул /йўлдин саломат ўтолмас. Ва мен андин кўрқуб Ғазнинға борибмен. Эдиким, эшиттимки ҳазрат давлат била келадурлар, мулозиматқа келдим. Ҳар неким ёрлиқ бўлса, андоқ қилурмен».

Соҳибқирон бу сўзларни эшитиб, ғазаб ва қаҳри келиб, аларнинг

1926

дафъига машгул бўлди. Аммо ҳазрат соҳибқирон анга дедиким: «Сен узунгни кўрсатмагил. Мен анга киши йибариб чорлатайим. Агар келса, сенинг додингни андин олайим ва агар келмаса, сенга черик берайим, то бориб ағоннинг қонини андин олгайсен». Бас, ўшул замон нишон битиб Мусога йибардиким, «Андоқ эшиттукким, сен Эрёб қалъасини бузуб хароб қилгон эрмишесен. Ва ул қалъа Ҳиндустон йўлининг бошида турур. Муносиб йўқ эрдиким, ул қалъа хароб бўлгай. Бу нишон етгач келиб бизни кўргил. Ва ул вилоятни сенга берайим, то ани иморат қилгайсен». Бу нишон Мусага еткондин сўнг ўшул замон пешкашлар била ҳазрат соҳибқиронга келди ва кўрунуш қилди. Аммо ҳазратнинг муборак кўнглида кечтикким, ани тобиълари била йўқ этгай, токи ўзга андин фитна ва фасод бўлмагай. Бу фикр қилгондин сўнг ҳазрат ани йахши кўруб, зардўзлуқ тўн ва олтун камар била кўнглини олиб, хотирини жамъ қилди ва дедиким, «Сенинг била киши қўшуб юборайим, то бориб Эрёб қалъасини иморатиға машгул бўлгай. Сен кишиларинг била илгари бориб, қалъа ишига машгул бўлгил биз келгунча. Ва жаҳд қилгилким, биз боргондин бурун қалъани йасагайсен. Ва агар бўлмаса, қолгон ишини биз боргондин сўнг йасагайбиз. Сени анда қўйуб Ҳиндустонга боргайбиз». Ва Муса Камолни уч минг киши била анга қўшулди, ижозат бериб йибарди. Муса Эрёбга/етконда киши-қароси била иморатқа машгул бўлди ва ҳар кун икки юз ва уч юз киши ишлар эдилар.

Эрёб қалъасини иморат қилгондин сўнг андаги ўғри (авғонийларни) ўлдургони

193a

Ҳазрат соҳибқирони гитиситон маҳди аъло Сарой Мулк хоним ва амирзода Улуғбекким, бирга эдилар, Дурин мургзоридин ижозат бериб, Самарқандқа йибарди. Ва чаҳоршанба куни, зулҳижжа ойининг олтисиди, тарих саккиз юзда (21.08.1398) Кобулдин отланиб юруб Эрёбга етти. Ва черики бўлак-бўлак кетиб, ҳар киши ўз ерига тушти. Ва Муса киши-қароси била иморатқа машгул эрди. Бас, ҳукм бўлдиким, «Черик эли ҳам қалъа ишига машгул бўлсунлар!» Ва ул шаҳри эрдиким, ичида масжида жумъа ва ўзга масжидлар бор эрди. Бас, ҳукм бўлдиким, «Шоҳ Маликбек ва Жалол ал-Ислом масжидларининг иморатиға машгул бўлсунлар!» Ишга машгул бўлуб, андоқ қалъа ўн тўрт кунда тамом бўлди. Соҳибқирон тавачиларга дедиким, «Черикка жар еткурсунларким, Муса киши-қароси била қалъадин чиққали қўймасунлар!» Ва алар мундин фаҳм қилиб эрдилар. Соҳибқирон ойнинг ўн еттисиди, жумъа куни (31.08.1398) бир бўз отга миниб, қалъанинг тафарружиги келди. Ва беклар барча йайоғ жиловида юрур эрдилар. Ва Муса кишиларидин етти киши дарвоза устида туруб ишлар эрдилар. Соҳибқирон анда етконда дарвоза устида болохона бор эрди, болохонанинг дарчасидин ҳазрат қасдиға ўқ оттилар. От ўқнунг унини эшитиб, ҳурукти. Ҳазрат Ҳаққ соҳибқиронни сақлаб, анга ҳеч зарар тегмади. Бас, соҳибқироннинг аччиги келиб, ўзга дарвозадин шаҳарга кириб, ҳукм эттикким, «Мусани мулозимлари била тутсунлар!» Бир замонда барчани тутуб келтурдилар. Ва ул етти кишиким, дарвоза устидин ўқ отиб эрдилар, жонларидин қўрқуб уруштилар ва неча кишини заҳмдор қилдилар. Охир Калаки Сеистоний шоту қўйуб анда чиқти ва аларни ўлдурди. Ва ўшул куннунг чоштгоҳида Мусани икки юз киши билаким, тутуб эрдилар, Малик Муҳаммадқа тобшурдиларким, ул аларни қасос этти ва аларнинг бошларидин минора кўпордилар. Ва фармон бўлдиким, «Буларга тааллуқ эл ва хишамларини чобсунлар!» Бас, бориб барчани чошиб, улуғларини ўлдурдилар ва Эрёб қалъасини Малик Муҳаммадқа бердилар. Ва ул йўллар барча эмин бўлди.

Соҳибқирон Шанузон сори мутаважжих бўлуб, Пурниённинг кофирлари устига боргони

Ҳазрат соҳибқирон Эрёб қалъасини иморат қилгондин сўнг шанба кунида, зулҳижжа ойининг ўн саккизида, тарих саккиз юзда (01.09.1398) Шанузон сори мутаважжих бўлди, тоғлар ва жангаллардин ўтуб, ул шаҳар-

га етиб туштилар. Тонгласи айда туруб ҳукм булдим, шоҳзодаи жувон-бахт Халил Султон бир жамоат беклар била уғруқни бошлаб, Қапчиғай йулидан Бону⁸⁷⁵ сори равон булсулар!» Ва ўзи давлат била неча минг киши била Нағар қалъаси сори юриди. Ва сешанба куни ойнинг йиғирми бирида (04.09.1398) анда етти. Ва мундин бурун Кобулдин Сулаймоншоҳбек ва ўзга беклар ҳукм билан Хуросон черики била келиб, Нағар қалъасини иморат қилиб йасаб эдилар. Бас, ҳазрат соҳибқирон анда етконда арз қилдиларким, Пурнийенни эли авғонийлардин турурлар, аларни мутиъ қилмак керак. Соҳибқирон аларга киши йибарди, тобеъ булмадилар. Йана улким, ул маҳалдаким, шоҳзода Пир Муҳаммад Ҳинд мулкани чониб мол ва бурда келтурур эрди, алар келиб ул молдин бирор нима олиб кетиб эдилар./Жангалларда ва тоғларда молларини беркитиб, уғриликқа машғул эдилар. Бас, бу хабарларни соҳибқирон эшитиб, аччиғи келиб, ўшул кунда отланиб, алар сори юриди ва уч кундин сўнг аларга етиб, ҳукм булдим, «Черик йайоғ бўлуб, жангалларга кириб, тоғларга чиқсулар!» Ҳукм йусуни била амал қилиб, кўб киши ул бадбахтлардин олиб ўлдурдилар ва авғонийларни асир эттилар. Шеър:

1936

Кишиким, шаҳаншоҳдин тортса бош,
Лажаб эрмас бошига ёғса тош.

Кишиким, ризосиға қўймас қадам,
Юзидур қаро доимо чун қалам.

Соҳибқирон ҳукм қилди: «Ул тоғда юрсунлар. Ҳар ердаким, ул бадбахтлардин киши учраса, тирик қўймасунлар!» Бу маҳалда ул қавмнинг улуғиким, оти Авбал эрди, ихлос йулидин кириб, соҳибқироннинг хидматиға келди ва тавба ва истиффор қилди. Соҳибқирон билдиким, сидку ихлосдин йамолиғидин қайтиб турур, гуноҳидин кечиб, кўб нима иноят қилди. Тақи Сулаймоншоҳбек Нағар қалъасини йасаганда калотийларнинг ҳашамиға ва боқут элига киши йибариб эрдиким, келиб қалъа ишиға мадад бергайлар. Алар сўзни эшитмай келмайду эдилар. Бас, қалъа тамом бўлгондин сўнг Сулаймоншоҳбекнинг кўнглиға туштиким, соҳибқироннинг келгонидин (сўнг) аларнинг бошиға боргай. Бўлгон черики била ул ҳашамлар устиға бориб эрди, бовужуд улким, алар кушлук ва кўб эл эрди, барчани босиб, хароб қилиб эрди ва баъзини ўлдуруб, баъзини асир қилиб, молларини талаб, музаффар ва мансур қайтиб ҳазрат қошида келди. Соҳибқирон ани махтаб, кўб нима иноят қилди ва жумъа куни, муҳаррам ойининг аввалида, торих саккиз юз бирда (13.09.1398) Пурнийен қалъасидин қайтиб, Нағар қалъасиға тушти. Ва Сулаймоншоҳбекни черик билан Мўлтонға амирзода Пир Муҳаммад қошида йибарди ва Шоҳ Али Фароҳийни беш юз киши била Нағар қалъасида қўйди ва андин кўчуб Бону мавзесида тушти. Ва Пир Али Сулдуз ва амир Ҳусайн Қурчини бир жамоат киши била анда қўйди. Ва Бонудин кўчуб, жумъа куни ойнинг саккизинда (20.09.1398) Синд суйиға етиб тушти. Ва ўшул ердаким, Султон Яқололиддин Хоразмшоҳ Чингиздин қочиб ўзини сувға ташлаб эрди, Чингизхон сувдин ўтмай қайтти, соҳибқироннинг чодирини анда тиктилар⁸⁷⁶. Ва ҳукм булдим, «Синд суйиға кўфрук боғласунлар!» Ҳукм била соҳибқироннинг черики икки кунда кўфрук боғладилар. Ва бу ерда баъзи элчиларким, келиб эрди, ижозат берди, мисли Саййид Муҳаммад Маданийким, ҳарамайин шарифайн Макка ва Мадина, шарафаҳумо Аллоҳ таоло, андин келиб эрди, андағи содотлардин арзадоштлар келтурур эрдиким, барчанинг кўзлари йўлда турур ва умидвор турурларким, муборак қадамлари ул ерларни мушарраф қилгай.

194a

Кашмир элчисиким, Искандаршоҳдин келиб эрди ва изҳори итоат қилиб эрди. Бас, бу элчиларға кўб нима бериб, ижозат (берди). Ва Искандаршоҳким, Кашмирнинг подшоҳи эрди, анга айтиб йибардиким, «Дайбалпур⁸⁷⁷ шаҳрида (ўз черики била) келиб бизни кўрсун!»

Ҳазрат соҳибқирон Синд суйидин ўтғони сўзи

Муҳаррам ойининг ўн иккисида, шанба кунида, торих саккиз юз бирда, барс йилда (24.09.1398) (Офтоб кузги эътидол нуқтасидин тўққуз даража

1946 ўтконда) Синд суйидин ўтуб, черик барча сув кўтариб, Жару чўлига⁸⁷⁸ етиб туштилар. Ва ул чўл асуру йироқ чўл турур ва ани Жалолий чўли дерлар, ул сабабдинким, Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингизхондин қочиб, сувдин кечиб, бу чўлга кириб халос бўлди./Бас, соҳибқирон бу чўлга етконда Кўҳижудидаги⁸⁷⁹ райилари келиб, ҳазратқа мутиъ бўлдилар. Ва мундин бурун неча ой Рустам Тагай Буға Барлос черики била Мўлтон сори бориб эрди ва андин Кўҳижуди сори мутаваажжих бўлуб эрди ва анда етиб, неча кун таваққуф қилиб эрди ва райилар анга пешкашлар йибариб эрдилар. Бу жиҳатдин соҳибқирон аларни йахши кўруб, бош-айоглар кийдуруб, йана юртларига қайтариб йибарди.

Шаҳобуддин Муборакшоҳнинг қиссасиким, аввал мутобият йўлидин кириб, сўнг мухолифат қилди

Шаҳобуддин Муборакшоҳ бир жазиранинг ҳокими эрдиким, ул жазира Жамула суйининг⁸⁸⁰ йақосида турур, ва черики ва ҳашами куб. Ва мундин бурун ул маҳалдаким, амирзода Нир Муҳаммад Жаҳонгир Мўлтонга бориб тушуб эрди, бу Шаҳобуддин тобиъ бўлуб, келиб амирзодани кўруб эди. Шоҳзода ани йахши кўруб, неча вақт мулозиматида сақлади. Шоҳзода анга ижозат бериб, вилоятига йибарди. Ўз мақомида етконда гурур деви анга йул уруб, ерининг маҳкамлигига гурура бўлуб, мухолифат ҳаваси қилди.

195a Бас, соҳибқирон чўлдин ўтуб, Жамула суйига тушти, анинг мухолифатини воқиф бўлди. Панжанба куни, муҳаррам ойининг ўн тўртида (26.09.1398) ҳукм қилдиким, «Амир Шайх Нуриддин тумони била ул жазира сори мутаваажжих бўлсун ва ҳар навъким билса жаҳд қилиб, ул ерни мусаххар қилсун!» Шайх Нуриддин ҳукм била юруб, ул жазирага етти ва Шаҳобуддин қалъасини йасаб, хандақини чуқур қаздуруб, сув тўлдуруб эрди. Черик анда етиб, қалъанинг бир ёнида улуг сув бор эрди. Мансур черики сувга кириб, қалъага йақин бориб, андоғ уруш воқиф бўлдиким, сифат қилса бўлмас. Кеча бўлгонда черик қайтиб/тушти. Аммо Шаҳобуддин ўн минг киши била қалъадин чиқиб шабихун этти. Шайх Нуриддин воқиф бўлуб, ул кечада йахши ишлар қилди, ва Шаҳобуддиннинг черикини босиб қочурди. Ул бадбахтлардин куб киши сувга кетти. Ул кеча ҳазратнинг хосса хоназодлари мисли Мансур ва Бураж Чоҳра ва инилари йахши ишлар қилдилар. Ўшул маҳалда соҳибқирон таъжил била суруб, ул жазирага етиб тушти. Шаҳобуддин хабар билиб қайтти, икки юз кема йиғинтуруб эрди; ўшул кечада эв-эли била кемаларда ултуруб, қочиб Уча сориким, Ҳинд вилоятига тааллуқ турур, Жамула суйига кириб қўйи борур эрди. Шайх Нуриддин мансур черики била аларнинг кейнида сувни йақолаб, уруша-уруша борур эрдилар. Неча манзил бориб, қайтиб соҳибқироннинг мулозиматига келди. Ул кеча Шаҳобуддин била йахши урушкон учун ҳазрат анга куб иноятлар қилди. Шаҳобуддиннинг кемалари Мўлтонга йақин етти. Амирзода Нир Муҳаммаднинг черики ва амир Сулаймоншоҳким, Шоҳрух мирзонинг черикини бошлаб эрди, алардин хабар билиб йўлларини тутдилар ва аларни дарё ичида тутуб ўлдурдилар. Ва Шаҳобуддин хотуни била ўғлонларини сувга ташлаб, ўзи юз меҳнат била қочиб кетти.

195b Бас, ҳазрат соҳибқирон Шоҳ Маликбекни жангаллар сори йибардиким, мухолифлардин ҳар ким анда қочиб кирган бўлса, аларни топиб ўлдургай. Бас, Шоҳ Маликбек жангалларга кириб, мухолифлардин куб киши тониб ўлдурдилар ва сонсиз мол ва бурда ва галла ва ганимат неъмат олдилар. Беш-олти кун сувни йақолаб юридилар. Бас, Шаҳобуддин бўлгон кишиси билан/йўқ бўлуб, андин ўзга ҳеч киши хабар бермади.

1956 Мансур черики кўчуб, якшанба куни, ойнинг йигирми тўртида (05.09.1398) Чиноба суйининг йақосида бир қалъа ўтрусидида келиб туштиларким, анда Жамула суйи ва Чиноба суйи бир-бирига қўшилур эрди⁸⁸¹. Ҳукм бўлдиким, «Анда кўфрук боғлағайлар». Ва зафарпаноҳ черики ҳукм била кўфрук боғламоққа машғул бўлдилар. Чаҳоршанба куни, ойнинг йигирми еттисидида (08.09.1398) кўфрук боғладилар ва ҳаргиз ул сувда ҳеч бир подшоҳ кўфрук боғламагондур. Ва Тармаширинхон⁸⁸² кўфрук боғламай сувдин кечиб турур. Аммо соҳибқирон давлатидин осонлиқ била кўфрук боғладилар.

Ҳазрат соҳибқирон (черик била) сувдин ўтуб, ул юзида тушти ва андин тонгласи кўчуб Таламба суйига етиб, шаҳарнинг ўтрусиди келиб тушти. Ва Таламбадин Мултонгача ўтуз пешгирда турур. Бас, райилар ва маликлар ва шаҳарнинг уламо ва содотлари чиқиб, соҳибқироннинг мулозиматиға келдилар. Ва ҳар бири ўз аҳволиға йараша пешкашлар келтуруб торгтиллар. Соҳибқирон барчани йахши кўруб, ўшул кун сувдин ўтуб тушти. Шанба куни, сафар ойининг бошида саккиз юз биринчи йилда (23.10.1398), Талабанинг йақинида бир саҳройи бор эрди, анда бориб тушти. Ва Таламба шаҳрида моли амон солиб, содот ва уламони муъоф қилиб, ўзга элдин олдилар. Соҳибқироннинг эътиқоди бу икки тоифаким, содот ва уламо бўлғай, бениҳоят эрди ва буларни бисёр азиз тутар эрди. Ва ҳар вилоятким, анга мусаххар бўлур эрди, буларға риоят қилиб, қуб нима берур эрди. Бу ерда ҳам ушандоқ, барча содот ва уламоларни хушвақт қилди.

190а Аммо моли амонким, шаҳарда солиб эрди, баъзи ҳосил бўлуб, /баъзи бўлмайду эрдиким, ҳукм бўлдиким, «Ҳар ерда ошлик тобсалар, олеунлар!» Бу ҳукм бўлгондин сўнг черик эли шаҳар сори мутаважжих бўлуб, шаҳарға кириб, ҳар нимаким топтилар, олдилар. Ва ҳарчанд манъ қилдилар, бас келалмадилар, содот ва уламодин ўзга ҳеч киши ул балодин қутулмади.

Ҳазрат соҳибқиронға дедиларким, бир жамоат шаҳарнинг улуглариким, Талабанинг навоҳийсида турурлар, мундин бурун шаҳзода Пир Муҳаммадқа кириб эрдилар ва андин сўнг йана йаағи бўлуб, муҳолифат қилгон турурлар. Бу сўзни ҳазрат соҳибқирон эшитиб ҳукм қилдиким, «Шоҳ Маликбек ва Шайх Муҳаммад Ийгу Темур тумонлари била ул навоҳийларға бориб чопсулар ва ул кишиларким, мутобиъат йўлидин чиқиб муҳолифат қилгон турурлар, аларға гўшмоли берсуларким, ўзгаларға панд бўлғай!» Алар ҳукм била ул мударбирлар сори юридилар. Жангалларға кириб, икки минг ҳиндуни ўлдурдилар, хотунлари ва углонларини асир этиб, қайтиб ўрдуға келдилар. Сафар ойининг саккизида (20.10.1398) Таламбадин кўчуб, Жолға етиб туштиллар. Бу Жол Биёх суйининг йақосида воқия турур, Шоҳнавознинг ўтрусиди турур⁸⁸⁴.

Соҳибқирон Кўкари сори таважжуҳ қилғони

Бу ерда ҳазрат соҳибқиронға арз қилдиларким, Шайха Кўкарининг иниси, Нусрат отлиқ, ўн минг киши била Жол суйини қалъа этиб ўлтуруб турур. Ва ул сув асру улуг ва чуқур сув турур. Соҳибқирон муни эшитиб, ўшул замон отганиб, ўғруқни анда қўйуб, черики била сув йақосида тушти. Ва черикнинг ўнг қўл ва сўл қўлини тартиб бериб, ўнг қўлда Шайх Нуриддин ва амир Аллоҳдод/турди. Сўл қўлда амир Шоҳ Малик ва Шайх Муҳаммад Ийгу Темур турди. Ғўлдин илгари Али Султон Тавачи хуросоний пиёдалар била гурди. Ҳиндулар минг киши била қўл йақосида мансур черикининг муқобиласида келиб турдилар. Али Султон пиёдалар била ул сув ва балчиқ ичида кириб уруш солди. Ва анда йахши ишлар қилиб, Али Султон неча киши била захмдор бўлди. Ва Шайх Нуриддинбек ва Аллоҳдод аларнинг кейнидин сув ва балчиқ ичида кириб, қилич зарби била ҳиндуларнинг жонларидин димор чиқардилар. Ва Нусрат отлиқ нақбатда кириб, маълум бўлмадиким, ул анда ўлди ё қочти. Бас, ҳиндулардин қуб киши ўлдурдилар, ва черик фатҳ ва нусрат била ҳиндуларнинг молларини талаб, от ва қўй қуб олиб, ул кўлдин ўтуб, Шоҳнавоз мавзесида туштиллар. Ва бу Шоҳнавоз улуг кент эрди ва эли қуб ва анда ғалга анборлари қуб эрди, андоқким, черик эли ҳар нечаким, керак эрди, ошлиқ олдилар ва ҳануз неча омбор ушандоқ туруб эрди. Ва андин баъзи беклар ҳукм била юруб, сувдин ўтуб, ҳар кимки қочиб эрди, чобтилар ва ҳар кимниким топтилар, таладилар, қуб мол келтурдилар.

Соҳибқирон икки кун анда туруб ҳукм қилдиким, «Қолгон ғаллаким, анборда турур, куйдурсулар, то кофирларға андин файз бўлмағай». Анборларни куйдуруб, нанжшанба куни ойнинг ўн учиди (25.10.1398) ҳазрат соҳибқирон Шоҳнавоздин кўчуб, Биёх суйининг йақосида Жанжон кентиди-

ким, барча ўғруқ анда эрди, келиб тушти. Ҳукм бўлдиким, «Черик сувдин ўтсун!» Ушул кунда Ҳаримулк отлиқ Шоҳрух мирзанинг мулозимларидин Ҳиротдин келиб, саломатлиқ хабарини келтурди.

197a

/Шаҳзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир Мултондин
келиб соҳибқиронга қўшулғони сўзи

Мундин бурун Ҳиндустон юрушининг жиҳатида баёи қилиб эрдукким, амирзода Пир Муҳаммад Мултон шаҳрига бориб, олти ой қамал қилди. Ва шаҳарнинг ичидаки эли очлиқдин чидайолмай ит ва пишакни едилар. Ва Сарангким, шаҳарнинг ҳокими эрди, зарураттин ажз йўлидин кириб, шаҳардин чиқиб, шаҳзода қошига келди ва Мултон шаҳри фатҳ бўлди. Ва киши йибардиларким, соҳибқиронга бу фатҳдин хабар қилгай. Шаҳзодага тааллуқ отлари ва черикининг отлариким, Пашшаколда утка қўйиб эрдилар, барчаси зойиё бўлуб ўлди. Шаҳзода бу жиҳатдин шаҳар ичида кириб ўлтурди. Даруғалар ва ҳокимларким, Ҳиндустон вилоятининг шаҳзодага эл бўлуб кириб эрдилар, барча йааги бўлуб, шаҳзода тарафидин боргон даруғаларни баъзи ерларда тутуб ўлдурдилар. Ва андоқ маҳалдаким, шаҳзодадининг черики йайоқ қолиб эрдилар, муҳолифлар ҳар соридин бош чиқариб, кечалар шаҳар эшикигача келур эрдилар. Ва шаҳзода бу жиҳатдин асру гамгин эрдиким, хабар бўлдиким, ҳазрат соҳибқирон мунга етушти. Душманлар барча бу хабарни эшитиб, саргашта ва наришон бўдилар. Шаҳзода шодмон ва хуррам бўлуб, ҳазрат сори мутаважжих бўлди. Сафар ойининг ўн тўртида (26.10.1398) Биёҳ сўйи буйида келиб, соҳибқироннинг дийдорига мушарраф бўлди. Ҳазрат ани кўчуб йахши сўрди. Жунайд Бурулдай ва агоси Бойазид ва Муҳаммад Дарвеш Тайхонийким, Хоразм юришида Жаҳоншоҳбекдин қочиб, қўб заҳмат била Ҳиндустонга кириб эдилар, шаҳзода Пир Муҳаммад Мултонни фатҳ қилгондин сўнг алар Ҳинд соридин шаҳзодага келиб эрдилар, шаҳзода аларни ўзи / била келтуруб эрди. Шаҳзода аларни ҳазрат соҳибқиронга кўрсатиб, гуноҳларини тилади. Соҳибқирон лутфу карамидин ёзуқлардин кечиб, қонларини шаҳзодага бағишлади, йасоқ таёқи уруб қўйдилар. Шанба куни, ойнинг ўн бешинида (27.10.1398) Биёҳ сўйидин ўтуб, Жанжон мавзёида бориб тушти: андин Мултонгача қирқ қуруқ турур. Ва бу уч кунда барча черик баъзи кема била ва баъзи наҳангтек ўзларининг сувга солиб, ул дарёдин кечтилар. Соҳибқирон давлатидин ҳеч кишига зарар тегмади. Байт:

1976

Худодин чу бўлғай кишига карам,
Анга ўзга ўт бирла сувдин не ғам.

Вас, тўрт кунгача Жанжонда турдилар. Сешанба куни, ойнинг ўн саккизида (30.10.1398) шаҳзода Пир Муҳаммад тўй бериб, қўб пешкашлар торти⁸⁸⁵. Ҳазрат соҳибқирон ул нималарни барчасини беклари (вазирлари ва мулозимларига) бағишлади. Соҳибқирон билдиким, шаҳзодадининг отлари Пашшаколда зойиё бўлуб турур ва черики кўпи йайоғ турур, ўттуз минг от шаҳзодага инъом қилди (ва барчаини отқа миндурди). Андин сўнг соҳибқирон Жанжондин кўчуб, Саҳвол⁸⁸⁶ кентига бориб тушти. Одина куни (01.11.1398) андин кўчуб, ойнинг йигирми биринида (02.11.1398) Асволда тушти ва бир кун анда туруб, тонғласи кўчуб, Жаҳволда тушти⁸⁸⁷. Дайбалпурнинг эли мундин бурун шаҳзода Пир Муҳаммадқа кириб эрдилар. Ва шаҳзода Мусофир Кобулийни минг киши била анда даруғалиққа йибариб эрди ва шаҳзодадининг отлари Пашшаколда талаф бўлгон жиҳатидин булар йааги бўлуб, Султон Ферузшоҳнинг қўллари била/иттифоқ қилиб Мусофирни боргон минг киши била ўлдуриб эрдилар. Басе, соҳибқирон овозасини эшитиб, барча қочиб, Батмир ҳисорига кириб эрдилар. Бу маҳалдаким, соҳибқирон Жаҳволда етти, Шоҳ Маликбек била Давлат Темур Тавачини ўғруқда қўйиб ҳукм қилдиким, «Ўғруқни черик била Дайбалпур йўлидин отласунлар ва Деҳлига йақин Сомона мавзёида⁸⁸⁸ бориб турсунлар, биз келгунча!» Вас, соҳибқирон ўғруқни йибариб, ўзи душанба куни, ойнинг йигирми тўртида (05.11.1398) ўн минг киши била илғор этиб, Ажудан сори

198a

мутаважжих бўлди. Шанба куни (10.11.1398) Ажуданга етиб, Шайх Мунаввар ва Шайх Саъд андаги элни мувофиқат йўлидин чиқориб, ўзлари била мушфиқ қилиб эрдилар. Алар барча Батнирға келиб эрдилар ва баъзи эл Шайх Мунаввар била Деҳлиға бориб эрдилар, вале содот ва уламолар алар била муттафиқ бўлмай, ҳазратнинг иноят карамидин хабар билиб, ўз ерларига ўлтурдилар. Бас, ҳазрат анда йақин етконда барча утрув келиб, соҳибқиронни кўрдилар. Ҳазрат аларни йахши кўруб, сўруб истади. Ва соҳибқирон мавломо Насируддин Умар ва Хожа Маҳмудшоҳнинг ўгли (Шаҳоб) Муҳаммадини анда даруга қўйдиким, ҳеч киши аларга мазохим бўлмагай ва қўймагайларким, черик кишиси андаги элни заҳмат бергай.

Соҳибқирон Батнир қалъасини фатҳ қилғони

1886 Батнир қалъаси асру мустаҳкам ер эрди ва йўлдин йироқ ўнг қўл сори тушуб эрди. Ва тўрт ёни чўл эрди. Ва аларнинг суйи бир улуг кўлдин эрдиким, ул кўл шаҳарнинг йақинида эрди ва суйи Пашшаколдин келур эрди. Ва ҳаргиз анда ёт черик бормайдур эрди. Ва ҳинд подшоҳларидин ҳам анда ҳеч подшоҳ бормайдур эрди. Дайба.пур ва Ажудан ва ўзга ерлардин эли соҳибқирондин қочиб, бу қалъага /келиб эдилар ва кўб киши анда йиғилиб эди, андоқким, ул қалъада сизмас эрдилар. Бас, соҳибқирон сешанба куни ойнинг йиғирми бешиди (06.11.1398) Ажуданга кириб, сидқу эътиқоди била Шайх Фарид Шакарганжни, қаддаса сирруҳу, мазорига бориб тавоф қилди. Ул азизнинг руҳидин ҳиммат тилаб, андаги фуқаро ва масокинға кўб нима берди ва андин чиқиб Батнир сори мутаважжих бўлди ва бир кўталға етиб тушти. Ва андин Ажуданга ўн куруҳ турур ва Батнирға ча эллик куруҳ бор эрди: ва уч куруҳ бир шаръий йағоч турур⁸⁸⁹. Ҳазрат соҳибқирон андин кўчуб, ул кеча тонг отқунча юруб, тонг отқонда қаровулларким, илғари бориб эрдилар, душман қаровулини қочуруб, икки кишини тушуруб келтурдилар. Чаҳоршанба куни, ойнинг йиғирми олтисиди (07.11.1398) чоштгоҳда соҳибқирон Батнир қалъасига етиб, наққора ва нафир чалиб, (сурон) солиб урушти. Ва ҳар нимаким, қалъадин ташқари эрди, олди ва қалъанинг даругасиким, ани Рову Дулчин дер эдилар ва ҳинд лутғи била рову (райи) «баҳодур»ни дерлар, ва кўб кишиси бор эрди. Ва андаги эл-улус тамом анга тобиъ эрди ва келур ва борур кишидин бож олур эрди ва бозургонлар андин қутула олмас эрди. Соҳибқирон анда етконда ул бедавлат кишисига ва қалъасига мағрур бўлуб, тобеъ бўлмай мухлифат қилди. Ва мансур черики ўнг қўлдин кириб, Сулаймоншоҳ ва Шайх Нуриддинбек ва Аллоҳдодбек, сўл қўлдин мирзо Халил Султон ва Шайх Муҳаммад Ййгу Темур ва ўзга беклар таваққуф қилмай, шаҳарга юз қўйдилар. Ва аввал ҳамлада шаҳарбандни олиб, ҳиндлардин кўб кишини ўлдурдилар. Ва 1992 ушул кун туман беклари ва/қўшун беклари қалъанинг теграсиди кириб, кўб қамал қилиб ўлтурдилар. Ва Рову Дулчин ҳинд баҳодурлари била қалъа эшикида туруб урушур эрдилар. Ва шаҳзода Шоҳрухнунг беклари Сулаймоншоҳбек ва Саййид Хожа ва Жаҳон Малик ҳамла қилиб, Саййид Хожа қилич еткурди. Ва Жаҳон Малик тақи йахши ишлар қилди. Ва мансур черики ҳар соридин юруб йақин бўлдиким, қалъани олғайлар. Рову Дулчин қўрқуб, ажзу ниёз йўлидин кириб, бир саййидни ҳазрат қошига йибардиким, букун анга амон береунлар, то тонгласи шаҳардин чиқиб, хидматқа келгай. Бас, соҳибқирон анинг сўзини эшитиб, лутф ва марҳаматидин келгон саййиднинг сўзини қабул қилиб, черикни урушдин манъ қилди, шаҳарбанддин ташқари чиқиб тушти. Тонгласи Дулчин аҳдиға (вафо) қилмай, чиқмади. Соҳибқироннинг аччиғи келиб фармон бердиким, «Беклар ҳар киши ўз бўлжаридин нагам солесун!» Ҳукм била нагамға машғул бўлдилар. Ҳар нечаким, қалъа устидин тош ва ўқ оттилар ва ўт солдилар, ул баҳодурларға ҳеч тафовут қилмай уруш қилур эрдилар. Дулчин ва шаҳарнинг улуглари бу ҳолни кўруб, аларға ваҳм тушуб, қўрқуб, йана тазарруъ ва зорига кирдилар. Ва арзадошт қилдиларким, «Ўз ҳаддимизни билдук. Эмди сидқ ва ихлосдин хидматкорлиққа юз қўйдук. Бизнинг ёзуғумузни бағишласунлар». Соҳибқирон йана лутфидин афв қилиб бағишлади. Ва Рову Дулчин ўглини қўш отлар била шаҳардин чиқариб, соҳибқиронға йибарди. Ҳазрат соҳибқирон анинг ўглини йахши кўруб, хосса зарбофт тўн

1996

кийдуруб ва олтун камар бериб йибарди. Жумъа куни, ойнинг йигирми саккизида (0.11.1398) Рову Дулчин шаҳардин тащқари чиқиб ва Шайх Саъдиддин Ажуданий анинг била бирга эрди. Соҳибқиронни кўруб, куб пешкашлар /тортти, уч туққуз отким, барчанинг эгар юганлари олтун эрди, йахши жонуворлар келтурди ва пешкашлар тортти. Ва ҳазрат соҳибқирон тақи анга зардўзлуқ тун кийдуруб ва мурассаъ камар бериб, йахши кўруб сўрди. Ва ул қалин элким, Ажудандин ва Дайбалпурдин келиб ул қалъага кириб эрдилар, ҳукм бўлдим, «Сулаймоншоҳбек ва Аллоҳдодбек дарвозаларни сақласунлар!» Шанба куни, ойнинг йигирми туққузида (10.11.1398) ҳар ердин келгон элким/анда йигилиб эрди, барчани шаҳардин чиқариб, ўрдуга келтуруб, бекларга тобшурдилар ва уч юз йахши от қалъадин чиқардилар. Ва ҳазрат ул отларни баҳодурларга улаштурди.

Бас, Дайбалпур эликим, /Мусофир Кобулийни минг киши била ўлдуруб эдилар, беш юз киши алардин ўлдурдилар. Ва Ажудан элидин ҳам баъзиларни ўлдурдилар ва молларини таладилар. Ва соҳибқироннинг ҳазрат Нарвардигор июнотидин андоқ толиъ каромат бўлуб эрдиким, ҳар киши анга тобиъ бўлмай хилофат қилса эрди ё соҳибқирондин қочиб ўза сори борса эрди, албатта ул киши зору хор бўлуб, эликига тушар эрди.

Алқисса, Камолиддин Рову Дулчиннинг иниси эрди, соҳибқирондин кўруб, бовужуд улким, агоси соҳибқироннинг мулозиматида эрди, ҳеч андиша қилмай дарвозаларни бойлаб, оғози муҳолифат қилди. Ва Рову Дулчинни бу жиҳатдин тутуб беркиттилар. Ва соҳибқирон ғазаби куб бўлуб, назм:

Буюрди ҳамул дам шаҳи номдор,

Ки черик элидин сиғору кибор.

Ёпушсун бари қалъага зур этиб,

Адув кўзини ўқ била кўр этиб,

Қизил қон била қалъани ранг этинг.

Бузуб ани туфроқ била тенг этинг.

200a

Бас, мансур черики йана нагамларга машгул бўлуб, /қалъа элига йақин бўлдим, бу черик била урушса бўлмас ва қалъани олгондин сўнг бир кишини тирик қўймағуси турурлар. Дулчиннинг ўғли ва иниси қалъадин чиқиб, юзларини туфроққа қўйиб, дарвозаларнинг калидларини тобшурдилар.

Душанба куни, рабиъ ал-аввал ойнинг аввалида (11.11.1398) Шайх Нуриддинбек ва Аллоҳдод қалъага моли амон учун кирдилар ва андаги райилар мол қабул қилмай ва аларнинг ичида кофирлар куп эрди, алар муҳолифат қилабошладилар. Басе, бу хабар соҳибқиронга етти, ҳазратнинг аччиғи келиб, ҳукм бўлдим, «Ул бадбахтларни қилич зарби била ўлдурсунлар!» Зафарпаноҳ черики бир замонда ул кофирлардин димор чиқордилар. Тонгласи черик барча ердин қалъага иплар била чиқиб, ҳисор ичида кирдилар ва ҳисор ичидаки бўлгон габрлар ўғлонларини ва хотунларини ўтқа ёндурдилар. Ва мусулмонлари хотунларини ва ўғлонларини қўйдек бошларини кестилар. Ва бу икки эл: бири габр ва бири мусулмон иттифоқ (била) уруштилар. Байт:

Бари тунду саркаш, бари тезжанг,

Ки, ҳар бириси эрди ҳам чун наҳанг.

2006

Бас, нусратшиғор черик ҳукм била шаҳарга кириб, қаттиқ уруш бўлди ва мансур черикидин куб киши шаҳид бўлди ва баъзилар заҳмдор бўлдилар. Шайх Нуриддин йайоғ бўлуб урушур эрди, алардин бир баҳодур габрни чобти. Ва бир жамоат габрлар қиличлари била Шайх Нуриддинбекни ўртада олиб йақин эрдиким, ани олғайлар, Узун Мазид Бағдодий ва Феруз Сеистоний иттифоқ била ҳамла қилиб, неча киши ул габрлардин тушуруб, Шайх Нуриддинбекни андин чиқордилар. Охири нусрат эли ғозийлар сори/ бўлуб, фатҳ ва зафар Ислои черикига мадад қилиб, ҳиндуларни босиб, ўн минг киши ўлдурдилар. Ва ул қалъанинг тому тошини қон била қин-қизил бўйадилар. Габрларнинг эвларига ўт солиб куйдурдилар, қалъани ва шаҳарни ер била тенг қилдилар. Ва андоқ бўлдим, магар ҳаргиз анда, қалъада

ҳеч мутанаффис киши йуқ эрди. Ва ҳар нимаким, олтуну кумиш ва рахту қумошдин бор эрди, барчани олдилар. Ва соҳибқирон ул молини черикка бағишлади ва захм егон кишиларга иноятлар қилди. Ва Узун Мазид ва Феруз Сеистонийким, Шайх Нуриддинға қумак қилиб габрларнинг ичидин чиқориб эрдилар, аларға йахши иноятлар бўлди.

Соҳибқирон Батнирдин Сарасати ва Фатҳобод ва Амаруни сори мутаважжих бўлғони

Ул шаҳар бузулғондин сўнг соҳибқирон чаҳоршанба кечаси, оининг учида (13.11.1398) андин кўчуб, Канораи ҳавзи об мавзёида тушти. Ва ул кун анда туруб, панжшанба куни, оининг тўрғида (14.11.1398) (Феруза қалъасида⁸⁹⁰ ферузлуқ била етиб ва андин кўчуб, ушул) кунда Сарасати⁸⁹¹ шаҳрига етти. Ва ул шаҳарнинг эли кофир эрди ва тўнғузунг этини еб эрдилар. Соҳибқирондин хабар билиб, шаҳарни қўйуб, барча қочтилар. Ва мансур черики аларнинг кейнидин юруб, қўб киши ул кофирлардин ўлдурдилар. Ва ҳар наким аларда бор эрди: от ва тева ва қўй, барчани олдилар. Ва анда Одил Фаррош шаҳид бўлди.

201a Соҳибқирон бир кун Сарасатида туруб, тонгласи давлат била отланиб, андин ўн саккиз курух йўл юруб, Фатҳободда⁸⁹² етиб, ҳиндулардин қўб киши ўлдурдилар. Ва Фатҳободдин йакшанба куни (17.11.1398) юруб Ражабпур қалъасидин ўтуб, Амаруни қалъасига⁸⁹³ келиб туштилар. Анда ҳеч оқил киши йуқ эрдиким, ўтуб келиб ҳазратнинг/ аёғидаги туфроқни кўзига суртгай. Бас, бу кихатдин андаги элни ўлдурди ва иморатларини куйдурдилар. Ва душанба куни, оининг саккизида (18.11.1398) Амаруни қалъасидин кўчуб, Тухна саҳросида⁸⁹⁴ тушти ва анда бир жамоат эл бор эрдиким, аларни жат дер эдилар ва қадимдан бери анда ваган қилиб, ўғрилиқ қилур эрдилар. Ва корвоиларга мазоҳим бўлуб, зарар-заҳмат берур эрдилар ва саломат ўткали қўймас эрдилар. Соҳибқирон анда етконда алар қочиб жангалларға кирдилар. Ва ул жангаллар кубраки нишгар эрди, фармон бўлдиким, «Черикдин бир қўшун кишини Тўкал Ҳинду Қарқара ва Мавлоно Носируддин Умар бориб ул ерларни чобсунлар!» Алар бориб анда икки юз кишини топиб ўлдурдилар ва от-улоғларини олиб, бир жамоатни асир қилиб келтурдилар.

Соҳибқирони комкор жатларға тааллуқ қалъаларига ва ултурурларига борғони

Соҳибқироннинг ҳиммати ул эрдиким, ҳар ердаким золими ва муфсиди бўлғай, анда бориб ул золимни мусулмонларнинг бошидин кетаргай ва йўллар эмин бўлғай. Бас, рабиъ ал-аввал оининг тўққузиди, сешанба куни (19.11.1398) Тухнадин отланиб, ўғруқ била молини амир Сулаймоншоҳға тобшуруб, Шодмона сори йибарди ва ўзи Мунк қалъасидин ўтуб тушти. Ҳазрат соҳибқирон жатларким, жангалларда қочиб юруб эрдилар, аларға мутаважжих бўлди. Ва ул кун жатларға етиб, икки мингча киши алардин ўлдурдилар ва хотунларини ва ўғлонларини асир қилдилар ва аларнинг шаррини андин кутардилар. Ва ул йўллар эмин бўлуб, мусулмонларға фароғат бўлди. Шеър:

Шаҳаншоҳ давлатидин бўлди ул йўллар амон андоқ,
Ким, анда ҳеч киши ёд этмасди фитнаю шаррдин.

201b /Бас, ул йақинларда бир жамоат саййидлар бир кентда ултурур эрдилар. Соҳибқирондин хабар билиб, барча келиб ҳазратни кўрдилар. Ҳазрат тақи аларни иноят кўзи била кўруб, йахши сўрди ва барчани бош-аёғлар кийдурди. Ва аларға бировни даруга қўйдиким, аларға киши мазоҳим бўлмагай, зарар-заҳмат бермагай.

Чаҳоршанба куни, оининг ўнида (20.11.1398) Сулаймоншоҳбек била Мункдин Сомона шаҳри йақин бориб тушти. Ва ул кеча анда туруб,

202а

панжшанба куни (21.11.1398) Каҳқар суйиға⁸⁹⁵ еттилар. Соҳибқирон тақи жатлардин фароғат топиб, келиб ўрдуға қўшулди. Тўрт кун анда турдиким, черик эли тамом йиғилдилар. Душанба куни, ойнинг ўн бешиди (25.11.1398) андин кўчуб, Кўпла кўфрукига етиб тушти. Ўнг қўлнунг черики Султон Маҳмудхон ва амирзода Султон Хусайн ва амир Рустам ва амир Жаҳоншоҳ ва Гиёсуддин Тархон ва Ҳамза Тағай Буга Барлос ва Шайх Арислон ва Севинчак Баҳодур ва Мубашшир ва ўзга бекларким, Кобул йўлидин ҳукм билди ўзга соридин Ҳиндустон вилоятига кириб эдилар, ҳар ердаким, шаҳар ва қалъага етиб эрдилар, барчани фатҳ қилиб, бу ерга етиб, ҳазрат соҳибқироннинг дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва сешанба куни, ойнинг ўн олтисиди (26.11.1398) кўчуб, Кўпла кўфрукидин кечиб туштилар. Ва улуг ўрдуқим, Дайбалпур йўлидин амир Шоҳ Малик бошлаб келур эрди, ул тақи келиб қўшулди. Ва бир кун анда туруб, панжшанба куни, ойнинг ўн саккизиди (28.11.1398) Кўпла кўфрукидин кўчуб, беш куруҳ йўл йуруб, Бакрон кўфрукига етиб тушти. Ва жумъа куни (29.11.1398) андин кўчуб, Кайтал кентига⁸⁹⁶ еттилар. Ва мундин Сомонагача ўн етти куруҳ турурким, беш йағоч шаръий йўл /бўлғай. (Ва шанба куни (30.11.1398) Сомонага еттилар).

Соҳибқирон черикини йасол билди отландуруб борғони

Шаҳзодалар ва бекларким ҳукм билди ҳар қайсиси бир йўлга бориб шаҳарлар ва қалъалар фатҳ қилиб, барча келиб ҳазратқа қўшилгон эрдилар, барчага ҳукм бўлдиқим, «Шаҳзодалар ва беклар, ўнг қўл ва сўл қўлдаги беклар барча йасол билди ва йағочлари билди отланиб юрусунлар!» Амирзода Пир Муҳаммад ва амирзода Рустам ва Сулаймоншоҳбек ва Ёдгор Барлос ва Шайх Нуриддинбек ва амир Мизроб ва Қиморий ва Темур Хожа Оқ Буга ва ўзга беклар ўнг қўлдин йасол туздилар. Султон Маҳмудхон ва амирзода Халил Султон ва амирзода Султон Хусайн ва Жаҳоншоҳбек ва Шоҳ Маликбек ва Шайх Арислон ва Шайх Муҳаммад Ийгу Темур ва Севинчак Баҳодур (ва ўзга беклар сўл қўлда) йасол туздилар. (Ва қўлда сонёиз тумон ва буюк тумон ва амир Аллоҳдод ва Али Султон Тавачи ва ўзга тумонот ва қўшун беклари турдилар). Бўлгон беклар барча тартиб билан отланиб юридилар. Черик йасол қилиб борғони олти йағоч йўлни гутуб борур эрдилар. Ва бу дастур билан йигирма куруҳқим, олти йағочи шаръий бўлғай, йасол билди Деҳли сори мутаважжих бўлуб юридилар. Назм:

Черик эрдиким, йўқ эрди анга сон,
Мунунгтек черик кўрмай эрди жаҳон.
Фигон айлади кавс ва қилди хуруш,
Алар ваҳмидин тушти даҳр ичра жўш.

202б

Душанба куни, ойнинг йигирми иккисиди (02.12.1398) Асанди қалъасига еттилар. Ва Кайталдин Асандигача етти куруҳ турур. Ва Сомона ва Кайтал ва Асандининг эли барчанинг дини маъжусий эрди. Бас, ул эллар уйларини куйдуруб, Деҳлига бориб эдилар. Соҳибқирон сешанба куни, ойнинг йигирми учиди (03.12.1398) Асанди ҳисоридин кўчуб, олти куруҳ юруб, Туглупур қалъасига еттилар⁸⁹⁷. Ва ул қалъанинг эли саиавийа кофирларидин/ эрдиларким, алар коинот ва ҳаводисни икки мабдаъ дерлар: бирини — Йаздон ва бирини — Аҳриман⁸⁹⁸. Ва зулмат ва нурни андин таъбир қилурлар. Ва ҳар неким, йахши нима турур Йаздондин билурлар ва йамон ишларни — Аҳримандин.

Алқисса, ул эл Ислон черикидин хабардор бўлуб, барча қочтилар. Мансур черики аларнинг эвларини куйдурдилар ва чаҳоршанба куни, ойнинг йигирми тўртиди (04.12.1398) Панипат шаҳрига⁸⁹⁹ еттилар. Ва Туглупурдин Панипатгача ўн икки куруҳ турур. Андаги эл ҳам қочуб эдилар. Ва қалъа ичиди бир анбор ошлиққим, ўн минг ботмон ошлиқ бор эрди, тобтилар. Черик элига ани улаштурдилар. Панжшанба куни, ойнинг йигирми бешиди (05.12.1398) олти куруҳ йўл юруб, Панипат суйиға⁹⁰⁰ еттилар. Ва жумъа куни, ойнинг йигирми олтисиди (06.12.1398) ўнг қўл ва сўл қўл беклари чериклари жайба кийиб, урушмоққа тайёр бўлуб юриди-

лар. Шанба куни (07.12.1398) ҳукм бўлдиким, унг қўлунг беклари Жаҳоннамой мавзъига чаким, ул иморатни султон Ферузшоҳ тоғнинг этакида солиб эрди ва андин Дехлига чаким икки йағоч йўл турур ва анда бир улуг сув бор эрди. Ҳукм била ул ерларни чоғилар ва анда ултургон хишамларни таладилар, ва асир қилдилар, музаффар ва мансур қайтдилар. Душанба куни (09.12.1398) соҳибқирон Пулла кентининг муқобиласидин ўтуб, сувдин кечиб, Луни ҳисори сори таважжуҳ қилдиким, ул ер ўтлоғ эрди⁹⁰¹. Луни ҳисорига етиб тушдилар. Ва бу Луни қалъаси икки сувнинг ўртасида воқиф турур: бири — Жавн суйи⁹⁰² турур ва бири Милан, ва улуг ариқлар эрдиким, султон Ферузшоҳ Калин суйидин чиқориб эрди. Ва Шоҳ Малик-

203a бек ва Аллоҳодбек ҳукм била қалъага бордилар. Маймун Мишумким, / қалъанинг даругаси эрди ва андаги элда саодат дониши йўқ эрди, ўтрав чиқиб келмадилар, урушдилар. Ва соҳибқирон анда тушконда қалъада бир шайх киши бор эрди, ул чиқиб ҳазрат қошига келди. Ва ўзга кишиларким, қалъада эрдилар, барча габр эрдилар ва Маллухоннинг навкарлари эрдилар. Бас, соҳибқироннинг мансур черики қалъа сори юридилар. Қалъага йақин келиб нағамлар солиб, намози пешиндин намози дигарга чаким урушуб, қалъани олдилар. Ва қалъадаги габрлар хотунларини ва ўғлонларини куйдуруб эдилар. Қалъани олиб, кофирларни қириб, қалъани бузуб қайтдилар.

Соҳибқирон ул кеча қалъанинг тошида турур, сешанба куни, рабиъ ал-аввал ойининг ағида (10.12.1398) қалъадин отланиб, Жавн суйидин ўтуб, Жаҳоннамойнинг ўтравсида келиб тушти. Ва сувнинг гузорларини эҳтиёт қилиб тушти. Бас, Дехли йақин эрди, шаҳзодалар била ва беклар била кенгаш қилиб дедиким, «Дехлига қамал қилмоқ керак». Кенгашдин сўнг соҳибқироннинг муборак кўнглида туштиким, Жаҳоннамой иморатини таффаруж қилгай. Бас, етти юз киши била барча жайбалик ва йароғлик, Ажудан суйидин ўтуб, Жаҳоннамойга борди. Ани таффаруж қилгондин сўнг кўнглига тушти, «Урушмоқ учун қайси ер муносиб бўлгай?» Бу фикрда эрдиким, Али Султон Тавачи ва Жунайд Буралдайким, иккаласи қаровул-луққа бориб эрдилар, Муҳаммад Салафни Али Султон тутуб келтурди. Ва 203b Жунайд йана бирини келтурди. /Хабарлар сўргондин сўнг Муҳаммад Салафни ўлдурдилар. Бу маҳалда Маллухон тўрт минг киши билан отлик ва йигирма беш минг йағоч (ва йигирми етти фил) билан йағочлар ва боғлар ичидин чиқти ва Жаҳоннамойга йақин келдилар. Ҳазрат соҳибқирон сувдин черикига йақин етиб эрди ва мансур черикининг қаровули Саййид Хожа ва Мубашшир уч юз киши била аларга муқобиласида боруб турур урушдилар. Уруша-уруша сувга йақин етдилар. Соҳибқирон Сепинчак Баҳодурни ва Аллоҳодни ҳукм эттиким, «Саййид Хожага кўмак еткурсулар!» Бас, аларга ҳукм била елдек сувдин ўтуб, Саййид Хожага кўмак бўлдилар. Иттифоқ била ҳамла қилиб, ўқ отабошладилар. Бас, соҳибқироннинг черикининг баҳодурларининг ишларини кўруб, туролмай қочдилар. Дехлига кетиб бордилар. Саййид Хожа аларнинг кейинларига тушуб кўб кишини тушуруб олди. Ва аларнинг бир йахши урушчи пили югуруб боргонда йиқилиб ўлди. Бас, бу воқифадин шу кун тутуб, нусрат ва фатҳ мундин зоҳир кўрунди.

Соҳибқирон Луни қалъасидин кўчуб, ўрдуға йиғилгон ҳиндуларни ўлдургани

Жумъа куни, рабиъ ал-охир ойининг учиди (13.12.1398) Жаҳонгушой ўтравсида кўчуб, Луни қалъасининг кун чиқари сори бориб тушти. Ва ул юртда шаҳзодалар ва бекларким, ҳар сори чопқали бориб эрдилар, барча қайтиб кўб мол била келиб тушдилар. Соҳибқирон қошига келиб кўрунуш қилдилар. Соҳибқирон аларга боқиб, муборак тилини очиб дедиким, «Ғанимга йақин келибиз, ва уруш куни йақин турур. Керакким, барчамиз мардона бўлуб, ўз ишларидин ҳозир бўлгайсиз». Ҳар бирига бир навъ лутф 204a этиб кўнгул берди. Шаҳзодалар ва беклар /барча хушвақт бўлуб, ҳар бирининг бир кўнгли минг бўлди.

Ушул кунда Жаҳоншоҳбек ва ўзга беклар арз қилдиларким, «Бу ерғача ҳар вилоятдин бизнинг ўрду ичиди ҳиндулар кўб йиғилгон турур, юз

мингдин кўбрак турурлар ва барча бизнинг била душман турурлар. Ва булар била эътимоқ йўқ турур. Эътимол борким, уруш куни булар алар сори қочиб боргайлар. Йана ул кунким, Маллухон қочиб шаҳардин чиқиб Жаҳонгушойга йақин келиб урушти, ҳиндуларда ул кун бисёр шодмонлиқ бор эрмиш». Бас, бу сўзларни арз қилгондин сўнг ҳукм бўлдимким, «Черик ичида бўлгон ҳиндуларни ўлдурсунлар. Ва ҳар ким ўлдурмаса, йашуруб сақласа, ул кишини ҳам ўлдурсунлар!»⁹⁰³

Ҳукм бўлгондин сўнг ул кун юз минг ҳиндуни, кўбрак, ўлдурдилар. Ва Мавлоно Носируддин Умарким, донишманд киши эрди ва ҳаргиз бир товўқни ўлдурмагон эрди, ўн беш ҳинду анинг мулозиматида эрди, ҳукм бўлгондин сўнг барчани ўзи ўлдурди⁹⁰⁴. Ҳиндуларнинг ўтлон-ушоқ ва хотунларини, барчани йиғиштуруб, ҳукм бўлдимким, «Черикдин ҳар ўн кишидин бир киши туруб булардин хабардор бўлуб, сақласунлар!»

Соҳибқирон андин шаҳар сори мутаважжиҳ бўлди. Мунажжимлар келиб арз қилдилар. «Бу маҳалда соат йахши эрмас». Соҳибқирон алар сўзига қулоқ солмай, таваккал қилиб, тонгласи эрта намозини ўқуб, Мусҳаф тилаб, тафӯбул учун Каломуллоҳни очти. Бу оят чиқтиким, Юнус сурасида турур: *Иннама масалул-ҳайатид-дунйа камаин анзалнаҳу мина-с-самаи фатталата биҳи набатул-арди мимма йа'кулу-н-насу ва-л-ан'аму ҳатта иза аҳазати-л-арду зухрӯфаҳа ва-ззаййанат ва зинна аҳ-лӯҳа аннаҳум/ қадируна 'алайҳа атаҳа амруна лайлан ав наҳаран фа-жаалнаҳа хасидан кавллам тагна бил-амси казалика нуфассилу-л-айати ли-қавмин йатафаккаруна*⁹⁰⁵.

2046 Бу оятнинг таржимаси бу турурким, «Бу жаҳоннинг тириклиги йамғур суйига ўхшарки, ул сувдин сабзалар ва наботлар ҳосил бўлуб. Ва эл гумон элтгайким, андин мейва ва галла ҳосил бўлғуси турур. Токи бир нима воқиф бўлгайким, ул нималар барча зойиъ бўлғай». Бу фол шаҳар ва муҳолифлар учун эрди. Бу оят далил бўлдимким, ангаким, душманларга завол бўлғуси турур.

Бас, ҳазрат соҳибқирон бу фолдин хушвақт бўлуб, йақшанба куни ойнинг бошида (15.12.1398) Жаъвн суйидин кечуб, сувдин ўтуб тушти. Ва черик анда тушконда эҳтиёт учун хандақ қазиб, йағоч ва хасу хашақдин ҳисортек хандақдин бири йасадилар ва говмешларни бир-бири била боғлаб анда турғуздилар.

Соҳибқирон Маҳмуд Султонким, Ҳиндустон вилоятининг подшоҳи эрди, урушқони зикри

Соҳибқирони динпарвар ҳиммат юзини Ҳиндустон сори қўйуб, ҳар ергаким етти, фатҳ қилди, нечукким юқори зикр қилдуқ. Рабиъ ал-охир ойининг еттисида (17.12.1398) саодат ва иқбол била отланиб, ўнг қўл ва сўл қўлдаги шаҳзодалар ва беклар барча отланиб, йасол тортиб, ер юзини черик тутуб, душманга таважжух қилиб юридилар.

Душман соридин тақи Султон Маҳмудким, Ферузшоҳнинг набираси эрди, Маллухон, Тагайхон ва амир Али ҳинд сардорлари била ўн минг отлиқ ва қирқ минг йағоғ била барча мукамал, мусаллаҳ шаҳардин чиқиб йасол тортиб турдилар. Ва аларнинг эътимоқлари (юз йигирми) филлари била эрди.

205a Ва пилларни жайба кийдуруб ораста қилдилар. /Пиллар устида тахтлар қўйуб, устида беш-олти товак ва тахиш отқучилар туруб эрдилар. Ва раъд отқучилар пилларнинг ёнларида туруб эрдилар. Агарчи бу сипоҳ соҳибқироннинг черики қошида ҳеч нима кўрунмас эрди. Аммо пилнинг салобатидин баъзи кўнгулсиз кишилар қўрқуб эдилар. Фозиллар ва донишмандларким, доим ҳазрат қошида мулозиматда эрдилар, мисли Хожа Фазл ва шайхулистом Саъд Жаалол ал-Ҳаққ ва-д-дин Кашший ва Мавлоно Абдулжаббор ва Мавлоно Нуъмониддин Хоразмий. бас, соҳибқирон булардин шафқат юзидин сўрдиким: «Сизлар қайда турарсизлар?» Алар пил ваҳмидин дедиларким: «Андаким, хотунларни турғузурсиз!» Соҳибқирон билдимким, булар қўрқубтурлар.

Соҳибқирон буюрдиким, «Черикнинг ўтрусига йағоч ва қамишдин ҳисори йасасунлар ва бари юзида хандақ қазисунлар ва хандақ йақосида

говмешларни йиғалаб тургузсунлар!» Соҳибқирон буюруб эрдиким, «Темурдин тиканлар йасасунлар!» Ва муқаррар қилиб эрдиким, «Ул тиканларни йайоғларга берсунларким, алар сақлаб, уруш кўйинда ҳар қачонким пилларни қўйабержайлар, ул тиканларни йўлларда сочқайлар!» Аммо соҳибқироннинг давлати андин ортуқ эрдиким, мундоқ нималарга анга эҳтиёж бўлмай.

Алқисса, икки тарафдаги черик бир-бирига йақин етиб, соҳибқирон бир пушга устидаким, ани Баҳоли дер эдилар, чиқиб муҳолиф черикини мулоҳиза қилиб, андин тушуб, эътиқоди била намозга машғул бўлуб, икки ракият намоз ўқуб, ҳазрат Иззатдин фатҳ ва нусрат ва зафар тилади. Шейр:

Шаҳи покдин қўйди рўйи ниёз
Ба даргоҳи Ҳаққ — Холиқи бениёз.
/Деди: эй Худованди кулли банар,
Ки сендин эрур менга фатҳу зафар.
Демамким, чериким эрур бекарон,
Тилармен зафар сендин, эй Ҳаққ, ба жон.

2056

Ул кун ажойиб нимаким, воқиф бўлди, бу эрди. Соҳибқирон намоз ва ниёзда машғул эрдиким, баъзи бекларким, ҳировул эрдилар, мисли Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек ва Аллоҳодбек, бас, буларнинг кўнгуллари кечтиким, агар ҳазрат соҳибқирон гўл кишиидин бизларга мадад берса, албатта бу душманга зафар тошқумиз турур. Ул ҳазрат намоздин сўнг отланиб, черикка кириб ҳукм қилдиким, «Али Султон Тавачи ва Рустам Тағай Бугаким, гўлда туруб эрдилар, Олтун Бахший ва Башарий ва Муса ва Камол қўшунлари била ҳировулларга кўмак берсунлар!» Бас, аларга кўмак боргондин сўнг барчанинг кўнгуллари хуш бўлуб, муҳолиф сори юридилар. Ва мансур черикининг қаровуллари Саъид Хожа Баҳодур ва Севинчак Баҳодур ва Аллоҳод ва Қиморий ва Сайин Темур Баҳодур ва Муҳаммад Дарвеш ва ўзга диловарлар муҳолиф черикини кўруб, камин қилиб турдилар. Муҳолифнинг қаровули буларга етиб ўтти. Булар каминдин шерткек чиқиб, аларнинг бошларига тўкулдилар. Беш-олти юз киши душмандин тушуруб ўлдурдилар. Ва шоҳзода Пир Муҳаммад ўнг қўлдин аъдога ҳамла қилди ва Сулаймоншоҳбек тақи душманларга чобти. Ва шаҳзода Пир Муҳаммад чопиб пилга қилич текурди. Ва баҳодурлар ўнг қўлдин ва сўл қўлдин барча от солиб, Тағайхонни қочурдилар. Ва амирзода Султон Ҳусайн ва Жаҳоншоҳ Баҳодур ва Ғиёсуддин Тархон ва ўзга беклар қилич зарби била Малик Муаййиниддин ва Малик Ҳотийни қочурдилар. Дарвозагача аъдони қовладилар. Байт:

206а

/Чу қочти адув, кейнида чобтилар,
Худо лутфидин бу зафар тобтилар.

Аммо душманнинг гўлида тургон баҳодурлари пиллари билан ҳамла қилдилар. Амирзода Рустам ва амир Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликбек аларнинг ўтирувларига бориб йахши ишлар қилдилар. Ва Шайх Нуриддинбек қилич еткурди ва Шоҳ Маликбек тақи йахшилар борди. Давлат Темур Тавачи ва Мангли Хожа ва қўшун беклари ўзларини пилларга уруб, ҳиндуларким, пиллар устида туруб эрдилар, барчани ўқ зарби била тушурдилар, ва пилларга (ва хартумлариға) қилич ва ўқ била захмлар урдилар.

Ҳиндустон диловарлари туруб мардоналик кўрсатур эрдилар. Аммо чибиннинг на тоқати бўлмайким, пил қошида турғай, ё кийик шерга муқобила бўлмай.

Алқисса, ҳиндулар барча туролмай қочтилар. Ва бу сураким: *А лам таро кайфа фа'ала Раббука би-асҳаби-л-фил*⁹⁰⁸ алар шаънида бўлуб, Султон Маҳмуд ва Маллухон қочиб шаҳарга кирдилар ва дарвозаларни боғладилар.

Амирзода Халил Султон пиллардин бир пилни (ҳайдовчисини несту нобуд қилиб), олдида солиб, утидек⁹⁰⁷ ҳайдаб соҳибқирон қошида келтурди. Соҳибқирон зафар ва нусрат била намози пешинда Деҳли шаҳрига келиб, дарвозага йақин тушти. Ва шаҳарни йахши эҳтиёт қилиб, ҳавзи хоссага бориб тушти. Ва ул ҳавзни Султон Ферузшоҳ йасаб эди, ва андоқ улуг ҳавз эрдиким, бу юзидин ул юзигача анинг суйидин шаҳар эли ичар эрдилар. Ул

суб Деҳли шахрининг элига етиб ортар эди. Ва Султон Ферузшоҳнинг мазори анинг ёнида турур.
2066 Бас, соҳибқирон /анда етконда барча шаҳзодалар ва беклар йигилиб келдилар. Байт:

Бари қилдилар шаҳға ул дам дуо,
Очиб тилларини дедилар сано.
Бу давлат бериб Ҳаққ таборак сенга,
Ки, бу фатҳ бўлсун муборак сенга.

Ҳар кишиким, ул кун на иш қилиб эрди соҳибқирон қошига ҳикоят қилу эрди. Соҳибқирон шаҳзодаларни ва бекларни, барчани саломат кўруб, ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таолога шукр деб, барчага дуолар қилди.

Султон Маҳмудхон ва Маллухон Деҳли шаҳридин чиқиб қочқонлари ва соҳибқирон аларнинг кейнида илғор йибарғони

Соҳибқирон Султон Маҳмудхон била Маллухонни бости, алар қочиб шаҳарга кирдилар ва уруш қилғонидин пушаймон бўлуб, шаҳарга кириб ўлтурдилар. Чаҳоршанба кечасида (ойнинг саккизида) (18.12.1398) йарим кечада Султон Маҳмудхон Ҳавдорон дарвозасидин ва Маллухон Барака дарвозасидин чиқиб қочтилар ва жангалларда ва биёбонларда саргашта аломон ва алохон бўлуб юрур эрдилар. Бас, соҳибқирон хабар тобтиким, Султон Маҳмудхон ва Маллухон қочиб турурлар, Амир Саъид ва Темур Хожа Оқ Буга ва Ҳоваид Саъид Сулдуз ва Олтун Бахшийни (ва гайруҳуни) аларнинг кейнида йибарди. Ва алар таъжил била юруб, қочқонларга етиб, куб кишини тушуруб олдилар. Маллухоннинг икки ўғли: бири Сайфхонким, ани Шарафуддин дер эдилар ва бири — Худодод, иккаласини тутуб қайттилар.

Ушул кеча Аллоҳодбек ва ўзга бекларга фармон бўлдиким, «Шаҳарнинг дарвозаларини муҳофизат қилиб сақласунларким, шаҳардин киши чиқмагай!» Чаҳоршанба куни, ойнинг саккизида (18.12.1398) соҳибқирон
207а отланиб, Майдон дарвозасига келиб тушти. Шаҳардин содот /ва қуззот ва акобиру ашроф барча чиқиб мулозиматда келдилар. Ва Фазлуллоҳ Балхийким, Маллухоннинг нойиби эрди, барча девонийлар била келиб соҳибқиронни кўрди. Машойихлар шаҳзодаларни ўртада солиб гуноҳларини тиладилар. Шаҳзодалар ва беклар барча юкунуб соҳибқирондин аларнинг гуноҳларини тиладилар. Ҳазрат лутфу карам била бағишлади ва буюрдиким, «Туг ва наққораларни дарвоза устига чиқориб шодиёна чалсунлар!»

Шаҳардин бўлгон пиллар била каркидонларни чиқардилар: юз йигирми иил чиқти ва филлардин шаҳзодаларга улаштурди ва баъзини Самарқандга йибарди. Ва икки пилни Табризга йибарди ва бирини Шерозга ва беш пилни Ҳиротқа ва бирини Ширвонга ва йана бирини Озарбайжонга йибарди.

Одина куни (19.12.1398) ҳукм бўлдиким, «Мавлоно Носируддин акобир ва ашроф била шаҳарга кириб, хутба ўқугайлар!» Ва ул шаҳарда андоқ расм эрдиким, хутбани Ферузшоҳ отига ва ўзга кечкон шоҳларнинг отларига ўқур эрдилар. Соҳибқирон ул қонидани бартараф қилиб, ҳумоюн отига хутба ўқуттурди. Андин сўнг муншийлар ва дабирларга ҳукм бўлдиким, «Мушқафшон қаламлари била бу фатҳни иншо қилиб, вилоятларга фатҳномалар битиб йибарсунлар!» Фатҳномаларни муншийлар битиб, барча оламга йибардилар. Андин сўнг девонларга ва битикларга ҳукм бўлдиким, «Шаҳарга кириб, моли амон солсунлар!» Ва ўзи давлат била суҳбат ангиз қилиб, шаҳзодалар ва беклар барча йигилиб, айшу фароғатда ўлтурдилар. Соҳибқирон барчага иноятлар қилди.

Панжшанба куни, ойнинг ўн олтисида черикдин бир жамоат киши шаҳарга бориб элга зарар-заҳмат берур эрдилар. Соҳибқирон муни эшитиб,
207б бир неча бекни йибардиким, аларни манъ қилгайлар./ Аммо азалда ҳазрат Ҳаққнинг тақдири бўлгон эрмишким, бу шаҳар хароб бўлгай. Ул манъ ҳеч фойда қилмай нималар воқеъ бўлди, бир йамон ҳаракат бўлдиким, соҳибқироннинг ҳарами Чулпон оғо Сутун мазорига тафарруж учун бориб

эрдилар. Ва ул иморатни Малик Жўна шаҳар ичида Жаҳонпаноҳда солиб эрди. Девонлар ва битикчилар дарвозаларда ултуруб, моли амони солиб, элдин олур эрдилар. Ва ул маҳалда неча минг кишиким, галла ва қанд олиш учун баротлари бор эрди, алар тақи ўрдудин келиб эрдилар. Ва йана ҳукм бўлуб эрдиким, «Баъзи кишиларким, шаҳарда турурлар ва алардин мухолифат тариқаси фаҳм бўлур, беклар аларни тутсулар!» Кўб киши черикдин шаҳарга кириб эрди. Ва баъзи ҳиндулар Эски Деҳлидин чиқиб ва Жаҳоннаоҳға бориб урушабошладилар. Ва ул кофирлар ўғлон-ушоқларини ўтқа куйдуруб, ўзлари урушқа (машғул бўлдилар). Ислои черикидин ўн беш минг киши шаҳар ичида кириб эрди, ул кеча тонг отқунча шаҳарни таладилар. Тонгласи черик барча шаҳарга кириб, одина куни, ойнинг ўн еттисиди (27.12.1398) шаҳарни таладилар. Ва черик элига ўн кишига йигирми-ўттуз қизу хотун ўлжа тушуб эрди. Ва қизларнинг бошларидин аёғларигача олтунда эрдилар. Йакшанба куни (ойнинг ўн тўққузиди) Эски Деҳлига бориб, анда бир неча ҳинду қочиб кириб эрди ва масжиди жумъада йигилиб эрдилар. Шоҳ Маликбек ва Али Султон Тавачи беш юз мукаммал киши била анда бориб, ул кофирларни тутуб ўлтурдилар. Ул кун Деҳлини ғорат қилиб, бўлгон элини асир қилдилар. Ва ҳунарманд ҳиндулар кўб эрди. Бас, ҳукм бўлдики, «Ул ҳунарманд ҳиндуларни шаҳзодаларга ва оғоларга улаштурсулар!» Ва ҳазратнинг муборак кўнглида эрдиким, Самарқандда масжиди жумъа солгай. Бас, ҳукм бўлдики, «Ҳар ҳиндуки, сангтарош турур, /ани хосса учун сақласунлар!»

208a

Соҳибқирон Деҳлидин қайтиб ўзга вилоятларга борғони

Соҳибқирони диниарвар ўн беш кун Деҳлида ўлтурди. Деҳли асру хароб бўлди. Ҳукм бўлдики, «Содот ва қуззот ва уламоийи машойих Жаҳонпаноҳнинг масжиди жомийёсига йигилсулар!» Ва бир хосса кишисини даруга қуйдики, аларга черикдин ҳеч киши музоҳим бўлмағай. Чаҳоршанба куни, рабиъ ал-охир ойининг йигирми иккисиди, торих саккиз юз бирда (01.01.1399) Жаҳонпаноҳдин кўч қилиб, Ферузободқа бориб туштиким, шаҳардин анга-ча уч қуруҳ турур. Ва бир соат ул ерни тафарруж қилди. Ва анда бир масжид Жавн суйининг йақосиди солиб эрдилар, барча тошдин, асру зебо ва латиф эрди. Ҳазрат ул масжидга кириб икки рақабат иамоз ўқиди. Ва Ферузобод дарвозасидин чиқиб, Саййид Шамсуддики, Термиз саййидларидин эрди ва Алоуддики, Шайх Кавқарийнинг ноиб эрди, Кутла шаҳрига элчиликқа бориб эрдилар, келдилар. Ва арзадонг қилдиларким, «Баҳодур Наҳодким, ул ернинг ҳокими турур, тобиъ бўлди. Жумъа куни мулозиматда келгуси турур. Ва икки оқ тўтиким, элчи била Баҳодур Наҳод йибариб эрди, келтуруб торгдилар. Ва ул тўтилар султон Туглуқшоҳ замонидин бери қолиб эрдилар, ва кўб йиллар подшоҳларнинг сўҳбатларида сўз айтур эрмишлар. Ҳазрат аларни кўруб, шу кун тутуб хуш ҳол бўлди.

Деҳлидин Вазирободқача олти қуруҳ турур. Панжшанба куни (02.01.1399) Вазирободдин кўчуб, Жавн суйидин утуб, олти қуруҳ юруб, Мудула мавзёсиди тушти. Одина куни, ойнинг йигирми тўртиди (03.01.1399) Мудуладин юруб, (олти қуруҳ ўтуб), Гата мавзёсиди тушти. Ва ул кун Баҳодур Наҳод ва ўғли Қалтош пешкашлар билан ва йахши тўғфалар била келиб, соҳибқиронни /кўрдилар. Ва соҳибқирон аларни йахши кўруб, кўб иималар иноят қилди.

208b

Шанба⁹⁰⁸ куни, ойнинг йигирми бешиди (04.01.1399) Гата мавзёсидин кўчуб, Боғабатқа келиб тушти. Ва йакшанба куни ойнинг йигирми олтисиди (05.01.1399) андин кўчуб, беш қуруҳ йўл юруб, Ишор мавзёсидики, икки сувнинг ўртасиди турур, келиб тушти.

Мират қалъасини⁹⁰⁹ фатҳ қилғони

Ҳинд вилоятида машҳур қалъалардин бири Мират турур. Ҳазрат соҳибқирон йакшанба куни, рабиъ ал-охир ойининг йигирми олтисиди (05.01.1399) Рустам Тағай Буга ва Шоҳ Маликбек ва Аллоҳдодбекни Ишор мавзёсидин

Мират қалъасига йибарди. Алар (сешанба куни, ойнинг йигирми саккизида (07.01.1393)) анда бориб хабар йибардиларким, Илёс Авгоний ва Мавлоно Аҳмаднинг ўгли бир жамоат габрлар билан Мират қалъасига кириб таҳас-сун қилмишлар, эл бўлмаслар ва урушурлар. Ва айтурларким, «Подшоҳ Тармаширин бу қалъага келиб ола олмасдур эрди. Сизлар худни дерсизлар». Бу сўз соҳибқироннинг хотирига йамон келиб, филҳол муборак нафаси била қаҳр ва интиқом юзини ул сори қилиб, бир ора қўнуб, йигирми курух йўл юруб, ойнинг йигирми тўққузидида (08.01.1399) Мират қалъасига келиб тушти. Ушул замон ҳукм қилдиким, «Қўшун беклари ва тумон беклари ҳар киши ўз мўлжоридин нагам солсунлар!» Кеча бўлгунча ўн беш қари ерни қаздилар. Габрлар ани кўруб ҳайрон қолдилар ва эликлари сабт бўлуб, ишларидин қолдилар. Тонгласи Аллоҳдодбекнинг қўшуниким, вафодорлик билан машхур турурлар ва қавчинлардин эрдилар, қалъанинг дарвозасига бориб такбир ва салот йибардилар. Ва Аллоҳдодбекнинг навкарларидин Сарой отлиқ Қаландарнинг ўгликим шершижоат эрди, барчадин бурун қалъанинг кунгурасига каманд солиб, қалъа устига чиқти. Ва андин сўнг узга баҳодурлар ва беклар бетаваққуф чиқтилар. /Рустам Барлоским, Рустами Достон анинг қошида Золи эрди, Илёс Авгонийнинг сардорларини тутуб, иттек бўюнларини боғлаб, ислоннаоҳ даргоҳида келтурдилар. Ва Васфий Габрким, барча габрларнинг улуғи эрди, урушда ўлди. Панжшанба куни, жумада ал-аввал ойининг аввалида (09.01.1399) Ислон баҳодурлари газо қиличларини тортиб кофирларким, қалъа ичида эрдилар. ўлдурдилар. Ва ўғлон-ушоқларини, хотунларини асир эттилар. Нағамларда ўт қўйуб, бурж-бораси ер била тенг бўлди. Қитъа:

209а

Берур ҳар нафас ҳазрат Ҳаққ анго,
Карам бирла фатҳу зафар даҳр аро.
Бале, ҳар кишига Ҳаққ қилса лутф,
Эрур икки дунёда ул подшо.

Агарчи, бу иш соҳибқирон ишларидин жузъий иш эрди. Аммо бу жиҳатдинким, габрлар соҳибқиронни Тармаширин чоғлиқ билмадилар. Ва ҳазрат муни билиб, ғайрати келиб келди, бир замонда қалъани олиб, ул беадабларни ер юзидин кўтарди. Ва ул қалъаниким, подшо Тармаширин ола олмагон эрмиш, оз киши била бориб олди.

Соҳибқирон Ганг дарёсида бир жамоат габрлар била уруш қилғони

Қалъайи Мират фатҳ бўлгондин сўнг фармон бўлдиким, «Жаҳоншоҳбек сўл қўлнунг кишиси била газо сори мутаважжих бўлсун. Жавн суйининг юқорисида бориб чобқайлар ва ҳар ердаким, габрлардин учраса, газо қилгайлар!» Бас, ҳукм йўсуни била амал қилиб юриди. Ва соҳибқирон ўғруқни Шайх Нуриддинга тобшуруб, ўзи Ганг дарёси сори юриди. Мират қалъасидин Ганг дарёсигача ўн тўрт курух турур. Йўлда Сулаймоншоҳбек келиб қўшулди. Соҳибқироннинг ҳиммати олий осори майл қилиб, одина куни, ойнинг иккисида (10.01.1399) ҳазрат Ҳаққдин нусрат /тилаб, Ганг дарёчи сори юриди. Офтоб чиққонда Ферузпур мавзёиға еттилар ва гузар истадиларким, сувдин ўткайлар. Уч курух сувни йақолаб юридилар, бир гузарга етиб туштилар. Аммо чун чуқур ер эрди, ҳар киши андин кеча олмай, баъзи сув билгучилар нари ўттилар.

209б

Соҳибқирон майл қилдиким, сувдин ўткай. Беклар юкунуб арз қилдиларким, амирзода Пир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳбек ун қўлнунг кишиси била Ферузпурдин сувдин кечиб турурлар. Агар ҳазрат бу кун таваққуф қилсалар йахши бўлгуси турур. Бас, соҳибқирон бекларнинг сўзини қабул қилиб ҳукм бўлдиким, «Баъзи баҳодурлар сувдин ўтсунлар!» Амирзода Шоҳрух тумонидин Саййид Хожай Шайх Али Баҳодур ва Жаҳон Малик Малакатнинг ўгли ва ўзга баҳодурлар сувдин кечиб, Туғлугпур мавзёиғача йигирми курух эрди, ўн беш курух юруб ҳазратқа хабар йибардиларким, Ганг дарёсининг қуйи сори бир жамоат габрлар йигилгон турурлар. Бас,

ҳазрат муни эшитиб ҳукм қилдиким, «Тумон бекларидин Мубашширбек ва Султон Али Тавачи қўшун бекларидин беш минг киши билан отланиб ул сори юрусунлар!» Бас, алар боргондин сўнг соҳибқирон тақри отланиб алар сори юриди. Йўлда соҳибқиронга андак малолати воқиф бўлб, бир эликига оғриқ тегди. Ва мулозиматда юругон донолар муолажага машгул бўлб, дорулар қилдилар. Ул маҳалда хабар келдиким, габрлардин қалин киши қирқ (саккиз) кемага кириб, сув ичида келурлар. Бу хабарким, ҳазратқа етти, соҳибқирон севинганидин тамом оғриги ўтуб бўлб, азбаким газо билан майли бор эрди, ул мараз муборак эликидин тамом кетти. Таваққуф қилмай, минг хосса кишиси билан отланиб дарё сори юриди. Дарёга /йақин етиб, баҳодурлар габрлар сори чопиб, ўқ отабошладилар. Ва баъзи диловарлар уларини сувга солиб, наҳангдек сув юзида юруб, габрларнинг кемаларига етиб, уруштилар. Соҳибқирон давлатидин кемаларга кириб, кофирларни ўлдуруб, сув йўлидин дўзах ўтига йибардилар. Ўғлон-ушоқларини асир қилиб келтурдилар. Бас, ул кемаларниким, габрлардин олиб эрдилар, йана бир жамоат баҳодурлар ул кемаларга кириб, қолгон габрлар сори юридилар. Ва аларда ўн кема қолиб эрди. Аммо ул жоҳиллар қалқонлар бошларига тортиб урушур эрдилар. Охир зафарпаноҳ черики аларга зафар билан поран қилдилар.

210a

Соҳибқирон бир кунда уч қатла кофирлар билан уруш қилғони

Соҳибқирон Ганг дарёсининг урушидин қайтиб, ўшул замон кўчуб Туғлуқпур мавзеъи сори юруб, анда етиб тушти. Йакшанба кечаси, ойнинг тўртида (12.01.1399) йарим кечада Аллоҳдодбекдин ва Боязид Қавчин ва Олтун Бахшийдинким, булар қаровуллуққа бориб эрдилар, икки киши келиб арз қилдиларким, «Пек йахши гузар топиб, сувдин ўтуб дарёнинг нари юзида қалин киши габрлардин барча от ва йароғ билан кўрдилар. Таҳқиқ қилиб билдиларким, Муборакхон турурким, қалин киши жамъ қилиб, урушмоққа тайёр турубтурлар». Соҳибқирон муни эшитиб, саҳар вақтида газо нияти қилиб отланди. Субҳдин бурун минг киши билан Ганг дарёсининг утуб, бир курух йўл юруб, намоз вақти бўлди. Йўлда тушуб намоз ўқуб авродини адо қилди. Черики барча жайба кийиб газо ниятига отландилар, юруб душманга еттилар. Муборакхон ўн минг киши йаёғ /ва отлиқ тайёр туруб эди. Соҳибқироннинг муборак хотирига кечтиким, «Ҳиндулар қўб киши турур, ва бизнинг киши оз. Ва ўн қўл ва сўл қўл кишиси биздин йироқ турур. Эмди худойга таваккал қилмоқ керак». Бу андишада эрдиларким, беш минг киши амирзода Шоҳрух тумонидинким, мундин бурун Саййид Хожа ва Жаҳон Малик билан сувдин кечиб чобқали бориб эрдилар, еттилар. Андоқким, агар ваъда қилгон бўлса эрдилар, мундоқ маҳалда етишмас маҳал эрди. Бас, бу давлат ҳазрат Ҳаққнинг камоли лутфидин турур. Шейр:

210b

Йори Ҳаққдин тилаки, Ҳаққ лутфи
Барча мушкилини ул қилур осон.
Тила андин неким тилар бўлсанг,
Ким эрур ул Карим ва ҳам Раҳмон.

Соҳибқирон ул черик келгонидин севунуб, ҳазрат Ҳаққ, таборак ва таолога шукрлар қилиб фармон қилдиким, «Шоҳ Маликбек ва Аллоҳдодбек минг киши билан душманлар сори юрусунлар». Ва аларни қўб киши деб кўнгулларига ваҳм ва ҳирос тушуб, ҳар неча қилиб тура олмай қочтилар. Мансур черики аларнинг кейнида тушуб, қўб киши ул кофирлардин тушуруб ўлдурдилар. Ва ўғлон-ушоқларини ўлжа қилдилар, сонсиз мол олдилар. Анча уди ва энар⁹¹⁰ туштиким, сони йўқ эрди. Соҳибқирон бир замон анда тушуб эрдиким, Дараи Кублакким, Ганг дарёсининг йақосида турур, анда габрлардин қўб киши йиғилиб эрди. Ўшул замон беш юз киши билан отланиб, Кубла сори мутаважжих бўлди. Ва черикнинг ўзгаси мол олмоққа машгул эрдилар. Соҳибқирон Дарага йақин етконда, бовужуд /улким, душман қўб эрди ва соҳибқироннинг кишиси оз, таваккал қилиб, беклардин Шоҳ Маликбек ва Али Султон Тавачи ва ўзга беклар ва баҳодурлар такбир

211a

деб, салавот йибариб, алар сори чобтилар. Қилич зарби била ул кофирлардин тутун чиқордилар. Андин ҳам сонсиз мол тушти. Ва черик мол олмоққа машғул эрди ва соҳибқирон қонига юз кишидин ортуқ киши йўқ эрди. Бу маҳалда бир кофирким, оти Малик Шайх эрди, икки юз киши била отлиқ ва йайоқ фидойилартек ўзини соҳибқиронга урди. Ҳазрат соҳибқирон ҳеч андиша қилмай ул габрлар сори юриди. Ва бир-бирига йақин етконда бир киши илгари келиб арз қилдиким, бу Шайх Кукари турурким, зафарпаноҳ черикида мулозиматда турур. Ҳазрат соҳибқирон бу жиҳатдин анинг сори юриди. Ва Шайх габр баъзи кишиларга Ислом черикидин қилич еткуруб эрди. Ҳазрат ул ҳолни кўруб, анинг сори чобти. Бир уқ қорнига уриб, қилич била бошига чопиб отидин тушурди. Ани боғлаб, соҳибқирон андин сўз сўруб, ул жавоб бермай жон берди.

Ушул соат йана хабар келдиким, Кубла дарасида мундин ангача беш курух йўл турур, габрлардин кўб киши анда йиғилиб турур. Аммо йўлда андоқ чангал турурким, андин ел ўтолмас эрди. Аммо кўброки қалин эрди ва андоқ азаматким, агар икки киши ани қучоқласа эрди, қўллари бир-бирига етмас эрди. Ва соҳибқирон ул кун икки навбат газо қилиб, ва маҳалли ул эрдиким, фароғат қилгай, бу хабар келди. Соҳибқирон газони фароғатдин йахшироқ кўруб, ўшул замон бир неча хосса кишиси била Дара сори мутаважжих бўдилар. Ва йўлда жангаллар кўб эрди ва кофирлар ҳам кўб киши эрди. Ва соҳибқирон қошида киши оз эрди. Муборак хотирига кечтиким, «Агар бу маҳалда фарзанд Нир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳбек / етсалар эрди (Парвардигорнинг латоиф санъларидин) ва асру дар маҳал турур эрди». Ва ҳали улким, мундин бурун уч кун аларни йироқ ерга чобқали учун йибариб эрди ва ҳеч кишининг гумонида йўқ эрдиким, бу маҳалда алар ҳозир бўлгайлар. Йакшанба кuni намози дигар вақтида неким ҳазратнинг хотирида кечиб эрди, амирзода Нир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳбек келиб соҳибқиронга қўшулдилар. Иттифоқ била габрлар сори юруб, аларга етиб, таббир ва салавот йибариб чобтилар ва қилич зарби била ул габрлардин кўбракини ўлдурдилар. Ва мол бисёр ва сонсиз қумош Ислом черикига тушти. Ва анча уди ва энак ва қўй ва тева туштиким, сони йўқ эрди. Ва бир кунда соҳибқирон уч қатла газо қилди.

Оқшом бўлгонда ул ерда андоқ ер йўқ эрдиким, тушкайлар, қайтиб иккинчи ердаким, газо қилиб эрдилар, анда бориб туштилар. Замона юз тили билан соҳибқиронни дуо қилиб айтур эрди, байт:

Сенга бўлгай, эй шоҳи Йаздонпаноҳ,
Мутиъинг бари еру хуршиду моҳ:

Жаҳон офарин сендин ўлсун ризо,
Ки бўлгай сенинг сақлағучунг худо.

Ниғаҳдоринг ўлсун худойи жаҳон,
Жаҳон ичра тутсеун сени жовидон.

Ҳазрат соҳибқирон Кубла дарасига борғони ва анда бир тош кўрдиким, ўкуздек эрди, кофирлар ани иззат тутар эрдилар, соҳибқирон анда бориб, тафарруж қилғони

Даран Кубла бир тоғ этагида турурким, Ганг дареси андин утар. Ўн беш курух йўл юқорида бир тош бор эрди ўкузтек, ва дарётек сув андин чиқар эрди. Ва ҳинд гумроҳлари ул тошни пурситоиш килур эрдилар. Андоқким, бир йиллик йўлдин анга келур эрдилар. Ва габрлар улукларини куйдуруб, кулларини келтуруб ул сувга тўкар / эрдилар. Ул ишни йахши иш билиб, олтун ва қумушни боргон габрлар анда сочар эрдилар ва сувга кириб, бошларига сув қуюб, соқолларини қирқар эрдилар.

Абу Наер Утбий, раҳимаҳу Аллоҳ, ҳинд куффорининг ҳикоятлариким, аларнинг бу сув билан нечук эътиқодлари бор эрмиш, «Нитоби Йаминий»да келтуруб турур. Ул маҳалдаким, Носируддин Сабуктекин ва ўгли Султон Маҳмуд йиллар Ҳиндустонда кириб газо қилур эрдилар ва қалъалар ва мамлакатларни олдилар, охирдаким, Султон Маҳмуд Ҳинд вилоятига кириб Ислом черикини мунда еткурди.

Аммо ҳазрат соҳибқирон аввалидаким Ҳинд вилоятига кириб, шоҳзода-

лар ва бекларни ҳар бирини бир йўлда йибариб, ул йўлда шаҳар ва қалъа ва эл-улус бор эрди, барчани мусаххар қилиб Деҳлига еттилар. Деҳлини ҳам мусаххар қилдилар, нечукким, шарҳи юқори кечти. Деҳлини фатҳ қилгондин сунг Ганг суйидин кечиб, бу ердаким, анинг васфини баён қилурбиз, еттилар.

Алқисса, ул дарада бир жамоат габрлардин қолиб эрдилар, моллари куб. Душанба куни, жумада-ал аввал ойининг бешида (13.01.1399) Купла дараси сори мутаважжих бўлди. Андаги габрлар хабар билиб, ўзларига мағрур бўлуб, ўшанда турдилар. Ислом черики йасол тартибида ул дарага еттилар. Унг қўлда амирзода Пир Муҳаммад ва амир Султоншоҳ турди ва сул қўлда бир жамоат беклар турдилар. Ва гўлдин илгари Шоҳ Маликбек ва ўзга беклар такбир ва салавот деб сурон солдилар. Ул кофирлар бу гавғони эшитиб, баҳодурларни кўруб, барча қўрқуб қочтилар. Ва Ислом черики аларнинг кейинларидин суруб, куб киши тушуруб ўлдурди. Андин ҳам сонсиз мол тушти. Ва ул /муҳолифлар шарридин ул ер пок бўлди.

Ушул кун соҳибқирон қайтиб Ганг дарёсидин кечиб тушти. Намози пешинда ҳазрат Парвардигорға шукр деб, намоз ўқуди. Ва андин кучуб беш курух йўл юруб, Ганг дарёсининг қуйи сори келиб тушти.

Соҳибқирони мамоликситон Ҳиндустон мамлакатидин қайтқони

Ҳазрат Парвардигор соҳибқирони диндорға тавфиқ рафиқ қилди ва соҳибқиронни Ҳиндустон сори ғазо учун йибарди. Бу ҳазратқа нусрат ва зафар йўлош бўлуб, Ҳиндустон вилоятига кириб ўғлонларини ва бекларни ҳар қайсисини бир йўлдин йибардиким, ҳар ерда дин аъдоси бўлса, аларни ўлдуриб, қалъа ва ҳисорларини мусаххар қилгайлар. Булар Ҳиндга кириб, Деҳлигачаким, Ҳиндустон вилоятининг пойтахти эрди, мусаххар қилдилар. Ва ҳар ердаким, кофирлар бор эрди, ул ерни ул кофирларнинг зулмларидин пок этиб, Ислом нури била ёруқ эттилар, нечук, шарҳ қилдуқ.

Андин сунг соҳибқирон азм эттиким, қайтиб уз вилоятига боргай. Сешанба куни, жумада ал-аввал ойининг олтисидида (14.01.1399) саодат ва иқбол била Ганг дарёсининг йақосидин қайтиб, ўгруқ сори мутаважжих бўлди. Беклар ва сардорлар йўлга кириб, тартиб била юридилар. Чаҳоршанба куни, ойнинг еттисидида (15.01.1399) олти курух йўл юруб тушти. Анда хабар келдиким, Сувалак тоғининг дараларидаким, ул ерни бир лак ва данги Ҳиндустон вилоятидин тутарлар, габрлардин куб киши анда йигилиб турур. Муни соҳибқирон эшитиб ҳукм бўлдиким, «Черик эли кучуб, ул тоғнинг йўлига кириб борсунлар!» Узи ўгруқдин илгари бўлуб, /баҳодирлари била илғор солиб, беш курух (Сувалак) тоғқа қолиб эрдиким, бир ерда келиб туштилар. (Ул ерда) амирзода Халил Султон ва амир Шайх Нуриддин ўгруқдин келиб соҳибқиронға қўшулдилар. Сулаймоншоҳбек ва ўзга беклар арзадошт қилдиларким, «Соҳибқирон давлат ва саодат била қайтиб, фаоат била ўлтурсунлар. Биз бандалар бориб ул габрларнинг ишларини кифоят қилурбиз». Соҳибқирони динпарвар жавоб бердиким, «Ғазо қилмоқ фарз турур ва боргон кишида икки фойда турур бири улким — охиратда савоби бўлгай ва бири улким — мол тушкай ва кофирларнинг моли ҳалол турур. Бизга ҳиммат ул турурким, охират савобидин баҳраманд бўлгайбиз. Ва агар мол тушса, Ислом черикига йибаргай. Ва ҳар кимдаким, йароғ бўлмагай — йароғ бергай. Бизким, подшоҳларға вожиб турурким, зуъафо ва масокинлардин хабардор бўлгайбиз».

Ушул кун ҳукм бўлдиким, «Жаҳоншоҳбекким, мундин бурун Жавн суйининг йақосидаги элларға чобқали бориб эрди, ёниб урдуға келсун, то ғазо давлатидин баҳраманд бўлгай!» Жаҳоншоҳбек ҳукм била олампаҳо даргоҳига келиб қўшулди.

Сувалак тоғини чобқонлари

Ҳазрат соҳибқирон шанба куни, жумада ал-аввал ойининг унида (18.01.1399) отланиб, Сувалак тоғи сори юриди. Ва ул дарада бир киши

2136

бор эрди, Баҳроз отлиқ. Ул лавин қуб киши йиғиштуруб, тоғнинг берклигига мағрур бўлуб ўлтуруб эрди. Нуератшиъор черики тоғ сори мутаважжих бўлуб, ўнг қулдин амирзода Пир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳбек ва сул қулдин амирзода Султон Ҳусайн ва Жаҳоншоҳбек ҳировул Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек ва ўзга беклар тартиб била юруб дарага кирдилар. Ва такбир била тилларини очиб, (такбир ва салавот айтиб), кофирлар сори чобтилар. Қилич зарби била ул тоғу тошни кофирларнинг қонлари била бўядилар. Қуб қаттиқ урушуб, охируламар зафар тавфиқ бўлуб, Ислом черики кофирларни бостилар, кубракини ўлдуруб, молларини таладилар. Ва анча ўкуз ва энак туштиким, сони йўқ эрди. Ҳар ўн кишига тўрт юз-беш юз энак-ўкуз тушуб эрди. Ва черик элидин ҳеч киши маҳрум қолмади.

Иакшанба кечаси (19.01.1399) соҳибқирон амирзода Пир Муҳаммаднинг эвиги бориб тушти. Тонгласи қайтиб, давлат ва саодат била урдуға бориб тушти ва андин кўчуб, Баҳраға бориб туштиким, тааллуқ Бакарига эрди. Ва ани Майопур ҳам дерлар. Ва андин душанба куни, ойнинг ўн иккисида (20.01.1399) Бахрадин кўчуб тўрт куруҳ юруб, Сова мавзъида етиб тушти. Черик ичиди амак асру қуб жиҳатидин йақин-йақин кўчуб, оҳиста юруб эрдилар. Ҳар кунда уч куруҳ, тўрт куруҳдин ортуқ бормас эрдилар. Сешанба куни ойнинг ўн учиди (21.01.1399) Гандарға бориб туштилар.

Сувалак тоғига тааллуқ жангалларға бориб газо қилгонлари

214a

Жумада ал-аввал ойнинг ўн тўртида, чаҳоршанба куни (22.01.1399) соҳибқирон Гандардин кўчуб, Жавн суйидин ўтуб, Сувалак тоғининг ўзга ёнида бориб тушти. Ва анди эшиттиким, Ратан отлиқ райлардин биров қуб киши йиғиштуруб, баланд тоғларда ва берк жангалларға кириб муҳолифат даъвоси бор ва андоқ жангаллар борким, Мозандарон жангалларидин ҳам йағочи қалинроқ турур. Ва ул йағочларни кесмагунча юруса бўлмас. Ҳазрат мунди эшитиб таҳаммул қилмадиким, тонг отқай. Ушул кечада машғаллар ёндуруб, черикни йасаб юрубурди. Ва ҳукм эттиким, «Жангалда кириб, йағочларни кесиб, йул очсунлар!» /Черик жангалга кириб, йағоч кесиб йул очилдилар. Паишанба куни, ойнинг ўн бешида (23.01.1399) эрта сабоҳ Сувалак тоғига еттилар. Ва Ратан соҳибқирондин хабар билиб, черикини йиғиштуруб, мукамал ва мусаллаҳ туруб эрди. Аммо соҳибқироннинг черикининг қаросини кўруб, туролмай қочтилар. Мансур черикининг тумон беклари ва қўшун беклари габрларнинг кейинларидин суруб, кўпрогини тушуруб ўлдурдилар. Ва ғозийларға йана андин анча мол туштиким, сони йўқ эрди. Ва йана бир кишига юз ва икки юз ўкуз ва энак тушти. Ун бош ва йиғирми бош бурда⁹¹¹ тушти. Амирзода Пир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳбек ўзга дараларға бориб газо қилиб, қуб киши кофирлардин ўлдуруб, сонсиз мол олиб ёндилар. Ва Жаҳоншоҳбек тақи йана бурдаға бориб, ул тақи ҳиндулардин қуб киши ўлдуруб, сонсиз мол олиб ёнди.

2146

Одина кечаси Ислом черики барча бир ерда йиғилиб, икки тоғнинг ўртасида туштилар. Одина куни (24.01.1399) андин кўчуб йана Сувалак тоғига кириб, андин Каркарат вилоятигача ўн беш йағоч йул эрди, ва ул тоғ ичи тамом жангал эрди, ва анди ҳиндулар ва райилар қуб эрди, соҳибқирон алар сори мутаважжих бўлди. Жаҳоншоҳбек Хуросон черики била илгари юруб эрди ва Сайин Темур қаровул эрди. Чошттоҳ эрдиким қайтиб соҳибқиронга арз қилдиким, «Бу ерларда габрлар асру қуб турур ва ўзга ерларға ухшамас». Соҳибқирон гуруб Хуросон черикига ҳукм қилдиким, «Юруб чобесунлар!» Ул баҳодурлар кофирлар сори юруб, чопиб уруштилар. Кофирлардин қуб киши ўлдуруб, сонсиз мол олдилар. Ва ушул кун намози пешинда Шайх Нуриддин қўшунидин /ва Али Султон Тавачидин киши келдиким, «Сул қул сори тоғ ичиди бир дара бор ва анди габрлардин асру бениҳоят кўрунур». Соҳибқирон мунди эшитиб ушул замон ул дара сори мутаважжих бўлди. Фармонладиким, «Шайх Нуриддинбек ва Али Султон Тавачи ул габрлар сори юрусунлар!» Алар ҳукм била юруб ул бадбахтлар билан уруштилар. Ва ҳазрат соҳибқирон тақи етишиб келди. Ислом черикининг баҳодурлари йағоч бўлуб, тоғларға чиқиб, кофирлар била урушуб,

қўб киши ўлдурдилар. Ва қолғонлари бир-бир бўлуб ҳар сори қочтилар. Мансур черики қўб мол олиб ёндилар. Ва анча мол туштиким сони йўқ эрди. Ҳазрат ул кун охшомғача анда турди, то Ислому черики фароғат била молларни олдилар. Соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Ҳар кишигаким, мол тегмаган бўлса, мол олгон кишилар аларга нима берсунлар!» Мол олгонлар олмагонларга анча мол бердиларким, барча тенг бўлдилар. Ул кеча ушул дарада маймун асру қўб эрди; кеча келиб, черик ичида кириб нима олиб қочар эрдилар.

215a Соҳибқирон бир ойда (жумада ал-аввалнинг ўн олтисидан (24.01.1399) то жумада ал-охирнинг ўн олтисининг (23.02.1399) ниҳоятигача) икки тоғнинг орасидаким, Сувалак ва Карака тоғи эрди, бўлгон габрларни ва бутнарастларни мусаххар қилди ва етти улуг қалъани олди. Ва ул қалъалардин бири Шайхун қалъаси эрдиким, Малик Шайха Кукарийнинг ичуруглари анда эрдилар ва мусулмон эрди. Ҳазратқа тобиъ бўлғони учун аларга ҳеч зарар-заҳмат тегмади. Аммо алардин нифоқ зоҳир бўлур эрди. Соҳибқирон мулозимларидин бир оқил киши фикр эттиким, «Булар ичида ҳар неким силоҳ бўлса, моли амонийга ҳисоб қилиб олмак керак». Алар ичида ҳар неким, /силоҳ моли амонийга ҳисоб қилиб олдилар. Ва йана нимаким, бир олтун арзимас эрди, ўн олтунга ҳисоб қилиб олур эрдилар. Бу жиҳатдин қалъанинг эли ҳар неким, силоҳдин аларда бор эрди, чиқариб бердилар. Андоқким, алар ичида аслаҳадин ҳеч нима қолмади. Ҳукм бўлдиким, «Қирқ бош ҳиндуким, Ҳиндушоҳ Ҳозинга тааллуқ турур, қалъага кирсунлар!» Ул ҳиндулар қалъага кириб, мухолифат қилиб, баъзи мусулмонларни ўлдурдилар. Бу жиҳатдин Ислому черикига вожиб бўлдиким, ул кофирларни ўлдургай. Қалъага кириб икки минг габрни ўлдурдилар. Ул ер кофирлардин нок бўлуб, Ислому нури била музаййан бўлди. *Вал ҳамду ли-Тлаҳи аъла тавотиру ну'моиҳи аз-заҳира вал-ботина.*

Ҳазрат соҳибқирон Жамму ливосига бориб ғазо қилғони

215b Соҳибқирони динпарвар Сувалак тоғининг кофирларидин хотирини жамъ қилиб, йакшанба куни, жумада ал-охир ойининг ўн олтисидан (23.02.1399) Мунсор мавзеъидин қайтиб олти куруҳ йўл юруб, Байла қарйасига туштиким, бу кент Жаммуга тааллуқ эрди. Ушул кун Шайх Муҳаммад Ййгу Темур ва Мубашшир ва амирзода Халил Султон тумонидин Исмоил Барлоё Байла сори мутаважжих бўлдилар. Ва ул ернинг эли барча диловар ва баҳодур эрдилар ва жангаллари асру берк ер эрди. Алар ўзларига мағрур бўлуб, исён йўлига кириб уруш қилдилар. Ислому черики ҳам уруш асбобиға машғул бўлуб, алар сори таважжуҳ қилиб борур эрдиларким, соҳибқирон қошидин биров келиб ҳукм келтурдиким, «Букун алар била урушмасунлар ва таваққуф қилсунлар, биз келгунча!» Бас, душанба куни, ойнинг ўн еттисидан (24.02.1399) соҳибқирон давлат била отланиб, йасол бирла юруб, такбир ва салавот йибариб, гулгуларини етти кўкга еткуруб, еттилар./Кофирлар бу азимат ва шавкат ва ҳайбатни кўруб туролмай, кентдин жангаллар сори қочтилар. Баҳодурлар чоғиб, чангалдаги йўлларига бориб турдилар, то черик фароғат била ул кентга кириб, талдилар ва ошлиқ ва озук бисёр олдилар. Андин кучуб турт куруҳ юруб, туштилар.

Ушул кун Ўлжа Темур ва Фулод ва Муътаид Зайнуддинким, Деҳлидин Кашмир вилоятига элчиликқа бориб эрдилар, Шоҳ Искандарнинг элчилари била ўрдуға келиб, соҳибқиронга кўрунуш қилиб, араздошт қилдиларким, Шоҳ Искандар тобеъ бўлуб мулозиматқа келур эрди. Жаҳон мавзеъида етиб эрдиким, Мавлоно Зайнуддинким, анинг кишиси турур, элчиликка келиб, қайтиб борурда Шоҳ Искандарга етиб дедиким, «Девонийлардин ҳукм бўлдиким, «Ўттуз минг от ва юз минг олтун тангаким, ҳар танга икки йарим мисқол бўлгай, Кашмир вилоятидин саранжом қилиб келтурсунлар». Шоҳ Искандар бу сўзни эшитиб, деди: «Мен ўзум ёнмагунча бу сўз саранжом бўлмас». Ёниб бордиким, бу нималарни саранжом қилиб мулозиматқа келгай. Соҳибқирон бу сўзни эшитиб, дедиким, «Девонийлар Султон Искандарга зулм қилиб турурлар. Вилоятига муносиб нима солмагондурлар».

Бас, элчилар ҳазрат соҳибқиронга таъриф қилдиларким, «Султон Искандар асру йахши давлатхоҳлардин турур ва сидқу эътиқод била қуллуққа бўйун қўйиб турур». Соҳибқирон лутф этиб, йана киши йибардиким, «Султон Искандар девонийлар солгон молга муъаттал бўлмаеун, ул мол ҳосил бўлса. Ва агар ҳосил бўлмаса, ўзи келиб бизни кўрсун!»

216a Сешанба куни, ойнинг ўн саккизида (25.02.1399) Султон Искандарнинг элчилари била Муътамид Зайнуддинни Султон Искандарга йибарди ва қарор қилдилар: «Йигирми саккиз кунда / Синд суйининг йақосида ет-кайсиз». Бас, аларни йибаргондин сўнг бу ерда тоғ этагида бир кенте бор эрди, Исломо черики ул кент сори мутаважжих бўдилар. Ва андаги ҳиндулар хону-монларидин кечиб, кентда ўт солиб куйдуруб, ўзлари қочтилар. Исломо черики ул кентда кириб, озуқ олдилар. Ушул кун йана икки кентким, аларга йақин эрди, намоз пешин эрдиким, анда бориб чобтилар, мол ва ошлиқ қўб олдилар. Аро Темурким, соҳибқироннинг бандаларидин эрди, уқ еб захмлиқ бўлди.

216b Чаҳоршанба куни, ойнинг ўн тўққизида (26.02.1399) андин кўчуб, Жамму кентининг йақинида бориб тушти. Ва андин Жаммуғача тўрт курух эрди ва муидин Жаммуғача борар (йўл) зироат эрди. Панжшанба куни (27.02.1399) Жамму сори мутаважжих бўдилар. Ва ул дарадаким, Жаммунунг суйи андин чиқар эрди, кирдилар. Ва тоғнинг этагида сўл қўл сори Жаммунунг кенти эрди ва ўнг қўл сори Манур кенти эрди. Ва бу икки кентда ҳиндулар бор эрди, барчаси қавий ҳайкал ва баҳодур ва асру берк жангаллар бор эрдиким, анда кирмак мушқил эрди. Ул бадбахтлар ўғлон-ушоқларини тоғларга йибариб, ўзлари турдилар. Соҳибқирон ўз тадбиридин фикр қилдиким, ул ҳиндулардин черикка ташвиш тегмай, барчаси эликка тушгай. Ҳукм қилдиким, «Аларга бориб ташвиш бермасунлар ва Манур сори бориб чобсунлар!» Исломо черики ҳукм била Манур кентини талаб, қайтқонда Жаммуға кириб ошлиқ олдилар. Соҳибқирон буюрдиким, «Неча минг киши каминларда ўлтурсунлар!» Ва ўзи қайтиб, Жамму суйидин ўтуб, тўрт курух йўл юруб, Чиноба суйига⁹¹² етиб туштилар. Ва анда тўрт йағоч йўл юруб, барча зироат эрди ва ўт бениҳоят эрди, анда тушуб ўлтурдилар. / Аммо ҳиндуларким, қочиб жангалларга кириб эрдилар, ҳиндулар хаёл эттиларким, черик ёниб борди. Тулкидек жангалдин чиқтилар ва каминда тургон шерлардин гофил эрдиларким, ногоҳ ул баҳодурлар каминлардин чиқиб, ул кофирлар устига тўқулдилар. Қўб киши ул кофирлардин ўлдурдилар. Ва (амир) Шайх Нуриддин тумонидин Давлат Темур Тавачи ва Ҳусайн Малик Қавчин Жаммунунг райини эллик габр била тирик тутуб, соҳибқирон қошига келтурди. Ҳазрат худоёга шукр деб, эллик кишини банд қилдилар. Ва Жаммунунг райи урушда захм еб эрди, андин мол ҳосил бўлмай деб, захмини муъолажа қилдилар. Ва ваъда ва насиҳатлар била Исломо давлатига мушарраф бўлди ва ути этдиким, алар ичида ҳаром эрди, еди. Ҳазрат анга қўб иноят ва шафқат қилди ва анда бир кун турди. Бу жиҳатдинким, Исломо черикидин бир жамоат киши Лаҳовар вилоятига бориб эрди, ул боргон кишилар ёниб келдилар.

Лаҳовар шаҳрининг⁹¹³ қиссаси ва Шайха Кўкарининг зикри

217a Ушул кун хабар келдиким, шаҳзодаларким, ҳукм била Лаҳовар шаҳрига бориб эрдилар, шаҳарни мусаххар қилиб, моли амон тилайдурлар ва Шайха Кўкарини тутубтурлар. Шайха Кўкарининг зикрини бурун баён қилиб эрдукким, соҳибқирон Ҳиндустон вилоятига киргонда келиб ҳазратни кўруб эрди. Ва ҳазрат ани йахши кўруб андоқ сийладиким, андин йахшироқ бўлмагай. Ва ҳар ердаким етиб, ул ернинг ҳиндулари дедиларким, «Биз Шайха Кўкарининг кишисибиз», ҳазрат аларга музоҳим бўлмади. Ва икки сувнунг аросида бири Ганг дарёси ва бири Жавн суйида Шайха Кўкари ижозат тилаб, вилоятига бориб, соврин ва пешкаш йасаб, Паноҳ суйидаким, ани Лаҳовар суйи⁹¹⁴ ҳам дерлар, анда келиб қўшулгай. Ҳазрат ани/ ижозат бериб, ўз вилоятига бориб, айшу ишратқа машғул бўлди ва ҳар нимаким, муқаррар қилиб эрди, барчани унутуб, муҳолифат йўлига кириб,

соҳибқирондин мулозимлари, Мовароуннаҳр вилоятидин келур эрдилар, мисли Мавлоно Убайдуллоҳ Садр ва Ҳиндушоҳ Хозин анда еттилар, Шайха Кўкари буларга ҳеч (илтифот) қилмади. Бу жиҳатдин ҳукм бўлдиким, «Анинг вилоятини талаб, ўзини тутуб келтурунлар!» Душанба куни оининг йигирми тўртда (03.03.1399) нусратпаноҳ черики Чинова суйидин кечиб, беш куруҳ йўл юруб, туштилар.

Ул кун амирзода Мироншоҳнинг навкарлари Табриздин келиб, шаҳзоданинг саломатлиқ хабарини келтурдилар⁹¹⁵. Ва Бағдод ва Миср ва Шом ва Рум ва Дашти Қипчоқ ва Қалъайи Аланчуқнинг хабарларини арз қилдилар. Ва ўшул кун Ҳиндушоҳ Хозинни Самарқанд сори йибардиким, то хабар вусули соҳибқиронни анда элтгай. Ва ўшул кун амирзода Пир Муҳаммад Умаршайхнинг навкарлари Форедин келиб, саломатлиқ хабарини келтурдилар. Ва пешкашлар кўб келтуруб эрдилар, барчани тортилар.

2176 Чаҳоршанба куни, оининг йигирми олтисиди (05.03.1399) Чинова суйидин кечиб, олти куруҳ юруб, бир езида тушти. Ва ўшул кун Табриздин келгон элчилардин бировни Самарқандга йибардиким, «Мундаки биз Ҳиндустон вилоятидин қайтиб келурбиз, андағи ўғлонлар ўтрав келсунлар!» Панжшанба куни, оининг йигирми еттисиди (06.03.1399) олти куруҳ йўл юруб, бир жангалга йақин етиб, бир тена устида ҳазрат соҳибқирон тушти. Ўшул кун жангал ичида бир шер пайдо бўлуб, Ислон черикининг баҳодурлари ул шер сори чобтилар. Барчадин бурун Шайх Нуриддин шерга етиб ҳамла қилиб, қилич била шерни чобти. Бу маҳалда амирзода Пир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳ Баҳодур ва амир Жаҳоншоҳ Лаҳовар шаҳридин қайтиб, /ўрдуга келиб, пешкашлар била соҳибқиронни кўрунуш эттилар. Ҳазрат барча бекларга бағишлади. Аммо ул маҳалда иноят назари Муҳаммад Озодқа тушуб, хосса зарбофт тун ва олтун камар ханжар бериб, уруғ-қийиши ичида ани сарафроз қилдурди. Ўшул кун ҳукм бўлдиким, «Ўнг қўл ва сўл қўлдағи беклар ва тумон беклари ва қўшун беклари, ҳар киши ўз юртига қайтиб бурсунлар!» Шаҳзодаларга ва бекларга ҳар бирига лойиқ тунлар кийдуруб, отлар миндуруб, шафқат ва иноят била сарафроз қилди. Ва Ҳиндустондағи вилоятларнинг шоҳлариким, мутиъ бўлуб, хизматда келиб юруб эрдилар, барчага иноятлар қилиб, нишонлар бериб, вилоятларига йибардилар. Ва Хизрхонким, Саранг ани тутуб қалъада банд қилиб эрди, ул аидин қочиб, Деҳли вилоятида Ажудан қошидаким, подшоҳи мусулмон эрди, бориб эрди, ҳазрат анда боргонда хизматқа келиб эрди. Бу маҳалда соҳибқироннинг иноят кўзи анга тушуб, Мўлтон вилоятини анга берди.

Ҳазрат соҳибқирон бу ердаким, тушуб эрди, ов қилмоққа асру муносиб эрди: ажойиб ва гаройиб жонуворлардин бениҳоят эрди — шеру бабр ва каркидону кўтапой ва ола кийик ва кўк сўғун ва товусу тўти ва ўзга ажойиб қўшлар кўб эрди. Соҳибқироннинг муборак кўнглига туштиким, ов солгай. Назм:

Буюрди шаҳаншоҳи нусратшиъор,
Ки, солгайлар анда черики шикор.
Юруб солдилар ов синоҳи далер,
Ўшул ерда на бабр қолди, на шер.
На товус қолди, на тўти, даррож,
На лаклак била анда на қалдивож.

218a Ва анча жонивор олдиларким, сони йўқ эрди, каркидон кўб олдилар. Ва бу каркидон андоқ қушлук булурким, мункузи била отни/ уруб кўгарур. Ва анинг терисига ўқ ва қилич ҳеч нима иш қилмас. Ул кун анда зубун бўлуб, кўб андин ўлдурдилар.

Одина куни (07.03.1399) овдин фориг бўлуб, саккиз куруҳ йўл юруб, бир мавзёским, ани Жаҳон дерлар ва Кашмирнинг йўлида эрди, анда келиб тушти.

Кашмир вилоятининг сифати

Кашмир вилояти оламдағи маъмур вилоятлардин эрур ва машҳур турур. Ва анинг вазъи асру ажойиб тушуб турур. Ва андаким, киши бораолур ва бу Кашмир тўртинчи иқлимнинг ўртасида, тўртинчи иқлимга тааллуқ

турур, арзи ўттуз уч даража турур ва ўттуз егги дақиқа. Ва тавили юз даража турур. Ва ул вилоят тавилоний тушуб турур, тўрт ёни тоғ турур. Жанубидаги тоғи Деҳлига тааллуқ турур ва ғарби соридаги тоғи авгонийларга тааллуқ турур ва шарқи сори Туббатқа⁹¹⁶ тааллуқ турур. Ва шарқидин ғарбигача қирқ йағоч турур ва арзи шимолдин жанубгача саккиз йағоч турур. Тоғ ичида Ҳамавор дашти турур. Ўн минг маъмур кенти борким, барча оқар сувлар ва сабзалар ва боғлар ва зирот ва иморат турур. Ва ўн минг ерким, кентга ва зиротқа лойиқ ёлбас ерлари бор. Ул ернинг эли асру соҳибжамол ва латиф турур, нечукким аларнинг хублуғи оламда машҳур турур. Ва анда турлук-турлук гуллар ва йағочлар ва мейвалар асру кўб турур. Аммо совуғи асру кўб ва қаттиқ бўлур, қор ва йамғур кўб бўлур. Бу жиҳатдин анда хурмо ва поранж ва лиму бўлмас. Ўзга мейвалардин барча бўлур. Шаҳри ўртада тушуб турурким, ҳар ёни йигирми йағоч турур. Ва бу шаҳарнинг оти Нагара⁹¹⁷ турурким, пойтахт турур ва подшоҳ анда турур. Ва Бағдод шаҳритек бу шаҳарнинг ўртасидин улуг сув борадур. Ва бу улуг сув бир булогдин чиқар ва ани Дайр булоғи дерлар. Ва бу сув Кашмирдин чиқиб Ҳиндустонга/ борур. Анда ани Дандона суйи ва

2186 Чинова суйи ва Жамму суйи дерлар. Йана тўрт улуг дарё Синд суйидек ва Биёх суйидек бир бўлур, Мултондин юкори чиқиб, Чинова суйига қўшулур. Ва бу сувлар Мултондин ўтуб Рова суйига⁹¹⁸ қўшулур. Ва андин сунг Биёх суйи аларга қўшуб, Татта⁹¹⁹ еридин Уммон дарёсига⁹²⁰ тўкар. Ва бу шаҳарнинг қўрғони худой қудратидин тошдин тушуб турур, андоғким устакорлар ани йасаб турур деб хаёл қилгайсен. Бу қўрғон ҳаргиз ҳеч ери бузулмас ва ани киши иморат қилмас. Ва андаги эл анинг иморатидин ва йасамоғидин ҳеч фикрлари йўқ турур ва ҳеч киши ани уруш била ололмас. Ва эл йамғурдин ҳеч андишалари йўқ турур.

Кашмирнинг йўли уч соридин турур: бир йўли Мултон соридин эрур. Ва ул йўл андоқ турурким, андин от ва эшак юраолмас. Ва кишиким, ул йўлдин борур эрмиш, сувни ва озукини ўзи кўтариб борур эрмиш. Ва Ҳиндустон сори йўли ҳам ўшундоқ турур. Ва ул йўлким, Туббат соридин турур, ул бу икки йўлдин осонроқ турур. Аммо ул йўлда неча кунлуқ йўли андоқ турурким, анда бир ўтким, ердин чиқиб турур, ул ўт оғутек турур. Ҳар галаким андин еса филҳол ўлур эрмиш. Ва от ва эшак ул йўлдин келаолмас.

Алқисса, ҳазрат соҳибқирон шанба куни, ойнинг йигирми тўққузиди (08.03.1399) Жаҳон мавзёида кўчуб, тўрт куруҳ юруб, Дандона суйига етиб тушти. Бас, ул сувга кўфрук боғлаштурди. Ҳукм қилдиким, «Черикдаги йайоғлари, турку-тожик ул кўфрукдин ўтеунлар!» Шоҳ Маликбек ва Жалол ал-Исломбек туруб, эли кўфрукдин ўтқардилар.

Соҳибқирон давлат ва иқбол била Мовароуннаҳр сори мутаважжих бўлғони

219a Жумада ал-охир ойнинг охирида, йакшанба куни (08.03.1399) аввал сабоҳда ҳазрат соҳибқирон/ черикдин бурун отланиб, Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Илғор этиб, йигирми куруҳ йўл юруб, тушти, Дандона суйининг қўйи сори Сомнат мавзёидаким, Худ тоғига тааллуқ турур. Бас, андин душанба куни, ражаб ойнинг аввалида (09.03.1399) Сомнат мавзёидин отланиб, қалъага етиб туштиллар. Ва ўшул кун намози пешинда намоз ўқуб, Жалолоий йўлига кириб суруб, тамоми шомда чўлдин чиқиб, Шаҳгон суйига етиб тушти. Ва бир жамоат бекларким, анда ўлтуруб, йўлларни ва қалъаларни сақлар эрдилар, мисли Пир Али Сулдуз ва ўзга беклар ҳукм билан Синд суйига кўфрук боғлаб эрдилар. Соҳибқирон келиб кўфрукдин ўтуб, тушгача анда тушуб ўлтурди. Аллоҳдобекни кўфрук бошида қўйдиким, кейиндин келгон черикни кўфрукдин ўтқаргай.

Соҳибқирон намози пешинни ўқуб саодат ва давлат била отланиб, икки куруҳ йўл юруб тушти. Чоҳоршанба куни, ойнинг учиди (11.03.1399) андин кўчуб, Бону марҳаласида келиб тушти. Пир Али Тоз ва амир Ҳусайн Қавчин ва ўзга бекларким, авгонийларнинг дафъи учун анда туруб эдилар

ва етти ой эрдиким, соҳибқирон мулозиматидин йироқ тушуб эрдилар, бу ерда барчанинг кўзлари муборак жамолидин йаруқ бўлди ва бир тўққуз от ва минг говмиш торттилар. Соҳибқирон отларни аларга уқ берди ва говмишларни кўруб дедиким, «Буларни бир ердин талаб олгон турурлар. Анда элтиб, эйаларига берсунлар. Ва Пир Али бўлгон кишиси била анда турсунким, черик барча ўткунча». Панжшанба куни, ойнинг тўртидаким, (фарвардинмоҳи жалолийнинг аввали) (12.03.1399) наврўз куни эрди ҳазрат Ҳаққ иноятидин отланиб Нағар қалъаси сори мутаважжих бўлди.

2196 Одина куни (13.03.1399) қалъага етиб тушти. Ва ул кун ул юртдин шоҳзода Мироншоҳ (навқариға) /ижозат бериб, Озарбайжон мамлакати сори йибарди. Ва ўшул кун Маҳмуд Барот Хожа ва Ҳиндушоҳ Кобулийни Кобулгача йибардиким, андаги черикни йигиштуруб, авгонийларнинг дафъи учун келтургай. Ва айтиб йибардиким, Сулаймоншоҳбекни ул маҳалдаким, Ҳиндустонга мутаважжих бўлуб эрди, ҳукм қилиб эрдиким, Нағар қалъасини иморат қилгай. Ул ҳукм билан бориб, ул қалъани иморат қилиб эрди. Аммо қалъадин ташқари бир улуг булог воқит бўлуб эрди, суйи асру зебо ва латиф эрди. Бу маҳалдаким, соҳибқирон мунда етиб кўрдиким, сув қалъадин ташқари турур, муборак хотирига кечтиким, бу булог қалъа ичида бўлгай. Бовужуд улким, фарзандларининг иштиёқи бор эрди, анда тушуб ултурди. Аммо маълум йўқ эрдиким, черик элидин не миқдор киши келгон турур. Бу маҳалда ахтачилар арз еткурдиларким, неча ҳарвор тақа қолиб турур, ани не қилали? Ҳазрат муни эшитиб буюрдиким, «Ҳар каски черикдин ҳозир турур, аларга берингла!» Бас, эл тақа ҳаваси учун ҳар бек келиб кишисини кўб этиб тақа олур эрди. Андин сўнг ҳукм қилдиким, «Қалъани улугроқ қилсунлар, андоқким, булог қалъа ичида киргай!» Ва ҳар кимнинг беклардин кишисини кўб этиб тақа олиб эрди, ўшул дастур билан алардин киши тилаб ишга солдилар.

Шанба куни, ойнинг олтисида (14.03.1399) ул ишга машғул бўлуб яна душанба кунида (16.03.1399) намози дигарда ул қалъа тамом бўлди. Ва андоқ жаҳд қилдиким, беклар узлари хишт²¹ ва балчиқ ташидилар. Ул қалъа тугангандин сўнг амирзода Пир Муҳаммадининг навқарларидин (Нусрат) Қиморийни уч юз киши (уз қўшунидин) ва уч ўтлонким, Жўчихон наслидин эрдилар, барчадин улуғи Йаруқ Ўтлон эрди, тўрт юз эвлук ўзбек била анда қўйдурди. Ва Эрб қалъасини ва Шанузон қалъасини/ Шайх Нуриддинбекнинг амакисининг ўғли Шайх Ҳасан Сахт Камонга берди. Ва андин кўчуб, Канди Шайх Муборакшоҳ сори равон бўлди, анда етиб тушти.

220a Сешанба куни, ойнинг тўққузида (17.03.1399) андин кўчуб, Кирмоқ йўлига кириб юриди. Шайх Аҳмад Хожа Авғоний келиб ул дарада соҳибқиронни кўрди. Ушул кун Асика мавзеъида етиб Шайх Аҳмад Абдал эвига тушти. Анчаким эликидин келди, хизмат қилди. Чаҳоршанба куни (18.03.1399) Асика мавзеъидин кўчуб, Оромак даҳонасида кирди. Ул кун Мавлоно Неъматни Шоҳрух мирзога Ҳиротқа йибарди. Панжшанба куни (19.03.1399) Сурхоб кентига келиб тушти. Чошгта андин кўчуб, Кобулга келиб тушди. Ва анда Чўлпон Мулк ого ва баъзи оғоларким, отлари ҳориб эрди ва баъзи беклар ва тева қатор ва ҳачирлар ҳам бориб эрди, Мубашширни қўйдиким, аларни бошлаб ақарин келгайлар. Ва ўзи андин отланиб, намозомга йақин Жўйи Навға келиб тушти. Ва ул ариге эрдиким, ҳазрат ўзи чиқориб эрди ва ани Жўйи Моҳигир от қўйиб эрди.

Жума куни (20.03.1399) андин кўчуб, Арабон мавзеъида келиб тушти. Ва ҳукм қидиким, «Анда работи солгайлар!» Андин отланиб, Шабарту ва Йангидарадин ўтуб, уқбадин икки йағоч йўл бери тушти. Ва ул кун ҳазратнинг элик-аёғига ташвиши вақит бўлди, андоқким, отқа минаолмади, муҳаффага кирди. Ва ул ердаким, ҳазратқа бу алам пайдо бўлди, ул ерни Нохушак дедилар. Ушул кун кечга йақин шаҳзода Шоҳрухнунг навқари Ҳиротдин келиб соғлиқ ва саломатлиқ хабарини келтурди. Ул ҳазрат алами жиҳатидин отлана олмай, ул кун анда турди. Ва йана тонгласи муҳаффада кирди юриди. Бас, хосса мулозимлари муҳаффанинг пойдаларини буйунларига олиб, дарага кириб /борур эрдилар. Ва ул йўл асру тор йўл турур. Ва анда бир уқба борким, ани Сиёҳпаж дерлар. Дарадин ангача йигирми олти қатла сувдин ўтмак керак. Ва уқбадин нари дарадин чиққунча йигирми икки қатла сувдин ўтмак керак.

Душанба куни (23.03.1399) маҳди аъло Сарой Мулк хонимнинг мулозимлари ва Тумаи ого ва ўзга оғоларнинг ва шахзодаларнинг навкарлари Самарқанддин келиб, пешкарлар тортиб, саломатлиқ хабарини арзга еткурдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон алардин неча кишини ва Туман оғонунг навкари Темур Қутлугни йибардиким, пилларни ўғруқдин (таъжил била) илгари суруб келтурсулар. Аммо ҳазратнинг алами жиҳатидин барча мулозимларнинг қўнгуллари паришон эрди.

Чоршанба куни, ойнинг ўн етгисиди (25.03.1399) ҳазрат Ҳаққ иноятидин ҳазрат соҳибқироннинг ул алами таскин топиб, мулозимлари барча севунуб шукр дедилар. Панжшанба куни (26.03.1399) Сароб мавзъидин муҳаффада ўлтуруб, Бағлон сори мутаважжиҳ бўлди. Ахроз кентига келиб тушти. Анда таом ва шароб ичиб, йана отланиб, Қаро Булоқ мавзъида тушти.

Амирзода Пир Муҳаммаднинг ҳарамлари ва Жаҳоншоҳбекнинг ҳарамлари ва Бағлоннинг улўғ арбоблари совринлар келтурдилар. Одина куни, ойнинг ўн тўққизиди (27.03.1399) андин кўчуб, Самангон мавзъида тушти. Ва ўшул кун андин кўчуб, шанба куни, ойнинг йигирмисиди (28.03.1399) Хулм мавзъида келиб тушти. Ва туш маҳалида андин кўчуб, йарим кечагача юруб, Яғайхун суйига йақин келиб тушти.

Соҳибқирон Яғайхун суйидин ўтконда хотунлари била ўғлонлари келгони

221a Йакшанба куни, ойнинг йигирми бирида (29.03.1399) чоштгоҳда соҳибқирон кема билан Яғайхун суйидин кечиб тушти. Ул тушкон ерда амирзода Улўғбек ва амирзода Иброҳим мирзо ва ҳазри муалло Бекиси Султон ва Туман ого ва ўзга шоҳзодалар била Самарқард ақобирлари барча ўғрув келиб, муборак дийдорига мушарраф бўлуб, барча дуо қилдилар. Ва анча кумиш ва олтул сочиқлар сочтиларким, дарё йақоси тўла кумуш ва олтул бўлди. Душанба куни (30.03.1399) Термизга келиб турди. Хонзода Алоал-Мулкким насаби шарифи ҳазрат Рисолатқа, салл Аллоҳу алайҳи васалламга тегар эрди, ул кун ҳазратқа тўй берди ва йахши пешкашлар тортти. Сешанба куни (31.03.1399) Термиздин кечиб, Жаҳоншоҳ қишлоғида тушти ва андин кўчуб, Турки Гармобада тушти. Панжшанба куни (02.04.1399) қалъадин ўгуб, Оби Борйақда тушти, жума куни (03.04.1399) Чекдалиқда тушти. Шанба куни (04.04.1399) Қўзи Мундоқда келиб тушти, ва йакшанба куни (05.04.1399) Дилбарчинга еттилар. Ва бу манзилда шоҳзода Шоҳрух Ҳиротдин келиб атосининг муборак дийдоридин кўзини равшан қилди. Шейр:

Ато бошига келди ул шаҳриёр,
Қилиб анда кўб дурру гавҳар нисор.
Кўрушуб ато бирла ул нурхунар,
Юкуиуб дуо қилди ул номвар.

221b Ўшул манзилда Мироншоҳнинг ўғли амирзода Умар Самарқанддин келиб ҳазратни кўрди. Ҳиндустон боргонда соҳибқирон ани Самарқандда қўйиб эрди. Ул эл била йахши чиқиб, адл қилиб эрди. Соҳибқирон мунини эшитиб, ани йахши кўруб сўрди. Душанба куни (06.04.1399) андин кўчуб, бир ариғ йақосида тушти. Сешанба куни (07.04.1399) Кеш вилоятига кириб, Шайх Шамеуддин Қулор мазорига бориб тавоф қилди. Андин чиқиб ўзга машойихларнинг мазорига бориб тавоф қилди. Андин сўнг атосининг мазорига бориб тавоф қилди, кўб садақалар бериб фақир мискинларга иноятлар қилди. Ва ўн беш кун Оқсаройда ўлтуруб, айшу фароғат қилди. 221c Шаъбон ойининг /ўн тўртида (21.04.1399) Кеш шаҳридин кўчуб, Рудак суйига бориб тушти. (Чаҳоршанба куни, ойнинг бешида Чинор мавзъида бориб тушти). Ойнинг ўн олтисиди (панжшанба куни) (23.04.1399) уқбадин ўгуб, Қутлуг юртда бориб тушуб, андин кўчуб, (одина куни ойнинг ўн етгисиди) (24.04.1399) Тахти Қарочага бориб тушти. Шанба куни, ўн

саккизда (25.04.1399) Қаро Тепа богида Жаҳоннамой кўшикида бориб тушти. Ва йакшанба куни, ун тўққизда (26.04.1399) Давлатобод богида бориб тушти. Душанба куни, ойнинг йигирмасида чошттоҳда ҳазрат соҳибқирон давлат ва саодат била Боғи Дилқушо кўшикига бориб тушти. Ва ул иморатни йанги тугатиб эрдилар. Анда тушканда подшоҳона суҳбати тутуб, барча шаҳзодалар ва оғолар ва беклар анда келиб ҳазратни кўрдилар ва сочиқлар сочиб, совриилар тортиб, муборакбод қилдилар.

Сешанба куни, ойнинг йигирми бирида (28.04.1399) давлат била Жаҳонгушойдин отланиб, Самарқанд шаҳрига кириб, ул шаҳарда Қусам ибн ал-Аббоснинг мазориға бориб тавоф қилди. Андағи мужовирларга куб нималар бериб, намози пешинда Боғи Чинори нақши жаҳонға бориб тушти. Ва бу маҳалда пиллар етишти. Ва Самарқанд эликим, ҳаргиз пилни кўрмагон эрдилар, барча халқ тафарружқа чиқиб, Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло санъига ҳайрон бўлдилар.

Ҳазрат соҳибқирон барча шаҳзодаларга ва шаҳарнинг бузурғларига тансуқ нималарким, Ҳиндустондин келтуруб эрди, кишига лойиқ савотлар берди. Ва Сарангим, Маллухоннинг ағоси эрди, икки пил билан амирзода Султон Муҳаммадқа йибарди. Ва шаҳзода Шоҳрух ижозат тилаб Ҳиротқа борди. *Вал-ҳамду ли-Ллаҳи Раббил оламин, вас-салом ала хайри халқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ажмаъин.*

Ҳазрат соҳибқирон масжиди жумъа иморатини Самарқандда бунёд қилғони

222a Соҳибқирони гитиситон Ҳиндустон вилоятиға киргонда кофирлар била урушуб, бутларни синдуруб, оташкадаларни бузуб юрур эрди. Ул маҳалда ният қилдиким, «Мундин саломат қайтиб Самарқандқа борсам, анда масжиди жумъа солгаймен». Бас, чун/ нусрат ва саодат била қайтиб Самарқандда тушти, ҳукм қилдиким, масжиди жумъани бунёд қилдилар.

Йакшанба куни, рамазон ойининг тўртида, тарих саккиз юз бирда, тавушқон йилда (10.05.1399) йахши соатда устодлар тарҳ солдилар. Сангтарошлар Форс ва Озарбайжон ва Ҳиндустондин келтуруб эрдилар, икки юз устодлар ишга машғул бўлуб, беш юз киши тоғқа бориб тош кесмакка машғул бўлдилар. Ҳар ердаким, меъморлар ва ҳунармандлар бор эрди, барча анда келиб ишга машғул бўлдилар. Тош келтурмак учун тўқсон беш занжир пилким, Ҳиндустондин Самарқанга келтуруб эрдилар, ишга машғул қилдиларким, тоғдин тош келтурур эрдилар. Ва ҳар иш бошида бир шаҳзода била бир бекни муҳассил қўйди.

Ва бу маҳалда амирзода Муҳаммад Султонким, муғул сарҳадида ултуруб эрди, етишти. Туман оғонинг хонақоҳида соҳибқиронни кўрунуш қилиб, муборак жамолидин кўзини йааруқ этти. Ҳазрат шаҳзода билан кўрушуб, йахши сўруб, марҳаматлар қилди.

Соҳибқирон гоят ихтимомидинким, масжид ишида таъаллул бўлмағай, ўзи ҳар кун келиб ишлагонлар бошиға туруб, ихтимом қилур эрди. Ва сўрур эрди. Масжиди жумъада тўрт юз саксон устун тошдин йасаб, ҳар бирининг узунлиғи етти қари эрди, қўйуб йасадилар. Ва сақфини тошдин йасадилар ва тўрт ёнида тўрт минора йасадилар. Масжид тугангандин сўнг Дилқушо боғиға бориб тўйлар берди. Устакорларға гўнлар кийдуруб, отлар миндурди. *Вал-ҳамду ли-Ллаҳи Раббил-оламин.*

Ҳазрат соҳибқирон йана Эрон сори етти йиллиқ йуруш йароғи қилиб борғонининг сабаби

222b Худой тақдиридин амирзода Мироншоҳ (етти юз тўқсон саккизинчи йил кузиким, сичқон йилға мувофиқ турур), Хўйға йақин Пир Умар Нахчирбон мазорида ов солиб, ҳар ён чошиб /юрур эрди. Бир кийикни кўруб кўнглида кечтиким, ул кийикни тирик олғай. Отидин йиқилиб, ўзидин кетиб, беҳуш бўлуб етти. Фурсатдин сўнг филжумла ўзига келиб кўзини очти. Беклар ва мулозимлари бу жиҳатдин барчанин кўнгуллари беҳузур бўлди. Шаҳзода уч кеча-кундуз ўшандоқ гоҳи ўзига келур эрди ва гоҳи ўзидин кетар эрди. Алқисса (муолижада хато бўлгани сабабидин) димогида халали воқеъ

бўдким, баъзи номуносиб ишлар андин зоҳир бўлур эрди. Ёз маҳалида Бағдод сори мутаважжих бўлуб, черик тортиб борди ва ҳар кунда икки кўч қилиб борур эрди. Ва хаёлида бу эрдиким, Султон Аҳмад андин хабар эшитгач турмагуси турур. Шаҳзода Иброҳим Малик мазорига етти, Табриздин хабар келдиким, бир жамоат фитначи бадбахтлар иттифоқ қилиб, шарту аҳд қилиб турурким, бир фитна қилгайлар. Бас, бу сўзга ҳеч парво қилмай Бағдод сори юриди. Султон Аҳмад билур эрдиким, бу маҳалда Бағдодни киши қамал қилиб ўлтураолмас, шаҳарни беркитиб ўлтурди. Аммо Табриздин бир-бирининг кейнида элчи келиб, душманлардин хабарлар келтурдилар. Шаҳзода икки кундин сўнг отланиб, Бағдоддин Табриз сори мутаважжих бўлди. Ва бир куни икки қатла кўч этар эрди. Табризга етконда ул жамоатким, йамон андишалар қилиб эрдилар, барчани тутуб ўлтурди.

Ушбу йилда Саййид Али Шакий Арлотдин мухолифати фаҳм қилиб, таҳқиқ қилмай, бориб вилоятни чобти. Шаҳзоданинг айшу ишрат қилгони вилоятларда машҳур бўлди. Ҳар ердаким, мухолифи бор эрди, далер бўлуб, мухолифат қила бошладилар. Бас, ул маҳалдаким соҳибқирон Ҳиндустонда эрди, Султон Тоҳирким, Султон Аҳмад Жалойирнинг ўгли эрди, бир жамоат кишиси билан Аланчуқ қалъасида эрди. Султон Санжар Ҳожи Сайфуддин ҳукм билан эртадин бери ул қалъани /қабаб ўлтуруб эрди, андоқким ҳеч киши қалъадин чиқаолмас эрди, аҳволлари асру хароб бўлуб

223a эрди. Ул фурсатда гуржилардин кўб киши жамъ бўлуб, Саййид Али Шакий билан иттифоқ қилиб, Султон Тоҳирни қамалдин халос қилгайбиз, деб Аланчуқ сори мутуважжих бўлуб, Озарбайжон вилоятига кириб чобтилар. Кўб ерни бузуб, мусулмонларни таладилар. Султон Санжар алардин хабар билиб, қалъа эшигидин кўпуб Табризга борди. Воқиъ бўлгон қиссани мирзо Мироншоҳга арз қилди. Шаҳзода ўгли Або Бакр мирзони неча бек билан, мисли Султон Санжар ва Ҳожи Абдуллоҳ Аббос ва Муҳаммад Фиръавн ва Шайх Муҳаммад Тавачи — бу беклар била Аланчуқ сори йибарди. Аммо гуржилар қалъага етдилар. Султон Тоҳир қалъадин чиқиб аларга қўшулди ва қалъани Ҳожи Солиҳ ва Саййид Аҳмад Ўғилшоҳий ва гуржилардин ҳам уч киши аларга топшурдилар. Бас, аларнинг мақсуди ул эрдиким, Султон Тоҳирни қамалдин халос қилгайлар. Султон Тоҳирни халос қилгондин сўнг қайтдилар. Ушул ерда Табриз черики аларга етишти. Икки черик йасоллар ва сафлар тортиб урушдилар. Ва гуржилар асру кўб эрдилар, ўнг қўл ва сул қўлдаги баҳодурларни сурдилар. Саййид Али Шакий гўлга чопиб, Або Бакр мирзога етти. Бовужуд улким, шаҳзода ўн саккиз ёшида эрди, ўқ-ёй эликига олиб, бир ўқ Саййид Алига оттиким, ул ўқ бўйнига тегиб, отдин йиқилиб ётти. Аммо гуржилар голиб бўлуб, Табриз черикини суруб эрдилар. Шаҳзода саломат Табризга қайтиб борди. Ва гуржилар тақи ўз вилоятлари-га бордилар. Аммо шаҳзоданинг димоғида ҳалал пайдо бўлгон учун доим жоғир ичар эрди ва нард уйнар эрди. Бир кун хотуниниким, Хонзода эрди, йамон сўкуб урушти. Хонзода қаҳр қилиб Самарқанд борди. Соҳибқирон Ҳиндустондин қайтиб Самарқандда келиб тушти: арзига еткурдиларким, / Табриз вилоятида фитналар пайдо бўлуб турур. Бу маҳалда Хонзода Табриздин келиб ҳазратни кўрди ва шаҳзоданинг аҳволини тамом арз қилди ва

223b дедиким: «Агар соҳибқирон анинг фикрини қилмаса, ул йаагилиқ қилур. Моликим, ҳазратқа тааллуқ эрди, тасарруф қилиб, барчани бекларига улаштурди». Соҳибқирон бу хабарларни билиб. Эрон сори йана мутаважжих бўлуб, йароғига машғул бўлди.

Ҳазрат соҳибқирон етти йиллиқ йароғ қилиб, Эрон сори борғони

Назм: Эрур подшоҳ сойайи Ҳаққ баҳақ,
Аларнинг иши бўлди узга насақ.
Киши ишига ухшамас кори шоҳ,
Кишига на нисбат ба зилли Илоҳ,
Бировнингким, эрур анинг олами,
Ғофил бўлғали йахши эрмас дами.

Ҳазрат соҳибқирон (бир йиллик) Ҳиндустон юрушидин қайтиб, ҳануз сафар заҳмати андин кетмай эрдиким, йана Эрон сори мутаважжих бўлди. Тавачиларни ҳар сори чоптуруб, черикка жар еткурдиларким⁹²², «Етти йиллик йароғларини қилиб ҳозир булғайлар!»

Ҳазрат соҳибқирон Саййид Хожай Шайх Али Баҳодур ва Жаҳон Малик Мулкат ва Пир Муҳаммад Пулодким, шаҳзода Шоҳрухнинг беклари эрдилар, Ҳиротқа йибардиким, «Бориб шаҳзодани Озарбайжон сори йибарғайлар, ва Сулаймоншоҳбек илгари Табризга борғай!» Беклар Ҳиротқа келиб шаҳзода Шоҳрухқа соҳибқироннинг ҳукмини арз қилдилар. Ушул замон шаҳзода буюрдиким, «Черик йиғилсун!» Ва Сулаймоншоҳбек Саййид Хожа билан Табризга мутаважжих бўлдилар. Шаҳзода тақи черики йиғилгондин сунг саодат ва иқлол билан отланиб, Домғон ва Бистом йўлидин юриди. Жажармга етконда (бу маҳал Жайхундин кечаётган) соҳибқирондин Туқал Қарқара келиб ҳукм келтурдиким, «Хуросон черики Шосмон ва Астробод ва Сори йўлидин юрусунларким, улуг урду Бистом ва Домғон йўлидин борғусидур!» Шаҳзода ҳукм била Шосмон йўлига кириб юрур эрди. Ул йўлда от-улоғ куб зойиъ бўлди. Басе, ташвиш кўрдиларким, то Феруққухга еттилар.

224а Соҳибқирон амирзода Муҳаммад Султонни /Туронзаминнинг забти учун салтанат сарири Самарқандда қўйди. Бердибек Сари Буга ва амир Хожай Сайфуддин ва Худодои Ҳусайний ва амир Шамсуддин Аббос ва Сиддиқ Тобон ва Аргуншоҳ Ахтачи ва Илёс Хожа ва Шайх Али Баҳодур ва ўзга бекларким, булар мўғул сарҳадининг забтига машғул эрдилар, аларни ўшанда қўйди. Ва амирзода Искандар ибн Умаршайхни (Андигон тарафиға) ул вилоят (сарҳадининг забти учун) йибарди.

Соҳибқирон чаҳоршанба куни, муҳаррам ойининг саккизида, торих саккиз юз икки, тавушқон йилда (10.09.1399) отланиб, Қаро Тепа богида тушти. Ва андин кўчуб, уқбадин ўтуб Кешда тушти. Шайх Шамсуддин (Кулор) мазориға бориб тавоф қилди: хоссатан Хожа Муҳаммад ал-Ҳаким Термизийни ва Шайхи буаруқвор Абу Бакр Варроқни ва ўзга машойихи киборни, қаддаса Аллоҳу асрорухум ажмаъин, тавоф қилиб, фақиру мискинларга куб садақалар берди. Жайхун суйидин ўтуб, Балхқа бориб Ҳисори Ҳиндувонда тушти. Анда тақи ҳар ердиким, бир азиз бор эрди, тавоф қилди. Хоссатан Хожа Ақоша ва Хожа Замон ва Султон Аҳмад Ҳазравийа ва Фазл Айёз ва Суфён Сурий, *наввара Аллоҳ маъжаъихим*, барчага бориб тавоф қилди.

Амир Ёдгор Барлоским, Балхнинг даруғаси эрди, куб пешкашлар тортиб, хизмат қилди. Андин кўчуб Сариққамишда келиб тушти. Шаҳзода Шоҳрухнунг ҳарамлари Ҳиротдин келиб бу ерда соҳибқиронни кўрдилар. Ва амирзода Суюрғатмишким, (бу торихдин тўрт ой бурун панжшанба, куни рамазон ойининг саккизида, саккиз юз биринчи йилдаким (14.05.1399), уч юз йигирми биринчи жалотий йилининг учунчи хурдодмоҳиға мувофиқдур), Маликат оғодин туғуб эрди, ҳазрат қошида келтурдилар. Ҳазрат соҳибқирон ани кўруб севинди.

Оқ Бугабек тақи ушул маҳалда Ҳиротдин келиб соҳибқиронни кўрди.

Андин кўчуб, Жомға бориб тушти, Зинда Пил Аҳмад Жомнинг мазориға бориб тавоф қилди. Амирзода Рустамни Шерозға агоси қошига — Пир Муҳаммад мирзоға йибардиким, иккаласи иттифоқ билан Бағдодқа мутаважжих бўлғайлар. Ва Севинчакбекни икки минг киши била анга

224б қўшди. Ҳазрат / соҳибқирон Харжирд ва Фароҳ саҳросида ов солдурди⁹²³. Икки кундин сунг (черик давра йасаб), жирга бир-бирига етиб қўшулдилар. Соҳибқирон жиргага кириб, ҳар турлук жониворлардин куб отиб йўлидин юруб, Райға бориб, Айвонак кентида туштилар. Шаҳзода Шоҳрухким, Мозандарон йўлидин борур эрди, бу ерда келиб соҳибқиронга қўшулди.

Сулаймоншоҳбекнинг қиссасиким, ҳукм била илгари келиб эрди

Сулаймоншоҳким, ҳукм била илгари келиб эрди, Табризга мутаважжих бўлуб борурда Райға етиб тушти. Рай даругаси Баёи Қавчин келиб Сулаймоншоҳбекни кўруб, шаҳзоданинг димоғи ҳалал топқонини андин эшитти. Бас, Табризга бормоқ маслаҳат кўрмай, андин Ҳамадонга бориб турди. Амирзода Або Бакр амирзода Мироншоҳнинг беклари била кенгашиб, иттифоқ била хат битиб Сулаймоншоҳбекка йибардиларким «Албатта бу сори келсун!» Сулаймоншоҳбек Табризга бориб тушти. Икки кундин сунг амирзода Мироншоҳни ҳазрат соҳибқиронга ўтрув йибардилар. Ва амирзода Або Бакрни ва Саййид Хожай Шайх Али Баҳодурни тўй бериб, от миндуруб, тўнлар кийдуруб, Қаробог сори йибардилар.

Соҳибқирон Рай ва Шаҳриёрдин ўтуб эрдиким, амирзода Мироншоҳ келди. Ул кун ҳазрат анга кўрунуш бермади. Ўшул кун Амон отлиқ, амирзода Пир Муҳаммад Умаршайхнинг навкари Шероздин пешкашлар билаким, амирзода йибариб эрди, келиб кўрунуш этиб, пешкашларни тортти. Тонгласи амирзода Мироншоҳга кўрунуш бериб, амирзода юкунуб, қалин пешкашлар тортти. Аммо соҳибқирон анга ҳеч илтифот қилмади, ул жиҳатдинким андин йамон ҳаракатлар зоҳир бўлуб эрди. Ва Темур Хожай Оқ Буға ва Жалол ал-Ислоҳ ҳукм билап Табризга бордиларким шаҳзоданинг аҳволини сўруб, таҳқиқ қилгайлар. (Алар тезда) Табризга бориб ноибларини ва омилларини тутуб банд қилдилар ва девоний дафтарларни тилаб, 225а / (неча йиллиқ) «ду данга» молким, девониятлои хоссага тааллуқ эрди, шаҳзода ани олиб харж қилиб эрди, барчани ҳавола қилдилар. Ҳазрат эшиттиким, шаҳзодага айшу ишратига боис бир жамоат созандалар бўлгон эрмишлар, алар жиҳатидин шаҳзода ишратқа машғул эрмиш. Бу жиҳатдин вилоятқа тавшишлар пайдо бўлгон турур. Ҳукм бўлуб эрдиким, аларни тутуб йасоққа еткургайлар. Шаҳзоданинг ноиблари Мавлоно Муҳаммад Кўхистонийким, барча илмда беназир олим эрди ва Устод Қутбуддин Найий ва Ҳабиб Удий ва Абдулмўмин Гуяндаким, булар мусиқий фанида ягонаи рўзгор эрдилар, тутуб пойи дорға келтурдилар. Мавлоно Муҳаммад ҳазил била дедиким: «Хизмати Устод Қутбуддинким, барчадин пешво ва муқаддам эрур, керак бу ерда алардин илгари дорға мушарраф бўлгайлар». Жаллод аввал Қутбуддин Найийни дорға ости. Мавлоно Муҳаммадқа навбат етконда бу икки байтни назм қилиб ўқуди ва қазо ҳукмини ўз ҳукми била айтти, байт:

Поёни кор ва охир дур аст мулҳидо,
Гар боядат ва гар на ба даст ихтийор нист.
Мансурвор гар ба рандат ба нойи дор,
Мардона пой дор, жаҳон пойдор нист⁹²⁴.

Ва аларнинг мусоҳибларини тақи дорға остилар.

Ҳазрат соҳибқирон Султонияга етконда Музаффар Назарий Исфаҳондин келиб, ҳазратни кўрди ва йахши тансуқ пешкашлар тортти. Соҳибқирон Қародара ва Ардабил йўлидин Қаробог сори мутаважжих бўлди. Ва Муғон ва Оқтом саҳросида ов солиб Арас суйиға етиб тушти. Ва ул сувдин кемадин кўфрук боғлаб, саломат ва саодат била кечтилар. Ва ўрдуи аъло Қутур кентиким, Умар Тобоннинг юрти эрди, анда қишлоқ қилдилар. Амирзода Або Бакр ва Сулаймоншоҳбек ул юртда келиб соҳибқироннинг мулозиматиға мушарраф бўлдилар. Ва амирзода Мироншоҳнинг беклари 225б ҳар бири ўзиға лойиқ пешкашлар келтуруб торттилар. Мундин бурун Шаки вилоятининг даругаси Саййид Али Арлот гуржилар била иттифоқ қилиб, Аланчуқ қалъасиға /бориб, ул муҳимда жонини бериб эрди, нечүким бурун шарҳ қилдуқ. Анинг ўгликим оти Саййид Аҳмад эрди, атоси ўрнида ўлтуруб эрди, атоси қилгон йазуқдин қўрқуб, Ширвонга амир Шайх Иброҳимға борди. Ва соҳибқирои Шайх Иброҳим била асру йахши эрди. Шайх Иброҳим соҳибқироннинг лутфу карамиға эътимод қилиб, ани ҳазрат қошиға келтурди ва гуноҳини соҳибқирондин тилади. Соҳибқирон лутфу карамидин йазуғидин кечиб, Шайх Иброҳимға бағишлаб, анга иноят-

лар ҳам қилди ва атосининг вилоятини анга берди. Шайх Иброҳим куб пешкашлар тортиб, тўй тартибига машгул бўлди ва анча қўй ултурдиким, баковуллар анинг улаштурмоғига ожиз бўлди. Ва ўзга суҳбат асбоби ҳам анга лойиқ эрди, тўйдин сўнг йана пешкашлар, қумошлар ва тевалар ва хачирлар ва соҳибжамол канизаклар била қуллар тортти. Булардин бошқа олти минг от пешкаш қилди.

Соҳибқиронга ҳар соридин йахши хабарлар келгони

Бу маҳалда соҳибқиронга ҳар соридин йахши хабарлар келди⁹²⁵.

226a Бири хабар улким, Темур Қутлуғ Ўғлонким, соҳибқирон Тўқтамишхонни босқонда Жўчихон улусида ани хон қилиб эрди, бу ҳукмдинким: *Инна-л-инсана ла-йатга ан раъаху истағна*⁹²⁶ куфрони неъмат қилиб, муҳолифатдин дам урар эрди, бу маҳалда вафот бўлди. Ва ул улус бир-бир бўлгондур. Йана бири улким, Малик аз-Зоҳир Барқуқким, мамолики Миср ва Шом анга тааллуқ эрди, ул тақи ўлуб, беклари аросида муҳолифат бўлгон турур ва бир-бири била урушуб, куб киши беклардин ўлгондурлар. Ва Фаражким, анинг ўғли турур, ҳеч ихтиёри йўқ турур ва Мисру Шомда гавғолар бўлубтур⁹²⁷. Ва йана Хитой вилоятида Тўнғузхонким, ул вилоятнинг подшоҳи эрди ва кофир эрди, ул тақи ўлуб эрди ва анда тақи гавғо бўлуб турур. (Йана бири улким) Хизр Хожа Ўғлонким, Жета элининг хони эрди, ул тақи вафот бўлгон турур. Ва Шамъи Жаҳон Ўғлон ва Муҳаммад Ўғлон / ва Шер Али Ўғлон ва Шоҳ Жаҳон ўғлонким, (анинг ўғуллари эрди), бир-бири билан муҳолиф бўлуб турурлар. Ва амирзода Искандар Умаршайх беклари била (Андигондин черик тўплаб) ул сори мутаважжих бўлуб турур. (Ва соҳибқирон давлатидин Муғулистон душманларидин голиб бўлуб, аларга мақхур ва манқуб бўлуб турур).

Бу хабарлар барча бир кунда ҳазратқа келди⁹²⁸. *Ал-ҳамду ли-Ллоҳи Ваҳидил-Қаҳҳор*⁹²⁸.

Амирзода Искандарнинг қиссаси

Мундоқ эрмишким, чун Жета улусининг подшоҳи Хизр Хожа Ўғлон вафот бўлди, ўғлонлари бир-бири била муҳолиф бўлуб, эл-улуси паришон бўлуб эрди, амирзода Искандар бу хабарни эшитиб, фурсат ғанимат билиб, бовужуд улким, ўн беш ёшида эрди, Андижон черикини йиғиштуруб, беклари билаким, мулозиматида эрди, мисли Пир Муҳаммад Тағай Бўғай Барлос ва Нурак Барлос ва Баён Темур Беккичик Жета ва Пир Ҳожи Малаш ва Шерматким, Баҳман Жониқурбонининг ўғли эрди, Муғулистонга мутаважжих бўлдилар. Ва ул бекларким, ҳукм била Жета сарҳадида ўлтүруб эдилар, мисли (Бердибек) ва Пир Муҳаммадбек ва Худойдоди Хусайний ва Шамсуддин Аббос ва Довуд Малик Барлос ва Сиддиқ Тобон ва ғайруҳум барча шаҳзодадин хабар билиб, мутаважжих бўлдилар. Шаҳзода Кошгарга етконда беклар келиб қўшулдилар ва иттифоқ била Муғулистон сори юрүбердилар. Ва бориб Ёркентни чоптилар. Ва андин ўтуб, Сариққамиш ва Қалпин ва Алақул ва Ёрқўрғон ва Чаҳортоқ ва Куюкбор барчани чобтилар⁹³⁰. Учда етконда⁹³¹ андағи баъзи эл-улуским, бор эрди, баъзилари тобиъ бўлуб, баъзиларини кўчуруб Оқсув⁹³² йўлидин элттилар. Ва Учда бир маҳкам қалъа бор эрди, анда келиб куб урушуб фатҳ қилдилар. Ва Оқсувда уч қалъа бор эрдиким, барчанинг йўли бир эрди. Ва андоқ берк қалъалар эрдиким, таъриф қилса бўлмас. Ул қалъаларга эътимод қилиб, баъзи эл анда кириб эрди, амирзодаи мувори илайҳи беклар била Оқсувга бордилар. Анда етконда уруш асбобиға машгул бўлдилар. Қирқ кунгача уруш қилдилар. Охир қалъадағи эли ожиз бўлуб, 226b пешкашлар /чиқариб амон тиладилар. Ва шаҳзода аларга амон бериб, андин Бой⁹³³ ва Кусин сори чобқун йибардилар. Ва Бой йайлоқ эрди ва Кусин⁹³⁴ — қишлоқ. Амирзоданинг черики Бой ва Кусинни чопиб, Хизршоҳбекнинг ҳарамни Малик ого ва қизи Ихсан Маликинни асир эттилар. Ва Торимни⁹³⁵ тақи чопиб, куб кишини андин кўчуруб келтурдилар. Ва ул

фатҳдин сўнг амирзода Искандар Оқсувдин Хутан⁹³⁶ сори мутаважжих бўлдилар. Ва Хутандин Хон Балиқким⁹³⁷, Хитой вилоятининг пойтахти турур, сув ва ободонлиқ йўлидин юз олтмиш бир манзил турур⁹³⁸. Ва андин Қаро Хожагача⁹³⁹ ўтгуз беш манзил турур ва Қаро Хожадин Татқовулгачаким, Хитой сарҳади турур ва тоғдин йана тоғқача том уруб, дарвоза қўйиб турурлар⁹⁴⁰ ва уйлар ва ёмоналар йасаб турурларким, доим анда бир жамоат туруб сарҳадни муҳофазат қилурлар, ўтгуз бир манзил турур. Андин (Ганжанфуғачаким, Хитой шаҳарларидин турур, эллик беш манзил ва андин Ханамнайгача қирқ манзил ва андин) Хон Балиғқача қирқ манзил турур⁹⁴¹. Ва йана бир йўл бор эрмишким, Хутандин Хитойгача қирқ кунда борса булур эмиш. Аммо анда ободонлиқ йўт эрмиш ва қумлақ эрмиш. Ва ул йўлда қудуқ қазарлар, ҳар қачонким сувга эҳтиёж бўлса. Агарчи суйи бот чиқар эрмиш, аммо ул сувдин ҳеч ичса бўлмас эрмиш. (Ажиби улким, аролари узоқ бўлмагон икки қудуқ қазисалар, бирининг суйи ҳолокатлик ва бирининг суйи ҳаётбахш эрмиш).

Хутандин Кошгаргча ўн беш кунчалик йўл турур. Ва Кошгардин Самарқандгача йигирми беш манзил турур. Ва Хутанда икки рудхона турурким, аларни Арангқош ва Қароқош дерлар. Ва ул сувлар ичида бўлгон тош йашм турур. Ва андин йашм тошини ўзга мамоликларга элтарлар. Ва бу рудхоналарнинг суйи Қаронғутоғдин келур⁹⁴².

227a Алқисса, амирзода Искандар Хутанга етти, андаги эл пешкашлар билан чиқиб, тобиъ бўлдилар. Ва андаги қалъалар барча мусаххар бўлди. Ва амирзода Қаронғутоғ сори борди ва андин қайтиб, ул киши Кошгарда ўлтурди. Мўғул кизларидин икки тўққуз ҳурдек қизлар Шайх Йасовул била соҳибқиронга /йибарди. Ул Шом юришидаким, қиссаси келгуси турур, ул маҳалда соҳибқиронга борди. Ва бир тўққуз қиз ва бир тўққуз от амирзода Муҳаммад Султонга йибарди. Ва ул черики била Самарқанддин Туркистонга келиб эрдиким, Жетага боргай. Аммо амирзода Искандар Жетага борди: бу жиҳатдин анинг кўнгли қолди ва шаҳзода Искандар йибаргон отларини олмай, Самарқандга ёниб борди. Ва баҳор бўлгонда амирзода Искандар Андижонга келди ва андин амирзода Муҳаммад Султонни кўргали Самарқандқа мутаважжих бўлди. Оқ Кўталга етконда шоҳзода Искандарга дедиларким, «Шаҳзода Муҳаммад Султон сенинг билан йамон бўлуб турур ва сен борғач сени тутур». Бас, муни эшитиб қўрқуб, Андижонга ёниб борди ва қалъага кириб ўлтурди. Беклари Пир Муҳаммад Тагай Буға Барлос ва Пир Ҳожи Милаш бу маънони муҳолифатқа таҳаммул қилиб, Андижон черикини жамъ қилиб, қалъани ўртада олдилар. Амирзода Искандар алар билан сўзлашиб, қалъадин чиқиб, Гулистонга тушти. Ва ул боғи турурким, амирзода Умаршайх йасаб эрди. Ва алар амирзоданинг хосса навкарларини тутта банд қилдилар. Ва шаҳзода Муҳаммад Султонга киши йибардиларким, «Шаҳзоданинг муҳолифат ҳаёли бор эрди, қалъада кириб эрди. Биз анга тааллуқ навкарларини тутуб, ҳар неким маслаҳат бўлса андоқ қилурбиз». Шаҳзода Муҳаммад Султон муни эшитиб киши чобгурдиким, «Шаҳзода Искандарни мулозимлари била Самарқандқа келтурсунлар!» Амирзода Искандарни навкарлари била Самарқандқа элттилар. Кўҳак суйига етконда, амирзода Муҳаммад Султон анда ўлтуруб эрди, шаҳзода Искандарни анинг қошига келтурдилар. Шаҳзода Искандарни банд қилиб, Баён Темур Беккичким, отабеги эрди, йигирми олти киши билаким, барча шаҳзода Искандарнинг мулозимлари эрди, ўлтурди.

Соҳибқирон Дараи Хамша гуржи кофирларига борғони

2276 Бу оятнинг муқтазоси биланким: *Йа аййуҳа-н-набиййу харриз ал-муъминина ала-л-қитал*⁹⁴³ соҳибқирони комкорнинг доим муборак кўнгида /бу эрдиким, кофирлар била ғазо қилгай. Бу жиҳатдин қишда торих саккиз юз иккида (1399-1400 йил қиши) давлат билан Қаробогда қишлоқ солиб эрдиким, ғазо нияти қилиб Гуржи сори мутаважжих бўлди. Ва Шайх Иброҳим била Сайди Аҳмадни тўн кийдуруб, йахши сийлаб ижозат берди. Андин сўнг ҳукм қилдиким, «Черикдин ҳар ўн кишидин уч киши яроғлари била ўн кунчилик озуқи билан. Ўзга қолгон черик билан ўғруқ ўшул ерда турсун!» Соҳибқирон нусратшиёвор беклари била ва шаҳзодалар билан илғор

солиб, гуржиларнинг вилояти сори мутаважжиҳ бўлди. Ва ҳукм қилдиким, «Кемалар келтуруб, сувга кўфрук боғласунлар!» Кур суйиға кўфрук боғлаб ўттилар. Шайх Иброҳим Ширвон черики билан келиб қўшулди. Сайди Аҳмад тақи мулозиматқа келди. Андин кўчуб, Шакидин ўтуб, Хамша дарасидаким, кофирларнинг ватан ва масканлари эрди, юриди. Ва ул даранинг ичи жангал эрди, андоқким, андин ута олмас эрди. Ҳукм бўлди-ким, «Черик жангалдаги йағочларни кесиб, йўл қилсунлар!» Черик эли ўн кун болту ва дамра ва арра билан йағочларни кесиб йўл йасаб юрур эрдилар. Андоқ энлик йўл йасадиларким, черик беш олти қўшун бир-бирларининг ёнларида йасал билан юрур эрди⁹⁴. Ул маҳалда йигирми кунгача муттасил қор ёғар эрди. Ислом черики кофирларнинг юрт ва манзиллариға етиб, гоziёна такбир солиб, қиличларини тортиб, кофирларға кириб чопабошладилар. Ва ҳар кишини чоптилар, тирик қўймадилар. Хамшаким, аларнинг улуғи эрди, қочти. Мансур черики анинг кейнида Оқсув дарасиғача қовлади ва қуб қўй ва ути ва тева олдилар.

228a Хамша қочқондин сўнг черик эли кофирларнинг уйларини куйдурдилар. Ва бу кофирларға жоғир билан асру майллари бор эрди. Андоқким, агар алар ичида биров улса эрди, ани жоғир билан ювар эдилар. Бу жиҳатдин ҳукм бўлдиким, «Андаги бўлғон боғларни бузуб, тоқларни / тубидан чиқориб ташласунлар!».

Соҳибқироннинг давлатини кўрунғким, ўтгон қиш Ҳиндустон вилояти Дехли шаҳрида Ганг дарёсининг йақосида бўлғон бутхоналарни бузуб хароб қилди ва бу қишким, ҳануз арода бир йил кечмайду, Гуржистон вилоятиға кириб бутхоналарни ва калисоларни буздилар.

Соҳибқирон Дараи Хамшадин қайтиб борғони

Соҳибқирон мансур черики бир ойгача юруб, Гуржистон вилоятида ҳар ердаким кофирлардин топтилар, ўлдурдилар. Ва Хамшаким аларнинг улуғи эрди, овора бўлуб қочти. Ва анда совуқ асру қаттиқ эрди ва йўллар қордин боғланиб эрди. Бу жиҳатдин черикка озуқ қолмай ва отлари қуб зойиё бўлуб, талаф бўлди. Бу жиҳатдин соҳибқирон қайтиб Кур суйидин кечиб, Қаробогда келиб қишлоқда давлат билан тушти. Ва ул юртда амирзода Халил Султонға худойи таоло бир ўғул каромат қилди. Ва ани Баргул от қўйдилар ва неча кун тўйлар қилиб, айшу фарогат қилдилар.

228b Бу маҳалда фармон бўлдиким, «Мирзо Мироншоҳнинг беклариниким, гуржиларнинг урушида тақсир қилиб турурлар, сурсунлар!» Шаҳзода Шоҳрух ва беклар ўлтуруб сўруб таҳқиқ қилиб, наким воқиё бўлғон эрди, арзға еткурдилар. Ҳукм бўлдиким, «Ҳожи Абдуллоҳ Аббос билан Муҳаммад Қазагонни олдилариға ва кейинларида йасоқ таёғи урсунлар. Ва Йамин Хамза Апардийким, барчадин бурун қочиб эрди, ани ўлдурсунлар!» Аммо шаҳзодалар анинг гуноҳини тилаб, ул қутулди, аммо йасоқ таёғи урулди. Ва ҳар биридин жаримона, деб уч юз от олдилар. Ва соҳибқирон амирзода Або Бакрим, ул урушда журъат кўрсатиб, бир ўқ билан Сайид Али Шакийни ўлдуриб эрди, анга қуб сийлади. Бу маҳалда Бурҳон Ўғлонким, доим йамон ҳаракат андин зоҳир бўлур /эрди, йана бир йамон ҳаракат зоҳир бўлди. Бу жиҳатдин ани ўлдурдилар ва ўглини ҳам ўлдурдилар. Навкарлари била қўшунини Рустам Фулодқа бердилар.

Амирзода Рустамким, Жомдин Шерозға мутаважжиҳ бўлуб эрди ва агоси амирзода Пир Муҳаммаддин йазуқ воқиё бўлғони зикри

Юқори айтиб эрдукким, амирзода Рустам ҳукм билан Жомдин Шерозға мутаважжиҳ бўлди ва Севинчакбек икки минг киши билан анга қўшуб, бирга юридилар. Алар Йазд йулидин ва Абарқўх йулидин Шерозға етти, амирзода Пир Муҳаммад Қаробогда буларға тўй бериб, отлар миндуруб, тўнлар кийдуруб, амирзода Рустам ва Севинчакбек ва Ҳасан Жондор ва Ҳусайн Чигловулким, бу икки бек Шерозда эрди, амирзода Рустам билан

Беҳбеҳон⁹⁴³ ва Тустар йўлидин Бағдод сори мутавжжиҳ бўдилар. Ва амир Саъид Барлос ва Алибек Исаким, Аббосбекнинг қариндошлари эрдилар, забт учун Шерозда турдилар, ва соҳибқирондин ҳукм ўшандоқ келиб эрди, Амирзода Пир Муҳаммадқаким, ҳукм эрдиким, бу черикни бошлаб Бағдодқа боргай.

Амирзода Рустамнинг сўнгида отланиб юриди, икки-уч манзил юруб ўзини хасталиққа баҳони қилиб, Навбинжони Шулистондин⁹⁴⁶ қайтти. Амирзода Рустам мазкур бўлгон беклар била Ром Ҳурмуздаги Лури Астаркни⁹⁴⁷ чопиб, сонсиз мол олдилар. Андин илғор солиб Дизфулдин ўтуб, Дубандар мавзёида сокин ва ҳашамнишинларни таладилар. Ва андин юруб, Бадра ва Баксани талаб асир қилдилар. Ва андин ўтуб бир ерга еттиларким, амир Али Қаландарким, Султон Аҳмаднинг навқари эрди, анда даруға эрди, уруш оҳангини қилди. Мансур черики бир ҳамла била ани босиб, ун бир киши алардин асир қилиб, барчани ўлдуруб Мандалини⁹⁴⁸ таладилар. Амма амирзода Пир Муҳаммадким, ёниб Шерозга келди, /бир жамоат бадфеъл тожикким, анинг хизматида эрдилар, ани йамон йўлга тутуб, йаағи бўдилар. Ва навқарларидин биров келиб, бу ҳол ҳусусинда амир Саъид Барлосқа огоҳ қилиб деди. Бу айтқонлар тафтиш ва таҳқиқ бўлгондин сўнг шаҳодани тутуб, Куҳандиз қалъасида беркитти ва ўзи анинг муҳофизати учун қалъада туруб, Алибек Исани Шерозда қўйди. Соҳибқиронга бу воқиялардин хабар йибарди. Соҳибқирон эшиткондин сўнг ҳукм бўлдики, «Аллоҳдодбек Шерозга бориб, ул кишиларким, шаҳодани бу йўлда тутуб турурлар, аларни ўлдургай. Ва амирзода Рустамни акасини анинг ўрнида Шерозда қўйиб, амирзода Пир Муҳаммадини банд қилиб, банд келтургай!» Аллоҳдодбек ҳукм била юруб Шерозга еттилар. Ул йамон кишилардин бири Мавлоно Муҳаммад Халифа ва Саййид Жарроҳ ва Рустам Хуросоний эрдилар, аларни ушул кун йасоққа еткурдилар ва Муставий Қушчининг элик-аёғини кестилар. Ва Муборак Хожа ва Муҳибб Шарбатдор ва Шайхзода Фаридни банд қилди. Ва соҳибқироннинг нишонини Ироқи Арабқа амирзода Рустамга йибарди. Ва Мандалида амир Али Қаландарни босқонда нишонни шаҳзодага келтурдилар. Амирзода мушори илайҳи мазмуни нишондин воқиф бўлуб, таваққуф қилмай Шерозга ёнди.

Ва Севинчакбек Жимжамол йўлидин Қаробог сори юриди. Амир Али Қаландарким, мансур черикидин қочиб эрди, Бағдодқа бориб сурат ҳолини Султон Аҳмадқа деди. Кўнглида ажойиб қисса воқия бўлгондур. Мундоқ эрдиким, соҳибқирон Хузистон забтини Ширвонга бериб эрди. Ул анда бориб мол йиғиштурмоққа машғул бўлуб, элга зулм қилуб, куб мол олди. Ва Жувайзада баъзи кишини ўлтуруб, минг киши билан Султон Аҳмад қошига борди. Султон Аҳмад ани азиз тутуб, нима иноят қилди. Амма ул йашура Султон Аҳмаднинг мулозимлариға /ва беклариға куб йармоқ берди — баъзига ун минг олтун ва баъзига йиғирми-ўттуз минг олтун берди. Қазодин йиғирми бергон йармоқининг муфассали Султон Аҳмаднинг бир навқарининг эликига тушги. Ул маҳалдаким, Султон Аҳмад мансур черикидин хабар билиб қўрқуб дарвозаларни боғлаб эрди, муфассални анга кўрсаттилар. Бир ваҳми минг бўлуб, Рофиъ дегон бир навқариниким, анга ун минг олтун бергон эрмиш ва оти муфассалда эрди, Султон Аҳмад ани ўз элики била чобти. Ва ул маҳалда Ширвонни бир жамоат билан мисли Қутб Ҳайдарий ва Мансур билан Уйротқа йибариб эрдиким, чобқайлар. Едгор Ахтачини йибардиким, андаги бекларга айтқайким, Ширвонни тутуб ўлдургайлар ва бошини Бағдодқа йибарсеунлар. Беклар ани ўлдуруб, бошини Бағдодқа йибардилар. Ва Султон Аҳмад бир ҳафтада ўз кишисидин икки минг кишини ўлтурди. Ва Вафо Хотунким, аноси ўрнида эрди ва кичикидин анга сут бериб парвариш қилгон эрди, Воситқа йибариб, оғзиға ёстиқ қўйиб ўлдурди. Ўзга хотунлари ва хизматкорлариким, ҳарамида эрди, кубракини ўз элики билан ўлдуруб, Дажлада ташлаттурди. Ва андин сўнг эшикини қоқиб, ошини бериб қайтар эрдилар. Неча кундин сўнг маҳрамларидин олти кишини чорлаб буюрдиким, Тавиладин етти кушлук от олиб, Дажладин нари элттилар. Ва бир кеча кема билан сувдин ўтуб, олти киши билан отланиб, Қаро Йусуф Туркмон элига мутаважжиҳ бўлди. Ва неча кун бовурчилар таом келтуруб хизматкорларга бериб кетар эрдилар. Ва элни андин ҳеч хабари йўқ эрди. Султон Аҳмад Қаро Йусуф Туркмонга дедиким, «Бориб Бағдодни талангизлар». Қаро Йусуф /навқарлари била Бағдодқа келиб, сувға йақин етиб турдилар. Султон Аҳмад

Бағдоққа кириб, туркманларни киргали қўймай, куб нима аларга берди.
Туркманлар қайтиб бордилар.

Аммо Султон Аҳмадқа соҳибқирон черикидин асру хавфи бор эрди, доим жосуслар йибариб хабар тутур эрди. Торих саккиз юз икки охирида Султон Аҳмадқа (1401 июл) хабар келдиким, нусратшиёр черики Сивос сори келдилар. Ўзи билан фикр қилдиким, агар соҳибқирон Шом ва Румга кирса, қочар ери қолмас. Фараж отлиқ навкарини шаҳарда қўйиб, ўтул-ушогини олиб, Қаро Йусуф билан Бағдодин юруб, Фурот суйидин кечиб, Рум сори қочиб бордилар. Ҳалабқа етконда Ҳалабнинг ҳокими Темуртош черики билан шаҳардин чиқиб, йўлини тутуб уруштилар. Булар Ҳалаб черикини босиб, андин саломат ўтуб, Румга бордилар. Йўлда борурда нусратшиёр черикидин бир жамоат киши аларга учраб, урушуб аларни хароб қилдилар. Нечукким бу қисса келгуси турур.

Соҳибқирон қурултой қилиб, Гуржистонга боргони

Қиш келгонда, аввал баҳордаким, олам гулу райҳондин биҳиштбарин-дек музайян ва ораста бўлди, соҳибқирони комкор қурултойга фармон қилди. Шеър:

Чу қиш кетти ва келди фасли баҳор,
Қурултойга ҳукм этти ул шаҳриёр.
Йигилди бари беку шаҳзодалар.
Улуғдин кичик миру мирзодалар.
Улуғ тўй тортти шаҳи бохирад
Йигилди ўшул ерда ҳам неку бад.
Чу тўй улди охир шаҳи некном,
Кенгашти ўшул ерда бо хоссу омм.

Соҳибқирони комкор қурултой қилиб, тўй тортқондин сўнг барча бекларга иноятлар қилди ва черикда йайоғларини отландурди ва дедиким: «Барчадин фарз бизга кофирлар уруши турур. Кофирларнинг ишини бир сори қилали. Сўнг ҳар сориким, маслаҳат булса /юругайбиз».

2306 Барча бу сўзга иттифоқ қилиб, Гуржистонга мутаважжих бўдилар. Ҳазрат Ҳаққ таборак ва таолога таваккал қилиб, Қаробогдин отланиб, гуржиларнинг подшоҳи малик Гурген сори мутаважжих бўлди. Бардаъа саҳросида етиб тушти. Таҳуртанким, мундин бурун ҳазратнинг хизматида келиб эрди, пешкашлар билан келиб, соҳибқиронни кўрди. Соҳибқирон ани йахши кўруб, зарбофт тўн ва олтун камар, ханжар ва туг ва наққора бериб ижозат берди ва ишорат қилдиким, ўз вилоятининг муҳофизатиға машғул бўлғай ва гофил булмағай ва Рум черикидин хабардор бўлғай. Соҳибқирон андин кўчуб, ов солиб юрур эрди, Гуржистонга йақин келиб тушти. Ва бир киши малик Гургенга йибардиким, «Тоҳирким, Султон Аҳмад Жалойирнинг ўғли турур, сенинг қошингда эрмиш, бизга йибаргил!» Элчи анга бориб соҳибқирон дегон сўзни дедилар. Бас, ул бадбахт гоят бадбахтлиғидин жавоб бермадиким, давлатиға лойиқ бўлғай. Назм:

Кишидаки, йўқдур саодат насиб,
Агар ақли булмаса, эрмас ажиб.
Агар тили қилғай кишига хитоб,
Дегай сўз, вале, барчаси носавоб.

Элчи қайтиб сурат ҳолни арзадошт қилди. Соҳибқироннинг аччиғи келиб, ўғруқдин илгари бўлуб, таъжил билан юриди. Гуржи вилоятлариға кириб, такбир ва таҳлил овозасини солиб, жалодат эликларини очиб, ширку куфр элини ўлдуруб, юртларини ва уйларини буздилар. Мевадор йағочларини ва боғларини тубидин қуришиб буздилар ва ошлиқларини ер била тенг қилдилар. Ва гуржилар кўрқунчдин баланд тоғларға чиқиб қочтилар. Ва беркларким, анда бормоқ маҳал эрди, қалъалар йасаб эрдилар, анда горларда кирдилар. Ислом черикининг баҳодурлари андиша қилмай қалъалар сори

231a юридилар. Ва баъзи диловарлар/ жонларидин кечиб, сандуқлар ичига

кириб, занжирлар била боглаб, юқоридин қуйи солдуруб, қалъаларга ва ғорларга етиб, сандуқ ичидин чиқиб кофирлар била уруштилар. Ўқ ва найза билан димор чиқардилар. Ва баъзи ерлардаким, ўқ ва найза тегмас эрди, ут ва нафт билан ул бадбахтларни куйдуруб эрдилар. Ҳар нечаки кофирлар кўб эрди, аммо ҳазрат Хаққ июнотидин нуерат ва фатҳ Ислом черикида эрди. Бу тариқ била ўн беш машҳур қалъани фатҳ қилдилар. Ва ҳар ким тилини калимаи шаҳодат била очиб Ислом давлатига кирар эрди, ул амон топар эрди. Ва ҳар кишиким, жаҳл ва залолат йўлидин чиқмас эрди, сувлуқ қилич билан дузах ўтига борур эрди. Соҳибқирон Тифлис муҳофазати учун Хуросон черикидин бир жамоат номдорлардин йайоғлар била қуйди. Ўзи давлат билан Дашти Муқронда келиб тушти. Гурген бадбахт Ислом черикининг мусибатини кўруб тулкидек қочти. Гуржи вилоятининг улутлари газаруруб ва зори била амон тиладилар, соҳибқирон хизматига пешкашлар била келдилар. Ҳазрат буюрдиким, андағи калисо ва дауракаким, аларнинг ибодат ерлари турур ва кўб йиллар эрдиким алар анда бутларини ибодат этар эрдилар, барчани буздилар. Ва ул ерларда масжидлар солиб, муаззин ва имом муқаррар қилиб, фарзу суннатнинг одобига машғул бўлдилар. Ва дини ислом била соҳибқирон давлатидин зебу зийнат топти. *Ал-ҳамду ли-Ллаҳи Раббил-оламийн.*

Соҳибқирон Жонибек Гуржи сори мутаважжих бўлғони

Малик Гурген Гуржининг вилоятини олғондин сўнг йана Гуржистонга тааллуқ узга вилоятларига мутаважжих бўлди. Уғруқни Дашти Муқронда қўйиб, Жонибек Гуржи ўлтурғон дарага мутаважжих бўлди. Шейъ:

Чу тахт устидин қилди ул сарафроз,
Мақомин от устида чун сарвиноз.
/Анинг эликида черики бешумор,
Бари сафдару гуруҳи ханжаргузор.

2316

Ислом черики дарадин чиқиб, Жонибек Гуржининг ерини аёғ остида олиб, наққора ва нафир чолиб, зилзила ул тоғда солиб, барча вилоятни чобтилар. Жонибек жонидин қўрқуб, юз қўрқунч билан итоат йўлига кириб, ҳисордин чиқиб, калъасини тобшурди. Ислом черики қиличларини кофирлар қонидин сугориб кўб кишини жаҳаннамга йибардилар, ва юртларини куйдурдилар. Андин қайтиб ўрдуға келиб туштилар. Соҳибқирон амирзода Шохрух билан Саййид Хожаи Шайх Али Баҳодурни Самава йўлига чобқали йибарди. Ва Жаҳоншаҳбекни ўнг қўлнунг кишиси билан даранинг даҳонасига илгари йибарди. Ва соҳибқирон мансур черики билан Самава йўлидин юриди. Ҳар сориким, баҳодурлар чобқали бориб эрдилар, барча музаффар ва мансур кўб мол билан ёниб ўрдуға келдилар. Ва даранинг бошида бир қалъа бор эрди, Пил отлиқ, асру маҳкам ер эрди. Соҳибқирон анда етконда ҳукм бўлдиким, «Қалъага уруш солсунлар!» Бас, ўшул кун қалъани олдилар ва андин кўчўб, Гуржи саҳросида тушти. Ҳазрат соҳибқирон Жаҳоншоҳбек била узга бекларни йибардиким, малик Гургенни истаб тобқайлар. Ул бадбахт шамолдек жангалларда, дараларда саргашга юрур эрди. Мансур черики булак-булак ани истаб юрур эрдилар, неча хосса кишисини тобтилар, аммо ани топмадилар. Ва андин тақи кўб мол олиб, ёниб ўрдуға келиб тушти. Соҳибқирон андин кўчуб, Кур суйидин ўтуб, давлат ва саодат била тушти.

Қалъаи Зарит ва ҳисори Сванетни фатҳ қилғонлари⁹⁵⁰

232a

Бу маҳалда ҳазрат соҳибқиронга арз қилдиларким, /гуржи элидин бир жамоат киши Қалъаи Заритқа кириб, ул ерни беркитиб ўлтуруб турурлар. Ул ер асру берк ер турур ва ҳаргиз тарихда киши эшитмайдурким, ул қалъани олғон булғай. Соҳибқирон илғор қилиб, ул қалъа сори юриди, анда етиб тушти ва қалъа урушининг асбобиға машғул бўлди. Манжаниқ ва

аррода ва ўзга нималар йасаб туруб, етти кундин сўнг фирмон бўлдиким, «Жанги султоний солиб, ҳар тарафдин юрусунлар!» Баҳодурлар ҳар сори-дин юруб, уруш солиб, қалъани олиб, ер била тенг қилдилар. Ва андаги гуржиларни ғазо қиличи била ўлдурдилар. Ва черик эли ҳар сори чоғиб, ҳар ердаким, гуржи кофирлардин тобтилар, ўлдурдилар. Бу маҳалда таҳқиқ бўлдиким, Гурген латин Сванет мавзёида ўлтуруб турур. Соҳибқирон ул йўлларга кишилар йибариб, ҳар сориким, черик эли чобқали бориб эрди, барча ҳукм била йиғилдилар. Черикнинг йармини уғруқда қўйиб, йарими билан илғор этиб, Сванет сори борди. Шеър:

Равон бўлди ул шоҳи бо доду дин,
Ғазо азмига шоҳи рўйи замин.
Черик гардидин бўлди кўк қоп-қаро,
Юриди адув сори ул подишо.

2326 Гурген Ислом черикидин хабар билиб, Сванетдин чиқиб овора бўлди ва Абхаз сори қочти. Соҳибқирон черики Сванет қалъасига етконда бир ҳамла билан олдилар. Ва Гургеннинг кейнида тушуб, анга тааллуқ кишиларига еттилар. Гурген Инғур сўйидин⁹⁵¹ утуб қочти. Ва чун билдиким, Тоҳирни сақлайолмас, ани атоси қошида Румга йибарди ва тазарруъ зори била Гурген Исмойилни соҳибқиронга йибарди, уэрхоҳлиқ қилди ва дедиким, «Мандин ҳар йамон ишким, воқит бўлуб эрди, жазосига етгим. Агар ҳазрат гуноҳимдин кечса, лутфу карамидин йироқ бўлмағусидур. Ва мундин нари / шарт қилурменким, ҳарғиз итоат ва бандалик йўлидин чиқмағаймен ва моли хирож қабул қилиб, ҳар йил хазинага йибаргаймэн».

Соҳибқирон Иван Гуржи сори таважжух қилғони

Малик Гурген бечоралик йўлига кириб, гуноҳига бўйун қўйиб, Исмойилни соҳибқиронга йибарди. Ҳазрат анинг гуноҳидин кечиб, Иван Гуржиким, гуржилар ичида бир улуг бек эрди, анинг вилояти сори таважжух этиб борди. Бас, зафаршиғор черики ул вилоятда кириб, барчани чобтилар ва ҳар ерданим, қалъа бор эрди, мусаххар қилдилар. Ва андин давлат ва нуерат билан тоғнинг этагидин юридилар ва таважжух юзларини Қароқалқонлиқ вилоятига қўйдилар⁹⁵². Ва ул ернинг эли сипоҳий ва отқучи эрдилар. Аммо нуератшиғор черики ул вилоятда кириб, ҳар ердаким қалъа бор эрди, барчани мусаххар қилдилар, ва ғазаб ўти била юртларини куйдурдилар. Соҳибқирон давлатидин андаги гуржиларни таладилар ва қуб киши алардин ўлдурдилар.

Соҳибқирони гитиситон Гуржистондин қайтқони

233a Ҳазрат соҳибқирон Гуржистон ғазосидин фароғат топиб, андаги вилоятларни бир-бир қилиб, қуб киши кофирлардин ўлдурди. Музаффар ва мансур ва давлату саодат била қайтиб, йайлоқи Минкўлда келиб тушди. Анда тушконда арз қилдиларким, бир жамоат киши гуржилардин Хушқурд мавзёида ўлтуруб турурлар. Соҳибқирон мунди эшитиб ҳукм қилдиким, «Шайх Нуриддинбек черики билан илғор қилиб, алар сори юрусун!» Аммо соҳибқироннинг ҳиммати ул эрдиким, аксари ишиким, анда хайру савоби бўлғай, ўзи юруб ул ишни саранжом қилғай. Бу жиҳатдин неча кундин сўнг ўғруқни қўйиб, ўзи черик билан аларнинг кейнида юриди. Анда етконда беш кунда /етти қалъани олди. Ва андаги кофирларни ўлдуриб, қалъаларни буздилар. Мансур черики фатҳу нуерат била андин қайтиб, Минкўлда келиб ўрдуга қушилдилар. Ва ул ерда неча кун фатҳу нуерат била ўлтуруб, айшу ишрат қилдилар.

Бу маҳалда Фарангдин элчилар келиб, Муродбекнинг ўғликим⁹⁵³, Румнинг қайсарларидин эрди ва фаранг эли ани асир қилиб эрдилар, ани келтурдилар. Беклар элчиларни соҳибқиронга кўрсатди, ҳазрат аларни йахши кўрди, тўнлар кийдуруб ёндурди. Ва алар Тарабзун йўлидин қайтиб

бордилар. Ва соҳибқирон Минкулда икки ой ўлтурди; йахши утлоқ ва ҳавоси латиф ер эрди. Озуқ, от-улоғлар ўзига келди ва ҳар сори боргон жамъ бўлди. Ва ҳар ердаким, ҳокими ва даругаси бор эрди, барча тобиъ бўлдилар. *Вал-ҳамду ли-Ллаҳи зул-жалол, вал-акром.*

Соҳибқирони гитиситон Сивос сори таважжуҳ қилгонининг сабаби

Соҳибқироннинг Сивос сори боргонининг жиҳати бу бўлдики, Йилдирим Боязидким, ул маҳалда Румда подшоҳ эрди ва азимат ва шавкати бурун кечкон қайсарлардин кўб эрди. Ва Румда кўб вилоят бор эрдиким, атолари ани олмайду эрдилар, барчани ул мусаххар қилиб эрди, мисли Ойдин ва Ментеша ва Кирмиён ва Қарамон⁹⁵⁴. Ва Фаранг диёридин тўрт ойлиқ йўлни ўзига тобиъ қилиб, андин сўнг Қаро Усмон Қози Бурҳонуддинким, Сивосни олди. ва Малатияким, Ҳалабга туташ турур, ани тақи мусаххар қилди. Ва Сивосда бир йигитиким, оти Мустафо эрди, даруга қўйди. Ва Малатияда, Мустафонинг ўглини ҳоким қўйди. Ва андин музаффар ва мансур қайтиб, Рум вилоятига борди. Ва азимати ва шавкати андоқ бўлдики, /ун икки минг от сақлағучиси бор эрди ва черикининг сонини билмас эрди. Ложурма, бу жиҳатдин гурур пайдо қилиб, йамон андишалар кўнглида тушуб, Тахуртанга элчи йибардиким, «Сен мундин бурун бизга тааллуқ эрдинг. Ҳолоким, керак бизга тобиъ бўлгайсен. Ва Арзинжон ва Арзирумнунг хирожини бизга йибаргил». Тахуртан сурати ҳолни арзадошт қилиб, ҳазрати аълога йибарди. Соҳибқирон билдиким, қайсари Румга гурур деви йўлаб йўлдин чиқориб турур. Бу жиҳатдин соҳибқирон қайсари Румга нома йибарди.

Соҳибқирони саодатнишон қайсари Румга элчи била нома йибаргани

Соҳибқирони жаҳонгир мунший равшанзамирни чорлаб ҳукм қилди: «Насиҳатномаким, Йилдирим Боязи, қа лойиқ булгай, иншо қилсун!» Дабирни балогатшиор Мавлоно Шамсуддин мунший қаламдек фармонига бош қўюб, номанинг бошида ҳамду сипос худой ва таҳиййат ва дуруду суругра ниййот била мувашшаҳ қилди. Назм:

Сари нома қилди ба номи худой,
Ким улдур ёри банда ва раҳномой.
Худойи замину худойи замон,
Эрур фарқи эҳсони барча жаҳон.

Мазмуни буким, «Худой бандага раҳмат қилурким, ўзининг қадр мартабасини билгай. Ва ўзи ҳаддин аёғини узолмагай.

Букун биҳамди Аллоҳ таоло рубъи маскун мамолики бизнинг тахти тасарруфимизда турур. Ва оламнинг салотинлари бизга мутиъ турурлар. Ва офоқнинг сардорлари бизнинг амру наҳйимизда кириб турурлар. Ва жаҳоннинг гарданкашлари барча бизнинг бўсағамизда бош қўйиб турурлар. Назм:

Ки ер юзи барча сипоҳим эрур,
Кўк устидаги Хур кулоҳим эрур.
Жаҳон шоҳлари бандаи фармон менга.
Камина қулидур бу даврон менга.

Ва сенинг аслу насабинг кемачи туркмонларга етар ва бу бизга равшан турур, муҳтожи баён эмас. Гурурни бошингдин чиқоргил. Бу чоққачаким сенинг /вилоятингга таъарруз қилмадук, жиҳати бу эрдиким, эшитур эрдуким, сен фаранг кофирлари била газога машғулсен. Ва агар биз ул сори борсак, мусулмонлар ташвишда бўлурлар ва кофирлар шодмон бўлгайлар. Зинҳор-зинҳорким атоларингнинг тариқаларини сақлагил ва аёғингни ўз ҳаддингдин узотмагил, ўзунга мағрур бўлмагил. Вассалом».

Мактуб тамом бўлгондин сўнг бир жамоат доно кишилар била Йилдирим Боязидқа йибарди. Ва алар барқдек юруб, Рум сори бордилар. Румга етконда мактубни бердилар. Савдойи маҳол қайсари Рум бошида андоқ тушмайду эрдиким, нома ва насихат билан таскин тобқай. Жавоблар бердиким, барчаси қазоб ва носавоб эрди ва дедиким, «Муддати турурким, кўнглумда турурким анинг била урушқайбиз. Эмди баҳадд бўлдумким, чериким била анга боргаймен. Ва агар ул бери келмаса, Табриз ва Султониягача боргаймен». Байт:

Кўралики бу чархи нопойдор,
Кими ул ализ айлару, кими хор.

Соҳибқирон Сивос тасхирига таважжуҳ қилғони

Элчиларким, Румга бориб эрдилар, ёниб соҳибқирон хизматида келдилар. Ва Йилдирим Боязид дегон жавоби носавобни арз қилдилар. Ҳазратинг аччиғи келиб тушти. Аллоҳдодбекким, ҳукм билан бориб эрдиким, Шероздин амирзода Пир Муҳаммадни келтургай, бу маҳалда хизматқа келиб, амирзодани банд қилиб келтурди. Ҳукм бўлдиким. «Улуғ девонда амирзода Пир Муҳаммадни келтуруб, йарғу сўрсунлар!» Ани келтуруб сўруб йасоқ тайоғига еткурдилар ва бандини кўтардилар. Ва йамон йўлда тутқучилар Шайхзода Фарид ва Муборак Хожаким, ҳануз бандда эрдилар, йасоққа еткурдилар.

- 2346 Ҳазрат соҳибқирон ҳарамларини Сарой Мулк хоним ва/ Хонзода ва шоҳзодалар ҳарамларини ва шоҳзода Улуғбек, амирзода Умар ва улуғ агосини Аллоҳдодбекнинг уҳдасида қилиб, Мавлоно Қутбуддин била Султонияга йибарди ва узи черики билан кучуб йўлга кириб бордилар. Арзирумга етконда тушти. Таҳуртан ўтрув келиб соҳибқиронни кўрди. Ва икки кундин сўнг кўч қилиб, Арзинжондин ўтуб, (торих саккиз юз учда муҳаррам бошида (22.08.1400) илгор қилиб), Сивос сори юриди. Йўлда эшиттиким, Йилдирим Боязид ўглиниким, оти Курашчи турур ва Темуртошким, Румнинг улуғ бекларидин турур ва ўзга беклар била Сивосқа йибариб турур ва соҳибқирондин хабар билиб йана Рум сори қайтиб турур. Бу хабарни соҳибқирон эшитиб, Рум сори мутаважжих бўлди. Ҳукм қилдиким, «Сулаймоншоҳбек ва Жаҳоншоҳбек ва Шайх Нуриддинбек ва Севинчак ва Саййид Хожайи Шайх Али Баҳодур ва Дона Хожа ва ўзга беклар илгор қилиб, аларнинг кейнидин кириб, чобсунлар!» Бу беклар бориб, Қайсарийадин ўтуб, аларни чобтилар ва сонсиз мол олиб қайтиб мансур черикка келиб қўшулдилар ва Сивосга йақин келиб туштилар. Сивос шаҳри асру берк ва томлари барча тошдин эрди. Ва ҳар тош икки қари ва уч қари эрди ва тошнинг қалинлиги бир қари ва қалъанинг томини қалинлиги ўн бир қари ва бийиклиги йигирми қари ва етти дарвозаси бор эрди. Ва ул қалъа Аловуддин Кайқубод Салжуқийнинг⁹⁵⁵ иморатларидин эрди. Ва шимоли сори ва жануби соридаги хандақи асру чуқур эрди, андоқким нағам солса бўлмас эрди. Аммо фарб соридаким, соҳибқирон тушуб эрди, нағам солса бўлур эрди. Ва шаҳар ичида Мустафоким, қайсари Рум соридин анда даруга эрди, тўрт минг кишиси бор эрди, қалъа ичида ўз ишига машғул эрди. Аммо соҳибқирон булордиким, «Нағамчилар ишларига машғул бўлсунлар!» Ва икки тарафдин уруш солдилар. Ўн етти кундин сўнг нағамлар /тамом бўлуб, буржларнинг олтида етиб, йағочлар қўйдилар. Ҳукм бўлдиким: «Нағамларда ўт солсунлар!» Ўт солиб, нағамда қўйгон йағочлар қуйуб, қалъанинг буржлари йиқилди. Ва шаҳардаги эл саросима ва ҳайрон бўлуб, йақин бўлдиким, мансур черик шаҳарга киргайлар. Мустафо даруга ажзу зори била чиқиб, содат ва ақобир ва ашроф ва уламоу машойих барча шаҳардин чиқиб ҳазратни кўрдилар. Фармон бўлдиким, «Мусулмонларга амон бериб, моли амоний олсунлар ва насроний ва арманиларни асир қилсунлар!». Йилдирим Боязидқа тааллуқ сипоҳийлар кўбраки арманий эрди. Тўрт минг арманийни черикка улаштурди. Сиёсат учун барчани тирикча чоҳларга солиб тупроқ тўлдурдилар. Ҳукм қилдиким, «Сивос қалъасини бузсунлар!» Бир замонда андоқ қалъани ер била тенг қилдилар.
- 235а

Бу маҳалда ҳазратқа дедиларким, Султон Аҳмад ва Қаро Йусуф Бағдоддин қочиб, Рум сори борадурлар. Ҳукм қилдиким, «Мансур черикидин бир жамоат баҳодурлар алар сори бореунлар!» Ҳукм билан бир жамоат баҳодурлар юруб Султон Аҳмаднинг уруқиға етиб, улуг эгачиси Султон Дилшодни ва хотунини ва қизини асир қилдилар. Узи қочиб Йилдирим Боязидқа борди.

Соҳибқирон Обулистонға⁹⁵⁶ борғони

2356 Ул маҳалдаким, соҳибқирон Сивос қалъасини қамал қилиб ўлтуруб эрди, бир жамоат ўғрилар Обулистондин келиб мансур черикининг отларини ўғирлаб элттилар. Соҳибқироннинг хотири қалъа соридин фориг бўлди, Обулистон сори муганажжих бўлди. Ва амирзода Шохрух манглай бўлди. Сулаймоншоҳбек ва неча беклар ниҳзода била юридилар. Шаҳзода ва беклар илгор қилиб Обулистонға еттилар. Туркмонлар бу хабарни эшитиб, шаҳардин чиқиб, тоғлар сори ва биёбонлар сори бориб, /саргашта юруб эрди. Шаҳзодаи шижоатшиғор аларнинг кейнида таъжил билан сурди ва аларға етти. Ва алар жон қўрқунчидин урушқа турдилар. Бир ҳамла билан аларни босиб, кўб киши алардин ўлдурдилар, ва от ва хачир ва тева ва қўй сонсиз олиб, ёшиб соҳибқиронға қўшулдилар. Ҳазрат соҳибқирон лутф ва ҳурмат билан туркмонларға киши йибариб, истилолатнома Малатийага йибарди. Ва Мустафонинг ўгликим, аларда даруға эрди, жоҳил ва подонлигиндиким, туркмонларда бордур ва Рум эли кўброки ўшандоқ турурлар, боргон элчини тутуб, банд қилди. Бу хабар соҳибқиронға келиб, ҳазрат алар сори юриди. Ул бадбахтлар хабар тониб, кечада қочтилар. Ва соҳибқирон Малатийага етиб, ўшул замон ани мусаххар қилди ва гуржилар ва арманиларни асир қилиб, мусулмонларға амон бериб, моли амоний олдилар. Ҳазрат соҳибқирон Жаҳоншоҳбек ва ўзга бекларға ҳукм қилдиким, «Илгор қилиб бореунлар!» Алар илгор қилиб Кохта қалъасигача чобтилар. Ва ҳар ерда эл ва хишаминини учрадилар ва Малатийадин Кохтагача мусаххар бўлди. Ул вилоятни ташиб, кўб мол била қайтиб ўрдуға келиб туштилар. Соҳибқирон Малатийани тавачи била Қаро Усмон Туркмонға берди ва парвардигор инояти билан оз фурсатда Рум сарҳади ва Шом сарҳади мусаххар бўлди.

Соҳибқирон Шом сори таважжуҳ қилгонининг сабаби

236a Мушшийи қазо бурун рақам урғон эрминким, Шом вилояти баъзи ноқисулақлардин қутулгай. Ва ўзларига мағрур бўлгонлардин маъзур бўлгай. Соҳибқирон етти юз тўқсон бешда (1393) Бағдодқа келиб фатҳ қилгонда Совадин бир доно кишини Мисрға — Барқуққа йибарди. Ва Барқуқ гоит ақсизлигинди ва Султон Аҳмаднинг ҳаволдорлиги /учун ул элчиларни ўлдурди. Ва йана бири улким, чун соҳибқирон Озарбайжон ва Ироқи Арабни мусаххар қилди ва андин Дашти Қипчоқ ва Черкас сори борди, Аталмиш Қавчинниким, Авник қалъасида қўйиб эрди, Қаро Йусуф Туркмон келиб анинг била урушиб, қаза тақдиридин Аталмиш Қавчин Қаро Йусуфнинг эликиға тушуб эрди. Қаро Йусуф ани банд қилиб, сақлаб эрди. Ва йана бу маҳалдаким, соҳибқирон Гардун Гуломни, Малатийа ҳудудин Фараж қошидаким, Барқуқнинг ўғли эрди ва Барқуқ ўлгондин сўнг бу Фараж Миср ва Шомнинг подшоҳи бўлуб эрди, элчи йибариб эрди хатлар била. Ва хатнинг мазмуни бу эрдиким, «Атонгдин йамон ҳаракатлар кўб воқий бўлди. Бири улким, элчиларимизни ўлдурдиким, ҳаргиз ҳеч подшоҳ бу ишни қилмас ва элчи ўлдурмак раво бўлмас. Ва Аталмиш Қавчинким, бизнинг навқарларимиздин эрди, банд қилиб турур. Анинг иши қиёматқа тушти. Эмди сен керакким ўзунгга ва вилоятингга раҳм қилиб, Аталмиш Қавчинни бизга йибаргайсен. То сен фароғат билан Миср ва Шомда подшоҳлик қилгайсен. Ва агар хилоф қилиб, атоштек инлар қилсанг, ҳар не келеа ўзунгдин билгайсен. Ва мусулмонларнинг қони сенинг буйнунгга бўлгуси турур». Элчилар Ҳалабқа еттилар. Аларни анда сақлаб, Фаражқа хабар йибардилар. Фараж бешфаржом атоидек амал қилиб, киши йибариб, элчиларни банд қилди. Бу хабар соҳибқиронға етиб, газаби келиб, ул

вилоятларга озим бўлди. Тақи соҳибқирон келиб Рум сарҳадини олди. Йилдирим Боязид илгари келмай, ҳеч дам урмади⁹⁵⁷. Соҳибқирон Рум сарҳадидин қайтиб, Миеру Шом сори мутаважжих бўлди.

2366 Соҳибқирони гардуналам/ Миеру Шом сори таважжух қилғони

Ҳазрат соҳибқирон чун эшиттиким, Миеру Шом подшоҳи йибаргон элчиларни тутуб банд қилиб турур, ҳазратнинг аччиги келиб, Миеру Шом сори мутаважжих бўлди. Аммо беклар барча юкунуб арз қилдиларким, «Черик неча маҳал сенинг давлатингда Ҳиндустон вилоятига бориб, ул вилоят фатҳ бўлди. Ва андин қайтиб, ҳануз оро топмай, дур эдиларким, йана давлат билан отланиб Эронга келиб, Гуржистон вилоятига кириб, ул тақи фатҳ бўлди. Ва ул вилоятда бир кун бир ерда тушуб ором топмадилар. Ва Гуржистондин тақи Рум сори мутаважжих бўлуб, Рум ва Миср сарҳади ҳам мусаххар бўлуб, мунда ҳам черик бир дам оройиш қилмадилар. Эмди Миеру Шом сори мутаважжих бўлубсиз. Бу юруш бағоят мушкил турур. Ва ул элнинг тажаммули ва йароғи оламда машҳур турур. Агар соҳибқирон карам қилиб, черикни бир неча кун ижозат берса, то ўз эвларига бориб неча кун фароғат қилгайлар. Ва андин сўнг тоза йароғ қилиб келсалар, йахшироқ бўлгуси турур ва давлатқа лойиқ иш кўрунур».

Ҳазрат соҳибқирон бекларнинг жавобига деди: «Бу фатҳ ва нуерат ағийа турурки, ҳазрат Ҳаққдин келур ва черикнинг азимати ва шавкатида ҳеч бад занн йўқ турур. Ва доим кўрубсизким, ҳазрат Ҳаққнинг инояти на ишлар қилиб турур ва қаттиқ ишларни бизга осон қилиб турур ва эмди душманларни забун қилиб турур. Ҳимматни баланд тутмак керак ва кўнгулни худойга бағишламоқ керак, то ҳазрати Аллоҳ ҳар ишда мадакор бўлгай». Барча беклар тилларини дуо билан очиб, дуо дедилар ва Миеру Шом сори бормоққа йакжиҳат бўлдилар. Ва соҳибқироннинг лутфу иноят
237a кўзи черик элига тушуб, барчага иноятлар /қилди. Ва шоҳзодалар ва беклар булак-булак дастур билан йўлга кирдилар.

Биҳишти ва Айнтоб қалъасини фатҳ қилғонлари

Соҳибқироннинг мансур черики Миеру Шом йўлига кирдилар. Фармон бўлдиким: «Амирзода Шоҳрух илғор йўсуни била бир жамоат беклар била илгари бореунлар!» Шоҳзода Шоҳрух илғор бўлуб, Биҳишти қалъасига етиб тушти. Ва соҳибқирон тақи келиб тушти ва қалъа дара ичида эрди ва асру мустаҳкам. Ва ташқари бўлгон элни таладилар. Ва ул қалъа ичида Муқбил отлиқ бир номақбул даруға бор эрди ва гуруридин қалъани беркитиб ўлтурди. Ва ул маҳалдаким, соҳибқирон қалъанинг йақинида келиб, бир баланд ерда чодир тиктуруб ўлтурди, қалъа ичидин манжаниқ тоши отиб, хаймага отти. Соҳибқирон бу жиҳатдин газабни келиб, ҳукм қилдиким, «Қалъа урушининг асбобиға баҳодурлар машғул бўлсунлар!» Черик қалъага келиб, ўртада олиб, урушқа машғул бўлдилар. Йигирми манжаниқ йасадилар. Бир манжаниқни ул манжаниқким, қалъа ичидин соҳибқиронга тош отиб эдилар, анинг ўтрусига ўлтурғузуб тош оттилар. Аввал тошким оттилар, соҳибқирон давлатидин ул тош аларнинг манжаниғига тегиб порара қилди.

Бу маҳалда амирзода Рустам Форс черики билан келиб ҳазратни кўруб, йахши пешкашлар бериб, дуолар деди. Соҳибқирон шаҳзодани йахши сўруб кўрушди. Аммо черикнинг баҳодурлари уруш солиб, нағамчилар нағам солиб, ҳисорни томининг тубини ковак солдилар ва манжаниқ тоши билан қалъада рахналар солдилар. Муқбил ул ҳолатни кўруб, қўрқуб, тазарруъ ва ниёз била ҳазратқа арзадошт йибарди ва дедиким, «Кўрқунчдин /чиқаолмам. Таваққулим ул турурким, бу бандани озод қилиб, қонимдин кечгайлар». Соҳибқирон деди: «Қалъани олгондин сўнг ани озод қилурбиз. Агар бу қалъа эшикидин қубсақ, эл ҳаёл қилгайким, қалъани ола олмай қубтук». Бас, шанба кўни, сафар ойининг еттисида, торих саккиз юз учда

2376

(27.09.1400) фармон бўлдим, «Нагамларда ўт солсунлар!» Ўт солгондин сўнг буржлар йиқила бошлади. Қалъанинг ичидагилар ул ҳолатни кўруб, кўрқуб, Муқбилга тааллуқ навкарлари ҳар бири бир сори кетти. Ушул замон содоту қазот ва қалъанинг улуг арбоблари пешкашлар чиқориб, шаҳзода Шоҳрухни ўзларига шафиё қилиб арзадошт қилдиларким, «Муқбил бир камина банда турур. Агар лутфу карамларидин ани амон берсалар, айни марҳамат турур». Соҳибқирон Муқбилнинг гуноҳини шаҳзодага бағишлади ва келганлар барча дуъо деб, ҳисорга қайтиб, хутба ва сикка соҳибқирон отиға ўқудилар.

Андин кўчуб Айнтоб⁹⁵⁸ сори мутаважжих бўлди. Ва ул шаҳарнинг қалъаси асру берк эрди ва қалъанинг томи ва тоши оқ тошдин эрди. Ва хандақи бор эрди, йассилиги ўттуз қари ва чуқурлуғи етмиш қари ва хокрези тошдин эрди. Ул қалъага еттилар, қалъадаги бузурғлар барча қочиб эрди ва бир жамоат раъйيات ичида қолиб эрди. Черик анда етконда шаҳарни тобшурдилар ва бу шаҳар ҳам фатҳ бўлди. Ва бу шаҳарда неъмат ва даъват асру кўб эрди. Черик эли барча маъмур бўлдилар.

Соҳибқирон Ҳалаб сори бориб, Ҳалабни фатҳ қилғони

238a Соҳибқирон Айнтоб ва Биҳишти қалъаларини фатҳ қилди. Бу хабарлар Темуртошқа еттиким, Ҳалабнинг ҳокими эрди. Темуртош воқий бўлгон ишни эшитиб, Мисрга киши йибарди. Миср подшоҳи хабардор булуб ҳукм қилдиким, «Шомдаги вилоятларнинг/ ҳокимлари ва даруғалари Ҳалаб сори мутаважжих бўлсунлар!» Миср ва Шомдин черик келиб Ҳалабга йигилдилар. Барча йароғ ва тажаммул била Шадунким, Дамашқ вилоятида беклар беги эрди, азимат ва тажаммул била Ҳалабга келди. Ҳўмс ва Ҳама ва Антакийя ва Тарабулус ва Набулус ва Баъалбакк ва Канъон ва Ғазза ва Рамла ва Қуддус ва Карак ва Қалъатуррум⁹⁶⁰ барча вилоятлардин беклари ва помдорлари чериклари билан Ҳалаб сори мутаважжих бўлди. Ва оз фурсатда сонсиз черик жамъ бўлди. Назм:

Йигилди Ҳалабда чу беҳадд сипоҳ,
Ки бўлди қаро гардидин меҳру моҳ.
Сипоҳий йигилдики ҳеч сони йўқ,
Барининг йароғи қилич бирла ўқ.

238b Черик йигилгондин сўнг Темуртошким, беклар беги эрди, беклар билан кенгашиб деди: «Бу ишни саҳл тутса бўлмас, анинг учунким, бу кишиким бизга мутаважжих бўлуб келадур, асру давлатлиқ киши турур. Ва бу чоққача ҳар сориким боргондур, ҳар шаҳардаги қалъалар барчасини мусаххар қилибдур. Ва ҳар ким анинг била муҳолифат қилиб турур, албатта анинг эликида зору хор бўлуб турур. Ва оламдаги вилоятларнинг кубрагини мусаххар қилиб турур. Туркистону Хоразм ва Хуросону Зобулистон ва Ҳиндустону Табаристон ва Ироқайн ва Хузистону Гуржистон ва Озарбайжон ва Диёрбакар — барчани мусаххар қилиб турур. Ва андаги подшоҳларни аз фурсатда мутий қилиб, вилоятларини тасарруф қилгон турур. Ва Эрону Турондаги кишиларда маҳол йўқ турурким, анга тааллуқ вилоятларга тик боқа олғай. Менинг хотиримда андоқ келадурким, анинг била сулҳ қилғайбиз ва хутба ва сикка анинг отиға ўқуғайбиз. Ва содоту қазот ва уламоу машойихни ўртага солиб эликимиздин келгунча лойиқ пешкашлар ва тансуқот била бир тойифа уламоу машойихни анга ўтрув йиборайимким, бу жиҳатдин у тарафқа етиб/ боргайлар ва бу мамлакат андин саломат қолғай».

Темуртош бу сўзларни деди, баъзи кишилардаким ақл ва фаросат бор эрди, бу андишани йахшилади. Аммо баъзидаким, ақлу фаросат йўқ эрди ва ўзларига мағрур эрдилар, хоссатан, Шадунким, Дамашқ ҳокими эрди ва гурур ва такаббур бошида бор эрди, бу кенгашни қабул қилмай тилини лоф била очиб, каззоб сўзлар деди. Ва айттиким, «Ҳар кимни кўнгли кўрқар, муродидин маҳрум қолур. Ва бизнинг бу мамлакат ўзга мамлакатга ўхшамас. Андаги вилоятларнинг қалъалари балчиқ ва хом кирпучдин⁹⁶¹ турур.

Ва бизнинг қалъалар барча қора тошдин турур. Ва агар бир қалъага келиб урушсалар, бир йил керакким ани мусаххар қилгайлар. Бу не қўрқунч турурким, кўнглунгизда тушуб турур? Ва агар аларнинг уруш асбоби кўб турур, бизнинг қиличларимиз мисрий турур ва ёйларимиз дамашқий ва найзаларимиз арабий ва қалқонларимиз ҳалабий турур. Ва бу мамлакат улуг шаҳарлардин бошқа олтмиш минг маъмур кент турурким, муфассалда турур. Агар ҳар кентдин ўн киши чиқса не миқдор киши йигилгай? Анча киши жамъ бўлгайким, оламда сигмагай».

Алқисса, мундоқ лофлар урди. Ҳар нечаким, Темуртош ва ўзга доно кишилар муболага қилдилар, ҳеч ерга етмади ва урушқа муттафиқ бўдилар.

Ва бу тарафдин соҳибқирон Айнтобдин кўчуб, оҳиста-оҳиста келур эрди ва ҳар кун йарим йағоч йўл бориб тушар эрди. Ва ҳар ердаким тушар эрди, хандақ қазиб, хандақнинг йақосида туралардин қўргондек йасаб ултурур эрди. Соҳибқироннинг секин келгани жиҳатидин душманларнинг кўнгулларида кечтиким, «Қўрқуб тез кела олмас, ва аларда анча қувват йўқ турурким илгари келгайлар». Бу жиҳатдин далер бўдилар ва шаҳардин чиқиб, хайма ва ҳиргоҳ уруб ўлтурдилар.

239a

/Панжшанба кун, рабиъ ал аввал ойининг тўққузид, Лу йилда (28.10.1400) Ҳалабқа йақин келиб тушти. Амирзода Султон Ҳусайн бир неча хосса навкарлари била душманларнинг қаровулига етти. Бовужуд улким, душман қаровули асру гўлба эрди, андиша қилмай аларга чобти. Ва ул ҳамлада бир отлични найза билан тушурди ва ани боғлаб маъракадин чиқарди. Ва навкарлари тақи икки кишини тушурдилар. Ва черикнинг ўзгалари ул мардоналиқни кўруб қочтилар. Анинг учунким, ҳаргиз мундоқ уруш кўрмагон эрдилар.

Ва ўшул кун амирзода Або Бакр олтмиш киши билан илгари бориб душманнинг қалин кишисига йўлуқуб уруштилар, ва асру йахши урушуб, қайтиб урдуға ёниб келди. Тонгласи мансур черикидин баъзи баҳодурлар отланиб, душман муқобиласида бориб турдилар. Ва душман соридин бир киши илгари келмади. Ул кун ахшомгача туруб турдилар. Ҳеч киши аъдодин тебранмас жиҳатидин ёниб туштилар.

Учунчи кун соҳибқирон фармонладиким, «Черик дастури била ўнг қўл ва сўл қўлни тартиб бериб, йасол била отлансунлар!» Унг қўлда амирзода Мироншоҳ ва амирзода Шоҳрух ва беклардин Сулаймоншоҳбек ва Шоҳ Маликбек турдилар. Ва сўл қўлда Султон Маҳмудхон ва Жаҳоншоҳбек ва ўзга беклар турдилар. Ва гўлда ҳазрат соҳибқирон турди. Сурон солиб ва наққораю нафирлар чолиб, олам ичида зилзила тушти. Амирзода Або Бакр ўнг қўлдин чопиб, ўзини душманларга уруб, йахши ишлар қилди. Ва сўл қўлдин Султон Ҳусайн ва Жаҳоншоҳбек чопиб, душманни бир-бир қилдилар. Ва гўлдаги баҳодурлар ҳам баҳодурлуқ кўрсаттилар. Шадун ва Темуртош мундоқ ишларни кўруб ҳайрон бўлуб, бот туrolмай, шаҳар сори қочтилар. Ва душман черики ул саҳрода паришон бўлуб, кубраги

239b

Дамашқ/ сори қочиб борди. Мансур черики аларнинг кейнида бориб кўб кишини тушурдилар ва баъзини ўлдурдилар ва баъзини от-йароғини олиб қўябердилар. Андоқ черикдин бир киши чиқиб Дамашққа хабар элтти. Ўзга черик эли барча эликка тушуб асир бўдилар. Ҳалаб черики қочиб шаҳарга кирдилар. Мансур черики аларнинг кейнида чопиб, ҳар кимгаким етар эрди, чопар эрдилар. Анча киши хандақ ичида туштиким, хандақ тўлди ва кўб киши анда ўлди. Ва йўлда ҳам анча киши ўлуб ётиб эрдиким, отличлар ўлук устида юрур эрди. Ва баҳодурлардин бир жамоат киши шаҳарнинг тасхирига юридилар. Ва ўшул шанба кун, рабиъ ал аввал ойининг ўн берида, торих саккиз юз учда (30.10.1400) Ҳалабнинг шаҳрини фатҳ қилдилар.

Ҳалабнинг қалъасини урушуб фатҳ қилгонлари

Шадун ва Темуртош мансур черикидин қочиб қалъага кирдилар. Ва ул қалъа эмас эрди, балким бир тоғи эрди. Ва хандақини андоқ қазиб эрдиларким, сувга етиб эрди. Ва хокредин хандаққача юз қари бор эрди ва

андоқ эрдиким, йайоғ анда чиқа олмас эрди. Бас, Шадун ва Темуртош қалъага эътимод қилиб, йана муҳолифат қилдилар. Ва буржу боруни мазбут қилиб урушқа машгул бўдилар. Нафт ва раъд андозлар⁹⁶² ҳар соридин ишларига машгул бўдилар.

240a Соҳибқирон шаҳарга кириб қалъанинг муқобиласида тушти. Ҳукм эттиким, «Черик хандаққа йақин тушсунлар!». Ва нағамчилар ишларига машгул бўлуб, ҳар ерда нағамлар солиб, қалъанинг тўрт ёнини гори пилдек қилдилар⁹⁶³. Қалъа ичидаги баҳодурлардин беш киши иттифоқ қилиб дарвозадин чиқиб, нағамчилар сори келдилар. Ва мансур черикнинг баҳодурлариким нағамчилар қошида туруб эрдилар, нағамдин чиқиб ул беш кишини уқ зарби билан адам сори йибардилар⁹⁶⁴. Қалъа эли муни кўруб барча қўрқтилар. /Андин сўнг ўзга ҳеч киши қалъадин чиқмади.

Соҳибқирон қалъа элига раҳми келиб, бировни аларга йибарди. Сўзи буким, «Бизнинг ишимиз черик билан ва азимат ва ҳашамат била эрмас. Балким ҳазрати Ҳаққ таборак ва таолодин турур. Қалъа ва тоғ ва дарё бизнинг қошимизда саҳл турур. Энди сизлар бу қалъага мағрур бўлмангиз ва чандин ҳазор мусулмонларнинг қониға кирмангиз. Барча тобеъ бўлуб, чиқиб келинглр. Йўқ эрса мусулмонларнинг қони буйнунгузга булур ва аҳлу аёлингиз асир бўлгуси турур». Қалъа эли муни эшитиб билдиларким, ҳеч чора йўқ турур. Заруратдин Шадун ва Темуртош содот ва қазот билан мамлакат калидини ва хазина калидларини олиб, дарвоза калидини очиб чиқдилар. Ва ниёзу тазарруъ билан соҳибқирон қошига келдилар. Ҳукм бўлдиким, «Шадун билан Темуртош бўлгон навкарларини тутуб банд қилсунлар!». Ва қалъанинг баъзи буржу борасини буздилар. Андин сўнг соҳибқирон Мисрға — Барқуқ ўғлига киши йибардиким, «Шадун ва Темуртошни тутуб банд қилибмиз ва Ҳалаб шаҳри мусаххар бўлди. Агар Аталмишни⁹⁶⁵ бизга йибарсанг, биз ҳам буларни сенга йибарурбиз. Аталмишни бизга тез йибаргил!»

Андин сўнг соҳибқирон тафарруж учун Ҳалаб қалъасига кириб, икки кун турди, (сўнг) қалъадин чиқти. Жаҳоншоҳбекни қалъага йибардиким, забт қилгай: қалъа ичи тўла мол эрди ва бурунги подшоҳларнинг моли анда кўб эрди. Анча мол туштиким, ниҳояти йўқ эрди. Барча черик анда хушвақт бўдилар.

240b Соҳибқирон андин тушкон молни ва ўғруқни Ҳалаб қалъасида қўйуб, Саййид Иззуддин ва Малик Ҳазоргирий ва Шоҳшоҳонким, Сейистон ҳокими эрди ва Муса Туй Буға ва Султон Маҳмуд ва Баён Темур Оқ Буға ўгли ва Султон /Малик ва Мурод Қавчин ва Пойандайи Чехра ва Шайх Умар Тавачи — буларни ўғруқда муҳофизат учун қўйди. Ва ўн беш кун анда туруб, отланиб Шомға тааллуқ ўзга вилоятларга мутаважжих бўлуб юриди.

Ҳама шаҳрини ва Ҳўмс қалъасини фатҳ қилгонининг зикри

Ҳазрат соҳибқирон, ул маҳалдаким, Ҳалабда йақин ўлтуруб эрди, амирзода Пир Муҳаммад Маршайх ва амирзода Або Бакр ва амир Сулаймоншоҳ ва Севинчакбек ва ўзга бекларни Ҳама сори илгор йибарди. Алар анда бориб соҳибқирон давлатидин ташқаридаги шаҳарни олдилар. Аммо ичкаридаги қалъаси асру берк эрди, ани ололмай ўлтурдилар. Аммо чун соҳибқирон Ҳалаб ишидин фориг бўлуб Ҳама сори мутаважжих бўлди, йўлда уч-тўрт қалъани фатҳ қилди ва Ҳамага етиб тушти. Қалъадаги эшиттиларким, соҳибқирон ўзи давлат ва саодат била келди — тазарруъ ва ниёз йўлидин кириб, пешкашлар чиқориб, шаҳзодаларни ўртада солиб, соҳибқиронни кўрдилар. Ҳазрат аларнинг ёзуқларидин кечиб, аларни шаҳзодаларга бағишлади. Ва йигирми кун ул ерда таваққуф этиб ўлтурдиким, черик элининг отлари осойиш қилгай. Ҳазрат анда ўлтургонда шаҳзодалар била беклар иттифоқ қилиб, барча кўрунушқа келиб ўлтуруб арз қилдиларким, «Икки йил бўлдиким бизинг черикимиз отдин тушмай, кеча-кундуз юруб турурлар. Ва душманларнинг отлари семиз ва ўзлари осуда турурлар. Агар маслаҳат булса, бу қиш Тарабулус дарёсининг йақосида қишласак, то черик осойиш қилгай ва от-улоғлари ўзига келгай. Аввал баҳорда душман

241a сори мутаважжих бўлак йахшироқ кўрунур», деб арза қилдилар. Соҳибқирон бу сўзга ҳеч илтифот қилмай Ҳўме сори таважжух қилди. /Беклардин бир улуг бек илгари бориб Ҳўмега етиб, ул элга иасиҳат қилди. Ва ҳазратнинг лутфу шафқатидин аларга умидвор қилиб, барча шодмон бўлдилар. Чун соҳибқирон Ҳўмега етиб тушти, шаҳар эли барча мутгь бўлуб, пешкашлар билан чиқиб ҳазратни кўрдилар ва кўб ипоят ва лутфи бениҳоят кўрдилар. Ва Али Акбарни анда даруға қўйди.

Соҳибқирон Баъалбакк шаҳрини фатҳ қилғони

Соҳибқирон Ҳўме қалъасидин мансур черики била Баъалбакк шаҳрига мутаважжих бўлди. Ва бир манзил юруб, бир тузлақда келиб тушти. Ва анда ҳукм бўлдим, «Мансур черикдин бир жамоат киши Сайда ва Байрут сори борсунлар!» Черикдин бир жамоат баҳодурлар отланиб, ул сори юридилар. Ва соҳибқирон ўзи давлат ва саодат билан Баъалбакка етиб тушти. Ба ул шаҳарни кўруб, таъажжубқа қолдилар. Анинг учунким ул қалъа тамом тошдин эрди ва асру улуг тошлардин йасаб эрдилар. Ва ҳар буржида тошларким қўйуб (эрдилар); узулиғи йигирми саккиз қари эрди ва йассилиғи ўн олти қари ва қалинлиғи етти қари⁹⁶⁶. Ва Баъалбакк анинг учун дер эдиларким, ул бу оламда бир ажойиб ўзгача эрди. Ва эл ичида андоқ машҳур турурким, ани Сулаймон найғамбар йасаб турур (дерлар). Валлоху аълам. Ва мундоқ қалъа соҳибқирон давлатидин ҳеч танившин ва захмат кўрмай мусаххар бўлди. Ва анда анча ғалла ва неъмат бор эрдиким, черикда кўб рафоҳият бўлди. Ул ернинг неъмат ва даъватидин барча ҳузур қилди ва хотирлари тилаганча озуқ кўтардилар.

Андин ҳазрат соҳибқирон Шайх Нурйиддин ва Севинчакбек ва Шоҳ Маликбекнинг уттуз минг киши била Дамашқ сори йибарди.

2416 Соҳибқирони саодатнишон Дамашқ сори мутаважжих /бўлғони

Баъалбакк тоғқа йақин эрди ва ул маҳалда қиш кириб, ҳаво совуқ бўлуб эрди ва қору йамғур келур эрди. Соҳибқирон анда турмай, йакшанба кунни, жумада ал-аввал ойининг учида (22.12.1400) (Қуеш) жадийда (олтинчи даражада киргонда) андин кўчуб, Нуҳ набий алайҳиссалоту вассалом зиёратиға бориб тушти. Зиёрати саодатиға мушарраф бўлуб, Дамашқ сори мутаважжих бўлди. Ул ерда жамоатиким, Сайда ва Байрутқа бориб эрдилар, ул ерларни чоғиб, музаффар ва мансур қайтиб қелдилар. Ва Шомдағи беклар Миср подшоҳикаким, оти Фараж эрди ва Барқуқнинг ўгли эрди, Барқуқ ўлуб ул тахтада ўлтуруб эрди, соҳибқирондин хабарлар анга йибардиларким, «Мунга Темурбек келиб фалон қалъа ва фалон шаҳарни олди. Эмди Дамашққа мутаважжих бўлуб турур. Эмди агар сенга Дамашқ кераклик турур, фикрини қилги!». Фараж Мисрдағи черикни йиғиштуруб, азиат ва шавкат билан Дамашқ сори мутаважжих бўлди. Назм:

Равон чун ки бўлди шоҳи Мисру Шом,
Ки тортқай йаағилардин интиқом.

Сипоҳий йиғиштурди, бас, бешумор,
Бу умид илаким, қилай қору зор.

Бас, Дамашққа етиб, шаҳарга кириб, мазбут қилиб ўлтурди. Анда ўлтургонда кўнглида бир фикри тушуб, бир ҳаромзодани дарवेशлартек суратини таъбир бериб ва йана бир жоҳил фидойини анинг била қўшуб, ҳар бирига бир заҳаролуд ханжар бериб соҳибқиронга йибардиким, «Агар фурсат топсангиз иш қилгайсиз». Ул ҳаромзодалар Дамашқдин чиқиб, соҳибқирон Дамашққа йақин етконда келиб кўрунуш қилиб, кўб илтифот тобтилар ва ҳазрат қошида кеча-кундуз мулозиматда эрдилар. Бовужуд улким, неча қатла фурсат тобтилар, аммо ҳазрати Ҳаққ ул соҳибқироннинг ҳофизини ва

242a носирини эрди, ҳеч иш қила олмадилар. Ва Хожа /Масъуд Семнонийким,

ҳазратнинг улуг девони эрди, ул бадбахтларнинг макридин хабар топиб, аларни тутдилар. Аларни тутуб қовладилар, заҳаролуд ханжарлари зоҳир бўлди, этукларидин чиқти. Алардин сўрдилар воқияни, тамом шарҳ қилдилар. Соҳибқирон ҳазрат Ҳаққа шукр деб, фақиру мискинга қуб садақалар берди. Андин сўнг соҳибқирон деди: «Агарчи элчиға улум йўқ турур. Аммо бу ҳарамзодаким, ўзини дарवेशлартек йасаб, дарवेशларни бадном қилди, ани ўлдурмак керак!» Буюрдиким, ўшул заҳаролуд ханжар била ўлдуруб, мурдор жасадини ибрат учун куйдурдилар. Ва йана бирини қулоқ ва бурнини кесиб, Миср ҳоқимиға йибардилар. Ерлиг бўлдиким, «Мутафарриқ бўлгон черик барча жамъ бўлсунлар!» Ва ўзи давлат ва саодат била отланиб Дамашқ сори мутаважжих бўлди. Ва бир нуштага еттиларким, ани Қарақба дерлар, анга келиб тушти. Ва эҳтиёт учун хандақ қаздурди. Соҳибқирон нушта устига чиқиб, йироқдин шаҳарни мулоҳиза қилди ва ҳукм қилдиким, «Қаровуллар бориб хабар келтурсунлар!» Севинчакбек қаровуллар била мутобиъат қилди. Сайин Темур Баҳодур ва Дона Хожаи Аначи ўгли ва Тўкал Бавурчи ва Олтун Бахший ва Тўкал Тамука Қавчин ўгли — булар барчаси қаровул билан илгари бориб, душманнинг қаровулиға учраб уруштиллар. Унг қул соридин Саййид Хожаи Шайх Али баҳодур ва сўл қулдин амирзода Рустам чоғиб қуб йахши ишлар қилдилар. Шом қаровуллари машриқ синоҳидин қочиб кеттилар. Мансур черики алардин қуб киши тушурди. Алардин нечани тирик тутуб, соҳибқирон қошига келтурдилар. Анда Шадун била бир жамоат кишиниким, Ҳалабдин келтуруб эрдилар.

2426 барчани ўлдурдилар. Аммо бу кечада фалак шаъбла кўрсатти⁹⁶⁷ Амирзода Султон Ҳусайннинг кўнгли Жаҳоншоҳбекдин қолиб, хотир мулуллуқ бўлуб, бир жамоат муфсид тожиклар била иттифоқ қилиб, юзини давлатдин қайтариб қочиб, Дамашқ шаҳриға кирди⁹⁶⁸. Шомийларға ул ҳолатдин шодмонлиг пайдо бўлуб, шаҳзодани юз тажаммул билан шаҳарга кийурдилар. Подшоҳ Фараж анинг келгонидин фараҳ қилиб, ўзига нусрат ва давлат билиб, шоҳзодани қуб иззат қилди. Амирзода Султон Ҳусайннинг навкарлари Барот Хожа ва Адук амир Шоҳ Маликка бу ҳолатдин хабардор қилдилар. Шоҳ Маликбек бу воқеъани соҳибқиронға арз қилди. Кун чиққонда мансур черик кучуб, Дамашқнинг қибласи сориким, Миср ва Канъон йули турурким, кенг ер эрди, бир йағоч йўл йуруб туштиллар. Ҳукм бўлдиким, «Черик теграсида тошдин киши бўйидин баландроқ томи кўпорсунлар», ва хандақ қазиб ултурдилар. Тумонлардин ва ҳазоралардин киши чиқариб, жангдовуллуққа муқаррар қилди, то кеча черикдин воқиф бўлғайлар. Ҳазрат соҳибқирон икки кундин сўнг Бўрон Подшоҳни Миср подшоҳиға элчиликка йибарди. Сўзи буқим, «Бизнинг тажаммул ва сабримизни ишларда билдингиз. Ва неча қатла Аталмишни тиладук, йибармадингиз. Ва андак иш учун анча таъаллул қилдингизким, бизга вожиб бўлдиким, бу вилоят сори келгайбиз. Бу жиҳатдин қуб хароблиқ вилоятларингизга бўлди. Эмди Аталмишни бизга йибаринг, то қолгон вилоятларингиз амонда бўлғай. Хутба ва сикка бизнинг отимизга ўқунлар. Ва агар мундоқ қилмасангиз, вилоятингизда ҳеч ер ободон қолмағуси турур!» Элчи аларға бориб, анга қуб таъзим қилдилар ва аларнинг ичида раъд ва милтиқ отқувчилари қуб эрди. Аларни келтуруб элчиға кўрсаттилар. Ва элчиға (йана) узга қуб нималар

243а бериб ёндурдилар. Ва бир жамоат улуг кишиларини йибариб дедиким, / «Соҳибқиронға арз қилингим, беш кундин сўнг Аталмишни йибарабиз, то ул ҳазрат гуноҳимиздин кечгай. Ва мундин нари хизматда тақсир қилмағайбиз». Соҳибқиронга келиб сўзларини арз қилгондин сўнг келгон элчиларга тўнлар кийдуруб, сийлаб йибарди. Ва мамлакат эли ул сулҳ сўзидин асру шодмон бўлдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Миср подшоҳи билан урушуб, зафар тобқонлари

Нусратшиъор черики ўшул юртда ўн кун таваққуф қилиб ўлтурди. Анда от-улоғларға ут қолмади. Фармон бўлдиким, «Юртчилар юруб ўтлог ер пайдо қилсунлар, то анда кучуб борғайбиз!». Юртчилар юруб Гута⁹⁶⁹ ўтлогиким, Шомнинг шарқи сори тутур, бориб ул ерни кўруб, келиб арзадошт

қилдилар. Ҳукм бўлдиким, «Черик андин кўчуб юрусунлар!» Ҳурду кўчуб Гута сори мутаважжих бўлди. Дамашқ эли нодонлигинин хаёл қилдилар-ким, урду ёниб борадур. Ва азалда ҳам мундоқ муқаррар бўлгон эрмишким, Дамашққа ташвиши теккай. Хаёли фосид қилиб, шаҳардин чиқиб Дамашқ саҳросини туттилар ва йайоқу отлиқдин ер юзи тўлди. Қаровуллар ул ҳолатдин хабардор бўлуб, келиб соҳибқиронга арз қилдилар. Ҳукм қилдиким, «Черик тушуб ўзларига тошдин паноҳи қилгайлар!» Филҳол, черик тушуб бир томи тошдин қўпордилар. Ва соҳибқирон эллик киши билан бир тена устига чиқиб, бурунги одати билан икки рақъат намоз ўқуб, юзини туфроққа суртуб, ҳазрати Парвардигордин фатҳ ва нусрат тилади. Ва андин отланиб, наққора ва нафирларини чалдуруб сурон солдилар. Унг қўл черики, Шом черикиким, илгари келиб эрди, ҳамла қилдилар. Соҳибқирон 2436 сўл қўлнунг/ кишисига киши чобтурдики, амирзода Мироншоҳ ва амирзода Шохрух ва амирзода Або Бақр ва амир Сулаймоншоҳ ва ўзга тумон беклари барча келиб душман сори чобтилар. Ва икки черик бир-бирига етиб, урушқа машғул бўлдилар. Наам:

Икки соридин чопди икки сипоҳ,
Бариси диловар ва бари кийнахоҳ.
Тушар эрди ерга сари саркашон,
Чу йафроққа тушкай боду хазон.

Унг қўлда Султон Маҳмудхон ва амирзода Халил Султон ва амир Жаҳоншоҳ ва Гиссуддин Тархон ва амир Тўкал Ёдгор Барлос ва Шайх Арислон ва Туғлуқ Хожа Барлос ва Пир Али Сулдуз ва ўзга тумон ва ҳазора беклари зафарпаноҳ сипоҳи била сурон солиб урушқа кирдилар.

Севинчакбек ва Шоҳ Маликбек ва Саййид Хожайи Шайх Али Баҳодур қўл ҳировули бўлуб ва қўшун бекларидин Сайин Темур ва Мўҳаммад Озод ва Тўкал Бавурчи ва Дарё ва ўзга баҳодурлар барча майдон ичида кириб ишлар кўрсаттилар.

Ва андоқ сурон ва гавго қўбтиким, хаёл қилур эрдиларким, қиёмат куни ошкор бўлди. Байт:

Чиқарти йана кавс бонгу хуруш,
Муҳит била урди бир йўла жуш.

Оқибат ферузлуқ субҳи матлаъдин мансур черикига юз кўрсатиб, Шом сипоҳини қочурдилар. Ва нусратшиёор черики андоқ қалин черикни суруб, иморатлари ичида кийурдилар. Ва қўб киши йайоғ ва отлиқдин қилич зарби била ўлдурдилар. Ва бу воқита торих саккиз юз учда, Лу йилда, сешанба куни, жумада ал-аввал ойининг ўн тўққузида (05.01.1401) воқият бўлди. Ва бу урушда Султон Ҳусайнким, ҳазратдин қочиб иномийларга бориб эрди, амирзода Мироншоҳ ва амирзода Шохрухнунг муқобилаларига тушуб, Туплоқ Қавчин Султон Ҳусайннинг жиловидин тутуб Шохрух мирзога келтурди. Ўзи бориб соҳибқиронга хабар қилди. Ҳукм бўлдиким, «Ани банд қилсунлар!» Неча кундин сўнг шохзода Шохрух гуноҳини тилаб, йасоқ таёқи уруб қўйдилар. Аммо соҳибқирон қошига кирмас эрди.

Дамашқдин Миср подшоҳи Фараж чиқиб чобқони

Тонгласи нусратшиёор черики андин кўчуб, андак йўл юруб, бир тена этагига келиб туштилар. Ул кеча анда туруб, тонгласи фирмон бўлдиким, 244а «Черик мукамал бўлуб, йасол тортиб, жирга билан шаҳар сори юрусунлар!» Ва черикнинг олдида пилларни йасаб, ҳар бири бир гогдек, юруб эрди. Ва черикнинг йасоли уч-тўрт йағоч йўлни тутуб, юз салобат била шаҳарга йақин келдилар. Шаҳар эликим, бу йароқ ва тажаммулни кўрдилар, барча жонларидин умид мунқатиъ қилдилар. Ва билмас эрдиларким, мансур черики мунча киши бор эрмиш. Шаҳарга йақин бир чуқур ариққа келиб туштиким, ул ариқ черикка хандақтсек бўлди. Андин сўнг ҳукм бўлдиким, «Отлиқлар аригдин ўтуб, душман муқобиласида бориб, саф тортиб турсунлар!» Йигитлар ва баҳодурлар ариқдин нари ўтуб, саф тор-

тиб турдилар. Шаҳардаги сипоҳий ва йайоғи агарчи қўб эрди, аммо қўрқунчдин ҳадлари йўқ эрдиким, илгари келгайлар. Миср ҳокими улут беклари била мисли Навруз Ҳофизий ва Йашбек ва Шадун Тоз ва Шайхий Хосакий ва бир жамоат муқарриб ва хоссалари била кенгаштиким, мундоқ қаттиқ воқсада, нима ишламоқ керак? Баъзи дедилар, «Агарчи бизга кўз тегиб элимиз қирилди. Аммо шаҳарда эл қўб турур. Ва қалъамиз берк гурур. Не ғам сгайбиз?» Ва баъзилар дедиларким, «Биз андоқ маҳалдаким, алар кучуб борур эрдилар, мунча черик ва йарогимиз била ҳеч иш қила олмадук. Эмди худ алар била не иш қилгайбиз? Маслаҳат бу турурким, шаҳардин чиқиб, Мисрға кетиб боргайбиз. Ва шаҳарда эл қалин турур, ўз жонлари учун уруш қилиб шаҳарни сақларлар. Бари бизлар бу балодин қутулгайбиз».

Барчага бу сўз маъқул тушуб, Миср подшоҳи Фараж пешкашлар била соҳибқиронга киши йибарди. Сўзи буким, «Ул беадаблиқким туну кун воқит бўлди, шаҳардин бир жамоат авбошидин ва ғавғойи оммдин воқит бўлди. Биз ўшул арз қилғон аҳд биландурбиз. Агар черик букун урушни муваффақ қилиб, саломатлиқ билап юртларига тушсалар, тонгласи ҳар неким фармон 244б бўлса /ўшандоқ қилурбиз».

Элчи соҳибқирон қошига келиб сўзларини арзадошт қилди. Ушул замон фармон бўлдиким, «Черик ёниб келсун!» Мансур черики ёниб, юрт ва манзилларига келиб туштилар. Миср шоҳи бўлғон беклари била йарим кечада, жумъа кечасида шаҳардин чиқиб қочтилар ва Миср сори бордилар. Чақмоқ отлиқ биров алардин қочиб амирзода Шоҳрух қошида келиб воқияни арз қилди. Шаҳзодаи жувонбахт ани ҳазрати аъло қошида йибарди. Ҳазрат мунӣ эшитиб фармон бўлдиким, «Амирзода Або Бакр ва Жаҳоншоҳбек сўл қўлдип шаҳарга йақин бориб тушсунлар, то киши шаҳардин чиқаолмағай. Ва улут беклардин Севничак ва Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик ва Аллоҳод ва Бурундуқ ва Жаҳоншоҳ ва Али Султон ва ўзга беклар қочқонларнинг кейнидин борсунлар!» Булар бориб қўбракини тутуб ўлдурдилар ва от ва хачир ва тева — ҳар неким бор эрди, барчани ташлаб жонларини олиб қочтилар. Тонг отқонда соҳибқирони саодатнишон ҳукм қилдиким, «Шаҳарнинг теграсидаги эл-аймоқ ва кент-кечакларини чобсунлар!» Ўзи отланиб, боғистонлардин ўтуб, шаҳарни ўртада олиб тушти. (Ва соҳибқироннинг ўзи Қасри Аблақким, қалъанинг ўтруссида турур, тушти. Ва шаҳзодалар ва черик шаҳар теграсидаги иморатлар ичида туштилар ва ташқарида бўлғон маҳаллотни олдилар. Ва сонсиз мол, от ва йароғ, жайбау жўшн ва рахту қумош эликка тушти.

Ҳазрат соҳибқирон сидқу эътиқодидин Умм Салима ва Умм Ҳабиба ризвон Аллоҳи таоло мазорларига тавофга бориб, тавоф қилдиким, булар ҳазрат Рисолат салл Аллоҳу алайҳи васалламнинг ҳарамлари эрди. Ва 245а Билол Ҳабашийнинг мазори анда эрди, ани ҳам тавоф қилди. Қайтиб давлат ва саодат била ўрдуға тушти. Аммо Дамашқдин содот /ва қазот ва машойих ва сулаҳо дарвозани очиб, итоат била чиқтилар ва пешкашлар тортиб, моли амоний қабул қилдилар. Ва ҳукм бўлдиким, «Мол олгани муҳассиллар таъин қилсунлар!» Бас, Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик ва Аллоҳод ва битикчилардин Хожжа Масъуд ва Жалол ал-Ислом шаҳарга кирди ва ҳукм билан саккиз дарвозани ганч ва кирнуч била қўпордилар. Ва Боб ал-Фародисни очиб қуйдилар. Ва беклар ва нависандалар анда ўлтуруб, мол забтига машғул бўлдилар. Ва жумъа кунӣ масжиди Умаййада хутба ўқудилар.

Дамашқнинг аркини фатҳ қилғони сўзи

Бовужуд улким, шаҳарнинг мундоқ ҳоли бўлди, Диздор кутвол бир жамоат жундийларким анда эрдилар, хаёл қилдиларким, «Қалъамиз мустаҳкам ер турур». Ва бу ботил хаёл била ва қалъанинг берклигига гурра бўлуб, муҳолифат зоҳир қилдилар. Ва дарвоқит андоқ берк қалъа оламда йўқ эрди ва ичида захираси қўб эрди. Баҳодурлар аларнинг муҳолифатидин воқиф бўлуб, қалъа сори юруб, урушабошладилар. Ва рағд ва тош зарбидин кишига мажол йўқ эрдиким, илгари боргай. Ҳукм бўлдиким, «Шаҳзодалар ва беклар барча юруб, қалъа ишига машғул бўлсунлар!». Ва нағамчилар нағам солуб хандақдаги сувни чиқордилар ва мўлжор йасаб, ишларига

машғул бўдилар. Бу маҳалла ҳукм бўлдиким, «Шоҳзодалардин Шоҳрух мирзо ва Мироншоҳ мирзо ва беклардин Сулаймоншоҳбек ва Жаҳоншоҳбек ва ўзга беклар қишлоқни Канъонда солесунлар!» Ва алар ҳукм била Канъон сори юридилар.

2456 Амма нағамчилар қалъа тубида нағам солиб, жаҳд била иш қилур эрдилар. Буржу бора тубини ковлаб, йағочлар остида кийуруб, маҳкам қилдилар. Ва барчадин Буржи Тоҳирким, барча буржлардин баландроқ эрди ва Алтун Бахши анда туруб ишлар эрди, иши тайёр бўлди. Ҳукм бўлдиким, «Нағамларда ўт қўйсунлар!»/ Ул буржда ўт қўйиб, йағочлари қўйиб, бурж йиқилди ва улуг йўл бўлди. Баҳодурлар қалқонлар бошларига тутуб юридиларким, шаҳарга киргайлар. Қалъанинг йана бир ери йиқилиб, Хуросон ва Сейистон ва ўзга виоятлардин стмиш-сексон киши том устида қолдилар. Ва баҳодурларким қалъа сори юрур эрдилар, ани кўруб турдилар. Қалъадаги кишилар ул йиқилгон ерни қўпордилар. Амма асру қўб қўрқуб эдилар ва қўрқунчдин чиқаолмайдур эдилар, йана ҳукм бўлдиким, «Ўзга томларга ўт қўйсунлар!» Ўт қўйиб, қалъанинг йана бир буржи тушти. Диядор кутволким, қалъанинг улуги эрди, заруратдин дарвозани очиб чиқти ва хазинанинг калитларини олшурди. Ва Диядор кутволни йасоққа еткурдилар. ва сонсиз мол олдилар. Ва бу қалъа ичида анборлар бор эрдиким, анбори ҳарамайн маҳсулидин ҳосил бўлуб эрди. Ҳукм бўлдиким, «Ҳеч киши ул анборларга музоҳим бўлмағай. Чунончи тавачилардин Сарой Мулк отлиқ ўн анбордин юз ботмон шаръий тоши била арпа олиб эрди, ани ётқузуб, олдини ва кетини таёқ урдурди ва баҳосини ҳавола қилиб олди ва ҳарамайн ходимларига берди. Ва анборларни аларга тобшуруб, қўб сийлаб, Қуддус сори йибарди. Ва жундийларким, барчалари қул эрдилар, кўбраки черкасини, ҳабаший ва занги қулларни қалъадин чиқориб шаҳзодаларга улаштурди. Ва шаҳардаги хунармандларни асир қилиб, уй-эли била шаҳардин чиқориб Самарқанда йибарди. Ва табиблардин Мавлоно Жамолидин ва Мавлоно Сулаймонни кўчлари била Самарқанда йибарди.

246a Бу маҳалда соҳибқирон Қасри Аблақдин Бутжосбекким, Шом вилоятининг улуг бекларидин эрди, эвига тушти. Ва ул ерда бир иморат бор эрдиким, асру зебо ва латиф. Ҳазрат ул иморатни кўруб муборак кўнглида туштиким, мундоқ/ зебо шаҳар ва иморатларким, бу йил солиб турур, ҳеч қайсининг кўнглида кечмай турурким, ҳазратнинг кўнгли хуррамлари бу вилоятда ёниб турурлар. Анда бир иморати солғайким, ҳеч ким бундай иморат солмагондурлар, ажиб ва мурувват ҳиммат эликини бермишлар. Соҳибқирон буюрдиким, у ердаки икки мазор устида икки гунбад солгайлар. Ва бу ишнинг ихтимоми учун амирзода Або Бакр ва амирзода Халил Султон ва беклардин Шайх Нуриддин ва Али Султон ва Мангли Хожа барчани қўйиб, йигирми беш кунда икки олий гунбад оқ тошдин солдилар.

Ва ул вилоятда соҳибқирон отига тангалар уруб келтурдилар: юз мисқоқлиқ ва элик мисқоқлиқ ва ўн мисқоқлиқ тангалар урдилар. Ва черик ичида кумиш анча эрдиким, ҳеч сони йўқ эрди. Ҳукм бўлдиким, «Эрону Туронга фатҳномалар битиб йибарсунлар!» Балоғатшиёр муншийлар эликлариди қалам олиб, шакар сўзлари била қағозларни тўлдуруб ҳар сори йибардилар. Ва элчилар елдек вилоятларга фатҳ ва давлатдин хабар элтдилар. Ва тангалардинким, Шом вилоятда ҳазратнинг отига уруб эрдилар, ҳарамларига ва ўғлон-ушоқларига — Эрону Туронга йибарди.

246b Соҳибқирон Хожа Ҳасанни йибардиким, «Амирзода Мироншоҳ ва амирзода Шоҳрух ва бекларким анда бориб турурлар, Дарёи Афранжда⁹⁷⁰ бориб Акка⁹⁷¹ шаҳригача чобсунлар. Алар бориб андаги вилоятни тамом чобтилар ва моли бисёр олиб, Канъонга ёндилар. Ва бу маҳалда соҳибқиронга андак марази воқия бўлуб, қўб ташвиш торти. Беклар киши йибариб, Канъонга боргон шаҳзодаларни келтурдилар. Алар келгонда йана ҳазрати Парвардигор доруҳонасиндин шифоҳи каромат тилаб, сиҳҳат топти. Йана /ушул маҳалда соҳибқиронга бир андиша муборак кўнглида кечти. Шомнинг содот ва уламо ва аркони давлат барча ултуруб эрдиларким, ҳазрат соҳибқирон дедиким, «Доим биз эшитурбизким, ул маҳалдаким Марвонийлар аҳли байт била, хоссатан ҳазрат Мустафо салл Аллоҳу алайҳи ва салламнинг куёви ва писари амми била душманлиқ қилур эрмишлар. Ва эликларидин неким келур эркондур, урушмак ва ўлдурмак ва гайруху

аларнинг ҳаққида қилгондурлар, бизга бу сўзлар номаъқул кўрунур эрди. Анинг учунким, алар умматнинг йахшиси эрдилар ва зулмату кифрдин чиқиб, ислом нурига мушарраф бўлгон дурурлар. Алар аҳли байт била мундоқ мухалифат нечук қилгайлар? Бас, бу амр эмди, бизга таҳқиқ бўлдим, рост эрмиш. Агар мундоқ бўлмаса эрди, алар бу балога учрамас эрдилар». Чаҳоршанба куни, шаъбон ойининг гуррасида, торих саккиз юз учда (17.03.1401) ҳукм бўлдим, «Шаҳарни таласунлар!»⁹⁷² Байт:

Талаттурди ул шаҳрни шаҳриёр,
Асир этти ул элни хору зор.

Анингтеқ жаҳон ичра қўлди хуруш,
Ки кетти жаҳон аҳлидин ақду хуш.

Дамашқ элни асир қилиб, моли бисёр олдилар ва анча мол туштиким, ҳар неча от ва тева ва хачирки, вилоятдин черик элига тушиб эрди, барчани юкладилар. Ва ҳануз кўб киши эрдиким, ерда қолиб эрди ва улог топмас эрдиким, юклагай ва мисрий ва қибрусий ва рудусий нафис кумушлардин ҳадсиз тушуб эрди⁹⁷⁸. Нақду жавҳарлар ва олтуну нуқралар ҳадсиз кўб эрди. Ва бу қиссани раъйулайин уз кўзлари билан кўргон кўб кишилардин эшиттук.

247a Аммо Дамашқнинг иморати андоқ турурким, остиндаги табақаси тошдин ва ганчдин турур. Ва анинг устида бир табақа ва икки табақа ва баъзи ерда уч табақа йағочдин иморат солиб турурлар. Ва аксари иморати зангу рўгон бериб, наққошлиқ эрди. Бас, агар токи воқиъ бўлуб ўт тушса эрди, асло ул ўтни учурса бўлмас эрди, / анинг учунким қуруқ йағоч ва ёғ била зеб бериб турурлар. Бу маҳалда қазодин ҳеч қасд қилмай шаҳарга ўт тушти. Ва элнинг паршонлиғи жиҳатидин анга парво қилмадилар. Аммо ҳазрат соҳибқирон Шоҳ Маликбекни йибарди, то масжиди жомиъни ўтдин муҳофизат қилгай. Аммо худонинг газоби ул шаҳарга тушуб эрди, ҳар нечаким забт қилдилар, бўлмади. Ва андоқ йамон туташтиким, масжиднинг шарқи сори тошдин бир минора бор эрди, ул минора қуйуб, тамоми кул бўлди. Ва Минораи Аруским, нубувват тили била ани Минораи Байзо⁹⁷⁴ дерлар ва ваъдаи мундоқ турурким, ҳазрат Исо, *ала набийуно ва алайҳиссалот вассалом*, ул минора устида тушгуси турур. Ва бовужуд улким, бунёди йағочдин эрди ва тошини ганч билан оқартиб эрдилар, анга ўт тегиб, ҳеч тафовут қилмади ва саломат қолди. Дамашқ тамом куйди ва ичидаги бўлгон молни таладилар. Ишорат бўлдим, «Дамашқдин асир қилгон элни қўйиберсулар!» Ва Жалол ал-Исломга ҳукм бўлдим, бу амрға ихтимом қилгай. Барча асирларни йиғиштуруб, Дамашқ шаҳрига элттилар. Соҳибқирон Дамашқ шаҳридин кўчуб мурожиат қилди.

Соҳибқирон Шом вилоятининг қайтқони

3476 Шанба куни, шаъбон ойининг тўртида, йилон йили аввалидаким, (20.03.1401), Офтоб ҳамал буржида келди, соҳибқирони гардунғулом Дамашқ шаҳридин кўчуб, Қаро Ваник йўлига кириб юруберди, Ғуғага етиб тушти. Ва анда ҳукм бўлдим, «Икки нишон этеунлар. Бир нишон амирзода Муҳаммад Султон отигаким, мўғул сарҳадида ўлтуруб эрди ва ул йўлнинг забти Худойоди Хусайний ва Бердибек Сари Буга ва ўзга бекларга тааллуқ эрди, барча Эрон сори мутаважжих бўлеунларким, Хулогухоннинг тахтини анга бергум турур. Йана бир нишон улким, маҳди аъло Туман ого фарзандлар била бизнинг сори /мутаважжих бўлуб келсун!» Бас, нишонлар тайёр бўлуб, Дона Хожга бериб йибардилар. Ўрду Ғуғадин кўчуб, Қаро Ваникдин ўтуб, Хумсга келиб тушти. Хумсдаги элидин ҳеч беадаб келмагон жиҳатидин ложурма саломат қолиб, зарар-заҳмат тегмади. Ҳукм бўлдим, «Амирзода Рустам ва амирзода Або Бакр ва амир Сулаймоншоҳ ва Шайх Нуридинбек ун минг киши била Тадмур шаҳригаким, Сулаймон алайҳиссаломнинг иморатларидин эрди, бориб андаги ҳашамнишинларни чобсулар. Ва сўл қўлдин амирзода Султон Хусайн ва амир Бурундуқ беш минг киши била олганиб Антакийа сори борсулар. Ва гўлдин амирзода Халил Султон ва Рустам Тағай Буга Барлос ва Темур Хожга Оқ Буга ва Али Султон

Тавачи ва Давлат Темур ва Тукал Қарқара ўн беш минг киши била кўппак туркманларким, Фирот суйининг йақосида ўлтурубтурлар, аларга борсунлар!» Барча ҳукм била юруб, элларни чобтиллар. Аввал ўнг қўлнинг кишиси Тадмур шаҳригача бориб чобтиллар. Икки юз минг қўй ва қўб тева олдилар. Ва андаги эл барча от ва тевадарда қочиб, Макка саҳроси сори кеттиллар. Ва шаҳзодалар андин қайтиб, қўл йўлидин ўтуб, Фирот суйига етиб туштиллар. Ва андин сувни йақолаб юқори сори кеттиллар.

248a Ва сул қўлнинг черики Антакийга бордилар. Ул эл Аси суйини⁹⁷⁵ йақосида солиб эрдилар, барча саҳрога йақин бўлуб эрдилар. Аммо мансур черики анда еткондин сўнг ҳар нимаким тобтиллар, олдилар. Ва Ҳалаб сори қайтиб келурда амирзода Халил Султонким, гўлдаги кишини бошлаб юруб эрди, учраб қўшулуб иттифоқ била Қалъатуррумга йақин туркмонларга еттиллар. Алар жаҳлдин туруб уруштиллар. Аммо мансур черик бир ҳамла била аларни бир-бир қилдилар. Шайх Ҳасанким, алар ичида улуг эрди, ўлди. /Ағо-инилари ҳар бири бир сори қочиб кеттиллар. Ва алардин сонсиз от ва тева ва қўйлар олдилар, андоқким черик эли от, тева ва қўй сурмақдин ожиз бўлуб эрдилар. Ва чун нуератшиёор черики Ҳамага етти, андаги эл бадбахтлиғларидин изҳори муҳолифат қилдилар. Соҳибқирон солгон иморатларни барчани бузуб эдилар. Ва бу йамон ҳаракат жиҳатидин ҳар нимаким, ул шаҳарда бор эрди таладилар ва элни асир этиб, шаҳарни куйдурдилар. Ва ҳазрат андин юруб, Ҳалаб сори мутаважжиҳ бўлди. Ва Дамашқдин Ҳалабқача етмиш йағоч йўл турур. Анда етконда Саййид Иззуддин Ҳазоргирий ва Шоҳшоҳон ва Муса Тўй Буга ва ўзга қўшун беклариким, Ҳалаб қалъасида туруб эди, ҳукм била шаҳарни бузуб ўрдуға бориб қўшулдилар. Ва соҳибқирон андин тўрт кўч била Фирот суйининг йақосида келиб тушти. Бу маҳалда амирзода Рустам ва амирзода Або Бакр ва ўнг қўл беклариким, сувнунг пастдаги тарафига илғор бориб эдилар ва амирзода Халил Султон ва амирзода Султон Ҳусайн гўл ва сул қўл беклариким, сувнунг юқорисиға илғор бориб эдилар, барча келиб, пешкашлар тортиб, соҳибқироннинг муборак дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва анча қўй йигилдиким, бир қўй бир динор бўлди. Амирзода Султон Ҳусайн бу юрушда йахши ишлар қилиб эрди, соҳибқирон гуноҳидин кечиб, кўрунуш берди ва анга қўб иноятлар қилди.

Соҳибқирон Фирот суйидин ўтуб ов солғони

248b Шоҳзодалар ва бекларким, чобқун бориб эдилар, барча саломат ва саодат била қайтиб, сонсиз мол била келиб ўрдуға қўшулдилар. Фармони олий бўлдиким, «Черик Фирот суйидин нари ўтсунлар!» Ва ҳазрат учун икки кема Тарра⁹⁷⁶ кентидинким, сув йақосида эрди, келтурдилар. Ва ўзга шаҳзодалар ва беклар ва барча черик сувга отларини солиб, /сувдин ўтуб, қалъайи Тарраға етиб туштиллар. Ул қалъанинг даруғаси пешкашлар била келиб кўрунуш қилди. Ҳазрат лутф этиб, ул қалъани анга берди ва андаги эл саломат қолди. Ва ушул ерда Қаро Усмон келиб пешкашлар тортиб, соҳибқиронни кўрди. Ҳазрат тақи ани йахши кўруб сийлади. Бас, ҳазрат андин кўчуб юругонда муборак хотирида кечдиким, ов солгай. Шоҳзодалар ва беклар ўнг қўлдин ва сул қўлдин жирга билан юруб, беш кунлук йўлни жирга солдилар. Назм:

Шаҳаншоҳ қилди чу майли шикор,
Кийик вақти эрди ва фасли баҳор.
Тула эрди дашту кўҳ жоладин,
Еқуттек қизил ер юзи лоладин.

Онча сайд қилдиларким, ниҳояти йўқ эрди. Андин кўчуб Руҳа шаҳрига келиб тушти. Шаҳарнинг ақобирлари пешкашлар била келиб мулозимат қилдилар. Ва андин ўтуб, бир қалъаға еттиларким, арманийларнинг ери эрди. Ҳукм бўлдиким, «Ислому баҳодурлари аларнинг қалъасини чобқун қилсунлар!» Баҳодурлар юруб бир замонда ул қалъани олиб, ер билан тенг қилдилар.

Ва ул ерда Самарқанддин Хиндушоҳ Хазиначи келиб, соҳибқироннинг

дийдорига мушарраф бўлди. Ва ҳарамлардин Тукал хоним ва Тумон ого ва Сарой Мулк хонимнинг мулозимлари Султониядин пешкашлар била келиб, саломатлиқ хабарини келтурдилар. Булар барча Ҳиндушоҳ била келиб эдилар.

Соҳибқирон Мардин сори таважжух қилғони

Соҳибқирони диннарвар мансур ва музаффар Мардин сори мутаважжих бўлди. Ва ул ерда Ҳиндушоҳ Хазиначи ва ҳарамлардин келгон мулозимлари келиб кўрунуш қилдилар. Ва Султон Ҳисн Кайфаки Ҳасан Кайф номи била машҳур турур ва Султон Арзин ва узга беклар ва сардорларким, анда /
249a эрдилар, барча пешкашлар била келиб соҳибқиронни кўрдилар.

Мардиннинг ҳокимиким, мундин бурун соҳибқироннинг эликида асир бўлуб эрди ва неча маҳал эрдиким бандда эрди, бу маҳалда соҳибқирон лутф ва карами била гуноҳидин кечиб, шафқат этиб, йана вилоятини бериб эди. Ва ул аҳду шарт қилдиким, ҳаргиз соҳибқирон била мухолифат қилмағай ва то тирик бўлғай, банд ва хизматкор бўлғай. Аммо Шом юрушида не ўзи келди, не ўглини йибарди. Эшиттиким, соҳибқирон фатҳ ва фирузлуқ била ёниб келадур, ўз ишидин пушаймон бўлуб, кўнглида кўб ваҳм тушти. Аммо соҳибқирон Мардинга йақин бориб тушти, лутфу иноятидин анга киши йибариб чорлади. Ул ҳазратдин кўрқуб келмади. Соҳибқирон ташқаридаги шаҳар ва бозорни куйдурди. Аммо ул ерда ўлтурса бўлмас эрди, чунки анинг атрофида от-улоғқа ўт йўқ эрди. Соҳибқирон Қаро Усмонга, анинг шаҳри ва мамлакати йақин эрди, чорлаб от-тўн бериб, кўб сийлаб ҳукм қилдиким, «Мардин қалъасини қамал қилиб ўлтурғил. Бу қалъани олмағунча қўймағайсен». Султон Соҳибқирон Ҳисн Кайфни ва Арзинжоннинг ҳокимини ва узга ерлардин келгон шаҳриёрлар ва бекларни тўнлар кийдуруб, отлар миндуруб, ижозат берди. Ва бу маҳалда ҳазрат соҳибқирон Аллоҳдобекни Самарқанд йибардиким, андин Ашпарага бориб, мўғул сарҳадида ўлтуруб, забт қилғай.

Ҳазрат соҳибқирон Гуржистон ва Бағдод сори илғор йибарғони

Мансур черики Мардин шаҳридин кўчуб, ҳукм қилдиким, «Амирзода Султон Ҳусайн ва амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх ва амирзода Або Бакр ва амир Жаҳоншоҳ ва амир Темур Хожай Оқ Буга /ва Саййид Хожай Шайх Али Баҳодур ва узга беклар Аланчуқ ва Гуржи диёри сори юрусунлар. Аввал Аланчуқ қалъасини фатҳ қилиб, андин сўнг Гуржистонга киреунлар». Шаҳзодалар ҳукм била юрубердилар. Ун йил эрдиким, Аланчуқ қамал эрди. Ва ҳазрат соҳибқирон Сивос ва Шом сори таважжух қилгонда амирзода Мироншоҳнинг мулозимларидин Шайх Муҳаммад Даруга ва амирзода Шоҳрух навкарларидин Фирузшоҳ ҳукм била анда бориб қамал қилиб ўлтуруб эдилар. Ва қалъа ичида бўлгон кишилар асру ожиз ва хароб бўлуб, кўбраки ўлуб эрди. Оз киши анда қолиб эрди ва озуқлари йўқ жиҳатидин эски териларни қайнатиб ер эдилар. Ва ул ҳам қолмайду эрди. Заруратгин қалъадин чиқтилар. Ва қалъанинг кутволи Саййид Аҳмад Алишоҳни банд қилиб соҳибқиронга йибардилар. Шаҳзодалар Авникка етиб эдиларким, Аланчуқ фатҳидин хабар топтилар. Гуржистон сори мутаважжих бўлдилар, таъжил билан суруб еттилар ва ул вилоятни таламоққа машғул бўдилар. Малик Гурген ул воқиъадин ҳайрон қолиб, ажзу ниёз билан киши йибариб дедиким, «Мен ҳазрат соҳибқироннинг камина қулидурмен. Соҳибқирон мунда етсалар, хизматда борғумдур». Шаҳзодалар киши чобтуруб, сурат воқиъани арзадошт қилдилар ва андин қайтиб бир йахши утлоқда бориб туштилар. Соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Султон Маҳмудхон ва амирзода Рустам ва Сулаймоншоҳбек ва Музроб Жаку ва Рустам Тағай Буга ва Севинчак Баҳодур ва Тукал Барлос ва узга туман ва қўшун беклари илғор била Бағдод сори юрусунлар!» Ҳукм билан юруб, Бағдодқа етиб, қибласи сори келиб туштилар. Фараж отлиқ Султон Аҳмад Жалойирнинг навқари эрди ва анинг қошида турклардин ва араблар элидин кўб киши йигилиб эрди. Бу жиҳатдин гурур пайдо қилиб, хаёли маҳол

250а бошида тушти ва уруш асбобиға /машғул бўлуб, қалъани мазбур қилди. Нусратшиёр черикининг овозаси тушти. Амир Али Қаландар Мандалидин ва Жон Аҳмад Баъқубадин⁹⁷⁸ чиқиб Мадоинга⁹⁷⁹ йақин Дажладин утуб туштилари. Ва Фаражшоҳ тақи Хилладин⁹⁸⁰ ва Микойил Сибдин⁹⁸¹ келиб, бир-бирига қушулуб, уч минг киши билан Бағдодқа мутаважжих бўлуб, нусратшиёр черикига юридилар.

Бу тарафдин амирзода Рустам ва Сулаймоншоҳбек ва ўзга беклар алардин хабар билиб отландилар. Дажланинг йиқосида амир Аҳмаднинг иморатида уруш воқия бўлуб, Жон Аҳмад кўб киши била улди. Ва йана бир жамоат уаларини сувга солдилар ва кўбраки сувга бордилар. Бовужуд улким, мундоқ иш воқия бўлди, ақсиз Фараж ҳеч андиша қилмай ва кўнгли бўлмас эрдиким, вилоятдин кетгай. Йалғон сўзлар деб айтур эрдиким, «Султон Аҳмад менга деб турурким, «Агар Темурбек ўзи келса, шаҳарни бермагайсен!». Ва мен анинг сўзидин чиқмасмен».

Алқисса, соҳибқироннинг ўрдуси Табриз сори мутаважжих бўлуб юридилар. Йўлда борурда Насибин қалъасига⁹⁸² етиб тушти. Ҳукм қилдиким, «Қалъани мусаххар қилеунлар!» Қалъадаги даругаси била улуг-кичиклари соҳибқирондин хабар билиб, пешкашлар била қалъадин чиқтилари. Келиб муборак дийдорига мушарраф бўлдилар. Соҳибқирон аларни йахши кўруб, ҳеч зарар-заҳмат ул элга тегмади. Андин кўчуб Мавсилга⁹⁸³ етиб тушди. Ҳукм қилдиким, «Дажла суйига кўфрук боғласунлар!» Кемалар била кўфрук боғладилар. Бир ҳафтада барча черик ўтти.

Соҳибқирон Бағдодқа бориб фатҳ қилғони

Бекларким, ҳукм била Бағдод сори мутаважжих бўлуб бориб эдилар, воқияотни арзадошт қилиб, соҳибқиронга йибардилар. Соҳибқирон ул воқиялардин хабардор бўлуб, муборак нафаси била бир жамоат баҳодурлари била /илғор солиб, Бағдодқа мутаважжих бўлди. Чулпон Мулк оғони 250б ўрдуда қўйуб, амирзода Шоҳрух ва Шоҳ Маликбекка ўғруқни тобшуруб, ҳукм қилдиким, «Хабарон йўлидин ва Қалоғидин⁹⁸⁴ Табриз сори юрусунлар!» Ва нусратшиёр черики Олтун Кўпрук йўлидин Бағдод сори мутаважжих бўлди. Бағдодқа етиб, Дажланинг йиқосида Қуббатул уқоб⁹⁸⁵ дарвозасининг ўтруссида тушуб, хайма ва ҳиргоҳ уруб ўлтурди. Ва шаҳарнинг тўрт ёнида черик тушуб, чодирлар уруб ўлтурдилар. Ҳукм бўлдиким, «Нағамчилар ишлариға машғул бўлеунлар!» Ва шаҳзодалардин амирзода Мироншоҳ ва амирзода Рустам ва амирзода Халил Султон ва беклардин Сулаймоншоҳбек ва Шайх Нуриддин ва Бурундўқ ва Йаҳоншоҳ ва Рустам Тағай Буга ва Али Султон ва ўзга беклар нағамчиларнинг бошларида туруб ишга машғул бўлдилар.

Фаражи бедавлат тафаҳхуси аҳвол учун бировни элчилик баҳонаси била ташқари йибарди, соҳибқироннинг ич кучидин соҳиби вуқуф бўлгай. Элчи соҳибқирон қошига келди. Ҳазрат лутфу карамидин дедиким, «Бориб Фаражга дегинким, қўрқмасун, шаҳардин чиқиб бизни кўрсун. Ҳар неким анинг хотири тиласа, ўшандоқ бўлгуси турур». Ва элчиға тўн кийдуруб йибарди. Элчи келиб неким соҳибқирондин эшитиб эрди, Фаражқа деди. Фараж билдиким, ул сўзлар чин турур. Аммо жаҳли ва бадбахтлигидин дедиким, «Бу сўзлар йалғондур. То тирикдурмен анинг била урушурмен». Ва бу маҳалда Хожа Масъуд Семноний ва Менғли Хожаким, мулжарда туруб эдилар, қазо маштидин аларға ўқ тегиб улдилар. Соҳибқирон бу жиҳатдин ошuftа бўлуб, Луқмон Тавачини йибардиким, «Шоҳзода Шоҳрух ўғруқ била бери мутаважжих бўлеун!». Луқмон Қалоғи мавзеида⁹⁸⁶

251а етиб, шаҳзода ҳукм била қайтиб Бағдодқа келди. Бағдод эли ул /черикни кўруб ҳайрон қолдилар. Дарёнинг нари юзида ҳам, бери юзида ҳам черик тушти. Ҳукм бўлдиким «Қуббатул уқобнинг қўйссида кўфрук боғласунлар!» Кўфрук боғлаб, йахши отқучи йигитларни кўфрук бошида қўйдурдиким, кўфрукдин ўгуб, шаҳарни ўртада олиб туштилари. Бу маҳалда Саййид Аҳмад Алишоҳким, Аланчуқ қалъасининг ҳокими эрди, ани келтурдилар. Соҳибқирон буюрдиким, «Ўлдурсунлар!» Ва нишон йибардиким, «Аланчуқ қалъасини Муҳаммад Авбаҳийға тобшурсунлар!» Ва ул кишиким, Саййид Аҳмаддин келтуруб эрди, нишонлар била ёндурди.

Ушбу маҳалда Мусабек Мовароуннаҳр вилоятидин амирзода Муҳаммад Султон қошидин келиб, саломатлиқ хабарлар келтурди. Ва бир лаълким, юз йигирми мисқол эрди ва Бадахшон конидин ҳосил бўлуб эрди, соҳибқиронга тортти.

Алқисса, Фаражи бедавлатким, Бағдод шаҳрида эрди, телбалардек ё фидойилартек жонидин кечиб, урушур эрди. Мансур черики ҳар қачонким, бир нағамда ўт солиб, буржни ёқар эрдилар, алар филҳол ул ерни қўпорур эрдилар. Ва ёз маҳали эрди ва Бағдод ҳавоси асру иссиқ бўлур ва мансур черики андоқ ҳавода жайбалар кийиб мўлжалларда туруб эрдилар. Ва неча қатла шоҳзодалар ва беклар юкунуб дедиларким, «Ижозат берингим биз бир йўла ҳамла қилиб, шаҳарга ёпушқайбиз». Ҳазрат деди: «Ашўқмангиз, шояд бу ишдин нушаймон бўлғайлар ва Фараж мутиъ бўлғай». Аммо азалда тақдири бўлуб эрдиким, ул шаҳар хароб бўлғай ва элига ташвиш етқай. Ул ақсиз элга қунда жаҳллари ортиб, урушур эрдилар. Қирқ кунгача соҳибқирон таҳаммул қилди ва шаҳар ичида қаҳат бўлди. Қирқ кундин сўнг 2516 йакшаба куни зулқаъда ойининг йигирми етгисиди (09.07.1401) /туш маҳалида шаҳардаги эл қалъа устидин иссиқлиқ жиҳатидин туролмай, эвларига бориб эдилар, ва қалъа устида ҳеч киши йўқ эрди, шаҳоздалардин амирзода Халил Султон ва беклардин Шайх Нуриддин ва Рустам Тағай Буға шаҳар сори юруб, қалъанинг томиға шотулар қўйуб, аввал Шайх Нуриддинбек чиқти. Ва андин сўнг баҳодурлар ва Халил Султоннинг мулозимлари ва Рустам Тағай Буға қалъа устида чиқтилар. Ва нафир солиб, наққора уруб, сурон солдилар. Ва сувнунг юқори соридин амирзода Рустам ва Шоҳ Маликбек ва Бурундуқ ва Али Султон ва ўзга беклар бир йўла ҳамла қилиб қалъанинг томини тушурдилар. Мансур черик тўрт ёндин кириб, ҳисор эли ҳар сори қочабошладилар. Ҳар сориким қочиб борса эрдилар, анда ўқ ва қилич эрди. Фаражи бедавлат қизи била кемага кириб, сувнунг юқори сори қочиб борур эрди. Ва черик эли аларга ўқ отар эрди. Ўқ заҳмидин ўзларини сувға солиб, балиғ таъмаси бўлдилар. Ва маллоҳлар ҳукм била сувға кириб, Фаражнинг жасадини чиқордилар. Ҳукм бўлдиким, «Черик эли ҳар киши бир бош келтурсун?». Черик эли бу ҳукмини эшитиб, бош келтурмак учун юридилар. Ва сиёсат бозори андоқ иссиқ бўлдиким, аҳли жаллоди саксон ёшлиқ нирни саккиз ёшлиқ тифл⁹⁸⁷ била тенг қўрар эрди. Назм:

Зи баским, йиқилди ўлук хору зор,
Қилиб бўлмас эрди аларни шумор.

Бало бўлди ўз ишидин, бас, малул,
Зи баским, талаф бўлди хайли жуҳул.

Тавачилар юруб бошларни йиғиштуруб, маноралар қўпордилар. Ва бу ишдин олам элига ибрат бўлдиким, ўзга қаҳтарлар-маҳтарлар билан густоҳлиқ қилмағайлар ва ўз ҳаддини билғайлар.

252а Алқисса, бир жамоат уламоу машойихлар /ўзларини даргоҳи олийға солиб, саломат қолдилар. Соҳибқирон аларга лутф қилиб, барчага тўн ва от берди ва ўзга элни тамом қирдилар. Ва қалъа томини ер билан тенг қилдилар.

Соҳибқирон Бағдоддин Табриз сори борғони

Бағдод ҳавоси асру иссиқ эрди ва ўлуклар исланиб, киши анда туролмас эрди. Соҳибқирони саодатнишон зулҳижжа ойининг биринчи унида (22.07.1401) саодат ва иқбол била бир йағоч йўл сувнунг юқори сори бориб, мазори мутаббаррук имоми аъзам Абу Ҳанифа⁹⁸⁸, разий Аллоху анҳуга бориб тавоф қилиб, ҳиммат тилаб, ўшул ерда тушти.

Ва Мусабекким, Мовароуннаҳрдин келиб эрди нишонлар била қайтарди. Ва Намдакким, Хевақ даругаси эрди, анинг йибардиким, то Мусабек амирзода Муҳаммад Султон ҳузуридин Хоразмга келгунча Хоразмни забт қилғай. Ҳукм бўлдиким, «Султон Маҳмудхон ва амирзода Халил Султон ва Сулаймоншоҳбек ва Бурундуқ ва Али Султон илғор била юрсунлар!» Алар ҳукм била Ҳилладин утуб, Нажафгача⁹⁸⁹ бордилар. Ул ерни азиз ва мукаррам тутуб, ҳеч навъ таъарруз қилмадилар. Ва зафарнамо черики Ҳилла ва

Восит ва андағи навоҳиларни барчани чоғиб, қўб мол олиб, қайтиб урдуға келиб тушгилар. Ва соҳибқирон Шаҳразур ва Қалоғи йўлидин Табриз сори мутаважжих бўлди ва ўғруқни улут бекларга тобшуруб дедиким: «Сизлар ақарин келинлар ва ҳар киши тумондин ва қўшунидин айрилмасун!» Ўзи муборак нафаси билан илғор этиб, жувонбахт шаҳзодалар амирзода Мироншоҳ ва амирзода Шоҳрух ва амирзода Халил Султон бахту иқбол ва саодаттек мулозиматда юридилар. Ва курдлар ул йўлда кейин қолгон кишиларга мутағарриз бўлуб, ташвиш берур эдилар. Бу маънодин соҳибқирон хабардор бўлуб ишорат қилдикким, «Бир жамоат диловарлар камин қилиб турсунлар!» Бас, каминда /туруб эдиларким, ул муфсидлар паналардин чиқиб йўл бошида келиб туруб эдиларким, каминда тургон баҳодурлар ўттузча кишини тутуб, иплар билан бўғузларидин дарахтларга остилар. Соҳибқирон Жағату суйининг⁹⁹⁰ йақосида етиб тушти. Ҳазрати олия Сарой Мулк хоним ва Хонзода ва ўзга хонимлар ва шаҳзодаларнинг ҳарамлари фарзандлари била амирзода Улуғбек барча ўтрув келиб Сина мавзеъида⁹⁹¹ соҳибқиронни кўрдилар ва кўб сочиқлар сочиб, садақалар бердилар. Ва андин давлат билан кўчуб Оқ йайлоқда тушти. Содот ва уламо ва ақобиру аъёни мамолики Эрон, хоссатан Табризнинг, барча ўтрув келиб, соҳибқиронни кўрдилар. Ва умид кўзлари муборак жамолидин йаруқ бўлди, Соҳибқирон аларни йахши сўруб, хилъатлар каромат қилди. Йигирми кунгача анда таваққуф қилди ва кейиндин ўғруқ бўлак-бўлак ва жамоат-жамоат келур эрди. Бу йигирми кунгача уламолар била суҳбат, масала ва масоил сўрар эрди. Ва мундин амирзода Рустамға ижозат бердиким, Шерозға боргай. Шаҳзода боргондин сўнг Ҳисни Жондор ва Ҳисни Жағдовулға⁹⁹³ ўрду сори мутаважжих бўлди.

Соҳибқирон амирзода Шоҳрухни Арзинжон сори йибарғони

Ул маҳалдаким, соҳибқирон Шомда эрди, Йилдирим Боязид Султон Аҳмад Жалойир ва Қаро Йусуф Туркмон сўзларига кириб, Арзинжонга келиб, Тахуртан била урушуб, шаҳарни олдилар. Ва Тахуртан Қаро Йусуфнунг навкарларига асир бўлди. Ва Арзинжон эли амон тилаб, Султон Аҳмад ва Йилдирим Боязиддин Тахуртаннинг гуноҳини тилаб, Арзинжонни йана анга берди. Аммо ўғлон-ушогини навоҳаи Бурсаға йибарди. Ўзи қайтиб Румға борди.

Бу маҳалдаким ҳазрат соҳибқирон Оқ Йайлоқдин /кўчуб Ужон⁹⁹⁴ сори мутаважжих бўлди, Хаштруд мавзеъида етиб тушти. Анда хабар келдиким, кайсари Рум Йилдирим Боязид бери мутаважжих бўлуб турур. Соҳибқирон бу хабарни эшитиб ҳукм қилдиким, «Амирзода Шоҳрух баъзи беклар била кайсари Рум сори мутаважжих бўлсун!» Сулаймоншоҳбек ва Шоҳ Маликбек ва ўзга беклар шаҳзоданинг мулозиматида юридилар. Ва Мнзроббекни Гуржистонга боргон шаҳзодаларга йибардиким, «Барча келиб шаҳзода Шоҳрух била иттифоқ қилсунлар!» Алар келиб, йўлда Мингкўл мавзеъида шаҳзодага қўшулдилар. Шаҳзода Авниқдин ўтуб Навин мавзеъида етиб тушуб эрдиким, Тахуртаннинг хоҳарзодаси Шайх Али келиб дедиким, «Боязид кўрқуб Тахуртанға киши йибариб турурким, «Мени соҳибқирон била йараштурғил». Ва айтиб турурким, «Агар мени соҳибқирон била йараштурсанг, мен сенинг ўғлон-ушогинганим навоҳаи Бурсаға йибарибмен, сенга йибарайим. Албатта андоқ қилғилким, арларимизда дуслўқ бўлуб, бориш-келиш бўлгай, то мусулмонларга ташвиш бўлмагай». Шаҳзодаи жувонбахт Шайх Али била киши қўшуб соҳибқиронга йибарди ва воқийотни арзадошт қилди ва ўзи ушул ерда турдиким, ҳукми булгай. Аммо ҳазрат соҳибқирон Хаштруд мавзеъидин кўчуб Ужонға етти ва неча кун Кўшки Аргунда фароғат қилди.

Тумон ого билан шаҳзодалар Самарқанддин келгонлари

Мундин бурун айтиб эрдукким, соҳибқирон Дамашқ вилоятидин қайтқонда Самарқандқа нишон йибариб эрдиким, «Туман ого фарзандлар била келсун!». Нишон аларга боргондин сўнг таваққуф қилмай Самарқанддин

отланиб, соҳибқирон сори мутаважжих бўдилар. Келурда Бухорога етиб, андаги мутабаррук мазорларини тавоф қилиб, ҳиммат тилаб йўлга кирдилар. /Аму суйидин ўтуб чўлга кириб, Мохонга келдилар ва Тажан йўлидин Машҳаду Тусга бордилар ва андаги мазорларни тавоф қилиб, назрлар бериб, йўлга кирдилар. Султониядин ўтуб, Ужонга еттилар. Соҳибқирон алардин хабар билиб, камоли меҳру муҳаббатидин ўтрув бориб, аларга етиб, тушти. Амирзода Иброҳим Султон ва амирзода Саъд Ваққосни чорлаб кўрди. Ва маҳди аъло Туман оғонинг қизи Беки Султон бегим ва Сотқин оғоким, соҳибқироннинг уруғи бўлур эрди, барча келиб йукунуб ҳазрат била кўруштилар. Ва анча кун Ужонда туруб, йана андин кўчуб Табриз сори мутаважжих бўлди, давлат ва саодат била давлатхонага келиб тушти. Ва келгонларга барчани йахши сўруб, иноятлар қилди. Ул маҳалда Хожа Али Семноний Ҳиротдин ва Хожа Сайфуддин Лурий Сабзавордин келиб пешкашлар тортилар. Хожа Масъуд Семнонийким, Бағдод эшикида вафот бўлуб, соҳибқироннинг иноят кўзи буларга тушуб, иккаласини девон қилди. Ва бир жамоат Хожа Масъуднунг мулозимлари ангиз қилиб, Жалол ал-Исломга тақрир қилдилар. Ва хожаларким, йанги девон бўлуб эрдилар, бу сурат воқияни ҳазрат олийга арз қилдилар. Фармон булдиким, «Ани азал қилиб, банд этиб, муҳассилларга топшурсунлар!» Андин кўб нима ҳосил бўлди. Ва ул муҳассил азобидин ўзига пичоқ урди. Аммо ул захм кори йўқ эрди, йана икки-уч кунда йахши бўлди.

Соҳибқирон Гуржистон сори таважжух қилиб, Қаробоғи Арронга борғони

Неча кунким соҳибқирон Табризда турди, адл била машғул бўлуб, вилоят иши асру йахши бўлди ва мусулмонлар рафоҳиятда бўдилар. Соҳибқирон Гуржистон сори мутаважжих бўлуб отланди. Қумтепа мавзеъига етиб тушти ва анда Хожа /Исмойил Хавофийни ибрат учун дорга остурди. Андин кўчуб, Арас суйидин кечиб Нахчивонга тушти. Ва соҳибқирон ўғлонлари ва хотунлари ва жамиъи хосе мулозиматлари била қалъа устига чиқиб, тафарруж қилиб, андин ёниб ўрдуга келиб тушти. Бу маҳалда Тахуртан келиб ҳазратни кўрди ва Йилдирим Боязиднинг сузаларини арзашот қилди. Соҳибқирон бу сўзларни эшитиб, қаҳр ва газабидин таскин топиб, неча кун анда ўлтурди. Гуржистонга малик Гургенга киши йибариб, моли хирож тилади. Амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх ва Султон Ҳусайн ва амирзода Або Бакр ва Яҳоншоҳбек ва Темур Хожабек Оқ Буга ва ўзга беклар ҳукм била Мингқулдин кўчуб, амирзода Шохрух қошида келиб эдилар. Барча соҳибқирон қошида келдилар.

Соҳибқирон Нахчивондин кўчуб, Шохбуз дарасига тушти. Тоғ ичида кириб юриди. Кўкча Тешизга етиб, ов солдуруб, кўб сайд олдилар. Ва андин юруб Шамқун мавзеъида тушти. Идикуким, Гийёсуддин Тархоннинг ўғли эрди, Кермондин келиб пешкашлар тортиб, кўрунуш қилди. Ул муҳассилларким, Гуржистонга бориб эдилар, малик Гургеннинг иниси била келиб, кўб мол келтурди. Қушлар ва отлар ва қумош бениҳоят келтурди.

Малик Гургеннинг иниси соҳибқироннинг дийдорига мушарраф бўлуб, ағосининг сўзини арз қилди. Дедиким: «Ағом сизга бир камина қул турур ва бурунги жаҳл ва нодонлиғидин пушаймон турур. Эмди тавқийи ул турурким, гуноҳидин кечиб, марҳамат ва дутф била ани сўрғайсиз. Мундин нари то тирик турур, хизматдин ўзга иш қилмағусидур. Ва ҳар йил молу хирож хизонага тобшурғуси турур. Ва черикдин не миқдорким, муқаррар бўлса, йибарғуси турур». Соҳибқирон/ бу сўзларни эшитиб дутфу карамидин

2546 гуноҳини кечиб, малик Гургеннинг инисини йахши кўруб, тўн кийдуруб, ижозат бериб, ағосига йибарди. Дедиким, «Малик Гургенга дегинки, соҳибқирон айтадурким, «Сенинг гуноҳингдин кечтим. Вилоятингдин қайтиб борурмен. Аммо бу шарт билаким, мундин нари ўз ҳадингни билгайсен ва мусулмонларни иззат тутгайсен. Аларга ҳеч жиҳатдин зарар-захмат бермагайсен ва бизга черик йибаргайсен» деб малик Гургеннинг инисини ижозат берди. Ушул ердин ҳазрат соҳибқирон Темур Хожа Оқ Бугани Самарқанд йибардиким, амирзода Умарнинг мулозиматида тургай. Ва неча кундин сўнг

андин кўчуб, Қаровултепага келиб тушти. Бу ерда хабар келдиким, амирзода Муҳаммад Султон Самарқанддин бери келур ва Нишопурга етконда анинг мулозимида бўлгон Ҳожи Сайфуддинбек хаста бўлуб, раҳмати Ҳаққа восил бўлуб турур. Ҳазрат бу хабарни эшитиб кўнгли бисёр мулул бўлди. Анинг жиҳатидинким, Ҳожи Сайфуддинбек қадимий мулозими эрди ва қўб куч бериб эрди. Ҳазрат йиғлаб деди: *«Инно ли-Тлоҳи ва инно илайҳи рожитъуна»*⁹⁹⁶.

Соҳибқирон Қаробогда қишлоқ буюргони ва амирзода Муҳаммад Султон Самарқанддин келгони

Қаровултепада бир ой ўлтургондин сўнг ҳазрат соҳибқирон андин кўчуб, Ганжа ва Бардаъадин ўтуб, Қаробогда келиб тушти. Хайма, ҳиргоҳ уруб ўлтурди. Муқаррар бўлдиким, аввал баҳорда Дашти Қипчоқ сори мутаважжих бўлгайлар. Ҳар киши ўз жойида бўлуб, Дарбанд сори хайма уруб қишлоқ солдилар. Ҳазрат соҳибқирон черикка озуқ бердурди.

255a Ушул маҳалда Дашти Қипчоқдин элчилар келиб соҳибқиронни кўрдилар ва хон тилидин дуолар дедилар ва мутобиъат ва инқиёд изҳор эттилар. Ҳазрат қаҳру ғазабидин таскин топти. Бу маҳалда хабар келдиким, амирзода /Муҳаммад Султон ҳукм йўсуни била Самарқанддин черики ила Ардабилдин ўтуб, Оқтомға етиб турур. Барча шаҳзодалар, амирзода Шохрух ва беклар Сулаймоншоҳбек ва Жаҳоншоҳбек ва Шайх Нуриддинбек ва Шох Малик ва ўзга беклар барча ўтруз чиқиб бордилар. Ва Арас кўфрукидин ўтуб, Аглоқ суйининг йақосида шаҳзодалар келиб бир-бирини кўрдилар. Ва ҳар киши ўзига лойиқ пешкашлар торттилар ва бир-бирини кўруб, севунуб, барча соҳибқирон мулозиматиға келдилар. Шохзода Муҳаммад Султон йукунуб ҳазрат била кўрушти. Назм:

Кўрушти шаҳаншоҳ фарзанд ила,
Кўзин йаруқ этти жигарбанд ила.
Басе, сўрди шаҳзодани шаҳриёр,
Шаҳаншоҳи дин, шоҳи олийтабор.

Шаҳзода пешкашларким, келтуруб эрди, барчани тортти. Ва бекларким, шохзода била эрдилар, мисли Шамсуддин Аббос ва ўзга беклар, барча ҳазратнинг муборак дийдориға мушарраф бўлдилар. Ва алар тақи юкунуб пешкашлар торттилар. Ҳазрат соҳибқирон тақи фарзандидин шодмон бўлуб, қўб нима берди. Ва ул қиш ҳамма қиш суҳбат ва айшу фароғат била машғул бўлди. Ва амирзода Муҳаммад Султонға асру қўб иноят қилди. Жумла иноятидин бири ул турурким, тўққуз-тўққуз тибичоқ отким, барчанинг эгар-югани олтундин эрди, берди. Ва олтун тож ва олтун камар ва зарбофт хилъат берди.

Бу туй ва суҳбатлардин сўнг вилоят ишига ва забтиға машғул бўлди. Амирзода Искандарким, гуноҳи учун шаҳзода Муҳаммад Султон ани банд қилиб ўзи била келтуруб эрди ва анинг қиссасини юқори шарҳ қилиб эрдук, ани соҳибқирон қошида келтуруб, улуг девонда йарғу сўруб, йасоқ таъғи уруб, бандини кўтардилар.

2556

Соҳибқирони саодатнишон ҳар сори илғор йибаргони

Мундин бурун айтиб /эрдуқким, Султон Аҳмад Жалойир соҳибқирондин кўрқуб Бағдоддин қочиб Румға келиб эрди ва Йилдирим Боязидға сифиниб эрди. Соҳибқироннинг овозаси туштиким, Румға мутаважжих бўлди, Султон Аҳмад Йилдирим Боязиддин айрилиб, Ироқи Араб сори кетти ва Қалъатуррум йўлидин Фирот суйини йақолаб Ҳитга⁹⁹⁷ келди. Ва андин Бағдодқа борди. Бовужуд улким, Бағдодни хароб қилиб эдилар, келиб иморатиға машғул бўлди. Ва ўзга мухолифларким, жон кўрқунчидин ҳар ён қочиб бориб эдилар, барча жамъ бўлдилар. Бу хабар ҳазрат соҳибқиронға етти.

соҳибқирон дедиким, «Аидин бурунким, душманларга қуввати пайдо бўл-
гай, аларнинг фикрини қилмак керак». Шаҳзодалар ва бекларни чорла-
тиб, барчани жамъ қилиб кенгаштилар. Кенгашдин сунг ҳукм қилдиким,
«Тўрт булак киши черикдин ҳар бири бир йўлга кириб, адув сори юрусу-
лар. Бир йўлда амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх ва Сулаймоншоҳбек
ва Жаҳон Малик ва Пир Али Тоз ва ўзга беклар Луристон ва Хузистон
борсунлар. Ва амирзода Або Бакр ва Жаҳоншоҳбек ва ўзга беклар Бағдо-
қа борсунлар. Амирзода Султон Хусайн ва амирзода Халил Султон бир
жамоат черик била жазираларга борсун!» Битиб ёрлиқ бўлди. Ва ҳукм
бўлдиким, «Ҳар ердиким душмандин хабар тобсалар, аниг ишини бир
сори қилмагунча ором қилмасунлар!» Бовужуд улким, қиш маҳали эрди ва
ҳаво асру совуқ эрди ва ул йўлларда андоқ қор эрдиким, қор устида кийиз
солгунча ўтса бўлмас эрди. Шаҳзодалар ҳукм била отланиб, ҳар жамоат
бир йўлдаким, муқаррар бўлуб эрди, юридилар. Ва Тоши Хотун навоҳиси-

256a даги курдлар қор жиҳатидин тоғлардин қуйи тушуб ўлтуруб / эдилар,
аввал аларга етиб, талаб кўб киши ўлдурдилар. Ва бир жамоат тоғлар
сори қочиб бордилар. Аммо қор жиҳатидин боролмай, ажзу ниёз билан
амон тиладилар. Андин сунг амирзода Або Бакр ва Жаҳоншоҳбек Бағдод
сори мутаважжих бўдилар. Ва андоқ хабарсиз Бағдодқа еттиларким,
Султон Аҳмад кўнглакда ва иштонсиз қочиб ўзини кемага солиб сувдин
ўтуб, ўгли Султон Тоҳир била тушуб Ҳилла сори қочти. Ва илғор келгон
кишиллар ул кеча Бағдодта таваккуф қилдилар. Ва сабоҳ бўлгонда эшитти-
ларким, Султон Аҳмад Ҳиллага бориб турур. Жаҳоншоҳбек Ҳиллагача
борди. Султон Аҳмад кўфрукни бузуб, Фирот суйининг қуйи сори —
Холид ва Молик⁹⁹⁹ жазирасига борди. Жаҳоншоҳбек бу ердин кулли во-
қифотдин арзадошти битиб, соҳибқиронга йибарди.

Амирзода Султон Хусайн ва амирзода Халил Султон Жамжол йулидин
кириб Мандалини таладилар. Қаландарбекким, Султон Аҳмаднинг навқари
эрди, Шаттдин¹⁰⁰⁰ ўтуб, андағи элу хашамни йиғиштуруб, Дажла йақосида
ўлтурди. Амирзода Халил Султон Жаҳонгир Барлоснинг ўгли Поянда Сул-
тонини беш юз киши билан сув йўқорисидин йибардиким, сувдин ўтуб
аларнинг кейнидин киргайлар. Ва ўзи черики била муқобиладин келиб
турди. Поянда Султон сувдин ўтуб, аларнинг кейинларини туттилар. Че-
рикким, муқобилада туруб эрди, ўзларини сувга солиб елдек ўттилар ва ул
бадбахтларга чопиб кўб кишини ўлдуруб, молларини таладилар.

Амирзода Пир Муҳаммад ва Сулаймоншоҳбек Шакий ва Филий хаша-
мини таладилар. Ва амирзода Рустамким, қишлоқ учун Шероздин Тустар-
га келиб эрди, ҳукм била келиб буларга қўшулди ва иттифоқ била Аббо-
дон ва /Восит сори таважжуҳ қилдилар. Ва Шайх Увайс Курд ғажирчи
256b бўлуб эрди, Кўпсар била Дажладин ўтуб, тун қайтиб, Саййид Аҳмад
Кабир мазорига етиб тавоф қилдилар. Ва андин икки кун юруб Аббодон
арабларига етиб чобгилар, от ва тева кўб тушти. Ва андин қайтиб йана
сувдин кечиб, Тустарга келдилар. Ва Сулаймоншоҳ Дўқумким, Тустарнинг
даругаси эрди ва Муҳаммад Ажаб Шерким, Дизфулнунг даругаси эрди ва
Темур Хожаким, Жувайзининг даругаси эрди ва Шамсуддин Деҳдорким,
Хузистоннинг амалдори эрди, барчани тутуб кўб мол олдилар. Ва амирзо-
да Рустам андин ҳукм билан Шероз сори мутаважжих бўлди. Ва шаҳзода-
лар ва бекларким, Ироқи Араб сори чобқунга бориб эдилар, барча ул қиш
анда турдилар ва мухалифларни чопиб, кўб мол олдилар. Ва аввал баҳор-
да ҳукм била соҳибқирон сори мутаважжих бўлдилар. Ва амирзода Пир
Муҳаммад ва Сулаймоншоҳбек ва ўзга беклар барча равон бўлдилар.
Холис кўфрукким, Жабал Ҳамрога йақин турур ва Бағдоддин ўн икки
йағоч ер йироқ турур ва Қуббаи Иброҳим Моликдин тўрт йағоч бери
турур, анда барча черик жамъ бўлуб, соҳибқирон хизматига мутаважжих
бўдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Рум сори таважжуҳ қилгонин сабаби

Қаро Йусуф Туркмон мусулмонларнинг ичида кириб, муддати эрдиким
зулм ва бедодлиқ қилур эрди. Ва йўлларни тутуб келгучи ва борғучиларни
зарар-заҳмат берур эрди. Ва Ҳижоз қофиласига музоҳим бўлур эрди. Аммо,

чун ҳазрат соҳибқирондин қочиб Румға борди, бу жиҳатдин соҳибқиронга доъийа булдиким, Румға мутаважжих бўлмай. Ва бу овоза Румға боргондин сунг қайсари Рум тақи ҳарб асбобиға машғул бўлди, черик йиғиштурмакка машғул бўлди. Аммо Рум вилоятининг ақобиру аозим ва уламоу сулаҳо

257а барча Йилдирим Боязидқа келиб насиҳатлар қилдиларким ва /дедиларким, «Бу подшоҳким, бери мутаважжих бўлуб турур, давлати асру қавий турур ва бу чоққача ҳар ким анинг била муҳолифат қилиб турур, мақхур бўлуб турур. Ва ҳар неча мушқил ишга юруб турур, давлатидин ул иш анга осон бўлуб турур. Ва ҳар шаҳар ва қалъа сориким борибтур, ул ерни оз таважжих била олиб турур. Ва бу ишлар бир абае эрмас ва мундин ҳазрат Субҳоннинг инояти маълум турур. Мундоқ киши била муҳолифат қилмак йахши булмас. Анинг била муҳолифат қилмагил ва мувофиқ бўлмоқ керак, то вилоят амонда бўлмай». Йилдирим Боязидқа бу сўзлар маъқул тушуб, ўзи тақи қўрқуб эрди, Ислому қозиларидин ва бир беги била бир хатким битти, мазмуни итоат ва инқиёд турур, соҳибқиронга йибарди. Ва Қаробоги Арронда олампапоҳ даргоҳида еттилар, юкунуб хатни бердилар. Ва хатнинг мазмуни бу эрдиким, «Чун инобати ҳазрат ҳаққ хизонасидинки, *тувта ал-мулка ман ташаъа*¹⁰⁰¹, подшоҳлиқ хилъати била ул ҳазратнинг иқбол қоматини ораста қилиб турур. Биз ҳам тобиъ ва мутиъдурбиз. Агар мундин бурун хилофи қоъида биздин баъзи нималар воқиъ бўлди, эмди мундин нари итоат ва инқиёддин ўзга ишимиз булмағусидур».

Соҳибқирон дедиким, «Сизнинг подшоҳингиз доим фаранг кофирлари била газа қилур. Биз ҳам сизлар билан дўст турурбиз ва кунглумизда ул андиша йўқ турурким, ул сори черик элитгайбиз ва Ислому вилояти хароб бўлмай, кофирлар мундин шод бўлмайлар. Аммо Қаро Йусуф Туркмонким, мусулмонлар ичида кириб турур, ё улдуким ани ўлдуруб мусулмонларнинг

257б хотирини андин жамъ этсун ё улким ани банд қилиб, бизга йибарсун. /Бу ишдин бирини қилса аромизда дўстлиқ бўлғуси турур».

Рум элчилари бу сўзни эшитиб, бари мулзам бўдилар ва ҳеч жавоб бермадилар.

Неча кундин сунг овға отланиб, Арас суйидин ўтуб, Оқтомда барча ходимлари ва мулозимлари била ул саҳро ва тоғларни ихота қилдилар. Неча кундин сунг жирга бир-бирига етиб, черик аҳли бир-бирининг эликларини тутуб келур эрдилар. Ҳайвонот навъи ва жонворлар синфининг кублиғидин мислсиз қўб сайд оттилар. Ва овдин сунг ҳазрат соҳибқирон Тахуртанни ва Рум элчиларини ижозат берди. Ва элчилардин бир жамоат, мисли Муҳаммад Озод ва Тукал Бавурчи жиргага кириб қўб сайд оттилар.

Овдин фориг бўлгондин сунг қайтиб ўрдуға тушуб, суҳбатангиз қилди. Ва ул суҳбатда Румдин келгон элчиларға тўнлар кийдуруб, олтун камарлар берди ва дедиким, «Биз бу қиш мунда турурбиз. Аввал баҳорда Румға йақин борурбиз, кўрарбизким қайсардин бизга не жавоб келур. Агар йахши жавоб келса, *фа ҳува ал-мурод*¹⁰⁰², йўқ эрса кўрали, то не бўлғуси турур». Боязид Чимбой Элчиқдайни бир жамоат билан келгон элчиларға қўшуб, хат била Румға йибарди. Хатнинг мазмуни буким, «Салом ва таҳиййатдин сунг сўз улким, элчиларингиз келиб, йахши сўзларингиздин соҳиб вуқуф бўлдуқ. Агар бу сўзлар чин турур, керакким Қаро Йусуф Туркмонни бизга йибаргайсиз, ё инак шаррини мусулмонларнинг бошларидин дафъ қилгайсиз. Ва бир улуг бегини бизга йибарсангиз, то аромизда шарт ва аҳд бўлмай ва аромизда бориш-келиш бўлмай ва мусулмонлар фароғатда бўлмайлар. Ва агар бизнинг сўзимизга амал қилмасангиз, ҳар неким воқиъ бўлса, узунгудин билгайсиз».

Наҳри Барлосни қаздурғони

Ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таолонинг раҳмати баҳрларини канораси йўқ турур. Ва қудрат ва илмини ниҳояти йўқ. Ҳазрат Малику Жаббор банданавоз баъзи бандаларига фазлу карамидин оламда меҳтару беҳтар қилур, то

258а андин жаҳон ичида /осори хайр қолмай, мисли шаҳарлар ва иморатлар ва масжидлар ва хонақоҳлар ва работлар йасағайлар ва рудхоналар чиқаргай, то андин худой бандаларига файз етгай. Ва андин бу хайр иши оламда ёдгор қолгай. Ул жумладин бири бу турурким, бурунги подшоҳлардин биров Арас

суйидин улуг ариқ чиқаргон эрмиш. Аммо замона воқифотидин ул ариқ йана тулуб адам бўлгон эрмиш. Ов солурда соҳибқироннинг юзи ул эски ариққа тушуб, ҳиммати иқтисо бу қилдиким, ул ариқни қаздуруб, йана сувни анда жорий қилдургай. Хукм бўлдиким, тавачилар «Ул ерни бекларга улаштургайлар!» Тавачилар юруб ерни бекларга қисмат қилдилар. Бир ойда ариқни қазиб тайёр қилдилар. Ун йағоч йул суйи борур эрди. Ва андоқ чуқур қаздиларким, анда кема юрутса булур эрди. Ва ул сувнунг озги Арас суйидин эрур, мавзийким, ани Кушк чекиши дерлар ва ағги ул ер турурким, ани Сурхапул дерлар. Ва ул аригни Наҳри Барлос от қуйдилар. Ул сув била қуб боғлар ва кентлар ва зироатлар маъмур бўлди.

Соҳибқироннинг бовужуд улким, доим иши юруш эрди ва бир ерда ўлтурмас эрди. Аммо андин анча иморат ва зироат ва бақаъоти хайр ҳар вилоятда ёдгор қолдиким, сони йуқ турур. *Ва ма ат-тавфиқ илла бил-Лаҳи 'алайҳи-т-тақлан ва минҳу ал-муста'ан*¹⁰⁰³.

Соҳибқирон Қаробогдин қайтиб, Шамкур саҳроси сори борғони

2586 Чун Офтоб ҳутнунг етти даражасида еттиким, Зужасадайн буржи турур, соҳибқироннинг муборак кўнглида Рум ҳавоси тушти. Аммо бу жиҳатдинким алар доим узрға борурлар, соҳибқирон [ул] фикрда эрди. Аммо Румнунг подшоҳи соҳибқирон била йахши маош қилмас эрди. Бу жиҳатдин ҳазрат таъаммул қилур эрди ва билур эрдиким, Рум улуг ер турур ва черики бисёр турур. Ва соҳибқироннинг черики уч йил эрдиким, бир ерда қарор /топмайду р эдилар ва доим ишлари юрмак ва чопмак эрди. Умаро бу маънидинким, соҳибқирон Румға борғуси турур, барча андиша қилур эрдилар. Шамсуддин Муҳаммад Алмолигий ҳазрат қошида истимоъ эрди. Барча беклар анга дедиларким, «Йахши маҳал тобсанг ҳазратқа арз қилиб дегинким, беклар барча дерларким, Рум юруши учун йахши фикр қилсунлар. Бу юруш ўзга юрушларга ўхшамас. Тақи мунажжимлар айтиб турурларким, Чигатой черикини Рум юрушида осиб и бўлгай». Шамсуддин бу сўзни ҳазратқа арз қилди. Ҳазрат бекларнинг дағдағаларининг дафъи учун Мавлоно Абдуллоҳ Лисонни чорлаб фалак авзоъидин нималар сўрди ва муболага қилдиким, «Ҳар нимаким нужумда деб турурлар мандин йашурмағил». Мавлоно мушори илайҳи арзадошт қилдиким, «Бу йилнинг тақвимида битиб турурларким, сизнинг черикдаги баҳодурларнинг толиъи асру қувватлуқ турур. Ва мухалифларнинг толиъларида заъф воқиф турур. Ва ўшул йилда Зу дувоба зоҳир бўлуб эрди, ҳамал буржида, андоқким кун ўлтургонда зоҳир бўлур эрди. То шафақ кетгунча мағрибда кўрунур эрди. Неча кундин сўнг субҳ вақтида машриқ соридин пайдо бўлур эрди». Мавлоно Абдуллоҳ Мавлоно Муҳиддин Мағрибий нухаларидин бир нуха ул мажлиса келтурди ва нақл қилдиким, «Чун Зу дувоба ҳамал буржида зоҳир бўлса, машриқ соридин черики келиб Рум вилоятини олғай ва Румнунг подшоҳи эликка тушқай».

259a Алқисса, панжшанба куни ражаб ойининг ўн учида, торих секкиз юз тўртда (16.02.1402) қишлоқдин кўчуб Қаробогдиннинг бир ўтлоғ ерида тушти. Неча кун ўшул ерда ўлтурди. Тамоми қиш кетгонидин сўнг султони фалакким, етти иқлимнинг боғбони турур, қиш буржларидин чиқиб ҳамал буржидаким, аввал баҳорнунг буржи /турур, келди. Соҳибқирон йакшанба куни, шаъбоннинг еттисида (12.03.1402), наврўзи жалолий бошида, от йилда саодат ва иқбол била олганиб, Қаробого Аррондин Шамкур сори мутаважжих бўлди. Ва амирзода Муҳаммад Султон хукм билан Кур суйидин ўтуб, сувни йақолаб юриди. Соҳибқирон Мавлоно Абдуллоҳ садри Исфаҳоннинг моли учун йибарди ва Мавлоно Қутбуддин Қуммийки, ул ҳам садрлардин эрди, ани ҳам мол учун Шерозға йибарди. Ўзи Бардаъа ва Ганжадин ўтуб Шамкур саҳросида тушти ва неча кун анда туруб Олатоқ сори мутаважжих бўлди. Гуржистон сарҳадига етиб Табдур суйининг йақосида тушти. Одина куни, Рамазон ойининг тўртида, торих секкиз юз тўртда (07.04.1402) амирзода Шоҳруҳқа Ҳаққ таборак ва таоло бир ўғул берди. Соҳибқирон эшитиб бисёр шодмон бўлди. Ул ўғулни Муҳаммад Жуки от қуйдилар, ва ани Хонзодага тобшурдилар. Ва амирзода Муҳаммад Султон-

ким Кур суйидин ўтуб, пари юзидин юрур эрди, бир жамоат лакларким, Элбурзқудда ўлтурур эрдилар, аларни чоғиб мол бисёр оғди ва қайтиб соҳибқиронга қўшулди. Ҳазрат андин кўчуб Сарой Мулк хоним ва ўзга хотунлар ва шаҳзодаларнинг ҳарамларини ва кичик шаҳзодалар амирзода Улуғбек ва амирзода Иброҳим Султон ва амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ва амирзода Ижал ва амирзода Бойсунгар ва амирзода Суюрғатмиш — буларни барчани Султонийага ёндурди. Одинабекким, Панжшанбанинг ағоси эрди, буларнинг мулозиматида қўйди. Булар Султонийага кетиб бордилар. Ва ҳазрат дедиким, «Ёз Табризда турунг ва кузда Султонийага боринглар». Булар, ёз эрдиким, Табризга етдилар, ул ёз Табризда туруб, куз бўлгонда Султонийага бориб турдилар. Соҳибқирон андин кўчуб, Мингқулга етти. Йана Йилдирим Боязидқа элчи йибарди, сўзи буким: «Сенинг била /шарт ва аҳдим ўшул турурким, бурун айтиб йибариб эрдук. Агар сўзларимиз била амал қилмасанг ва Камох қалъасиким¹⁰⁰⁴, доим бу вилоятқа тааллуқ эрмиш, бизнинг гумаштимизга тобшурсанг, Рум мамлакатини сенга мусаллам тутарбиз ва ҳар нечаким сенга черик керак бўлса, мадад учун йибарурбиз. Байт:

Эшитсанг, наким санга бехбуд эрур,
Қилурбиз, наким санга мақсуд эрур».

Тартум қалъасини¹⁰⁰⁵ фатҳ қилғони ва шаҳзодаларким, қишда чобқунга бориб эдилар, қайтиб келгонлари

Ул ерда бир қалъа бор эрди, асру берк ер эрди ва ани Тартум дер эдилар. Икки юзча гуржи кофирларидин анда кириб, жузя бермас эрдилар ва мусулмонларга таъарруз қилур эрдилар. Ва келгучи ва боргучиларга музоҳим бўлуб, зарар-заҳмат берур эрдилар. Ва Тағиким, аларнинг улуғи эрди, кетиб ўз ўрнида Гуржик деган бировни қўйуб эрди.

Алқисса, соҳибқирон аларнинг қиссаларини эшитиб ҳукм эттиким, «Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек ва қўнун бекларидин Муса Тўй Буга ва Саодат Темуртош ва Темур Малик ва ғайруҳу ул кофирлар сори бориб, қалъани муеаххар қилеунлар!» Булар тезлатиб анда етконда киши йибардиларким, «Агар мутиъ бўлуб жузя берурсиз, сизнинг била ҳеч ишимиз йўқтурур». Ул бадбахтлар қалъанинг берклигига мағрур бўлуб, урушмоққа кўнгул қўйдилар. Ислом черики қалъа сори юруб уруш солдилар. Беш кунгача уруштилар. Олтинчи кунда қалъани олиб: андағи кофирларии ўлдурдилар ва қалъани ер била тенг қилдилар. Ва бу воқиядин сўнг Тағиким, бу қалъанинг ҳокими эрди, ҳазрат соҳибқирон қошига келди. Ҳазрат анинг гуноҳини бағишлаб, амон берди.

260a Соҳибқирон андин кўчуб, Авникда етиб, неча кун анда таваққуф қилди. то Румга йибаргон элчилар келгай. /Бас, икки ой анда ўлтурди, ҳеч хабар элчилардин келмади. Соҳибқирон деди, «Ажаб ҳолати турур, ҳар нечаким Йилдирим Боязиднинг хотирини сақларбизким, бўлгайким, ул бизнинг била йахши маош қилгайким, анинг вилояти бизнинг черикимиздин солим қолгай. Ул андоқ иш қилурким, бизга лозим бўлурким, анинг сори боргайбиз. Бовужуд улким, анинг мулку молидин ҳеч тамаъимиз йўқтурур».

Маҳди аъло Туман оғони ва амирзода Саъд Вақъосниким, амирзода Муҳаммад Султоннинг ўғли эрди, бу ердин Султонийага йибарди. Ва ўзи давлат била кўчуб Рум сори мутаважжих бўлди. Арзирум мурғзориде келиб тушти. Шаҳзодаларким, қишда Қаробогдин Ироқи Араб сори бориб эдилар, душманларни мақхур қилиб, вилоятларини чоғиб, талаб. аввал баҳорда кўб мол билан Қалоғи йўлидин йуруб, соҳибқирон сори мутаважжих бўлуб, Олатоқ ва Авникдин ўтуб, бу маҳалда келиб ўрдуға қўшулдилар.

Камох қалъасини фатҳ қилғонда Рум элчилари келғони

Машхур қалъаларким, оламда бор, бири Камох қалъаси турур. Ва бу қалъа бир тоғ устида воқиб бўлубтурур, ва анинг теграсида бир қалъа тушубтур тўла боғу бўстон ва зироату иморат эрди. Ва ажойиблардин анда

бири бу эрдиким, аввал баҳорда уч кун мутаволи чумчуқ боласи пишкон ва тайёр кўкди анда тушар эрди. Андоққим, ул ер тўлар эрди. Алар чумчуқлардин тутуб, туз уруб, кўзаларда ё хумларда солур эрдилар. Ва ҳамма ёзу киш андин ер эдилар.

260б Амирзода Муҳаммад Султон соҳибқирон қонида келиб йукунуб дедиким, «Бу қалъанинг тасхирини манга буюрунгуз». Соҳибқирон анинг илтимосини қабул қилиб, тумон беклари била ул сори йибарди. Шаҳзода қалъа урушининг асбобиға машғул /бўлуб, йароғ қилур эрди. Соҳибқирон Арзинжонга етти. Амирзода Або Бақр ва амирзода Халил Султон ва амирзода Султон Хусайн ва амирзода Искандар ва Жаҳоншоҳбек ва Шайх Нуриддин ва Бурундуқбекни Муҳаммад Султон мирзога — Камох қалъаси сори йибарди. Алар шаҳзодаға етиб, қалъанинг тўрт ёнини тутуб туштилар. Ун кунгача уруш солур эрдилар. Ва сувиким, қалъа эли андин ичар эрдилар, ани олдилар. Ва шотулар ипдин йасаб, ун биринчи кун кечасида камарбанд шермардлар юқори чиқиб, ипларни тошларға бириктиллар. Ва амирзода Муҳаммад Султон бир жамоат баҳодурларни буюрдиким, ул шотулардин юқори чиқтиллар. Ҳисор эли воқиф бўлуб, урушабошладилар. Ва Алишерким, Бахтдавлатнинг ўғли ва амир Аббос амакининг ўғли эрди, неча киши билан шотудин тушуб вафот бўлди. Тонгласи мансур черик наққоралар чалиб уруш солдилар ва икки тарафдин раъд ва манжаниқ отабошладилар. Ва амирзода Муҳаммад Султон тақи [жанг] қилур эрди, анинг мулозимлари барчадин бурун чиқтиллар. Охируламр, мансур черики какликдек қалъаға чиқиб фатҳ қилдилар.

261а Бу фатҳ хабари соҳибқиронга етти, филҳол, андин кўчуб қалъаға келиб, қалъани мулоҳиза қилди. Арзинжондин ул қалъагача етти йағоч эрди. Қалъани Тахуртанга бердиким, муҳофизат қилгай. Андин сўнг Рум тасхириға жозим бўлди. Аммо муҳолифлардин кўб киши берк ерларда ва горлар ичида кириб эдилар. Шайх Нуриддинбек ва Али Султон Тавачи ва Давлат Темур Тавачи ҳукм била муҳолифлар сори мутаважжиҳ бўлдилар. Муҳолифлар мансур черикидин хабар билиб, қўрқуб барча мутӣ бўлдилар ва аларға ҳеч ташвиш тегмади. Андин сўнг соҳибқирон Сивос жилгасида /етиб тушти. Анда хабар келдиким, Чимбой Элчикдайким, Румға элчиликка бориб эрди, Рум элчилари била келадур. Аммо қазодин муқарра бўлгон эрмишким, Румни ҳазрат соҳибқирон мусаххар қилгай. Йилдирим Боязидни шайтон васваса қилиб, савоб йўлидин чиқордиким, инқиёд ва итоатдин сўнг йана муҳолифат изҳорини қилди. Ва сўзларким, анга лойиқ эрмас эрди, айтиб йибарди ва Камох қалъаси учун номаъқул сўзлар айтиб йибариб эрди.

Алқисса, Румдин келгон элчилар пешкашлар била келиб, соҳибқиронни кўрдилар. Ун қуш ва ўн от тортиб, юкуниб, сўзларини эшитиб, йибаргон пешкашларни қабул қилмай деди: «Кишигаким саодат ёри қилмагай, насиҳат ва неххоҳлуқ фойда қилмае. Ҳар неча дедимким, ул мамлакатда бизинг черикдин ташвиш тегмагай. Аммо бўлмас ва Йилдирим Боязид ҳар кун бир сўзни айтиб йибарур ва бир сўз устида эрмас. Агар ул Қаро Йусуфни йибарса эрди ва Камох қалъасини бизга берса эрди, ўзи ва ҳам мамлакати саломат қолур эрди. Биҳамди-л.Тоҳким, Камоҳ қалъаси миннатсиз муйассар бўлди. Эмди анга айтинг, чун сўзимизни эшитмадинг, урушмақ учун мардона бўлгил».

Соҳибқирони саодатнишон йароғ кўргони

261б Соҳибқирони гитиситон Румға таважжуҳ этиб ҳукм қилдиким, «Мансур черик Сивос саҳросида жайба ва йароғ кўрсатсунлар!» Соҳибқирон ўзи бир тепа устида шомиёна уруб ултурди. Мансур черики булак-булак барча мукамал бошларидин отларининг туйноғича темур ичида фарқ эдилар¹⁰⁰⁶. Ва булакким, соҳибқиронга йақин етар эрдилар, ул булакнинг беги илгари келиб, отидин тушуб, юкунуб, от тортар эди, дуо ва сано этиб кетар эрди.

261б Соҳибқирон /тақи ул кишини махтаб, дуо қилур эрди. Ва ушбу тариқ била тумонлар ва ҳазоралар ва қўшулар бир-бирининг кейнидин етиб, йароқларини кўрсатиб ўтар эрдилар, то навбат амирзода Муҳаммад Султоннинг черикиға еттиким, булар Самарқанддин эмди келиб эдилар. Андоғ йароғ кўрсаттиларким, фалак мунча кўзалари била ҳаргиз мундоқ йароғ кўрмагон

эрди. Ва черики неча булак эрди ва бир булак бир ранг йароқ қилиб эрди: бир булаги қизил ва бир булаги йашил ва бир булаги сариқ ва бир булаги оқ. Ушбу тариқ билан хил-хил йигитларини йароқ билан кўрсатти. Ва шаҳзода ўзи илгари келиб, отидин тушуб, соҳибқиронга пешкашлар торгити ва дуо била тилини очиб деди. Назм:

Ки жовид булғай жаҳон сарбасар,
Сенинг амрингга, эй шоҳи баҳру бар.
Фалак токи бўлди адамдин падида,
Сенингтеқ шаҳаншоҳ ҳаргиз надида.
Жамолингдин ўлди жаҳон барча шод,
Ки йўқ сен киби шоҳ бо адлу дод.
Сенинг давлатингга қилиббиз ҳужум,
Ки бир-бир қилали бари мулки Рум.
Шаҳаншоҳ анинг сўзидин бўлди шод.
Деди: «К-эй кўзум ичра нури савод.
Йамон кўздин Ҳаққ сени асрасун,
Паноҳида доим сени сақласун».

262a Ул сабоҳдин намози пешингача черик ўтти. Соҳибқирон намозга қўпуб ҳукм қилдиким, «Рум элчиларини отландуруб, черик аёғигача элтсунлар!». Ҳукм била элчиларни олиб юридилар ва черикнинг азимати ва шавкатини аларга кўрсатур эрдилар. Элчилар ул азимат ва шавкатни кўруб, кўнгуллари ваҳм тушуб титрайбошладилар. Тонгласи соҳибқирон элчиларни чорлатиб, тун кийдуруб, илжозат берди ва дедиким, «Йилдирим Боязидқа айтингким, чун сенинг вилоятингга газо ва жиҳод расм турур, бизга қаттиқ келурким, ул вилоятда биздин ташвиш бўлғай. Бовужуд улким, сен маълум йўлдин /чиқибсен. Ҳануз таҳаммул қилурмен, то Тахуртаннинг кишиларини йибаргайсен ва ўғлонларингдин бирини бизга йибаргайсенким, биздин анча марҳамат ва шафқат кўрғайким, сенким атосисен, кўрмагон бўлғай. То мамлакати Рум сенга мусаллам бўлғай ва сен фароғат била тахт устида қарор тобқайсен ва андаги эл-улус фароғатда бўлғай, вассалом»¹⁰⁰⁷.

Ҳорук қалъасини фатҳ қилғони

Рум элчилари қайтиб боргонда соҳибқиронга арз қилдиларким, бу йақинда қалъа турурким, ани Ҳорук дерлар ва бир жамоа жатогилар анда кириб турурлар. Ҳукм бўлдиким, «Шайх Нуриддинбек ва Бурундуқбек ул қалъа сори мутаважжих бўлсунлар!». Алар ҳукм билан черик тортиб юридилар. Қалъага етконда уруш соддилар ва нағамчилар ишлар [била] машғул бўлуб, бир замонда қалъани йиқдилар. Бас, нусратшиҳор черики қалъага кириб, жатогиларни тутуб ўлдурдилар ва молларини талаб қайттилар.

Соҳибқирони динпарвар Қайсарийа¹⁰⁰⁸ ва Анкурийага¹⁰⁰⁹ борғони

Сивосдин бир жамоат кишиларким, йўлларни йахши билур эрдилар, арз қилдиларким, Туқат йўли жангал турур ва йўллар тор ва Йилдирим Бойазид кўб киши билан Туқатқа¹⁰¹⁰ келиб сув бошини [тутуб] ва қаровуллар тақи ул жангални кўруб Қайсарийа сори юруб турурлар.

262b Соҳибқирон Али Султон Тавачини йибардиким, черикни қўймағайким, Қайсарийадин ўтгай. Соҳибқирои олти манзилда Сивосдин Қайсарийага етиб тушти. Анда етконда шаҳар элига амон бердилар. Ва бир жамоат бадбахтлар нағамларда ва тешукларда кириб эрдилар, нағам уруб барчани олдилар. Ул ернинг ошлиғи пишиб эрди, ҳукм бўлдиким, «Черик ўзлари учун озуқ юкласунлар!». Ва соҳибқирон амирзода Або Бақр ва /Шайх Нуриддинбекни қаровуллуққа йибарди. Ва черики била жайба кийиб, йасол йиғлаб Қайсарийадин Анкурийага мутаважжих бўлдилар. Ва уч

манзил юруб Йулгун суйига¹⁰¹¹ келиб туштилар. Туртинчи кун шахарга йақин келиб тушти. Анда хабар келдиким, Йилдирим Боязиднинг черикидин қаро кўрунди. Фармон бўлдиким, «Черик душман сори мутаважжих бўлсунлар!» Ва ҳар ердаким, тушар эрдилар, хандақ қаздуруб ултурур эрди. Шоҳ Маликбекни минг киши била тил олмақ учун йибарди. Кечада отланиб, ўн йағоч йўл йуруб, субҳқа йақин Йилдирим Боязиднинг черикидин қаровуллар чиқиб борурда булар каминдин чиқиб қаттиқ уруштилар. Қайсар эшиттиким, бир жамоат киши соҳибқирон черикидин илгари келиб турурлар, кўнглида бисёр қаттиқ келиб, бекларини чорлаб, қаттиқ сўзлар деди. Ва тонг отқанда кўчуб, Қиршахр¹⁰¹² сори мутаважжих бўлди. Шоҳ Маликбек соҳибқиронга киши чобтуруб, уруш қиссасини ва Илдирим Боязиднинг Қиршахр сори борганини арзадошт қилди. Ул ҳазрат мунн эшитиб, Илс Хожаким, Шайх Али Баҳодурнинг ўгли эрди, ва Сайин Темур ва агоси Мурод ва Дона Хожа ва амир Хусайн Қавчин ва Султон Малик Уч Қаронинг ўгли ва ўзга баҳодурларни олтмиш киши билан йана тил олмақ учун йибарди. Ва Шоҳ Маликбек қайтиб кеча бўлгонда урдуга етиб тушти. Тонг отқонда соҳибқирон шаҳзодаларга таълимлар бериб деди: «Бу ерда икки иш қилмак керак: бири улким, ушбу ерда таваққуф қилгайбиз, то ул замонким мухалиф еткунча бизнинг гала-қаро дам урғай; ва яна бири улким, йаагининг мамлақати ичра кириб талаб юругайбиз ва /ҳар сори чабқун йибаргайбиз, то Йилдирим Боязид ботроқ келгай ва анинг черики кўбраки йайоғ эрмиш».

263а

Бу сўзларким ҳазрат деди, барча сўнг дегон сўзини хушладилар. Ва андин кўчуб, давлат била юридилар. Ва амирзода Султон Хусайинни минг киши била юртда қўйди. Хукм бўлдиким, «Бурундукбек ва ўзга беклар Анкурийага боргайлар. Ва агар душмандин черик келса аларнинг йўлини тутқайлар. Ва йайоқ черики алар била бийла борсунлар. Ул икки манзилдаким сув йўқ турур, қудуқлар қазсунлар!» Беклар хукм била юридилар ва Абдурраҳмон Тавачи йайоғ черикини бошлаб, ахар била борди. Баҳодурларким, бурун тил олмақ учун бариб эдилар, саҳар вақтида мухалифларга еттилар ва урушуб, икки киши алардин туттилар. Бирини ўлтуруб, бирини тирик келтурур эрдилар. Қайсари Румнунг¹⁰¹³ ўгли минг киши била тил олмақ учун келиб эрди, кеча алардин хабар билмай бир дарада кириб эрдилар. Аммо мансур черикининг баҳодурлари тил олиб қайтиб барур эрдилар, аларга учраб, уруш бўлди. Бовужуд улким, олтмиш кишидин артуқ йўқ эрдилар, урушаборур эрдилар. Мухалифлар амирзода Султон Хусайиннинг черикининг қаросини кўруб, ўшал ерда турдилар. Ва баҳодурлар саломат юруб, зафарқарин черикка қўшулди. Ва беклар ва йайоғлар Анкурийа сори юридилар. Ва баъзи беклар илгари юруб, андаги элу хашамнишинларни чошиб, кўб мол олдилар. Ва йайоғлар ул йўлда қудуқ қазмоққа машғул бўлдилар. Ва нуератпаноҳ черики уч манзилда Анкурийага келиб тушти.

263б

Қайсари Рум Йаъқуб отлиқ бировни Анкурийага йибариб, /эрдиким, шаҳарни забт қилгай. Йаъқуб қалъани мазбут қилиб ўлтуруб эрди, тонгласи соҳибқирон тафарруж учун отланиб, қалъани ихтиёт қилди ва баҳодурларга ишорат бўлдиким, «Қалъанинг урушига машғул бўлсунлар!» Баҳодурлар бетоваққуф ҳисор сори юруб, уруш солдилар ва нағамлар уруб, сувларини олдилар. Баҳодурлар ул буржким, сув сори эрди, анда чиқтилар. Ва йақин эрдиким, қалъа фатҳ бўлғай, ногоҳ қаровуллар хабар келтурдиларким, Қайсари Рум черики била йақин келди ва мундин ангача тўрт йағоч бўлғай. Соҳибқирон буюрдиким, «Баҳодурларким, қалъага урушурлар, урушни қўйуб, келсунлар!» Баҳодурлар қалъадин қайтиб келиб, ўрдуга қўшулдилар. Соҳибқирон андин кўчуб, андак йўл сувни кейин қўйуб туштилар ва тушкон ерда хандақ қаздилар. Ва душман сори тоғ этакида бир кичик булог бор эрди. Хукм бўлдиким, «Бариб ул сувни кундиаклар била тўлдурсунлар!» Соҳибқирон кеча бўлгонда хилватхонага кириб, Ҳазрат Жабборга ниёз ва тазарруъ била юзини туфроққа қўйуб, нуерат тилаб деди: «Бор худоё, бу муддатдаким, менга фатҳ ва нуерат рўзи бўлди, барча сенинг карамингдин эрди. Йўқ эрса, мандин не келгай? Умидим борким, чун доим лутфу карамингни мандин кам қилмагансен. Ҳоло ҳам ўшул умидим сендин бор». Ушбу ниёз била кеча тонг отқунча тазарруъ ва зори қилди.

Ҳазрат соҳибқирон черикини тартиб бергани

264a

Соҳибқирон кеча тонг отқунча ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло даргоҳида ниёз ва тазарруҳ қилди. Тонг отқонда отланиб, черикини тартиб берурга машғул бўлди./ Баҳодурлар хайл-хайл хаймаларидин чиқиб, майдон сори мутаважжиҳ бўдилар. Ва ҳар ким ўз ерига ва мулжарига бориб саф тортиб турар эди. Унг қўлда амирзода Шоҳрух ва амирзода Халил Султон турди. Ва беклардин Сулаймоншоҳбек ва Ёдгор Андхудий ва Рустам Тағай Буға ва Севинчак Баҳодур ва Давлат Темур ва ўзга беклар шаҳзода била турдилар. [Аларнинг қанбулида Султон Ҳусайн бўлди ва Али Султон ва Муса Туй Буға ва ўғли]. Ва сўл қўлда амирзода Мироншоҳ ва Шайх Нуриддинбек ва Бурундуқбек ва Али Қавчин ва Мубашшир ва Таҳуртан ва Ҳожи Абдуллоҳ Аббос ва Султон Санжар Ҳожи Сайфуддин ва Умар Тобон ва Шайх Иброҳим Ширвоний ва гайруҳу турдилар. Ва булардин илгари [аларнинг қанбулида] амирзода Або Бакр ва Жаҳоншоҳбек ва [Қаро] Усмон Туркмон¹⁰¹⁴ ва Тукал Барлос ва Пир Али Сулдуз турдилар.

Алқисса, черикий эрдиким, анинг сони ва ҳисоби йўқ эрди, барчаси диловар ва баҳодур.

Ғўлда ҳазрат соҳибқирон турди. Ғўлнунг унг қўлида Тош Темур Ўғлон ва [амирзода Аҳмад Умаршайх ва] Шаҳсувор [ва Сарой] ва Жалол Бавурчи ва Таптуқ ва Йусуф Мўгул ва Ҳожи Бобо Сувчи ва Искандар Ҳинду Буға ва Хожа Али Йусуф Апардий [ўғли] ва Давлат Темур ва Ҳусайн Барот Хожа ва Муҳаммад Қавчин ва [Сарой Хожа ва] Идрис Қавчин ва Шамсуддин Алмалигий ва Сарой Мулк Тавачи ва [Аргун Малик ва] Пир Муҳаммад ва Баҳовуддин ва Қаро Аҳмад ва Бек Валий Элчиқдай ва Чақмоқ ва Давлат Хожаи Элчи Буға ва Абдуллоҳ ва Сўфий ва Халил ва Муҳаммад Тавачи ва Асан Темур ва Шайх Муҳаммад ва Қараман ва Санжар ва [Ҳусайн ва Ҳасан ва] Умарбек Некруз Жони Қурбони [ўғли ва Бердибек Қавчин ва Жаҳоншоҳ ва Аҳмадий ва Ажабшер ва Маҳмуд ва Баҳулл ва амир Зийрак Жаку ва] ўзга беклар турдилар¹⁰¹⁵. [Ғўлнунг сўл қўлида Жалол ал-Ислом ва Тукал Қарқара ва Али ва Маҳмуд ва Шоҳ Валий Севинчак ва Жонибек ва Ёдгор ва Тангрибермиш ва Хожа ва Муҳаммад Халил Давлат Темур Тавачининг иниси ва Шайх Ҳусайн ва Мирак Элчи Малик ва Поянда Олтун Бахшийнинг иниси ва Луқмон Тавачи ва Султон Барлос ва Абдулкарим Ҳожи Сайфуддин ва Одил ва Қутбуддин ва Салим ва Жунайд Айон ва Жаҳон Мулк Милкат ва Тўплоқ Қавчин ва Абдус Самад Ҳожи Сайфуддин ва Пир Муҳаммад Шингум ва Шайх Арислон Қуппакхон ва Давлат Хожаи Барлос ва Илёс Қуппакхоний ва Йусуф Барлос ва Али Аббос ва Саййид Хожа ва Шайх Али Баҳодур ва Усмон Тавачи ва Искандар Шайхий ва Шоҳшоҳон Сеистоний ва Иброҳим Қуммий ва Шоҳ Турон Сеистоний ва Шеровул ва Подшоҳ ва Баврон ва ўзга сардорлар турдилар.

Ғўлнунг бошида моҳчаи қавқ амирзода Муҳаммад Султон зафар авжидин келиб, солиси наййирайн бўлди ва айни шараф ва қудратда. Анинг иқболи соясида юлдузтек черик жамъ ва тартиб бўлди. Ул черик жамоатининг йасол интизоми амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх ва иниси амирзода Искандар ва номдор навбатийлардин амир Шамсуддин Аббос ва Шоҳ Маликбек ва Илёс Хожаи Шайх Али Баҳодур ва Айон ва ўзга бекларнинг ихтимомларида самти истиқболда бўлди]. Назм:

Гуруҳики, ҳар бири ҳангоми кор,

Чиқарур эдилар адувдин димор.

Бариси далеру набарди озмой,

Фаридун киби барчаға ақлу раъй.

Қирқ қўшун кишини туғ қотида тургуздилар. Ва неча пилким урдуда эрди, бариға кечимлар кийдурдилар ва пиллар устида йахши отқувчи бекларни ултургуздилар.

Йилдирим Боязид тақи черикини тартиб бериб, Рум /мамоликида бўл-
264b гон номдорларни жамъ қилиб келтуруб эрди. Ул тақи черикини ораста килиб, сафларини йасаб эрди. Ул жумладин Лас Афранжийнинг угликим, Йилдирим Боязидқа қайин ағо бўлур эрди, йигирми минг киши афран-

жийлар била барча қаро тўнлар кийиб, бошларидин аёғларигача [фўлод ва темирдин ураниб — фақат кўзлари очиқ эрди], мукаммал ва мураттаб туруб эрдилар¹⁰¹⁶. Ва йана бир ёнида ўгли Мусулмон Чалабийни Рум черики била тургузуб эрди. Ва Йилдирим Боязид ўзи гўлда турди ва уч ўгликим Муса ва Иса ва Мустафо эрди, буларни арқоси сори тургузди. Ва Муҳаммад Чалабийким, барча ўғлонларидин улуг эрди, Рум сардорлари, мисли Бол Фараҳ подшо ва Ийдбек ва Темуртош ва Хожа Феруз ва Исабек ва Ҳасан подшо ва Халил ва Мурод подшо ва Али подшо ва Саружа ва Абарнус ва Йаъқуб ва Йусуф ва Эл Тармон ва Тенгрибермиш ва Балбон ва Довуд ва Бани¹⁰¹⁷ ва Шаҳин [ва Йабанж Илдиғуз ва Аҳмадий Тоҳир ўгли ва Муҳаммадий ва Муқбил ва Бошачук] ҳар бири ўз ерига турдилар. Қайсар бўлгон черики била майдонга келиб, чошт эрдиким икки черик мукаммал ва мусаллаҳ бир-бирига етиб, сафлар тортиб турдилар. Ва икки тарафдин наққора ва нафир чалдуруб, сурон солдилар.

Соҳибқирон Рум подшоҳи била урушуб, зафар тобқони

Икки соридин чериклар саф тортиб турдилар. Соҳибқирон ул маҳалда отдин тушуб, ниёз юзини ҳазрат Парвардигор сори қилиб икки рақъат намоз фатҳ ва нусрат учун ўқуди. Ва ҳар доимким, мундоқ уруш воқиоъ бўлса эрди, ҳазрат соҳибқирон ул намозни ўқур эрди. Бу жиҳатдин ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло анга нусрат ва фатҳ каромат қилур эрди. Бу ерда ҳам икки рақъат намозини ўқуб, сидқу ихлос била отланиб, майдон сори келиб гўлда турди. Ва ҳукм билдиким, «Баҳодурлар илгари юруб, ишлариға
265а /мангул бўлсунлар!». Барчадин бурун ўнг қўлдин амирзода Або Бакр муборизат майдониға кириб, йигитлари била ўқ ёй эликларига олиб, мухолифлар сори юруб шайба тўкабошладилар, душманнинг сўл қўлини кўтариб бир-бир отдилар.

Ҳаҳоншоҳбек ва Қаро Усмонбек тақи от солиб, душманнинг сўл қўлдаги тургон черикини кўтариб урдилар.

Ва Курашчиким, қайсари Румнунг ўғлонларидин ул баҳодур ва паҳлавон эрди, туруб куб саъйи қилдиким черикини тургузаолгай. Тургуза олмай қочти. Ва соҳибқироннинг сўл қўлидин амирзода Султон Ҳусайн зафаршиёор черики билан от солиб, қилич ва найза зарби била душманлардин куб кишини тушурдилар. Ва амирзода Муҳаммад Султонга ғайрат бўлуб, соҳибқирондин ижозат тилади. Соҳибқирон деди: «Сўл қўл сори юригил ва аларға кўмак бўлгил!» Ва Афранжнинг диловарлари туруб куб ишлар қилдилар ва неча қатла бир-бирини сурдилар. Охируламр, нусратшиёор баҳодурлари Лас Афранжийнинг ўғлини черики била суруб қочурдилар. Ва йайоғлари от аёғида қолиб, куб киши ўлди.

Алқисса, румийлардин анча киши ўлдурдиларким, ул саҳронинг туфроғи алар қонидин балчиқ бўлди. Байт:

Зи румий сипаҳ онча улдурдилар,
Ки тўлди бари ер юзи, баҳру бар.

Амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх ва амирзода Искандар ва амир Шоҳ Малик баҳодурлар билан илгари юруб душманлардин куб кишини тушурдилар. Шайх Нуриддинбек ва Бурундўқбек йахши ишлар қилдилар.

Соҳибқирон кўрдиким аъдо заиф бўлди, ҳукм қилдиким, «Бир йўла от солсунлар!» Амирзода Мироншоҳ беклари била бир тарафдин ва амирзода
265б Шоҳрух/ беклари била бир соридин, барча иттифоқ била ҳамла қилдилар. Қиёмат куни зоҳир бўлуб, бир сурон ва гавго оламдин қўпдиким, ҳаргиз бу даҳрдин мундоқ кун кўрмайдур эди. Малаклар фалакларда таҳаййур бармоғларини тишлаб, назорат қилур эрдилар.

Йилдирим Боязид амирзода Муҳаммад Султон сори чопиб, аларни сурди ва бир тепа устига чиқиб кўрдиким, черики бир-бир бўлуб турур, ҳайрон қолиб турди. Ва бир неча отлиқ ва йайоғ анинг қошида йигилдилар.

Ҳазрат соҳибқирон шаҳзода Шоҳрух била қайсари Рум сори мутаважжих бўлди. Ва амирзода Мироншоҳ ва амирзода Султон Ҳусайн тақи Йилдирим Боязидқа таважжуҳ этдилар. Қайсар ахшомгача туруб урушти.

Ва намозшомга йақин ул тепадин тушуб, ўзини мансур чсрикига уруб, черик аларга йўл бериб, чиқиб қочтилар. Аммо алардин куб кишини ўқ била отиб ўлдурдилар. Йилдирим Боязид юз меҳнат ва машаққат била уртадин чиқиб кетти. Ва бир жамоат баҳодурлар анинг кейнида туштилар. Ва қочқонлар ҳаво иссигидин сувсаб, куб киши ўлди.

Насим фатҳ ва нусрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло иноятидин мансур черики сори бўлуб, душманни бостилар. Соҳибқирон урдуға тушти ва Ҳаққ таолоға шукру сипос беқиёс деди. Шаҳзодалар ва беклар барча йиғилиб, соҳибқирон қошига келиб юкунуб, мубаракбод дедилар. Ва бу фатҳ жумъа кунни, зул-ҳижжа ойининг ун тўққузида, торих секкиз юз тўртта (20.07.1402) воқий бўлди¹⁰¹⁸. *Вал ҳамду ли-Ллоҳ вал минна.*

Мансур черики қайсари Румни тутуб, соҳибқирон қошига келтургонлари

266a Ул жамоатким, Йилдирим Боязиднинг кейнида бориб эрдилар, Султон Маҳмудхон Йилдирим Боязидқа етиб, / ани тутуб келтурди. Намози хуфтан эрдиким, Йилдирим Боязидни даргоҳи олампаҳоҳда келтурдилар. Соҳибқирон фармонладиким, «Эликини ечиб, ҳурмат била кийурсунлар!» Бас, ани ҳазрат қошида иззат била кийуруб, ҳазрат ани кўруб, куб иззат тутуб, ўз қошида ултургузди ва дедиким, «Ҳар нечаким, сенга насиҳат қилдуқ, эшитмадинг. Ва бу воқийа ўзунгдин сенга келди. Ва менга сўзлар айтиб йибардингким, зарурат бўлуб сенга келдим. Йўқ эрса, сен мулозимат билан бизнинг била маош қилур эрдинг. Сенга мундоқ кун учрамас эрди. Ва мен мунчаким таҳаммул қилдимки, шояд сен инсоф йўлига киргайсен ва мусулмонларга ташвиш бўлмагай. Ва агар сен менинг сўзумга кириб, йахши маош қилур эрдинг, мен сенга черик берур эрдимким, бариб ғазо қилур эрдинг. Ва черикдин бошқа нечаким сенга мол ва аслаҳа ва от ва йароғ керак бўлса эрди, мен йибарур эрдим. Азмойиш учун сендин Камох қалъасини тиладим ва дедимки, бир йахши кишингни йибаргил, то шарт ва аҳд қилгайбиз. Ҳеч қайси била амал қилмадинг ва сендин муҳолифатдин ўзга иш зоҳир бўлмади. Бу жиҳатдин бу кунга учрадинг. Ва барчага равшан турурким, агар бу қиссаким, сенга воқий бўлди, агар менга воқий бўлса эрди, сен менга ва черикимга нелар қилур эрдинг. Аммо бу жиҳатким, ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло менга нусрат берди, сенга ва сенга тааллуқ кишиларга йахшилиқдин ўзга иш қилмағумдур».

266b Йилдирим Боязид хижил ва мунфаъил бўлуб, гуноҳини бўйнига олиб деди: «Бали, мен хато қилдимки, соҳибқироннинг сўзини эшитмадим, бу жиҳатдин ҳаромни топтим. Агар соҳибқирон афв қилиб, гуноҳимдин кечса, мен фарзандларим /била то тирик бўлсам хизматдин ўзга иш қилмагаймен».

Соҳибқирон лутфу карамидин анга подшоҳона тўн кийдурди ва йахши сўзлар била кўнглини олди. Қайсар бу лутфу карамни кўруб дуолар қилгондин сўнг арзадошт қилдиким, «Ўғлонларим Муса ва Мустафо урушда менинг била эрдилар. Ва кўнглум алар сори турур. Соҳибқирондин тавқиъ ул турурким, киши йибариб, алар аҳволидин хабар билсалар. Агар тирик ва агар ўлук бўлсалар менга хабар келтургайлар».

Соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Тавачилар юруб алардин хабар келтурсунлар!» Ва неча кундин сўнг Мусани топиб, соҳибқирон қошига келтурдилар. Ва соҳибқирон анга хосса тўн кийдурди ва атоси қошига йибарди. Йилдирим Боязид учун подшоҳона оқ уй тикиб эдилар. Соҳибқирон Йилдирим Боязидқа иноят ва шафқатлар қилиб, ҳар кун анга ўз қошида келтуруб, суҳбат тутуб, кўнгул берур эрди.

Соҳибқирон Рум мамлакатига шаҳзодаларни ва бекларни йибаргони ва фатҳномалар Эрону Туронга йибаргони

Ҳазрат соҳибқирон андин кучуб, Анкурийа мурғзориди келиб тушти ва Йаъқуб кутвол тазарруъ ва ниёз била қалъадин чиқиб, шаҳарни тобшурди. Ва ани Али Султон Тавачиға тобшурдилар. Ва уммол ва девон ҳукм билан

моли амон учун Анкурийага кирдилар ва ул молини тушуруб, хазиначиға тобшурдилар.

267a Соҳибқироннинг хотири қайсардин фароғат топиб, фармон эттиким, «Амирзода Муҳаммад Султон унғ қўлдин Бурсаға борғайким, Румнунг пойтахти туруп. Ва амирзода Або Бакр ва Жаҳоншоҳбек ва Шайх Нуриддинбек ва Севинчакбек анинг била бийла бореунлар». Ва дедиким, /«Шайх Нуриддин Бурсаға кириб хазинани забт қилғай. Ва шаҳзодалар ва беклар Асрайқа суйиким, Бўғози Искандар машҳур туруп¹⁰¹⁹, бориб андағи эл-улусни чобеунлар. Ва амирзода Султон Хусайн ва амирзода Искандар ва Сулаймоншоҳбек ва Рустам Тагай Буга ва Сайид Хожаи Шайх Али Баҳодур ва Пир Али Сулдуз ва ўзга беклар Қўнийя¹⁰²⁰ ва Оқшаҳр¹⁰²¹ ва Қаро Ҳисор¹⁰²² ва Аланийя¹⁰²³ ва Адалийага¹⁰²⁴ бореунлар!» Андин сўнғ ҳукм бўлдиким, «Муншийлар фатҳномалар Эрону Туронга битиб йибарсунлар!» Муншийлар мисли Мавлоно Шамсуддин Мунший ва ўзга муншийлар ултуруб фатҳномалар битиб, Эрону Туронга йибардилар. Ва бир фатҳнома Султонийага — ҳарамларга йибардилар ва йана бир фатҳнома Самарқандқа йибарди ва йана бир [фатҳнома] Кобул ва Зобул ва Синдга йибардилар. Ва йана бирин Форс вилоятига амирзода Рустамга йибардилар. Туркистон ва Кошғар ва Хўтан ва Бадахшон ва Хуросон ва Хоразм ва Мозандарон ва Табаристон ва Гилон ва Озарбайжон ва Ироқи Араб ва Ироқи Ажам ва Кач Мекрон ва Сейистон — барча вилоятларга фатҳномалар йибардилар. Ва фатҳномалардин бир фатҳнома Дорулибода Иаздқа етти. Хожа Гиёсуддин Солор Семнонийким, ҳазрат соҳибқирон ани анда девон қўйуб эрди ва бозор ичида бир тим солиб, иморатқа машғул эрди. Бу хабар етконда ул тимни Дорулфатҳ от қўйди ва андоқ тим ер юзида йўқ туруп.

Алқисса, ҳукм бўлдиким, «Амирзода Халил Султон черики билан Самарқанд сори мутаважжих бўлсун ва андин утуб Туркистон сарҳадиға бориб, андағи йўлларни муҳофизат қилсунлар. Ва беклардин Мубашширбек ва Давлат Темур Тавачи анинг била бийла бореунлар!». Амир Оқ Буга Ҳиротда раҳмати Ҳаққа восил бўлди. Ҳукм бўлдиким, «Мизроббек шаҳзода била Хуросонғача бийла бореун ва Хуросонга етиб, анда турсун».

2676 Соҳибқирон Анкурийадин кўчуб, олти манзил /юруб, Сури ҳисорига келиб тушти. Ҳисор устига чиқиб барча ерни тафарруж қилди. Бу ердин амирзода Шоҳрухни ўн тумон киши била Қўлҳисор ва Астанус ва Кабтарга йибарди. Соҳибқирон андин кўчуб, икки кеча-кундуз юруб, Кутаҳийага¹⁰²⁵ келиб тушти. Ва ул шаҳарнинг ҳавоси осурд йахши эрди ва мейваси куб эрди. Бир ойғача анда ўлтурди. Андағи элға амон бериб, моли амоний солиб олдилар. Ва Темуртошким, бу ернинг ҳоқими эрди, андин куб мол ҳосил бўлди. Ва Кутаҳийага тушконда Шоҳ Маликбек ва Абдулкарим Ҳожи Сайфуддин ва қўшун бекларидин Ийдхожа ва Шайх Али Силоий ва Шайх Али Ҳожи Сулдуз ва ўзга бекларни Гереда¹⁰²⁶ ва Хужаэли¹⁰²⁷ ва Ментешага йибарди. Румнунг бўлгон мамлакатига Дарёйи Мағрибгача¹⁰²⁸ нусратшиғор черики тўлди. Ва қайсари Рум ўғлонлари била соҳибқирон қошида фароғат била ўлтурди.

Соҳибқироннинг муборак кўнглида кечдиким, неча кун фароғат қилғай. Шаҳзодалар ва беклар била ўлтуруб фароғат қилғай. Шеър:

Шоҳи Турону хусрави Эрон,

Чунки бўлди муйассар анга жаҳон.

Хоссаким, бўлди фатҳ мулкати Рум,

Бўлди тобиъ чи шаҳр, чи бару бум.

Чунки берди худой фатҳу зафар,

Элига адл қилди ул сарвар.

Адлдин сўнғ фароғат айлади шоҳ,

Айшу ишрат била тамоми сипоҳ.

Сабоҳдин ахшомғача тонготқунча шаҳриёр соҳибқирон май чун аргувон офтоббек соқийлар эликидин нўш этар эрди. Ва муғаннийлар созлар чалиб, нағмалар қилиб, шаҳриёрға ситойиш қилур эрдилар.

268a Черикларким, вилоятлар сори бориб эрдилар, баъзилари ёниб, анча мол била келур эрдиларким, ҳеч сони йўқ эрди. Кишидаким, бир от йўқ эрди, анга илқилар бўлди. Ва улким, анинг куни юз меҳнат била /кечар эрди,

анга анча тажаммул бўлдим, ниҳояти йўқ эрди. Ва ҳазрат соҳибқирон Темуртошдин олган молни бекларга улаштурди.

Амирзода Муҳаммад Султоннинг сўзикаим, Бурса сори кетиб эрди

Амирзода Муҳаммад Султонким, ҳукм била Анкурийадин илғор қилиб Бурсага бориб эрди, андоқ таъжил билан сурдиким, беш кунда Бурсага етти ва ўттуз минг кишисидин тўрт минг киши анинг била бийла келди. Ўзгалар барча йўлда қолдилар. Шаҳзода Бурса шаҳрига етконда Йилдирим Боязиднинг ўғли Мусулмон Чалабий бурун келиб хазинадин анчаким эликига тушти, олиб кетиб эрди. Ва мамлакат улуғлари ҳар қандаким куч-қувват бор эрди, аҳли аёлини олиб, баъзилар Кушеш тоғига¹⁰²⁹ бориб эрдиларким, Бурса анинг этагида воқия турур; ва баъзи кишилар дарё йақосига бориб эдилар. Мансур черики аларнинг кейнида тушуб, барчани тутуб банд қилдилар. Ул жумладин Шайх Шамсуддин Муҳаммад Жазарий Бурсанинг улуғлари била ва Сайид Муҳаммад Бухорий ва Мавлоно Шамсуддин Фанорий ва ўзга ақобирлар ва маволийларким шаҳардин чиқиб эрдилар, Гири саҳросида¹⁰³⁰ мансур черики аларга етиб талаб, барчани тутуб, Шайх Нуриддинбек қошида келтурдилар. Ва қайсарнинг хотуни ва [икки] қизи Йангишаҳра¹⁰³¹ бировнунг эвида йашунуб эдилар ва Султон Аҳмад Жалойирнинг қизикаим, Йилдирим Боязид ўғли Мустафо учун қалинлик қилиб эрди, булар барча эликка туштилар. Ва айтиб эрдукким, Султон Аҳмад йана Бағдоққа борибдур ва анинг қиссаси юқори кетти.

Аммо Қаро Йусуф эшиттиким, зафарнаноҳ черики Қайсарийага етти, Бурсадин қочиб Қиллага ва Арабистонга кетти. Ва Бурсаким, пойтахт эрди, соҳибқиронга мусаллам бўлди.

2686

Шайх Нуриддинбек қалъага /кириб, Йилдирим Бойазиднинг хазинасимким, тўла жавоҳир ва қумош эрди, тасарруф қилдилар ва шаҳарни ташаб, горат қилдилар.

Амирзода Муҳаммад Султон сув йақолаб борди. Ва амирзода Або Бақр ўн минг киши била ўнг қўлдин Изник¹⁰³² сори бордиким, Румнунг улуг вилоятларидин эрди ва анинг обу ҳавоси асру йахши эрди. Ва қалъаси тошдин эрди, асру банд ва берк ер эрди ва бир дарвозасида бир дарёча тушуб юрур эрди¹⁰³³, суйи асру латиф ва зебо эрди ва Бўғози Искандарга йақин турур ва Истанбул ва Галата гузарига¹⁰³⁴ йақин турур.

Севинчакбекни черик била Катиди сори дарё йақосига йибарди ва алар ул ерларни чопиб, дарёгача бордилар. Ва амирзода Або Бақр тақи Изникка бориб, дарё йақинигача чобти. Мусулмон Чалабий анда эрди, жетағийлардин қўб киши анга жамъ бўлуб эрдилар, чун эшиттиким, мансур черики пайдо бўлди, кемага кириб қочтилар ва Асрақийага¹⁰³³ бордилар, хотунлари асир бўлди.

Амирзода Або Бақр Изник фатҳ бўлгон хабарини амирзода Муҳаммад Султонга йибарди ва айтиб йибардиким, «Бу вилоятлар барча фатҳ бўлуб, Мусулмон Чалабий ўзини сувга солиб қочти». Шаҳзода Муҳолиж мурғзорида¹⁰³⁶ ўлтуруб эрди. Бу хабар анга етконда юз йахши кишисини соҳибқиронга йибарди. Ва амирзода Або Бақр тақи Оқ Султонни бир шунқор била соҳибқиронга йибарди. Ва Бурса Қутахийадин икки марҳала йўл турурким, жангал турур. Жетағийлардин¹⁰³⁷ қўб киши қочиб ул жангалда кириб эрдилар. Жангалдин чиқиб мансур черикнинг йўлини тутуб уруштилар. Аммо соҳибқирон давлатидин Муҳаммад Қурмиший Йасурий ва Иброҳим Аҳмад ва Фахриддин ва Муҳаммад Қаландар ва Хизр юз киши била турур, ул жамоат била андоқ уруштиларким, малак фалақда таҳсин қилур эрди. /Охируламр, жетағийлар туролмай қочтилар. Алар ул жангалдин ўтуб, соҳибқирон қошига бориб хабарни арзадошт қилиб, пешкашларни торттилар.

269a

Ва Шайх Нуриддинким, хазинани забт қилиб эрди, олтуну жавоҳирни Шамсуддин Муҳаммад Алмалиғийга тобшуруб, йахши кишиларини анга қўшуб соҳибқиронга йибарди. Ул ҳам Қутахийада мулозиматқа етти. Олтуну жавоҳирларни соҳибқиронга тортти. Ва амирзода Або Бақр тақи қўб мол била илғордин қайтиб, Бурсага келиб, амирзода Муҳаммад Султонга қўшулди.

Ва Севинчакбек тақи дарё йақосидин қайтиб, буларга қўшулди. Ва амирзода Муҳаммад Султон черики билан кучуб, Йангишаҳр ўтлогиким, Бурсага йақин эрди, тушти. Амирзода Або Бакр соҳибқирон ижозати била қайсарнинг улуг қизини олди.

Амирзода Султон Ҳусайн ва Сулаймоншоҳбек қиссалариким, чобқунга бориб эрдилар

Амирзода Султон Ҳусайн ва Сулаймоншоҳбек бир жамоат беклар била сўл қўл сори чобқунга бориб эрдилар, кийикий туркмонларини таладилар ва Оқшаҳр ва Қароҳисорни олдилар. Ва Сулаймоншоҳбек вилоят забти учун ҳар ерда бировни даруга қўйди. Черкас Сувчини Оқшаҳрда қўйдилар. Вилоятларда моли амони солдилар ва Чуқур Балиг ва Қум Ҳамидни таладилар. Ва анча от ва тева ва қўй йигилдиким, черик анинг сурмагинин оғиз булди. Ва Моҳашаҳрни ва Оқсаройни олдилар ва бўлгон молни ўрдуға йибардилар¹⁰³⁸.

2696 Саййид Хожай Шайх Али Баҳодур Эл Ойдин вилоятига¹⁰³⁹ мутаважжих булди ва аларни талаб, дарё йақосигача борди. Муҳолифлардин ҳар кимни тобтилар, ўлдурдилар. Ва қайсарнинг хазинасини ва Бурсадинким, Шайх Нуриддинбек забт қилиб эрди, қатор-қатор юклар, Йилдирим /Бойазиднинг хотуни била қизларини келтуруб, соҳибқиронга арз қилди. Ҳазрат соҳибқирон Йилдирим Бойазиднинг хотунини ва қизларини киши-қаролари била Йилдирим Бойазидқа йибарди. Ва соҳибқирон давлатидин ул хотунким, бу чоққача кофир эрди, мусулмон булди¹⁰⁴⁰. Ва Шайх Шамсуддин Муҳаммад Ҳазарийни ҳам келтуруб эрдилар, соҳибқирон ани йахши кўруб, мулозим қилди. Ва амир Муҳаммадким, Қараманнинг ўгли эрди ва ўн икки йил эрдиким, Йилдирим Бойазид ани банд қилиб эрди, соҳибқирон қошига келтурдилар¹⁰⁴¹. Соҳибқирон ани йахши кўруб, тож ва камар олтун ва зарбофт хилғат бериб, Қараман вилоятини, Қуния ва Лоранда ва Оқсарой¹⁰⁴² ва Анталия ва Аланияни бўлгон тавобитлари [била] анга иноят қилди ва Оқшаҳрни анга берди¹⁰⁴³. Ва андин бери ул вилоятлар бу чоққача анинг фарзандларига тааллуқ турур.

Ҳазрат соҳибқирон Кутаҳийадин кўчуб борғони

270a Ҳазрат соҳибқирон бир ойдин сўнгким, Кутаҳийа йайлоқидин узун умри била айшу ишрат била ўткарди, андин саодат ва иқбол била кучуб борди. Йулда амирзода Муҳаммад Султон ва Шамсуддин Аббоским, Йангишаҳрда ўғруқ забтига туруб эрдилар, мулозиматқа келдилар. Ва амирзода Або Бакр ва Жаҳоншоҳбек ва Севинчак Баҳодур барча келиб ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлуб, пешкашлар торгтилар. Анда Сайин Темур била Муродни ва ағо-инилариниким, алардин йамон ҳаракат зоҳир бўлуб эрди, йасоққа еткурдилар. Ва амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Або Бакр ва бекларким анинг била бийла эрдилар, ҳукм била қайтиб Бурсага бордилар. Ва соҳибқирон Тўнгузлуг¹⁰⁴⁴ сори мутаважжих булди ва уқбадин ўтуб, Олтунтош жилғасига¹⁰⁴⁵ келиб тушти. Ва анда Хожа Ферузким, Асрақийа анга тааллуқ эрди, ўлдурдилар. Ва йана ул ерда суҳбатқа /машғул бўлуб, моҳруйлар ва офтоб талғатларининг эликларидин бодалар тутуб ичабошладилар. Ва муғаннийлар йахши унлар била ва зурафо мавзун таъблари била суҳбатни ораста қилдилар. Ва суҳбатда наким керак эрди, ҳаддин [зиёда] ва гоятдин афзун эрди. Назм:

Мажлиси эрди равзадин хуштар,

Соқийси ҳуру бодаси гавҳар.

Ҳар неким, анда тилар эрди дил,

Барча эрди ушул замон ҳосил.

Ул суҳбатда ҳазрат соҳибқирон Йилдирим Боязидни чорладиким, кўнглини олиб, ани хушҳол қилдургай. Йилдирим Боязид мажлисда кириб ўлтурди. Соҳибқирон ани иззат тутуб, кўб ваъдалар қилди ва ул жумладин

бири бу эрдиким, Рум вилоятини бурунгидек йана анга багишлади. Ва ул суҳбатда Йилдирим Боязидни асру хушхөл қилди. Ва андин соҳибқирон кучуб, Тунгузлуққа борди.

Соҳибқиронга ҳар тарафдин элчилар келгонлари ва ҳазрат, ¹⁴ тақи ҳар сори элчилар йибаргонлари

Ҳазрат соҳибқирон Мавлоно Бадриддин Аҳмад ибн Шайх Шамсуддин Ҳазарийни элчиликка Мисрга йибарди. Ва сӯзи буқим, «Рум мамлакати барча бизга мусаххар бўлди. Керакким, Миср ва Шомда хутба ва сикка бизнинг отимиз билан музайян бўлғай ва Аталмишни бизга йибарингиз. Ва агар андоқ қилмасангиз Румдин қайтиб, ул сори мутаважжих бўлурбиз!», деб фатҳнома билан неча кишисини қўшуб, [ва торих жумъа куни, рабиъ ал-аввал ойининг бошида, саккиз юз бешда (29.09.1402)] Мисрга йибарди.

Ва Мавлоно Умар ҳукм била алар била Адалийага бориб, барчани кемага кийуруб, Искандарийа бандаридин ўтуб, Мисрга бордилар¹⁰⁴⁶. Ва Мавлоно Умар қайтиб келди. Ул маҳалдаким, соҳибқирон Кутаҳийада ўлтуруб эрди, икки киши Қўстантинийақим Истанбул била машҳур турур, мол ва бож учун Такур хузурига йибариб эрди ва ўзга икки киши Мусулмон Чалабийқим, Асрақийага қочиб эрди ва Гузал ҳисордаким, атоси Истанбул ўтрусиде йасаб эрди, анда кириб ўлтуруб эрди, анга йибарди. Ва дедиким, /«Бизга келгил ё мол йибаргил. Йўқ эрса сенга черик боргуси турур!». Бу маҳалда Истанбулга боргон элчилар келдилар. Ва Такур алар била кишисини қўшуб йибариб эрди. Сӯзи буқим, «Ҳар неким ҳазрат соҳибқирон деб турурлар, миннат жонимга хизматда турубмен. Могу бож йибарурмен». Ва элчилар била қўб қизил тангалар била қумошлар ва отлар йибариб эрди. Соҳибқирон анга жузя муқаррар бўлгон жузяни қабул қилдилар. Соҳибқирон аларга тунлар кийдуруб, ижозат берди.

Соҳибқирон Булақ мавзёсида етконда, Мусулмонга боргон элчилар қайтдилар. Ва ул Шайх Рамазон отлиқ кишини, атоси қошида садр ва қози эрди ва вазир ҳам бўлуб эрди, ҳазрат қошида йибарди. Қўб пешкашлар била жониворлар ва отлар ва қизил тангалар ва рахту қумош келтуруб торгтилар. Ва сӯзи буқим, «Мен бир камина хизматкорларингиздинмен. Ул ҳазрат атомни багишлаб, ўз суҳбатида ўлтургузуб, лутфу карам қилурлар. Мен не учун хизматда тақсир қилғаймен. Ҳар маҳалким, ишорати алайҳи бўлғай, таваққуф қилмай хизматда келгум турур». Соҳибқирон анинг суъларидин хушхөл бўлуб, анга хат битди: «Ҳар неким воқий бўлуб эрди, бўлди. Биз барчадин кечтук. Эмди керакким ҳеч андиша қилмай бот келгайсен, то ародин шармандалиқ кеткай. Ва инояту шафқатимиздин баҳраманд бўлгайсен». Шайх Рамазонни олтун камар ва зарбофт тун била ва олтун тож била сарафроз қилиб, ижозат бериб, Мусулмонга йибарди. Ва Султон Маҳмудхонким, Шоҳ Маликбек билан чобқунга бориб эрди, хаста бўлуб Кичик Бурлағда¹⁰⁴⁷ вафот бўлди. Бу хабар соҳибқиронга етиб, басе, мутааллим бўлди. Ва Шоҳ Маликбек чериги била Кичик Бурлағда ва Оқ Тақа ва Адалийақим, дарёнинг йақосида турур, барчани чобти. Ва Адалийда /
271a Шайх Али Салой ва Шайх Ҳожи Сулдуз урушда ўлди. Шоҳ Малик андин тун қайтиб, дарёнинг йақосини чобгилар ва Ментеша вилоятини ва Така элини¹⁰⁴⁸ таладилар. Ва қўб мол била қайтиб, ўрдуға келиб қўшулдилар.

Ва Саййид Али Ҳожаи Шайх Али Баҳодурким, Ойдин элига чобқунга бориб эрди, андин қайтиб Тунгузлуққа бориб эрди, ул ернинг ҳавоси йамон эрди, черики анда хаста бўлуб, қўб кишиси вафот бўлди. Ва ўзи тақи мариз бўлди. Соҳибқирон анга сураборди. Ҳазрат мақдамидин анга шифойи бўлди. Ва ул ерда бир булоғи бор эрдиким, сув андин чиққач тош бўлур эрди. Черикидин ҳар ким билмай андин ичти, ўлди.

Соҳибқирон қишлоқ учун юрт муқаррар қилғони

Соҳибқирон шаҳзодалар била қишлоқ учун кенгашти ва шаҳзодалар била бекларга ҳар бирига бир шаҳар муқаррар бўлдиким, «Анда бориб қишласунлар». Амирзода Муҳаммад Султонга киши йибардиким, андаги элини Саруҳон элида шаҳри Мағнисийада¹⁰⁴⁹ қишлоқ қилиб ўлтурсун!».

Шаҳзода Йангишаҳр ва Бурсадин кучуб, Мухолиж¹⁰⁵⁰ сори мутаважжиҳ бўлди. Ва ул ерда неча кун таваққуф қилиб, андин илғор этиб, Баликасирига¹⁰⁵¹ борди. Ва ул шаҳар ва вилоятни талаб, бир ўтлоғда тушти. Йарим кечада Илёс Сувбоши жетағийлар билаким анда эрдилар, шаҳзодага шабихун келтурдилар. Ва Вафодор жигдавуллуққа¹⁰⁵² чиқиб эрди, алардин хабар топиб, шаҳзодага киши йибариб, воқиф қилдурди. Аммо мухолифлар ўрдуға тўктилар. Ва шаҳзаданинг кишиси чобқунға бориб эрдилар ва ул жамоатким, ўрдуда қолиб эрдилар, барча гофил этиб эрдилар. Аммо шаҳзода отланиб, ўрдудин чиқиб, Жаҳоншоҳбек ва ўзга беклар жамъ бўлуб, ул бадбахтларни ўлдуруб, қирдилар ва йана қайтиб ўрдуға кирдилар.

- 2716 Ва шаҳзаданинг кейин қолгон бору бунаси етишти ва неча / кун ул ерда таваққуф қилди. Ва Жаҳоншоҳ ва Севинчакбекни Берғамга¹⁰⁵⁸ сори йибарди ва алар ул шаҳар ва вилоятни таладилар. Шаҳзода савоҳилни чопиб, Мағнисийага борди ва анда қишлоқ солди. Мағнисийа бир тоғ этакида воқиф бўлуб турур ва суйи ва ҳавоси асру йахши турур ва қиши ёзидин ҳам йахшироқ.

Амирзода Шоҳрухни сўл қўл беклари била Кирмийан вилоятини¹⁰⁵⁴ қишлоқ учун муқаррар бўлди. Шаҳзода Улуғ Бурлағ ва Кичик Бурлағнинг йақинида қишлоқ солди. Ва соҳибқирон Тунгузлуғға еттиким, ул бир шаҳри эрди тўла нсъмат ва латиф мейвалари ва суйи ва ҳавоси асру зебо эрди. Андағи элни июнатлар қилиб, ҳеч ташвиш бермадилар. Соҳибқироннинг черики Мендурас суйидинким¹⁰⁵⁵, Темуртош аша кўфрук боғлаб эрди, ул кўфрукдин ўтуб туштилар. Ва бир ерда Ментешанинг ўғлонлари¹⁰⁵⁶ Амир Муҳаммад ва Исфандиёр хизматқа келдилар. Соҳибқирои аларни йахши кўруб, олтуп тож ва камар берди. Исфандиёр мулозиматда туруб, Амир Муҳаммад қабул қилиб, муҳассиллар билаким, Илёс Қавчин ва Ферузшоҳ ва Некруз Шарбатдор билан қайтиб вилоятига борди. Ва ҳазрат соҳибқирон Гўзал ҳисорға етиб, неча кун анда таваққуф қилди. Ва анда бир тоғи эрдиким, ул тоғда икки юз киши жетағийлардин анда туруб эрди. Ва черикдин ҳар кишиким, ўт ва ўтин учун ул тоғқа борур эрди, алар ул кишини тутуб ўлдуруб эрдилар. Соҳибқирои алардин хабар билиб буюрдиким, кечада бир жамоат киши бориб ул тоғни ўртада олдилар. Субҳда ул бадбахтларға етиб, барчани тутуб ўлдурдилар. Ва андин қайтиб ўрдуға қўшулдилар. Ва ул ерда Мавлоно Абдулжаббор Хоразмийким, беҳузур эрди, вафот бўлди. Ва соҳибқирон / неча кундин сўнғ Гўзал ҳисордин кўчуб,

- 272a Айаслиқ шаҳриға келиб тушти ва неча кун анда туруб, андин моли амоний олиб, бировни анда даруға қўйди. Ва Насруллоҳ Тамғачини анда мол забти учун қўйди. Ва андин кўчуб Тираким¹⁰⁵⁷, Румда машҳур шаҳарларидин эрди, тушти. Ва анда тақи муҳассиллар қўйуб, моли амоний олдилар. Ул жамоат кишиким, Амир Муҳаммад Ментена билан мол учун бориб эрдилар, кўб мол билан ва пешканларким Амир Муҳаммад йибариб эрди, келтурдилар. Ва бу ерда келиб, барчани арз қилиб тортилар.

Бу маҳалда ҳазратқа дедиларким, дарё йақосида бир қалъа турурким, тошдин қўпориб турурлар. Уч ёни дарё турур ва бир ёни қуруқ сори турур. Ва ул ёниким, ҳашаки сори турур, хандақи асру улўғ қазиб турурлар. Ва фарағ кофирларидин анда кўб киши жамъ бўлуб турур ва ул қалъани Измир дерлар¹⁰⁵⁸. Ва ул ерни асру азиз тутарлар. Андоққим, ўзга вилоятлардин ҳар йил анга зиёрат учун келурлар ва назирлар ва садақалар берурлар. Ва анинг йақинида йана бир қалъа турур, ани тақи Измир дерлар ва андағи эл мусулмон турурлар. Ва бу қалъа билан ул қалъа аросида доим уруш турур. Ва булар ҳаргиз ҳеч ношоҳға мол ва хирож бермайдурлар ва доим мусулмоиларға зарар-заҳмат берурлар. Ва Йилдирим Бойазиднинг атоси Мурод неча қатла черик тортиб боргон турур, ул ерни олмайду. Ва Йилдирим Боязид етти йил қамал қилиб ололмагонду. Ва мусулмонлар ул ҳисордин кўб заҳматда турурлар.

Соҳибқирон Измир сори бориб, қалъани фатҳ қилғони

- 272b Измир кофирларининг қиссасини соҳибқирон эшитти, Ислол гайрати ҳаракатда келиб, аларнинг дафъини вожиб ва лозим билиб, ҳукм қилдиким, «Амирзода Нир Муҳаммад Умаршайх / ва Шайх Нуриддинбек ва ўзга

беклар ул қалъа сори мутаважжих бўлсунлар. Ва суннат тариқаси била аввал аларга элчи йибариб, ҳазрат Расул алайҳи афзалус-саловат ва ажмалут-тахиййот динига даъват қилсунлар. Ва агар қабул қилмагайлар, жузъя ва мол муқаррар қилдурсунлар. Ва агар давлат ва саодат аларга мадад қилиб, иймон ва Исломга киргайлар, аларни йахши сийлаб, таъарруз қилмасунлар ва қайтиб келсунлар!» Шаҳзода билан беклар қабул қилиб, отланиб, таваққуф қилмай юридилар. Измирга йақин етиб элчи йибардилар ва андағи элга ваъда ва бимдин сўзлар деб йибардилар. Азалда ҳукм бўлуб эрдиким, аларга завол бўлғай. Насихат сўзлари аларга ҳеч фойда қилмади ва қаттиқ сўзлар жавоб деб йибардилар. Ва Маҳнуским¹⁰⁵⁹, қалъанинг ҳокими эрди, Фаранга тааллуқ вилоятларига, чун Руман ва Ғалата ва Сантус ва Верден ва Хинжил ва Вируна ва Сирудамли ва Самдук ва Амрур ва Атина ва Дараклу¹⁰⁶⁰ ва тавобитлариға киши йибариб мадад тилади. Ва Фарангдин бир жамоат сардорлар ва баҳодурлар анда жамъ бўлуб эрди, ва захира ва аслаҳа анда кўб тартиб қилдилар.

Ислом черикининг боргон кишиси бу ҳолдин огоҳ бўлуб, келиб арзадошт қилди. Шаҳзода тақи бу хабарларни арзадошт қилиб, соҳибқиронға йибарди. Бу хабарларни соҳибқирон эшитиб, узига фарз кўрдиким, газога мутаважжих бўлғай. Уғруқни Шаҳри Тира тоғи этагида қўйуб, бовужуд улким, киш эрди ва йамгур ва қор доим ёғар эрди, газо нийати қилиб отланди. Ва ҳазрат Ҳаққ июнотидин Измир сори мутаважжих бўлди. Шанба куни, жумада ал-аввал ойининг (олтисида) торих саккиз юз бешда (02.12.1402) газога Измир сори юриди. Ва шаҳзодаларға ва бекларға киши чобтурди. Амирзода Муҳаммад Султон Магнисиёна қишлоғидин ва амирзода Мироншоҳ

273a ва ўғли амирзода Або Бакр ва Жаҳоншоҳбек ва узга/ бекларким, алар била бийла эрдилар, барчаси ҳазрат сори мутаважжих бўлдилар ва Измир сори юридилар. Соҳибқирон зафарқарин ул қалъаға йақин етиб, жушу хуруш фалак ичра солди ва ул сориким қуруқ эрди, анда келиб уруш солди. Манжаниқ ва аррода ва гайруҳу қалъаға туздилар. Ва ҳисордағи эл ҳам урушмаққа машғул бўлдилар. Бу маҳалда амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Мироншоҳ келиб ҳазратқа қушулди. Ва амирзода Муҳаммад Султоннинг йигитлари қалъа сори бориб йахши ишлар қилдилар.

Алқисса, икки тарафдин уруш эрди. Ва бир-бирига ўқ ва тахш ва раъдандоз отар эрдиларким, йамгурдек. Ва соҳибқирон ўзи илгари бориб, жадду жаҳд қилур эрдилар. Нағамчилар нағамлар солиб, тошларни чиқариб, ҳисорни буржларини йағочлар устида тутқондин сўнг ўт урдилар ва йағочлар куйгондин сўнг бурж-бора йиқилди ва кофирлардин кўб киши қалъа устига чиқиб тургонда чун буржлар йиқилди, алар тақи бош батубан йиқилдилар ва жаҳаннамға бордилар. Ва ғозийлар юруб раҳналардин кирдилар ва кофирларни мақхур этиб, қалъани мусаххар қилдилар. Ва ферузлуқ субҳи матлаъ наср мин Аллоҳи ва фатҳ қарибдин зоҳир бўлуб, мўминларнинг жонлари ва башарал-мўминин хабаридин мунаввар бўлди. Ва ул фатҳ мусулмонларға улуг ийд эрди. Кофирларни қирдилар ва Измир қалъасини буздилар ва аларнинг бошларидин миноралар қўпордилар. Ва Фаранг соридин мадад учун кофирлар йароғлари била улуг кемалар билан келиб, Измирдин ном-нишон кўрмадилар, ҳайрон бўлуб дарё юзида турдилар. Соҳибқирон буюрдиким, кофирларнинг бошларини раъдқа қўйуб, алар сори ташладилар. Кофирлар бошларни кўруб, қўрқуб қочтилар. Соҳибқирон /икки ҳафтаға қолмай Измирни тасхир қилдилар. Андағи элким, бу

273b фатҳни эшиттилар, барча таажжубқа қолдилар. Хоссатан Йилдирим Боязидким, ҳайрон қолиб эрди ва барчаға маълум бўлдиким, соҳибқиронға бу иш узга ердин турур.

Йилдирим Боязиднинг ўғлонларидин элчилар келгонлари

Шайх Рамазонким, Мусулмон Чалабийдин элчиликка келиб эрди, йана келди. Ва беклар ани соҳибқирон қошиға кийурдилар. Ҳазратни кўруб пешкашлар торгги —отлару қушлар ва қизил танғалар ва рахту қумошлар. Арзадошт этиб йибариб эрдиким, «Чун соҳибқирон атом Йилдирим Боязидқа лутф ва марҳамат қилиб турурлар, барча ул ҳазратдин умидвор бўлуб,

жон била хизмат камарини боғлабтур. Ва ҳар неким амр бўлса жон била қабул қилурбиз». Келгон киши бу сўзин арзадошт қилди. Соҳибқирон лутфу карамидин қайсарзодага шафқат қилиб Асрақийани бўлгон тавобиъи билан анга мусаллам тутуб, нишон битиб, ол тамга босиб, анга йибарди. Ва зарбофт тун ва олтун камар ва эгар-югани олтуллуқ от ва мурассаъ тож йибарди. Ва элчисини ижозат берди. Ва иниси Иса Чалабийдин ҳам Қутбиддин отлиқ бир киши элчиликка келди. Ҳазратни кўруб пешкашларини тортиб арзадоштини ўқудилар. Анга тақи лутф ва марҳамат қилди.

274a

Ҳазрат соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Қалъаи Фавжаким¹⁰⁶¹ бир кунчилиқ йул Измирдин йироқ турур ва дарё йақосида эрди, амирзода Муҳаммад Султон ул сори борсун!» Ва бир жамоат фарангийлар анда кириб эрдилар. Шаҳзодага ҳукм бўлгондин сўнг ул қалъага бориб тушти. Қалъа эли мансур черикининг келгонидин воқиф бўлуб, қўрқуб, барча тазарруъ ва ниёз била қалъадин ўтрув бориб, шаҳзодани кўруб жузъя қабул қилдилар. Шаҳзода / алардин жузъя олиб, соҳибқиронга хабар йибарди. Ҳазратдин ҳукм бўлдиким, «Йана шаҳзода Мағнисийага бориб қишлоғида ўлтурсун!» Ҳукм бўлгондин сўнг шаҳзода Мағнисийада келиб, ўғруқ тургон ерида келиб тушуб, фароғат била ўлтурди.

Соҳибқирон Измир қалъасидин қайтқони

Соҳибқирон Измирни мусаххар қилгондин сўнг йана Измир қалъасиким, анда мусулмонлар эрди¹⁰⁶², мутаважжих бўлди. Ва алар ҳазратдин хабар билиб, барча ўтрув келиб, соҳибқиронни кўрдилар. Ҳазрат аларга куб шафқат қилиб, тўнлар кийдурди ва жайбалар ва ўқ ва ёй ва барча аслаҳадин аларга иноят қилдиким, ул сарҳадда газо қилгайлар ва қўймагайларким, кофирлар мусулмонларга ташвиш бергайлар. Мусулмонлар соҳибқирон давлатидин шодмон ва шукуфта бўлуб, хушҳол бўлдилар. Соҳибқирон андин кўчуб, ўғруқда келиб тушти. Ва андин кўчуб, давлат ва саодат била юруб, Аёзлиқ саҳросида¹⁰⁶³ келиб тушти.

Амир Сулаймоншоҳким, Анкурийадин чобқунга бориб эрди, Асвоқ йулидин юруб, амирзода Мироншоҳга қўшулди ва ўзи неча киши билан соҳибқироннинг мулозиматиға мутаважжих бўлди. Ва бу ерда келиб, ҳазратни кўруб, йана бот қайтиб шаҳзодага қўшулди.

274b

Ва Афранж мулкларидин Субах отлиқ, жазираи Сақани¹⁰⁶⁴ мастаки андин ҳосил бўлур, анга тааллуқ эрди, соҳибқирондин хабарлар эшитиб, анга ваҳм бўлуб, кўб пешкашлар била бир кишинини йибарди. Ва дедиким, «Тобиъ ва фармонбардормен ва жузъя қабул қилурмен ва умидворменким, сўзум қабул бўлгай». Анинг элчиси ҳазрат қошиға келиб, пешкашларини тортиб, сўзларини арзадошт қилдилар. Соҳибқирон лутфу карамидин келгон элчини йахши сийлаб, жузъя муқаррар бўлгондин сўнг ижозат бериб, йибарди ва ҳукм қилдиким, «Амирзода /Искандар Умаршайх ва Али Султон Тавачи ва ўзга беклар черик била илгор қилиб, Элбазамни¹⁰⁶⁵ чобсунлар!» Алар таваққуф қилмай бориб, ул навоҳийни чобтилар ва кўб мол олдилар. Ва андин музаффар ва мансур қайтиб, ўрдуга келди. Ва ҳазрат соҳибқирон Аёзлиқдин отланиб, Тунгузлуқ жилгасида келиб тушти. Амирзода Муҳаммад Султонким қишлоқ Мағнисийадин чиқиб эрди, шаҳар йулидин таважжуҳ қилиб, неча хосса кишилари била илгари суруб, ҳазрат қошида келди, сўнг ҳазратни кўрунуш қилди. Соҳибқирондин фармон бўлдиким, «Унг қул ва сўл қўлнунг черики Анкурийаға мутаважжих бўлсунлар. Ва Қайсарийаға бориб ўрдуга қўшулгайлар!». Ва шаҳзодалар Тунгузлуқда турдиким, черики етишти. Ва соҳибқирон андин кўчуб, Султон ҳисориға¹⁰⁶⁶ бориб тушти. Ва бир жамоат жетагийларким, андаги тоғларда кириб эрди, ҳукм бўлдиким, «Барчани тутуб ўлдурсунлар!». Ва соҳибқироннинг лутфу карамидин Кутаҳийа ва Тунгузлуқ ва Қиршаҳр¹⁰⁶⁷ ва Кирмиён улусини Йаъқуб Чалабийға бердиким, ул вилоятлар анга мерос эрди. Ва Йилдирим Бойазиддин қочиб Шомга бориб эрди. Шом фатҳ бўлгондин сўнг соҳибқироннинг мулозиматида эрди. Анга хилъат ва камар бериб, ул вилоятда қўйди. Ва ул вафот бўлуб, ўғлонларида турур.

Соҳибқирон Улуг Бурлақ қалъаси йулиға кириб борди. Амирзода Шоҳрух қишлоғидин келиб, соҳибқиронга қўшулди. Ҳазрат қалъаға еткондин

сўнг ҳукм бўлди, «Қалъа тасхирига машғул бўлсунлар!» Мансур черики таваққуф қилмай қалъани олдилар. Жалол ал-Исломга анда уқ тегиб, вафот бўлди. Бу жиҳатдин қалъани ер била тенг қилдилар.

Эгридир¹⁰⁶⁸ ва Насибин қалъаларини фатҳ қилғони

275а Ҳамид вилоятида¹⁰⁶⁸ буҳайра турур, улуг ва узунлуғи йигирми йағоч ва йассилиғи тўрт йағоч ва неча рудхона/ суйини анда тўкар. Ва анинг теграсида боғлару бўстонлар ва зироатлари бениҳоя турур. Ва анда бир қалъа бор эрди, томи барча йўнган тошдин эрди ва тарихларда ани Фараҳобод дерлар. Ва ул қалъанинг уч ёни сувга туташ турур ва бир ёни тоғқа туташ турур. Ва ул буҳайра ичида икки жазира эрди, шаҳарга йақин эрди: бирини Гулистон дерлар ва йана бирини Насибин. Ва Насибин улугроқ эрди. Анда қалъа йасаб, иморатлар ва боғлар ва зироатлари бор эрди. Ва бу маҳалда анда қўб киши йигилиб, сув жиҳатидин анга эътамид қилиб ултуруб эрдилар. Алардин ҳазрат соҳибқирон хабар топиб кўнглида туштиким, бу ерни мусаххар қилгай. Фармон эттиким, «Урду Оқшаҳрга¹⁰⁷⁰ боргай!». Йилдирим Боязид ул маҳалда мариз эрди. Соҳибқирон лутфидин неча табиби донони анга йибариб, муолижага машғул эрдилар: мисли Мавлоно Изуддин Масъуд Шерозий ва Мавлоно Жамолиддин Араб. Илди-рим Бойазидни ҳам угруқ била йибарди.

275б Улуг юртдин илғор солиб, аро қўнуб, шанба куни ражаб ойининг ўн еттисида торих саккиз юз бешда (10.02.1403) Эгридирга етти. Тонгласи соҳибқироннинг ишорати била амирзода Шоҳрух ва амирзода Або Бакр ва амирзода Искандар ва Султон Ҳусайн ва Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек ва Али Султон Тавачи ва Севинчабек ва узга беклар ва баҳодурлар ҳисорга мутаважжих бўлдилар. Баъзи тоғ устига чиқтилар ва баъзи тоғ этагидин уруш солдилар. Асру қаттиқ урушуб, соҳибқирон давлатидин қалъани фатҳ қилиб, шаҳарга кириб, мухолифлардан қўб кишини улдурдилар. Ва баъзиким қолди, узларини кемага солиб, Насибинга қочиб бордилар. Фармон бўлдиким, уди терисидин кемалар йасаб ва йағочлардин амдлар боғлаб, дарёга кирсунлар!» Амдлар ва кемалар тайёр /бўлгондин сўнг дарёга солиб, бўлгон шаҳзода кемаларга кириб, Насибин сори юриди. Ва ул ерни ўртада олиб, наққора ва нафирларини чалдуруб, сурон солиб, қалъага мутаважжих бўлдилар. Андағи элким, бу ҳолатни кўрдилар, барча саргашта ва ҳайрон бўлуб, Шайх Бобоким, анда ҳоким эрди, заруратдин қўрқуб, шаҳзодаларга кириб, амон тилади. Шаҳзодалар ани соҳибқирон қошига элттилар. Ҳазрат лутфу карамидин гуноҳидин кечиб ҳукм эттиким, «Ани уйи-эли била кўчурсунлар!»

Бас, мансур черики Насибинни мусаххар қилиб, молини ҳазратқа келтурдилар. Соҳибқирон барчани черикка улаштурди.

Бу маҳалда амирзода Муҳаммад Султон қошидин Мубашшир ўғли Уммат Султон келиб хабар келтурдиким, шаҳзодага андак марази воқия бўлуб турур. Соҳибқирон бу хабардин бисёр мутаалам бўлуб, Амон тавачини чобтурдиким, «Билур кишисини йибарсинким, бизга таҳқиқ хабар келтургай!» Соҳибқирон андин кўчуб, Оқшаҳр сори мутаважжих бўлди. Соҳибқироннинг йўли шаҳзода Шоҳрух ўлтургон ерда тушти. Шаҳзода ҳазрат соҳибқиронни эвига тушуруб, меҳмондорлик қилиб, пешкашлар тортти. Ва амирзода Султон Ҳусайн ва Сулаймоншоҳбек тақи хизматлар қилдилар.

Ул маҳалда Амир Муҳаммад Қарамон Қўнийадин олампаҳо даргоҳида келди ва қўб пешкашлар тортти. Соҳибқирон тақи ани йахши кўруб, сийлаб вилоятига йибарди.

Йилдирим Боязид вафот бўлғони зикри ва шаҳзодаи олиймакон мирзо Муҳаммад Султон тақи вафот бўлғони

Панжшанба куни, шабон ойининг ўн тўртида, саккиз юз бешда (09.03.1403) хабар келдиким, Йилдирим Боязид зайиқи нафас ва хуноқ марази била кетиб турур. Соҳибқироннинг муборак кўнгли бу жиҳатдин қўб

мутаалам булди ва муборак кӯзидин ёш чиқиб йиглаб: *Инна ли-Ллаҳи ва инна илайҳи рожиъуна*, ўқуди. /Ҳазратнинг ҳимматида бу эрдиким, Рум мамоликини тамом забт қилгондин сўнг Йилдирим Бойазидқа бериб, йана ани тахти давлатқа ўлтурғузуб, қайтқай. Аммо тақдир хилоф этиб, Йилдирим Бойазидни ўзга оламга элтти.

Соҳибқирон Оқшаҳрга етконда амирзода Муҳаммад Султон қошидин Дона Хожа келиб арз қилдиким, Мавлоно Фараж табиб шаҳзодага мусаҳҳал берди. Аммо ул мусаҳҳал иш қилмай, бухори димогига уруб, марази сарға пайдо бўлуб турур. Соҳибқирон мун ишитиб, асру мушаввиш бўлуб, Дона Хожани қуш от била чобтурдиким, «Бизга йана бот хабар келтургил!» Ва ўзи давлат ва саодат била Оқшаҳрга келиб ҳумоюн ўрдусига тушти. Ва Йилдирим Бойазиднинг кишиларига аzza этқуруб, йахши сўруб, тўнлар кийдурди. Ва ўгли Муса Чалабийни хосса тўн ва олтун камар берди ва юз от барчаси эгар-юганлик берди. Ва Бурсаким, Рум вилоятининг пойтахти турур, анга берди ва ижозат бериб, Бурсага йибарди. Ва Йилдирим Бойазиднинг сўнгакини подшоҳлар тартиби билан Бурсага элтиб, ўзи йасаган иморатиға қўйдилар.

Соҳибқирон ўрдуни Оқшаҳрида қўйуб, ўзи амирзода Муҳаммад Султон сори мутаважжих булди. Йулда бир жамоат туркмонларким, улуглари Ҳизрбек ва Иброҳим эрди, итоат йўлидин чиқиб, бир тоғдаким, йўл анинг этагида эрди, кириб эдилар. Фармон булдиким, «Мансур черик аларнинг дафъи учун мутаважжих бўлсунлар!» Кечада юруб, субҳ эрдиким, аларни ўртада олиб, туркмонлардин куб кишини ўлдурдилар. Ва баъзилари қочтилар. Булгон от ва тева ва қўйларини таладилар ва ўғлон-ушоқларини асир қилдилар. Йулда шанба куни, оининг ўн олтисиди (11.03.1403) Давлат 2766 Хожай Элчи Буға келиб арзадошт қилдиким, шаҳзоданинг /марази қуброқ бўлуб турур. Ва андоқ бўлуб турурким, сўз деялмас эрди. Ҳазрат бисёр гамгин бўлуб, таъжил билан сурди. Ва анда етконда шаҳзода қошига кириб, боши устида ўлтурди. Кўрдиким, шаҳзоданинг ҳолати ўзга навъ турур, ани муҳаффада кийуруб, ўша кун кўчти. Қароҳисордин уч манзил ўтуб, бир ерда келиб тушти. Ул ерда шаҳзодаи олиймиқдор ба живори ҳазрат Парвардигор кетти. Бу воқеа душанба куни шаъбон оининг ўн саккизида, торих саккиз юз бешда (13.03.1403) қўй йилида, Ҳутнунг охирида воқеъ булди. Шаҳзоданинг ёши йигирма тўққиз эрди. Қитъа:

Туфроқ узра тўкти гуликим фалак ани,

Юз ноз бирла парвариш айлар эди мудом.

Булди малул тахт анинг фирқатида куб,

Давлат анинг фироқида саргашта субҳу шом.

Соҳибқирон шаҳзода учун аzza очқони

Ҳазрат соҳибқиронга бу воқеъа учунким, йигит ўгли жавонлиқда саройи фонийдин олами боқийға кетти, асру малул ва паришон бўлуб, салтанат тахтидин тушуб, аза маснадиға ўлгурди. Ва дард билан йиглаб, бу мазмунни адо қилур эрди. Рубоъий:

Ҳижрон ситамидин ўлди гамнок кўнгул,

Бу гусса ва гамдин ўлди юз чок кўнгул.

Тўйгунча анинг юзини кўрмай кетти,

Булди бу бало ва гуссадин хок кўнгул.

Шаҳзоданинг булгон беклари ва мулозимлари қаро кийиб, қон йиглар эрди. Ва қаро кийизлар буйунларига осиб, бошларига туфроқ сочиб, фарёду фиғон қилур эдилар. Соҳибқирон буюрдиким, «Шаҳзоданинг тобутини муҳаффада қўйуб, икки юз киши биланким, аларнинг улуги Илёс Хожай Шайх Али Баҳодур эрди ва Обонбек ва Дона Хожа ва Давлат Хожай Элчи Буға ва Уммат Мубашшир (ўгли ва Дайсал ва Шировул Кўкалтош ва 277а Урдушоҳ) Султонияға элтиб, Қийдор найғамбарнинг /мазорида элтиб, амонат қўйсунларким, андин Самарқандқа йибаргумиз турур».

Алар кеткондин сўнг соҳибқирон ўрдуси сори ёниб борди. Ва Оқшаҳрдин кўчуб юраберди. Аза жиҳатидан черик эли барча қаро кийиб эрдилар ва баъзилари отларига минмай йайоқ борур эрдилар. Печа кундин сўнг беклар йуқунуб дедилар: «Черик барчаси мотам учун қарода эрурлар ва бу ҳол давлатқа лойиқ эрмас».

Соҳибқирон бу сўзни эшиткондин сўнг ҳукм қилдиким, «Эл таъзият тўнини ташлаб, ўзга тўнлар кийсунлар!» Ҳукм бўлгондин сўнг барча мотамдин чиқиб, йанги тўнлар кийдилар.

Мисрдин элчи келгони (сўзи)

Соҳибқироннинг элчилари Мисрға еттилар. Барқуқунг ўғли Малик Носирким, Миср ва Шомнинг подшоҳи (эрди), Рум фатҳининг хабарини эшитиб ва Йилдирим Боязиднинг қиссасини билиб, йақин билдиким, соҳибқирон била мухалифат қилмоқ йахши эрмас. Ва ҳар ким ҳаёл қилиб йамон андишашир қилса, албатта анга заволи бўлғусидур, бас. Аталмиши йибармагон жиҳати учун кўб пушаймон бўлуб, беклари била кенгашиб, Аталмиши банддин чиқориб, ўз қошида келтуруб кўб иззат тутуб дедиким: «Хутба ва сикка соҳибқирон отига Мисрда ва Шомда ўқудилар». Аталмишқа дедиким: «Менинг ёзуқимни соҳибқирондин тилагил».

2776

Икки йахши кишиси, бири Аҳмад ва бири Ақта Аталмиш била соҳибқиронга йибарди. Ва тақсирларидин уэр деб, арзадонт йибарди. Қабул қилдиким, ҳар йилда мол ва хирож йибаргай. Пешкаш учун олтун ва кумуш ва жавоҳир ва сонсиз мисрий қумошлар ва отлар ва қатор тевалар ва хачирлар йибарди. Алар Рум вилоятига киргонда Аталмиш алардин илгари бўлуб, ҳазратнинг мулозиматиға борди. Ва ҳазрат қошида келиб муборақ дийдорига мушарраф бўлуб, Мисрнинг подшоҳидин дегон сўзлари арзадонт/қилди. Элчилар келиб, беклар аларни соҳибқирон қошига кийуруб, Фаражнинг арзадонтини арза қилдилар, ва келтургон пешкашларни тортилар. Ҳазрат соҳибқирон марҳамат тилини очиб деди: «Ул атосидин кичик қолиб турур. Бизга вожиб турурким, анга марҳамат қилгайбиз». Келгон элчиларга зарбофт тўнлар кийдуруб, олтун камарлар берди. Ва Фараж учун тож ва мурассаъ (камар) ва олтун ва хосса тўн элчиларга тобишуруб, ижозат бериб, Мисрға йибарди.

Соҳибқирон (қаро) тотор элининг устига бориб, аларни кўчуруб Самарқанд йибаргони

Қаро тотор бир жамоати (турк) турурларким, ул маҳалдаким, Мангуқаон Ҳулогухонни Эронға йибариб эрди, аларни Ҳулогуға кўшуб йибариб эрди. Ҳулогухон Табриз тахтада ўлтуруб, аларни Рум ва Шом сарҳадиға кўчлари била йибарди. Ва Султон Абу Саъидхон ўлгондин сўнг Эрон вилоятида соҳибхтиер подшоҳ қолмади. Алар саркашлик қилиб, эллик икки булак бўлдилар ва ҳар бўлаги бир ерда юрт олдилар. Йилдирим Бойазидким, Сивос ва ул навоҳийни олди, аларни Рум черикига кўшулди ва ўз мамлакатаида ер берди. Ул вилоят мол хирожи бўлмас жиҳатидин аларға оз фурсатда кўб мол бўлди. Соҳибқироннинг ҳаёлида кеттиким, буларни кўчуруб, Жета сарҳадиға юрт бергай. Бу маҳалдаким, буларнинг улуглари келиб соҳибқиронни кўрдилар, ҳазрат аларға зарбофт тўнлар ва олтун камарлар бериб, ваъдалар бериб эрди. Ва черикдин ҳеч киши аларға музоҳим бўлмайдуэр эрди. Алар ўз юртларида фароғат била ўлтуруб эрдилар.

278a

Бу маҳалдаким, Мисрдин элчилар келиб эрди, уч кеча-кундуз ўлтуруб, шаҳзодалар била ва беклар била кенгашиб, маслаҳат бу кўрдиларким, қаро тоторни кўчуруб, Самарқанд элтқайлар. Ва алар ўттуз-қирқ минг эвлук киши эрдилар. Фармон бўлдиким, «Черик барча отланиб, ҳар жамоат бир тарафдин юруб./ аларни андоқ ўртада олсунларким, ҳеч киши алардин қоча олмагай ва аларға риоят қилиб, зарар-заҳмат бермасунлар!» Ҳукм била амирзода Муҳаммад Султоннинг беклари била Ҳаҳоншоҳбек ва ўнг қўлнунг беклари Тўқат ва Амасийа¹⁰⁷¹ сори таважжух қилдилар. Ва Сулаймон-

шоҳбек сул қулунинг бекари била Қайсарийа ва Сивос сори юридилар. Андин сўнг ҳазрат соҳибқирон илғор этиб, Амасийа ва Қайсарийаким, аларнинг ултурур ери эрди, мутаважжих бўлди. Ва амирзода Шоҳрух ва Султон Хусайнға ҳукм бўлдиким, «Қалин чериклари била йуларни тутуб, ҳеч кишини кетгали қўймасунлар!»

Соҳибқирон йўлга кириб, Қарошаҳр¹⁰⁷² суйининг кўфрукидин ўтуб аларға етти. Ва киши йибариб аларни улуғларини чорлади. Алардин икки улуг киши, бирининг Мурувват ва бири Ахи Турк отлиқ соҳибқироннинг хизматиға келдилар. Аларни ҳазрат йахши кўруб, тўнлар кийдурди. Ва онт ичтиким, «Сизларға зарар-заҳмат тегмагусидир. Аммо муддати бўлуб турурким, бурунги подшоҳларингиз ҳукми била вилоятингиздин чиқиб, бу вилоятларда келибсиз. Энди худойиға юз шукрим, ул ердин мунгача барча бизники бўлуб турур. Бу маҳалдаким фурсат бор, сизлар керакким кўчларингиз била ва молу таворингиз била бурунги юрт ва манзилларингизга боргайсиз». Алар дуо била дедиларким, «Биз ҳазратнинг қулидурбиз. Ҳар не ҳукм бўлса турубтурбиз. Ҳеч чорамиз йўқтурур. Ва бандаларға мундин йахшироқ не давлат бўлгайким, соҳибқироннинг паноҳида бўлгайбиз».

Ҳукм бўлдиким, «Аларни бўлак-бўлак қилиб, ҳар бўлакни бир бека тобшурсуларким, алар била кўчуб йургай ва ҳеч киши аларнинг қўйларига ва от-улоғларига музоҳим бўлмасун. Ва алардин гофил бўлмасунларким, қочиб кетмағайлар».

Соҳибқирон Рум вилоятидин қайтиб борғони

2786 Ҳазратнинг хогири Рум вилоятидин / фароғат тобди ва барча мамлақати ва қалъалари мусаххар бўлуб, Румдин кўчуб юрубурди. Фармон бўлдиким, «Ҳарамлар учун Султонийага нишонлар йибарсуларким, Сарой Мулк хоним ва Туман ого ва Чултон Мулк ого ва Хонзодаким, Муҳаммад Султон мирзонинг аноси эрди, барча оғолар фарзандлар била Султонийадин чиқиб Авник қалъасига келсулар!»

Соҳибқирон Қайсарийага етти, андаги эли товонлиғидин қочиб, нағамларға кириб эрдилар, ҳукм эттиким, черикидин бир жамоат киши аларға йақин етконда алар жонларидин қўрқуб уруштилар. Али Султон Тавачи бир нағам бошида келиб боқар эрдиким, қазодин бир ўқ келиб бўйниға тегиб, филҳол ўлди. Ва черик эли ул жамоатни туттилар ва Муҳаммадким, Али Султоннинг иниси эрди, ул жамоатни ўлдурди. Мансур черики андин кўчуб юриди. Сивосдин ўтуб бир ерда тушти. Лутфу карамидин Қаро Усмонни сийлаб, вилоятиға йибарди ва ўзи давлат била кеча-кундуз юруб Арзинжонға етти. Тахуртан хизматлар қилиб, пешкашлар тортти. Ва андин тақи кўчуб юриди. Икки кўчдин сўнг соҳибқирон лутфу-карамидин Тахуртанға хосса тўн кийдуруб, олтун камар бериб, вилоятиға йибарди ва кишиларким, Султонийадин хабар келтуруб эрдиларким, ўрду келаду, аларни йана чобтурдиким, таъжил қилиб илгари келсулар. Бас, Арзирумға етконда амирзода Улғбек ва амирзода Иброҳим Султон ва амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ва амирзода Ййжал ва амирзода Саъд Ваққос келдилар. Соҳибқирон аларни кўчуб, юзларига ўпуб лутф билан сўрди.

279a

Амирзода Муҳаммад Султоннинг аноси Хонзода хоним ўглининг вафот /бўлғонини эшитғони

Оғоларким, Табриздин соҳибқирон сори мутаважжих бўлуб эрдилар, анда аза йароғини қилиб эдилар, Авник қалъасига келиб туштилар. Соҳибқирон йақин етконда Хонзодаға ул воқиядин хабардор қилдилар. Байт:

Эшитти хабарни чу ул нотавон,
Ўзидин кетиб, қолмади анда жон.

Барча оғолар қаро фўталар бошларига солиб, таважжуҳ ва зори қилур эрдилар. Соҳибқирон етконда йана йанги бошдин аза очтилар. Ва Хонзода

хоним андоқ нола ва зори қилур эрдиким, малойик кўкда йиғлар эрди. Йиғламоқ ва фарёд ҳаддин ошди. Соҳибқирон лутфу карамидин насиҳат қилиб, йиғламоқдин манъ қилди. Ва ош-сувға машғул бўлуб, фақиру мискинларга кўб нима бердилар. Ва ҳофизлар хатм қилиб, дуову такбир дедилар. Ва уламоу машойихким, Табриздин келиб эрдилар ва ҳар вилоятлардин келиб эдилар, ваъз ва насиҳат этиб, соҳибқиронни гамдин чиқардилар. Ишорат булдиким, «Қаро кийгонлар қароларини ташласунлар!» Барчага тўнлар бериб, қародин чиқардилар.

Соҳибқирон Гуржистон сори мутаважжих бўлғони

Соҳибқирон утган йилда малик Гургенким, Гуржининг подшоҳи эрди, аҳду шарт қилиб эрдиким, «Соҳибқирон хизматиға келурмен». Соҳибқирон Румдин қайтиб мунда тушконда ул аҳдига вафо қилмай келмади. Соҳибқироннинг гайрати келиб, Гуржистон сори мутаважжих бўлди. Ва Мардиннинг ҳокими Султон Иса соҳибқирондин хабар топти. Келиб ҳазрати кўрмагон жиҳатидин пушаймон бўлуб, қўқунчдин чора топмай, ҳазрат сори мутаважжих бўлуб, шоҳзода Шоҳрух қошига келди. Ва тақсиридин узрлар айтиб шоҳзодани шамаъ этиб, шаҳзода ани ҳазрат қошига келтурди. Султон 2796 Иса бошини йаланғоч қилиб, гуноҳкорлартек /кириб, юкунуб дуолар қилди ва тақсир этконидин узрлар деди. Соҳибқирон лутфу карамидин гуноҳидин кечиб, анга иноятлар қилди, хосса тўн кийдуруб, олтун камар ва мурассаъ тож берди. Ва анинг қизини Або Бакр мирзо қалинлиқ қилди.

Бу маҳалда Оқ Буга Гуржининг ўғли кўб пешкашлар била келди. Беклар ани соҳибқирон қошига кийурдилар ва пешкашларини торттилар. Ўзга ҳар соридин ҳокимлар ва сардорлар келиб пешкашлар тортиб ҳазратни кўрар эрдилар ва лутфу марҳаматидин баҳраманд бўлур эрдилар. Ва ҳар кишига ҳар навъ лутфу иноят ва шафқат қилур эрди. Ва тожу камар ва тўн бериб вилоятиға йибарур эрди.

Шероз вилоятини амирзода Пир Муҳаммадқа иноят қилғони ва Исфаҳонни иниси амирзода Рустамға берғони

Мингқўлда тушконда соҳибқироннинг иноят ва шафқат кўзи амирзода Пир Муҳаммад Умаршайхқа тушуб, Шероз вилоятини йана анга берди. Мурассаъ тож ва олтун камар ва зарбофит тўн лутф қилиб, Лутфуллоҳ Байн Темур Оқ Буга ва Чўлпоншоҳ Барлосни анга мулозим қилиб, Шерозға амирзода Рустамға киши йибариб дедиким: «Бизнинг сори мутаважжих бўлуб келсун». Ва амирзода Рустам Қасри Зард йайлоғида эрдиким, соҳибқироннинг элчиси келди. Ҳукмдин вуқуф тобқач, ҳазрат сори мутаважжих бўлди. (Жарбодикон аъмоларидин) Хонсорда¹⁰⁷³ этиб эрдиким, соҳибқирондин киши келдиким, «Исфаҳонни сенга бердук. Уғруқунгни анда йибаргил ва ўзунг Ружардга¹⁰⁷⁴ бориб, Урмиён қалъасини иморат қилгил».

Амирзода Пир Муҳаммад Шерозға борди ва амирзода Рустам Исфаҳон забтиға киши йибарди. Ўзи Ружардқа бориб, иморатқа машғул бўлуб, ул ерни маъмур қилди.

Соҳибқирон амирзода Або Бакрни Бағдоднинг иморатиға йибарғони ва Ироқи Арабни забт қилғони

280a Соҳибқирон шаҳзодалар ва бекларни чорлаб суҳбат кўрди ва аларға дедиким: «Мундин бурунким Бағдод эли бизнинг била (муҳолифат) қилиб /мутиъ бўлмадилар, ҳам узларини ва ҳам вилоятларини хароб қилдилар. Бағдод Ислам вилоятларидин эрур ва оламда бир машҳур шаҳар турур. Хайф булғайким, ул андоқ бузуқ қолғай. Хотиримиз андоқ тиларким, йана ул шаҳар ободон булғай ва ани иморат қилғайбиз».

Барча ҳозир ултургонлар дуолар дедилар. Соҳибқирон ул ишни амирзода Або Бакрга буюрди. Ва Ироқи Араб вилоятини Воситгача ва Басра ва

Курдистон ва Мардин булгон тавобитлари била шаҳзодага иноят қилди. Ва беклардин бир жамоат киши, мисли Пойанда Султон Барлос ва амир Ҳусайн Барлос ва Севинчакбек ва Султон Санжар Ҳожи Сайфуддин ва Давлат Хожа Иноқ ва ўзга бекларни анга мулозим қилди. Ва Ироқи Арабдаги бекларни мулозим қилдурди. Ва ҳукм қилдиким, «Диёрбакр йўлидин кириб, муҳолифлардин ҳар кимни билсалар аларни дафъ қилгай. Куз булгондаким, ҳаво иътидол пайдо қилгонда Ироқи Арабга боргай. Аввал Қаро Йусуфнунг дафъини қилгай. Ул дафъ булгондин сўнг Бағдод иморатига машғул бўлгай ва жаҳд қилиб, ботроқ ободон қилгайсен!»

2806 Қаро Йусуфким, Ироқи Арабқа келгон турур, анинг келгонининг сабаби бу эрмишким, ул Рум вилоятида эрди. Мансур черикидин хабар билиб, андин қочиб Ироқи Арабга келди. Туркмонларни йиғиштируб, Ҳитда¹⁰⁷⁵ келиб ўлтурди. Ва Султон Аҳмад Бағдоддин Ҳиллафа ўгли Султон Тоҳир қошига келди. Ва Ағо Ферузким, Султон Тоҳирнинг улўғ кишиси эрди, туттурди. Султон Тоҳир андин кўрқуб, атосининг беклари била мисли Муҳаммадбек ва Қаландарбек ва Микойил ва Фаррухшоҳким, алар тақи Султон Аҳмадин кўрқар эрдилар, алар била кенгашиб, иттифоқ қилиб, Султон Аҳмад била йааги бўлуб, кечада кўфрукдин ўтуб, сувдин бери ўлтурдилар. Султон Аҳмад мундин хабар билиб, кўфрукни буздуруб, / сувнунг йақосида келиб ўғлига ўтирув ўлтурди ва Қаро Йусуфга киши йибарди. Қаро Йусуф келиб анга қўшулди. Бас, иттифоқ била иккаласи чериклари била сувдин ўтуб, ўгли била урушти. Ўглини бошиб қочурди. Ўгли қочиб боргонда бир ариққа еткондур. Ул ариқдан ўтай деб сувга тушуб ўлди.

Султон Тоҳир ўлгондин сўнг черики бир-бир бўлуб, ҳар сори кеттилар. Султон Аҳмад Қаро Йусуфдин кўрқуб Бағдодқа кетти. Қаро Йусуф Ҳилладин черик тортиб, Бағдодқа келди. Бағдодни олиб, Султон Аҳмад қочиб бир ерда йашунди. Қаро Ҳасан отлиқ бир киши ани кўруб, кечада келиб Султон Аҳмадни андин чиқориб, овчасига кўтариб беш йағоч йўл юриди. Йўлда бир эвга учрадиларким, бир ўкузи бор эрди. Султон Аҳмад ўкузга миниб Тикритқа борди. Сариқ Умар Уйрот қирқ от эгар-югани била ва аслаҳалар пешкаш қилди. Ва баъзи бекларким, мутафарриқ бўлуб эрдилар, мисли (Шайх) Мақсуд ва Давлатёр ва Одил ва гайруҳум анда келиб Султон Аҳмадқа қўшудилар ва андин Шом сори кетти. Ироқи Арабни Қаро Йусуф Туркмон олди.

Соҳибқирони комкор амирзода Або Бакрни Бағдод сори йибарди ва йана бир кишини Ружардқа амирзода Рустамга йибардиким, «Бағдод сори мутаважжих бўлуб, амирзода Або Бакр била қўшулуб, иттифоқ била Қаро Йусуф Туркмоннинг дафъига борсунлар!» Ва ҳукм бўлди: «Тўкал Арас (Буга) Ҳамадондин ва Таман Сувчи Неҳованддин ва шаҳзода Рустам Бағдодқа борсунлар!»

281a Амирзода Або Бакр ҳукм била йуруб, Ардабилга етти. Абдуллоҳким, ул ернинг ҳокими эрди ва улўғларини тутуб банд қилди ва ҳазрат соҳибқиронга йибарди ва Оқ Султон била йахши отлар йибарди. Ва Пойанда Султон Барлос анда вафот бўлди. Ва амирзода Або Бакр ўғруқни анда қўйуб, илгор била Қаро Йусуфга мутаважжих бўлди. Ва амирзода Рустам Ружарддин / азимат қилиб, Қуббайи Иброҳим Молик йўлидин юруб, Бағдоддин ўтуб, Ҳиллада амирзода Або Бакрға еттилар.

Соҳибқирон Гуржистон вилоятига киргани

Соҳибқирони гитиситон Қаредин кўчуб, саодат ва иқбол била юруб Гуржистонга кирди. Ва Ширвонот ҳокими Шайх Иброҳимким, кеча-кундуз хизматда эрди, ҳукм била илгари йуруб, Гуржистоннинг йўлларини забт қилди. Ва малик Гургенким, Гуржистоннинг подшоҳи эрди, соҳибқирондин хабар билиб, қўрқиб пешкашлар била элчи йибарди. Сўзи бу эрдиким: «Бандаға на ҳад улким, ҳазрат ўзлари бир келгайлар. Ва бу камина хизматда туруб турур. Ҳар неким фармон бўлса, жон била ул амрға машғул бўлурмен. Аммо бу маҳалда ул тоқатим йўқ турурким, мулозиматқа келгаймен. Агар соҳибқирон бу каминага муҳлат берсаларким, неча кундин сўнгким хотирим ваҳмдин ором тобқай, хизматқа боргаймен».

Соҳибқирон анинг сўзларини эшитиб, қабул қилмади. Деди: «Анга

айтингиз: Сенинг ишинг узгаларга ухшамас. Агар тиларсангким, неча кун тирик булгайсен, бизга келгил. Агар Ҳаққ таоло сенга иноят қилса, иймон келтургил. Мусулмон булгондин сунг сени андоқ иноят ва шафқат қилурбизким, олам аҳли андин ҳайрон қолгайлар. Ва агар сенга иймон насиб булмагон булса, жузья қабул қилиб боргил, то вилоятинг амонда булгай ва сенга уқ мусаллам булгай. Қўстантанийанинг ҳокими сенингтеқ кофир эрди, чун бизга келди, марҳамат ва шафқатдин ўзга нима кўрмади. Эмди сен ҳам келгил. Агар келмасанг ва уэр этсанг, узрунгни қабул қилмасбиз», деб келгон элчиларни тўнлар кийдуруб, ижозат берди.

2816 Бу маҳалда Табризнинг даругаси Баён Қавчин девонлар била нависандалар била Озарбайжондин олампадох даргоҳида келдилар. Ва кўб пешкашлар келтуруб, /тортгилар. Соҳибқирон барчани бекларга улаштурди, бас.

Гуржистоннинг ошлиги пишар маҳали булди. Ҳазрат соҳибқирон раво кўрмадиким, алар ошлиқларини кўтариб, аларга куч-қувват пайдо булгай. Бу жиҳатдин ҳукм қилдиким, «Шайх Нуриддин ва ўзга беклар илғор этиб, кофирларнинг вилоятлариға кириб, аларни мутафарриқ қилиб, ошлиқларини олсунлар!»

Черик боргондин сунг гуржилар барча қочтилар. Шайх Нуриддин анча ултурдиким, черик эли фароғат била галлаларни ўруб, йанчиб, алоғлариға юклаб, урдуға элттилар.

Картин қалъасиким, Гуржистонда улуг қалъалардин эрди, фатҳ қилғони

Гуржистонда икки чуқурлуқ аросида бир тоғе воқия буллуб турур, тўрт ёни ҳамвор, магарким, устакорлар йўнуб турурлар. Бийиклиги юз эллик қари ва жануби сорида йана бир парча тоғ воқия буллуб турур, андин баландроқким, анда ип билан ё шоту билан чиқмоқ керак. Ва ул тоғда бир йўлидин ўзга йўли йўқ эрди. Ва теграсида андоқ ер ҳам йўқ эрдиким, черик анда ултура олгай. Бул жиҳатдин ул тоғни қалъа йасаб эрдилар. Ва ичида улуг ҳавзлар қазиб эрдиларким, йамгур суйидин тўлдурур эрдилар. Ва анинг ҳокими Назол¹⁰⁷⁶ отлиқ бир киши эрдиким, гуржиларда улуг кишилардин эрди. Ўттуз бек била ва қалин гуржилар била ул қалъада кириб эрди ва захираси кўб эрди. Ва гала-гала тўнгузлар ва қўйлари бор эрди ва жогирлари кўб эрди.

282a Соҳибқирон андин хабар билиб, анинг тасхириға озим булди. Аммо ани қамал қилиб ултуруб мушкул эрди ва оз кишини ҳам анда қўйса булмас эрди. Анинг учунким, Гуржистоннинг ўртаси эрди. Эл барча фикрда эрдиларким, нечук булгай./ Баъзи айтур эрдиларким, ҳазрат ўзи боргондин сунг гуржилар ҳазратни кўрсалар, шоядким итоат қилгайлар. Ва агар мундоқ булмаса мушкул турур. Ва черик эли бу фикрда эрдилар. Аммо андин гофил эрдиларким, кўб азим ишлар борким, бир сабаб била осон булур.

Ҳазрат Ҳаққ иноятидин, алқисса, одина куни, муҳаррам ойининг тўртида, торих саккиз юз олтида (24.07.1403) Ислом черики қалъои Картинга еттилар. Қалъадин пешкашлар йибардилар, изҳори мутобиъат қилдилар. Билдиларким, ҳазрат ани олмағунча қайтмағуси турур, қалъани беркиттилар ва уруш асобиға машғул буллуб, уқ-тош отабошладилар. Соҳибқирон бекларга буюрдиким, қалъанинг тўрт ёнини тутуб туштилар. Ва дарвозани Шоҳ Маликбекка тобшурдилар. Фармон булдиким, «Қалъанинг ўтруссида йана бир қалъа кўпорсунлар!» Шоҳ Маликбек уч кунда бир қалъа йасадиким, уч минг киши анда сигар эрди. Соҳибқирон буюрдиким, «Қалъа ёнида булжарлар йасасунлар, андоқ беркким, қалъаға мушарраф булгай». Бир ҳафта мундин кечиб эрдиким, бир кечада макрит қавмиким, алартеқ киши тоғларда юрмас эрди, Беккичик отлиқ биров одина кечасида (мазкур ойнинг йигирма биринчи) ул тоғда чиқиб, ул бийик тош устида чиқиб, бир абажку олиб ўлдуруб, анда ултургуздиким гуржиларга андин асло хабар булмади. Тонгласи Беккичик соҳибқирон қошиға (келиб), кечадаги қилгон ишини арз қилди. Соҳибқирон мун эшиткондин сунг буюрдиким, «Ипакдин таноблар йасасунлар. Йағочлар анда йағалаб шотудек қилсунлар. Макрит эли ул тоғда чиқиб бу шотуларни анда беркитсунлар, то баҳодурлардин бир жамоат анда чиқиб, қалъанинг тасхириға машғул булсунлар!»

2826 Ҳукм била йакшанба кечаси, ойнинг йигирма учиди (12.08.1403) Беккичик билан уч киши узун таноблар/ олиб, юқори чиқтилар ва андин таноблар қуйи солиб, йасагон шотуларни юқори тортиб, беркиттилар.

Соҳибқирон давлатидин ул тоғ устида бир улуг дарахт чиқиб эрди. Танобларни ул дарахт боғлаб беркиттилар. Ва Шоҳ Маликбек қуйи туруб эрди, эллик киши Хуросон диловарларидинким, отларини битиб турурлар, ул жумладин Ер Аргидиқ турур. Булар бир-бир юқори чиқтилар ва худойи таоло гуржиларга гафлат уйқуси бериб эрдиким, ҳеч воқиф бўлмадилар. Алассабоҳким, Хусрави хабар Парвиз тахти узра чиқти, Хуросон йигитларидинким, анда чиқиб эрдилар, биров беихтиёр фарёд қилиб такбир деди ва салот йибарди. Ва Муҳаммад нафирчиким, Шоҳрух мирзонинг нафирчиси эрди, нафир тортти. Гуржилар ул ҳолатдин хабардор бўлуб, заруратдин урушқа машгул бўлдилар.

283a Соҳибқирон отланиб, ул қалъаким, Шоҳ Маликбек дарвозанинг утрусиди солиб эрди, анда кириб ўлтурди ва фармон бердиким, черик барча салават ва такбир этиб, сурон солдилар. Қалъанинг йули асру тор эрди, уч кишидин ортиқ киши юролмас эрди. Абдуллоҳ Сабзаворий илгари юруб, қилич била ул кофирларга ҳамла қилди ва кофирлардин димор чиқарди. Аммо ўн икки захм анга тегди. Заҳмлардин бестоқат бўлуб, ёнди. Андин сўнг Муҳаммад отлиқ, туркмонлардин эликида гурзи олиб, кофирларга ҳамла қилиб сурди. Ул эллик киши барча анинг кейнидин юруб, баъзилари дарвоза сори югурдилар. Қалъадин ташқори тургон баҳодурлар зўр келтуруб эрдилар, икки ёндин нуерат ва фатҳ юзини кўрсатиб, қалъани фатҳ қилдилар. Гуржиларким, бу ҳолатни кўрдилар, барча иймон била тилларини очтилар. Баҳодурлар бир неча кофирлардин томдин қуйи ташладилар. Узгаларини, улуглари билаким, /барчадин улуги Назол эрди, бўйунларини боғлаб ҳазрат соҳибқирон қошига келтурдилар. Ҳукм бўлдиким, муаззинлар юқори чиқиб бонги намоз дедилар ва кофирларни ўлтуруб, хотунларини ва қизларини асир қилдилар. Ва соҳибқирон Назолининг хотунини Шайх Иброҳимбекка берди. Ва андин давлат ва иқбол била ёниб, урдуга тушти. Ва диловарларким, қалъага чиқиб андоқ иш қилиб эрдилар, барчани сийлаб зарбофт тўн ва олтун камар ва вилонт берди ва хайма ва ҳиргоҳ ва бодирчихона ва қатор-қатор тевалар ва хачирлар ва соҳибжамол қизлар берди.

Ва ул қалъани Хуросон йигитларидин Муҳаммад Турон отлиқ кишига берди. Ва бир жамоат хуросонийларни анга қўшудди. Ва андаги бўлгон кентларни ва элларни анга берди. Ва ул ер Ислон нури била ёруқ бўлуб, куфр зулмати андин кетти. Ва калисаларни масжидлар йасадилар. *Ал-ҳамду ли-Ллоҳи Раббил оламинийн.*

Воқияларким, мундин бурун воқия бўлуб эрди, анинг зикри

Бу маҳалда мавлоно Қутбуддин Қуммий Шероздин бўлгон нависандалар билан ва девонийлар била олампаҳо даргоҳида келдилар. Ва пешкашлар учун отлар ва тевалар ва хачирлар ва қумошлар ва олтин-қумуш ва хайма ва ҳиргоҳ келтуруб тортиларким, анингдек молу йароғ киши кўрмагон эрди.

283b Соҳибқирон ул молни шаҳзодалар ва черикларга улаштурди. Андин сўнг Кермондин Идику Барлос ва Аҳмад Довудким, мол забти учун бориб эрди ва Сайфулмулк Ҳожи Абдуллоҳким, муҳассили мол эрди, келдилар. Алар тақи пешкашлар тортилар. Ва Кермон акобирларидин Мавлоно Зиёуддин Сирож ва Шайх Садриддинким, иккаласи қози эрдилар ва Саййид Ҳамза ва Шайх Маҳмуд Зангий Ажам «Китоби жушу хуруш» отлиқким, соҳибқироннинг воқияотини назм қилиб эрди ва булар била китобни олиб келур эрдиким, йўлда Шайх Маҳмуд мазкур Тифлис суйининг куфрукидин утарда сувга тушуб вафот бўлди. Угли Шайх Қутбуддин /ул китобни келтуруб, соҳибқиронга тортти. Соҳибқирон ани йахши кўруб, кўб нима иноят қилди. Ва Йаздин Йусуф Халилким, даруга эрди, Гийёсиддин Солор Семноний била келиб, пешкашлар келтуруб, ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва ҳазрат аларни йахши сўруб, иноят ва шафқат қилди. *Ва ҳува ала кулли шайхин қадирун*¹⁰⁷⁷.

Соҳибқирони сарафроз Абхаз сори таважжуҳ қилғони

Соҳибқироннинг ҳиммати доим ул эрдиким, аҳли куфр ва ширк оламда булмагай. Ва агар булса ҳам забун ва хору-зор булгайлар. Бас, Каргиини забт қилгондин сунг шаҳзодалар ва бекларни чорлатиб, қурултой этиб, кенгаштилар. Ва барчанинг раъйи мунга муқаррар булдимки, Абхазга боргайлар. Соҳибқирон ҳиммат эликини очиб, барча бекларга ва шаҳзодаларга инъомлар қилди. Ва Шоҳ Маликбек била Шайх Нуриддинбекни ўзга беклар била илгари йибарди. Фармон булдимки, «Гуржистонни Абхазгача чобсунлар!» Йулда жангаллар эрди, йағочларни кесиб йул этиб борур эрдилар. Ва ғазо нияти била арманийларни ва гуржиларни чошиб, кофирларнинг вилоятларини бир-бир эттилар ва ҳеч ерда ободони қўймадилар. Ва неча кундин сунг кофирларнинг вилоятлари ичида кириб, этти юз маъмур ва ободон кентни бузуб, хароб қилдилар. Ва ул кофирларнинг вилоятлари ичида кириб, ҳар кимки учради, ултурдилар. Ва баъзилари қочиб бориб, тоғларда бордилар. Ғозийлар алар сори бориб, шотулар била тоғ устига чиқиб, кофирларни тутуб ултурдилар. Ва баъзи ерлардаким, шоту била чиқиб булмас эрди, сандуқларни занжирлар била боғлаб, узлари сандуқ ичида кириб, сандуқларни йўқоридин қўйи йибариб, кофирларга етконда

284а сандуқлардин чиқиб, урушуб, /ултурдилар. Ва хотунларини ва қизларини асир қилур эрдилар. Ва мундоқ ерлар анда кўб эрди, барчани ушбу тариқ била урушуб олдилар. Кофирларнинг ишларидин фароғат топиб, кентларига бориб, йағочларини ва боғларини қазиб буздилар. Чоршанба куни, рабиъ ал-аввал ойининг унида (27.09.1403) беклар музаффар ва мансур қайтиб, соҳибқиронга қўшудилар. Жума куни (29.09.1403) ов солиб, кўб жонивор олдилар. Ва Гуржистонда маъмур ер қолмади ва ҳар ердаким, гуржилардин тобтилар, ултурдилар.

Соҳибқирон Абхаздин қайтқони

Гуржи сардорлариким, мансур черикида асир эрдилар, мундин бурун Гургенга хабар йибариб эрдиларким, «Агар соҳибқирон Абхазга борса, вилоятда киши қолмағусидур». Бу хабар анга етиб, бир муътаминини пешкашлар била соҳибқиронга йибарди. Гургеннинг элчилари соҳибқиронга келиб, бекларни шафиъ қилиб дедиларким, «Гурген бандалиқ мақомида турур. Ва ҳар неким буюрурсиз жон била қилур. Сизлардин таваққуъи ултурурким, андоқ қилсангизким, соҳибқироннинг қаҳру ғазоби ором тобқай. Ва бу маҳалда анчаким эликидин чиқса хизматкорлиқ қилгай. Ўзга ҳар йил молу хирож йибаргай. Ва черикдин ие миқдорким ҳукм булса, йибаргай». Бекларга раҳм келиб, соҳибқирон қошига келиб, тақриб билан Гургеннинг сузини арз қилдилар ва дедиларким, «Соҳибқироннинг ҳиммати улдурурким, ривожии шаръи Мустафовий, алаҳиссалоту вассалом булгай, алҳамду ли-Ллоҳ таолоким, сизнинг замониғизда Ислому андоқ қавий булуб турурким, ҳаргиз мундоқ булмагон эрмиш ва мундин бурун подшоҳлар рози эрмишларким, алар бирор нима бериб мутиъ булгайлар. Ва бовужуди ул, кофирлар гоҳи мусулмонларга ташвиш берур эрдилар. Эмди сизнинг давлатингизда андоқ булдиларким, рози турурларким, уз юртларига ултургайлар ва мусулмонлар аларга тасаллут ҳукмини ўтказарлар ва аларнинг дорулмулкларининг сарҳадига дохил була олгайлар ва алар устидин истиъло маошин дорутгайлар. Агар подшоҳона отифат булуб, аларга амон бахшида этсангиз, алар жузъя ва соврини буйинларига олиб, ҳар не фармони олий булса, жонлари била «Таббайка!» деб, /итоаткорлик ва фармонбардорликни, бандалик ва хизматкорлик иқоматиини қиёмига еткургайлар».

284б

Беклар ҳарчанд, шу тариқа муболаға қилиб эрдилар, ҳазрат соҳибқироннинг табиъатидаги дин ҳамияти ва мусулмоний асабияти бу маънода розилик бермакта кўнмади. Ва навбатийлар бу қазиййани уламолар ва муфтийларга еткурдилар. Алар мажлиси ҳумоюнда иттифоқ қилишиб арзадошт қилдиларким, «Чун бу тоифа кофирлар жузъя қабул қилдилар ва мусулмонларга мутаъарриз эрмаслар, ҳукми шаръий улдурким, аларга амон берилсун, қатлу торожнинг эликини алардин тортилсун».

Оқибат, ул ҳазрат уламоларнинг фатвоси ва бекларнинг шафқоатиға

биноан Шайх Иброҳимким, ул ҳазратнинг шафиқларидин эрди, аларнинг илтимосини қабул этмакка ва элчилар аросидин хавфни кеткурмакка таъйин этти.

Ушул навоҳида неча кун ишрат ва ов рӯзгорига машгул бўдилар.

Элчилар таъжил била ортларига қайтдилар. Илтифоти ҳумоюн била аларга минг танга олтун сикка берилди ва минг от ва нафис ақмишалар ва моллар ва олтун ва нуқра ва биллур ва бир қитъа лаъли хушрангим, вази ӯн саккиз мисқолким, бу навънинг бундоқ вази кам булур. Алар эса жузъя ва хирожни адо этмакка аҳд илтизом қилдилар.

Ҳазрат соҳибқирони динларвар мурожиъатқа азм этти ва бир неча кўчдин сўнг Тифлисқа етти. Ул атроф ва акнофдаги дайр ва калисоларни хароб этдилар. Ва чин Кур суйидин кечтилар, азимат ҳумоюн хотирига кечтиким, кечик ерида Қаробогқа қарата Байлақон иморатига азм қилгай.

Байлақон шахрининг иморати, ҳисорининг биноси ва анинг хандақи қазилғони сўзи

285a Ҳазрат соҳибқироннинг олийҳимматида ул эрдиким, ҳар сафари асносида боргон ва бирор муддат иқомат бўлгон ерида мамоликка оройиш бермак ва хайрият пойдорининг рӯзгори била машгул булур эрди. Ул жумладин Қаробогда қишлоқ қилгонда Ҷамшид фируза ҳиргоҳин қуруб, Хуршид партави вусул қилғонида, куз буржлари ўргаларида Офтоб раъйи ишроқ этуб, Байлақонни таъмир этмак доъийаси муборак хотиридин ўтди. Ул шаҳар муддати мадидким вайрон бўлуб, не бир иморати ва не бир жонивору ҳашорати бор эрди. Ул сарзаминда махсус ёрлиқ била хуш раво муҳандислар ва кордон меъморлар шаҳар тарҳига машгул бўдиларким, анинг хандақи ва тўрт бозори ва бисёр эвлари ва ҳаммому қарвонсаройи ва майдоғони боғи ва гайруҳони асос этиб андоза қилдилар. Ва таноб тортиб шаҳзодалару беклар/ ани тақсимладилар. Черик тамоми жадди бирла ишга машгул бўдилар. Ул иморатларнинг барчаси пишиқ гишгдин бир ой муддатида тамом этилди. Шаҳар боргоҳининг давраси буюк газ бирла икки минг тўрт юз газ ва деворининг арзи ӯн бир газ ва баландлик миқдори қарийб ӯн беш газ ва хандақининг эни ўттиз газ ва анинг чуқурлиғи қарийб йигирми газ эрди¹⁰⁷⁹. Ва тўрт тарафидин ҳар бир тарафида эътиборли ҳисор буржи ва бошқа ерларида бошқа буржлар қўпордилар. Ва икки тарафида икки дарвоза ва ҳаммасида шарафа ва кунгура ва тош безаклари берилиб эрди. Бовужуд ҳақ улким, салотини комкор расо бир йилда итмомига етқарадигон ишларга ҳаво совуқлуги ва йамгурга қарамай фақат бир ой муддат сарф бўлди.

Андин сўнг ҳазрат соҳибқирон мамолик оро раъйи бирла Байлақон ва Бардаъа ва Ганжа ва тамоми Аррону Арманзамин ва Гуржистонни Тарабзун бирла амирзода Халил Султон номзодига фармон қилди. Ҷалол Ислонинг акаси Баҳромшоҳни Байлақоннинг муҳофизатиға таъйин этти.

Чун шаҳар обод бўлуб, маскун бўлгон ва ҳайвоноту набототи бўлгондин сўнг подшоҳона ҳиммати раво кўрдиким, Арас суйидин Байлақонга бир ариқ ўтқариб, сув кетургай ва анинг маъмуру маскунлиғи камол топгай. Фармони қазожараён судур бўлдиким, аркони давлат бул муҳим ишга машгул бўдилар. Тавочилар бутун ариқ масофасида асокирни тақсим этиб, наҳри равон қаадиларким, миқдори олти йағоч ва эни ӯн беш гази шаръий эрди. Бул иш ҳам бир ойда тамом бўлуб анжомига етқарилди.

Ҳазрат соҳибқирон раъйиат аҳволини таҳқиқ қилмоқ ва адлу эҳсонни ўрнатмоқ учун атрофи мамоликка уламо ва умарони йибарғони

Ул муддатким, Байлақон ери маркази Ислон бўлгонда тамоми Эронунинг атрофу акнофидин ақобиру аможид йигилиб, боргоҳи олампа-ноҳда жамъ бўдилар. Ҳазрат ҳумоюн хотиридин кечдиким, боргоҳда мажлиси оммда номдор уламолар ва фузалойи тақвошиёрларнинг улкан йиги-

нида масоили динийнинг муаззимоти ва фарзларнинг муҳиммоти ва исломий шуруъдин билгай. Мубоҳиси шариф булуб, ҳар масала хусусида фойдали ва латиф сўзлар бўлди. Ҳўмладин фазл ва камол ҳамда адл ва ихсон фазилатлари хусусида мубоҳисда ҳазрат соҳибқирон ҳимматидин уламо ва фузалоға хитоб қилиб дедиким: «Уламо ҳар замонда иодшоҳларга булок пасиҳатлар қилгонлар ва хайрли ишларга тарғиб қилгонлар ва номуносиб ҳаракатни манъ этконлар. Бу асрда сизлар ҳеч иршод қилмайдурсизлар. Ва не қилмоқ ва не қилмамоқ хусусида менга ҳеч нимарса демасизлар».

Алар узр тили бирла дедиларким, «Аллоҳ таолоға ҳамдлар бўлсунким, ҳазратқа бандалигимиз бизни йўл кўрсатиш ва насиҳатлар амсолидин халос қилур. Балки сизнинг барча қилгон ишларингиз ва дегон сўзларингиз шадид ва рашод йўлидадур».

2856 Соҳибқирони дарёнавол бу сўзларга эътироз билдириб дедиким, «Сиз менга /хушомад дерсизлар. Ва бу хушомад сўзларингиз менга хуш келмас. Ва бу сўзни сизларга анинг учун демадим, аҳл менга муътақид булгай и менга андин фойда булгай. Худонинг иноятидин ишимиз андин ўтуб турурким, мундоқ нималар бизга эҳтиёж булгай. Менинг мақсудим бу турурким, сизлар ҳар бирингиз бир вилоятдин келгонсиз. Албатта ул вилоятнинг йахши-йамонидин хабардорсиз. Даруга ва девондин не нимаким воқийъ буллубтурур, менга шарҳ қилинглар. Агар шаръ била адл қилмайдурлар, баён қилинглар, то фикрини қилгаймен. Мутақаллиблар ва ситамкорларнинг эликларини ожизу фақир ва мискинлардин қисқа қилдургаймен».

Уламо ва фузалоким бу сўзларни эшиттилар, барча иттифоқ била тилларини дуо била очтилар. Назм:

Анга уқудилар бари офарин,
Дедиларким, «Эй шоҳи бо доду дин,
Жаҳон халқи сендин бари шод эрур,
Сенинг даврингда даҳр обод эрур».

Бас, ҳар кимнингким онча вуқуфи бор эрди, арз қилдилар.

Соҳибқирон ўшул мажлисда бир жамоат кишиким, илму тақво ва зуҳду фатво била машҳур эрдилар, ихтиёр қилиб, ҳар бириши бир вилоят сори девон била қўшуб, вилоятлар сори йибарди, то андағи раъёйо ва фуқаро ва масокинларнинг аҳволидин хабардор булгайлар. Андин сўнг соҳибқирон деди: «Бу чоққача бизнинг ҳамиятимиз ул эрдиким, оламни очқайбиз. Шукур худойгаким, наким хотиримиз тилади, муяссар бўлди. Эмдидин сўнг ҳимматимиз улдурурким, халойиқ рафоҳият ва фарогатда булгайлар. Ва олам ободон ва маъмур булгай. Ғараз бу сўздин мақсуд бу турурким, эл мундин нори ҳар неким воқийъ бўлса арз қилгай. Лобудда, то анинг дафъини қилиб, неким беҳбуд турур, қилгайбиз».

Соҳибқирон бу сўзларни дегондин сўнг барча аҳл хушвақт ва шодмон булуб, дуо била дедилар. Назм:

286а Ё Рабб! Ин шаҳриёри одилға
Давлат ва умри жовидон бергил.
/Неки сендин тиласа бу Хусрав,
Караминг бирла сен равон бергил.
Бу жаҳон давлатини чун бердинг,
Давлату бахту ул жаҳон бергил.

Шаҳзодаларким, Ироқи Арабқа бориб эрдилар, аларнинг сўзи

Мундин бурун айтиб эрдукким, шаҳзодаларким, Ироқи Арабға бориб эрдилар, амирзода Рустам сўнг бориб Ҳиллада амирзода Або Бакрға етиб қўшулди. Ва шаҳзодалар Фирот суйидин ўтуб, қуйи сори Наҳрулганам йақосидаким, Қарийайи Сибнинг муқобаласида воқийъ турур, Қаро Йусуф Туркмонға еттилар. Ва шаҳзодалар била уч минг киши бийла эрди, узгалар кейин қолиб эрдилар. Ва Қаро Йусуф қалин киши била арифнинг нари

юзида хандақ қазиб урушмоққа туруб эрди. Амирзода Рустамким, амирзода Або Бакрдин ёши улугроқ эрди, одоб била дедиким, «Сиз гўлда турунг. Мен илгари бориб урушайим». Амирзода Рустам жавобида дедиким, «Мен ҳукм била кўмакка келибмен. Икки гўл бўлуб, ҳар биримиз бир тарафдин кирали». Мундоқ қарор бергондин сўнг тигларини тортиб, амирзода Рустам аригдин ўтуб, душманлар сори от солди. Ва уруш бўлуб, Қаро Йусуфнунг иниси Ер Алини тушуруб, филҳол бошини кестилар. Ўзга мансур черики тамом аригдин ўтуб йахши ишлар қилдилар. Муҳолифлар бу ишни куруб, туролмай қочтилар. Қаро Йусуф йамон аҳволи била бир неча киши била қочти ва бўлгон эл-улуси ўн беш минг эвлук кишиси эликка тушти. Ва сонсиз мол алардин олдилар: от ва тева ва қўй беҳад тушти. Ва Қаро Йусуфнунг хотунини асир қилдилар. Бўлгон уруг-қийши била Нуайз Арабким, саҳродаги арабларнинг даругаси эрди, ва бу чоққача ҳеч кишига бош эндурамас (эрди), ани таладилар. Ва ўзга элларни талаб, хароб қилдилар.

286а Соҳибқирон Байлақон/ шаҳрини иморатиға машғул эрдиким, амирзода Або Бакрнинг навқари Сариқ ва Қутлуқ Хожа ва амирзода Рустамнунг мулозими Оқ Берди Ўзбек келиб фатҳ хабарини келтурдилар. Ва Қаро Йусуфнунг инисининг бошини келтурдилар. Ва Ироқи Арабда муҳолифлардин киши қолмади. Амирзода Або Бакр фароғат била қайтиб Бағдод вилоятиға келиб тушти. Ва элини истимолат бериб, Бағдоднинг иморатиға машғул бўлди.

Амирзода Умар Самарқанддин келғони ва вақоийким, Байлақон шаҳрини йасағонда воқий бўлди

Шаҳзода Мироншоҳнинг ўгли амирзода Умарким, Самарқандда эрди, соҳибқирон ани чорлаб эди, Самарқанддин мулозиматқа келди. (Бу жумъа куни, жумада ал-аввал ойи бошида, торих саккиз юз олтида (16.11.1403) эрди). Ва ул маҳалда Туманнинг ўгли Черкас Неҳованддин келди. У Лури Кучекнинг ҳоқими Малик Иззуддинким, ул муддат жаҳолат ва залолат дўст бўлмай муҳолифат қилиб юрур эрди, бошини келтурди. Ва арз қилдиким, «Терисини самон тўлдуруб осиббиз, то ўзгаларга ибрат бўлғай».

Ушбу маҳалда соҳибқирон мавлоно Қутбуддин Қумийким, Шероз вилоятида девон эрди ва эл била маош қилмайдур эрди, пешкаш деб уч юз минг олгун кўпнакий раёйодин олиб эрди. Соҳибқирон бу ҳолдин хабар билиб, ҳукм бўлдиким, «Шайх Дарвеш Аллоҳий ани тутуб, аёғига кунда солиб, Шерозга элтеун. Олгон йармоғни андин олиб, раёйо ва мухтарифага берсун. Ва анинг навқарлариким, элга зулм қилиб турурлар, бўғузларидин остурсун!» Ва Хожа Малик Семнонийни забт учун Шерозга йибарди ва ҳукм бўлдиким, «Мавлоно Соьидким, Шероздин келиб эрди, ёниб, ҳар нимаким раёёдин артуқ олгон бўлсалар ёндураберсунлар!» Ҳукм бўлгондин сўнг бу жамоат Шерозга еттилар ва Аргун дегон девон навқарини бўғзидин остилар. Жумъа куниким (23.11.1403), барча эл жамъ бўлуб эрдилар, Мавлоно Қутбуддинни завола ва душоха билан келтурдилар. Ва Мавлоно 287а Соьид минбар устига чиқиб, ҳазратнинг/ ҳукмларини элга деди. Барча элдин фарёд чиқиб, дуо қилдилар. Уч юз минг олгун кўпнакийни келтуруб, ҳар кимдинким, олиб эрдилар, ёндуруб бердилар. Ва бул иш ул ҳазратдин ёдгор қолди. Андин сўнг амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх Мавлоно Қутбуддинни банддин чиқориб, Самарқанд йибарди.

Ҳазрат соҳибқирон Қаробогда қишлоқ солғони

Соҳибқироннинг муборак хотири Байлақон шаҳридин фароғат топти, андин Қаробог сори мутаважжиҳ бўлди. Ва мундин бурун ҳукм қилиб эрдиким, анда қишлоқ солғайлар. Қишлоқ учун юртлар тутуб, эвлар солиб эрдилар. Шаҳзодалар ва беклар ҳар киши ўз юртига бориб туштилар. Ва ҳукм бўлуб эрдиким, «Амирзода Рустам Ҳулоғухонга тааллуқ улусни забти учун бўлсун!» Амирзода Рустам Қалоғи ва Синани йулидин соҳибқирон хизматига келди. Соҳибқирон эшитиб эрдиким, Исқандар Шайхий Феруз-

куҳ ва Демовандга¹⁰⁸⁰ боргон турур. Ва анинг ҳаракотидин муҳолифат зоҳир булур. Ҳукм булдиким, «Сулаймонбек анинг сори борсун. Агар Искандар муҳолифат йўлидин чиқиб мутғи бўлса, анга музоҳим бўлмасунлар. Ва агар исён йўлидин чиқмай муҳолифат қилса, Қумм ва Қошондаги йайоғини йиғиштуруб, ҳар ердаким бўлса анга бориб ишини йасасунлар!» Амирзода Рустам ва Сулаймоншоҳбек таваққуф қилмай юридилар. Ва Шайх Иброҳимбекким Ширвонотнинг ҳоқими эрди, куб пешкашлар била келиб, соҳибқиронни кўрдилар. Ва минг от пешкаш тортиб, ул қиш ҳар ҳафтада бир баҳона билан тўйлар қилдилар, ва айшу фароғат додини бердилар.

Бу маҳалда Ироқи Арабдин Нуралвардким, Султон Аҳмад Жалойирнинг ўғли эрди ва ўн саккиз ўшида эрди, соҳибқиронга келтурдилар. Ани 2876 ўлдурдилар. Ул маҳалда Саййид Барака, /алайҳиррахма, соҳибқироннинг мулозиматиға келди. Соҳибқирони покъэтиқод оқ уйдин ташқари чиқиб, Саййид била кўрушти ва Саййид шаҳзода Муҳаммад Султоннинг азасини еткурди. Ва дасторини бошдин кўтариб, зори ва нола қилди. Ҳазрат соҳибқирон Саййидни қучуб йиғладилар ва Мовароуннаҳр соридин Кеш ва Самарқанд ва Бухоро ва Термиз ва ўзга мавозитълардин содот ва акобир ва уламо ва машойихлари ва Термизнинг ховандзодалари Хожа Абдул Аввал ва Хожа Исомиддин ва Хожа Афзал Кашший ва Кашнинг шайхулисломининг ўғлонлари Абдул Ҳамид ва Абдул Раҳмон ва ўзга бузурғлар барча келиб аза еткурдилар. Ва насойиҳ қилдилар ва ояту ҳадис билан ҳумоюн хотирини таскин бериб, насиҳатлар дедилар.

Соҳибқироннинг муборак кўнгли тасалли тобқондин сўнг уламолар била суҳбат тутуб, масала ва масойили диний баён қилур эрдилар.

Ва бу маҳалда Кермоннинг девонлариким, Идику жиҳатидин маблағи олиб эрдилар ва соҳибқирон ани эшитиб сўрди. Аммо ҳазратнинг қариндоши Баён Огонинг қизи, Идикунунг хотуни эрди, анинг хотири жиҳатидин Идикунунг ишини юз туман кўппакий билан қарор бердилар. Ва Идику ани қабул қилдиким, хазинаға тобшургай. Кермонни йана анга бердилар. Ва ижозат бердиким, Кермонга боргай ва Султон Боязидким, анда эрди, анга ҳукм булдиким, «Ўрду сори мутаважжих бўлсун!» Ва Навширвонким, Баён Оганинг ўғли эрди, ани Озарбайжон ва Табризга йибарди, то андаги молни тушургай. Ва Пир Муҳаммад Пўлодким, амирзода Шоҳрухнунг навқари эрди, Сорининг ҳукуматиға йибарди. Ва Бек Малик огоким, амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирнинг ҳарами эрди, Газнин ва Қандаҳордин соҳибқирон мулозиматиға келди.

Шаҳзода Шоҳрух Гилон сори таважжух қилиб борғони

Гилон мулуқлари пешкашлар йибариб, ўзлари келмадилар. Соҳибқироннинг аччиги келиб, ул сори таважжух қилмоққа йироқ қилди. Аммо бурун 288а /қаровуллардин Дарё Қавчин ва Билол ва Муҳаммад ва Али Султон Тавачи ва Боязид Буралди ва Баҳлул Барлосни йибардиким, «Гилон вилоятиға кириб, жангаллар ичида қишлоқ қилиб ултурсунлар!» Ва амирзода Шоҳрухқа ҳукм булдиким, «Гилон сори мутаважжих бўлуб, Қизил Йағочқа борсун. Ва фарзанди аржуманди амирзода Иброҳим Султон тумони била ва Жаҳоншоҳбек ва Шайх Иброҳим ва Рустам Тагай Буға ва Саййид Хожай Шайх Али Баҳодур ва ўзга беклари била шаҳзода билан бийла юрусунлар!» Булар келиб Қизил Йағочқа етдилар. Гилоннинг ҳоқимлари хабар тобтиларким, соҳибқироннинг черики бери мутаважжих бўлуб турур. Киши йибариб, молу хирож қабул қилдилар. Шаҳзода бу қиссани арзадошт қилиб йибарди. Ва бир жамоатни Гилонга йибардиким, қабул қилгон молни келтургайлар. Ва Саййид Ризо Киёки, Дайлима¹⁰⁸¹ ва Гилонот вилоятида сиедат ва машхур эрди ва фазилату илмда соҳибкамоли замон эрди ва амир Муҳаммад Рештийким улуг ҳоқимлардин эрди, йахши пешкашлар тартиб этиб, иттифоқ била мутаважжих бўлдилар. Ва ўзга ҳоқимлар ва доруғалар ҳар бири бир навъ пешкаш билан соҳибқироннинг даргоҳида бордилар пешкашларини тортиб, арзадошт қилдиларким, «Бизлар банда ва хизматкорбиз. Молу хирож ва ҳар нимаким дерсиз, жонимиз билан берурбиз. Ва ҳар неким буюрурсиз, туруббиз». Ҳазрат соҳибқирон аларни йахши кўруб, хилғатлар киюрди. Ва Ризо Киёнинг насаби соҳибқиронга зоҳир бўлуб, ани куб таъзим

этиб андоқ қилдиким, Гилон вилоятининг эли андин миннатдор бўлғайлар. Аларга муқаррар бўлгон ипак моликим, ун минг ботмон эрди, йаримини анга бағишлади. Ва фармон бўлдиким, «Муҳассиллар бу ваҳҳни алардин тиламасунлар!» Камох қалъасиниким, Рум сарҳадида турур, етмиш отлиқ-ким, Аббосбекнинг уругларидин эрди, анга берди. Ва ани бир жамоат била анда йибарди.

2886 Ва бу маҳалда Қаробогда улуг воқияларидин бири бу бўлдиким, Саййид Баракага /марази воқия бўлуб, ҳар нечаким табиблар муолажа қилдилар, мувофиқ бўлмади. Оқибат: *Иржа'й ила Раббикни разийатан марзийатиг*¹⁰⁸²ни қабул қилиб, бу саройи фонийдин олами боқийга мутаважжих бўлди. Ҳазрат соҳибқирон бу воқия жиҳатидин асру мутаалам бўлуб, йиғлади. Ҳукм бўлди: «Саййиднинг сўнгакини Анхудга элтиб, амонат қўйсунлар!»

Ул маҳалда соҳибқирон Ҳамадон ва Неҳованд ва Ружард ва Лури Кучекни бу вилоятларни бўлгон тавачи ва лавоҳиқи била амирзода Искандарга берди.

Мардин ва Вастондин ҳокимлари келгонлари ва амирзодаи марҳум Муҳаммад Султон Мирзога ош бергонлари

Қиш кетгондин сўнг Мардиннинг ҳокими Малик Иса кўп таҳаммул ва пешкашлар била даргоҳи олампаҳода келди. Ва қизиким, амирзода Або Бакрға қалинлиқ бўлуб эрди, келтурди. Ва Малик Иззуддин тақи Вастондин пешкашлар била келди. Булар соҳибқирон қошига кириб, юкунуб келтургон пешкашларини торттилар. Фармон бўлдиким, «Хулоғхоннинг улусининг беклариким, Озарбайжон ва Ироқи Арабда турурлар ҳар бири 5 ўғлини 5 инисини кўчи билан Самарқандга йибарсунлар!» Рамазон оий бўлгонда (13.03.1404) шаҳзодаи саъид Муҳаммад Султоннинг фавтидин бир йил ўтуб эрди, аининг учун ҳукм бўлдиким, «Қўйлар ва отлар ўлдуруб, ош-сув қилсунлар!» Содот ва ашроф ва уламо ҳар кишига ўз ерига қарор тониб, ош торттилар. Ва ошдин сўнг хуш унлуқ ҳофизлар Қуръон тиловатига машғул бўлдилар. Ва дуо ва такбирдин сўнг фуқаро ва масокинға кўб садақалар бердилар.

289a Андин сўнг маҳди аъло Хонзода ҳазрат соҳибқирондин ижозат тилаб Султонилға мутаважжих бўлдиким, анда бориб шаҳзоданинг сўнгакини мазори бузруквор Қайдор пайгамбардин, алайҳисалоту вассалом, Самарқанд элтқай. Ва ул маҳалда ҳазрат соҳибқироннинг муборак хотири ов солмоқ тилади. / Соҳибқирон саодат ва иқбол била отланиб, Арас суйидин ўтуб, беклар Оқтомда жирга солдилар. Ва уч кеча-кундуздин сўнг жирга бири-бирига етиб, апча жонивор йиғилдиким, сони йўқ эрди. Андин сўнг соҳибқирон овдин қайтиб, ўрдуға бориб тушти. Соҳибқирон Самарқанд ва Кеш ва Бухоро ва Мовароуннаҳрдин келгон содот ва уламони Рум ва Фаранг қумошларидин инъомлар қилди ва зарбофт хилъатлар ва йўрға отлар бериб, ижозат бердилар. Хуррам ва шокир бўлуб вилоятлариға қайттилар.

Соҳибқирони динпарвар етти йиллиқ юрушдин қайтқони

Бу юрушда Шом ва Рум мамлақати мусаххар бўлди, Мисрда сикка ва хутба отиға ўқудилар ва молу хирожни қабул қилдилар. Соҳибқироннинг муборак кўнгида туштиким, Хитой сори борғай ва андаги кофирларни дини Ислом йўлиға кетуруб, шаръ нури била музаййан ва ораста қилғай. Аввал баҳордаким, шаҳашшоҳи фалак қиш манзилдин чиқиб, ёз юртиға келди ва аининг мақдамидин олам йана гулу лола ва райҳондин музаййан бўлди, байт:

Баҳор бўлди ва бўлди йана жаҳон гулзор,
Чаманда булбули бечора чекди нолаи зор.

Соҳибқирони динпарвар Қаробог қишлоғидин кўчуб, рамазон ойининг ўп тўртида, торих саккиз юз олтида, бичин йилда (26.03.1404) Самарқанд

сори мутаважжих бўлди. Ва Арас суйига қуфрук боғлаб, давлат ва саодат била утти ва Араснинг йақосидаги ўтлогда тушти, Неъматобод кентига йақин ва Нахри Барлоским, соҳибқирон чиқоргон ариглардин турур, анинг канорида тушти. Ва амирзода Шоҳрухким, ҳукм билан Қизил Йағочқа бориб эрди, қайтиб келди.

Соҳибқирони саодатнишон Ҳулогухоннинг улусини амирзода Умарға бергони

2896

Ул юртда соҳибқирон буюрдиким, «Туй асбобиға машғул бўлсунлар!» Улуғ туй этиб, Ҳулогухонға тааллуқ улусни амирзода Умарға берди ва нишон бериб, ол тамға бости. «Озарбайжон вилояти, Рум ва Истанбулгача ва /Шому Мисрғача анинг ҳукму фармонида булғай. Ва шаҳзодаларким, Ироқ ва Форсда турурлар, анинг сўзидин чиқмасунлар ва анинг қурултойида ҳозир бўлсунлар!»¹⁰⁸³ Ва амирзода Мироншоҳким, (анинг) атоси эрди, бекларидин ва навкарларини, бир жамоат кишини анга берди. Ва ул маҳалда амирзода Умарни ижозат берди. Ва амирзода Мироншоҳни неча бек билан, мисли Рустам, амир Муеа ва Тукал Едгор Барлос ва Жунайд Бурулдай ва гайруху ўн минг йахши кишини йароғи билан анга берди. Ва ҳукм қилдиким, «Анинг сўзидин чиқмасунлар!». Ва шаҳзода Умарға дедиким, «Жаҳоншоҳбек сўзидин чиқмасун ва ҳар неким ул маслаҳат кўрса, анинг бирла амал қилғайсен!». Шаҳзодага тожу камар мурассаъ ва отким, эгар-югани олтун эрди, берди. Ва шаҳзодага қучуб, юзига упуб, ижозат берди. Ва анинг била қолгон бекларға нималар инъом қилиб, йахши сўзлар деб, кўнгул бериб, ижозат берди. Жаҳоншоҳбек соҳибқироннинг ҳажрида кўб йиглаб, зори қилди. Андин сўнг соҳибқирон амир Шайх Иброҳим ва Мардиннинг ҳокими Султон Иса ва Малик Иззуддин ва Кўстандил Гуржи ва Тизак ва Жолиқ ва Бистом барчани хильятлар бериб ва олтун камарлар инъом қилиб, барчани шаҳзода Умарға мулозим қилди. Ва шаҳзода Алатогнинг йайлоғи сори мутаважжих бўлди.

Ва ҳазрат соҳибқирон андин кўчуб, ов солиб, Оғлақ суйидин йақосида Балоравадқа келиб тушти ва анда неча кун туруб, рамазон оғи кечиб, ийд бўлди. Шанба куниким, ийд эрди (12.04.1404), намоз ўқуб, Мавлоно Низомуддин Шиблийким, уламолар ичида машҳур эрди, хутба ўқуди. Ва намоздин сўнг суҳбатлар тутуб, ийд қилдилар, даъватлар тортиб, мажлисдаги фозилларға иноятлар қилди.

Амирзода Рустам ва Сулаймоншоҳбекким, Рай сори кетиб эрдилар, аларнинг сўзлари

290a Бурун айтиб эрдукким, амирзода Рустам ва Сулаймоншоҳбек ҳукм билан Искандар Шайхий сори /мутаважжих бўлуб эрдилар. Райға етиб маълум қилдиларким, Искандар мутобиъат йўлидин чиқиб, мухолифатдин дам урар эрмиш ва Ферузқуҳ қалъасини беркитиб, ўгли билан анда қўйгон турур ва ўзи Жилову ва Рустамдорнинг¹⁰⁸³ жангали ва тоғлари сори қочиб бориб турур. Шаҳзода билан Сулаймоншоҳбек йигирми кун Райда таваққуф қилдилар ва Рай ва Қумм ва Кошон подаларини йиғиштуруб, Нур қалъасини қамал қилиб олиб буздилар. Ва анда Малик Кайумарс алар қошида келди. Ул Искандар Шайхий била душман эрди. Малик Кайумарсни тутуб, Искандар қошига йибариб дедиларким, «Сенинг душманингни тутуб сенга йибардук. Эмди Шайх, тарадуд қилмай, бизга келгил. Соҳибқирон қошида нечукким бурун эрдинг, эмди андин йахшироқ булгунгдур». Аммо Искандар қўрқуб келмади ва Кайумарс била йарашиб, ани ҳам йўлдин чиқориб, ўзи била муттафиқ қилди. Иккаласи шарт ва аҳд қилиб, изҳори мухолифат қилдилар. Шаввол ойининг аввалидаким (12.04.1404), соҳибқирон Оғлақ суйининг йақосида тушуб эрди, Сулаймоншоҳбек қошида киши келиб, булғон воқийьотни арзадошт қилди. Ва ҳазрат соҳибқирон андин кўчуб, Хуросонға Мизроббекка киши йибардиким, «Андаги черик

била Сори ва Омул йўлидин Искандар Шайхийга мутаважжиҳ бўлсун!» Жумъа куни, шаввол ойининг етгисиди (18.04.1404) Мовароуннаҳрдин амирзода Халил Султоннинг мулозимларидин биров келиб ҳазратни кўруб, сиҳхат ва саломат хабарларини арзадошт қилди.

Амирзода Искандар била Шоҳ Маликбекни Рай сори йибарғони

2906 Соҳибқирон Ардабилға етти, Шоҳ Маликбек била амирзода Искандарни ва ҳазора бекларидин Пир Али Сулдузни бир жамоат била илғари Райға йибарди. Ҳукм қилдиким, «Халаж ва араб эллариким, Сова ва Қумм ва Кошон ва Чаро ва Нароҳон ва Кўҳруд йўлиғача ултуруб турурлар, /алардин черик йиғиштуруб, бориб амирзода Рустам ва Сулаймоншоҳбекка қўшулсунлар!»¹⁰⁸⁴ Соҳибқирон Ардабил ва Миёнадин¹⁰⁸⁵ утуб, Саржамда¹⁰⁸⁶ тушти. Ва анда Дукдайким, унинг қалъасиди эрди, таъжил билан келиб соҳибқиронни кўрди. Ҳазрат анга хилъат ва камар бериб дедиким, «Ўзга маълум эрмаским бизни кўргайсен. Керакким, сен ул ерлардин хабардор бўлуб, гофил бўлмағайсен, Аҳмад Жалойирнинг ул қудрати йўқ турурким, ўзга мухолифат қилғай. Аммо Қаро Йусуфдин гофил бўлмағайсен!» Бу насихатлар қилиб, ани ёдурди.

Соҳибқирон андин кўчуб, панжшанба куни, шаввол ойининг йигирмисиди (1.05.1404) Султонияға етти. Ва анда муҳассилларким, Гилонға бориб эрдилар, келдилар ва мол бисёр келтурдилар. Шанба куни, ойнинг йигирми иккисиди (2.05.1404) Султониядин кўчуб, манозил ва мароҳилни суруб, Қазвининг саҳросиди туштилари. Амирзода Або Бакр эшиттиким, соҳибқирон қайтиб келадур, қўш от била юруб, Гулшан йўлидин туққуз кунди Қазвин саҳросиға стиб, ҳазратнинг дийдориға мушарраф бўлди¹⁰⁸⁷. Амир Ҳусайн Барлос ва Севинчакбек била эрди.

Сарой Мулк хоним ва Шайх Нуриддинбек дархост қилдиларким, шаҳзода атоси қошиди бориб, Бағдодта бийла бўлғайлар. Ҳазрат аларнинг сўзини қабул қилиб, амирзодаға ижозат бериб, тўрт юз минг олтун динор кўппакий ва юз бош от ва рахту қумош берди. Шаҳзода Султонияға қайтиб борди.

291a Соҳибқирон Қазвиндин кўчуб, Совуқ Булоққа етти¹⁰⁸⁸. Анди амирзода Або Бакрға икки юз от ва юз жайба ва юз минг олтун кўппакий инъом қилиб, фармон қилдиким, «Сулаймоншоҳбекнинг кейниди бориб, Искандар Шайхийнинг дафъиға саъий қилсунлар!» Шаҳзоданинг ҳарами Шоҳи Мулкким Ҳожи Сайфуддин қизи эрди, Дужайлким¹⁰⁸⁹, Бағдодқа тааллуқ турур, анга /суюрғал берди. Ва ул ижозат тилаб, Султонияға қайтиб борди. Аммо, шаҳзода Талғун уқбасидин¹⁰⁹⁰ қор устидин утуб, Жакурда амирзода Рустам ва амирзода Искандар ва Сулаймоншоҳбекка қўшулди. Ва алар эҳтиёт учун хандақ қазиб ўлтурдилар. Ва анди етти кун ўлтурдиларким черик барча йиғилди. Ва йана соҳибқирондин ҳукм келдиким, «Искандарнинг кейниди борсунлар!». Барча ҳукм била юруб, йўлда жангаллар эрди, йағочларни кестуруб, йўл қилур эрдилар. Ва йўлларким, тоғнинг камарларида бор эрди, аларни бузуб эрдилар. Ул йўлларни йағочлар била ва тахталар била йасаб юрур эрдилар. Ва мухолифлардин ҳар ким учраса эрди, ўлдурур эрдилар.

Соҳибқирон Савуқ Булоқдин кўчуб, Рай вилоятиға кирди ва (зулқаъда ойи бошиди) (11.05.1404) Сариққамиш мўргзорида келиб тушти. Андин ҳазрат соҳибқирон артуқиси от-улоғларини Рай ва Хувор¹⁰⁹² сори йибарди. Ва Бек Мулк огоким, амирзода Пир Муҳаммаднинг ҳарами эрди, ижозат бериб, уғлонлари бийла Газнин ва Қандаҳорға йибарди. Ва ҳукм булдиким, «Шамсуддин Аббос ва ўзга бекларким, тотор элини аларға топшуруб эрдилар, Хувор ва Семнон йўлидин борсунлар!» Ҳукм била бекларким, тотор элини кўчтуруб, ул элни суруб бордилар, ва Шоҳ Маликбек йиғиштурмак учун илғари келиб эрди, келиб ўрдуга қўшулди.

Соҳибқирон Сариққамишдин кўчуб, Гулихандон қалъасиким, Демованд тоғининг этагида воқиф бўлгон турур ва бузук эрди, келиб анди тушти. Ул қалъани эҳтиёт қилгондин сўнг фармон қилдиким, «Бу қалъани ганч ва тош била иморат қилсунлар!»

Андин кўчуб ва Мованддин утуб, Ферузкўх тоғида келиб тушти.

2916 Машҳур қалъаларким, мазид ва муътабар ва анинг маҳкамлигини /ва анинг васфини китобларда битиб турурлар, Ферузкуҳ қалъаси турурким, бир улуг тоғ устида йасаб эрдилар. Соҳибқирони гитиситон душанба куни, ойнинг тўққузиди (19.05.1404) Ферузкуҳга тушти. Мансур черики қалъани уртада олиб туштилار. Баҳодурлар бориб манжаниқлар ва арродалар тартиб қилдилар. Ва раъд отқучилар раъд отабошладилар. Ва қалъанинг бир бурни тоғнинг этагида эрди ва сувга йақин эрди ва қалъа эли андин сув олиб ичар эрдилар. Баҳодурлар илгари бориб, сувни ўзга сори солдилар. Ва ҳар сувким, анда қолди, ани гандалик била булғадилар. Ва қалъадаги эли урушур эрдилар. Кеча булғонда шаҳзода Иброҳим Султоннинг навқарларидин Муҳаммад Озод ва Шайх Баҳлул ва Баён Тсмур ва Оқ Буға ва неча баҳодурлар билан камарларга бир-бир чиқиб, қўрғоннинг тубига бордилар. Ҳисор эли андин хабар билиб уруштилар ва баҳодурлардин неча киши заҳмлиқ бўлди.

Тонг отқонда зафарпаноҳ черики нағора ва нафирларни чалдуруб, сурон солдилар ва ҳар соридин кемаларга чиқиб урушур эрдилар. Искандар Шайхийнинг ўгликим, қалъада эрди ва қалъадаги эли бу ҳолатни кўруб, барчага изтироб булуб, қўрқуб, ҳазрат қошига киши йибардиларким, «Биз хизматкор турурбиз. Бизга амон берсулар». Соҳибқирон келгон кишига тўн кийдуруб, йахши сўруб йибарди. Ул киши йониб қалъага кириб, ҳазратнинг лутфу карамидин аларга хабар берди. Искандарнинг ўгли ва ўзга кишиларким қалъада эрдилар, барча қалъадин чиқиб, соҳибқироннинг хизматига келиб, қалъани тобшурдилар. Мундоқ қалъаким, оламда машҳур турур, соҳибқирон давлатидин икки кунда фатҳ бўлди. Соҳибқирон Зангий Тунийни анда кутвол қўйди.

292а /Тонгласи чаҳоршанба куни, ойнинг ўн бирида (21.05.1404) кучуб, йарим йағоч йўл бориб, бир ўтлоғда тушти. Ҳазрат олиёт Сарой Мулк хоним ва Туман оғони шаҳзодалар билаким, амирзода Улугбек ва амирзода Ижал ва амирзода Саъд Ваққос, барчани Самарқанд сори йибарди. Булар барча ҳукм била Султон Майдон йўлидин бордилар. Ва ҳазрат соҳибқирон фатҳ ва зафар била Искандар Шайхийнинг дафъига мутаважжих бўлди. Бу маҳалда хабар келдиким, тотор эли йаағи бўлдилар. Ва мунунг қиссаси мундоқ эрмишким, бир кун тотор эликим, Хожа Тангрибермишнинг уҳдасида эрди, Дамгоннинг йақинида йаағи булуб, ани заҳмлар уруб ташлаб, ўзлари қочтилар. Гурани даругасиким, кейиндин келур эрди, Тангрибермишни бу ҳол била кўруб, таниб кўрдиким, тирик турур. Ани Дамгонга кийурдиким, муолижа қилгай. Ва бу хабар жиҳатидин ўзга куранлар ҳам азм қилдиларким, қочгайлар.

Аммо Шамсуддин Аббос ва Аталмиш ва Севинчак ўгли Шоҳ Вали ва ўзга бекларким, куранларда муҳассил эрдилар, ул ҳолдин хабар билиб, қўб киши алардин ўлдурдилар ва неча булук алардин Астробод жангаллариға кириб қочтилар. Ва ўзгаларни Шамсуддинбек суруб, ўзи била элтти.

Соҳибқирон мундин хабар билиб, Баён Қавчин ва Фозил Сайфулмулк ва Дона Хожа ва Рустам Пўлод ва Қиморий Баҳодурни беш юз киши била қочқонларнинг кейнида йибардиким, «Ҳар ерда боргон булсалар аларга жаҳд қилиб етеунлар!». Ва андин сўнг амирзода Аҳмад Умаршайх ва Бурундўқбекини бир жамоат киши билан йибарди. Ва алар ҳукм била Дамгонгача сурдилар. Чун билдиларким, тотор элини Шамсуддин Аббос ва ўзга беклар алардин қўб киши ўлдуруб, ўзгаларни элтибтурлар, андин қайтиб урдуға келдилар.

292б /Ва Баён Қавчин ва ўзга бекларким, тотор элининг қочқонларининг кейнида бориб эрдилар, Бистомдин¹⁰⁹² ўтуб, Лангарду уқбасидин¹⁰⁹⁴ кечиб, Мозандарон жангалига кирдилар. Қаронгон мавзъида Қулзум дарёсининг йақосида тоторға еттилар. Алар била урушуб, мансур булуб, ўн икки минг эвлук тоторни олдилар ва минг киши алардин соҳибқирон сори мутаважжих бўлди. Ва соҳибқироннинг ҳарамлариким, Самарқанд сори мутаважжих булуб эрдилар, Бистомға етиб, шаҳзода Шоҳрухнинг ўғруқи алардин айрилиб, Нишопур йўлиға кириб, Ҳирот сори мутаважжих бўлдилар. Сарой Мулк хоним ва Туман оғо улуг ўғруқ била Жажарм ва Исфароин йўлиға бордилар.

Соҳибқироннинг одати ул эрдиким, ҳар эш-кучким, воқия булса эрди, ўзи ани ихтимом қилиб, ани қилмағунча ором топмас эрди. Бу маҳалда соҳибқироннинг муборак кўнглида кечтиким, Искандар Шайхийнинг муҳиммати учун борғай. Ул маҳалда амирзода Шоҳруҳқа андак марази воқия булур эрди. Бас, ҳукм булдиким, «Шаҳзода Шоҳруҳ неча хосса кишиси била Ҳиротқа борсуи ва черикини бизга қўшсун!» Шаҳзода ҳукм била черикини қўйуб, бир неча хосса киши била Хуросон сори мутаважжиҳ бўлди. Ва соҳибқирони комкор Жилов сори мутаважжиҳ бўлди. Ва ул йўлда тоғлар ва даралар куб эрди, анда кириб неча кун юруб, Жиловнинг тоғига етиб, анинг устига чиқиб тушти. Искандари кофирнеъмат соҳибқирондин хабар билиб, андин қочиб, Санамдизга борди. Ва ҳазрат соҳибқирон жумъа куни, зулқаъда ойининг йигирмисида (30.05.1404) Жиловга етти. Ва андаги эл Искандар била қочиб кетиб эрдилар. Ҳазрат андин кўчуб, ул йўлда бир дара бор эрдиким, анда / доим булут эрди ва доим қору йамғур ёғар эрди. Ва анда бир улуг сув бор эрдиким, анинг тезлиги жиҳатидин ҳеч киши уга олмас эрди, на отлиг ва на йайоғ. Ва бу даранинг йамон қаттиқ жиҳатидин Жаҳаннам дара дер эрдилар. Ва кўфрукким, бу сувга боғлаб эрдилар, Искандар Шайхий андин ўтуб, кўфрукни буздуруб эрди.

293a

Соҳибқирон мунда етиб кўрдиким, сувдин ўтмак мушкил турур, ҳукм қилдиким, «Кўфрукни йасасунлар!»

Мансур черики учун йағочлар келтуруб, бир-бири билан боғлаб, кўфрукни йасадилар. Тайёр булгондин сўнг душанба куни, ойининг йигирми учиди (2.06.1404) қирқ киши баҳодурлардин беш юз киши била кўфрукдин ўтуб, қоровуллуққа бордилар. Ва аларнинг кейнида Йусуф Барлос борди ва Саййид Хожай Шайх Али Баҳодур ва андин сўнг амирзода Султон Ҳусайн ва Шайх Нуриддинбек ўтдилар. Ва тоғлар устида чиқиб ва жангалларни кесиб, йўл қилур эрдилар ва Искандар Шайхийнинг кейнида борур эрдилар.

293b

Ҳазрат соҳибқирон кўфрукдин ўтуб, бир кунчилик йўл юруб, бир шатта устигаким, йағочи йўқ эрди, келиб тушти. Ва ул маҳалда мутғасил йамғур ёғар эрди. Бу маҳалда Саййид Исмоилким, Кирисконда турур эрди ва бу Кирискон Термизнинг кентларидин эрди, келиб соҳибқиронни кўрди. Аммо ҳазрат булгон черикини йибардиким, «Жангалларда юруб, жаҳд этиб Искандарни тобсунлар!» Ва аларнинг ғажирчилари Мозандароннинг саййидлари эрдилар. Қаровулларким, илгари бориб эрдилар, мисли Дарё Қавчин ва Шоҳ Малик Барлос ва Баҳлул Барлос ва Ҳайдар Барлос ва Шайх Дарвеш Аллоҳий ва Шайх Муҳаммад Қавчин ва (Бек Темур Қавчин) ва Худододи Чура ва Вафодор булар барча панжшанба куни, ойининг йигирми бешиди (04.06.1404) жангал ичиди Қулзум дарёсининг йақинида Искандарга етдилар. Ва Шайх Дарвеш Аллоҳий қўрқуб /қайтти бу баҳона билаким, «Йусуф Барлос черики била кейиндин келур эрди. Мен бориб ани тезроқ келтурарайим». Ва Искандар икки юз йайоқ ва ўттуз отлиқким, барчаси уруқ-қийиши эрди, урушмоқ учун хаймасидин чиқдилар. Ва мансур черикининг қаровуллари йигирми кишидин артуқ йўқ эрдилар. Ва Искандарнинг баҳодурлуғини қўб кўруб, билур эдиларким, ул шужоъ ва паҳлавон турур. Ва паҳлавонлиг анга мерос эрди, анинг учунким, ул Бижан наслидин эрди¹⁰⁸⁶. Ва атоси Кайу наслидин ва аносис Бону Гиштаспким, Рустамнинг қизи эрди, анинг наслидин эрди. Икки тарафдин паҳлавонзода эрди. Бовужуд ул қаровуллар соҳибқирон давлатидин, қўрқмай кўнгуларини маргга қўйуб турдилар ва дедилар: «Агар қазо еткон булса, мунда улсак йахшироқ турурким». Аммо соҳибқироннинг давлатига сизгиниб, Искандардин ҳеч андеша қилмай турдилар. Искандар отлиқлари била неча қатла ҳамла келтурдилар. Алар ерларидин тебранмай шубҳа қилдилар. Чун Искандар кўрдиким, иши илгари бормайдур, булардин қочди. Бовужуд улким, кишиси бор эрди, туролмай кетти ва чодирларини қўйуб, жангалга кирди. Қаровуллар тургон ерларига туруб, билмадиларким, ул қайси (йўлдин) кетти. Йусуф Барлос ва Сайфулмулк Ҳожий Абдуллоҳ Аббос кейнидин етдилар ва иттифоқ била Искандарнинг чодирларига кириб, ҳар неким бор эрди, таладилар. От ва тева ва хачир ва рахт ва қумош ва олтун-қумиш қўб олдилар. Ва неча анда туруб, тонгласи Севинчакбек, амирзода Рустам ва амирзода Або Бакр ва Сулаймоншоҳбек илгари келиб эрдилар, буларга етиб

қушудилар. Севинчакбек тоғлар сори Искандарни истагали борди ва анинг аммзодаси Луҳраспга етиб, қавлаб Искандарнинг ўғлини ва хотунини ва қизини асир қилди.

294а **Амирзода Султон Ҳусайн Искандар /била урушуб, Искандар
гойиб бўлгонининг зикри**

Амирзода Султон Ҳусайн ва Саййид Хожай Шайх Али Баҳодур етмиш киши била қаровуларга етиб, алардин хабар билиб, иттифоқ била бу жангалларга кириб, Искандарни истагали бордилар. Дарёнинг йақосида анга еттилар. Ва анинг била икки юз йайоғ ва эллик отлиқ бор эрди. Барча кўрдиларким, соҳибқироннинг кишиси етти, барча жон қўрқунчидин урушқа турдилар. Амирзода Султон Ҳусайн аларга чониб, йана макр этиб, алардин қочти. Мухолифлар далер бўлуб, йайоқ-отлиқ жангалдин чиқтилар ва буларнинг кейнида юридилар. Амирзода филҳол ёниб, баҳодурлари била қиличларини тортиб, аларнинг бошига тўктилар. Ва йайоғлардин куброкини ўлдурдилар. Ва Вафодор ул урушда йахши ишлар қилди ва анинг юзига найза уруб эрдилар, бовужуд ул захм (сўнг) йахши бўлди.

Искандар йана жангалга қочиб, Гилон сори қочти. Андин сўнг ўзга киши хабар бермади ва таҳқиқ билмадиларким, апинг аҳволи не бўлди. Баъзи киши дедиким, дарвеш бўлуб кетти. Ва баъзи дедиларким, ўшул жангалда юз хорлуқ била ўлди. Ва амирзода Султон Ҳусайн икки киши тушуруб эрди, бирини тирик Қазон Дарвеш била соҳибқиронга йибарди. Ва ҳазрат ўшул пуштадаким, бурун айтиб эрдук, анда эрдиким, Қазон Дарвеш ул кишини келтурди. Соҳибқирон андин хабар сўрди; тамом аҳволни шарҳ қилди.

Амирзода Султон Ҳусайн андин қайтиб Қулзум дарёсининг йақосида амирзода Рустамга келиб қушудди. Ва иттифоқ била дарёнинг йақосида Гилон сори ўтгуз йағоч йўл бориб, бир ерда тушти. Ва амир Музроб Жакуйким, ҳукм била Хуросон черики била Омул йўлидин Искандарга отланиб эрди, келиб шаҳзодаларга қушудди. Ўзга бекларким, Искандар учун ҳар сори кетиб эрдилар, /барча бу ерда жамъ бўлдилар.

Чун Искандар йағуз юз машаққат била андоқ кеттиким, андин не хабар ва не асар бор эрди, шаҳзодалар ва беклар барча қайтиб соҳибқирон қошига келдилар. Соҳибқирон бовужуд улким, ул баҳодурлар мунча юруб, ишлар қилиб эрдилар, аларга аччиғланиб, деди: «Не учун Искандарнинг кейнида бормадингиз?» Шоҳ Маликбекни аларга қушуб, Искандарни истагали учун Гилон сори йибарди. Ва алар бир кеча-кундуз жангал ичида балчиқ ерлардаким, биринч эккон ерлар эрди, юруб ҳеч ерда тушгани ер топмай, отдин тушмай юридилар.

Бу маҳалда соҳибқирондин киши келдиким, «Ёнсулар!» Барча ёниб келдилар. Соҳибқирон ул пуштадин кучуб, Жаҳаннам дарадин ўтуб, Нур қалъасигаким, Рустамдорнинг қалъаларидин эрди, келиб тушти. Ва анда ҳазрат соҳибқирон Искандарнинг уруқ-қиёшиниким, тутуб келтуруб эрдилар, ҳазрат қошида келтурдилар. Соҳибқирон лутфу карами барчанинг гуноҳларини бағишлаб, озод қилиб қўяберди. Кечада амирзода Або Бакр ва амирзода Султон Ҳусайн ва Сулаймоншоҳбекдин хабар келдиким, «Жаҳаннамдара суйиға етиб, ўта олмайбиз ва бизда анча қувват йўқ турурким, кўфрук боғлагайбиз». Ҳукм бўлди: «Муҳаммад Озод ва Тўкал Бовурчи ўтгуз кема билан бориб кўфрук боғласунлар!» Булар бориб кўфрук боғладилар. Шаҳзодалар ва беклар ўтуб, келиб ҳазратқа қушуддилар. Кеча анда туруб, тонгласи Гилон сори юруб, Дашти Калора жилгасига келиб туштиллар. Ва неча кун анда таваққуф қилиб ўлтурди. Бу маҳалда амир Гийёсудин Аликим, Саййид Камолуддиннинг ўғли эрди, ҳазратнинг шафқат ва иноят кўзи анга тушуб, Омул мамлакатини¹⁰⁹⁷ анга берди. Ва бу Искандар била қадимдин душман эрди.

295а **/Соҳибқирони гитиситон илғор била
Самарқанд сори мутаважжих бўлгонининг зикри**

Искандарким, кофирнеъматлиқ қилгон жиҳатидин ҳайвон суйидек нопадид бўлди¹⁰⁹⁸, ва анинг ўғлонлари била хотунлари ва уруғ-қиёши моллари била барча асир бўлдилар. Ва анга тааллуқ вилоят мусаххар бўлди.

Соҳибқирони саодатманд Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Ва шаҳзодаларким, Ироқи Араб ва Ироқи Лжам аларга тааллуқ бўлб эрди ва Саййид Иззуддин Ҳазоргирий ағо-инилари била ва Саййид Али Мозандаронийни тўй бериб, зарбофт тўнлар ва олтун камарлар бериб, ижозат бердиким, «Ҳар киши уз вилоятига қайтиб борсулар!»

Ва амир Саъид Барлосни амирзода Рустамга тобишурди ва Севинчакбекни амирзода Або Бақрга берди. Ҳукм била амирзода Рустам Исфаҳон сори ва амирзода Искандар Ҳамадонга бордилар. Амир Иззуддин Ҳазоргирий ва Саййид Али Омулга бордилар.

Нусратшиёр раъйати Калора даштидин кучуб, етти куч этиб, Лор вилоятига еттилар ва Мованд тоғининг этагидаким, подшоҳ Аргун анда кўшки иморат қилгон турур ва эмди ани Кўшки Аргун дерлар, якшанба куни, зулҳижжа ойининг йигирмисида (29.06.1404) келиб анда тушти. Ва андин кучуб, йигирми иккисида (01.07.1404) Ферузқўҳга бориб тушти. Ва анда Сулаймоншоҳбекка мурассаъ тож ва зарбофт тўн ва олтун камар берди, Рай ҳукуматига йибарди. Ва андин кучуб Султон Майдон йўлига кириб, панжшанба куни, ойнинг йигирми тўрттида (03.07.1404) Бистомга етти. Султон ал-Орифин Султон Боязид Бистомийнинг мазорига бориб тавоф қилди. Астробод ҳокими Пир Подшоҳким, бу юрушда кеча-кундуз мулозиматда эрди ва ҳазратнинг ижозати била илгари эрди, йана бу ерда келиб, қўб пешкашлар келтуруб тортти. Соҳибқирон анга тақи хосса тўн кийдуруб, тожу камар /бериб, вилоятига йибарди. Ва ушбу ерда Дона 2956 Хожаким, тоторларнинг кейнида бориб эрди, келиб ҳазратни кўруниш қилиб, бўлгон ҳолатни арз қилди. Ҳукм бўлдиким, «Аларнинг улуғларини банд қилиб, Самарқанд элтеулар. Ва вилоятнинг даруғалари алар билан бийла бориб, Самарқандқа еткурсулар!»

Соҳибқирони гитиситон ушул кун Бистомдин кучуб Жагар қарйасига келиб тушти.

Ҳасан Сўфий Тархон шаҳзода Шоҳрухдин келиб, таҳқиқ қилиб дедиким, «Шаҳзоданинг умиди улдурким, келиб муборак жамолингизни кўргай. Аммо билмайдурким, қайси йўл била келгай». Соҳибқирон анга бир йахши от бериб деди: «Бориб шаҳзодага дегинким, Нишопур йўлига келиб Жақжарон суйига керак бир-биримизни кўргайбиэ» деб ани чобтурди. Ва соҳибқирон ўзи тез юруб берди. Муҳаррам ойининг аввалида, тарих саккиз юз еттида (10.07.1404) Нишопурдин ўтуб, Ишқободқа бориб тушти¹⁰⁸⁹. Ва андин ойнинг учиде кучуб, жумъа куни (12.07.1404) Жомга келиб тушти. Зиндапил Аҳмад мазорига бориб тавоф қилиб, андин юруб Жақжарон суйига етиб тушти. Амирзода Шоҳрух Хирот шаҳридин чиқиб, мунда етиб, муборак дийдорига мушарраф бўлди, пешкашлар тортти. Ҳазрат ул нималарни бекарларга улаштурди.

Ва Оқ Буга ва Қаро Буга Жониқурбониким, ҳазратнинг гийбатида йамон андишалар қилиб эрдилар, Ҳиндушоҳ Шайх иккаласини бу маҳалда келтурди. Соҳибқиронинг ҳукми била иккаласини андаги работ эшикидин бугуаларидин остилар. Ва Хожа Аҳмад Тусийни Хуросон вилоятида забти мол учун таъйин қилди. Ул қирқ кунда икки юз тумон кўппакий уммоллардин ҳосил қилди. Соҳибқирон ушул кун кучуб, амирзода Шоҳрухни ижозат берди.

Курлонга етконда работқа етиб тушти. Темур Хожа Оқ Бугаким, / 296a Самарқанддин чиқиб ўтрав келиб эрди, мунда келиб тўққуз йўрга от пешкаш тортти.

Соҳибқирон андин отланиб, Мурғоб суйига келиб тушти ва Чечакту эли, Абақ Телбаким, аларнинг даруғаси эрди, келиб шикоят қилдилар. Ушул замон ҳукм бўлди: аёлларини тешиб, ип ўткариб, боши тубон¹¹⁰⁰ остилар. Ва андин тез юруб берди. Вилоятларнинг даруғалари ва аймоқотнинг юзбегилари ҳар соридин келиб отлар тортар эрдилар. Ва мулозимларинингким, отлари қолиб эрди ва отлари ҳориб эрди, отларини қўйуб, тоза отлар олиб минар эрдилар.

Соҳибқирон Шайхзода Боязид Лангарийга етти ва андин кучуб, Андхуддин ўтуб, Дараигиз суйидин ўтуб, Алиободқа тушти. Ва андин кучуб Одина масжид қарйасига тушти. Балх бузурглари барча ўтрав келиб, соҳибқиронга кўрунуш қилиб, пешкашлар тортдилар.

Андин кучуб, Жайхун суйидин кема билан ўтуб, Термизга бориб,

хонзода Алоалмулкнунг элда тушти. Ва хонзодаи мушори илайҳи ҳазратқа тўй бериб, пешкашлар тортти. Ва андин кўчуб, Қаҳлаға ва Чекдалиқдин ўтуб, Дулбуржи мавзёида¹¹⁰¹ тушти. Ва андин Кеш шаҳрига бориб Оқсаройда тушти. Ва анда ўлтурмай, Шайхи бузругвор Шайх Шамсуддин Кулор мазорига бориб тавоф қилди. Ва андин отаси Тарағайбекнинг мазорига келиб, зиёрат қилди. Анда хатм ва дуо қилиб, отланиб, уқбадин ўтуб, Тахти Қароча боғига келиб тушти. Ва андин Қаротўпа боғига бориб, Қасри Жаҳоннамода тушти. Анда Хожа Йусуф ва Аргуншоҳ ва амирзода Қайдуқим, амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонғирнинг ўгли эрди, утрув келиб, соҳибқироннинг муборак жамолига мушарраф бўлдилар ва пешкашлар 2966 тортиб, дуо ва сано дедилар. /Маҳди аъло Тукал хоним ўзга оғолар била ўтрув келиб, барча муборак дийдорига мушарраф бўлдилар ва хилъатлар ва тўққузлар тортдилар.

Соҳибқирон андоқ тез келиб эрдиким, элнинг хабари асло йўқ эрдиким, ҳазрат мундоқ йақин келиб тушуб турур. Хабардор бўлгондин сўнг содот ва қазот ва акобир барча шаҳардин чиқиб, келиб соҳибқиронни кўрдилар.

Соҳибқирони саодатманд доруссалтана Самарқандга кирғони

Соҳибқирони гитиситон Жаҳоннамо қасридин саодат ва иқбол била отланиб, муҳаррам ойида, торих саккиз юз еттида (июл 1404) Самарқандда Боғи Чинорда келиб тушти. Ва андин шаҳарга кириб, шаҳзодаи саъид Мирзо Муҳаммад Султон мадрасасигақим, ани йанги йасаб эрдилар, ва ҳазрат ани кўрмайдур эрди, бориб зиёрат қилди. Ва андин йана Боғи Чинорга бориб, айшу ишрат била машғул бўлди.

Шаҳзодалар била ҳарамларқим, Ферузқўҳдин илгари бўлуб йурур эрдилар, Моҳон ва Марв йўлига кириб келур эрдилар ва ҳануз Марвга етмайдур эрдиларқим, соҳибқирон киши чобтурдиким, «Тез келсунлар!» Маҳди аъло Туман ого Амуйа кентидин Жайхун суйидин кечиб, Бухорога етиб тушуб эрдиким, соҳибқироннинг йибаргон элчиси келди. Сарой Мулк хоним кейин эрди, уч кун анда турдиким, барча оғолар етишдилар. Андин оғолар ўғруқдин илгари бўлуб, таъжил била юридилар. Работи Малиқдин ўтуб, Чаҳор Минорага келиб тушдилар ва андин Тоткант ва Куча Малиқка келиб тушдилар. Ва андин Самарқанд бориб, ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва Сарой Мулк хоним Боғи Чинорда тушти ва Туман ого Боғи Биҳиштқа келиб ўлтурди.

Бу юришдақим, Шому Миср ва Рум фатҳ бўлуб эрди, ҳазрат дар гояти азимат ва шавкат келиб эрди.

297a /Бу маҳалда ҳазрат муборак жисмига андак марази воқий бўлди. Ва бир ҳафтадин сўнг йана ғайб доруҳонасидин шифойи каромат бўлуб, сиҳат топти. Ва сиҳат бўлгондин сўнг Боғи Шимолга бориб, неча кун анда турди. Ва анда Бекиси оғодин фарзанди мугаваллуд бўлгон жиҳатидин тўйлар қилдилар. Ва андин сўнг Боғи Баландга борди ва неча кун анда туруб, шаҳарга кирди ва шаҳзодаи саъид Муҳаммад Султон мирзонинг мадрасасига тушти. Фармон бўлдиким, «Мадрасанинг ёнида гунбази олий солесунлар!» Хукм била гунбази солдилар ва сардоба қилдилар. Ва анинг ёнида бир богча биҳиштгек йасадилар.

Соҳибқирони гитиситон раъйойи ва хосе ва омм аҳволига машғул бўлуб, фақиру мискинларга кўб садақалар бериб сийлади. Масжиди жумъақим, ҳазрат ўзи солиб эрди, бориб тафарруж қилиб кўрдиким, эшикини кичик солибтурлар. Буюрдиким, «Бузуб, улугроқ қилсунлар!» Ва Хожа Маҳмуд Довудни туттурдиким, йахши мулоҳиза қилмағандур. Ва Сарой Мулк хоним солгон мадрасақим, масжиди жомий анинг муқобиласида турур, анда тушуб, девонлар ва амалдорларни туттурди. Ва сўрагондин сўнг ҳар кимдинқим йамон ҳаракати воқий бўлуб эрди, ани йахши иззалар қилдилар. Ва ул жумладин Хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалдқим, нависандаларнинг улуглари эрдилар, ва бу чоққачақим, ҳазрат йурушда эрди, алар Самарқандда девонлиқ қилур эрдилар, иккаласини тўй кунидақим, Кониғилда қилди, ул кун остурди. Ва соҳибқирон Хоним мадрасасидин Боғи Чинорга борди.

Ва Идиқунунг элчиси Даштдин келиб, соҳибқиронга кўрунуш қилди. Ва шунқор ва ўзга пешкашларким, келтуруб эрди, тортти. Ва Идиқунунг сузиқим, мазмуни изҳори итоат ва инқиёд эрди, арз қилди.

2976

Ҳазрат соҳибқирон андин Боги Дилқушога борди ва неча кун анда айшу /ишрат қилди. Ва анда Фаранг вилоятининг подшоҳидин элчи келиб, қуб пешкашларким, барча тансуқ нималар эрди, келтуруб тортти. Ва мундин бурун фармон булуб эрдиким, «Боги Шимолнинг жануби сорисида (бир боги) йасасунларким, ҳар томининг узунлиги минг беш юз қари булғай ва ўртасида қасре солғайлар!» Бу маҳалда ул боғни тугатдилар¹¹⁰². Ҳазрат соҳибқирон йахши соатда анда бориб, тўй тартибига машғул бўлдилар. Ва шаҳзодалар ва оғолар барча сочиқлар бийла келиб, муборакбод дедилар. Ва ул туйда Фарангдин келгон элчи ҳозир эрди.¹¹⁰³

Соҳибқирони дарёдил Кониғилда улуг тўй этиб, буйга еткон шаҳзодаларни кадхудо қилғони

Ер юзидаги мамолик ҳр соҳибқироннинг назар ҳимматида ҳеч нима кўрунмас эрди. Ва ҳим ати ул эрдиким, оламда булгон вилоятларни мусаххар қилмағунча бир ерда ором топмағай. Ложурма, бу маҳалдаким, Самарқанда келиб тушти, муборак хотирига келдиким, андин бурунким, кофирлар ва динсизлар сори борғай, яъни Хитой мамлақати сори. Буюрдиким, шаҳзодаларким булуг ҳаддига етиб турурлар, аларни эвландурғай. Қурултойга амр қилиб (деди): «Барча вилоятларнинг ҳокимлари била содот ва қазот ва акобиру мапойихлари келсулар!» Назм:

Буюрди шаҳаншоҳи соҳибқирон,
Ки оламда ҳар кимки бордур аён
Йиғилеун бари токи қилсақ сурур,
Ки булди йана вақти айшу ҳузур.
Талаб қилди ашрофи айёмни,
Талаб қилди ҳам хоссу, ҳам оммни.

Чинғизхон наслидин Тайзи Ўғлон¹¹⁰¹ ва Тош Темур Ўғлон арз қилдиларким, «Қурултой қилурсиз. Амирзода Шоҳрух Хуросондин ва амирзода Пир Муҳаммад Ғазниндин келеунлар!»

298a

Соҳибқирон деди: «Пир Муҳаммад келеун. Аммо Шоҳрухқа маслаҳат йўқтурурким, бери келғай. Анинг учунким, Ироқ ва Озарбайжонда ўлтурғонларнинг орқалари анинг била қавий турур». Амирзода Пир Муҳаммадқа киши йибардилар. /Кониғилда йакшанба кунда, рабиъ ал-аввал ойининг аввалида, тарих саккиз юз еттида (07.09.1404) бориб тушти. Ва ул ер анинг мақамидин фирдавсбариндек ораста булди. Ҳазрат учун тўрт саройнарда тортиллар ва улуг оқ уйларким, ўғлари олтудин эрди ва жавҳар била мурассаъ қилиб эрдилар, тиктилар. Ва ул икки суруглуқ чодирким, таши сиқарлотдин эрди ва ичи мухмал ва таноблари инак ва суруқлари барча олтун била мунаққан эрди. Фаррошлар бир ҳафтада ани саранжом қилиб урдиларким, анинг ичида ул минг киши ўлтурур эрди.

Ўзга шаҳзодалар ва беклар ҳар қайсиси саронардалар ва боргоҳлар ва хайма ва ҳиргоҳ урдилар. Вилоятлардин ҳокимлари била содоту қуззот ва акобирлари барча келиб жамъ булдилар. Ва ул маҳалда Мангли Бугаи Ҳожибким, Барқуқшоҳнинг бекларидин эрди ва асру оқил ва фозил эрди ва Каломни ҳофиси эрди ва ўзга улумларда соҳибкамол эрди ва Малик Барқуқунг ўғли Малик ан-Носир Фаражким, Миер тахтида подшоҳ эрди, анинг қошидин элчиликка келди. Ва қуб пешкашлар келтуруб ва ажойибу гаройиб нималар бениҳоят келтуруб ва ул жумла ажойибдин бири заррофа эрдиким, Ҳаққ таоло санъатларидин турур, ва тўққуз шўтурмурғ¹¹⁰⁰ келтуруб тортти.

Ва амирзода Халил Султонким, Луристонда эрди, келди. Ва ўзга беклардин Едгор Барлос ва Бердибек ва Худодод Ҳусайний ва Довуд Малик

Барлос ва Саодат Темур Тош ва Давлат Темур Тавачи ва гайруҳу барча келдилар. Пешкашлар тортиб, ҳазратнинг дийдорига мушарраф бўдилар.

2986 Ва амирзода Пир Муҳаммад (Султон) Ғазниндин келди. Ҳазрат анинг (бирла) кўрушуб, амирзода Муҳаммад Султонким, ағоси эрди, ёд қилиб йиғладилар. Шаҳзода тақи пешкашлар тортти. Тонгласи соҳибқирон зарбофт тун ва тожи мурассаъ ва олтун камар берди ва навкарларига тўнлар кийдурди. /Барча аза либосидин чиқтилар.

Ва бу маҳалда Хожа Муҳаммад Тусийким, ҳукм билан Хуросон вилоятида девон эрди, келди ва бениҳоят мол келтурди.

Ул маҳалда соҳибқироннинг муборак хогири айшу ишрат сори эрди. Барча ҳунармандларким шаҳарда эрдилар, ойинабандликқа машғул бўлуб, ҳар ҳунарманд ўз ҳунарига лойиқ таъбиялар йасади. Ва бу тўйдин ғараз бу эрдиким, шаҳзодаларни кадҳудо қилгай¹¹⁰⁶. Соҳибқироннинг муборак хотирида кечтиким, амирзода Улғубек ва амирзода Иброҳим Султон ва амирзода Ижал ибн шаҳзода Мироншоҳ ва шаҳзода Умаршайх фарзандларидин амирзода Аҳмад ва Сайди Аҳмад ва Бойқаро ҳар бирига бир қиз бергайлар. Муқаррар бўлгондин сўнг содоту қазот ва уламо жамъ бўлуб, Шайх Шамсуддин Муҳаммад Жазарий хутба ўқуб, никоҳ қилди. Ва қозийул қуззоти Самарқанд Мавлоно Жалолидин ижобу қабул амрига қийом қилди ва шаҳзодаларни ҳанафий мазҳабида иқд боғладилар. Ва олам эли тилларини муборакбодқа очтилар. Байт:

Дирам анча сочтилар анда аён,
Ки бўлди ҳаво абри гавҳарфишон.

Соҳибқирон давлатидин барча фақиру мискин ғаний бўлди ва ҳазрат давлату саодат билан тахт устида чиқиб мажлисни ораста қилдилар. Ва хонимлар ва оғолар (ва келинлар) барча ўзларини йасаб, юз хашамат ва ноз била ўлтурдилар. Шаҳзодалар ва беклар ҳар бири ўз ерида ўлтурди. Ва элчиларким, етти иқлимнинг (тўрт тарафидин) келиб эрдилар, ўн икки поянинг кўланкасида ўлтурдилар. Йасовуллар зарбофт тўнлар кийиб, олтун камарлар боғлаб ва мурассаъ эгар-юганлиқ отларга миниб, заррин чимоқлар эликларига олиб, ҳар сори чопиб, йасовуллуқ қилур эрдилар.

299a Ва филларни ораста қилиб эрди, мурассаъ шираларни олтун сароҳилар била тартиб бердилар. Ҳар сароҳи оғзида бир пиёла йашм тошидин ё биллурдинким, лаълу жавоҳир била мурассаъ эрди, қўйуб эрдилар. Бода ва қимиз ва бол ва мусаллас ва арақ ва (шарбаи муадд) барча тайёр қилиб эрдилар¹¹⁰⁷. Шаҳзодалар навбат била аёғ тутуб ичабошладилар./ Таомдин турлук-турлук ошлар торгтиларким, тил анинг шарҳида ожиз турур. Элким, ташқарида эрдилар, алар учун ширалар ва таомлар муҳайё қилдилар. Ва «Хушбоду нушбод!» уни олам ичида тушти. Ва офтобдек соқийлар олтун пиёларни тўлдуруб гутабошладилар. Йахши унлуқ муғаннийлар ун тортиб, газалу нақш айтур эрдилар. Ва турку, мўғулу, хитойу, арабу, ажамдин ҳарким ўз расми билан нима айтур эрди.

Ул жумладин Хожа Абдулқодирким, беназири олам эрди, қўбуз ва йатуғон ва удни шодлиқ мизроби била чала бошлади. Ул суҳбатда ҳар шоҳ ва шаҳзодага ва бекларга тўнлар кийдурдилар. Ва тожи мурассаъ ва олтун камар бердилар. Ва ҳар замон анча олтун танга ва қумуш тангадин анча сочар эрдилар, хазон мавсимида йағочдин йафроқ тўкулгандек.

Шаҳзодаларким, дамод эрдилар, ҳар бири ўз манзилига юруб, маъшуқнунг висолига мушарраф бўлдилар. (Ул суруру ҳузур охирида фармон бўлдиким, «Ҳар киши ўлтурғон ерида истагон нимани ўзи бирла олсун ва анга мониглиқ бўлмасун!»).

Тонгласи соҳибқирон шаҳзодаларнинг эвларига бориб, сочиқлар сочтилар. Беклар тақи сочиқлар келтурди.

Элчиларким, ҳар тарафдин келиб эрдилар, барчага зарбофт тўнлар, олтун камарлар берди. Ва икки ойғача тўй баҳонаси била айшу ишрат қилдилар.

Тўйдин сўнг йана ҳазрат соҳибқирон вилоятнинг забтига машғул бўлди. Ҳукм қилдиким, «Ўзга ҳеч киши ичмагай!» Ўзи ибодат ва тоатга машғул бўлди¹¹⁰⁸. Вал ҳамду ли-Ллоҳи 'ала тародуфи ва 'ала тавофури'¹¹⁰⁹

Соҳибқирони гитиситон Хитойга бормоқнинг асбобиға машғул бўлғони

Соҳибқирон аввал ҳолдаким, оламдаги вилоятларида ҳар бирида бир подшоҳ бор эрди, ва аларнинг муҳолифат ва мунозиъатлари жиҳатидин мусулмонлар ичида қуб ташвиш бор эрди. Ва ҳеч ерда амин ва амонлиқ қолмайду эрди. Ва йўллар ўғри ва қароқчи жиҳатидин боғланиб эрди. Ва ҳеч мусулмон ҳеч сори /боролмас эрди.

2996 Ва зоҳир турурким, инсон пайқариким, оламнинг нусхаси турур, чун мизож мухталиф бўлса, анга қавий мусҳили беруларким, ул мараз андин зойил бўлғай. Ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таолонинг тақдири била азалдин мундоқ муқаррар қилғон эрмишким, бу маҳалдаким оламнинг мижози эътидолдин ўтуб, мухталиф турур, ани соҳибқирони гитиситоннинг қаҳру ғазабидин эътидол тобқай. Ани ҳазрат Ҳаққ таборак ва таоло инсон ичидин кўтариб, давлат ва нусрат бериб кўнглига солдиким, бориб оламини олғай. Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло лутфидин юруб, оз фурсатда улуг вилоятларни мусаххар қилди. Ва вилоятларни золимларнинг эликларидин қутқариб, адлу эҳсон била ороста қилди. Ва анинг адлидин андоқ бўлдиким, агар биров бир табақ олтун ё кумиш бошига қўйиб йалғуз саҳрода кириб бохтардин ховарғача¹¹⁰ борғай, ҳеч киши анга тик боқа олмас эрди. Аммо ул ҳолда қуб ерларни талаб асиру торож қилди зарурат жиҳатидинким, агар андоқ қилмаса эрди, олам низом топмас эрди.

Бу маҳалдаким, ҳазрат соҳибқирон Шому Рум ва Гуржистонда ва Эронинг бўлғон вилоятини забт қилиб, йана қайтиб вилоятига, яъни Самарқандқа давлат ва саодат била келиб тушти ва тўйлар қилиб, неча кун айшу фароғат қилғондин сўнг шаҳзодалар ва беклар била кенгашиб дедиким, «Ҳазрат Парвардигор бизга мундоқ давлат бердиким, оламини қилич зарби бирла олду ва Ер юзидаги подшоҳларни мутиъ қилдуқ. *Вал ҳамду ли-Ллоҳ таолоким*, ул нимаким бизга муяссар бўлди, подшоҳлардин кам кишига муяссар бўлғондур. Эмди хотиримизда андоқ кечарким, мундин нари кофирлар сори мутаважжих бўлуб, ғазо қилғайбиз. Ва ул динсизларни инояти илохий била /иймон йўлига кийурғайбиз. Хитойу Чин сори юрғайбиз. Ва андаги бутхоналарни ва оташкадаларни буздурғайбиз ва аларнинг ўрнида масождид ва хонақоҳлар иморат қилғайбиз»¹¹¹. Шаҳзодалар ва беклар барча тилларини дуо билан очиб, ситойиш ва офарин қилдилар.

300a Андин сўнг ҳукм бўлдиким, «Тавачилар юруб, тумонлар била ҳазоралар ва вилоятлардаги черикни таҳқиқ қилиб, сонларини артуқ этсунлар!» Ҳукм била тавачилар юруб, ҳар ердаким, билдиларким артуқ қилса бўлуб, сонларини артуқ эттилар ва дафтарларда биттирдилар. Андин сўнг ҳукм бўлдиким, «Барча улуснунг беклари ва вилоятларнинг ҳоқимлари черик жамъ қилмоққа машғул бўлсунлар!» Ва тавачилар черик йиғиштирмоқ учун юридилар.

Соҳибқирон Кониғилдин Сарой Мулк хонимнинг мадрасасига келиб тушти. Ва амирзода Пир Муҳаммад жаҳонгири тожу камар ва от бериб ижозат бердиким, Кобул ва Ғазнин сори борғай. Ва бўлғо мулозимларини тўн кийдурди. Ва амирзода Сайди Аҳмад Умарким, аноси шаҳзодаининг никоҳида эрди, анга тобшурди ва шаҳзода Ҳирот йулидин Қандаҳор сори мутаважжих бўлди.

300b Ва Миердин келгон элчиға хилъат ва камар била сарафроз қилиб, ижозат берди. Ва Мавлоно Абдуллоҳ Кашшийни бир жамоат киши била элчиликқа Миердин келгон элчиға қўшуб йибарди, ва мактубиким, йассилиғи уч қари ва узунлиғи етмиш қари¹¹², барчани олтун суйи била мавлоно Шайх Муҳаммад Хожа Ҳожий Муҳаммад Бандгири Табризлиқким, фазилати китобатда ва ҳусни хатда машҳури олам эрди, битди. Ва ул мактуби Миерға (маликиға) йибарди. Ва ул мактубдаги сўзларидин бирининг (мамуни) бу эрдиким, «Қаро Йусуф (Туркмон) ва Султон Аҳмаднинг сўзларини арзадошт қилиб эрди. Ва айтуб эрдукким, Султон Аҳмад била Қаро Йусуф / мансур черикдин қочиб, Миерға бориб эрдилар. Ва Миер подшоҳи аларни тутуб сақлаб, соҳибқиронга арзадошт қилиб эрди. Ҳазрат соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Султон Аҳмад Жалойирни банд қилиб ва Қаро Йусуфни бизга йибареун!» Ва Миер подшоҳи учун кўп туҳфалар ва тожу

камар ва хилъату рахт ва қумош элчилар била йибарди. Ва ўзга элчиларким, Фаранг (ва Дашт) ва Ҳетадин ва ўзга вилоятлардин келиб эрдилар, барчани сийлаб ижозат берди. Ва ҳазрат соҳибқирон (маҳди аъло Мамлакат оғоки, фармони бирла туй маросимида ҳозир бўлуб эрди, Ҳиротқа ижозат берди) ва хазри муалло Бекиси Султонни абушқасиким¹¹³, Искандар Мирзо эрди ва Ҳамадонда эрди, анга йибарди. Ва ул Бухоро ва Марв ва Моҳон йўлидин мутаважжих бўлди.

Ва соҳибқирон Тошкент ва Сайрам ва Аспара ва Ҳета вилоятини Хитой сарҳадигача амирзода Улугбек мирзога берди. Ва Анцигон ва Ахсикат ва Тароз ва Кошгар ва Хутанни амирзода Иброҳимга берди ва нишонлар бериб, ол тамга бостурди. Ва шаҳзодаларнинг бекларидин Пир Муҳаммад Тағай Буға ва Саодат Темур Тош ва Шайх Баҳлул Баён (Темур) Оқ Буға ва Муҳаммад Озодни йибардиларким, андағи черикни йиғиштируб, Тошкандда келгайларким, (барча черик йиғилатурғон ер анда эрди).

Ва Темур Хожай Оқ Буғаким, андин гуноҳи воқий бўлуб эрди, банд қилиб, Мўғулистонга, Исси Кўлга йибарди.

Соҳибқирони гитиситон Хитой сори таважжуҳ қилғони

Ҳазрат Рисолат, саллаллоҳу алайҳи ва саллам башоратларидинким, *Ва башшар ал-му'минина би-ана лаҳум мин Аллоҳу фаллин кабирин*¹¹⁴, саллу алайҳи ва салламу таслиман умматлариға бериб турур, бири бу турурким, агар бир нима ният қилгайким, «Байтуллоҳ тавофиға борурмен» ва боргондин бурун ажал анга етса, бас, ҳазрат Ҳаққини караму лутфидин ҳар йилда анга ҳаж савоби каромат бўлгай. Йироқ бўлмагайким, /агар биров

301a газо нияти қилгайким, ҳаж ва ғазонинг машаққати ва ранжи сафар бир турур. Анга тақи газо савобидин ноумид қўймағай.

Мақсуд бу сўздин бу турурким, ҳазрат соҳибқирони комкор газо нияти қилиб, бовужуд улким қиш эрди ва қор ёғар эрди ва ҳаво совуқ эрди, совуққа ҳеч боқмай, бетаваққуф Хитой сори мутаважжих бўлди. Ва Бурундўбекни буюрдиким, черикнинг сонини олгайким, ис миқдор киши бу юришда борғуси турур. Бурундўбек (Кониғилдағи хужжатларни) эҳтиёт била таҳқиқ қилиб, арзадошт қилдиким, Мовароуннаҳр ва Туркистон ва Хоразм ва Балх ва Бадахшон ва Хуросон ва Ссистои ва Мозандарон ва тотор қавмидинким, Румдин келтуруб эрдилар ва (Эронзамин ва Озарбайжон ва Ироқдин) икки юз минг отлиқ ва йайоғ жамъ бўлуб турур. Ҳукм бўлдиким, «Амирзода Халил Султон (ва амирзода Аҳмад Умаршайх) ва беклардин Худойдоди Хусайний ва Шамсуддин Аббос ва тумонот ва ҳазоричот бекларидин била Тошканд ва Шоҳрухия ва Сайрамда қишлоқ қилсулар. Ва амирзода Султон Хусайн сўл қўлнунг беклари била Йасси¹¹⁵ ва Сабронда қишласулар!» Ва Самарқандда Аргунишоҳбекни қўйди ва ганжу хазина муҳофизатини Шайх Чураға буюрди ва ўзи давлат билан панжшанба қуни, жумада ал-аввал ойининг йиғирми учиде, торих саккиз юз еттида (27.11.1404), Офтоб Қаве буржида эрдиким, Самарқанддин чиқиб, Оқсулот қишлоғиға таважжуҳ қилди. Қаро Булоқ мавзесида бориб тушти. Шаҳзодалар ва беклар ҳар соридин йароғларини қилиб, чериклари била таважжуҳ бўлдилар. Ҳазрат Қаро Булоқдин кўчуб, Илон ўтти йўлиға кириб юриди ва Томлиққа келиб тушти. Ва анда тушконда улуг қор тушти ва ҳаво асру совуқ бўлди. Ҳазрат андин кўчуб, Оқсулотқа бориб тушти ва бу ер қўмлоқ эрди ва ўтуни қўб. Ушбу ерда қишлоқ солиб, эвлар йасаб ўлтурдилар¹¹⁶.

301b Шаҳзодалар /ва беклар ўзлари учун эвлар солиб эрдилар. Офтоб Жадий буржиға келгонда асру совуқ бўлди, андоқким сифат қилса бўлмас.

Оқсулотда ўлтурғонда баъзи воқияларким,
воқий бўлди, анинг шарҳи

Ишқ ўтики, шери нар забундур андин,
Садгуна балоу ғам берундур андин.

Ки дўст бўлуб сенга вафолар қилгай,
Ки душман ўлуб, ҳосили хундур андин.

Амирзода Халил Султоннинг хотуни амирзода Алининг қизи эрди. Ва бу амирзода Али ҳазрат соҳибқироннинг хоҳарзодаси эрди. Қазодин амирзода Халил Султонга Шод Мулкким, амир Хожи Сайфулдинбекнинг тағмаларидин¹¹⁷ эрди, майли тушти ва анга андоқ ошиқ бўлдим, ҳеч ихтиёри қолмади. Соҳибқирон Самарқанддин чиққонда амирзода ани никоҳ қилиб олди. Шаҳзоданинг хотуни мундин воқиф бўлуб, чидаолмай, ул қиссани соҳибқиронга арз қилди. Ҳукм бўлдим, «Шод Мулкни ҳозир қилсунлар!» Шаҳзода ани қочурди. Соҳибқироннинг аччиги келиб ҳукм қилдим, «Ани топиб ўлдурсунлар!» Аммо амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир гуноҳини тилади. Ва ул қисса неча кун таъхир бўлди¹¹⁸. Ва йана Оқсулотда ҳазрат эшиттиким, шаҳзода ани йашура ўзи била кетуруб турур, ҳукм бўлдим, «Ани келтурсунлар!» Баротбек бориб ани келтурди. Соҳибқирон буюрдиким, «Ани ўлдурсунлар!» Сарой Мулк хоним билур эрдиким, ҳазратни авлоди била асру шафқати бор турур, Шайх Нуриддинбекни ва Шоҳ Маликбекни чорлаб дедиким, «Соҳибқиронга арз қилингким, бу хотун шаҳзодадин ҳомила турур». Бу сўзни соҳибқирон эшитиб, ҳукм қилдим, «Ани маҳди аъло Туман огога тобшурсунлар. Ўғлон келтургондин сўнг ўғлонни сақлаб, хотунни бир қулга берсунлар!» Бу ҳукм бўлгондин

302a буюрдиким, «Шаҳзодаларга /нишон битиб йибарингким, ҳар кишиким ўз ерида ўлтуруб турур, доди адл била машғул бўлуб, ҳалойиққа ташвиш бермағайлар. Ва девоналар ва муфсидларнинг сўзларига кирмасунлар. Ва раъйатларнинг аҳволидин хабардор бўлсунларким, қиёмат кунда шарманда бўлмағайлар!»

Нишонлар битиб шаҳзодаларга йибардилар. Амирзода Халил Султон Тошкандга борди ва амирзода Султон Ҳусайн Саброн ва Йассага борди. Черик учун вилоятлардин аробалар била ошлиқ келтурур эрдилар.

Соҳибқирон Оқсулотда (қарийб) эллик кун ўлтурди. Ва бу маҳалда Саййид Хожаи Шайх Али Баҳодур Хуросондин Шоҳрух мирзо қошидин келиб, саломатлик хабарини келтурди. Соҳибқирон буюрдиким, «Тошканд сори бориб, андаги черикка озуқ улаштурсунлар!» Ва соҳибқироннинг беклари ва бузурғлариким, черикда бор эрдилар, ҳар киши ўз ҳазорасидин ва қушунидин воқиф бўлуб, андоқ ғамхўрлуқ қилсунларким, ҳеч кишига ҳеч нимадин эҳтиёж бўлмағай. Не емак ва не киймакдин ва от-улоғдин барчага кераки муҳайё бўлғай. Ложурма, черикнинг асбоби андоқ тартиб бўлдим, бир отлик киши андоқ йароқ қилиб эрдиким, ўн кишига неча кунгача анинг уҳдасидин чиқар эрди. Бу тартиб била барча асбоб муҳайё бўлди. Аслаҳадин ўқ-ёй ва қилич-қалқон, ҳар неким сипоҳийга керак турур, барча тайёр бўлди. Ва йана неча минг харвор ғалла муқаррар қилдиларким, аробалар била черик ичида бийла юрутай ва йўлда зироат қилғайларким, ёнғонда йарағай. Ва неча минг теваким бўғуз эрди, ҳамроҳ элттиларким, аларнинг сутини ичкайлар.

302b Андоқ йароғ ва асбоб ва азимат ҳеч подшоҳда кўрмагон эрди. Кониғилда қилгон тўйни кўруб барча эл ҳайрон ва мутаъажжиб қолиб эрдилар, (лердиларким),/ мундоқ камолга йана заволи бўлмағай. Бу черикдаким, мундоқ азимат ва йароғ кўрдилар, ваҳмлари кўбрак бўлуб, барча дуо била айтур эрдилар, назм:

Ки ё Рабб, бу шаҳга берибсен камол,
Анга бермағайсен жаҳонда завол.

Йамон кўздин асрағил ани мудом,
Ба ҳаққи Муҳаммад алайҳиссалом.

Соҳибқирон Оқсулотдин кўч қилғони

Ул маҳалдаким, Офтоб хануз Жадийнинг охирида эрди ва андоқ совуқ эрдиким, кўб киши анда зоеъ бўлди ва отлар бисёр талаф бўлди ва кўб кишининг от-улоғлари талаф бўлиб, элик-аёғларини совуқ олди. Ва баъзи кишининг бурун, қулоқлари тушти. Ва муттасил ҳаво булут бўлуб, қор ёғар эрди. Аммо соҳибқироннинг муборак кўнғилида ҳавойи ғазо ва жиҳод тушуб эрдиким, сабр қилмадиким, ҳаво эътидоли пайдо қилғай ва совуқлар бир сори бўлғай. Йўлларни сўруб, ўт ва сувини таҳқиқ қилиб, таваккал этиб,

мутанажжиқ бўлди. Ва ҳукм қилдиким, «Амирзода Халил Султон ва амирзода Аҳмад ва Худойоди Хусайний ва Едгоршоҳ Арлот ва Шамсуддин Аббос ва Бурундўқбек ва Муҳаммад Дарвеш Барлос ва Рустам Тағай Буға (Барлос ва ийиси Пир Муҳаммад ва Навширвон ибн Пўён Ако ва Абдулкарим Ҳожи Сайфуддин ва Пир Али Мағли Буға) Сулдуз ва Ховаид Саъид Сулдуз ва Саодат Темур Тош ва ўзга беқларким, Тошканд ва Шоҳрухия ва Сайрамда қишлоқ қилиб эрдилар, Хутким йарим бўлса, барча кўчуб мутаважжиқ бўлеунлар!» Ва амирзода Султон Хусайниким, Дашти Қипчоқ сори, Йасси ва Сабронда эрди, анга тақи хабар қилдиким, «Баҳор бўлгонда тавиққуф қилмай отлансун!»

303а Соҳибқирон Оқсултондин кўчуб, кечага йақин Узул Атоға тушти. Ва андин кўчуб, Йул Хожа атоға бориб тушти ва андин кўчуб, Суткандга тушти. Ва андин кўчуб, Қиморшоҳ Атоға борди ва андин Султон Шайхға ва андин Зарнуқда тушти. Ва Сайхун суйидин муз устидин утти. Ва дарё андоқ музлаб эрдиким, уч-тўрт қари қаҳмак керак эрдиким, сувға етқай./ Ул қиш Хут маҳалида Сайхун суйи андоқ музлаб эрдиким, қарвонлар аробалари бийла ва от-улоғлари бийла муз устидин борур эрдилар.

Соҳибқирон Сайхундин кўчуб, чаҳоршанба куни, ражаб ойининг ўн иккисиди (14.01.1405) Ўтрорда келиб Бердибекнинг эвиги тушти. Ва ғаройиби иттифоқотдин улким, ул уйдаким, соҳибқирон тушуб эрди, анда ўт тушди. Ул ўтти филҳол ўчурдилар. Аммо бу маъно оқилларнинг хотирлариға йамон келди ва ани шу кунда йамон туттилар. Ва эл ҳам ул маҳалда кечаларда йамон тушлар кўрар эрдилар. Ва эл бу жиҳатдин йамон кўрқар эрдилар.

Аммо соҳибқирон Муса Камолни йибардиким, бориб тафаҳхус қилгайким, йўллардин ўтса бўлур ё бўлмас. У бориб эҳтиёт қилиб, келиб арзадошт қилдиким, ул йўлдин асло ўтса бўлмайду. Ва йана бир кишини Сайрам сори Уқба Қулоғиға йибардиким, ул йўлни тафаҳхус қилгай. Ул тақи бориб келди ва арзадошт қилдиким, Уқбада икки найзапинг бўйи чоғлиқ қор бор.

303б Бу маҳалда Тўқтамишхондинким, (Дашти Қипчоқ) саҳроларида паршон ва бадҳол юрур эрди, Қаро Хожаким, байри кишиларидин эрди, келди. Ва андоқ маҳалла етгиким, соҳибқирон девонхонада ўлтуруб эрди. Ва Тайзи Ўғлонким, Уқдай қаоннинг наслидин эрди ва Темур Тош Ўғлон ва Жакра Ўғлон Жўчихоннинг наслидин, ўнг қўл сори ўлтуруб эрдилар. Ва ўзга ёнда шаҳзодалар Улғубек Мирзо ва Иброҳим Султон ва Ийжал ўлтуруб эрдиларким, Тўқтамишхоннинг элчисини пек олиб кийурдилар, ва Тўқтамишхоннинг арзадоштини ўқуб (берди). Анда битиб эрдиким, «Ҳар не йамонлиқким, қилдим, барча меига келди ва сазомни топтим. Агар ҳазрат тараҳхум қилиб гуноҳимдин кечалар, мундин сўнг ҳаргиз мундоқ ишлар қилмағаймен. Ва то тирик /бўлсам, хизматдин ўзга иш қилмағаймен». Соҳибқирон келгон элчини йахши сўруб дедиким, «Ҳоло Хитой сори мутаважжиқ бўлубтурбиз. Бу юришдин худой инояти билла қайтсак, Жўчихоннинг улусини анга тобшурайим».

Соҳибқироннинг хотирида эрдиким, ўшул печа кунда Ўтрордин отланиб, ҳарамларини шаҳзодалар билла қайтаргай ва Қаро Хожани тақи ижозат бериб, Тўқтамишхонга нималар билш йибаргай. Аммо тақдир қалами гайри улким, хотирида эрди, қилди. *Вал-ҳукму ли-Илҳил-алийул қадир.*

Ҳазрат соҳибқирон, яъни Темур Гурагон, анара Аллоҳ бурҳонахунунг вафот бўлғони қиссаси

Эъзоз ва икром насимиким, Одам ўглиға тегар ва қўб латойиф саодатмандларнинг жонлариға еткурур. Ул жумладин бири улдурким, ҳазрат Ҳаққ таоло дунёда бировни қадр ва манзилат берса, анинг қадри андин баландроқ турурким, ушбу оламда манзил қилиб тургай. Анинг учунким, бу жаҳон гаштзори бўш эрмас. Мунда бир печа кун ишлаб, зироат қилса, анинг фойда ва самараси ул жаҳонда бўлғуси турур. Ва ҳазрат Парвардигор инсоннинг дорулхилофасини андоқ йасаб турурким, ҳар жамоат бир йўлдин

ул хатга киргайлар. Ва анда пурсиштан ва бандалиқ қилур. Ва бу жиҳатдинким, бу жисм тагаййур ва табдили тобур, ани марг дерлар. Аммо филҳақиқат ҳижоби абадий йўқ турур.

Ул маҳалдаким, ҳазрат соҳибқирони гитиситон етти йиллиқ юрушдаким, бориб оламни мусаххар қилди ва андин қайтиб доду адлга машғул бўлуб, оламни андоқ ораста қилдиким, хотири тилагандек. Ва андин сўнг ҳаминша хотирида бу эрдиким, эл била андоқ маош қилгайким, ҳеч киши андин мутааллам ва андуҳ бўлмағай. Бу ният билан келиб, Самарқанддаким 304а ватани аслий эрди, тушти. /Беш ой ҳануз ўтмайду эрдиким, Хитойу Чин кофирлари сори азм қилди. Ва Ўтрорға бордиким, андин Самарқандгача, стмиш олти йағоч йўл турур. Анда етконда шавбон ойининг ўнида, чаҳоршанба куни (11.02.1405), лу ойида ҳазратнинг мизожи ўзга бўлиб, иситти. Ва ҳазрат соҳибқирон барча гуноҳидин тавба қилди. Аммо замон-замон марази ортар эрди. Ва Мавлоно Фазлуллоҳ Табризийким, анингдек табиби ҳозиқ оламда йўқ эрди ва алал ҳидом мулозиматда эрди, муолажаи мудавоға саъйи қилур эрди. Аммо кундин кунгача мараз кўбрак бўлур эрди ва ҳар замон ҳар илллати зоҳир бўлур эрдиким, бир-бирига мувофиқ эрмас эрди. Ва неча мухталиф маразлар воқий бўлдиким, агар бирини дафъ қилса эрди, йана бири кўбрак бўлур эрди. Аммо соҳибқироннинг ақлу хушида нуқсон йўқ эрди. Андоқ маразда черикнинг аҳволидин хабардор эрди. Аммо билдиким, бу иллатларға илож йўқ турур, қазоға ризо бериб, хотунлари била хосса улуг бекларини чорлаб, васият қилмоққа машғул бўлуб дедиким, «Таҳқиқ билурменким, руҳнунг қуши бу қафас-қолипдин кетгуси турур, худойға паноҳ элтгим ва сизларни худойға тошурдум. Керакким, мен боргондин сўнг фарёду фиғон қилмағайсизким, ҳеч фойда қилмас. Ва мени худойдин омурузиш тилағиз ва руҳимни фотиҳа ва дуо ва такбир билан шод қилгайсиз. Алҳамду ли-Ллоҳким, бутун Эрону Туронда кишига мажол йўқ турурким, мухолифат қилгай. Ва ҳазрат Ҳаққдин умидин борким, агарчи гуноҳим кўб турур, аммо бу жиҳатдин менга раҳмат қилгайким, золимларнинг эликларини маълумлардин қисқа қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг давримда қавийдин заиф куч егай. Агарчи дунёга вутуъи ва саботи 304б йўқ турур, нечукким менга вафо қилмади, сизларга ҳам қилмагусидур. Бале, дунё ишини муҳмал қўйманғизким, сабаби ошуб ва мусулмонлар ташвишда бўлгайлар. Анинг учунким, қиёмат кунда сўрарлар. Эмди Пир Муҳаммад Жаҳонгирким, валийаҳд қилибмен ва ўрнумга қойиммақом этибменким, Самарқанд вилояти аники бўлгай. Ва истиқлол ва тамкин била ўлгуруб, мамолик тадбиридин ва черик ва раъйиат ҳолидин хабардор бўлгай. Сизлар, керакким, анга мутий бўлуб, иттифоқ била анинг ишига машғул бўлгайсиз, то олам бузулмағай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмағай. Ва неча йиллиқ саъйи қилғоним зоеъ бўлмағай. Ва андоқ керакким, сизнинг иттифоқингизни билиб, эл йироқдин ҳисоб олгайлар ва ҳеч кишига ул қувват бўлмағайким, мухолифат қилаолгай».

Бу насихатлардин сўнг дедиким: «Беклар ва бузурлар барча ҳозир бўлуб, аҳд қилиб, онг ичсуларким, васият қилғон сўзумдин чиқмағайлар. Ва ўзга беклар ва сардорларким гойиб турурлар, алар тақи ушбу дастур билан амал қилгайлар».

Беклар бу сўзни эшитиб изтиробға тушуб, йиғладилар. Ва Шоҳ Маликбек ва Шайх Нуриддинбек тилларини очиб дедиларким, «Жонимиз сенга садақа, кошки бизнинг жонларимизни олиб, сенинг жонингни бағишлагай».

Соҳибқирон деди: «Фойда йўқтурур, бормоқ керак. Аммо сизлар ишларингизга мардона бўлунглар!» Алар дедилар: «То жонимизда бир рамақ бўлгусидур, ҳазратнинг амру фармонидин чиқмағумузтур. Ва агар банда валийнёмат сўзини эшитмай хилоф қилса, ҳаргиз ҳеч ишда бир хурдорлиқ тонмагуситур. Бу чоққачаким биз бандалар хизматда эрдук, бандалиқдин ўзга ҳеч ишимиз йўқ эрди. Ва то тирик бўлсак, ушул тариха билан амал қилғумиз турур». Ва бу сўзлари айтур эрдилар ва қон йиғлар эрдилар. Андин сўнг арзадошт қилдиларким, «Бўлса, амирзода Халил Султонға ва бекларким, Тошкандда турурлар, барча бери мутаважжих бўлгайлар. Ҳар нечаким биз бандалар сизнинг васият қилғон сўзларингизни аларға айт- 305а қайбиз. Аммо улким, алар сизнинг муборак тилингиздин эшитсалар, /ўзга бўлгуси турур». Ул ҳазрат дедиким, «Вақт танг турур ва мундин артуққа мажол йўқтурур. Аларким, гойиб турурлар ҳозир бўлаолмаслар ва дийдор

қиёматқа қолди. Ва сизлар била тақи мулоқот ушбу турур. Би ҳамдил-Лоҳким диний муродотидин ҳеч нима кўнглумда оруу қолмайтурур. Магар фарзанд Шоҳрухниким, бу замонда ани кўрмадим».

Ва оғолар ва хотунлар ва баъзи шаҳзодаларким, ҳозир эрдилар, барча ҳозир бўлуб, ҳазрат қошида ўлтуруб, мутарсид эрдиларким¹¹⁹, ҳазратнинг ҳоли не бўлғай. Ва бу сўзларни эшитиб, барча бетаҳаммул бўлуб, жазаъу фазаъга машғул бўдилар.

Ҳазрат соҳибқирон фарзандлар сори боқиб, дедиким, «Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айттим, қулогингизга тутунглар ва раъйи ва фуқароу мискин ҳолатидин гофил бўлмағайсиз. Ва қиличининг сонини маҳкам тутунгуз, то мендек подшоҳлиқдин бархурдор бўлғайсиз. Эрону Туронни муҳолифлардин ҳалос қилғайсизлар. Нечукким мен адлу эҳсон била оламини обод этибмен. Агар менинг васиятим била амал қилиб, адлу дод қилсангиз, кўб йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғуси турур. Ва агар сизлар аросида муҳолифат бўлса, йахши бўлмағусидур».

Андин сўнг соҳибқироннинг марази кўбрак бўлуб, ташқарида ҳофизлар Қуръон ўқумоқ била машғул эрдилар. Ишорати алайҳи бўлдиким, Мавлоно Ҳайбатуллоҳким, Мавлоно Убайдуллоҳнинг ўгли эрди, «Ичкари кириб, соҳибқироннинг боши сори ўлтуруб, Қуръон хатмига машғул бўлсун!»

Кеча бўлгонда, намозшом ва хуфтан аросида тавҳид калимасини неча қатла айтиб, жонини тобшурди. *Инна ли-Ллаҳи ва инна илайҳи ражиъуна*¹²⁰. Назм:

Дариго, ул шаҳаншоҳи соҳибқирон,
Шаҳи тожбахши мамоликситон.

Дариго, улким андоқ йана шаҳриёр,
Жаҳон ичида кўрмағай рўзгор.

Дариго, улким андоқ шаҳи покдин
Фалак кўрмағай, балки рўйи замин.

Дариго, ул шаҳаншоҳи бо тахту тож,
Ки шаръ ила дин топди андин ривож.

Дариго, улким андоқ йана бу снехр,
/Анингдек шаҳи кўрмағай моҳу меҳр.

3056

Бу воқеъа чаҳоршанба куни, шаъбон ойининг ўн етгисиди, торих саккиз юз еттида (18.02.1405) воқеъ бўлди. Ва ул ҳазратнинг муборак ёши етмиш бирда эрди, мувофиқ адади «алиф+лом+мим» ким, Қуръоннинг аъзам сураларидин турур. Ва подшоҳлиги ўтгуз олти эрди. Ва ҳазратнинг салтанатининг адади билан мувофиқ эрдиким, ул ҳазрат ўғлонлари ва набиралари ўтгуз олти эрди.

Ва китобнинг охирида айтқумиз турур баъзи воқеъаларким,
ҳазрат соҳибқирон, анара Аллоҳ бурҳонаҳу, вафотидин сўнг
воқеъ бўлди

Не қилғаймен эмди бу сўзни баён,
Ки титрар бу сўздин замини замон.

Соҳибқирони саъид мағфур бу дори гурурдин саройи сурурға борди, бу воқеъадин жаҳону жаҳониён ичинда изтироб тушти. Аммо ҳазрат Ҳаққнинг тақдири бу эрдиким, бу воқеъа бўлғай ва олам йаина ўғлонларининг давлатидин ва адлларидин обод бўлғай. Ва жаҳон аҳли амну омонда бўлғайлар. Йўқ эрса бу ҳодисаким воқеъ бўлди, агар фалак зеру забар бўлса эрди, ҳеч ажаб эрмас эрди. Шаҳзодалар шоҳлиқ тожларини бошларидин ташлаб, сабр хилъатини қабо қилдилар. Ва оғолар ва хонимлар юзларини йиртиб, сочларини уздилар ва беклар барча йақоларини йиртиб туфроқ ва қон устида ағонадилар.

Субҳда Ҳиндушоҳ Хазоначи соҳибқиронни ғусул бериб, Мавлоно Қутбуддин (васиятида айтқонларининг) таълими ва (сунна вожиботлари ва тиловати Қуръон) бирла машғул бўлди). Ва андин сўнг беклари, мисли

Бердибек Сари Буга ва Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик ва Хожа Йусуф ва ўзга хосса кишилар иттифоқ қилиб, аҳд қилдилар ва онт ичтиларким, бири бири бирла муттафиқ бўлғайлар ва соҳибқирон васияти билан амал қилғайлар ва ғазоға мутаважжих бўлғайлар.

306а Соҳибқироннинг воқеъасини йашурдилар ва оғоларни йиғламоқ ва зоридин манъ қилдиларким, душманлар бошқа хабар топмағайлар.

Беклар/ оғолар қошида келиб кенгашиллар. Амирзода Халил Султон ва амирзода Султон Хусайнға киши йибардиларким, «Ҳазрат соҳибқироннинг марази кўб бўлуб турур. Сизлар бир неча хосса кишиларингиз била жаҳд этиб, тез келинлар». Ва Хизр Қавчинни алар сори йибардилар. Амирзода Пир Муҳаммадқа хатлар битиб дедиларким, «Ҳазрат сени валийаҳд қилиб турур. Ва соҳибқироннинг иши ўзга бўлди. Йаҳд қилиб, Самарқандқа тез келгил». Ва соҳибқирон қилгон васият сўзларини ҳам битиб йибардиларким, подшоҳ бўлгондин сўнг эл била нечук маош қилғай ва адлу дод била маош қилғай. Ва андоқ қилмағайким, душманлари шодмон бўлғай. Ва Шайх Темур Қавчинни шаҳзода Шоҳруҳқа Ҳирот сори чобтурдилар. Ва Али Дарवेशким, машҳур ба Сагича эрди, Табризға амирзода Умарға йибардилар ва Аро Темурни Бағдодқа амирзода Мироншоҳ ва амирзода Або Бакрға йибардилар. Ва йана бировни Ироқ ва Форс сори йибардилар.

Соҳибқироннинг наъшини Ўтрордин чиқоргонлари

306б Шаҳзодалар ва оғоларким, Ўтрорда эрдилар, панжшанба кечаси, ойинг ўн саккизида (19.02.1405) намози хуфтанда тобутни қумош-қумошлар била тутуб, муҳаффа ичида кийуруб, Ўтрордин чиқордилар ва Самарқанд сори мутаважжих бўдилар. Ва кеча Хужанд суйидин муз устидин ўтуб, сувнунг йақосида жангал ичида кириб гуштиллар. Ва Ўтрордин сувғача икки йағоч йўл турур. Субҳ бўлгонда соҳибқироннинг фирқат ўти андоқ туташиким, мотамзада куйуб барча бестоқат бўдилар ва таъзиятни йашура олмай, эру хотун йиғламоқ била фарёду зори кўтардилар ва андоқ фиғону шўри оламда туштиким, садоси гулбази афлокдин ўтти. Беклар ва қавчинлар дасторларини бошларидин ташлаб, ўзларини туфроққа солдилар. Ва оғолар сочларини узуб,/ юзларини йиртдилар ва кулу туфроқ бошларига сочиб, фарёд этар эрдилар. Йиғламоқ ва фарёдин сўнг беклар насиҳат қилдилар ва дедиларким, «Қазоға ҳеч чора йўқтурур. Заруратдин сабр қилмоқ керак. Садоқат ва ҳайрат ва ойоти Қуръон била ўлгон кишининг шод этмак керак». Эл насиҳатлар ҳеч фойда этмас эрди. Аммо беклар насиҳат қили дедиларким, «Ҳазрат Рисолатнаоҳ, алайҳис салоту вассаламдин киши оламда азиз ва мукаррамроқ йўқ эрдиким, худойи таоло бу жаҳон ва ул жаҳонни анинг учун йаратқон турур. Маҳали етконда алар таслим бўлуб, бу оламдин ўзга олам сори кетдилар. Мундоқ киши боргондин сўнг ким қолғуси турур? Ҳар нечаким, бу воқеъа мушкул турур, аммо сабр ва ризодин ўзга ҳеч чора йўқтурур».

Беклар, шаҳзодалар ва оғолар била кенгашиб, Хитой юришиға мутаважжих бўлгонлари

307а Оғолар ва шаҳзодаларға ҳазрат Рисолат, *салла Аллоху алайҳи ва саллам*, вафотидин хикоятларидин айтиб, насиҳатлар бергондин сўнг барча филижумла ором қарори бўлуб, таскин тобдилар. Ва жазаъу фазаяни қўйуб сабр била манғул бўдилар. Беклар оғолар қошида кириб кенгашиб, йиглаб дедиларким, «Мундоқ сипоҳ ва азиматким, йиглаб турурким, барча баҳодур ва паҳлавон турурлар. Ва бекларким, ҳар бири Исфандиёр ва Рустами замон турурлар. Ва мундоқ йароқким, бу черикда турур, Жамивид замондин бери ҳеч киши кўрмайдур ва эшитмайдур. Ва мундин нари ҳам мундоқ черик мушкулким йиғилғай. Ва шак йўқ турурким, агар бу черик била мухолифларнинг устида борсак, таваққуфсиз барчани мусаххар қилтурбиз ва куффору хоксордин димор чиқарурбиз. Ҳар нечаким, агар ҳазрат соҳибқироннинг хабари аларға етса, /биз мундоқ черик била борсак, алар бу

хабарни инонмағусидурлар. Ва дегайларким, агар соҳибқиронга нима воқиб бўлса эрди, мундоқ черик бизга кела олмас эрди. Барча қўрқуб ё мутиб бўлғайлар ё вилоятларини ташлаб, овора бўлурлар. Ва кубрак бу турурким, Ислом черики қалмоқ (ва Хитой) кофирларига музаффар ва мансур бўлурлар. Маслаҳат бу турурким, соҳибқироннинг руҳини шод қилиб ва худойга таваккал қилиб, Хитой сори борғайбиз ва кофирлар била урушуб, ғазо қилғайбиз. Ва андағи бутхоналарни куйдуруб, бутларни синдурғайбиз. Бу ишни кифоят қилгондин сўнг қайтиб вилоят забтига машғул бўлғайбиз. Бу улуг айб турурким, мундоқ черик йиғилиб ҳеч иш қилмай қайтқайбиз».

Оғолар ва шаҳзодалар барчаси бу кенгашни хушлаб муқаррар бўлди-ким, беклар Иброҳим Султонким, соҳибқирон ани ўзи била Хитой (юришига) элтур эрди, анинг била Хитой сори таважжух қилғайлар. Ва амирзода Халил Султонким, Тошкандда эрди, ул келиб қўшулғай. Ва амирзода Халил Султон ул маҳалда йигирми бирда эрди ва ўзга шаҳзодаларким мунда, ҳозир эрдилар, барчадин ёши улуг эрди. Бас, ани нодшоҳ кўтариб, беклар барча иттифоқ била Хитой сори борғайлар. Ва ул вилоятни олгондин сўнг қайтиб Самарқандга келғайлар. Ва анда барча шаҳзодалар ва беклар ва оғолар қурултой қилиб, соҳибқирон қилгон васиятлари била амал қилғайлар. *Ва мии Аллоҳил 'авн ват-таъйид.*

Соҳибқироннинг наъшини Самарқанд сори йибаргонлари

Кенгашдин сўнг соҳибқироннинг наъшини Қаро Йусуф ва Али Қавчип ва неча хосса кишилар Самарқанд сори олиб бордилар ва дедиларким, «Тез юрғайсиз ва йўлда хабардор бўлғайсиз». Алар наъшни олиб, тез юруб, 3076 душанба кечаси, шаъбон ойининг йигирми иккисиде (23.02.1405) Самарқандқа кийурдилар. /Ва ўшул кеча шаръ йўсуни била гунбазга кийуруб, туфроққа тобшурдилар.

Соҳибқироннинг наъшини йибаргондин сўнг барчанинг жароҳатлари тоза бўлуб, кўзларидин қон тўкдилар. Ва йана бу жиҳатдин барча олам нолау афгон била машғул бўлдилар.

Нола ва афгондин таскин топқондин сўнг беклар оғолар била кенгашиб дедиларким, «Соҳибқирон васият қилиб эрдиким, «Валийаҳд ва қоиммақом шаҳзода Пир Муҳаммадни қилғайсиз!» Аммо ул шаҳзода Ғазнин вилоятида турур. Шоядким, Ҳиндустонга боргон бўлғай ва биздин йироқ турур. Агар анинг учун турсак, ишимиз кечга қолур ва Хитойга боролмасбиз. Ва филвоқиъа соҳибқироннинг вориси шоҳзода Шоҳрух турур. Анинг учунким, ул фарзанди саъбий турур ва шаҳзода Пир Муҳаммад набири турур. Ва барчага маълум турурким, соҳибқирон шаҳзода Шоҳрухни (ва анинг фарзандларини) барчадин кубрак севар эрди ва ўзга андин подшоҳлиқ тури ва доду адлу мусулмонлиги барча элга зоҳир турур. Ва бу хабар анга етгуси турур. Ва ул хабар тобқондин сўнг барчадин бурун келгусидур. Ул келгондин сўнг мамлакатни анга тобшурмак керак, то ўзга киши фитна олмай», деб кенгаш қилиб, оғолар ва хонимлар Сарой Мулк хоним ва Тўқал хоним ва Туман оғо ва ўзга хотунларни амирзода Улуғбек билан ва ўзга шаҳзодалар била соҳибқироннинг муҳаффаси кейнида Самарқандга йибардилар. Ва дедиларким, «Йахши эҳтиёт била юруб, гофил булмангиз» деб оғоларни отландуруб, Самарқанд сори йибардилар.

Ва оғолар боргонда йана фарёду фиғон қилдиларким, шарҳ қилса бўлмас. Ушул кун чошт эрдиким, амирзода Иброҳим Султон ва беклар 308a Хитой сори мутаважжих бўлдилар. Сайхун суйидин утуб, бир йағоч йўл юруб, Ўтрорнинг кун чиқори сори /Уч аригда Қалдирама кўфрукида тушуб, хайма ва боргоҳ урдилар ва соҳибқироннинг наққорасини бурунгидек тузуб, чалдилар. Ва соҳибқироннинг Оқ уйини тикиб, шаҳзода Иброҳим Султон кириб ўлтурди. Андин амирзода Халил Султонга ва бекларким, Тошкандда эрдилар, аларга элчи йибардилар ва дедиларким, «Соҳибқироннинг наъшини Самарқандга йибардук ва оғоларни ҳам наъшнинг кейнида йибардук. Ва бизлар Хитой сори мутаважжих бўлдук». Ва амирзода Султон Ҳусайнга ҳам ушбу сўзни айтиб йибардилар ва дедиларким, «Черикларингиз била бери мутаважжих бўлғайсиз. Барчамиз керакким, Чукалак мавзёсида йиғилиб,

бир-биримизни қўргайбиз ва васиятларким, ҳазрат соҳибқирон қилиб турур, анда сизга айтқайбиз ва йароқ қилиб, барчамиз иттифоқ била Хитой сори бориб, андаги кофирлар била ғазо қилгайбиз».

Ва Чукалакким, ваъдагоҳ ери эрди, бир кенти турур, Утрордин беш йағоч йўл йироқ ва кун чиқар сори эрди¹¹²¹.

Амирзода Султон Ҳусайн муҳолифат қилғони

Азалда тақдир йўқ эрмишким, Ислон черики Хитой сори боргай. Ҳар неким тадбир эйтилар, тақдирга ҳеч рост келмади. Бовужуд улким, беклар соҳибқирон воқиясидин сўнг иттифоқ қилдиларким, соҳибқирон қилгон ниятни охиригача етқургайлар. Аммо бўлмади ва спехр йана бир найранг кўрсаттиким, ул ният ўзга тавр бўлди.

3086

Ва бу қиссанинг шарҳи мундоқ эрурким, чуи соҳибқироннинг вафот бўлгон хабарини амирзода Султон Ҳусайн эшитти ва амирзодаи мушори илайҳи асру шўх ва фитна эткучи эрди ва соҳибқироннинг тирикида неча қатла йамон ҳаракатлар қилиб эрди, хоссатан Шом юришидаким, соҳибқирондин қочиб, душманларга кириб борди, Дамашқда ва Барқуқнунг /ўгли қошида борди. Ва бу жиҳатдин йақин бўлдимким, соҳибқироннинг черикига чаним заҳми бўлгай. Аммо ҳазрат Ҳаққ иноятидин соҳибқирон давлатида йана эликка тушти, нечукким юқори мазкур бўлгон турур¹¹²². Йана бу маҳалдаким, бу хабарни эшитти, йамон андишалар кўнглига тушуб, баъзи беклариким, сўл қўлнунг беклари эрдилар, аларга ижозат бериб, отларини олди. Икки минг киши била, барча қўш от, Хужанд суйидин утуб, Қароқ йўлидин Самарқанд сори мутаважжих бўлдимким, мақру ҳийла била Самарқанднинг бузурғларини бози бериб, ани шаҳарга кийургайлар. Элчиким, аига бориб эрди, қайтиб бу хабарни келтурди. Барча бекларнинг кўнгуллари ваҳм тушти. Анинг учунким, маҳали йамон эрди.

Амирзода Султон Ҳусайннинг муҳолифатидин хабар билиб, беклар ҳар сори хабар йибаргонлари

Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек Султон Ҳусайннинг ҳаракатидин хабардор бўлдилар, филҳол Аргуншоҳбекким, Самарқандда эрди, анга хат битиб, киши чобтурдилар ва дедиларким, «Султон Хусусайн йана телбалиқ қилиб, черикиким, анинг била бийла эрди, барчани мутафарриқ қилиб, икки минг киши била Самарқанд сори боргон турур. Аргуншоҳ керакким шаҳардин хабардор бўлуб, гофил бўлмагай. Агар ул анда борса, албатта ани тутуб банд қилиб, йахши сақласунларким, анинг жиҳатидин фасоди воқия бўлмагайким, анинг сўзига эътимод йўқтурур».

Оғоларга тақи хат битиб йибардиларким, «Султон Ҳусайн мундоқ ҳаракат қилди. Алар ҳар ердаким еткон бўлсалар, ўшул ерда таваққуф қилсунлар, биз бандалар еткунча».

Ва Қарочаға хат битдиларким, «Миҳафидин хабардор бўлуб, жаҳд этиб шаҳарга еткурсунлар ва Султон Ҳусайндин воқиф бўлсунким, наъш баҳонаси била ўзини шаҳарга солмагай».

309а

Ва амирзода Халил Султонга ва андаги /бекларга хатлар битиб, Султон Ҳусайн ҳаракатидин хабардор қилдилар ва дедиларким, «Ул фикрким, биз қилиб эрдук, бўлмади. Эмди маслаҳат ул турурким, эмди сизлар Ақарга, йахши ўтлоғи турур, анга қайтиб боргайсиз, то биз ҳам мундин сизга бориб, анда бир ерда ўлтуруб, соҳибқирон васияти била амал қилгайбиз. Ва ҳар неким маслаҳат бўлса, барча иттифоқ қилгайбиз».

Элчиларни йибаргондин сўнг шаҳзода Иброҳим Султон ва Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек Утрордин Самарқанд сори мутаважжих бўлдилар. Ва Бердибек анда турди.

Султон Ҳусайн муҳолифат бўлгон жиҳатидин барча черик жайбалар кийиб, йўлга кирдилар. Ва намозшом таъйин эрдиким, Сайхун суйидин муз устидин ўтуб туштилар. Ва ажийиб нималардин улким, шаҳзодалар била беклар ва черик барча ўткондин сўнг муз синди ва уч тева хазина тевалардин сандуқлар била сувга борди. Магар дегайсиқким, муз анга муътал

эрдиким, алар сувдин кечкайлар. Андин тун қайтиб, юруб саҳар вақти эрдиким хонимлар ва оғоларга еттилар. Ва ҳазрат илоҳи тақдиридин амирзода Халил Султон ва беклар, барча черик — турку тожикдии ва ироқий ва румийдин элчи келмакдин хабар топиб эрдиларким, Султон Хусайн черикни мугафарриқ қилиб, бир жамоат киши била Самарқанд сори боргон турур. Бас, бу хабар жиҳатидин алар ичида ваҳшати тушуб эрди, амирзода Аҳмад Умаршайх ва амир Худойдоди Хусайний ва амир Ёдгоршоҳ Арлот ва амир Шамеуддин Аббос ва Бурундуқбек ва ўзга бекларким анда эрдилар, барча иттифоқ қилиб оғолар била ва Шайх Нуриддинбек била ва Шоҳ Малибек била кенгаш қилмай, амирзода Халил Султонни подшоҳ кўтардилар, ва анинг била байъат қилдилар.

Шоҳ Маликбек ва Шайх Нуриддинбек Тошкентдаги бекларга мактуб йибаргонлари

3096 /Шоҳ Маликбек ва Шайх Нуриддинбек хабар топтиларким, Тошканддаги беклар барча иттифоқ қилиб, амирзода Халил Султонни подшоҳ қилиб кўтариб турурлар. Аларга хатлар битиб йибардилар, мазмуни буким, «Соҳибқирони саъид мағфур ўлар маҳалида васият қилиб муқаррар мундоқ қилдиким, валийаҳд ва қоиммақом амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир булғай. Ва бу жиҳатдин бизлардин аҳд олиб, онтлар бериб турурким, бу аҳду шартни ўзга қилмағайсиз. Ва бизлар ўшул аҳду шарт билабиз ва андин қайтмасбиз. Ва хаёлким, сизлар қилибсиз, ҳазратнинг васият қилгон сўзи била мувофиқ эрмас. Ва сизлардин ажаб турурким, валийиёнмат дегон сўздин чиқиб ўзга хаёл қилғайсиз ва сизлардин тамаъ бу эрдиким, агар ўзга киши мундоқ ишласа эрди, ани изза қилиб улдурғай эрдингиз. Билмадукким, сизлар мундоқ ҳаракат қилурсиз. Ва ҳар кимдаким ақл бор, билурким бу иш йахши эрмас, албатта. Албатта пушаймон бўлгусидур, зинҳорким хаёлотни фосид била амал қилмағайсиз. Ва ному номусунгузни ҳеч (поймол) қилмағайсизким, бу бадномлиқ оламда қолгуси турур».

Хат битиб, беклар барча муҳр этиб, Абука Чехра билан йибардилар. Беклар хатни ўқуб, мазмунини билдилар ва ўз ишларидин пушмон бўлдилар. Аммо ҳеч фойда қилмас эрдиким, ихтиёрлари эликларидин кетиб эрди.

Бурундуқбек Тошканддин келиб боргон хатнинг жавобини келтурғони

310а Шаҳзодалар ва хонимлар ва беклар Оқсулотқа туштиллар. Бурундуқ амир Жаҳоншоҳ ўғли Тошканддин келиб, хонимлар ва шаҳзодаларга кўрунуш қилиб, таъзият еткурди. Ва андин сўнг шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек била кенгашиб, хатларким, Худойдодбек ва Шамеуддин Аббос битиб эрдилар, аларга кўрсатти. Ва хатнинг мазмуни улким, «Бу ишни бизлар давлат маслаҳати учун ва давлат забти учунким, /асру улуг воқеъа бўлди, қўрқутким, гавгойи ва фитна бўлмағай, йахшилиқ жиҳатидин қилдукким, аромизда бир боши булғай, то ҳар киши бош чиқара олмағай ва салтанат бу хонадонда қарор топқай ва олам бир-бир булмағай. Ва бизнинг гумонимизда ул эрдиким, сизлар тақи бу маслаҳатқа кириб, бизнинг била муттафиқ булғайсиз. Аммо соҳибқироннинг васияти ўзга эрмиш ва биз билмадук. Ул соҳибқироннинг ҳукми жонимиз устида турур ва то тирик булғайбиз, ҳаргиз хилоф қилмағайбиз. Ҳар неким маслаҳат кўрарсиз, биз анга тобиъ турурбиз».

Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек бекларнинг сўзларидин воқиф бўлдилар. Бурундуққа дедиларким, «Бизлар барчамиз соҳибқирон қилгон васиятдин чиқмасбиз ва амирзода Халил Султонга тобиъ булмасбиз». Бурундуқбек ҳам аларнинг сўзини хушлаб, ул тақи шаҳзода била аҳд қилиб, онт ичтиким, «Соҳибқирон қилгон васиятини ўзга қилмағаймен». Ва мундин йана Худойдод Хусайнийга ва Ёдгоршоҳ Арлотқа ва Шамеуддин Аббосқа ва ўзга бекларга хатлар соҳибқирон қилгон васиятидин воқиф эттилар. Ва фосид хаёлларидин манъ этиб дедиларким, «Соҳибқироннинг ҳаққини ёд

3106

қилинг ва қиёмат куннда анинг юзидин шарманда бўлмангиз. Ва анинг сўзини ўзга қилмангизким, бу маънидин на худо рози турур ва на халойиқ. Зипҳорким ўзга ҳаёл қилмағайсиз, наким соҳибқирон васият қилиб турур, анинг била амал қилинг», деб хатлар битиб, Бурундуқбек била йибариб дедиларким, «Андағи бекларга айтингларким, зинҳор андоқ қилмасунларким, ул азининг руҳи ташвиш бўлғай. Барча амирзода Пир Муҳаммад била аҳд қилинлар. Ва андоқ қилингим, амирзода Халил Султон ҳам тобиъ бўлғай. Барчангиз бу жиҳатдин аҳдномалар битиб йибарингим, аҳдномаларингиз Самарқандқа бизга келгай, то барча аҳдномаларни шаҳзодаи валий-аҳд Пир Муҳаммадқа йибаргайбиз».

Бурундуқбек хатлар била қайтиб борди.

Хонимлар ва оғолар кучуб, амирзода Улуғбек ва амир Шоҳ Малик била барча чериклари била мукамал бўлуб, ўнг қўл сори юридилар. Ва Иброҳим Султон ва Шайх Нуриддинбек бир жамоат беклар била чериклари била мукамал бўлуб, сўл қўл сори мутаважжих бўлдилар. Ва барча Самарқанд сори мутаважжих бўлдиларким, ботроқ шаҳарга кириб, забтига машғул бўлғайларким, ногоҳ халали ва фитна воқиъ бўлмағай.

Ул маҳалда шаҳзодалар иккаласи ўн бир ёшда эрдилар. Ва амирзода Улуғбек (тўрт ойу) йигирма (етти) кун Иброҳим Султондин улуғроқ эрди*.

Йўлда юруб Қўрчуқ мавзеида етдилар. Шоҳ Маликбек барчадин бурун юриди. Аммо Аргуншоҳбек Самарқанднинг дарвозаларини боғлаб, шаҳарни мазбут қилиб эрди. Анинг учунким, амирзода Халил Султон анга хатлар битиб қўб ваъдалар қилиб эрди. Ва хатда битиб эрдиким, «Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбекким, Самарқанд сори мутаважжих бўлуб турурлар, аларни шаҳарга киргали қўймағайсен». Ва анга анча ваъдалар қилиб эрдиким, ани тамом ўзига тортиб эрди.

Шоҳ Маликбек илгари юруб, Самарқанд шаҳрига етти, дарвозаларни боғлиқ кўрди. Шайхзода дарвозасидин Чаҳорроҳа дарвозасига бордиким, Аргуншоҳбек ва Хожа Йўсуф ул дарвозада ўлтуруб эрдилар. Аларга етиб сўзлашди. Аммо Аргуншоҳбек Шоҳ Маликбекни шаҳарга киргали қўймади. Ва сўзи бу эрдиким, «Соҳибқирон бу шаҳарни менга тобшуруб турур, то шаҳзода валийаҳд Пир Муҳаммад ва ўзга шаҳзодалар бир ерда йиғилмагунча, шаҳзода Пир Муҳаммадни подшоҳ кўтармагунча мен шаҳарни ҳеч кишига бермагум турур». Шоҳ Маликбек бу сўзни эшитиб билдиким, амирзода Халил Султонга ҳаводор эрур ва ҳаргиз /анга маъқул сўз деса, ул қабул қилмагусидур. Отининг жиловини қайтариб, йиғлаб-йиғлаб қайтти. Қўҳак суйидин ўтуб Алиободқаким, (Сўғдининг улўғ кентларидин турур), бориб, анда (Қўрчуқ уқбасидин ўтиб, Алиободқа келгон) шаҳзодаларга ва оғоларга қўшулди ва воқиъ бўлгон кайфиятни аларга деди ва Аргуншоҳдин аларга хабар берди. Алар бу жиҳатдин ғамгин бўлуб, соҳибқирондин ёд қилиб, қўб йиғладилар. Сарой Мулк хоним ва Туман оғо ва беклар кенгаш қилиб, маслаҳат андоқ кўрдиларким. Бухоро сори боргайлар. Оғолар дедиларки, Шайх Нуриддинбек Самарқанд бориб, андағи бекларга насиҳат қилгай, шоядким қабул қилгайлар. Барча бу маслаҳатни йахшилаб, Шайх Нуриддинбекни йибардилар. Сешанба куни, рамазон ойининг аввалида (03.03.1405) Шайх Нуриддинбек отланиб, Чаҳорроҳа дарвозасига ичкаридағи бекларни чорлатиб, қўб насиҳатлар қилди. Алар эшитмай, жавоблари ушул эрдиким, Шоҳ Маликбекка айтиб эрдилар. Шайх Нуриддинбек отдин тушуб, йайоғ бўлуб, кўфрукдин ўтуб дарвозага етиб турди ва дедиким, «Бу иш ёрича эрмас. Мени йалғуз ичкари киргали қўйунлар, то бевалар била сўзлашиб, насиҳат қилиб чиқайимким, охир вақтда пушаймон бўлмағайлар». Ва ҳар нечаким муболиға қилди, ани шаҳарга кийурмадилар. Шайх Нуриддин кўрдиким, алар насиҳат эшитмаслар, заруратдин отланиб, Алиободқа борди ва шаҳзодаларга ва хонимларга воқиъа бўлгон сўзларини шарҳ қилди.

311а

Бурундуқбекнинг сўзиким, Тошкандга бориб эрди

Айтиб эрдукким, (Шайх Нуриддинбек) ва Шоҳ Маликбек андағи бекларга хат битиб, соҳибқирон қилгон васиятдин аларга айтиб йибарди.

* Улуғбек 22.03.1394 да, Иброҳим Султон 14.08.1394 да, тутилган эди. Бу ерда ҳижрий ойлар назарда тутилатир.

3116 Бурундуқ Тошканд бориб, хатни андағи бекларга кўрсатти. Алар Халил Султон била байъат қилгонларидин пушаймон бўлуб, йибаргон хатни уқуб, барча сўзларни мусаллам тутуб, иттифоқ била дедиларким, /«Тоғку тахт ул кишига бўлурким, ани соҳибқирони саъид мағфур васиятида айғибдур. Биз баидалар анга тағйир ва табдил бўлмакка ризо эмасмиз». Алар ҳаммаси шу маънода паймон қилдилар ва ул мажлисда аҳднома битиб, барча ўз муҳларини қўйдилар. Амирзода Халил Султон ҳам заруратдин ризолиқ берди. Ва аҳдномани хат ва муҳр бирла ва туҳфа ва ҳадялар бирла Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек олдиға элчи этиб Аталмишни йибардилар, ва ул ердин таъжил била шаҳзода валийаҳд олдиға борсун деб. Амирзода Халил Султон Аталмишға таважжух бўлуб дедиким, «Биз амирзода Пир Муҳаммадқа ниъзмандбиз ва ихлос била арзадошт қилиб, ҳавохоҳдурбиз. Ва соҳибқирони саъид мағфуринунг васияти бирла сизни ул ҳазратининг қоим мақоми деб билдурбиз». Ул бу каби сўзлар била фириб бериб, дилларни мафтун этди ва баъзи бекларни ўзига ҳамроҳ қилиб, тахт ва подшоҳлиқни эликига олмакка фурсатни ғанимат билиб, таваққуфсиз салтанат сарири Самарқандқа азм қилди. Шаҳарга келиб, подшоҳлиқ тахтига ўлтуруб, хос ва оммни ўзининг чокари ва ғуломи қилдиким, *ал-нисон абийдул аҳсон*¹¹²³ дебдурлар.

Чун шаҳзода истило тариқиға кирди, андин сўнг Тошканд ва Сайрамда анга ҳамфикр ва ҳамдил бўлгон беклар ва мулозимларға ҳазрат соҳибқирондин қолгон барча ол ва хачир ва теваларши улаштурди. Аларға тақи нуқуд ва қумошлар ва рахтлар ва жайбалар ва черик асбобларини ҳам улаштурди. Сўнгра андин кўчуб, салтанат сарири Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Ва чун Сайхун суйиға йақини келди муқаррар қилдиким, Бурундуқбекни черик бирла Сайхун суйи бошиға, Шоҳрухийининг юқорисиға йибаргай.

312a Андин сўнг шаҳзода сувдин кечди. /Амирлар Худойдод Хусайний ва амир Шамсуддин Аббос ва ўзга беклар ул уқбадин равона бўлдилар. Амир Бурундуқ андин бурун Худойдодбек ва Шамсуддинбек била хуфиёна машварат қилиб, келишиб эрдиким, «Мен шаҳзодалар ва Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбекнинг аёқлари ортидин борайим ва аларға қўшулайимким, аҳд шул эрди». Беклар анга дедиларким, «Бизлар ҳам иодшоҳи саъидининг васияти муқтазосини тажовуз этмакни истамайбиз ва ҳукумат амирзода Халил Султонға бўлмакни истамайбиз. Бизнинг мақсадимиз андин айрилиб, Очиқ Фаркат¹¹²⁴ тарафиға бормақдир». Бурундуқбек аларнинг раъйини тўғри топди ва дедиким, «Сизлар неча кун Тошканд яқинида таваққуф қилурсизким, мен рўй берур воқеъани сизларға билдиурмен».

Бекларнинг амирзода Халил Султон била муҳолифат қилгонлари сўзи

Чун Бурундуқбек ва Рустам Тағай Буға ва Абдулкарим Ҳожи Сайфуддин Сайхун суйиға келиб кўфрукдин ўтдилар, Бурундуқбек кўфрукни буздиким, токи киши кўфрукдин ўтмасун деб. Ва кўфрукнунг олотлариким, мих ва таноб ва йағочлар ва ғайруху эрди, аларни пароканда ва паришон қилди ва юзини Самарқанд тарафиға бурдики, шаҳзодалар сафиға қўшулгай.

Ул тарафдин Худойдодбек ва Шамсуддинбек ўз чериклари била қайтиб, Очиқ Фаркат тарафиға мутаважжих бўлуб эрдилар. Амирзода Халил Султон бу ҳолдин хабар топиб, дарё канорига келди ва буюрдиким, кўфрукни йасасунлар, деб. Эртаси кун барча черики бирла кўфрукдин ўтди. Бурундуқбек икки сув аросиға етқонда йКалол Бавурчиким, Шоҳ Маликбек Самарқанддин қайтқонида хонимлар ва шаҳзодалардин/ қочиб, аҳду шартдин кечиб амирзода Халил Султон ҳузурига келур эрди, ул ерда анга дучор бўлди. Ва Рустам Тағай Буға андин айрилиб, Алиободқа бориб, шаҳзодалар била қўшулди ва Бурундуқнунг қайтқонини аларға деди. Аммо Бурундуқбек шарманда ва хижолатзада амирзода Халил Султонға етиб, узроҳдуқ била тилини очиб, йанғи бошдин шарт ва аҳд қилди. Ва онт ичти. Ва шаҳзодаларининг бўлгон кишиси ул аҳдномаким, амирзода Пир Муҳаммад учун битиб эрдилар, андин қайтдилар, ва салтанат қасдиға Самарқанд сори юридилар.

3126

Бу хабарни Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек эшитиб, оғоларга ва хонимларга дедиким, «Муфсидлар йана фасодқа юз тутуб, амирзода Халил Султон била байъат қилиб турурлар. Ва аҳдларидин қайтиб, иттифоқ била Самарқанд сори мутаважежиқ бўлуб турурлар». Бу сўзни эшитиб, оғолар ва хонимлар барчанинг кўнгуллари бузулуб, йиғлайбошладилар. Ва дедиларким, «Хануз соҳибқирон фавтидин кўб кун кечмай турур, мундоқ ишлар қилурлар. Ва ул соҳибқироннинг руҳидин уялмаслар ва анинг ҳаққини унуттилар. Аммо умид ултурурким, агарчи мундоқ ишлар қилурлар, жазоларини бот тобқайлар».

Шоҳ Маликбек ва Шайх Нуриддинбек дедиларким, «Мунда ҳеч шак эрмаским, алар расво бўлурлар. Худойдин умидимиз улдурким, бизларга тавфиқ бергайким, то тирик бўлсак валийнёсмат ҳаққини унутмагайбиз, валийнёсмат қилгон висиятидин чиқмагайбиз. Ва анинг пок руҳидин ҳиммат тилаб, шаҳзодаларнинг хизматиға жон била кушеш қилгайбиз. Ва эликимиздин келгунча бандалиқ қилгайбиз. *Ва мин Аллоҳил-авн ват-таъйид, иннаҳу Ҳамидун Маждун*»¹¹²⁵

Беклар оғолар била кенгашиб, Бухороға боргонлари

313a Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек бу сўзларни оғоларга арз қилиб дедиларким, «Қазиялар мундоқ бўлди, маслаҳат бу турурким, биз бандалар шаҳзодалар била Бухороға боргайбиз, сизлар Самарқандға /боргайсиз. Ва бизлар Бухородин амирзода Пир Муҳаммад қошида боргайбиз ва соҳибқирон қилгон васият сўзларини анга дегайбиз. Агар Ҳаққ таоло мадад қилса, аҳдни бузулгонларини узрохоҳлик қилгайбиз».

Хонимлар ва оғолар барча бу сўзларни хушлаб, таҳсин қилдилар. Ва мундоқ қарор бўлгондин сўнг оғолар қошидин чиқиб, ўзга бекларким, анда ҳозир эрдилар, кенгаштилар ва дедиларким, «Барчаға маълум-турурким, андоқким, бизлар соҳибқиронға маҳрам эрдук, ўзгалар йўқ эрди. Ва анинг давлатида ҳузуримиз барчадин артуқ эрди. Агар бизлар ул валийнёсматни унутсак, азал ва абад малъунларидин бўлгайбиз. Агарчи ҳоло бизга ихтиёр қилмай турур. Аммо анинг фармонидин чиқмасбиз. Агар ўзгалар қиёмат кунини соғинмайдулар, бизлар соғиниб кўрқарбиз. Эмди бизга ул доъия бўлуб турарким, амирзода Пир Муҳаммад қошиға боргайбиз ва анинг хизматида белимизни боғлаб хизмат қилгайбиз, анинг учунким, соҳибқироннинг васияти бу эрди. Агар бу ишда жонимиздин кечсак кечарбиз ва аҳд паймондин кечмасбиз. Сизлар тақи соҳибқироннинг йақин кишиларидинсиз. Эмди бу ишда не-нима дерсиз ва сизнинг ҳаёлингизда не-нима кечар?»

Алар барча йиглаб, иттифоқ била дедилар: «Ҳар неким, соҳибқироннинг ҳукми воқий бўлуб турур, биз анинг била амал қилурбиз. Ва мундин ўзга андишаларимиз йўқтурур. Мутобият камарини боғлаб, сизлар била мувофиқбиз. Ҳар неким эликимиздин келса, жон била қилурбиз».

Ул бекларким иттифоқ қилдилар, Аталмишбек ва Тўкал Қарқара ва Ҳасан Чигдовул ва Арислон Тарҳон (ва Уставий) ва Шамсуддин Алмолиғий ва Муса ва Камол ва Бастарий Вафодор ва ўзга бекларким, барча соҳибқироннинг маҳрамлари ва хосса кишилари эрдиларким, иттифоқ қилдилар.

Шаҳзодалар била беклар Бухороға боргонлари

3136 Рамазон ойининг учуда (05.03.1405), /панжшанба куни (олиймакон шаҳзодалар) Улугбек Мирзо ва амирзода Иброҳим Султонким, соҳибқироннинг ҳарамлари ва фарзандлари, балким кўрар кўзлари эрдилар, бегимлар ва оғолар ва хонимларни хайрбод қилиб, йана соҳибқироннинг мусиблати тоза бўлуб барчадин фарёд ва зори чиқиб, нола қилдилар. Ва андоқ ҳолати воқий бўлдиким, шарҳ қилса бўлмас, хоссатан маҳди аъло Сарой Мулк хоним ва Туман оғо анча юзларига ва бошларига урдиларким, юзлари ва бошлари жароҳат бўлди ва қон юзларидин юра бошлади. Нолаю зоридин сўнг шаҳзодаларни қучуб, юзларига ўпуб ижозат бердилар.

Алар Алиободдин кўнгуллари афкор ва кўзлари хунбор отландилар. Ва

Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек шаҳзодалар била Бухорога мутаважжиҳ бўдилар. Ва соҳибқирон хазинасиким, лаълу жавоҳир, олгуну кумиш ва рахту қумош, ҳар неким бор эрди ўзлари била элтдилар. Ва Рустам Тағай Бугани, илгари Бухорога йибардилар.

Соҳибқироннинг ҳарамлари Самарқандқа бориб, таъзият очқонлари

314а Соҳибқироннинг ҳарамлари баъзи кичик шаҳзодалар била, мисли Бойқаро ва Ийжал ва Саъд Ваққос ва Суйурғатмиш ва ғайруҳу бир жамоат хосса кишилари била Алибоддин кучуб, соҳибқироннинг туг ва наққораси била Самарқанд сори мутаважжиҳ бўдилар, ва таъзият тунларини кийиб, нола ва фарёд била Чаҳорроҳа дарвозасига етдилар. Ичкаридаги беклар йамон андишалар қилиб, аларни киргали қўймадилар. Ва ул кун алар шаҳзода Шоҳрухнунг боғиким, дарвозага йақин эрди, анда бориб туштилар, ва ул кеча анда турдилар. Тонгласи ҳазрат олиёт ва шаҳзодаларким, мулозимат эрдилар, киши-қаролари била шаҳарга кирдилар ва Муҳаммад Султон мирзонинг мадрасасига бордиларким, соҳибқиронни анда қўйиб эрдилар. Анда тушконда аза очиб, фарёд ва фиғонга машғул бўдилар. Оғолар юзларини йиртиб, сочларини узуб, андоқ зори бирла йиғлар эрдиларким, шарҳ қилса бўлмас. Ва шаҳзодаларнинг хотунлариким, шаҳарда эрдилар ва бекларнинг хотунлари ва бузурглрнинг хотунлари барча қаро кийиб, бўйунларига қаро кийизлар солиб, барча келиб жамъ бўлуб, фарёд қилур эрдилар. Ва амирзода Муҳаммад Жаҳонгирким шаҳарда эрди ва ўзга шаҳзодалар ва беклар ва ақобиру ашроф, мисли Хожа Абдул Аввал ва Хожа Асомиддин ва Саййид Шариф Журжоний ва Амирак Донишманд ва ғайруҳу барча либосларини тағаййур бориб, ҳозир бўдилар. Ва самарқандийларнинг аҳли барча дўконларини боғлаб, нола ва фарёд қилур эрдилар. Ва ҳолати бўлдиким, шарҳ қилса бўлмас. Назм:

Шаҳрнинг эру хотуни барча
Қилдилар бу алам учун афгон.
Йақоларини қилдилар юз чок,
Кўзлари эрди барчанинг гирён.
Қаро тўнлар ичинда кирдилар,
Ойдек кечадаки бўлса аён.
Бўлди эл оҳидин қаро бу фалак,
Оҳ, бу дарддин ҳазор афгон.

Йиғлагондин ва оҳу фиғон қилгондин сўнг сўрдиларким, сабрдин уага ҳеч чора йўқтурур. Ва барчага охируламр ушбу кун келгусидур, қазага ризо бериб, таҳаммул ва сабр била амал қилиб ўлтурдилар.

Шаҳзодалар ва бекларким, Бухорога бориб эрдилар, аларнинг қиссалари

314б Жувоибхат шаҳзодалар амирзода Улугбек ва амирзода Иброҳим Султонким, Алибоддин Бухорога бориб эрдилар, жумъа куни, рамазон ойининг тўрида (06.03.1405) қалъа Дабусийга етдиларким, ул қалъа асру берк ва мустаҳкам эрур. Ва Самарқанд суйи¹¹²⁶ анинг тубидин ўтар. Ул ерда Мангли Хожанинг иниси Баён Темур Хозин (Самарқанддин) келди ва Хожа Йусуф ва /Аргуншоҳбекдин хатлар келтурди. Мазмунн буким, «Бизларким, шаҳар дарвозаларини сизларга очмадук, хаёл қилмағайсизким, йаағи бўлуб очмадук. Бизнинг мақсудимиз соҳибқироннинг васияти эрди ва ул васиятни биз ўзга қилмасбиз. Ва амирзода Халил Султон келгусидур, ани ҳам шаҳарга киргали қўймасбиз. Ва мунга мушфиқбизким, тахтгоҳни сақлағайбиз анга-чаким, амирзода Пир Муҳаммад валийаҳд келгай. Ул келгондин сўнг шаҳарни анга тобишурубиз. Сизларга хабар йибардук, то кўнглунгуз қолмағай ва биздин маъзур тутқайсиз». Ва хатнинг охирида онтлар ичиб эрдиларким, «Ушундоқ қилурбиз ва ўзга қилмасбиз».

Аммо беклар хатни ўқуб, аларнинг сўзларига иътамид қилмадилар. Аммо маслаҳат учун келгон киши била йана Самарқанддаги бекларга хат йибардиларким, «Раҳмат сизларга, фикриким қилибсиз, муңдин йахшироқ фикр бўлмас. Ушбу фикрингиз била муттафиқ бўлунглар ва шаҳарни мазбут сақлангиз. Ва агар хилоф қилсангиз, қуб пушаймон бўлунгуз турур. Агар сизлар бу сўзлар била мустақкам бўлуб, шаҳар сақласангиз, то шаҳзодаи валийаҳд келгунча ҳазрат соҳибқироннинг васияти била амал қилмиш бўлгaysиз. Ва сизлардин олам бўлгунча йахшилиқ дегайлар ва сизлардин бу йахши ишингиз оламда ёдгор қолгай. Шаҳзода бу тахт устида қарор тобса, сизларким, анинг учун тахтни сақлагансиз, муқаррар турурким, мартабаларингизни улуг қилгусидур ва анинг давлатида сарафроз ва шодком бўлгунгуз турур. Ва агар йамон ҳасл қилиб сўзунгуздин қайтсангиз ва ўзга андиша қилиб валийнеъмат аҳдиға вафо қилмагaysиз, бу бадномлик била оламда машхур бўлгaysиз», деб хат битиб, Баён Темур Хозинга бердилар. Ушул замон ул қайтиб Самарқандда кетти.

Амирзода Халил Султон била Самарқанддаги /беклар муттафиқ бўлгонлари

315a

Баён Темур Хазиначи Самарқанд сори мутаважжих бўлди. Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек шаҳзодалар била Бухорога мутаважжих бўлдилар. Ва икки-уч кундин сўнг хабар келдиким, амирзода Халил Султон беклар била ва черики била Тошканддин Самарқанд сори мутаважжих бўлуб эрди, бу даъво билаким, мулкни олгай. Амир Хожа Йусуф пешкашлар била Самарқанддин чиқиб, Шероз¹¹²⁷ борибким, андин шаҳаргача тўрт йағочи йўл турур, амирзода Халил Султонни анда кўруб, пешкашларини тортиб турур. Ва акобиру ашроф барча Самарқанддин чиқиб ўтрув боргондирлар ва Кўҳак сўйиға етқонда Аргуншоҳ шаҳарнинг калидларини ва хазина калидларини олиб бориб, анда кўрунуш қилиб турур, ва барча бадахлар иттифоқ била анга мулозим бўдилар ва соҳибқирон (руҳидин) ҳеч андиша қилмадилар.

Шайх Нуриддинбек ва Шоҳ Маликбек ва ўзга беклар бу хабарни эшитдилар, аларга лаънат деб, хатлар йибардилар ва узлари Бухорога бориб, шаҳарга етиб, Лийуб пайгамбар алайҳиссаломнинг мазорини тавоф қилиб, мадад ва ҳиммат тилаб, шаҳарга кирдилар. Ва йана йанги бошдин шарт ва аҳд қилдилар ва шаҳарнинг иморатиға машғул бўлдилар. Ва шаҳарни икки бўлуб, ул сориким, иморат ва шаҳар бозори сори эрди, амир Шоҳ Малик ва амирзода Улугбек сақлагайлар, ва ул ярмиким, таниқари сори турур, Иброҳим Султон ва амир Шайх Нуриддин сақлагайлар. Ва Рустам Барлос ва иниси Ҳамза ва Аталмиш ва Тукал Қарқара ва ўзга беклар шаҳар ичида турсулар. Ва ҳар бири бир дарвозани муҳофизат қилиб хабардор бўлгайлар. Ва бу тариқ била қарор қилиб, ҳар киши ўз ишиға машғул бўлди. Ва шаҳарнинг буржу брусини иморат қилдилар.

Амирзода Халил Султон Самарқанд тахтида ултуруб, подшоҳ бўлгонининг зикри

315b

/Мавлоно Бадриддин мунажжим ихтиёри била чаҳоршанба куни, рамазонининг ўн олтинчида тарих саккиз юз еттида, товуқ йилида (18.03.1405) амирзода Халил Султон Самарқанд шаҳриға кириб, арк қалъасиға кириб, хазиналарин мутасарриф бўлуб, тахтда ултурди. Шаҳзодалар ва беклар барча юкунуб, муборакбол дедилар. Ва маслаҳат учун амирзода Муҳаммад Жаҳонгирким, амирзода Муҳаммад Султоннинг ўгли эрди ва амирзода Пир Муҳаммад валийаҳднинг биродарзодаси бўлуб эрди, ани хон қилди ва анинг ёши ул маҳалда тўққуз йил эрди. Ва ани иззат учун юқори ултургузди. Ва амирзода Халил Султон истиқдол била салтанат амриға машғул бўлди ва синка ва хутба Мовароуннаҳрда анинг отиға ўқудилар. Икки кундин сўнг амирзода Муҳаммад Султоннинг мадрасасиға бориб, йана таъзият очдилар. Барча эл қаро тўплар кийиб, полау зори қилабошладилар. Назм:

Йана тушти олам аро юз хуруш,
Йана урди гам ути даҳр ичра жўш.
Равон булди ул гамда мардум берун,
Халойиқ кўзидин (булди) йана сел хун.

Ва андоқ нола ва фарёд ва жўшу хуруш элдин қўбтиким, шарҳ қилса булмас. Фарёду фиғондин сўнг қўйлар ва отлар ва утлар ўлдуруб, ош тартиб этгилар ва неча кун пайи ош бердилар. Ва андин сўнг соҳибқироннинг хосса наққорасини бир замони чорлаб, андин сўнг йиртдилар.

316a Ҳазрат соҳибқирони покэйтиқодқаким, асру ихлос ва сидқ ҳазрат Рисолат, салл Аллоҳу, *алайҳи ва салламнинг* авлодиға бор эрди, доим хотирида ул эрдиким, улгондин сўнг Саййид Барака алайҳир раҳмат вар ризвоннинг аёғи сори булғай. Неча кундин сўнг Саййиди мушори илайҳининг муборак сўнгагиким, Андахудда амонат қўйуб эрдилар, аларни келтуруб ул гунбазким, соҳибқироннинг холи хатти букун учун йасаб эрди, келтуруб дафн қилдилар. Ва ул /ҳазратни нечукким ният қилиб эрди, Саййид мушори илайҳининг аёғи сори кўмдилар. Ва амирзода Муҳаммад Султонни тақи анда (ул ҳазратнинг ёниға) қўйдилар. *Наввара Аллах марақидихим би қанадил ил-мағфирати вал-ғуфрани ва "атараҳо би-насаим ал-унс мин ҳадаиқил жинони башарраҳум Раббуҳум би-раҳматиҳ минҳи вар ризван.* Самарқанднинг салтанати амирзода Халил Султонға қарор тобти. Хазина эшикин очиб, бекларига инъомлар қилди, эътидол сақламай олтуну кумушни буғдой тортқон тарозуси била улаштурди.

Амирзода Халил Султон подшоҳ бўлгонининг зикри ва йана завол тобқонининг сабаби

Хушманд, соҳибдил, доно подшоҳлиқ мартабасини ҳазрат Азза жала жалолухунунг кўланкаси билур. Жаҳонбонлиқ ва фармон замонининг поясини ҳазрат Ҳаққ қудратидин билур. Ва бу иш ҳар кишиға муяссар булмас, то киши бу амрга лойиқ бўлмагунча. Шоҳлиқ чатри ҳумойи турурким, хосса бандаларигакам: *Йахтассу би-раҳматиҳи ман йашаъу*¹²⁹ саодат қанотини хосса бандаларининг бошларига очиб, кўланка солур, то бу мартабаға етқайлар. Ва шоҳлиқ черикнинг кўпи била ё мол била муяссар булмас.

316b Мақсуд бу сўздин ул турурким, шавкат ва комкорлиқ асбобидинким, амирзода Халил Султонға муяссар булди, олам бино бўлгондин бери мушқилким, кишиға мундоқ асбоб муяссар бўлмиш бўлғай. Ва насаб юзидин соҳибқироннинг набираси эрди. Ва соҳибқирон улгондин сўнг барча беклар ва черик Тошканд анинг била эрдилар. Бу хабарни эшитиб, барча ҳайрон бўлуб эрдилар. Аммо соҳибқироннинг ҳозир ўғлонларидин андин улугроқ киши йўқ эрдиким, ани подшоҳ кўтардилар. Ва бу ишни йахши иш билиб, Самарқанд келиб, Самарқанддаги беклар ва бузурғлар барча бу маъни била муттафиқ бўлуб, рози бўлуб, ани подшоҳ кўтардилар. Ва молу хазинани анга тобшурдилар. /Ва шаҳзода Халил Султон Самарқанд тахтида подшоҳ бўлуб, давлат била ўлтурди. Ул маҳалда Самарқанддек ер юзида маъмур шаҳар йўқ эрди. Ва атроф оламдаги фозиллар ва донишмандлар ва хунармандлар кўчлари била анда эрдилар. Ва хазиналарким, анда бор эрди — олтуну кумиши ва рахту кумош ва аслаҳа — ҳар нимадин хазиналар тўла эрди, андоқким, агар барча олам нависанда бўлуб, ҳисоб этса эрдилар, бир хазинанинг уҳдасидин чиқа олмас эрдилар. Ва хайма ва хиргоҳ ва саропарда ва соябон не худким шарҳ қила олур, анинг учунким, Эрону Турондаги подшоҳларнинг йиллар йиғилгон хазиналари, Қалмоқдин Румғача ва Ҳиндустондин Шомғача, Хоразмдин Дашти Қифчоққача, Рус ва Булгор ва Фаранг — бу барча вилоятлардин ҳар нимаким, олиб эрдилар, барчани мунда келтуруб, жамъ этиб эрдилар. Ва ўтгуз олти йилким, ҳазрат соҳибқирон оламни мусаххар қилиб эрди ва вилоятларнинг молу хирожи мунда тушар эди, мундоқ хазина ва йароқ бу шаҳзоданинг эликиға тушти, тўрт йилда андоқ қилдиким, ул молдин ҳеч асар қолмади. Ва анинг давлатига заволи бўлгонининг сабаби бу эрдиким, нечукким бурун баён қилиб эрдукким, Шод Мулк отлиқ амир Ҳожи Сайфуддиннинг тағмаларидин эрди, анга ошиқ бўлуб, ҳазрат соҳибқирондин йашура ани никоҳ қилиб олиб эрди.

Аммо қурқунчдин анинг висолига ета олмас эрди. Подшоҳ бўлгонда фароғат била анинг била айшу ишрат қилур эрди. Ва анинг сеҳридин асло чиқмас эрди. Ва ҳар неким, ул маслаҳат кўрса эрди, ўшандоқ қилур эрди ва ўз ихтиёрини анга берди. Ва исроф эликини очиб, андоқ хазинани оз фурсатда талаф қилди. Ва андоқ кишиларни тарбият эттиким, вилоят алар жиҳатидин хароб бўлди. Ва бир жамоат/ ётларни ўзига муҳаррам қилиб, аларни бек этти. Ва ул нокасларнинг димоглари ҳайбат пайдо қилиб, баса, фасод қилур эрдилар. Ва йана бир йамон ҳаракат бу эрдиким, ул хотунким, анинг маҳбуби эрди, анга дедиким, «Соҳибқироннинг қамолари ва хотунлари қўб турур. Ҳар бирини бир бекка бермак керак, то бу беклар жолалари била давлатхоҳ ва ҳаводор бўлгайлар. Ва алар йакжиҳат бўлгонидин сўнг олам низом ва қарор тобқуси турур». Қўб васваса қилгондин сўнг ул шаҳзодаи ақлсиз бир жамоатиким, вожибул азм эрдилар ва анга барча анодек эрдилар, куч била ҳар бирини бир бекига берди. Ва дурларни ҳаромхўрлар билан бир ерда қўшди ва ёқут рамойини атиқ била тенг қилди. Шеър:

Бу иш қилди ва бўлмади шармисор,
На эл юзидин ул, на аз кирдикор.
Чу фориг эрур шаҳ зоно, хушу бод,
Анинг мулки бот борғусидур барбод.

Бу ҳаракатидин барча черик ва раъийат андин кўнгул узуб, анинг била йамон бўлдилар. Ва бу барча йамон мусоҳибларнинг мусоҳибатидин бўлди. Ва ножинсе кишилар била ҳамнушин бўлгон жиҳатидин эрди.

Бу воқиъа бўлгондин сўнг барча эл билдиким, соҳибқиронким, бу хотунни ўлдурғали буюруб эрди, бежиҳат эрмас эрмиш. Бали, ул кўнгулдаким, ал-ҳамомот зиёни бўлгай, ҳеч нима каззоф била бўлмас. Албатта, анда бир сирри борким, ўзгалар ани фаҳм қилмаслар.

ХОТИМА

Соҳибқирони нек, ул ҳолатиким, йалғуз эрди ва не-нималар анга воқиъ бўлди ва ўгуллариким, айёми давлатида бор эрди, киши эрди. Ҳазрат соҳибқироннинг авсофи ва ахлоқи ҳамидаси, *анара Аллах бурҳонаху*,/ ҳазрат Ҳаққ таборак ва таоло тавфиқидин салтанат мартабасида етиб, жамъ қилиб эрди. Ва камоли муъаддалат ва диндорлигидин, заръийатпарварлигидин *Инна Аллаху йаъмуру бил-‘адл вал иҳсан*¹³⁰ била амал қилиб, барча фақир мискидин хабардор эрди, нечукким юқорида андак шарҳ қилдук. Мақсуд бу сўздин бир неча фазилати турурким, соҳибқироннинг хоссаси эрди. Ва ҳазрат соҳибқироннинг тўққузунчи атоси Туманохон эрди, Бузинжар наслидинким, қиёт қавмидин эрдиким, Қиёт Турк ибн Йофаснинг ўгли эрди. Ва Йофас Нуҳ алайҳиссаломнинг ўгли эрди.

Аммо соҳибқироннинг атоси амир Тарағай эрди ва анинг атоси амир Баргул. Аммо буларнинг шавкат ва салтанат била хушлари йўқ эрди. Мулку салтанатни уруғ-қиёшларига тобшуруб, ўзлари дарвешлар ва сулаҳоларга мулозимат қилур эрдилар. Аммо подшоҳлик ва сурурлуқ ва ҳазратнинг аслида ёр экон жиҳатидин йигирми беш ёшида ҳиммат этагига элик уруб, тўққуз йил юруб, қўб ишлар қилиб, салтанат амрига машғул бўлди. Барча ишни йалғуз қилиб, гаҳи раъй ва тадбир била, гаҳи қилич зарби била иш қилур эрди. Ва мундоқ ишларким, ул қилди, ҳаргиз ҳеч киши қилмагондур, нечук китобда шарҳ қилиббиз. Ва ўтгуз беш ёшида салтанат тахтида ултурди ва мақоми аслини пойтахт қилди. Ва ўтгуз олти йил юруб, оламини мусаххар қилди. Чигатойхоннинг улусини ва Ҳулогухоннинг улусини ва ўзга улуг мамлакатларни мусаххар қилди, нечукким, шарҳ қилибтурбиз. Ва салтанат ва подшоҳликни андоқ қилдиким, андин артуқ

хаёл қилса бўлмас. Ва мундоқ салтанат ҳаргиз киши қилмагон турур. Анинг учунким, андин бурун ҳар подшоҳким оламини забт қилиб
318a турур, анинг учун ўзгалар бориб иш қилгон турурлар. Ва баъзи / вилоятларга бормай биров-нима била сулҳ қилиб турурлар ва анинг била рози бўлгондурлар, нечукким тарихлари маълум турур. Аммо бу соҳибқирон ҳар ерким, йақин ва йироқ эрди, ул сори мутаважжиҳ бўлуб, андаги подшоҳни андин кутариб, ўғлонларидин бировни анда қўйиб кетти. Ва ўзга подшоҳлардек оз нима билан қоний бўлмади.

Ва йана соҳибқироннинг иши бу эрдиким, агарчи қурултой қилиб, беклари била ва шаҳзодалар била мамлакат иши учун кенгаш қилур эрди. Аммо ул кенгаш била амал қилмай, ҳар неким ўзи маслаҳат кўрса эрди ё кўнглида тушса эрди, анинг била амал қилур эрди¹³¹. Ва ул тадбир давлати била мувофиқ тушуб, хогири тилагондек бўлур эрди. Ва нечукким кенгашда ўзи хаёл қилгон иш била ишлар эрди. Ҳар ердаким, борур эрди, ўзи илгари юруб иш қилур эрди ва ўзгаларга буюрмас эрди.

Бу соҳибқироннинг майли иморат била ва хайру эҳсон била асру кўб эрди. Ва андин кўб иморатлар ва масжиду хонақоҳ ва роботу кўфрук ва ғайруҳу оламда бисёр қолиб турур: Эроғу Туронда ва борур-келур кишилар ва мусофирлар ва андин қайда ҳар қайда тобарлар.

Ва йана ҳазрат Ҳаққнинг иноятларидин улдурурким, соҳибқирон саодатмандқа Ҳаққ субҳонаху ва таоло ўғлонлар каромат қилиб эрдиким, умид кўзи аларнинг жамолидин йаруқ эрди. Ва бу ўғлонлар ва набиралар ўттуз олти киши эрди.

Бу тафсил била Жаҳонгир мирзо наслидин ўн бир ўғул эрдиким, барча соҳибқирон замонида эрдилар.

Мирзо Муҳаммад Султондин уч ўғул: Муҳаммад Жаҳонгир тўққуз ёшида эрди; Саъд Ваққос олти ёшида эрди; Йаҳё беш ёшида эрди; ва амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир йигирми еттида эрди. Андин етти ўғул қолди, барчадин улуг Қайду эрди, тўққуз ёшида, Халид (етти
318b ёшда) эрди; Бузанжир, / Саъд Ваққос, Санжар, Қайсар, Жаҳонгир.

Ва шаҳзода Умаршайхдин гўққуз ўғул ва набира эрди; Пир Муҳаммад йигирми олтисида эрди; бир ўғли Умаршайх етти ёшида эрди; ва Рустам ибн Умаршайх йигирми тўрт ёшида; икки ўғли — Усмон олтисида эрди ва Султон Али бир ёшида; ва Искандар ибн Умаршайх йигирми бир ёшида, Аҳмад ўн саккиз ёшида, Сайди Аҳмад — ўн беш ёшида, Бойқаро — ўн икки ёшида.

Ва шаҳзода Мироншоҳ ўттуз етти ёшида борди, етти ўғул ва набира андин қолди: Або Бакр — йигирми учда, икки ўғул била; Алангир — тўққуз ёшида, Усмон Чалабий — ўн тўрт ёшида; Умар ибн Мироншоҳ — йигирми иккида; ва Халил Султон — йигирми бир ёшида; ва Ийжал — ўн ёшида; Суйурғатмиш — олти ёшида.

Ва йана шаҳзодаи олий Мирзо Шоҳрух — йигирми саккизда, етти ўғул била: Улугбек ва Иброҳим Султон — иккаласи ўн бир ёшида; Бойсунғур — саккиз ёшида; Суйурғатмиш — олти ёшида; Муҳаммад Жўки — уч ёшида; Жон ўғлон — икки ёшида; Йарди — бир ёшида.

Соҳибқирон наслидин бу ўттуз олти подшоҳ ва подшоҳзода эрдиларким, ул ҳазратнинг ҳаётида булар бор эрдилар.

Ва қизлари ўн етти эрди. Ва соҳибқирондин бир қиз эрди оти Султонбахт бегим; ва Умаршайх мирзодин уч қиз эрди; ва амирзода Муҳаммад Султондин уч қиз ва шаҳзода Мироншоҳдин тўрт қиз ва шаҳзода Шоҳрухдин бир қиз ва амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирдин уч қиз ва амирзода Або Бакрдин бир қиз ва Халил Султондин бир қиз ва амирзода Султон Хусайним, соҳибқироннинг (қизининг)

қизидан эрди ва Муҳаммадбек ибн Мусанинг ўгли эрди, ул маҳалда йигирми беш ёшда эрди.

319a Доъийайи азалда тақдир мундоқ бўлгон эрмишким, бу давлат ва саодат ва салтанат шаҳзода Шохрухда бўлғай. Соҳибқирондин (сўнг) ул подшоҳ бўлуб, баса ишлар қилди/ ва анинг воқийоти ва ҳолоти ўзга мақолада баён бўлгуси турур. *Валлоҳу аълам биссавоб.*

Хотима бир неча байтким биланким, ҳазрат соҳибқироннинг олий давлатидин воқийъ бўлди.

Тилинг тортғил, эй котиб, ва бул хамуш,
Неча қисса ўқуб қилурсен хуруш.

Демаким, жаҳондин бўлубтур ниҳон,
Темур ул шаҳаншоҳи соҳибқирон.

Ки то бўлгусидур фалак ичра меҳр,
Жаҳон ичра будур гардунспеҳр.

Дегайлар анинг қиссасин ошикор,
Бари аҳли дониш ба лайлу наҳор,

Чу ул кетти, поянда бўлсун мудом,
Бу хоқони диндори олиймақом.

Шаҳаншоҳи динпарвару додгар,
Адлидин берди даври хабар.

Шаҳаншоҳи Эрону Туронзамин,
Анга шоҳлар бандаи камтарин.

Бу олам анинг ҳимматида жави,
Юзидин маҳу меҳр бир партави.

Анинг қасрига бу фалак поя,
Фаридун анга бир фурумоя.

Анинг адлидин оламе шодмон,
Жафоу ситам тигидиндур ниҳон.

Анинг даврида бўлди кам дарду ғам,
Эшитмас киши эмди номи ситам.

Илоҳо, ки то бўлгусидур жаҳон,
Фалак узра хуршид бўлғай аён.

Паноҳингда тутғил сен эй кирдикор,
Ким асру эрур шоҳи никушиғор.

Бу хонким, эрур шоҳи оламтабор,
Ўзидек уғуллари ҳам номдор.

Эрур ҳар бири сарви боғи биҳишт,
Атодек бари пок ва никусиришт.


Жавонбахт ва диндор ва покэйтиқод,
Бари пок ва покиза ва покзод.

Бу шаҳзодаларни сен, эй кирдикор,
Йамон кўздин асрағил, эй Бирубор.

(Омийн ё Роббул оламмийн!)

ИЗОҲЛАР

.



1. Китобнинг сарварагида у номланмаган ва сарлавҳа ҳам қўйилмаган. Бундан буён қавс ичида сўзлар биз томонимиздан келтирилади.
2. Қуръон. Ра'д сураси, 2-оят.
3. Матннинг шу ери ўта пикист бўлиб, Қуръоннинг шундай бошланган оятини ўқиш насиб бўлмади.
4. Рустам — Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги афсонавий қаҳрамон.
5. Ҳотам — саховати ва сахийлиги билан донг таратган машҳур араб, у Арабистон ярим-оролининг шимолидаги Той қабиласидан бўлгани учун Ҳотам Той дейилган. Сахийлиги шу даражада бўлганки, меҳмон учун охириги туясини сўйган.
6. Кўчкунчихон — Шайбонийлар сулоласидан учинчи хон, Бухорода 1510—1531 йиллар ҳукм сурган.
7. Асарда келтирилган шеърларнинг аксариятини Муҳаммад Али таржима ва қайта ишлаш жараёнида форсчадан таржима қилган. Баъзан қофияни сақлаш мақсадида мисраъларнинг кейинги ярмини таржимасиз қолдиради. Лекин у кўпинча мавзуга мослаштириб, муаллиф услубида асарга ўз шеърларини ҳам киритган. Ушбу шеър жумладан унинг ўзига мансуб.
8. Шарафуддин Али Яздий — «Зафарнома»нинг муаллифи, Шоҳрух саройида хизмат қилган ва асарни ҳижрий 828 мелодий 1424-25 йили тугатиб унга тақдим қилган (муфассалроқ кириш мақолага қаранг).
9. «Зафарнома»да соҳибқирон асосан «Амир Темур» деб аталган бўлса ҳам Муҳаммад Али унинг ўз даврида асли номи билан Темурбек деяпти.
10. Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий ҳақида унинг Кўчкунчихон саройида хизмат қилгани ва унинг буйруғи билан Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сини эски ўзбекчага ағдарганидан бошқа маълумот топилмади.
11. Қуръон. Ан-Нисо сураси, 59-оят.
12. Муҳаммад Алининг бу охириги сўзлари унинг феъли-атворини бироз ёритади ва унинг ўта камтар бўлганлигидан гувоҳлик беради.
13. Муҳаммад Али асарни ағдариш жараёнида Шарафуддин асаридаги мўғуллар ва Мовароуннаҳрнинг Амир Темургача тарихига алоқадор йирик Муқаддимани киритмаган.
14. Қуръон. Тоҳа сураси, 50-оят.
15. Пайгамбар ҳадисларини бундан буён изоҳсиз ва ҳаволасиз қолдирамайз. Темурбекнинг отаси амир Тарагай ҳақида деярли маълумот сақланмаган. У ҳақда фақат Мовароуннаҳрнинг йирик ва бадавлат бекларидин бўлса ҳам сиёсат ва ҳарб ишларига аралашмай, кўпроқ диндор мусулмон бўлганлиги маълум.
16. Қуръон. Оли Имрон сураси, 37-оят.
17. Қазон султон деб муаллиф бу ерда Чигатой улусида 1343—1346 йиллар ҳукм сурган Қазонхонни назарда тутади. Лекин Темурбекнинг туғилиш тарихи қўйида кўрсатилишича, 25-шаббон 736 ҳижрий йили бўлиб, бу мелодий 1336 йил 8 апрелга мос келади ва мазкур хон давридан анча илгаридир. Аммо бу тарих 1334—1338 йиллар ҳукм сурган Чигатой хони Бузонхон даврига тўғри келади. Афтидан, Шарафуддинни иккала хон исмининг ёзилишида ўхшашлиги чалкаштирган кўринади.
18. Каш — ҳозирги Шаҳрисабз. Бу ерда муаллиф шаҳар номини «дилкаш» сўзи билан қофияда мослаштириб шу кўринишда келтирган. Лекин муаллиф қўйида шаҳар номини асосан Кеш шаклида ёзди. Шарафуддин ўз асарида Амир Темур тугилган жойни кўрсатишда «Каш вилоятида» дейиш билан чегараланиб, у тугилган шаҳар ё қишлоқни эслатмайди. Бироқ Амирнинг сиёсий душмани Ибн Арабшоҳ унинг тугилган жойи деб Хожя Илгор қишлоғини кўрсатган (қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. Тошкент — «Меҳнат», 1-китоб, 1992, 68-бет).
19. Такина Хотун — Амир Темурнинг онаси. Амир Тарагайнинг бундан бошқа тагин бир хотини, Қодоқ Хотун бўлганлиги маълум. Бу ҳақда қўйида 116а-бетга қаранг.
20. Қуръон. Аз-Зухруф сураси, 52-оят.
21. Қуръон. Аш-Шуро сураси, 5-оят.
22. Қочули Баҳодур — Амир Темурнинг аждоди.
23. Туманайхон — Чингиз аждодларидан бири.
24. Ватад — астрология тушунчаси, том маъноси қозиқ демакдир. Эклиптиканинг осмон

меридиани ва уфқ доираси билан кесишган тўрт нуқтасини ватадлар дейилган. Демак, ватадлар тўртга бўлган. Эклиптика чиқувчи даражасининг уфқ доираси билан кесишган нуқтасини биринчи ватад дейилган. Одатда тўртинчи ватад унинг астрологик уйга (Мухаммад Али уни ўғузчасига эв деган) тўғри келган (қаранг: Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, V ж., Биринчи китоб, Қонуни Масъудий, 1-5-мақолалар. Тошкент, «Фан», 358-бет).

25. Бу ерда шеърый тарзда Амир Темурнинг болалик йилларидаги ҳаёти ва феълӣ-атвори ҳақида айтилганлар соҳибқироннинг ўз «Таржимаи ҳоли»да баён қилганига зид келмайди (қаранг: Амир Темур Гурагон. Зафар йўли (Таржимаи ҳол). Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмад). Тошкент, «Фан», 1972, 31-бет.
26. Қуръон. Ал-Анъом сураси, 83-оят.
27. Қуръон. Бақара сураси, 251-оят.
28. Фаридун ва Исфандиёр — Фирдавсий «Шоҳнома»даги қаҳрамонлар.
29. Абу-н-Наср Шохрух Баҳодурхон (1377—1447) — Амир Темурнинг кенжа ўғли ва вориси, 1407 йилдан то умрининг охиригача 40 йил давомида Темурийлар мулкнинг ягона ҳокими бўлди. Шарафуддин «Зафарнома»ни ҳижрий 829 (мелодий 1424-25) йили тугатиб, унга тақдим қилган.
30. Қуръон. Ал-Қалам сураси, 1-оят.
31. Абул Фатҳ Иброҳим Султон — Шохрухнинг иккинчи ўғли, Улутбек билан бир йили — 1394 йил 14 августидан — тутилган.
32. Йаздон — Ислондан аввал пахлавий форс тилида худонинг номи. Лекин Ислондан сўнг форслар Аллоҳни ҳам шу ном билан атайдилар.
33. «Икки Иброҳим» деб Иброҳим пайгамбар ва Иброҳим Султон назарда тутилаётир.
34. Аҳмад — Мухаммад пайгамбар.
35. Қазагонбек — амир Қазагон — чигатой амирларидан, у биринчи бўлиб, 1346 йили чигатой хонларидан Мовароуннаҳрда ҳокимиятни тортиб олган.
36. Йасур Уғлон — Чигатой авлодларидан.
Юқоридан айтганимиздек (7-изоҳга қаранг), Шарафуддин янглишликка йўл қўйиб, Бўзонхон (1334—1338) билан Қазонхонни (1343—1346) адаштиранти.
37. Чигатой — Чингизхоннинг иккинчи ўғли ва бунинг улимидан аввал 1227 йили қилган васиятига кўра Чигатойга улус сифатида бутун Марказий Осиё Шарқий Туркистонгача ва ҳозирги Афғонистон ерлари теккан. У 1227—1241 йиллар хонлик қилган.
38. Соли Сарой — Амурдарё бўйида Термиздан юқорироқдаги шаҳарча. Мўғулларнинг Мовароуннаҳрдаги қароргоҳларидан бири бўлган. У 1220/21 йил қишини Чингизхон шу ерда ўтказгани натижасида юзага келган (қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. — Сочинения, т. I, М.: 1963, с. 495). Ҳозир Сурхондарё вилоятида Сарой деган қишлоқ.
39. Дори Занги — Сурхон воҳасига шимолдан туташган қумлоқ ҷўллар.
40. Қарши — чигатой хони Кўппакхон (1309, 1318—1326) томонидан Қашқадарё воҳасида қадимги Нахшаб (Насаф)дан 2,5 фарсах (тахм. 15 км) масофада барпо қилган қаср (қарши — мўғулчада «қаср» демакдир) атрофида шаклланган шаҳар (қаранг: Бартольд В. В. — мазкур асар, 190-191-бетлар). Кейинчалик Нахшаб вайрон бўлганидан сўнг воҳанинг бош шаҳри бўлиб қолди. Ҳозир Қашқадарё вилоятининг маъмурий маркази.
41. Мовароуннаҳр — Марказий Осиёнинг Амударёдан шарқдаги ерларга араблар томонидан берилган ном (Мовароуннаҳр — арабчада «дарёнинг нарёги» демакдир). Араблар берган ном эса қадимги юнонча Трансоксания («Окс» — «Амударё орқасидаги ерлар» демак) сўзининг эркин таржимаси ва бу юнонча ном эса қадимги Хоразм турклари тилидаги «Арияқ», яъни «нариёқ» сўзининг таржимаси деб ҳисобланади.
42. Туркистон деб бу ерда Сирдарёдан Қашқаргача ерлар назарда тутилади.
43. Бу ерда Шарафуддин Бўзон билан Қазон орасидаги Эсон Темур ва Мухаммад хонларнинг подшоҳлик йилларини эътиборга олмапти. Бу ҳолда Бўзонхон тахтта ўтирган йил 1334 дан то Қазонхон ўлдирилган 1347 йилгача ҳижрий 14 йил ўтган бўлади (7, 26-изоҳларга қаранг).
44. Донишмандча Уғлон — амир Қазагон томонидан Чигатойлар тахтига ўтказилган қўғирчоқ хон. У аслида Чигатой наслидан бўлмай Чингизхоннинг учинчи ўғли Укдайхон наслидан; 1346—1348 йиллар ҳукм сурган.
45. Байнқули ўғлон — Чигатой улусидаги 26-нчи мўғул хони, у фақат Мовароуннаҳрда хон эди ва унинг ҳукми Сирдарёдан шарқдаги ерларга ўтмас эди. У ерларда Чигатойларнинг бошқа уруғи ҳукм сурарди. У Чигатой авлодларидан бўлиши Сўюрғатмишнинг ўғли эрди.
46. Арханг — ўрта асрларда Амударёнинг юқори оқими ҳозирги Шерхон яқинидаги кечик.
47. Сарой — Соли Сарой (28-изоҳга қаранг).
48. Хуросон географик тушунчаси турли даврларда ўзгариб турган. Илк ўрта асрларда Хуросон (қадимги форсчада — «шарқий ер» демакдир) таркибига Эроннинг Кошон шаҳридан шарқ ва шимоли-шарқдаги ерлар, Туркманистоннинг Даргон ота параллелигача қисми, Шимоли-ғарбий Афғонистон ерлари кирган. X асрда Сомонийлар давлатини Хуросон давлати дейилган. Ҳолбуки, бу давлат таркибига ҳозирги Эрон ва Афғонис-

- тон ерлари ва деярли бутун Мовароуннаҳр кирган. Темур даврида бу тушунча билан асосан ҳозирги Эроннинг шу номли остони ва Афғонистоннинг шимоли-шарқини қамралган.
49. Абу Саъидхон — Эронда Ҳулоғу авлодларидан мўғул хони, 1317—1335 йиллар ҳукм сурган ва мусулмон бўлган. Шарафуддин сўзларига зид улароқ Эронда Абу Саъиддан кейин ҳам то 1353 йилгача бир неча мўғул хони ҳукм сурган (қаранг: Босворт К. Э. Мусулманские династии. М.: «Наука», 1971, с. 200). Бундан кейин Эрон Жалойрийлар, Музаффарийлар ва Куртлар сулоалари ҳамда сарбадорлар уртасида тақсимлаб олинган.
 50. Хоразмшоҳ Жалолиддин Манкбурнинг мўғуллар билан 1220—1231 йиллар ўн бир йил қаҳрамонона кураши натижасида мўғуллар Эронни забт этишга муяссар бўлмаган эдилар. Мўғуллар фақат Эроннинг шарқи, жумладан Ҳирот вилоятилик ва ҳозирги Афғонистон ерларини босиб олган эдилар ва бу ерлар кейинчалик Чигатой улусига қўшилган эди. Асли Афғонистон марказидаги Ғур ўлкасидан бўлган Шамсуддин Муҳаммад Курт 1244 йили Ҳиротни ўз мулкига қўшиб олиб, мўғул хони Мунке (1251—1259) даврида пойтахтини шу шаҳарга қўчиради. Ва шундан то Амир Темур давригача Ҳиротни келиб чиқиши туркий бўлган Куртлар сулоласи бошқаради. Бу ерда Шарафуддин Али Яъзий эслатган Муъизуддин Ҳусайн (1331—1370) шу сулоланинг энг қудратли ҳокимларидан эди (қаранг: Бартольд В. В. Историко-географический обзор Ирана. — Сочинения, т. УП, М.: «Наука», 1971, с. 75-77).
 51. Сабзавор — Хуросоннинг шимолида Машҳаддан 300 км гарбда жойлашган шаҳар, Байҳақ ноҳиясига киради.
XIV асрнинг 30-йилларида бу шаҳарда шиа мазҳабидаги фидойиларнинг ҳаракати юзага келади. Улар шу қадар мутаасиб диндорлар эдики, ҳатто бошларини дорга беришга тайёр эдилар, ва шунинг учун «сарбадор» (яъни «бошни дорга», Шарафуддинда бузиб «сарбадол» дейилган) деб атаганлар. Улар 1337—1381 йиллар Сабзавор ва унинг атрофида сарбадорлар давлати ва сулоласига асос солиб, ҳукм сурдилар. Шайх Ҳасан Жувайний ва Важихуддин Масъуд — сарбадорларнинг сардорлари. Бироз сўнг Хуросон сарбадорлари таъсири остида Самарқандда ҳар сарбадорлар ҳаракати юзага келади.
 52. Андхуд (ҳозирги Андхўй) ва Шибиргон — Хуросоннинг шимоли-гарбидаги қадимги шаҳарлар; Чигатой улусига қарам бўлган. Ҳозир улар Афғонистоннинг шимоли-гарбида.
 53. «Зафарнома»нинг форсча нусхасида Пойи Мурғондан Қўҳдистонгача девор қурилгани ҳақида айтилган (қаранг: Шарафуддин Али Яъзий Зафарнома. Танқидий матн. (Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Уринбоевники. Тошкент, «Фан», 1972, 93а-варақ).
- Қўҳдистон — Ҳиротдан шимоли-шарқдаги тоғлар.
54. Адув — арабча «душман» демакдир.
 55. Боштон дараси — Ҳиротдан шимоли-шарқда Карух яқинидаги дара.
 56. Яъни қувладилар.
 57. Малик Бақир — Куртлар сулоласининг вакили, Малик Ҳусайннинг укаси.
 58. Муаллиф бу ерда «Ғурийлар» деб Куртлар сулоласининг келиб чиқиши жойи Ғурга нисбат бераёпти (50-изоҳга қаранг).
 60. Бодғис — Мурғоб ва Ҳарируд (Тажан) дарёлари оралигидаги водий ўлка.
 61. Бу ерда ва бундан буён «бир бўлак киши» иборасини «бир гуруҳ одам» ва «қалин эл» иборасини «кўп одам» деб тушунмоқ керак.
 62. Ашқалча — Ҳирот яқинидаги қалъа.
 63. Яъни қамади.
 64. Қаронур — Сурхон воҳасидаги бир мавзё.
 65. Мунк — Хутталон вилоятида Кичик Сурхоб дарёси бўйидаги ўрта асрлардаги йирик шаҳар. Ҳозир унинг ўрнида Балжувон (Тожикистонда) шаҳри жойлашган.
 66. Қуръон. Ан-Нисо сураси, 87-оят.
 67. «Каминда эдиким» — яъни «пистирмада эди».
 68. Қундуз — Афғонистоннинг шимолида шу номлик дарёнинг ўнг соҳилидаги шаҳар.
 69. Темуршоҳ Ўғлон — Мовароуннаҳрда Чигатой сулоласидан 27-нчи хон, 1359—1361 йиллар ҳукм сурган. Оврупа манбаъларида у Шоҳ Темур номи билан юритилади. Йасун Темурхон — Чигатой улусида 22-нчи хон.
 70. Шайх Сайфуддин Бохарий — Исломда тасаввуф оқимининг энг йирик намояндalarидан, асли Ҳирот яқинидаги Бохарз қишлоғидан бўлган. Туғилган йили аниқ маълум эмас, лекин XII асрнинг охириги чорагига тўғри келади. Ҳаётини асосий қисмини Мовароуннаҳрда ва кўпроқ Бухорода ўтказган, шаҳардаги Хония мадрасасининг мудариси ва мугаваллийси бўлган, 1261 йил 20 октябрида вафот этган ва Бухорода қўмилган. Мазори ва хонақоси ҳозирги кунгача сақланган.
 71. Туркларнинг сулдуз уруғи Марказий Осиёга мўғуллар билан келиб, Термиздан шарқроқда Амударёнинг икки соҳили бўйлаб урнашиб кўчиб юрган ва узбекларнинг таркибига кирган.
Баён Сулдузбек шу уруғнинг энг йирик амири.

72. Ҳожи Барлос ибн Нуралқи ибн Намула ибн Йасу Мунка ибн Қорачар Нуён — Амир Темурнинг қариндоши ва барлослар уруғининг энг йирик амири.
73. Бақлон — матнда шундай, лекин қўйида асосан Боғлон шаклида келади; қадимги Тоҳаристон жанубидаги шаҳар, ҳозир Афғонистоннинг шимолида Пули Хумридан Хонободга олиб борадиган йўлда жойлашган.
74. Андароб — Боғлондан жануби-шарқда уч кунлик масофада Ҳиндукуш тоғининг асосий чўққисига яқин водийда жойлашган ўрта асрлардаги шаҳар, ҳозир сақланмаган.
75. Боязид Жалойир — Хужанд жалойирларининг бош беги — амир. Жалойирлар асли келиб чиқиши бўйича мўғул бўлиб, баён этилаётган вақтда келиб улар тўла турклашган мусулмонлар эди. Жалойирларнинг яна бир йирик қисми амир Темур даврида Ироқда бўлиб, у ерда мамлакат ва ҳокимият уларнинг қўлида бўлган.
76. Ҳусайн ибн Мусалло ибн Қазаганбек, машҳур амир Ҳусайн — Амир Темурнинг қайноғаси ва Мовароуннаҳрда ҳокимият учун курашда асосий рақиб: у амир Қазаганнинг набираси эрди. Амир Ҳусайннинг отаси амир Мусалло Қазаганнинг катта ўғли эди. У бу воқеалардан бир неча йил аввал ўман эди.
Амир Ҳусайн Қазаган ва Абдуллоҳлар тирикчилигида Афғонистон ва Амударё бўйларидаги ерларда ҳокимлик қиларди. У шахслар ўлганидан сўнг Мовароуннаҳр тахтига давъовар эди.
77. Ўлжай Буга Сулдуз — сулдузлар уруғининг иккинчи йирик амири.
78. Шибиргон — Афғонистоннинг шимолида Жузжон вилоятидаги қадимги ва ҳозирги шаҳар; асосий аҳолиси ўзбеклар. Шаҳар Эроннинг Сосонийлар сулоласидан шаҳаншоҳи Шопур I (241—272) томонидан қалъа сифатида барпо қилинган ва унинг номи билан Шопуракан («Шопурнинг шаҳри») деб аталган, кейинчалик бу ном ҳозирги шаклини олган.
79. Наймонлар — аввалига мўғул қабилаларидан бири ва уларнинг аксариятини Чингизхон 1218 йилиёқ қириб юборган эди. Қолганлари Чингизхон юришларида иштирок этиб, кейинчалик турли туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар ва қорақалпоқлар таркибига кирди. Уларнинг ўзбеклар таркибига киргани асосан Шимолий Хуросон ва Амударё бўйларида тарқалган эди. Апардийлар — наймонларнинг бир уруғи ва Муҳаммад Хожа Апардий уларнинг йирик амирларидан эди.
Шарафуддин Али ва Муҳаммад Али асарининг бу бўлимида Амир Темур сийёсат саҳнасига чиқиши арафасида Мовароуннаҳр ва қўшни ерлар феодал тарқоқликда эканлигини ва бундан аҳоли-раъият азият чекаётганлигини кўрсатишди.
80. Бадахшон — Марказий Осиёдаги тоғли ўлка бўлиб, Панж дарёси уни иккига бўлган. Унинг кичикроқ қисми дарёдан шимолда жойлашган бўлиб, у ҳозирги Тожикистон таркибидаги Тоғли-Бадахшон автоном вилоятдан иборат. Ўлканинг йирик қисми Панждан жанубда ҳозирги Афғонистон таркибида; бунинг маркази Файзобод ўрта асрларда бутун Бадахшоннинг маркази ҳисобланган ва ўлканинг номи билан аталган. Бадахшондаги унча-мунча йирик музофот ёки қишлоқларнинг ҳокимлари ҳам ўрта асрларда ўзларини мустақил ҳис қилиб, «шоҳ» деб ҳисоблардилар.
81. Хутталон — Вахш ва Панж дарёлари оралигидаги тарихий ўлка, энг йирик шаҳри Мунк бўлган (65-изоҳга қаранг). Лекин Хутталон амирининг қароргоҳи Хулбук шаҳрида бўлган. Бу шаҳар ўрнида ҳозир Қўлобдан жануброқдаги Хулбоғ қишлоғи жойлашган (қаранг: Бартольд В. В. Географический обзор Мавераннахра. — Сочинения, т. 3, с. 119)
Кайхусрав Хутталоний — Хутталондаги Чигатой амири. У аввалига Амир Темурнинг сафдоши, кейин эса душмани бўлди.
Ўлжайту Апардий — хуросонли амирлардан.
82. Ҳизр Йасурий — нуфузли Чигатой амирларидан, Самарқанд вилоятидаги йасурийлар уруғининг беги.
Самарқанд атрофидаги Сарбал ва Тотканд манзиллари ҳақида аниқ маълумот топилмади.
83. Қўхистон (ёки Қўхдистон) — Хуросонда Ҳиротдан жануби-ғарбдаги тоғли ўлка. Амир Темур юришларига қадар у ерлар Ҳирот Куртларига қарам эди. Маҳаллий бек Сатилмиш Малнк Муъизуддин Ҳусайнга қарши исён кўтариб, 1360 йиллар атрофида паноҳ излаб Самарқандга қочган эди. Лекин у пайтлар Мовароуннаҳрда унга мадад берадиган куч йўқ эди. Шунинг учун у Шимолий Хуросон беклари билан иттифоқ тузишга мажбур бўлган.
84. Яъни қаршисига чиқди.
85. Йабғу саҳроси — ҳозирги Туркманистоннинг жанубида Сарахс билан Тошкўпри оралигидаги саҳро.
86. Тўғлуқ Темур (1359—1370) — Чигатой улусининг 28-нчи мустақил хони.
87. Бу ерда муаллиф Дувахон деб, 1291—1306 йиллар ҳукм сурган хон Дувани эмас, балки 1326 йили қисқа муддат хонлик қилган Дува Темурни назарда тутди.
88. Жета вилояти — кенг маънода ғарбда Сирдарёдан шарқда Иртиш дарёси ва Лобнор кўлигача ерлар. Қўйида муаллиф бу ерларни Мўғлистон ҳам дейди. Аммо биринчи сўзнинг том маъноси ва келиб чиқиши маълум эмас. Баъзи Оврупа муаллифлари уни қадимги Шарқий Оврупада яшаган гета қабиласи номи билан боғлайди. В. В. Бартольд бу сўзни «қароқчи» деб таржима қилади ва уни Болқонларда тарқалган шу

- маънодаги туркча «чете» сўзи билан боғлайди (қаранг: Бартольд В. В. Улугбек и его время. — Сочинения, т. 2, ч. II. М.: «Наука», 1964, с. 36).
89. Тармаширин деб, бу ерда Чигатой улусидаги 19-нчи мўғул хони, Исломни қабул қилган Аловуддин Тармаширин (ҳиндча «дхармашила», яъни «қонунга амал қилувчи» иборасидан олинган) назарда тўтилади. У 1326—1334 йиллар ҳукм сурган ва у тахтга ўтирган йилидан то 1360 йилгача ҳақиқатан ҳам 33 йил ўтган бўлиб, бу йиллар Чигатой улусида муаллиф айтганидек саккизта хон эмас, тўққизта хон ҳукм сурди (қаранг: Босворт К. Э. Мусульманские династии, с. 197). Лекин муаллифимиз Бўзонхон билан Қазонхонни бир одам деб янглишгани учун хонлар сони саккизта бўлиб қолган.
 90. Хўжанд — Марказий Осиёдаги энг қадимги шаҳарлардан; ҳатто уни Искандар Зулқарнайн м.а. 328 йили сакларга қарши қалъа сифатида барпо қилган деб ҳисобланади.
Хўжанд сўйи деб бу ерда Сирдарёни айтиляпти. Қуйироқда дарё қадимги номи билан Сайхун деб ҳам аталади.
Чаноқ Булоқ мавзёи ҳақида маълумот сақланмаган.
 91. Тошканд саҳроси деб муаллиф бир тарафдан ҳозирги Бўка, Алимкент, Оққўргон ва иккинчи тарафдан Сирдарё орасидаги қумлоқ чулларни назарда тутган.
 92. Мўғулча ўмоқ сўзи қабила маъносини англатади. Бу ерда эслатилган уч қабиладан аввалги иккитаси — кераит ва арканут мўғуллар эди. Чингизхон 1203 йили шу кераитларни енгиб, бўйсундирганидан сўнг Шарқий Мўғулистоннинг ҳокими бўлган эди (қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. — Сочинения, т. I, М.: «Наука», 1963, с. 449). У икки қабила кейин турклашди.
Эслатилган қабилаларнинг учинчиси — қанқли (қангли)лар қадимдан ҳақиқий турк эди. Уларнинг амири Беккич Туглуқ Темурнинг асосий лашкарбошиси эди.
 93. Матннинг шу еридан англашилича, Амир Темурнинг отаси амир Тарағай 1360 йил бошида вафот этган экан.
 94. Амир соҳибқироннинг бу сўзларидан кўринадики, у йигирма тўрт ёшидаёқ сиёсий жиҳатдан анча ҳушёр, доно ва олдинни кўзловчи бўлган. Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик ва бошбошдоқлик ҳукм сурган бир пайтда мўғулларга нисбатан у тутган сиёсат бирдан-бир тўғри сиёсат бўлган. Акс ҳолда, агар Мовароуннаҳрнинг бирор амири Туглуқ Темурга қаршилиқ кўрсатишга уринганда мўғуллар бутун мамлакатни вайрон ва талон-тарож қилиши мумкин эди.
 95. Ҳожи Муҳаммадшоҳ Йасурий — Жета амири. Матннинг шу еридан кўринадики, йасурий уругининг бир қисми Самарқанд атрофида тарқалган бўлса (82-изоҳга қаранг), бошқа қисми Жета тарафида бўлган. Бундан яна шу нарса кўринадики «мўғул» деб аталган Жета аҳолиси этник жиҳатдан Мовароуннаҳр аҳолисидан деярли фарқ қилмаган.
 96. Қорачарбек ёки Қорачар нуён — Амир Темурнинг аждодларидан ўзидан олдинги олтинчиси (72-изоҳга қаранг).
 97. «Киши-қароси» иборасини «қариндош-уруғи ва хизматкорлари» деб тушунмоқ керак.
 98. Бу ва қуйида келтирилган маълумотлардан кўринадики, амир Ҳусайн Қазаганбекдан кейин Мовароуннаҳрда ҳоким бўлмаган ва фақат Кобулда ҳоким бўлган ва Мовароуннаҳрда мавзёини ўрнатиш учун Амир Темурнинг ёрдамига таянган.
 99. Исфандиёр — Фирдавсий «Шоҳнома»сининг қаҳрамонларидан бири.
 100. Дарбанди Оҳанин, Дари Оҳанин, Темир Қапуғ ва Қаҳлага — Сурхон воҳасида Термиздан шарқда уч кунлик масофадаги дара (қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия с. 192). Ҳозир у ерда Дарбанд шаҳри жойлашган.
 101. Ҳисори Шодмон — ҳозирги Ҳисор.
 102. Кашм — Амударёдан жанубда Кундуз ва Файзобод орасидаги йўлнинг деярли ярмида жойлашган шаҳарча.
 103. Улуғ Майдон — Кешдан жанубдаги чул.
 104. Маъноси «Меҳмонга саховат қилинг» демакдир.
 105. Уқба — доvon. Кеш уқбаси — Самарқанд ва Шаҳрисабз оралигидаги тоғ доvonи.
 106. Шайх Али Жаржарий — Термиз бекларидин бири. Амир Темур фаолиятининг бошланишида рақиб бўлган.
 107. Ангор мавзёи — ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани.
 108. Эски Термиз деб мўғул истилосигача бўлган Термизни айтиляпти; у ҳозирги Термиздан бироз ғарбда Амударё бўйида бўлган. Ҳозир унинг харобалари Ҳаким Термизий мақбараси яқинида.
 109. «Ясоққа етқариш» — Чингизхондан қолган одат бўйича ўлимга ҳукм қилиш демакдир. Лекин айрим ҳолларда таёқ уриш билан ҳам чекланилган.
 110. Биз юқоридан биламизки (51-изоҳга қаранг), Сабзавор Хуросоннинг анча ғарбдаги шаҳри бўлиб, у Ҳиротга нисбатан Астробод ва Жўржонга анча яқин. Тахмин қилиш мумкинки, Хуроса кенти ва Жувайин булуки ундан ҳам ғарброқда деб, чунки Ҳожи Барлос хондан қочаётиб, Сабзаворда тўхтамаган ва ундан ҳам ўтган. Демак, матннинг шу еридан кўринадики, Темур давлати қарор тошғунига қадар ҳам Хуросоннинг деярли кўп қисми чигатойлар учун мулк бўлмаса ҳам бемалол юрадиган жой бўлган, яъни қандайдир даражада улар тасарруфида бўлган.
 111. Матннинг «Бу чоққача ул кент аларга тааллуқ турур» жумласига тенгкучли фикр ё

- гапни «Зафарнома»нинг форсча матнида учратмадик. (қаранг: «Зафарнома», танқидий матн, 996 varaқ). Демак, бу жумла Муҳаммад Алига тегишли. Бундан кўринадики, у асарнинг ўзбекча нусхасини тайёрлаётган пайтда, яъни 1510—1529 йиллар оралигида Сабзаворнинг Хаворис кентига Ҳожи Барлос авлоди, яъни ўзбекий қавм ҳукм сурган. Агар у даврда бу ерлар Эроннинг Сафавий шоҳларига қарам бўлганлигини эътиборга олсак, Муҳаммад Али қўшни мамлакатдаги вазиятдан ҳам анча хабардор бўлганлигининг гувоҳи буламиз.
112. Туглуқ Темурхон Мовароуннаҳрга иккинчи келишида, 1361 йил баҳорида амир Ҳусайини таъқиб қилиб, Ҳиндукуш тоғларидаги Ховақ довоғига бориб, Андароб атрофида тўхтаб, ёни шу ерда ўтказган.
113. «Мамлакат забтини анга берди» иборасини «мамлакатни забт этишни Амир Темурга буюрди» деб тушунилмаслиги, балки мамлакатнинг ҳарбий бошқарилишини, яъни Амирлигини хон унга берди деб тушуниш керак. Энди йигирма беш ёшга тулган Ёш Амир учун бу улкан шараф эди. Агар Туглуқ Темурхон 1360 йил бошида, яъни ҳали Темурбек 24 ёшга тулмаганида, Мовароуннаҳрга келганида ҳам унга илтифот билдирганини эътиборга олсак, ҳақиқатан ҳам Амир соҳибқирон шу қадар ёш йилларидан бутун Чигатоё улусида ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий жиҳатдан деярли биринчи шахс бўлиб етишгани ва кўзга кўринганини тан олишимиз керак бўлади.
114. Қуръон. Фатҳ сураси, 23-оят.
115. Қуръон. Оли Имрон сураси, 26-оят.
116. Қуръон. Уша оят давоми.
117. Қуръоннинг «Юсуф» сурасида айтилишича, акалари Юсуф алайҳиссаломни қудуққа ташлаганлар. У ердан уни Мисрга кетаётган савдогарлар чиқариб олган. Пировардида Юсуф Мисрда юксак сарой лавозимига эришган.
118. Қуръон. Қалам сураси, 50-оят.
119. Қуръон. Фатҳ сураси, 1-оят.
120. Қуръон. Фатҳ сураси, 3 оят.
121. Бу жумлалардан эл-улусга, халққа жабру зулм қилиш ёмонлигини аждолларимиз Маркс ва Лениндан бир неча аср илгари билганликларидан далолат беради.
112. Хевақ — Хева шахрининг асл номи.
123. Пойоб — Ҳазорасп тарафида Амударёга яқин бир қишлоқ.
124. Матннинг шу ери шикаст бўлгани учун бу оятни аниқ ўқиб бўлмади.
125. Қуръон. Анбийе сураси 35-оят ва Анкабут сурасининг 57-оят.
126. Тагай Буга Барлос ва Сайфуддин Никударий — Амир Темур фаолиятининг илк даврида сафдошлари, сўнг лашкарбошлари.
127. Яъни камалак билан отиб йиқитдилар.
128. Дилшод ого — амир Ҳусайннинг хотинларидан бири, матндан кўринишича, бу юришга у фақат шу хотини билан чиққан. Кейинчалик амир Ҳусайн ўлдирилганидан сўнг Амир Темур бу хотинни ўз лашкарбошиларида бирига олиб беради.
129. Камалак ўқининг башоққа ўхшаш охири уни отаётганда бармоқ билан ушлаб турилгандаги ҳолатини муаллиф гуё ўқ башоқи бармоқни ушлаётганига ўхшатаётир.
130. Йаағи — эски ўзбекчада душман демакдир. Ушбу сўздаги алифни биз бундан буён иккита «а» билан берамиз, чунки у пайтда алиф чўзиқ «а» шаклида талаффуз этилган бўлиб, ҳозир «о»га айланган.
131. Яъни: Қуёш, Ой, Зухра, Миррих, Уторид, Муштарий ва Зуҳал. Катта Айиқ юлдуз туркумининг кўринувчи юлдузлари («Чумич») ҳам еттита.
132. Ўлжай Туркон ого — амир Қазаганинг набираси ва Ҳусайнбекнинг синглиси бўлиб, Амир Темурнинг иккинчи хотини ва Жаҳонгир мирзонинг онаси эди. Амирнинг биринчи хотини Турмиш ого Жақу Барлоснинг қизи бўлиб, Умаршайхнинг онаси эди (қаранг: Амир Темур, Таржимаи ҳол. 39-бет).
133. Асарнинг форсча матнида шу ерда «турклар» эмас «туркманлар» (туркимонон) дейилган. Аслида тўғриси шундай бўлиши керак.
134. Ҳожи Муҳаммад туркманнинг номи асарнинг юқори қисмида эслатилмаган бўлса ҳам, у Амир соҳибқиронни аввалдан билган ва уни қаттиқ ҳурмат қилган кўринади.
135. Гажирчи ибораси мўғулча бўлиб, аниқ маъноси йўл бошловчидир. Лекин бу иборанинг асарда тааммул этилишига кўра, гажирчи баҳодурнинг қуролини элтувчи, хизматкори ва урушда эгаси билан бирга урушиб, уни ҳимоя қилувчи вазифасини ҳам бажарган.
136. Маҳмудий — Қорақум саҳросининг шарқидаги бир мавзё.
137. Мохон — Хуросон шимолидаги шаҳарча, ҳозирги Мари ўрнида бўлган (қаранг: Бартольд В. В. Улугбек и его время. — Сочинения, т. II, ч. 2, с. 41).
138. Тус — ҳозирги Мащқаддан 25 км шимолда Кашафруд дарёси бўйида жойлашган қадимги шаҳар; 809 йили машҳур халифа Ҳорун ар-Рашид шу ерда ўлган ва кўмилган. У Чингизхоннинг ўғли Тулуй томонидан вайрон қилиниб яна тикланган. Баён этилаётган воқеалардан бироз аввал Алибек ва Муҳаммадбекнинг отаси Аргуншоҳ Тусни марказ қилиб, бир мулкка асос солган эди. Алибекнинг Амир соҳибқиронга қилган хонлиги эвазига бу мулк йўқ қилинган (қаранг: Бартольд В. В., Историко-географический обзор Ирана. — Сочинения, т. VII, с. 114—115).

139. Ғарбол — ғалвир демақдир.
140. Муборақшоҳ Санжарий — туркманларнинг санжарий уругининг беги; Амир соҳибқироннинг эгаменлигини тан олиб, унга бўйсунган ва натижада катта мансабларга эришган.
141. Муаллиф бу ерда Гармсири Хирманд деб Сеистонда Ҳирманд, яъни Ҳилманд дарёсининг қуйи оқимидаги Гармсирни айтаяпти. Яна бир Гармсир Қоратегин тарафида бўлган.
142. Ҳазора ва никударийлар аслида мўғул қабилалари бўлиб, Амир Темур давридан анча аввал турклашган эдилар.
143. Ҳузур—Қашқадарё воҳасидаги қадимги шаҳар, ҳозирги ноҳия маркази Ғузур.
144. Оқуй мавзёи ҳақида маълумот сақланмаган. Лекин Амир учун махсус оқ матодан тикилган чодирни ҳам оқ уй дейилган.
145. Қутлуқ Туркон ого — Амир Темурнинг опаси ундан беш ёш катта бўлиб, ниҳоятда доно ва заковатли аёл бўлган. Амир барпо этган кўп бинолар ана шу аёлнинг маслаҳати билан ишланган.
146. Кеш атрофидаги Ачиғи кенти ҳақида хабар сақланмаган.
147. Бу ерда «сув» — Амударё.
148. Афғонистон ерлари Чигатоё улусининг мулки бўлгани учун Темур ва Ҳусайн каби улус амирлари бу ерларда уларини бемалол сезиб юраберганлар. Асли мулки Ҳўжағидда бўлган амир Баҳром Ҳалойирнинг Ҳиндистонга кетишига қараганда, бу улус амирлари учун Ҳиндистонга боришда ҳам қаршилик кўрсатувчи бирор тўсиқ ёки қуч бўлмаган.
149. Сеистон, шунингдек Сакастон, Сежестон — ўрта асрларда Эроннинг жанубидаги ўлка, бош шаҳри Заранж бўлган. 1756 йили Афғонистон давлатига асос солинганидан сўнг ўлканинг шимоли-шарқий қисми бош шаҳри билан бирга Афғонистон таркибига кирди.
150. Қалин киши — кўп одам демақдир.
151. Мекрон — Ҳиндистоннинг (ҳозир Покистоннинг) Эрон жанубига туташган ўлкаси. Лекин матида араб имлосида келтирилган номни Сакрийен деб ўқиш мумкин. Форсча матида эса Сакзийен дейилган (1036 варақ). Иккала ҳолда ҳам бу номларга мос жуғрофий объект йўқ. Шунинг учун Мекрон деб ўқишни маъқул топдик.
152. Бу одамнинг кейинги қилмишлари ва тақдири ҳақида қуйида 89а саҳифага қаранг.
153. Арсаф — Сеистондаги чўл.
154. Кўҳимард — Кўҳруд тоғ тизмасининг шарқи.
155. Сиддиқ Барюс «Қорачор нўённинг ўғлонларидан» бўлиши билан Амир Темурнинг уругдоши бўлади.
156. Ҳулим — Афғонистоннинг шимолида Мазори Шарифдан 50 км ча шарқдаги шаҳар. Ҳозирги номи Тошқўрғон ва аҳолиси ўзбеклар.
157. Суф дараси — Афғонистон шимолида Балх дарёсининг ирмоғи.
158. Хуросоннинг шимолида Кучан шаҳри яқинидаги мавзё.
159. Бу ерда номлари эслатилган бекларнинг ҳаммаси Амир Темурнинг уруглари ва сафдошларидир.
160. Номлари эслатилган уч бек Амударёнинг сўл соҳилидан бўлиб, улар соҳибқиронга муҳолиф эдилар.
161. Қорасув — Кочирнигон дарёсининг бир ирмоғи шу ном билан аталган. Лекин воқеа вассфига кўра сўз Балх атрофи ҳақида кетаётир. Демак, бу сув ҳам, Дарангиз ҳам Балхобнинг ирмоқлари бўлса керак.
162. Абдуллоҳ ариғи — Балх яқинидаги канал, ҳозир сақланмаган.
163. Тайхон деб муаллиф Афғонистон шимолидаги Тохаристон Таллиқонини айтаяпти. Шаҳар Қундуздан 60 км шарқда Таллиқон номи дарё бўйида жойлашган. Ўрта асрларда бундан бошқа яна иккита Таллиқон бўлган: биринчиси Хуросон Таллиқони, у Маймана билан Болумурғоб оралиғида бўлган, иккинчиси — Гилон Таллиқони, Решт яқинида бўлган.
164. Бадахшон деб бу ерда ўлка билан бирга унинг бош шаҳри Файзобод ҳам назарда тутилади (яна 80-изоҳга қаранг).
165. Дашти Қўланк мавзёи ҳақида маълумот топилмади. Лекин матида кўра унинг тахминий ўрнини Вахш ва Панж дарёлари оралиғида, Хутталонда, ҳозирги Кулобга яқин жой дейиш мумкин.
166. Балжувон — Кулобдан шимолроқдаги шаҳар. Ўрта асрларда уни кўпроқ Мунк дейилган.
167. Қуръон. Бақара сураси, 249-оят.
168. Қуръон. Зуҳо сураси, 2-оят.
169. Қуръон. Залзала сураси, 1-оят.
170. Бу арабий иборанинг ўқилиши шартли. Форсча матида бунга мос ибора йўқ.
171. Қуръон. Бақара сураси, 20-оят.
172. Бу ерда номлари эслатилган беклар Амир соҳибқироннинг сафдошлари ва лашкарбошилари.
173. Қуръон. Оли Имрон сураси, 13-оят.

174. Муаллиф бу ерда муболага қилаяпти. Аслида Гужарот Ҳиндистоннинг гарбида. Демак, Темур аскарлари душманни анча узоқ ерга қувлаб борганлар.
175. Тош ариқ — Кеш яқинидаги канал.
176. Чекдалик — Шаҳрисабдан жанубдаги дарёча, ҳозирги номи Кичик Урадарё.
177. Бир қушунда 500 гача аскар бўлган. Демак, етти қушунда қарийб 3500 аскар бўлган.
178. Хожа Шамс — соҳибқироннинг пирларидан бири бўлган.
179. Бу ерда ҳадис келтирилган. Маъноси: «Набий алайҳиссалом айтди: «Солиҳ туш — пайгамбарликнинг қирқ олтидан бир бўлагидир».
180. Қуръон. Сод сураси, 26-оят.
181. Қуръон. Юсуф сураси, 100-оят.
182. Қуръон. Фатҳ сураси, 27-оят.
183. Матннинг шу ерида икки ё уч сўз ўчган эди. Форсчадан тикланди.
184. Қуббаи метин — Шаҳрисабз яқинидаги мавзё.
185. Амир соҳибқирон «сул қўлини алифдек ва ўнг қўлини долдек» қилишидан кўринадикки, у камалак ёйини чап қўли билан ушлаб, ўнг қўли билан ватарини ва ўқ башогини тортган. Яъни 1362 йили Сейистонда ўқ еган ўнг қўлини истаганича эгаберган ва ўша ярадорлигининг асоратини сезмаган.
186. Қуръон. Зумр сураси, 74-оят.
187. Қуръон. Исро сураси, 46-оят.
188. Қуръон. Оли Имрон сураси, 126-оят.
189. Йом (ёки Жом) суви — Самарқанд яқинидаги дарёча, Зарафшоннинг ирмоғи.
190. Ҳижрий 765 йил мелодий 1363 йил 10 октябрдан 1364 йил 28 сентябригача муддат бўлиб, унинг бошланғич қарийб беш ойи қуён йилига тегишли бўлиб, қолгани 1364 йил эрта баҳоридан бошланган, Лу, яъни балиқ йилига тегишлик. Демак, мазкур галаба ва жанг 1364 йил баҳорида юз берган.
191. Қуръон. Исро сураси, 82-оят.
192. Билқис — Сулаймон пайгамбарнинг хотини.
193. Дизак — ҳозирги Жиззахнинг қадимги номи Дизакни муаллиф шу шаклда келтирган.
194. Зинда Чашм — апардий амирларидан ва амир Ҳусайннинг бекаларидан эди.
195. Қуръон. Раъд сураси, 38-оят.
196. Накбат — бахтсизлик демакдир.
197. Бу ерда Муҳаммад Али Амир соҳибқироннинг ҳаётида жафокашлик ва бахтсизликлар бўлганига шама қилиш билан бирга матннинг шу ерини ўз талқинида берган ва баъзи хабарлар ҳақида тўхталмаган. Шарафуддин баёнида бу ерлар муфассалроқ ёритилган ва 1365 йил баҳори Амир соҳибқирон учун қаҳрли бўлганлиги айтилган (қаранг: Шарафуддин Али Йаздий. Танқидий матн, 110б, 111а саҳифалар).
198. Ақар мавзёсининг ўрни аниқ маълум эмас. Матнга кўра Чиносга яқин жой бўлса керак.
199. Гала-қаро жол топқай, яъни от-уловлар дам олсин демакдир.
200. Яъни мўжалига.
201. Кандибодом — ҳозирги Конибодомнинг қадимги асл номи. Кандибодом суйи деб яна Сирдарёни назарда тутилган.
202. 1365 йил 21 май билан 21 июн оралиги.
203. Кўкнак — Тошкент воҳасининг фарбидаги мавзё.
204. Форсча матндаги жанги лойдаги мағлубиятда Темур Хожа Ўғлонга каттароқ айб қўйилади ва унга жарима солинганлиги ҳақида айтилади (қаранг: Шарафуддин Али Йаздий. Танқидий матн, 113а-саҳифа).
205. Бу ерда номлари эслатилган Мавлонозода Самарқандий, Хўрдак Бухорий ва Абу Бакр Калавий Наддоф — мўғул хони Илёс Хожанинг Самарқандга бостириб келишида мамлакат ҳокимлари йўқлигида истилочиларга қарши қурашда ижобий рўл ўйнаган раъият лидерлари. Аммо мўғуллар отларига ўлат келганлиги сабабли чекинишга мажбур бўлганларидан сўнг ҳокимият осонлик билан у шахсларнинг қўлига тегиб, улар юртда безорилик ва ноҳақлик қила бошлайдилар. Бу ҳодисани Шарафуддин ҳам, Муҳаммад Али ҳам анча софдиллик билан ёритганлар. Афсуски, рус ва совет муаррихлари сарбадорлар деб аталмиш мазкур лидерларни халқ ҳуқуқини ҳимоя қилувчи миллий қаҳрамонлар даражасига кўтариб, улар гўё мўғуллар зулмига қарши халқ ҳаракатининг бошлиқлари ва Амир Темур билан амир Ҳусайн эса халқ ҳаракатини бостиришга урунган золимлар қилиб кўрсатганлар. Аслида эса улар хужасизлик бағрида юзага чиқиб қолган авантюрачилар эдилар. Кейинчалик Темур билан Ҳусайндек мамлакатда тартиб ўрнатиш жараёнида уларни қатл этиб тўғри қилганлар.
- 205а. Қуръон. Шарҳ сураси, 5-6-оятлар.
206. Бастарк — бу ўқилиш ўзбекчада ҳам, форсча матнда ҳам ҳаракатлар билан кўрсатилган (қаранг: Шарафуддин. Танқидий матн, 115а саҳифа). Бу йайлоқ Арҳанг яқинида бўлган.
207. Ўлжай Туркон огонинг ўлими 1366 йил ёзида юз берган эди.
208. Қуръон. Бақара сураси, 156-оят.
209. Амир соҳибқироннинг Султонбахт бегимдан бошқа Тагайшоҳ исмли яна бир қизи бўлган. Лекин бу қизларнинг қайси бири катта эканлиги ва тугилган йиллари

- номаълум. Ибн Арабшоҳнинг айтишича, Султонбахт бегим ўзини эркакча тутиб, эркакларни ёқтирмаган. «Бу, Самарқандга келган Бағдод аёлларининг таъсири остида бузилганидан бўлиб, унинг хунук ҳикоятлари бор» (қаранг: Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-к. Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Убайдулло Уватов. Тошкент. «Меҳнат», 1992, 84-саҳифа).
210. Чағонийн — Сурхон воҳасининг қадим ва ўрта асрлардаги номи. Сурхондарёнинг ўзи Чағонруд деб аталган. Воҳанинг бош шаҳрини ҳам Чағонийн деб аталган ва у ҳозирги Денов ўрнида бўлган (қаранг: Бартольд, т.1, с.122-123).
 211. Чакчак — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг туташ еридаги ҳозирги Чакча мавзёсининг ўрта асрлардаги номи.
 212. Янгикинт — Қарши билан Ғузор оралигида ўрталикда жойлашган кент.
 213. Нундак мавзёи ҳақида маълумот сақланмаган. Лекин амир Ҳусайн Чағонийнда тургани учун у жой Деновга яқин, балки гарброқда бўлган дейиш мумкин.
 214. Қатлаш мавзёи ҳозирги Пачкамар сув омборининг ўрнига тўғри келади, чунки у иккала сув бирлашадиган ердадир.
 215. Мохон ҳақида — 137-изоҳга қаранг.
 216. Исҳоқ қудуги — Олот яқинидаги қудуқ.
 217. Яъни икки ярим ой.
 218. Шўроб қудуги — Чоржўй билан Марв оралигидаги қудуқ.
 219. Баймароғ мавзёи деб қадимги Маймуғ назарда тутиляпти, у Қаршидан қарийб 30 км масофада бўлган. Маймуғ номлик шаҳарча Самарқанд яқинида ҳам бўлган.
 220. Ўзганд деб бу ерда Сирдарёнинг чап соҳилида ҳозирги Қизил Ўрдага яқин бўлган шаҳар назарда тутиляпти.
 221. Ҳузор (Ғузор) яқинидаги Қўроғшун туба Валвали кенти ҳақида маълумот тонилмади.
 222. Қуръон. Талоқ сураси, 3-оят.
 223. Қуръон. Рум сураси, 5-оят.
 224. Қуръон. Оли Имрон сураси, 159-оят.
 225. Хустор кенги — Қаршидан Амударёга боришда оралиқдаги қишлоқ.
 226. Бу ерда Муҳаммад Али диққатсизлик қилиб, форсча «калонтари хоҳар» иборасидаги «калонтар», яъни катта сўзини тушириб қолдириб, Амир Темурнинг опасини ёки, эскича айтганда, эгачисини сингласи деяпти. Юқорида 186 саҳифада эгачиси деб таржима қилган эди. Аслида Қутлуг Туркон ого амирдан беш ёш катта эди.
 227. Ширинбека ого соҳибқироннинг бирдан-бир сингласи эди.
 228. Сайфуддинбек мўғулларнинг никудар уругидан эди; турклашиш билан бирга уругнинг номи ҳам ўзгариб нукуз бўлган.
 229. Бурдалиқ — Чоржўй билан Керки оралигидаги масофанинг ўртасида Амударёнинг ўнг соҳилида бўлган шаҳар.
 230. Шаҳрикант ёки Ширкат — Насаф яқинидаги шаҳарча.
 231. Шабихун — қўққисдан ҳужум қилиб, яна тезда гойиб бўлиш ҳарбий тактикаси.
 232. «Аҳсанга» — арабча сўз; бопадинг, қойил қилдинг маъноларини билдиради. Нафир — карнайнинг урушда чалинадиган тури.
 233. Бу икки мавзёи ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Матнга кўра улар Қарши атрофидаги қишлоқлар бўлса керак.
 234. Калобод дарвозаси деб Бухоро ички работининг II дарвозасидан бири назарда тутиляпти. У Қарши тарафига қараганлиги учун уни Қарши дарвозаси ҳам дейилган (қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. — Сочинения, т.1, с.153—155).
 235. Бухоро яқинидаги Бермас мавзёи XII асрдан бери маълум бўлган (қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. — Сочинения, т.1, с.174).
 236. Эроннинг шарқида — Ҳирот ва унинг атрофларида 1245 йилдан 1389 йилгача Қуртлар сулоласи ҳукм сурди. Улар аслида Афғонистоннинг марказий тоғли ўлкаси Ғурдан бўлиб, анча эронийлашган ўғуз турклари эди. Ҳирот ва унинг атрофлари билан бирга Ғурнинг талай қисми ҳам Қуртлар қўлида эди. Мўғул истилоси Қуртларга деярли таъсир этмай, улар ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Бироқ Амир Темурнинг ҳарбий юришлари натижасида бу сулола вакиллари ҳам, давлатлари ҳам тутатилди. Малик Ҳусайн — Қуртларнинг охириги вакиллари эди.
 237. Қуръон. Юнус сураси, 14-оят.
 238. Мовароуннаҳрда Жўйбар номли мавзёлар асосан Бухорода ва Самарқанд атрофида бўлган. Агар Амир соҳибқирон Амударёдан Амўйа (Чоржўй) кечикдан ўтганида Қаршига Бухоро орқалик Жўйбардан ўтган дейиш мумкин эди. У ҳолда бу йул анча айланиш бўларди. Лекин биз юқорида кўрдикки у чап соҳилга Бурдалиқ кечикдан ўтиб тўхтаган эди. Демак, орқага қайтишда ҳам шу йулдан кетган бўлиши эҳтимол. Бу ҳолда Жўйбар Қаршидан ғарбдаги ариқ бўйидаги мавзё бўлади.
 239. Камхо — шойининг нафис бир тури. Бозургонлар — савдогарлар демакдир. Амирнинг аҳволи бир қадар ночор бўлиб турган пайтида бозургонларнинг қўллашига муҳтож эди. Шунинг учун уларнинг қимматбахо шойиларини қайтариб берган.
 240. Навқат, бошқача ўқилишда Навқад — Қарши билан Кеш оралигидаги кент, Қарши-

- дан 35 км ча ва Кешдан 30 км ча масофада бўлган. Уни ҳозирги Қорабоғ ўрнида бўлган деб ҳисобланади (қаранг: Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. — Сочинения, т.1, с.189—190).
241. Ёзи — ёзлик ўтлоқ, яйлов демакдир.
242. Қумош (кўплиги ақмиша) — газлама тури.
243. Шу ергача баён қилниган воқеалар 1364—1368 йиллар оралиғига тааллуқли бўлиб, у найтларда соҳибқирон катта қудратга эришмаган эди ва ўзи маъқул тонган йўсуни бўйича иш тутмай, лашкаридаги амирларга қулоқ солишга мажбур бўлган кезлар эди. Кўп муваффақиятсизликларининг сабаби ҳам амирларнинг ўзбошимчилигида эди. Лекин кейинчалик аҳвол ўзгариб, амирлар кўпроқ Темурбекка қулоқ соладилар. Шундай бўлса ҳам соҳибқирон кўн ҳарбий масалаларни эски одат бўйича амирларининг маслаҳатига солади.
244. Раҳматоби — Оби Раҳмат, Сиб, Қорасув — Самарқандни шарқдан ғарбга кесиб ўтган қадимги ариқ.
245. Садақ — камалак ўқлари турадиган ўқдон.
246. Ревтан — Самарқанддан бир фарсах (6 км) масофадаги Ревдод қишлоғи (қаранг: Бартольд В. В. Сочинения, т.1, с.139).
247. Фаринкеит ва Сағарч — Самарқанддан 5 фарсах (30 км) масофада Иштихон яқинидаги кентлар.
248. «Иомға тушти» иборасини «Йом суви бўйида тўхтади» деб тушунмоқ керак (26а саҳифа 189-изоҳга қаранг).
249. Тўм суви — Қариш яқинидаги ариқ.
250. Арабча мақол, маъноси — «Хўшининг ўз вақти бор».
251. Қуръон. Иброҳим сураси, 20. ют.
252. Қўрчуқ — Самарқанд яқинидаги тоғ довоми.
253. Тсва Бўйини — балки, Пискент яқинидаги Туябўғиздир?
254. Кўкнак — Чинос яқинидаги мавзё.
255. Лождурма — арабча ибора, «албатта» демакдир.
256. Кеш ўрнида Шахрисабз номи асарда энди биринчи марта ишлатилиш.
257. Мухаммад Али матнида Булунгур ўрнига Йалангур деб хато ёзилган. Биз форсча матнга кўра тузатдик.
Булунгур суви — Самарқанд вилоятида шу номли тумандаги дарёча.
258. Работи Малик — Кармана чўлида Ҳаржанг қишлоғи яқинида Қорохонийлардан хон Шамсулмулк томонидан 1078-79 йиллар қурилган работ.
259. Етти қудуқ йўли — Чинос билан Жиззах (Дизақ) оралиғидаги чўл орқали ўтган йўл.
260. Матнининг шу ери диққатга сазовардир. Кайхусрав Хутталоний аввалига Амир соҳибқироннинг бекаларидан бўлиб, кейин хойилик қилиб, Жета хонининг, яъни Темур душманининг паноҳига ўз одамлари билан кетган эди. Энди эса у Амир билан қудаланиб, Жета қўшунидан икки минг кишини амрнинг хизматига келтираяпти. Асарда бунга ўхшаш ҳолларни кўп учратамиз. Мовароуннаҳр ва Жета аҳолиси қисм ва гуруҳларининг бир тарафдан иккинчи тарафга бундай осонлик билан кўчишлари, биринчидан, ҳали ўша даврда Мовароуннаҳр ва Жета аҳолиси орасида маданий ва миллий фарқ айтарлик бўлмаган бўлса, иккинчидан, иккала ҳудуд аҳолиси ҳам тўла ўтроқ бўлмаганлигини кўрсатади.
261. «Илғари» юборилган гуруҳ махсус ҳарбий бирлик бўлиб, уни Шарафуддин ҳам, Мухаммад Али ҳам эски ўзбекча сўз билан илғор дейди. Аслида бу арабча «муқаддам» тушунчасига тенгкучли бўлиб, мустақил туркий сўз ва тушунчадир. Одатда илғорнинг вазифаси душманнинг илғор қисмлари билан жанг қилиш, ёки унинг асосий қисми билан иғво жанглини қилиб, уни чалғитиш, «тил» сифатида асир олиш, душман тўғрисида аниқ хабар келтиришдан иборат бўлган. Лашкарнинг сони ортиси билан илғордаги аскарларнинг сони ҳам ортаборган. Биз қуйида кўрамызки, кейинчалик Темур йиғирма беш, ўттиз минг ва ҳатто ундан ҳам ортиқ сонли лашкарни илғорларга юбориб, ўзи асосий қисм билан фурсат кутиб туради. Бундай кўнсонли илғор лашкари ҳам ўз галида ўз илғори, иғвоси, қоровул ва ҳировулига аскар гуруҳларини чиқарган.
262. Қуръон. Абаса сураси, 34-оят.
263. Асарда биз Жеталарга ва Олтин Ўрда аҳлига нисбатан бир неча марта «кофир» ибораси ишлатилганлигини кўрамыз. Аслида бу мамлакатлар аҳолисининг асосий қисми аллақачонлар Исломи қабул қилган бўлиб, фақат айрим майда гуруҳлар орасидагина будпарастлик қолган эди. Лекин уларнинг иккисига ҳам асосан кўчманчилик ҳукм сургани сабабли улардаги Ислому сует эди.
264. Хумрак — Чирчиқнинг қуйи оқимидаги мавзё (қаранг: Бартольд В. В. Сочинения, т.1, с.231).
265. Барсин гузори ёки Барчин кечики — Сирдарёнинг қуйи оқимида унга Барчиндарё қуйиладиган жойидаги мавзё.
266. Ваҳший Рама деб муаллиф ҳиндларнинг қадимги эниси «Рамаяна»нинг бош қаҳрамонини назарда тутди. Шарафуддиннинг «Рамаяна»дан хабардорлиги унинг ўта ўқинишли эканлигидан ва шу билан бирга унинг даврида бу ҳинд асарининг форсча таржимаси мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

267. Сайрам — Тошкентдан қарийб 130 км шимол-шарқдаги шаҳарча. қадимда Исфижоб номи билан маълум бўлган.
268. Чаманкент — ҳозирги Чимкентнинг қадимги асл номи.
269. Утрор — туркларнинг Сирдарё бўйидаги йирик шаҳри, шу номи дарёнинг Сирдарёга қўйилиши жойида унинг ўнг соҳилида бўлган. Қадимда уни Турарбанд дейилган.
270. Фореча матида шаҳарнинг номи ҳозирги ўзбекчага яқин бўлган фақат Тошкент шаклида келтирилади (масалан, 128а саҳифага қаранг). Шаҳарнинг номи Эрон манбаъларида III асрдан бошлаб Чоч шаклида учратилади. Шу номи арабийлаштирилишдан Шош ҳосил бўлган.
- Абу Райҳон Беруний айтишича, «Бинкат — Шош (вилояти)нинг маркази, туркчада Тошканд, юнончада Тош қалъа (қаранг: Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, V жилд. Биринчи китоб. Қонуни Масъудий, 1—5-мақолалар Тошкент, «Фан», 1973, 426-бет). Беруний «юнонча Тош қалъа» дейиши Птолемей (II аср) «География»сидаги «Лисинос пурго» номининг таржимаси бўлиб, Птолемей ўз галида туркча Тошкент (канд) сўзини юнончага шундай таржима қилган. Бундан кўринадики, бундан қарийб икки минг йил бурун шаҳримиз икки ном билан — Тошкент ва Чоч деб аталган ва биринчиси туркча, иккинчиси сўгдча бўлиб, шаҳар аҳолиси ҳам турклар ва сўгдлардан иборат бўлган. Кейинчалик сўгдлар турклашиб кетгач, сўгдча ном бутунлай унутилган.
271. Яъни Арҳанг ва Соли Саройга кетдилар.
272. Қуръон. Аҳқоф сураси, 10-оят.
273. Қуръон. Ҳужурот сураси, 9-оят.
274. Қуръон. Нисо сураси, 128-оят.
275. Яъни ёлгон.
276. Ниёний мавзъи — Шаҳрисабз ва Қарши орасидаги катта қишлоқ.
277. Қўҳак суви — Зарафшон дарёси; Самарқанддаги Қўҳак тепалиги яқинидан ўтгани учун шундай аталган.
278. Қинор Шақишор — шартли шундай ўқилди, матида ёзилиши ноаниқ.
279. Қумишкент ва Алиобод — Самарқанд яқинида Зарафшондан шимол тарафдаги қишлоқлар.
280. Яъни қайтдилар.
281. Ишканиш — Бадахшоннинг жанубий, Афғонистон қисмида Самангон дарёсининг irmoғи бўйидаги кент.
282. Муаллиф Кобулистон деб Кобул шаҳри билан бирга Кобул дарёси воҳасини назарда тутди.
283. Ишканишдан Кобул воҳасига Ҳиндқуш тоғ тизмаларидаги Ҳовон довоидан (уқбасидан) ўтилади.
284. Пулод Буға билан Оқ Буға иккиси ҳам Темурбекнинг амирлари, яъни Чигатой улусига мансуб турклардан эди. Демак, уларга қарам бўлган Кобул воҳаси ва шу билан бирга Марказий ва Шимолий Афғонистон шу улуснинг мулки эди. Шиси ҳам диққатга сазоворки, муаллиф асарнинг шу еригача «Афгон» деган номи элатмади. Бу эса афгонлар XIV асрнинг иккинчи ярмида Кобул воҳасида бўлмаганликларидан дарак беради.
285. Қашм — Бадахшонда (жанубий) Таллиқон билан Файзобод оралиғида Машҳуд дарёчасининг ўнг соҳилидаги шаҳарча. Ҳозир номи Қишм деб талаффуз қилинади.
286. Ҳарм (ҳозирги Ҳурм) — Қашмдан тўғри шарқда Қўкча дарёсининг ўнг қирғоғидаги шаҳарча. Демак, Қаркас уқбаси ва Ҳарм уқбаси шу икки шаҳар оралиғида Хожа Мухаммад тоғ тизмасидаги довоилардир.
287. Ҳарм суйи — Қўкча дарёси.
288. Дараи Артинч — Қўкча дарёси билан Дарайим дарёсининг қўйилиш жойи.
289. Қўнгуз аланг — ҳозирги Шерхон яқинидаги кечик.
290. Жайба — аскарнинг шахсий моли ва ўлжалари солинадиган қоп.
291. Юқоридаги баёндан биланмизки Қайхўсрав Хутталоний мирзо Жаҳонгирнинг қайнотаси ва, демак, Амир Темурнинг қудасидир. Шунга қарамай у ўз қудасига инсбатан дунманлик назор этаётир.
292. Фореча матида бу хат келтирилмаган (қаранг: «Зафарнома». Танқидий матн, 133а саҳифа, 13—18 сатрлар).
293. Ҳисори Ҳиндувон — Балх шаҳри работидаги қалъа.
294. Бева — Термиздан қарийб 20 км шимолдаги қишлоқ.
295. Сайийд Барака — Амир соҳибқироннинг бош пири, гоъвий раҳбари. Амирнинг васиятига кўра унинг қабри Гўри Амирда Сайийд Барака қабрининг оёқ тарафига қўйилган.
296. Қуръон. Аҳзоб сураси, 33-оят.
297. Авзач гузори — Кофирингон дарёсининг Амударёга қўйилиш еридаги шу дарёдан кечик.
298. Шодийн тоғи — Мозори Шариф жанубидаги тоғ.
299. Хожа Ақоша кенди — Балх яқинидаги қишлоқ.
300. Демак, икки ўғлини ҳам қатл қилдилар.
301. Шарофуддин Али Яздий соҳибқироннинг тахтта ўтириш маросимини алоҳида сарлав-

- ҳа билан ажратиб, хабар ўрнига хушомадгўйлик маъносидаги шеърлар билан бир неча саҳифани тўдирган. Муҳаммад Али у шеърларни тушуриб, воқиятни Амирнинг Хусайнбек устидан ғалабаси бобига қўшиб қўйган.
302. Шуниси диққатга сазоворки, Шарафуддин шу ерда Балхдан дарёдаги кўприккача масофа саккиз фарсах, (яъни қарийб 50 км) эканлигини кўрсатган (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 141а-саҳифа 18-сатр).
303. Зинда Чашм исми Ҳаёт булоғи (ёки кўзи, яна бошқа ўқилишга кўра «ҳашами», яъни хизматкорлари) маъносини билдиради. Муҳаммад Али бу ерда исмининг иккинчи қисми билан сўз ўйини қиляпти ва булоғ бошқаларники бўлди демоқчи. Форсча матнда исмининг иккала қисми ҳам мутойиба қилинади: «Зинда Чашм анқариб зинда намонад ва чашмаш дар тахти тасарруфи дигарон даромад». яъни: Зинда Чашм ҳаётга яқин бўлмади ва булоғи ҳам бошқаларнинг тасарруфига тушти.
304. 1370 йил — ит йилининг кузи назарда тутилади.
305. Бу келтирилган жумладан Амир Темур мамлакатининг маъмурий бўлиниши мўғуллар давридагидек ҳарбий бўлинишга асосланганлигини кўрсатади. Чунончи, ҳазора бўлими мингта тўла жиҳозланган отлик аскар, туманлар — ўн мингта шундай аскар тайёрлаб бериши керак бўлган. Даруга ҳам мўғулча мансаб бўлиб, ҳар бир шаҳар, туман ва вилоятнинг ўз даругаси бўлган. У ҳозирги комендантга мос келади (масалан, гарнизон коменданти).
306. Қуръон. Оли Имрон сураси, 74-оят.
307. Воқеалар Хужанд атрофида юз бераётгани учун Ойша хотун суви ҳам ўша атрофдаги Сирдарё irmoқларидан бир бўлади.
308. Янги — Мовароуннаҳр шарқидаги қадимги шаҳар. У Авлиё Ота деб ҳам аталган, ҳозирги номи Жамбул.
309. Бу келтирилган иборалардан кўринадики, Амир соҳибқирон Жетага қилган иккинчи юришида ҳам айтарлик узоққа бормаган ва ҳозирги Жамбул вилояти ва Талос водийсидан нарига ўтмаган. Бунинг объектив сабаблари бор эди. Биринчидан, 1371 йил ёзига келиб, у Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга олиб, ташқи душманларга қарши юриш уюштира олган бўлса ҳам, у йirik лашкар тўплай олмаган эди, ва, иккинчидан, амирларнинг продасини ўзига тўла бўйсундира олмаган эди ва улар орасида ҳам мухолифлар ва хоинлар мавжуд эди. Кўппак Темур воқеаси бунинг ёрқин мисолидир. Шунинг учун Амир мамлакатдан узоқлашмай, тезда орқага қайтишга мажбур эди.
310. Қаро Самон — Утрор яқинидаги мавзё.
311. Муҳаммад Али шу саҳифа қўйисида Темур «хонзода»га ва Шайх Абуллайсга нисбатан жазо чоралари кўрганини айтса ҳам, бунинг сабабини айтмаган. Шарафуддин матнида «хонзода Абулмаолий Термизий ва Шайх Абултайс Самарқандий буидан аввал ул ҳазратқа мухолифат бобида бир-бирига сўзлар айтиб, улар билан иттифоқ қилганлар» дейилган (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 145б-саҳифа, 6-8-сатрлар). Демак, улар мазкур фитнанинг бошлиқлари бўлган ва соҳибқирон уларга нисбатан ҳақли равишда жазо чораларини кўрган.
312. Матннинг шу еридан аён бўладики, соҳибқироннинг бу қизи — Тагайшоҳ Ака Беги, унинг кичик қизи экан, чунки унинг узатилмаганлиги англаяпти; ва Султонбахт бегим катта қизи экан (32б-саҳифа, 209-изоҳга қаранг).
313. Маълумки, 1220 йил кузида Чингизхон Мовароуннаҳрни забт этабошлаганида Хоразмнинг пойтахти Гурганчи қамал қилишга иккинчи ўгли Чигатойни юборади. Лекин қамал узоққа чўзилиб кетади ва фақат Чингизхон катта ўгли Жучини юборганидан кейингина шаҳар таслим бўлади. Шунинг учун кейинчалик Чингизхон Шимоли-ғарбий Хоразми Гурганч билан бирга Жучига беради, Жануби-шарқий Хоразми эса Хева ва Кот билан бирга Чигатойга беради. Кейинчалик эса бу мулкларнинг биринчиси Жучи улуси (русларда Олтин Урда), иккинчиси Чигатой улуси бўлиб шаклланади ва бу улус ҳокимларининг қайси бири кучайса бой Хоразми ўз мулкига қўшиб олишга уринади. XIV аср ўртасига келиб иккала улус ҳам сусайганидан сўнг қўнғирот уругига мансуб ва Чингизийларга алоқасиз бўлган Хусайн Сўфий бутун Хоразмда ўз ҳукмини ўрнатади. Лекин Хоразмнинг ярим қисми Чигатой улусининг мулки бўлганлиги учун бу улуснинг қонуний бошдиги сифатида ҳам, Чигатой дастурига кўра мамлакатни бошқаргани учун ҳам Амир Темур Хусайн Сўфийга мазкур талабларни қўйишга ҳақли эди.
314. Барғулд Абдуразоқ Самарқандийга ҳавола қилиб, гўе Хусайн Сўфий Темурнинг элчисига: «Сизнинг мамлакатингиз — жанг вилояти (яъни кофирлар мулки) ва мусулмонларнинг вазифаси — сизлар билан жанг қилишдир» деган сохта сўзларни келтириб, сўнгра «Шундай қилиб XIV асрда чигатойлар давлати мусулмон давлати деб ҳисобланмаган» деган хато хулосага келади (қаранг: Бартольд В. В. Сочинения, т. II, часть 2, с.53). Бироқ, негадир у Хусайн Сўфийнинг бошқа манбаъларда, хусусан Шарафуддинда келтирилган сўзларини инкор қилган. Натижада умуман муҳим бир тарихий давр ҳақида нотўғри хабарни тарқатган. Ундан ташқари Абдуразоқ Самарқандий 1413 йили тутилган бўлиб, Ғиёсиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларга нисбатан бир мунча ёш бўлиб, Темурий сарой муаррихларининг кейинги авлоди ҳисобланади. Бутун сарой

- архивлари ва маълумотларининг «қаймоғи» аввалги уч муаллифнинг асарига кирган. Шунинг учун ишончлилик нуқтан назаридан Абдураззоқ Самарқандийнинг асари кейинги ўринда туради.
315. Улуфа — ем, озуқа.
 316. Яъни Қарши чулида.
 317. Булақлар — бу ерда совгалар маъносиди.
 318. Яъни ишонган кишисини.
 319. Бу жумлалардан Қундуз, Боғлон ва Кобулнинг ҳокими чигатойлардан бўлганлиги яна бир бор исботланади. Ундан ташқари булардан Кобул тарафиди Темур даврида истиқомат қилган буралди али («буралмоқ» сўзидан) туркий бўлганлиги аниқлашди.
 320. Сеноя — Хоразмнинг ўрта асрлардаги кенти, Амударёнинг чап соҳилида Ҳазораси билан Дарғон ота оралиғида бўлган.
 321. Кот — Хоразмнинг энг қадимги шаҳарларидан бўлиб, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. 995 йилгача, Хоразмшоҳлар давлатининг ноийтахти Фурганчага (ҳозирги Туркманистонда Кўҳна Урганч) кўчирилганидан сўнг иккинчи даражали шаҳар бўлиб қолган; ҳозирги номи Беруний.
 322. Бу ерда том — девор маъносиди.
 323. Қайхусрав Хутгалоний амир Темурнинг қудаси бўлатуриб, унга нисбатан нечанчи марта сотқинлик қилаётганига диққат қилинг.
 324. Оқ Сўфийнинг хотини Шакарбека Олтин Урда хони Ғийсиддин Муҳаммад Ўзбекнинг (1312—1342) қизи эди. Бу эса Сўфийларнинг Урда хонлари билан қаттиқ боғлиқлигини кўрсатади. Оқ Сўфийнинг қизи Севинбека онаси тарафидан хонзода эди. Соҳибқирон 1374 йили тўнғич ўғли Жаҳонгир мирзонинг Севинбекага уйлантиради. Бу никоҳдан Муҳаммад Султон туғилади. Бу эса 1403 йили 29 ёшида вафот этади. Бироқ бундан анча аввал, 1376 йили Жаҳонгир мирзо ўлганидан сўнг Хонзодага Мироншоҳ мирзо уйланади ва бу никоҳдан 1384 йили Халил Султон туғилади.
 325. Бу ерда Севинбека Хонзаданинг йароғи деб унинг сепини айтадиларти.
 - 325а. Хос — Котдан 30 км ча масофадаги кент.
 326. Яъни ёзгириш билан.
 327. Қайдухон — Ўқдай қонининг набираси, унинг улуси фақат Помир-Олой тоғли ўлкаси эди, у 1269—1301 йиллар хонлик қилган ҳисобланади. Лекин амалда унинг мулки Чигатойларга қарам бўлиб қолган эди.
 328. Демак, ҳозирги никоҳлардаги пул сочишларнинг тарихи ҳам анча эски экан.
 329. Зифоф — тантанали никоҳ тўйи.
 330. Форсча матида «етти юз етмиш бешинчи йил охирларида» дейилган. Демак, бу ҳолда тарих 1374 йил май-июн ойлари бўлади (қаранг: «Зафарнома». Танқидий матн, 151а саҳифа).
 331. Муҳаммад Али бу ерда ҳам саҳв қилиб, «етти юз етмиш бешда» деган. Форсча матида «шаббон ойи бошида тарих етти юз етмиш олтида» дейилган (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 151а-саҳифа, 7-сатр). Демак, бу ҳолда тарих аниқлашади ва у 1375 йил 5-6 январ бўлади.
 332. Иккала муаллифда ҳам Қатагон дейилган бўлса ҳам асарнинг илк нусхаларидан бирида хаттот айби билан Қатвон ўрнига Қатагон ёзилиб қолгандир. Чунки, биринчидан, Самарқанд атрофида Қатагон работи бўлганлиги ҳақида бирор маълумот йўқ; иккинчидан, бу иккала исмининг арабча ёзилиши ниҳоятда ўхшаш бўлиб, кўчиришда янглишиш осон. Бу ҳолда Қатвон работи — Самарқанд билан Жиззах орасида Қатвон чулидаги Қатвондиза бўлади.
 333. Чорун мавзёи — ҳозирги Алматидан шарқроқдаги шу номли дарёчанинг Или дарёсига қуйилиши ери.
 334. Бу ерда «xabari tux» бўлиши бутунлай беҳабар бўлиб, гафлатдан қўнгли тўқлигини билдиради.
 335. Барака Ғуриён — Чорун дарёсининг ўрта оқимида кескин бурилган еридаги мавзё, ҳозирги Жаланаш ва Коген оралиғи.
 336. Ила суви — Или дарёси.
 337. Яъни Қамариддиннинг неча минг кишиси соҳибқиронга қўшилди демакдир.
 338. Куран — мўғулча сўз бўлиб, русчага курень шаклида ўтган: ёғоч уйлар тўпини билдиради.
 339. Пойтоғ мавзёининг ўрни аниқ маълум эмас. Лекин матидаги баёнга кўра у Иссиқкўлнинг шарқи ё жанубидадир.
 340. Уқармон — балки Учтурфондир? Бу сўзларнинг ҳам арабча ёзилиши ўхшаш ва ундан ташқари соҳибқирон лашкарининг юриш йўли ҳам буни инкор этмайди.
 341. Отбоши — Иссиқкўлдан жануби-ғарбда шу номли дарё бўйидаги шаҳарча, ҳозир Қирғизистон ҳудудида.
Арна ёзи — Отбошидан жануби-ғарбда шу номли дарё водийси.
Демак, бундан кўринадики, соҳибқирон бу юришда Қамариддинни таъқиб қилиб, Иссиқкўлни шарқидан Учтурфон орқали айланаб ўтган. Агар у кўлни ғарбдан айланганида у орқага қайтиши керак бўларди ва бу матида акс этарди.
 342. Қуръон. Нисо сураси, 3-оят.

- 342а. Йасси Дабон — Фарғона водийсининг бошланғич ерида шарқдаги тоғ давони.
343. Демак. соҳибқирон 1375 йил баҳорда биринчи марта Фарғона водийсини шарқдан ғарбга кесиб ўтган.
344. Занжир Сарой — мўғул хони Қазонхон томонидан Қаршидан қарийб 50 км ғарбда қурилган сарой ва унинг атрофида юзага келган мавзё.
345. «Адам бўлгай» — яъни йўқ бўлсин демакдир.
346. Ғурувон — Афғонистон шимолида Таллиқон яқинидаги мавзё.
347. Форёб суви — Афғонистоннинг шимоли-ғарбида шу номли шаҳардан ўтувчи дарё. У Маймаля ва Андхўйдан ўтганлиги учун шу шаҳарлар номи билан ҳам аталади.
348. Хос — Хоразмда Қотдан шимоли-ғарбда қарийб 20 км масофадаги ўрта аср шаҳри, у Дархос деб ҳам аталган.
349. Кармина — Бухородан Самарқандга боришда қарийб 100 км масофадаги шаҳарча.
350. Қозоқ этноними асарини шу еригача келганда, 1376 йилнинг иккинчи ярмига тааллуқли воқеалар муносабати билан энди биринчи марта эслатилади. Умуман «Зафарнома»да бу этноним яна фақат бир марта эслатилади. Амир соҳибқирон Дашти Қишчоқ ва Жета юртларига, яъни ҳозирги Қозоғистон ерларига умуман олганда ўн мартача юрган бўлса ҳам бизнинг муаллифлар ҳозирги Қозоғистоннинг фақат жануби-шарқдаги воқеалар муносабати билан қозоқ ҳазораси ҳақида фақат икки марта эслатадилар. Бундан шу хулосага келиш мумкинки, қозоқларга асос бўлган этник ғуруҳ ҳазора сифатида, яъни минг кишилик аскар жиҳозлай оладиган уруғ сифатида фақат XIV асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаганлар.
- Шунинг учун Темур давридаги Дашти Қишчоқ, яъни Қозоғистон аҳолисини ҳеч қозоқ деб бўлмайди. У аҳоли этник жиҳатидан ҳам ва маданий жиҳатдан ҳам қозоқ эмасдилар, балки дашт ўзбеклари эдилар. Кейинроқ бу кўчманчи ўзбеклар Мовароуннахрга силжингларидан кейингина (XIV аср боши) қозоқлар кучая бошлайдилар.
351. Шайх Бурҳониддин Қилич деб Шайх Сайфуддин Бохарайининг ўгли Шайх Бурҳониддин (XIII аср) назарда тутилаётган бўлса керак.
352. Отақум мавзеини аниқлаш учун Амирнинг йўлига назар солиш керак. У Қамариддинни таъқиб қилиб, Фарғона водийсининг шарқда Андижон тарафида эди. Демак, у Самарқандга қайтишда Сайхун-Сирдарёдан кечишдан олдин у ўтган қумлоқ ер ё водий марказидаги қумлоқлар ёки Бўка билан дарё оралиғидаги қумлоқлар бўлади.
353. Қуръон. Бақара сураси. 156-оят.
354. Қарочуқ тоғи қуйидаги баёнга қўра ўтрор яқинидаги тоғ.
355. Оқсув — Чимкентдан 30 км шарқроқдаги мавзё, ҳозир урнида Белие води темир йўл бекати.
356. Ўрта асрларда Туркистонда Қаро Туба (Қоратена) номли мавзё бир нечта бўлган. Лекин бу ерда Еттисув соҳасидаги назарда тутилаётганини аниқроқ бўлса-да чингаой қўшилларининг бу талги юришда етиб борган жойлари аниқ маълум эмас.
357. Бўғом Ойкўл — Иссиқкўлнинг ғарбидаги Бўғом жарликлари (Буамское ущелье).
358. Қўчқор мавзеи — Бўғомдан жануброқда Чу дарёсининг шу номли irmogининг водийси. Ҳозир у ерда қирғизларнинг Қочқорка номли шаҳарчаси мавжуд.
359. Тўқтамин Уғлон — Оқ Ўрданинг ўзбек амира, Жўчи авлоди, Тўй Хожа Уғлоннинг ўгли. Маълумки, Чингизхоннинг катта ўгли Жўчи 1227 ўлганидан сўнг бунинг кичик ўгли Ботухон отасининг мулки бўлмиш Дашти Қишчоқ ва Шарқий Овруқони Жўчи улуси деб аталмиш мулкка бириштиради ва ўзига Волга бўйида пойтахт қилиб Саройни таллайди. Мўғулларнинг ўзи бу улусни кўпроқ Кўк Ўрда деб атаган. Лекин у билан бир вақтнинг ўзида Ғарбий Сибирда ундан бир ёш катта бўлган акаси Ўрда Оқ Ўрдага асос солади. Бу Ўрданинг пойтахти аввалига Ғарбий Сибирдаги Тура шаҳрида бўлиб, кейинчалик Сирдарё бўйидаги Сигнаққа кўчирилади. Аввалига хон фақат Кўк Ўрдада Саройда бўлиб, Оқ Ўрдани амирларгина бошқарди. Лекин кейинчалик Оқ Ўрдада ҳам Жўчининг катта ўгли Ўрданинг авлодларидан хонлар бошқара бошлайди. Кўк Ўрда хони Ўзбекхон (1312—1342) даврида инкала Ўрда бириштирилиб, юксак қудратга эришади. Бу биришган ўрда Оврупада Олтин Ўрда номи билан машҳур бўлади. Ўзбекхоннинг даврида унинг кўпроқ Жўчи уруғига мансуб бўлган сараланган навкарлари Оқ Ўрдада ҳам хизмат қилади. Улар бу ерда «ўзбекийлар», яъни «Ўзбекхоннинг одамлари» деб танилади. Ўзбек этноними ана шуларга бориб тақалади. Кейинроқ улар тўғридан-тўғри ўзбек деб аталаверади.
- Тўхтаминнинг отаси Тўй Хожа Уғлон ана шу ўзбеклардан бўлиб. Мангилқоннинг амира эди. У қўрултой ўзбеклардан чиққан Олтин Ўрда хони Ўрусхонга (1361—1376) қарши чиққани учун қатл қилинади. Тўқтамин (ёки Тўхтамин) отаси касосини олиш учун Ўрусхон билан курашади ва енгилиб, 1376 йили амир Темур ҳузурига наноҳ излаб қочиб келишга мажбур бўлган эди (қаранг: Греков Б. Д., А. Ю. Якубовский А. Тимур. — В кн.: Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяния. М.: «Ураш», 1992, с. 30—31; Рун Гонсалес Де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд к двору Тимура (1403—1406). Перевод со староспанского предисловия и комментарий И. С. Мироковой. М.: «Наука», 1990, с.72, комментарий 256).
360. Фореча матида Йабағу урнида ўйнағу сўзи келтирилади (қаранг: «Зафарнома», Танқидий мати, 1576 саҳифа).

361. Матндан кўринадики, соҳибқирон Жетага Еттисув тарафидан борган ва орқага чўл орқали қайтган. Бу ҳолда Узганд Қизил Урда яқинидаги шаҳар бўлади (юқорида 220-низоҳга қаранг).
362. «...ани ўғул ўқиди» дейлиши соҳибқирон Тўқтамишни ўғлидек кўрганни билдиради.
363. Саброн — ўрта асрларда Сирдарёнинг ўнг соҳилида Туркистондан кейинги йирик шаҳар, ҳозир Саврон қишлоғи.
Сигнақ — мазкур йўналишда кейинги йирик шаҳар. Унинг харобалари ҳозир Сўнақ қўрғон деб аталиб, Туман Ариқ темир йўл бекатининг яқинида жойлашган. Маълумотларга кўра, бу шаҳар мелоддан аввалги III асрда юзага келиб, унинг қадимги номи Сўнах бўлган ва XII асрдан бошлаб қипчоқ давлатининг пойтахти ва кейинроқ Оқ Урданинг пойтахти бўлган. Урусхон давридан бошлаб эса Олтин Урданинг пойтахтларидан бири бўлган (қаранг: Камалиддинов Ш. С. «Китаб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалқарима ибн Мухаммада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, «Фан», 1993, с.117).
364. Бу Идику мангит қабиласидан бўлиб, Олтин Урда ўзбекларидан эди. Рус адабиётида у Едигей номи билан маълум. Юқорида эслатилган Идику Барлос бошқа шахс бўлиб, у Мовароуннахр барлосларидандир.
365. 24 йағоч қарийб 144 км ни ташкил қилади (1 йағоч — 5985 м).
366. Ғажирчи — йўл кўрсатувчи ҳақида яна 135-низоҳга қаранг.
Форсча матида «саккиз кундан сўнг» деган иборалар йўқ (қаранг: «Зафарнома», Танқидий мати, 1596-саҳифа, 5-сатр).
367. Темур Малик Ўғлон — Урусхоннинг тўрт ўғлининг тирик қолган охиригиси, у Олтин Урдада 1376 йил охиридан 1378 йилгача хонлик қилган.
368. Ўша пайтдаги одат бўйича бирор бек, амир бирор ҳокимга хизматга борса, унинг йиғитлари ва уруғи ҳам бирга борганлар. Шунга кўра Туман Темур Ўзбек ҳам соҳибқирон лашкарига ўз одамлари билан келгани шубҳасиз. Бу эса дашт ўзбеклари билан чигатойлар чамбарчас боғланганликларини яна бир бор исботлайди.
369. Амир соҳибқироннинг бу ерда номи эслатилмаган 1377.08.20 тарихда туғилган ўгли Шоҳрух мирзо эди.
370. Олтин Урда Амир соҳибқироннинг хавфли рақибни эди. Шу сабабли у ерга хонликка ўзининг йўқлиги уруғидан ишончли одамини қўйиш унинг мақсади ва режаларига мувофиқ эди. Шунинг учун у Тўхтамиш бир неча марта рақибларидан енгилганига қарамай Амир унга ишониб, ҳар гал катта сарфлар билан унга лашкар жиҳозлаб берган.
371. Одатда Амир Темурнинг Россиядаги муҳолифлари унинг Хоразмга қилган юришлари ҳеч қандай сабабсиз ва боқинчилик юришлари эди деб кўрсатишга уринадилар. Бу юришларнинг асли моҳияти бутунлай ўзгача эканлиги бу асардан ва унинг айниқса шу ердан яққол аниқланади.
372. Ўша пайт Туман оғо II ёшларда эди (юқорида 38а-саҳифага қаранг).
373. Эски Ўкуз — Амударёнинг қўйи оқимида Котдан сўнг ажралиб, Гурландан ғарброқдан ўтган ўзани. XIII асрда бу ўзан қуриган.
Ўкуз — Амударёнинг қадимги хоразмча номи. Шундан дарёнинг қадимги юнонча номи Оксус келиб чиқади.
374. Хоразм қалъаси деб Гурганч (Кўҳна Урганч) назарда тутиляпти. Шаҳарни Чингизхон байрон қилган бўлса ҳам тезда ўзини тиклаб олган ва Темур даврига келиб яна пойтахт бўлиб турган эди (қаранг: Бартольд В. В. Туркестан ва эпоху монгольского нашествия. — Сочинения, т.1, с.524—252).
375. Форсча матида ҳақиқатан ҳам «харбуза» — қовун дейилган. Лекин В. В. Бартольд бу сўзни «арбуз» — тарвуз — деб тушунган (қаранг: Бартольд В. В. Улутбек и его время. — Сочинения, т. II, часть 2, с.52).
376. Дарбоши — дарвозалар бошлиғи.
377. Юқорида бу воқеадан уч кун аввал Термиздан «янги қовун», яъни чиллаки қовун (агар ҳандалак бўлмаса) келтирилганини эсласак, бу воқеа 1379 йилнинг июл ойининг ўрталарида юз берганини биламиз.
378. Олимнинг тўлиқ исми Сам'онийга ва форсча матига кўра тузатилди (қаранг: Камалиддинов Ш. С. «Китаб ал-ансаб» ас-Сам'ани, с.156; «Зафарнома», Танқидий мати, 163а-саҳифа). Муҳаммад Алида квадрат қавсдаги номларн ўрнига фақат Абдураҳмон келтирилган ва бу ном кейинги олимнинг исми билан чалкаштирилган кўринади.
Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн Наср ибн Хумайд ал-Кашший (вафоти ҳ.249/863 йил) — кешлик машҳур муҳаддис, тафсирич ва ҳанафий фақиҳ; кўп шогирдлари бўлгани, бир неча асар ёзгани маълум.
379. Бу олимнинг исми Сам'онийга кўра тўзатилди.
Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Дорамий ас-Самарқандий (ҳ.181/797 й. — ҳ.255/869 й.) — самарқандлик машҳур муҳаддис, фақиҳ ва тафсирич; араб мамлакатларида бўлган, фиқҳ ва ҳадисларга оид 4 асар ёзган (қаранг: Камалиддинов Ш. С., с.156).
380. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмомил ал-Бухорий (ҳ.194./810 й. — ҳ.256/870 й.) — ўрта асрлардаги энг машҳур муҳаддис, «Ал-Йомин' ас-Саҳиҳ», яъни «Саҳиҳи Бухо-

- рий»нинг муаллифи. Бу асар ҳозирги кунгача Ислом дунёсида Қуръондан кейин иккинчи ишончли китоб ҳисобланади. У ҳадис, фиқҳ, тарих ва адабга тааллуқли 15 га яқин асар ёзган; Хуросон, Ироқ, Сурия, Ҳижоз ва Мисрда бўлган ва умрининг охирида ватанига қайтиб келиб, Самарқанд яқинидаги Ҳартанг қишлоғида вафот этган ва ўша ерга қўмилган. У бирор муддат Насафининг Поён маҳалласида яшаганлиги маълум. Келиб чиқиши бўйича Бухоро суғдларидан бўлган.
381. Абул-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Нинопурий — IX асрда яшаган муҳаддис, фақиҳ ва адиб.
 382. Сичен — қадимги туркчада маймун.
 383. Ҳар бир қўшунда 500 аскар борлигини назарда тутсақ, 50 қўшун аскарларининг сони 25000 киши бўлади ва унинг қўмондони 14 яшар бола эканлигини эътиборга олинг.
 384. Бадгис (ёки Бадхис) — Туркменистоннинг жанубида Қушк билан Тошкўприк орасидаги чўл.
 385. 1380 йил Ҳутнинг 15-куни — 4 март.
 386. Демак, Амир Амударёдан Керки кечикдан ўтган. Андхуд ҳақида 52-изоҳга қаранг.
 387. Марваруд — Афғонистоннинг Туркменистон билан чегарасида Мурғоб дарёси бўйидаги шаҳар. Ҳозирги номи Марвчак.
 388. Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тайободий — соҳибқироннинг пирларидан бири, асли Ҳирот — Машҳад йўлидаги кичик шаҳарчадан. Ҳозир у Эроннинг Афғонистон чегараси яқинидаги Тейебет кентидир.
 389. Фушанж ёки Бушанж — Ҳиротдан 60 км ча гарбдаги ўрта аср шаҳри.
 390. Амир соҳибқирон айtilган бу шеърда у молпараст қилиб кўрсатилган. Бу хусусият унинг феълда йўқ эди, чунки кўплаб молу-мулкни аскарларига ва раъиятга улашиб берарди. Бундай шеър Шарафуддинда йўқ. Демак, бу шеър Муҳаммад Алининг ижоди бўлиб, бунда унинг молга ҳирси акс эттирилган.
 393. Абу Муслим — Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг Умавий халифаларга қарши қўзғалонини бошқарган машҳур қаҳрамон. Унинг бу қўзғалони натижасида халифалик 749 йили Аббосийлар сулоласига ўтди ва улар кейинчалик Абу Муслимни хойинларча ўлдирдилар. Унинг фаолияти асосан Марвда ўтган ва Тусда ўлдирилиб, ўша ерга қўмилган.
 394. Исфароин — ўрта асрларда Нишопурдан Жўржонга олиб борадиган йўлда Бўжнурдан жануброқдаги шаҳар. Бу шаҳардан жануби-ғарбга Жакарм тарафига иккинчи йўл ажралган. Ҳозир унинг фақат харобалари қолган.
 395. Юқорида матннинг 156 саҳифасига қаранг.
 396. Юқорида 209-, 312-изоҳларга қаранг.
 397. Қуръон. Бақара сураси, 156-оят.
 398. Соҳибқироннинг опаси Қўтлўқ Туркон ого ҳақида юқорида 186, 356 саҳифалар ва 165-, 226-изоҳларга қаранг.
 399. Алибек Жониқўрбони Туркман ҳақида юқорида 176, 18а ва кейинги саҳифалар ҳамда тегишли изоҳларга қаранг.
 400. Абивард (ёки Бовард) Урта асрларда Марвдан Насога (Ашхободга) бориш йўлидаги шаҳар. Ҳозир Ашхободдан 110 км шарқда ва Қаҳқаҳа темир йўл бекатидан бироз гарбдаги қишлоқ.
 401. Калот қалъасининг дарвозалари ичида машҳури шу Дарбанди Аргуншоҳ дарвозаси ҳисобланади. Одатда бу дарвозани баъзилар Эроннинг мўғул хони Аргун (1284—1291) билан ва кўпчилик Алибек Жониқўрбонинг отаси Аргуншоҳ билан боғлашади (қаранг: Бартольд В. В. Историко-географический обзор Ирана. — Сочинения, т. VII, с. 107).
 402. Қуръон. Йасин сураси, 9-оят.
 403. Яъни Ийгу Темур шу ерда ўлдирилди.
 404. Амирзода Султон Муҳаммад — аслида Муҳаммад Султон, Жаҳонгир мирзонинг ўгли.
 405. Яъни тўғри (тузук) йўлдан боришга қўймади.
 406. Демак, Амир соҳибқирон Қаҳқа (Қаҳқаҳа) қалъасини, Бартўлд айтганидек, янги қўрмаган, балки эски қалъасини таъмирлаган (қаранг: Бартольд В. В. Историко-географический обзор Ирана. — Сочинения, т. VII с. 107).
 407. Матннинг шу еридан аниқлашадикки, Темурнинг ўзи томонидан қўйилган улус хони Суюрғатмишхон оддий бек вазифасини бажарган ва хонлик шавкати ва азиматига эга бўлмаган.
 408. Ўрта асрларда Туршиз Хуросон ўлкасида Нишопур вилоятига кирувчи Пушт ноҳиясининг бош шаҳри бўлган. Ҳозир унинг номи Турбати Ҳайдария.
 409. Хобушон — ўрта асрларда Хуросон шимолидаги Устув ноҳиясининг бош шаҳри бўлган. Унинг ҳозирги номи Кучон ва у Ашхободдан 200 км ча жанубда жойлашган. Ясси Дабон — Ашхобод билан Кучон орасидаги тоғ довони.
 410. Нақаб — чигирнинг тури.
 411. Нағам — қалъанинг остидан уни ўпириш учун кавланадиган чуқурлар (русларда «подкон»).
 412. Оли Музаффар ёки Музаффарийлар (1313—1393) — Эрон ва Ироқда Ҳулогу улуси парчаланганидан сўнг Эроннинг жануби-ғарбида Форс вилоятида ҳокимиятни қўлга

- олган сулола. Бу сулоланинг асосчиси Шарафуддин ал-Музаффар аввалига Эроннинг муғул хони Газонхоннинг (1295—1304) хизматида бўлиб, Исфахон яқинидаги Майбул шаҳарчасининг ҳокими ва угли Муҳаммад Йазднинг ҳокими бўлган. Муҳаммад 1313 йили отасининг мулкани ҳам ўзига олади ва Эрондаги энг сунгги муғул хони Абу Саъид 1336 йили ўлдирилганидан сўнг Муҳаммад аввалига бутун Форс вилоятини ва кейинроқ Кермонни ҳам қўшиб олади ва пойтахтини Шерозга кўчиради. 1356 йилга келиб Муҳаммад Форс ва Ироқи Ажамнинг ҳокими бўлади ва Озарбайжонни қўлга киритиш учун Жалойирийлар билан курашади. Бироқ Амир Темур қудратига бўйсуниб, оқил иш қилади.
413. Мозандарон — Каспий денгизига жанубдан туташган ўлка, ўрмонзор ва ботқоқликлардан иборат. Унга жанубдан тоғли ўлка Демованд, шарқдан Гургон ва ғарбдан Дайлам ва Гилон туташади.
414. Кабуджомма — Мозандароннинг шарқий чеккасидаги туман.
Ругд — шу ноҳияда айланаси 4000 қадам бўлган мавзё (Бартольд В. В. — Сочинения, т. VII, с.222).
Шосмон — шу тумандаги яна бир кичик мавзё.
415. Амир соҳибқирон орада Калотда рўй берган ҳодисаларни эшитганидан сўнг орқага қайтишга мажбур бўлган ва Нишопурдан 50 км шимолда ва Калотдан 60 км ча ғарбдаги Радконда тўхтаган. Ҳозир бу шаҳар ўрнида кичкина қишлоқ бор. Шумулгон ва Жармиқон мавзёлари ҳозир сақланмаган.
416. Ўрта асрларда исён кўтариб, сўнг таслим бўлган йирик арбоб, одат бўйича бўйнига қиличчини осиб, қўлида кафан билан ҳокимнинг олдига чиққан.
417. Бу қўрилган бўлимдан аниқланишича, соҳибқироннинг Мозандаронни босиб олиш нияти бўлмаган. У фақат айрим шаҳар ҳокимларига танбех бериш билан кифояланган.
418. Пандех — тўлиқ шакли Панждех, яъни «беш қишлоқ» — Мурғоб дарёсининг ўнг ирмоғи бўйидаги мавзёлар ўрнида фақат Тахта Бозор шаҳри мавжуд.
419. Қусам ибн ал-Аббос аслида шахзода эмас, балки пайгамбар алайҳиссаломнинг амакиваччаси эди. У 676 йили Ислом лашкари билан газот қилиб Самарқандга келганида, қалъа деворидан бир одам унинг бошига тош ташлаб ўлдирган. Сўнг у ўлган ерида қўмилган. Кейинчалик бу ерда Шоҳи Зинда ансамбли шаклланган Бу ансамблнинг ҳозирги номи эса Шаҳид Зинда иборасининг бузилиб айтимишидир.
420. Бу жумладан уша пайтда, 1383 йил ёзигача ҳали Жета эли Исломни тула қабул қилмаганлиги кўринади.
421. Исси Қўл — Иссиққўл.
Куктуба — Иссиққўлдан шарқдаги Барака Ғуриён мавзёидаги (66а саҳифа, 335-изохга қаранг) Куктепа деган жой.
422. Сабзаворликлар Шайх Довуд Сабзаворий бошчилигида соҳибқиронга хоинлик қилганликлари ва у қўйган даругаси Тобон Баҳодурни ўлдирганликлари ҳамда унинг насиҳатиға қўлоқ солмаганликлари учун Амир уша даврининг одати бўйича шундай қаттиқ ва мудҳиш жазо чорасини кўришга мажбур бўлган.
423. Фароҳ — Ҳиротдан Сейистон пойтахти Заранжга боришда ярим йўлдаги йирик қалъа. Ҳозир ҳам у шу ном билан аталиб, Афғонистон таркибига киради. Шаҳар Фароҳруд дарёсининг шарқда жойлашган.
424. Риза ёки Жиза — Фароҳдан 70 км ча жанубдаги қалъа, ҳозир у сақланмаган.
425. Соҳибқироннинг сеистонликларга нисбатан бундай қаҳрининг сабаби — у 1362 йили бу ерда огир ярадор бўлганлигида эди.
426. Бу ерда Об дарёси назарда тутилаётгир. Амир Жетага қилган кейинги юришларида Ирғиш дарёсидан ўтиб Олтой ва Обгача етган эди. Бу ҳақда сарой муаррихлари яхши хабардор эдилар.
427. Бу бўлимда «шаҳар» деб Сеистоннинг бош шаҳри Заранж назарда тутилади.
428. Яъни қуёш.
429. Амирзода Али — соҳибқироннинг жиани.
430. Ғўл ёки қўл — лашкарнинг асосий қисми бўлиб, лашкар сафининг орқароғида турган.
Ҳир ёки ҳировул — лашкарнинг илғор гуруҳларидан бири.
431. Димор — илдиз; димор чиқармоқ — илдизини қуритмоқ, яъни йўқ қилмоқ.
432. Яъни Сеистонни ҳазратта тазарруъ қилиб келган Шоҳшоҳон Тожиддин Сеистонийга берди.
433. Буст — ўрта асрларда Сеистоннинг пойтахти Заранждан кейин иккинчи йирик шаҳри; пойтахтдан 250 км шарқда Ҳилманд дарёсининг иккала соҳилида жойлашган. Ҳозир у Афғонистоннинг жануби-ғарбидаги кичик шаҳарча.
434. Қалъайи Тоқ — ўрта асрларда Заранждан 50 км ча жанубда Ҳилманд дарёсининг чап соҳилида Қалъайи Фатҳ рўнарасидаги қалъа, 1383 йил охиридаги вайронагарчиликдан кейин у қайта тикланмаган.
435. Ҳирманд — Ҳилманд дарёсининг ўрта асрлардаги номи; ундан ҳам қадимроқдаги номи Ҳиндманд бўлган. Дарё Кобулдан биров ғарбдаги Пармон тоғ тизмаларида бошланиб, Заранж яқинидаги Ҳамун ботқоқлик ва қўлларига тушади.
436. Заранждан Бўстга икки йўл билан бориш мумкин эди: бири — Ҳаштруд бўйлаб тўғри

- шарққа йўналган, иккинчиси — жануброқдан Ҳирманд дарёси бўйлаб. Бу ерда иккинчи йўл танланган кўринади.
- Кўка Қалъа — шу кейинги йўналишдаги қалъа, ҳозир сақланмаган.
437. Кач ва Мекрон — ўрта асрларда Эрон билан Ҳиндистон чегараларидаги қалъа ва улка. Мекрон — ҳозирги Покистон ҳудудидаги Балужистоннинг тоғлиқ қисми. Кач — Мекроннинг гарбий чеккасидаги Дашт дарёсининг юқори оқимидаги қалъа.
438. Матннинг шу еридан кўринадики, Мироншоҳ бу юришда Ҳинд океани соҳилларига яқинлашиб қолган.
- Биз юқоридан биламизки, Туман Никударий аслида Амир соҳибқироннинг одамларидан эди ва Амир 1362 йили Сеистонда ярадор бўлганида унинг ҳузурида даволанган эди (юқорида 18 аб, 19 аб саҳифаларга қаранг).
439. Мамақтув — соҳибқиронни 1362 йили Сеистонга биринчи келишида ярадор қилган малъун (юқорида 19 аб, саҳифаларга қаранг).
440. Сулаймон тоғи — ҳозир Покистоннинг марказий қисмида Синд дарёсининг ўнг соҳилига туташган тоғлиқ улка.
- Матннинг шу еридан аниқланишича ва бошқа маълумотларга кўра ҳам афгонлар (матнда авгонлар) XIV асргача Сулаймон тоғлари ва унинг этакларида яшаганлар. Демак, улар аслида ҳиндистонлик булганлар. Бу ерда баён этилаётган давр — 1384 йил бошидан улар гарбга, ҳозир Афғонистон деб аталаётган ҳудудга силжий бошлаганлар ва шу сабабли улар соҳибқирон билан ёвлашганлар.
441. Қандаҳор — Афғонистоннинг жануби-шарқда Аргандоб билан Тарнак дарёси орасидаги шаҳар.
442. Қалот — Қандаҳордан 130 км шимолда Тарнак дарёсининг ўнг соҳилидаги шаҳар, Зобулистон вилоятига киради.
443. Бошқа манбаъларда Султон Маҳмуд Работи (Работи Султон Маҳмуд) ҳақида маълумот учратмадик. Эҳтимол, бу ном билан муаллиф Султон Маҳмуднинг пойтахти Ғазнада у барпо қилган работ назарда тутилаётгандир.
444. Зовулистон (Зобулистон) — Афғонистонда бош шаҳри Қалот булган вилоят.
445. Бу жумлалардан Темур ўз мулкида тафтиш, «узун қулоқлар» ишини жуда яхши йўлга қўйгани билинади.
446. Юқоридан биламизки, Хонзода — Оқ Суфийнинг қизи, аввал Жаҳонгир мирзога хотин булган эди. 1376 йили у мирао вафот этганидан сўнг у қачон Мироншоҳга теккани номаълум. Агар Халил Султон 1384 йил бошида тутилганини эътиборга олсак, Хонзодани Мироншоҳга 1382 йил атрофларида никоҳланган деб тахмин қилиш мумкин.
447. Насой ёки Насо — Ашхобод.
448. Дурун ёки Дарун — Ашхободдан Қизил Арватга бориш йўлида ҳозирги Баҳорден яқинида булган қалъа.
449. Деҳистон — ҳозирги Туркманистоннинг (Болқон яқин ўтмиш Красноводск эди) вилоятининг қадимги номи.
450. Эроннинг шимолида Журжон улкасидаги шу номли дарё.
451. Астробод — ўрта асрларда Эроннинг шимолидаги Журжон вилоятининг иккинчи шаҳри. Унинг ҳозирги номи Ғургон.
452. Домгон — Техрон — Нишопур йўлида Гургондан жанубдаги қадимги ва ҳозирги шаҳар.
453. Гардкўх — Рай шаҳридан шарқроқда тоғдаги қалъа.
454. Рай — Эроннинг шимолидаги қадимги шаҳарлардан. Унга мелоддан аввалги 300 йил атрофида Искандар Зулқарнайнинг сафдоши Селевк Никатор қалъа сифатида асос солган ва юнонча ном билан Райга айланган. Ўрта асрларда у йирик шаҳар булган. XIII асрдан Техроннинг аҳамияти ошабориб, Райнинг маъқеи йўқолаборган. Ҳозир у Техроннинг шарқдаги бир ноҳияси.
455. Рустамдор — Техрон ва Қазвиндан шимолда Шоҳруд (Сафедруд) дарёси атрофидаги тоғли вилоят.
456. 1336 йили Ҳулоғухон мулки емирилиб, Эрон бир неча давлатга парчаланганда Ироқ ва Гарбий Эронда турклашган мўғуллардан бўлмиш Жалойирлар ҳокимиятни қўлга олади. Шубҳасиз, булар Хўжанд жалойирларининг бир қисми бўлиб, Эрон ва Ироққа Ҳулоғу билан келганлар. Султон Шайх Аҳмад Увайс шу сулоладан тўртинчи султон эди.
457. Султония — Эроннинг шимолий гарбида Техрон — Табриз йўлидаги шаҳар. Унга XIII асрда Элхон Аргун даврида асос солиниб, XIV аср бошида Султон Улжайту даврида тугатилган ва шунинг учун Султония деб аталган. Улжайту Эроннинг пойтахтини шу шаҳарга кўчирган ва у Амир соҳибқирон давригача пойтахт бўлиб турди.
458. Табризга — VIII аср охирида халифа Ҳорун ар-Рашиднинг (786—809) хотини Зубайда Хотун томонидан асос солган. Аввалига у узоқ мuddат кичик шаҳар бўлиб турди ва XIII асрда мўғуллар даврида Эроннинг пойтахти бўлиб, улкан шаҳарга айланди. Амир Темур даврида у фақат Озарбайжоннинг пойтахти эди.
459. Омул — Эроннинг шимолида Каспий денгизидан қарийб 20 км масофадаги шаҳар.
460. Сори — Омуддан шарқроқда, денгиздан 30 км ча масофадаги шаҳар; Тажан номли дарёча бўйида жойлашган.

461. Халхол — Каспий денгизининг жануби-ғарбидаги вилоят ва шаҳар.
462. Муаллифнинг бу ерда келтирган сўзлари тула ҳақиқатдир. Ҳақиқатан ҳам Эрон элхонлардан сўнг майда мулкларга парчаланиб, ниҳоятда кучсизланган бўлиб, бу мулкларнинг ҳокимлари доим узаро рақобатда эди. Бу ҳокимлар ўртасидаги тўхтов-сиз жанглардан халқ, раёният ниҳоятда азият чекар эди. Тўхтамишнинг 1385 йил бошида Эроннинг шимоли-ғарбини торож қилиши Темурнинг ҳарбий-стратегик планларига анча ўзгартишлар киритди. Афтидан, Тўхтамишнинг бу хуружидан кейин Эрон ва унинг атрофида юз берган ҳарбий-сиёсий вазият Мовароуннаҳрнинг юқори доиралари орасида муҳокама қилинган кўринади. Шарафуддиннинг бу ерда кўюниб айтган сўзларини ўша муҳокаманинг матбуотда асқалиниши деб қаралмоғи керак. Ўша нойзда Тўхтамишга бирдан-бир қарши тураоладиган куч Темур эди. Амир соҳибқирон, агар авваллари Эроннинг шимоли ва жанубига асосан ўзининг эски душманларидан ўч олиш учун юриш қилган бўлса, энди Тўхтамишнинг айғоқ хуружидан сўнг унинг йирик ҳарбий юришининг олдини олиш мақсадида Эронни забт этишга қарор қилади. Акс ҳолда энди Тўхтамиш Эрондаги аҳволдан бутунлай хабардор бўлиб, уни босиб олиши ва Темур мулкига катта хавф солиши мумкин эди. Шарафуддин Али Яздий ва Муҳаммад Алининг айтишларича ҳам (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матч, 178 б саҳифа) Тўхтамишнинг мазкур юришигача соҳибқиронда бутун Эронни босиб олиш нияти бўлмаган. Бу ишга у фақат Тўхтамишнинг Табризга келиб ваҳшийларча вайронагарчиликлар қилганидан сўнггина бел болаган, чунки бу мамлакат унинг қўлига ўтиши Темур ва унинг мулки учун ўта хавфли эди.
463. Ферузқўх — Мозандароннинг шарқда тоғдаги мустаҳкам қалъа.
464. Лури Кучек — Кичик Лур — ғарбий Эрондаги Луристон ўлкасининг шимолий қисми; жанубий қисми Лури Бузург — Катта Лур деб аталади. Луристоннинг бу иккала қисми ўртасидаги чегара Оби Диз дарёси ҳисобланади. Кичик Лурнинг пойтахти — Хуррамобод.
465. Махоз ёки Махозе — Бағдоднинг шарқий чеккаси.
466. Наҳованд — ўрта асрларда Ҳамадондан 80 км ча жанубда Хуррамобод йўлидаги шаҳар. Ҳозир кичик шаҳарча.
467. Нахчивон XIV асрда мустақил хонлик бўлган.
468. Зиёулмулк — Нахчивондаги кичик кент.
469. Шанби Ғозон — XIII аср охирида Табриз яқинида Эроннинг мўғул хони Ғозонхон (1295—1304) томонидан барпо қилинган шаҳарча. Ғозонхоннинг мақбараси шу шаҳарчададир.
470. Арас суви — Аракс дарёси.
471. Фореча матида кўпрукнинг номи Зиёулмулк дейилган (1796 саҳифа).
472. Бир қари бир шаръий газга, яъни 0,453 см тенг эканлигини эътиборга олсак, тоқнинг кенлиги 27 м ортиқ бўлади. Арас дарёсидаги бу қўшдарвоза кўпрук ҳозир сақланмаган ва ўрни ҳам аниқ маълум эмас.
473. Қарс — шу номли дарё бўйидаги қалъа, ҳозир у Туркиянинг шимоли-шарқидаги кичик шаҳар.
474. Яъни деворлари тошдан эди.
475. Қуръон. Анфол сураси, 65-оят.
476. Оврупалик муаррихлар Амир Темурнинг кўп урушлари сабабсиз бўлган деб кўрсатадилар. Лекин ўрта асрларда Ислом дунёсида ҳам, бошқа динлар ҳукмрон бўлган мамлакатда ҳам теократик тузумлар ҳукм сургани учун у мамлакатлар олиб борган урушларни дин ақидалари билан оқлаш ўша давр учун объектив ҳақиқат эди. Шунинг учун бизнинг муаллиф Аминнинг Гуржистонга юришини Қуръон ояти билан асослаётти. Лекин бу юришнинг бошқа асоси ҳам бор эди. Бу ерда васф этилаётган воқеалардан анча авваллардан ҳам гуржи подшоҳлари Гуржистон ерларини бирлаштираолганларидан сўнг албатта қўшни давлатларга таҳдид солиб, зугум қилар эдилар. XIV аср охиригича келиб Гуржистон яна кучая бошлаган ва гуржилар Шимолий Озарбайжоннинг Ғанжа ва Шеки булуқларининг баъзи ерларини тортиб олган эдилар. Майда булақларга парчаланиб ётган Озарбайжон мусулмонлари устида гуржи истилоси хавфи туғилиб қолган эди. Темурнинг Гуржистонга юриши шу хавфнинг олдини олди.
477. Совет давригача Гуржистон пойтахти Тифлис деб аталарди.
478. Қуръон. Тавба сураси, 14-оят.
479. Қуръон. Бақара сураси, 191-оят.
480. Қуръон. Оли Имрон сураси, 197-оят.
481. Малик Буқрот деб муаллиф бу ерда аниқ бир гуржи подшоҳини назарда тутмай, балки Исломни қабул қилган Бағратиони сулоласи подшоҳларидан бирини айтаятган кўринади.
482. Қуръон. Таквир сураси, 5-оят.
483. Амир Темур Гуржистонда қўллаган, бу майдонни аскар билан ўраб, овлаш усулидан кейинроқ ҳам фойдаланади. Кейинчалик бу ов усули Темурийлар учун одат тусига кириб қолади. Ундан Бобур кўпроқ Ҳиндистонда фойдаланади.
484. Ҳозирги Озарбайжон Республикаси таркибидagi Қорабоғ Автоном вилоятининг ҳозиргилан бироз кенг ҳудудини қадимги римликлар Албания ва арманлар Агванк

- дер эдилар. Бу ерлар Ислом мамлакатлари таркибига кирганидан сўнг у Аррон деб атала бошлади. Бу ном Амир Темур давригача сақланди. Соҳибқирон бу ерни севиб қолиб, 1394 йилдан то 1404 йилгача кўп марта унда қишлади ва у Арронни ўз ватанидаги (Қарши яқинидаги) Қорабоғга ўхшатиб, шу ном билан атаган деган фикр бор.
485. Шеки — Озарбайжоннинг шимолида Мингечаурдан 50 км масофадаги шаҳар; Амир Темур даврида пойтахти шу шаҳар бўлган вилоят алоҳида беклик булган.
 486. Лаклар — Доғистон халқларидан бири.
 487. Тангут, ёки Тангут — аслида мўғул истилосигача Хитойнинг гарбида бўлган давлат. Чингизхон 1225 йили бу давлатни йўқ қилиб, аҳолисининг кўп қисмини қирган ва қолганларини мўғул аймақларига бўлашиб берган. Уларнинг бир қисми мўғуллар билан Доғистонга келиб қолиб, XIV аср охирида алоҳида вилоятда яшаган куринади.
 488. Албурз кўҳи — Элбурс тоғи, шимолий Кавказдаги чўққи.
 489. Қабала — балки Қабардадир?
 490. Кур суви — Кура дарёси.
 491. Бардаъ ёки Бардаъа — ўрта асрларда Арроннинг пойтахти, йирик шаҳар булган. Ҳозир Озарбайжоннинг Мингечаур шаҳридан 45 км жанубда Тертер дарёси бўйидаги шаҳарча.
 492. Қуръон. Наҳл сураси, 125-оят.
 493. Ширвон — ўрта асрларда Кура дарёси билан Каспий оралигидаги алоҳида ўлка, унинг ҳокимлари Ширвоншоҳлар булган.
 494. Гилонот ёки Гилон — ўрта асрларда Каспийнинг жануби-гарбида Ширвондан жанубдаги ўлка. Ҳозир Эроннинг шимоли-гарбида шу номли остон, бош шаҳри — Решт.
 495. Ардабил — Жанубий Озарбайжонда Табриздан гарброқдаги шаҳар.
 496. Дарбанд йўли — Каспийнинг гарбий соҳили бўйлаб ўтган қадимги йўл.
 497. Бу келтирилган бекларнинг сўзлари Тўхтаминхон Амир Темурнинг вассали-тобеъи бўлганини яна бир бор исботлайди.
 498. Кўкча тенгиз — Урмия кўли.
 499. Шохрух мирзо бу пайт 10 ёшга тўлган эди (юқорида 73а саҳифага қаранг).
 500. Амирозда Халил Султон — Мироншоҳ ўғли бу пайт уч яшар эди (қаранг: юқорида 91а саҳифа, 44б-изоҳ).
 501. Шамоҳа — Шимолий Озарбайжонда Сумгаитдан 100 км ча гарбдаги шаҳар. Маранд — Жанубий Озарбайжонда Табриздан 30 км ча шимоли-гарбдаги шаҳар. Бир-биридан анча узоқ бўлган икки шаҳарни бирлаштириб айтилиши сабаби бизга номаълум.
 502. Аланчўқ — Арарат тоғидан жанубдаги қалъа. Ҳозир сақланмаган.
 503. Боязид қалъаси — Арарат тоғидан жануби-гарбда жойлашган, Ҳозир Туркиянинг шимоли-шарқидagi Дўғубозит шаҳарчаси.
 504. Ҳижоз — Арабистон яриморалининг гарбида, Макка ва Мадинани ўз ичига олган тоғли муқаддас ўлка.
 505. Олатоғ — Кичик Осиёнинг шарқидa Ван кўлидан шимолдаги тоғ. Ҳозир Туркиядаги Аладоғ.
 506. Увник ёки Авник — Шарқий Анатўлияда Арзирум яқинидаги қалъа.
 507. Арзирум — Кичик Осиёнинг шарқидaги йирик шаҳар, унга Византия (Рум) императори Феодосий II (408—450) асос солган. Араблар ўрта асрларда уни Қалиқала ҳам деганлар.
 508. Чиечур суви — Арзирум яқинидан ўтган Қорасув дарёси қадимги номининг бузилиб айтилиши бўлса керак. Ёки шу дарё Чакчўр шаҳри ёнидан ўтгани учун, ўрта асрлардаги одат бўйича, дарё номини шаҳар номи билан боғланаётгандир.
 509. Арзинжон — Шарқий Анатўлияда Арзирум билан Трабзун оралигидаги шаҳар.
 510. Тахуртан — Арзинжоннинг мустақил амири. Амир Темур бу ерга келгунига қадар у султон Боязид Йилдиримнинг келишидан қўрқиб турарди, чунки агар у Арзинжонга келса, Тахуртанинг мулкани бутурилай олиб қўйиши мумкин эди. Шунинг учун бу зийрак арбоб 1387 йили амир Темурга ўз хоҳиши билан бўйсуниб, мулкани сақлаб қолди. Соҳибқиронга ҳам мулканинг чегарасида содиқ маҳаллий амирнинг Арзинжонда бўлиши ниҳоятда қулай ва мақсадга мувофиқ эди.
 511. Эронда мўғуллар салтанатининг парчаланиб бориши натижасида Ван ва Урмия кўлларида шимолда туркманларнинг иваи уругидан келиб чиққан Қорақўйту қабила бирикмаси Қора Муҳаммад Турмуш бошчилигида 1380 йили мустақил бўлиб олади. Қора Муҳаммад уғиллари Миср ва Қора Юсуфни жангларга юбориб, Шарқий Анатўлия ва Озарбайжонни талаб, ҳукмини ўтказиб олади. Бахтига қарши Қора Муҳаммад соҳибқиронга қарши чиқади, ва зарба еб, қочишга мажбур бўлади.
 513. Ахлот — ўрта асрларда Ван кўлининг шимолидаги йирик қалъа, Ҳозир кичик шаҳарча.
 512. Муш — ўрта асрларда Ван кўлининг шимолидаги йирик қалъа, Ҳозир кичик шаҳарча.
 514. Одилжавоз (Адилжеваз) — Ван кўлининг шимолий соҳилида Ахлотдан шарқроқдаги шаҳарча.

515. Охирги гал форсча матида бундай: «... кўлини йақолаб, Бандимоҳидин тамоми лашкар бида ўтуб, Олатогда Абақа Сарой мургзорида ҳумоюн ўтрукқа қўшудди» (186а саҳифа, 15-16-сатрлар). Демак, бундан кўринадики, Абақа Сарой мургзори Аладоғни-нг этагида экан.
- Бу ерда эслатилган Бандимоҳи Ван кўлининг шимолига Олатогдан келиб тушадиган дарёча.
516. Ван ва Вастон — Ван кўлининг шарқидаги қалъалар.
517. «... гурра бўлиб» — мағрурланиб демакдир.
518. Бу ерда тарихий персонаж, мелоддан аввалги иккинчи минг йилликда ҳукм сурган Ассурия подшоҳи Шамшиадад билан афсонавий араб қабилиси Од қориштирилган.
519. Салмос — Эронда Урмия кўлидан 20 км гарбдаги шаҳар.
520. Форсча матида «Урмия туркининг ҳоқими» урнига «Урмия ҳоқими Тезак» дейилган (187а саҳифа, 10-сатр). Урмия вилояти — шу номли кўлга шарқдан тутанган вилоят; бош шаҳри Марога бўлган.
521. Гилон ҳақида 413, 494-изоҳларга қаранг.
522. Шоҳ Шужоъ ва Оли Музаффар ҳақида 412-изоҳга қаранг.
523. Қуръон. Оли Имрон сураси, 26-оят.
524. Қуръон. Оли Имрон сураси, 26-оят.
525. Қуръон. Юнус сураси, 25-оят.
526. Қуръон. Исро сураси, 77-оят.
527. Қуръон. Сажда сураси, 17-оят.
528. Қуръон. Фажр сураси, 28-оят.
529. Бу ерда дуо келтирилган, маъноси: «Сизнинг иноятингиз сояси остида Аллоҳ унинг умрини узун қилсун».
530. Бу ерда ҳадис келтирилган, маъноси: «Аҳднинг фазилати иймондандур».
531. Қуръон. Йасин сураси, 26-оят.
532. Қуръон. Аҳзоб сураси, 12-оят.
533. Бу ерда Ироқ деб Араб Ироқи эмас, Ажам Ироқи, яъни Ҳамадон атрофи ва ундан жануброқдаги ерлар назарда тутиляпти.
534. Рай тарафидаги Сарикҳамиш — Техрон, Семнон билан Қум кўли оралиғидаги ерлар.
535. Ҳарбодиқон — Исфаҳондан 75 км шимоли-гарбдаги шаҳар, ҳозирги номи Гулпойгон.
536. Табарак қалъаси Исфаҳондан ташқари Райда ҳам бўлган.
537. Қуръон. Мудассир сураси, 31-оят.
538. Форсча матида шу охирги сўздан сўнг ва «дахл» сўзидан аввал «Техрондан шаҳар ичида унинг аскарлари бор эди» жумласи келтирилган (189а саҳифа, 21-сатр).
539. Қуръон. Анфол сураси: 42-оят.
540. Амир Темурнинг ҳозирги замондаги душманлари, ҳатто бирга ишлаб, орамизда юрганлари ҳам, соҳибқиронга айб қўйишда одатда Исфаҳондаги қирғинни дастак қиладилар ва ҳозирги замон гуманизми нуқтаи назаридан ваъзлар айтиб, Темурга нисбатан нафрат уйғотишга интиладилар. Бу шахслар, биринчидан, ўша давр тарихий муҳитини билмайдилар ва, иккинчидан, Темурни билмайдилар. У кишилар ўзларининг «инсонпарварлик» кўзёшларини асосан совет даврида ва ундан биров аввал Россия империяси даврида тўқдилар. Лекин улар ваҳший Ермак Сибир татарларини қиргани ва бундан Ирғиш дарёси қип-қизил қон бўлиб оққанини билсалар ҳам негадир чурқ этмайдилар. «Буюк саркардалари» Суворов Қора денгизнинг шимоли-ғарбида ҳозирги Одесса вилояти ва Молдовада яшаган ва тарихда Бужақ татарлари деб маълум бўлган бутун бир халқни қатли омм қилиб йўқ қилгани ҳақида ҳам негадир ҳеч эсламайдилар. Энг инсонпарвар деб ҳисобланган Советларнинг аскарлари бир миллиондан ортиқ афгоннинг ёстигини қуритганини қандай баҳолаш мумкин? Ахир бу XX асрнинг охирги чорагида, дунёдаги ҳамма оқ-қорани таниб бўлган пайтдаги йиртқиқлик-ку. Ҳозирги кунда ҳам ҳоҳ Афғонистон бўлсин, ҳоҳ Тожикистон, Гуржистон, Чеченистон ё Озарбайжон бўлсин, юзлаб ва минглаб одамлар ўлдирилишига кўпчилик бефарқ қараяпти.
- Бундан олти юз йил бурун эса асосий жанг кўроли қилич бўлиб, XX асрдаги узоқ масофадан туриб автомат билан тириллатишдан фарқли ўлароқ, душман билан бевосита рўпара туриб жанг қилинган. Ва каллаларнинг сапчадек узилиши жуда кенг тарқалган ва оддий бир нарса бўлган. Бу каллаларнинг Исфаҳондаги эгалари ақдан озиб, 3000 бегуноҳ мусулмоннинг бошини ноҳақлик билан танасидан узганларидан сўнг улардан ҳақли қасос олиш керак эди. Гуноҳга нисбатан қасос қандай ўлчамда бўлиши XIV асрда ҳам, ҳозир ҳам маълум эмас. Биз биламизки, совет аскарлари Афғонистонда мабодо уларга қараб бирор қишлоқдан бир ўқ узилса, бутун қишлоқ аҳолисини қатли омм қилганлар, қиз ва аёлларини зўрлаганлар.
- Бироқ Амир Темур Қуръонни яхши билатуриб, ундаги «Ла йаҳиббу Аллоҳ золимина» («Аллоҳ золимларни севмайди») оятларини жуда яхши билган ва золимлик қилмасликка, ноҳақ қон тўкмасликка ҳаракат қилган. Лекин матндан кўриниб турибтики, бебок исфаҳонликларнинг қатлини Тангрининг ўзи истаган.
541. Алам — байроқ демакдир.
542. Форс вилоятида жойнинг номи чигатой туркчасида бўлиши ажабланарли. Бу жой-

- нинг асли форсча номи бошқача бўлиб, Тахти Қорача номи элхонийлар ёки чигатойлар орасида тарқалган бўлиши мумкин.
- Кейинчалик, 1398 йили баҳорида Темур Самарқанд яқинида Тахти Қорача номли улкан боғ ва қаср барпо этади ва бунинг машҳурлигидан Самарқанд билан Шаҳрисабз орасидаги тоғ давони Тахти Қорача деб аталади (қаранг: Ибн Аробшоқ. Амир Темур тарихи, 2-к. 83-саҳифа: Фасих Хавофи. Мужмалин фасихи, 119, 172-саҳифалар; Бартольд В. В. Сочинения, т II., (2), с. 61).
543. Кермон — Эроннинг жанубидаги вилоят ва шаҳар.
544. Сиржон — Кермондан 160 км жануби-шарқдаги шаҳар, ҳозирги номи Саййидобод.
545. Андигон — ҳозирги Андижоннинг эски номи. Лекин муаллиф бундан буюн фақат кейинги номни ишлатади.
546. Яъни душманининг сафларини ёриб ўтиб, унинг орқасида бўлиб қолган. Лекин бу Умаршайхни тутиш учун душман ишлатган ҳарбий тактика бўлиши ҳам мумкин.
547. Форсча матида мавзёнинг номи Чақишмиш (192а саҳифа). Матннинг маъносиغا кўра душман Андижонга Шарқий Туркистон орқали келган.
548. Ахсикат — Фарғона водийсининг ўрта асрлардаги пойтахти, Намангандан 15 км жануби-ғарбда, Косонсойнинг Сирдарёга қуйилиш ерида бўлган.
549. Кофуристон деб муаллиф бу ерда аниқ географик ё сиёсий бир ҳудудни айтаётгани йўқ, балки бу атамани «кофирлар юрти, Мугулистон» маъноларида ишлатаётти. Ўрта асрларда ва ҳатто яқин пайтларгача Кофуристон деб Афғонистоннинг Қобулдан шимолги шарқдаги қисми — Панжшер ва Қунар дарёлари оралигини аталган. Ҳозир бу ерлар Каписа, Лағмон ва Қунар вилоятларини ташкил қилади.
550. Бу мавзёнинг номини В. В. Бартольд Чукалак деб ўқийди ва Олма отадан қарийб 100 км шарқдаги Чилик шаҳри билан уйғунлаштирилади (қаранг: Бартольд В. В. сочинения, т. II (2), с. 72). Ҳолбуки, форсча матида «ба саҳрон Жукалак, ки ба панж фарсахи Утрор воқий аст ба жониби шарқий», яъни «Утрордан беш фарсах шарқда бўлган Жукалак саҳросида» (192а саҳифа) деб аниқ айтилади. Бир фарсах 5895 м эканлигини эътиборга олсак, Утрордан бор-йўғи қарийб 30 км шарқдаги чўл — бу Аридсан шимолроқдаги чўл бўлади. Чилик бу ерлардан салкам 800 км шарқдадир.
551. Кўйитан — Хўзор (Ғузор) билан Амударёдаги Калиф (ҳозирги Чоршанга яқинида) оралиғидаги Кўхитанг қишлоғи ва шу номли дарёча. Бу дарёча юқори оқимида Торқапчиғай ва қуйиригида Дарё деб аталади.
552. Саййид Шариф Жўржоний (1340—1413) — машҳур файласуф, олим ва мутафаккир. Тўлиқ номи Зайнулдин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ас-Саййид аш-Шариф Жўржоний. Жўржонда (Гургон) туғилиб, Ҳирот, Кермон ва Мисрда ўқиган. 1387 йилдан соҳибқирон вафотигача Самарқандда яшаган ва 1405 йили Шерозга келган ва шу ерда ўлган.
553. Бағди Амир — Форсда Абаркўҳ яқинидаги қалъа.
554. Абаркўҳ — Форс вилоятида Шероздан 180 км шимолдаги Абаркўҳ шаҳри. Ҳозир унинг ўрнида Зуберку номли кичик кент бор.
555. Шу охириги абзац форсча матида йўқ (1936 саҳифа), ва умуман Шарафуддин Темурнинг Хитойга Низомиддин Кошғарий бошчилигида элчилар юборгани ҳақида эълатмайди. Муҳаммад Али айтишича, бу элчилик Эронга юришдан, яъни уч йиллик юришдан олдин, яъни қарийб 1386 йил бошларида юборилган. Хитой императорларини турк қавмлари қадимдан Табғачхон ёки Табғач деганлар. Бу ерда Муҳаммад Али шу биринчи сўзин бироз бўзиб айтаяпти.
556. Бу ерда сўз бутун Хоразм юрти эмас, балки унинг пойтахти Урганч ҳақида кетаяпти.
557. Қуръон. Алақ сураси, 6-оят.
558. Дара ёки Дараи Ниҳом — Ҳисор тоғ чўққисидаги дара.
559. Дарвоз — Хутталоннинг шарқдаги мавзё.
560. Қифчоқ Дароқ Сарой — Хутталондаги мавзё.
561. Уқбай Бута — Хутталондаги давон.
562. Қуръон. Анфол сураси, 65-оят.
563. Аслида шундай — Муҳаммад Султон, Жаҳонгир мирзонинг икки ўғлидан бири, онаси Хонзода; Муҳаммад Али пемни Султон Муҳаммад шаклида келтирган.
564. Форсча матида тўйининг тарихи ҳам келтирилган — ҳижрий 790 йил (мелодий 1388 й.) (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 198а саҳифа, 4-сатр).
565. Форсча матида аниқроқ торих келтирилиб «Лу (балик) йили қиш бошида», (яъни 1388 йил декабрида) дейилган ва Тўхтамиш черикининг таркибида рус, черкас, булғор, қипчоқ, қирим, каффа, аллон ва азоқлар бўлганлиги айтилган (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 198а саҳифа, 13-14-сатрлар).
566. Соғарч — Самарқанддан 5 фарсах (30 км ча) масофада Иштихон яқинида, Зарафшон бўйидаги қишлоқ.
567. Ачук Зарнуқ — Самарқанд билан Утрор орасидаги йўлдаги қишлоқ.
568. Арабча мақол, маъноси: «Кеч қолиш — офатдир».
569. Эди Берди Бахший — Тўхтамишнинг йирик амири.
570. Арж суви — Сирдарёнинг Саброн яқинидаги ирмоғи.
571. Йасси — Туркистон шаҳрининг эски номи.

572. Сарик Ўзан — Етгисувдаги мавзё.
573. Оқсув — Чимкентдан Жаркентга олиб борувчи йўлда Меркедан шарқроқдаги мавзё, ҳозирги Беловодская.
574. Бу ерда Ўтрор билан Талос оралигидаги кичик мавзёлар эслатишган.
575. Баҳробод саҳроси — Сабзавордан шарқдаги саҳро.
576. «Қабаб» — «қамал қилиб» демакдир.
577. Семнон — Теҳрондан 200 км шарқдаги шаҳар.
578. Яъни ўт ёқиш манъ қилинади.
579. Форсча матнда шундай, ўзбекчада — қўрқма.
580. Олақул — ҳозир Қозоғистоннинг шарқда Толдиқўрғон ўлкасидаги қул.
581. Қуръон. Оли Имрон сураси, 195-оят.
582. Қуръон. Сафот сураси, 173-оят.
583. Форсча матнда шундай, Муҳаммад Алида — Қарочур (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 202 а саҳифа, 14-сатр).
Қароғучур — Қозоғистон шарқда Олақул ва Сассиққўлдан шимолда Аягуз дарёсининг юқори оқимидаги ерлар.
584. Иртиш дарёси Қароғучурдан қарийб 250 км масофада оқади.
585. Мазкур 30000 аскарнинг ярми Иртиш дарёсидан ҳозирги Шарқий Қозоғистон вилоятидаги Усть-Каменогорск шаҳри яқинида утиб, Олтойга яқинлашганлар.
586. Чурка ёки Черга — Зайсан қўлидан 40 км ча жанубдаги мавзё, ҳозирги номи — Акжар.
587. Эмил Ғучур — Шарқий Туркистон билан Қозоғистоннинг Чугучак яқинидаги чегарадош ерлари, Эмел дарёсининг ҳавзаси.
588. Йулдуз — Шарқий Туркистонда Или дарёсининг Кунгес ирмоғи бошланиш жойларида Улут Юлдуз ва Кичик Юлдуз дарёларининг водийси.
589. Дубшин Йулдуз — шу номли дарё водийсига Гулжа тарафдан ўтишдаги доvon.
590. Қаро Хожа — Турфондан 20 км шарқроқдаги қасаба. Форсча матнда шу ерда «Самарқанд билан Қаро Хожа орасидаги масофа уч ойлик қарвон йўлидир» деган жумлалар бор (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 2026 саҳифа, 20-21-сатрлар). Ўрта асрларда бир кунлик қарвон йўлини бир марҳала дейилган ва у қарийб 25 км ни ташкил қилган. Демак, уч ойлик қарвон йўли қарийб 2300 км ни ташкил қилади.
591. Кўкёр — Ёркентдан 100 км жанубдаги шаҳарча. Демак, бу гуруҳ Эмил Ғучурдан жануби-ғарбий йўналишда юрган.
Сугулғонлиг — Қашқардан 50 км жанубдаги шаҳарча, ҳозир номи Сугтуқ.
592. Шу ерда Муҳаммад Али форсча матндаги қуйидаги жумлаларни тушуриб қолдирган: «Яна бир гуруҳ амир Жаҳоншоҳ ва Шайх Али Баҳодур ўттиз минг киши билан Сунқур навқарни гажирчи этиб, тайинланган йўл билан бориб, Қаро Арт ва Шўргалукдин ўтуб, ҳар жойдаки йаъғиға еттилар, ўлдурдилар ва ғорат этдилар».
593. Сутқул — Гулжадан 80 км шимолдаги қул, ҳозирги номи Сайрам Нур. Демак, Чечанлик ҳам ўша атрофда бўлган.
594. Кайтув мавзёи — Эби Нур қўлига шарқдан қуйилувчи шу номли дарё ҳавзаси.
595. Мазкур ҳудудларда Қаро Булоқ мавзёи иккита бўлган: бири — Зайсан қўлидан 50 км жануби-шарқда, иккинчиси — Учтурфондан ғарбда, Товушқондаря бўйида бўлган. Буларнинг иккинчиси назарда тутилаётган қўринади.
596. Иккала матнда ҳам ном шундай — Қароташ. Ҳозирги хариталарда бундай ном қайд этилмаган. Балки Қароқош деб ўқилар, у ҳолда Хўтан яқинидаги шаҳарча бўлади.
597. Матннинг шу жойи ажаблантиради, чунки Қаҳлаға (ёки Қаҳлафа) қатъаси Сурхон воҳасида эканлигини биз юқоридан биламиз. Лекин бу ерда Кошғар яқинидаги жойлар тавсифланапти. Балки хаттот айби билан саҳв кетгандир.
598. Кошғар атрофида Учфармон номли шаҳар бўлмаган. Бу ерда Учтурфон ҳақида сўз кетаётганлиги аниқ.
599. Юқорида 588-изоҳга қаранг.
600. Бу ерда келтирилган тарих Самарқандга келиб тушиш куни эмас йўлга тушиш тарихини билдиради. Форсча матнда Самарқандга келиб тушиш тарихи еттинчи Рамазон (30.08.1389) деб кўрсатилган. (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 2056-саҳифа).
601. Фаркат (Фарқад, Барқад, Парқад) — Бухородан 27-30 км масофада Газли йўлидаги қишлоқ (қаранг: Сам'оний. Китоб ал-ансоб, 72-саҳифа).
602. Форсча матнда шу ўринда «ба лафзи форси» дейилган.
603. «Жаҳонгушо тарих» ёки «Тарихи жаҳонгушо» — машҳур тарихчи Аълоуддин Муҳаммад ал-Жувайнийнинг (1225—1283) тарихий асари; Хоразмшоҳларнинг ва мугулларнинг тарихига бағишланган. Шарофуддин ҳозирча ўзи фойдаланган адабийдан фақат шу асарни эслатади.
604. Бу келтирилган сўзлардан билинадики, ўша даврда битта Фаркат Қўлдаги қушларнинг ўзи ҳозирги бутун Марказий Осиёдаги қушлар сонидан кўп бўлган экан. Агар мазкур қўлдан ҳар ҳафтада эллик туяқуш овланган бўлса, ҳозир бутун Марказий Осиёдан бир ойда эллик туяқуш овлаб бўлмайди. Бир туяқуш юк камида 300 кг бўлади. Демак, бир ҳафтада Фаркат Қўлдан 15 тонна қуш овланган.
605. «Ўл қиш» — 1390 йил боши эди.

606. Султонбахт бегимнинг аввалги эри Муҳаммад Мирак қайнотасига сотқинлик қилгани учун 1388 йил баҳорда қатл қилинган эди (қаранг: 1076 — 108 а саҳифалар).
607. Темурнинг ўз онаси Такина Хотун кўп йиллар аввал қазо қилган эди. Қадоқ Хотун — отасининг иккинчи хотини эди.
608. Қашқадарёнинг қадимги асл номи Кашкруд эди. Кашк ўрнига Хашка деб ҳам талаффуз қилинган. Кейинчалик эса Хашка ўрнига Қашқа дейила бошлаган.
609. Форсчада бу ўринда бундай жумла келган: «От йили баҳорда, ҳижрий етти юз тўқсон иккинчи йилда (1390, баҳор) ҳумоюннузул бўлган Оқёрида «... катта қурултойга фармон қилди» («Зафарнома», Танқидий матн, 207а саҳифа).
Бу қурултойдан асосий мақсад — Тўхтамишхон масаласи эди. Соҳибқироннинг шу пайтгача олиб борган жангларида лашкарининг сони юз минг кишига етмаган ва кўпинча душманга нисбатан камроқ бўлган эди. Тўхтамиш билан бўладиган жангда лашкарининг сони ҳам аввалгидан зиёда бўлиши керак ва жиҳозланиши ҳам мукамалроқ бўлиши керак эди. Қурултойда ана шу масалалар ҳал қилинган.
610. Форсчада Тўқал Бавурчидан кейин Нусрат Қиморий ҳам эслатилган (2076 саҳифа, 5-сатр).
611. Кўктўба — Зайсан кўлига тушувчи Бўғоз дарёчаси бўйидаги мавзё.
612. Алмоғи — Гулжадан 15 км ғарбда Или дарёсининг ўнг соҳилидаги шаҳар, Турк ҳоқонларининг қадимги пойтахти.
613. Қаротол — Балхаш кўлига тушувчи шу номли дарёчанинг юқори оқимидаги кент.
614. Бу ерда Қамариддин баҳрин ҳақида сўз кетаётди.
615. Ичин Йувсин саҳроси — Зайсан кўли атрофидаги саҳролар.
616. Уғар Кечти — Зайсан кўлидан шимолроқда Иртиш дарёсининг чап соҳилидаги мавзё.
617. Тўлас — Тоғли Олтойда тўласлар (ёки телеслар) яшайдиган мавзё.
618. Саммур — сувсар, қоқум — оқсичқон.
619. Форсчада «Уша етти юз тўқсон иккинчи (1390) йил қузида» деб аниқ айtilган (208а саҳифа).
620. Порсин кентги номи Сам'оний ва Ёқут Ҳамавийда Порискас шаклида келтирилади (қаранг: Сам'оний. Китоб ал-ансоб, 109-саҳифа).
621. Қуръон. Исро сураси, 82-оят.
622. Яъни 1391 йил 19 февралдан 20-мартгача оралиқда.
623. «Бегимлар ва оғолар» — соҳибқирон оиласидаги аёллар.
624. Темурнинг энг кичик хотини Чўпон Мулк оғо ҳақида сўз кетаяпти.
625. Қаро Самон — Утрор яқинидаги мавзё.
626. Сариқ Узан — Қозогистоннинг Турғай вилоятида Сариққуна кўлига келиб қуйилувчи шу номли дарёча ҳавзаси.
627. Идику Ўзбек — Тўхтамишнинг бекларидан бўлиб, ўзбек уруғидан келиб чиққан. 1395 йилда Тўхтамишхон Амир Темурдан енгилганидан сўнг то 1419 йилгача хонлик тахтида турли хонлар алмашиб турган бўлса ҳам аслида ҳокимият Идиқунинг қўлида бўлади. У рус солномаларига Едигей номи билан кирган.
628. Улуг Тоғ — Жезқазғандан 100 км ча шимолроқдаги тоғ, ҳозирги номи Улугтау.
Иккинчи Жаҳон урушидан олдин, 30-йиллар охирида Жезқазғандан 50 км ча ғарбдаги Қарсақпай қони яқинида, Қарамўла тоғи ёнбағрида ёзувлик тош топилган. Ёзув икки тилда: арабча ва ўзбекча. Арабчасидан фақат «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» аниқ ўқилади. Уйғур ёзуви билан битилган ўзбекча ёзувда етти юз тўқсон учинчи йил, яъни 1391 йил ёзида Туроннинг султони Темур 200000 кишилик лашкари билан Тўхтамишга қарши юришга кетаётганлиги айtilган. Низомиддин Шомийда ёзув битилган куннинг тарихи — жумада аввалининг 23-куни, яъни 1391 йил 28-апрели, ҳам келтирилган (қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение, Изд-во АН ССР, М.:Л., 1950, с. 357). Лекин кейинчалик космонавтика эраси бошланиб, Бойқўнғур ўша жой яқинида бўлгани учун у жойлар беркитилди ва мазкур ёзувли тошнинг тақдирини ҳозир номаълум.
629. Йиланчуқ суви — Жезқазған вилоятининг шимоли-ғарбидаги Жиланшиқ дарёчаси.
630. Атоқабриғўй — Шимолий Қозогистонда Қустаной вилоятидаги мавзё.
631. Яъни чўлда.
632. Жумада охир оғи 1391 йили 6-майда шанба қуни бошланган. Бу ерда айtilаётган воқеа мазкур ёзув битилгандан кейинги душанбада рўй берган. Бу эса жумада аввал ойининг охириги душанбаси, яъни 3-майга тўғри келади.
633. Яъни васф қилиш қийин.
634. Султон Маҳмуд ибн Суюрғатмиш соҳибқироннинг ўзи томонидан қуйилган Чигатой улуси хони — «чўнтак» хони.
635. Муҳаммад Султон Баҳодур — Жаҳонгир мирзонинг ўғли.
636. Тубал суви — ҳозирги Тобол дарёси. Демак, лашкарининг шу пайтдаги жойини ҳозирги Қустаной атофларида бўлган.
637. Яъни яшириндилар.
638. Демак, Қустанойдан ғарбга қараб юриб, Урол дарёсига етганлар.
639. Урол дарёсидан кечиб ҳозирги Магнитогорск ва Верхнеуральск оралиғида бўлган.
640. Ийк — Кама дарёсининг ирмоғи, жанубдан шимолга қараб оқади, ҳозирги номи Ик.

641. Мамоқ — рус солномаларида Мамай деб юритилган, Олтин Ўрда бекларидан. Ўглининг номи форсча матида ҳам келтирилмаган.
642. Қуръон. Бақара сураси, 156-оят.
643. Бу сўзлар лашкар кутб ёзлари бўладиган жойларга етганидан далолат беради.
644. Қундузча — Самара шаҳридан шимолда Красний Яр шаҳрида Сок дарёси билан қўшиладиган шу номли дарё ёқасидаги мавзё. Бу мавзё дарёнинг юқори оқимида Нурлат ва Шетала шаҳарлари оралигида бўлган. Дарёнинг ҳозирги номи Кондурча.
645. Қуръоний ибора: «Хажар» сурасининг 87-оятда «*سابان مینال-ماسین*» («икки жуфтлардан еттига») дейилган.
646. Бу арабий иборанинг маъноси: «Истаган тарафинга юз ўтур, сен қолибсан». Бошиқа маибаъларда Саййид Барака уруидан олдин отидан тушиб, бир неча майда тошни олиб, душман тарафига отиб, «*Иааги қочти!*» деган.
647. Қуръон. Иброҳим сураси, 7-оят.
648. Қуръон. Талоқ сураси, 9-оят.
649. Атил суви — Волга дарёси.
650. Ўр Туба — Волганинг Толъяттидан шимолроқдаги соҳили.
651. Бу шеърнинг форсчаси бундай:

Гар бимонад ҳаёти мо боқий,
Ба кафф орим турки тақмоқий.

652. Бу ерда ҳиргоҳ деб ёғочдан ясалган ва кўчишларда бузилмайдиган уйлар назарда тутилган.
653. Бу ерда ўз утовини йўқотган киши уни бир-икки ойда ҳам тонаолмаслиги ҳақида сўз кетади. Албатта, бу гаплар лашкарнинг ҳарбий тартибда жангга кетаётган найти учун дахлдор эмас. Ҳарбий тартибда кетаётган замонда жангга алоқаси йўқ шахслар ўғруқда бўлиб, бу ҳарбийлардан бир-неча километр орқада бўлган. Тўхтамини устидан галабадан кейин эса хотиржамлик туфайли эркин юриш билан қайтилган. Ва бунда аскарлар билан ўғруқ аҳллари жумладан, «моҳнайкарлар» аралашиб кетган ва натижада бу одам ва ҳайвонлар ҳамда арвалар массаси бир печа юз километрга чўзилиб кетган. Агар Темур лашкарининг умумий сонни 200000 бўлганини ҳисобга олсак, асирлар ва турли хизматдагилар, ўғруқдагилар билан умумий одамларнинг сонни миллиондан ошиб кетган. Бунини де Клавихо ҳам эътироф этган (қarang: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд к двору Тимура (1403—1406). М.: Наука, 1990, с. 79). Ҳақиқатан ҳам битта катта шаҳардек тўплам орасидан бир ўтов кўришмай кетарди.
654. Форсчада «вилоятини» сўзидан кейин «Ғазини ва Кобул ва Зобулистондан то Ҳинд ва Қандаҳор ҳаддигача ва у вилоят атрофларидан то Синд дарёсигача» деб аниқлаштирилган (224а саҳифа).
655. Форсчада Ҳубби Хожадан аввал «Хусайн Суфий — Ғиёсуддин Тархоннинг ўғли» дейилган.
656. Қуръон. Сабъ сураси, 28-оят.
657. Қуръон. Оли Имрон сураси, 31-оят.
658. Бу қуръоний иборани иккала матидан ҳам аниқроқ ўқиб бўлмади.
659. Жуйи Зар — Шофиркон туманидаги ариқ ва мавзё.
660. Шаввол ойининг биринчи кўни, ийди рамазон эди.
661. Хабушон — Ашхободдан 120 км ча жанубдаги Хуросон шаҳри, ҳозирги номи Кучон.
662. Журжон суви — Гургон дарёчаси, Каспий денгизга жануби-шарқидан қуйилади.
663. Таранг тортилган камалақдан отилган ўқ камида 300 м масофага етишини эътиборга олсак, бу уч йўлнинг кенлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.
664. Омул — Каспий денгиздан қарийб 35 км жанубдаги шаҳар. Сори — ундан 60 км ча шарқдаги шаҳар. Бу икки шаҳар Мозандарон вилоятига кирарди. Моҳони Сер — Омулдан шимолда, денгиз бўйидаги шаҳар: «Тўрт яғоч» — 24 км ни танкил қилади. Соҳибқироннинг бу ерларга юришидан мақсад — Мозандаронда шигъа мазҳабидаги саййидлар ҳокимиятини қўлга олиб, пайгамбар сушасига энд улароқ суннийларни таъқиб қилаётганлари эди. Албатта Амир аввалига масалани тинч йўл билан ҳал қилишга уринади. Лекин бу уринишлар кор қилмагач куч ишлатилинга мажбур бўлади.
665. Бонги намоз — азон этиб намозга чақирини — Ислолдаги асосий вожибларидан ҳисобланади. Мозандарон саййидлари бонги намозни инкор этиб, Исломдан четлашганлар ва уни сохталаштирганлар.
666. «Ряъд отқучилар», аслида «ряъд» деб момақалдироқ билан бирга келган чақмоқни айтилади. Демак, бу ерда момақалдироқдек гўмбурлаб портловчи ва чақмоқдек оловли чақнагувчи қурол ҳақида сўз кетади. Бундай ҳодиса фақат порох портлаганида юз беради. Хитойлар ва улардан ўрганган мўғуллар порох билан XIII асрдан таниш эдилар. Туркий халқлар эса олтингугуртлик чақмоқ тошларни қадимдан билар эдилар. Бу ҳолда «ряъд отқучилар» — бомбанинг бирор турини портлатувчилар бўлиши мумкин. Порох ва энг содда тўплар XIV аср ўртасидаёқ бор эди.

667. Бу ерда Амир Темур Амударё кемачиларига Моҳон қалъасини денгиздан қамал қилиши буюрган. Чингизхон 1221 йил Хоразмнинг пойтахти Ғурганчини олганида бутун тўғонларни бузган ва натижада Амударё сувининг талай қисми мелод бошидагидек Каспийга қуйилган. Амуй (Чоржуй)даги кемачилар дарёдан денгизга бемалол ўтиб, қалъани қамал қилганлар.
668. Қўлаум дарёси деб Каспий денгизига айтиляпти.
669. Бу ерда ҳам Каспий денгизи билан Амударё туташганлигига далилат бор.
670. Шоҳрух мирзодан кейин номлари зикр қилинган икки амирзоданинг биринчиси Халил Султон — Мироншоҳ мирзонинг ўғли 1384 йили туғилган. Иккинчи амирзода — Рустам мирзо, Мироншоҳнинг ўғли. 1381 йили туғилган.
671. Шосмон мавзёи ҳақида юқорида 414-изохга қаранг.
672. Қўҳистон — Хуросон Қўҳистони. Қайин — Машҳаддан 300 км ча жанубда Руде Шўр дарёси бўйидаги шаҳар.
673. Тутак — Самарқанддан 15 км масофада, Шаҳрисабз йўлидаги мавзё.
674. Шодмон — Мовароуннуҳрдаги бир хил номлик иккита қалъанинг Самарқанд яқинидагиси, иккинчиси Хутталонда бўлган.
675. Жилувун — Ҷуржон вилоятининг шарқидаги мавзё.
676. Бу тарих 1393 йил 19 январга мос.
677. Ақарин — секин, оҳиста демакдир.
678. Соҳибқироннинг Дур Султон ого ва Нигор ого номли хотинларининг насаби бизга маълум эмас.
679. Шаҳриёр — Рўён ўлкасида Техрондан ғарбтоқдаги мавзё.
680. Қазвин — Техрондан 150 км шимол-ғарбдаги шаҳар.
681. Жимжимол — Султония билан Кермоншоҳ орасидаги мавзё.
682. Сонгур — Эроннинг ғарбда Кермоншоҳдан 60 км шимол-шарқдаги шаҳарча.
683. Бисутун — Кермоншоҳ билан Сонгур орасидаги тоғ. Шу тоғ қоясида Қадимги Эроннинг Аҳамонийлар сулоласидан учинчи шоҳи Доро I (м. а. 522—486) томондан қолдирилган тош ёзувлар мавжуд. У ёзувларда шоҳга бўйсунган халқлар орасида хорвзмликлар ва суғлар ҳам эслатилган. Тоғни Бехистун деб ҳам аталади.
684. Қуръон. Аъроф сураси, 34-оят.
685. Хузистон — Эроннинг жануби-ғарбдаги вилоят, пойтахти Аҳвот.
686. Бўружирд — Ҳамадондан 90 км жанубдаги шаҳар.
687. Ава — бу номли шаҳар Эронда иккита бўлган: бири Қазвин билан Ҳамадон орасидаги йўл ўртасида, иккинчиси Сава шаҳридан Қумга олиб борадиган йўлда ундан 30 км ча масофада бўлган. Бу ерда уларнинг иккинчиси назарда тутилади.
688. Қўшки Чупон — Авадан шимолтоқдаги шаҳар, ҳозирги номи Қўшқак.
689. Хуррамобод — Дуристондаги шаҳар, Бўружирддан 70 км ча жануби-ғарбда.
690. Тустар — ўрта асрларда Хузистондаги йирик шаҳар, Аҳвотдан 70 км ча шимолда. Ҳозир Шунтер деб аталади.
691. Зол суви — Қорун дарёсининг Тустар ақинидаги irmoғи.
692. Хувайза — Аҳвотдан 60 км шимол-ғарбда Диз дарёсининг бўйида жойлашган. Шаҳарнинг асли номи Дизгуд бўлиб, «қалъа кўприк» маъносини англатган.
694. Шопур Зул Актоф — Эроннинг Сосонийлар сулоласидан шаҳаншоҳи Шопур Иккинчидир, 310—379 йиллар ҳукм сурган. Форсча матида кўприк муфассалроқ таърифланган (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 232 аб саҳифалар).
695. Тустар шаҳри Қорун дарёсининг бўйида жойлашган. Афтидан, Шарафуддин шу дарёни Чаҳор Донга деб атапти.
696. Кермон ҳақида юқорида 543-изохга қаранг. Бу шаҳарни Бардасир ҳам дейилган.
697. Дехбид — Шероздан Йаздга бориш йўлида ундан 120 км ча масофадаги шаҳар. Марвиет — Дехбиддан 70 км ча шарқдаги шаҳар.
698. Истаҳр — ўрта асрларда Форс вилоятида шу номли туман ва унинг марказий шаҳри. Шаҳар Шероздан 70 км шимол-шарқда бўлган.
699. Сиржон ҳақида 544-изохга қаранг.
700. Фасо — Шероздан 125 км жануби-шарқдаги шаҳар, шу номдаги дарё бўйида жойлашган.
701. Варомин — Райдан (Техрондан) 60 км жануби-шарқдаги шаҳар.
702. Бу ерда ҳадис келтирилган, маъноси: «раҳм қилмаган раҳм кўрмайди».
703. «Тахаққ йили» — товўқ йили, «тахақу» ёки «тақагу» — қадимги туркчада товўқ демакдир.
704. Ром Ҳурмуз — Аҳвотдан 85 км шарқдаги шаҳар.
705. Ром Ҳурмуз суви — Жарроҳи дарёсининг шу шаҳар яқинидан ўтган irmoғи.
706. Бу маршрут Ром Ҳурмуздан шимол-ғарбга Тустар тарафига йўналган бўлгани учун Заҳра саҳроси, Аргун суви, Меҳон ва Ширин суви шу оралиқдаги мавзё ва irmoқлар бўлади.
707. Навбинжон — Шероздан 100 км ча ғарбдаги шаҳар, ҳозир сақланмаган.
708. Баҳром — Миррих (Марс)нинг форсча номи. Геоцентрик дунёқараш бўйича унинг сфераси Ой, Уторид, Зухра ва Кўёшникидан кейин бешинчи ҳисобланади.

709. Форсча матида «ва»дан кейин гап бундай тутаган «жумада аввал ойининг ўн тўртида, жумъа кунин бомдодиди (28.03.1393), бу товук йилига мувофиқ, Яқовимга етти» (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 2366 саҳифа, 15-сатр).
710. Бу ерда отларга махсус нўлат «тангалар»дан ясалган зирҳ (совут) кийдирилганлиги ҳақида сўз кетаёттир.
711. Нотила — Шоҳ Мансур билан Шероз яқинида жанг юз берган ер.
712. Форсча матида бу кишининг оти Одил Ахтачи (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 2376 саҳифа, 10-11-сатрлар).
713. Аллоҳод — соҳибқироннинг лашкар амирларидан, унинг асл исми Худододи (Худой-доди) Ҳусайний. Бу асарда ҳам, бошқа шу воқеаларга алоқадор асарларда ҳам унинг номи икки хил шаклда келтирилади.
714. Ҳазораи хосса ёки қавчинлар — соҳибқироннинг шахсий гвардияси. Улар жангда фақат Амрининг атрофида жанг қилганлар; умумий сони минг кишидан иборат бўлиб, мабодо улар орасида талаф бўлса, яна бошқа содиқ жангчилар ҳисобига уларнинг минг сони (ҳазора) тиклаб турилган.
715. «Мўғул дастури билан чирладилар», яъни мўғул одатига қўра жанг тутаганидан сўнг саф тортиб қийқириш демакдир. Бундан кўринадики, соҳибқирон мўғулларга қарши қалчалик курашган бўлмасин, ўша даврда, яъни XIV аср охирида ҳали мўғулларнинг Тўрондаги таъсири ва анъаналари сақланган. Асарда Амир мўғул дастурига «қўра амал қилгани» ҳақида бир неча марта айтилади.
716. Козерун — Шероздан 70 км ча ғарбдаги шаҳар.
717. Боғи Майдон — Шероз яқинидаги боғ.
718. Форсчада Ғиёсиддинни «амир Жақунинг акаси» («биродари бузурги амир Жақу») дейилган (239-саҳифа, 20-сатр).
719. Қумиша — Исфаҳондан 60 км ча жанубда бўлган ўрта асрлардаги шаҳар.
720. Дарбанд билан Боку изофада қўшилишига сабаб — Дарбанд Шамаха хонлигига қарам эди.
721. Бу айтилганлардан шу хулосага келиш мумкинки, Мироншоҳ мулкига Эроннинг Рай ва Астробод оралиғидаги ўрта меридианнинг ғарбидаги қисми кирган. Лекин бу мулкнинг ғарбда ҳам, шарқда ҳам аниқ чегараси бўлмаганлиги учун Мироншоҳ авлодлари билан Шоҳрух ўртасида Астробод ва Жўржон учун қиргин бўлиб турган.
722. Шарафуддин бу ерда келтираётган жуғрофий номлар асосан ғарбий Эрон ва Ироққа тегишли бўлиб, улар аслида форсча ё арабча бўлиши мумкин. Чунончи, Оқсой ҳам Сафедруд (Оби Сафед) номли дарёчаларнинг биридир.
723. Ғарбий Эронда Оқ Булоқ номли жойлар кўп бўлиб, бу ерда уларнинг Ҳамадондан 90 км ча шимолдагиси назарда тутилаёттир.
724. Қўра Қўрғон ва Ён Булоқ — Шаҳризур яқинидаги кичик мавзеълар.
725. Шаҳризаур — Ироқда Сирвон дарёсининг ирмоғи Танжаро бўйидаги ўрта асрлардаги шаҳар. Ҳозир унинг ўрни сув омборининг остида қолган.
726. Қўкарчин — кантарнинг эски туркча номи.
727. Ҳилла — Бағдоддан 90 км ча жанубдаги шаҳар, Қарбалодан 25 км жануби-шарқда жойлашган.
728. Қариятул Уқоб — Бағдоднинг жанубидаги қишлоқ, ҳозир шаҳар таркибидаги туман.
729. Қарбало — Бағдоддан 75 км жанубдаги шаҳар.
730. Ийбож Ўғлон — Жўчи наслидан бир зот.
731. Қарбало дағити ёки Дашти Қарбало — шаҳардан 50 км ча ғарбда бошланадиган саҳро, Ислом тарихида машҳур ва мангум шаҳар. Имом ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб Қарбало яқинида — шу даштда шаҳид қилинган.
732. Бу ерда ҳадис келтирилган, маъноси: «Аллоҳ муваффақ этгучидир, барча ишлар унга қайтади».
733. Восит — ўрта асрларда Ироқнинг жанубида шу номли шаҳар ва вилоят. Шаҳарнинг харобалари ас-Саъадия қўлининг ғарбий соҳилдан 10 км ча масофада.
734. Жағир — шароб, ичкилик. Шўни эътиборга олиш керакки, Ироқ аҳолиси қадимдан бери ҳурмодан ароққа ўхшаш оқранг кучли ичимлик (самогон) ясаганлар. Балки Амир Темурнинг манъ этиши шўнга тааллуқлидир ва бунинг узумдан ясалган мусалласга алоқаси йўқдир. Чунки Амрининг ўз саройида тантаналарда ҳатто хотинлар ҳам косалаб мусаллас ичганлар.
Шағт суви — бу ерда Дажла.
735. Барқуқ — Мисрнинг мамлуклар (қуллар) сулоласидан султони аз-Зоҳир Сайфулдин Барқуқ, 1382-1389 ва 1390—1399 йилларда ҳукм сурган. Бу мамлукларнинг барчаси Дашти Қиңчоқдан чиққан қиңчоқ турклари бўлиб, уларни Мисрга аввалига Хоразмдан, сўнг Олтин Ўрдан юбориларди.
Амир соҳибқирон 1393 йил кузига келиб Ироқни забт этганидан сўнг ғарбда Сурия билан, яъни мамлук султони Барқуқнинг мулки билан чегарадош бўлиб қолди. Бунинг устига Султон Аҳмад Жалойир Сурияга қочиб, Барқуқнинг наноҳида эди. Шўнинг учун Темурнинг Барқуққа мактубини биринчи дипломатик танбиҳ деб тушуномқ керак.
736. Тикрит — Бағдоддан 180 км ча шимолда Дажланинг ўнг соҳилидаги шаҳар.

737. Шу ерда Ироққа юришининг асосий мақсади аниқ ва равшан айтилган: йўлларни қароқчилардан тозалани ва мамлакатни муносиб ҳокимга топшириб, барча ерларда тула хавфсизликни ўрнатиш.
738. Амирнинг бундан кейинги маршрути Дажладан ғарбга йўналган ва Фуротнинг ўнг соҳилига ўтган кўринад.
739. Улуг кўл — Фуротнинг ўнг соҳилидан 10 км ча масофада Рамади ва ал-Фаллужа шаҳарлари оралигидаги ал-Ҳаббония кўли.
740. Она — Фурот дарёсининг 42° меридиан яқинида жануби-шарққа бурилиш ерида ўнг соҳилидаги шаҳар.
741. Мосул — Ироқнинг шимолида Дажланинг ўнг соҳилидаги шаҳар.
742. Ирбил — Мосулдан 90 км шарқдаги шаҳар.
743. Форсча матнда қалъанинг атрофида унинг буржларидан биланд бешта бурж ясалгани айтилган ва ҳар бир буржга мутасаддий бекаларнинг номлари келтирилган (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 2486-249а-саҳифалар).
744. Тикритлик Ҳасанбекнинг 1393 йилда Амир Темурга нисбатан сиёсати тикритлик Садам Ҳусайннинг 1991 йилда президент Бўша нисбатан сиёсати га жуда ўхшайди. Тикритликларнинг феъл-хўйи 600 йилда ҳам ўзгармас экан.
745. Қуръон. Қоръа сураси, 1-2-оятлар.
746. Қуръон. Қоръа сураси, 5-оят.
747. Дийрбакр — Кичик Осиёда Дажланинг юқори оқимида ўнг соҳилидаги шаҳар, ҳозир Туркиянинг жануби-шарқда.
748. Бу сузалар соҳибқирон юқори даражада инсонпарвар ва маърифатпарвар бўлганлигини билдиради.
749. Соҳибқирон муҳолифларнинг кўзини шамғалат қилиш учун кўпинча шундай чалғитувчи ҳарбий тактика қўллаган.
750. Тавуқ — Дажланинг ўрта оқимидаги йирик қўл ирмоғи. Лекин Киркукдан 60 км ча жанубда шу маънодаги Дақуқ деган шаҳарча ҳам мавжуд.
751. Киркук — Ироқнинг шимолида Бағдоддан 600 км ча масофадаги шаҳар.
752. Катта Зоб — Дажланинг Мосул билан Ирбил оралигидан ўтувчи йирик ирмоғи. Форсча матнда фақат «Об» — «сув» дейилган ва дарёнинг номи эслатилмаган (252а саҳифа).
753. Руҳа ёки Урфа — Кичик Осиёнинг жанубидаги қадимги шаҳар. Ҳозир Туркиянинг Урфа вилоятининг бош шаҳри.
754. Мардин — Урфадан 140 км ча шарқдаги шаҳар.
755. Раъсалъайн ўрта асрларда Суриянинг шимолида Хабур дарёси бўйидаги шаҳар, ҳозир Туркиянинг жануби-шарқда Сурияга чегарадош Ресюляйн шаҳри.
756. Ҳусайн — Дийрбакрдан 140 км ча шарқдаги шаҳар, ҳозир Туркиянинг жануби-шарқдаги Ҳусейни шаҳри.
757. Нимруд — ривоятларга кўра мелодан аввалги 2599—2480 йиллар Бобил подшоҳи бўлган.
758. Ҳисн Кайф — Дажланинг юқори оқимида унинг ўнг соҳилидаги шаҳар, ҳозир Туркияда Дийрбакрдан 110 км ча шарқдаги Ҳасанкейф шаҳри.
759. Арзин — Искандарун кўрфази яқинидаги шаҳар, ҳозирги номи Эрзин.
760. Ботмон — Дийрбакрдан 180 км шарқдаги шаҳар.
761. Жазира — Ироқнинг шимолида Фурот ва Дажла дарёлари оралиги.
762. Қуръон. Наҳл сураси, 127-оят.
763. Қуръон. Бақара сураси, 156-оят.
764. Эски Мосул — Дажланинг чап соҳилида қадимги Ниневиянинг харобалари.
765. Осиё мамлакатларидаги қадимги астрономик дунёқарашга кўра йил икки яримдан иборат бўлган: ёзги ва қишги яримлар. Ёзги ярим баҳорги тенгкўликдан кузги тенгкўликкача қолгани қишги ярим.
Бу ерда «аввал ёз» деб муаллиф март ойининг 21-идан бошланган кунларни айтаяпти.
766. Форсча матнда тўлиқроқ толиғ келтирилган (қаранг: «Зафарнома», Танқидий матн, 257а-саҳифа).
767. Майдон — Ван кўлидан 40 км ғарбдаги шаҳарча.
768. Шаҳарнинг номи уч хил булишига қарамай у тарихда асосан Омид (Амид) номи билан танилган.
Ола Тоқ (Олатог) — Ван кўлидан шимолдаги тоғ тизмаси.
769. Ўятиқ Сўфий — Хоразми Темур забт этунича у ерда ҳукм сурган Сўфийлар сулоласининг охириги намояндаси.
770. Миёфориқин — Дийрбакр билан Ботмон оралигида Дажланинг ўнг соҳилидаги ўрта аср шаҳри, уни Майфарқад ҳам дейилган. Аслида унинг ўрнида Византиянинг Миеллофлоракион деган шаҳри бўлган.
771. Саҳройи Муш — Ван кўлидан 70 км ча ғарбдаги Муш шаҳри атрофидаги чўллар.
772. Аланчуқ — шу номли қалъа Озарбайжонда Табриздан шимолроқда мавжуд. Лекин матнда Кичик Осиёда Ван кўлидан шимол ёки шимоли-ғарбдаги қалъа назарда тутиляпти.
773. Хуй — Эроннинг шимоли-ғарбида Урмия кўлидан шимолроқдаги шаҳар.
774. Яъни яра янгидан очилди.

775. Ойдин — ҳозирги Туркиянинг шимоли-шарқидagi шаҳарча.
776. Уч килиса — Еревандан ғарбдоқдаги шаҳар, арманлар учун муқаддас ҳисобланади. У ерда учта қадимги черков (килиса) бўлганлиги учун шундай аталган.
777. Арзинжон — Кичик Осиёда Фуротнинг юқори оқимида ўнг қирғоги яқинидаги шаҳар.
778. Авник — ўрта асрларда шарқий Анатолияда Арас дарёси бўйидаги қалъа.
779. Қусатог — Кичик Осиёнинг шарқида Сивас шаҳридан шимоли-шарқидagi тоғ.
780. Яъни «мўлжалидан».
781. Қуръон. Сафот сураси, 4-оят.
782. Шу ном фореча матиға кўра тикланди.
Ақуҗа (ёки Ағуҗа) помини муаллиф Месхетияга, яъни Жанубий Гуржистонга нисбатан айтаяпти. Балки бу ном шу ўлкадаги Ахалцихе шаҳри помининг туркча айтилишидир. Кейинча бу ерлик туркларни «ағуҗа турклари» ва «месхет турклари» деб аташди.
1646-47 йиллар Ахалцихеда бўлган турк сайёҳи Эвлия Челеби бу шаҳарнинг помини атрофда истиқомат қилувчи аҳоли Ахыҗқа, Ахықисқа, Ақсықа шақлларида айтилишини қайд этган (қарапг: Эвлия Челеби. Кинга пүтешествия. Выпүск 3. М.: Наука, 1983, с. 185).
783. Бу жумлалардан англашилшича, мирзо Иброҳим Султон мирзо Улғубекдан шамсий тўрт ойу 24 кунлик кичик экан. Табиийки, улар ҳар хил оналардан тутилганлар.
784. Мингкўл дашти — шарқий Анатўлияда Мурот дарёсидан шимолдаги Мингкўл шаҳри яқинидаги дашт. Шаҳарнинг ҳозир Туркиядаги номи Бингөл.
785. Мунадий — жарчи демақдир.
786. Қуръон. Нисо сураси, 95-оят.
787. Қуръон. Софот сураси, 173-оят.
788. Самур — Кавказда, ҳозирги Озарбайон билан Доғистон чегарасидаги дарё, Каспийга қуйилади.
789. Элбурзқўх — Элбурс тоғи.
790. Бу айтилганлардан кўринадики, 1395 йил февралнинг охирида амир Темурнинг Тўхтамишга қарши иккинчи юриши арафасида лашкарининг қароргоҳи Шимолий Кавказда, ўзининг ўрдуси Самур дарёси бўйида Каспийдан 30 км (беш йағоч) ғарбда бўлган. Лекин Элбурзқўх, яъни Элбурс тоғи ва шу номли чўққиси маазур ерлардан бир неча юз километр ғарбдадир. Демак, бу ерда муаллиф «Элбурзқўх» деб умуман Кавказ тоғ тизмаларини тушунапти.
791. Ажам мамлақати деб ўрта асрларда араблар тор маънода Эронни ва кенг маънода умуман араб эмаслар мамлақатларини тушунганлар.
792. Дарбад — Доғистонда Самурнинг Каспийга қуйилиш еридан 35 км ча шимолда денгиз соҳилидаги шаҳар бўлиб, у ҳам «Элбурзқўх»дан анча узоқдадир.
793. Қайтоғ — ҳозирги қайтақ элати, уларнинг келиб чиқishi мўғуллардан ҳисобланади.
794. Тарқи — Доғистонда Махачқаладан бироз жанубдаги кент. Ҳозир у темир йўл бекати.
795. Хуй суйи — Доғистонда ҳозирги Қўйсү, Сулоқнинг ирмоғи.
796. Севниж суйи — фореча нүсхада Оби Сунж (273а, 14) — Чеченистондан ўтган Сунжа дарёси, Гудермесдан шимолроқда Терек дарёсига қуйилади.
797. Тарак суйи — Терек дарёси.
798. Қурай суйи — ҳозирги Қабарда — Балқар АР ва Ставропол ўлкасининг жанубидаги Кўра дарёси.
799. Чўлот вилоятни деб шимолий Кавказнинг қайси жойи аталаётганини аниқлаб бўлмади.
800. Бу Аллоҳдод ё Худойдоди (Худодод) Ҳусайний эмас. Лекин муаллиф Худододни ҳам баъзан Аллоҳдод дейди.
801. Умаршайх Мирзонинг ўғли Рустам Мирзо 1381 йили тутилган эди ва Тўхтамишхон билан бўлган 1395 йил апрелининг ўртасидаги жанг вақтида энди 14 баҳорини кўрган эди. Мазкур жангда бу ёш йигитча йирик жасорат ва баҳодирлик кўрсатиб, ҳақиқатан ҳам, муаллиф айтганидек «атосининг отини еткурди», яъни отасининг поминга муносиб фарзанд бўлди.
802. Йағлибий баҳрини уруғидан бўлиб, баҳринлар асосан Иҗетада, яъни Мўғулистонда истиқомат қилардилар. Лекин уларнинг бир қисми Темурнинг лашкарида ҳам бор эди.
Бу ерда Йағлибий тилидан Дашт лашкарини «эранлар» дейилишини фақат сўз ўйини учун айтилган. Бу ерда у бундай аташи билан Темур лашкари устидан мазах қилапти, ва гўё ўзлари эркаклару булар урушига помуносиб, қўрқоқ деб ҳисоблапти.
803. Фореча матида шу ерда «ўзбек йигитлари» дейилган ибора ўрнида «баҳодирони ўзбек» дейилган (276б). Аслида бу ерда ўзбек улусининг баҳодирлари йигитлари ҳақида сўз кетаяпти, ва бу билан умуман Олтин Ўрда ва унинг баҳодирлари ҳақида сўз кетади. Ҳақиқатан ҳам ўрта аср муаллифлари «ўзбек улуси» деб Ўзбекхонининг улусини, яъни Олтин Ўрдани атаганлар. Чўпончи Муъиниддин Натанзий ўзининг «Мунтахаб аттавориҳи Муъиний» номли асарида «ўзбек улуси» (улуси ўзбек) иборасини фақат Олтин Ўрдага нисбатан XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб қўллайдди (қарапг: Extraits du Muntakhab al-tavarikh-i Mu'ini (Anonyme D'Iskandar), Publies par Zean Aubiddin.

Zibrairie Khayyam. Teheran, 1957, pp. 88, 91, 93, 94, 96-98, 101, 349, 350, 364, 365 etc.). Худди шунингдек, Мирзо Улуғбек ҳам ўзининг «Тўрт улус тарихи» номли асаридида «Ўзбек улуси» иборасини Ўзбекхон улусига — Олтин Ўрдага нисбатан ишлатади (қаранг: Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. В. Аҳмедов кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида. Форс тилидан Б. Аҳмедов, Н. Норқулов, М. Ҳасаний таржимаси. Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1994, 226, 227, 229-бетлар).

Бироқ Б. Аҳмедов ўзининг «Государство кочевых узбеков» деган китобида Ўзбек улуси деб, XIV асрнинг 80-йилларидан Оқ Ўрдани, яъни Волга ва Урал дарёси ва тоғидан шарқдаги ерлар аталган, деган хато фикрни олға суради (қаранг: Б. А. Аҳмедов. Государство кочевых узбеков. М.: «Наука», 1965, с. 38). Шу хатони у «Ўзбек улуси» деган китобида ҳам қайтаради (қаранг: Б. Аҳмедов. Ўзбек улуси. Тошкент, «Нур», 1992, 31 с.).

Ўкак — Саратов яқинида Волга бўйидаги шаҳар.

804. Булар жангали — Булғор ўрмонлари, яъни Каманинг Волгага қўйилиш еридаги ўрмонли ўлка. Демак, шунга қўра Ўкак мавзёи ҳам, Туратур гузари (кечки) ҳам Волгоград билан Қозон оралиғига мос келади.

805. Матнинг шу еригача тавсифидан аниқланадики, Терек бўйидаги жангдан сўнг Темур лашкари билан Волганинг ўнг соҳилидаги ерларда қолган. Демак, бу ҳолда Дашти Қишлоқ деб, бу ерда шу дарёнинг ўнг соҳилидаги ерларга нисбатан, яъни ҳозирги Россиянинг Волгоград, Саратов, Самара, Ульяновск областларининг ва Татаристоннинг ўнг соҳилидаги ерларига ҳамда Пенза области, Мордва ва Чувашистон ерларига нисбатан айтиляпти.

806. Матнга қўра Йўлуқлуқ Азуқлуқ мавзёи ҳозирги Волгоград областининг ҳудудларида бўлган.

807. Қародара — Жанубий Озарбайжондаги дареча.

808. Банди Моҳи — Қурдистондаги тоғ давони.

809. Ўзи суйи — Днепр дарёси (қаранг: Греков Б. Д., А. Ю. Якубовский. Золотая Орда и ее падение. М.:Л.: Изд-во АН СССР, 1950, с. 368).

810. Минкерман — қрим татарчасида Минг қўрғон демакдир. Шунга қўра бу мавзёи Днепрнинг қуйи оқимида бўлади.

811. Форсча матнда шу ерда «баъзи улуси ўзбек» (277 б.), яъни ўзбек улусининг бир қисми дейилган. Лекин қандай бўлишидан қатъий назар бу парча ўзбек улусининг, яъни ўзбекларнинг бир қисми Днепр бўйларида ҳам яшаганлигидан далолат беради.

812. Матнинг шу еридан Сарамдай (ёки Ҳарамдай) ўмоғи (форсчадан «улус») Днепр билан Дунайнинг қуйи оқимлари оралиғи эканлиги аниқлашади.

813. Исрайқа саҳроси деб бу ерда Қора денгизнинг гарбий соҳилида Дунайнинг қуйилиш еридан жанубдаги Бужоқ қумлик саҳроси назарда тутилади. Шуниси ажабланарлики, муаллиф бу ерда қадимги номи келтираяпти. Дунайнинг қадимги юнонча номи Истр бўлиб, мазкур қумлоқни қадимги юнонлар шу дарё билан боғлаб, Истрика деганлар. Шарафуддин шу номи шарқона талаффузга мослаштирган. Лекин бу сўз Фракия (ёки Сракия) номининг шарқона ёзилиши ҳам ҳақиқатга яқин.

814. Танак суйи — Дўн дарёси, асли тўғрироқ номи Тана. Қуйироқда шу ном келтирилади.

815. Шарафуддин «рус шаҳарларидан бири» номини туркча таржимада Қаросув шаклида келтирган. Аслида бу шаҳар Днепрга яқин жойлашган Чернигов, Чернобил, Чернорецк ё Чернухи шаҳарларидан бири бўлса эҳтимол.

816. Шу ер форсча матнга қўра тузатилади. Муҳаммад Али матнида хато қилиб «сўл қўл» дейилган.

817. Темур Тўхтамишга қарши 1391 йилдаги ғалабали юришида унинг пойтахти Саройга зарар етказмаган эди. Шунинг учун Тўхтамиш ўзини тезда тиклаб олди ва Темур мулкига яна зўғум қила бошлади. Тўхтамишга қарши 1395 йилдаги юришда Темур душманнинг асосий иқтисодий таянчи ва ҳарбий маркази бўлган Саройни вайрон қилади ва бу билан Тўхтамишга қаҳшатқич зарба беради. Фақат шундан кейингина Олтин Ўрда тезда ҳалокатга юз тутиб, бир неча майда давлатларга бўлиниб кетади. Бу ерда муаллиф «Ўрус» деб Русни ва «Ўрусжуқ» деб Малая Русни, яъни Украинани назарда тутди.

818. Қўп рус муаллифлари, жумладан А. Ю. Якубовский, (қаранг: Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Золотая Орда и ее падение, с. 369-370) Темур Москвани олмаган ва Елецдан шимолга ўтмаган деб, бу воқеа ҳақида хабар берган Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийлар иккиси ҳам янглишиб, Москва деб аслида Рязани назарда тутганлар, дейдилар. Якубовский ҳатто Темур Коломна яқинида Ока бўйига келиб, нариги соҳилига, яъни Москва тарафига ўтмаган, чунки дарёнинг нариги соҳилида турган «буюк княз» Василий Дмитриевич (Дмитрий Донскойнинг ўғли) бошчилигидаги рус лашкарлари билан тўқнашишдан қўрққан, деган уйдирмаларни айтган. Яна унинг айтишича, гўё 1380 йилги Қуликово майдонида Мамайнинг енгилганлиги ҳақидаги хабарлар Темурни қўрқитганмиш.

Энг аввало шунини айтиш керакки, 1395 йилга келганда Темурнинг қудрати шу қадар улкан эдики, у ўзини дунёда энг қудратли ҳоким ва ҳарбий бошлиқ деб биларди. Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Қандайдир ҳеч кимга номаълум «буюк княз», яъни Темурнинг ёрдами билан тахтга келган ва тобёси ҳамда қўни кеча енгилиб, яқсон

- булган Тўхтамишнинг қарамидаги Василий Дмитриевичдан соҳибқирон заррача сесканмас эди. Греков ва Якубовскийлар Низомиддин Шомий билан Шарафуддин Али Яздийнинг қатор воқеалар хусусида хабарлари ростлигини тан оладилар. Аммо Москва хусусига келганда гўё уларнинг географик тасаввурлари аниқ эмасмиш.
- Бизнингча, бу гаплар Москвани азалдан енгилмас қилиб кўрсатишга қаратилган буюк рус шовиннизмнинг бир кўрниншидир. Мазкур шарқ тарихчиларининг «Зафарнома»ларида улар нафақат Москва, балки ундан анча шимолдаги, қутб доирасидан ҳам шимолдиги ерлар ҳақида анча аниқ тасаввурга эга булганликлари ҳақида далолат берувчи саҳифалар бор.
819. Болчимкин — Волганинг қуйи оқимидаги ўрта асрлардаги шаҳар.
820. Азоқ ҳисори — Дун (Тана) дарёсининг қўлга қуйилиш жойидаги қалъа-шаҳарнинг ўрта асрлардаги туркча номи, ҳозирги номи Азов.
821. Черкаслар деб, муаллиф фақат шу миллат вакилларини эмас, балки уларга қардош булган бошқа қабилаларни ҳам назарда тутган.
822. Фореча матнга кўра шундай тузатдик. Узбекчада Пир Муҳаммад дейилган. Лекин юқоридан биламизки, Пир Муҳаммад Ироққа юборилган эди.
823. Ос қавми — ҳозирги осетинлар, аслида бу кейинги ном гуржилаштирилган бўлиб, у гуржи тилида «ос — эти», яъни «ос юрти» демакдир.
824. Раъд тоши — тўпга солиб ўқ ўрнида отиладиган тош.
825. Симсим — бу ҳам Кула, Товус, Йалгон ва Абаса каби Доғистондаги мавзё.
826. Қуръон. Фуссилат сураси, 46-оят.
827. Чугур Қазоқ — Доғистондаги вилоят. Муаллиф номларини келтираётган Доғистондаги вилоят ва мавзёлар аслида географик жойлар эмас, балки ҳокимининг номи билан аталаётган вақтинча сиёсий бирикмалардир.
828. Бўғоқум — Доғистоннинг шимолида Терекнинг ҳавзасидаги қумлоқ ер.
829. Мамақту ва Қози Қумуқ — бу ҳам Доғистоннинг шимолидаги қумуқлар яшайдиган ерлар.
830. Муаллиф бу ерда «жазиралар» деб Каспий денгизига Терек қуйиладиган ерида соҳилга яқин оролларни назарда тутган.
831. Ҳожи Тархон — ҳозирги Астрахан. Тўхтамишнинг йирик иқтисодий таянчларидан бири эди. Шунинг учун ҳам Темур Тўхтамишнинг қудратини синдириш учун бу шаҳарни бузишга қарор қилади.
- Шу сабабга кўра Саройни (Сарой Беркани) ҳам тўла вайрон қилишга қарор қилинади. 1395 йил ёзи бошидаги жангдан сўнг Саройга ҳужум қилинганида (817-изоҳга қаранг) у тўла вайрон бўлмаган эди. Бунинг вақти-соати 1396 йил бошига тўғри келди.
832. Бироз сўнг Саройга олиб борилганидан кейин Муҳаммадийни музининг остида чўктириб ўлдирдилар.
833. Бу бўлимнинг бошланғич парчасида эслатилган вилоят, ўлка ва ерларнинг кўплари бизга юқоридан маълум. Баъзиларини изоҳлаймиз. Муаллиф, бизнингча бу ерда Темурнинг умуман шимол тарафга қилган 1391, 1395 йиллардаги ва бошқа юришларининг ҳаммасига яқун ясаляпти. Чунки «Сул қў»га юришни эслатиши бундан далолат беради. Чунки 1389 ва 1391 йиллардаги юришлар Жўчи улусининг, асосан сул қўлига тааллуқли ерларида содир булган эди.
- Дашти Хазар деб XI асрнинг ўрталаригача Шимолий Кавказдаги Волга — Дун оралигини ва Волганинг қуйи оқимида иккала соҳилидаги ерларни аталган. Пан номи фореча матнда йўқ, бу ном билан Днепр бўйларидаги ерларнинг бир қисми аталаётган бўлса эҳтимол.
- Можар ёки Мажор — Шимолий Кавказдаги мулк.
- Бошқирд — Йайиқ (Урол) дарёсининг юқори оқимида бошқирдлар яшайдиган ерлар, ҳозирги Бошқирдистон Республикаси ерларига мос келади.
- Макас — моқшаларнинг, яъни мордваларнинг ўлкаси, ҳозирги Мордва АР ўрнига мос келади.
- Қрим номи ҳам асарда биринчи марта эслатиляпти, бу яриморлда Темур аскарларининг фақат бир гурӯҳи булган.
- Аллон — Шимолий Кавказда осларнинг бир қисми яшайдиган ер. Ҳозирги Шимолий Осетия Республикаси ерларига мос келади.
834. Озарбайжон деб бу ерда Ширвон мамлакати, яъни ҳозирги Озарбайжон Республикасининг ерлари назарда тутиляпти.
835. Ашқужа — матнга кўра Доғистоннинг Ислонга ўтмаган қисми.
836. Авҳар — Доғистоннинг бир қисми.
837. Фореча матнда «беш-олти» дейилган. Демак, Муҳаммад Али бешни олтига кўпайтириб, ўттиз қилган.
838. Зирҳгирлар деб Доғистоннинг йирик элатларидан бири булган лазгинларни айтилган. Улар мис ва бошқа маъданлардан хонаки асбоблар қаторида ҳарбий анжомлар — қалқон ва дубулгалар ҳам ясаганликлари учун қадимдан шу ном билан аталиб келганлар.
839. Бу ерда номи эслатиляётган амрзода Рустам Умаршайх Мирзонинг ўғли бўлиб, у 1381 йили таваллуд топган эди.
840. Хурмуз — Ҳинд океанидан Форс кўрфазига киришдаги бўғоқ ва шу номли банлар.

841. Ўзбекча матнда хато қилиб «саккиз юз туқсон саккиз» дейилган.
842. Бу ерда эслатилган Темур даврида Самарқандда чалинган мусиқа асбоблари диққатга сазовордир. Арганун, яъни орган ҳозир нафақат самарқандликларнинг, балки бутун Марказий Осиё халқларидан биронтаснинг мусиқа асбоби эмас. Уд ва қонун яна аста-секин ўзбекларга қайтиб келаяпти. Бизда қубуз ҳам деярли унутиб юборилган ва унинг ўрнини дутор олган.
843. Бу келтирилган парча Амир Темурнинг инсонпарварлигини яна бир бор исботлайди.
844. Доробжирд — Сиржондан жануброқдаги вилоят.
845. Торим ёки Торун — Доробжирд вилоятида Руде Шўр буйидаги шаҳарча.
846. Жаҳрум (ёки Жарум) ва Лор — Форс вилоятининг жанубидаги шаҳарлар; биринчиси Ардашир — Хурра туманига ва иккинчиси Доробжирдга қарашли бўлган.
847. Ўрга асрлардаги Хурмуз денгиздан анча шимолда, қарийб 30 қақирим масофада Миноб дарёси бўйида бўлган. Эски Хурмуз эса денгиз соҳилида, дарёнинг қуйилиш жойида бўлган.
848. Бу ерда эслатилган қалъалар Танг Зиндон, Қушқак, Шомил, Мина, Манужон, Тазрак ва Тоziён орасида фақат Манужон йирик бўлиб, шаҳар мавқеида ва Жирuftдан Хурмузга олиб борувчи йул устида Хурмуздан қарийб 120 қақирим шимолда бўлган.
849. Бу ерда Қуръони карим «Аъроф» сураси 34-оятининг иккинчи ярми келтирилган.
850. Хизр Хожа — 1396-98 йиллар Жета (Мугулистон) хони эди.
851. Искандар Мирзо — шаҳзода Умаршайхнинг 1384 йили тутилган ўгли.
852. Бекиси Султон — шаҳзода Мироншоҳнинг Хонзода бегимдан кўрган қизи.
853. Маликат оғо — Хуросон ва пойтахти Ҳиротда ҳукм сурган Шоҳрух мирзонинг хотинларидан бири.
854. Яъни боғни ҳар бир томони 750 метр бўлган квадрат шаклида лойиҳаладилар.
855. Демак, Аҳмад Йассавий мақбараси 1397 йил декабрида бошланиб, икки йилдан сўнг 1399 йил охирида тугатилганлиги англашилади.
856. Ашпара — Меркедан қарийб 50 км шарқда шу номли дарёча бўйидаги кичик шаҳар. Қуйида Аспара шаклида ҳам ёзилади.
857. Шу ердаги 1866 саҳифа бошидан ушбу жойгача амирзода Шоҳрухнинг Самарқандга келгани ҳақидаги жумла форсча матнда ва унинг ношири фойдаланган нусхаларда йўқ. Демак, Муҳаммад Али қандайдир тулиқроқ нусхадан таржима қилган кўринади.
858. Қўҳи Сулаймон ёки Сулаймон тоғлари тарихий Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида (ҳозирги Покистоннинг ғарбида) Синд дарёсининг ғарбий тарафида шимолдан жанубга қўзилган тоғ тизмаларидир. Афғонларнинг, яъни пуштуларнинг асли ватани ана шу тоғларнинг этаклари, воҳа ва водийлари бўлган. Ҳозирги «Афғонистон» деб аталувчи ҳудудга улар Темурийлар давлати сусайиши билан XV аср охиридан жойлашабошлаганлар.
859. Уч шаҳри ҳозирги Покистонда Панжоб водийсида, Сатлеж дарёсининг чан соҳилида дарёдан 25 км ча шарқда жойлашган.
860. Мултон — ҳозирги Покистоннинг Панжоб водийсида Сатлежнинг Тримоб ирмоғидан қарийб 25 км шарқда жойлашган шаҳар.
861. Шу булимнинг охири парчасидан кўринадики, биринчидан: Амир соҳибқирон Хитой юришини 1398 йилгачаёқ режалаштириб қўйган эди, иккинчидан: бу пайт унинг Ҳиндистонга юриш режаси йўқ бўлиб, фақат Пир Муҳаммад Жаҳонгир мулкидаги шароит тақозоси ва у ердаги бекларнинг талаби билан у Ҳиндистонга юриш қилган.
862. Шимолий ва Шимоли-ғарбий Ҳиндистонни Султон Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) давридан бошлаб, келиб чиқинш Мовароуннаҳр туркларидан бўлган мусулмон сулолалари бошқарарди. Аввалига бу сулолаларнинг пойтахти Лоҳурда бўлди. Лекин 1206 йили султон Кутбиддин Ойбек пойтахтни Деҳлига кўчирганидан сўнг Ҳиндистондаги мусулмонлар давлати Деҳли салтанати (ёки султонлиги) номини олади. 1320 йили Малик Ғозий Ғиёсиддин Туглуқ (1320—1325) Деҳли салтанатида Туглуқийлар деб аталган янги туркий сулолага асос солади. Унинг отаси Мовароуннаҳрдаги чигатой туркларидан (қораунаслардан) эди. Туглуқийлардан учинчи султон Ферузшоҳ (1351—1388) салкам қирқ йил ҳукм суриб 1388 йили ўлганидан сўнг Деҳли тахтига унинг набираси Султон Маҳмудшоҳни ўтказдилар. Лекин Мултон ва бошқа йирик шаҳарлар Деҳлидан мустақил бўлишга интилар ва йирик маҳаллий ҳинду феодаллар ҳам сепаратизмга — бошбошдоқликка интилар эдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси Темур юриши арафасида Ҳиндистонда Исломнинг сусайишига олиб келаятган эди.
863. Қуръони карим. Сафот сураси 13-оят.
864. Қуръони карим. Оли Имрон сураси 123-оят.
865. Бу ерда «эранлар» ибораси «эрлар» маъносида ишлатилган ва эронийларга алоқаси йўқ. Форсча матнда шу ўринда «мардон» (297а. 15), яъни «эрлар» дейилган.
867. Ғунон ва Йактур йайлоғи Боғлон яқинидаги ўтлоқ.
868. Ховак — Ҳиндукүш тоғ тизмасида Кабулдан шимоли-шарқда қарийб 500 км масофадаги тоғ давони, баландлиги 3848 метр.

869. 150 қари қарийб 75 метрга тенг, чунки бир қари бир шаръий газ, яъни 0,493 метрни ташкил қилади.
870. Форсча матида бу баҳодирнинг оти Оқ Султон Киши.
871. Бу ерда Муҳаммад Али «қаротунлик» деб форсча «сиёҳлун» сўзини таржима қилаяпти.
872. Панжжир — шу номли дарё, водий ва урта асрлардаги шаҳар; дарё Кобул шаҳридан қарийб 150 км шарқда Кобулдарёга қўшилади. Унинг номи ҳозир Панжшер деб ўзгартирилган. Ҳозир шаҳарнинг фақат харобалари қолган.
873. Улуг Юрт ёки Буюк Улус — асли Мўғулистон, яъни бутпараст ҳақиқий мўғулларнинг юрти, Чингизхон асос солган тўрт улуснинг энг буюғи. Муаллиф бу ерда Тайзи Уғлон деб кимни назарда тутаятгани аниқ маълум эмас. Лекин у Чингиз авлодларидан эмас, чунки у қалмоқлардан эди. Қалмоқлар эса мўғулларнинг гарбий шахобчаси эди. Тайзи сўзи мўғулчада «шаҳзода» маъносини англатишига қўра, Тайзи Уғлон қалмоқ хонининг ўғли бўлиши мумкин. Қалмоқлар мўғулларнинг асосий қисми билан муроса қилолмай, кейинчалик Мўғулистонни бутунлай ташлаб кетишига мажбур бўладилар.
874. Муаллиф бу ерда «Ўзбекдин» (форсчада ҳам юрт маъносиде «элчиёни Ўзбек» дейилган) деб ўзбекларнинг юртини назарда тутаяпти ва уни Дашги Қипчоқ номи­нинг синоними сифатида ишлатаяпти.
875. Бону — ҳозирги Покистондаги Бану шаҳри, Синд дарёсининг Куррам ирмогининг ун­г соҳилида жойлашган.
876. Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ — Буюк Хоразмшоҳлар сулоласидан энг охириги султон, 1221—1231 йиллар ҳукм сурган. Унинг султонлик йиллари мўғуллар билан қаҳрамонона курашларда ўтди. 1221 йил кузида мўғуллар устидан қатор ғалабаларга эришганидан сўнг султон Жалолиддин лашкарбошиларнинг келишимовчилиги ва суллаҳлиги туфайли ғалабалари самарасидан фойдаланаолмай, аксинча, чекинишга мажбур бўлади. У Гаанин — Гардез йулидан ва Куррам ирмоқ бўйлаб Синд дарёси тарафига чекинади. Ниҳоят 1221 йил 23 ноябр куни Чингизхон аскарлари Синд бўйида Жалолиддинга етиб оладилар. Кучлар тенг эмас эди, шундай бўлса ҳам Жалолиддин қаҳрамонона жанг қилиб, жангнинг учунчи куни 25 ноябрда қўршов ҳалқасига тушиб қолиш хавфи тугилганидан сўнг султон Жалолиддин бутун уст­боши ва оти билан ўзини Синд сувига ташлаб, дарёнинг сул соҳилига ўтиб олади ва Тҳал саҳросида гойиб бўлади (қаранг: Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов — Ануштегинидов, М.: «Наука», 1986, с. 157—158).
877. Дебалпур (Дипалпур) — Панжобдаги шаҳар, Лоҳурдан 300 км ча жануби-ғарбда жойлашган.
878. Жару чули — Синд дарёси билан унинг ирмоғи Чиноб-Желама оралигидаги саҳро.
879. Кўҳижуди — Тҳал саҳросидан шимолдаги Туз чуққи тоғи.
880. Жамула суйи — Желам дарёси.
881. Желам билан Чиноб дарёлари Ҳавели шаҳри ёнида бир-бирига қўшилади.
882. Аловуддин Тармаширин — Чигатой улусида 17-нчи мўғул хони, 1326—1334 йиллар ҳукм сурган.
883. Таламба — Мўлтондан қарийб 100 км ча шимоли-шарқда Рови дарёсининг чап соҳилидаги шаҳар.
884. Соҳибқирон лашкар юришининг йўналиши Рови ва Сатлеж дарёлари оралигида шимоли-шарқда қараган бўлгани учун Мол ва Шоҳнавоз шу оралиқдаги мавзёлар­дир. Ҳозирги атласлар ва хариталарда бу номлар кўрсатилмаган. Биёҳ суйи деб Сатлеж дарёси назарда тутилган бўлса эҳтимол.
885. Форсча матида амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирнинг бобосига қилган тортиқлари ҳақида муфассалроқ айтилиб, «Аҳли ва арбоби қалам ул нимарсаларнинг китобати билан икки кун машғул бўлдилар ва аларни қалам била муфассал қилдилар» дейилган (қаранг: 309б, 2—8 сатрлар).
886. Саҳвол — ҳозирги Саҳивала темир йул бекати, Мўлтон — Лоҳур оралигининг уртасида жойлашган.
887. Асвол ва Жаҳвол — Соҳивала билан Дипалпур оралигидаги мавзёлар.
888. Сомона (ёки Самана) — Деҳлидан 160 км шимоли-ғарбдаги шаҳарча.
889. Бир шаръий йағоч бир фарсахга, яъни қарийб 6 км га тенг эканлигини эътиборга олсак, бир қуруқ бир милга, яъни 1995 метрга тенг эканлиги кўринади.
890. Матнинг кўрсатишича, Темур лашкари билан Саҳиваладан тўғри шарққа юриб, Феруза қалъаси яқинида Сатлеж дарёсидан ўтган. Бу ҳолда Феруза қалъаси Ҳиндис­тоннинг шимоли-ғарбида Панжоб штатида Покистон чегарасига яқин жойлашган Ферузпур шаҳри бўлади ва Канораи ҳавзи об мазкур дарё соҳили бўлади.
891. Сарасати — Ҳиндистон Панжоб штатидаги ҳозирги Сирса шаҳри.
892. Фатҳобод — Сарсадан қарийб 40 км шарқдаги Фотиҳобод шаҳри.
893. Ражабпур ва Амаруни қалъалари ҳозиргача сақланмаган.
894. Тўҳна саҳроси — Фотиҳободдан 50 км ча шимоли-шарқдаги Тўҳана кенти атрофида­ги саҳро.
895. Қаҳқар суйи — ҳозирги Саманадан 15 км ча жанубдан утадиган Гҳаччар дарёчаси.

896. Кайтал — Саманадан қарийб 35 км жануби-шарқдаги ҳозирги Кайтхол шаҳри.
897. Туғлуқий султонлардан бири томонидан қурилган Туғлуғпур қалъаси сақланмаган. Лекин у Панипат яқинида булганлиги маълум.
898. Шубҳасиз, бу ерда оташпараст зардуштийлар ҳақида сўз кетаётир. Бу ерда айтилаётган гоёлар ўша динга мансубдир.
899. Панипат — Деҳлидан 70 км шимолда текис жойдаги шаҳар-қалъа. Бу шаҳар Темурнинг авлоди Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳиндлар устидан галабаси билан машҳур.
900. Панипат суйи деб, Жамна дарёсининг Панипат орқали ўтган ирмоғини назарда тутилган.
901. Пулла ва Луни — Деҳлининг шимолида унга яқин жойлашган кент ва ҳисор.
902. Жавн суйи — Жамна дарёси.
903. Одатда баъзи ҳозирги замон олимлари Темурни қонхурликда айблашларида Деҳли яқинидаги қиргинни далил қилиб келтирадилар. Лекин аслида кўп жангларда чиниққан ва турли шароит ва аҳволларни бошларидан кечирган Амир Жаҳоншоҳбек бошқа бекларнинг айтганлари ўша давр шароитида мазкур ҳинд асирларини йўқ қилиш учун ёрқин далил эди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир чигатой аскарининг ўнга яқин ҳинд асири бор эди. Уларнинг умумий сони эса Темур аскарларидан бир неча бор кўп эди. Агар улар Деҳли аҳолисига қўшилиб қўзғалон қилсалар, тезда ўғруқни қўлга олиб қуролланиб олишлари мумкин эди. Бу эса Темур лашкарининг умуман ҳаёти учун нақадар хавфли эди. Шунинг учун, фикримизча, ўша ҳарбий шароитда Темур бирдан-бир тўғри йўлни танлаб, асирларни қиришга мажбур булган.
- Қирилган ҳинд асирларини Муҳаммад Али «юз мингдан кўпроқ» деган бўлса, форсчада «камроқ» (ақали) дейилган (қаранг: 3186, 5 сатр). Гиёсиддин Али уларни «юз мингга яқин» (қаранг: Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию, М.: Изд. Вост. лит-ра, 1958, с. 111) дейди. Ибн Арабшоҳ эса, Темурга нисбатан нафратини очиқ намён қилиши ва бу йўлда унинг баъзи қаҳратон ишларини ҳаддан ташқари бўрттириб юборганига қарамай, бу қиргин ҳақида лом-мим демаган ҳам. Муъиниддин Натанзий ўлдирилган ҳиндларнинг сонини «қарийб панжох тумон ёки бештар» («қарийб эллик минг ёки ортиқроқ») деган (қаранг: Муиниддин Натанзий, с. 370).
- Демак, ҳамонки Деҳли яқинида қирилган асир ҳиндларнинг сони ҳақида манбаъларда яқдиллик йўқ экан, «Темур юз минг асир ҳиндни қирган» деб жар солишга асос йўқ.
904. Мавлоно Насириддин Умарнинг қилмишлари ҳақида ҳам манбаъларда яқдиллик йўқ. Бизнинг муаллифлар мавлоно ўлдирган асирларнинг сонини 15 деса, Гиёсиддин Али 10 дейди (қаранг: Гийасаддин Али, с. 111). Муҳаммад Али у «товуқни ўлдурмагон эрди» деса, Шарафуддин билан Гиёсиддин иккиси у «қўйни ўлдирмагон эди» дейди.
905. Қуръон. Юнус сураси, 24-оят.
906. Қуръон. Фил сураси, 1-оят.
907. Яъни, сигирдек.
908. Иккала матнда ҳам шу ерда хато қилиб, сешанба дейилган. Ҳақиқатан ҳам, агар 4 январ 1399 сешанба бўлса, эртаси 5 январ якшанба бўлмайди.
909. Мират қалъаси — Деҳлидан 50 км шарқдаги ҳозирги Мератҳ шаҳри.
910. Уди ва энак — сигир, бузоқ.
911. Бурда — қул демақдир.
912. Чинова суйи — Чиноб дарёси.
913. Лаҳовар — ҳозирги Лоҳур.
914. Паноҳ суйи, Лаҳовар суйи — Синд дарёсининг йирик ирмоғи бўлмиш Рови дарёси, у Лоҳурдан ўтади.
915. Сохтакор ва маъъун Ибн Арабшоҳ Амир соҳибқироннинг Ҳиндистон юришидан тез қайтишининг асосий сабабларидан бири сифатида гўё у Мироншоҳдан олган хат булган деб кўрсатишга уринади ва Мироншоҳ номидан, лекин ўз иборалари билан шахсан ўзи тўғриган ҳамда амирзодага бутунлай бўҳтон булган бир мактубни келтиради. Ажабланарлиси шуки, соҳибқирон девонидаги ҳужжатлардан фойдаланган бирор муаллиф бу мактубни нафақат келтирмайди, балки эсламайди ҳам (қаранг: Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, 1-китоб, Тошкент, «Меҳнат», 1992, 177—182-бетлар).
916. Туббат — ҳозирги Тибет.
917. Нағара — ҳозир Ҳиндистоннинг Панжоб штатидаги Нағар шаҳридир, Биас дарёси соҳилида жойлашган.
918. Рова суйи — Рови дарёси.
919. Татта — ҳозирги Покистон жанубидаги шаҳар. Синд дарёсининг денгизга қуйилиш ерида Карочидан шарқроқда жойлашган.
920. Уммон дарёси. — Арабистон денгизининг Ҳурмуз бўғозига ўтишдаги Уммон кўрфази.
921. Яъни, гишт.
922. Чор еткурмақ — чорламоқ демақдир.
923. Харжирд ва Фароҳ саҳроси — Ҳиротдан жанубдаги саҳро.
924. Бу икки байтнинг маъноси ушбудир:

Мушрикнинг ишининг охири ва умрининг охири келди,
Кўзида йиғи ва қўлида карнай ихтиёрсиз.

Шафқатсиз жаллод дор остига ташлар,
Дор пойига мардона бор, жаҳонда ҳақиқат йўқ.

925. Шу жумла Амир Темур айғоқ (разведка) ишини яхши йўлга қўйганидан ва унинг айғоқчилари атроф мамлакатлардаги ички аҳволдан доим хабар бериб турганлари ҳақида далолат беради.
926. Қуръон. Алақ сураси, 6-оят.
927. Ҳулоғухон бошчилигидаги мўғуллар Эрон, Ироқ, Шарқий Анатўлия ва Шомни 1256 йили истило қилган бўлсалар ҳам Шом (Сурия)дан тезда чиқиб кетишга мажбур бўладилар. XIII аср ўртасида Мисрда ҳокимиятга келган мамлуклар Шомни ҳам ўз мулкларига қўшиб оладилар. Одатда Дамашқ, Ҳалаб ва бошқа Шом шаҳарларида Мисрдаги мамлук султониининг ўғли ёки яқин қариндошлари ҳукм сурарди. Мамлуклар аслида Марказий Осиё ва Шимолий Кавказдан келтирилган гурк қуллар (арабча «мамлук») бўлиб, улар асосан ҳарбий хизмат бажарардилар. Уларнинг энг қудратлилари эса хизмат жараёнида йирик лавозимларга, ҳатто султонлик тахтига ҳам қўтарилар эдилар.
- Бу ерда номи эслатилган Малик аз-Зоҳир Барқуқ Қоҳирада 1382 йили тахтга ўтириб, то 1399 йил кузигача ҳукм сўриб, вафот этади. Ўрнига тахтга ўтирган ўғли Малик аз-Зоҳир Фараж давлат ишларига нолойиқ, иродасиз шахс бўлиб, мамлакатни бошқара олмайди. Ва натижада, муаллиф айтганидек, мамлакатда гавғолар келиб чиқади.
928. Бу бўлимда келтирилган хабарларнинг барчаси Амир Темурнинг етти йиллик юришини мантиқан асослаб, ўз-ўзидан уни шу юришга ундайди. Чунки бу ерда эслатилган ичида гавғолар бўлиб турган мамлакатларнинг барчаси Темур мулкига қўшни эди ва хавф туғдирарди. Мироншоҳ қиссаси бунга далилдир. Агар шу юриш бўлмаса, Ироқ ва Озарбайжон тезда қўлдан кетиши мумкин эди.
929. Қуръони карим. Заум сураси, 4-оят.
930. Амирзода Искандарнинг Мўғулистонга юриши Фарғона водийсидан бошланганлиги учун бу ерда эслатилган жой номлари Шарқий Туркистоннинг мазкур водийга яқин жойларидир. Уларнинг энг асосийлари Кошғар ва Ёркентдир. Қолган номлар аҳамиятсиз кичик жойларнинг номидир. Хусусан, Калпин Кошғардан шимоли-шарқдаги шу номли тоғ водийсидир.
931. Уч деб Учтурфонни аталган.
932. Оқсув — Учтурфондан қарийб 100 км шарқда жойлашган.
933. Бой ёки Бай — Оқсувдан 150 км шимоли-шарқдаги шаҳар. Хитойлар уни Байчен деганлар.
934. Кусин — Шарқий Туркистондаги қадимги Куча шаҳри.
935. Торим деб муаллиф шу номли дарё бўйида жойлашган биринчи шаҳар — Чорани назарда тутандир.
936. Хўтан — Шарқий Туркистоннинг жанубидаги қадимги шаҳар. Бу шаҳар билан Оқсув шаҳрини Такла Макон саҳроси орқали ўтган Арангқошдарё туташтиради.
937. Хон Балиқ — бу воқеа юз бераётган пайт, яъни 1399 йил иккинчи ярмидаги Хитойдаги Мин сулоласининг пойтахти Пекиннинг туркча номи.
938. Бу ерда «манзил» деб карвон йўлидаги тўхташ жойи (манзил) назарда тутилган. Бундай «манзил»ларнинг сувлик ва ободонлик жойдан ўтганлиги диққатга сазовардир. Чунки шу йўлдаги ҳар бир манзил одам яшайдиган жойда бўлиши шарт эмас. Икки манзил оралиги карвоннинг кундузи ўтган масофасига тенг бўлиб, у қарийб 30 км ни ташкил қилган. Маъмур оралиқдаги бундай манзилларнинг сони 161 та бўлгани учун Хўтандан Пекингача обод йўл орқали ўтган масофа қарийб 4830 км ни ташкил қилган.
939. Қаро Хожа — Шарқий Туркистонда Урумчидан жануби-шарқда. Турфондан қарийб 30 км шарқроқда бўлган шаҳар. Хитойлар уни Гаочан — Хочо деганлар.
940. Бу ерда, тоғдан тоғгача ўтказилган том деб, шубҳасиз, Буюк Хитой деворининг бир қисми ҳақида айтиляпти. Муаллиф келтирган туркча Татқовул шаҳар номи қайси Хитой шаҳри эканлиги бизга аниқ маълум эмас. Лекин бу шаҳар Хитой чегарасида ва Буюк девор яқинида бўлгани учун уни Цзюцюань ёки Линьшуйи шаҳарларидан бири деб тахмин қилиш мумкин.
941. Бу ерда эслатилган манзиллар йиғиндиси ҳақиқатан ҳам 161 ни ташкил қилади (35+31+55+40=161). Хитой шаҳарлари Ганжанфу ва Ханамнай аслида қайси шаҳарлар эканлиги аниқ маълум эмас. Лекин ўрта асрларда Хитойнинг Ғарб билан алоқаси Ланьчжоу орқали ўтганлиги учун Шарафуддин келтирган биринчи ном шу шаҳарга мос келади деб тахмин қиламиз.
942. Арангқош дарёси Хўтаннинг шарқий чекасидан ўтади, Қароқош дарёси эса ундан қарийб 30 км ғарбга ўтади. Ҳақиқатан ҳам бу дарёлар бошланадиган Хўтандан жанубдаги тоғларни ҳозир ҳам Қаронгугтоғ дейилади.
943. Қуръон. Анфол сураси, 65-оят.
944. Яъни ясалган йўл шу қадар кенг эдики, бир қаторда 2500—3000 киши ёнма-ён юриб ўтса буларди. Яна аниқроқ ҳисоблаб, бир киши эгаллаган жойни 0,6 м десак, йўлнинг эни 1500 м дан кам бўлмаганлигини кўраемиз.

945. Беҳбеҳон — Эроннинг Форс вилоятидаги шаҳар, Шероздан шимоли-ғарбда Форс кўрфазидан деярли 70 км масофада жойлашган.
946. Навбинжони Шулистон — Шероз билан Арражон оралигидаги шаҳар.
947. Лури Астарк — Ғарбий Эронда Луристон вилоятида Жундишонур билан Дизфул оралигидаги шаҳар.
948. Мандали — Ироқнинг шарқидagi шаҳар.
949. Жимжамол — Озарбайжондаги шаҳар.
950. Сванети — Гуржистоннинг шимоли-ғарбидаги улка, аҳолиси сванлар.
951. Ингур суйи — Ингури дарёси.
952. Қорақалқонлиқ вилояти — жанубий Гуржистондаги Мцхета (Месхет) улкасининг туркча номи. Буларни Шарафуддин юқорида (1626 саҳифа) Ақусқа ҳам деган. Бу вилоят месхет туркларининг ёки ақусқа туркларининг асли ватанидир.
953. Бу ерда Рум қайсарини, яъни Усмонли султонини Муъробек деб муаллиф янглишляпти. Чунки султон Муъроб I 1389 йилгача ҳукм сурган бўлиб, уша йилдан Усмонли салтанати тахтига Боязид I Йилдирим ўтирган эди. Фаранг деб бу ерда венецияликларни назарда тутилаяпти.
954. Бу ерда Боязид Йилдирим забт этганига қадар Анатўлияда ҳукм сурган мустақил белгикларнинг номлари эслатишган. Булардан Ойдин Анатўлиянинг ғарбида, Менгеша ундан бироз шарқроқда, Кирмиён — ундан жануброқда ва Қарамон — Марказий Анатўлияда жойлашган белгиклар эди.
955. Аловуддин Кайқубод I пойтахти Қўннияда 1219—1237 йиллар ҳукм сурган.
956. Бу бўлимда Обулистон атамаси Малатийа атрофидаги ерларга нисбатан ишлатилаяпти. Бу ернинг қадимги номи Каппадоккия эди.
957. Форсча матида шу ерда Боязид Йилдиримнинг султқшлигини чуқурроқ кўрсатилган ва соҳибқирон унинг мулки бўлмиш Малатийа ва Сивосини мусаххар қилиб талаганида у аввал шижоат кўрсатиб хархаша қилган бўлса ҳам энди ҳеч бир эътироз билдирмади ва урушга майли борлигини кўрсатмади. Шунинг учун соҳибқирон Рум сарҳадидан Шом ва Миср тарафига юзланди дейилган.
958. Айитоб — Суриянинг шарқда Фурот дарёсининг ўнг соҳилидаги шаҳар.
959. Ҳалаб — ўрта асрларда ҳам ҳозиргидек катталиги ва аҳамияти бўйича Сурияда Дамашқдан кейинги иккинчи шаҳар бўлган, Суриянинг шимолида Кувайк дарёси бўйида жойлашган.
960. Ўрта асрларда Сурияга тегишли бўлган бу шаҳарлар ҳозир турли мамлакатлар таркибига киради. Чупончи Антакя — Туркия жанубида; Тараблус, Набулус ва Баълабакк — Ливанда; Канъон, Газа, Рамла ва Қуддус (Иерусалим) Фаластинда, Исроил давлати ҳудудидадир. Карак ва Қалъатуррум шаҳарлари сақланмаган.
961. Кириуч эски ўзбекчада ғишт демақдир.
962. Нафтаңдоз — нефт отувчи олат, раъдандоз — оддий тўп. Матнинг шу ери XIV—XV асрлар чегарасида мусулмон мамлакатларида тўплар ва бошқа ўт очиш қуроллари кенг қўлланилганлигидан далолат беради.
963. Қалъа остида нағам солиш — унинг остини кавлашдир. Бу ерда бир неча ерда филдек гор қазилганлиги ҳақида сўз кетаётир.
964. «Адам сори йибариш» — йўқлиққа, ўлимга юборишдир.
965. Аталмиш — 1393 йили соҳибқирон Мисрга юборган элчиси.
966. Баялбакк қалъаси деворлари тошларининг ўлчамлари кишини ҳайратга солади. Агар бир қари 0,493 метр эканлигини эътиборга олесак, муаллиф келтирган тош ўлчамлари метр тизимида қуйидагича кўринади:

узунлиги 28 қари = 13,8 м
эни 16 қари = 7,9 м
баландлиги 7 қари = 3,5 м

Демак, унинг ҳажми қарийб 382 м³ бўлади. Бундай катталикдаги тошни бир неча фил ҳам кўтаролмайди. Бу тошлар ҳақидаги маълумотнинг рост-ўғтонлигини муаллифнинг виждонига ҳавола қиламиз.

967. «Шуъбада кўрсатти», яъни ҳийла-найранг кўрсатиш демақдир.
968. Амираода Султон Хусайн соҳибқироннинг қизи Султон Бяхт бегимдан набираси эди. Соҳибқирон авлодларининг ичида фақат шу киши муттаҳам бўлиб чиқди. Бу ерда у бобосининг қизи очиқлигида унга нисбатан сотқинлик қилди. Амир Темур вафотидан кейин у биринчи бўлиб, бобосининг васиятига хилофлик қилади ва иғвони бошлайдир. Афтидан, бу ерда муаллиф эслатган «муфсид тожиклар» доим унинг атрофида уралашиб юрганлар ва қўлай фурсат келганда дарров Темур ва Темурийлар давлатини парчалашга уринганлар. Бизнингча, унинг димоги айтарлик соғ бўлмаган, чунки биз матнинг юқори қисмидан биламизки, онасининг феъли муътадил эмас эди. Балки ундаги бу хусусият ирсий мерос бўлгандир.
969. Ғута — Дамашқнинг жануби-шарқда бог-ўтлоқлардан иборат ободон ер.
970. Дарёйи Афранж — Уртаер денгизи ёки Оқ денгиз.
971. Акка — Уртаер денгизида Фаластин соҳилидаги балдар шаҳар, ҳозир Исроил ҳудудида.

972. Чорёр халифаларнинг тўртинчиси, Муҳаммад пайгамбарнинг куёви ва амакисининг ўгли («писари амми») ҳазрати Али 656 йили халифалик тахтига келганида бу пайт Сурияда ва унинг маркази Дамашқда ҳукм сураётган Умайя авлодлари, хусусан Муовийа ибн Абу Суфён, уни тан олмайдилар ва унга қарши қурашдилар. Али билан беш йил давом этган кураш пировард оқибатда Муовийанинг галабаси билан тугайди. Ва Муовийа 661 йили Али улдирилганидан сўнг халифалик лавозимига ўтириб, пойтахтни Маккадан Дамашққа кўчиради. Буни Арабистон яриморлидаги, Ироқ ва Хуросондаги кўп мусулмонлар тан олмайдилар. Чунки Сурия ва унинг пойтахти Дамашқ Византиянинг, яъни насроний кофирларнинг таянч марказларидан бири ҳисобланарди. Ҳақиқатан ҳам Умавийлар даврида пойтахт Дамашқ ва ҳатто Маккада ҳам куфрга оид одатлар, чунончи ичкиликбозлик ва маишатбозлик кенг тарқалади. Шунинг учун Умавий халифаларга кўп мусулмонлар ишончсизлик ва шубҳа билан қарардилар. Муаллифнинг бу ерда келтирилган сўзларида ана шу қарашлар аксланган.
- Темур ҳам бошқа тақводор мусулмонлар каби ҳаромлик ўчоғи бўлган Дамашқни талаш керак деган хулосага келган.
- Муаллиф Умавийларни Марвонийлар дейишининг сабаби шуки, Умавийларнинг иккинчи шубҳасидан биринчи халифа 684 йил тахтга ўтирган Марвон I ибн ал-Ҳакам Алининг тарафдорлари билан кескин кураш олиб борган.
973. Қибрусий қумош — Кипр оролида ишланган газлама, рудусий қумош — Родос оролида ишланган газлама.
974. Минораи арус ёки Минораи байзо ўша 1401 йилдаги ўт тушишида бутунлай куйиб кул бўлган. Ва умуман Дамашқда Умавийлар масжидидан бошқа ўрта асрга тааллуқли иморат қолмаган.
975. Аси суйи — Антакийадан ўтиб, Ўртаер денгизига тушадиган дарё.
976. Тарра — ўзбекча матндаги ёзув шундай ёки Тирра, Турра шаклларида ўқилишини тақозо қилади. Форсча матндаги ёзув Барра, Бирра, Бурра ўқилишларига мос келади. Фурот бўйида бу номларга мос келувчи шаҳар ҳозир йўқ. Афтидан у Ҳалаб — Урфа йўлида дарёнинг чап соҳилида бўлган.
977. Ҳисн Кайф ёки Ҳасан Кайф — Шарқий Анатўлияда Дажла дарёсининг ўнг соҳилидаги шаҳар ва ўрта аср қалъаси.
978. Баъқуба — Ироқда Бағдоддан 50 км шимолда Дажла дарёсининг чап соҳилидаги шаҳар.
979. Мадоин — Бағдоддан 10-15 км жанубда Дажланинг ўнг соҳилидаги қадимги шаҳар, ҳозир Бағдодга қўшилиб кетган. Шаҳарнинг бундай (том маъноси «шаҳарлар») аталишига сабаб, 762 йили халифа ал-Мансур Бағдодга асос солгунига қадар у ерда бир-бирига яқин еттига кент бўлган. Шунинг учун араблар «мадина» (кент, шаҳар) сўзини кўпликда ишлатганлар.
980. Ҳилла — Бағдоддан 80 км ча жанубдаги шаҳар.
981. Сиб — Бағдод яқинидаги шаҳарча, ҳозир ўрни сақланмаган.
982. Насибин — ўрта асрларда Ироқнинг шимолидаги йирик шаҳар, ҳозир Туркиянинг жануби-шарқидagi Нусайбин шаҳарчаси.
983. Мавсил, ёки Мосул — Ироқнинг шимолида Дажланинг ўнг соҳилидаги қадимги шаҳар, аҳолиси асосан оссурияликлар ва курдлардан иборат.
984. Хабарон ва Қалогӣ — Озарбайжондаги шаҳарлар.
985. Қуббатул уқоб — ўрта асрларда Бағдоднинг шимолий дарвозаси.
986. Луқмон Қалогӣ — ўрта асрларда Бағдоднинг шимолидаги мавзё.
987. Тифл — бола.
988. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ад-Диноварий ал-имом ал-аъзам (699—767) — Исролдаги тўртта асосий мазҳабдан бири — ҳанафий мазҳабининг асосчиси, фақиҳ ва муҳаддис. Қўфада эронлик бой шоҳи сотувчи савдогар — мавло оиласида туғилган. У 40 ёшигача билим олиш билан шугулланади, сўнг Қўфа, Басра ва Маккада илмий фаолият олиб боради. Лекин ота касби савдогарчиликни ҳам қўймайди. Халифа ал-Мансур уни янги асос солинган Бағдодга қозиликка тақлиф қилади. Абу Ҳанифа бу тақлифни рад этганидан кейин халифа аввалига уни қаматади ва сўнг қалтақлатади. Бу жазодан сўнг Абу Ҳанифа қаза қилади.
989. Нажаф — Бағдоддан 150 км жанубда Фуротнинг чап соҳилидаги кент.
990. Жағату суйи — Озарбайжонда Урмия кўлига тушадиган дарёча, иккинчи номи Зарринруд.
991. Сина — Жағату дарёсидан шимолроқдаги мавзё.
992. Оқ йайлоқ — Табриз яқинидаги сайхонлик.
993. Ҳисни Жондор ва Ҳисни Жағдовул — Табриздан шарқроқдаги мавзёлар.
994. Ужан — Табриз билан Туркманчой оралигидаги шаҳарча.
995. Тижан — Шимолий Хуросонда шу номли дарё бўйидаги шаҳар, ҳозирги Тажан.
996. Қуръон. Бақара сураси, 156-оят.
997. Ҳит — Ироқда Ҳаббония кўлидан шимоли-ғарб тарафида Фуротнинг ўнг соҳилидаги шаҳар.
998. Тоши Хотун — Шимолий Ироқдаги туман.
999. Холид ва Молик — Ироқнинг жанубида кўллардаги орол.

1000. Шатт — Фирот ва Дажланинг Ироқнинг қуйисида бирлашишидан ҳосил бўлган Шатт ал-Араб дарё номининг қисқартирилгани.
1001. Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 26-оят.
1002. *Фа-ҳува ал-мурод* — яъни, айни муддао.
1003. Қуръони карим. Худ сураси, 88-оят.
1004. Камох — Шарқий Анатўлияда Фирот дарёсининг юқори оқимида чап соҳилидаги шаҳар ва қалъа.
1005. Тартум — Жанубий Гуржистондаги қалъа, ҳозир сақланмаган.
1006. Бу айтилган сўزلардан кўринадики. Амир соҳибқироннинг отлиқ аскарлари уша даврдаги Оврупа ритсарларидан ҳам муқаммал яроғ билан жиҳозланган эдилар.
1007. Шарафуддин фақат Темурнинг Боязидга мактубининг мазмунини келтириб, Боязиднинг Темурга жавоби ҳақида эсламайди. Ибн Арабшоҳ Боязид номидан бир мактубни келтиради (қаранг: Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, I-китоб, 256—259 бетлар). Мактуб Темурга нисбатан ҳақоратли иборалар билан тўла бўлиб, у кўпроқ унинг ўзининг Темурга муносабатини акслантиради. Лекин, ҳар ҳолда Боязиднинг Темурга кўпол иборалар билан жавоб йўллаганлиги ҳақиқатга яқин кўринади. Чунки унинг шу маънодаги жавоби ҳақида де Клавихо ҳам эслатади (қаранг: Рун Гонсалес де Клавихо. Дневник... с. 66—67).
1008. Қайсарийа — қадимги Цезарей, мелоднинг бошида Юлий Цезар томонидан барпо қилинган қалъа. Ҳозир Туркиянинг марказида Эржияс тоғининг шимолий этагида жойлашган Қайсери шаҳри.
1009. Анқурийа — Марказий Анатўлиядаги қадимги шаҳар. Турли даврларда у Анкира, Ангура деган номлар билан ҳам аталган. Ҳозир Туркиянинг пойтахти Анқара.
1010. Туқат — Анатўлиянинг шимолида Йашил Ирмоқ дарёсининг чап соҳилида жойлашган шаҳар.
1011. Йулгун суйи деб бу ерда Қизил Ирмоқ дарёси кўзда тутилаётган кўринади. Чунки бу маршрутда шу дарё ва унинг ирмоқларидан бошқа сув йўқ.
1012. Қиршаҳр — Қизил Ирмоқ дарёсининг ўрта оқимида ўнг соҳили тарафидаги шаҳар.
1013. Муаллиф турк султонининг оти Йилдирим Боязид билан бирга унинг Қайсар ва Қайсари Рум атамаларини ҳам ишлатади.
1014. Бу ерда эслатилган Қаро Усмон Туркмон соҳибқироннинг асосий душмани ва Румга юршишининг сабабчиларидан бири бўлган Қора Қўйунлу туркманларидан бўлган Қаро Усмон Туркмон эмас. Бу душман Боязид тарафида эди.
1015. Шу ерда Мухаммад Али ноўрин қисқартиришга йўл қўйган. У ташлаган парчани биз форсчадан (409а саҳифанинг 9 сатридан бошланган) таржимادا келтираемиз.
1016. Султон Боязид Йилдиримнинг отаси султон Мурод I нинг (1360—1389) серб қироли Лазар (1372—1389) билан Косово майдонида қилган жангида султон ҳам, қирол ҳам ўлдирилади. Лекин турклар ғалаба қозониб, янги султон Боязид Лазарнинг қизига уйланади. Бунинг ўғли княз Стефан (1389—1427) эса султонга тобеъ бўлиб, султоннинг Болқондаги бошқа мамлакатларни бўйсундириш учун олиб борган жанглариде ўз лашкари билан иштирок этиб, ёрдамлашади. 1402 йилдаги Анқара яқинидаги жангда ҳам Стефан ўзининг йигирма минг серб қўшини билан Боязид тарафида Амир Темурга қарши чиқади. Бизнинг муаллиф «Лас Афранжийнинг ўғли» деб ана шу Лазар ўғли Стефанны айтаяпти.
1017. Форсча матнда шу охириги икки ном бир кишининг исми «Довудийоний» шаклида берилган.
1018. Муаллиф бу ерда фақат Анқара яқинидаги жангнинг ўзини тавсифлаган ва Амир Темурнинг жангдан аввал ишлатган ҳарбий ҳийласи ҳақида айтмаган. Бу ҳақда де Клавихо муфассалроқ (қаранг: Рун Гонсалес де Клавихо Дневник... с. 68-69) маълумот борган.
1019. Исариқа суйи, Бўғози Искандар — Босфор бўғози. Ҳозирги турклар уни фақат Бўғоз дейдилар.
1020. Қўнийа — Ғарбий Анатўлиядаги қадимги Иконий шаҳри, 1077 йилдан 1307 йилгача Рум Салжуқийларининг пойтахти бўлган. Фақат XIV асрнинг охириги чорагида Усмонли давлатининг таркибига кирган.
1021. Оқшаҳр — Ғарбий Анатўлияда шу номли кўлнинг жанубидаги шаҳар.
1022. Қора Ҳисор — Ғарбий Анатўлиядаги шаҳар, ҳозир у Афйўн — Қораҳисор деб аталади.
1023. Аланийа — Жанубий Анатўлияда денгиз соҳилидаги шаҳар. Унга Салжуқий султон Аловуддин Кайқубод I (1219—1237) асос солгани учун Алоиййа деб аталган ва кейинчалик бу ном ўзгариб, юқоридаги кўринишни олган.
1024. Адалийа — Анатўлиянинг ғарбий чекасида Гедиз дарёси бўйидаги шаҳар, ҳозирги номи Адала.
1025. Кутаҳийа — шимоли-ғарбий Анатўлияда Пўрсуқ дарёсидан ғарброқдаги шаҳар.
1026. Герета — шимоли-ғарбий Анатўлияда шу номли дарёнинг юқори оқимидаги шаҳар.
1027. Хўжаэли — Босфор бўғозининг шарқидаги яримрол вилоят.
1028. Дарёйи Мағриб деб муаллиф Эгей денгизини атайпти.
1029. Кушеш тоғи ҳозир Улудаг деб аталади.
1030. Гиря саҳроси — Бурсадан шарқдаги қўл.


1031. Ўангишаҳр — ҳозирги Енишеҳир, Бурсадан 50 км шимоли-шарқда.
1032. Изник — Мармара денгизидан шарқдаги бир хил номлик қўлнинг шарқий соҳилидаги шаҳар, қадимги Никел.
1033. Изник қўлига шимолдан. Самонли тогидан тушувчи дарёча ҳақида сўз кетаётир.
1034. Галата гузари — Истамбулнинг Осиёдаги қисмидан Оврупадаги қисмига ўтиш жойининг ва шу ердаги Оврупа қисмининг номи.
1035. Асрақийа — Истамбулга Оврупа тарафидан туташ ерлар, тарихий Фракия.
1036. Мухолиж мурғзори — Истамбулнинг Оврупа қисмидаги Олтин шох кўрфазига (халиж, мухолиж) шимолдан туташган ўрмонлар.
1037. Муаллиф матннинг бироз юқорисида ва шу ерда эслатаётган жетағийлар (ёки чатоғийлар) болқонлик славянлардан ёлланган жанговар гуруҳлар.
1038. Бу ерда Марказий Анатўлиядаги шаҳар ва шаҳарчалар эслатилапти. Хусусан, Оқсаро Туз қўлидан қарийб 40 км жануби-шарқдаги шаҳардир.
1039. Эл Ойдин вилояти — Ғарбий Анатўлияда Катта Мендерес дарёсининг қўйи оқимидаги вилоят маркази. Ойдин шаҳри.
1040. Юқорида айтганимиздек (1016-изоҳга қаранг), бу хотин қирол Лазарнинг қизи эди.
1041. 1256 йили туркманларнинг афшар қабиласидан бўлган Қарамон ибн Нура Суфий Марказий Анатўлияда Қарамонлилар мустақил беглиги сулоласига асос солади. 1390 йилда Боязид беглик ерларини забт этиб, бек Аловуддин ибн Халилни ўлдириб ўгли Муҳаммадни асир қилади. Темурнинг қўллаши билан ўн икки йил қамоқдан сўнг бу Муҳаммад II номи билан яна бегликка ўтиради. Қарамонлилар беглиги Усмонлилар томонидан 1483 йили тамомила забт этилиб сулола тугатилади.
1042. Бу Оқсарой Марказий Анатўлиянинг жануби-шарқда Марашдан 45 км шарқда жойлашган.
1043. Бу ерда эслатилган шаҳарларнинг географиясидан кўринадики, Амир Темур Муҳаммад II га Марказий ва Жанубий Анатўлиянинг узунлиги салкам 1000 км га қўзилган улкан қисмини мулк қилиб берган. Қуриш қийин эмаски, бу билан Темур узоқни кўзлаган. Қўйида биз кўрамызки, у Усмонлиларнинг ҳам мулкини қайтариб беради. Лекин Темур улар теда кучайиб кетмасликлари учун улар забт этган Анатўлиядаги барча турк бегликларини қайта тиклайди ва бегликларга катта мулкларни беради. Бу эса Анатўлияда Усмонлиларга қарши рақобатни узоқ муддатга кучайтириб туради.
1044. Тунгузлуг — Ғарбий Анатўлиядаги шаҳар. XI асрда бу ерларни Салжуқийлар забт этганларида атрофда тунгуз кўп бўлгани учун шаҳарни шу ном билан атаганлар. Туркчада бу ном Дунузлу деб талаффуз этиларди. Лекин шаҳарнинг христиан аҳолиси исломлашиб, атрофдаги тунгузлар ҳам қирилиб биттанидан сўнг Усмонлилар даврида бутунлай мусулмонлашган шаҳар аҳли шаҳарларининг номидан орланиб, XV аср охиридан уни, денгиздан анча узоқ бўлишига қарамай, ўхшаш талаффузли Денизли номига алмаштирдилар.
1045. Ғарбий Анатўлияда Олтунтош номли бир неча мавзё бор. Бу ерда улардан Фракияга энг яқини, яъни Мармара денгизининг жанубий соҳилидагиси назарда тутилаётган кўринади.
1046. Бу ерда «Миср» деб мамлакатнинг пойтахти Коҳирани айтиляпти.
1047. Кичик Бурлаг — Кичик Осиёнинг жануби-ғарбидаги мавзё.
1048. Така эли — Кичик Осиёнинг энг жануби-ғарбида Уртаденгизга туташган ўлка.
1049. Сарухон эли — Кичик Осиёнинг ғарбида ўрта асрлардаги эл. Унинг маркази Мағнесия шаҳри бўлган. Шаҳарнинг номи ҳозир Маниса шаклига ўзгарган. Гедиз дарёсининг қўйи оқимида чап соҳилида жойлашган. Элнинг номи ҳозир Маниса деб аталади. Лекин Манисадан 25 км шимоли-шарқда эски номи билан Сарухонли деб аталадиган шаҳар бор.
1050. Юқорида 1036-изоҳга қаранг.
1051. Баликасири — шимоли-ғарбий Анатўлиядаги шаҳар, ҳозирги номи Баликесир.
1052. Яъни — ҳожатга.
1053. Бергама — Ғарбий Анатўлияда денгиздан 25 км ча масофада Бақир дарёсидан ўнг тарафда жойлашган шаҳар.
1054. Кирмийон вилояти — ўрта асрларда Кичик Осиёнинг жанубидаги вилоят, ҳозир бу ном сақланмаган.
1055. Мендурас суйи — Буюк Мендерес дарёси, Денизли шаҳридан 25 км масофада ўтади.
1056. XIV аср бошида Рум Салжуқийлари салтанати парчаланиб, бир неча бегликка бўлинади. Шу бегликлардан бири Ментеша ўғуллари деб аталиб, Кичик Осиёнинг жануби-ғарбида Спорад ороллари рўпарасидаги қисмида ўрнашади. Бегликнинг географик ўрни Ментеша деб аталабошлайди. Амир Темурнинг келгунига қадар бу беглик ҳали Усмонли давлати таркибига кирмаган ва мустақил эди.
1057. Тира — Ғарбий Анатўлияда Кичик Мендерес дарёсидан 10 км ча жанубдаги шаҳар. Демак, Гузал ҳисори ва Айнаслиқ шаҳри ҳам шу шаҳар атрофида бўлган.
1058. Измир (қадимги Смирна) — Ғарбий Анатўлиядаги шаҳар-қалъани Темурга қадар турклар забт этолмаган эдилар. Чунки шаҳар уч тарафдан сув билан уралганлиги ва қўлай бандар бўлганлиги учун у доимо денгиз тарафидан Оврупадан мадад олиб турарди. Бу баён этилаётган воқеа пайтида ҳам унда француз ва италян ритсарлари кўп эди.

1059. Маҳнус деган исм латинча «магнус» — катта, буюк демакдир. Шунга кўра Измир ҳокими Ғарбий Оврупанинг бирор католик мамлакатидан келган ритсари бўлади.
1060. Бу ерда келтирилган христиан шаҳар ё мамлакатларининг номлари форсча матнда ҳам, ўзбекчада ҳам ниҳоятда ноаниқ ёзилган бўлиб, уларнинг ўқилиши шартлидир. Лекин, шундай бўлса ҳам уларнинг баъзиларини идентификация қилиш мумкин. Чунончи Руман — Рим, Галата — Келтика (Белгия), Сантус — Испания ё Италиядаги «санта». «сан» (авлиё) сўзи билан бошланган шаҳар номи, Верден — Франция ва Германиядани шаҳар, Вируна — Италиядаги Верона, Атина — Афина, Дараклу — Руминиядаги шаҳардир.
1061. Қалъаи Фавжа — Гедиз дарёсининг денгизга қўйилиш жойидан 10 км ча шимоли-ғарбда Эгей денгизи соҳилидаги шаҳар. Унинг ҳозирги номи Фуча.
1062. Бу ерда забт этилган христианлар Измирига яқин жойлашган мусулмонлар Измири ҳақида сўз кетаяпти.
1063. Аёзлиқ саҳроси — Буюк Мендерес дарёсига унг тарафдан туташган чуллар.
1064. Жазираи Сақз — Сакс ороли ёки сакслар ороли деб тушунуш мумкин. Бу ҳолда Британия оролларида бири ёки Германиянинг ери — Саксуния бўлади.
1065. Элбазам — бу жойни аниқлаб бўлмади, ўқилиши шартли.
1066. Султон ҳисори — Ғарбий Анатўлияда Ойдин шаҳридан 30 км ча шарқроқда Буюк Мендерес дарёсининг унг қирғоғидаги шаҳарча.
1067. Қиршаҳр — Марказий Анатўлияда Қизил Ирмоқ дарёсининг Ўрта оқимида ундан 20 км ча шимолда жойлашган шаҳар.
1068. Эгривир — жануби-ғарбий Анатўлияда шу номли кўлнинг жанубий соҳилидаги шаҳар.
1069. Ҳамид вилояти — ҳозирги Туркиянинг жануби-ғарбидаги Испарта элининг эски номи.
1070. Оқшаҳр ҳақида юқорида 1021-изоҳга қаранг.
1071. Амасийа — Шимолий Анатўлияда Яшил Ирмоқ дарёсининг унг соҳилидаги шаҳар.
1072. Қарошаҳр — Анқарадан 80 км ча шимоли-ғарбдаги шаҳар.
1073. Хонсор — Жарбодикондан (ҳозирги Гулпойгондан) 25 км жанубдаги шаҳар.
1074. Ружард ёки Буружард — Ҳамадондан 100 км жанубдаги шаҳар.
1075. Ҳит — Ироқда Бағдоддан 150 км ғарбда Фирот дарёсининг унг соҳилидаги шаҳар.
1076. Назол — ўзбекча матнда шундай, форсча матнда «Зол» (қаранг: 4366, 17 сатр). Бироқ Муъиниддин Натанзий бу шахснинг исмини Турол шаклида келтиради (қаранг: Муъиниддин Натанзий, 393 с.).
1077. Қуръон. Моид сураси, 120-оят.
1078. Байлақон — Кура дарёсининг Араксга қўйилиш дойидаги қалъа. 1079. Бу ерда буюк газ, яъни 0,54 м билан ўлчанган миқдорлар ҳақида сўз кетаётир. Бу ҳолда Байлақон қалъасининг давраси $2400 \times 0,54 = 1296$ м, деворининг эни $11 \times 0,54 = 5,94$ м, баландлиги $15 \times 0,54 = 8,1$ м, хандақнинг эни $30 \times 0,54 = 16,2$ м, чуқурлиги $20 \times 0,54 = 10,8$ м бўлади.
1080. Демованд — Техрондан шимоли-шарқдаги тоғ.
1081. Даёлима — Дайламнинг кўплиги, Каспий денгизининг жанубида Гилондан жануброқдаги вилоят.
1082. Қуръон. Фажр сураси, 28-оят.
1083. Мироншоҳнинг ўғли амирзода Умарга умумий майдони 3000000 км² ташкил қилган, зотан деярли бутун Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тобё қилиб берилди.
1084. Бу ерда номлари эслатилган Ироқи Ажам шаҳарларидан Сова, Қумм ва Кошон юқорида кўп марта эслатилди.
Чаро — Кермондан 25 км жанубдаги шаҳар.
Кухруд — Қумм билан Кермон орасидаги тоғ тизмаси ва Исфаҳон яқинидаги шу номли шаҳарча.
Пароҳон шаҳри ҳозир сақланмаган.
Бу ерда эслатилган халажлар қарлуқ турк қабиалари бирлашмаларига мансуб бўлиб, улар ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг жануби ва Хуросонда кўп тарқалганлар. Ва улар жанубий ўзбекларнинг таркибига кирган. Халажларнинг Хуросондан ҳам ғарбдаги улкан майдонларда тарқалганлиги диққатга сазовар бўлиб, бу хабарни фақат Шарафуддин келтиради.
1085. Миёна — Табриздан 150 км ча жануби-шарқдаги шаҳар.
1086. Саржам — Миёнадан жануброқдаги мавзё.
1087. Бағдод билан Қазвингача энг қисқа бирдан-бир йўл Ханокин, Кермоншоҳ ва Ҳамадон орқали ўтган йўлдир. Демак, бизнингча, Гулшан йўли ана шу йўлдир.
1088. Қазвин билан Рай орасида, яъни Эроннинг энг шимолида Савуқ Булоқ деган туркий атаманинг бўлиши бу ерда ҳам халаж турклари бўлганлигидан далолат беради.
1089. Дужайл — Бағдоддан шимолроқда Дажла бўйидаги мавзё.
1090. Талғун уқбаси — Қазвиндан ғарброқдаги тоғ давони.
1091. Рай вилоятидаги Сарикқамиш шаҳардан бироз жануби-шарқда бўлган.
1092. Хувор — Райдан Семнон ва Дамғонга олиб борувчи йўл Райдан қарийб 100 км масофада «жануби-шарқ» йўналишини «шимоли-шарққа» алмаштиришдаги мавзё.
1093. Бистом — Шимолий Эронда Каспий денгизидан 90 км ча жануби-шарқдаги шаҳар.

1094. Лангарду ўқбаси — Шоҳқуҳ тоғидаги давон.
195. Жилов — Касий денгизининг жанубидаги Мозандарондаги қатъа. Демак, Темур йўлини ўзгартириб, бироз орқага, шимоли-ғарбга бурган.
1096. Бу ерда номлари эслатилаётган Бижан, Қайу, Бону Биштаси — Фирдавсий «Шоҳнома»сининг қаҳрамонлари ва афсонавий шахслар.
1097. Албатта бу ерда Омул номлик бирор алоҳида мамлакат эмас, балки Каспий денгизининг жанубидаги Омул шаҳри ва унинг вилоятидан иборат мулк ҳақида сўз кетаётир.
1098. «Нападид бўлди», яъни йўқолди, даф бўлди дейиляпти.
1099. Ишқобод номи аслида Ашқобод деб ўқилиши ҳам мумкин ва бу Туркманистондаги Ашхобод шаҳри бўларди. Лекин Ашхободдан шимоли шарқ йўналишидадир. Бу ҳолда соҳибқирон Ашхободга бориш билан ҳеч қандай сабабсиз йўлини бутунлай тескари тарафга бурган бўларди. Демак, бу ерда эслатилган Ишқобод Нишопур билан Ҳирот оралигида бўлган.
1100. Яъни «боши тубан» демоқчи.
1101. Дулбуржи мавзёи аслида Дулбарчин манзилининг ўзи бўлса керак. Чунки Муҳаммад Али бир номнинг ўзини турли хилда ёзади.
1102. Бу мураббаъ (квадрат) шаклдаги боғ ҳар томонининг узунлиги қарийб 750 м бўлган.
1103. Бу ерда Фаранг мамлакатидан келган бир элчи ҳақида сўз кетаётир. Демак, у ерда Испаниялик Руи Гонсалес де Клавиходан бошқа оврупалик бўлмаган. Бу ҳолда «Фаранг вилояти» Испанияни билдиради.
1104. Тайзи Углон ҳақида юқорида 873-изоҳга қаранг.
1105. Шўтурмурғ — туяқуш.
1106. Яъни уй эгаси қилиш, уйлантириш демакдир.
1107. Бу ерда шилатилган ичимликлардан тўрттаси сиртликдир. Чунончи, бода мусалласга шакар қўшиб тайёрланган кучлик вино; мусаллас — узумни эзиб ясалган оддий енгил сиртлик ичимлик; арақ ичилишининг тарихи бизнинг заминимизда русларникидан ҳам қадимроқ экан; шарбаи муадд — ўт ёқиб, махсус тайёрланган спиртлик ичимлик, самогон.
1108. Келтирилган сатрлардан кўринадики, Темур художўй ва анча кексайиб қолганига (69 ёш) қарамай кучли ичимликларни ичаверган. Лекин у фақат махсус уюштирилган базмлар ва тўйларда ичган. Юқоридаги қисса баёнидан кўриш мумкинки, бундай ҳодисаларнинг кетма-кет иккитаси орасидаги муддат бир неча ҳафтадан баъзан ойларга ҳам чўзилган. Демак, Темур айшу-ишрат ва ичкилик базмларни севиш билан бирга узоқ муддат ўзини тийиб юраоладиган кучли иродага эга шахс бўлган.
1109. Қуръон. Анъом сураси, 45-оят.
1110. Яъни ғарбдан шарққача.
1111. Бу ерда муаллиф соҳибқирон номидан қандай сўзларни айтганидан қатъий назар, унинг Хитойга юришининг яна бир боиси бор эди. У ҳам бўлса шуки, 1368 йили хитойлар мўғуллардан мустақилликка эришиб, Хитойда императорларнинг Мии сулоласи тахтга келган эди. Энди аксинча, Хитой императорлари мўғулларнинг Улуғ улуси буюк хонлари ўстидан ўз ҳукмларини ўрнатган эдилар. Темур ва авлодларининг Жетага қилган қатор юришлари натижасида унинг мулки Лобнор кўлигача етиб, Хитой империяси билан чегарадош бўлиб қолган эди. Император эса Темурга юборган мактубларида уни «ўғлим» дерди. Дипломатия тилида эса бу «сен менга тобеъсан» деганини билдирарди. Ҳатто император Темурдан йиллик солиқ тўлашини талаб қиларди. Шундай қилиб, Хитой императори ғарбдаги ерларга давъоварлигини сир тутмас эди ва эртами ё кечми бу ерларга унинг ҳужум қилиш хавфи турарди. Ана шунинг учун ҳам Темур етти йиллик юришидан қайтганига ҳануз беш ой тўлмасидан шошилиш равишида Хитойга юришни бошлайди. Чунки унинг айгоқчилари уни Хитойдаги аҳволдан хабардор қилиб турардилар.
1112. Бу мактубнинг ўлчамлари диққатга сазовар. Агар бир қари бир гази шаръийга, яъни 0,493 м га тенг десак, яъни уни энг қисқа ўлчамда (0,875 м ва бундан ҳам катта ўлчамлари мавжуд бўлган) ҳисобласак, у ҳолда мактубнинг эни 1,479 м ва узунлиги 34,51 м бўлади. Унинг юзаси эса 51,04029 м² бўлади. Агар бу юзалик қоғозни оддий 1/16 босма табақ китоб юзаси 0,14x0,21-0,029м² га бўлсак кўрамызки, Амр Темурнинг Миср султонига юборган мактуби 3472 саҳифа ёки 217 босма табақни ташкил қилувчи улкан китобга тенг эканлигини кўрамыз. Албатта, у «мактубда» нима битилганлигидан қатъи назар, у Миср султони учун дастуруламал ва қонуилар кодекси вазифасини бажарганлиги шубҳасиз.
1113. Абушқаси — эри демакдир.
1114. Қуръон. Аҳзоб сураси, 47-оят.
1115. Йасси — Марказий Осиёнинг эски маданият марказларидан, Аҳмад Йассавийнинг ватани. Ҳозир Жанубий Қозоғистонда Чимкент вилоятида унинг ўрнида Туркистон темир йўл бекати жойлашган. Аниқлик учун тақрорланди.
1116. Бу ерда эслатилган Оқсулот, Қаро Булоқ, Илон ўти ва Томлиқ — Арис дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойи атрофидаги мавзёлар.
1117. Тағма — канизак, никоҳдан ташқари ўринлиқ аёл.

1118. «Таъхир бўлди» — тугади демакдир.
1119. «Мутарсид эрдилар» — қўрқардилар демакдир.
1120. Қуръон. Бақара сураси, 156-оят.
1121. Амирзода Султон Ҳусайиннинг бу муттаҳамлик қилишлари ҳақида юқорида 968-изох ва мос саҳифага қаранг.
1123. «Ал-нисон абийдул аҳсон»: яъни нисон — аҳсоннинг бандасидир, демакдир.
1124. Очиқ Фаркат — ҳозирги Паркат.
1125. Қуръон. Ҳуд сураси, 73-оят.
1126. Самарқанд суйи — Зарафшон дарёси.
1127. Шероз — Самарқанддан 25 км масофадаги мавзё.
1128. Аййуб пайғамбар мазори — Чанмаи Аййуб.
1129. Қуръон. Бақара сураси, 105-оят.
1130. Қуръон. Наҳл сураси, 90-оят.
1131. Албатта, бу сўзларни муаррихнинг талқини деб тушунимоқ керак. Чунки агар соҳибқирон ўзининг аввалдан ўйлаб қўйган фикрини амалга оширадиган бўлса, қурултой чақиринининг ҳожати йўқ эди. Шубҳасиз, у қурултойда ўз фикрини уртага ташлаб, сўнг айтилган фикрларга кўра унга тўзатни киритган.

КЎРСАТКИЧЛАР



БИБЛИОГРАФИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абдуразоқ Самарқандий . Матлаи савдайн ва мажмаи баҳрайн. Таржимон ва нашрга тайёрловчи А. Ҳринбоев. Тошкент. «Фан», 1969.
- Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. V жилд, I китоб, «Қонуни Масъудий», 1—5-мақолалар. Таржимон А. Расулев. Масъул муҳаррир А. Аҳмедов. Тошкент, «Фан», 1973.
- Амир Темура Гурагон. Зафар йўли (Таржиман ҳол). Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Алфрах Аҳмад. Тошкент, «Фан», 1992.
- Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Тошкент, «Нур», 1992.
- Бартольд В. В. Географический очерк Мавераннахра. — Сочинения, т. I, М. «Наука», 1963, с. 114—237.
- Бартольд В. В. Историко-географический обзор Ирана. — Сочинения, т. VII, М.: «Наука», 1971.
- Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. — Сочинения, т. I, М.: «Наука», 1963, с. 45—610.
- Бартольд В. В. Улугбек и его время. — Сочинения, т. II, часть 2; М.: «Наука», 1964, с. 25—177.
- Босворт К. Э. Мусульманские династии. Перевод с английского и примечания П. А. Грязневича. М.: «Наука», 1971.
- Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов — Ануштегинидов. М.: «Наука», 1986.
- Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Перевод с персидского, предисловие и примечания А. А. Семенова. М.: 1958.
- Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. М.: — Л.: Изд-во АН СССР, 1950.
- Дневник похода Тимура в Индию Гийас-ад-дина Али. С приложением соответствующих отрывков из «Зафар-наме» Низам-ад-дина Шами. Издание Л. А. Зимина под ред. В. В. Бартольда, Петроград, 1915.
- Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-маъдур фи тарихи Таймур. Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Убайдулла Уватов. I, II китоблар. Тошкент, «Меҳнат», 1992.
- Камалидинов Ш. С. «Китаб ал-ансаб» ас-Сам'они. Тошкент, «Фан», 1993.
- Миён Бузрук. Ўзбек тарихига оид тўрт муҳим китоб. «Маориф ва уқитувчи» журнали, 1927, № 9-10, 56—60-бетлар.
- Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Б. Аҳмедов кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида, форс тилидан Б. Аҳмедов, Н. Норкулов, М. Ҳасаний таржимаси. Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1994.
- Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406). Перевод, предисловие и комментарий. И. С. Мироковой, М.: «Наука», 1990.
- Фасих Хавафи. Мужмал-и фасихи. Перевод, предисловие, примечания и указатели Д. Ю. Юсуповой. Ташкент, «Фан», 1980.
- Хождение за три моря Афанасия Никитина. М.: — Л.: 1948.
- Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Ҳринбоевники. Тошкент, «Фан», 1972.
- Эвлия Челеби. Книга путешествия. Выпуск 3. М.: «Наука», 1983.
- Қуръони карим. Матни абдан ўзгармасдир, мазкурдир.
- Eckmann J. Die tschagataische Literatur (Philologiae turicae fundamenta), t. II, Leiden, 1964, 366 S.
- Extraits du Muntakhab al-tavarikh-i Mu'ini (Anonime D'Iskandar), Publies par Zean Auhiddbn. Librairie Khayyam. Teheran, 1957.

КИШИ НОМЛАРИ ҚЎРСАТКИЧИ

- Аббос Баҳодур — 276, 29а, 30а, 32а, 33а, 356, 366, 39а, 42а, 476, 53а, 576, 60, 706, 946, 1046, 105а6, 106а, 120а
- Абдуллоҳ мирзо ибн амир Қазоған — 9а6, 356, 36а, 49а
- Абдуллоҳ Тайғу — 7а
- Абдулмалик Қароҳон — 108а
- Абдуссамад Ҳожи Сайфуддин — 1826
- Або Бакр, мирзо Мироншоҳ ўғли — 116а, 1296, 180а6
- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмонд ал-Бухорий — 76а
- Абу Исҳоқ — 104а
- Абулмасолий, хонзода — 566, 59а, 636
- Абу Муслим — 80а
- Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдулрахмон ад-Дорамий ас-Самарқандий — 76а
- Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн Наср ибн Ҳумайд ал-Қашиний — 756
- Абу Саъид Барлос — 1706
- Абу Саъид Испаҳбод Ғурий — 856
- Абу Саъид Ёасуд — 1096, 110а
- Абу Саъид Табасий — 178а, 1796
- Абу Саъидхон — 6а, 149а
- Абдулфатҳ, Муҳаммад Миракнинг иниси — 1076, 1086
- Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит имомн аъзам (699-767) — 1856
- Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Нисопурий — 76а
- Ажунн — 196, 216
- Айнаи Катта — 636
- Ака Бегим (яна қаранг: Тағайшоҳ Ака Бегим) — 61а, 81а
- Али Акбар, хонзода — 566
- Али, амирода (Алибек) — 86а6, 88а, 896
- Алибек — 1046, 1256, 1656
- Алибек — 71а
- Алибек ибн Аргуншоҳ Жошиқурбони ўғли — 176, 18а, 766, 77а6, 80а6, 81а6, 82а, 83а6, 84а6, 85а6, 86а6, 86а, 112а
- Алибек Қўширот — 976, 98а, 119а
- Али Дарвеш — 31а6, 32а, 676, 806
- Али Ёасурий — 326, 38а, 39а, 416, 42а
- Али, қутвол — 136а
- Али Қўчапо — 103а
- Али Моеулий — 1526
- Али Муъаййидбек ўғли — 78а, 816, 826, 85а, 1386
- Али Ота — 476
- Али Тархон — 1826
- Али Тоғ (яна қаранг: Пир Али Тоғ) — 109а
- Алишоҳ — 366, 1686
- Али Ёлпон — 1256, 165а
- Али, Хиар Ёасурий ўғли — 536
- Алқа Қавчин — 576
- Аллоҳод Вафодор — 1686
- Аллоҳод (яна қаранг: Худододи Ҳусайний) — 72а, 141а, 1806
- Аловуддин Иноқ — 106а
- Алоуддлава, Султон Аҳмад Жалоийр ўғли — 148а
- Али Ғончи, амир Муса ўғли — 129а
- Алфа, тавачи — 616
- Амачи Сўфий — 108а
- Амир Али Саидий — 836
- Амир Тарагай — 26, 11а, 116а, 1806
- Амир Темур Ғурагон. (яна шушшидек амир соҳибқирон) 2а, 26, 11а, 116, 12а6, 586, 1016, 1656, 168а
- Амир Ғурий — 80а, 86а
- Амир Ҳожи (Ҳожибек, Ҳожи Барлос) — 146
- Амир Ҳожибек, Сарн Буга ўғли — 104а
- Амирода Али, Темурнинг хоҳарзодаси — 3016
- Амон Сарбадол — 68а
- Амоншоҳ — 141а
- Анка Тўра — 105а6, 112а6, 113а6, 117а
- Антила Тархон — 1236
- Аначи Катта — 576
- Ардашон Бахтин — 136
- Ардашер Кавчин — 576
- Аргун Барлос — 996
- Аргуншоҳ Ахтачи — 866, 97а, 123а, 179а6, 1836
- Аргуншоҳ Бурдалиғий — 43а, 47а, 132а, 1576
- Атончук — 41а6
- Афросиёб, Фирдавский «Шоҳнома»си қаҳрамони — 1166
- Ахишоҳ, қутвол — 1656
- Баён Сулдуз — 7а, 96, 10а, 12а6, 15а6, 16а, 24а, 336, 44а, 566
- Баён Темур, Беккичи ўғли — 616, 113а, 114а, 1836
- Баён Темур, Оқ Буга ўғли — 103а, 143а
- Баёнқулихон Ёлпон — 6а, 7а, 9а6
- Баржаст Ёаноқ — 196, 20а
- Бармоқчи — 93а
- Барот Хожа Қўқалтош — 416, 706, 876, 1056, 1066, 129а, 145а
- Бароқай — 172а
- Барқуқ — 1486, 149а
- Бахт Малик ого, Илос Ёасурий қизи — 70а
- Бахти Хожа Ёзбек — 73а, 80а, 1686
- Баҳдул — 1866
- Баҳдул Муҳаммад, Дарвеш Барлос ўғли — 129а, 1776, 178а
- Баҳодур Қавчин — 1076

Баҳром. навкар — 34а, 37а
Баҳром Жалойир — 19а, 24а, 31б, 32а, 33а,
43б, 45б, 56б, 60б, 67а
Баҳром Насурий — 140б, 141а
Бахтишоҳ — 57б
Бек Еруқ Уғлон — 104б, 125б, 168аб, 171а
Бекиси Султон — 184б, 185а
Беккичик — 10б, 19б, 21б, 25а, 25б, 26а, 143а
Беккичик ўгли Темур — 22б
Бекши — 170б
Бекшиноҳ — 38а, 40аб
Бек Наҳин Баҳодур — 117б
Бек ого, Умаршайх хотуни — 154б
Бек Пиришох Арлот — 58б
Бек Нулод ўғлон — 94а, 125б
Бек Хожа Хожабек — 171аб
Бердибек Сори Буга ўгли — 125а, 126а, 143а,
154б, 186а
Билкие — 26а, 185а
Бобо Сангу — 77а
Бойсулқур Мирзо — 183а
Боязид, бурулдай — 109а, 110а
Боязид, даруга — 162б
Боязид Жалойир, Боязидбек — 10а, 12аб, 14а,
15аб, 27а, 31а, 32а, 37б, 67б
Боязид Олтибармоқлик — 124б
Буён ого — 66б
Булод — 173аб
Бурулдой — 9а, 109а
Бурҳон ўғлон — 114а, 149б, 158б, 162б
Буқрот (Бағрат) — 96б, 97а
Бўриберди — 172а
Важиҳуддин Масъуд Сарбалдор — 6б
Валибек — 80б, 81б, 84б, 91б, 92аб, 93аб,
94а, 95б
Гулар — 143а, 177б
Гурген Милод — 104б
Давлат Хожа — 143а, 170б
Давлатшох Бахший — 25б, 30б, 38а, 53а, 57б
Давлатшох Жайбачи — 111б
Дакна Қавчин — 57б
Дарвешак Бургучи — 36б
Дарвешбўкка — 36а
Дилшод ого, Шамсудинбек қизи, маҳди аъло —
66б, 67а, 83б, 86а, 153б
Дилшод ого, Хусайнбекнинг хотини — 17а,
56б
Довуд, пайгамбар — 185а
Довудбек Дуғлат — 27а, 35б, 36а, 37б, 42а,
53а, 56б, 57б, 65а, 66б, 94б
Довуд Сўфий — 168аб
Довудшох — 29а, 41а
Донишмандча Уғлон — 6а
Достон — 88аб
Дувахон — 10б, 26б
Дурбой Қавчин — 106б
Дуржи ибн Олчиқдай ибн Дувахон — 26б
Дуррака Баҳодур — 36б, 40а, 41аб, 42а
Дур Султон ого — 134а
Евмурд — 41б
Едгор Андхудий — 100б
Едгор Барлос бинни Лола — 65а, 108б, 114аб,
124а, 134а, 169ю
Ер Али — 150а, 153а

Еруқ Темур — 72а
Жака Тавачи — 126б
Жақуббек ибн Муборак ибн Тўгон ибн Кодон
ибн Шаръа ибн Қорачор нуён (Жақу Бар-
лос) — 14а, 21а, 24а, 26а, 27б, 30б, 32а,
33а, 38а, 39а, 40б, 59а, 54б, 56б, 57б, 69б,
62б, 72а, 86б, 90б, 143а
Жаловатий, элчи — 74а
Жалол Жамшид — 124а
Жалол Ҳамид — 114а, 141а, 147а, 149б, 183б
Жалолиддин — қаранг: Шоҳ Жалолиддин
Жалолиддин Барлос — 21а, 24а
Жалолиддин Кеший — 61б, 62а
Жалолиддин Шужоъ — 92а
Жалолиддин Ҳамидбек ўгли (яна қаранг: Жа-
лол Ҳамид) — 113а, 179аб
Жалолиддин Ферузқўхий — 184а,
Жамшид, афсонавий Эрон шоҳи — 88а, 160а
Жамшид Корун, даруга — 133а
Жанги Қавчин — 58а
Жаҳонгир — 152б
Жаҳонгир Мирзо — 41а, 44а, 48б, 53а, 64а,
65б, 66аб, 68б, 69б, 70а, 84б, 180б
Жаҳонмалик Малакат ўгли — 182б
Жаҳонмалик ибн Хусайнбек — 50аб, 56б
Жаҳон Паҳлавон — 63а, 135а
Жаҳоншохбек Жақу (Жаҳоншох Баҳодур) —
44а, 80а, 86б, 90аб, 96б, 100а, 108б, 109аб,
113б, 115б, 116б, 121а, 124а, 126а, 131а,
134а, 158б, 162б, 164б, 169а, 171а, 175а,
177б, 180аб, 183аб
Жаҳоншох, Тайғу ўгли — 38б
Жирқис, пайгамбар — 152б
Жовурчибек — 29аб, 32а, 52б
Жунайд — 109аб, 110а
Жўҷихон — 71а, 72б, 74а, 94а, 97б, 110а,
118б, 125б, 126б, 127а, 128а, 166аб, 170аб,
171аб, 172аб, 175б
Зайналобидин, Пир Муҳаммад Қурт ўгли —
111б
Зайналобидин — 93а, 101а, 102б, 104аб, 140а,
143а
Зайниддин Абу Бақр Тайободий — 77б
Зийрак Жақу — 143а, 154б, 162аб, 168б
Зинда Чамш ибн Муҳаммад Хожа Анардий —
26б, 27а, 28а, 52а, 54б, 56б, 58аб, 59аб,
61аб
Ибодуллоҳ Баҳодур — 33а
Иброҳим Йаҳё, пайгамбар — 146а, 153а
Иброҳим Султон, Абул Фатҳ — 4а, 163а
Иброҳимшох — 135а
Идику Барлос — 71б, 80б, 154а, 183б
Идику Узбек (Едигей) — 71б, 118а, 119а,
122б, 127б, 143а
Иззуддин — 135б
Ишбож Уғлон — 147аб, 148а, 158б
Ийгу Темур Билгўт — 78а, 83а, 89б, 92б, 99а,
102б, 107б, 111а, 112б, 123б, 124аб, 140а
Ийд Хожа — 90а, 107а, 122а
Ийжал, Мироншох ўгли — 165б
Илёе — 78а
Илёе Насурий — 32б, 70а
Илёе Хожа Шайх Али Баҳодур ўгли — 95а
Илёе Хожа Уғлон, хон — 16а, 24аб, 25а, 26а,

28а
Илс Уғлон — 165а
Илиғмиш Уғлон — 104б, 107а, 110б,
Инкачак — 112б
Исабек (шунингдек, Исабий) — 94а, 125б,
165аб, 168б, 169а
Искандар — 57б
Искандар Мирзо, Умаршайх уғли — 154б, 184б,
185а
Искандар Шайхи, Бижан наслидин — 79аб,
90а, 133а
Искандар Уғлон — 26аб, 27а
Ислом, даруга — 136а
Ислом ого — 56б
Ислом, Элчи Хожа уғли — 129а
Исфандиёр, «Шоҳнома» қахрамони — 12б, 13б,
36б, 45а, 88а
Исҳоқ, Хизр Йасурий уғли — 61а, 64б
Иқболшоҳ Барғужа — 129а
Йаъдшоҳ Йаъ — 104а
Йангишоҳ, Муборакшоҳ уғли — 89б
Йанги Қавчин — 93а
Йасун Темурхон — 9б, 44а
Йасур Уғлон — 5б
Йатиқ Сўфий — 149бб, 151б, 157б, 158а
Йағлибий — 94а, 165а, 169аб
Йилғамиш Уғлон — 125б
Йумкаи уғли Темур — 22б
Йул Темур — 24а
Йўл Қутлуқ — 69а
Кайхўсрав Хутталоний — 10а, 12б, 15б, 22б,
43б, 44аб, 45аб, 51а, 52а, 53а, 54б, 56аб,
63б, 64аб
Кайқубод Хутталоний — 56б
Калан Дучи — 114а
Камолбек — 165б
Кепакчи Юртчи — 182б
Кичик Сотқин — 72а
Кобулшоҳ Уғлон — 26б
Кузбак — 153а
Кула — 172б, 173аб
Кумаз — 60а
Кунча Уғлон — 107а, 110б, 118а, 127б, 128б,
168аб,
Курт — 111б
Кулаҳ — 41аб
Кук Буга — 125б
Қўп拉克бек — 115б
Қўп拉克 Мангит — 71б
Қўп拉克 Темур — 29б, 49б, 60аб,
Қўп拉克хон — 29б
Қўп拉克чи Юртчи — 72б
Куча Малик — 63а, 107а
Қўчкунчихон (1510—1529), Шайбонийлар су-
лоласидан — 2а
Лаълбек — 104б, 113б, 118а
Лола Баҳодур — 107б
Лола Хожа — 100а
Лолам Қурчи — 143а
Луқмон Подшоҳ — 92б, 93б, 131б
Луқмони Ҳаким — 163а
Мавло — 123б, 140б
Мавлоно Абдуллоҳ Садр — 185б
Мавлоно Абдулфатҳ Лисон — 163а

Мавлоно Бадриддин — 42а
Мавлоно Имомуддин — 132а
Мавлоно Низомуддин уғли Мавлоно Қутбуддин
— 80а
Мазид Барлос — 178б
Малакат — 182б
Малаш Апардий — 117а, 143а
Маликат ого — 184б
Малик Барлос — 108а
Малик Баҳодур — 27аб, 28б, 33а, 34., 36а,
37аб, 44аб,
Малик Иззуддин Курт — 170б
Малик Иззуддин Шерозий — 94б, 100а, 101а,
153б, 155аб
Малик Муъизуддин Ҳусайн Курт — 6аб, 7аб,
8аб, 10а, 40б, 41а, 48аб, 62а
Малик Муҳаммад — 77б, 85б
Малик Муҳаммад Авбахий — 140а
Малик ого, Умаршайх хотуни — 154б
Малик Пир Муҳаммад — 85б
Малик Фахриддин — 85а
Малик Гийсуддин — 6а, 62аб, 76а, 77б, 78б,
79а, 81а, 82а, 83а, 83б, 85аб, 111б
Маллу — 187а
Мамарри, диловар — 79а
Мамоқ (Мамай) — 123б
Мамоқтув — 89б
Мангли Буга Сулдуз — 20б, 21аб
Маҳмуд Барот Хожа — 186б
Маҳмуд Гули — 20а
Маҳмуд Халҳолий — 94а, 95б
Маҳмудбек Хутталоний — 64б
Маҳмудшоҳ Бухорий — 35б, 38а, 39а, 42а,
64б, 141а
Маҳмудшоҳ Йасурий — 92а
Меҳтар Саодат — 140а
Мизроб Жаку — 182б
Мирак Элчи Буга уғли — 78а, 182б
Мирак — қаранг: Муҳаммад Мирак
Мирак Элчи — 112б
Мирӣ Малик — 67б
Мироншоҳ, амирода — 76б, 77аб, 81аб, 85аб,
86б, 89а, 90а, 91а, 92аб, 98аб, 99а, 102б,
107б, 110аб, 111аб, 112а, 116аб, 118а, 121а,
125а, 126а, 128б, 133а, 135аб, 144аб, 146б,
147а, 148б, 151б, 152б, 156аб, 157а, 158а,
165б, 169б, 170а, 171аб, 172аб, 173б, 174б,
175аб, 177аб, 180аб, 187б
Миср, Қаро Муҳаммад уғли — 99б, 159аб,
160аб, 161аб
Муъаййид Арлот (Муъаййидбек) — 23а, 35б,
36аб, 38а, 52б, 53аб, 56аб, 69аб
Мубашшир Баҳодур — 63а, 78аб, 83а, 90а.,
91б, 98б, 114а, 123а, 134аб, 141а
Муборакшоҳ Макрит — 66б
Муборакшоҳ Санжарий — 18а, 33б, 41а
Музаффар, Уч Қаро уғли — 77а
Музаффар Фароҳоний — 135б
Музаффарийлар — 178а
Мурод Барлос, Чўғом Барлос уғли — 27б, 57б
Мусабек — 21а, 23а, 31аб, 32а, 24б, 36аб,
37аб, 41аб, 42б, 43а, 44аб, 47аб, 49б, 53аб,
57а, 58б, 59а, 61а, 70б, 77а, 81а, 165б
Мусика — 107б

- Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий (XVIa.) — 26
- Муҳаммадбек Жоинқурбони — 18а, 34б, 85а
- Муҳаммадбек Мусабек ўгли — 36а, 70б, 81а
- Муҳаммад Дарвеш, Идику Барлос ўгли — 67б, 80б, 97а, 158аб, 159а, 186б
- Муҳаммад Жаҳонгир, Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгир Мирзо ўгли — 181б
- Муҳаммадий — 174б, 175а
- Муҳаммад Мирак — 64б, 99аб, 107б, 108аб, 109а
- Муҳаммад Миср — қаранг: Миср, Қаро Муҳаммад ўгли
- Муҳаммад Музаффар — 143а
- Муҳаммад Озод — 140а, 141а, 146б, 168б
- Муҳаммад, Пир Муҳаммад Курт ўгли — 111б
- Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгир, амирода — 70а, 76б, 77аб, 110аб, 120б, 121б, 122б, 125а, 126а, 130б, 131а, 134аб, 136б, 138б, 139б, 140б, 141а, 142а, 143б, 144а, 145б, 147аб, 151б, 152аб, 156б, 157а, 158а, 159аб, 162а, 168аб, 171б, 174б, 175а, 179аб, 180а, 181б, 183аб, 184аб, 186аб
- Муҳаммад Султоншоҳ ўгли — 72а, 87б, 93б, 95аб, 103а, 107б, 121аб, 125а
- Муҳаммад, Хитойи Баҳодур ўгли — 103а
- Муҳаммад Хожа Алардий — 7а, 10а, 54б, 58а, Муҳаммад Шер Баҳром ўгли — 89а
- Муҳаммад Шоҳ Малик — 183б
- Муҳаммад Қузагон — 77а
- Муҳаммад Қумий — 135а
- Муҳаммад Қўрчи — 137б
- Муҳаммад Ғайрухон ўгли — 174а
- Муҳаммадшайх Ҳожми — 83а
- Муҳаммад Ҳанифа — қаранг: Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит имоми аъзам (699—767)
- Наврўз Қўнгирот — 125б
- Навширвон — 75б
- Ноқашоҳ — 134б
- Некрўзбек — 83а
- Нигор ого — 134а
- Низомиддин Кошгарий — 106б
- Нимруд — 153а
- Нодиршоҳ Қароқўлий — 132а
- Нуриддин Абдураҳмон Исфароиний — 145б
- Нурмалик Барлос — 103а, 183б
- Одил — 32а
- Одил Жуз — 159а
- Одил Малик, Хусайнбекнинг хотуни — 46б
- Одил Офтобачи — 141а
- Одил Султон, хон — 51б
- Одилшоҳ, Баҳром Жалойир ўгли — 66а, 67б, 68аб, 70б
- Оли Музаффар — 84аб, 106а, 136б, 137аб, 142аб, 143аб
- Олим Шайх — 57б
- Олтиш Қавчин — 105б
- Омоншоҳ Баҳодур — 111б
- Ороу Малик ого — 37б, 38а
- Оруғ Умар — 108б
- Отламышбек — 162а
- Отша — 20а
- Оқ Бугабек — 182б
- Оқ Буга Баҳодур Найман — 30б, 36б, 41б, 42б, 42а, 45б, 46а, 48а, 53а, 57б, 61б, 68аб, 70б, 77а, 85б, 86б, 87а, 93а, 108а, 112а, 113а, 139б, 140аб
- Оқ Буга Баҳри — 97б, 98а
- Оқ Буга Йасуд — 109б
- Оқбуга — 125б
- Оқелшоҳ Бурғучи ўгли — 99б, 100а
- Оқ Сўфий — 64а
- Оқ Темур Баҳодур — 36б, 42б, 57б, 63б, 67б, 70б, 72аб, 83а, 87аб, 88аб, 89б, 95а, 108а
- Оқтов — 171а
- Оқчакий — 134б
- Ошиқ, навкар — 37б
- Панжшанба, навкар — 47б
- Пашойи — 63б
- Паҳлавон Маҳдий — 77б
- Паҳлавон Муҳаззаб Хуросоний — 106аб, 136б, 137б
- Пир Али Сулдуз — 154а
- Пир Али Тоз (яна қаранг: Али Тоз, Пир Али) — 109аб, 112б
- Пир Аҳмад — 138б, 143а
- Пирим, ясовул — 62б
- Пирим Сўфий, Юсуф Сўфий ўгли — 141а
- Пир Муҳаммад, Зинда Чашмининг иниси — 58б
- Пир Муҳаммад, Жаҳонгир мирзо ўгли — 70а, 84б, 91а, 110аб, 118аб, 129аб, 131а, 134аб, 136б, 138б, 139б, 140аб, 141а, 145б, 165б, 175а, 178аб, 186аб, 186б, 187аб
- Пир Муҳаммад Малик Ғиёсуддин ўгли (яна қаранг: Малик Пир Муҳаммад) — 79а, 85аб, 111б
- Пир Муҳаммад, Умаршайх Мирзо ўгли — 129б, 154б, 178аб, 181б
- Пир Муҳаммад Фулод — 182б
- Пир Пошшо — 131б, 132а
- Пир Ҳожми Арлот, Тиланчи ўгли — 113аб
- Пир Ҳусайн Барлос — 77а
- Пулод Буга — 22б, 27аб, 28а, 38б, 42а, 43а, 48б, 52б, 68аб
- Рама, афсонавий маъбуд — 45б
- Рамазон Хожа — 90а, 97а, 109б
- Рамазон Қорача Арлот — 124а
- Рустам, Умаршайх мирзо ўгли — 129б, 133а, 169аб, 177б, 180аб, 183б
- Рустам, «Шохнома» қаҳрамони — 2а, 12б, 13б, 36б, 45а, 49а, 88аб, 126а, 160а
- Руқия Хоника — 44а
- Садр Туркман — 117а
- Сайин Темур — 86б, 123б, 140б
- Саййид Абдуллоҳ — 133а
- Саййид Али Шеки Арлот — 165а
- Саййид Барака — 54а, 56б, 86а, 126а, 131б
- Саййид Камолуддин Дароз — 93б, 94б, 131б, 132а, 133а
- Саййид Музаффар Коший — 102б
- Саййид Муртазо — 133а
- Саййид Раззуддин — 93б
- Саййид Ризоуддин — 95б, 131б
- Саййид Хожа, Шайх Али Баҳодур ўгли — 147а, 149б, 150б, 182б
- Саййид Шариф Ҷуржоний — 106а
- Саййид Ғиёсуддин — 94б, 131б, 132а
- Сайфал Барлос — 60б, 109б
- Сайфал Никударий — 90б, 186б

- Сайфал Қандаҳорӣ — 1866
- Сайфуддин Бохарзӣ — 96, 396
- Сайфуддинбек Ниқударӣ (Ҳоҷи Сайфуддинбек) — 17аб, 20а, 26а, 27аб, 30б, 33а, 35б, 36аб, 38а, 42а, 47а, 53а, 57б, 61аб, 62б, 70а, 74аб, 75а, 76аб, 77а, 82б, 85б, 89а, 95а, 98аб, 99а, 102б, 111аб, 116аб, 121а, 124аб, 125а, 126а, 128б, 129б, 130б, 131а, 162а, 164б
- Сайфуддин Қўлош — 135б
- Сайфулмулк, Ҳоҷи Сайфуддин ўғли — 124а
- Сакизак Тавачи — 170аб
- Саранг — 187а
- Сари Буга Ҷалойир — 35б, 36а, 37а, 42а, 45б, 46а, 53а, 56б, 57б, 67б, 68аб, 70б
- Сариқ — 22б
- Сариқ Атка — 77а
- Сариқ Муҳаммад Туркмон — 144б, 146а
- Сариқ Одил — 93а, 95б
- Сарой — 125б
- Сарой Мулк, тавачи — 245б
- Сарой Мулк хоним — 56б, 61а, 91а, 98б, 130б, 131а, 133аб, 134а, 143б, 144а, 145б, 158б, 163а, 164а, 165аб, 178аб, 180б, 181аб
- Сароғ Қўлончи, гажирчи — 17б
- Сатилмин — 160а
- Сатилмин Қўхистонӣ — 7а, 10а
- Севинбека, Оқ Сўфий қизи — 64а
- Севинч — 19б, 20а
- Севинчак Баҳодур (Севинчак, Севинчакбек — 78б, 89а, 91б, 107б, 111а, 123а, 134аб, 138б, 165б, 178б, 178а
- Севинчбек — 124б, 125а, 154а
- Севинч Темур Телба — 105б, 129а
- Севинч Қўтлуқ ого, Умаршайх хотўни — 154б
- Сиддиқ Барлос — 19б, 20а
- Сиддиқ Тобон — 117а
- Сотқин — 104б
- Сотқин ого — 163б
- Султаймон Барлос — 21а, 24а, 32а
- Султаймонбек — 125б
- Султаймонбек Ўсаурий — 41б, 104б
- Султаймон пайгамбар — 26а
- Султаймон Сўфий — 107а
- Султаймоншоҳбек — 94б, 114аб, 116аб, 117а, 120б, 125а, 164а, 182б, 186б
- Султаймоншоҳ Қўтубдин — 129а
- Султон Абу Неҳоқ ибн Увайс ибн Шоҳ Шужоъ — 106а, 136б, 138б, 142б, 143а
- Султон Али, Арзин ҳокими — 153б
- Султон Али, Мардин ҳокими — 153а
- Султон Аҳмад Ҷалойир — 95а, 99а, 143а, 145б, 146аб, 147аб, 148а
- Султон Аҳмад, Шоҳ Шужоънинг иниси — 104а, 106а, 136б
- Султонбахт бегим — 32б, 108а, 116аб, 180б
- Султон Баҳодур — 78а
- Султон Зайналобидин (яна қаранг: Зайналобидин) 136б
- Султон Иброҳим, соҳибқирон ўғли — 90б
- Султон Иса — 154б, 156б, 161б, 178б, 179а
- Султон Маҳдий — 142б
- Султон Маҳмуд, Қайхусрав Хутталоний ўғли — 106а
- Султон Маҳмуд хон — 110а, 114б, 120б, 125а
- Султон Маҳмуд гозий (Ғазнавий) — 129а
- Султон Муҳаммад, амирода — 83а
- Султон Муҳаммад, Ўвадшоҳ ўғли — 104а, 106а, 136б
- Султон Муҳаммад, Абу Саъид Табасий ўғли — 178а, 179б
- Султон Санжар, Ҳоҷи Сайфуддинбек ўғли — 117а, 124б, 180аб
- Султон Солиҳ — 156б
- Султон Ферузош — 187а
- Султон Хотун, Тағай Темурхон қизи — 79а
- Султон Шайх Аҳмад Увайс Ҷалойир — 93а
- Султон Шиблин — 143а
- Султон Ғазанфар — 142б
- Султоншоҳ, Иброҳимшоҳ ўғли — 135а
- Султон Ҳусайн, амирода: Тағайшоҳ Ана Бегин ва Муҳаммадбек ибн Мусабек ўғли — 81б, 133а, 178аб
- Суюрғатмишхон — 6а, 83б, 110а
- Суюрғатмиш Ўғлон — 35б, 36б, 53б, 54б
- Сўфи Қўнгирот — 125б
- Табғурхон — 106б
- Таваккал Баҳодур — 170б
- Таваккал Бонурчи — 188б
- Тагнак — 57б
- Такаш Апардий — 117а
- Такина Хотун — 3а
- Тамука Қавчин — 18б, 20б, 21б, 57б, 77а, 140б, 177б, 278аб, 179б
- Тарағайбек — қаранг: Амир Тарағай
- Тармачи Бахши — 38б
- Тармаширин — 10б, 31а, 56б
- Тармочуқ Ўйгур — 42б, 43а
- Таянгу ўғли Абу Саъид — 21аб
- Тағай Буга Барлос — 17аб, 36б, 104б, 113б
- Тағай Мерган — 182б
- Тағай Темурхон — 79а, 92б,
- Тағай Туркун хотун — 56б
- Тағайшоҳ, даруга — 42б, 43а
- Таҳуртан — 99б, 100б, 159аб, 160а, 162а, 180б
- Тезакчи Баҳодур — 36б
- Тезгичи, юзбеги — 60б
- Темур — 43б, 113б
- Темурбек (яна қаранг: Амир Темур Гурагон) — 57а, 63б, 78б, 93аб, 97б, 115б, 163а, 165а, 167а, 172б, 173а, 177аб,
- Темур Малик Ўғлон Уруххон ўғли — 72аб, 73аб, 118а
- Темуртош, Оқ Буга иниси — 80а, 105б, 108а
- Темур Хожа, Оқ Буга ўғли — 104б, 129а, 134аб, 159а, 175а, 178аб, 186б, 187а,
- Темур Хожа Ўғлон — 19а, 27б, 29аб, 150б, 169а
- Темур Қўтлуқ Ўғлон — 107а, 110б, 111а, 127б
- Тилак Қавчин — 100а, 117а
- Тилончи — 28а, 58б, 113аб
- Тобон Баҳодур — 28аб, 56б, 57б, 58б, 77а, 81а, 86б
- Товус — 172б, 173аб
- Тождин Сеистоний — 87б
- Той Хожа — 32а, 63а
- Тош Темур Ўғлон — 225б, 171а

Туманбек Никударий — 18а, 19аб, 20а, 89аб
Туманбек Темур Узбек — 71а, 73а
Туманойхон — 3а
Туман ого — 38а, 74б, 91а, 130б, 144а, 145б,
158б, 163б, 164а, 165а, 131а, 133аб, 134а,
165б, 180б, 180б, 181аб
Туман Туркман — 95б
Туманшоҳ — 104а
Туман ўгли Амлас — 20б
Туркон Арлот — 67б, 68аб,
Туркчи Жалойир — 51а
Туроншоҳ, навкар — 47б
Турур Султон ибн Хусайнбек — 56б
Тутгаи — 20а
Тут Темур — 25аб
Туглуқ Сулдуз — 13а, 22б,
Туглуқ Темурхон ибн Эмил Хожа ибн Дувахон
— 10а, 11б, 12аб, 15аб, 16а, 24а, 44а, 112а
Туглуқ Хожа Барлос — 20а, 22б
Туй Буга Шайх — 74а, 114аб
Тукал Баҳодур — 105б
Тукал Бавурчи — 106б, 117а, 141а
Тукал Хоразмий — 18б, 17а
Тукал, қораунас — 37а
Тукал Ҳинду — 143а
Тулан Буга — 21а
Тулужон — 71б
Туплоқ — 182б
Тура Малик Қавчин — 181б
Тухта Қия, Урухон ўгли — 71а, 72б
Тўқтамишхон (Тўқтамиш Уғлон, Тўқтамиш) —
71аб, 72аб, 73аб, 74а, 94а, 97б, 98аб, 104б,
107а, 110аб, 111аб, 112а, 114а, 118аб, 119аб,
122аб, 123б, 124аб, 125аб, 126аб, 127аб,
165аб, 166аб, 167аб, 168аб, 169аб, 170аб,
171аб
Убайд Хожа — 117а
Узун Улжайту — 91а
Улам ўгли — 20а
Улжайту Апардий — 7а, 10а, 26б, 27б, 38б,
44аб, 47б, 54б, 56б, 58б, 59а, 63а, 65а
Улжайту Тайанхоний — 42аб
Улус ого — 56б
Улугбек мирзо — 156б
Улуг Сотқин — 72аб
Улуг Темур — 10б
Умар Аббос ўгли — 78а, 83а, 92б, 93а, 95а
Умар, амирзода Мироншоҳ ўгли — 187б
Умар Тобон — 106б, 174б
Умаршайх мирзо — 55а, 70б, 75б, 82б, 104б,
105аб, 107а, 108аб, 110аб, 111а, 113аб, 114аб,
115аб, 116б, 117а, 120б, 124б, 125а, 126аб,
135аб, 136аб, 138б, 142а, 143а, 153б, 154аб,
159а
Умаршоҳ — 84аб
Усмон Аббос — қаранг: Усмонбек
Усмонбек (Усмон Баҳодур, Усмон Аббос) —
77а, 98а, 104а, 105а, 111а, 114а, 117а, 124б,
126б, 126а, 140б, 143а, 146б, 147аб, 149б,
152а, 162б, 163б, 169аб, 171а, 172а
Усмон, Орут Умар ўгли — 108б
Уч Қаро Баҳодур — 23а, 42б, 43а, 66б, 77а,
87а, 93а, 99а, 105б, 113б, 134а, 144а, 145а,
152б, 154б

Фаридун, «Шоҳнома» қаҳрамони — 116б, 160а
Фарҳод — 27б, 139б
Фирдавсий — 45б
Фирузбахт — 96а
Халилбек Апардий — 39б, 40б, 52б, 53б
Халил Султон, амирзода — 91а, 98б, 133а
Халил Султон ибн Хусайнбек — 56б
Халил ясовул — 79а
Ханки Қавчин — 107б
Хизр Хазиначи — 33б
Хизр Хожа Уғлон, хон — 112а, 114б, 115а,
184б, 185аб
Хирман — 44аб
Хитойи Баҳодур — 40а, 47а, 48б, 54б, 57б,
60б, 68аб, 70б, 72а
Хожа Абдулмалик — 86а
Хожа Абдулқодир — 148б, 185а
Хожа Азизуддин Саъдий — 138а
Хожа Али Муъаййид, сарбадор — 80а, 95а
Хожа Аҳмад Йассавий — қаранг: Шайх Аҳмад
Йассавий
Хожа Имомиддин Воиз — 103б
Хожа Масъуд Сабзаворий — 138б, 152а
Хожа Ружниддин Саъид — 102б
Хожа Юсуф — 58б, 63а
Хожа Шайхзода — 63б
Хожа Шайх Қавчин — 111б
Хожа Юсуф — 109а
Хожа Ҳожи Муҳаммад Бандирий Хаттот —
95б
Холид ибн ал-Валид — 157а
Хонзода (яна қаранг: Севинбека), Оқ Суфий
қизи — 64а, 65аб, 70а, 91а, 116а, 145б,
184аб, 185а
Хон Саъид ибн Хусайнбек — 56б
Худододи Хусайний — 67а, 92б, 106б, 114а,
117а, 120а, 125а, 126а, 168б, 169аб, 186аб
Хумори, Тамуқанинг иниси — 77а
Хумори, ясовул — 63а
Хусрав, Фирдавсий «Шоҳнома» қаҳрамони
— 121а
Чингизхон — 6аб, 63а, 166б
Чингатайхон — 5б, 61б, 72а, 116аб
Чўғом Барлос ибн Элон ибн Учар ибн Лола ибн
Қорачор нўен — 15а, 57б
Чўлпон Мулк ого — 134а, 153б, 165аб
Чўпон Сарбадор — 54б
Шавқал — 175б, 176аб
Шаддоди Од — 100б
Шайх — 155а
Шайх Абуллайс — 61а
Шайх Али Аргун Барлос — 89а
Шайх Али Балахшоний — 50а
Шайх Али Баҳодур — 41а, 42а, 48б, 53а, 57б,
60б, 63аб, 69а, 78а, 83б, 84аб, 85а, 86аб,
87а, 91б, 92б, 95а, 97б, 98а, 99а, 102б,
106б, 107а, 110б, 112б, 126а, 132аб, 133а,
135а, 147а, 149б, 182б
Шайх Али Бесуд — 92б
Шайх Али Муса — 132а
Шайх Али Уйрат — 150а, 152б
Шайх Аристон — 147а
Шайх Аҳмад Йассавий — 185б
Шайх Баҳдул — 149б

- Шайх Бурхонуддин Қилич — 69а
 Шайх Довуд Туркман — 122а
 Шайх Иброҳим — 97а, 177а
 Шайх Довуд Сабзаворий — 81а, 86б
 Шайх Йаҳё Хуросоний — 87а
 Шайх Маслаҳат Хужандий — 117б
 Шайх Микойил — 135а
 Шайх Муҳаммад. Баён Сулдуз ўгли — 24а, 33б, 44аб, 51а, 52а, 53б, 54б, 56б, 63б, 66а, 67б, 140а,
 Шайх Муҳаммад Муъаййид — 62б
 Шайх Нуридинбек Сари Буга — 141а, 165а, 175аб, 178б
 Шайх Сода — 148б
 Шайх Темур Баҳодур, Оқ Темур ўгли — 104б, 107а, 120б, 145а
 Шайх Темур Сулдуз — 126б
 Шайх Увайс — қаранг: Султон Шайх Аҳмад Увайс Жалойир
 Шайх Шамсуддин Қулор — 154б, 180б
 Шайх Шаҳсувор — 134б
 Шайх Ҳасан Жувайний — 6б
 Шайх Ҳасан, ҳоким — 95б
 Шайх Ҳожи Қиморий ўгли — 145а
 Шайхзода Соғаржи — 86а
 Шакарбека, Ўзбекхон қизи — 64а
 Шамсуддин Аббос — 87б, 90а, 107б, 114аб, 116б, 117а, 134а, 144а, 170б, 187аб
 Шамсуддин Алмолиғий — 166аб
 Шамсуддинбек — 28аб, 29а, 66б
 Шамсуддин Раҳдор — 136а
 Шамсуддин Уч Қаро — 86б, 129а
 Шамъи Жаҳон, Хизр Хожахон ўгли — 184б
 Шарафуддин Али Йаздий — 2а
 Шер Баҳром — 20аб, 22б, 24б, 26а, 27б, 28а, 31б, 32а, 33аб, 34а, 64б, 99а
 Шингум ийюн — 22б, 28а
 Ширвон — 229аб
 Ширинбека ого — 35б, 38а
 Широул — 28а, 43б, 43б
 Шопур Зул Актоф — 136а
 Шоҳ Баҳовуддин — 186б
 Шоҳ Жалолиддин — 108аб
 Шоҳ Йаҳё (яна қаранг: Йаздшоҳ Йаҳё) — 106а, 136б, 137аб, 138аб, 142а
 Шоҳ Лашкаршоҳ — 186б
 Шоҳ Малик Барлос, Гийёсуддин Барлос ўгли — 100а, 149б, 179аб, 183б
 Шоҳ Малик Тархон — 114б
 Шоҳ Малик Қиличқай ўгли — 124б
 Шоҳ Мансур — 104а, 136аб, 137аб, 138аб, 139а, 140аб, 141аб, 142аб, 143аб
 Шоҳ Муҳаммад — 54б
 Шоҳрух мирзо — 73а, 98б, 110а, 118аб, 131а, 133аб, 134а, 139б, 141а, 143б, 149б, 150б, 156б, 158аб, 163аб, 164аб, 180аб, 182аб
 Шоҳшоҳон — 154а, 177б, 178аб
 Шоҳ Шужоъ — 84аб, 93а, 101а, 104а, 106а, 136б, 142аб, 143а, 154а
 Шоҳ Қутбуддин — 87б, 88аб
 Шунқор Жирғату — 63б
 Эди Берди Бахший — 110б
 Элчи Бугай Сулдуз — 29б, 30б, 37аб, 42а, 50б, 53а, 56б, 67б, 63б, 68аб, 70б, 75б, 78а, 86б
 Элчи Буга, ўзбек — 72а
 Эмин — 27а
 Юнус, алайҳиссалом — 152б
 Юсуф, алайҳиссалом — 24б
 Юсуф Суфий — 64аб, 74аб, 75аб
 Юсуф Улжайту — 109а
 Юсуф Хожабек — 26а
 Ҳўдайхон — 6а, 116а
 Улан Буга — 112б
 Ҳўжай Буга Сулдуз Баҳодур — 9б, 10а, 17а
 Ҳўжа Буга Мажалқачи — 182б
 Ҳўжай Туркон ого — 17б, 18б, 26а, 30б, 32б
 Ҳўнаржоқ Ҳожибек ўгли — 29б
 Ҳўра Хотун — 31аб
 Ҳўрак Темур — 60а
 Ҳўртоқ — 167а
 Ҳўрунг Темур — 73б, 97б, 98а
 Ҳўрус Буга, Сари Буганинг иниси — 77а, 78б
 Ҳўрус Хожа — 73б
 Ҳўрухон — 68б, 71аб, 72аб, 73а, 74а, 118б, 170а
 Ҳўрус Ҳақ Қиёт — 125б
 Ҳўтургу — 173аб
 Қадлоқ Хотун — 116а
 Қазоғанбек (амир Қазоған) — 5б, 6а, 7аб, 8аб, 8аб, 9а, 12а, 49а
 Қазон Буга — 36б
 Қазончи Баҳодур — 71а, 167а
 Қазонхон — 5б, 6а, 56б, 175а
 Қайдухон — 65а
 Қайи — 123б
 Қайсарӣ Рум — 260аб, 261аб, 262аб, 263аб
 Қамариддин, баҳрин — 86аб, 117а, 117б
 Қамариддин, дуглат — 49б, 66аб, 67б, 68аб, 69аб, 70аб
 Қаралғочбек — 58а
 Қаратгубек — 9б
 Қаро Кўппак — 72б
 Қаро Муҳаммад — 99б, 100а, 140б
 Қарончи — 94а, 98а
 Қаро Усмон Туркман — 99б, 158б, 159а, 170б
 Қароқон Баҳодур — 111б
 Қаро Ҳинду — 57б
 Қаро Ҳиндука Барлос — 32б
 Қизил Мир Али Уйрат — 152б
 Қийгубек — 125б
 Қиморий Иноқ — 57б, 92б, 95б, 145а, 186б
 Қиморий Йасавул — 122а, 141а
 Қимор Тақув — 114а
 Қиморшоҳ Барлос — 78б
 Қирон Буга Арислон — 57б
 Қишлиқ — 63а
 Қози Абдуллатиф — 95б
 Қози Гийёсуддин — 95б
 Қорачор нуён — 19б, 65а
 Қочули Баҳодур — 3а
 Қумрий — 46а
 Қусам ибн ал-Аббос — 86а
 Қўтба Тархон — 111б
 Қўтбуддин, амир — 186б
 Қўтлуғ Буга, Урухон ўгли — 71а
 Қўтлуғ Темур — 9а
 Қўтлуғ Темур Уғлон — 118а
 Қўтлуғ Туркон ого — 18б, 36б, 67а, 81б, 86а
 Қўйричак Уғул — 170а

Қўлингач Баҳодур — 126а
Қўртқа хотун — 65а
Ғайрухон — 174а
Ғиёсуддин Барлос — 100а, 143а
Ғиёсуддин Тархон — 63а, 73а, 114а, 129б, 141а,
143а, 152б, 170б, 182б, 184б
Ғурийбек, Малик Ғиёсуддин ўгли — 85а
Ҳазор — 46а
Ҳазрат соҳибқирон, (шунингдек, соҳибқирон) —
12аб, 13аб, 14аб, 15аб, 16аб, 17аб, 18аб,
19аб, 165б, 166аб
Ҳайдар Андхудий — 21аб, 26б
Ҳамди — 28б, 68б
Ҳамза, Мусабек ўгли — 77а
Ҳамидбек — 15б, 24а, 25а, 26аб, 27а, 28а,
113а, 123аб
Ҳарйамлик, Едгор Барлос ўгли — 124а
Ҳасанбек — 125б, 150аб, 151аб
Ҳасан Жондор — 117а, 124б, 182б, 186б
Ҳасан Суфий — 182б
Ҳасан Чигдовул — 165б
Ҳизр, алайҳиссалом — 14а
Ҳизрбек — қаранг: Ҳизр Йасурий
Ҳизр Йасурий — 10а, 12аб, 13а, 13б, 14аб, 32б,
56б, 61а
Ҳизр Йасурий ўгли Исҳоқ — қаранг: Исҳоқ,
Ҳизр Йасурий ўгли
Ҳинду Хожа — 29а, 42а
Ҳиндука Барлос — 21а
Ҳиндушоҳбек — 34б, 41б, 42а, 53б, 82б
Ҳинду Қарқара Қипчоқ — 53б, 54б, 143а
Ҳожи Барлос ибн Нуралқи ибн Намула ибн Йасу
Мунка ибн Қорачор Нўён, яна қаранг: амир
Ҳожи — 9б, 11а, 13б, 14б, 14аб, 15аб, 40б,
76б, 80б
Ҳожибек — 75а
Ҳожибек Арканут — 10б, 13б, 28а, 49б, 66а,
105а
Ҳожибек Жета — 117а, 118а
Ҳожибек Жониқурбони — 111б, 112а
Ҳожи Вазир, навқар — 62аб
Ҳожи Маҳмудшоҳ Йасурий — 32б, 57б, 134а,
144а
Ҳожи Муҳаммад, туркман — 17б
Ҳожи Муҳаммадшоҳ Йасурий — 11б, 113а
Ҳожи Сайфуддинбек (яна қаранг: Сайфуддинбек
Ниқударий) — 188б, 172аб, 174б, 175а, 179аб,
180аб, 183аб, 184аб, 186а
Ҳожи Сайфуддин ўгли Сайфулмулк — қаранг:
Сайфулмулк, Ҳожи Сайфиддин ўгли
Ҳожи Хожа — 83б, 84б, 91а
Ҳотам Той — 2а
Ҳуббий Хожа — 129а, 132а
Ҳусайн Барлос Баҳодур — 35б, 36б, 57б, 66б,
67а
Ҳусайн ибн Али — 148а
Ҳусайнбек — қаранг: Ҳусайн ибн Мусалло
Ҳусайн ибн Мусалло ибн Қазаганбек, амир Ҳу-
сайн — 10а, 12аб, 13аб, 15б, 16аб, 17аб,
18аб, 19аб-22аб-39а, 43аб, 56б, 58аб, 64б,
89б.
Ҳусайн Малик Қавчин — 168б
Ҳусайн Суфий Тўнгдай ўгли — 31а, 61б, 62аб,
63аб, 63аб

Ҳусайн ўгли Қарончи — 20а

ЖУҒРОФИЙ НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

Абаркуҳ — 106а, 107а, 136б, 137б, 138б, 143а
Абаса, мавзъ — 173б
Аббодон — 256аб
Абдуллоҳ ариғи — 21а
Абивард — 82а, 91б, 131а
Абла, жангал — 171а
Абхаз, улка — 232а, 283б, 274аб
Ава — 135а
Авзаъ гузори — 54а
Авник — 99б, 159аб, 160аб, 161аб, 162аб, 170б,
171б, 171а, 177б
Авҳар — 175а, 176аб
Адалиё — 267а, 270б
Аёзлик саҳроси — 274а
Ажам — 166б
Ажзу Маскант — 96а
Ажудан — 198а, 203а
Азоқ — 171б, 172а, 175б
Айаслик — 272а
Айвонак, кент — 224б
Аййуб пайгамбар мазори — 315а
Айнтоб, қалъа — 237аб, 238б
Айқан Сури суви — 112б
Айғир ёли, кечук — 122а
Акка — 246а
Алакўл — 226а
Аланийя — 267а
Аланчуқ, қалъа — 99аб, 158аб, 159а, 165б,
177аб, 178а, 180аб
Алачу, қалъа — 20б
Албура, тоғ — 97а
Алиобод — 47б, 296а
Алиобод, *Сугда* — 311, 312б, 313б, 314а.
Алиш — 72а
Алдон, вилоят — 175б
Алмолиғ — 117а
Ало Қиё, кечук — 114б
Амаруни, қалъа — 200б
Амасийя — 278а
Амур — 272б
Аму суйи, Амударё — 7а, 11а, 15б, 29б, 30а,
34б, 35а, 39а, 40аб, 41а, 53б, 58б, 106а,
109а, 131б, 180б, 182б.
Амуя, кент — 38а, 296б
Анор тепа — 110б
Ангор — 15а
Ангувон — 134б
Андароб — 9б, 187б
Андигон — қаранг: Андижон
Андижон (Андукон) — 68б, 104б, 105аб, 110аб,
114а, 115б, 116б, 117а
Андхуд — 6б, 68а, 77а, 182б.
Анжо, қалъа — 58б
Анқурийя — 262аб, 263аб, 264аб, 265аб, 266б
Антакийя — 238а
Арабистон — 268а
Арабон, мавзъ — 220а
Аранғош, дарё — 226б
Арас суйи — 95б, 97б, 285а

Ардабил — 976, 1706, 1786, 2806
 Арж сүйи — 111а
 Аржатов — 117а
 Арзин — 1536
 Аршипжон — 996, 159а, 162а, 260аб
 Арзирум — 996, 260а
 Арманзамин — 285а
 Армон, тоғ — 145а
 Арпа ёзи — 666
 Аррон — 2536, 285а
 Арсаф, чўл — 196
 Аружикур — 114а
 Арғун сүйи — 139а
 Арҳанг — 6а, 9а, 22а, 45б, 52б, 52а, 54б,
 109а
 Асанди, қалға — 202а
 Асвол — 1976
 Асвоқ — 274а
 Аси сүйи — 2476
 Асика, мавзъ — 220а
 Асин майдони — 23а,
 Асик — 155а
 Астанус — 2676
 Астробод — 926, 93а, 1316, 135а
 Аспара — қаранг: Ашпара
 Атил сүйи (Вога) — 127аб, 169б, 170аб, 175аб
 Атина — 2726
 Атоқабрингўй — 1196
 Аҳроз, кент — 2206
 Ахсикат — 105а
 Ахлот — 100а, 1586
 Ахсикат сүйи — 105а
 Ахтадек тур — 113а
 Ачук Зариқ — 1106
 Ашкатча — 86
 Ашқужа, вилоят — 175б
 Ашпара — 185аб, 186а
 Ақар, мавзъ — 276, 111а, 129а, 309а
 Ақуби, мавзъ — 38а,
 Ақусқи — 1626
 Аглоқ сүйи — 255а, 2896
 Аҳли, мавзъ — 174а
 Аҳроғ тоғи — 174а
 Бавон, дари — 140а
 Бадахшон, шаҳар (Файзобод) — 51а
 Бадахшон, улка — 7а, 10а, 126, 226, 48аб,
 49б, 50а, 54б, 111а, 187а
 Бадра — 2286
 Бадробод, қалға — 866
 Бадғис — 77а
 Базтоғ, вилоят — 1646
 Байлақон — 284б, 285а, 286аб
 Байрут — 241аб
 Бакаса — 2286
 Балжувон — 226
 Баликасири — 271а
 Баложар — 115а
 Балоравод — 2896
 Балх — 7а, 10а, 206, 21аб, 22а, 29ю, 48аб,
 49а, 52аб, 53б, 54б, 57аб, 59аб, 77а, 90б,
 108б, 109а, 111а,
 Банди Амир — 106а
 Банди моҳи — 1706
 Банди осор — 1496
 Баракатош — 916
 Бардаға — 2546
 Бардаъ — 97аб
 Байла, қарға — 215а
 Бақари — 2136
 Барака Ғўриён — 66а
 Барсин, гузор — 45б
 Басари — 1566
 Басра — 1486, 1516, 152а, 280а
 Батнир, ҳисор — 198а
 Баъалбакк — 238а, 241а
 Баъқуба — 250а
 Бақлон, Боғлон — 96, 196, 20а, 30а, 62б,
 109аб, 131а, 1876
 Бақрон, қўфрук — 2016
 Бағод — 95а, 134б, 145б, 146аб, 147а, 148аб,
 149аб, 152а, 177аб,
 Бағлодак, ариғ — 107а
 Бағлон, яна қаранг: Бақлон — 1796
 Баҳра — 2136
 Баҳрия — 14896
 Баҳробод, саҳро — 112а
 Бева, мавзъ — 536
 Бергама — 2716
 Беш Бармоқ, саҳро — 1446
 Бешкент — 174а
 Бешбехон — 2286
 Биёҳ сүйи — 196 аб
 Билан, мавзъ — 1116
 Бистом — 2926
 Биесутун, тоғ — 1346
 Биҳишти, қалға — 237аб
 Бобал-фародис — 245а
 Бовард — 836
 Бой, йайлоқ — 2266
 Бойсун — 33а
 Боку — 144а, 177аб
 Болу, қалға — 1766
 Болчмкин — 1716, 1756
 Бон — 67а
 Бону — 193а
 Борон, жила — 1906
 Ботмон — 1536, 158а
 Боши Хотун, дарбанд — 1346, 1366, 1486
 Боши Тоғ — 1736
 Бошқирд, вилоят — 1756
 Боязид, қалға — 99аб
 Боги Баланд — 297а
 Боги Биҳишт — 110а, 2966
 Боги Дилқушо — 185аб, 297а
 Боги Зоғон — 796, 183а
 Боги Майдон — 1426
 Боги Чинор — 2966
 Боги Шимол — 1816, 182аб, 297а
 Булар жангали — 170а
 Бўлод, қалға — 173а
 Бўлунгур сүйи — 44а
 Бўлғор — 3166
 Бўрдалиқ — 35б, 36а, 40а
 Бўржи Тоҳир, *Дамашқла* — 245а
 Бурса — 2666, 267а
 Бурҳон, саҳро — 144а
 Бўхоро — 96, 186, 38а, 39аб, 40б, 62б, 68б,
 74а, 81а, 82а, 105б, 110а, 115б, 116а, 130б

Бухориндон — 186
Бугом Ойкул — 706
Бурибош — 112а
Бўри кечук — 122а
Бўружирд — 135а
Буст — 89а
Бўғозқум — 1746, 1756
Вазиробод — 208а
Вали, йайлоқ — 134а
Ван — 100аб
Варомин — 138а, 180а
Вастон — 100аб
Вахш суйи — 108а
Верден — 2726
Вируна — 2726
Восит — 1486, 1516, 152а, 252а
Ганбузак, жилга — 1446
Ганг дарёси — 209аб, 210аб, 211аб, 212аб
Гандар — 2136
Ганжа — 2546
Ганжанфу — 2266
Гаран — 82а
Гарджух, қалъа — 926
Гармруд — 1356
Гармсир — 196, 26а, 1376, 138а, 1446
Гармсир, *Форсга* — 1536
Гармсири Хирманд — 18аб, 138а
Гарни — 956
Гата, мавзё — 208а
Герета — 2676
Гегу — 96а
Гилонот, Гилон — 976, 101а, 288а
Гирбол — 138а, 183а
Гиря саҳроси — 288а
Гов Қурш — 916,
Гулистон, бог — 227а
Гулистон, орол — 275а
Гулихандон, қалъа — 291а
Гулшан — 2906
Гур — 292а
Гуржистон, Гуржи — 96аб, 1626, 1646, 2276,
249аб
Гурзувон — 68а
Гўзал ҳисор — 2716, 272а
Дабусийа — 314а
Давлатобод, бог — 2216
Даёлима (Дайламнинг қўлиги) — 288а
Дажла суйи (яна қаранг: Мосул суйи) — 1466,
1496, 150а, 1556, 157а
Дайр, булог — 218а
Дакалак, мавзё — 63а
Далба йайлоқ — 586
Дамашқ — 147а, 2396
Дамашқ, мавзё (Самарқандда) — 1336
Дандона суйи — 2186, 219а
Дара (Дарай Ниҳом) — 108а
Дарай Артинч — 50а
Дарайгиз — 21а, 546
Дарайгиз суйи — 546, 296а
Дарайзар — 956
Дарай Қубла — 2106, 211аб, 212аб
Дарай Хампа — 227аб, 228аб
Дараклу — 2726
Дараклу, қалъа — 1766

Дарбанд (яна қаранг: Дарбанди Боку) — 94а,
976, 98а, 166аб, 167аб, 1706, 1756, 176аб
Дарбанди Аргуншоҳ — 826
Дарбанди Боку — 144а, 167а, 177а, 177аб
Дарбанд моҳи — 100а
Дарбанди Оҳанин (қаранг: Қаҳлага) — 126,
13а, 156
Дарвеш қўпруги — 92а
Дарвоз — 108а
Даргизин — 1776
Дарёи Афранж — 246а
Дарёи Магриб — 2676
Дарёи Қўлаум — қаранг: Қўлаум дарёси
Дашти Жаҳо — 1446
Дашти Калора — 2946, 295а
Дашти Қўланг — 22а, 246
Дашти Хазар — 1756
Дашти Қипчоқ — 686, 706, 726, 73аб, 976,
1066, 1076, 1176, 129а, 130а, 1656, 166аб,
171аб, 1756, 1776, 178аб
Даҳна, қалъа — 896
Даҳча, дарвоза — 826
Дебалуур — 194а
Демованд — 287а
Деҳбид — 137а
Деҳистон — 916
Деҳли — 110а, 187аб, 198аб, 202аб, 203аб,
204аб, 205аб, 206аб, 207аб, 208аб, 212аб.
Деҳи Улвий — 1436
Диёрбакр — 152аб, 1536
Дизақ — 26а, 44аб,
Дизфул — 136а
Дилқушоин боғи — қаранг: Боғи Дилқушо
Дилқушо кўшиги — 2216
Домгон — 926, 134а
Дори Заини — 56
Доробжирд — 183а
Дорурфатҳ, тим — 267а
Дўбандор — 2286
Дўшин Йўлдуз — 114а
Дудонга суйи — 104а, 1386
Дулбарчин, манзил — 221а
Дулбуржи, мавзё — 296а, яна қаранг: Дул-
барчин, манзил
Дурин, мурғзор — 1906, 191а, 1926
Дурун, қалъа — 916
Етти қудуқ — 44а
Ёбқут — 114а
Ен Булоқ — 146а
Ерқўрғон — 226а
Жабал Ҳамро — 2566
Жавим — 140а
Жави суйи — 2026, 203а, 2046
Жадрсин, ариг — 107а
Жажарм — 2926
Жазира — 1536
Жайрон Қамиш — 726
Жайхун (яна қаранг: Аму суйи) — 7а, 9а, 12а,
216, 366, 496, 506, 50а, 546, 576, 58а, 61а,
626, 936, 946, 1066, 1306, 131а, 132а, 164а
Жаку — 105а
Жакур — 291а
Жалолий чўли — қаранг: Жару чўли
Жамжал — 256а

Жамму, кент — 216а
 Жамму, ўлка — 215а, 216аб
 Жамму суйи — 216аб
 Жамула суйи — 194б
 Жангалистон — 162б
 Жанжон, кент — 196б, 197аб
 Жарбодиқон (Гулпойгон) — 102б, 143б, 279б
 Жаржан — 140а
 Жармикон — 85а
 Жарм суйи — 50а
 Жарм уқбаси — 50а
 Жару чули — 194а
 Жарун, жазира — 183б
 Жаҳрум — 183б
 Жағату суйи — 252б
 Жаҳаннам дара — 293а
 Жақжарон суйи — 295б
 Жағар, қарйа — 295б
 Жаҳвол — 197б
 Жаҳон, мавзъ — 215б
 Жаҳонгушой — 221б
 Жаҳоннамой кўшки — 221б
 Жаҳоннамой, мавзъ — 202б
 Жаҳонпаноҳ, даҳа, Деҳлида — 207б, 208а
 Жаҳоншоҳ, қишлоғ — 221а
 Жета — 10б, 11б, 12аб, 13б, 15б, 16аб, 20б, 21а, 22б, 23а, 25а, 26б, 27аб, 28б, 29аб, 30а, 32а, 43б, 44б, 45аб, 46аб, 49аб, 50а, 59б, 60аб, 66аб, 68аб, 69аб, 70б, 86аб, 105аб, 114аб, 115аб, 116б, 117а, 183б
 Жилов — 292б, 293а
 Жилувун, мавзъ — 91б, 134а, 290а
 Жимжимол — 134б, 229а
 Жирбату — 154б
 Жовидон суйи — 139а
 Жол — 196аб
 Жол суйи — 196 аб
 Жом — 6б, 77б, 224а, 295б
 Жувайн — 15б, 80б
 Жукалак — 105б, 106а
 Жўржон, вилоят — 133а
 Жўржон суйи — 91б, 131б
 Жўсақ — 156б
 Жўйбар — 41а
 Жўйи Зар — 130б, 131а
 Жўйи Моҳигир, ариқ — 190б
 Жўйи нав — қаранг: Жўйи Моҳигир
 Жўйиқий — 17б
 Занжир Сарой — 57б, 67б, 75б, 93б, 106а, 175а
 Зарнуқ — 302б
 Заҳра саҳроси — 139а
 Зиёулмулк, кент — 95б
 Зинда Пил Аҳмад Жом мазори — 224а
 Зовулистон (Зобулистон) — 90б, 129а, 148б
 Зол суйи — 135б
 Иброҳим Малик мазори — 222б
 Ижал суйи — 79а
 Изник — 268б
 Ийик (Ик), дарё — 122б
 Ила (Или) суйи — 66б, 114б, 117а
 Илма Қуруқ, мавзъ — 144б
 Илон ўти — 301а
 Ингур суйи — 232а
 Ирбил — 150а, 152б
 Ироқ — 102б, 106а, 112а, 134а, 136аб, 137а, 148б, 175а
 Ироқи Араб — 149а, 151б, 152а
 Иртиш суйи — 113б, 117аб
 Искандарийа — 270а
 Исрайқа — 171а
 Исси Қўл — 86б, 117а
 Истанбул — 268б
 Истаҳр — 137а, 153б
 Исфароин — 80б, 292б
 Исфаҳон — 102б, 103аб, 104а, 106а, 136аб, 137аб, 142а, 143б, 144а, 178а
 Исҳақ қудуги — 34б
 Ит Ичмас — 113а
 Ихтиёриддин, қалъа — 85б
 Ичин Йўвсин, саҳро — 117а
 «Ишқалча», хисор — 80а
 Ишқамиш — 48б
 Ишор, мавзъ — 208б
 Ишқобод — 295а
 Иқбор, мавзъ — 13б
 Йабағу — 71а
 Йазд — 106а, 136б, 138аб, 143а, 177б, 178а, 267а
 Йайиқ (Ўрол), дарё — 122а, 128б
 Йалгон, мавзъ — 173аб
 Йалгузбоғ — 38б
 Йалгуз Йағоч — 108а, 116б, 131а
 Йасси — 67а, 111а, 185б
 Йасси (Туркистон) — 301а
 Йасси Дабон — 131а
 Йилон, мавзъ — 106б
 Йиланчуқ — 119б
 Йом, работ — 193а, 186б
 Йом суйи — 26а, 43а, 47а
 Йўлдуз — 114аб, 115а
 Йўлгун суйи — 262б
 Йўл Хожа ағо — 302б
 Йўлуқлуқ Азуқлуқ — 170а
 Кабтар — 267б
 Кабуджома — 84б
 Кайтув, мавзъ — 114б
 Калин суйи — 202б
 Калобод дарвозаси — 39б
 Калора Дашти — қаранг: Дашти Калора
 Калот — 80а, 82аб, 83аб, 111б
 Калпин — 226а
 Камох, қалъа — 259б
 Канбату — 146б
 Кандибодом — 27б
 Канди Шайх Муборакшоҳ — 220а
 Канораи ҳавзи об, мавзъ — 200б
 Каньон — 238а
 Карак — 238а
 Карамон — 233а
 Карбало — 147а, 149б
 Карбало дашти — 147а
 Каркарат, вилоят — 214а
 Каркас, уқба — 50а
 Кармина — 68б
 Картин, қалъа — 281б, 282аб
 Катида — 268б
 Катта Зоб — 152б

Катур — 1876, 188аб, 189аб
 Кач — 89а, 183б
 Кач Хус — 139а
 Каш — қаранг: Кеш
 Кашм — 50а
 Кашмир — 194а
 Каъба — 55б, 61а, 70а
 Қаҳқар суйи — 201б
 Керай, ариқ — 63а
 Кермон — 104а, 106а, 136б, 143а, 178а
 Кету — 96а
 Кеш — 3а, 10б, 11аб, 12аб, 13б, 15б, 17б,
 18аб, 23аб, 23б, 24а, 31а, 42б, 43а, 47б,
 48аб, 49б, 52аб, 53б, 57б, 59а, 70а, 72б,
 75б, 76а, 81б, 110аб, 116а, 121а, 154б, 164а,
 182аб, 186б.
 Кив, қалъа — 135а
 Киристон — 293а
 Киркук — 152б
 Кирмиён — 233а
 Кирмоч — 220а
 Кичик Бурлаг — 270б, 271б
 Кичик Йулдуз — 115б
 Кичик Тоғ — 119а
 Кобул — 12а, 48б, 49б, 62б, 86б, 109б
 Кобулистон — 48б, 129а
 Козерун — 142а, 183б
 Конигил — 30б, 129а, 184б
 Кот — 61б, 62б, 64б, 68б
 Кофуристон — 105б
 Кохта, қалъа — 235б
 Кошон — 135б, 136а
 Кошгар — 115б
 Кубла дараси — қаранг: Даран Кубла
 Кула, қалъа — 172б, 173а
 Кулбуча — 144б
 Кумишкент — 47б
 Кум Ҳамид — 269а
 Куран, мавзъ — 115б
 Курдистон — 101а, 134б, 135а, 136б, 145б,
 154б, 154а, 158б, 179а
 Курлон — 295б
 Курдту — 145а
 Кур суйи — 97а, 98а, 165а, 177а
 Кусин, қишлоқ — 226б
 Куусуй — 77 б
 Кутаҳийа — 267б
 Кутла, шаҳар — 208а
 Кушеш тоғи — 268а
 Куюкбоғ — 226а
 Қуйитан — 106а
 Қукалдара очиги — 43а
 Қукари — 196аб
 Қука Қалъа — 89а
 Қукёр — 114а
 Қукнак мавзъи — 29б, 43б
 Қуктуба — 86б, 117а
 Қукча тенгиз — 98б, 254а
 Қулҳисор — 267б
 Қунгуз — 114б
 Қупсар, сув — 256б
 Қупла, қуфрук — 201б
 Қурданг — 39а
 Қурчин — 111б
 Қусатор — 159б
 Қуча Маволи Тарка — 103б
 Қуча Малик — 296б
 Қушнак — 183б
 Қушки Аргуи — 295а
 Қушки зар, йайлоқ — 178а
 Қушки Чупон — 135а
 Қулик чекиши — 258а
 Қуҳак суйи — 47б
 Қуҳдистон (Қуҳистон) — 7б, 79б, 183а
 Қуҳижуди, тоғ — 194б
 Қуҳимард — 19б
 Қуҳи Сулаймон (Сулаймон тоғлари) — 187а
 Қуҳруд — 290а
 Лағмон — 109б
 Лаҳовар, вилоят — 216б
 Лаҳовар, шаҳар (Лоҳур) — 216б, 217а
 Лор вилояти — 295а
 Луни, ҳисор — 202б
 Лури Буаурғ — 94б, 95а, 138б
 Лури Кучск — 94б, 95а
 Луристон — 94б, 135а, 136б, 143а
 Луқмон Қалогӣ, мавзъ — 250б
 Мавсил, Мосул — 250аб
 Мадина — 194а
 Мадоин — 250а
 Майдон — 156б
 Майдон, Деҳли дарвозаси — 206б
 Майопур — 213б
 Макас, вилоят — 175б
 Макка — 5б, 194а
 Малус — 137б
 Мамақту, вилоят — 174б
 Манкара — 135б
 Мандали — 228б, 250а
 Мануҷон, қалъа — 183б
 Манур, кент — 216а
 Маранд — 95б, 198б, 158б
 Марв — 39б, 133б, 296б
 Марваруд (яна қаранг: Мурғоб) — 77б
 Марвист, ҳисор — 137а
 Мардин — 153аб, 154аб, 155аб, 156аб, 161б,
 179б, 248б, 249аб
 Мароға — 101а
 Марун — 135б
 Масжиди Умаййя — 245а
 Маскав — 171б
 Махоз — 94б
 Мағнисийа — 271аб
 Маҳаффа — 146а
 Маҳмудобод — 165а
 Маҳрижирд, мавзъ — 179б
 Мекрон — 19аб, 89а, 183б
 Мендурас суйи — 271б
 Менгеша — 233а
 Меҳон — 139а
 Меҳрварон — 158а
 Митена — 290б
 Миёфоринқин — 158а
 Мика, қалъа — 176б
 Милан суйи — 202б
 Мина, қалъа — 183б
 Мингкул — 163а
 Мингкамари, вилоят — 51а

Миинкермон — 171а
Минораи арус, Минораи байзо — 247а
Мират, қалға — 208б, 209а
Миср — 148б, 149а, 153аб
Мованд — 291а
Мованд тоғи — 295а
Мовароуннаҳр — 8б, 8б, 10аб, 15аб, 16аб,
26б, 34б, 41а, 49б, 61б, 94б, 104б, 105а,
106а, 164а, 175а.
Можар, вилоят — 175б
Мозандарон — 80б, 81б, 82а, 84б, 86б, 90б,
91аб, 93б, 133а, 134а, 148б
Мосул — 150а, 153а, 155б
Мосул суйи — 152б
Мохон — 18а, 34б, 38аб, 40б, 41аб, 47а, 48б,
82а, 131а, 133б, 134а, 296б
Моҳашаҳр — 269а
Моҳона — 131б, 132аб
Мудула, мавзъ — 208а
Мулауд — 114б
Мунк (яна қаранг: Балжувон) — 9а
Мунк қалғаси, Ҳиндистонда — 201а
Мунсор, мавзъ — 215а
Мурчи — 136б
Мурғоб — 7а, 10а, 77б, 85б, 86б, 91а
Муҳолиж — 268б, 271а
Муҳолиж мурғозори — 268б
Муш саҳроси — 100а, 158а
Мўлтон — 187аб
Мўғулистон — 105а, 109б, 112а, 113б, 114аб,
184б, 186аб.
Навбинжон — 139а, 140а, 142аб
Навбинжон Шулистони — 228б
Навқат — 41б
Намақзор, мавзъ — 95а
Наргис, қалға — 176б
Насаф — 30а
Насибин, орол — 274б, 275а
Насой (Насо) — 91б, 92б
Нахчивон — 95аб, 99б, 177б
Нахчол, мавзъ — 107а
Нағар, қалға — 193аб, 194а, 219аб
Нағара, Шимолий Панжобда — 218а
Наҳрулганам — 286а
Набулус — 238а
Навби Бурса — 252б, 253а
Навин, мавзъ — 253а
Нажаф — 252а
Нахчивон — 254а
Наҳри барлос, ариқ — 258а
Неъматобод — 289а
Неҳованд — 95а, 135б, 177б, 178б, 179а, 280б
Нисъий, мавзъ — 47а
Нисопур — 77б, 80а
Нойри Қўтали — 115а
Нохушак, мавзъ — 220а
Нур, қалға — 290а, 295аб
Об, дарё — 87б
Оби Барйак — 221б
Обулистон — 235а
Одлжавоз — 100а
Одина масжид, қарив — 296а
Одун қўзи, мавзъ — 61а
Озарбайжон — 94а, 95аб, 98аб, 100б, 144а,

148б, 158б, 175б, 177аб
Ойдин — 159а, 162а, 233а
Ой Ёкур — 112б
Ойша хотун суйи — 60б
Олақул — 113а
Ола Тоғ — 99б, 157а, 158аб, 170б
Олой — 52а, 54б
Олтой — 109б
Олтун Қўрка — 117б
Олтунтош — 269б
Ол Қўшун — 111б
Омид — 157а
Омул — 93б, 131б, 132аб, 133а
Омонқўҳ — 80а
Омул — 93б
Она — 149б
Оромак Даҳанаси — 220а
Отақум — 69б, 86б
Отбоши — 66б, 69а
Очиқ Фарқат — 312а
Оқ Булоқ — 145б
Оқ Бўгра, мавзъ — 96а
Оқёр — 116а, 121б
Ой йайлоқ — 252б
Оқ Қўтали — 45а
Оқсаро — 269а
Оқсарой, *Марашли* — 269б
Оқсарой, *Мовароуннаҳрда* — 75б, 181а, 183а
Оқсой — 145а
Оқсув — 70б, 111б
Оқсув дараси, *Гуржистонда* — 227б
Оқсулот — 301аб, 302аб
Оқ Тақа — 270б
Оқтом, *Озарбайжонда* — 177а, 225а
Оқуй — 18б
Оқшаҳр — 267а, 275аб, 276аб, 277а
Оқ қиё — 38б
Пан, вилоят — 175б
Пандеҳ (Панждеҳ) — 85б
Панжҳир — 190б
Панипат суйи — 202б
Панипат, шаҳар — 202б
Параҳон — 290а
Пашшакол — 197аб
Пил — 231б
Пир Умар Нахчирбон мазори — 222а
Пойи Мурғон — 7б
Пойоб — 17б
Пойтоғ, мавзъ — 66б
Порсин — 117б
Потила — 140б
Пулла, кент — 202б
Пўрниён — 193а, 194а
Работи Малик — 44аб, 68б, 296б
Радкон — 85а
Ражабпур, қалға — 200б
Рай — 92б, 93аб, 102б, 134а, 144а
Рамла — 238а
Раъсалтайн — 153а
Раҳматоби (Обираҳмат) суви — 42б
Ревтан — 42б
Рнза — 87аб
Рова суйи — 218б
Ром Ҳурмуз — 138б

Роҳи Тал — 1906
 Рудак суйи — 2216
 Ружд — 2796, 2806
 Рум — 144а, 171а, 177а6
 Рус, вилоят — 1706, 171а6, 1726, 1756
 Рустамдор, вилоят — 926, 936, 290а, 295а6
 Рутд — 846
 Руха — 153а
 Рӯман — 2726
 Сабзор — 66, 156, 80а, 81а6, 85а, 866, 87а, 138а6
 Саброн — 71а, 1046, 111а, 119а, 1286, 301а
 Савур — 1566
 Савуқ Булоқ — 1776, 2906
 Сайда — 241а6
 Сайрам — 456, 61а, 105а, 303а
 Сайхун суйи (яна қаранг: Хўжанд суйи) — 436, 45а, 466, 47а, 52а, 536, 60а, 696, 71а, 72а, 105а, 117а, 1286
 Салим дарвозаси, *Шероҳда* — 137а, 142а
 Салмоқ — 101а
 Самангон — 1876
 Самарқанд — 9а6, 10а, 136, 16а6, 186, 26а6, 29а6, 30а6, 316, 32а6, 426, 43а, 44а, 46а6, 47а, 49а6, 536, 576, 616, 626, 62а6, 646, 65а, 66а6, 67а, 686, 696, 706, 72а, 73а, 746, 766, 806, 81а, 836, 85а6, 866, 886, 906, 916, 91а, 936, 956, 986, 99а, 1046, 105а6, 106а, 1076, 1086, 110а, 1116, 112а6, 1136, 1156, 116а6, 1176, 128а6, 129а6, 1306, 131а, 133а6, 1366, 142а, 143а, 1486, 1616, 162а, 164а, 1656, 1706, 1846, 186а6, 1876
 Самдук — 2726
 Сатова — 2316
 Самона, мавзъ — 198а
 Самур суйи — 1666
 Санамдиз — 2926
 Сангус — 2726
 Саодат дарвозаси, *Шероҳда* — 137а
 Сарасати — 2006
 Сарахс — 406, 776, 82а, 916
 Сарбил — 10а
 Саржам — 2906
 Сарик Ўзан — 1116, 119а
 Сарикқамиш — 1026
 Сарикқамиш, *Жағда* — 226а
 Сарикқамиш, *Райда* — 291а
 Сарикқамиш, *Хуросонда* — 224а
 Сарик Қўргон — 145а
 Сармолука — 956
 Сармуқ, қалъа — 137а
 Сароб, мавзъ — 2206
 Саробхон Бидак — 139а
 Сарой — қаранг: Соли Сарой
 Сарой мамлакати — 74а, 1236
 Сарой, шаҳар — 1716, 1746, 175а
 Сарухон эли — 271а
 Сафидгиз, қалъа — 59а
 Сафосун, қалъа — 1446
 Саҳвол — 1976
 Сағарч — 426, 43а, 114а
 Сағизгон — 114а
 Сағимши — 105а
 Саҳройи Муш — 158а6
 Сванет — 2316, 232а
 Севнич суйи — 167а6
 Сейстон — 966, 87а6, 88а6, 89а6, 906, 154а, 1776
 Семнон — 112а, 134а
 Сепоя — 626, 68а
 Сер, кент — 1316
 Сиб — 250а
 Сивасур — 158а
 Сивос, жилга — 2606
 Сивос саҳроси — 261а
 Сибҳпаж, уқба — 2206
 Сим-сим — 174а
 Сина, мавзъ — 2526
 Синд — 1096
 Синд суйи (дарёси) — 187а
 Синани — 287а
 Сиржон — 104а, 106а, 1366, 1376, 1426, 143а, 1536, 1776, 178а
 Сирман — 19а
 Сирдамли — 2726
 Сичқон Дабон — 114а
 Спгнақ — 71а, 72а, 73а, 74а, 1046
 Сова, *Ҳиндистонда* — 2136
 Соли Қули — 1126
 Соли Сарой — 56, 9а, 22а, 27а, 29а, 30а, 31а, 386, 396, 456, 51а
 Солор Булоқ — 44а
 Соьнат, мавзъ — 219а
 Соьгур, қалъа — 1346
 Сори — 936, 946, 1316, 132а6, 133а
 Суваляк, тоғ — 2126, 213а6, 214а6, 215а
 Сузангарон, мавзъ — 44а
 Сулаймон тоғи — 896
 Султон Артуҷ, йайлоқ — 183а, 184а
 Султон Майдон — 292а, 295а
 Султон Маҳмуд Работи — 90а
 Султон Шайх — 3026
 Султония — 93а6, 1346, 144а6, 1456, 155а, 1566, 1586, 159а, 1616, 164а, 165а6, 170а6
 Сури, ҳисор — 2676
 Сурхапул — 258а
 Сурхоб, кент — 220а
 Сутқул — 1146
 Сутун, мазор, Деҳлида — 2076
 Суф, дара — 206
 Суғулгонлиг — 114а
 Табарак, қалъа — 1026
 Табаристон — 87а
 Табриз — 93а, 94а, 95а6, 1446, 1706, 185а
 Тавуқ — 1526
 Табдур суйи — 259а
 Тавила — 2296
 Тадмур — 2476
 Тазрак, қалъа — 1836
 Тайхон (яна қаранг: Таллиқон) — 22а
 Така эли — 271а
 Таллиқон — 50а
 Талоқи Фатин, қушрук — 137а
 Талгун уқбаси — 291а
 Танак, Тана суйи (Дон дарёси) — 117а6
 Танги Боло — 58а
 Танг Зиндон, қалъа — 1836
 Танггуг, вилоят — 97а

Тараблус — 238а, 2406
 Тарак суйи — 1676, 1756
 Тароз — 3006
 Тарра — 248аб
 Тартум, қалъа — 2596
 Татта — 2186
 Татқовул — 2266
 Таламба, қалъа — 1956, 196а
 Тарун — 1356
 Тарқи — 167а, 1756
 Тахти Қароча, Самарқанд яқинидаги бог — 1866
 Тахти Қароча, Шерозда — 104а
 Тева Бўйни — 436
 Термиз — 15аб, 21аб, 486, 536, 566, 59аб, 636, 75а, 80а, 906, 1056, 1076, 1876
 Тертош — 1146
 Тижан — 2536
 Тикрит — 149а, 2806
 Тира — 272а
 Тири Мардон — 140а
 Тифлис — 96аб, 97а, 1646, 2846
 Товус, қалъа — 1726, 173а
 Тошиён, қалъа — 1836
 Торим — 183а
 Томлиқ — 301а
 Тоткент — 10а, 2966
 Тош ариқ — 24а, 25а
 Тоши Хотун — 2556, 256а
 Тошканд (шунингдек, Тошкент) — 26а, 276, 436, 456, 46а, 496, 52а, 85а, 105а, 117аб, 1286, 133а
 Тошқуфрук — 226, 23а
 Туббат — 218аб
 Тув Қўйи Марог — 113а
 Тумон тур, мавзё — 1446
 Туратур, Атид дарёсидаги гузар — 170аб
 Туркий Гармоба — 221а
 Туркистон — 58а, 84а, 114а
 Турон — 7аб, 766, 77а, 81а, 82а, 94а, 1026, 1156, 137а, 149а
 Туронзамин — қаранг: Турон
 Туршиз — 836
 Тус — 80а, 1116, 112а
 Тустар — 104а, 1356, 136аб, 179а
 Тустар саҳроси — 139а
 Тутак — 1336
 Туглугпур, мавзё — 2096, 210а
 Туглугпур, қалъа — 202аб
 Тўҳна саҳроси — 201а
 Тўбал (Тобол), дарё — 1216, 122а
 Тулас — 117а
 Тўм суви — 43а
 Тунгузлуг — 2696, 2716
 Тўқат — 262а, 278а
 Тўгра Ўтлуг — 1126
 Ужан — 253а
 Узун Ота — 3026
 Улуг Бурлаг — 2716, 2746
 Улуг Йулдуз — 1156
 Улуг Тоғ — 119а
 Улуг қўл — 114а
 Улуг Юрт — 191а
 Уммон дарёси — 9186
 Урдиён — 1146
 Урдум Сарой — 1136
 Урмиён, қалъа — 2796
 Урмия, вилоят — 101а
 Уч — 187аб, 226а
 Уч килиса (Эчмиадин) — 159а
 Уч ариғ — 308а
 Учқармон, мавзё — 666, 1156
 Ушмун — 206
 Уқба Бута — 1086
 Фавжа, қалъа — 2736
 Фадак, қалъа — 1536
 Фаранг — 233а, 2726, 2976
 Фарахобод, қалъа — 275а
 Фаринкент — 43а
 Фарқати Қўл — 1156, 116а
 Фароҳ — 87а, 886
 Фароҳ саҳроси — 2246
 Фасо — 138а
 Фатҳобод, қалъа — 2006
 Фахробод — 165а
 Феруза, қалъа — 2006
 Ферузқўҳ, тоғ — 291а
 Ферузқўҳ қалъа — 946, 289аб, 290аб, 291аб
 Ферузобод — 208а
 Ферузпур, мавзё — 2096
 Форёб — 68а
 Форёб — суйи — 68а
 Форс, вилоят — 84аб, 91а, 0126, 1046, 106аб, 134а, 1366, 143а, 1486, 1536, 154аб, 175а, 1786
 Фулхур Дара — 144а
 Фурот суйи — 1466
 Фушанж — 776, 78аб
 Хабарон — 2506
 Хабушон — 836, 131а
 Халхол, вилоят — 956
 Харжирд саҳроси — 2246
 Хашка суйи (Кашкруд, Қашқадарё) — 116а
 Хевақ — 166, 616
 Хинжил — 2726
 Хитой — 1066, 186а, 187а
 Ховак — 1876, 1906
 Ховас, мавзё — 446
 Хожа Ақоша, кент — 566
 Хожа Солбари, мавзё — 24а
 Холид ва Молик, жазира — 256а
 Хон Балиқ — 2266
 Хонсор — 2796
 Хоразм — 9а, 616, 62аб, 63а, 646, 65аб, 676, 68аб, 74аб, 75а, 756, 1056, 1066, 107аб, 108а, 1096, 110а, 133а, 1486
 Хос — 686
 Хувор — 291а
 Хузистон — 135а
 Хузор — 186, 24аб, 336, 34аб, 356, 37а, 41аб, 106а
 Хулм — 546
 Хумрак, мавзё — 45а
 Хурматур, қалъа — 154а
 Хуросон — 6а, 106, 156, 17а, 346, 35а, 38а, 39аб, 43а, 586, 766, 77аб, 78аб, 81а, 82а, 85а, 110а, 111аб, 112а, 116аб, 118а, 1486, 1796

Хуроша — 156, 806,
Хуррамобод — 946, 1356
Хустор — 90а
Хутталон — 10а, 22а, 246, 316, 54аб, 646,
108аб
Хушқурд, мавзъ — 2326
Хўжанд — 126, 15а, 316, 33а, 46а, 52а, 67а,
105а, 107а, 1176
Хўжанд суйи (яна қаранг: Сайхун, Ахсикат
суйи) — 106, 26а, 276, 436, 446, 45а, 466,
1106, 111а, 1176, 1286, 186а
Хўжаали — 2576
Хўй — 1586, 1706
Хўй суйи — 167аб
Чакчак — 336, 386
Чала Боши — 226
Чаманкент — 45
Чаноқ Булоқ — 106
Чалма кичик — 122а
Чаро — 290а
Чағонийн — 336, 54а
Чаҳордах, дарвоза — 826
Чаҳор Донга суйи — 136а
Чаҳороҳа, Самарқанд дарвозаси — 3106, 311а,
3136
Чаҳортоқ — 226а
Чекдалик — 24а, 34а, 38а, 42а
Чекдалик, *Ҳиротдаги* — 776
Черкас — 1716, 172а, 1756
Чечаклик — 1146
Чечакту — 1826, 296а
Чиечур суйи — 996, 158а
Чимлик — 1536, 155а
Чиноба суйи — 1956, 196а
Чинор, мавзъ — 2216
Чинос — 276, 1176, 1856
Чопар Айгир — 1126
Чоч — қаранг: Тошканд
Чукалак, мавзъ — 308а
Чурка — 1136
Чуқур Балиғ — 269а
Чўлаҳа, кент — 139а
Чўлот, вилоят — 1676
Чўтур Қазоқ, вилоят — 174аб
Шабарту — 196, 29а, 30а
Шайх Баҳдул мазори — 1496
Шайхзода Боязид Жангарий — 296а
Шайхзода, Самарқанд дарвозаси — 3106
Шайхун, қалъа — 2146
Шамкур, мавзъ — 254а
Шамоҳа — 986, 177а
Шанби Ғозон — 956
Шанузон — 192а
Шанурон, қалъа — 2196
Шаровушиё — 113а
Шатт суйи (Шатт ал Араб) — 1486, 152а, 1556
Шахгон суйи — 219а
Шахриёр, қалъа — 1346, 135а, 138а, 1536
Шаҳрисабз — 44а, 76а, 80а
Шеки — 966, 97а, 1646
Шероз — 83а, 936, 101а, 1036, 104аб, 106аб,
136аб, 138аб, 1406, 142а, 1706, 178аб, 183аб
Шероз, Самарқанд яқинида — 315а
Шибиргон — 66, 10а, 55а, 58аб, 596, 616

Ширвои — 97аб
Ширвои, вилоят — 98аб
Ширвонот — 94а, 97а, 144а, 177а
Ширин суви — 139а
Ширту ва Йанги дара — 220а
Шодийн, тоғ — 546
Шодмон (Самарқанддаги) — 47а, 1336
Шодмона — 201а
Шом — 149а, 153аб
Шомил, қалъа — 1836
Шомих — 148а
Шосмон — 846, 133а, 134а
Шош — қаранг: Тошканд
Шоҳбуз дара — 254а
Шоҳнавоз, мавзъ — 196аб
Шоҳон — 916
Шудистон — 154а
Шумулқон — 85а
Шўҳабо, қалъа — 156а
Шўроб қудуғи — 356
Шўрхон қанда суйи — 1386
Эгривир — 2746, 275а
Эгри ёр, мавзъ — 107а
Элбазам (?) — 2746
Элбуракъх, Элбрус тоғи — 1666, 172аб, 173аб,
1766
Элчи Балиғ — 1866
Элчи Була, майдон — 21а
Эмил Ғучур — 1136
Эрёб, қалъа — 1916, 192аб, 193а
Эрон — 6а, 74а, 766, 77а, 78а, 94аб, 1066,
1186, 1296, 130а, 131а, 1766, 146а
Эски Деҳли — 2076
Эски Мосул — 155а
Эски Ўкз — 746
Эски Ҳурмуз — 1836
Янги — 61а
Янгикент — 34а
Ясси Дабон — 836
Угар кечти — 117а
Ўзбек, юрт — 1916
Ўзганд — 67а, 71а, 105а
Ўзи суйи (Днепр) — 171аб
Ўкак, мавзъ — 170а, 1756
Ўлан Жарлиғ — 1126
Ўр Тўба — 1276
Ўранг Чақал — 1116
Ўртоқ, ўқба — 1126
Ўрун, мавзъ — 1126
Ўрус (яна қаранг: Рус) — 1716
Ўрусжуқ — 1716
Ўтрор — 456, 52а, 536, 706, 71а, 72а, 1286,
303а
Ўтулчату, йайлоқ — 806
Қабала, мавзъ — 97а
Қажирту — 1156
Қазвин — 1346
Қайин — 133а
Қайсарийа — 2346, 262аб
Қалдирма, кувфрук — 308а
Қалмоқ, юрт — 3166
Қалот — 90а
Қалотин Сурх, тоғ — 1416
Қалотин — 2506, 252а, 260а, 287а

Қалъаи Зарит — 231б, 232аб
 Қалъаи Ойдин — қаранг: Боязид қалъаси
 Қалъаи Моҳона — 131б
 Қалъаи Сафид — 139аб
 Қалъаи Тоқ — 89а
 Қалъатуррум — 238а
 Қандаҳор — 90аб, 109б, 186б
 Қапчигай — 193а
 Қарача Қаро — қаранг: Омид
 Қарақба, пушта — 242а
 Қарнайи Сиб — 286а
 Қариятул Уқоб — 146б
 Қари жилгаси — 89а
 Қаро — 49б
 Қаробог — 96б, 97аб, 177б
 Қаро Булоқ, *Жетада* — 114б
 Қаро Булоқ, *Туркистонда* — 301а
 Қаро Булоқ, *мавзъ* — 220б
 Қаровултепа — 254б
 Қародара — 170б, 225а
 Қаронгон, *мавзъ* — 292б
 Қаронгутоғ — 226б
 Қаро Самон, *мавзъ* — 51а, 118а
 Қаросув — 21а
 Қаросув, шаҳар — 171а
 Қаро тепа, бог — 221б, 221а, 296а
 Қаро Тол — 73б, 117а
 Қаротол — 115а
 Қаро Туба — 70б
 Қаро Хожя, қасаба — 114а, 226б
 Қарочуқ, тоғ — 70б, 119а
 Қарошаҳар — 278а
 Қароқ — 308б
 Қароқалқонлиқ, вилоят — 232б
 Қаро Қисмоқ — 66б
 Қароқош, дарё — 226б
 Қароған Буйурлағу — 113а
 Қароғучур — 113аб
 Қаро Хисор — 257а
 Қарс — 96а, 163а, 281а
 Қарши — 6а, 30а, 33б, 34б, 35аб, 36аб, 38а,
 39а, 40а, 41а, 43а, 62а, 67б, 106а, 116а,
 133б
 Қасри Аблақ — 244б, 245б
 Қасри Жаҳоннамо — 296аб
 Қасри Зард Йайлоғи — 279
 Қатагон, работ — 66а
 Қатлаш — 34а
 Қаҳлағу — 12б, 13аб, 20б, 21аб, 23б, 30а,
 33а, 38б, 47б, 53б, 107б, 115б
 Қаҳқа — 83б
 Қизил Йағоч — 288а, 289а
 Қизилқоқ — 38а
 Қиморшоҳ Ато — 302б
 Қинор Шақшор (тахминан) — 47б
 Қира — 107б
 Қир Текин — 52а
 Қиршаҳр — 274б
 Қирқ Қул — 123б
 Қирқ Тубалик — 112а
 Қифчоқ Дароқ Сарой — 108б
 Қипчоқ Дашти — қаранг: Даигти Қипчоқ
 Ковун, ариқ — 63б
 Қоз — 114б
 Қози Қумуқ, вилоят — 174б, 175б, 176аб
 Қора Ваник — 247аб
 Қоратол — 117а
 Қоқма — 113а
 Қрим, вилоят — 175б
 Қуббаи Иброҳим Молик — 146а, 256б, 281а
 Қуббаи Метин, *мавзъ* — 62а
 Қуббатул уқоб, дарвоза — 250б
 Қубон — 171б, 172а, 175б
 Қуддус — 238а
 Қуён Қори — 112б
 Қулзум дарёси (Каспий денгизи) — 132аб,
 166б, 292б
 Қулон Қўтали — 115а
 Қулон, уқба — 196а, 303а
 Қулоғи — 144б, 145а
 Қумиша — 143б
 Қумкент — 107б
 Қумтепа — 253б
 Қундуз — 9а, 48б, 49б, 54б, 62б, 108б, 109б,
 111а, 131а, 179б
 Қундузча — 125а
 Қурай суғи — 167б, 169б, 170а
 Қутлуг юрт — 221б
 Қўстантинийа — 270а
 Қўбоқ — 113а
 Қўзи Мундоқ — 221а
 Қўнийа (Қўнийа) — 267а
 Қўнғуз Аланг — 50а
 Қўпқан Йағоч — 110а
 Қўра Қўргон — 146а
 Қўрчуқ, *мавзъ* — 310б
 Қўрчуқ, уқба — 311а, 312б
 Қўрошин тўба Валвалий — 35б
 Қўстур кенти — 225а
 Қўчқор, *мавзъ* — 71а
 Қўшун Қоя — 114б
 Қўҳандиз, қалъа — 154а
 Қўҳистон (Қўҳистон) — 10а, 62а, 133а, 165а,
 178а
 Газа — 238а
 Ганин — 186б, 187аб
 Ғалата — 272б
 Ғалата гузари — 268б
 Ғаний қўшки — 79а
 Ғаффорумулқу қўфруки — 95б
 Ғунон ва Йангтур йайлоғи — 187б
 Ғута — 243а, 247б
 Ғур — 62а, 79б, 83б
 Ғабаший, қалъа — 144б
 Ғазор баро, қалъа — 89б
 Ғалаб — 236а
 Ғама — 238а, 240б
 Ғамавор, дашт — 218а
 Ғамадон, вилоят — 102б, 144б, 177б, 179а
 Ғамид, вилоят, Анатўлияда — 274б, 275а
 Ғарбия, қишлоқ — 149б, 152а
 Ғарур, *мавзъ* — 138а
 Ғаштканд — қаранг: Тошканд
 Ғаштруд — 253а
 Ғижоз — 74а, 99а, 256б
 Ғилла — 146б, 147а, 148б, 151б, 250а
 Ғинд мулки — 193б
 Ғиндувон, қалъа (шунингдек, Ғисори Ғинду-

вон) — 49а, 52а, 55а, 56б
Хиндукуш, уқба — 486, 1096, 1906
Хиндустон — 19а, 29а, 56б, 110а, 186б, 187аб,
188аб, 100аб, 191аб
Хирманд (Хирманд) суви — 89а
Хирот, вилоят — 6а, 8б, 62а, 85б, 109б
Хирот, шаҳар — 7аб, 10а, 34б, 40б, 48б, 78б,
80а, 82а, 86б, 91а, 112а, 182б, 186б
Ҳисни Жағдовул — 252б
Ҳисни Жондор — 252б
Ҳисн Кайф — 153б
Ҳисор — 42б, 108а, 111а
Ҳисорак, мавзъ — 107б
Ҳисори Хиндувон — 52а
Ҳит — 280а
Ҳожн Тархон (Астрахан) — 174б, 175а
Ҳомид — қараиғ: Омид
Ҳорук қалъаси — 262а
Ҳувайза — 136а, 138б
Ҳулм — 20б, 22а
Ҳурмуз — 179а, 180а, 183аб
Ҳусайн, вилоят — 153а
Ҳусм — 238а, 240б, 241а

ЎТНИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

Авғонийлар — 89б, 187а
Ажам — 1б
Апарди — 7а, 108б
Араб — 1б
Арканут — 10б, 49б
Арқудан эли — 173аб
Арлот — 7А
Ашқужа эли — 175б, 176аб
Бадахшонийлар — 50аб, 51а
Баҳрин, қавм — 86аб, 112б, 169а
Булгачи — 114аб
Буралди — 62б
Бурулдай — 108б, 109а
Гуржилар — 96аб, 164а, 165аб
Дуглат — 49б, 66а
Дулон жовун — 20б
Жалойирлар — 32аб, 43б, 68б
Жетгалар — 11б, 12аб, 26б, 43б
Йасудлар — 109б

Йасурийлар — 10а, 33аб, 38а
Йурқун — 171б
Калжи — 171б
Карликот — 15б
Керай — 10б
Қур буқа — 171б
Лакзлар — 96б
Ламоқ эли — 74а
Марвонийлар — 246б
Манғқит — 71б
Мугул — 44б, 103б, 112а, 113б, 114а, 115а,
118а, 120а, 127б
Наймон — 10а
Никударий — 18б, 86б
Ос қавми — 172аб
Оқ Қўйлуқ — 152а
Парлон — 171б
Садидийлар — 83б, 84а
Салучи — 114б
Санжарийлар — 41аб,
Сарамдай, умон — 171а
Снѣхнушлар — 187б, 188аб
Сулдуз — 9б, 10а, 154а
Таллиқон — 108б
Тағочи, эл — 89б
Тожик — 2а, 7аб, 116а, 180б
Туман, эл — 89б
Турк — 2а, 17б, 85б, 101а, 116а, 130б
Туркманлар (Туркмонлар) — 17б, 99аб, 100аб,
152а, 158аб, 159б, 160а
Тўқайн садаси — 89б
Уйгур — 42б, 53а
Хуросонийлар — 48б
Черкаслар — 171б, 172а
Чигатойлар — 7а
Ўзбек — 71а, 169аб, 170а, 171а
Ўйрот — 150а, 152б
Ўриот — 9а
Қазоқ — 68б
Қайтоғ — 167а
Қанқли (қангли) — 10б
Қароунас — 38б, 39б, 41б, 43а, 44а
Қаро Қўйлуқ — 152а, 153а
Қипчоқ — 68б, 126а
Қўнғирот — 61б
Ҳазора — 18б

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Зафарнома	9
Муқаддима	11
Темурбекнинг мутаваалид бўлгани ва оламини ўз жамоли билан йаруқ қилгани сўзлари .	12
Қазағанбекнинг хуруж қилгани сўзи	15
Баён Сулдузбек Абдуллоҳ мирзонинг бошига черик тортиб келгани	19
Туглуқ Темурхон черик йиғиб, Мовароуннаҳр сори келгани	20
Ҳазрат соҳибқирон Ҳожи Барлос билан кенгашиб, ва яна йўлдин айрилиб, Аму суйидин кечиб, Кеш вилояти сори келиб, Туглуқ Темурхоннинг беклари билан мулоқот қилгани	20
Ҳусайнбекким, Қазағанбекининг набираси эрди, Баён Сулдузбек бошига черик тортиб келгани ва ҳазрат соҳибқирон била беклардин мадад тилагани	22
Ҳусайнбек яна ҳазрат соҳибқиронга киши йибариб мадад тилагани	23
Ҳазрат соҳибқирон ва Ҳизрбек Ҳожи Барлос била урушқонлари ва Ҳожи Барлоснинг қочқони сўзи	23
Ҳазрат соҳибқирон Ҳизр Йасурий билан урушқони	24
Туглуқ Темурхон Мовароуннаҳр сори иккинчи қатла черик тортиб келгани	25
Туглуқ Темурхон ўз вилоятига қайтиб боргани	26
Ҳазрат соҳибқирон Ҳусайнбекнинг кейнида боргани сўзи	26
Алибек Жониқурбонининг йамон ҳаракатлариким, Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқиронга қилиб турур	28
Ҳазрат соҳибқироннинг Ҳусайнбекдин айрилиб, Кеш вилоятига боргани	28
Ҳусайнбек билан ҳазрат соҳибқирон Сейистон сори боргонлари	29
Ҳазрат соҳибқироннинг элиги йахши бўлгондин сўнг Арсаф сори боргани	30
Ҳусайнбек ва ҳазрат соҳибқирон Абу Саъид билан ва Мангли Буға ва Ҳайдар била уруш қилгани	31
Ҳусайнбек билан ҳазрат соҳибқирон Тайхон ва Бадахшон сори боргонлари	32
Ҳазрат соҳибқирон Тошкўпрукдин ўтуб, Жета черикини қочурғони	33
Ҳазрат соҳибқироннинг туш кўргони ва ул тушдин севунуб, Илс Хожaxon сори черик тортқони	35
Ҳусайнбек била ҳазрат соҳибқирон Жета черики билан урушуб, музаффар ва мансур бўлгонлари	35
Ҳазрат соҳибқирон Ҳусайнбек билан қурултой қилгонлари ва Кобушоҳ Ўғлонни хон кутаргонлари	36
Лой урушининг шарҳи	37
Жета черики Самарқанд шаҳрини қамал қилгонлари	40
Ҳусайнбек билан ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори боргонлари	41
Ҳусайнбек билан ҳазрат соҳибқирон аросида мухолифат пайдо бўлгонининг сўзи	41
Ҳазрат соҳибқирон черик йиғиштурмак учун Самарқандқа боргани	43
Ҳазрат соҳибқирон Ҳусайнбекнинг устига черик тортиб боргани	44
Ҳусайнбекнинг макру ҳийла қилгонлари ва Ҳизр Хазиначини сулҳ учун соҳибқиронга йибаргани	44
Ҳазрат соҳибқирон Қаршига келгани	46
Ҳусайнбек ҳазрат соҳибқирон сори черик тортқони	49
Ҳусайнбек Бухорога бориб қамал қилгани	50
Ҳазрат соҳибқирон Аму суйидин ўтуб, Қарши черикининг устига келгани баёни	50
Ҳазрат соҳибқирон Жакубекни Ҳирот вилоятига, Малик Ҳусайн Курт қошига йибаргани	51
Ҳазрат соҳибқирон Мовароуннаҳр сори бориб, Ҳусайнбек черикини сиққони	52
Ҳазрат соҳибқирон саодат ва иқбол билан Самарқанд сори боргани	53
Ҳазрат соҳибқирон сори Ҳусайнбек черик йибаргани ва черики бузулуб қочқони	54

Хусайнбекнинг черики ҳазрат соҳибқирон қўқунчидан қочқони ва Хусайнбек қайтқони	56
Хусайнбек ҳазрат соҳибқирон билан яраш қилгонлари	56
Хусайнбекнинг Бадахшонга черик тортиб боргани	58
Ҳазрат соҳибқирон Жета сори боргани	59
Ҳазрат соҳибқирон Бадахшонга черик тортиб, Хусайнбек билан боргани	60
Ҳазрат соҳибқирон Бадахшон вилоятидин қайтқони	61
Ҳазрат соҳибқирон ва Хусайнбек иккинчи қатла бир-бирига муҳолифат қилгонлари	62
Ҳазрат соҳибқирон Хусайнбек билан урушуб, зафар тобқонлари	64
Ҳазрат соҳибқирон Балхдин Самарқандга келгонин баёни	68
Ҳазрат соҳибқирон давлат ва саодат ва иқбол билан қурултой қилғони	69
Ҳазрат соҳибқирон Шибурғонга черик тортиб боргани	69
Ҳазрат соҳибқирон Балх ва Термиз сори черик йибаргани	70
Ҳазрат соҳибқирон Жакубекни Шибурғонга йибаргани	70
Ҳазрат соҳибқирон (Жета) сори боргани	71
Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Жета сори черик тортиб боргани	71
Ҳазрат соҳибқирон Хоразм валийсига элчи йибаргани	72
Ҳазрат соҳибқирон Хоразмга боргани	72
Хусайн Суфий улуб, Юсуф Суфий анинг ерига ўлтурғони ва ул ҳазрат билан йараш қилғони ва ҳазрат Хонзодани шаҳзода Жаҳонгир учун тилагонининг сузи	75
Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Хоразмга боргани	75
Ҳазрат соҳибқирон бекларини Хоразмга Хонзода хоним учун йибаргани	76
Шаҳзода Жаҳонгир Хонзода хоним билан зифоф қилғони	76
Ҳазрат соҳибқирон учунчи қатла Жета сори черик тортиб боргани	77
Ҳазрат соҳибқирон Дилшод ого билан зифоф қилғони	78
Ҳазрат соҳибқирон учунчи қатла Хоразмга боргани зикри ва Сари Буга билан Одишох йааги булгон учун йўлдан қайтқони	79
Туртинчи қатла ҳазрат соҳибқирон Жета сори боргани	80
Амирзода Жаҳонгирнинг вафот булғони зикри	80
Ҳазрат соҳибқирон Қамариддин бошига яна черик йибаргани	81
Ҳазрат соҳибқирон бешинчи қатла Жета сори боргани	82
Ҳазрат соҳибқирон Тўқтамиш Ўғлонни Ўтрор ва Сабронга йибаргани	82
Ҳазрат соҳибқирон Ўрусхон урушига черик тортиб боргани	83
Ҳазрат соҳибқирон Ўрусхоннинг улусини чобқони	84
Ҳазрат соҳибқиронга саодатманд ўғул булғони зикри	84
Ҳазрат соҳибқирон Тўқтамишхонни йана йарогини қилиб, Темур Малик бошига йибаргани ва Темур Малик билан урушуб, зафар тобқони	85
Ҳазрат соҳибқирон Хоразмга элчи йибаргани	85
Ҳазрат соҳибқирон туртинчи қатла Хоразмга бориб, фатҳ қилғони	86
Соҳибқирони саодатманд Кеш қалъасини солиб, Оқсарой иморатини буюргони	87
Соҳибқирони зафарқарин Ҳожи Сайфуддинбекни Малик Гийёсуддинга, Ҳирот вилоятига йибаргани	88
Ҳазрат соҳибқирон шаҳзода Мироншоҳни Хуросонга йибаргани	88
Ҳазрат соҳибқирон Эрон вилоятига черик тортиб боргани	89
Ҳазрат соҳибқирон Фушанж қалъасини мусаххар қилғони	89
Ҳазрат соҳибқирон, яъни Темур Гурагон Ҳирот сори бориб, ани тақи фатҳ қилғони	90
Ҳазрат соҳибқирон Тус ва Калот сори таважжўҳ қилиб боргани	92
Ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори қайтқони	93
Ака Бегининг вафот булғони зикри	93
Ҳазрат соҳибқирони зафарқарин Хуросон сори таважжўҳ қилғони	94
Ҳазрат соҳибқирон Туршиз сори бориб, қалъасини фатҳ қилғони	95
Форс вилоятининг подшоҳидинким, Шоҳ Шўжў эрди, элчи келғони	96
Соҳибқирон Мозандаронга боргани	96
Ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори боргани	96
Дилшод ого ва Қутлўғ Туркон огонинг вафот булғони зикри	98
Соҳибқирон Жета сори черик йибаргани	98
Ҳазрат соҳибқирон Мозандарон сори мутаважжўҳ бўлуб, йўлдин Сейистонга боргани	98
Сейистон қалъасини қамал қилгонлари	99
Ҳазрат соҳибқирон Бўст сори боргани	101
Авгонийлар билан уруш қилгонлари	101

Ҳазрат соҳибқирони саодатманд Самарқанд сори мутаважжих бўлғони зикри	102
Ҳазрат соҳибқирон Мозайдаронга мутаважжих бўлгонининг сузи	102
Валибек шабихун келтурғони	104
Ҳазрат соҳибқирон Темур Гурагон Ироқ сори таважжух қилгонининг зикри	105
Ҳазрат соҳибқирон Султонияга борғони	105
Ҳазрат соҳибқирон Темурбек яна Самарқанд сори қайтқони	105
Ҳазрат соҳибқирон уч йиллик йароғи билан Эрон сори борғони	106
Ҳазрат соҳибқирон Озарбайжон сори мутаважжих бўлғони	107
Ҳазрат соҳибқирон Гуржистон сори борғони	108
Ҳазрат соҳибқирон Қорабоғ сори ёниб борғони	108
Ҳазрат соҳибқирон Бардаъа сори бориб, Дашти Қипчоқдин Тўқтамишхоннинг че- рики келгонин зикри	109
Сарой Мулк хоним шоҳзодалар билан Самарқанддин келғони	110
Ҳазрат соҳибқирон гуркманларнинг дафъи учун черик тортиб борғони	111
Ҳазрат соҳибқирон Ван ва Вастон сори мутаважжих бўлғони	112
Ҳазрат соҳибқирон Ироқ ва Форс сори таважжух қилғони	114
Ҳазрат соҳибқирон Исфаҳондин Шерозга борғони	115
Ҳазрат соҳибқирон Самарқанд сори қайтиб борғони	115
Ҳазрат соҳибқирон Ироқ ва Форс вилоятини мусаххар қилиб, ҳукуматини Оли Му- заффарга бериб, ўзи давлат ва саодат билан қайтиб, Самарқанд вилоятига келғони	118
Ҳазрат соҳибқирон Самарқандда қўйгон бекларини газаб қилғони	118
Ҳазрат соҳибқирон бешинчи қатла Хоразмга борғони	119
Зикри баъзи қиссаларким, соҳибқирон Хоразм борғонида воқиф бўллуб турур	119
Ҳазрат соҳибқирон Тўқтамиш сори черик тортиб борғони ва музаффар ва мансур қайтқони	120
Ҳазрат соҳибқирон амирзода Мироншоҳни Хуросонга йибарғони	121
Ҳазрат соҳибқирон бешинчи қатла Мугулистонга Хизр Хожа Уғлон ва Анка Тура бошига борғони	124
Ҳазрат соҳибқирон қурултой қилиб, яна баҳодур ва бекларни Мугулистонга йибар- гониким, ҳар ерда мўғул қолгон бўлса, мусаххар қилиб келсунлар	125
Ҳазрат соҳибқирон Жета урушидин нусрат ва фатҳ билан қайтиб, Самарқандда кел- ғони	127
Ҳазрат соҳибқирон қурултой қилғони	128
Ҳазрат соҳибқирон Жета сори яна черик йибарғони	128
Ҳазрат соҳибқирон Дашти Қипчоқ сори мутаважжих бўлғони сузи	129
Соҳибқирон черикнинг йароғини кўргони	131
Ҳазрат соҳибқирон Мирзо Муҳаммад Султонни ҳировул этиб илғари йибарғони	133
Қаровуллар урушиб, Ийгу Темурбек шаҳид бўлғони зикри	136
Ҳазрат соҳибқирон Тўқтамишхон билан урушқони	137
Ҳазрат соҳибқирони саодатманд Қипчоқ даштидин фатҳ ва ферузтух билан ёниб, Са- марқанд борғони	140
Ҳазрат соҳибқирон Зобулистон ва Кобулистон вилоятини амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонғирга берғони	141
Ҳазрат соҳибқирон беш йиллик йароғи билан Эрон сори мутаважжих бўлғони	142
Ҳазрат соҳибқирон сиҳҳат тобқондан сунг Жўйи Зардин отланиб Эрон сори борғони	144
Ҳазрат соҳибқирон Омул ва Сори ва Қалъаи Моҳонани мусаххар қилғони	144
Ҳазрат соҳибқирон фатҳномалар Самарқандқа йибариб, ҳарамларини ва саодат- манд ўғлонларини тилағони	146
Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Ироқ ва Форс сори таважжух қилиб борғони	147
Ҳазрат соҳибқирон Луристон ва Хузистонга илғор йибарғони	148
Форс ва Ироқ ҳокимлари ҳаққинидаги баъзи хабарлар зикри	149
Соҳибқирон Шероз сори таважжух қилғони	151
Ҳазрат соҳибқирон Шоҳ Мансур билан урушуб, Шоҳ Мансур ўлғони ҳикоят	153
Соҳибқирон Оли Музаффарни тушуруб, вилоятларни ўз бекларига берғони	154
Соҳибқирон Ироқ сори мутаважжих бўлғони	155
Соҳибқирони саодатнишон Хулоғухон тахтини амирзода Мироншоҳга берғони	156
Соҳибқирон Сарик Туркмоннинг элини чобқонлари	156
Соҳибқиронни гитиситон Бағдод сори мутаважжих бўлғони	157
Амирзода Муҳаммад Султон йул урғувчиларнинг ишнини бир сори қилиб қайтқони	159

Соҳибқирон Миср вилоятининг подшоҳигаким, оти Барқуқ эрди, элчи йибарғони	159
Ҳазрат соҳибқирон Тикрит қалъасига бориб, фатҳ қилғони сўзи	160
Соҳибқирон қайтиб боргонда кейнида боргон шаҳзодалар келиб қушулғонлари сўзи	162
Соҳибқирон Дийрбакр сори борғони	162
Соҳибқирон Руха сори таважжуҳ қилғони	163
Амирзода Умаршайх шаҳид бўлғони сўзи.	163
Соҳибқирон Ҳазира сори борғони	165
Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Мардинга борғони	165
У.гулбек мирзо мутаваллуд бўлгонининг зикри	165
Соҳибқирони комкор Ҳомид қалъасига бориб, фатҳ қилгонининг зикри	166
Ҳазрат соҳибқирон Ола Тоқ сори қайтиб борғони	167
Соҳибқирон черикни боқмагон қалъаларга ва тобиъ бўлмагон элларга йибарғони	167
Авник қалъасининг фатҳ қилғони сўзи	168
Ҳазрат соҳибқирон Авник қалъасидин қайтқони	170
Ҳазрат соҳибқирон газо нияти била Гуржистон вилоятига борғони	171
Шаҳзода Иброҳим Султон мутаваллуд бўлғони зикри	171
Ҳазрат соҳибқирон йанги шоҳзода учун тўй қилғони	171
Ҳазрат соҳибқирон Шоҳруҳ мирзони Самарқанднинг забти учун йибарғони	172
Ҳазрат соҳибқирон Гуржистон кофирлари била газо қилғони	173
Ҳазрат соҳибқирон иккинчи қатла Тўқтамишхон устига черик тортиб борғони	173
Соҳибқирон черикнинг йарогини кўргони	174
Соҳибқирони гитиситон Темур Гурагон Тўқтамишхон била уруш қилғони	175
Тўқтамишхонининг кейнида Темурбек илгор этиб борғони	177
Соҳибқирон Жўчхоннинг улусини мусаххар қилиб, Рус вилоятига борғони	178
Соҳибқирони динпарвар Черкас сори борғони	179
Соҳибқирон Элбуракўх сори борғони	179
Соҳибқирони саодатшиъор Темурбек Кула ва Товус қалъалари сори борғони	180
Соҳибқирони комкор Симсим сори мутаважжих бўлғони зикри	181
Соҳибқирон Ҳожжи Тархон ва Саройни чобқонлари	181
Ҳазрат соҳибқирони нусратшиъор Дашти Қипчоқ ва шимолдаги вилоятлардин қайтқони	182
Соҳибқирони саодатнишон шаҳзода Мироншоҳни Озарбайжон забтига ва қалъан Аланчўқни қамал қилмоқ учун йибарғони	183
Сиржон фатҳининг қиссаси ва Йазд воқеъаси ва Баҳдуд Неховандда муҳолифат қилгонининг сўзи	184
Соҳибқирони саодатманд фарзанди аржуманд амирзода Муҳаммад Султонни Хурмуз вилоятининг забти учун йибарғони	185
Соҳибқирон комкор беш йиллик юришдин қайтиб, Самарқанда бориб тушқони	185
Боғи Шимол тилло қасрини соҳибқирон иморат қилғони	187
Соҳибқирони динпарвар Хуросон вилоятини Шоҳруҳ мирзога берғони	187
Соҳибқирони динпарвар Кеш вилоятига борғони ва амирзода Муҳаммад Султон Форс (юришидин) келғони	188
Соҳибқирон Хизр Хожахоннинг қизини ўзига тилағони ва шаҳзода Искандар учун Бекиси Султонни олғони	189
Ҳазрат соҳибқирон Дилқушойи богини ва кўшқларини иморат солғони	190
Соҳибқирони олиймакон Ҳиндустонга таважжуҳ қилгонининг сабаби	191
Соҳибқирони гитиситон Ҳиндустон сори мутаважжих бўлғони	192
Соҳибқирон Катур сори мутаважжих бўлгон и	192
Ҳазрат соҳибқирони динпарвар Муҳаммад Озодни Рустам Мирзога ва Бурҳон Ўғлонга йибарғони ва ўзи Катурдин қайтқони	193
Соҳибқирон шаҳзода Шоҳруҳни Ҳиротқа йибарғони	194
Қалмоқ хонидинким, Тайзи Ўғлон эрди, элчи келғони ва Шайх Нуриддин Форсдин келғони	195
Эрб қалъасини иморат қилгондин сўнг андаги ўтри (авғонийларни) ўлдурғони	196
Соҳибқирон Шанузон сори мутаважжих бўлуб, Пуриённинг кофирлари устига борғони	196
Ҳазрат соҳибқирон Синд сўйидин ўтғони сўзи	197
Шаҳобуддин Муборакшоҳнинг қиссасиким, аввал мутобиъат йўлидин кириб, сўнг муҳолифат қилди	198
Соҳибқирони саодатнишон Таламба қалъасига борғони	199

Соҳибқирон Кукари сори таважжух қилғони	199
Шаҳзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир Мўлтондин келиб, соҳибқиронга қушулғони зикри	200
Соҳибқирон Батпир қалъасини фатҳ қилғони	201
Соҳибқирон Батпирдин Сарасати ва Фатҳобод ва Амаруни сори мутаважжих бўлғони	203
Соҳибқирони комкор жатларга тааллуқ қалъаларига ва ўлтурурларига борғони	203
Соҳибқирон черикини йасол билан отландуруб борғони	204
Соҳибқирон Луни қалъасининг кучуб, ўрдуга йилгилгон ҳиндуларни ўлдурғони.	205
Соҳибқирон Маҳмуд Султонким, Ҳиндустон вилоятининг подшоҳи эрди, урушқони зикри	206
Султон Маҳмудхон ва Маллухон Деҳли шаҳридин чиқиб қочқонлари ва соҳиб- қирон аларнинг кейинда илғор йибарғони	208
Соҳибқирон Деҳлидин қайтиб, ўзга вилоятларга борғони	209
Мират қалъасини фатҳ қилғони	209
Соҳибқирон Ганг дарёсида бир жамоат габрлар билан уруш қилғони	210
Соҳибқирон бир кунда уч қатла кофирлар билан уруш қилғони	211
Ҳазрат соҳибқирон Кубла дарасига борғони ва анда бир тош кўрдиким, уқуздек эрди, кофирлар ани иззат тутар эрдилар, соҳибқирон анда бориб тафарруж қилғони	212
Соҳибқирони мамоликснтон Ҳиндустон мамлакатидин қайтқони.	213
Сувалак тоғини чобқонлари	213
Сувалак тоғига тааллуқ жангалларга бориб газо қилғонлари	213
Ҳазрат соҳибқирон Жамму ливосига бориб газо қилғони	215
Лаҳовар шаҳрининг қиссаси ва Шайха Кукарининг зикри	216
Кашмир вилоятининг сифати	217
Соҳибқирон давлат ва иқбол билан Мовароуннаҳр сори мутаважжих бўлғони	218
Соҳибқирон Жайҳун суйидин ўтконда хотунлари билан ўтлонлари келғони	220
Ҳазрат соҳибқирон масжиди жумъа иморатини Самарқандда бунёд қилғони	221
Ҳазрат соҳибқирон йана Эрон сори етти йиллиқ йуруш йароғи қилиб борғонининг сабаби	221
Ҳазрат соҳибқирон етти йиллиқ йароғ қилиб Эрон сори борғони	222
Судаймоншоҳбекнинг қиссасиким, ҳукм билан илғари келиб эрди	224
Соҳибқиронга ҳар соридин йахши хабарлар келғони	225
Амирзода Искандарнинг қиссаси.	225
Соҳибқирон Дарай Хамша гуржи кофирларига борғони.	226
Соҳибқирон Дарай Хамшадин қайтиб борғони	227
Амирзода Рустамким, Жомдин Шерозга мутаважжих бўлуб эрди ва агоси амирзода Пир Муҳаммаддин йазуқ воқиф бўлғони зикри	227
Соҳибқирон қурултой қилиб, Гуржистонга борғони	229
Соҳибқирон Жонибек Гуржи сори мутаважжих бўлғони	229
Қалъаи Зарит ва ҳисори Сванетин фатҳ қилғонлари	230
Соҳибқирон Иван Гуржи сори таважжух қилғони	231
Соҳибқирони гитиснтон Гуржистондин қайтқони.	231
Соҳибқирони гитиснтон Сивос сори таважжух қилғонининг сабаби	232
Соҳибқирони саодатнишон қайсари Румга элчи билан нома йибарғони	232
Соҳибқирон Сивос тасхирига таважжух қилғони	233
Соҳибқирон Обулистонга борғони	234
Соҳибқирон Шом сори таважжух қилғонининг сабаби	234
Соҳибқирони гардуналам Мисру Шом сори таважжух қилғони.	235
Биҳишти ва Айнтоб қалъасини фатҳ қилғонлари.	235
Соҳибқирон Ҳалаб сори бориб, Ҳалабни фатҳ қилғони	236
Ҳалабнинг қалъасини урушуб фатҳ қилғонлари	237
Ҳама шаҳрини ва Ҳумс қалъасини фатҳ қилғонининг зикри.	238
Соҳибқирон Баъалбакк шаҳрини фатҳ қилғони	239
Соҳибқирони саодатнишон Дамашқ сори мутаважжих бўлғони.	239
Ҳазрат соҳибқирон Миср подшоҳи билан урушуб, зафар тобқонлари.	240
Дамашқдин Миср подшоҳи Фараж чиқиб чобқони	241
Дамашқнинг арқини фатҳ қилғони сўзи.	242
Соҳибқирон Шом вилоятидин қайтқони	244
Соҳибқирон Фирот суйидин ўтуб ов солғони	245

Соҳибқирон Мардин сори таважжух қилғони	246
Ҳазрат соҳибқирон Гуржистон ва Бағдод сори илгор йибарғони	246
Соҳибқирон Бағдодқа бориб фатҳ қилғони	247
Соҳибқирон Бағдоддин Табриз сори борғони	248
Соҳибқирон амирзода Шохрухни Арзинжон сори йибарғони	249
Туман ого билан шаҳзодалар Самарқанддин келгонлари	249
Соҳибқирон Гуржистон сори таважжух қилиб. Қаробоғи Арронга борғони	250
Соҳибқирон Қаробоғда қишлоқ буюрғони ва амирзода Муҳаммад Султон Самарқанддин келғони	251
Соҳибқирони саодатнишон ҳар сори илгор йибарғони	251
Ҳазрат соҳибқирон Рум сори таважжух қилғонин сабаби	252
Наҳри Барлосни қаздурғони	253
Соҳибқирон Қаробоғдин қайтиб, Шамкур саҳроси сори борғони	254
Тартум қалъасини фатҳ қилғони ва шаҳзодаларким, қишда чобқунга бориб эдилар, қайтиб келгонлари	255
Камох қалъасини фатҳ қилғонда Рум элчилари келғони	255
Соҳибқирони саодатнишон йироғ кўрғони	256
Ҳорук қалъасини фатҳ қилғони	257
Соҳибқирони динпарвар Қайсарийа ва Анкурийага борғони	257
Ҳазрат соҳибқирон черикини тартиб берғони	259
Соҳибқирон Рум подшоҳи била урушуб, зафар тобқони	260
Мансур черики қайсари Румни тутуб, соҳибқирон қошига келтургонлари	261
Соҳибқирон Рум мамлкатига шаҳзодаларни ва бекларни йибарғони ва фатҳномалар Эроғу Туронга йибарғони	262
Амирзода Муҳаммад Султоннинг сўзиким, Бурса сори кетиб эрди.	263
Амирзода Султон Ҳусайн ва Сулаймоншоҳбек қиссалариким, чобқунга бориб эдилар	264
Ҳазрат соҳибқирон Кутаҳийадин кўчиб борғони	264
Соҳибқиронга ҳар тарафдин элчилар келгонлари ва ҳазрат тақи ҳар сори элчилар йибаргонлари	265
Соҳибқирон қишлоқ учун юрт муқаррар қилғони	265
Соҳибқирон Измир сори бориб, қалъани фатҳ қилғони	266
Йилдирим Бойазиднинг ўғлонларидин элчилар келгонлари	267
Соҳибқирон Измир қалъасидин қайтқони	268
Эгридир ва Насибин қалъаларини фатҳ қилғони	269
Йилдирим Боязид вафот бўлғони зикри ва шаҳзодаи олиймакон мирзо Муҳаммад Султон тақи вафот бўлғони	269
Соҳибқирон шаҳзода учун аза очқони	270
Мисрдин элчи келғони (сўзи)	271
Соҳибқирон (қаро) тотор элининг устига бориб, аларни кўчуриб Самарқанд йибарғони	271
Соҳибқирон Рум вилоятидин қайтиб борғони	272
Амирзода Муҳаммад Султоннинг аноси Хонзода хоним ўғлининг вафот бўлғонини эшиттони	272
Соҳибқирон Гуржистон сори мутаважжих бўлғони	273
Шероз вилоятини амирзода Пир Муҳаммадқа иноят қилғони ва Исфаҳонни иниси амирзода Рустамга берғони	273
Соҳибқирон амирзода Або Бакрни Бағдоднинг иморатиға йибарғони ва Ироқи Арабни забт қилғони	273
Соҳибқирон Гуржистон вилоятиға кирғони	274
Картин қалъасиким, Гуржистонда улут қалъаларди эрди, фатҳ қилғони	275
Воқияларким, мундин бурун воқия бўлуб эрди, анинг зикри	276
Соҳибқирони сарафроз Абхаз сори таважжух қилғони	277
Соҳибқирон Абхаздин қайтқони	277
Байлақон шаҳрининг иморати, ҳисорининг биноси ва анинг хандақи қазилғони сўзи	278
Ҳазрат соҳибқирон раъийат аҳволини таҳқиқ қилмоқ ва адлу эҳсонни ўрнатмак учун атрофи мамоликка уламо ва умарони йибарғони	278
Шаҳзодаларким, Ироқи Арабқа бориб эдилар, аларнинг сўзи	279
Амирзода Умар Самарқанддин келғони ва вақоийким, Байлақон шаҳрини йасағонда воқия бўлди	280
Ҳазрат соҳибқирон Қаробоғда қишлоқ солғони	280

Шаҳзода Шоҳрух Гилон сори таважжух қилиб боргани	281
Мардин ва Вастондин ҳокимлари келгонлари ва амирзодаи марҳум Муҳаммад Султон мирзога ош бергонлари	282
Соҳибқирони диншарвар етти йиллиқ юришдин қайтгани	282
Соҳибқирони саодатнишон Ҳулоғхоннинг улусини амирзода Умарга бергани	283
Амирзода Рустам ва Сулаймоншоҳбекким, Рай сори кетиб эрдилар, аларнинг сўзлари	283
Амирзода Искандар била Шоҳ Маликбеким Рай сори йибаргани	284
Ферузқух қалъасини фатҳ қилгани	285
Соҳибқирон Жилов сори боргани	286
Амирзода Султон Ҳусайн Искандар била урушиб, Искандар гойиб бўлишининг зикри	287
Соҳибқирони гитиситон илғор била Самарқанд сори мутаважжих бўлишининг зикри	287
Соҳибқирони саодатманд дорусалтана Самарқандга киргани	289
Соҳибқирони даредил Конигида улуг тўй этиб, бўйга еткон шаҳзодаларини кадхудо қилгани	290
Соҳибқирони гитиситон Хитойга бормоқнинг асбобиға машғул бўлгани	292
Соҳибқирони гитиситон Хитой сори таважжух қилгани	293
Оқсулотда ўлтурғонда баъзи воқияларким, воқия бўлди, анинг шарҳи	293
Соҳибқирон Оқсулотдин кўч қилгани	294
Ҳазрат соҳибқирон, яъни Темур Гурагон, анара А.лоҳ бурҳонахунунг вафот бўлгани қиссаси	295
Ва китобининг охирида айтқумиз турур баъзи воқияларким, ҳазрат соҳибқирон, анара А.лоҳ бурҳонаху, вафотидин сўнг воқия бўлди	297
Соҳибқироннинг наъшнини Ўтрордин чиқоргонлари	298
Беклар шаҳзодалар ва оғолар била кенгашиб, Хитой юришиға мутаважжих бўлгонлари	298
Соҳибқироннинг наъшнини Самарқанд сори йибаргонлари	299
Амирзода Султон Ҳусайн муҳолифат қилгани	300
Амирзода Султон Ҳусайннинг муҳолифатдин хабар билиб, беклар ҳар сори хабар йибаргонлари	300
Шоҳ Маликбек ва Шайх Нуриддинбек Тошкентдаги бекларға мактуб йибаргонлари	301
Бурундукбек Тошканддин келиб боргон хатнинг жавобини келтургани	301
Бурундукбекнинг сўзким, Тошкандга бориб эрди	302
Бекларнинг амирзода Халил Султон била муҳолифат қилгонлари сўзи	303
Беклар оғолар била кенгашиб, Бухороға боргонлари	304
Шаҳзодалар била беклар Бухороға боргонлари	304
Соҳибқироннинг ҳарамлари Самарқандда бориб, гаъзият очқонлари	305
Шаҳзодалар ва бекларким, Бухороға бориб эрдилар, аларнинг қиссалари	305
Амирзода Халил Султон била Самарқанддаги беклар муттафиқ бўлгонлари	306
Амирзода Халил Султон Самарқанд тахтида ўлтуруб, подшоҳ бўлишининг зикри	306
Амирзода Халил Султон подшоҳ бўлишининг зикри ва йана завоқ тобқонининг сабаби	307
<i>Хотима</i>	308
<i>Изоҳлар</i>	311
<i>Кўрсаткичлар</i>	355
<i>Библиографик номлар кўрсаткичи</i>	356-357
<i>Киши номлари кўрсаткичи</i>	358
<i>Жўгрофий номлар кўрсаткичи</i>	305
<i>Этник номлар кўрсаткичи</i>	374

ШАРАФУДДИН АЛИ ЙАЗДИЙ

ЗАФАРНОМА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош тахририяти
Тошкент — 1997

Мухаррирлар: *Б. Сайидамонов, С. Рафъиддинов, И. Шоймардонов*

Безаклар: *М. Аъламоғжик*

Бадий мухаррирлар: *А. Баҳромов, Ф. Башарова*

Саҳифаловчи: *Р. Баязитова*

Техник мухаррирлар: *Е. Лукьянова, Д. Габдрахманова*

Теришга берилди 12.06.96. Босишга рухсат этилди 10.12.96. Бичими 60x90¹/₈. Тип Бодони
гарнитураси. Оффсет босма. Шартли босма табоги 38,0. Нашриёт-ҳисоб табоги 48,0+1 б. т. илова.
Адади 15.000. Буюртма № 381. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Й 11

Йаздий, Шарафуддун Али.

Зафарнома // Суз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков: Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И. Шогуломов ва бошқалар// Т.: Шарқ, 1997. — 384 б. + 16 илова.

ББК 63.3(5Ў)